

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ


ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗМА АДАБИЙ ТИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗМА АДАБИЙ ТИЛИ

33903



Тошкент
«Akademnashr»
2020

УЎК: 811.512.133-26
КБК: 81.2-03(5Ў)
С 75

С 75 **Содиқов Қосимжон**

Эски ўзбек ёзма адабий тили [Матн]: илмий-оммабоп / Қ.Содиқов.
– Тошкент: «Akademnashr», 2020. – 592 б.

ISBN 978-9943-6502-7-5

УЎК: 811.512.133-26
КБК: 81.2-03(5Ў)

Ушбу китобда юзйилликлар оша яратилган туркий ёзма ёдгорликлар материаллиги таянган ҳолда ўзбек адабий тилининг юзага келиши, илк ва ўрта асрлардаги лингвистик такомилли илмий тадқиқ этилган. Унда ёзма ёдгорликлар тилининг фонетик, грамматик хусусиятлари, шунингдек, тарихий ата-машунослик ва матн стилистикаси масалалари кенг қамровда ёритиб берилди.

Китоб филологлар, туркий тиллар тарихи йўналишида изланиш олиб бораётган ёш илмий ходимлар ва толиби илмларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор **Қудратилла Омонов**,
филология фанлари доктори **Рихситилла Алимухамедов**

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Илмий кенгаши нашрга тавсия қилган (2020 йил июль ойининг йигирманчи куни бўлиб ўтган 11-сонли мажлис қарори).

Китоб «Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида этно-лингвистик вазият» мавзудаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида ёзилди.

ISBN 978-9943-6502-7-5

© Қосимжон Содиқов
«Эски ўзбек ёзма адабий тили»
© «Akademnashr», 2020 йил

СЎЗБОШИ

Ўзбек тили бой ёзма мерос, юзйилликлар оша келаётган ёзма адабий тил анъаналарига эга бўлган қадимий тиллардандир. Биз, ўзбеклар, ёзма адабий тилимиз тарихини илк ўрта асрларда яратилган кўк турк (туркий рун, ўрхун-енисей), уйғур, моний ёзувли туркий битиглар тилидан бошлаймиз. Она тилимизнинг илдизлари ота-боболаримиздан қолган ўша қимматли обидаларда акс этган. Ёзма адабий тил тарихининг ўша босқичини ибтидоий, бошланғич кўринишдаги тил эди деб тушунмаслик керак. Илк ўрта асрлардан қолган эпиграфик матнлар, тарихий-адабий, диний-фалсафий асарлар, расмий хужжатлар туркий адабий тил, унинг ёзма услублари юқори даражада такомиллашган бўлиб, адабий тил ва унинг имкониятлари ўта кенг бўлганидан дарак бериб туради.

Ўтган давр оралиғида адабий тилимиз мураккаб тарихий-лингвистик жараёнларни босиб ўтди. Адабий тилнинг фонетик, грамматик тизими ўзгариб, стилистик жиҳатдан янада такомиллашиб келди. Турли диний-фалсафий қарашлар, ижтимоий-сиёсий, этно-лингвистик ва этно-маданий жараёнлар, шарқ тилларининг ўзаро алоқалари эпкиннида адабий тилнинг луғат таркибида ҳам ўзгаришлар юз берди.

Адабий тил тарихидаги иккинчи кўтарилиш қорахонийлар замонида юз берди. Қорахонийлар даври ёзма адабий тили қадимги туркий тил анъаналарига таянган ҳолда уни янги бир босқичга олиб чиқди.

Ўзбек адабий тили тарихининг энг гуллаган, такомил чўққисига эришган классик даври соҳибқирон Темурбег ва темурийлар қудратли салтанат қуриб, юртни бошқарган замонларга тўғри келади. Ёзма адабий тилнинг ушбу босқичи ўрта асрларда яратилган ёзма манбаларда «чиғатой туркийси», «чиғатой туркчаси» деб аталган. Темурийлар даврида давлат ва жамият бошқарувида, халқаро-дипломатик алоқаларда, бадиий адабиётда туркий тилнинг обрў-эътибори ниҳоятда кучли эди. Бу кезларда икки хил ёзув ишлатилган: бири тарихий-маданий анъаналар таъсирида ишлатилиб келган *уйғур ёзуви* (Навоий сўзи билан айтганда, *türkçä hat*), иккинчиси эса *араб ёзуви*. «Чиғатой туркчаси»даги адабий асарлар, тарихий, диний-фалсафий, илмий китоблар, расмий хужжатлар ана шу ёзувларда сақланиб қолган.

Бу даврда ўзбек адабий тили тараққиётига Мавлоно Лутфий, Атойи, Мир Ҳайдар, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад

Навои, *türkçā hatı*), которое использовалось под влиянием исторических и культурных традиций, второе – *арабское письмо*. Литературные произведения, исторические, религиозно-философские, научные книги и официальные документы «чагатайского языка» хранятся именно в таких письменных источниках.

В этот период достойный вклад в развитие узбекского литературного языка внесли такие великие поэты, как Мавлана Лютфи, Атайи, Мир Хайдар, Алишер Навои, Хусейн Байкара, Захириддин Мухаммад Бабур и Шейбани. Особенно велики в этих процессах заслуги великого мыслителя и поэта Мир Алишера Навои. Своими художественными, историко-философскими, научными работами Навои посредством практических и научных методов доказал, что богатство, поэтические и методологические возможности тюркского языка безграничны.

Литературный язык периода Навои определил дальнейшее развитие узбекского литературного языка. Художественные, исторические, научные, религиозные и философские произведения, созданные на узбекском литературном языке того времени и до начала прошлого века, можно проследить непосредственно до литературных языковых традиций периода Тимуридов.

Цель создания этой книги – изучить длительные и сложные языковые процессы, протекавшие в истории узбекского языка в единой системе, а также показать изменения в определенной последовательности. В книге рассматриваются историческое развитие узбекского литературного языка в средние века, фонетическая и письменная структуры, грамматический строй, развитие письменных методов, а также изменения в структуре словаря на основе письменных реликвий.

PREFACE

The Uzbek language is one of the ancient languages with a rich written heritage and centuries-old written literary traditions. We, Uzbeks, begin the history of our written literary language from the language of the Orkhon-Yenisei (Turkic-runic), Uyghur and Manichean scripts, created in the early Middle Ages. The roots of our native language are reflected in the precious monuments left by our ancestors. It should be understood that this stage in the history of the written literary language was not one of a primitive form. Epigraphic texts of the early Middle Ages, historical-literary, religious-philosophical works, official documents testify to the vast possibilities and high development of the Turkic literary language, as well as its written style.

Since then, our literary language has surmounted complex historical and linguistic processes. The phonetic and grammatical system of the literary language have changed and stylistically improved. There were changes in the lexical structure of the literary language due to various religious and philosophical views, socio-political, ethno-linguistic and ethno-cultural processes, the interaction of oriental languages.

The second upsurge in the history of the literary language took place during the Karakhanid period. The written literary language of the Karakhanid period brought it to a new level, based on the traditions of the ancient Turkic language.

The most prosperous and perfect classical period in the history of the Uzbek literary language goes back to the times when the ruler Timur and the Timurids ruled the country, building a powerful state. At this stage, the written literary language received the name «Chagatai language» (*čiyatay tili; čiyatayča*), reflected in written sources created in the Middle Ages. During the reign of the Timurids, the prestige of the Turkic language in the management of the state and society, in international diplomatic relations and in fiction was significantly high. At that time, two types of writing were used: the first was the Uyghur script (according to Navoi, *türkčä xaṭ*), which was used under the influence of historical and cultural traditions, the second was the Arabic script. Literary works, historical, religious-philosophical, scientific books and official documents of the «Chagatai language» are stored in just such written sources.

During this period, such great poets as Mavlana Lutfi, Atayi, Mir Haydar, Alisher Navoi, Hussein Baykara, Zakhiriddin Muhammad Babur and Sheiba-

ni made a worthy contribution to the development of the Uzbek literary language. Especially great in these processes are the merits of the great thinker and poet Mir Alisher Navoi. With his artistic, historical, philosophical, scientific works, Navoi, through practical and scientific methods, proved that the wealth, poetic and methodological possibilities of the Turkic language are endless.

The literary language of the Navoi period determined the further development of the Uzbek literary language. Artistic, historical, scientific, religious and philosophical works created in the Uzbek literary language of that time and up to the beginning of the last century can be traced directly to the literary linguistic traditions of the Timurid period.

The purpose of creating of this book is to study the long and complex linguistic processes that took place in the history of the Uzbek language in a single system, as well as to show the changes in a certain sequence. The book examines the historical development of the Uzbek literary language in the Middle Ages, phonetic and written structures, grammatical structure, the development of written methods, as well as changes in the structure of the dictionary based on written relics.

ÖNSÖZ

Özbek dili, zengin yazılı mirasa ve yüzyıllardır süre gelen yazı dili geleneklerine sahip olan eski dillerden biridir. Biz Özbekler, yazılı edebi dilimizin tarihini Orta Çağın başlarında kullanılmaya başlanan Göktürk (Türk Run, Orhun-Yenisey), Uygur, Mani yazılı Türkçe yazıtlar döneminden itibaren başlatıyoruz. Ana dilimizin kökleri, atalarımızın bıraktığı o değerli anıtlara yansımıştır. Yazı dili tarihinin başlangıcı olan bu dönemler ilkel bir yazı dili olarak anlaşılmalıdır. İlk Orta Çağdan günümüze ulaşan metinler, tarihi edebi, dini felsefi eserler, vesikalar yazı dilinin ilk dönemleri olmasına rağmen Türk dilinin, yazı üslubunun oldukça geliştiğini, edebi dilin ve olanaklarının bir hayli geniş olduğunu kanıtlar niteliktedir.

Bugüne kadar geçen uzun bir tarihi süreçte edebi dilimiz çetin tarihsel ve dilbilimsel süreçlerden geçti. Yazı dilinin fonetik ve gramer sistemi değişti, ancak üslup açısından gelişti. Çeşitli dini ve felsefi çevreler, sosyo-politik, etno-dilbilimsel ve etno-kültürel süreçler, doğu dillerinin karşılıklı etkileşimlerinden ötürü, yazı dilinin sözcüklerde de ciddi değişiklikler meydana geldi.

Yazı dili tarihindeki ikinci yükseliş, Karahanlılar döneminde gerçekleşti. Karahanlı döneminin yazı dili, onu eski Türk dilinin geleneklerine dayalı olarak yeni bir düzeye taşımıştır.

Özbek edebi dilinin tarihindeki en şahlanış ve zirve noktasına ulaştığı klasik dönem, Emir Timur ve Timuruların güçlü saltanat tesis ettiği ve ülkeyi yönettiği zamana denk gelir. Yazı dilimizin bu aşaması, Orta Çağda kaleme alınan yazılı kaynaklarda «Çağatayca», «Çağatay Türkçesi» şeklinde anılmıştır. Timurular döneminde devletin ve toplumun yönetiminde, uluslararası ilişkilerde ve edebiyatta Türk dilinin mevki ve itibarı son derece kuvvetliydi. Söz konusu dönemde iki çeşit yazı kullanılmıştır: biri tarihi ve kültürel geleneklerin etkisi altında kullandığımız sürdüren *Uygur yazısı* (Nevayî'nin deyimıyla, *türkçâ xat*), diğeri ise *Arap alfabesi* idi. «Çağatay Türkçesi» ile yazılan edebi eserler, tarihi, dini-felsefi, ilmi kitaplar, resmi belgeler işte bu alfabe ile yazılmıştır.

Bu dönemde Mevlana Lutfi, Atayi, Mir Haydar, Ali Şir Nevayî, Hüseyin Baykara, Zahirreddin Muhammed Babur, Şeybani Han gibi büyük şairler Özbek edebi dilinin gelişmesine katkılar sağlamışlardır. Büyük düşünür ve şair Emir Ali Şir Nevayî'nin hizmetleri bu süreçlerde özellikle daha fazladır. Nevayî, sanatsal, tarihsel-felsefi, bilimsel çalışmaları ile Türk dilinin zenginliğinin, şiirsel ve metodolojik olanaklarının sınırsız olduğunu pratik ve bilimsel olarak kanıtladı.

Özbek edebi dilinin sonraki dönemlerdeki gelişimini de Nevayi döneminin yazı dili belirlemiştir. O dönemlerden geçtiğimiz yüzyılın başına kadar kaleme alınan Özbek edebi diliyle meydana getirilen sanatsal, tarihi, bilimsel, dini ve felsefi eserler, doğrudan Timurlu döneminin edebi dil geleneklerini taşımaktadır.

Elinizdeki kitabın yazılış amacı, Özbek dili tarihi boyunca geçtiği bu uzun ve çetin dilbilimsel süreçleri tek bir sistemde incelemek, yaşanan değişiklikleri belirli bir sırayla yansıtmaktır. Kitap, Özbek yazı dilinin meydana gelmesinden itibaren, Orta Çağda yaşanan tarihsel gelişimi, dilin fonetiği, yazı sistemi, gramer yapısı, yazılı yöntemlerin gelişimini, sözcüklerindeki görülen değişimler, gelişimler yazılı kaynaklar temelinde ele almaktadır.

КИРИШ

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: туркий тиллар, ўзбек тили, ўзбек адабий тили, эски ўзбек ёзма адабий тили; туркий ёзма ёдгорликлар, ўзбек шевалари.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Ўзбек тилининг тарихий илдизлари тўғрисида умумий тушунча.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш масаласи.

Ўзбек адабий тили тарихини ўрганишнинг таянч манбалари.

Ўзбеклар Марказий Осиёнинг қадимий халқларидан бўлиб, ўзининг узоқ асрли ёзув маданияти, бой ёзма ёдгорликлари, ёзма адабий тил ва матн тузиш анъаналари, этнографияси, миллий удумларига эга. Халқнинг оти – *ўзбек*, унинг тилини эса *ўзбек тили* деймиз.

Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир.

Ўзбек тили туркий тилларга мансуб. *Туркий тиллар* деганда ўзбек тили қолипидаги, ҳар қалай, ўзбеклар тинглаганда унча-мунча тушунадиган тиллар кўзда тутилади. Туркий халқларнинг сони йигирма тўртта бўлиб, катта қисми Осиёда, шунингдек, Европа ҳудудларида ёйилиб яшайди. Дунёда уларчалик кенг ёйилиб яшайдиган халқлар оз. Олтой назариясига кўра, туркий тиллар олтой тиллари оиласидан келиб чиққан.

Ўзбек тилининг икки хил кўриниши бор: умумхалқ тили ва адабий тил. *Ўзбек умумхалқ тили* кенг омманинг тили бўлиб, у лаҳжа ва шевалардан иборат. Ўзбек тили уч йирик – *қарлуқ-чигил*, *қипчоқ* ва *ўғуз лаҳжаларини* ўзига қамрайди. Яна ҳар бир лаҳжанинг ўнлаб шевалари бор; уларнинг сонини аниқ айтиш қийин.

Ўзбек адабий тили эса лаҳжа ва шеваларни ўзаро бирлаштирувчи, уларнинг материали сайлаб сайқалланган, муайян фонетик, грамматик, лексик-семантик, стилистик ўлчовларга бўйсундирилган тилдир. Ўзбек адабий тили юзйилликлар оша шаклланган ва такомил чўққисига етишган ёзувлар ва ёзма услублар анъанасига эга бўлиб, ҳозирги адабий тил ўша азалий анъаналарни ўзида сақлаб келмоқда.

Муҳими шундаки, умумхалқ тилининг ҳам, ўзбек адабий тилининг ҳам ўз тарихи бор. Жумладан, ўзбек умумхалқ тилининг тарихи олтой давридан бошланади. Адабий тилнинг тарихи эса ёзувнинг яратилиши, туркий матн тузиш анъанасининг, ёзма тил услубларининг юзага келиши ва уларнинг қатъийлашуви билан боғлиқ. Шунга кўра, ўзбек адабий тилининг тарихи ёзма ёдгорликлари маълум бўлган қадимги турк давридан (Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари даврида яратилган битиглар тилидан) бошланади.

Туркий халқларнинг булардан-да эски, ҳатто милоддан аввалги даврларга тегишли ёзув ёдгорликлари ҳам топилган. Бироқ улар йирик матнлар эмас, турли буюмлар сиртидаги икки-уч сўзли ё қисқа жумлали ёзувлардир. Улар ёзма тил тарихини ўрганиш учун озлик қилади. Шунинг учун ҳозирча адабий тил тарихини туркларда ёзув маданияти юксалган, халқнинг саводхонлик даражаси юқори бўлган кўк турк хоқонликлари давридан бошлаб турганимиз маъқул.

Туркий адабий тилнинг шаклланиши ва унинг такомилга эришувида VI – VIII юзйилликларда ҳукм сурган Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонликларининг таъсири катта бўлди. Хоқонликларнинг давлат сиёсати туркий халқлар маданияти, адабиёти ва адабий тилининг тараққиётига, илм-фан ривожига кенг йўл очиб берди. Бу даврда улкан хоқонлик ҳудудидаги туркий қавмларнинг бошини қовуштириб, давлатни мустақкамлаш, халқни ягона бошқарув теварагига уюштириш ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлат ва жамият бошқарувида, иш юриши ва халқаро дипломатик муносабатларни йўлга қўйишда, илм-фан ва адабиётнинг равнақи учун хоқонлик ҳудудида умумий адабий тилдан фойдаланиш эҳтиёжи туғилди.

Турк хоқонлари, таниқли кишилар, давлат арбоблари шарафига тикланган ёдномалар ана шу адабий тилда битилган. Битигларда хоқоннинг яқин кишилари, уруғи, ҳукумат амалдорлари, тўрт қутбдаги халққа, бутун турк улусига, келажак ўғил-қизларга қаратилган чақириғи баён қилинган эди.

Жумладан, 732 йили улуғ саркарда Кул тигин шарафига тикланган мангутош битиги шундай сўзлар билан бошланган: *Sabimîn tükâti esidgil: ulayu ini yâgünüm, oylanim, biriki oyuşum, bodunum, biryâ şadapit bâglâr, yîrya tarqat, buyruq bâglâr, otuz ... toquz oyuş bâglâri, bodunî, bu sabimîn âdgüti âsid, qatiydî tînlâ.* – «Сўзимни тугал эшитгил, кетимдаги ини, жияним, ўғлоним, иттифоқ, уруғим, халқим, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз ... тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла» (Ка.1–2).

Хоқоннинг, юрт халоскорининг ушбу сўзлари битигнинг бутун турк улусларига тушунарли бўлган адабий тилда ёзилганига далилдир.

Ўзбек умумхалқ тилининг тарихини тилшунос-мутахассислар тор доирада ўрганса етарли. Олий ўқув юртларининг билим ўрганувчиларига эса адабий тил тарихи ўқитилади. Бунинг сабаби, ўзбек тили тарихида яратилган ёзма манбаларнинг асосий қисми адабий тилдадир. Билим ўрганувчилар бир кун келиб мутахассис бўлганида ана шу ёдгорликларни ўқиб ўрганиш, уларни нашрга тайёрлаш, илмий тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласи кўпдан бери турколог-олимлар эътиборини ўзига тортиб келаётир. Адабий тилнинг келиб чиқиши, тарихий тараққиёти тўғрисида шу чоққача билдирилган фикрлар ҳар турли. Бу масалада тугал бир тўхтамга келинган эмас.

Фикрларнинг ҳар хиллиги икки нарсага бориб тақалади: биринчиси ўзбек тилининг келиб чиқиш даври билан; иккинчиси тарихий даврлар оралиғи ва уларни номлашдаги ҳар хиллик билан боғлиқ.

Яратилган таснифлар ичида А.Н.Самойлович, Ф.Кўпрулу, А.М.Шчербак, Я.Экманн таснифлари анча прогрессивдир. Бу олимлар ўзбек адабий тилининг шаклланишини қорахонийлар даври адабий тили («қорахоний туркчаси», «қорахонийча»)га боғлаганлар. Яна бир жиҳати, уларнинг айтарли барида адабий тилнинг классик даври ва унинг давомига катта эътибор қаратилган (*қаранг*: Ескманн 1988, X – XIV). Бу таснифлар ўзининг илмий асосга эгаллиги билан тилшуносликдаги чалкаш қарашларни анча изга солади.

Шундай эса-да, мавжуд таснифлар туркологиянинг ҳозирги талаблари асосида такомиллаштирилгани маъқул.

Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Биринчидан, қорахонийлар даври адабий тили тил тарихидаги улкан кўтарилишлардан биридир. Лекин у ўзбек адабий тили тарихининг оралиқдаги бир босқичи, холос. Таъкидлаш ўринлики, қадимги туркий ёзма адабий тил, хусусан, Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари, Уйғур хоқонлиги даври битигларида акс этган ёзма адабий тил анъаналари бўлмаганида, қорахонийлар даври адабий тили («хоқония тили», «хоқония туркчаси») юксак даражага эришмаган бўларди. Қорахонийлар даври адабий тили ўзигача бўлган қадимги туркий адабий тилнинг давомида туради ва у кўк турк, уйғур,

моний, браҳма, суғд ёзувларида яратилган ёзма ёдгорликларнинг тил анъаналарини ўзлаштириб, такомил босқичига эришган ёзма адабий тил эди. Шунинг учун ҳам ўзбек ёзма адабий тили тарихини ўша исломдан бурун яратилган битиглар тилидан бошлаганимиз тўғри. Қорахонийлар даври эса адабий тилнинг кейинги босқичи сифатида ўрганилаверди.

Яна бир жиҳати, чет эл туркологларининг таснифларида XV юзйилликдан XX юзйилликнинг бошларигача бўлган даврларни қўшиб «чиғатой туркчаси», «чиғатойча» деб аталганлиги у қадар тўғри эмас. «Чиғатой туркчаси» атамасини ўзбек адабий тилининг классик даврига, хусусан, XV – XVI юзйилликлардаги адабий тилга нисбатан қўлласа бўлади, лекин кейинги даврларни, ҳатто унинг давоми бўлган тақдирда ҳам, бундай атамаслик керак. Чунки ўтмиш манбаларида кейинги даврлар тили бундай аталган эмас.

Шу чоққача яратилган ва энди яратилажак таснифлар қанчалик мумкамлалашмасин, уларда тарихий даврлар оралиғи бундан кейин ҳам ҳар хил аталаверади: кимдир тарихий атамани, кимдир ҳозир қабул қилинган атамаларни ишлатиши табиий. Шунинг учун таснифда уларни босқичларга ёки даврларга (масалан, А.М.Шчербак таснифидаги сингари) бўлиб қўйила қолгани яхши.

Менимча, ўзбек адабий тили тарихини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш маъқул:

I босқич. Бу босқич милoddан аввалги даврлардан милодий V юзйилликкача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ҳозирги илмий асарларда туркий тилнинг энг кўҳна даври *олтой*, кейинги босқичи *хун даври* деб аталаётир. Ўзбек умумхалқ тилининг тарихи ана шу олтой давридан бошланади. Ёзма адабий тил пайдо бўлгунга қадар ҳам ўзбек умумхалқ тили узоқ этно-лингвистик жараёнларни босиб ўтган.

Бу даврлардан йирик ёзма ёдгорликлар сақланган эмас, борлари бўйича айрим мулоҳазаларни билдириш мумкин, холос. Лекин улар орқали адабий тилни тўлиқ ўрганиш қийин. Шунинг учун ёзма адабий тил тарихини кейинги босқичдан бошлаганимиз маъқул.

II босқич. Тилимиз тарихининг бу босқичи VI – X юзйилликларни қамрайди. Илмий асарлар, дарслик ва қўлланмаларда бу даврлар оралиғидаги ёзма адабий тил «қадимги туркий тил» деб юритилаётир.

Энг кўҳна туркий ёзма ёдгорликлар ўша даврлардан қолган. Туркий адабий тиллар, хусусан, ўзбек ёзма адабий тилининг тарихи ўша даврларда яратилган битиглар тилидан бошланади.

Бу босқичда яратилган ёзма ёдгорликларни даври, айрим тил хусусиятларига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

(1) Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари давридан қолган кўк турк ёзувли ўрхун-енисей битиглари, тува, талас, фарғона ёзма ёдгорликларининг тили;

(2) Уйғур хоқонлиги ва давлатлари давридан қолган кўк турк, уйғур, моний, браҳма ёзувларидаги туркий ёдгорликлар тили.

III босқич. Бу босқич XI юзйилликдан XIII юзйилликнинг бошларига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Илмий асарлар, дарслик ва қўлланмаларда бу даврлардаги ёзма адабий тилни «эски туркий тил» ёки «қорахонийча», «қорахоний туркчаси», «хоқония туркчаси» деб аталаётир.

Бу қорахонийлар даври ёзма адабий тили бўлиб, у мўғуллар истило-сигача бўлган даврда ишлатилган.

IV босқич. XIII юзйилликнинг иккинчи ярмидан XIV юзйилликнинг 70-йилларигача бўлган оралиқда яратилган ёзма ёдгорликлар тили. Илмий асарларда бу оралиқдаги ёзма адабий тил «илк чиғатой даври» деб ҳам аталаётир. Бу давр тилини ўз ичида иккига ажратиш мумкин:

(а) Эски хоразм туркчаси (Олтин Ўрда ва Хоразм муҳитида амал қилган туркий ёзма адабий тил);

(б) Эски қипчоқ тили (қипчоқ юртларида шаклланган ёзма адабий тил, шунингдек, араб ўлкаларида мамлуклар даврида қипчоқ тили бўйича яратилган луғат ва грамматик асарлар тили).

V босқич. XIV юзйилликнинг 70-йилларидан бошлаб XVI юзйилликлар оралиғида яратилган ёзма ёдгорликлар тили. Бу эски ўзбек классик ёзма адабий тили бўлиб, илмий адабиётларда «чиғатой туркчаси», «чиғатой туркийси» ёки «классик чиғатой тили» деб ҳам аталаётир.

Бу босқични ҳам ўз ичида қуйидаги даврларга ажратса бўлади:

(а) XIV юзйилликнинг 70-йилларидан XV юзйилликнинг биринчи ярмигача (Навоийгача бўлган давр);

(б) XV юзйилликнинг иккинчи ярми (Алишер Навоий даври);

(с) XVI юзйиллик (Заҳриддин Бобур ва Муҳаммад Шайбоний даври).

Бу тил қорахонийлар даври ёзма адабий тили, эски хоразм туркчаси ҳамда эски қипчоқ тили негизида шаклланди. Ўрта асрларнинг ёзма манбаларида «чиғатой туркчаси» деб аталган адабий тил эски ўзбек тилининг классик босқичи бўлиб, у Темурийлар салтанатининг расмий ёзма адабий тили эди. Ўтмишда бошқа туркий ёзма адабий тил-

лардан (жумладан, қипчоқ тили, эски анатўли туркчаси сингари) бу ўлкадаги ёзма адабий тилни фарқлаш учун уни «чиғатой туркчаси» деб атаганлар.

VI босқич. XVII юзйилликдан XIX юзйилликнинг биринчи ярмигача бўлган ораликда яратилган ёзма ёдгорликлар тили. Бу **Ўзбек классик ёзма адабий тилининг давоми** бўлиб, Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари даврида яратилган асарларни ўз ичига олади.

VII босқич. XIX юзйилликнинг иккинчи ярмидан XX юзйилликнинг бошларигача бўлган ораликда эски ўзбек тилида яратилган ёзув ёдгорликлари тили.

VIII босқич. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бу XX юзйилликнинг 15 – 20-йилларидан бошлаб ҳозиргача ишлатилаётган адабий тилдир.

Ўзбек тили тарихи бундай босқичларга ажратиб ўрганилиши тасодифий эмас. Ўзбек тили ўзининг шаклланишидан бошлаб шу чоққача узоқ тарихий-лингвистик жараёнларни бошдан кечирди. Замонлар оша ёзма адабий тилнинг товуш қурилиши такомиллашди, грамматик тизимида ўзгаришлар юз берди, луғат таркиби анча ўзгариб, тилнинг стилистик ўлчовлари янгиланди. Адабий тил тарихида юзйилликлар давомида юз берган бундай ўзгаришлар ёзма манбаларда ўз изини яхши сақлаган.

Бунга бир-икки мисол: энг эски туркий битиглар тили *d*-лашган тил эди. Кейинчалик улар [δ] га, ундан кейин эса [y] ёки [z] га айланиб кетди. Жумладан, ўрхун-енисей битиглари, моний, будда мазмунли диний-фалсафий асарларда *adyir*, *adiy*, *ud*, *ādgū* шаклида ишлатилган сўзлар эски туркий тил даврига келиб *adyir*, *adiy*, *ud*, *edgū* шаклида, эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси») даврига келиб эса *ayyir*, *ayiq*, *uy*, *ezgū* ёки *eugū* ва *iuy* шаклларида ишлатилган: *uy yil* – «сигир йили» сингари.

Тушум келишигининг қадимги туркий битиглар тилида кенг ишлатилган *-y*, *-g* аффикси (*bodunuy* – «халқни», *sözüg* – «сўзни» сингари) XIII юзйилликларга келиб ишлатилмай қўйди. Ёки қадимги туркий тилда ва эски туркий тилнинг илк босқичларида («Қутадғу билиг», «Девону луғати-т-турк» сингари асарларда) тез-тез ишлатилган восита келишиги ҳам айна даврда истеъмолдан чиқиб кетди.

Саноқнинг қадимги *iki yigirmi* («ўн икки»), *bāš otuz* («йигирма беш») сингари тартиби битиглар тили билан чекланиб қолди; улар қорахонийлар даврига келиб ишлатилмай қўйди.

Тил тизимидаги кескин ўзгаришлар турли даврларда яратилган ёзма ёдгорликларнинг, айниқса, луғат таркибида кўзга яққол ташлана-

ди. Масалан, ўрхун-енисей битиглари тилида, «Кутадғу билиг», «Девону луғати-т-турк», «Ҳибату-л-ҳақойиқ»да кенг ишлатилган *bodun* («халқ, улус»), *idunq* («муқаддас»), *arqiš* («карвон»), *asiy* («фойда, манфаат»), *arŷ* («тоза, тиниқ»), *ögüz* («дарё»), *udluq* («молхона, оғил»), *öküş* («кўп, талай»), *adın* («ўзга, бошқа») сингари соф туркий сўзлар замони келиб истеъмолдан чиқа бошлади; ўрнини уларнинг бошқа синонимлари ёки арабча ва форсчадан ўзлашган сўзлар эгаллади. Қўшимчалар ва сўзларнинг талаффузи, семантикаси, грамматик вазифалари ва услубий қўлланишида бу сингари ҳодисалар талай.

Ҳар бир давр тилининг ўзига яраша хусусиятлари бор. Шу даражадаки, баъзи қўлёзма китобларда асарнинг яратилган замони ёки қўлёзманинг кўчирилган даври қайд этилмаган бўлади (кўпинча китоб сўнгидаги санани билдирувчи тарих бирор сабабдан тушиб қолади). Ана шундай ҳолда, агар мутахассиснинг билими кучли бўлса, матннинг тил хусусиятларига қараб, асарнинг яратилган даврини, хат услубини кузатиб, қўлёзма қачон кўчирилганини ҳам айтиб бера олиши мумкин. Тўғри, унинг бу хулосаси тахмин тусида бўлади, лекин йўқдан кўра тахмин ҳам тузук.


Шунингдек, ёзма адабий тилнинг бунчалик ўзгариб келишига халқ тарихида кечган этник жараёнлар, халқ ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётининг ўзгариши, давлат тизими, шарқ халқлари ўртасидаги маданий боғланишлар ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган.

Тил тарихида юз берган ўзгаришларни тадқиқотимиз давомида кўриб чиқамиз.

Ўзбек адабий тили тарихини ўрганиш манбалари

Бошқа фанларда бўлгани сингари, ўзбек тили тарихининг ҳам ўзига яраша ўрганиш доираси, таянч манбалари бор. Тарихий грамматика, биринчи галда, ёзув ёдгорликларига таянган ҳолда муайян тилнинг юзага келиши, унинг тарихий-лингвистик тараққиёти, ҳозирги кўринишга келгунга қадар юз берган ўзгаришлар, уларнинг юз беришида амал қилган лингвистик қонуниятларни тадқиқ этади. Шунга уйғун равишда тилшуносликнинг объекти, манбалари ҳам бошқа фанлардан фарқ қилади.

Жумладан, адабиётшунослик бадий адабиётни, тазкиралар ва бошқа адабиётшунослик асарларини, фольклор материалларини ўрганади.



Историографиянинг объекти эса бироз бошқача: у ўтмишдан қолган тарих китоблари, йилномалар, расмий ҳужжатларни ўрганади.

Тилшуносликнинг қўлами уларнинг ҳар иккисига қараганда анча кенг: у, бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, жамият қўллаган ёки айни кезде қўллаётган тил, матн ва нутқ масалаларига эътибор қаратади. Жанри ва тури, соҳасидан қатъи назар, ёзма манба туркий тилда бўлса етарли, уни ўрганаверади. Ўтмишда яратилган бадий асарлар, тарих китоблари, йилномалар, расмий ҳужжатлар, диний-фалсафий асарлар, илмий китоблар, қабртош ёзувлари, шева ва фольклор материаллари, ҳатто хўжалик ишларига тегишли қайдлар, турли кўринишдаги ёзмалар ҳам тарихий грамматиканинг объекти бўла олади.

Туркий, хусусан, ўзбек тилининг тарихи қуйидаги таянч манбалар асосида ўрганилади:

(1) *Ўтмишдан қолган ёзма ёдгорликлар*. Тил тарихини ўрганишда энг ишончли манба бизгача етиб келган ёзув ёдгорликларидир. Туркий тилда яратилган диний-фалсафий асарлар, бадий адабиёт намуналари, тарих китоблари, эпиграфик матнлар, қабртош ёзувлари, ҳуқуқ ва хўжалик ишларига тегишли битиглар туркий тиллар тарихини ўрганишда энг муҳим манбалар саналади.

Муҳими шундаки, илк ва ўрта асрларда туркий тилдагина эмас, хитой, суғд, форс, араб тилларида ҳам туркий тиллар тўғрисида маълумот берувчи асарлар, луғатлар ва грамматика китоблари яратилган. Ушбу асарлар ҳам туркий тиллар тарихини ўрганишда таянч манбалар бўла олади.

(2) *Халқ оғзаки ижоди (фольклор) материаллари*. Ўзбек халқ афсонаю дostonлари, ривояту эртаклари, кўшиқлари, мақол ва иборалари жуда эски замонларга илдиз отган. Юзйилликлар оша яратилган ушбу фольклор материаллари бадий тафаккур тарихидаги эски анъаналарни, тил ҳодисаларини ўзида яхши сақлаган бўлади. Шунинг учун халқ оғзаки ижоди асарларидан тил тарихининг ҳам материали сифатида фойдаланиш мумкин.

(3) *Ҳозирги туркий тиллар ва уларнинг шевалари*. Туркий тиллар ва халқ шевалари эски туркий тилнинг юзйилликлар оша фонетик, лексик-семантик, грамматик, стилистик жиҳатдан ўзгариб, такомиллашиб, туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти талабларига бўйсунган ҳолда ўзгариб келган ҳозирги кўринишидир. Айниқса, халқ тили (лаҳжалар ва шевалар) ўтмиш анъаналарини, эски тил хусусиятларини ўзида яхши сақлайди.

(4) *Жой отлари (топонимлар), географик атамалар, халқ отлари (этнонимлар)*. Шаҳар, қишлоқ отлари, сув отлари (гидронимлар) ва бошқа географик атамалар, этнонимлар тилнинг эски қолдиқларини ўзида сақлаган бўлади. Шунинг учун ҳам улар тил тарихини ўрганиш учун муҳим манбалар бўла олади.

Ўзбек ёзма адабий тилининг тарихий тараққиёти, фонетик-фонологик, грамматик ўлчовларнинг юзага келиш тарихи, луғат таркибида юз берган ўзгаришларни бир йўла кўриб чиқиш қийин. Шунинг учун ушбу китобда адабий тил тарихи тилшунослик сатҳлари доирасида (тарихий фонетика, эски ўзбек тилининг грамматик қурилиши, атамашунослик, матн стилистикаси сингари соҳалар кесимида) кўриб чиқилади. Илк ва ўрта асрларнинг ёзма манбалари асосида ўзбек ёзма адабий тилининг шаклланиши ва тарихий тараққиёти, классик адабий тил, унинг ўзига хос қонунлари тўғрисида фикр юритилади.

Транскрипция тўғрисида

Ёзма ёдгорликлардан олинган мисоллар турколог-мутахассисларнинг англашига қулай бўлиши учун латин алифбоси асосидаги илмий транскрипцияда берилмоқда.

Транскрипцияда унлилар учун қуйидаги белгилар ишлатилди:

a – тилнинг тагидан чиқадиган (орқа қатор), йўғон, кенг, лабланмаган унли;

ā – тилнинг учидан чиқадиган (олд қатор), ингичка, кенг, лабланмаган унли;

e – тилнинг учидан чиқадиган, ингичка, кенг, лабланмаган унли;

ī – тилнинг тагидан чиқадиган, йўғон, тор, лабланмаган унли;

i – тилнинг учидан чиқадиган, ингичка, тор, лабланмаган унли;

o – тилнинг тагидан чиқадиган, йўғон, кенг, лабланган унли;

ō – тилнинг учидан чиқадиган, ингичка, кенг, лабланган унли;

u – тилнинг тагидан чиқадиган, йўғон, тор, лабланган унли;

ū – тилнинг учидан чиқадиган, ингичка, тор, лабланган унли.

Ундошлар учун туркшуносликда қабул қилинган *b, p, d, t, q, k, γ, g, x, z, s, č, š, y, l, m, n, ŋ, r* ҳарфларини қўлладик. Буларнинг ичида *γ* ҳарфи ўзбекча кирилл хатидаги *ғ* га, *č* *ш* га, *š* *ш* га тўғри келади.

Шунингдек, араб ёзуви туркий қўлёзмаларда ишлатилган *ǰ* ҳарфи *ǰ* билан берилди.

Туркий сўзларда сўз ичи ёки сўз охирида келган ذ ҳарфи транскрипцияда δ билан ифодаланди.

Араб тилидан ўзлашган сўзларда ишлатилган, араб тилигагина хос бўлган айрим товушлар учун қуйидаги белгилардан фойдаланилди: ذ ҳарфи учун δ; ه учун h; ح учун h; ث учун s; ع учун ' ; ظ учун z; ط учун t; ض учун d; ص учун ş.

Шунингдек, арабча ва форсчадан ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлиларни беришда ўша унлини ифодалаган ҳарфнинг устига чизиқча тортиб кетилди: ā, ī, ū сингари.

Китоб мутахассислар ва толиби илмларга фойдали бўлиши учун имкон қадар ҳаракат қилдик.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ТУРКИЙ ЁЗМА МАНБАЛАР ОЧИҚЛАМАСИ

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: туркий ёзма ёдгорликлар, туркий битиглар; ўрхун битиглари, енисей битиглари, туркча-моний асарлари, туркча-будда асарлари, туркча-насроний асарлари, расмий ҳужжатлар, луғатлар, грамматик асарлар.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Халқ оғзаки ижоди ёзма ёдгорликларининг очиқламаси.

Кўк турк ёзувидаги битиглар очиқламаси.

Ўзбекистон тупроқларидан топилган кўк турк ёзуви битиглар.

Қадимги туркча-моний, туркча-будда, туркча-насроний ёзма ёдгорликлари.

Қорахонийлар даври адабий тилининг ёзма ёдгорликлари.

XIV – XVI юзйилликларнинг ёзма ёдгорликлари.

Расмий ҳужжатлар, луғатлар ва грамматик асарлар.

Ўтмишда яратилган ёзма ёдгорликлар адабий тил тарихининг энг ишончли ва асосли манбаларидир. Туркий ёзма ёдгорликлар турли диний қарашлар таъсирида, турли ёзувлар ва ҳар хил адабий муҳитларда яратилган бўлиб, жанр жиҳатидан ҳам турличадир. Улар орасида эпиграфик матнлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, диний-фалсафий, тарихий-бадий асарлар, расмий ҳужжатлар, луғатлар, грамматик асарлар ва бошқа турдаги матнлар бор. Ушбу ёзма ёдгорликлар туркий тиллар тарихининг фонетик-фонологик тизими, морфологик ва синтактик, лексик-семантик хусусиятлари, тарихий стилистика масалаларини илмий жиҳатдан ўрганишга имкон беради.

Ушбу бобда туркий ёзма ёдгорликларни даврий изчилликда, мавзуй туркумларга ажратган ҳолда кўриб чиқамиз.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЭНГ ЭСКИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Туркий оғзаки адабиётнинг бизга маълум бўлган энг эски намуналари милоднинг бошлари ва илк ўрта асрларда яратилган ёзма манбаларда сақланиб қолган. Ўша замонларда яшаган олиму фозиллар, адабиёт ихлосмандлари халқ яратган ажойиб асарлар келажакда йўқ бўлиб кетмасин дея уларни қоғозга туширганлар ёки йиғиб ўз асарларига киритганлар. Халқ бадий ижодининг ушбу намуналари илк ўрта асрларда қоғозга туширилган бўлса-да, уларнинг тарихи жуда эски, баъзи бирлари ҳатто милоддан аввалги даврларга ҳам илдиз отган. Улар оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб, ғоявий-бадий жиҳатдан сайқалланиб, такомиллашиб келган асарлар эди.

«Ўғузхоқон» достони. Ўғузхоқон тўғрисидаги ривоятлар туркий халқлар оғзаки адабиётида эски замонлардан қолган. У туркий адабиёт тарихида турли вариантларда тарқалган ва ёзма манбаларда, халқ оғизда бизгача етиб келган. Шулардан бири қадимги уйғур хатида битилган бўлиб, адабиётшуносликда «Ўғузнома» ёки «Ўғузхоқон» достони оти билан таниқли (*нашрларига қаранг: Щербак 1959, 13 – 110; Маҳмудов, Содиқов 1994, 96 – 117*).

Бизгача етиб келган ривоятларнинг энг эскиси уйғур ёзувли «Ўғузхоқон» достонидир. Ушбу достон ўз мазмуни, бадий ва тил хусусиятларига кўра бошқа вариантлардан анча фарқ қилади.

Асар қўлёзмаси ҳозир Париждаги Франция Миллий кутубхонасида сақланмоқда (Suppl. Turc, 1001).

Қўлёзмада достоннинг бошланиши ҳам, якуни ҳам йўқ. Матннинг бари 21 варақ (42 бет). У уйғур хати билан, ҳар қайси бетида 9 қатордан, тик ҳолда – тепадан пастга қараб ёзилган. Китобнинг ортиқча безаклари йўқ. Қўлёзманинг кўчирилган санаси ҳам номаълум. Хат услуби у, чамаси, XIII – XIV юзйилликларда кўчирилган деган хулосага олиб келади. Асар шу даврларда қоғозга туширилган эса-да, унинг шаклланиш тарихи милоддан анча илгариги чоғларга бориб тақалади.

«Ўғузхоқон» – насрда битилган достон. Лекин матнда ора-орада шеърый бандлар ҳам учрайди.

«Ўғузхоқон» достонида туркий халқлар тангриканлик (кўк-тангри) динига сиғинган кезлардаги тасаввур-қарашлар акс этган. Асарда Ўғузнинг кўк-тангрига топиниши, ўғилларига коинот жисмлари ва улуғ нарсаларнинг оти берилгани, кўк бўри образининг учраши туркларнинг исломдан анча бурунги, хусусан, кўк-тангри инончи давридаги тасаввур-қарашларининг ифодасидир.

Асар туркий адабиёт тарихида турли вариант ва версияларда тарқалган. Уйғур ёзувли «Ўғузхоқон» достони – уларнинг энг эскиси. У бошқа вариантлардан ҳали ислом таъсирига берилмагани билан ажралиб туради. Тарих китобларида келтирилган ривоятлар эса унинг ислом даврида қайта ишланган вариантларидир (*қаранг:* Содиқов 2008, 14 – 19).

Қадимги халқ отасўзлари. Мақол – халқнинг қирқ йил кузатиб, бир айтган сўзи. Мақолда халқнинг фалсафий қарашлари, эркин фикри ихчам, лўнда ва бадий шаклда акс этади. Уларни халқ фалсафий-бадий тафаккурининг гултожи деса бўлади.

Мақолларда бадийлик кучли. Жумла қурилиши ва услубига кўра улар шеърий асарга тенглашади.

Қадимги турклар «мақол»ни *saw, ögüt, qutaru söz* деган.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари араб тилида ёзилгани сабабли асардаги мақолларни муаллиф *masal* деб атаган. Чунки араблар «мақол»ни *maṣal* дейди.

Илк ўрта асрларнинг ёзма манбаларида кўпдан-кўп мақоллар келтирилган. Ушбу манбалар қуйидагилардир:

(1) Улуғ тилшунос Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий сўзлар маъносини жонли мисолларда очиқлаб бериш учун жумлалар, шеърий узиндилар, халқ отасўзларидан келтирган. Маҳмуд Кошғарий тўплаган мақолларнинг тарихий генезиси, илдизлари милоддан аввалги даврларга бориб тақалади.

(2) Қадимги туркий битигтошларда, диний-фалсафий ва бадий асарларда, тарих китобларида, баъзида илмий асарларда ҳам ўрни билан воқеа тасвири ёки асар персонажларининг ҳолати билан боғлиқ равишда мақоллар берилган.

(3) Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида бирор-бир ахлоқий-фалсафий, тарбиявий ва инсоний масала тўғрисида фикр юритар экан, халқ мақолларига ҳам мурожаат қилади, уларни ўрнак қилиб келтиради.

(4) Адиб Аҳмад Югнакий ҳам ўзининг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарида халқ донишмандлигига мурожаат қилиб, далил сифатида улардан ўрнаклар келтиради.

Қадимги туркий мақолларнинг классик намуналарини Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида ўқиймиз.

Қадимги турк отасўзларидан бир қанчаси Берлин қўлёзмалар фондидаги Турфондан топиб келинган ёзма манбалар ичида сақланаётган Т II Ҳ 19 кўрсаткичли тиббиётга доир бир асарнинг бўш қолган бетларига ёзилган (Arat 1991, 272 – 275). Ушбу мақолларга *Yemā türk sawında bar*

(«Яна турк отасўзларида бор») деб сарлавҳа қўйилган. Мақолларнинг жами ўн тўртта.

Қадимги халқ қўшиқлари ва шеърляти. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий сўзлар маъносини очиқлаш мақсадида ўрни билан шеърий тўртликлар ва байтлар келтирилган (ДЛТ *га қаранг*). Шеърлар мазмунан бой ва турли-туман бўлиб, халқ ижодидан сайлаб олинган. Ушбу узиндиларни йиғиб, бир дoston ёки бир қанча қўшиққа жамлаш ҳам тўғри эмас. Асарни ёзгунга қадар муаллиф қанчадан-қанча халқ дostonлари ва қўшиқларини йиғиб чиққан (буни ўзи ҳам китобнинг кириш қисмида айтиб қўйибди). Ўшалардан олинган узиндилар асар бўйлаб сочилиб ётибди. Қолаверса, бу шеърий асарлар турли даврларга оид; айримларининг илдизи икки – икки ярим минг йил нарига кетади. Бу хусусиятларига кўра ўтмишда яратилган луғатлар орасида туркологиядагина эмас, бутун шарқ лексикографиясида ушбу асарга тенглашадигани топилмайди.

Қўлёзмада ушбу шеърий узиндилар қирмизи рангда сарлавҳа кўринишида ажратиб ёзилган *vaqāla* жумласи билан бошланади. Ушбу жумла ўзидан кейинги шеърий матнларнинг мазмунига мувофиқ ҳолда «(Шоир) шундай деган», «(Билимли) шундай деган», «(Кўпни кўрган донишманд) шундай деган» сингари маъноларни беради.

Халқ қўшиқларидан олинган шеърий узиндиларни ҳам мазмунига кўра бир қанча туркумга ажратса бўлади: марсиялар, ов қўшиқлари, қахрамонлик қўшиқлари, мавсум қўшиқлари, байрам ва ўйин-кулги қўшиқлари, пандномалар, лирик шеърлар сингари.

Туркий лирик шеъриятнинг бошланиши деганда биз асосан ўрта асрлар классик адабиётини тушунамиз. Аслида эса туркий лирик шеъриятнинг илдизини, поэтик маҳорат масалаларини анча наридан – қадимги туркий оғзаки шеъриятдан бошлаганимиз тўғри. Ниҳоятда гўзал ташбеҳлар, ҳеч кимсанинг ўй-хаёлига келмас таърифларга, бадий санъатларга дуч келамиз уларни ўқиб. Кўз ўнгимизда оддий, жўнгина кўринган шеър ва қўшиқларда сўз санъатининг қадимий анъаналари, сўз усталарининг юзйилликлар оша тўплаган тажрибалари жамланган. Шеърларда туркий тилнинг бой ва чексиз имкониятлари ишга солинган. Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлар маъносини очиқлаш мақсадида келтирган шеърий узиндиларни халқ бадий тафаккурининг энг кўркли ва дилтортар, қадимги туркий лириканинг ажойиб намуналари деса бўлади.

КЎК ТУРК ЁЗУВИДАГИ БИТИГТОШЛАР

Шарқ цивилизацияси тарихи, жамиятнинг маънавий-маърифий такомилида ўтмишда яшаб ижод этган шоирлар, адабиёт аҳлининг хизмати катта бўлган. Улуғ мутафаккир адиблар ўзининг ўлмас асарлари билан жамиятнинг маънавий-ахлоқий дунёсини бойитиб, ҳаётини мазмунли қилди; ўз инсоний ғоялари, эстетик қарашлари билан жамият етакчиларига айланди; халқни бағрикенгликка, тинч-тотув яшашга чорлади, адолатнинг тантана қилишини истади; хон ва султонлар қилиқнинг кучи бирла йиқа олмаган чўққиларни адиблар ўткир қалами ва теран тафаккури ила забт этди; кишилиқ тарихида яратилган билимларни, бадий тафаккур маҳсулини авлоддан-авлодга етказиб келди. Ўтмиш цивилизациясининг ҳар бир қадамида адабиётнинг кучи, таъсири билиниб туради. Ҳаёт фалсафасини, доно фикрларни биз ижод аҳлидан, уларнинг ёзма меросидан ўрганамиз.

Туркий, хусусан, ўзбек ёзма адабиёти ва ёзма адабий тилининг илдизлари қадимги турк хоқонликлари даврида яратилган битигларга туташади. Уларнинг юзага келиши ва такомилида Иккинчи турк хоқонлиги даврида яшаб ижод этган адиб ва тарихнавислар Тўньюқуқ ҳамда Йўллуғ тигиннинг хизмати катта. Тўньюқуқ ва Йўллуғ тигин туркий ёзма адабиётнинг энг кекса намояндаларидир. Улардан бурун ўтган адиб, тарихчи ва сўз мулки султонларининг оти маълум эмас.

Мўғулистон тупроқларидан топилган Тўньюқуқ, Кул тигин, Билга хоқон битигларининг муаллифлари ўша адиб ва тарихчилардир. Ушбу эпиграфик матнларда хоқонликларнинг яқин икки юз йиллик тарихи битилган бўлиб, улар Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлардаги тарихи тўғрисида энг керакли маълумотларни беради.

Ушбу тарих китоблари ўзининг баён услуби билан бадий асар даражасида. Битигларда турк хоқон ва саркардалари халқ қаҳрамонлари сифатида улуғланади, уларнинг кўзи тириклигида эл эрки, халқ фаровонлиги йўлида олиб борган эзгу ишлари, қаҳрамонликлари халққа ибрат қилиб кўрсатилади. Битигларда улар юрт халоскорлари, улуғ йўлбошчилар дея таъриф этилган. Муаллифлар бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланган. Уларда оғзаки адабиёт анъаналарининг таъсири ҳали кучли. Муҳими, адиблар ушбу таърифлар баёнида қадимги туркий тилнинг чексиз бойлиги, бадий-услубий имкониятларини ишга сола билган. Ушбу асарлар қадимги турк адабиёти ва адабий тилининг энг ажойиб намуналаридир. Бир сўз билан айтганда, туркий ёзма адабиёт ва ёзма адабий тил тарихи ўз йўлини ўша эпиграфик матнлардан бошлаган.

Тўнюкуқ битиги. Ушбу ёдгорлик Иккинчи турк хоқонлиги даврида яшаб ўтган давлат арбоби ва саркарда Тўнюкуқ хотирасига тикланган (нашрларига қаранг: Малов 1951, 56 – 73; Orkun 1987, 99 – 124; Абдурахмонов, Рустамов 1982, 65 – 86; Аманжолов 2003, 176 – 185; Sodiqov 2009¹, 289 – 300; 2018, 233 – 248).

Тўнюкуқ битигтоши Мўғулистондаги Баин Цокто манзилдан топилган бўлиб, ҳозир ҳам ўзининг тикланган жойида турибди. Битиг ёнма-ён тикланган иккита тошга кўк турк ёзувида ёзилган. Ёднома 62 сатрли бўлиб, унинг 35 сатри биринчи тошга, кейинги 27 сатри эса иккинчи тошга тепадан қуйига қараб битилган. Теварагида кўҳна мақбара вайроналари, усти нураган ҳайкал ва балбаллар, турли безаклар ишланган йирик-йирик тош парчалари, устунларнинг тагликлари ётибди. Вайронанинг бир ёғида, кунчиқарга бир оз юрилса, яқин икки юз қадам чамаси қаторасига ердан чиқиб қолган турли кўринишдаги тошларга, балбал ва устунларга кўзингиз тушади. Мақбарага кириш йўлаги шу ёқдан бўлган кўринади. 1957 йили мазкур комплексдан тўрт қаторли матн парчаси ҳам топилган. Тўнюкуқ ёдгорлик комплекси ўз замонида улуғ зиёратгоҳлардан эди. Ҳозир эса унинг харобалари қолган, холос.

Тўнюкуқ ёдгорлик комплекси хоқонлик замонидан қолган бошқа ёдгорликлардан анча четда. Кул тигин ва Билга хоқон қабртошлари тикланган жой билан бу ернинг ораси 360 чақирим. Саркарда ва донишманд қариган чоғда давлат ишларидан четроқ, тинч бир манзилни танлаган бўлса ажабмас.

Ёднома матнини муаллифнинг ўзи кўзи тириклигида битиб, тошга ёздириб қўйган. Бу ҳақда битигдан *Türk Bilgä qayan āliñā bititdim bān bilgä Toñuquq* («Қудратли Билга хоқон элида ёздирдим, мен – Билга Тўнюкуқ») деган сўзларни ўқиймиз (Топ. 58).

Битигнинг ёзилган санаси-да аниқ эмас. Баъзи билим кишилари ёдгорлик 712 – 716 йиллар орасида, баъзилар 720, бошқа бирлари 725 – 726 йилларда битилган дея тахмин қиладилар. Ҳатто ушбу битиг Кул тигин битигига жавоб тариқасида битилган деган қарашлар ҳам бор. Таниқли олим У.Серткая асарда акс этган тарихий воқеаларни таҳлил этиб ҳамда матнни Кул тигин, Билга хоқон битиглари билан текстологик жиҳатдан ўзаро чоғиштириб, битиг бирмунча кеч – Билга хоқон тахтда эканлиги чоғида (*Türk Bilgä qayan āliñā bititdim* жумласини кўзда тутган ҳолда), 732 – 734 йиллар орасида ёзилган деган хулосага келди. Унинг фикрича, Тўнюкуқ бу кезлар 85 ёшларда эди (Sertkaya 1995, 119 – 128).

Тўнюкуқ асли Табғачда туғилиб, тарбия топган. У оталар юртига келиб, миллий озодлик ҳаракатларига қўшилиб кетди. У уч хоқон – Элтариш, Бўғу, Билга хоқон юртни бошқарганда уларнинг кенгашичи ва қў-

мондони бўлган. «Ўшанда кенгашчи ҳам менинг ўзим эдим, урушувчиси ҳам мен эдим», – дея хотирлайди бу тўғрида муаллиф. Айниқса, Элтариш ва Билга хоқон даврида унинг обрўси ва мавқеи юқори эди. Тўнюқуқ юрт тинчлиги, мамлакат куч-қудратини ошириш йўлида кўп яхши ишларнинг бошида турди, хоқонликнинг тикланиши ва эл чегараларининг кенгайишига муносиб ҳисса қўшди. У йирик арбоб, шу билан бирга, тарихчи, қадимги туркий адабиётнинг йирик намояндаси, замонасининг атоқли файласуфларидан эди. Битигда унинг оти *bilgā Toñuquq* деб қайд этилган. Отига қўшилаётган *bilgā* сўзи унинг унвони бўлиб, «билимдон, аллома» деган маънони билдиради. У улуғ донишманд, хоқон маслаҳатчиси бўлгани учун шундай унвонга эришган. Хитой манбаларида у танг сулоласи даврида ўтган атоқли арбоблар, улуғ донишманд ва саркардалар қаторига қўйилади.

Тўнюқуқ битигтоши ўз даврининг ўта қимматли ёдгорлиги саналади. Битигда Тўнюқуқ ўзининг ўсиб-улғайишидан бошлаб, Элтариш бошлиқ улус озодлиги ҳаракатларига қўшилиб, мамлакатни босқинчилар зулмидан қутқариши, ўз қаҳрамонликлари, мамлакат чегараларини кенгайтириш, юрт эрки, улус тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб борган курашларини, эзгу ишларини ҳикоя қилади. Унда хоқонлик тарихи яхши ёритилган.

Битигнинг яна бир жиҳати – асар муаллифнинг ўз тилидан битилган.

Битиг *Bilgā Toñuquq-bān* («(Мен) билга Тўнюқуқ-ман») жумласи билан бошланган (Топ. 1). Бу жумла матннинг бошламаси бўлиб, уни уч компонентга ажратиш мумкин: биринчиси – муаллифнинг унвони (*bilgā*); иккинчи компонент – оти (*Toñuquq*), унга қўшилаётган *-bān* – учинчи компонент – шахс-сон қўшимчаси бўлиб, кесимликни таъминлайди. Ушбу бошлама қуйида берилган матн Тўнюқуқнинг сўзлари эканлигига ишора. Шундан сўнг *özüm Tabıaç āliñä qilintim* («Ўзим Табғач элида вояга етдим») жумласи билан асосий қисмга кўчилади.

Ҳозирги нашрларда матннинг бошланишини *Bilgā Toñuquq, bān özüm Tabıaç āliñä qilintim* деб ўқиб, мазмунини «Билга Тўнюқуқ, мен ўзим Табғач мамлакатада вояга етдим» дея талқин этадилар. Бунда битигнинг расмий мавқеи сусаяди; гўё у оддий таржимаи ҳолдай бўлиб қолади.

Одатда, хоқонларнинг ёрлиқлари, битиглари уларнинг унвони билан бошланган. Масалан, ўша замонда юртга эгалик қилган Билга хоқон ўз ёрлиқларини *Tāñri-tāğ Tāñri yaratmış türk Bilgā qayan sabim* («Кўкдай улуғ Тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим») унвони билан бошлаган (X.1). Тўнюқуқ хоқон эмас, қолаверса, унинг битиги ёрлиқ ё юрт эгасининг битиги ҳам эмас. Лекин, таъкидлаш керак, битиг Тўнюқуқнинг ким ўтгани, халқ эрки йўлида хоқонлар билан елкама-елка туриб курашган

миллий қаҳрамоннинг улуғ хизматларини хоқонлик олдида келажак авлодга яна бир бор таъкидлаб қўйиш учун ёзилган баёнотидир. Ушбу нуқтаи назардан битиг расмий тус олади. Шунинг учун бошлама *Bilgä Toñuquq-bän* («(Мен) билга Тўнюқуқ-ман») деб берилгани тўғри.

Турк олими У. Серткаянинг таъкидлашича, бу ерда икки жумла бор: матндаги *bän* сўзи шахс-сон қўшимчаси бўлиб, биринчи жумланинг кесимини шакллантиради. Ундан кейинги *özüm* эса кейинги жумланинг эгаси сифатида ўқилгани маъқул: *Bilgä Toñuquq-bän. Özüm Tabʻač älinä qilintim*. Шунда маъно ҳам бир оз ўзгаради: «(Мен) билга Тўнюқуқман. Ўзим Табғач юртида вояга етдим» (Sertkaya 1995, 41 – 44).

Бу нарса битигнинг расмий мақомини ҳам таъминлайди, муаллифнинг мақсадига ҳам мос тушади. Матнни бу кўринишда бошлаш эпиграфика тарихида кенг тарқалган.

Енисей теварагидан топилган битигларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Кулуг апа битиги: *Külüg apa-ben*. – «(Мен) Кулуг опа-мен» (Е.20.2); Яруқ тигин битиги: *Er atim Yaruq tigin-ben*. – «Эр отим Ёруқ Тигиндирман» (Е.19.1); Эл Тўғон битиги: *Atim El Toyan Tutuq-ben*. – «Отим Эл Тўған Тутуқмен» (Е.1.2); Кўк тириг битиги: *Er atim Kök Tirig-ben*. – «Эр отим Кўк Тиригмен» (Е.51.1); Бег Тарқан Ўга Тириг битиги: *Beg Tarqan Ögä Tirig-ben*. – «(Мен) Бег Тарқан Ўга Тиригмен» (Е.53.3) деб бошланган. Бу сингари мисоллар талай. Бари эпиграфик матн тузишда адиб ва тарихчи Тўнюқуқ ишлаб чиққан анъанага эргашади.

Баъзи олимлар ўртасида Тўнюқуқ битиги Кул тигин битигига жавоб тарзида ёзилган деган қараш ҳам бор. Ҳар қалай, бу фикр тўғрига ўхшайди. Сабаби, Кул тигин битигида Иккинчи кўк турк хоқонлигининг юзага келиши, унинг ривожланиш тарихи яхши берилган. Айниқса, Элтариш хоқон, Бўғу хоқон, Билга хоқон фаолиятлари, давлатни оёққа қўйиш борасида кўрсатган хизматлари, қаҳрамонликлари батафсил ҳикоя қилинади. Бироқ битигда негадир маслаҳатчи ва саркарда доно Тўнюқуқнинг хизматлари ёритилмай қолган. Тўнюқуқ шундан аччиқланган бўлиши керак. Бу нарса уни ўз ишлари тўғрисида битигтош битишга мажбур қилган ва у ўз фаолиятини таърифлаб аввалги битигга жавоб сифатида асар яратган.

Битигда Тўнюқуқ ўзининг ўсиб-улғайишидан бошлаб, Элтариш бошлиқ улус озодлиги ҳаракатларига қўшилиб, мамлакатни босқинчилар зулмидан қутқариши, ўз қаҳрамонликлари, мамлакат чегараларини кенгайтириш, юрт эрки, улус тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб борган курашларини, эзгу ишларини ҳикоя қилади. Унда хоқонлик тарихи яхши ёритилган. Муҳими шундаки, тарих баёни оддий эмас: муаллиф кўрган-кечирганларини, ўзи қатнашган буюк ишларни таъриф этмаклик учун

халқ мақоллари, турли бадий воситалардан унумли фойдаланган. Услуб балоғат даражасида ниҳоятда гўзал. Бу белгилари матннинг бадийлигини таъминлайди. Бундай услубнинг танланишига сабаб асарни ўқиш-ли қилиш, унинг бадий-эстетик таъсирини ошириш эди. Шунинг учун битигни тарихий-бадий асар сифатида ўрганиш ўринлидир.

Битигда Тўнюкүк қўрқмас баҳодир, улуғ йўлбошчи сифатида гавдаланади. Буни Ярис даштида кечган жанглр таърифида очик кузатамиз. Ёв сирини билиб келган кузатувчининг «Ярис даштида ўн туман [юз минг] қўшин терилди» (*Yaris yazida on tuman sü tärilti*) (Топ.36) деган хабарини эшитиб, беклар ёппасига ортга қайтишни хаёл қилдилар. Лекин Тўнюкүк уларни орқага чекинмасликка ундайди:

Altun yişiy aşa kältimiz, Ärtis ögüzüg kaçā kältimiz, kälmişi alp tädi, tuymadi, täñri Umay iduq yär sub basa bärti ärinč, näkä täzär-biz öküs täyin, näkä qorqur-biz az täyin, nä basinalim, tägälim. – «Алтун йишни ошиб келдик, Эртиш дарёсини кечиб келдик. Келгани алп деганлар. (Ёв бизни) туймади. Тангри Умай муқаддас ер-сув босиб берган, шекилли, нега тезармиз (ёвни) кўп дея, нега қўрқармиз (ўзимизни) оз дея? Қани, босайлик, хужум қилайлик» (Топ. 37 – 39).

Йўлбошчи шу сўзлари билан уларни тўхтатиб қолди, қўшиннинг руҳини кўтарди. Тўнюкүк айтганидай бўлди, жангда ёв енгилди. Иккинчи кун келди, ўтдай қизиб келди. Ёвнинг икки қаноти яримча ортиқ эди. Шундай эса-да, ёв мағлуб бўлди. Ўша хабарни эшитиб, ўн ўқ беклари, халқи ёппасига бош эгиб келди.

Битиг қадимги туркий адабиётнинг гўзал намунаси, у ажойиб бир бадий услубда яратилган.

Тўнюкүк Темир қописқа бўлган зафарли юриш тўғрисида хотирлар экан: *Ol yärkä bän bilgä Toñuquq tägürtük ücün sarıy altun, ürün kümüs, qiz quduz, ägri täbi, ayi buñsuz kälürti* деб ёзади (Топ. 47 – 48).

Этибор қаратилса, зафарли юриш чоғида қўлга киритилган мулкларнинг бари сифати билан берилган: *sarıy altun* («сарик олтин»), *ürün kümüs* («оқ кумуш») сингари.

Матндаги *qiz quduz* бирикмасини ҳозирги нашрларда «қиз-жувон» деб ўгирадилар. Жумланинг тузилишига этибор берилса, унда қўлга киритилган мол-мулк саналмоқда, *qiz quduz* дан бошқа бирикмалар мол-мулкни англатган, кишиларни эмас. У «қиз-жувон» деб олинса, қаторда асир олинган «қулар» ҳам саналиши керак эди. Шундай экан, жумлада кечган *qiz quduz* нинг маъноси ҳам бошқача: *qiz* «қиз бола» эмас, «ноёб; қимматли» деганидир; *quduz* эса «жувон» эмас, «қўтос»ни англатади, яъни «ноёб қўтослар» дегани. Ундан кейингиси – *ägri täbi* – «эгри туя, ўрқачли туя» дегани. Ана шунда мазмун ҳам жойига тушади: «Ўша ерга

мен – билга Тўнюкүк етказиб борганим учун сариқ олтин, оқ кумуш, кучли кўтослар, эгри туя, ипаклик ҳадсиз келтирди».

Битиг охирлаган сайин ёзувчининг кўзлаган мақсади очиқ-ойдин кўзга ташлана боради; хоқонлик тарихидаги ютуқларнинг бошида хоқон билан бир сафда Тўнюкүк ҳам турганига алоҳида эътибор қаратилди. Битигда айтилишича, Элтариш хоқон алломаси билан бўлгани учун, баҳодири билан бўлгани учун (*Ältäris qayan bilgäsin üčün, alpın üčün*) кўшни элларга чериг тортиб, мамлакатни кенгайтирди, зафар қозонди (Топ. 48 – 49). «Элтариш хоқонга, Бўгу хоқонга, қудратли Билга хоқонга тун ухламайин, кундуз ўтирмайин, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуртиб, меҳнатимни, кучимни бердим» (*qizil qanım tükäti, qara tärım yügürti, isig küčüg bärтим*), – дея урғулайди муаллиф (Топ. 52). Таърифдаги *isig-küčüg bärти* бирикмаси эски поэтикада кўп учрайди, бу «ишини, кучини берди; хизматини қилди» дегани. Жумладан, Кул тигин битигида туркларнинг Табғачга қарамлик чоғлари ҳикоя қилинар экан, муаллиф *Älig yil isig-küčüg bärmiş* («Эллик йил (душманга) ишини, кучини берибди») деган жумлани ишлатган (К.7). У ерда салбий маъно бор, «кул бўлди» дегани. Аммо Тўнюкүк бу бирикмани яхши маънода қўллайди; у «юртимга, хоқонимга хизмат қилдим» деганидир.

Асар қаҳрамонининг алпларча кураши: «Босадиган ёвни поймол қилғучи эдим» (*basiniyma yayıy kälürür ärtim*), – дея таърифланади (Топ. 53). Бошқа бир ўринда у юрт жонкуяри эканлигини таъкидлаб: «Бу турк халқига яроқли ёвни келтирмадим, (унинг) яловли отини югуртирмадим» (*Bu türk bodunqa yaraqliy yayıy kältürmädim, tögünlüg atiy yügürtmädim*), – дейди (Топ.54).

«Қай ердаги хоқонли халқнинг менинг сингари алпи бор эрса, унинг не қайғуси бўларди», – дея яқунланади эпосларга хос баён (Топ. 56 – 57).

Алоҳида таъкидланишича, Элтариш хоқон ва Тўнюкүк елкама-елка туриб зафар қучмаганларида, хоқонлик оёққа турмаган бўларди. «Элтариш хоқон зафар қозонмаганида, унинг билан менинг ўзим зафар қозонмаганимда, юрт ҳам, халқ ҳам йўқ бўлар эди. (Хоқон) зафар қозонгани учун, менинг хушёрлигим, зафар қозонганим учун эл ҳам эл бўлди, халқ ҳам халқ бўлди», – дейилади битигда (Топ. 54 – 56).

Бу сўзлар қайта-қайта таъкидланади: «Элтарис хоқон зафар қозонмаганида, йўқ бўлганида, мен ўзим билга Тўнюкүк зафар қозонмаганимда, мен бўлмаганимда, Қапаған хоқон турк сир халқи ерида бўй ҳам, халқ ҳам, киши ҳам эга бўлмас эди» (Топ. 59 – 60).

Ушбу қайтариқларнинг ўзига яраша бадий-эстетик вазифаси бор: ундан мурод ана шу тарихий ҳақиқатга ўқувчи эътиборини жиддийроқ қаратиш, асарнинг ғоявий таъсирини оширишдир.

Кул тигин битиги. Кул тигин (ёки Кўл тигин) Иккинчи кўк турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш хоқоннинг кичик ўғлидир. У 731 йили 47 ёшида вафот этган. Ёдгорлик эса унинг оғаси Билга хоқон томонидан 732 йили тикланган.

Ёдгорлик Мўғулистоннинг Кошо-Цайдам водийсида Кўкшин ўрхун дарёсининг қирғоғидан топилган. Ҳозир ҳам ўша тикланган жойида турибди. Ёзув мрамартошнинг тўртала тарафи ва тарошланган қирраларида. Ёдгорликдаги асосий матн туркий тилда. Терс юзида хитойча матни ҳам бор. Туркийси кўк турк (ўрхун-енисей) хатида ёзилган (*нашрларига қаранг*: Малов 1951, 19 – 55; Абдурахмонов, Рустамов 1982, 86 – 121; Содиқов 2004, 96 – 112).

Оға-ини Кул тигин ва Билга хоқонга бағишланган мангутошлардаги туркий битигларнинг муаллифи таниқли тарихчи ва қадимги туркий ёзма адабиётнинг йирик намояндаларидан бири Йўллуғ тигиндир. У Билга хоқоннинг ўғли эди. Бунининг отига қўшилаётган нисбасидан ҳам билса бўлади: *tigin* қадимги туркий тилда «шаҳзода» дегани. Бундан ташқари, иккинчи битигнинг якуний – колофон қисмида юрт эгаси ёзувчи тилидан «отам хоқон» (*qaŋim qaŋan*) деб берилган (Sertkaya 1995, 14; Содиқов 2008, 34 – 35).

Ҳар иккала битиг ғоявий-бадий хусусияти ва тузилишига кўра бир-бирига ўхшаш. Ҳатто Кул тигин кичиг битигининг 1 – 11-қаторлари Билга хоқон кичиг битигининг 1 – 8-қаторларида, шунингдек, Кул тигин улуғ битигининг 1 – 30-қаторлари Билга хоқон улуғ битигининг 2 – 24-қаторларида қайталайди. Лекин иккинчиси сўзма-сўз қайтариқ эмас: Йўллуғ тигин иккинчи матнни ёза бошлаганда биринчи битигнинг керакли бўлагини олиб, иккинчи битигга ҳам киритган. Муҳими, иккинчи битигда унинг айрим ерларини таҳрир қилиб, янгиланган.

Асарларнинг катта бўлаги бир хил эканлиги бежиз эмас. Битигларда қайтарилаётган бўлақлар юрт эгасининг эл-улусга мурожаатидир. Уни хоқоннинг, улуғ йўлбошчининг бутун турк улусига, келажак ўғил-қизларга қаратилган ёрлиғи, чақирлиғи деса бўлади.

Матннинг тузилиши пухта ва мураккаб. Унда хоқоннинг мурожаати, эпитафия ҳамда тарих (колофон) муайян изчилликда берилган. Матн асосан насрда, орадаги айрим ўринлар (масалан, эпитафия ва қаҳрамонлар хулқ-атворининг баёни, турли тасвирлар) шеърда битилган. Шу жиҳатдан халқ дostonларининг тузилишига ўхшаб кетади. Иккала битиг икки киши – Билга хоқон ва муаллиф Йўллуғ тигин тилидан берилган. Қизиғи, асосий қисми ёзувчи эмас, хоқон тилидан баён қилинади.

Кул тигин битиги Билга хоқоннинг кўрсатмасига кўра битилган (матнни хоқоннинг ўзи айтиб туриб ёздирган бўлуви ҳам мумкин). Унда

хоқоннинг ўз инисига ҳурмати ҳамда укасининг ўлими туфайли чеккан қайғу-алами изҳор этилади. Шунинг учун бўлса керак, матннинг катта бир бўлаги хоқон тилидан сўзланади; бўлимлар хотимаси ҳамда тарихгина Йўллуғ тигин тилидан берилган.

Билга хоқон битиги. Билга хоқон (хитой манбаларида Мўгилан деб аталган) Иккинчи кўк турк хоқонлигининг асосчиси Элтаришнинг катта ўғли эди. У 734 йили ўлган. Ёдгорлик эса 735 йили тикланган.

Ёднома Кул тигин мангутошидан 1 км жануби-ғарбда ўзининг тикланган жойида, ағанаб уч бўлакка бўлинган кўринишда топилган. Ҳозир шунга яқин бир ерда ёпиқ жойда сақланмоқда. Ёдгорликни Билга хоқон ўлгандан сўнг унинг ўғли Йўллуғ тигин ўрнатган. Матн муаллифи ҳам унинг ўзидир (Содиқов 2004, 112 – 120).

Билга хоқон битигни Йўллуғ тигин отаси хоқоннинг ўлимидан сўнг ёзган эса-да, у битигда отасининг эл-юртга мурожаатини, чақириғини сақлашга уринган. Яна матннинг муаллиф тилидан берилган бўлаги ҳам олдингисига қараганда катта. Шу нарса аниқки, Кул тигин битигини ёзиш чоғида муаллиф қўлида хоқоннинг мурожаати киритилган матн бўлган. Шунинг учун ҳам орадан яқин уч йил ўтиб, Билга хоқон битигини ёзар чоғида муаллиф аввалги битигдан ҳам фойдаланган; ундаги мурожаат қисмини олиб Билга хоқон битигига ҳам киритган.

Ўнгин битиги. Битигтош Мўғулистондаги Ўнгин водийсидан, тикланган жойидан топилган. Ҳозир ҳам ўша ерда турибди. Ёзуви кўк турк алифбосида. Битиг йигирма қатор бўлиб, саккиз қатори тошнинг юз томонида (O), тўрт қатори ўнг ёғида (Oa) юқоридан қуйига қараб ёзилган, етти қатори юқорида (Ob) тик йўналишда ёзилган. Бир қатор битиг бошқа бир тошга (Oc) ёзилган.

Мангутош VIII юзйилликнинг биринчи ярмида (чамаси, 732 йили) саркарда Алп Элэтмиш хотирасига тикланган. Матннинг асосий бўлаги марҳум тилидан битилган. Битигнинг хотимаси (Oa.4, Ob) мангутошни кўйдирган киши, яъни марҳумнинг ўғли тилидан сўзланади.

Битигнинг O.4-сатрида битигтош аталган кимса тўғрисидаги маълумот бор. У шундай кўринишда:

Qarayan, Ältäriš qayan äliñä qilintim. Älädtmiš yabyu oyli Asbara Tamyan-çor Yuva inisi bilgä Asbara Tamyan tarqan aymayliñ bäs yätmiš äçim atim ...
– «Қапаған [ва] Элтариш хоқон юртида вояга етдим. Элэтмиш Ябғу ўғли, Асбара Тамған-чўр, Йўға иниси билга Асбара Тадған тарқан, жами олтмиш беш аждодим...».

Кўли-чўр битиги. Кўли-чўр битигтоши Монголиянинг Ихе-Хушоту деган жойидан топилган. У Кўли-чўр шарафига тикланган бўлиб, матни

кўк турк хатида (*нашрлариға қаранг*: Kotwicz 1928; Orkun 1987, 135 – 151; Малов 1959, 25 – 30; Mert 2015; Содиков 2018, 243 – 254).

Кўли-чўр Иккинчи турк хоқонлиги даврида яшаб ўтган машхур кишилардан. Унинг оти мазкур ёдгорликдан ташқари Хўйтў-Тамир ва Билга хоқон битигларида ҳам тилга олинади. Битигларда қайд этилишича, Кўли-чўр тардуш элини бошқарган.

Ёдгорликдаги ёзув тошнинг уч томониға битилган бўлиб, ғарбға қараган юзида 12 қатор, шарққа қараган юзида 13 қатор, жанубға қараган юзида 4 қатор, жами 29 қатордан иборат. Тошдаги битиг анча шикаст еган, шунинг учун матнни бошдан-охир тўлиқ тиклашнинг имкони йўқ.

Битигтошнинг тикланган санаси аниқ эмас. Шундай эса-да, битигда Кўли-чўрнинг Тўнюкўк даврида яшаб, саксонға кириб, дунёдан ўтгани қайд этилган: *Tonyuquq ... (Eltāris) qaγan elintā qarip, edgū beñi körti, uluy Köli-čor sākiz on yašar yoq bol[ti]*. – «Тўнюкўк ... (Элтариш) хоқон давлатида қариб, эзгу, мангу ном қозонди. Улуғ Кўли-чўр саксон йил яшаб, вафот этди» (КЧ, 2 – 3).

Енисей битиглари. Сибирнинг Олтой ўлкаси, Енисей, Кама дарёлари теварагидан топилган кўк турк ёзувли тошбитиглар фанда «Енисей битиглари» номи билан юритилади (*нашрлариға қаранг*: Малов 1952; Аманжолов 2003, 107 – 150).

Қадимги турк монументал матнлари ичида енисей битигларининг тузилиши ва услуги тамоман бошқача. Улар айри бир адабий мактабнинг маҳсули бўлиб, ўрхун битиглари сингари йирик-йирик эмас, каттаси ўн олти-ўн етти сатрли. Шундай эса-да, тил ва поэтик хусусияти, аҳамиятиға кўра муҳим саналади. Қизиғи, ўрхун битигларидан фарқли ўлароқ, ушбу битигларда кўпинча матн ўликлар тилидан сўзланади. Тўғри, уларни мархумнинг ўғил-қизи отасининг ўлимидан кейин ёздирган. Лекин у ерда кечган воқеалар, мархумнинг мунгли сўзларини ўтганнинг тилидан битган. Бу нарса матннинг поэтик таъсирини оширишға хизмат қилади.

Мангутошларда мархумнинг ўз яқинлари, ёруғ дунёдан, туғишганлардан айрилиқ қайғуси, ўкинчи баён этилади. Ушбу матнларни ўликларнинг нидоси дейиш мумкин. Битигларда мунгли бир мазмун етакчи.

Мўюн-чўр битиги. Мўюн-чўр – 745 йили Иккинчи кўк турк хоқонлиги ўрниға келган Уйғур хоқонлигининг ҳукмдори. Унинг шарафиға ўрнатилган битигда (Малов 1959, 30 – 44) кўк турк хоқонлиги тарихнавислигининг матн тузиш анъаналари сақланган. Бироқ матн тилида шарқий лаҳжанинг таъсири кучли.

Тошнинг шимолий юзида 12 қатор, шарққа қараган юзида 12 қатор, жанубга қараган юзида 15 қатор, ғарбга қараган юзида 10 қатор, жами 49 қатор кўк турк ёзувли матн битилган.

Ёдгорликда матн хоқон Мўюн-чўр тилидан ҳикоя қилинади. Унда Мўюн-чўрнинг мамлакатни ёвдан сақлаш, эл тинчлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракати, бу борада олиб борган курашлари баён қилинган. Ушбу битигни уйғур хоқонлигининг йилномаси деса бўлади.

Қорабалғасун битиглари. Қорабалғасун обидалари уйғур хоқонлиги давридан қолган йирик ва қадрли тарихий монументал ёдгорликлардир. Улар асл ҳолатида сақланган эмас. Мангутошлардан парчалар қолган, холос. Шунга қарамай, тош парчаларида қолган битиглар ёдгорлик қадрини ниҳоятда оширади.

Қорабалғасун обидалари уч битигдан иборат. В.Радловнинг «Атлас древности Монголии» китобида (Orhun, 61) ва Анқарада чоп этилган «Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü»да (МТА, 214 – 226) мазкур битигларнинг расмлари берилган.

1-*Қорабалғасун битиги* катта бир тош парчасида. Ёдгорлик гўзал бир кўринишда, бироқ анча шикастланган (МТА, 214 – 218). Ёдгорликнинг уст қисмига бир тасвир ишланган. Уни ўрганган олимлар икки аждар тасвири дея талқин этмоқдалар. Аммо унга синчиклаб разм солган киши тасвирда аждарни эмас, ўз ўлжасини еётган арслонни кўради.

Остидаги қалқонга кўк турк ҳарфлари билан беш қаторли туркий матн битилган. Ўқилиши шундай: [B]u teŋrikān teŋridā q[u]t bulmuş al[p] bilgā tāŋ[r]i uyur q[ayan] ... – «Бу художўй Тангридан кут топган [Тангрининг иноятига эришган] Алп Билга уйғур хоқони...».

3-*Қорабалғасун битиги* кўп йилдан буён олимлар эътиборини қозониб келмоқда. Бунинг боиси обиданинг уч тил – туркий, суғдча ва хитой тилида битилганлиги, шунингдек, унинг Уйғур хоқонлиги тарихининг муҳим ёдгорлиги эканлигида. Ёдгорликнинг хитойча матнида ёзилишига қараганда, мангутош тўқуз ўғуз (уйғур) хоқони Алп Билга (хитой манбаларида Баои) хотирасига 820 – 821 йилларда тикланган.

Кунимизгача ёдгорлик тош парчалари ҳолида сақланган. Тош сиртидаги ёзувларнинг ҳам оз қисми қолган.

Бошқаларига қараганда хитойча матннинг катта бўлаги мавжуд. Ёдгорликдаги суғдча матннинг ҳолати ҳам нисбатан дуруст. Аммо уни ўрганган олимларнинг хулосаларига қараганда, ҳозирги ҳолати асл матннинг 1/4 қисмидир.

Буларнинг ичида энг ёмон сақлангани туркий матндир. Чунончи, тошнинг юзи ортиқ даражада емирилган бўлиб, матндан узуқ-юлуқ

жумлалар, айрим сўз ва ҳарфлар қолган, холос. Матн қолдиқларини ўқиб маъно чиқариш ниҳоятда мушкул.

«Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü»да 3-Қорабалғасун ёдгорлигидаги туркий матн парчаларидан иккисининг расми берилган (МТА, 222 – 226).

В.Радлов Атласида юқоридаги икки тош парчаси билан бирга яна бир қанча нақшлар ишланган, туркий ёзувли тош парчалари ҳам берилган ва улар рақамлаб чиқилган (Orhun, 61; *матннинг ўқилишига қаранг:* Содиқов 2018, 255 – 258).

Сужи битиги. Ёдгорлик Мўғулистондаги Сужа довинининг жанубидан топилган. Ёзуви кўк турк алифбосида. Битиг, тахминларга кўра, IX юзйилликда ёзилган. У туркологлар томонидан бир неча бор нашр этилган (*қаранг:* Малов 1951, 76 – 77; 1952, 84 – 90; Orkun 1987, 155 – 159; Содиқов 2018, 258 – 259).

ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИДАН ТОПИЛГАН КЎК ТУРК ЁЗУВЛИ БИТИГЛАР

Ўзбекистон тупроқларидан топилган археологик ёдгорликлар ичида кўк турк ёзувли эпиграфик матнлар алоҳида ўринга эга (*Мазкур топилмалар рўйхатига қаранг:* Заднепровский 1967, 270 – 274; Васильев 1983, 41 – 42).

Ушбу ёдгорликлар гуруҳи кейинги даврларда топилаётган битиглар билан бойиб бормоқда. Кўк турк ёзувли ёдгорликлар асосан ер остида қолиб кетган қадимий кўрғон харобаларидан, эски қабрлардан чиққан. Ҳозирга келиб бу тупроқлардан топилган битиглар, у қадар кўп сонли бўлмаса ҳам, кўк турк ёзувининг ёйилиш чегаралари, ёзув генезиси ва тарихий тақомили, мазкур ўлкада кечган ёзув маданияти тарихи ҳақида янги илмий хулосаларни айтишга имкон берадиган даражага етди.

Куйида Ўзбекистон тупроқларидан сўнгги кезларда топилган ёдгорликлар хусусида сўз юритамиз.

I. Лўмбитепадан топилган кўзадаги битиг. 1988 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари томонидан Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган Лўмбитепа ёдгорлигида қазииш ишлари бошланди. Ушбу ёдгорлик майдони 60x90 метр, баландлиги 8 метр келадиган тепалик бўлиб, илк ўрта асрларда (V – VIII юзйилликлар) мустаҳкамланган қишлоқ қасри бўлган. Қаср қадимги карвон йўли ёқасида жойлашган. Археологик қатламларнинг кўрсатишича, қасрда ҳаёт бир неча юз йил давом этгач, IX – X юзйилликларда узилиб қолган. Ушбу ёдгорликда кўплаб ашёлар билан бир қатор

да қадимги туркий ёзувли кўза ҳам топилди. Унинг бўйи 20 см дан сал ортиқ, қорин қисмининг кенглиги 16 – 17 см, оғзидан елкасигача бир ёқлама банди (тутқичи) бор. Бандининг сиртига қуйидан юқори йўналган қадимий туркий битиг ўйиб ёзилган. Битиг, чамаси, идишнинг пиширилишидан олдин битилган. Хати тартибли, эътибор билан ёзилган. Чамаси, кўза бирор амалдор томонидан махсус буюртириб тайёрланган кўринади. Битиг ҳарфларининг эпиграфик қиёфаси кўк турк ёзувли бошқа ёдгорликлар орасида бир қадар қадимий кўринишда. Бу бежиз эмас, идиш ёдгорликнинг VI – VII юзйилликка оид қатлаמידан чиққан (қаранг: Содиқов 2004, 10 – 13).

Кўзадаги битиг жами етти белгидан иборат. Матн ўнгдан сўлга ўқилади.

Биринчи ва олтинчи белгилар <k> ҳарфидир. <k> нинг бу шакли бошқа битигларидаги шаклидан бир оз фарқли. Унинг юқори қисмидаги кўшалоқ шохчаси, ўрхун-енисей битигларидаги шаклидан кўра кўпроқ қиялатиб чизилган. Белгиларнинг иккинчиси <i> ҳарфидир. Учинчиси – <a>.

Битигда эътиборимизни ўзига тортадиган яна бир белги тўртинчи ҳарфдир. Уни <m> га йўйиш мумкин. Лекин ушбу белги бошқа битигларидаги <m> дан (одатда, уларда ушбу ҳарф сиқик шаклда ёзилади) қисмларининг ёйсимонлиги ва уларни бирлаштирувчи чизғиси билан ажралиб туради. Шунга яқин кўриниши Тўнжук битигида учрайди, лекин унинг туташтирувчи чизғи горизонтал, ушбу битигда эса қиялатиб тортилган.

Бешинчи белги <n> ҳарфидир; охириги белги [s] учун ишлатиладиган тик чизиқ кўринишида. Лекин остки қисмида чап томонга чиқарилган қиялама шохчаси бўлиб, кўз англаши қийин. Агар шу белгини инobatга олсак, уни <ç> деб ўқишимиз мумкин. Шундай қилиб, битигдаги етти белгининг кетма-кетлиги аён бўлади: *k i a m n k ç*.

Кўк турк хатининг қадимги туркий тилда амал қилган товушлар уйғунлиги (сингармонизм)га мослашганлиги бу ўриндаги сўзларнинг йўғон ёки ингичка талаффузли эканлигини аниқлашга имкон беради. Шунга асосланиб фикр юритилса, бу битигдаги сўзлардан биринчиси ингичка ўзаклидир, чунки у <k> билан келган. Ундан кейин <i> ва <a> ҳарфлари олдинма-кетин жойлашган. Таъкидлаш керакки, туркий тилда икки унли ёнма-ён келмайди. Демак, сўзнинг чегараси ҳам шу ерда бўлади: <i> биринчи сўзга, <a> эса кейинги сўзга тааллуқлидир. Бешинчи белги [n] товушининг йўғон вариантыни, ундан кейинги белги эса ингичка [k] ни англатади. Кўринадики, бу ўринда ҳам чегара бор: <n> ўрталиқдаги, <k> эса сўнги сўзга алоқадор. Шундан келиб чиқиб битигни учта сўзга ажратиш мумкин: ўрталиқдагиси йўғон, икки четдагилари ингичка ўзакли сўзлардир.

Энди ёзувнинг имло хусусиятларига асосланиб шу сўзлардан маъно чиқаришга чоғланиб кўрамиз. Биринчи сўзга иккита ҳарф (<k> ва <i>) бирлашади. Уларнинг олдига кўк турк ҳатининг имлосига мувофиқ рапишда ёзувда ҳар доим ҳам ёзилавермайдиган олд қатор, ингичка [ä (~e)] қўшиб, äki (~eki) деб ўқиш мумкин. Қадимги туркий тилда «икки» сўзи ана шундай талаффуз қилинган.

Ҳарфларнинг иккинчи гуруҳини (a m n) жамлаб, aman ёки amin шаклида ўқиш мумкин. Aman сўзи арабча бўлиб, ҳозирги ўзбекчада омон шаклида қўлланади. Лекин унинг қадимги, айниқса, араб истилосидан илгари даврда туркий тилда ишлатилганига ишониш қийин. Шунинг учун ҳам битигдаги ҳарфлар гуруҳини aman эмас, amin деб ўқиган маъқул. В.Радловнинг туркий лаҳжалар бўйича тузган луғатида amin сўзи учрайди. Олимнинг таъкидлашича, ушбу сўз «яшамоқ, турмоқ; турмуш; ҳаёт; макон» маъноларини англатган. Кўза матнидаги сўзни ҳам, эҳтимол, шу маъноларнинг бирига йўйиш мумкиндир.

Сўнгги икки ҳарф – <k> ва <č> ни бирлаштириб káč (~keč) деб ўқиса бўлади. Уни феъл-кесим – káč («кечирмоқ; кечмоқ») деб талқин қилиш мумкин. Ана шунда ушбу жумладан «Икки умр кечир; икки дунё умрини яшагин», «У дунёнинг ҳам обод бўлсин» деган маъно келиб чиқади. Қадимги туркларнинг эътиқодича, инсон ўлгандан кейин у дунёда ҳаёти давом этади. Шунинг учун ҳам яқин кишиларнинг қабрига баъзан қимматли буюмлар қўшиб кўмишган, туғишганларнинг у дунёси ҳам тўкин-фаровон бўлишини истаб ана шундай қилишган. Ким билади, кўзадаги битиг ҳам суюкли кишидан айрилганнинг яхши ниятини ифодалаган чиқар.

Ҳар қалай, бу ерга хотин киши ёки қиз бола кўмилган. Акс ҳолда, қабрга кўза қўйилмаган бўларди.

Муҳими, Лўмбитепадан топилган қадимги туркий битиг VII – VIII юзйилликларга оид туркий обидалардан ёш жиҳатдан қарийб бир-икки аср эскироқ. Ушбу топилма қадимги туркий битиглар рўйхатини бойитади ва улар топилган жойларнинг географиясини анча кенгайтиради, ёзув тарихи хусусида янги хулосаларга олиб келади.

II. Кўҳна Кеш тупроғидан топилган битиглар. Археологлар Қашқадарё вилоятида Китоб шаҳридан 15 км узоқликда Узунқир қишлоғи яқинидаги тарихий тепаликда қадимий шаҳар-қўрғон комплексини очдилар. Бу жойни маҳаллий аҳоли Подаётоғтепа деб атади. Археологларнинг фикрича, Подаётоғ ёдгорлиги хронологик жиҳатдан 2400 – 2500 йиллар билан белгиланади. У уч комплекс (қатлам)дан иборат бўлиб, остки қисми милoddан аввалги VI юзйиллик Аҳмонийлар давлатининг сўнгги даврларига, ўрта қатлами антик даврларга, устки комплекси эса илк ўрта асрларга мансубдир. Мазкур ёдгорликда шаҳарнинг ҳимоя де-

вори, қабристон, уй-жой, маҳаллалар сақланган. Ёдгорлик шаҳарсозлик маданиятининг барча талабларига жавоб беради. Тарихий шаҳарнинг умумий майдони 70 гектар. Бу майдоннинг ҳимоя деворидан ҳозирги пайтда 300 метрли бўлаги сақланган, холос. Тепалик ҳолига келиб қолган девор харобасини ҳозир аҳоли Узунқир дейди. Шаҳарнинг ғарбий сарҳадидан Шўробсой оқиб ўтади.

Текширув натижасида Узунқирдан 500 м шарқда квадрат майдони икки гектарли ҳимоя девори билан ўралган яна бир тарихий тепалик аниқланди. Ушбу тепалик Кўмиртепа қишлоғининг ёнгинасида жойлашган бўлиб, ҳозир Сангир номи билан юритилади. Сангир ёдгорлиги, археологларнинг таъкидлашича, беш қатламдан иборат. Ёдгорликнинг энг устки – 5-қатлами илк ўрта асрларга тегишли, 3 – 4-қатламлар антик босқич, 2-қатлам Аҳмонийлар даврига тегишлидир. Энг чуқур – 1-комплекс ҳали очилгани йўқ. Дарвоқе, археологик далиллар 2-қатламнинг 2500 – 2700 йиллик тарихга эга эканлигини исботламоқда. Демак, бу тупроқдаги шаҳарсозлик тарихи ҳам шу қадар қадимийдир.

Маълум бўлишича, бу жой ҳокимнинг шаҳар ташқарисидаги қишки қароргоҳи бўлган. Одатда, қишки қароргоҳ шаҳар яқинида, ёзги қароргоҳ эса тоғда бўлар эди.

Қазишма чоғида Подаётоғ ва Сангир ёдгорликларидан жуда кўп буюмлар чиқди. Тош ашёлар, сопол, мисдан ясалган буюмлар, турли ҳайкалчалар шулар жумласидандир. Кўлга киритилган ашёларнинг бари Шаҳрисабздаги Амир Темур номидаги Моддий маданият тарихи музейига келтириб сақланмоқда.

Ёдгорликлар орасида бўртма белгили икки сопол парчаси эътиборни ўзига тартади. Археологларнинг сўзича, уларнинг иккови қалъа деворининг ёнгинасидан оқиб ўтувчи Шўробсой ёқасидан топилган. Сопол ашёлар антик даврга мансуб бўлиб, ёши 2300 – 2400 йилларга тўғри келади. Улар сой ёқасига нураган қатлам билан кўчиб тушган (қаранг: Содиқов 2004, 13 – 16).

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар икки сопол парчасида ҳам бўрттириб битилган белгилар бор. Биринчи сопол парчаси жом идишнинг туби бўлиб, унга Ч симон белги битилган. Кичик сопол парчаси эса катта бир кўзанинг қорин қисми бўлиб, унга бўртма илгаксимон белги туширилган. Ҳар икки сополдаги бўртма шаклларнинг ён-верида бундан бошқа белги излари учрамайди. Чамаси, айна белгиларнинг ёлғиз ўзи муайян маънони билдирган.

Янада муҳими, сополлардаги белгилар Туронзамин халқлари қўллаган қадимий ёзувларнинг айрим ҳарфлари билан уйғун. Чунончи, жомнинг тубига туширилган Ч симон белги кўк турк хатидаги Ч <г> ёки

пастга ўгирилган ҳолатида $h <t>$ ҳарфига мос келади (ёдгорликлар буюм парчаси бўлгани учун унинг юқори ва остки қисмини аниқлаш қийин). Кўза қорнига бўрттириб туширилган илгаксимон белги эса кўк турк матнларидаги $1 <p>$, пастга ўгирилган чоғида $\downarrow <l>$ ҳарфини эслатади.

Шуларга қисман уйғун келадиган белгиларни финикий алифбоси асосида шаклланган қадимий ёзувларнинг баъзиларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, жом тубидаги Ч симон белги финикий (шимолий сомиий) ва унинг негизида шаклланган оромий алифбосидаги $<r>$, кўза қорнидаги илгаксимон белги эса пастга ўгирилган ҳолатида оромий, жанубий сомиий алифболаридаги $<l>$ ҳарфига бир оз ўхшаб кетади.

Кўринадики, сопол идишларга бўрттириб туширилган белгилар қадимий алифболарнинг ҳарфлари бўлиб, муайян маънони англатган. Айни чоғда, ушбу белгилар уларни ясаган кулоллар ёки буюм эгаларининг тамғаси (уруғ белгилари?) вазифасини ҳам бажарган кўринади.

Кейинчалик Подаётоғ комплексини қазув чоғида ерости қатламидан яна турли белгили сопол парчалари чиққан. Ушбу топилмалар ҳам айни қатламга мансуб бўлиб, ҳали чуқур текширув ишларини тақозо этади.

Муҳими, сопол идишлар сиртига муҳрланган белгилар илк ўрта асрларда Марказий Осиёда ишлатилган ёзувларга туташ. Агар сопол идишларнинг антик босқич – 2300 – 2400 йил бурунги даврларга мансуб эканлиги назарда тутилса, ушбу ҳудудларда ёзув маданиятининг ҳам шу қадар қадимийлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Идишлар сиртидаги белгиларнинг, айниқса, кўк турк алифбосидаги ҳарфларга уйғун эканлиги диққатга молик. Бу, ўз навбатида, VI – VIII юзйилликларда Енисей ва Ўрхун бўйларида битилган обидалар хатининг асоси милoddан аввалги даврларга боради дейишимизга имкон беради.

III. Чашмирондан топилган ёзувли ивриқ. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманининг Чашмирон қишлоғидан кичик бир ивриқ (кўзача) топилди. Ивриқ ҳозир қишлоқдаги Садриддин Айний номидаги 10-мактаб музейида сақланмоқда (қаранг: Содиқов 2004, 16 – 17).

Идишнинг бўйи 10 см, оғиз айланасининг диаметри 5 см. Қорин айланаси 21,5 см. У нисбатан беўхшов бўлиб, қўлда ясалган. Оғзидан белига қадар ёпиштирилган банди бор. Сопол сингитиб пиширилмаган кўринади: сиртида қизғиш доғлари қолган. Идишнинг ичи қорамтир жигарранг. Сопол тоза тупроқдан ишланган бўлиб, таркибида аралашмалар йўқ. Идишнинг оғзи учган.

Муҳими, кўзачанинг қорни бўйлаб чизгилар битилган. Чамаси, у кейинчалик ўткир тиғли нарса билан тирнаб чизилган. Археологлар авваллига ушбу чизгиларни суғд хати бўлса керак деб тахмин қилган эдилар.

Лекин, бизнинг кузатувимизча, ушбу чизгилар ташқи кўринишидан суғд хатини эмас, кўк турк хатини эслатади.

Ивриқ сиртидаги чизгиларда бир-биридан ажратиб ёзилган тўрт белгини кўриш мумкин: уларнинг учтаси ёнма-ён, тўртинчиси эса улардан холи – бир оз жой қолдириб чизилган. Ҳарф дея тахмин қилинаётган мазкур белгилар бир-бирига тенг эмас, анча тартибсиз. Улар ўнгдан сўлга қараб қуйидаги кетма-кетликда: тўғри чизиқ шаклидаги дастлабки чизиқ кўк турк алифбосидаги | <s'> ҳарфига уйғун.

Икки бағридан айри чиқарилган иккинчи чизиқ бир оз мулоҳазали. Башарти унинг ўнг томонга чиқарилган айриси инобатга олинмаса, | <η> ҳарфига тўғри келади.

Учинчи белги остидаги ўнгга қайрилган илгагини инобатга олмаганда, | <r> ни эслатади. Иккинчи ва учинчи ҳарфларнинг ўнг ёғидаги қисқа чизиқчалар, эҳтимол, ҳарфларни бир-бирига туташтирувчи элемент вазифасини бажарган бўлиши ҳам мумкин.

Айри ёзилган тўртинчи белгини кўк турк ёзувидаги муайян белгига менгзаш қийин.

Демак, кўза қорнидаги чизгиларда уч ҳарфни кўриш мумкин: <s'>, <η>, <r>. Биринчи ҳарф ингичка, баъзан йўғон талаффузли сўзларда; иккинчиси ҳам ингичка, ҳам йўғон; учинчи ҳарф эса фақат йўғон ўзакли сўзларда ишлатилади. Бу ҳарфлар йиғиндиси ушбу сўз йўғон ўзакли эканидан далолат беради. Ёзувда акс этган ундошлар орасига унлилар қўшиб бу сўзни Ч|l *siŋar* деб ўқиш мумкин. *Siŋar* сўзи қадимги туркий тилда «ярим» маъносини англатади (ДТС, 504).

Чамаси, ивриқ суюқликни ўлчаш учун мўлжалланган. Унинг сиғими эса муайян ўлчовнинг ярмини ташкил этган. Устидаги ёзуви ана шунга ишорадир.

IV. Ўзбекистон тупроқларидан топилган кўк турк ёзувли битиглар комплекси асосан эпиграфик матнлардан иборат. Уларнинг кўпи сопол буюмларга битилган.

Терига ёзилган битиг айнан бу ҳудуддан бўлмаса-да, унга яқин ердаги Муғ қалъа вайронасидан суғд ёдгорликлари билан бирга чиққан (Бернштам 1951, 65 – 75).

Мазкур ҳудуд ёдгорликлари орасида узукка туширилган, қояга битилгани ҳам бор. Чунончи, бронза узукка туширилган тўрт белгидан иборат битиг Қорамозор тоғидаги Муғхонадан топилган. Тошдаги кўк турк битиги эса Саритош қишлоғидан Иркештомга борадиган йўл ёқасида (қаранг: Заднепровский 1967, 273).

Эпиграфик ёдгорликларнинг кўпроқ ер остида қолиб кетган тарихий комплекслардан топилаётгани бежиз эмас. Бунинг тарихий сабаби бор.

Маълумки, VIII юзйилликда Ўрта Осиёга бошланган араб халифаларининг босқини ерли халқ маданиятига кескин зарба берди. Истило юзйилликлар оша яратилган улкан маданиятни янчиб, бу ўлка халқлари орасида исломни ўрнатишга қаратилди. Маданият ёдгорликлари, осори атиқалар билан бир қаторда ёзув ёдгорликлари ҳам кўкка совурилди (бу ўринда Абу Райҳон Берунийнинг «Осору-л-боқия» асарида келтирилган маълумотларни эшлаш кифоя). Бунинг оқибатида ўлкада ишлатилган авеста, қадимги хоразмий, суғд ёзувлари қаторида кўк турк хати ҳам ишлатилмай қўйди. Маҳаллий тиллар учун араб хати ўзлаштирила бошланди. Лекин ислом бориб етмаган турк ўлкаларида туркий ёзув маданияти аввалгидай ривожланишда давом этаверди.

Шунинг учун бўлса керак, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тупроқларидан топилган кўк турк ёзувли ёдгорликларнинг катта бир қисми ер остидан чиққан. Ёдгорликлар қоғозда ёки бошқа ашёларда эмас, кўпроқ эпиграфик матнлар эканлигининг боиси ҳам, чамаси, шундан (Ер юзида қандай ёдгорликлар бўлгану қирғинлар таъсирида қанчалик йўқолиб кетгани тарих қаърида яшириниб қоладиган кўринади). Муҳими, кўҳна харобалардан, мозорлардан топилган ёдгорликларнинг ўзиёқ бу тупроқларда қачонлардир кўк турк хати кенг қулоч ёзиб, юзйилликлар оша ишлатилганидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон еридан топилган кўк турк ёзувли битиглар турли даврларга мансуб. Уларнинг энг эскилари кўпроқ тамғалар (қулолларнинг шахсий белгилари, қабила-уруғ тамғалари) вазифасини ўтаган кўринади. Ёзувнинг ривожланган босқичидаги ҳарфий белгилар график-ифодавий жиҳатдан айна белгиларга жуда яқин. Бундан икки хил фикр келиб чиқади.

Биринчи фикр: буюмларни ясаган қулоллар қўллаган тамғалар тасодифий эмас, ёзув белгиларига асосланган.

Иккинчи фикр: кўк турк алифбосининг белгилари дастлаб тамғалар шаклида бўлган. Ёзув тарихининг кейинги босқичида улар туркий тилнинг фонетик-фонологик қуруми билан узвий ҳолда ривожланиб, такомиллашиб, мустақил ҳарфлар даражасига эришган. Ҳар қалай, иккинчи тахмин ҳақиқатга яқин бўлса керак.

Яна бир жиҳати, Китоб яқинидаги Подаётоғ комплексидан чиққан рунийсимон белгили сопол парчалари ёш жиҳатдан салкам Алмати яқинидаги Иссиқ қўрғонидан топилган ёзувга етади. Иссиқ қўрғонидан топилган битигнинг тили туркий, ёзуви эса кўк турк хатининг илк босқичи эканлиги тўғрисидаги кўзқарашлар ҳозирги чоғда ўз асосини топмоқда (Аманжолов 1978, 82 – 83).

Иссиққўрғон битиги ҳамда кўҳна Кеш тупроғидан топилган ёзув ёдгорликларига асосланганда Ўрта Осиёнинг катта бир ҳудудида милод-

дан аввалги даврлардаёқ туркий ёзув маданияти шаклланиб, VII – VIII юзйилликларда яратилган ёдгорликларга қадар узоқ босқични босиб ўтганлиги аён бўлади.

Эътиборга лойиқ ери, шу чоққача Ўрта Осиёдан топилган кўк турк ёзувли ёдгорликлар асосан Талас, Фарғона водийлари, Тошкент воҳаси, Юқори Зарафшондан чиққан эди. Энди ана шундай битигларнинг бошқа ҳудудлардан, хусусан, Жанубий Қашқадарёдан топилганлиги, айниқса, уларнинг ёш жиҳатдан анчайин эскилиги муҳим. Бу, ўз навбатида, кўк турк ёзувининг қўлланиш тарихини Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари давридан бир неча аср эскироққа олиб боради ва ёзувнинг тарқалиш доирасини анча кенгайтиради.

Мазкур битигларнинг ҳарфлари ўз шаклига кўра ўрхун ва енисей битигларининг ҳарфларидан фарқ қилади. Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, туркий ёзув VII – VIII юзйилликларда яратилган ўрхун-енисей, Талас, Исфара, Фарғона ёдгорликларидаги кўринишигача бир неча тарихий-палеографик босқични бошдан кечирган. Ўрхун ва енисей битигларининг хати, кузатувларга қараганда, ёзувнинг дастлабки эмас, кейинги такомиллашган босқичига мансубдир.

Ўзбекистон тупроқларидан топилган битиглар кўк турк ёзувининг тарихи, келиб чиқиши ва такомилли тўғрисида янги фикр уйғотиши ҳам табиий.

Аёнки, кўк турк алифбоси бир пайтда яратилган эмас. Мазкур ёзув тарихан Ўрхун ва Енисей томондан Ғарбга эмас, Ўрта Осиёдан Шарқ томон силжиган кўринади. Унинг асослари, чамаси, Ўрта Осиёда шаклланиб, сўнг бошқа турк ўлкалари – Олтой, Ўрхун водийлари томон тармоқ отган бўлса керак. Мавжуд топилмалар ана шундан белги бериб турибди.

ҚАДИМГИ ТУРКЧА-МОНИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИ

Монийлик дини Марказий Осиёда хоҳ буддизм билан ёнма-ён, хоҳ ислом билан ёнма-ён бўлсин, ўзга диндаги жамоалардан узлуксиз туртки еб келган. Бундай шароитда кейинчалик ҳам, айниқса, бошқа диний жамоаларда, моний ёдгорликларини ҳеч кимса атайин сақлаган эмас. Моний яратган ёки унинг таълимоти ёритилган асарларнинг кўпи ўша замонлардаёқ бошқа диндаги кишилар томонидан йўқ қилинган. Сақланиб қолганларининг сони жуда оз.

XIX юзйиллик охири ва XIX юзйилликнинг бошларида Шарқий Туркистондан қадимги туркий ва суғд тилларида битилган монийлик мазмунидаги диний-фалсафий асарлар, йирик асарларнинг узиндилари топилган. Шунингдек, ўша чоғларда монийчи жамоаларнинг билгин

кишилари томонидан ёзиб қолдирилган монументал матнлар ҳам бор. Ушбу ёзма ёдгорликлар Моний қарашлари, диннинг фалсафий асосларини ўрганишга ёрдам беради.

Монийлик динининг фалсафий қарашлари ўтмишда яшаб ўтган олимларнинг асарлари, тарих китобларидаги маълумотлар асосида ҳам ўрганилади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Моний ва монийлик дини тўғрисида яхши хабар берган. Христиан теологи Августин ҳам монийлик тўғрисида муҳим асар ёзиб қолдирган.

Кунимизгача етиб келган монийлик диний мазмунли ёдгорликларнинг кўпи пароканда, уларнинг тўлиқ сақланиб қолганлари ҳам бор. Улар монийлик муҳитида яратилган туркий шеърлар, тавбаномалар, моний ақоидларининг узиндилари, ирқ битиги, грамматик асарларнинг узиндилари, шунингдек, эпиграфик матнлардир. Монийлик мазмунидаги туркий асарлар кўк турк, уйғур ва моний ёзувларидадир.

Монийлик даври шеърляти. Монийлик даври туркий адабиётида *başıq, küg, taqşut, küg taqşut* сингари шеър турлари амал қилган. Кунимизгача сақланиб қолган шеърларнинг мазмуни ҳар хил. Улар ичида Тонг-тангрига аталган алқовлар, Монийга бағишловлар, ўлим ва жаҳаннамни тавсиф этувчи, ҳатто лирик шеърлар ҳам бор. Уларнинг кўпи турк шоирлари томонидан тўқилган, айримлари бошқа тиллардан қадимги туркийга таржима қилинган. Монийлик муҳитида яшаб ижод этган икки шоирнинг оти маълум: уларнинг бири Апринчўр тигин, иккинчиси эса Кул тарқандир.

Қадимги турк-монийлик адабий муҳитида яратилган шеърӣ асарлар ҳозирги чоғда Берлин академияси фондидаги Турфон харобаларидан топиб келтирилган матнлар орасида сақланмоқда. Улардан T.II.D.169; T.M.419; T.II.D.178; T.III.D.260 кўрсаткичли битиглар монийчи турклар муҳитида яратилган (*қаранг:* Arat 1991,3 – 59; Notlar: 307 – 331; Faksimilesi: 441 – 444).

Ёзма ёдгорликлар орасида T.II.D.169 кўрсаткичли қўшалок вараққа битилган матнлар киши эътиборини ўзига тартади. Қоғозга учта туркий алқов битилган (унинг монийлик мазмунидаги суғдча матни ҳам бор). Туркий алқовларнинг учаласи уйғур хатида. Алқов қадимги туркий адабиётда *başıq* деб аталган.

Турфондан топилган ёзма манбалар ичида Монийга аталган алқов ҳам бор (Arat 1991, 30 – 59). Алқов моний хатида ёзилган бўлиб, 123 тўртликдан иборат. Аҳамиятлиси монийлик мазмунидаги ушбу шеърнинг потхи шаклидаги китобга битилганида. Китобнинг илк бетига миниатюра ҳам ишланган. Одатда, потхи китоб будда жамоалари орасида

ишлатилар эди. Ушбу китоб буддизм санъатининг, китобат маданиятининг турк-моний санъатига таъсир этганидан далолат беради. Ҳар қалай, китоб будда жамоалари билан аралаш яшайдиган монийчи жамоалар томонидан яратилган кўринади.

Монийчиларнинг ўқинув битиги «Хуастуанивт». «Хуастуанивт» монийчиларнинг эркли-эрксиз, билиб-билмай қилган ёзуқларидан ўқинув битигидир. Асарнинг оти матнда *N(i)yoşaklarniñ suyiñ-yazuqin öküñgü Huastuan(i)vt* деб берилган. Ушбу жумладаги *niyoşak* суғдчадан ўзлашган бўлиб, «тингловчи» маъносини англатади, у монийлик жамоасида қуйи даражадир; *суу-yazuq* – жуфт сўз, «гуноҳлар, ёзуқлар» деган маънони билдиради; *öküñgü* эса ҳозирги «ўқинув, тавба қилув» англамида. Шунга кўра, асарнинг отидан «Ниғўшакларнинг ёзуқлардан ўқинувчи «Хуастуанивт» деган маъно келиб чиқади.

Асарнинг туркий қўлёзмалари ҳозир Санкт-Петербург, Лондон ва Берлиндаги қўлёзма фондларида сақланмоқда (*Асарнинг нашрларига қаранг:* Малов 1951, 108 – 130; Дмитриева 1963, 214 – 232; Содиқов 2009₂, 85 – 99; 2018, 269 – 291). Булардан Санкт-Петербург нусхаси қадимги уйғур, Лондон нусхаси моний ёзувида битилган бўлиб, нисбатан тўлиқ. Берлин нусхалари эса асардан олинган фрагмент(узинди)лардир. Улар Берлин академиясининг қўлёзмалар фондида Турфондан топиб келтирилган ёзма ёдгорликлар орасида сақланмоқда. Хати икки хил – моний ва уйғур ёзувларида.

«Хуастуанивт» – таржима асар. У қадимги эроний тиллардан бирида яратилиб, кейин туркийга ўгирилган. Фанда унинг суғдча, қадимги туркий тилдаги версиялари маълум. Туркий версиялари уйғур ва моний ёзувларида битилган.

Асар ўн беш бўлимли. Бўлимлари *bölüg* дейилиб, ҳар қайсиси муайян масала ечимига бағишланган. Матнда ҳар қайси бўлим ўзининг тартиб кўрсаткичи билан бошланади: *ücünç, törtünç, bişinç, altinç, yitinç, säkizinç* ва б. Уйғур ёзувли матнда жумлалар қўш нуқта (.), бўлимлар эса икки жуфт нуқта (.. ..) билан ажратилган.

Қўлёзма сўнгида асарнинг тугаганлиги ва котибининг оти ёзиб қўйилибди: *Bütürmiş Tarхан. Tügädi n(i)yoşaklarniñ suyiñ-yazuqin öküñgü Huastuan(i)vt.* – «(Маттни) тугаллаган Тархан. Тугади ниғўшакларнинг ёзуқлардан ўқинув (битиг)и – «Хуастуанивт».

Ўтмишда диний асарлар, хусусан, моний ёдгорликларини битишда ёзувнинг ўзига яраша сулув бир услуби танланган. Биз сўз юритаётган қўлёзманинг хати ҳам ўта сулув, классик услубда.

«Хуастуанивт» сиғинувчилар ичида ёлғиз ҳолда ҳам, кўплашиб ҳам ўқилган.

«Хуастуанивт» диний-фалсафий асаргина эмас, қадимги турк ёзма адабиётининг ажойиб ва тенги йўқ ёдгорлиги ҳамдир. Адабиёт аҳли уни бадий асар сифатида ўрганади. Топинувчилар кўнглидаги эзгу ўйлар, инжа туйғуларни, уларнинг тангрига илтижосини акс эттириш, матн таъсирини ошириш учун тилмоч ниҳоятда равон бир услубни қўллаган. Матн услуби тилмочнинг теран билимли, тил устаси, сўзга чечан, шоиртабиат киши ўтганидан белги бериб туради. Қолаверса, тангрига бўлган илтижоларда матннинг таъсирчанлиги, топинувчи кўнглининг туб-тубидаги туйғуларнинг (қадимги туркийда бунини *berk qatïy saw* дейилган) баёнига айрича урғу берилган. Ана шу ҳодиса монийлик даври адабиётида, ёзма адабий тилда ўзига яраша «тангрига илтижо услуби»нинг юзага келишини таъминлаб берди. Исломи даврида яратилган муножотлар услубида ҳам қадимги туркий тил даврида яратилган ўша анъананинг эпкинларини кузатиш мумкин.

Яна бир жиҳати, асарда ёзма адабий тилнинг эски, классик ўлчовлари тўла-тўқис, яхши сақланган. Сўзларнинг имлосидан тортиб жумлаларнинг тузилишигача шунга бўйсунди. Муҳими, ўша кезларда туркий матнчиликда диний-фалсафий асарлар услуби, унинг ўлчовлари ишлаб чиқилди. Кейинчалик ҳатто бошқа эътиқодларга ўтилганда ҳам диний-фалсафий мазмундаги асарларни битишда қадимги туркий тилда ишлаб чиқилган ўша ўлчовларга, анъанага таянилган.

«Хуастуанивт»нинг Берлин қўлёзмалар фондида сақланаётган узиндилари алоҳида варақларда; қоғознинг бир ёки иккала бетига битилган. Қоғоз бичими ва матн ўлчамлари ҳам ҳар турли.

Сақланган битиглар асарнинг бирор бўлимидан олинган; баъзи варақларга асарнинг кетма-кет икки бўлими битилган. Уларнинг айримлари (айниқса, икки бўлимлари) асарнинг йирик қўлёзмаларидан қолган узиндилар бўлуви-да мумкин. Лекин моний топинувчилари орасида асарнинг тўлиқ қўлёзмалари билан бирга бўлимлари айри-айри ҳолда, дуо кўринишида ҳам кенг тарқалган деган фараз кучли. Табиийки, топинувчилар (ёки дуоларни уларга кўчириб берган битигчилар) ушбу узиндиларни асарнинг тўлиқ қўлёзмаларидан олган.

Қоғозларининг кўпи пароканда, титилиб йиртилиб тушган ерлари бор. Уларнинг матни ҳам узук-юлуқ. Узиндиларнинг барига тегишли бўлган белгилардан бири – ҳаммасининг хати тартибли, кўпи классик хат услубида. Кўринадики, моний жамоаларида тавбаномаларнинг тилигагина эмас, ёзув услубига ҳам айрича эътибор қаратилган.

Берлин қўлёзмалар фондида сақланаётган ушбу узиндилар йирик матнлар бўлмаса-да, илк манба сифатида ўта қимматлидир.

«Хуастуанифт» топинувчилар орасида тўлиқ ҳолда ҳам, бўлимлар қўринишида ҳам тарқалган. Муҳими, матндан нусха кўчириб, жамоага ёйиш монийчилик эътиқодини мустақкамлаш йўлидаги савобли ишлардан бирига айланган эди. Шу ва шу сингари омиллар ҳам ўз замонасида асарнинг кенг ёйилуви, қўлёзмаларининг кўп нусхада етиб келишини таъминлаб берди.

«Ирқ битиги» кўк турк хатидаги яхлит китоб ҳолида сақланган ягона асардир (*нашрига қаранг*: Малов 1951, 80 – 92). Қадимги туркий тилда *irq* – «фол», *irq bitig* – «фол китоби» деган маънони англатади. Асар қўлёзмаси ҳозир Англияда, Британия кутубхонасидаги С.А.Стейн коллекциясида (British Library, Or. 8212/161) сақланмоқда.

Асар якунида унинг номи қайд этилган: *Amti amraq oylanim, anca biliqlar, bu irq bitig edgu-ol.* – «Энди, суюкли ўғилларим, билиб қўйинг, бу «Ирқ битиги» ийилидир».

Шундан сўнг матннинг ёзилган тарихи, унинг кимларга аталгани битилган:

Bars yil, ekinti ay, bes yigirmika Tayguntan Manistantäki kiçig dintar buru yuru esidçimiz İsig Sañun, İtaçuq üçün bitidim. – «(Мен бу китобни) барс йили иккинчи ойининг йигирма бешинчисида Тайгунтан Манистандаги кичик диндорлар, буруа ғуру (даражасидаги) тингловчиларимиз Исиг Сангун ва Итачуқ учун кўчиртирдим».

Асар туш таъбирларига бағишланган бўлиб, 65 бўлимдан тузилган. Ҳар қайси бўлим муайян масала хусусида. Китоб юз бетли.

Туш таъбирлари турли ҳайвон ва қушларнинг образлари, ҳар хил воқеалар билан боғлиқ ҳолда баён этилади. Булар яхшилик ва ёмонликнинг тушда белги беришидир. Муҳими шундаки, асарда акс этган яхшилик ва ёмонлик тимсоли туркларнинг энг қадим тасаввурларига бориб туташади.

Асар ниҳоясидаги унинг моний жамоасидаги икки шогирд – Исиг Сангун, Итачуқ учун ёзилганлиги ҳақидаги қайд ҳамда асарда қўлланган айрим атамаларга асосланиб битиг моний муҳитида яратилганлигини эътироф этиш мумкин. Асардаги образлар тизимида, сюжет ёки воқеалар баёнида айнан монийлик тасаввурлари билан боғланувчи деталлар кузатилмайди. Айниқса, ҳайвон рамзлари билан боғлиқ мифологик тасаввурлар асар илдизларини кўк-тангри дини, шаманлик инончи билан боғлайди. Англашиладики, асарда акс этган тасаввурлар илдизи анча чуқур.

ТУРКЧА-БУДДА ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ АСАРЛАРИ

Буддизм даври туркий адабиёти ўз хусусиятлари, йўналиши, жанрлар типологияси билан бошқа даврлардаги адабиёт, хусусан, ўзидан илгарироқ яратилган кўк турк ёзма адабиётидан ажралиб туради. Бу даврда туркий адабиётнинг мазмуни, образлар тизими ҳам ўзгарди. Кўк турк адабиётидаги алплар, халқ миллий қаҳрамонларини улуғловчи битиглар, халқ эпосларининг ўрнини будда мазмунли асарлар эгаллади.

Қадимги турк бадиий адабиётида буддизм қарашлари, фалсафий таълимотини куйловчи шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди. Сингку Сели (~Шингқу Шели) тудунг, Ки-Ки, Пиратя Шири, Асиғ тудунг, Чисуя тудунг, Қалим Кейши будда муҳотида ижод қилган ана шундай турк ижодкорларидан эди (Arat 1991, XXI – XXII).

Буддизм қадимги туркий халқларнинг ҳинд, тоҳар, хитой адабиётлари билан яқиндан танишувига имкон туғдириб берди. Таржима адабиёт гуркираб ривожланди. Шарқ тилларида яратилган будда мазмунли асарларнинг қадимги туркий версиялари яратила бошлади.

Бадиий жанрлар типологиясида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Турк адабиёти янги жанрлар билан бойиди. Жумладан, шеъриятда қадимги *küg, taqšut~tayšut, qoşuq~qoşuq, yür~ir* билан бир қаторда ҳинд адабиёти таъсирида *šlok* (<санскр. *śloka*), *padak* (<санскр. *pādaka*), *kārānt* (<санскр. *grantha*) сингари шеър турлари ҳам шаклланди (Arat 1991, IX – XX).

Буддизм даври турк адабиётида насрий жанрлар типологиясида ҳам ўзгаришлар юз берди; будда қонунлари, ақоид таълимоти акс этган асарлар шуҳрат қозонди. Туркий адабиёт тарихида диний қонунларни баён этувчи йирик воқеабанд асарлар, диний-фалсафий қиссалар илк бор буддизм даврида яратилган. Нўм битиглар (сутралар) шарқ адабиётлари ўртасида кечган алоқалар таъсирида юзага келган ана шундай адабий турлардандир. Туркий қиссачиликнинг генезиси ўша замонларга бориб тақалади.

Бундай асарлар *nom* ёки *nom bitig* деб юритилган (*nom* атамаси суғдча *nwm*, яъни «дин қонуни; диний таълимот» сўзидан олинган; *nom bitig* «ақоид китоби» маъносини билдиради). Будда диний адабиётида сутралар (қадимги туркий тилдаги аталиши *sudur~sudur*), шастарлар (манбалардаги шакли *šastir~šastar*) кенг ёйилди. *Sudur* (<санскр. *sūtra*) – сутра, Будданинг насиҳат ва кўрсатмаларидан иборат; *šastar* (<санскр. *śāstra*) – сутранинг тафсири, трактатдир. У *šastar bitig* ҳам дейилган.

Турк адабиётида улуғ роҳибларнинг кечмишини, муқаддас қадамжоларга уюштирган зиёратларини акс эттирувчи мемуарлар яратилди. Булар турк-будда адабиётида *kavi nom bitig* деб аталган. *Kavi* (<санскр.

kāvya) «эпос, эпик асар» деган маънони беради. Будда афсона-ривоятлари кенг тарқалди. Улар *purāṇi* (<санскр. *purāṇa*) деб аталган.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизмнинг ёйилиши шарқ халқларининг маданий ва адабий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берди. Ушбу ижтимоий-тарихий, маданий жараён таржимашунослик соҳасида ҳам катта бурилиш ясади. Кўплаб будда ёдгорликлари шарқ тилларидан қадимги туркий тилга таржима қилина бошлади. Будда асарлари аввалига санскритчадан, кейинчалик уларнинг тоҳарча, суғдча ва хитой тилларидаги версияларидан ўгирилган. Шу вазият тақозоси билан ўқимишли турк кишилари орасидан буддашунослар, қадимги шарқ тилларининг билимдонлари, таниқли шарқшунослар етишиб чиқди. Партанаракшит Карнаважики, Сингку Сели тудунг ўша замонда шуҳрат топган ана шундай буддашунос ва таржимонлардан эди.

Буддизм даври адабиётида таржимачилик ниҳоятда ривожланди: санскрит, тоҳар, суғд тилларидан йирик будда ёдгорликлари – нўм битиглар, сутралар, хотиралар, будда қиссалари, шастарлар таржима қилинди.

«**Майтри симит нўм битиг**» турк-будда таржима адабиётининг, ўрта асрлар Шарқ драматургиясининг улуғ ёдгорлиги, шу билан бирга, қадимги туркий адабий тилнинг қимматли обидасидир (*қаранг*: MS; Содиқов 1997, 40 – 44). Асар будда нўм битигларининг тождори (*nom eligi*) эди.

Асарнинг отидаги *Maytri* ва *simit* сўзлари анаткак (яъни санскрит) тилидан олинган бўлиб, «Майтри билан учрашув» деган маънони билдиради. Турк буддачилар муқаддас китобларини *nom bitig* деганлар. Шунга кўра, асарнинг оти «Майтри билан учрашув китоби» деган англамдадир.

«Майтри симит нўм битиг» – таржима асар. У аввалбошда анаткак тилида эди. Будда таълимотининг билимли ташвиқотчиларидан бири Арячантри уни анаткакча нусхадан тўхри (яъни тоҳар) тилига ўгирган. Кейинчалик эса Партанаракшит отли киши тўхрича версиясидан қадимги туркий тилга таржима қилган. Бу тўғрида асар биринчи бўлимининг хотимасида шундай таъкидланади:

Alqu šasatar nomlaray adartlayu uqtačī vaybaš šasatarlay noš suvsus ičmiš Aryačantri bodisavt kaši ačari ānātkāk tilitin toxri tilinčā yaratmiš Partanarakšit Karnavažiki türk tilinčā ewirmiš Maytri simit. – «Борлиқ будда шасатар нўмларини (рисолаларини) фарқлаб уқадиган вайбаш шасатарли шарбатни ичган Арячантри бўдисавт каши ачари (яъни устоз) анаткак тилидан олиб, тўхри тилида ижод қилган, (сўнгра) Партанаракшит Карнаважики турк тилига ўгирган «Майтри симит».

Фанда «Майтри симит нўм битиг»нинг ҳам тўхрича, ҳам қадимги туркий тилдаги версиялари маълум. Тўхри тилидаги қадимги браҳма хати негизида шаклланган тўхри ёзувли икки қўлёзмаси Қорашаҳардан топилган. Туркий версиялари эса уйғур ёзувида битилган бўлиб, улар Турфондан топилган. Ушбу ёдгорликлар ҳозир Германия ва Синжондаги қўлёзма фондларида сақланмоқда.

«Майтри симит нўм битиг»нинг анаткак тилидан тўхричага, ундан эса қадимги туркийга таржима қилинганлиги, шунингдек, бу тилларда битта эмас, бир қанча қўлёзмаларининг мавжудлиги унинг ўз замонасида буддизм дунёсида ўта шуҳрат қозонган асар бўлганидан далолат беради.

«Майтри симит нўм битиг»нинг туркий тилга таржима қилинган вақти маълум эмас. Бу масалада турли фикрлар айтилган: айрим тадқиқотчилар уни VIII – IX юзйилликлар оралиғида таржима қилинган деса, баъзилар таржима X, ҳатто XI юзйилликда амалга оширилган дейди. Шунга қарамай, асарнинг мавжуд қўлёзмалари айрим мулоҳазаларни айтишга йўл очади. Бу борада асарнинг, айниқса, туркий тилли қумул ва сангим қўлёзмалари эътиборга лойиқ, Ушбу қўлёзмалар уйғур хатининг қадимий услубида битилганлиги, бу хат услуби Қўчу уйғур хонлигининг (милодий IX – XIII юзйилликлар) илк даврларига тегишлилиги кўзда тутилса, асар ундан бурун – чамаси, VIII – IX юзйилликларда таржима қилинганлиги шубҳа туғдирмайди. Асар тилининг ўрхун-енисей битиглари тилига жуда яқинлиги ҳам шундан далолат беради.

Яна бир далил. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, IX юзйилликка келиб тўхри тили ўз мавқеини йўқота бошлаган, бу тилда сўзлашувчиларнинг бошқа халқлар, жумладан, турклар билан аралашув жараёни бошланган эди. Турган гап, Партанаракшит тўхри тилини жуда яхши билган ва ушбу асарни амалда қўлланаётган тилдан таржима қилган. Шулар назарда тутилса, Партанаракшит тахминан VIII юзйилликда яшаб ўтганлиги аён бўлади. Бу тахмин ҳам юқоридаги даъвога зид эмас.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, тўхрича нусхаларнинг бирида асарнинг оти «*Maytreya samiti nataka*» деб ёзилган. Бу сарлавҳадаги *nataka* сўзи «драма» дегани. Шунингдек, тўхрича нусхаларда ҳар бир бўлим бошида воқеа ўрни, асарда қатнашувчи қаҳрамонлар, ҳатто чалинадиган куйнинг оти ҳам ёзиб қўйилган. Буларнинг бари унинг саҳна асари эканлигини кўрсатади. Асарнинг туркий версиясида эса қатнашувчи қаҳрамонлар, чалинадиган куй тўғрисида маълумот йўқ, унда воқеа ўрнигина кўрсатилган. Лекин тўхрича ва туркий тилли версияларни ўзаро солиштириб ўрганган мутахассислар уларнинг мазмунан бир-бирига жуда яқин эканлиги, улар услуб жиҳатидангина фарқ қилишини таъкидлайдилар. Кўринадики, таржима жараёнида унга ижодий ёндашилган.

«Майтри симит нўм битиг» қўлёзма нусхаларининг ҳеч бири тўлиқ эмас. Лекин улар бир-бирини тўлдиради. Сақланган нусхалар орасида бошқаларига қараганда бутунроғи унинг Қумулдан топилган қўлёзма-сидир. У потхи китоб шаклида бўлиб, ушбу қўлёзмани 1959 йили Яҳё Раҳим исмли чорвачи тоғ этагида мол боқиб юриб топиб олган. У кигизга ўраб тошлар орасига яшириб қўйилган экан.

Китоб 293 varaқ (586 бетли) бўлиб, varaқларининг бичими 47,5x21,7 см келади. Қоғози қалин, тўқ сариқ рангли. Ҳар varaғининг икки юзига уст ва остидан бўшлиқ қолдириб, тўғри чизиқ йўналишида қора сиёҳ билан 30 – 31 қатордан иборат уйғур ёзувли матн битилган. Китобнинг ҳамма varaғи яхши сақланган эмас; кўпи чириб, титилиб кетган. Айниқса, охириги varaқларининг парчаларигина қолган. Шунга қарамай, қўлёзма асарнинг тузилишини аниқлаш имконини беради.

Қўлёзмадан маълум бўлишича, «Майтри симит нўм битиг» 27 бўлим-ли асардир. Матннинг ўзида ушбу бўлимлар *ülüş* деб аталган. Улушлар муайян кетма-кетликда. Асарнинг муқаддимаси *yükünč* дейилган, бунинг маъноси «юкуниш; сиғиниш» дегани. Буддизм асарлари, таомилга кўра, ана шундай бўлим билан бошланган. Қолганларининг эса кетма-кетлиги кўрсатилган: *baştinqi ülüš* («аввалги бўлим»), *ikinti ülüš* («иккинчи бўлим»), *üçünč ülüš* («учинчи бўлим») ва б.

«Олтун тусли ёруғ» сутраси («Altun öñlög yaruq», бошқа бир оти «Suvarṇaparabhāsa sūtra») диний-фалсафий асар, буддизм даври хитой-турк адабий алоқалари, қадимги турк таржима адабиётининг тенгсиз ёдгорлигидир (*асарнинг тўлиқ нашрига қаранг: АҲар.*).

Асар асли санскрит тилида яратилган эди. Ундан олиб хитой тилига таржима қилинган. Хитой тилидаги версиясидан эса Х юзйилликда йирик таржимон ва адиб Сингқу Сели (=Шингқу Шели) тудунг уни қадимги туркий тилга ўгирган. Чунончи, асар якунида уни тавғаччадан турк-уйғур тилига ўгирган таржимоннинг оти ҳам қайд этилади:

Beşbaliqliy Şinqu Şeli tuduñ tawyač tilintin türk uyur tilinčä ikiläyü ewirmiş nom eligi sudur bitiyü tolu tükäl boldi. – «Бешбалиқлик Шингқу Шели тудунг тавғач тилидан турк-уйғур тилига таржима қилган нўм тождори сутраси битилиб тўлиқ тугал бўлди» (АҲар.674,4 – 12).

Муҳими шундаки, «Олтун тусли ёруғ»нинг туркий версияси асарнинг бошқа тиллардаги версияларига қараганда тўлиқ ҳолда етиб келган. Туркий версиясининг бир қанча қўлёзмаси бор. Улардан тўлиғи Санкт-Петербургда қўлёзмаси бўлиб, қолганлари асардан олинган узиндилардир.

«Олтун тусли ёруғ»нинг тўлиқ оти «Altun öñlög yaruq yaltrıqlıy qorta kötrülmiş nom eligi» atlıy nom bitig», яъни «Олтун тусли ёруғ ялтироқли тугал юксак нўм тождори» отли нўм битиг»дир (*қаранг: АҲар.673, 5 – 8*).

Китоб битиш анъанасига кўра, қадимги турк-будда асарларида ҳар қайси бўлимнинг бошланишида асарнинг ва бўлимнинг оти қайд этиб борилган. «Олтун тусли ёруғ» сутрасида ҳам шундай: аввал асарнинг тўлиқ оти, кейин эса бўлим сарлавҳаси келтирилади. Муҳими, турк-будда адабиётида бадий асарлар ва асар бўлимларининг оти кенг қамровли бўларди. Адабиётдаги ушбу анъана кейинги даврларда ҳам давом этди (Қиёс учун, Алишер Навоийнинг «Фарҳоду Ширин» маснавийсидаги боб сарлавҳаларини эсланг).

«Олтун тусли ёруғ» туркий тилга таржима қилинган даврдан бошлаб турк-будда адабиётида кенг шуҳрат қозонди, ўша даврлардан бошлаб асарнинг қўлёзмалари ҳам кенг ёйилди. Кунимизгача уларнинг айримлари сақланган, холос.

Эҳтиёжга қараб асар тўлиқ ҳолда ҳам, бўлимлари айри-айри ҳолда ҳам кўчирилган. Тўлиқ қўлёзмалари потхи китоб шаклида.

«Олтун тусли ёруғ» сутрасининг тўлиқ, ҳозирда Санкт-Петербург Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзмаси XVII юзйилликда кўчирилган.

Сингу Сели тудунг асарни гўзал бир услубда таржима қилган.

Асарга киритилган шеърлар матннинг ўзида *küg, taqšut, küg taqšut, šlok* атамалари билан қайд этилган. Буларнинг ҳар бири қадимги турк шеърятининг ўзига хос турлари бўлиб, матн тузилиши, қаторлардаги бўғинлар сони, қофия тизими, ритми билан ажралиб туради. Бироқ уларни ҳозирги ўлчовлар билан ўлчамастик керак. Улар қадимги туркий поэтик услубнинг талаблари, ёзма адабий тил меъёрларидан келиб чиққан ҳолда юзага келган. Ҳатто қофия тизими ҳам айрича. Қадимги турк шеърларида сатрбоши қофия тизими амалда бўлиб, етакчи ритми ҳам ана шулар таъминлайди.

«Сюань-цзан кечмиши». Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг исломдан бурунги тарихини ўрганишда қадимги хитой манбалари, айниқса, хитойлик сайёҳларнинг ўлкамизга қилган саёҳатлари асосида битилган эсдаликлар катта аҳамиятга эга. Ана шундай эсдаликлардан бири фанда «Сюань-цзан кечмиши» номи билан машҳур. Илк ўрта асрлар тарихига бағишланган тадқиқотларда бу асарга тез-тез мурожаат қиладилар.

«Сюань-цзан кечмиши»нинг ҳам хитойча, ҳам қадимги туркий тилдаги версиялари бўлган. Туркий версияси бундан минг йил муқаддам Кучу уйғур давлатида «Тси-ин-чун кави нўм битиг» номи билан таржима қилинган. Ушбу обида бизгача ягона қўлёзма нусхада этиб келган бўлиб, у уйғур хатидадир. Лекин қўлёзма ҳозир бўлақларга бўлинган ҳолда Париж, Пекин, Санкт-Петербургда сақланмоқда. Аниқлашларича, қўлёзма китоб бир жойдан топилган, кейинчалик ҳар хил йўллар билан

турли қўлёзма фондларига тарқаб кетган. Жумладан, Санкт-Петербургда сақланаётган қисми асарнинг 5-, 6-, 8-, 10-бўлимлари бўлиб, сайёҳнинг Ҳиндистондан ўз юртига қайтиши ва ҳаётининг сўнгги чоғларига бағишланган (*нашрига қаранг*: Тугушева 1991). Учала қўлёзмани бир ерга йиғса, тўлиқ бир асар юзага келади.

«Сюань-цзан кечмиши» тан сулоласи даврида яшаб ўтган нўмчи сайёҳ Сюань-цзаннинг муқаддас сафари тўғрисидаги мемуар бўлиб, ўзида ўнлаб афсона ва ривоятларни, буддизм фалсафаси, қадимги Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий турмушига, улар яшаган ўлкаларнинг географияси, тарихига тегишли маълумотларни ўзида жамлаган (*қаранг*: Тугушева 1991; Содиқов 1997, 45 – 50).

Милоднинг илк юзйилликларидан бошлаб хитойлик роҳиблар Бурхон (Будда) яшаб ўтган юртни зиёрат қилиш, шу билан бирга, буддавий йўриқлар, қонун-қоидалар битилган нўм битигларни олиб келиш мақсадида Ғарбга – Ҳиндистонга сафар қила бошладилар. Улар олис юртдан минг азоб билан муқаддас китобларни ўз ўлкасига келтирганлар. Даврининг машҳур буддашуноси, нўмчи ачари Сюань-цзан ана шундай сайёҳлардан эди. У ўн етти йил давомида (629 – 645 йиллар) бир юз йигирмадан ортиқ мамлакат ва ўлкаларда бўлди. Бурхон туғилган тупроқларга бориб, у ердан олти юз нўм битиг келтирди. Сўнгра теварагига мамлакатдаги буддавий сутра ва шастарларнинг кучли билимдонларини тўплаб, уларни анаткак тилидан тавғаччага таржима қилиш билан шуғулланди. Бу борада у ўз мактабини яратган.

Сюань-цзан буддавий нўм битигларнинг мағзини чақиш ва уларни шарҳлашда ўзига қадар ўтган олимлардан анча ўзиб кетган эди. Шунинг учун будда рисоаларининг билимдони, улуғ устоз – самтсў ачари номини олган. У муқаддас сафари чоғида кўрган-кечирганларини ҳикоя қилувчи «Ғарб мамлакатлари хотиралари» («*Kirügi illär ödigi*») номли асар ёзган. Кейинчалик унинг содиқ шогирдлари Хуэй-ли (матнда *Xuilip*) ва Ян-цзун (матнда *Xintsun*) ана шу хотираларни тўлдириб, унинг асосида устознинг ҳаётига бағишланган асар ёздилар. Ҳозир фанда «Сюань-цзан кечмиши» деб аталаётган ушбу китоб Хитойда ўша пайтлардаёқ шуҳрат топган эди. Турклар орасига буддийликнинг кенг ёйилуви, хитой-турк маданий муносабатлари ва адабий алоқаларнинг таъсирида кейинчалик унинг туркий таржимаси ҳам юзага келди.

Асарни X юзйилликда яшаб ўтган таржимон, олим ва адиб бешбалиқлик Шингқу Шели тудунг хитой тилидан туркий тилга таржима қилган (*tawyač tilintin bešbaliqlıy Şinqu Şeli tuduñ türk tilinčä ewirmiš*).

Асарнинг тўлиқ оти «*Bodisatv tayto Samtso ačariniñ yoruyin uqıtmaq atlıy Tsi-in čün tigmä kavi nom bitig*» («Бўдисатв тайтў Самтсў устознинг

йўриғларини баён этувчи Тси-ин-чун дея аталган кави (яъни эпик) нўм битиг») деб аталган. У тарих китоби бўлуви билан бирга буддизм даври хитой-турк адабий алоқалари, қадимги турк таржима адабиётининг тенги йўқ ёдгорлигидир.

Асарда еттинчи юзйилликнинг биринчи ярмида яшаб ўтган тавғач роҳиб Сюань-цзаннинг Ҳиндистонга қилган қутлуғ сафари билан боғлиқ воқеалар акс этган. У чоғлар буддизм Хитойга энди-энди ёйила бошлаган, ҳали она тилида дин йўриғларидан сабоқ бергучи нўм битиглар оз эди. Сюань-цзаннинг истаги Будда ўтган тупроқларни зиёрат қилиш ва қутлуғ нўмларни ўрганиш бўлган. Роҳиб йўл бўйи будда сутра ва шастарларини тўплаб, уларни ўз юртига келтирди. Юртига қайтган Сюань-цзан улуғ хон билан учрашганда Ҳиндистондан келтирган олти юз анаткакча (яъни санскритча) нўм-сутралардан бир сўз ҳам тавғач тилига ағдарилмагани (*ānātkākādin kelürmiš alti yüz ānātkākā nomta bir sawī yemā tawyačča ewrilmāyūk*), агар тинч ердан жой ажратилиб изн берилса, роҳиб уларни эл-юрт учун таржима қилишга киришажагини ўтинган эди. Хон унга ҳиммат кўрсатиб ёнига олимлардан берди ва келтирган китобларини тавғач тилига ўгиришни буюрди. Ўта машаққатли бўлган бу юмушни хотиржам бажармоқ учун мамлакат кунботаридаги бошкент саналмиш Чунан (*kedinki uluy baliq tegli Čuu-nan baliq*)дан овлоқ ва тинч (*aylaq amil*) бир ер – Қунгвўси ибодатхонаси (*Quṅvuysi atliṅ saṅram*) ажратилди. Таржима тугагач, Сюань-цзан уларни хонга тортиқ қилди.

Сюань-цзаннинг оти матнда *Huintso* деб берилган. У матн давомида *toyin Huintso* («роҳиб Сюань-цзан»), *tawyač toyin* («тавғач роҳиб») деган сифатлар, ўрни билан *Samtso ačari* («Самтсў устоз») унвони билан ҳам тилга олинади.

Асар қўлёзмаси потхи китоб шаклидадир. Китоб бутунича сақланмаган. Варақларининг кўпи йўқолган, айримлари титилиб, унинг бўлакларигина қолган. Қўлёзма кўп фойдаланилганиданми, варақларининг теvaraги уринган, баъзи сатрларнинг ёзувини ҳам илғаб бўлмайди. Жумладан, китобнинг Санкт-Петербургда сақланаётган бўлаги ана шундай.

Роҳиб Сюань-цзаннинг сафар йўли жуда олис эди. У Гоби чўлларини босиб Турфонга ўтади. Ундан Қорашаҳар, Қўчу орқали Ўрта Осиёга кириб келади. Аввал Тўқмоқ шаҳрида – турк хоқонининг ўрдасида бўлади. У ердан чиқиб, Сайрам, Тошкент, Самарқандга боради. Темир қопиғ орқали Қундуз ва Балхга ўтади, у ердан Ҳиндикушни ошиб Ҳиндистонга киради. Ҳиндистоннинг ўлка ва вилоятларида бўлиб, муқаддас жойларни зиёрат қилади. Қайтишда эса жанубий йўл билан Помир орқали Шарқий Туркистонга киради ва у ердан ўз ватанига ўтиб кетади.

Асарда Сюань-цзан қадам қўйган ўлкалардаги халқларнинг инонч-эътиқоди, маданияти, этнографияси, фольклори, қўйингки, сайёҳ эътиборини ўзига тортган нарсалар тўғрисида маълумот берилган. Сайёҳ кўрган-кечирганлар, ўша ўлка, унинг кишилари ёки амалдорлари билан боғлиқ қизиқ бир ҳодиса ва ё ривоят ҳикоя қилинади. Эътиборга лойиқ ери шундаки, асарда Марказий Осиё халқлари, айниқса, туркий халқларнинг ҳаёти айрича қизиқиш билан тилга олинади. Сюань-цзан уларга тараққий этган халқлар сифатида ҳурмат билан қараган. Ҳатто бошқа халқлар тўғрисида сўз борганда ҳам баъзан улар туркларга қиёслаб қўйилади.

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЎЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИ

Қорахонийлар давлати (хонлиги) 840 йили ташкил топди. Унинг қурувчиси Билги қўл Қодирхон эди. Бу хонлик Кошғар, Еттисув, Талас, Орол денгизи, Мовароуннаҳр, жанубда Панжобга қадар ерларни ўз ичига олган, шимолда эса Жунгария, Балхаш қўли жанубидаги тузликлар чегаралаб турарди. Бу давлат 1042 йилга келиб иккига – Шарқий ва Ғарбий Қорахонийлар хонликларига бўлиниб кетди.

Шарқий Қорахонийлар давлати Талас, Испижоб, Шош, Шарқий Фарғона, Еттисув ва Кошғарни ўз ичига олган. Мовароуннаҳр ва Хўжандга қадар бўлган ерлар (Фарғонанинг ғарбий тупроқлари) эса Ғарбий Қорахонийлар давлатига қарар эди. Шулардан биринчиси 1211 йилга келиб мўғуллар тарафидан, Ғарбий Қорахонийлар давлати эса 1212 йили Хоразмшоҳлар тарафидан тугатилди (ТДТ, 69 – 75).

Қорахонийлар атамасидаги *qara* сўзи унвон бўлиб, «кучли, қудратли» англамададир. Ўша давр ҳукмдорларининг отига *qara* унвони қўшиб айтилгани учун ғарб тарихчи-шарқшунослари давлатнинг отини ҳам ана шундай атаб кетганлар.

Бу сулоланинг ўша давр илмий, тарихий асарларида қўлланган бошқа бир оти *ilig~elig-xan* дир. Бу ўринда *ilig~elig* «хукмдор; подшоҳ» маъносини беради.

Қорахонийлар давлатида 960 йили ислом расмий дин сифатида қабул қилинди. Қорахонийлар даври туркий-ислом маданияти, санъати, адабиёти ва маънавияти тарихида юксалишлар даврини бошлаб берди. Ислом даври туркий адабиётининг илк асарлари ҳам айна чоғларда яратилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» маснавийси, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари туркий ислом даври адабиёти

тининг илк буюк асарларидир. Хожа Аҳмад Яссавий ҳам қорахонийлар даврида яшаб ижод этди. Кейинчалик туркий адабиётда «Ҳибату-л-ҳақо-йиқ», «Туркий Тафсир» сингари асарлар яратилди. Куръони каримнинг туркий таржималари ҳам илк бор қорахонийлар даврида юзага келди.

Муҳими шундаки, ҳозирги Синжоннинг айрим ўлкаларига исломнинг кириб бориш тарихи X юзйилликка тўғри келади. Ислом Қорахонийлар давлати билан бирга қўшни Турфонга ҳам ўша кезларда кириб борган.

«Кутадғу билиг» китоби. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» маснавийси қорахонийлар даври ёзма адабиёти ва адабий тилининг улуғ обидасидир. Китоб ҳижрий 462 (милодий 1069 – 1070) йили ёзиб тугалланган.

Асарнинг уч йирик қўлёзмаси маълум: бири уйғур, иккиси араб хатида.

Уйғур ёзувли қўлёзмани 1439 йили Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчириб тугаллаган, ҳозир Венада сақланаётир (Wien, ÖNB, Cod. A.F.13 – QBN *га қаранг*). Шунга қўра, *Вена* ёки *Ҳирот нусхаси* дейилади.

Араб ёзувли қўлёзмалардан бири тахминан XIII юзйилликда кўчирилган, ҳозир Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда (1809-кўрсаткичли қўлёзма – QBN *га қаранг*). Бу нусха *Фарғона* ёки *Наманган нусхаси* деб аталади.

Асарнинг араб ёзувли бошқа бир қўлёзмаси, тахминларга қараганда, XIV юзйилликда кўчирилган, ҳозир Қоҳирада сақланмоқда (Миср Миллий кутубхонаси, 168-кўрсаткичли қўлёзма – QBQ *га қаранг*).

Шунингдек, турли мажмуаларда «Кутадғу билиг»дан олинган узиндилар ҳам учрайди.

Асарнинг мавжуд қўлёзмалари ичида араб ёзувли Наманган ва Қоҳира нусхалари эскироқдир. Араб ёзувли нусхалар бўла туриб, уйғур хатида янги бир нусханинг кўчирилгани қизиқ. Бу ҳодиса ёзув амалиёти, хусусан, ўша кезлар турк-ислом маданий муҳитида уйғур ва араб ёзувларининг тенгма-тенг ишлатилганлиги билан боғлиқ. XI – XV юзйилликларда «Кутадғу билиг»нинг уйғур ҳамда араб ёзувли қўлёзмалари кенг тарқалган. Шуларга таяниб асарнинг кунимизга қадар етиб келмаган бошқа қўлёзмалари ҳам икки хил ёзувда битилган дея чамаласа бўлади.

Эътиборни тортадиган ери шундаки, учала нусханинг матни бир-бирига тўла мос келмайди. Қўлёзмаларнинг бири бошқасидан кўчирилган эмас. Уларга тамоман бошқа-бошқа нусхалар асос бўлган. Шу ўринда мавжуд қўлёзмаларнинг қай бири қадимийроқ нусхадан кўчирилган деган сўроқнинг туғилажаги табиий. Бу хусусда уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмаси, кейинги даврга тегишли эса-да, бошқаларига қўра эскироқ нусхадан кўчирилганлигини таъкидламоқ керак. Чамаси, унга асос бўлган қўлёзма ҳам уйғур хатида эди.

Араб ёзувли Наманган нухасида асарнинг оти *Qutaḍyu bilig* (QBN.11a,13) // *Qutaḍyu bilig* (QBN.19b,7) деб берилган. Ушбу номдаги *qut* сўзи «қут, бахт; давлат» маъносида; *-ad* // *-ad* – феъл ясовчи; *-yu* – сифатдош қўшимчаси; *qutaḍyu / qutaḍyu* «қутлантирувчи, бахтга элтувчи» дегани; *bilig* «билим; асар, китоб» англамида. Шуларга кўра, асарнинг оти «Бахтга элтувчи, қут бергучи билим» / «Бахтга элтувчи китоб» маъноларини англатади.

«Қутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида туркий тилда бу китобдан яхшироқ асар йўқлиги, Шарқ элларида у турли номлар билан шуҳрат қозонгани таъкидланади.

Ўша битилганларнинг мазмуни шундай: «Чину Мочин олимларининг бари иттифоқ бўлдиларким, Машриқ вилоятида, бутун Туркистон элларида Буғрахан тилинча, турк луғатича ҳеч кимса ушбу китобдан яхшироқ тасниф қилган эмас. Бу китоб қайси подшоҳликка, қай бир иқлимга етган бўлса, ғоят яхшилиғидан, ниҳоятда ортиқ жозибалилигидан ўша элларнинг донишмандлари, олимлари қабул қилиб, ҳар бири бир турли от-лақаб қўйдилар: чинлиғлар «*Adabu-l-mulūk*» («Маликлар одоби») от бердилар; Мочин маликининг нодимлари «*Ayinu-l-mamlakat*» («Мамлакатнинг кўзи») атадилар; машриқлиғлар «*Ziynatu-l-umarā*» («Олимлар зийнати») деб айтдилар; эронлиғлар «*Šāhnāma-yi turkī*» («Туркий Шоҳнома») дедилар, баъзилари эса «*Pandnāma-yi mulūk*» («Маликлар пандномаси») демишлар; туронлиғлар «*Qutaḍyu bilig*» («Қут бергучи билим») деб аймишлар» (QBN.2a,4 – 7).

Ушбу маълумотлар ўтмишда асар ғоят доврўф қозонгани, унинг қўл-ёзмалари кенг тарқалганлигига далил бўла олади. Шунга кўра, асарнинг илкин нухаси хонга тортиқ қилинган. Китоб бутун машриқ, турку чин элларида шуҳрат қозонганидан сўнг унинг янги-янги қўл-ёзмалари юзга кела бошлади. Китобнинг доврўфи, турли отлар билан аталгани тўғрисидаги маълумотларга таяниб айта оламизки, «Қутадғу билиг» ўрта асрларда турк дунёсидагина эмас, бутун шарқ адабиётида ўта машҳур эди. Асар қўшни шарқ элларида ҳам қизиқиб ўқилган. Ҳатто бошқа тилларга ҳам таржима қилинган бўлиши мумкин.

«Қутадғу билиг» ўн уч минг мисрадан ортиқ.

Асар насрий муқаддима билан бошланган. Унда тангрига ҳамд, ялавоч алайҳиссалом ва унинг тўрт эшига наът айтилиб, сўнг китобга от берилиши ва унинг хонга тортиқ қилингани, асар хонга маъқул тушиб, унинг муаллифини юксак лавозимга қўйганлиги, асарда қатнашувчи рамзий қаҳрамонлар, улар ўртасида савол-жавоб, мунозара боражаги тўғрисида сўз юритилади.

Насрий муқаддимадан кейин 77 байтли шеърий муқаддима келади. Унда ҳам насрий муқаддимада айтилган гаплар, лекин энди шеърий йўл билан бирма-бир баён қилинади.

Мазмуни ва баён услубига қараганда, насрий ва шеърий муқаддима-лар, чамаси, асарга кейинчалик бошқа кимса тарафидан киритилган.

Яна бир жиҳати, насрий муқаддимада асарнинг муаллифи, унинг Кошғарда битилиб, Тавғач Буғраҳонга тортиқ қилингани, китоб хонга маъкул тушгач, шоирга хос ҳожиблик лавозими берилгани тўғрисида-ги хабарлар шоирнинг эмас, ўзга кимса тилидан берилиб, гапларнинг кесими ҳам шунга бўйсунган: *Tawғачхан ўскингә кикүрмиш* («Тавғачхон даргоҳига келтирибди»), *atı çawı yazılmıř* («довруғи ёйилибди») сингари. Шеърий муқаддиманинг баён услуби ҳам худди шундай.

Шеърий муқаддимадан кейин боблар мундарижаси (фихристи абваб) берилади. Унда асар бобларининг отлари кетма-кетликда келтирилган. Бироқ мундарижада берилган бобларнинг сарлавҳалари ва уларнинг сони асарнинг ичида келган сарлавҳалар ва боблар миқдоридан фарқ қилади. Яна асар нусхалари ўртасидаги фарқ ҳам сезиларли. Масалан, Ҳирот қўлёзмасидаги мундарижада 73 та боб номи келтирилган, Наманган қўлёзмасида 68 та, Қоҳира нусхасида эса 72 тадир.

Олимлар «Қутадғу билиг»даги боблар сонини 73 та деб кўрсатганлар. Бироқ мавжуд қўлёзма нусхаларни ўзаро чоғиштириб, асарнинг йиғма матни тузилгудек бўлса, боблар сони 75 тага чиқади.

Асарнинг дастлабки ўн битта боби дебочадан иборат. Ўн иккинчи бобдан бошлаб бевосита воқеалар баёнига кўчилади. Маснавийнинг сўнги уч боби эса хотимадир.

«Қутадғу билиг» – маснавийда ёзилган асар; қофияси *a-a, b-b, c-c* шаклидадир; вази арузнинг мутақориб баҳрида.

«Қутадғу билиг»нинг дебочасидаги Тангрига ҳамд, Муҳаммад алай-ҳиссалом ва унинг тўрт эшларига бағишланган наътлар, кўклам фасли ва Тавғач Буғраҳонга аталган боб, етти юлдуз ва ўн икки буржга бағишланган боб, шунингдек, асар охиридаги учта боб қасидалардир.

Яна бир жиҳати, асар давомида ўрни-ўрни билан тўртликлар келтирилган. Юсуф Хос Ҳожиб муайян масала тўғрисида баҳс юритар экан, сўзининг охирида *Maşal keldi türkçä muᅇar menzätür* («Бунга ўхшаш туркча мақол бор»), *Eřitkil nekü ter bögü bilgä beg* («Билағон, доно бек нима деган, эшитгин»), *Nekü ter eřit bu aẓun tutmiř er* («Жаҳонгир киши нима дейди, эшитгин»), *Nekü ter eřit emdi bilgi teᅇiz* («Билими денгиз киши нима дейди, эшит») сингари таъкидлар билан бир тўртлик келтиради ва айтилаётган фикр ана шу ўғит билан якун топади. Ушбу тўртликлар халқ оғзаки ижодидан олинган мақоллар, шарқ мутафаккирларининг

ўғитларидан бўлиб, асар муаллифи уларни шеърга солган. Шоир халқ мақолларини, ўзидан олдин яшаб ўтган донишмандларнинг ўғитларини ўз сўзларига далил сифатида келтиради.

Тўртликлар шаклидаги ушбу халқ мақоллари ҳамда ўғитларни муаллиф *maşal, bayt, söz, biliglig sözi, şā'ir sözi, öglüg sözi* деган истилоҳ ва сифатлар билан атайди (жумладан, *maşal, bayt, söz* адабиётшунослик истилоҳлари, *biliglig sözi, şā'ir sözi, öglüg sözi* бирикмалари эса уларнинг тасвирий ифодаларидир; бу нарса «мақол»ни «оталар сўзи» дегандай гап).

Ушбу мақол ва ҳикматларни айтиб кетган кишилар ҳам маълум; улар кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, ўтмишда яшаб ўтган тажрибали донишмандлардир. Юсуф Хос Ҳожиб фикр мазмуни билан боғлиқ равишда уларни *sinamiş kişi* («синаган киши»), *sinamiş qarī* («синаган қария»), *kösāmiş kişi* («кузатган киши»), *saqīnuq kişi* («фикр-мулоҳазали киши»), *saqīnuq uduy* («мулоҳазали хушёр»), *qilqī silig* («феъли мулойим»), *ažun tutmiş er* («дунёни бошқарган паҳлавон»), *özin qāisyan er* («ўзини тийган, қаноатли киши»), *İla atliyi* («Ила сардори»), *aziqliy kür er* («озикли жасур эр»), *atīqmīş уауісі* («довруғ қозонган жангчи»), *şe'r аууісі* («шеър айтувчи»), *tāžik bilgāsi* («форс донишманди»), *bayırsaқ qаdаš* («мехрибон дўст»), *el-kend begi* («мамлакат ҳукмдори») сингари сифатлар билан тилга олади. Муаллифнинг урғулашича, ушбу ҳикматли сўзларни ўша донишманд кишилар айтиб кетган.

Адиб Аҳмадининг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» китоби. Эски туркий адабиёт ва адабий тилининг равнақиға катта ҳисса қўшган муаллифлардан яна бири, турк дидактик адабиётининг йирик намояндаси, буюк файласуф Адиб Аҳмад (Адиб Аҳмад бин Маҳмуд Югнакий)дир.

Адиб Аҳмаднинг яшаб ўтган даври аниқ эмас. «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарининг тил хусусиятларига қараб у тахминан XII юзйилликда яшаб ўтган дейдилар.

Адиб Аҳмаднинг бизгача етиб келган асари ўтмишда уч хил аталган.

Асарнинг А қўлёзмаси «*Atabatu-l-ḥaqqāyiq kitābi*» деган сарлавҳа билан бошланган (қаранг: Arat 1992, II). Бу «Ҳақиқатларнинг остоналари китоби», поэтик маънода эса «Ҳақиқатларнинг остоналари, бошланиши», яъни «Ҳақиқатлар муқаддимаси», «Ҳақиқатлар қопқасини очғучи асар» тушунчасини беради.

Асарнинг бошқа бир оти – «*Hıbatu-l-ḥaqqāyiq*». В ва С қўлёзма нусхаларда асар ана шундай аталган, маъноси «Ҳақиқатлар тортиғи», «Ҳақиқатлар туҳфаси» дегани.

Асарнинг узинди ҳолида сақланган D нусхасида китобнинг оти **غيبة ال حقایق** «*ḡaybatu-l-ḥaqqāyiq*» деб берилган (Arat 1992, CLXVII). Бунини «Яширин

ҳақиқатлар», поэтик маънода «Сирли ҳақиқатлар» ёки «Ғойибий ҳақиқатлар» деб ўгирган маъқул.

Кунимизга қадар асарнинг тўртта йирик қўлёзмаси ва асардан олинган узиндилар (фрагментлар) сақланиб қолган (*қаранг*: *Арат* 1992, 20 – 39; *Содиқов* 1997, 73 – 79; *Үкнекі* 2019, 28 – 34).

(1) Асарнинг *А* (Самарқанд) қўлёзма нусхасини 1444 йили Самарқанд-да Зайну-л-Обидин бахши (Зайну-л-Обидин бин Султон Бахт Журжоний Ҳусайний) кўчирган (*қаранг*: *Арат* 1992, 20 – 26, I – LXII). Қўлёзма ҳозир Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида (4012) сақланмоқда.

Матн уйғур хатида бўлиб, орадаги арабча оят, ҳадис ва айрим байтлари араб ёзувидадир. Матн асосан қорада, айрим сарлавҳа, оят ва ҳадислар зарҳалда битилган. Ниҳоятда чиройли ва тартибли кўчирилган қўлёзма.

(2) Асарнинг *В* (Истанбул) қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида сақланаётган 4557-рақамли мажмуанинг биринчи асаридир (*қаранг*: *Арат* 1992, 27 – 30, LXIII – CXVI). Ушбу мажмуани 1480 йили Истанбулда Шайхзода Абдулраззоқ бахши кўчирган.

Мажмуага кирган асарларнинг баъзилари уйғур ва араб ёзувида, баъзилари фақат араб, бошқа бирлари эса фақат уйғур хатидадир. Қўлёзма китоб жами 174 бетдан иборат бўлиб, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» унинг 2 – 69-саҳифаларидан ўрин олган.

Мажмуадаги «Ҳибату-л-ҳақойиқ» уйғур хатида кўчирилиб, ҳар сатрининг тагида унинг ўқилиши араб ҳарфлари билан ёзиб чиқилган. Уйғур ёзувидагиси қорада, остидаги араб ёзувли матни эса қирмизи рангда. Бобларнинг сарлавҳалари, арабча оят, ҳадис ва байтлар ёлғиз араб ёзувида бўлиб, улар зарҳалда битилган.

Мажмуага Мавлоно Мир Ҳайдарнинг «Маҳзану-л-асрор» асари, Мавлоно Лутфийнинг тўққизта, Саккокийнинг учта ғазали ҳам киритилган. Улар ҳам мажмуанинг биринчи асари сингари уйғур хатида ёзилган бўлиб, ҳар қайси сатри остида араб хати билан унинг ўқилиши берилган.

Китобда яна бошқа бир қатор асарлар берилган бўлиб, улар араб ёзувидадир.

(3) Асарнинг *С* қўлёзма нусхаси Истанбул Тўпқопи сарой кутубхонасида сақланаётган бир мажмуа таркибидадир (*қаранг*: *Арат* 1992, 30 – 32, CXVII – CLXVI). Мажмуанинг қайд рақами 35552, сира рақами 244. Қўлёзманинг қачон ва ким томонидан кўчирилгани маълум эмас.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг бу нусхаси араб ёзувида, эътибор билан кўчирилган, ҳаракатлар изчил қўйиб борилган. Матн қорада, сарлавҳалар, оят, ҳадис ва арабча ҳикматлар қирмизи рангда. Айрим архаик сўзларнинг остидаги изоҳлари ҳам қирмизиди. Хати ниҳоятда чиройли.

(4) «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг яна бир қўлёзмаси (*H* нусха) Голландиянинг Гронинген университети кутубхонасида сақланмоқда. Бу нусха кутубхонадаги HS 474 рақамли мажмуа таркибидан жой олган бўлиб, унинг 9a – 32b-саҳифаларига битилган. У мажмуанинг иккинчи асаридир. Матн фақат араб ёзувида (қаранг: Yükneki 2019, 37 – 40).

Қўлёзма ҳижрий 799 да / милодий 1396 – 1397 йилларда кўчирилган ва у шу чоққача маълум бўлган асар нусхаларининг энг эскисидир.

Асарнинг ушбу нусхасига *كِتَابُ عَيْنَةِ الْحَقَائِقِ* деб сарлавҳа қўйилган. Буни олимлар *Kitābu 'Aybatu-l-ḥaqāyiq* деб йўрмоқдалар (қаранг: Yükneki 2019, 37 – 40). Уларнинг фикрича, бу ердаги *'aybat sūzu 'atabat* нинг талаффузга мослашган шаклидир.

Бизнингча, ундай эмас, чунки туркий имлода арабча сўзларга нисбатан қатъий ёзув принципи белгиланган, араб тилида қандай бўлса, туркий матнда ҳам ўшандай ёзилган. Асар номидаги *'ayp* ҳарфи, аслида, *yaup* бўлиши керак; унинг нуқтаси қўйилмаган, холос. Матнчилик анъанасида сарлавҳаларда кўпинча ҳарфларнинг нуқталари қўйилмай кетади (масалан, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Қоҳира нусхасидаги сарлавҳаларга қаранг). Қўлёзма китобни ўқиётган ўқувчи уни ўз ўрнида қўйиб ўқимоғи лозимдир. Бу ерда ҳам шундай: нуқтасини қўйиб ўқисак, *Kitābu yaubatu-l-ḥaqāyiq* бўлади. Маъноси эса «Яширин ҳақиқатлар китоби», поэтик маънода «Сирли ҳақиқатлар китоби» ёки «Ғойибий ҳақиқатлар китоби»дир. *D* нусхада ҳам асар ана шундай аталгани бунга далил бўла олади.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинган узиндилар (фрагментлар) эса ва-рақлар ҳолида ёки турли асарлар таркибига киритилган бўлиб, фанда *D, E, F, G* нусхалар деб юритилади (Arat 1992, 32 – 39, CLXVII – CLXXIII).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ» – жанрига кўра панду насихатлардан иборат асар. Муаллиф ўз асарини *tavā'iz masal*, «мақоллар; панду насихатлар» деб атаган эди (YugA.112, 3 – 4).

Асар ўн тўрт бобдан иборат бўлиб, ҳар қайси боби бирор ахлоқий-таълимий масалага бағишланади. Анъанага кўра бобларга сарлавҳалар ҳам қўйилган. «Қутадғу билиг»дан фарқли ўлароқ, боб сарлавҳаларининг бари арабча аталган.

Яна бир жиҳати, асар «Қутадғу билиг» сингари маснавийда эмас, тўртликлар шаклидадир. Асар 40 байт ва 101 тўртликдан тузилган. Мисралар 11 бўғинли, арузнинг *faūlun faūlun faūlun faūl* вазнига тушади.

Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» отли тазкирасида Адиб Аҳмад ижодига юксак баҳо бериб, унинг халқ орасида шуҳрат қозонган шоҳ байтларидан ўрнаклар келтиради.

Мана ўша байтлар (мисолни «Насойиму-л-муҳаббат»нинг Санкт-Петербурдаги Россия ФА Шарқ қўлэмалари институтида 97а кўрсаткичи остида сақланаётган қўлэмасидан келтирамиз – 98а-бет):

*Uluylar ne bersä, yemäs-men demä,
İlig sun, ayiz ur, yemäsän yemä.*

Yana bu ham anıñdur-kim:

*Tiliñni tiya tut, tişin sinmasun,
Bu turyan xalayiq señä külmäsün.*

Bu ham anıñdur-kim:

*Söñäkkä iligdür, erängä bilig,
Biligsiz erän-ol iligsiz söñäk.*

Учинчи байтнинг иккинчи мисраси қўлэзмада *Biligsiz erän-ol söñäksiz ilig* шаклида берилган ва *söñäksiz ilig* бирикмасининг тагига *iligsiz söñäk* деб ёзиб қўйилган. Байтнинг маъносидан келиб чиқиб илмий-танқидий матнда ушбу мисрани *Biligsiz erän-ol iligsiz söñäk* шаклида тиклаш мумкин.

Шу ўринда мазкур байтнинг тўртлик таркибидаги ҳолатини текшириб кўрайлик. Бу байт кирган тўртлик «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг А нусхасида шундай шаклдадир:

*Söñäkkä yilig-teg erängä bilig,
Erän körki 'aql-ol, söñäkniñ yilig.*

*Biligsiz yiligsiz söñäk-teg xali,
Yiligsiz söñäkkä sunulmas elig (YugA. 18 – 19).*

Юқоридаги тўртликнинг 1-, 2-, 4-қаторлари ўзаро қофиядош (*a-a-b-a*). Муҳими шундаки, Навоий келтирган мисолда иккинчи байт «Ҳибату-л-ҳақойиқ»даги шаклидан ўзгарган: *Erän körki 'aql-ol, söñäkniñ yilig* «Насойиму-л-муҳаббат»да *Biligsiz erän-ol iligsiz söñäk* деб берилган. Асарнинг мавжуд қўлэмаларида сўнгги бирикманинг мазмунга тўғрилаб *iligsiz söñäk* ёки қофияни назарда тутиб *söñäksiz ilig* деб берилгани боиси ҳам шунда.

«Насойиму-л-муҳаббат»да Адиб Аҳмаддан ўрнак келтирилган уч байтнинг биринчиси «Ҳибату-л-ҳақойиқ»да учрамайди. Демак, ушбу

байт шоирнинг бизга маълум бўлмаган панду насиҳат мазмунидаги бошқа бир асаридан олинган дейиш мумкин.

Навоий келтирган иккинчи мисолни «Ҳибату-л-ҳақойиқ»даги байтларнинг бирига муқояса қилса бўлади, лекин унинг иккинчи мисраси тамоман ўзгача. Қиёс учун «Ҳибату-л-ҳақойиқ»даги шунга яқин бўлган мисрани ўз ичига олган тўртликни келтирамиз (С нусха бўйича):

*Ešitkil biliglig nekū dep ayur:
Adablar bašī til, ködāzmāk turur.*

*Tiliñ bektā tutğil tišij sīnmasun,
Xalī čīqsa bektin, tišijni sīyur (YugC. 13).*

Ушбу тўртликнинг учинчи мисраси Навоий келтирган иккинчи мисолга қисман тўғри келади, холос. Лекин у айнан «Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинганми-йўқми, аниқ айтиш қийин.

Учинчи байт адибнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асаридандир.

Алишер Навоий Хусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга битган мактубида Адиб Аҳмаддан ўрناق қилиб келтирган тўртлик ҳам «Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинган эмас. У Адиб Аҳмаднинг буткул бошқа бир асаридан.

Мана ўша шеър:

*Atadīn xaṭā kelsā, körmā xaṭā,
Šavāb bil, xaṭā qīlsa taqī ata.
Ataniñ xaṭāsini bilgil šavāb,
Seni yüz balādīn qutqaray Xudā.*

Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида Адиб Аҳмад ижодидан ўрناق қилиб келтирилган байтлар ҳамда «Муншаот»да ибрат қилиб келтирилган тўртликдан англашиладики, Адиб Аҳмаднинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асаридан ташқари панд-насиҳат руҳидаги бошқа асарлари ҳам бўлган. Лекин ўша асарлари кунимизгача тўлиқ ҳолда сақланган эмас.

Англашиладики, Адиб Аҳмад асарлари ўрта асрлар туркий адабиётда ғоят шуҳрат қозонган. Унинг байтлари эл орасида мақолу ҳикматлар сифатида кенг ёйилган эди. Навоий ана шуларга ишора қилади.

Темурийлар даври матншунослигида матн тузиш принциплари, қиёсий матн яратишнинг илмий асослари тугал бир кўринишда ишлаб чиқилган эди. 1444 йили Самарқандда йирик давлат арбоби, адабиёт ва илм-фан ҳомийси, шоир Амир Арслон Хўжа Тархон буйруғи билан Адиб Аҳмад Югнакий «Ҳибату-л-ҳақойиқ» достонининг таянч матни тузиб

чиқилди. Достон якунида келтирилган Амир Арслон Хўжа Тархоннинг шеъриси бу хусусда шундай дейилади:

*Köp elni körür-biz Adib sözini
Bilä bilmägändin ular özini.*

*'Ayibqa qoyuptur xalayıq ara,
yalat ma'nilarni ayitmiş yana.*

*Sabab erdi bu iş bitidük kitab,
Keräk qıl ijabat, keräk qıl 'itab.*

«Кўп кишиларни кўрармизки, адиб сўзини билиб-билмай, ўзидан ҳар турли гап кўшадилар.

Ғалати маънолар чиқариб, халқ ичида уни айбга қўймоқдалар.

Шу сабаб бўлиб ушбу китобни туздик. Истасанг қабул қил, истама-санг йўқ)» (ҮгА. 120, 6 – 121, 5).

Мазкур байтлардан ўша кезлар Адиб Аҳмаднинг машҳур ўғитлари баъзан хато талқинга учрай бошлаганини англашилади. Арслон Хўжанинг асарни қайта китоб ҳолига келтиришдан мақсади хато талқинларга чек қўйиш, уларни тузатиш ва асарнинг таянч, ишончли нусхасини яратиш эди. Таянч матн тузилгач, кейинги нусхалари унинг асосида қўпайтирилган.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг ўша таянч матнини самарқандлик Зайну-л-Обидин бахши тузди.

«**Девон-и ҳикмат**». Хўжа Аҳмад Яссавий адабий меросининг катта бир қисми «Девон-и ҳикмат»га жамланган. Девоннинг қўлёзмалари ниҳоятда кўп, бироқ қадимий, муаллиф замонига яқин нусхалар сақланган эмас. Борлари асосан XVIII – XIX юзйилликларга тегишли (*қаранг*: Эшмуҳамедова 2003).

«**Туркий тафсир**». Қуръони карим таржималари ва тафсирларининг энг эскиси «Туркий тафсир» («Ўрта Осиё тафсири») номини олган. Қўлёзмаси Қаршидан топилган. Асар Қуръони карим сураларининг сўзмасўз таржимаси ва шарҳидир. Таржимон ва қўлёзма котибининг оти маълум эмас. Асарнинг тузилган даври ва қўлёзманинг кўчирилган санаси ҳам номаълум. Матннинг тил хусусиятларига таяниб асар XII – XIII юзйилликларда яратилган дея тахмин қиладилар (*қаранг*: Боровков 1963).

Асарнинг дастлабки бўлими XLIX сурага қадар Қуръони карим таржимасидир. Сўнгра айрим бўлимларнинг шарҳи берилади. Сатрости таржималари туркий тилнинг синтактик қурилишига эмас, араб тилининг гап қурилишига мослашган.

эса унинг юзйилликлар оша ривожланиб, такомил босқичига эришган ёзма адабий тилини англатади.

«Чиғатой туркчаси» тарихий атама бўлиб, XIII – XVI юзйилликлардаги эски ўзбек адабий тилининг бошқа бир отидир. Бу тил Темурийлар давлатининг расмий ва ёзма адабий тили сифатида юзага келди. Унинг илдизлари қорахонийлар даври ёзма адабий тилига, у орқали қадимги туркий битигларнинг тил анъаналарига уланиб кетади. Мавлоно Лutfий, Атойи, Саккокий, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ алломаларимизнинг ўлмас асарлари ана шу ёзма адабий тилдадир.

Эътиборга сазовор ери шундаки, ўрта асрларда эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси») Ўрта Осиёдаги барча туркий халқлар учун умумий ёзма адабий тил сифатида хизмат қилди. Темурийлар даврида такомиллашиб, юксак босқичга эришган эски ўзбек адабий тилининг анъаналари Ўрта Осиё туркий халқлари орасида узоқ давом этди. Темурийлар салтанатининг турли ўлкаларда – Қашқардан тортиб Ҳирот, Язд ёки Самарқандда бўлсин яшаб ижод этган адабиёт аҳлининг асарлари бир-бирига тушунарли бўлган ана шу ёзма адабий тилда эди.

Бу давр тили ўзбек тилининг кейинги такомил йўлини ҳам белгилаб берди. Темурийлар замонида юзага келган ёзма адабий тил анъаналари ўзбек тили тарихида XX юзйилликнинг бошларига қадар сақланиб келди.

Қорахонийлар даври адабий тили анъаналари таъсирида XIII юзйилликда Салжуқийлар давлатида ўғуз гуруҳи асосидаги бошқа бир адабий тил ҳам тармоқ ота бошлади. Бу тил илмий адабиётларда «эски анатўлу туркчаси» отини олган.

«Эски анатўлу туркчаси» асосида кейинчалик «усмоний туркчаси» отини олган ёзма адабий тил юзага келди. Усмоний туркчаси эски ўзбек адабий тили билан бир вақтда, лекин бошқа бир салтанат худудида амал қилган ёзма адабий тил эди. Бу тил Усмонийлар салтанатининг, Анатўлида юзага келган адабий ва маданий муҳитнинг ёзма тилидир.

Муҳими шундаки, Усмонийлар замонида шаклланган ёзма адабий тил эски ўзбек адабий тилига («чиғатой туркчаси»га) жуда яқин туради.

Алийнинг «Қисса-и Юсуф» асари. Туркий адабиётларда бу асар «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси номи билан ҳам юриталади.

Қуръони каримнинг 12-сураси «Юсуф» деб аталади. 111 оятли ушбу сурада Юсуф алайҳиссаломнинг бошидан кечирганлари акс эттирилган (қаранг: Қуръони карим, 235 – 249). Ўтмишда бу сурадан илҳомланган шоир ва ёзувчилар бадий адабиётда ҳам «Юсуф ва Зулайхо» қиссаларини яратганлар. Алийнинг асари ҳам шарқ адабиётларидаги ана шу анъаналар таъсирида яратилган.

Шоир Алийнинг яшаган ери ва асарининг яратилган даври ҳам аниқ эмас. Асар тахминан XIII юзйилликнинг бошларида яратилган деб қаралади.

«Қисса-и Юсуф»нинг тили, бир томондан, «Қутадғу билиг», «Қисаси Рабғузий» асарларининг тилига, иккинчи томондан, «чиғатой туркий-си»га яқин туради (Наджип 1989, 57 – 79).

Асар қадимги туркий тилнинг луғат бойлигини ўзида яхши сақлаган; унда ҳозирги туркий тилларда унутилган архаик сўзлар кўп ишлатилди: *i* – «эга, хўжайин», *davlat isi* – «хукмдор, юрт эгаси», *Mişir isi* – «Миср хукмдори», *ayruqsı* – «бошқа, ўзга», *oraу* – «арқон», *terkinlä* – «тезлат-», *bat* – «тез; қайта», *buş* – «ғазаблан-», *yava* – «эсиз; йўқотиш», *yig* – «яхши», *qanqı* – «қандай» сингари.

Асар тилида [δ]~[z] ҳодисаси аралаш ишлатилган: *edgü~ezgü* – «эзгу, яхши», *id~id* – «юбор-», *qadür~qayür* – «қайғур-» сингари.

Асар тилида восита келишигининг -n қўшимчаси ҳам учрайди: *Yüsif savcı bir gor üzrә yüzin düşdi*. – «Юсуф пайғамбар бир гўр узра юзи билан тушди»; *qaçan anlar Yüsifni gözin gördi* – «улар Юсуфни кўз билан кўрганларида».

Келаси замон -*daçi*, -*däçi* қўшимчаси билан ясалган сифатдошлар билан ҳам ифодаланган: *Nabuvvat, risālat buldaçi-sān, ham tamlakat iyäsi oldaçi-sān*. – «Набийлик, рисолат топажаксан ва мамлакатнинг эгаси бўлажаксан»; *Quyudan çiqaruban satildaçi, andan soңra aña tuhmat çoq oldaçi*. – «Қудуқдан чиқарибон сотилажак, ундан сўнг унга туҳмат кўп бўлажак».

Яна бир жиҳати, асар тилида ўғуз ва кипчоқ тилларига хос хусусиятлар аралаш қўлланган. Айниқса, асарда ўғуз тилларига хос хусусиятлар устун. Буни қуйидагиларда кузатиш мумкин:

[t] ўрнида [d]-лашишнинг устунлиги: *day* – «тоғ», *dayi~daxi* – «яна, тагин», *dal* – «тол» дарахти, *dar* – «тор», сифат, *dart* – «торт-», *degül~degil* – «эмас, йўқ», *devā~tevā* – «туя», *de~te* – «де-», *degin* – «қадар», *derān* – «теран», сифат, *dil~til* – «тил», *diläk* – «тилак», *doғri* – «тўғри»; *ad* – «от, исм», *qutd* – «бўри», *ayd* – «айт-», *eşid* – «эшит-» сингари.

[b-] нинг [v-] га ўзгариши: *var* – «бор», тасдиқ, *var* – «бор-», *ver* – «бер-» сингари.

[b-] билан [m-] нинг алмашинуви ҳодисаси: *men~ben* – «мен», *benim~benüm* – «менинг», *beni* – «мени», *meñä~beñä* – «менга», *mundan soңra* – «бундан сўнг», *mundan oңdän* – «бундан олдин», *tunlar* – «булар», *bunda* – «бу ерда» сингари.

Яна матнда *bolsun* ўрнига *olsun*, шунингдек, айрим сўзлар охирида [-y] товушининг туширилиш ҳолатлари (масалан, *açi*, *qari* сингари) учрайди.

Мана бир-икки мисол: *aniñ üzä telim durud olsun* – «унга кўп дурудлар бўлсин»; *suvuzliqdin yoliq zaif oldum* – «сувсизликдан жуда заиф бўлдим»; *suvı yavlaq ađı edi* – «суви жуда аччиқ эди»; *ol qaru ađnudan qalmıř edi* – «ўша дарвоза бурундан қолган эди».

Шундай ҳодисани кейинги даврлар адабиётида ҳам кузатиш мумкин. Шоир Махтумқулининг ижоди бунинг ёрқин мисолидир.

Улуғ шоир Махтумқулининг ўзбекларга яқинлиги шундаки, у XVIII юзйилликнинг иккинчи ярмида Хоразм адабий муҳитида таҳсил олиб, туркий ёзма адабий тилида ижод қилди; Навоий сингари классикларимизнинг ижодий анъанасини давом эттирди. Унинг шеърлари ўша чоғларданоқ ўзбек ва туркман бахшилари томонидан қўшиқча солиниб, уларнинг ўз талаффузида куйланиб, халқларимиз орасида доврўқ қозонган эди. Ўтмишда ўзбек Фузулийни қийналмай ўқигани сингари, Махтумқулини ҳам ўзи ёзган тилда ўқиб тушунган. Унинг шеърларини туркман туркманча, ўзбек ўзбекча қилиб ўқиган.

Худди шундай фикрни Алийнинг «Қисса-и Юсуф» асарига нисбатан ҳам айтиш ўринли. Ваҳоланки, ўрта асрларда яратилган ёдгорликларнинг деярли бари туркий тиллар учун умумий бўлган ёзма адабий тилда битилган. Асар ўғузлар орасида ҳам, қипчоқ ва қарлуқлар орасида ҳам кенг ёйилган. Ҳозирги чоғда ҳам уни озарбайжонлар, туркманлар, татарлар, ўзбеклар ўз асари сифатида ўқиб ўрганаётир. Ушбу асар ана шу халқларнинг адабиёти ва адабий тилининг тарихи учун муштарак ёзма манба саналади.

«Қисаси Рабғузий». Бурҳон ўғли Носируддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асари XIV аср туркий адабиётининг қимматли ёдгорлигидир.

Рабғузий Хоразмдаги Работ ўғуз деган жойнинг қозиси эди. Бу хусусда асар муқаддимасида шундай дейилади: *Bu kitābnı tüzgān, tā'at yolında tizgān, ma'şiyat yabanın kezgān, az azuqluy, kōp yazuqluy Rabāṭ oyuzinñ qāzīsı Burhān oylı Nāşiruddīn uruyı ... anday aytur* (ҚР. I, 10).

Рабғузий бу асарини мусулмон мўғул бекларидан бири Насириддин Тўқбуғанинг илтимосига кўра ҳижрий 709 (милодий 1309 – 1310) йилда ёзган: *Tāju-l-umarā va muḥibbu-l-ulamā beglār uruyı, yigitlār arıyı, uluy atlıy, qutluy zātliy, ezgü qılqlıy, islām yarıyliq, moyul sanılıy, musulmān dīnliy, ādamılar inançı, mo'mınlar küwānçı, himmatı ediz, 'aqlı tegiz begimiz Nāşiruddīn Toqbuya ...* (ҚР. I, 10).

Муқаддимада таъкидланишича, Рабғузий пайғамбарлар ҳақида яратилган қиссаларнинг билимдони эди. У ўзига қадар яратилган қиссаларнинг ишончилиларини ҳам, аниқ бўлмаганларини ҳам яхши биларди. Шунинг учун ундан улуғ анбиёлар тўғрисида асар ёзиб беришини илтимос қиладилар: *Tarix yüz ellinñ avvalıda qāsud bitildi-kim, payyambarlar*

qişşalariña yāyat raybatim bar. Tekmä yerdä tekmä kim ersädä bulinur, ba'disi mustaqim bar, ba'disi nāmustaqim. Bir ançası muqarrar va bir ançası mubattar bar. Bir aziniñ sözläri kesük bar, bir aziniñ maqşudlari öksük. Emdi seniñ zimmanđin çıqyan, qalamuđdin aqyan, kitābat-ma seniñ, ibārat-ma seniñ bolup bizgä Qişaşu-l-anbiyā bolsa, oqumaqya keräklig, ögränmäkkä yarayliñ bolıyay erdi, tep iltimās yanliñ işārat boldi ersä, neçä-mä özümni ol işkä läyiq, ol amalya muvāfiq ermäsın bilmiş erkän, özümni ayırlap nafs saqlamış bolup oyur bolsun tep bu ayir işkä oyradimiz (ҚР. I, 10).

«Қисаси Рабғузий»нинг турли даврларда кўчирилган қўлёзмалари бизгача етиб келган. Мавжуд қўлёзмаларнинг энг эскиси XV асрга тегишли бўлиб, ҳозир Британия музейида сақланаётир. Эски қўлёзмалардан бошқа бири Санкт-Петербургдаги Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида С-245 кўрсаткичи остида сақланмоқда. У тахминан XV – XVI юзйилликларда кўчирилган дея чамаланади.

Асарнинг бошқа қўлёзмалари кейинги даврларга тегишли бўлиб, матн тили замон тақозосига кўра ўзгаришларга учраган. XIX юзйилликнинг иккинчи ярми – XX юзйилликнинг бошларида асар Тошкент, Қозон шаҳарларида литография усулида ҳам бир неча бор чоп этилган.

«**Хусрав-у Ширин**». XIV юзйилликдаги туркий адабиёт ва адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан бири Қутбнинг «Хусрав-у Ширин» маснавийсидир. Асар Низомийнинг айна номдаги маснавийсига ўхшатма тарзида ёзилган. Қунимизгача асарнинг биргина қўлёзмаси сақланган, холос (қўлами 280 бет). Қўлёзма 1383 йили Мисрда кўчирилган бўлиб, ҳозир Париждаги Франция Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Қутб ўз маснавийсини Олтин Ўрда хонларидан бири Танибекка бағишлаган эди. У 90 бобдан иборат.

Асарнинг тили фонетик, лексик, морфологик жиҳатдан ўзи билан деярли олдинма-кетин Олтин Ўрда (Хоразм) адабий муҳитида яратилган Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, 1391 йили Мисрда яратилган Сайфи Саройининг «Гулистон» асари тилидан фарқланади. Асарнинг тил хусусиятлари эски туркий тилдан эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси»)га ўтиш жараёнини акс эттирган.

«**Наҳжу-л-фарадис**». Маҳмуд бин Али бин ас-Саройининг «Наҳжу-л-фарадис» асари XIV асрдаги туркий насрнинг муҳим ёдгорликларидан биридир. Китобнинг отини асар сўнгидаги *Bu kitābkā «Nahju-l-faradis» deyu ism qilindi, ma'nisi «uçtaqlarniñ açuq yoli» temäk olur* жумласидан билиш мумкин.

«Наҳжу-л-фарадис» 1357 – 1358 йили Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой шаҳрида битилган. Қунимизгача асарнинг бир қанча қўлёзмаси сақланган бўлиб, улар Истанбул, Қрим (Ялта), Қозон ва Санкт-Петербург

фондларида турибди. Уларнинг орасида энг тўлиқ ва қадимийлари Истанбул ва Қрим нусхаларидир. Қозон ва Санкт-Петербургдагиси эса бирмунча кейинги юзйилликларга тегишли. Улар тўлиқ қўлёзмалар эмас, асарнинг айрим бўлимларидир.

«Наҳжу-л-фарадис» ҳар қайсиси ўн бўлимдан иборат бўлган тўрт бобдан тузилган. У диний-ахлоқий мазмундаги асар бўлиб, этнографик, тарихий маълумотларга бой. Асар адабий тилнинггина эмас, туркий адабиёт тарихининг ҳам ёдгорлиги саналади. Китоб равон, халққа тушунарли тилда битилган.

Сайфи Саройининг «Гулистон би-т-туркий» асари. Адабиётшуносликда Сайфи Саройи «Гулистон би-т-туркий» асарини Шайх Саъдий «Гулистон»ининг таржимаси деб қарайдилар. Бироқ у ҳозир биз тушунадиган маънодаги таржима асар эмас. У таржимашуносликнинг ҳозирги ўлчовларига тушмайди; уни асар сюжетининг туркий баёни деса ҳам бўлади. Таржимон асарни яратишда ўзига хос йўл тутган: асарнинг баъзи ўринларини қисқартириб, баъзи ерларини кенгайтиради; баъзи ўринда маънони баён қилиб қўя қолади; орада асардан сўзма-сўз олинган ўринлари ҳам бор.

Яна бир жиҳати, Сайфи Саройи таржимага эркин ёндашиб, Саъдий шеърларидан аввал ёки улардан кейин улуг ижодкор байтларининг давоми сифатида ўз шеърларини ҳам улаб юборади. Табиийки, уларга ўз тахаллусини қўйиб кетган (*қаранг*: Наджип 1989, 89 – 92).

Шу маънода асарни буткул эркин ўғирма деса бўлади.

Асар қўлёзмаси Голландиянинг Лейден университети кутубхонасида (1553-рақамли қўлёзма) сақланмоқда.

Қўлёзма сўнгида шоирнинг 13 байтли шеъри берилган бўлиб, унда таржиманинг тугатилган йили қайд этилган. Бу ҳижрий 793 йилнинг шаввал ойи бўлиб, милодий 1391 йилнинг августига тўғри келади. Шоирнинг таъкидлашича, бу кезде унинг ёши етмишда эди. Шунга кўра, Сайфи Саройи 1321 йили Ўзбекхоннинг юртга эгалиги чоғида (1312 – 1342) туғилгани маълум бўлади.

Шоир анча йиллар Олтин Ўрда пойтахти Саройда яшади. Кейинчалик тинчсизлик замонида Мисрга кетиб, умрининг охиригача ўша ерда яшаб қолди. «Гулистон би-т-туркий» Мисрда мамлуқлар адабий муҳи-тида яратилди.

Ҳозирги ўзбек тилида *оғир* сўзи вазнга нисбатан, кўчма маънода эса қийинчилик, кишининг ҳолатига нисбатан ишлатилади: *оғир-босиқ бола*; *оғир жудолик*; *оғир касал* сингари.

Тил тарихида унинг бундан бошқа маънолари ҳам бор: *ауӣр* – «кучли; оғир; қадрли». Асардан олинган қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

ayir zanjir – «оғир занжир»; *Bir malikniñ elindä ayir bahalı yüzük bar edi.* – «Подшоҳнинг қўлида ўта қимматли [сўзма-сўз: кадрли ва қимматбаҳо] узук бор эди».

Асар тилида *iyä* ҳамда *iya ber*-сўзлари бор. Уларнинг маъноси шундай: *iyä* – «эга, хўжайин» дегани: *sulh iyäsi* – «сулҳ эгаси; тинчлик ўрнатувчи»; *'aql iyäsi* – «ақл эгаси, ақлли» сингари. Бу қадимги туркий тилдаги *idi~idi* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир: *idi~idi>izä//iyä*.

iya ber-- бутунлай бошқа сўз; у «жўнат-, юбор-»; *сўзма-сўз*: «жўнатавер, юборавер» дегани. Бу қадимги туркий *id~id* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир: *id~id>iy-*. Бу ерда у равишдош шаклида ишлатилган: *iy-a ber-*.

Ayir işkä sīnamiş er iya ber
Kim, arslanni tutup keltürgäy ol er.

«Оғир ишга синалган кишини жўнатгинки,
У киши арслонни тутиб келтиргай».

Сўзнинг бу шакли бошқа ёдгорликларда учрайвермаслиги билан аҳамиятли.

Асарнинг луғат таркибида қадимги туркий тилда кенг ишлатилган, ҳозирги туркий тилларда айтарли унутилган сўзлар ҳам анчагина: *qulawuz* – «етакчи, йўлбошчи», *al* – «ҳийла, найранг», *erdäm* – «фазилат», *arqun* – «секин», *bekin* – «сингари, ўхшаш», *tañ* – «ажойиб; танг қоларли», *tapuу* – «хизмат», *tapuуčī* – «хизматчи», *tawar* – «қорамол», *tegmä* – «ҳар бир; ҳар қандай», *sayin~saqin*-- «ўйла-; фикр қил-», *kirpič* – «ғишт», *köni* – «тўғри, чин», *aqit*-- «оқиз-» сингари. Юқоридагилардан *qulawuz* сўзи ҳозирги турк тилида *kulavuz* шаклида ишлатилади; *al* эса ўзбек тилидаги алда-феълнинг, *tañ* сўзи ҳозир танг қол-феълнинг таркибида сақланган; *kirpič* сўзи ҳозир айрим шеваларда ҳам учраб туради ва б.

Асарда ўғуз тилларига хос бўлган сўзлар ҳам бор: *čoq* – «кўп», *yuwa* – «уя», *kezli* – «яширин», *kiči* – «кичик», *körklü* – «кўркли, чиройли», *qatu* – «барча, ҳамма» сингари.

Асарда айрим сўзларнинг фонетик вариантлари аралаш ишлатилган: *uluу~ulu* – «улуғ, буюк» сингари.

Ёки *čerig~čeri* – «қўшин, лашкар»: *Sultānya bir ayir duşman čerisi keldi.* – «Султонга душманнинг кучли қўшини хужум қилди»; *Bular dayi čerig yasap, qarši yüridilär.* – «Булар ҳам қўшин тузиб, уларга қарши юрдилар».

Муаллиф ўрни билан бир сўзнинг турли синонимларидан ҳам унумли фойдаланган: *ebči, ewlük, ewdäš* сингари; буларнинг бари «хотин» дегани.

«Муҳаббатнома» китоби. Хоразмий «Муҳаббатнома»сининг уйғур ва араб ёзувли қўлёзма нусхалари маълум. Унинг энг эски нусхаси ҳозирда Британия музейида сақланаётган Or. 8193 кўрсаткичли уйғур ёзувида битилган мажмуанинг тўртинчи асаридир (159b – 173a-саҳифаларда).

Ушбу мажмуани 1432 йили Темурийлар давлатининг йирик маданий марказларидан бўлмиш Язд шаҳрида Мансур бахши кўчирган (*мажмуа тўғрисида қаранг: Sertkaya 1975; 1977, 10 – 11; Щербак 1983; Содиқов 1988; 1997, 79 – 82*).

Қўлёзманинг бир неча ерида – «Сирожу-л-қулуб», «Масала китоби», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидан кейин тарих (колофон) битилган бўлиб, уларда асарнинг кўчириб тугалланган куни, котибнинг оти ёзиб қўйилибди.

Хоразмийнинг асари «*Muḥabbat-nāma kitābī*» деган сарлавҳа билан бошланган.

Яқунидаги унинг кўчириб тугалланган санаси шундай: *Tamam boldī «Muḥabbat-nāma kitābī». Qutluy bolsun. Tarix sekiz yüz otuz beštā čičqan yil rajab ayniñ altisinda Yazd šahrında Mirjalāl(id)din buyurıyan üçün bu faqir Mansur baxši bitidi.*

Асарнинг араб ёзувли *B, C, D* қўлёзма нусхалари кейинги даврларга тегишлидир (*қаранг: Щербак 1959, 113 – 114, 124 – 127; Sertkaya 1972*).

Юсуф Амирийнинг «Даҳнома» асари. Юсуф Амирий «Даҳнома»сининг уйғур ва араб ёзувли қўлёзмалари етиб келган. Унинг уйғур ёзувли қўлёзмасини Зайну-л-Обидин бахши кўчирган. Ҳозир Истанбулдаги Тўпқопи саройи кутубхонасида сақланмоқда (2172-кўрсаткичли қўлёзма). Қўлёзмада асарнинг йигирма уч байти берилган, холос. Унинг кўчирилган даври маълум эмас. Зайну-л-Обидин бахшининг яшаган даврига қараб бу қўлёзма ҳам Самарқандда кўчирилган дейиш мумкин (*қаранг: Arat 1992, 25 – 26*).

Хўжандийнинг «Латофатнома» асари. «Латофатнома»нинг бешта қўлёзма нусхаси етиб келган: шулардан бири уйғур, қолганлари араб ёзувида. Булар:

(1) Уйғур ёзувли Кобул нусхаси (Bibliothèque du Musée de Kaboul,10);

(2) Лондон нусхаси (British Museum, Add. 7914) 914/1509 йили араб хатида кўчирилган;

(3) Истанбул нусхаси (Millet Kütüphanesi, Arabî Numara 86);

(4) Истанбул нусхаси (Millet Kütüphanesi, Arabî Numara 1221);

(5) Канада нусхаси (Prof.Dr. Eleazar Birnbaum collection).

Уйғур ёзувли қўлёзма Кобулдаги Афғонистон давлат миллий архивида сақланмоқда эди. Эсиз, ҳозир қўлёзманинг қаерда қолгани аниқ эмас.

Яхшики, қўлёзма борлигида фотосурати олиб қолинган экан, фанда шу нарса асқотди. Э.Фозилов ўз китобида уйғур ва араб ёзувли қўлёзмаларнинг факсимилини келтирган (*Бешала қўлёзманинг факсимилига қаранг*: Фазылов 2009, 231 – 384). Шунга қараб уйғур ёзувли қўлёзма тўғрисида ҳам фикр юритса бўлади.

Қўлёзма ҳижрий 893 (милодий 1488) йили Язд ҳукмдори Амир Жалолиддин Чақмақ буйруғига кўра кўчирилган. Асар тугагандан кейинги тарих шундай: *Tamam boldi Latāfat-nāma, bičīn yīl zulqada ayīnīn on ikisidā rančšamba küni tarix sekiz yüz toqsan üctā* (Sertkaya 1977, 16).

«Маҳзану-л-асрор». Мир Ҳайдар (манбаларда уни *Ҳайдар*, *Ҳайдарий*, *Ҳайдар телба* деб ҳам аташган) – XIV асрнинг охири – XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир. Кунимизгача унинг «Маҳзану-л-асрор» маснавийси етиб келган. Асар Низомий Ганжавийнинг айни номдаги форсча маснавийсига назира сифатида яратилган (*МЕ га қаранг*).

Шоир ушбу маснавийсини Темурбекнинг невараларидан бири Искандар Мирзога тортиқ қилган. Асарнинг муқаддимасида унга бағишланган қасидаси ҳам бор.

Асар муқаддима, тўққиз боб (улар *мақола* дейилган) ва хотимадан иборат. Жами 619 байтли.

«Маҳзану-л-асрор» асарининг уйғур ва араб ёзувли қўлёзмалари сақланган. Унинг уйғур хатида битилган қўлёзмаси учта. Шулардан бири асардан олинган 33 байтли узинди бўлиб, уни 1444 йили Самарқандда Зайну-л-Обидин бахши кўчирган дея тахмин қиладилар (*қаранг*: Sertkaya 1977, 15).

Асарнинг уйғур ёзувли бошқа бир қўлёзмасини Алишоҳ бахши кўчирган (*қаранг*: Sertkaya 1977, 15).

«Маҳзану-л-асрор»нинг уйғур ёзувли учинчи нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Аёсофия бўлимида сақланаётган 4757-кўрсаткичли мажмуа таркибида. У китобнинг «Ҳибату-л-хақоийқ»дан кейинги асаридир. Мажмуани Абдулраззоқ исмли бахши 1480 йили Истанбулда кўчирган (*қаранг*: Arat 1992, 27 – 30).

Асарнинг араб ёзувли нусхалари ҳам дунёнинг турли қўлёзма фондларида сақланмоқда.

«Сирожу-л-қулуб». Диний-фалсафий, таълимий мазмундаги ушбу асар Британия музейида сақланаётган уйғур ёзувида кўчирилган Ог. 8193 кўрсаткичли мажмуанинг илк асаридир.

«Сирожу-л-қулуб» қўлёзма китобнинг 1 – 129b-бетларида берилган. Қўлёзманинг бошидаги варақлари тушиб қолгани учун асарнинг бошланиши ҳам йўқ.

Кўлэзмада «Сирожулқулуб»дан кейин келтирилган тарих шундай: *Tamam boldi «Sirāju-l-qulub» kitābi. Qutluy bolsun. Tarix sekiz yüz otuz beštā, čičqan yil rajab ayiniñ yigirmi toquzında Yazd šahrıda Mansur baxši bitidi.*

«Масала китоби». Диний масалаларни жамлаган ушбу асар Британия музейида сақланаётган уйғур ёзувида кўчирилган Or. 8193 кўрсаткичли мажмуанинг иккинчи асаридир. Асар 47 бўлимдан (масъаладан) иборат. Ҳар қайси бўлимнинг бошланишига *Masala* деб сарлавҳа қўйилган.

Асарнинг бошланиши йўқ. Матн *Yamanliq qilmayil-kim, Teñri ta'ālā ...* жумласи билан бошланиб кетади.

Охирида унинг кўчирилган тарихи берилган: *Tamam boldi «Masala kitābi». Tarix sekiz yüz otuz beštā, čičqan yil ša'bān ayiniñ törtidā Yazd šahrıda Mirjalāl(id)dinniñ suhbatında bu faqir Mansur baxši bitidi.*

«Роҳату-л-қулуб» китоби. «Роҳату-л-қулуб» («Кўнгилларнинг роҳати») Британия музейида Or. 8193 кўрсаткичи остида сақланаётган уйғур ёзувли мажмуанинг учинчи йирик асаридир.

Кўлэзмада асар тугаганидан сўн тарих берилмаган. Якунида котибнинг оти ёзилган, холос: *Kātibu-l-faqir Mansur baxši.*

«Роҳату-л-қулуб» – диний-фалсафий мазмундаги қиссаларни, Расул алайҳиссалом ҳадислари, улуғ донишмандларнинг панду ўғитларини ўзида жамлаган асар (PҚ *га қаранг*). Унинг оти асарнинг муқаддима-сида шундай қайд этилган: *Bilgil-kim, bir nečā hekāyatlar Rāhatu-l-qulub kitābidin ixtiyār qilip bitidük.*

Асарнинг туркий тилдаги ёлғиз нусхаси шунинг ўзидир. У форс тилидан ўгирилганми ёки бир йўла туркийда яратилганми, билмаймиз. Бахшининг «шу отли китобдан танлаб олиб туздик» (*Rāhatu-l-qulub kitābidin ixtiyār qilip bitidük*) деб ёзишига қараганда, унинг туркий тилдаги қандайдир тўлиқроқ бўлган вариантдан сайлаб олиб тузилгани аён бўлади.

Нима бўлганда ҳам, «Роҳату-л-қулуб» – таржима адабиёт намунаси: ундаги қиссалар, ҳадислар, донишмандларнинг ҳикматли сўзлари арабча манбалардан олинган.

«Роҳату-л-қулуб»ни XV аср туркий таржима адабиёти, турк-ислом фалсафий дидактикасининг ажойиб намунаси деса бўлади. Асар эски ўзбек адабий тилида («чиғатой туркчаси»да), гўзал бир бадиий услубда битилган.

Кўлэзманинг «Роҳату-л-қулуб» киритилган варақлари аралашиб кетган, айрим варақлари тушиб ҳам қолган кўринади; шу туришича қайта жилдлаб қўйилган. Асар матнини жой-жойига қўйиб тиклаб чиқиш анча қийин; шундай эса-да, мазмун изчиллиги, хошиядаги матн ва безакларига қараб асарни тиклаб олишнинг имкони бор.

Асар ўнта бўлимга эга.

Илк бўлимда Чин маликининг қизи билан Мағриб маликининг ўғли ўртасида савол-жавоб кечади. Асар муқаддимасида бу ҳақда *Çin malikiniñ qizi Mayrib malikiniñ oylidin suvāl qilip turur* дейилган. Савол-жавоб орасида иккита қисса ҳам келтирилган. Бири Одам Атонинг ўғиллари Қобил ва Ҳобил ҳақидаги, иккинчиси эса Солиҳ пайғамбарнинг ингани (урғочи туяси) ҳақидаги қиссадир. Улар шаҳзода тилидан қизнинг сўроқларига жавоб сифатида тўлиқ ҳолда келтирилади.

Асарнинг учинчи бўлимида Таврот китобидан олинган ҳикматли сўзлар берилган. Бу бўлим Ваҳоб ибну Мунфа отли саҳобанинг *Tavrid kitābında yigirmi söz kördim-kim, bitiglig erdi* деган сўзлари билан бошланиб, сўнг йигирмата ҳикмат келтирилади. Саҳобанинг таъкидлашича, ушбу ҳикматларни у Таврот китобининг ўзидан ўқиган. Англашиладики, ислом дунёсида саҳобанинг ана шу хотиралари машҳур бўлиб, «Роҳату-л-қулуб» китобига ҳам киритилган. Китоб туфайли Таврот ўғитлари туркий муҳитга ҳам кириб борган. Ушбу мисол ўрта асрларда ислом муҳитида, хусусан, темурийлар замонида Таврот ҳикматлари кенг ёйилганидан далолат беради. Ўша чоғларда ушбу муқаддас китобнинг туркий таржимаси ҳам бор эди, чоғи.

Асарнинг бир неча бўлими ўтмишда ўтган улуғ донишмандлар, машойихлар, саҳобаларнинг ҳикматли сўзлари тўғрисидадир.

Яна бир муҳим жиҳати, асарнинг бир нечта бўлими Расул алайҳиссаломнинг насиҳатларига бағишланган. Одоб-ахлоқ, инсонийлик масалаларига бағишланган ушбу ҳадислар асарда туркум-туркум қилиб баён этилгани билан аҳамиятлидир. Ҳадисларнинг айримлари машойихлар тилидан ривоят қилинган. Улар таом емак одоби, қандай ишлар кишининг бошига йўқсизлик, заҳмат, қайғулар солишию инсон бундай ишлардан ўзини тиймоғи, жамиятда солиҳ ва билгин бўлмоқлик учун қандай билим ҳамда одобларни эгалламоқлик кераклиги, қандай кишиларнинг дуоси мустажоб бўлажаги сингари масалаларга бағишланган. Бошқа бирор асарда ҳадисларнинг туркий вариантлари бу сингари кенг қамровли ва туркумлашган ҳолда берилган эмас.

Ана шу хусусиятлари билан асар туркий адабиёт, қолаверса, турк-ислом тафаккури тарихида муҳим ёзма ёдгорлик сифатида ўрин тутди.

«Бахтиёрнома». Асарнинг иккита қўлёзмаси маълум (Щербак 1962, 49). Унинг уйғур ёзувли қўлёзмаси Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида (598-кўрсаткичли қўлёзма) сақланмоқда. Қўлёзмани ҳижрий 838 (милодий 1434) йили Язд шаҳрида Мансур бахши кўчирган: *Qutluy bolsun. Tarix sekiz yüz otuz sekizdä tawuşqan yil zulhijja ayniñ avvalında Mansur baxši bitidi* (Sertkaya 1977, 11 – 12).

«Меърожнома». Бу асар Ҳиротда Абу Малик бахши кўчирган, ҳозирда Париждаги Франция Миллий кутубхонасида Suppl. Turc 190 / 1513 II кўрсаткичи остида сақланаётган уйғур ёзувли мажмуа таркибидадир (*нашрига қаранг: Pavet de Courteille 1882*).

Мажмуага иккита асар киритилган: бири «Меърожнома», кейингиси эса Фаридиддин Аттор қаламига мансуб «Тазкирату-л-авлиё» асарининг туркий таржимасидир.

«Меърожнома» – Муҳаммад алайҳиссаломнинг Меърожга сафари ҳақидаги диний-фалсафий асар. Ўрта асрларда унинг арабча ва форсча версиялари кенг тарқалган эди. Асарнинг туркий таржимаси темурийлар даврида амалга оширилган. Париж коллекциясида сақланаётган ушбу нодир мажмуа таркибидаги асар туркий «Меърожнома»нинг энг эски нусхасидир. Асарнинг араб хатида кўчирилган қўлёзма нусхалари ҳам бор. Лекин улар кейинги даврларга оид. Уйғур ёзувли қўлёзма шуниси билан ҳам қадрли.

«Меърожнома» қўлёзманинг 1b – 68a-бетлари, «Тазкира-йи авлиё» эса китобнинг 69b – 264b-бетларидан ўрин олган.

Муҳими шундаки, китобда «Меърожнома» асари кўчирилганда орада бўш варақлар ташлаб кетилган. Масалан, китобнинг 2-, 4-, 6-, 8-, 10-, 12-, 14-, 16-, 18-, 20a-, 20b- ва бошқа варақлари бўш. Матн битилган варақларнинг остига пойгир (погинация) белгилари қўйилган, гапларда узилиш ҳам йўқ. Шунга қараганда, бўш варақлар матнга ишланган миниатюралар бўёғини сақлаш, варақлар бир-бирига ёпишиб қолмаслигининг олдини олиш мақсадида қолдирилган кўринади. Буни китобнинг «Тазкира-йи авлиё» кўчирилган саҳифаларига чоғиштириб ҳам кўрса бўлади. У ерда бўш варақлар ташланган эмас.

Қўлёзда «Меърожнома» асари *унвон* (яъни *заставка*: саҳифанинг тўртдан бир бўлагига чизилган нақш) билан бошланади. Унвоннинг ўртасидаги нақшга зарҳал рангда икки қатор қилиб уйғур хати билан «*Rasūl 'alayhi-s-salām Me'rājya baryānī*» деб ёзиб қўйилибди.

Яна китобда «Меърожнома» асарининг сюжети билан боғлиқ катта-кичик, ҳаммаси бўлиб олтмишта *миниатюра* (рангли расмлар) ишланган. Улар ниҳоятда чиройли, бўёқлари турли-туман, кўп ўринда зарҳал бўёқдан ҳам фойдаланилган.

Бу жиҳатдан қўлёзма китобни темурийлар даврининг ажойиб санъат асари деса бўлади. У ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Темурийлар даври санъатидагина эмас, ўрта асрларда миниатюралар ишланган шарқ қўлёзмалари ичида ҳам бу асарга тенглашадигани оз.

Асарга ишланган рангли миниатюралар ислом санъатининг ҳали биз билмаган қирраларини, унинг сирли тугунларини очишга кўмаклаша-

ди. Ислом санъати тарихида юксак чўққиларни темурийлар даври санъати забт эта олди.

«Меърожнома» асари ҳамду наът билан бошланган. Ўқилиши шундай (қўлёзма китобнинг 1b-бети):

Şukur-u sipas va sitāyīş ul qādir-i lam yazal, on sekiz miñ 'ālamni yaratqan, törütқан, mun'im (?), bir-u bar, erklig Teñri ta'ālāya jalla jalāluhu va taqaddasa asmauhu vala ilāha ḡayruhu, yana yüz miñ salāvat va tahiyyat Teñri ta'ālāniñ ḡabibi, yüz yigirmi tört miñ payḡambarniñ sardāri Muḡammad rasūlullāhniñ jāniña tegsün. Öküş raḡmat rasūl 'alayhi-s-salāmniñ avlādi bilā javyasīya tegsün. Rizvānullāhi 'alayhim ajma'in.

Маъноси шундай бўлади:

«Шукр ва ҳамду мангу қодир, ўн саккиз минг оламни яратган, тартибга келтирган ва уларни неъматлантирган, биру бор ҳукмдор, Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Тангри таолога (буюклиги юксалсин ва исмлари муқаддас бўлсин), яна юз минг салавот ва таҳийят Тангри таолонинг ҳабиби, юз йигирма тўрт минг пайғамбарнинг сардори Муҳаммад расулуллоҳнинг руҳига етсин. Кўпдан-кўп раҳмат расул алайҳиссаломнинг авлоди билан аҳли байтига етсин. Уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин».

Ҳамду наътдан кейинги илк жумлада асарнинг оти, унинг «Наҳжу-л-фародис» отли асардан таржима қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган. Мана ўша жумла: *Emdi bilgil-kim, bu kitābniñ atī «Mi'rāj-nāma» turur. «Nahju-l-faradis» atliḡ kitābdin türk tiligā ewürdük, köp kişilārgā fāyda tegsün tep. Teñri ta'ālāniñ tavfiqī birlā tamām bitilip, xalāyiqniñ көñli көzigā širin көrüngāy.*

«Меърожнома» китобнинг 68a-бетида тугайди. Асар тугаган ерда уч бурчакли хотима чизилган. Ичидаги матн: *Teñri ta'ālā barçaya yaxşiliḡ tā'at tavfiqini bersün taqī tamuy azābidin āzād qilsun, uçmaq rozī qilsun. Āmin, yā rabbi-l-'ālamīn* деб ўқилади.

«Тазкира-йи авлиё». Бу асар Париждаги Франция Миллий кутубхонасида Suppl. Turc 190 / 1513 II кўрсаткичи остида сақланаётган уйғур ёзувли мажмуанинг иккинчи асаридир. У Фаридиддин Аттор асарининг туркий ўғирмаси бўлиб, форсий изофа шаклида «Тадкира-йи авлиё» аталган (нашрларига қаранг: Mutsumi 2007, 2008; Sertkaya A. 2015).

Китобда «Тазкира-йи авлиё»га ўрни билан нақшли безаклар ва жадваллар ишланган.

Матн бошдан-охир уч чизиқли жадвалга олинган. Теварагидаги ҳошияси кенгина.

Уйғур ёзувли туркий матн қорада, ўнгдан чапга қараб ёзилган.

Арабча матнлар кўп ўринда ҳошияга битилиб, қўшимча жадвалга ўраб қўйилибди. Улар Қуръони каримдан олинган оятлар, ҳадислар,

асар бўлимларининг сарлавҳаларидир. Ушбу матнлар зарҳал, айрим ўринларда кўк рангли. Уйғур ёзувли матн орасида битилган оят ва ҳадисларнинг сиёҳи қирмизи.

Муҳими, ҳошиядаги арабча матнлар тагида қора билан араб хатида майдароқ қилиб уларнинг туркий таржимаси ҳам берилган. Афтидан, ушбу битиглар кейинчалик бошқа бир котиб томонидан киритилган кўринади. Уларнинг хат услуби ҳам ажралиб турибди.

Қўлёмани ҳиротлик Абу Малик бахши ҳижрий 840 (милодий 1436 – 1437) йили кўчириб тугаллаган. Буни «Тазкира-йи авлиё» тугагандан кейинги, қўлёманинг сўнги 264b-бетида келтирилган тарихдан биламиз. У шундай ўқилади: *Emdi taḍkirada bitilgān mašāyix avliyālarniḥ hikāyat sözlāri tūgātildi. Tarix sekiz yüz qırqta, at yil, jumadu-l-axir ayniḥ onida Haruda Abū Malik baxši bitidi.*

Абу Малик бахши уйғур хатида битувчи хаттот, Ҳирот бахшилар мактабининг йирик намояндаларидан бири эди. Қўлёмна хати уйғур ёзувининг темурийлар даврида кенг ёйилган югурик хат (яъни курсивли) услубида. Кўринишидан майда, лекин текис ва ўта чиройли битилган.

Ўтмишда уйғур хатининг бир қанча услубий тури ишлатилган эди. Шунга қарамай, ёзиш техникасининг ўнғайлиги, қулай ўқилишига қараб кейинчалик югурик хат услуби оммалашиб кетди. Бу хат услубидан Ҳиротда ижод қилган бошқа бахшилар ҳам, Язд, Самарқанд, Андижон бахшилари ҳам кенг фойдаландилар. Чунончи, «Қутадғу билиг»нинг 1439 йили Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган нусхаси, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг 1444 йили Самарқандда Зайну-л-Обидин бахши кўчирган нусхаси, 1432 йили Язд шаҳрида Мансур бахши томонидан кўчирилган мажмуа ҳам уйғур ёзувининг ана шу хат услубидадир. Ҳатто темурийлар замонидан қолган расмий ҳужжатлар ҳам ана шу хат услубида битилган.

Маълумки, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» тазкирасини яратишда шайх Фаридуддин Атторнинг «Тазкирату-л-авлиё» асаридан унумли фойдаланган эди; унинг асари «Насойиму-л-муҳаббат»га бошқа бир нечта асар қатори асос манба бўлиб хизмат қилган. *«Tā tārix toqquz yüz birdā-ki, ul tārixdīn yigirmi yil ötüp erdi, Teḡri ta'ālā tavfiqi bilā bu uluq iškā ilik urdum va bu 'azīm amrya qalam surdum. Va ḥaḍrat šayx Faridu-d-dīn Aṭṭār quddasa sirruhu bitigān «Taḍkiratu-l-avliyā»dīn ba'ḍi kibār mašāyix-kim, «Nafaḥātu-l-uns»ya dāxil bolmaydurlar erdi, har qaysini munāsib maḥalda dāxil qıldim»,* – деб ёзган эди Навоий ўз асарининг сўзбошисида (НМ, 1).

Навоий «Тазкирату-л-авлиё»нинг форсча версиясидан фойдалангани аниқ. Лекин у асарнинг туркий таржимасини кўрган-кўрмаганлиги тўғрисида фикр билдириш қийин. Асарнинг туркий таржимаси Навоий

туғилмасидан бурун яратилган, унинг уйғур ёзувли қўлёзмаси ҳам ўша замонга тегишли. Айниқса, қўлёзманинг Ҳирот маданий муҳитида кўчирилганлиги муҳим. Ҳиротда кечган бу маданий, адабий жараёнлардан, айниқса, Фаридиддин Аттор асарининг туркий таржимасидан Навоийнинг хабардор бўлмаслиги мумкин эмас.

Навоий «Меърожнома» ва «Тазкирату-л-авлиё»нинг туркий таржималари билан таниш эди. У ушбу асарларнинг уйғур ёзувли айна қўлёзмасини ҳам кўрган ва ундан фойдаланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

«Меърожнома» ва «Тазкира-йи авлиё» асарларининг XV юзйилликда Ҳиротда айнан уйғур хатида кўчирилганлиги бежиз эмас. У ҳам бўлса темурийларнинг ота-боболар меросига ҳурмат билан қараганлиги, қолаверса, Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий муҳитларида ушбу асарларнинг туркий таржималарига эҳтиёж катта эканлигининг натижасидир. Ёзув амалиётини сақлаган ҳолда ҳамда ўқимишлилар талабидан келиб чиқиб уларнинг иккаласи ҳам эски туркий-уйғур хатида кўчирилган.

Мавлоно Лутфий асарлари. Навоийга қадар яратилган туркий адабиёт ва адабий тилнинг ривожидида Мавлоно Лутфий, Атойи, Саккокий сингари шоирларнинг хизмати катта.

Алишер Навоий ўзининг «Мажолису-н-нафоис» тазкирасида Мавлоно Лутфийни эҳтиром билан тилга олади, «*Öz zamānasiniñ maliku-l-kalāmi erdi, fārsi va tütükdä naziri yoq erdi, amā türküdü şuhratı köprük erdi*», – дея баҳо беради. «*Mavlānāniñ «Zafar-nāma» tarjimasida on miñ baytdiñ artuqraq masnavisi bar, bayāzıya yazmayan üçün, şuhrat tutmadı*», – дейди (Мажолис, 56).

Мавлоно Лутфийнинг шеърлар девони ҳамда «Гул-у Наврўз» маснавийси етиб келган.

Шоир шеърлари унинг кўзи тириклиги чоғларидан XX юзйилликнинг бошларигача девон ҳолида қайта-қайта кўчирилди, кўплаб мажмуалар, баёзларга киритилди.

Адабиётшунос Э.Аҳмадхўжаев ўзи тузган «Лутфий асарлари қўлёзмалари каталоги»да шоир девонининг турли қўлёзма фондларида сақланаётган 33 нусхаси тўғрисида маълумот берган (Аҳмадхўжаев 1987). Шоир девонининг қўлёзмалари ҳозирда ЎзР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида, Тожикистон Фанлар академияси қўлёзмалар фондида, Санкт-Петербургдаги Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида, Париж Миллий кутубхонасида, Лондондаги Британия музейида, Туркиянинг Истанбул университети ҳамда Бурса шаҳар музейи кутубхонасида, Германиянинг Гота шаҳри, Техрондаги Сипоҳсолар қўлёзмалар фондида ҳамда шарқшунос олимларнинг шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Аниқланишича, Лутфий девонининг қўлёзмалари XV – XVII юзйилликларда Ҳирот маданий муҳитида, XVIII асрдан XX аср бошларигача яратилган қўлёзмалар эса Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразм, Қўқон, Фарғона ва Жиззах маданий муҳитларида кўчирилган. Шоир девонининг бунчалик кенг тарқалгани туркий адабиёт тарихида унинг шеърлятига қизиқиш кучли бўлганидан далолатдир.

Мавлоно Лутфийнинг шеърлари мажмуалар, баёзларга ҳам киритилган. Муҳими шундаки, унинг шеърлари ичида қадимги уйғур хатида ёзилганлари ҳам бор. Унинг қадимги туркий-уйғур хатида битилган ўн учта ғазали маълум (уларнинг орасида бир шеър икки қўлёзмага киритилган, ўшани ҳам қўшсак, сони ўн тўртта бўлади). Ушбу шеърлар шоирнинг девонида ҳам бор. Бироқ уйғур ёзувидагилари шуниси билан қадрилики, улар кунимизга қадар сақланган девон қўлёзмаларидан бурунроқ, ҳатто айримлари шоирнинг тириклиги чоғида кўчирилган. Мансур баҳши тузган мажмуага киритилган шеърларни бунга ўрнак қилиб келтирса бўлади. Мажмуа 1432 йили Язд шаҳрида битилган. Ушбу шеърларни Лутфийнинг ўзи кўриб ўқиб чиққан, улар шоирнинг розилиги билан тўпламга киритилган бўлиши мумкин. Етиб келган девон қўлёзмаларининг энг эскиси эса XV юзйилликнинг охири – XVI юзйилликнинг бошларига тегишли.

Мавлоно Атойи девони. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да Атойи ҳақида яхши ёзган. Унинг «*İsmāil ata farzandlarīdindir*» дея таъкидлашига қараганда, шоир «ота»лар авлодидан экани, тахаллусининг эса *ata* сўзи билан боғлиқлиги аён бўлади.

Навоий унинг ижодига баҳо бера туриб шундай битади: *Türkiğoy erdi. Öz zamānida še'r-i atrāk arasīda көp şuhrat tuttī. Bu matla' anīñdur-kim:*

*Ul şanam-kim suw qiryağında parī-değ olturur,
yağati nāzuklüğidin suw bilā yutsa bolur.*

Qafiyasīda aybyīnasī bar. Ammā Mavlānā көp türkāna aytur erdi. Qafiya ihtiyatīya muqayyad emās erdi (Мажолис, 57).

Навоий *Mavlānā көp türkāna aytur erdi* деганда Атойининг шеърлари бошқаларга қўра ўта самимий, содда битилганлигини урғулаётир. Эски ўзбек тилида *türk* сўзининг «содда, самимий» маъноси ҳам бор, *көp türkāna* «жуда содда; ўта самимий» дегани.

Бу атама Мавлоно Саккокийнинг шеърлида ҳам келган:

*Közün karaşma bilā, hay yazuqli Sakkākī,
«Seni men öltürür-men» tep ayittī türkāna* (SD, 461).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: туркана дори – содда усулда, ўт-ғиёҳлардан тайёрланган дори.

Мавлоно Саккокийнинг девони. Ушбу девоннинг икки қўлёзмаси маълум. Бири Британия музейида (2079-кўрсаткичли қўлёзма), иккинчиси Тошкентда ЎзР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида (7685-кўрсаткичли қўлёзма) сақланмоқда. Булардан Британия музейидагисининг кўчирилган даври эскироқ (*нашрига қаранг: SD*).

Саккокийнинг шеърлари девон ҳолидагина эмас, мажмуалар таркибига ҳам киритилган.

Хусайн Бойқаро девони. Туркий адабий тилнинг ривожидида Султон Хусайн Бойқаро (Абулғозий Султон Хусайн Баҳодирхон)нинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ керак. Хусайн Бойқаро ҳукмдор ва маънавият жонкуяри сифатида туркийнинг давлат тили даражасида кенг амал қилиши ва катта мавқега қўтарилиши, бадий адабиёт тили сифатида гуллаб-яшнашига бор имкониятни яратиб берди.

Муҳими, Хусайн Бойқаронинг ўзи ҳам туркийда девон битди. Унинг ижоди хусусида «*Ul ḥaḍratniñ xob aš'ārī va marḡub abyātī bayāyat kōpdūr va dīvān ham murattab boluptur*» деб ёзган эди Алишер Навоий. У «Мажолисун-нафоис»нинг саккизинчи мажлисини (Мажолис, 136 – 149) Хусайн Бойқаро ижодига бағишлаган. Тазкирада унинг байтларини таҳлил этиб, шоир ижодига жуда катта баҳо беради.

Алишер Навоий асарлари. Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ёзма меросини қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

I. Девонлари: (1) «Хазойину-л-моний» («Маънолар хазинаси»). Бу тўрт девонни ўзига бирлаштиради: «Ғаройибу-с-сиғар» («Болалик қизикликлари»); «Наводиру-ш-шабоб» («Йигитлик нодиралари»); «Бадойиу-л-вадат» («Ўрта ёш бадиалари»); «Фавойиду-л-кибар» («Қаралик фойдалари»).

(2) Форсча девони («Девон-и Фоний»).

II. Маснавийлари. Буларнинг бештаси «Хамса» таркибида: (1) «Ҳайрату-л-аброр» («Яхшиларнинг ҳайрати»); (2) «Фарҳод-у Ширин»; (3) «Лайли-ву Мажнун» («Мажнун-у Лайли»); (4) «Сабъа-и сайёра»; (5) «Садд-и Сикандари» («Искандар девори»). Яна бир маснавийси «Лисону-т-тайр» («Қуш тили»)дир.

III. Тазкиралари: (1) «Мажолисун-нафоис»; (2) «Насойиму-л-муҳаббат мин шамойими-л-футувват».

IV. Филологик асарлари: (1) «Рисола-и муаммо»; (2) «Мезону-л-авзон» («Вазнлар ўлчови»); (3) «Муҳокамату-л-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси»); (4) «Сабъат абхур» луғати.

V. Тарихга оид асарлари: (1) «Тарих-и анбиё-ву ҳукамо»; (2) «Тарих-и мулк-и Ажам»; (3) «Зубдату-т-таворих» («Тарихлар хулосаси»).

VI. Диний-ахлоқий асарлари: (1) «Муножот»; (2) «Арбаин» («Қирқ ҳадис») = «Насру-л-лаолий» («Марваридлар сочмаси»); (3) «Назму-л-жавоҳир» («Жавҳарлар тизмаси»); (4) «Сирожу-л-муслимин» («Мусулмонлар чироғи»); (5) «Маҳбубу-л-қулуб».

VII. Маноқиблар (автобиографик асарлар): (1) «Ҳолат-и Саййид Ҳасан Ардашер»; (2) «Ҳамсату-л-мутахаййирин»; (3) «Ҳолат-и Паҳлавон Муҳаммад».

VIII. Ҳужжатлар: «Вақфиййа»; (2) «Муншаот».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари. Ўзбек адабий тили ривожида Заҳириддин Муҳаммад Бобур (Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ бин Мирзо Умаршайх бин Султон Абусаид Кўрагон бин султон Муҳаммад бин Мироншоҳ Мирзо бин Амир Темур Кўрагон)нинг хизматлари бениҳоя улуғ. У ўтмишда улуғ ҳукмдор ва саркарда, буюк адиб, машҳур тарихчи, адабиётшунос ва тилшунос, ажойиб санъатлар эгаси сифатида из қолдирган.

Ҳасанхожа Нисорий «Музаққир-и аҳбоб» тазкирасининг Чиғатой султонларига бағишланган бўлимида Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳурмат билан ёдга олади (МА, 51 – 54). У ёзади: «Чиғатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди... Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир. Аруз бўйича ёзган рисоласи бир денгиздирким, ичи тўла жавоҳиру дурдона, фикҳ масалаларини дағи бир рисолада мубайян қилганким, ёзғувчиси донишмандлигининг бир нишона; туркий ва форсийда яхши шеърлари бор. Ўшал фикҳ рисоласининг номи «Мубайян»дир».

Тазкиранавис Бобур шеърларидан намуналар беради. Унинг Бобур байтлари орасида «Ғоятда дилпазир ва ажойибу беназир чиққан матлаъ» деб баҳолаган бир байти бу:

*Ölüm uyqusidin boldum jihān fikridin āsuda,
Meni istāsāñiz, ey dostlar, tapqaysiz uyquda.*

«Кўп судманд ва ваъзда айтиш учун дилписанд» дея баҳолаган бошқа бир байти:

*Ne-kim taqdir bolsa, ul bolur, tahqiq bilgāy-sen,
Erür jañ-u jadal, ranj-u riyāzat -barča behuda (МА, 53 – 54).*

Мирза Муҳаммад Ҳайдар ўзининг «Тарих-и Рашидий» асарида Бобур ҳақида шундай ёзади (мисолни асарнинг XIX асрда амалга оширилган туркий таржимасидан келтирамиз):

Bābur pādšāh pādšāh-e edi-kim, anvā' fazāil birlā ārasta-vu fasāil hamida birlā parasita va hamma xislatdin šijāat-u martabasi ziyāda erdi. Amir 'Alīšir

Navāyîdîn heç kim anîñ-deg türki şe'r aytmayan erdi. Türki divānî bardur-ki, nazâkat-u latâfat va dayî nazm masâilî bardur-kim, «Mubayyan» atli risâladur. Nihâyeti mufid-u hamma xalqya maqbul va yana türki «Risâla-i aruz» taşnîf qilîpdur-ki, anîñdîn ilgâri heç kim 'ilm-i aruzni türki ibârati birlâ bu nav' latâfatlik adâ qilmayan-dur. Va yana hâdârat Eşânnîñ atalarîniñ risâlasini «Risâla-i vâlidîyya» ta'zim nazm qilîpdur.

«Vaqâi'» atli türki tarix kitabi taşnîf qilîpdur-ki, nihâyeti salâsatlig-u ibârati pâkiza ham-ki, yaqîn bu kitâbda ul tarixdîn ba'dî rivâyatlar bayânya kelgüsîdür. Anîñdîn ilgâri pâdşâhlar arasîda 'ilm-i musîqî va özgâ anvâ' 'ilm-i faql bayânîda barâbarî kelmâgân bolyay (TP, 179).

Юқоридаги маълумотлардан англашиладики, Бобурнинг «илм-и муסיқий» ва «илм-и фазл» соҳасида ҳам бошқа подшоҳларда учрамайдиган истеъдоди бўлган.

«Шайбонийнома». XVI аср туркий адабиётининг йирик намояндаси Муҳаммад Солиҳнинг бизгача сақланган асари «Шайбонийнома» маснавийсидир (ШН *га қаранг*).

Муҳаммад Шайбоний девони. Шоҳ ва шоир ўтганлардан яна бири Муҳаммад Шайбонийдир (Муҳаммад Шайбоний ибн Шоҳ Будоғ бин Абулхайрхон). У тарихда хон, ҳукмдоргина эмас, шоир, тилшунос сифатида ҳам из қолдирган. Ҳозирги замон китобларида муаллифнинг тахаллуси Шайбоний, Шайбонийхон деб берилмоқда. Бироқ унинг девонида шоир тахаллуси ŠBANĪ, ŠBAN, ŠĪBANĪ, ŠĪBAN деб ёзилган. Шунга кўра, унинг тахаллусини Шибаний ёки Шибоний деб атаган маъқул.

Мирза Муҳаммад Ҳайдар қаламига мансуб «Тарих-и Рашидий» асарининг туркий таржимасида у *Šāhibeg~Šāhibeg xan* деб тилга олинган.

Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музаққир-и аҳбоб» тазкирасида Муҳаммад Шайбонийни шоир ва олим, фозил киши сифатида ҳурмат билан ёдга олган. У ёзади: «Соҳибқирон хон илму фазилатлардан хабардор, аниқроғи, уларни тўла эгаллаган киши эди. Шеърят соҳаси ва шоирларга эътиқод-эътибори катта бўлган. Мудом олиму фозилларни ўзига ҳамсуҳбат қилган. Яхши шеърлари бор» (МА, 20).

Тазкиранавис шу ўринда унинг шеърларидаги соддалик, кишиларга манзур бўларли томонларни кўрсатиш учун қуйидаги туюқни мисол келтирган:

*Soyd içidâ oltururlar yabular,
Yabularniñ miñân atî yabular.
Yabularniñ ilgidin el tînmadi,
Ya bular bolsun bu yerdâ, ya bular.*

Кунимизгача Муҳаммад Шайбонийнинг шеърлар девони етиб келган. Унинг биргина қўлёзмаси маълум бўлиб, Истанбулдаги Тўпқопи сарой музейи кутубхонасида 2436-кўрсаткичи билан сақланмоқда (қаранг: Тожибоев 2004).

«Шайбонийнома» асарида муаллиф ўрни билан Шайбоний шеърларидан ҳам намуналар берган. Унда шоирнинг учта ғазали тўла, икки ғазалидан эса узинди келтирилган.

Султон Саидхон мероси. Ўзбек адабиёти тарихида Султон Саидхон (Султон Саидхон ибн Аҳмадхон ибн Султон Юнусхон ибн Султон Увайсхон ибн Шер Алихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожохон ибн Туғлуқ Темурхон) ҳам яхши из қолдирган. Бобур подшоҳ Султон Саидхоннинг холаваччаси эди. Мирза Муҳаммад Ҳайдар ўзининг «Тарих-и Рашидий» асарида Султон Саидхонни таърифлаб «*ʻİlmda allāma edi-ki, xāh fārsī, xāh tūrki bolsun šeʻr aytmaqda va inšā rastlamaqda benazir erdi. Xan majlislarda šeʻrlarini-ki aytip erdi*» деб ёзган (ТР, 147).

Муаррих шоирнинг ўзига маъқул тушган байтларидан ҳам намуналар келтирган. Мана ўша байтлар:

*Qaysi gulšanniñ yüzüñ-deg bir gul-i ranāsi bar,
Qaysi gulniñ bir meniñ-deg bulbul-i šaydāsi bar.*

*Hur birlā jannatu-l maʻvani kõñlüm näylāsün,
Yārniñ köyidä yüz miñ jannatu-l maʻvasi bar.*

*Yüz üzrā kākul-i zulfi parišān bolγusi,
Ey Said, āšufta kõñlümniñ ajab savdāsi bar.*

*Šukrullah, hālatim zāhir boluptur yārya,
Emdi yār alida özni körsātāy ixtiyārya.*

*Sayr üçün kirsā gulstān icrā ul sarvardan,
Banda bolsun sarv āzād ul qad raftārya.*

*Ahd qildīñ-ki, vafā qilyay-sen,
Yoq-ki, jānīmγa jafā qilyay-sen.*

*Atma sen yamza oqi birlā meni,
Qorqaman-ki, xatā qilyay-sen.*

*Meñā dersān-ki, vafā qilyumdur,
Elgā qilyanča meñā qilyay-sen.*

Хуллас, туркий ёзма адабий тил меъёрларини ишлаб чиқишда шоир ва ёзувчилар, тарихчилар, тилшуносларнинг ҳамда таржимонларнинг хизмати катта бўлди. Котиблар эса матн саводхонлигини таъминлаб берганлар.

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Туркий ҳужжатчиликнинг илк намуналари. Туркий ёзма ҳужжатчилиги тарихи Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари замонидан, адабий тилнинг юзага келиши давридан бошланади. Муҳими шундаки, ёзма манбаларда ўша даврларда ўтган хоқонларнинг чиқарган ёрлиқлари, қўшни элларга йўллаган дипломатик хатлари тўғрисида хабарлар бор, лекин ҳужжатларнинг ўзи сақланган эмас. Шунга қарамай, хоқонларнинг эл-улусга қаратилган расмий мурожаати, сўзлари, эл тузуқлари туркий битиглар таркибига киритиб юборилган. 732 йили яратилган Кул тигин, 735 йили яратилган Билга хоқон битиги ана шундай ёдгорликлар сирасига киради. Битигларни тарихчи ва адиб Йўллуғ тигин ёзган. Ушбу битигларга Билга хоқоннинг эл-улусга қаратилган мурожаати, сўзлари киритилган бўлиб, у хоқоннинг ўз тилидан берилади.

Билга хоқон битигида хоқоннинг ушбу сўзлари *Tāñri-tāg tāñri yaratmīš türk Bilgā qayan sabīm* («Кўкдай (улуғ) тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим») унвони билан бошланган (улуғ битигнинг бошланиши, X.1).

Муҳими шундаки, битигнинг хотима қисмида яна бир баёнот келтирилган (Ха.13); у хоқоннинг кичик ўғли Билга Қутлуғ хоқонга тегишли. Ушбу баёнот ҳам Билга хоқоннинг юқорида қайд этилган унвони билан бошланган (*қаранг*: Содиқов 2004, 59 – 60, 66 – 72; 2011). Битиглардан жой олган ушбу мурожаат матнлари туркий расмий ёзма услубининг, ҳужжатчилигининг энг эски намунаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Билга хоқон битигида кечган ушбу бошлама-унвон Билга хоқонга тегишли бўлиб, юрт эгаси кўзи тириклигида ўз ёрлиқлари, чет элларга йўллаган дипломатик битигларини ана шу унвон билан бошлаган. Кейинчалик, унинг ўлиmidан сўнг, ўғли Билга Қутлуғ ҳам отасининг айни унвонини қўллаган, ўз ёрлиқларида ундан фойдаланган. Шарқ ҳужжатчилиги тарихида бундайин анъана учраб туради; кейинги авлод сулола тамғасини сақлаган ҳолда ўз ота-бобосининг расмий унвонини қўллашга ҳақли эди.

Ўтмишда тошларга давлат тузуқлари ҳам битилган. 745 йили Иккинчи кўк турк хоқонлиги ўрнига келган Уйғур хоқонлигининг ҳукмдори Мўюн-чўр шарафига ўрнатилган битигда (Малов 1959, 30 – 44) буни тасдиқловчи қизиқ бир мисол бор. Битигда 750 йил воқеалари тўғриси-

да сўз борар экан, Мўюн-чўр тилидан «минг йиллик, туман кунлик битигимни, тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттирдим» (*biñ yilliq tūmān kūnlik bitigimin belgūmin anta yasi tašqa yaratitdim*) дейилади (матннинг 19 – 22-қаторларига қаранг).

Ушби мисолда кечган *bitig-belgū* «давлат тузуги; низоми» маъносини билдиради; *bitigimin-belgūmin anta yasi tašqa yaratitdim* дейилганда «тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим» деган маъно англашилади.

Кўк турк ва уйғур хоқонликлари замонидан тери, қоғозга ёзилган хужжатлар ҳам етиб келган. Шулардан бири Зарафшоннинг юқори оқимидаги Муғ қалъа деб аталувчи тарихий харобадан суғдча ёдгорликлар билан бирга топилган (қаранг: Бернштам 1951). Уни 1934 йили А.А.Фрейман бошчилигидаги экспедиция топган. Ушбу экспедиция изланишлар давомида 74 та суғдча, битта араб тилидаги ва битта туркий тилдаги хужжатни, шунингдек, кўп миқдордаги моддий маданият ёдгорликлари ва бир қанча тангани аниқлади (қаранг: Фрейман 1934; СДГМ. Вып. 1). Буни қарангки, Муғ қалъадан топилган ушбу хужжатлар араб истилоси арафасида Суғдда ҳокимлик қилган Деваштичнинг архиви бўлиб чиқди.

Деваштич архивидан чиққан туркий хужжат кўк турк ёзувида бўлиб, қорамтир кулранг, юпқа терига битилган. Матни қора сиёҳда, ёзуви тиниқ, олти қаторли. Тери анча чириб тушганидан матнни тўлиғича тиклаб бўлмайди.

Ушбу битиг юрт эгасининг ёрлиғи ёки йирик дипломатик аҳамиятга эга бўлган хужжат эмас; бор-йўғи хўжалик ишларига тегишли. А.Бернштамнинг тахминича, ушбу топилма Деваштич қўл остида хўжалик ишида йилқичилик билан шуғулланувчи бирор кимсага тегишли расмий хужжат бўлуви керак (Бернштам 1951, 72). Буни матнда этли, қизғиш тусли отлар (*āt ar yont*) топширилаётгани тўғрисида сўз бораётганлигидан ҳам билса бўлади. Лекин тарих ва тилшунослик учун ушбу битигнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Эътиборли жиҳати, ушбу ёдгорликда *bitim* деган сўз учрайди. *Bitim* сўзи *biti-* – «ёз-» феълидан ясалган бўлиб, келиб чиқишига кўра ёзма хужжатлар асосидаги келишувни билдиради. Демак, *bitim* сўзининг қадимийлиги кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ана шу хужжат турининг эскилигига қараб белгиланади.

Хужжатда яна жой номидан *Panč* сўзи ҳам келтирилган. Бу сўз хужжатнинг битилган ерига ишора қилади. Панжикентнинг бурунги оти ана шундай эди.

Туркий битигнинг бу ўлкадан суғдча матнлар орасидан топилганлиги ўта муҳим. У ушбу ҳудудларда, хусусан, Суғд ўлкасида суғдча билан

бирга туркий тил ҳам расмий муомалада бўлгани, шунингдек, кўк турк ёзувининг ёйилиш кўламини ҳам англатади.

Энг эски расмий ҳужжатлардан бошқа бири Дунхуандан топилган, кўк турк ёзувида битилган қоғоз парчасидаги ҳужжатдир (Orkun 1987, 288, 292; Sodiqov 2009¹, 271 – 273).

Қизиғи шундаки, ўрхун ва енисей битигларида, имло қондасига кўра, ʃ ҳарфи ёзувда ҳар қачон ҳам ифода этилмайди, лекин ўрнига [a], [ā] ва [e] унлиларини қўйиб ўқилаверади. Ушбу ҳужжатда эса ʃ ҳарфи сўз боши ва сўз ўртасида изчил ҳолда ёзиб борилган. Чамаси, ушбу ҳужжат уйғур ва кўк турк ёзувларини аралаш қўллайдиган турк-моний жамоаси ичида битилган чиқар. Унинг битувчиси уйғур ёзуви принципларидан келиб чиқиб кўк турк ёзувида ҳам унлиларни тўлиқ бериб кетган.

Матннинг ўқилиши шундай:

- (1) Yemä bišinč ay säkiz yig-
- (2) irmikä Bilig Köñül
- (3) sañun başlap kelti. Yabaš
- (4) tutuq, Bozač tutuq, Ör-
- (5) ä Bört tutuq, Altun T-
- (6) ay sañun yartimlïq erür. Ati
- (7) Öz Apa tutuq. Ulati qam-
- (8) ay atliḡ yüzlüg otuz er
- (9) keltimiz. Bir kön, bir qoñ,
- (10) iki küp begni. Bitgäči
- (11) esiz yabiz qul bitidim.
- (12) Atim Bayatur Čigši.

Шу ўринда матннинг ўқилуви ва мазмуни билан боғлиқ айрим изоҳларни келтириб ўтамиз. Саккизинчи қатордаги 𐰽𐰺𐰽𐰾𐰺𐰽𐰾𐰺 ʃ ҳарф бирикмаси *atliḡ yüzlüg* деб ўқилади, у жуфт сўз бўлиб, «атоқли-обрўли» деган маънони англатади; тўққизинчи қатордаги 𐰽𐰺𐰽 ʃ ҳарф бирикмасини Н.Ўркун *kün* деб ўқиган. Бинобарин, бу ерда сўз кун тўғрисида бораётгани йўқ. Шунинг учун уни *kön* деб ўқиганимиз маъқул. Чоғиштиринг, МК да: *tewä köni* – «туя териси»; ҳозирги ўзбек тилида: *kön* – «отнинг шилиб олинган териси» ёки *könči* – «терига ишлов берувчи уста»; ўнинчи қатордаги 𐰽𐰺𐰽𐰾𐰺𐰽𐰾𐰺 ʃ ҳарф бирикмаси *bitgäči* ўқилади, у «битувчи, қайд этувчи, идора нозири» маъносида; ўн биринчи қатордаги 𐰽𐰺𐰽𐰾𐰺𐰽𐰾𐰺 *esiz yabiz* – сўзма-сўз «бечора ёвуз», кўчма маънода «фақир», 𐰽𐰺𐰽𐰾𐰺𐰽𐰾𐰺 *esiz yabiz qul* – «фақир қул» маъносини билдиради. Хат битиш одобига кўра битувчи котиб камтарлик билан ўзига шундай сифатни эп кўрган. Ўрناق келтирадиган бўлсак, «Роҳату-л-қулуб» асарини кўчирган котиб ўзини *kätibulfaqir Mansur baxši* деб атаган ва б.

Шулардан келиб чиқиб юқоридаги ҳужжат мазмунини қуйидагича талқин қилиш мумкин: «Яна бешинчи ойнинг ўн саккизинчисида Билиг Кўнгул сангун бошлаб келди. Ябаш тутуқ, Бўзач тутуқ, Ўра Бўрт тутуқ, Алтун Тай сангун (унинг) ёрдамчиларидир. Оти Ўз Апа тутуқ, Сўнгра бутун доврўгли-обрўли ўттиз эр келдик. Бир кўн, бир қўй, икки куп шароб (келтирдик).

Битувчи фақир кул битидим. Отим Бағатур Чигши».

Илк ўрта асрлардан қолган туркий васиқалар. Ўтган юзйилликнинг бошларида рус ва Ғарбий Европа олимларининг ҳозирги Синжон ўлкасига, хусусан, кўҳна Турфон воҳасига уюштирган илмий экспедициялари натижасида бу ердаги эски харобалар, чекка қишлоқлардан илк ўрта асрларга тегишли ёдгорликлар, эски қўлёзмалар топилди. Сонсаноксиз битиглар орасида ўтмишдан қолган ҳужжатлар ҳам бор эди. Ҳозирги пайтда ушбу ҳужжатлар дунёнинг йирик қўлёзма фондларига тарқаб кетган. Катта бир қисми Берлин Бранденберг академиясининг қўлёзмалар фондида¹, Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институтида, Урумчидаги Тарих музейида сақланаётир.

Турфондан топилган ушбу расмий ҳужжатлар хонларнинг ёрлиқлари ёки юрт эгаларининг ўзаро ёзишмалари, давлат миқёсидаги йирик дипломатик ҳужжатлар эмас. Улар йирик ер эгалари, бойлар, деҳқонлар, оддий кишиларнинг олди-бердиси, хўжаликнинг кирим-чиқими, кимгадир сотилган ер ҳужжати, ижарага олинган ер учун ёзилган тилхатлар, қарзга олинган дон-дунни, матони ортиғи билан қайтариш тўғрисидаги васиқалар, қулларнинг ўз беқлари устидан ёзган шикоятлари ёки йирик бойларнинг ўз қулига берган эрк ҳужжатларидир. Улар ўша кезларда давлат сиёсий бошқаруви, расмий-ҳуқуқий муносабатлар, маҳкама ишлари йўлга қўйилгани, қонун устуворлиги таъминлангани, жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси юқори экани, ҳуқуқ-тарғибот масалаларига жиддий қаралганидан далолат беради. Энг муҳими, ўша давр жамиятида кишилар орасидаги ижтимоий-сиёсий масалалар бўладими, ер ва мулк эгаллиги, савдо-сотик, олди-берди ишлари дейсизми, ҳаммаҳаммаси давлат қонунлари доирасида ишлаган ва булар қоидага кўра расмийлаштириб қўйилган.

Ушбу ҳужжатлар эски туркий-уйғур ёзувида бўлиб, қадимги туркмонийчи ва буддизм жамоалари томонидан яратилган. Бу нарса давлат ишларида, айниқса, ҳужжатчиликда туркий тилнинг, уйғур ёзувининг мавқеи юқори эканини билдиради. Қадимги турк жамоаларидан қол-

¹ Берлиндаги Бранденбург Фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ҳужжатларнинг фотолари «Digitales Turfan-Archiv» номи билан интернет тармоғига жойлаштириб чиқилган: www.Turfanforschung.com

ган ушбу ёзма ёдгорликлар ҳужжатчиликнинг нодир манбалари бўлиб, туркий расмий услубнинг юзага келиши ва тарихий тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ҳужжатшуносликда бу турдаги битиглар *васиқа* дейилади. *Васиқа* қулга берилган эркинликни, кишилар ўртасидаги олди-бердини, гаровга қўйилган буюмни, сотилган ёки ижарага олинган мулкни, меросни тасдиқловчи, далилловчи расмий ҳужжат, тилхатдир. *Васиқа* сўзи атама сифатида кейинчалик, ўрта асрлардан буён ишлатила бошлади. Илк ўрта асрлар ва ундан нарида эса улар ялписига *bitig* деб, турларини бир-биридан фарқлаш учун қарз олиш васиқаси *ötüg bitig*, васиятнома *qumaru bitig*, қулга эркинлик берувчи васиқа *boş bitig* аталган ва б. Кейинги атамадаги *boş* сўзи «эркинлик, озодлик» англамидадир.

Васиқа ҳужжат туздирётган кимсаларнинг, олимчи ва беримчининг кўз ўнгида, бунга қўшимча ҳолда, икки-уч киши гувоҳлигида тузилган; уларнинг қўли, белги-тамғаси билан тасдиқланган. Сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар васиқа тузилган, қўл қўйилиб, тамға босилган кундан бошлаб кучга кириб, расмий тус олган.

Илк ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатларнинг ҳозирги кездеги сақланганлик даражаси ҳар хил: баъзилари, қоғозининг уринганлиги демаса, нисбатан яхши турибди. Айрим битиглар ниҳоятда пароканда, қоғози титилиб кетган, матннинг бир парчасигина сақланган, холос.

Матнларнинг ранги бир хил эмас: қуюқ сиёҳ билан тиниқ ёзилганлари ҳам кўп, орада сиёҳи намиқиб, ўчиб кетганлари ҳам бор. Лекин бир жиҳатига тан бермак керак, кўпининг сиёҳи ҳали-ҳануз тиниқлигича турибди.

Айни чоғда, айрим ҳужжатларнинг оригинали йўқолган. Муҳими шундаки, битигларни топиб келтирган ёки илк бор ўрганиб, нашр эттирган олимлар ўша оригинал нусхалардан фойдаланганлар. Лекин орада нима бўлгани номаълум, айрим ҳужжатларнинг ўзи йўқ. Яхшики, улар ўша чоғда суратга олиб қолинган экан. Ҳозир ўша суратга олинган нусхаларигина қолган, холос. Ушбу фотонусхалар ҳам Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида бошқа қўлёзмалар орасида сақланмоқда.

Васиқаларда ортиқча безаклар йўқ. Матн бир текис, чиройли хат билан тартибли ёзилган бўлса, ютуғи шунда.

Васиқаларни баъзан саводли, олди-берди қилиб юрган мансабдор кишиларнинг ўзлари битган. Кўпинча бу юмуш билан бахши (ўтмишда котибни шундай аташган) ёки идора ходими (нотариус) шуғулланар эди. Васиқаларнинг хат услубида ҳам бу нарса сезилиб туради: олди-берди қилиб турган кимсалар битган васиқаларнинг хат услуби оддий, баъзан қаторларида изчиллик йўқ, шошиб ёзилгани билиниб туради. Котиблар

ёки идора ходими битган васиқалар эса тартибли, айримларининг хати чиройли, инжудай тизилиб туради.

Матндан ташқари ҳужжатларга муҳр-тамғалар ёки кишиларнинг ўз тамғалари ё белгилари қўйиб кетилган. Матнда булар *tamya*, *nišan* ёки *belgü* деб аталган.

Тамға ва нишонларнинг қўйилиш тартиби бор. Кишиларга тегишли тамға ёки белги-нишон, одатда, васиқа охирлаганда қўйилган. Матнда унинг кимга тегишли эканлиги таъкидлаб ҳам қўйилади.

Давлат идораси ёки расмий кишиларга тегишли муҳр-тамғаларнинг қўйилиш тартиби биров фарқли. Бунда васиқа ёзиб бўлингач, бир бетли бўлса, кўпинча матннинг учта жойига: биринчи қаторнинг бошланишига, матннинг ўртасига ва сўнгги қаторнинг охирларига тамға босилган. Матн қоғознинг терс бетига ўтган бўлса, у ерда ҳам сўнгги қаторга тамға урилган. Баъзи ҳужжатларда матннинг бир нечта жойига муҳр-тамға уриб чиқилган.

Кишиларнинг шахсий белгилари беш қиррали, олти қиррали, саккиз қиррали юлдуз, шунингдек, турли чизиқлар, геомертик шакллар кўринишида бўлиши мумкин. Улар ихтиёрий танланган бўлиб, қондасини бир тизимга солиш қийин. Бундай белгилар, одатда, кичикроқ нарсаларнинг олди-бердиси учун тузилган васиқаларда учрайди. Нима бўлганда ҳам, улар юридик кучга эга эди.

Муҳр-тамғалар эса тўрт бурчакли, доирасимон, бодомсимон, саккиз бурчакли, яримойсимон ишланган бўлиб, ичига ўзига хос услубда ёзув битилган. Муҳр-тамғалар йирик олди-берди ҳужжатларида ишлатилар эди.

Тўхтамишхон ёрлиғи. Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи уйғур хатидадир. Матн икки вараққа битилган бўлиб, биринчисида 13 сатр, иккинчисида 12, жами 25 сатрдан иборат (ёрлиқнинг тарихий-филологик очерки, транскрипцияси, русча таржимаси ва факсимилига қаранг: Радлов 1888, 1 – 40; 1890, 198 – 199).

Ҳужжат 1834 йили Москвада Ташқи ишлар вазирлигининг бош архивидан топилган. 1921 йилдан бошлаб Варшавада марказий архивда сақланмоқда (қаранг: Султанов 1978, 235 – 237).

Ёрлиқ товуқ йили, ҳижрий етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни [1393 йилнинг 20 майида] ўрда Танда [яъни Дон дарёси ёқасида] эканлигида битилган.

Ёрлиқнинг ёзув тартиби ўнгдан чапга. Биринчи қатор (*Toxtamış sözü*), олтинчи қаторнинг биринчи сўзи (*bizgā*), шунингдек, иккинчи бетнинг биринчи қаторидаги *Tāhri bizni yarliqap* ҳамда бешинчи қаторидаги *bizgā* сўзлари зарҳал рангда бошқа сатрлардан ажратиб ёзилган.

3 – 5-қаторлар қолганларидан ичкарироқ ёзилган бўлиб, уларнинг олдида араб ёзувининг куфа турида битилган, бири иккинчисининг ичига жойлаштирилган тўртбурчак шакли хон тамғаси босилган. Ёрлиқнинг сўнги 23 – 25-сатрларида унинг тарихи келтирилган.

Хати ниҳоятда тартибли ва чиройли. Хат услуги «Ўғузхоқон» достонининг хатига ўшаб кетади. Бироқ ушбу ёрлиқда товушларни бири-биридан фарқлаш мақсадида биронта нуқта ёки қўшимча белгилар қўйилмаган. Хат услуги XIV – XV юзйилликларда битилган бошқа ёдгорликлардан анча фарқ қилади; ўзига хос. В.В.Радлов унинг хатини «мўғул-уйғур» ёзув шакли деб атаган эди (Радлов 1888, 4).

Темур Қутлуғ ёрлиғи. Олтин Ўрда хонларидан бири Темур Қутлуғнинг 1397 йили битилган ёрлиғи кунимизгача сақланиб қолган.

Узунлиги 265 см, эни 23 см лик ўрама қоғозга битилган мазкур ҳужжат 55 сатрлидир (ҳужжатнинг тарихий-филологик шарҳи, транскрипцияси, русча таржимаси, факсимили берилган нашрига қаралсин: Радлов 1888, 17 – 40, факсимили 1-жадвалда).

Ёрлиқ уйғур хатида бўлиб, тагма-таг араб хатида изоҳланган. Уйғур ёзувли матн қуюқ қорада, араб ёзувли транслитерацияси эса нисбатан ингичкароқ қилиб қизилда битилган. Биринчи сатр (*Temür Qutluğ sözümi*) қолганларидан ажратиб ёзилган. 2 – 3-сатрлар (*oñ qol, sol qolniñ oylanlarıña*) ичкарироқдан бошланган, чамаси, муҳр ўрни қолдирилган.

Хати «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг 1480 йили Истанбулда Абдулраззоқ бахши уйғур хатида кўчирган нусхасининг хат услубида бўлиб, «Қутадғу билиг»да қўлланган хат услубидан ҳам, Тўхтамишхон ёрлиғининг хатидан ҳам фарқ қилади. Ёрлиқ ҳижрий 800 йил (1397) барс йили, шаъбон ойининг олтинчи кунида Узу сувининг ёқасида Мужаваранда битилган (Содиқов 1997, 86 – 87).

Улуғ Муҳаммад хоннинг II Муродга йўллаган мактуби. Олтин Ўрда хонларининг турк султонларига йўллаган мактублари араб хатида. Дипломатик хатлар адресатга аниқ ва тушунарли бўлиши учун шу хат танланган бўлиши керак.

Олтин Ўрда ҳукмдори Улуғ Муҳаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўллаган мактуби ҳозирда Истанбул, Тўпқопи Сарой музейида сақланмоқда (10202-кўрсаткичли васиқа). Мактуб араб хатида битилган бўлиб, 19 қатордан иборат (*қаранг*: Kurat 1940, 6 – 36; матннинг фотосурати 161 – 166-бетларда берилган; *яна*: Султанов 1978, 237 – 239). Мактуб матннинг ўзида *bitig salām*, яъни «салом хат; мактуб» деб аталган (УМ, 18).

Мактуб маймун йилида, ҳижрий саккиз юз ўттиз биринчи йил, жумаду-л-аввал ойининг йигирма еттинчи куниде (1428 йилнинг 14 марти) ўрда Узу суви [яъни Днепр] ёқасида эканлигида битилган.

Хати жуда чиройли: сулс ва девоний услубларида. Матннинг ҳар бир қатори орада жой ташлаб ёзилган. Биринчи ва иккинчи қаторлар сулс хатида сатр бошидан, қолганларидан ажратиб ёзилган. Учинчи қатордан бошлаб (энди бу ёғига девоний хатда кетади) охирига қадар бир оз жой ташлаб ёзилган. Қаторларнинг охирига бориб матн юқорига кўтарила боради.

Матннинг бошдаги икки қатори, шунингдек, учинчи қатордаги *xan aḡalarimīz; atalarīñiz*; тўртинчи қатордаги *aḡalarīñiz*; бешинчи, олтинчи қаторлардаги *xan aḡamīz Toqtamīš xan; ʔāzī Bayazid-beg*; саккизинчи қатордаги *haq ta'ālā; xan aḡalarimīznīñ*; ўнинчи қатордаги *xudāy; bizgā*; ўн учинчи қатордаги *biz* сўзлари зарҳал рангда ажратиб ёзилган.

Учинчи қаторнинг бошланишига, шунингдек, олтинчи-еттинчи, тўққизинчи-ўнинчи, ўн иккинчи-ўн учинчи қаторларнинг ўртасига ва ўн саккизинчи-ўн тўққизинчи қаторларнинг охирига тўртбурчак бичимли хон муҳри урилган.

Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби. Олтин Ўрда хони Маҳмуд хон бин Муҳаммад хон бин Темур хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган битиги Тўпқопи музейи архивида, Е 10202-кўрсаткичи остида сақланмоқда. Мактуб араб хатида бўлиб, 21 қатордан иборат (*қаранг*: Kurat 1940, 37 – 45; матннинг фотосурати 167 – 170-бетларда берилган; *яна*: Султанов 1978, 239 – 242).

Мактуб товуқ йили, ҳижрий саккиз юз етмишда, муборак барот ойининг бешинчи куни, сешанба кун (1466 йилнинг 10 апрелида) ўрда Азуғли ўзан ёқасида эканлигида битилган.

Хати тартибли ҳам чиройли. Матннинг дастлабки беш қатори ўртада унвонга ўхшатиб битилган. Олтинчи қатори сатр бошидан, бироқ кейинги қаторлардан ажратиб ёзилган. 7 – 9-қаторлар салкам сатр ўртасигача жой ташлаб, қолган қаторлари эса бир текис ёзиб кетилган.

Матннинг ҳар бир қатори орада жой ташлаб ёзилган. Қаторларнинг охирига бориб матн юқорига кўтарила боради. 9 – 10-, 15 – 16-қаторларнинг бошланишига, шунингдек, 21-қатордан кейин, матн охирига тўртбурчак бичимли хон муҳри урилган.

Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби. Олтин Ўрда хони Аҳмад ибни Муҳаммад ибни Темур хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган битиги Истанбулдаги Тўпқопи музейида Е. 6464 кўрсаткичи остида сақланмоқда (*қаранг*: Kurat 1940, 46 – 60; матннинг фотосурати 171 – 172-бетларда берилган; *яна*: Султанов 1978, 242 – 245). Мактуб араб хатининг девоний услубида битилган бўлиб, жами 24 қатор.

Мактуб ҳижрий саккиз юз саксон иккида, муборак сафар ойининг ўртасида [1477 йилнинг май-июнида] ёзилган.

Хати тартибли. Биринчи ҳамда иккинчи қаторлар орада анча жой қолдириб ёзилган. Учинчи қатордан бошлаб бир текис (фақат 10 – 11-қаторлар ўртада), орада бўшлиқ қолдирмасдан ёзилган.

Хотима қисмида мактубнинг тарихи берилган: *Tārix sekiz yūz seksān ikidā mubārak šafar ayīniḡ nişfinda istiktāb qīlindī* – «Тарих (ҳижрий) саккиз юз саксон иккида, муборак сафар ойининг ўртасида [1477 йилнинг май-июнида] ёзилди» (А.24).

Ҳошиядаги *Taḥiyatu-l-muḥabbat. Aḥmad ibn-i Muḥammad ibn-i Temūr xan* («Дўстлик саломи ила Аҳмад ибни Муҳаммад ибни Темурхон») жумласини ҳам хулосага уласа бўлади.

Шоҳрух Мирзонинг уйғур ёзувли ёрлиғи. Шоҳрух Мирзонинг юртга эгалиги чоғида туркий тилда ёздирган ёрлиқларидан биттагина қолган. Ёрлиқ туркий-уйғур хатида. У Афғонистондаги Маймана деган жойдан топилганида, яхшики, профессор Э.Бенвенист суратга тушириб қўйган экан. Ўша бўйи ҳужжатнинг ўзи кимнинг қўлида қолгани номаълум. Сурати бўйича Ж.Дени унинг транскрипцияси ва таржимасини ҳам берган (Deny 1957).

Ёрлиқ бир варақ қоғозда. Қоғознинг ўнг бетига уйғур хати билан ўн уч қаторли матн битилган. Ёзуви текис ва чиройли, лекин майда; кейинги чоғларда, айниқса, ислом даврида оммалашган югурук хат.

Қоғознинг терс ёғида, ярим белидан қуйироқда қаторасига муҳр-тамғалар босилган. Муҳр-тамғаларнинг олдига, чап қанотда ёнламасига уйғур хати билан *Niṣ(ā)nnī İsmāyil aldī* деб ёзиб қўйилибди. Хат услуби қоғознинг ўнг бетигаги матн билан бир хил. Афтидан, суюрғал берилмиш киши ҳужжатни девондан қабул қилиб олаётганида ходим, аниқроғи, ёрлиқни битган котиб ушбу қайдни ёзиб қўйган бўлиши керак.

Матн якунида тарих берилиб, унда ҳужжатнинг ёзилган санаси ва ери қайд этилган. *Tarix sekiz yūz yigirmi beşidā ud yil muḥarrām ayniḡ yigirmi ikisidā Bayi šaharda bitildi* («Саккиз юз йигирма бешида, сигир йил, муҳаррам ойининг йигирма иккисида Боғи шаҳарда битилди»). Бу сана милодий 1422 йилнинг 16 январига тўғри келади. Ж.Дени Боғи шаҳарни Самарқанддаги жой деб айтган. Ҳолбуки, «Бобурнома»да бу ер Ҳирот яқинида эканлиги таърифланган (Sertkaya 1977, 10).

Ёрлиқни мақсади ва турига кўра имтиёз берувчи ҳужжатлар гуруҳига киритиш мумкин. Матннинг ўзида у *niṣān* деб аталган.

Шоҳрух Мирзо нишонининг араб алифбосида эмас, уйғур хатида эканлиги, айниқса, қоғознинг терс бетигаги уйғур хатида битиб қўйилган ёзуви ўта муҳим. Буларнинг бари темурийлар замонида уйғур хати-

нинг мавқеи юқори бўлгани, давлат ишларида унинг кенг ишлатилганига очиқ-ойдин далил бўла олади.

Султон Умаршайх ёрлиғи. Темурийлар давлати жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида акс эттирган ҳужжатлардан бири Султон Умаршайхнинг 1469 йили Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғидир (Мелиоранский 1906, 01 – 012, таблица I).

Ёрлиқ варақнинг бир юзига битилган. Хати чиройли ва тартибли (ўтмишда бундай нафис хат *uz hat* дейилган). Қоғоз бўйига олти, энига икки букланган. Қайта-қайта букланаверганидан йиртилишига оз қолган. Ҳатто букланган бўғинларининг айримлари терс ёғидан қоғоз билан елимлаб ҳам қўйилган.

Қоғоздаги матн ўн уч қатор. Бошидаги уч қатори қолганларига қараганда ичкарироқдан битилган бўлиб, иккинчи ва учинчи қаторларининг олдида доирабичимли муҳр-тамға босилган. Султон Умаршайхнинг ушбу муҳр-тамғаси матннинг ўзида *muhur*, ёрлиқнинг ўзи эса *muhurluy nišān* дейилган.

Қоғознинг терс юзиде еттита муҳр-тамғаси бор. Муҳр-тамғалардаги ёзувлар араб хатида. Улардан бошқа яна шу бетга уйғур хати билан икки жумла ёзиб қўйилибди. Жумлаларнинг биринчиси *Halil dad Barin baxšī bilā*, куйироқдагиси эса *roznāma bitildi* деб ўқилади (Мелиоранский 1906, 08). Ушбу қайдлар идоранинг ҳужжат қабул қилувчи ходимига тегишли бўлиши керак.

Қоғознинг сиёҳи яхши қуримай туриб букланган кўринади: ҳужжатнинг айрим сатрлари варақнинг терс ёғига ҳам юқиб қолган.

Ёрлиқда ёзилишига кўра, Мир Сайид Аҳмад Марғилоннинг улуғларидан (*Marūīnan būzrūglāridin*) эди. Султон Умаршайх бундан илгари ҳам унга ҳиммат кўрсатиб суюрғал берган. Ушбу суюрғалда эса унга қўшимча имтиёзлар берилаётгани таъкидланади.

Ёрлиқ (*muhurluy nišān*) туркмучал саноғи бўйича сигир йили шаввал ойининг йигирма саккизинчи куни Андижонда битилган. Бу тўғрида *muhurluy ni(šā)n uy yil šavval ayiniñ yigirmi sekizi Andigāndā bitildi* деб қайд этилган.

Ушбу ёрлиқнинг араб хатида эмас, қадимги туркий ёзувда эканлиги, айниқса, ёрлиқ битилган қоғознинг терс ёғидаги девонхона ходими томонидан ёзиб қўйилган айрим қайдларнинг уйғур хатида эканлиги ўта аҳамиятли. Буларнинг бари Темурийлар давлатида ушбу ёзувнинг юридик мавқеи катта бўлганидан далолат беради.

Султон Абу Саид битиги. Темурийлар даври ҳужжатчилиги, ёзма адабий тил расмий услублари тарихини ўрганишда султон Абу Саид-

нинг турк султони Ҳасан бегга (Узун Ҳасанга) йўллаган битиги айрича ўрин тутлади. Битиг Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейида Е 12307 рақами остида сақланмоқда. Эски ўзбек тили («чиғатой туркийси»)даги 76 қаторли ушбу битиг уйғур хатида ёзилган бўлиб, ўқилиши тагма-таг араб ҳарфлари билан ёзиб чиқилган (Kurat 1940, 119 – 134, 196 – 200).

Мактуб сичқон йили (ҳижрий 873 йил) рабиул-аввал ойининг йигирма иккисида Озарбайжоннинг Миёна шаҳрида битилган (*Siçqan yili rabi'ul-avval ayinīn yigirmi ikisidā Miyānada erkāndā bitildi*). Бу сана милодий 1468 йилнинг 10 октябрга тўғри келади.

Битигнинг 3-, 13-, 19-, 28-, 38-, 47-, 49-, 51-, 61-, 63-, 71-қаторларида *Teñri* сўзи сатр ичидан ажратиб олиниб, унинг бош қисмига ўтказиб ёзилган. У айна қатордаги *'ināyatī* сўзига боғлиқ бўлиб, ҳар гал у билан бирга ўқилади.

Матнда Абу Саиднинг уй ичига тегишли кишиларнинг (ота-бобола-рининг) отлари ҳам ажратиб берилган. Чунончи, 4-, 24-, 69-сатрларда *Temür beg*, 6-, 7-, 11-, 12-, 13-, 15-сатрларда *Beg* сўзи, шунингдек, 27-қаторда *Mirānšāh Mirzā* сўзи, аввалги қатор тўлмаса ҳам, янги қаторга олиб ёзилган. Бу ҳам ўша замон ҳужжатчилигида русум бўлган ўзига яраша бир этикетдир. Бошқа ҳужжатларда ҳам бу сингари ҳолатлар учраб туради.

71 – 74-қаторлар устига султон Абу Саиднинг 8,5x8,5 см ўлчамдаги тўрт бурчакли муҳр-тамғаси (нишони) босилган. Муҳр-тамғанинг ёзуви сулсда. Унинг гирдига бисмиллоҳ; калимаи тоиба; тўрт бурчагига тўрт саҳобанинг, остига эса Ҳасан ва Ҳусайн отлари ёзилган. Ўртадаги ёзуви: *As-sultānu-l-'azam val-хаqanu-l-akram muyisu-l-haqqi vaddīn Sultān Abu Sa'id Kōrāgān haladallahu mulkahu va sultānahu* («Буюк султон ва улуғ хоқон, ҳақ ва динни ривожлантирувчи Султон Абу Саид кўраган, Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини мангу қилсин»).

Битигнинг тарихий аҳамияти шундаки, у Темурийлар давлатининг зиддиятли даврини акс эттиради. Давлатнинг бурунги – Темурбег замонидаги сиёсий мавқеини тиклаш мақсадида Абу Саид катта юришлар олдида турар, бунинг учун ўз тарафдорлари билан келишиб олмоғи керак эди. Хат ана шу мақсадда йўлланган.

Хатнинг туркий тилда ва уйғур ёзувида эканлиги аҳамиятли. Бу, ўз навбатида, Темурийлар давлатида расмий-дипломатик ҳужжатлар туркий тилда, ўша замонда бутун «Чиғатой эллари» учун умумий бўлмиш ёзма адабий тилда олиб борилганлиги, уйғур хати эса расмий доираларда, давлат ишларида кенг амал қилганлигини тасдиқлайди.

ЛУҒАТЛАР ВА ГРАММАТИК АСАРЛАР

Филологик билимлар тарихида ўтмишда яратилган луғатлар ва грамматик асарлар ҳам муҳим ўринга эга. Андалуслик улуғ аллома, машҳур тилшунос Шарафиддин Абу Ҳайян туркий тилларга бағишланган китобида шундай ёзган эди:

«Ҳар бир тилни билиш уч нарсани ўзлаштириш билан ҳосил қилинади.

Биринчиси: ҳар бир сўз маъносини ўзлаштириб олиш. Бу қисм *луғатшунослик (илму-л-луға)* деб аталади.

Иккинчиси: сўзларнинг айрим-айрим ҳолдаги хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм *илму-л-сарф* деб юритилади.

Учинчиси: сўзнинг бир-бирига боғланишига доир хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм арабчада *илму-л-наҳв* дейилади» (АЗФТ, 9 – 10).

Аҳамиятли ери шундаки, ўтмишда яратилган изоҳли луғатлар ҳозиргилардан анча фарқ қилади. Луғатларда сўзларнинг берилиш кетмакетлиги ҳам бошқача. Улар ёлғиз сўзлик ва унинг изоҳидангина иборат эмас, луғатларда грамматик қоидалар аралаш берилади. Масалан, луғатнинг ҳар қайси бўлимидан сўнг унинг грамматик қоидаси келтирилади. Сўзларга изоҳ берилганда ўрни билан унинг талаффузи, семантик-стилистик хусусиятлари, морфологияси тўғрисидаги қайдлар билан ҳам таъминланади. Яна бир жиҳати, ўтмишда яратилган грамматик асарларнинг кўпида биринчи бўлими луғат бўлса, кейинги бўлимлар грамматик қоидалардан иборат.

Яна бир жиҳати, луғатчилар луғатда берилган сўзларнинг маъносини очиқлаш учун халқ оғзаки ижодидан, ўша замонда яшаб ижод этган классик шоирлар меросидан мисоллар келтирган. Ушбу мисоллар адабиёт тарихи учун ғоят аҳамиятлидир.

Шарқда, хусусан, туркологияда луғат тузиш анъанаси жуда қадим замонларга бориб тақалади. Исломдан аввалги даврлардан тилшуносликка бағишланган махсус асарлар, луғатлар тўлиғича етиб келган эмас. Шунга қарамай, қадимги туркий ёзувларда битилган грамматик асарлар ҳамда луғатларнинг узиндилари сақланиб қолган. Ушбу узиндилар ўша замонларда тилшунослик фани, хусусан, луғатчилик анъанаси юзга келганидан дарак беради. Масалан, қадимги Турфон харобаларидан буддизм даврида яратилган хитойча-туркий луғат парчаси топилган. Луғат ниҳоятда пароканда бўлиб, ҳозир ундан ўн бир варақ узинди қолган, холос. Борларининг ҳам тевараги титилиб, матннинг кўп ери узилиб тушган; жумлалари узуқ-юлуқ. Ушбу хитойча-туркий луғатнинг ёзилган даври ва тузувчиси номаълум. Ундаги сўзларга кўра, луғат IX юзйилликда буддизм муҳотида яратилган дейиш мумкин.

Туркология тарихида илк йирик, шу билан бирга, мукамал луғатни Маҳмуд Кошғарий яратди. Олим туркий тилларни ўрганишга араб тилшунослигининг тадқиқ усуллари қўлади, шу асосда туркшуносликда янги бир даврни бошлаб берди. Маҳмуд Кошғарийдан бошлаб туркий тиллар салкам тўққиз аср араб тилшунослиги методологияси асосида ўрганиб келинди.

Хоразмлик олим Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари ҳам луғатшунослик тарихида катта ўрин тутади. «Муқаддамату-л-адаб»нинг луғат бўлими кўп тиллидир. Унда бошлаб арабча сўз келтирилади, сўнг бошқа тилларда – форсча, туркий, мўғулча, баъзан қадимги хоразмий тилида унинг таржимаси, маъноси берилади. Шу маънода Замахшарий луғати араб тили тарихи учунгина эмас, эроншунослик, туркология, мўғулшунослик учун ҳам аҳамиятли.

Муҳими шундаки, XI – XV юзйилликларда туркий тилга бағишланган изоҳли луғатлар арабчада яратилган, кейинчалик луғатшуносликда маҳаллий тилларнинг ҳам мавқеи орта борди. XVI юзйилликдан то XIX юзйилликнинг охирларига қадар тузилган луғатлар форсча ёки туркий тиллардадир.

Айниқса, мамлуклар давлатида (1250 – 1517 йиллар) турк султонларининг ҳукмронлиги туфайли туркий тилга эътибор кучайди, арабларнинг туркий тилни ўрганиши учун луғатлар, грамматик асарлар ва қўлланмалар яратилди. Бу даврларда яшаб ижод этган Абу Ҳайён ва Ибн Муҳанна сингари машҳур тилшуносларнинг туркий тилга бағишланган китоблари шуҳрат қозонган. Яна ўша кезларда яратилган, тузувчилари номаълум бўлган луғатлар ва грамматик асарлар бор.

XV – XVI юзйилликлардан Алишер Навоий асарларини ўрганиш, уларда қўлланган маъносини англаш қийин сўзлар учун луғатлар яратила бошлади. Шулардан биринчиси «Бадойиу-л-луғат» деб аталади, луғат форс тилида. Унинг тузувчиси Толи Имоний Ҳиравийдир. Кейинчалик Хуросон, Мовароуннаҳр, Эрон, Ҳиндистон, Анатўли ҳудудларида ана шундай луғатлар яратилди.

Навоий асарлари тили бўйича яратилган илк чиғатойча-туркий луғат «Абушқа»дир, маъноси «қария» дегани. Ўзининг оти бундай эмас, луғатда биринчи келган сўзга қараб шундай атаб кетилган. Ниҳоятда яхши луғат, материали бой.

Кейинги юзйилликларда Ражаб ибн Муҳиб Али Шамлу, Фазлуллахон, Муҳаммад Ёқуб Чингий, Мирзо Меҳдихон, Фатҳ Алихон, Шайх Сулаймон Бухорий сингари олимлар ҳам эски ўзбек тили бўйича ажойиб луғатлар яратдилар. Улар орасида XVIII юзйилликда яшаб ўтган Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» луғати ва унга илова қилинган «Мабониу-л-луғат»

грамматикаси ажралиб туради, ушбу асарлар навоийшуносликдаги муҳим тадқиқотлардандир.

Хуллас, туркий ёзма адабиёт ва адабий тилининг такомилида шоирлар, тарихчилар, тилшунос ҳамда таржимонларнинг хизмати катта бўлди. Бахши ва котиблар эса матн саводхонлиги, ёзма адабий тил меъёрларини таъминлаб берганлар.

Хитойча-туркий луғат. Уйғур олими Курбон Валининг ёзишича (Qurban Vali 1986, 10 – 16), қадимги Турфон харобаларидан буддизм даврида яратилган хитойча-туркий луғат парчаси топилган. Луғат ниҳоятда пароканда бўлиб, ҳозир ундан ўн бир варақ узинди қолган, холос. Борларининг ҳам тевараги титилиб, матннинг қўп ери узилиб тушган; жумлалари ҳам узук-юлуқ. Ушбу луғат узиндилари Урумчидаги Синжон музейида сақланмоқда (1326-сонли қўлёзма).

Хитойча-туркий луғатнинг ёзилган даври аниқ эмас. Муҳими шундаки, луғат узиндилари билан бирга тибетча асар ҳам топилган. Ўшанга таяниб хитойча-туркий луғатни ҳам IX юзйилликда яратилган дейиш мумкин. Луғатда берилган сўзлар эса унинг буддизм муҳитида яратилганидан далолат беради.

Матн уйғур ҳарфлари билан қора сиёҳда битилган. Қатор ораларида хитойча сўзлари бор. Хитойча сўз билан ёнидаги туркий сўзнинг маъноси уйғун келади. Масалан, уйғур хатида *fa* ёзилиб, ёнида хитойча шакли берилган. Хитойчадан кейин *nam* сўзи ёзилган. Бу ўринда *fa* хитойча будда атамаси бўлиб, у санскритчада *dharma* дейилади. Маъноси «ақида» дегани. Хитойчанинг кетидаги *nam* эса санскритчадан ўзлашган бўлиб, «салом бериш; таъзим қилиш; ҳурмат билдириш» маъноларида келади.

Ёки: *fu* – хитойчада будда илоҳининг оти. Бу сўз санскритча *budha* (маъноси «оқил; авлиё») сўзининг хитойча кўринишидир. Хитойлар уни дастлаб *futu* деб аташган, кейинчалик у қисқариб кетган. Туркийда бу сўз *tāŋri* ни билдиради, хитойча асарларни таржима қилганда эса бу атама *fu tāŋri* деб ҳам ишлатилган.

Ёки луғатда *tapīu* сўзи ҳам берилади, бу «ибодат; сиғиниш» маъноси ни билдиради. Шунингдек, луғатда ёрдамчи сўз туркумлари ҳам келтирилган.

Маълумки, қадимда будда асарлари туркийга санскрит, тохар, хитой тилларидан таржима қилинган. Хитойчадан ўгирилган асарлар Турфон, Қумул ерларидан топилган. Буддизм даврида хитой тилига эътибор юқори эди. Турклар хитой тилидан будда асарларини таржима қилиш учун хитой тили грамматикасини чуқур ўрганган, хитойча луғатлар тузишга эътибор қаратганлар. Ушбу луғат ҳам ана шу мақсадда яратилган дейилса тўғри бўлади.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари. Ушбу асар туркий тилшуносликнинг бизга маълум бўлган илк йирик, шу билан бирга, тенги йўқ улуғ ёдгорлигидир (ДЛТ *га қаранг*). Ўз замонида асар арабларга, қолаверса, араб тили орқали Шарқу Ғарб халқларига қадимги туркларнинг тили, маданияти, тарихи тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи қомусий китоб сифатида яратилган.

Асар арабчада «*Dīvānu luḡāti-t-tūrki*» деб аталган. Ушбу атамада: *dīvān* – «девон»; бу ўринда «сўзларнинг муайян изчилликдаги тўплами» тушунилади; *luḡāt* «сўзлар» дегани; унинг изоҳловчиси бўлмиш *tūrki* «турк» маъносида бўлиб, ўша замондаги туркий тилни билдиради. «*Dīvānu luḡāti-t-tūrki*»нинг сўзма-сўз таржимаси «Туркча сўзлар девони» бўлади.

Маҳмуд Кошғарий асарнинг кириш қисмида ўзининг бошқа бир асари – «*Javāhiru-n-naḥvi fi luḡāti-t-tūrki*» («Турк тилларининг наҳвига оид гавҳарлар») тўғрисида сўз юритади (МК.9б). Лекин бу асари кунимизга сақланган эмас.

«Девону луғати-т-турк» асарининг биттагина қўлёзмаси маълум, у ҳам бўлса илкин эмас, кейинги даврга тегишли. Уни Муҳаммад бин-Абу Бакр Дамашқий отли котиб Шомда ҳижрий 664 йил, шаввал ойининг йигирма еттинчи куни (милодий 1266 йил августининг биринчисида), ўзи ёзишига қараганда, Маҳмуд Кошғарий ўз қўли билан ёзган қўлёзмадан кўчириб тугаллаган. Ушбу нодир қўлёзма ҳозир Истанбулдаги Миллат кутубхонасида (Millet Genel Kütüphanesi. Kayıt No. Ar. 4189) сақланмоқда.

Қўлёзма 320 варақли; 639 саҳифадан иборат (МК *га қаранг*). Ҳар бетига ўн етти қатордан қилиб матн битилган. Хати чиройли, настаълиқда. Айтарли бутун бошли матн қорада, орадаги боб ва фаслларнинг сарлавҳаси, бошланишда туркий мисоллар, шунингдек, сарлавҳа қилиб берилган ҳарфлар қизилда. Баъзи сарлавҳалар куюқ қорада ажратиб ёзилган. Матн бўйлаб туркий мисоллар қорада ёзилиб, устига қизил чизиқ тортиб қўйилибди. Мисол-тўртликларнинг қаторлари доирачалар билан ажратилган.

Муҳими, асарга Ер куррасининг харитаси ҳам киритилган бўлиб, ундаги тоғлар, чўллар, сувлик ва паст текисликлар, шаҳарлар қизил, сариқ, тўқ кўк рангларда ажратиб берилган.

Тўғри ўқилишини таъминлаш учун туркий мисолларга қўйиб кетилган ҳаракатлар изчил.

Варақларнинг тугашига пойгир белгилари қўйилмаган.

Қўлёзмада асар бошланишига йирик ҳарфлар билан «*Kitābu dīvāni luḡāti-t-turki*» [яъни «Туркча сўзлар девони китоби»] деб сарлавҳа қўйилган (МК.1а). Ўрта асрлар туркий китобатчилигида йирик асарларни *kitāb* [яъни «асар; китоб»] сарлавҳаси билан бошлаш русум бўлган.

Афтидан, котиб туркий китобатчилик анъанасини яхши билган ва ўзи кўчирган нусхани ана шундай бошлаган.

Сарлавҳадан кейин кичик ҳарфларда асар муаллифи қайд этилади: *Ta'lif: Maḥmūd bin-al-Ḥusayn bin-Muḥammad al-Kāsharī raḥimahu-l-lahu* [яъни «Тузувчи: Маҳмуд бин-ал-Ҳусайн бин-Муҳаммад ал-Кошғарий (Оллоҳ у кишини Ўз раҳматига олсин)»] (МК.1а).

Шундан сўнг котибнинг қисқача сўзбошиси берилган. Сўзбошидан кейин басмала билан асар муқаддимасига кўчилади.

«Девону луғати-т-турк» асари эски туркий тилнинг, туркий луғатчиликнинг тенги йўқ ёдгорлигидир. Ушбу асари билан олим туркий лексикография илмининг тамал тошини кўйиш билан бирга ушбу соҳани юқори босқичга олиб чиқди. Қолаверса, Маҳмуд Кошғарий туркий тилшунослик ривожигагина эмас, Шарқ тилшунослиги, хусусан, луғатшунослигига ҳам катта ҳисса қўшган олимлардан.

Асар туркий тилшуносликнинг йирик грамматикаси, шу билан бирга, қомусий характердаги ёдгорлиги ҳамдир. Асарда туркий тиллар илк бор араб тилшунослиги методологияси доирасида баён қилинган. Асарнинг илмий қиймати, муаллифнинг ютуқлари шуларнинг ўзи билан чекланмайди. Таъкидламоқ керак, олим туркий сўзларнинг тузилиши, тилнинг ўзига хосликларини инobatга олиб луғат тузишнинг ўзига яраша янги бир усулини ишлаб чиқди. Шу билан у луғатчиликда катта кашфиёт қилди. Ютуқларидан яна бири – асарда эски туркий тилларнинг луғат бойлиги этнолингвистик, лингвокультурологик, қиёсий-типологик йўналишларда тадқиқ этилган.

Маҳмуд Кошғарий туркий фонологиянинг ўткир билимдони, ўз даврининг буюк фонетистларидан эди. У араб хатини туркий тилга биринчилардан бўлиб татбиқ этган, араб хати асосидаги туркий ёзувнинг имло қоидаларини ишлаб чиққан, унинг илмий асосларини баён этган олим. Маҳмуд Кошғарий томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган ёзув принциплари асрлар оша то XX юзйилликнинг бошларига қадар айтарли ўзгаришсиз давом этди. Туркий тиллар тарихида тўққиз асрдан ортиқроқ давр мобайнида яратилган араб ёзувли матнчилик амалиёти ана шу анъанага таянади.

Қадимги халқ мақоллари, халқ дostonлари ва қўшиқларидан олинган парчалар, иборалар, қўплаб мисоллар, шунингдек, шева материаллари асар учун манба бўлиб хизмат қилган. Ишда сўз маъносини очиқлаш мақсадида тарихий ва этнографик маълумотлар, сўз билан боғлиқ ривоятлар ҳам келтирилади. Келтирилган мисоллар ниҳоятда бой ва турли-туман; халқ ижодидан сайлаб олинган. У сўзларни ўрни билан фонетик, морфологик, стилистик, баъзан этимологик жиҳатдан ҳам таҳ-

лил этилган. Бу хусусиятларига кўра ўтмишда яратилган луғатлар орасида туркшуносликдагина эмас, бутун шарқ лексикографиясида унга тенглашадигани топилмайди.

Луғатга асос қилиб ёзма-адабий тилда қўлланувчи сўзлар олинган. Диалектал лексика эса ана шу луғат қатлами теварагида, унга чоғиштириб борилади. Шунга кўра, асар эски туркий ёзма адабий тилинигина эмас, эски туркий диалектларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, Маҳмуд Кошғарий туркий тилларни илмий таснифлаган, эски турк шеваларини ўрганиб, туркий тилнинг йирик, фундаментал илмий грамматикасини яратган биринчи олимдир.

«Девону луғати-т-турк» китоби икки – муқаддима ва луғат қисмларидан тузилган. Муқаддимада китобнинг яратилиш сабаби, ўша замонда турклар ишлатган ёзув, от ясалиши, отлар ва феъллардаги орттирмалар, луғатнинг тузилиш принциплари, туркий қавмларнинг баёни, ерлашув ўрни, туркий тилнинг хусусиятлари, лаҳжалардаги фарқлар тўғрисида сўз юритилади.

Луғат қисми саккиз бўлимдан иборат. Бўлимларнинг ҳар қайсиси *kitāb* деб аталган (ДЛТ, 15):

Биринчиси, *كِتَابُ الْهَمْزِ Kitābu-l-hamzi* [яъни *hamza (alif)* билан бошланадиган сўзлар китоби]. Оллоҳ таолонинг Китоби (*كِتَابِ اللَّهِ تَعَالَى Kitābu-l-lahi taā'la*)га таянган ҳолда [яъни унда *alif* ҳарфи бош ўринда тургани боис] уни [*alif* ни] бош ўринга қўйдик (аллоҳ сўзининг ҳамда Қуръони каримдаги Фотиҳа сурасининг *alif* билан бошланишига ишора этилмакда).

Иккинчиси, *كِتَابُ السَّلَامِ Kitābu-s-sālimi* [яъни таркибида *sālim (alif, vāv, yā* ҳарфлари бўлмаган сўзлар) китоби].

Учинчиси, *كِتَابُ الْمُضَافِ Kitābu-l-muḍā'fi* [яъни икки ундоши бир хил бўлган сўзлар китоби].

Тўртинчиси, *كِتَابُ الْمِثَالِ Kitābu-l-misāli* [яъни *vāv* ёки *yā* билан бошланган сўзлар китоби].

Бешинчиси, *كِتَابُ ذَوَاتِ الثَّلَاثَةِ Kitābu-ḍ-ḍavāti-s-salāsati* [яъни қисқа унли сифатида ўқиладиган *alif, vāv, yā* ҳарфлари бор бўлган сўзлар китоби].

Олтинчиси, *كِتَابُ ذَوَاتِ الْأَرْبَعَةِ Kitābu-ḍ-ḍavāti-l-arba'ti* [яъни *alif, vāv, yā* ҳарфлари қисқа унли сифатида ёки [*v*], [*y*] деб ўқиладиган сўзлар китоби].

Еттинчиси, *كِتَابُ الْيُنْنَةِ Kitābu-l-yunnati* [яъни *yunna* лилар (таркибида бурун (думоғ) товушлари келган сўзлар) китоби].

Саккизинчиси, *كِتَابُ الْجَمْعِ بَيْنَ السَّاكِنِينَ Kitābu-l-jam' bayna-s-sakinayni* [яъни ёнма-ён келган ҳаракатсиз икки ундошли сўзлар китоби].

Ҳар бир боб исм ва феъллардан иборат икки қисмга ажратилган. Отлар олдин, феъллар эса кейин ўз сирасига қараб бобларга ажратилиб, олдинма-кетин берилади.

Сўзларнинг берилиш кетма-кетлиги ҳам араб луғатчилиги ишлаб чиққан принципларга таянади: олдин икки ҳарфлилар, сўнг уч, тўрт, беш, сўнг олти ҳарфли сўзлар келади.

Ўртаси сукунли ва ўртаси ҳаракатли сўзлар ҳам ажратиб берилади.

Олдига ҳамза ва шунга ўхшаш ҳарфлар орттирилган сўзлар; кейин биринчи ва иккинчи ҳарфлари орасига ҳарф орттирилган сўзлар; сўнг учинчи ҳарфидан кейин ҳарф орттирилган сўзлар берилади.

Бундан ташқари, бу сўзларнинг бош ва охириги товушлари кўзда тутилади. Қоидага кўра, луғат кейинги ҳарфи *bā* ли сўзлардан бошланади (*ā*r (таъкид ва кучайтирув юкласи), *ab* («йўқ, эмас») сингари), сўнг бошқа ҳарфли сўзларга кўчилади (*at, et, ot* («ўт, ўлан»), *ūč, er* сингари).

Яна ҳар бир бўлимдан сўнг ўша бўлимнинг грамматик қоидаси келтирилади.

Муаллиф тушунилиши осон бўлиши учун муаллиф арабча истилоҳ (термин)ларни қўллаган.

Луғатга ўша замондаги туркий тилнинг деярли барча соҳаларига тегишли соф туркий сўзлар жамланган (айтганча, китобнинг кириш қисмида унга асл туркий сўзлар жамланганини муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлайди). Китобда истеъмолдан чиққан сўзлар берилмаган, фақат истеъмолдаги сўзларгина берилган. Луғатда сўзларнинг берилиши ўзига хос: аввал туркий сўз, сўнг унинг арабча таржимаси келтирилади. Изоҳланганда эса унинг фонетик вариантлари, шева сўзи бўлса, қандай шевада учраши қайд этилади.

Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги диалектларнинг лексик хусусиятларини ҳам тўлиқ кўрсатиб берган. Муаллиф сўзларни изоҳлар экан, ўрни билан уларнинг қайси бир диалектга мансуб эканлиги, диалектлардаги ўзига хос маъно хусусиятлари ва бошқа муҳим томонлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Бу эса ана шу сўзнинг диалектал характерини очиб беради.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари. «Муқаддамату-л-адаб» («Адаб муқаддимаси») – араб тили лексикологияси ва грамматикасига бағишланган асар. Китобга бундай деб от қўйилувининг сабаби, ўтмишда тил билими, тил қоидаларини пухта эгаллаш, сўзни билиб ишлатиш, сўзга чечанлик балоғат даражасини, адабни, эстетикани белгилаган. Шуларга таянган ҳолда ушбу асарда баён этилган қоидалар адабнинг бошланиши, асослари эканига ишора этилади.

Китоб муқаддима, исмлар бўлими, феъллар, ҳарфлар (ёрдамчи сўзлар), исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши бўлимларидан тузилган. Шулардан исмлар ва феъллар қисми луғат бўлиб, қолган бўлимлар грамматикага оид. Асарнинг ҳар қайси бўлими тугал бир асар шаклида. Муҳими шундаки, асарнинг мавжуд қўлёзма нусхаларида бу

бўлимларнинг жами берилган эмас. Баъзан унинг араб тили грамматикасига бағишланган бўлимлари асардан ажратиб олиниб, мустақил китоб шаклига келтирилган. Уларнинг айримлари грамматика тўпламлари таркибида. Шу зайл ушбу бўлимлар алоҳида грамматик асар сифатида хизмат қилган.

Яна бир белгиси, мавжуд қўлёзма нусхаларда луғат бўлимлари ҳам тўлиқ берилмаган. Айрим қўлёзмаларда ё феъллар, ё исмлар бўлими йўқ.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг луғат бўлими (яъни исмлар ва феъллар қисми) кўп тиллидир. Луғат араб бўлмаган халқларга (форслар, туркий халқлар, мўғуллар ҳамда қадимги хоразмча сўзловчиларга) араб тилини ўргатиш учун мўлжалланган. Унга мўғулчанинг киритилишига сабаб кейинчалик – XIII асрга келиб мўғуллар орасида ҳам мусулмонликни қабул қилганлари бор эди, улар ҳам ҳисобга олинган. Луғатда аввал арабча сўз келтирилади, сўнг бошқа тилларда – форсча, туркий, мўғулча, баъзан қадимги хоразмий тилида унинг таржимаси берилади. Демак, луғатдаги арабча сўзлик арабшунослик учун, форсча ва қадимий хоразмча сўзликлар эроншунослик, туркий сўзлик туркшунослик, мўғулча сўзлик эса мўғулшунослик учун аҳамиятга эга. Агар турли тиллардаги сўзлар чоғиштира-типологик аспектда ўрганилса, чоғиштира тилшунослик учун ўта аҳамиятли иш бўлади.

Муҳими, асарнинг мавжуд қўлёзмаларида сўзликларнинг берилиш тартиби турлича: асар нусхалари икки тилли (арабча – форсча, арабча – туркий, арабча – хоразмий), уч тилли (арабча – форсча – туркий), тўрт тилли (арабча – форсча – туркий-мўғулча) вариантларда тарқалган.

Асарнинг луғат бўлими киритилган қўлёзмалари ҳозирги чоғда Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Доғистон, Англия, Франция, Италия, Туркия, Эрон, Ҳиндистондаги йирик қўлёзма фондларида сақланмоқда (қаранг: Исломов 1998, 12 – 21). Лекин буларнинг барида ҳам туркий сўзлик учрайвермайди.

Муҳими, «Муқаддамату-л-адаб»нинг қадимги хоразмий тилидаги сўзлик киритилган нусхалари ҳам бор. Шулардан бири фанда Қўния нусхаси деб юритилади. У Юсуф оға кутубхонасида 5010 рақами билан сақланмоқда. Қўлёзмада асарнинг бўлимлари тўлиқ. Луғат икки тилли: арабча сўзлар хоразм тилидаги таржимаси билан келтирилган (хоразмча матн ҳам араб ёзувида). Қўлёзманинг китобат санаси номаълум; чамаси, XII асрда кўчирилган.

Яна бири Англиянинг Британия музейида сақланаётган 7429-сонли қўлёзмадир. У 1353 йили кўчирилган. Қўлёзмада фақат феъллар бўлими бор. Луғат асосан арабча – форсча – туркийда бўлиб, ора-сира хоразмча сўзлик ҳам киритилган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг вариантлари кўп. Шу ўринда асарнинг луғат бўлими (исмлар ва феъллар) илк вариантда қандай кўринишда эди деган сўроқ туғилуви табиий. Олимлар, муаллиф асарнинг луғат бўлимини икки тилда (арабча – форсча) тузган; туркий ва мўғулчасини котиблар кейинчалик унга қўшганлар деб биладилар. Бизнингча, бу фикр тўғри эмас. Буни рад этувчи далиллар ҳам бор. Чунки туркий сўзлик киритилган вариантларининг айримлари жуда эски. Яна бир жиҳати, асарнинг нодир нусхаларида келтирилган туркий сўзлик анча қадимий ёзув ва тил хусусиятларини акс эттиради. Ушбу нусхаларни кўчириш чоғида туркий сўзликка алоҳида эътибор қаратилган: баъзи қўлёзмалардаги туркий сўзлик қизилда. Жумладан, Анқарадаги Турк тили қуруми кутубхонасида асарнинг 1469 йили Константинополда кўчирилган нусхаси сақланмоқда (А.187-сонли қўлёзма). У уч тиллидир: арабча – форсча – туркий. Муҳими, ундаги барча арабча сўзлар остида туркий таржимаси берилган, форсий сўзлик эса мунтазам эмас.

Мавжуд нусхаларнинг бундай белгилари қуйидаги хулосага олиб келади: чамаси, муаллиф мазкур асарини икки қайта ёзган, аниқроғи, бир ёзиб, кейин тўлдириш киритган. Асарни беш бўлимдан иборат шаклда тузган. Бу илк вариантнинг луғат қисми, чамаси, икки тилли эди: арабча сўзлар хоразмча таржимаси билан келтирилган. Бунинг билан маҳаллий муҳит талаби кўзда тутилган. Кейинчалик Хоразм давлатининг сиёсий-ижтимоий талабидан келиб чиққан ҳолда муаллиф асарнинг луғат бўлимини қайта ишлаб, такомиллаштирган: уни кўп тилли луғатга айлантирган. Муаллиф томонидан қайта ишланган ана шу вариантда туркий сўзлик ҳам бор эди. Таъкидлаш ўринлики, кейинги вариантларга хоразмча сўзлик киритилганлиги даргумон. Сабоби, XIII асрдан кейин хоразм тили аста-секин истеъмолдан чиқиб, ўлик тилга айлана бошлаган эди.

Кейинги асрларда вужудга келган вариантлар муаллифнинг ўша биринчи ёки кейинги – кўп тилли вариантга асосланган кўринади. Асарнинг арабча – хоразмча луғат берилган Кўния нусхаси илк вариантга асосланган бўлса эҳтимол. Лекин асарнинг фанда маълум бўлган бошқа нусхалари иккинчи – кўп тилли нусхадан урчиган дейиш мумкин. Кейинги юзйилликларда асар кўчириляётган юртнинг маданий, ижтимоий-сиёсий талаблари, ерли халқлар эҳтиёжидан келиб чиқиб унинг янги-янги вариантлари юзага кела бошлаган. Туркий муҳитда кўчирилган нусхаларида туркий сўзлик сақланган, форсийзабон муҳит учун аталганларида эса туркийси тушириб қолдирилган.

Асардаги мўғулча сўзликка келсак, унинг кейинчалик – Мўғуллар салтанати даврида киритилгани аниқ.

Британия музейида ўрни билан орада юнонча таржимаси берилган нухаси ҳам бор. Бу эса асарнинг Европа мамлакатларида тарқалиши ва ўрганилиши билан боғлиқ ҳодисадир. Ўша ўлкаларда яшовчи олимларнинг талабидан келиб чиқиб ундаги луғат юнончада ҳам изоҳланган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг исмлар қисми 18 боб 78 фаслга бўлинади. Унда замон, само, ер билан боғлиқ сўзлар, маъданлар, ўсимликлар, деҳқончилик, боғдорчилик, тураржой, дин, ҳунармандчилик, тиббиёт, савдо-сотик, меҳмондорчилик, кийим-кечаклар, уй буюмлари, ўлчов бирликлари, ёввойи ва уй ҳайвонлари, қурол-яроғлар лексикаси берилган. Шунингдек, олмошлар ҳам айна бўлимга киритилган.

Феъллар қисми луғатнинг катта бўлидир. Унда феъллар араб тил-шунослигининг қонун-қоидалари бўйича жойлаштирилган бўлиб, уч ўзакли, тўрт ўзакли феълларнинг барча кўринишлари берилган. Унда жами 6934 та феъл, 1716 та масдар ҳамда сифатдош жамланган (Исломов 1998, 10).

Луғатда туркий сўзликнинг берилиш тартиби арабча сўзликка таянади. Шунинг учун иборалар берилганда уларнинг тузилиши тескари шаклни олади.

Энди сўзликнинг арабий ва туркий кўринишини қуйидаги бир-икки мисолда кўриб чиқамиз (мисоллар асарнинг ЎЗР ФА Адабиёт музейида (илгариги Қўлёзмалар институти фондида) сақланаётган тўрт тилли қўлёзмасидан олинди):

Арабчаси	Туркийси	Ҳозирги маъноси
اجبره علي كذا	<i>küç birlä berdi anqa ul işni</i>	унга ишни куч билан берди
احدث السفينة	<i>quyî bardî kemä</i>	кема қуйи борди
احضر الشيء	<i>keltürdi anqa nimäni</i>	унга нарсани келтирди
احضر الفرس	<i>yaxşî yügürdi at</i>	от яхши югурди
فرحة	<i>sewindürdi anî</i>	уни севинтирди
ابدا الامر	<i>başladî işni</i>	ишни бошлади
ابطاني الامر	<i>keçikdi işdä</i>	ишда кечикди
اخطأ الطريق	<i>azdî yolnî</i>	йўлни адашди
تضاربوا	<i>uruştılar</i>	урушдилар
القرمه	<i>mulâzamat qıldî</i>	мулозамат қилди
انتقم منه	<i>öçni aldi andin</i>	ундан ўч олди

«Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий». Мамлуклар давлатида (1250 – 1517) турк султонларининг юртга эгалиги туфайли туркий тилга эътибор катта эди. Бу кезларда арабларнинг

туркий тилни ўрганиши учун грамматик асарлар ва луғатлар, турли қўлланмалар яратилган. Арабларга туркий тилни (қипчоқ тилини) ўргатиш учун ёзилган асарлардан бири «Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий»дир (қисқа қилиб «Таржумон» деб ҳам атайдилар). Асарнинг муаллифи аниқ эмас. Китоб Мисрда ёки Сурияда яратилган дея тахмин қилинади.

Фанда «Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий»нинг битта қўлёзмаси маълум. Халил бин Муҳаммад бин Юсуф ал-Қўнавий ҳижрий 643 (милодий 1245) йили кўчирган ушбу қўлёзма кунимизда Голландиянинг Лейден академияси кутубхонасида (Leiden, Warner №517) сақланмоқда.

Китоб туркий ва мўғул тилларига бағишланган бўлимлардан тузилган. Унинг иккинчи бўлими мўғулча – форсча ва арабча – мўғулча сўзликдир. Китобга мўғулча – форсча сўзликнинг киритилганлиги бежиз эмас. Хулагулар даврида Эронда мўғул тилини ўрганишга зарурат туғилган кўринади, шундан келиб чиқиб луғатга мўғулча сўзлик ҳам киритилган. Китобнинг ушбу бўлагини Н.Поппе ўрганиб, луғатини тузган. Туркшунослик учун аҳамиятлиси китобнинг туркий тилга бағишланган бўлагидир.

Асарнинг туркий тилга бағишланган бўлими кириш ва тўрт қисмдан иборат (*илмий нашрларига қаранг*: Таржумон; КТТ). Кириш қисмида ҳамдала, китобнинг ёзилиш сабаби ва туркий тилнинг фонетик ўзгачаликлари тўғрисида сўз боради.

Муаллиф асарнинг кириш қисмида туркий тилнинг товуш ўзгачаликлари тўғрисида сўз юрита туриб: «Билгилки, асл туркий-қипчоқ тили саккизта ҳарфдан холидир. Улар: ه, ف, ع, ظ, ض, خ, ح, ث. Агар бирор сўз шу ҳарфлардан қай бирини ўз ичига олганини пайқасанг, билгинки, у асл туркий бўлмай, бошқа тилдан олинган сўз бўлади. Мен асл туркий тил билан туркман тили орасидаги фарқни ва ҳозир халқ орасида форс ва бошқа тиллардан олинган сўзларни белгиладим», – деб ёзади (Таржумон, 29).

Биринчи қисм арабча – туркий сўзлик, қолган қисмлар туркий тилнинг грамматик қоидаларига бағишланади.

Асар араб грамматик анъанаси бўйича тузилган: фаслларда арабча сўз ва унга туркий эквивалент берилади. Фақат йигирма иккинчи фаслда олдин туркий сўз, ундан кейин унинг арабча изоҳи келтирилган. Туркий сўзларни тўғри ўқиш учун диакритик белгилар кенг ишлатилган.

Биринчи қисмда сўзлар маъноларига кўра 26 бўлимга (фаслга) бўлиб чиқилган.

Луғатда асосан туркий сўзлар берилган. Ора-чора ўзлашган сўзлар ҳам аралашган.

Яна бир жиҳати, луғат қисмида атоқли отлар алоҳида гуруҳга ажратиб берилган. Масалан, йигирма иккинчи фаслда мамлуклар (қуллар), чўрилар ва бошқа табақа кишиларга қўйиладиган отларнинг маъноси келтирилган.

«Аттуҳфату-з-закийату филлуғати-т-туркийя» («Туркий тиллар ҳақида ноёб туҳфа») асарининг муаллифи номаълум. Асар Мисрда яратилган дея чамаланади. Унинг битта қўлёзмаси маълум. Қўлёзма ҳозир Истанбулда Валидуддин афанди кутубхонасида сақланмоқда (АЗФТ *га қаранг*).

Китоб «қипчоқ тили» грамматикасига бағишланган. Бу тўғрида: «Мен бу асарда қипчоқ тилига асосландим. Чунки энг кўп қўлланадиган тил қипчоқ тилидир. Туркман тилини бу ишда баён қилмадим. Фақат жуда зарурат бўлгандагина кўрсатдим», – деб ёзади унинг муаллифи кириш бўлимида (АЗФТ, 8).

Асар уч бўлимдан иборат: кириш, арабча-туркий сўзлик, грамматик қоидалар бўлими. Кириш қисмида китобнинг ёзилиш сабаби, унда туркий тилнинг қай лаҳжасига асосланилгани баён этилади. Сўнг туркий алифбо ва имло қоидалари хусусида маълумот берилади.

Сўзлик бўлимида аввал арабча сўзлар, кейин эса унинг туркий таржимаси берилади. Шунинг учун фаслларнинг тузилишида сўзнинг араб тилидаги шакли инobatга олинган. Масалан, илк ҳамзали сўзлар бўлимида араб тилида ҳамза билан бошланувчи сўзлар назарда тутилган. Бу принципнинг туркий сўзликка кўпда зиёни йўқ. Сабаби, ҳамзали сўзларга тегишли қолган бўлимлар тематик гуруҳга кўра туркумлаштирилган: отларнинг ранглари, от асбоблари, ер ва унга боғлиқ нарсалар, ейиладиганлар, томонлар, ўтган замон феъллари. Сўнг ҳарфи билан бошланувчи отлар, ортида феъллар; кейин <t> ҳарфи билан бошланувчи отлар, ортида феъллар, шу тартибда давом этиб охирида <k> ҳарфи билан бошланувчи отлар келади.

Асарнинг луғат бўлимидан олинган қуйидаги намуналарга эътибор беринг:

Арабчаси	Туркийси	Ҳозирги маъноси
اخ	<i>qardaš</i>	қариндош
اخت	<i>qiz qardaš</i>	сингил
ارمله	<i>tul</i>	тул, бева
اسود	<i>qara</i>	қора
احمر	<i>qizil</i>	қизил

اصفر	<i>sari</i>	сарик
اخضر	<i>yašil</i>	яшил
الابيض و الاشهب	<i>böz</i>	бўз (ранг)
ارض	<i>yer</i>	ер
اسد	<i>arslan</i>	арслон
ارنب	<i>tawšan va quyan</i>	қуён
ادام	<i>qatiq</i>	қатиқ
باغ	<i>sattī</i>	сотди
بارك	<i>qutladi</i>	қутлади
بَدَد	<i>tügdi</i>	туйди, янчди
بكي	<i>yīyladi</i>	йиғлади
«بيده	<i>xatun</i>	хотин
سلطان	<i>qan</i>	хон

Алишер Навоийнинг «Муҳокамату-л-луғатайн» асари. Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн» асарини ҳижрий 905 (милодий 1499) йилда ёзди (*асар тўғрисида қаранг: Содиқов 2011*).

Асар икки тил – туркий ва форсийнинг ўзаро қиёсига бағишланган. Навоий туркий улусни *türk, türklär, türk eli, türk ulusī; atrāk*, туркий тил (эски ўзбек тили)ни эса *türk tili, türk lafzi, türk alfāzi, türk 'ibāratī; türkcā; türki, türki alfāz* деб атайди. Форсий улусни *sart, sartlar, sart ulusī, sart eli*, тилини эса *fārsī, fārsī til, fārsī alfāz* ёки *sart tili, sart lafzi, sart 'ibāratī* деб атайди.

Муҳими, «Муҳокамату-л-луғатайн» икки тилни шунчаки чоғиштириш учунгина ёзилган эмас. Унда икки тоифа тилининг бир-бирида қайтарилмайдиган қирралари ўзаро чоғиштирилиб, хос хусусиятлари илмий асосда ёритиб берилган. Навоийнинг ушбу асарни ёзишдан кўзлаган бош мақсади туркийнинг бадий адабиётда имкониятлари ниҳоятда чексиз экани, луғат бойлигини ёритиб бериш ва шу асосда ёш ижодкорлар эътиборини унга қаратиш эди. Навоийнинг айтмоқчи бўлгани, айрим туркий тилли шоирларнинг она тилида эмас, кўпроқ форсийда ижод қилишни маъқул кўрганлигининг сабаби туркийнинг бой ва чексиз имкониятларини билмагани, ундан фойдалана олмасликларидир.

«Муҳокамату-л-луғатайн» Навоийнинг тилшуносликдаги улуғ кашфиётидир. Асар тилшуносликда янги-янги соҳаларни, тилни ўрганиш-

нинг янги йўл ва усулларини очиб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Навоий ушбу асари билан шарқ тилшунослигидагина эмас, дунё тилшунослигида биринчи бўлиб типология соҳасини, тилларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини бошлаб берди. Тўғри, бундан бурун яратилган айрим луғатлар, грамматик асарларда тилдаги бирор ҳодисани очиб бериш учун ўрни билан муайян тилга чоғиштириб кетилган жойлари ҳам бор. Лекин улар турли тилларни чоғиштирма ўрганишга бағишланмаган эди. Навоий ўз асарида тилшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдирди. У турли оилага кирувчи икки тил – туркий ва форсийни ўзаро чоғиштириб, типологиянинг лексик-семантик, фонологик, морфологик аспектларини ишлаб чиқди. Асар бошдан-охир типологияга, тилларни чоғиштириш йўриғига, метод ва усулларига таянади. Навоий икки тилни ўзаро чоғиштирар экан, тил бирликларининг стилистик жиҳатларига, унинг матндаги ўрни, тингловчига таъсири, матн лингво-поэтикаси масалаларига кенг тўхталади. Шу йўл билан у икки тилнинг лексик-стилистик, фоно-стилистик, морфо-стилистик жиҳатларини, қолаверса, ушбу тилларнинг лингво-культурологик белгиларини ёритиб берди.

Навоий икки тилни ўзаро чоғиштиришда уларнинг таянч нуқталарини топа олган. Улар тасодифий эмас, тилнинг бадий имкониятлари кенглиги ҳамда бойлигини илмий асосда очиб берувчи белгиларидир. Жумладан, фонетикада туркийнинг бошқа тилларда, хусусан, форсчада учрамайдиган ўзига яраша товушлари, семантикада нозик маъноли ҳаракат-ҳолатларни билдирувчи феъллар ва уларнинг мазмунга таъсири, синонимларнинг бадииятдаги ўрни, стилистик хусусиятлари, сўзларнинг кўпмаънолилиги, шунингдек, туркий атамалар тизимининг ўта бойлиги сингари муҳим лингвистик белгиларига эътибор қаратади. Навоийнинг тилшунослик тарихидаги хизматлари ниҳоятда улуғ.

Навоий ўз асарини *risāla* деб атайдди. Фан тарихида илмий асарлар шу ном билан юритилган. «Муҳокамату-л-луғатайн» – тилшунослик асари. У кенг омма тушуниши учун ўнғай бир кўринишда ёзилган эмас. Матн услуби ниҳоятда мураккаб ва оғир, илм аҳлининг тил бобидаги теран билимига таянган ҳолда замонасининг етук ўқимишли кишилари, шоиру адиблар учун мўлжаллаб ёзилган рисоладир. Шунга қарамай, асарда муаллиф ўз илмий қарашларини аниқ ва лўнда тил билан баён этади, матн услуби ўта кўтаринки. Илмий услубда ёзилаётган ҳозирги рисолаларимиздан фарқ қилади. Бу жиҳатдан ўтмишда яратилган тарих китобларининг услубига ўхшаб кетади. Жумлалар бадий услубда, муаллиф матн тузишда турли бадий воситалардан кенг фойдаланган. Шу белгиларини кўзда тутиб «Муҳокамату-л-луғатайн»ни фақат илмий эмас, бадий асар сифатида ҳам ўрганса бўлади.

Навоий араб тилшунослиги, хусусан, араб лексикографияси соҳасида ҳам катта ютуққа эришди. Бу йўналишда у «Сабъат абхур» («Етти денгиз») изоҳли луғатини тузди. Луғатда классик араб тилидаги сўзлар араб тилида изоҳланади (қаранг: Ҳасанов 1981).

Муҳаммад Шайбонийнинг туркий тил грамматикасига бағишланган асари. Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музақкири аҳбоб» тазкирасида Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида маълумот бера туриб ёзади: «Дейдиларки, хон Ҳазора қалъаси фатҳига отланганда бир ғазал битиб, Ҳири шайху-л-исломи ва Қози Ихтиёрга юборибди. ... Қози Ихтиёр туркий тилни билмас экан, унинг учун туркий тил қонун-қоидалари китобини битиб юборибди» (МА, 21). Ушбу маълумотларга қараганда, Шайбонийхоннинг шеърий девонидан ташқари туркий тилга бағишланган грамматик асари ҳам бўлган, мазкур асар форсийда битилган. Бироқ у кунимизга қадар сақланган эмас.

«Бадойиу-л-луғат». Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган биринчи луғатдир. Уни тахминан 1500 йили Ҳусайн Бойқаро фармонига кўра Толе Имоний Ҳиравий тузган. Ҳусайн Бойқаро ушбу луғатни тузишни бошқа бировга эмас, айнан шу олимга топширганлиги бежиз эмас. Бу унинг иқтидоридан, кучли олим бўлганидан, бу соҳани ўта яхши билганидан далолатдир. Навоий «Мажолисун-нафоис»нинг биринчи мажлисида Толе Имоний Ҳиравийни ўзига замондош, тўғрироғи, у ёш эканлиги чоғида яшаб ўтган шоирлар қаторида тилга олган эди; уни *Мавлоно Толей* деган. Тазкирада ҳатто унинг бир форсий байтидан мисол ҳам келтиради. Толе Имонийнинг ёши Новойдан бир оз улўғ бўлгани учун уни шу туркумга киритган кўринади (қаранг: Щербак 1962, 53).

«Бадойиу-л-луғат»нинг ҳижрий 1117 (милодий 1705 – 1706) йили кўчирилган қўлёзмаси Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги давлат кутубхонасида сақланмоқда (Ҳаников коллекцияси, 35-сонли қўлёзма). Асарни А.К.Боровков факсимили билан бирга чоп эттирган (қаранг: Боровков 1961).

Луғатда Навоий асарларида қўлланган 854 та асосан келиб чиқиши туркий, оз сонли арабча сўзлар форс тилида изоҳланган (қаранг: Ҳасанов 1989, 4 – 16). Ҳар бир сўзнинг товуш тузилиши, унинг маъноси, грамматик хусусиятлари ҳақида маълумот берилади. Луғатда сўзларнинг маъносини очиқлаш мақсадида Навоийнинг «Хамса», «Лисону-т-тайр» дostonлари, «Маҳбубу-л-қулуб», «Мажолисун-нафоис» асарлари, «Ҳазойину-л-маоний» девонидан мисоллар келтирилади. Мисоллар келтирилганда, айниқса, шеърий байтларнинг мазмуни форсчада изоҳланади.

Луғатда Лутфий, Ҳусайн Бойқаро шеърларидан, Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор» асарларидан ҳам мисоллар берилган. Суҳайлий ва Азрақийдан эса биттадан мисол берилган.

Ҳар бир сўзнинг маънолари ва маънолар тасдиғи учун келтирилган мисоллар биргаликда луғат мақолани ташкил қилади. Бош сўз матнда бошқаларидан ажратилиб қизилда битилган, баъзан устига чизиқ тортиб ҳам кўйилган.

Луғатда сўзлар биринчи ҳарфи бўйича араб алифбоси тартибида келади. Ҳар бир ҳарф билан бошланган сўзлар биргаликда *bāb* деб аталади. Туркий сўзлар ичида араб тилига хос айрим товушлар билан бошланувчи сўзларнинг учрамаслиги сабабли бобларнинг сони ҳам озроқ – йигирма тўртта.

Луғатдаги фонетик ва грамматик изоҳлар ўта аҳамиятли. Бу изоҳлар туркий тилни яхши билмаган кишиларга асқотади. Қолаверса, ҳозирги фан учун ҳам Навоий асарлари, қолаверса, классик асарлар тилини ўрганишда ишончли далилдир.

Луғатда феъллар *-maq*, *-māk* кўшимчали инфинитив кўринишда берилган. Муаллиф уларни *masdar* деб атайди.

Yalbarmaq – iltimās kardan; yalbardīm – iltimās kadam; yalbariḥ – amr ba jamāa-i muxātibin; yalbarmiš – xabar az muḡāyib-i vāhid, ba ma’ni iltimās karda ast

(Маъноси: *Yalbarmaq* – «илтимос қилмоқ»; *yalbardīm* – «ёлбордим»; *yalbariḥ* – тингловчи жамоага буйруқ; *yalbarmiš* – ўзганинг эшитганлиги тўғрисида хабар, «илтимос қилгандир» маъносида).

Феълнинг масдардан ясалган бошқа кўринишлари ҳам бош сўз бўлиб келиши мумкин.

Фонетик ва грамматик қайдлар луғат мақолалар ичида изоҳлар билан бирга аралаш келади. Баъзи сўзларнинг маъноси форсча эквивалентлар билан ҳам берилади. Масалан, *sayaq – tanhā, gūnāš – āftāb* сингари.

«Бадойиу-л-луғат» «чиғатой туркчаси», хусусан, Навоий асарлари бўйича тузилган эса-да, айрим ўринларда ўғуз лаҳжасига хос хусусиятлар ҳам учраб туради. Муаллиф бунини ўз ўрнида таъкидлаб ўтади ҳам. Масалан, ўша лаҳжаларда *at* ўрнида *ad*, *tar* ўрнида *dar*, *taḥ* ўрнида *daḥ* талаффуз қилинади дея таъкилайди олим.

Толе Имоний ушбу луғати билан лексикография тарихида эски ўзбек тили луғатини йиғиш, биринчи галда, Навоий асарларида қўлланган сўз бойлигини жамлаш, уларнинг маъносини ёритиш ишини бошлаб берди. Мазкур луғат кейинги давр ўзбек лексикографияси учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

«Луғат-и Навоий». Ушбу чиғатойча-туркча луғатни XVI юзйилликнинг охирида Ражаб ибн Муҳиб Али Шомлу тузган. Луғатда Навоий асарларида қўлланган мингга яқин сўзнинг изоҳи келтирилади. Қўлёзмаси Техрон университетининг кутубхонасида сақланмоқда (қаранг: Умаров 1992, 6 – 10).

«Абушқа» луғати. «Абушқа» туркий лексикография тарихидаги илк чиғатойча-туркча изоҳли луғатдир (қаранг: DDT). Луғатнинг муаллифи тўғрисида бир тўхтамга келинганича йўқ. Баъзилар унинг муаллифини Мустафо бин Содиқ деган. Б.Ҳасанов кейинги даврда тузилган «Санглоҳ» луғатининг муаллифи Мирзо Меҳдихоннинг ана шу ва бизгача етиб келмаган қандайдир бир луғат тузувчиларини «muallif’аун gum’аун» («румлик икки муаллиф») дея тилга олишига кўра «Абушқа» муаллифини Румий нисбаси билан атайди (Ҳасанов 19891, 17).

«Абушқа»нинг яратилган йили, ҳатто луғатнинг ўз оти ҳам маълум эмас. Луғатнинг илк бош сўзи «қария, кекса» маъносидаги *abušqa* билан бошлангани учун луғатга ҳам шу от бериб кетилган.

Классик ўзбек тили («чиғатой туркчаси»), хусусан, Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлар ичида қўлёзмалари энг кўп тарқалгани «Абушқа»дир. Қўлёзмалари Британия музейида, Вена кутубхонасида, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин, университет кутубхоналарида, Россия ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Вена қўлёзмасининг 1552 йилда, Британия музейидаги нусхасининг 1554 йилда кўчирилганига кўра, луғат Навоийнинг ўлиmidан бир оз кейин – XVI аср ўрталарида яратилган дея тахмин қиладилар (Щербак 1962, 53 – 55).

Асарнинг учта қўлёзмаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (Ҳасанов 1989, 18).

Асар классик матнларда ишлатилган сўзларнинг маъноларини очиқлашга бағишланган бўлиб, мисоллар Мавлоно Лутфий, Мир Ҳайдар, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ адибларнинг асарларидан сайлаб олинган. Булар маъноси ҳар кимсага, айниқса, туркийнинг бошқа лаҳжаларида сўзловчи кишиларига тушунарли бўлмаган, ўзига хос маъноли ёки чиғатой туркчасида муайян англамда ишлатилиб, кейинчалик унутилган сўзлардир. Луғатга 2054 та сўз ва сўз шакллари кирган.

Сўзлар бошланиш ҳарфларига кўра 21 бобга ажратилган. Боблар ўз ичига кирган сўзларнинг бош ҳарфлари номи билан (масалан, «al-harf al-alif», «al-harf al-bā» сингари) юритилади.

Бобларнинг ҳар қайсиси ўз ичида уч қисмга бўлинган. Аввалги қисмда биринчи ҳарфи фатҳали, сўнг касрали ва бобнинг охирида биринчи ҳарфи даммали сўзлар келади.

Луғатнинг биринчи «*alif* боби» фатҳали қисмида сўзлар биринчи ва иккинчи ҳарфларига кўра алифбо тартибида жойлаштирилган (*abušqa, abaḡa, ataldī, atqadī, atar, atayīl, atīr* сингари). Қолган бобларнинг ҳаммасида сўзларни алифбо тартибига солишда уларнинг уч ҳарфи эътиборга олинади, қолган ҳарфлари эса ҳисобга олинмайди.

Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» асари. Муҳаммад Ёқуб Чингий Ҳиндистонда юртга эгалик қилган бобурий хонлардан охиргиси Абу Музаффар Муҳиддин Аврангзеб ўрдасида хизматда бўлган эди. У ўзининг «Келурнома» асарини хоннинг буйруғи билан ёзган.

Фанда «Келурнома»нинг иккита қўлёзмаси маълум: бири ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 5052-рақам остида, иккинчиси эса Британия музейида сақланмоқда.

Китоб ўн беш бобдан тузилган (КН *га қаранг*); ҳар қайси боб ўз ичида фаслларга бўлинади. Шундан ўн тўрт боби феълларга бағишланади. Уларда 400 дан ортиқ туркий феъл шакллари берилган. Феъллар масдар шаклида (*-maq, -mau* аффикси билан), шунингдек, ўтган, ҳозирги-келаси ҳамда келаси замонда, бўлишли ва бўлишсиз кўринишларида берилиб, ҳар қайсиси форсчага таржима қилинган: *uyqulamaq – xābīdan, uyquladī – xābīd, uyqulaptur – xābīda ast, uyqular – xāhad xābīd, uyqulabdī – xābīda bud, uyqulaydur – mixābad, uyqulamadī – naxābīd, uyqulamaptur – naxābīda ast, uyqulamas – naxāhad xābīd, uyqulamabdī – naxābīda bud, uyqulamaydur – namixābad, uyqula – baxāb, uyqulama – maxāb, uyqular-biz – mixābīm mā, uyqulamas-biz – namixābīm mā* сингари.

Боблар алифбо сирасидаги ҳарфлар билан бошланувчи феълларга аталган: биринчи боб – *alif* ҳарфи билан бошланувчилар, иккинчи боб – *bā*, учинчиси – *tā*, тўрттинчиси – *čīm*, шу кетма-кетликда ўн тўрттинчи боб *uā* билан бошланувчи сўзларга бўлинади. Ҳар қайси боб ўз ичида фаслларга ажралади. Масалан, учинчи – *tā* ҳарфлилар бобининг биринчи фасли *tanīmaq*, иккинчи фасли *tanmaq*, учинчи фасли *tonamaq*, тўрттинчи фасли *tīnmaq* феълининг ўтган, ҳозирги-келаси ҳамда келаси замондаги, бўлишли ва бўлишсиз кўринишлари ҳақида. Жумладан, *tanī*-феълининг шакллари қуйидагича: *tanīmaq, tanīdī, tanīptur, tanīr, tanībdī, tanīydur, tanīmadī, tanīmaptur, tanīmas, tanīmabdī, tanīmaydur, tanī, tanīma, tanīr-biz, tanīmas-biz*.

Луғатнинг сўнгги – ўн бешинчи боби исмларга аталган бўлиб, улар маъносига кўра гуруҳлаштириб чиқилган. Бу боб тўққиз фаслдан иборат. Масалан, биринчи фасл – кўк ва унинг билан боғлиқ нарсалар, иккинчиси – ер ва унда жойлашган нарсалар, шундай кетма-кетликда охирги фасл олмош, ёрдамчи сўз ва қўшимчалар ҳақида. Масалан, кўк ва у билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг оти: *kōk, quyaš, kūnāš, kūn, au,*

aydin, yulduz, Yetdikān, Hülkār, ayil, yaruq, yaruqluq, yašin, čaqin, ildirim, bulut, yağıš (ёгингарчилик), *yağmur, čibār* (шивирлаган ёмғир), *qar, muz, čarqun, yüz, yel, qiraw, suw, ot, čoyaš* (күёшнинг тафти), *yalin, čān, ayas* (тоза ҳаво), *šüdrün, tañ, kün, күндүз, kečā, ertā, keč* («кеч», вақтга нисбатан), *keč* (ўтмак, кечмак), *axšam, qaranıy, alav, manyar, qiš, yaz* («баҳор»), *sawuq, isiy*. Ёки ер ва унда бор бўлган нарсалар: *yer, tufraq, čāgā* («қум»), *qum, teniz, say, arna* (сув йўли, канал), *bulaq, quduq, qaq* («кўлмак»), *quyun, ariq, qayun* («қайиқ»), *qayıq, kemā, čuqur, qıraq* (қирғоқ), *olañ* («дашт, текислик»), *yaban* («дашт, текислик»), *yazı* («текислик»), *balıy, yılan* сингари.

Луғатда бир маъноли сўзлар, антонимлар, омонимлар, ёзилиши бир хил сўзлар бир ерда муайян изчилликда берилади. Масалан: *quyaš, күнāš, күн* – «күёш»; *yašin, čaqin, ildirim* – «чақмоқ, яшин»; *yağıš, yağmur* – «ёмғир»; *čāgā, qum* – «қум»; *qayun, qayıq* – «қайиқ»; *olañ, yaban, yazı* – «текислик, дашт»; *uy, öküz* – «хўкиз»; *ināk, siyir* – «сигир» сингари синонимлар луғатда кетма-кет келтирилади.

Ёзилиши ва ўқилиши бир-бирига яқин, маъноси турлича бўлган *ariq* – «ариқ», *ariy* – «тоза» сўзлари ҳам бир ерда, сабаби, тилни яхши билмайдиган киши уларни қориштириб юбориши ҳеч гап эмас.

Ёзилиши бир хил, талаффузи турлича сўзлар ҳам шундай изчилликда. Масалан, *توز* омографи маъноси ва талаффузига кўра турли англамларда келади: *tüz* – «текислик», *tüz* – «тўғри; рост»; *tuz* – «туз, ош тузи»; *toz* – «чида-»; *toz* – «чанг»; *toz* – «бардам бўл-; бўйунсун-»; *tüz* – «туз, созла».

Яна бир жиҳати, фасллар ичида сўзларнинг кетма-кетлиги тартибсиз эмас, маъноларига қараб олдинма-кетинликда берилади. Масалан, қариндош-уруғчиликни билдирувчи сўзларга бағишланган фаслда аввал туғушганлар (*uluу ata, ata, aba, abaya* («амаки»), *uluу aba* («катта амаки»), *kičik aba* («кичик амаки»), *ana, uluу ana, ača* (она), *ākā, aya, ini, apa, egāči, jiyān, siñil*), сўнг тўйдан кейин шаклланган қайинбўйлар (*qayin ata, qayin ana, qayin egāči, qayin siñil, qayin ini, qayin aya*), ундан кейин хотин билан боғлиқ уруғлар (*qalınliq* («келин»), *xatun* («хотин»), *oylan* («авлод»), *oул, qiz*), эр-хотинликдан келиб чиққан қариндошлар (*kiyāw, yāzna* («почча»), *qušarta* («севгили»), *abušqa* («эр»), *er*), қариндош-уруғларнинг умумий номлари (*qarındaš, uruу, ātākā* (эркак тарбиячи), *ataliq* (ота томондан боғланиш), *enāgā*) ва бошқалар келади. Киши тана аъзоларини билдирувчи отлар ҳақидаги фаслда кетма-кетлик бош ва унинг аъзолари билан бошланиб, оёқ учи билан охирлайди. Ёки сонларга бағишланган фасл соннинг даражалари асосида бирдан бошланиб, минглик билан тугайди.

Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» ва «Мабониу-л-луғат» асарлари. Алишер Навоий ва «чиғатой туркчаси»да ижод этган шоирлар асарла-

ри бўйича тузилган луғатлардан бири Мирзо Меҳдихон (Низомиддин Муҳаммад Хож ал-Ҳусайн ас-Сафавий)нинг «Санглоҳ» асаридир. Луғатга грамматик очерк ҳам қўшимча қилинган бўлиб, у «Мабони ул-луғат» («Тил асослари») деб аталган.

Мирзо Меҳдихон ўзининг «Санглоҳ» асарини ҳижрий 1173 (милодий 1760 йили) ёзиб тугатган. Унда Лутфий, Мир Ҳайдар, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур асарларида қўлланган туркий сўзлар форс тилида изоҳланган, улар қатнашган байтлардан келтирилган. Луғатга классик ижодкорларнинг асарларидаги маъносини топиш қийин бўлган сўзлар жамланган. Шундан келиб чиқиб Мирзо Меҳдихон уни «Санглоҳ» деб атаган эди (маъноси «тошлоқ ер» дегани).

Муаллиф «Санглоҳ»нинг кириш қисмида «чиғатой туркчаси», хусусан, Навоий асарлари бўйича тузилган бошқа луғатларни тилга олади. Унинг бу маълумоти туфайли «Бадойиу-л-луғат», «Абушқа»дан ташқари Румий, Фароғий, Надр Али, Мирзо Абдулжалил Носирийнинг бизгача етиб келмаган луғатлари бўлгани тўғрисида хабар топамиз.

Луғат беш жузвга бўлинган: биринчиси белгисиз бўлиб, ўз ичига *alif* билан бошланувчи сўзларни қамрайди; иккинчи жузвда бошланиши ب, ج, ҳарфли сўзлар келади; учинчи жузвда غ, ع, ظ, ط, ص, ض ва ف ҳарфли сўзлар; тўртинчи жузвда ق ва ك билан бошланган сўзлар; бешинчи жузвда эса و, ه, م, ن, ل ва ي ҳарфи билан бошланган сўзлар берилган.

Қисмлар китобларга бўлинади. Буларнинг ичига кирган ҳар бир ҳарф мустақил китобни ташкил қилган. Ҳар бир китобга кирган сўзлар биринчи ҳарфининг ҳаракатига кўра олдинма-кетин жойлаштирилган.

Ҳар бир боб бўлакларга ажралади. Улар *maa-l-alif* («*alif* билан»), *maa-l-bā* сўзлари билан бошланади. Бўлақчалар ичида феъл ва унинг бошқа шакллари аралаш келса, *mina-l-muštaqqāt* («ясама шакллар») ва *mina-l-javāmid* («ўзгармас шакллар»)га ажратилади. Биринчисида феъллар, иккинчисида бошқа сўзлар келади.

«Санглоҳ» ўз ичига 6181 луғат мақолани олади. Муҳими шундаки, «Бадойиу-л-луғат»да, қисман «Абушқа»да сўз шакллари ҳам луғат мақолалар бошига олингани учун мустақил сўзлар қаторига кириб кетади. Агар «Санглоҳ»даги сўз шакллари ҳам мустақил сўзлар сифатида санайдиган бўлса, бу ердаги сўзлар сонини ифодалаш учун 20000 дан кам бўлмаган рақамдан фойдаланишга тўғри келарди. Бунинг сабаби шундаки, бош сўзи феъл-луғат мақолалар ичида унинг 35 тагача грамматик шакллари ҳам келтирилган (Ҳасанов 1989, 36 – 37).

Бош сўзлар ҳамма сўз туркумларида тузилган. Феъллар инфинитив (масдар) шаклида, қолган сўз туркумлари эса бирликда ва бош келишида келади.

Сўзлар ҳаракатларсиз, бироқ уларни тўғри ўқиш учун фонетик қайдлар бор. Агар унлилари *alif*, *vāv*, *uā* билан ёзилган бўлса, фонетик қайдлар берилмайди.

Энг муҳими, «Санглоҳ»да ва бошқа луғатларда ҳам Алишер Навоий ва бошқа классик ижодкорларнинг асарларидан олинган бош сўз сифатида асосан келиб чиқиши соф туркий, баъзан арабча ва ундан оз ҳолатда форсий сўз танланади. Луғат тузувчилар туркий сўзларнинг маъноларига, байт мазмунига боғлиқ ҳолда юз берувчи стилистик жиҳатларга алоҳида эътибор қаратганлар ва бунинг мураккаблигини, муҳимлигини тўғри англаганлар. Луғатларда берилган бош сўз барча сўз туркумларига оид бўлиши мумкин.

«Мабониу-л-луғат» «чиғатой тили» («чиғатой туркчаси»)га бағишланган грамматик асардир (*таржимасига қаранг*: МБЛ). У сўзбоши; муқаддима; тарсиф (яъни грамматика) бўлимларидан тузилган.

Тарсиф бўлими олти мабно (туркий тил морфологиясининг олти хил асоси)дан иборат. Ҳар қайси мабно ўз ичида яна бобларга бўлинади. Боблар муайян қоидаларга бағишланган.

Мирзо Меҳдихон туркий тилда мавжуд бўлган уйғун тартиб-қоидаларга катта эътибор қаратган эди. У «Мабониу-л-луғат»нинг муқаддимасида шундай ёзади: «Гарчи Фароғий ўз асарида турк сўзлари вазн (яъни арабчадаги «сўз шакли» – Қ.С.) ва масдар тартибига эга бўлмаганлиги учун ўз китобимга қадимгиларнинг шеърларини асос қилиб олдим деса ҳам, унинг фикрлари ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки турк тилида аниқ ва мавжуд бўлган уйғун тартиб ва қоидалар на форс тилида бор-у, на араб тилида. Унинг барча феъл формалари қоидага мувофиқ ясалгандир» (МБЛ, 10).

Фазлуллахон барлоснинг «Луғат-и туркий» асари. Мазкур луғатни XVIII асрнинг иккинчи ярмида (милодий 1779 йили) Ҳиндистоннинг Бангола шаҳрида Шоҳжаҳоннинг ўғли Аврангзеб буйруғи билан Фазлуллахон барлос тузган. Луғат форс тилида бўлиб, унинг кунимизгача етиб келган ёлғиз қўлёзмаси ҳозир Британия музейида сақланмоқда. Унда келиб чиқиши туркий бўлган 1366 та сўз маъносига изоҳ берилган (луғат ҳақида қаранг: Убайдуллаев 2011).

Луғатда туркий феъллар берилиб, унинг қандай ўқилиши, маънолари форс тилида баён қилинган. Тузувчи феълларни ўн уч хил ҳарф билан бошланувчи сўзлар гуруҳига (яъни бобларга), исмларни эса ўн саккиз хил ҳарф билан бошланувчиларга ажратади. Аввал феъллар, сўнг отлар берилади. Феълларни берганда аввал *alif* билан бошланувчи сўзлар (масалан, *oqitmaq*), сўнг *bā* билан бошланувчи сўзлар (масалан, *bermāk*) берилади, шу тартибда давом этилиб, охирида *uā* билан бошланувчи сўз-

лар келади. Отлар эса англаган маъноларига кўра гуруҳлаштирилган: кетма-кетлик уй-рўзгор буюмларининг отларидан бошланиб, ҳайвонот оламига кирувчи сўзлар билан тугайди.

Туркий сўзлар маъносини тўғри англаш, талаффузида янглишмаслик мақсадида турли ҳаракатлар (аломатлар), товушларнинг махсус атамалари (*kāf-e 'arabī, jim-e fārsī* ва б.) ва бошқа кўринишдаги изоҳлаш йўлларида унумли фойдаланилган.

Сўзларнинг маъноси туркий сўзга тенг келадиган форсча сўзлар, сўз бирикмалари, баъзан бунга қўшимча ҳолда ҳиндча сўзларни келтириш билан, шунингдек, ўша сўзнинг маъносини умумий тушунтириш йўли билан берилади.

«Китоб-и луғат-и атрокийя». Ушбу луғат ҳам Алишер Навоий асарларига тузилган бўлиб, муаллифи Фатҳали Қожор (Фатҳали ибн Калбали ибн Муршидқули ибн Фатҳали Қожор Қазвиний)дир (*қаранг:* Щербак 1962, 59 – 60; Ҳасанов 1989¹, 46 – 58). Муаллиф луғат устида тўрт йил ишлаб, уни 1862 йили тугаллаган. Асар туркшуносликда «чиғатой туркчаси» бўйича яратилган энг яхши луғатлардан бири сифатида тан олинади.

«Китоб-и луғат-и атрокийя» тўрт қисмдан иборат: муқаддима; чиғатойча-форсий луғат; Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ»ида тушунарсиз қолган ўн икки сўзнинг изоҳи; Навоий асарларида кечган форсий сўзлар луғати.

Муқаддимада муаллиф Навоийнинг йигирма етти асарини санаб ўтади. Иккинчи – луғат қисмига жами 7694 та сўз киритилган. Уларнинг маъносини очиқлаш учун Навоийнинг тўртта девони, «Хамса»си, насрий асарлари – «Маҳбубу-л-қулуб», «Тарих-и мулук-и аҷам»дан, шунингдек, Лутфий, Мир Ҳайдар, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Искандар Мирзо, Банойӣ, Камолий, Убайдхон, Фузулий, Соқий шеърларидан мисоллар беради. Ора-чора форсий манбаларга ҳам мурожаат қилган.

Фатҳали Қожор эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси») билан Эрон турклари лаҳжаси орасидаги ўхшашлик ва фарқларга ҳам эътибор қаратади. Масалан, унинг кўрсатишича, эски ўзбек тилидаги *ort* («олов»), *sayir, tört, qirq, elli* сўзлари уларнинг тилида *ot, çaxir, dört, qirx, älli* шаклида қўлланган.

Луғат йигирма саккиз бобдан иборат. Улар ўз ичига киритилган сўзларнинг бош ҳарфлари номи билан юритилади.

Боблардаги сўзлар алифбо тартибига солинган эмас. Қолган ҳамма белгилари «Абушқа» луғати сингари.

Унлиларнинг ёзилиши ва ўқилишига муаллиф алоҳида урғу берган.

Фатҳали Қожор луғатни тугатгач, Алишер Навоий шеърларидаги маъноси тушунарсиз бўлган ўн икки сўз тўғрисида фикр юритади. Улар-

ни Мирзо Меҳдихон ўз луғатида «маъноси ечилмаяпти» ибораси билан қайд этганини ёзади. У ушбу сўзлар «Хазойину-л-маоний» ва «Хамса»да қай йўсинда келганини айтиб, сўнг бу сўзнинг маъноларини ечиб беришга уринади.

Луғатда Навоий асарларида қўлланган айрим арабча ва форсча сўзлар ҳам учрайди. Чунончи, луғатнинг охирида 429 та арабча, форсча сўз ва иборалар берилган.

«Хамса ба ҳалли луғат» XVIII юзйилнинг иккинчи ярмида яратилган, Навоий асарлари бўйича эски ўзбек тилида тузилган луғатлардан биридир (*қаранг:* Шарахмедова 1990). Асарнинг ягона қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (7863-сонли қўлёзма). Асар «Хамса»нинг уч маснавийси – «Сабъаи сайёр», «Лайли-ву Мажнун», «Садди Искандарий» бўйича тузилган. Маснавийлардаги мазмунини англаш қийин бўлган сўзлар маъноси матн теварагига (ҳошиясига) ёзиб чиқилган. Хат услубига кўра, дostonни кўчирувчи ҳам, луғат тузувчи ҳам бир кишининг ўзи, лекин оти маълум эмас. Луғатнинг охирида унинг тузилган йили – 1262 йил (милодий 1845 – 1846) ёзиб қўйилган. Кузатувларга қараганда, котиб аввал «Хамса»ни кўчирган. Кейин қатор йиллар давомида (чамаси, ўн саккиз йил) асар устида жиддий иш олиб бориб, матнда учровчи қийин англашиладиган сўзлар маъносини хошияга изоҳлаб чиққан. Юқоридаги сана ана шундан кейин қўйилган (*қаранг:* Шарахмедова 1990, 7).

Луғатни матнни кўчирган котибнинг ўзи тузганлиги ўта аҳамиятли. Бу иши унинг классик асарлар поэтикасини яхши англагани, «чиғатой туркчаси»ни жуда яхши билгани, хусусан, эски туркий, форсча, арабча сўзлар маъносини яхши тушунганидан далолат беради.

Одатда, ўтмишдан қолган луғатларда (жумладан, «Абушқа» ҳамда бошқа луғатларда) аввал сўз ва унинг маъноси келтирилиб, кейин унинг мисоли берилади. Ушбу луғатда эса сўз ва унинг маъноси келтирилиб, мисоли учун матндаги байтга ишора қилинади, тўғрироғи, хошиядаги изоҳ матндаги сўз маъносини очиқлаб беради. Маснавий хошиядаги луғати билан бирга яхлит асарни юзага келтиради. Унга «Хамса ба ҳалли луғат» (яъни «Сўзлари изоҳланган «Хамса» ёки «Луғатли «Хамса») дея от берилганининг сабаби ҳам шунда.

Луғат дostonда қўлланган кўп маъноли ёки XVIII асрга келиб унутилган, кўпчилик, айниқса, ёш талаба учун англаш қийин бўлган эски туркий, арабча ва форсча сўзлар бўйича тузилган. Унда жами 2108 сўзга изоҳ берилади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЕЧГАН ЛИНГВО-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: турмуш тарзи, лингво-маданий жараёнлар, тил вазияти, халқаро тил, билингвизм, шарқ тилларининг ўзаро таъсири, тарихий топонимия, тилнинг аталиши.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Қадимги туркларда «халқ» ва «юрт» тушунчаларининг ифодаланиши. Халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий турмуш тарзини акс эттирган тушунчалар.

Буюк ипак йўли ва Марказий Осиёда кечган лингво-маданий жараёнлар.

Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиёдаги тил вазияти.

Ёзма манбаларда юртимизнинг тарихий топонимияси.

Ўзбек тилининг тарихий аталиши.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ

Туркий халқлар қадимдан Евросиёнинг улкан ҳудудларида яшаб келмоқда. Ерининг тузилиши ва кенглиги, иқлимнинг турли-туманлиги, табиий-географик шароити, ўсимлик дунёси туркий улусларнинг яшаш тарзига, маданияти, ижтимоий-иқтисодий аҳволига ўз таъсирини ўтказиб келган. Туркларнинг тирикчилигию турмуш тарзи, кундалик ишларидан тортиб маънавий оламигача – бари-бариси шунга бўйсунган эди.

Ҳозирги тарих китобларида, илмий тадқиқотларда илк ўрта асрлар тарихи тўғрисида сўз юритилар экан, ўша кезларда яшаган туркий халқларни «кўчманчилар» («қочевники») деб таърифланмоқда.

Ўтмишдаги, айнан илк ўрта асрларда яшаган туркий халқларни кўчманчилар эди дейиш мутлақо хато ва илмий-методологик жиҳатдан асоссиздир. Чунки ўша замонлардан қолган сонсиз-саноксиз битиглар,

тарих китоблари, археологик топилмалар бирин-кетин юзага келган қудратли хоқонликлар, турк давлатлари, туркий улуснинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Бундан ташқари, кўҳна шаҳар ва кентларнинг харобаларидан чиққан архитектура ёдгорликлари, шаҳар қурилиши, маданияти, қадимги туркларнинг маданий турмушига оид санъат асарлари, хоқонликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини акс эттирувчи, давлат ва жамият бошқаруви тўғрисида қанчадан-қанча расмий ҳужжатлар, ёзма ва оғзаки адабиёт намуналари, диний-фалсафий, илмий асарлар сақланган. Энг муҳими, қадимги турклардан қолган битиглар бир эмас, бир қанча такомиллашган алифболарда битилган. Шунинг ўзиёқ илк ва ўрта асрларда яшаган туркий халқлар маънавий-фалсафий, илмий-маърифий тафаккурининг нечоғлик юқори босқичда бўлганлигини англатиб турибди.

Энди мантиқан ўйлаб кўринг: кўчманчи халқда давлат бўладими, кўчманчининг ёзуви бўладими? Шаҳарчилик маданияти, деҳқончилик бўладими кўчманчида?

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қадимги туркий халқларнинг турмуш тарзи кўп укладли эди: уларда шаҳарчилик маданияти ҳам, деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам бўлган. Яйловларда яшаб, чорвачилик, йилқичилик қилиб кун кечирган жамоани кўчманчилар билан қориштирмаслик керак. Булар бошқа-бошқа нарсалардир.

Ўтмишда туркий халқларнинг ҳаёти бир текис кечган эмас, унинг кечмиши жамият ва табиат қонунларига, улкан Евросиё ҳудудларидаги иқлим ўзгаришларига бўйсунган ҳолда доимий юксалишу инишлардан иборат эди. Жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалишлар вақт-вақти билан инқирозга ҳам учраб турган. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари тарих китобларида яхши очиб берилган (қarang: Антонов 1984, 17 – 21).

Шунга қарамай, иқтисоди ва маданиятида ўсиш бўлган кезларда туркий халқлар мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Улар шарқ халқлари орасида етакчи ўринда турди. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва йилқичилик билан бир қаторда шаҳарчилик, давлат ва жамият бошқарувида, илм-фан ва фалсафий фикрлар ривожиди йирик-йирик кашфиётлар қилди.

Илк ва ўрта асрларда яшаб ўтган туркий халқларнинг турмуш тарзи, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти, диний-фалсафий қарашлари ўша даврлардан қолган ёзма ёдгорликларда, биринчи галда, тушунча ва аталмаларида акс этган.

Қадимги туркларда «халқ» ва «юрт» тушунчалари

Қадимги туркий тилда ижтимоий уюшмани *bodun* аталган, бу сўз ҳозирги тушунчамизда «халқ, улус» дегани. Кейинчалик бу сўз товуш ўзгаришига учраб (*d>δ>y*) *bodun*, *boyun* ҳам дейилган. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий бу сўзни *bodun* шаклида бериб, «халқ, омма» дея изоҳлайди ва у чигилча эканлигини [яъни чигиллар уни ана шундай талаффуз қилганлигини] таъкидлайди (ДЛТ, 160).

Bodun сўзи халқнинг отига қўшиб ишлатилганда муайян халқ англашилади: *türk bodun* («турк халқи»), *oғuz bodun* («ўғуз халқи»), *qarluq bodun* («қарлуқ халқи»), *tatabi bodun* («татаби халқи»), *soғdaq bodun* («суғд халқи»), *tabғač bodun* («табғач халқи») сингари.

Матнда ишлатилишига эътибор беринг: *Bu türk bodunqa yaraqliғ yayiғ kälürmädim*. – «Бу турк халқига қурол-яроқли ёвни яқинлаштирмадим» (Топ. 54).

Ёки бошқа мисол: *Körüg sabi antay: Toғuz oғuz bodun üzä qayan olurti, tir*. – «Кўрувчининг хабари шундай: «Тўқуз ўғуз халқи устидан (бир) хоқон тахтга ўтирди», – дер» (Топ. 9).

Битигларда *bodun* сўзи ўрни билан «эл, мамлакат» маъносида ҳам ишлатилган. Масалан, ишлатилиш ўрнига қараб *türk bodun* деганда «турк бўдун мамлакати / турк халқининг мамлакати»; *tabғač bodun* деганда «табғач бўдун мамлакати / табғач халқининг мамлакати» ҳам англашилади.

Кул тигин битигидан мисол: *Tabғač bodunqa bāglik uri oғlin qul bolti, silik qiz oғlin күñ bolti*. – «Табғач мамлакатига бек бўладиган ўғли билан кул бўлди, сулув қиз ўғли билан жория бўлди» (К.7).

Туркий тил тарихида «ижтимоий уюшма, халқ» англамида *bodun~bodun* га синоним сифатида *ulus* сўзи ҳам ишлатилган.

Қадимги туркий тилда «уруғ; қабила» англамида *bod* сўзи ишлатилган. Бу сўз кейинчалик товуш ўзгаришига учраб *boy* га айланган: *bod>bod>boy*.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *boy* – (йўғон унли [яъни *o*] билан) «халқ; қабила; зурриёт, насл» (ўғузча). Бир-бирини танимаган икки киши учрашиб қолса, дастлаб бир-бирига салом беради, сўнг *boy kim?* деб сўрашади, «элатинг, қабиланг қанақа, қайси элатдансан?» демақдир. Сўралган киши бунга жавобан элатим *salғur* (элатим салғур қабиласи) дейди ёки китоб бошида зикр қилинган қабилалардан бирортасининг отини айтиб жавоб беради. Сўнг улар ўзаро сўзлашадилар ёки ўз йўлларига кетадилар. Шундай қилиб, улар бир-бирларининг уруғ-аймоғини билиб олишади (ДЛТ, 371).

Тўнюкүк битигидан мисол: *Bän yoq ärtim ärsär, Qapayan qayan, türk sir bodun yärintä bod yämä, bodun yämä, kiši yämä idi yoq ärtäci ärti.* – «Мен бўлмаганимда, Қапаған хоқон, турк сир халқи ерида уруғ ҳам, халқ ҳам, киши ҳам эгалик қилолмас эди» (Топ. 59 – 60).

Ислом давридан туркий тилда «улус» маъносида араб тилидан ўзлашган *xalq* сўзи ҳам ишлатила бошлади.

Қадимги туркларнинг ижтимоий-сиёсий, давлат уюшмаси *il~äl~el* дейилган.

Тўнюкүк битигида унинг ишлатилишига шундай ўрнак бор: *Türk Bilgä qayan äliñä bititdim bän bilgä Toñuquq.* – «(Ушбу битигни) турк Билга хоқон элида ёздирдим мен билга Тўнюкүк» (Топ. 58).

Эски туркий тилда «юрт» маъносида *yurt* сўзи ишлатилган (*қаранг:* КТТ. 5).

Ўтмишда «мамлакат, юрт» маъносида *yär~yer* сўзи ҳам ишлатилган. Бу сўз бирор улус ёки ҳукмдор номига қўшилиб, бу «ер, тупроқ», яъни «юрт»нинг ўша улусга ёки ҳукмдорга қарашли эканлигини англатади. Масалан, Тўнюкүк битигида: *Türk sir bodun yärintä bod qalmadi.* – «Турк сир халқи ерида (бирор) уруғ қолмади» (Топ. 3 – 4).

Қадимги туркларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий турмуш тарзини акс эттирган тушунчалар

Ёзма ёдгорликларда туркий халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий яшаш тарзи билан боғлиқ иккита атамани учратамиз. Бири *türk sir bodun*, иккинчиси эса *türk yoçul bodun* атамасидир.

Биринчиси Тўнюкүк битигида кечган. Ушбу атама матнда бешта ўринда келади (битигнинг 3-, 11-, 60-, 61-, 62-қаторлари). Масалан, ёв босқинидан кейинги мудҳиш ва аянчли воқеалар тасвирланар экан: *Türk sir bodun yärintä bod qalmadi* дейилади битигда (Топ. 3 – 4).

Келтирилган гапдаги *türk sir bodun* атамаси кўпдан буён олимларни ўйлантириб келаётир. Олимлар унинг маъносини турлича талқин қиладилар (*қаранг:* Содиқов 2004, 38 – 41).

Жумладан, С.Е.Малов бу гапни рус тилига «В стране народа тюрков-сиров (?) не осталось (государственного) организма» деб таржима қилган (Малов 1951, 65). У матнда кечган *türk sir bodun* атамасини «народ тюрков-сиров» деб таржима қилиб, қавсга сўроқ аломатини қўйиб кетган; «қавм, уруғ» англамидаги *bod* атамасини эса «(государственный) организм» деб ўгирган.

«Древнетюркский словарь»да бу атама *türk sir* шаклида олиниб, маъноси «этно. Название одного из тюркских племен (?)» деб изоҳланган ва қавсда сўроқ аломати қўйиб кетилган (ДТС, 599).

Бу жумла Ҳ.Ўрқуннинг туркча таржимасида шундай: *Müttehit (?) Türk milletinin yerinde Boy kalmadı* (Orkun 1987, 100). У битигдаги *sir* сўзини ҳозирги туркчага *müttehit*, яъни «бирлашган» деб ўгириб, қавсда сўроқ аломатини бериб кетган. Бошқа ўринларда ҳам шундай.

А.Рустамов асарнинг «Қадимги туркий тил» китобига киритилган матнида *Türk sir bodun yārintā bod qalmadı* гапини ўзбекчага «Турк сир халқи ерида [бирор бут] уруғ қолмади» деб ўгирган (Абдурахмонов, Рустамов 1982, 71- ва 80-бетдаги 21-, 23-изоҳларга қаранг).

Матнга эътибор қаратилса, *türk sir bodun* бирикмаси 3-, 11-, 60-қаторларда *yār* (яъни «ер») сўзи билан бирикиб, унинг аниқловчиси бўлиб келган: *türk sir bodun yāri*. Кўринадики, бу сатрларда айни халққа (яъни турк сир бўдунга) тегишли ер (худуд, давлат, мамлакат) кўзда тутилмоқда. Шунга кўра, *türk sir bodun* атамаси муайян элга нисбатан қўллангани аён бўлади. Лекин бирикмадаги *sir* сўзини туркий қавмлардан бирининг оти деб тушунмаслик керак.

Таъкидлаш ўринлики, қадимги туркий тилда этнонимларнинг шакланган қолипи мавжуд эди. Жумладан, *türk* сўзи барча туркий қавмларнинг (уюшманинг) умумий отини билдирган. Матнларда туркий қавмлар *türk bodun* деб аталган. Бирон туркий қавм кўзда тутилган тақдирда ўша қавмнинг отига *bodun* сўзини қўшиб айтилган: *oғuz bodun* – «ўғуз халқи», *toғuz oғuz bodun* – «тўқуз ўғуз халқи» сингари. Туркий бўлмаган қавмларнинг отлари ҳам ана шундай тартибда айтилаверади: *tabуaĉ bodun* – «табғач халқи», *soғdaq bodun* – «суғд халқи» ва б. Ана шу тартиб назарда тутилса, *türk sir bodun* бирикмасидаги *sir* сўзи қавмнинг оти эмас, балки халқнинг бир тоифаси эканлиги маълум бўлади.

Энди битигда келтирилган далиллар асосида «турк сир бўдун»нинг жойлашган худудини аниқлаб кўрайлик. Бошлаб Кул тигин ва Билга хоқон битигларида кечган *kök türk* атамасига эътибор қаратсак. Ушбу атама таркибидаги *kök* сўзи рангни эмас, туркларнинг ўзагига ишора қилиб, «илдиз, асос» маъносини билдиради. Битигларда кўк турклар яшайдиган худуд чегараси ҳам кўрсатилган:

Tört buluғ qop yaғi ārmis, sü sülāpān tört buluғdaғi bodunuy qop almīs, qop baz qilmīs, bašliғiy yūküntürmis, tizliғig sökürmis. İlgärü Qadirqan yişqa tägi, kirü Tāmir qapıғqa tägi qonturmīs. Ākin ar[a] idi oqsuz kök türk anĉa olurur ārmis

(«Тўрт тараф бутунлай душман экан. Лашкар тортиб, тўрт ёқдаги халқни бутунлай олган(лар), бутунлай тобе қилган(лар). Боши борни

юкунтирган(лар), тиззаси борни тиз чўктирган(лар). Шарққа – Қадирқан йишга қадар, ғарбга – Темур қопиққача манзил қилган(лар). Иккинсининг [яъни Қадирқан ва Темур қопиғнинг] орасида хўжайинсиз, танобсиз [чекланмаган ерга эгалик қилиб] кўк турк [яъни асл турк] шу тарзда яшар экан») (К.2 – 3).

Демак, матнда оти тилга олинган кўк турк халқининг ери шарқда Қадирқан йишдан тортиб ғарбда Темур қопиққача бўлган улкан ҳудудга чўзилган эди. Айни факт асосида хулоса қилинадиган бўлса, *kök türk* атамаси Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари давридаги бутун туркий қавмларга нисбатан қўлланилгани аён бўлади. Демак, ўша давр турклари ана шундай аталган.

Тўнюкүк битигида қайд этилган «*türk sir bodun yäri*»нинг чегараси эса нисбатан кичик: Шарқда Қитан, Жанубда Табғач, ғарбда Қурдан, шимолда Ўғуз эли билан ўралган (*қаранг*: Топ. 14). Матнда ёзилишига қараганда, унга ўнгдан табғач, олдиндан қитан, чапдан ўғуз бирлашиб, ҳужум уюштирдилар (Топ. 11 – 12). Битигда Элтариш хоқон тасарруфидаги ҳудудгина «*türk sir bodun yäri*» деб қайд этилган (Топ. 12). Муҳими, ушбу атама туркий қавмларнинг барига нисбатан қўлланган эмас. Чунончи, битигда ўн ўқ хоқони, қирқиз хоқони ҳам душман ва улар ушбу ҳудуддан ташқаридаги улуслар деб таърифланади (Топ. 19 – 20).

Битиг охирида Билга хоқоннинг турк сир халқини ва ўғузларни бошқариб турганлиги таъкидланади. Бу ўринда ҳам турк сир бўдун ўғузлардан айри халқ сифатида таърифланиб, уларнинг иккаласи кетма-кет санаб ўтилган: *Türk Bilgā qayan türk sir bodunuy, oғuz bodunuy igidü olurur.* – «Қудратли Билга хоқон турк сир халқини, ўғуз халқини тарбият қилиб турибди», – дейилади унда (Топ. 62).

Демак, *türk sir bodun* атамаси туркий қавмларнинг барини эмас, муайян қисмини аңлатган. Шунга кўра, турк сир бўдунни кўк туркларнинг бир бўлаги дейиш мумкин. Ҳудудига кўра шарқий туркларга тўғри келади. Битигда келтирилган табғач, ўн ўқ хоқони, қирқиз хоқони – учови бирлашиб шарққа – турк хоқонига кўшин тортиш тараддудида эканлиги тўғрисидаги маълумотда ҳам бунга ишора бор. Мана ўша сатрлар:

Tabyač qayan yaғimiz ärti. On oғ qayanı yaғimiz ärti. Artuq qirқiz küčlüg qayan yaғimiz bolti. Ol üč qayan ögläšip, Altun yiš üzä qabsalim, tämiš, anča ögläšmiš, öñrä türk qayanıyaru sülälim tämiš

(«Табғач хоқони душманамиз эди. Ўн ўқ хоқони душманамиз эди. Буларга кўшилиб қирқизнинг кучли хоқони (ҳам) душманамиз бўлди. Ўша уч хоқон фикрлашиб, Алтун йиш устига талон солайлик дебди, ана шундай фикрлашибди, Шарққа – турк хоқонига лашкар тортайлик дебди») (Топ. 19 – 20).

Мисоллардан англашиладики, Тўнюкуқ битигида кечган *türk sir bodun* атамаси этнос ёки қавмни эмас, балки хоқонлик ҳудудида яшовчи муайян улусни англатмоқда. Бу атама, ҳар қалай, туркий элнинг ўтроқ ҳаёт кечирувчи қисмига нисбатан қўлланган кўринади. У шаҳар халқини ҳамда қишлоқ шароитида деҳқончилик билан шуғулланувчи, ўтроқ ҳаёт кечирувчи халқни билдирган дейиш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда битигида ишлатилган *Türk sir bodun yärintä bod qalmadi* гапини «Турк сир халқи [яъни ўтроқ турк халқи] ерида бирор уруғ қолмади» дея талқин қилингани маъқул.

Атамалардан бошқа бири – *türk yoçul bodun* эса «Сюань-цзан кечмиши» асарида қўлланган. Асарни нашрга тайёрлаган олима Л.Ю.Тугушева бу атамани рус тилига матн ичида «тюркский кочевой народ», асар бўйича тузган луғатида эса *этно.* «хунну» деб ўгирган (Тугушева 1991, 250 – 251; 376). Бу ўринда атама матн ичида келганда бирикманинг туб маъносидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинган, луғатда эса туркларнинг ота-боболари бўлмиш хунлар кўзда тутилган.

Ҳар қалай, *türk yoçul bodun* атамаси «ёз ойларида чорваси билан жойдан жойга кўчиб юрувчи яйлов халқи»ни англатган кўринади.

Асардан олинган қуйидаги мисолларга эътибор қилинг:

Türk yoçul bodun ertiñü ayam-lig (bo)lti. – «Турк кўчманчи халқ беҳад қадр топди» (СЦ. VI. 43, 17 – 22).

Türk yoçul bodun ertiñü kötrülti. – «Турк кўчманчи халқ беҳад юксалди» (СЦ. VI. 44, 25 – 26).

Шуларга таяниб битигларда кечган қадимги туркларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий турмуш тарзини ифода этган учта атама маъносини фарқламоқ керак:

буларнинг биринчиси – *kök türk* Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари давридаги туркий улуснинг ялпи отини билдирган;

иккинчиси – *türk sir bodun* ўша замонлардаги туркларнинг бир ерда муқим ўрнашиб, ўзининг ер-сувиға эга бўлган, ўтроқ ҳаёт кечирувчи қисмидир;

учинчиси – *türk yoçul bodun* эса туркларнинг яйлов шароитида бир ердан бошқа ерга кўчиб, чорвачилик билан кун кўрувчи қисмини англатган.

Қадимги турмуш тарзида кўпукладлилиқ масаласи

Ўлкаларининг табиий-географик ҳолати, ер тузилиши, иқлими, ўсимлик дунёси билан боғлиқ ҳолда ўтмишдаги туркий халқларнинг турмуш тарзи бир неча укладли бўлган.

Шаҳар турмуш тарзи. Бу бевосита шаҳар ҳаёти, маданияти, хунар-мандчилик, тўқувчилик ҳамда тикувчилик, савдо-сотик ишлари ва шаҳар қурилиши билан боғлиқ юмушларни ўз ичига олган. Мамлакатнинг бошқарув тизими (давлат аппарати), илм-фан, санъат ва маданият, ижод ва таълим ишлари ҳам шаҳар тумуш тарзининг муайян бўлагини ташкил қилади.

Эски битиглар туркларнинг шаҳар қурилиши, маданияти, бошқарув тизими, иқтисоди, хўжалиги, ижтимоий қатлами тўғрисида ҳам яхши маълумот беради.

Тил тарихида «шаҳар» маъносини англатган сўзлар тизими ҳам шаклланган эди. Ана шундай сўзлардан бири *baliq* дир.

Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг этимологиясини яхши очиб берган. Унинг ёзишича: *baliq* – жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида «шаҳар». Уйғурларнинг энг катта шаҳарлари *Beşbaliq* дейилиши шундандир. *Beşbaliq* – «беш шаҳар» демак. Уйғурлар бошқа бир шаҳарларини *Yanibaliq* (янги шаҳар) дейдилар (ДЛТ, 152).

Baliq сўзи билан ясалган топонимлар битигларда кўп учрайди. Масалан, Билга хоқон битигида: *Bir yilqa tört yoli süñüşdim. Äñ ilki Toyu baliqda süñüşdim.* – «Бир йилда тўрт марта жанг қилдим. Энг аввал Тўғу балиқда жанг қилдим» (X.30).

«Шаҳар» маъносини англатадиган сўзлардан бошқа бири *kend* дир.

Бу сўзнинг маъносини ҳам Маҳмуд Кошғарий яхши таърифлаган. Унинг ёзишича: *kend* (~*känd*) – «шаҳар». Бундан олиниб *Kāşğar Ordukend* – «хон турадиган шаҳар; марказ» маъносида қўлланади. Чунки бу шаҳарнинг ҳавоси яхши бўлгани учун *Afrāsiyāb* шу ерда яшар эди. У қуйи *Şin* дир (ДЛТ, 140).

Маҳмуд Кошғарий *kend* атамасининг бошқа бир маъносига ҳам тўхталган. У ёзади: *kend* (~*känd*) – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида «қишлоқ». Кўпчилик турклар наздида, «вилоят»дир. Шунинг учун *Farğāna* ни *Özkend* – «ўз шаҳримиз» дейдилар. *Samarqand* ни катталиги учун *Semizkend* – «семиз шаҳар» дейдилар. Буни форслар *Samarqand* тарзида қўллайдилар (ДЛТ, 140).

Ёки яна чоғиштиринг, «Таржумони туркий» луғатида: *kent* – «кўй». Туркманчада *köy* ҳам дейилади (КТТ, 6).

Битигларда бу сўз *ken* (~*kän*) шаклида ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: «Кунчиқар томондаги ҳар бир шаҳарни *ken* (~*kän*) дейдилар. Бу сўз *kend* (~*känd*)нинг қисқарганидир» (ДЛТ, 139).

Қадимги туркий тилда «шаҳар» маъносида *ordu* сўзи ҳам ишлатилган; «шаҳар»ни англатувчи бошқа сўзлардан фарқли ўлароқ, «пойтахт»-

ни билдирган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *ordu* – «шоҳ турадиган шаҳар, ўрда». Шунинг учун *Kāšghar* ни *Ordukend* дейдилар, яъни «шоҳлар турадиган шаҳар» демакдир (ДЛТ, 63).

Унинг таъкидлашича, бу сўз шаҳарнинг оти таркибида ҳам келган. Мана унинг ёзганлари: *Ordu* – *Balasaḡun* яқинидаги бир шаҳар, шунинг учун *Balasaḡun Quzordu* ҳам дейилади (ДЛТ, 63).

Ordu сўзи «хон саройи, ўрдаси» маъносида ҳам ишлатилган. Жумладан, араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута султон Тармаширин мамлакати хотираларида «Мен у ерда «ўрду» деб аталадиган қароргоҳда бир неча кун туриб қолдим» деб ёзади (Ибн Баттута 2012, 370).

Ёки Маҳмуд Кошғарийда *ordulandī* феълининг ишлатилишига *beg bir yerig ordulandī* гапи мисол келтирилган. Бунинг маъноси «бек бир ерни ўзига ўрда қилдирди» деб изоҳланган (ДЛТ, 123).

Ўтмишда *ordu* сўздан лавозим отлари ҳам ясалган. Масалан: *ordu bašī* – «шоҳлар хизматидагиларнинг оти» (ДЛТ, 63).

Ordu сўзи ҳозир ҳам айрим отларда учраб туради. Жумладан, ҳозирги *урду тили* атамаси эски ўзбек тилидаги *ordu* сўздандир. Бу атама бобурийлар замонидан қолган. Бошлаб у «ўрда тили, сарой тили» деган маънони англатиб, кейинчалик бутун бир халқнинг ёзма адабий тилига айланган. Мирзо Ғолиб ана шу тилда ижод қилган. *Урду тили* ҳозирги Покистоннинг давлат тилидир.

Ёки Тошкентнинг қоқ ўртасида *Ўрда* деган жой бор. Қачонлардир бу ерда хон ўрдаси жойлашган эди, *Ўрда* оти ўшандан қолган.

Яна Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, «шоҳ қасри» *qaršī* аталган (ДЛТ, 169). Ҳозирги *Қарши* шаҳрининг оти ҳам шу сўздан олинган. Айрим олимлар бу сўзни мўғулчадан ўзлашган деб қарайди. Бу фикр тўғри эмас, бу сўзнинг асли туркий бўлиб, мўғулчага кейин ўзлашган.

Битигларда *qorḡan* сўзи ҳам бор. Бу сўздан жой отлари ҳам ясалган. Масалан, бу сўз Билга хоқон битигида қуйидаги жумлада келади: *Maḡī qorḡan qīšladuqda yut boltī*. – «Мағи қўрғон(да) қишлаганимизда (элда) ют бўлди» (X.31).

Qorḡan сўзи ҳозирги Ўзбекистондаги баъзи жой отларида ҳам сақланган. Масалан, *Катмақўрғон*, *Оққўрғон*, *Байтқўрғон* сингари. Ёки ўзбек маҳаллаларидаги ўрамлар (ҳовли-эшикларнинг бир тўпи) ҳам *қўрғон* дейилади.

Šahar ҳамда *qala* (<*qal'a*) сўzlари туркий тилларда нисбатан кейинроқ ишлатила бошлади, улар араб тилидан кириб ўзлашган. Булар шаҳар отларида ҳам келади. Масалан, *Шаҳрисабз*.

Илк ва ўрта асрларнинг ёзма манбаларида йирик-йирик шаҳарлар, уларнинг аҳолиси, қурилиш ишлари тўғрисида шу сингари муҳим маъ-

лумотлар берилган. Ушбу маълумотлар туркий халқларда шаҳар маданияти, шаҳарсозлик тарихини ўрганишда аҳамиятлидир.

Қишлоқ турмуш тарзи. Бу қишлоқ турмуши, деҳқончилик, боғдорчилик, экин-тикин ишлари, уй ҳайвонларини боқиш, парранадачилик сингари юмушлардан иборат эди. Қишлоқ турмуш тарзи маълум маънода уй-жой қурилишини ҳам ўз ичига олади. Чунки деҳқонларнинг ўтроқ ҳаёти қишлоқ жойларда ҳам уй-жой қуриш, оила шароитида муайян бир қулайликларга эга бўлиш учун шароит яратиб олиш заруратини туғдирган.

Қадимги туркий тилда *qışlay* – «қишлайдиган, қишни ўтказадиган жой» демак. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, бу атама *qış* сўзидан ясалган: *qış+la+γ>qışlay* (қаранг: ДЛТ, 18).

Маҳмуд Кошғарий *qışlay* сўзига мисол қилиб шундай мақолни ҳам келтирган: *Özgüz er – qışlay*. Маъноси: «Ўз ишини ўзи қилиб, бошқага юкламайдиган киши қишлоққа (тоғнинг ўти мўл, қори оз бўлган кунгай томонига) эга бўлган киши кабидир» (ДЛТ, 185).

Қадимги турк чигил лаҳжасида «қишлоқ» *uluş* ҳам дейилган.

Маҳмуд Кошғарий бу атаманинг маъносини яхши очиб берган. Унинг ёзишича: *uluş* – «қишлоқ» (чигилча). *Balasaγun* ва уларнинг юқори ёнидаги арғулилар тилида «шаҳар» демакдир. Шунинг учун *Balasaγun* шаҳри *Quzuluş* ҳам дейилади (ДЛТ, 38).

Quzuluş атоқли отидаги *qiz* «кунга терс жой», яъни «ғарб» деган маънони билдиради; *Quzuluş* – «ғарбдаги шаҳар» демак.

Қадимги *qiz* сўзи ҳозирги ўзбек тилида айрим сўзлар таркибида сақланиб қолган: *қузғай*, *қузғай ер* деймиз; бу «кунга терс; кун тушмас жой»ни билдиради.

Яйлов турмуш тарзи. Бундай турмуш тарзи қишлоқ ҳаёти билан узвий боғланиб кетади. У ўтроқ қишлоқ турмуш тарзидан фарқли ҳолда, асосан, чорвачилик, йилқичилик билан боғлиқ юмушларни ўз ичига олади. Чорвачи ва йилқичилар йилнинг иссиқ ва илиқ фаслларида тирикчиликни яйловларда ўтказар, қишда эса қишлоқларга қайтар эди. Табиийки, яйлов ҳаёти доим бир жойдан иккинчи жойга, яхши ўтлоқли яйловларга кўчиб юришни тақозо этган. Яйловликларнинг хотини, бола-чақаси ҳам ана шу тирикчиликка кўниккан.

Серяйлов ўлкаларда яшовчи халқларда бу доимий ва одатий ҳаёт тарзига айланган эди. Йирик-йирик уруғлар, ҳатто бутун бир қавмнинг ҳаёт тарзи ана шундай кечган.

Яйлов турмуш тарзи давлат ва жамият бошқарув тизимига ҳам таъсир этиб турган. Яйловларнинг ажойиб манзараси, иқлими, тиниқ сойлари хон ва бекларни доимо ўзига тортиб келган. Шундан келиб чиқиб

хон ва бекларнинг ёзги ўрдалари ҳам сувли ва баҳаво, тинч ерларга жойлашар эди. Айрим ҳолларда ёзги ўрда бир ердан бошқа ерга ҳам кўчиб турган. Тарих китобларида, хотиралар ва ҳужжатларда булар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўқиб қоламиз.

Жумладан, араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута Олтин Ўрдага қилган сафарини эслаб шундай ёзади: «Қароргоҳ турган жой (Сарой) га йўл олиб, рамазон ойининг биринчи куни у ерга етиб бордик. Бироқ бу жой бўм-бўш бўлгани учун яна келган жойимиз (Бештоғ)га қайтиб кетдик. Чунки қароргоҳ унга яқин жойга кўчган эди. Чодиримизни ўша ердаги бир тепалик устига қурдик. Бегона эканимизни билдириш учун чодир олдига байроқ тикдим. Отлар ва араваларни эса чодир орқасига жойлаштирдик. Сўнг улар «Ўрда» деб аташадиган жойга бордим. Қароргоҳ масжид ва бозорлари, халқи ва ошхоналари мўрисидадан осмону фалакка кўтарилаётган тутунлари билан кўчиб юрувчи шаҳар эди. Улар сафар асносида ҳам овқат пишира оладилар. Одамлар от-араваларда юришар эди. Кўзланган жойга борганларида чодирлар аравалар устидан туширилиб, ўша ерга ўрнатиладди. Чунки бу чодирлар кўтарса бўладиган даражада енгил эди. Масжид ва дўконларни ҳам худди шу тарзда зудлик билан тайёр ҳолга келтирар эдилар» (Ибн Баттута 2012, 333).

Туркий халқлар тарихида яйлов турмуш тарзи ҳам катта ўрин тутган. Шунга кўра, тил тарихида «яйлов» тушунчасини англатган сўзлар тизими ҳам шаклланган эди.

Қадимги туркий тилда «яйлов» маъносида *yaylay* сўзи ишлатилган; бу «ёзни ўтказадиган жой; ёзда туриладиган ер» демак (ДЛТ, 340).

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, бу атама *yaу*, яъни «ёз» сўзидан ясалган: *yaу+la+γ>yaуlay* (қаранг: ДЛТ, 18). Бу атама *qišlay* (<*qiš+la+γ*), яъни «қишни ўтказадиган жой» сўзига қарши маънони англатади. Яйловликлар қишни қишлоғда, ёзни эса яйловда ўтказганлар. Қорли-қировли кунлар келиши билан халқ қишлоққа кўчган. Қишни қишлаб, ёз кунлари бошланиши билан яйловларга чиқиб кетилган.

Туркий тил тарихида *yaу* сўзидан ясалган *yayladī* феъли ҳам ишлатилган, бу «ёзни ўтказди» дегани. Бунга Маҳмуд Кошғарий *er tayda yayladī* деган гапни мисол келтирган, бу «киши тоғда ёзлади, ёзни тоғда ўтказди» деганидир (ДЛТ, 428).

Ёзма ёдгорликларда кенг ишлатилган яйлов билан боғлиқ яна бир сўз *yazi* дир; маъноси «дашт; текислик; тузлик; кенглик» дегани. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *yazi* – «бўшлиқ, очиқ ер» (ДЛТ, 331).

«Таржумони туркий» луғатида туркча *yazi* сўзи арабчада «сахро» деб изоҳланган (КТТ. 5).

Тўнюкуқ битигида шундай келган: *Tiliy kälürti sabi antay: Yarıs yazıda on tümän sü tärilti, tär.* – «Гап-сўзини [яъни сирини] билиб келтирган хабари шундай: «Ярис даштида ўн туман [яъни юз минг] қўшин терилди», – дер (Топ. 36).

Кул тигин битигида Билга хоқон тилидан шундай дейилади: *İlgärü Şantuñ yazıqqa tägi sülädim, taluyqa kiçig tägmädim.* – «Шарққа – Шантунг даштига қадар қўшин тортдим, денгизга бир оз етмадим» (Ка. 3).

Ёзма ёдгорликларда «текислик; дала-туз; дашт» англамида **tüz** сўзи ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *tüz yer* – «тўғри ер, текис ер» (ДЛТ, 365).

Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида *tüz* сўзининг маънолари тўғрисида тўхталиб, «текис дашт»ни ҳам ана шундай аташларини таъкидлаган эди: *yana түз – «hamvār dašt»ni derlār* (МЛ, 37).

Қадимги туркий тилда қишлоқ, яйлов ҳаёт тарзи билан боғлиқ **yayliq** сўзи ҳам бўлган. *Yayliq* – «ёзлик уй-жой; эшик», яъни «чорбоғ» дегани. У «ёз» англамидаги *yaу* сўзига *-liq* қўшимчасини қўшиб ясалган: *yaу+liq>yayliq*.

«Сюань-цзан кечмиши» асарида: *Bu oq күn үzä öñi-(ö)ñi aqtarmış nomuу Ауayliğün бүtmiş orduta Edgün yaşayuluу atliğ yayliqqa eltgü(kä) ötüğçi bolti.* – «Ўша куниёқ бўлим-бўлим қилиб ўгирилган нўм (битиг)ни» ибодат ўрдасидан Эзгуликда яшагулик деб аталган чорбоққа ўтказишларини ўтиниб сўради» (СЦ. X. 5, 9 – 13).

Бу сўз *yaуlayу* шаклида ҳам ишлатилган. Битигларда *yaуlayу ordu* дейилади, бу сўз бирикмаси «ёзлик ўрда» маъносини билдиради. Масалан, «Сюань-цзан кечмиши» асарида: *Qaçan Samtso açari qaş çeçäklig o(rdu) yaуlayqqa tegip, хan birlä kör(üş)düktä, ertiñü ögirti, sewindi.* – «Самтсў устоз қош чечакли ёзлик ўрдага бориб, хон билан учрашганда беҳад кўнгли тўлди, севинди» (СЦ. VI. 36, 18 – 21).

Битигларда кечган *yaуlayу tay ordu* бирикмаси эса «ёзлик тоғ ўрда»ни англатади: ... *yaуlayу tay orduqа keldimiz.* – «... ёзлик тоғ ўрдага келдик» (СЦ. VI. 36, 24).

Жой отлари таркибида ҳам «яйлов; кенглик; дашт, текислик» компонентли сўзлар учраб туради. Масалан, *Дашти Қипчоқ* дейилади, бу жойлар қачонлардир қипчоқларга қарашли ерлар эди.

Ёки Тошкентнинг жануби-шарқ биқинида *Яланғоч* деган жой бор. Бунинг асли *яланғач* бўлиб, маъноси «яланглик; очиқ текис ер» дегани.

Шу сингари *Тузел* (бурунчилар бу жойни *Тузал* дерди) отининг маъноси ҳам «тузлик; текислик» деган тушунчани билдиради. Бу ҳам Тошкентнинг жануби-шарқ биқинида бўлиб, ҳозир у *Тузел қўрғони, Тузел қишлоғи* деб юритилади.

Яйлов халқининг ўзига яраша шевалари ҳам бўлган. Маҳмуд Кошғарий ўз асарида бунга тегишли мисолларни ҳам келтирган. Масалан, у ёзади: *at uxšadi* – «от ухлади». Бу сўз отга хосдир, бошқаларга қўлланилмайди. Бу сўз ямак, ябаку ва кўпчилик саҳролилар сўзидир (ДЛТ, 118).

Яйлов маданияти ва адабиёти. Яйлов турмуш тарзи тўғрисида сўз борганда яйлов халқларида ҳам ўзига яраша маданият, санъат ва адабиёт мавжуд бўлганлигини унутмаслик керак. Шуларга боғлиқ равишда «яйлов маданияти», «яйлов санъати», «яйлов адабиёти», «яйлов цивилизацияси» тушунчалари ҳам юзага чиқади.

Турмуш ва маданиятнинг бир қатор соҳаларида яйлов ҳаёти олдинги ўринларда турган. Айниқса, спорт беллашувларида яйлов етакчиликлари эди. Чавандозлик билан боғлиқ пойга, улоқ, кўпқари, қизқувди сингари беллашувлар яйловда ўтказилган. Яйлов куч ва жасорат, мардлик масканига айланган.

«Яйлов адабиёти» деганда яйловда яратилган халқ оғзаки ижоди – халқ дostonлари, халқ қўшиқлари, мақоллар, топишмоқлар, яйлов билан боғлиқ афсона ва ривоятлар тушунилади.

Яйлов адабиётида халқ оғзаки ижоди ниҳоятда ривожланган эди. Яйловда дostonчилик, халқ шеърляти юксак даражада эди. Жумладан, яйлов турмуш тарзигина ўзбек халқ оғзаки ижодида дostonчилик анъанасини сақлаб келганлигини тан олмоқ керак. Халқ дostonлари асосан яйлов адабиётининг маҳсулидир: улар яйловда яратилиб, яйлов адабиёти таъсирида сайқаллашиб, ғоявий-бадий жиҳатдан такомиллашиб келган. Яйлов ҳаёти, яйлов адабиётининг анъаналари бўлмаганида, халқ эпослари, ажойиб дostonлар аллақачон унутилиб кетган бўларди. Халқ бахшиларининг ижоди яйлов ҳаёти, турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетган.

Халқ дostonчилари, шоирларидан айримларининг оти ҳозир ҳам ишлатилади. Масалан, ўзбекларда *бахши*, қозоқларда *жиров* дейишадди. *Бахши* атамасининг асл маъноси «устоз; ўқитувчи; билимли киши» дегани. *Жиров* атамаси «шеър; қўшиқ» англамидаги *жир~йир* сўздан осалган бўлиб, «шеър айтувчи; қўшиқчи» деган маънони билдиради.

Халқ мақолларининг катта бир гуруҳи ҳам яйлов халқининг ҳаёт тажрибалари, кузатувлари туфайли яратилганига иккиланмаса ҳам бўлади. Улар яйлов ҳаётини кўрган, турмуш қийинчиликларини бошдан кечирган, кўпни кўрган донишмандларнинг ижод маҳсулидир. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий сўзлар маъносини очиб бериш учун келтирган халқ мақолларининг катта бир қисми яйлов турмуш тарзи, чорвачилик, йилқичилик, овчилик, айвонот дунёси билан боғлиқ.

Куйидаги отасўзларнинг мазмунига эътибор беринг:

Erkăc eti em bolur, ečkü eti yel bolur. Маъноси: «Таканинг эти эм бўлади, урғочи эчкининг эти ел бўлади» [Яъни: «Така гўшти даво бўлади, эчки эти қоринни дам қилади»] (ДЛТ, 51); *Tewäy münür qoy ara yašmas.* Маъноси: «Туя минган киши қўйлар орасида яширинолмайди». Маҳмуд Кошғарийнинг урғу беришича, бу мақол ошкор бўлиб қолган ишни сўнгра яширмоқчи бўлганларга нисбатан қўлланган (ДЛТ, 345).

Яйловда яратилган оғзаки адабиёт ота-боболардан қолган бадий ижод ва тил анъаналарини, халқнинг турмуш тарзини ўзида яхши сақлаб келганлиги билан ҳам аҳамиятли ва қадрлидир. Яйлов адабиёти намуналарини халқ ижодининг сара асарлари деса бўлади.

«Яйлов маданияти» деганда ўтов ёки чодир тикишдан тортиб яйлов халқи томонидан яратилган барча моддий маданият ёдгорликлари, яйловда ўтказилган маданий-спорт ўйинлари кўзда тутилади. Яйлов турмушида ишлатган буюмлар халқнинг маданий даражасини белгилаб туради.

Яйлов халқининг турмуш тарзи ўтов тикиш билан боғлиқдир. *Ўтов* сўзи ўтмишда *otay* шаклида ишлатилган.

Ўтовнинг ташқи ва ички кўриниши, бадий безакларига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий-бадий безаклари, ишланишига кўра туркий халқларнинг ўтовлари бир-биридан фарқланади. Масалан, ўзбек ўтовлари, қирғиз, қозоқ, туркман ўтовларининг ҳар бири ўзига яраша услуби, бадий безаклари билан ажралиб туради. Ўтмишда ҳам шундай. Уларда халқнинг миллий санъати, маданияти акс этиб турган.

Ўтов тикиш маданияти туркий халқларга ва мўғулларга хос. Бошқа шарқ халқларида ўтов йўқ, унинг ўрнида чодир тикилади.

Қизиқ бир мисол: «Девону луғати-т-турк»да *Otayqa öpkäläp, sükä sözlämädük* деган мақол бор. Маҳмуд Кошғарий бу мақолнинг маъноси «Чодирдаги ҳамроҳларидан хафа бўлиб аскарлар билан сўзлашмади» деб берган. Арабларда ўтов бўлмагани учун мақолда кечган *otay* сўзини таржимада «чодир» деган. Унинг урғулашича, бу мақол биров қилган бир ишдан аччиқланиб дўстларидан хафа бўлувчи, улар билан сўзлашмай қўювчи кишига қарата айтилган (ДЛТ, 395).

Туркий халқлар яйловда чодир тикиб ҳам яшаган. Масалан, хонлар, беклар сафарга, дам олишга ёки овга чиққанда, жангга отланганда яйловларда чодирлар тикилган. Чодир тикиш, уни безатиш ҳам катта бир санъат эди.

Ўтов билан чодир ишланишида ҳам фарқ қилади. Ўтов қалин кигиздан тикилади: қишда совуқдан, ёзда иссиқдан яхши сақлайди. Қишда ичига ўчоқ ҳам ўрнатилиб, иситилади; уни *otay* дейилгани ҳам шундан.

Чодир эса ёмғирчил, илиқ ва иссиқ кунларга ярайди.

Алишер Навоий «чодир»ни **aq üy** деган, форсчаси *xirgāh* бўлади. Навоийнинг ёзишича, туркий тилда чодирнинг жиҳозларига ҳам от қўйилган. Форсчада бундай отлар йўқлиги учун уларни туркча атаганлар. Муаллиф чодирнинг жиҳозларини ҳам бирма-бир санаб ўтади. Бу ҳақда у ёзади: *Bir muta'ayyin nimā-kim, aq üy dūr, aḡa xirgāh at qoyupturlar. Ammā aniḡ ajzāsiniḡ kōpini türk tili bilā ayturlar, andaḡ-ki, tūḡlūk-ü üzūk va torluḡ-u basruḡ va čīḡ-u qanat va kōzānāk-ü uwuḡ va bayīš-u bosaya va erkinā. 'Alā hāda-l-qiyās.* – «Бир аниқ нимаким, *aq üy* дир, унга *xirgāh* деб от қўйганлар. Аммо унинг бўлаklarининг кўпини туркча айтадилар, андоқки, *tūḡlūk-u üzūk* ва *torluḡ-u basruḡ* ва *čīḡ-u qanat* ва *kōzānāk-u uwuḡ* ва *bayīš-u bosaya* ва *erkinā* ва шу сингари» (МЛ, 38).

Навоий тилга олган *tūḡlūk, üzūk, torluḡ, basruḡ, čīḡ, qanat, kōzānāk, uwuḡ, bayīš, bosaya, erkinā* – буларнинг бари чодир (оқ уй)нинг жиҳозларидир.

Тошкентда Қўйлиққа кетаверишда *Оқуй* деган жой бор. Ўша ерлик кексаларнинг сўзига қараганда, бир пайтлар бу ер бўшлиқ бўлган экан. Фарғона, Қўқондан бу ерга ўзбек оилалари кўчириб келинган. Улар жой битгунча чодирлар тикиб яшаган эканлар. *Оқуй* оти ўшандан қолган дейишади.

Яйлов халқи бир ердан бошқа ерга кўчиб ўтишда аравалардан фойдаланган. Уларнинг аравалари ниҳоятда қулай ва сафар шароитига мослашган эди.

Араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута ўзининг «Саёҳатнома»сида Ўзбекхон давлати ҳақида ҳикоя қилар экан, шундай ёзади: «Улар араваларни «араба» деб аташаркан. Бу араваларнинг ҳар бирида тўрттадан катта ғилдирак бўлиб, уни иккита ёки ундан ҳам кўп отлар тортади. Шунингдек, араваларнинг оғир ёки енгиллигига қараб ҳўкизлар ёки туялар ҳам тортади. Аравакаш отлардан бирини эгарлаб миниб олади. Қўлидаги қамчиси билан отларни бошқариб боради. Отлар йўлдан чиққанда қўлидаги гаврон билан уларни йўлга солади. Араванинг устига бир-бирига ингичка қайишлар билан боғланган тахталардан чодирга ўхшаш жой қилинади. Бу енгил паноҳ бўлиб, усти кигиз ёки қалин мато билан ўралади. Бу чодирнинг тўр билан тўсилган деразалари ҳам бўлиб, ичида ўтирган киши ташқаридаги одамларни кўрса-да, уни ҳеч ким кўра олмайди. Арава ичида йўлда тўхтамасдан хоҳлаганча ухлаш, овқатланиш, ўқиш ва ёзиш мумкин. Ана шу турдаги араваларнинг оғир юклар (бойликлар), захира ва озиқ-овқатлар ташийдиганлари устида ҳам худди биз айтиб ўтгандек чодирлар қурилган бўлиб, улар эҳтиёт юзасидан қулфланади» (Ибн Баттута 2012, 326 – 327).

Туркларнинг турмуш тарзи билан яйлов, табиат шу қадар уйғунлашиб кетган эди. Уларда ҳатто турк мучал йиллари ҳам ҳайвон отлари билан аталган. Турклар ўн икки хил ҳайвон отидан келиб чиқиб ўн икки йилга от қўйганлар. Туғилиш, жанг тарихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблаганлар.

Ўтмишдаги яйлов турмуш тарзи ўзига яраша дунё эди. Унда маданият ва санъат, халқ оғзаки ижоди гуллаб-яшнаган. Муҳими, бу маданият яйловларда қолиб изсиз ўчиб кетгани йўқ. Кези келганда у шаҳар ва қишлоқ маданиятлари билан уйғунлашиб, туркий халқларнинг маданий такомили, унинг шарқ халқлари орасида юқори ўринларни эгаллашига имкон яратиб берди.

Яйлов турмуш тарзи қишлоқ ёки шаҳар ҳаётидан орқада қолган эмас. Кези келганда яйлов турмуш тарзи ҳам жамият ҳаётининг ажралмас бўлаги сифатида улуғ цивилизацияларга хизмат қилган.

Тоғлиқ аҳоли ва сув ёқаларида яшовчи халқнинг турмуш тарзи. Тоғлиқ аҳоли деганда Ўрта ва Марказий Осиёнинг қурама тоғ тизмалари, Тянь-шань тоғ тизмалари, Олтойнинг тоғли ўлкалари, Урал ва Кавказ тоғ тизмаларида, тоғ ёнбағирларида яшовчи халқлар тушунилади. Ўтмишда тоғлиқ аҳоли, асосан, овчилик, мевачилик, асалчилик сингари юмушлар билан кун кўрган.

Дарё, кўл ва денгиз ёқаларида яшовчи халқ деганда Каспий ва Орол, Қора денгиз ва Эгей ёқалари, Иссиқкўл, Балхаш бўйлари, Сирдарё ва Амударё, шунингдек, Олтойнинг Ила, Эртиш, Ямар, Кам сувлари, ҳозирги Мўғулистоннинг Ўрхун ўғуз, Хитойнинг Яшил ўғуз [яъни Хуанхе] ва шимолдаги Итил суви бўйларида яшаган халқлар, Дон ёқасида яшаб ўтган қипчоқларнинг турмуш тарзи кўзда тутилади. Бу халқлар асосан балиқчилик, тўр тўқувчилик, кемачилик, қайиқчилик билан кун кечирган. Бу ўлкаларда яшовчи халқ ҳали-ҳануз ўтмишдаги турмуш тарзини унутгани йўқ; ерли аҳоли ичида ана шу юмушлар билан шуғулланувчи жамоалар бор.

Туркий халқлар тарихида яратилган маданият ва санъат асарлари, бадий адабиёт, қолаверса, тилнинг луғат таркиби, бутун бир терминология ана шу турмуш тарзини ўзида акс эттирган.

Ўтмишдаги турли маданиятлар синкретизми туфайли туркий халқлар шарқ халқлари орасида етакчи ўринларда туриб, кишилик цивилизацияларига ўзининг муносиб улушини қўшиб келди.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЕЧГАН ЛИНГВО-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

Милоддан аввалги чоғларда ва илк ўрта асрларда Евросиёни боғлаб турган Буюк ипак йўли ушбу савдо йўлида жойлашган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши учунгина хизмат қилиб қолмай, дунё халқларининг маданий муносабатлари, тилларнинг ўзаро таъсири, адабий алоқаларга ҳам кенг йўл очиб берди. Айрим динларнинг кенг ёйилишига имкон яратди, билим ва қарашларнинг тарқалиши кишилик юзйилликлар оша тўплаган тажрибалар, илғор анъаналарнинг бир юртдан иккинчи юртга ўтишини, фалсафий фикрлар бирлигини таъминлади. Шу йўсин Буюк ипак йўли коммуникация вазифасини ўтаб, кишилик цивилизациясига йўл очиб берди.

Шарқ тилларининг ўзаро таъсири, адабий алоқалар ва шарқ халқларининг маданий муносабатлари тарихида ҳам Буюк ипак йўлининг ўрни бор. Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонликлари, кейинчалик унинг ўрнида юзага келган уйғур хоқонлиги ва давлатларида суғд, хитой тилларига айрича эътибор берилган.

Илк ўрта асрларда Буюк ипак йўлининг Каспий ёқаларидан бошлаб Узоқ Шарққача бўлган чизиғида халқаро мулоқот тили сифатида икки тил етакчилик қилар эди: буларнинг бири суғдча, иккинчиси эса эски туркий тилдир. Бунинг ўзига яраша тарихий, ижтимоий-сиёсий сабаблари мавжуд. Бу, биринчи галда, ана шу минтақадаги тил вазияти, ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ.

Маълумки, буддизмнинг Марказий Осиё халқлари орасида ёйилуви ва турғун бир динга айланувида суғдларнинг хизмати катта бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, илк ўрта асрларда суғд тили ва ёзувининг қўлланув доираси Суғд давлатидан чиқиб, Марв, Шимолий Бохтар ва улкан турк ўлкалари – Чоч воҳаси, Фарғона, Еттисув, ҳозирги Синжон ерлари ва Марказий Мўғулистонга қадар ёйилган эди. Бу, аввало, Ўрта ва Марказий Осиёдан ўтган савдо қарвон йўллари, хусусан, ипак йўлида турклар билан суғдларнинг биргаликда олиб борган фаолияти, шунингдек, уч диний оқим – буддизм, монийлик ва настурийликни ерли халқлар, жумладан, турклар орасида ёйиш йўлида олиб борган уринишлари билан боғлиқ. Динни ташвиқ қилувчиларнинг катта бир гуруҳи суғд жамоаларидан чиққан. Йирик қарвон йўлларида қатнайдиغان савдогарларнинг кўпи суғдлардан эди. Савдо йўлларининг ҳар жой-ҳар жойида савдо-сотик ишлари ва бошқа юмушлар билан бориб ўша ерларда қолиб кетган кишилардан тузилган суғд жамоалари яшаган.

Буюк ипак йўли ёқаларидан, савдо карвонлари қўниб ўтадиган қишлоқлардан кўплаб суғдча ёзма ёдгорликлар ҳам топилган. Суғдча ёзма ёдгорликларнинг асл эгалари суғдларнинг ўзи – савдогарлар, зиёратчилар, сайёҳлар ёки бирон сабаб билан ўша юртларга бориб қолган кишилардир. Бироқ ёдгорликлар орасида турк муҳитида турк жамоалари тарафидан яратилганлари ҳам бор.

Бунинг сингари омиллар ҳам кези келганда суғд тили мавқеининг ошишига туртки бериб турарди. Шу сингари ҳодисалар сабаб бўлиб суғд тили Буюк ипак йўлининг Марказий Осиёни кесиб ўтган чизигида ўзаро алоқа тилларидан бирига айланиб қолди.

Туркий тилнинг савдо йўлларида миллатлароро алоқа тилига айланишининг эса бошқа бир сабаби бор. Турклар бу кенг тупроқларда ёйилиб яшаган, бу ерларнинг катта бир қисми туркларнинг ҳукмронлиги остида бўлган. Турк хоқонликлари ва давлатларида расмий тил туркий тил эди. Хоқонларнинг ёрлиқлари, давлат тузуклари, йилнома ва тарихий битиглар, илмий ва бадий адабиёт туркийда яратилган. Ҳатто диний-фалсафий асарларнинг ҳам туркийга ўтирилганлиги айни минтақадаги тил вазияти билан ўлчанадн. Бу ерлардан ўтган карвон йўлларини сайёҳлар дейсизми, турклар билан борди-келдиси бор қўшни юртлар дейсизми, турк ҳукмдорлари билан муроса қилишга, минтақадаги тил вазияти билан келишишга мажбур эдилар. Қолаверса, турк хоқонларининг қўшни давлатлар билан ёзишмалари туркий тилда кечган.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *māšīn* ликлар ва *šīn* ликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши биладилар. Олимнинг яна таъкидлашича, уларнинг турклар билан ёзишмалари туркчадир (ДЛТ,25). Бу омиллар, ўз навбатида, карвон йўлларида эски туркий тилнинг мулоқот тили сифатида ишлатилишини таъминлаб берди.

Буюк ипак йўлида ўзаро муносабатларда, юрт ташқарисида олиб борилган савдо-сотиқ ишларида, борди-келди ва расмий-дипломатик муносабатларда хитой тили катта мавқега эришган дея олмаймиз. Шунга қарамай, хитой тили ижтимоий-сиёсий, маданий муносабатлар эткисида қадимги турк ва уйғур хоқонликлари даврида турк ўқимишли кишилари, зодагонлар орасида эътиборли бир тилга айланган эди. Турк ўқимишлилари, давлат арбоблари, ёзувчи ва тарихчилари орасида хитой тилини биладиганлар, хитойча йилномалар, илмий, тарихий-бадий, диний-фалсафий асарларни мутолаа қиладиганлар ҳам кўп эди. Шунингдек, турк зодагонлари ва ўқимишлилари ичида Хитойда билим олиб қайтганлар ҳам бўлган. Уларнинг кўпи турк давлатларида юқори лавозимларни эгаллаб турган. Ана шундай кишилардан бири Иккин-

чи кўк турк хоқонлиги даврида яшаб ўтган улуғ файласуф, тарихчи ва адиб, саркарда ва давлат арбоби Тўньюққидир. У Хитойда ҳам таниқли эди. Хитойлар уни Юанчжен деганлар.

Яна бир қирраси, қадимги турк давлатларида монументал матнларни битишда, туркий тил билан баробар, суғд, ора-чора, хитой тилидан ҳам фойдаланилган. Бунинг ёрқин мисолини 732 йили саркарда Кул тигин хотирасига тикланган ёдгорликда кўришимиз мумкин. Ёдгорликнинг тўртала юзида ёзуви бор: шарққа қараган юзи, икки ёнига кўк турк ҳарфлари билан туркий матн битилган; ғарбга қараган юзидаги матн эса хитойча (МТА, 26 – 29).

Ёдгорликдаги туркий матнни кўк турк адабиётининг йирик намояндаси, ёзувчи ва тарихнавис Йўлуғ тигин битган. Хитойча матннинг муаллифи эса хитой генерали Чангдир. Ушбу матнни у хитой императорининг кўрсатмасига кўра ёзган. Туркий битигда унинг оти *Čaŋ sāŋün* дея қайд этилади. Отига қўшилаётган *sāŋün* сўзи унинг ҳарбий унвони бўлиб, «генерал» англамидадир.

Орадан кўп вақт ўтмай, 735 йили Билга хоқон хотирасига тикланган ёдгорликда ҳам хитой тили эътибордан четда қолгани йўқ. Ушбу қабртошнинг шарққа қараган юзи ва икки ёнидаги матн туркий тилда. Ғарбга қараган юзида эса хитойча матннинг қолдиқлари бор (МТА, 73, 94 – 95). Бироқ тош парчаланиб кетгани учун хитойча ёзуви анча зарар кўрган.

Марказий Осиё минтақасида, хусусан, қадимги турк давлатларида уч тилли ёдгорликлар ҳам яратилган. Шулардан бири 3-Қорабалғасун битигидир. Тўқуз ўғуз (уйғур) хоқони Алп Билга хотирасига атаб 820 – 821 йилларда ўрнатилган ушбу ёдгорликнинг матни уч тилда: туркий, суғдча ва хитойчада (МТА, 222 – 226).

Кўринадики, турк муҳиtida монументал матнларни бир йўла нуфузли тилларнинг бир нечасида битиш анъанаси илк ўрта асрларда узоқ давом этган.

Буюк ипак йўли туфайли Осиё халқлари орасида кенг ёйилган динлардан бири буддизмдир. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда юз берган маданий эврилишлар буддизмнинг тарихи билан боғланади. Буддизм қадимги Ҳиндистондан Ўрта Осиёга кириб келгач, Буюк ипак йўлига тушиб олди ва бу имконият унинг келгуси такомиллини белгилаб берди. Унинг бошқа мамлакатларга кириб бориши ва қудратли бир динга айланишида Буюк ипак йўлининг аҳамияти каттадир.

Буддизм Буюк ипак йўли орқали Ўрта Осиёдан Хитойга ўтди, у ердан Осиёнинг бошқа элларига ёйилди. Буддизмнинг кейинги такомиллида унинг илқин йўли, Ўрта Осиё орқали ўтганлигининг таъсири бор.

Марказий Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихида ҳам Буюк ипак йўлининг таъсири катта. Буни милоддан аввалги чоғларда ва илк ўрта асрларда амал қилган ёзувлар, айниқса, оромий ёзув тармоғининг тарихий такомилда, бу тизимга кирувчи ёзувларнинг юзага келишида яққол кузатишимиз мумкин. Оромий тизимидаги ёзувларнинг тарихий такомил, бу тармоқнинг Марказий Осиё бўйлаб ёйилуви ҳам бевосита ипак йўли ва унинг эткисида юзага келган ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнлар билан боғлиқдир. Марказий Осиё халқлари орасида кечган ижтимоий-сиёсий, маданий муносабатлар, савдо алоқалари туфайли оромий ёзуви кенг қулоч ёйди. Милоддан аввалги юзйилликлардаёқ ерли халқлар оромий алифбоси негизида ўз тилларининг фонетик қолипига тушадиган янги ёзувларни ярата бошладилар. Авеста, қадимги хоразмий, суғд, моний ёзувлари (Исхаков 2008,) оромий алифбоси негизида юзага келган ана шундай миллий ёзувлардан эди. Кейинчалик бу тизим янги бир ёзув билан бойиди: тахминан V – VI юзйилликларда (ундан бурунроқ ҳам бўлиши мумкин) кунимизда «уйғур ёзуви» деб атаётган қадимги турк алифбоси шаклланди.

Фанда уйғур хати суғд алифбоси негизида юзага келган деб қаралади. Шундайми ёки у тўғридан-тўғри оромий алифбосидан тармоқ отганми, келгусида янги кўзқарашлар ўртага ташланса ажабмас. Нима бўлганда ҳам, турклар бу ёзувни яратишда суғдларнинг оромий ёзувини ўзлаштиришдаги амалий тажрибаларидан фойдалангани аниқ.

Уйғур ёзувининг юзага келиш тарихини муайян давр ёки бирон-бир ёзма ёдгорликка боғлаб бўлмайди. Унинг шаклланиши деганда Буюк ипак йўлидаги халқларнинг маданий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари таъсирида ёзув амалиётида юз берган ўзгаришларни, оромий алифбосининг туркчалашувини тушунмоқ керак. Бу жараён бир алифбонинг бошқа бир тилнинг фонетик тизимига механик равишда мослашуви ҳам эмас. У узоқ тарихий ва график тараққиёт босқичини ўз ичига олади.

Уйғур хати мустақил алифбо сифатида ўз тараққиёт йўлини бошлагандан кейин ҳам узоқ давр мобайнида оромий тизимидаги бошқа ёзувлар, хусусан, суғд хати билан ёнма-ён қўлланилган. Иккала ёзув ҳам бу даврда бир-бири билан яқин боғланишда бўлиб, бунинг таъсирида ўзларининг график такомил чўққисига кўтарилди. Қизиғи шундаки, сўнгги босқич суғд хатида битилган матнлар палеографик жиҳатдан уйғур хатига яқин туради. Шунингдек, кейинги даврларнинг суғдча матнларида уйғур хатига хос бўлган ёзув хусусиятларини кузатишимиз мумкин. Бундай ҳодиса ёзувлар тарихида учрайвермайди. У суғд тили ҳамда ёзувининг туркий тиллар таъсирида янги босқичга кирганлиги билан белгиланади. Демак, қадимги турклар ўз ёзув амалиётида бошда суғдлардан

фойдаланган бўлсалар, кейинчалик акс таъсир жараёни юз берган: суғдлар туркларнинг ёзув яратишдаги тажрибаларидан фойдаланган.

Муҳими, оромий тизимидаги ёзувларнинг тарихий тараққиёти уйғур ёзуви билан тўхтаб қолгани йўқ. Уйғур хати Марказий Осиёда амал қилган бошқа ёзувларнинг шаклланишига ҳам асос бўлган. Чингизхон замонага келиб мўғуллар уйғур хати негизида ўз ёзувларини яратдилар. Фанда бу ёзув «мўғул хати» деб аталади. Кейинчалик эса мўғул хатидан манжур ёзуви, унинг асосида эса мутахассисларнинг эътироф этишича, корейс ёзуви келиб чиққан (Исхаков 2008₂). Демак, оромий ёзув тизимининг тармоқ отишида, хусусан, оромий алифбосидан манжур ёзувигача (бундан ўтиб корейс алифбосигача?) бўлган тарихий тараққиётида Буюк ипак йўли ва унинг таъсирида юзага келган маданий жараёнларнинг ўрни каттадир.

Буюк ипак йўли узра буддизмнинг ёйилиши шарқ халқларининг маданий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини ҳам таъминлаб берди. Буни қадимги хитой-турк маданий муносабатлари, адабий алоқаларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Диний-фалсафий қарашлар, маданият, бадий адабиётда кечган жараёнлар қадимги туркий тил луғат таркибининг янги атамалар билан бойишига имкон берди. Хитой тилидан диний ва фалсафий тушунчаларни англатувчи сўзлар, буддизм санъати, маданияти, адабиётшунослик, китобат иши ва фаннинг айрим соҳаларига тегишли атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади.

Хитой тилидан ўгирилган асарларда хитойча ўзлашмаларнинг ҳам кўп учраши табиий. Таржимонлар ушбу ўзлашмаларни бошқа туркий сўзларга синоним сифатида қўллаганлар. Шунингдек, матн услубини сақлаш, хитойларга хос тушунчаларни аслидай бериш истагида ҳам шундай йўл тутилган. Масалан, хитойчадан ўзлашган *varši* сўзи «устоз, ўқитувчи»ни билдиради (хитойчаси *faši*). Ёки айни маънода *tauši* (хитойчаси *daši*) сўзи ҳам қўлланилган. Қизиғи шундаки, бу сўзлар моний матнларида ёки тоҳар тилидан ўгирилган будда ёдгорликларида учрамайди.

Илк ўрта асрларда маданий, фалсафий ва диний қарашлар, адабий алоқалар натижасида қадимги туркий тилга хитойча сўзларнинг бутун бир қатлами ўзлашган эди. Худди шу сингари ўша кезларда хитой тилига ҳам туркий тилдан кўплаб атамалар ўтгани маълум.

Шундай қилиб, Буюк ипак йўли Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг маданий ҳаёти, ёзув маданиятига, шарқ тилларининг ривожига, диний қарашлар тарихига катта таъсир кўрсатди. Фалсафий фикрлар бирлигини таъминлаб берди. Ўрта асрларда Марказий Осиёда юз берган улуғ юксалишларда унинг таъсири оз эмаслигини унутмаслик керак.

ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТИЛ ВАЗИЯТИ

VI – VIII юзйилликларда бир чегараси Олтойдан тортиб марказий Мўғулистонга қадар, иккинчи ёғи Синжон ерларидан тортиб Каспийга қадар улкан ҳудудда амал қилган Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонликларининг расмий тили туркий тил эди. Салтанатнинг давлат ва жамият бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлари, расмий ёзишмалар туркий тилда олиб борилган. Расман кўк турк ёзуви амалда бўлган. Бадиий адабиёт, илмий ва тарихий асарлар, хонларнинг тузуклари, ёрлиқлари ва чет эллар билан ёзишмалари туркий тилда ва кўк турк ёзувида битилган.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий тилнинг илк ўрта асрлардаги обрў-эътибори, бошқа тиллар ўртасидаги мавқеи, Ўрта ва Марказий Осиёдаги тил вазияти тўғрисида тўла маълумот берган эди. У туркий тилнинг Шарқ дунёсидаги мавқеи хусусида тўхталиб, уни «араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб ўзиб бораётган турк тили» дея улуғлаган (ДЛТ, 15).

Турк бўлмаган жамоаларнинг турк тилини ўрганиши кераклиги хусусида ёзади: «Уларнинг [туркларнинг] ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва муносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар.

Ишончли бир бухоролик олимдан ва нишопурлик бошқа бир ишончли олимдан шундай эшитган эдим, улар бу сўзни Пайғамбар алайҳиссаломга нисбат бериб айтган эдилар: Пайғамбар алайҳиссалом қиёматнинг белгилари, охирзамон фитналари ва ўғуз туркларининг хуружи ҳақида гапирганда шундай деган эди: «Турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади».

Ҳадиснинг тўғри ёки тўғри эмаслигининг жавобгарлиги айтган кишилар бўйнига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш вожиб (зарур) дир; ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам, уни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қилади» (ДЛТ, 14).

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида туркий қавмларнинг ерлашуви, бу ўлкалардаги халқларнинг тиллари тўғрисида ҳам кенг маълумот беради.

Асарда таъкидланишича, *Rūm* га яқин биринчи қабила *pāčānāk*, сўнг *qīwčaq*, сўнг *oγuz*, сўнг *yāmāk*, сўнг *bašyirt*, сўнг *basmil*, сўнг *qay*, сўнг

yabaqi, сўнг *tatar*, сўнг *qirqiz* келади. *Qirqiz* лар *Şin* яқинидадирлар. Бу қабилалар ҳаммаси *Rūm* дан кунчиқаргача чўзилгандир.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида Ер юзи харитасини ҳам келтирган. Ушбу харитада юқорида тилга олинган юртлар ғарбдан шарққа томон чўзилган.

Муаллиф яна давом этади: Сўнг *čigil*, сўнг *tuxsi*, сўнг *yağma*, сўнг *iyraq*, сўнг *čaruq*, сўнг *čutul*, сўнг *ууур*, сўнг *tañut*, сўнг *xitay*. *Xitay Şin* дир. Сўнгра *Tawyač*; бу *Māşin* дир (ДЛТ, 24).

«Девону луғати-т-турк» асарига киритилган харитада бу қабилаларнинг юртлари жануб билан шимол ўртасида берилган.

Турк элларининг чегаралари тўғрисида ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қарашлари бор. Чунончи, у *Qaz* атоқли отига изоҳ берар экан, ёзади:

«*Qaz – Afrāsiyāb* қизининг оти. *Qazvin* шаҳрини у қурган. Бу сўзнинг асли *qaz oyni* – «ғоз ўйналадиган жой» демақдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар *Qazvin* ни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, *Qum* шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки *qum* туркча сўздир. *Afrāsiyāb* нинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк ўлкалари *Marvaš-šāhijān* дан бошланишини сўзлайдилар. Чунки *Qaz* нинг отаси *Toña Alp er – Afrāsiyāb* дир. У Таҳмурасдан уч юз йил кейин *Marv* ни бино қилган.

Баъзилар бутун *Māvarāu-n-nahr* ни турк ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У *Yenkānd* дан бошланади. Унинг яна бир оти *Dizrutin* дир. Яъни сариклигига ишора қилиб «Мис шаҳри» дейишган. Бу *Buxārā* га яқиндир. Бу ерда *Afrāsiyāb* нинг қизи – *Qaz* нинг эри *Siyavuš* ўлдирилган. Мажусий-оташпарастлар ҳар йили бир кун бу ерга келиб, *Siyavuš* бўлган жой те-варагида йиғлайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиладилар. Сўйилган мол қонини унинг мозори тепасига тўкадилар. Уларнинг одати шундай. Бутун *Māvarāu-n-nahr*, *Yenkānd* дан шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, *Samarqand* аслида *Semizkānd*, *Taşkānd* бу – *Šaš* дир, *Özkānd*, *Tunkānd* отларининг ҳаммаси туркчадир; *kānd* туркча «шаҳар» демақдир. Улар бу шаҳарларни қуришган ва шундай отлар билан аташган. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгач, сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган. Ҳозир турк ўлкаларининг чегараси *Ābisgün* денгизи билан ўралган. *Rūm* ўлкасидан ва *Özjānd* дан *Şin* гача чўзилади. Узунлиги беш минг фарсах, эни уч минг фарсах, ҳаммаси саккиз минг фарсахдир» (ДЛТ, 374).

Маҳмуд Кошғарийнинг «Бутун *Māvarāu-n-nahr*, *Yenkānd* дан шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, *Samarqand* аслида *Semizkānd*, *Taşkānd* бу – *Šaš* дир, *Özkānd*, *Tunkānd* отларининг ҳаммаси туркчадир; *kānd* туркча «шаҳар» демақдир. Улар бу

шаҳарларни қуришган ва шундай отлар билан аташган. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгач, сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган» деган маълумотлари Мовароуннаҳрнинг санаб ўтилган ўлкалари турклар томонидан бунёд этилгани, жой отлари бошлаб туркийда бўлиб, кейинчалик форсча атаб кетилганлигидан далолат беради (Қадимги *Yinčü ögüz* кейинчалик *Сурдарё, Keš (~Käš) Шаҳрисабз* деб атаб кетилганлиги бунга ёрқин мисолдир).

Марказий Осиё халқларида билингвизм. VI – VIII юзйилликларда бир ёғи Олтойдан тортиб ҳозирги Мўғулистон тупроқларини қамраган, иккинчи ёғи Синжондан Каспийга қадар улкан ҳудудда ҳукмронлик қилган Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликларининг давлат тили туркий тил, расмий ёзув эса кўк турк хати эди. Хоқонликларнинг давлат ва жамият бошқаруви, чет эллар билан кечган халқаро дипломатик муносабатлари, расмий ёзишмалари туркий тилда ва кўк турк ёзувида олиб борилган. Туркий тил ҳатто Буюк ипак йўли бўйлаб халқаро тил сифатида ҳам қўлланилар эди. Кейинчалик хоқонликлар ўрнида юзага келган туркий давлатларда ҳам адабий тил анъанаси сақланди.

Кўк турк хоқонликларининг айрим ўлкаларида, хоқонликқа қўшни юртларда, турклар билан аралаш яшайдиган бошқа қавмлар ичида ерли халқ эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда иккитиллилик ҳам амал қилган. Лекин бу ўлкаларда қўштиллилик (билингвизм) ҳодисаси ялпи ёйилган эмас, у айрим ҳудудлар билан чегараланган эди, холос. Масалан, Суғдда ва хоқонлик ҳудудидаги суғдлар кўчиб келиб ўрнашган айрим кентларда суғд-турк қўштиллилиги, қадимги Тохаристон ва ҳозирги Синжон бўйлаб чўзилган ипак йўлидаги айрим кент ва қишлоқларда тохар-турк, Хоразм тупроқларида эса хоразм-турк қўштиллилиги амал қилган дея оламиз (қаранг: Содиқов 2006, 43 – 48). Қадимги тил вазиятида қўштиллилик тўғрисида сўз юритилиб, унинг доирасини ўрганганда режани ана шунга қараб тортиш керак бўлади.

Лекин шу ўринда матн кўптиллилиги (бу ерда икки тилли, уч тилли эпиграфик ёдгорликлар назарда тутилаётир) билан жамоа орасидаги билингвизм ҳодисасини қориштирмаслик керак.

Қадимги хоразм-турк қўштиллилиги устида сўз юритилаётганининг сабаби, кўҳна Хоразм тупроқларида икки халқ аралаш яшаган: бири хоразм тилида сўзлашувчилар, иккинчиси эса туркий қавмлардир. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида Хоразм ўлкасида яшовчи туркларни *köčüt* деб атаган эди. Унинг ёзишича: «*köčüt – Xvārazm* да турувчи турклар»дир (ДЛТ, 144). Кейинчалик бу ҳудудда хоразм тилининг мавқеи торайиб, аста-секин истеъмолдан чиқа бошлади.

Ҳозирги ўзбек-хоразм шеваларининг луғат қатламида, шунингдек, Хоразм ўлкасидаги, Қорақалпоғистондаги жой ва сув отларининг айримларида қадимги хоразм тилига тегишли сўзлар сақланиб қолган.

XI юзйилликда яшаб ўтган тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *Balasaḡun*, *Ṭīrāz*, *Madīnatu-l-bayḡa* шаҳарларининг халқлари суғдча ва туркча сўзлаганлар (ДЛТ, 25).

Ушбу факт икки масалага эътибор қаратишни тақазо этади: биринчидан, бу ўринда шу ўлкаларда икки тилда сўзлашувчи икки халқ яшаганлиги; иккинчидан, бу ўлка халқларининг (*suḡdaq*, *kānčāk*, *aḡu* ларнинг) икки тилда сўзлашганлиги кўзда тутилмоқда.

Маълумки, кўк турк, уйғур хоқонликлари ва қорахонийлар даврида бу ўлкаларда турклар билан бирга бошқа юртдан келиб ўрнашиб қолган суғдлар ҳам яшар эди. Ёзма манбаларда ана шу келиб ўрнашган халқлардаги иккитиллилик тўғрисида сўз боради. Масалан, Маҳмуд Кошғарий *suḡdaq* (яъни суғд) халқини икки тилда сўзлашувчилар деб таъкидлаганда (ДЛТ, 25) туркларнинг эмас, суғдларнинг икки тилли эканлигини кўзда тутган эди.

Маҳмуд Кошғарий юзйилликлар оша Марказий Осиё тупроғида яшаб келган этник гуруҳлар ва уларнинг тиллари тўғрисида ҳам аниқ-тиниқ маълумотлар келтирган. Жумладан, у мазкур ўлкаларда яшовчи *suḡdaq*, *kānčāk*, *aḡu* ларни «икки тилда сўзлашувчилар» дея таъкидлайди. Унинг ёзишича, *xotan* ликлар, *tūpūt* лар ва *taḡut* ларнинг баъзилари каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузқлик бор. Булар бу ерларга сўнгроқ келишган (ДЛТ, 25).

Кошғарий тибетлар ва хўтанликлар тўғрисида сўз юритади. Унинг урғулашича, *tūpūt* ларнинг тиллари алоҳида. Шунингдек, *xotan* ликларнинг ҳам айрим ёзувлари ва айрим тиллари бор. *Tūpūt* лар ҳам, *xotan* ликлар ҳам туркчани яхши билмайдилар (ДЛТ, 25).

Кўк турк, уйғур хоқонликлари ва қорахонийлар даврида Баласағун халқи икки тилли эди. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *balasaḡun* ликлар суғдча ва туркча сўзлаганлар (ДЛТ, 25).

Баласағун халқи икки тилли эканлигининг боиси, бу ерда турклар билан бирга суғдлар ҳам яшаган. Қорахонийлар даврига келиб бу ердаги суғдларнинг турклашув жараёни юз бера бошлаган кўринади. Маҳмуд Кошғарий *suḡdaq* (яъни «суғд») этнонимига изоҳ бера туриб: «*Suḡdaq* – *Balasaḡun* да жойлашган бир қавм. Улар *Samarqand* ва *Buxārā* ўртасидаги *Suḡd* дан бўлиб, кейин турклашиб кетган кишилар», – деб ёзган эди (ДЛТ, 187).

Олим кошғарликлар тўғрисида маълумот берар экан, «*Kāšḡar* да канчакча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар «хо-

қония туркчаси»да сўзлайдилар», – деб ёзади (ДЛТ, 25). Бундан англашиладики, Кошғар теварагида канчаклар яшайдиган қишлоқлар ҳам бўлган ва улар икки тилли эди. Шаҳар ичидагилар эса туркий адабий тилда («хоқоний туркчаси»да) сўзлаганлар.

Муҳими шундаки, Маҳмуд Кошғарий *kānčāk* ларни туркларнинг бир тоифаси деб таърифлайди (ДЛТ, 190). Шунга кўра, девонда ишлатилган «канчакча» атамасига туркий шеваларнинг бири деб қараш мумкин.

«Девону луғати-т-турк»да *Уууур* мамлакати ва унинг эли тўғрисида ҳам кенг маълумот берилган. Маҳмуд Кошғарийга кўра, *Уууур ду-л-қарнаун* турк шоҳи билан сулҳ қилганда қурган беш шаҳарли вилоят исмидир. Унинг ёзишича, Уйғур вилоятида бешта шаҳар бўлиб, у ернинг аҳолиси ғирт кофирлар ва ниҳоят моҳир отувчилардир. У шаҳарларни *ду-л-қарнаун* бино қилган. (Булар:) *Sülmi*, сўнг *Qoči*, сўнг *Čanbaliq*, сўнг *Bešbaliq*, сўнг *Yañibaliq* шаҳарларидир (ДЛТ, 57).

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган харитада бу ўлка *Bilādu Uууур* деб қайд этилган.

Маҳмуд Кошғарий бу ўлка халқининг тили ва ёзув маданияти ҳақида ҳам маълумот берган. У ёзади: «*Уууур* ларнинг тили соф туркчадир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа бир шевалари ҳам бор. Ёзувда китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарfli туркча ёзувни қўллайдилар, хатларини шу ёзув билан ёзадилар. *Уууур* ларнинг *šin* ликларникига ўхшайдиган яна бир хил ёзуви ҳам бор. Китобларини, идора ишларини у хат билан юритадилар. *Šin* ликлар ва мусулмон бўлмаганлардан бошқалар у хатни ўқий олмайдилар» (ДЛТ, 25).

Маҳмуд Кошғарий «*уууур* ларнинг *šin* ликларникига ўхшайдиган яна бир хил ёзуви ҳам бор» деганда, ҳар қалай, кўк турк ёзувини назарда тутган кўринади. Маҳмуд Кошғарий уйғур ёзувини яхши билган, туркча хат-саводи ана шу ёзувда чиққан; ўз асарида бу ёзув тўғрисида маълумот ҳам берган. Лекин кўк турк хатини нечоғлик билгани номаълум. Нима бўлганда ҳам, мусулмон бўлмаган турклар ишлатаётган ёзувлардан унинг хабари бор.

Кўк турк ёзуви бу чоғларда мусулмонларда унутилиб, турк-будда ва моний жамоаларида сақланган эди. Моний жамоалари тарафидан кўк турк хатида битилган «Ирқ битиги», шунингдек, қоғоз парчалари ҳам айтарли ўша замонлардан қолган.

Маҳмуд Кошғарий *Qoči* ни уйғурлар вилоятидаги бир шаҳар сифатида келтирган (ДЛТ, 57).

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган харитада ҳам уйғур шаҳарлари бир чизиқ бўйлаб жойлашган. Ушбу харитада кўрсатилишича, бу вилоят жанубдан *Kičä*, шарқий томондан *Kemi Talas* билан чегараланади.

Бунинг баёни асарда яхши берилган. Чунончи, Маҳмуд Кошғарий *Kiĉĉa* ҳақида ёзиб, уни уйғурлар ҳудудидаги шаҳар (ДЛТ, 162), *Kemi Talas* ни эса мусулмонлар ҳудудидаги шаҳар деб таъкидлайди (ДЛТ, 147).

Олтин Ўрда давлатида тил вазияти. XIII – XIV юзйилликларда мўғулнинг ўз улусида расмий давлат тили мўғулча эди. Чингизхон даврида мўғуллар илк бор ўз давлатини қурди, кейин бу давлат кучли салтанатга айланди. Бунга қадар бу ерлар кўк турк хоқонликлари, сўнг уйғур хоқонликларига қарашли ўлка эди. Мўғуллар эса турк давлатлари қарамоғидаги, унинг ичидаги бир қавм сифатида (асосан *tatar*, *moʻyul* аталари билан) яшаб келган. Чингизхоннинг буйруғи билан мўғул хати яратилди, ёзувни улар турклар (уйғурлар)дан олди. Бу даврда мўғул адабий тилига асос солинди, адабий тилнинг расмий услублари ишлаб чиқилди. Фикримизни XIII асрда яшаб ўтган европалик сайёҳ Гильом Рубрикнинг ёзмалари ҳам далиллаши мумкин. Сайёҳ ўз эсдаликларида ёзишича, мўғуллар ёзувни уйғурлардан (турклардан) олган, саройларида уйғурлар котиблик қилган, ўзларининг мўғулча ёрлиқларини уйғур хатида битганлар (Григорьев 1981, 81 – 82). Мўғул тили Чингизхон замонида давлат тили мақомини олди ва мамлакатнинг ички ҳамда халқаро муносабатларида етакчи ўринга чиқди.

Бироқ чингизийлар қўл остидаги элларнинг, хусусан, Олтин Ўрда давлати (Жўжи улуси)нинг расмий тили қай тил бўлганлиги фанда турли баҳсларга олиб келмоқда. Гап шундаки, туркий халқлар тарихида чуқур из қолдирган Олтин Ўрда давлатида битилган расмий ҳужжатлар оз қолган.

Мўғул хонларининг салтанатнинг илк даврларидан қолган давлат миқёсидаги ва чет эллар билан олиб борган бир қанча ёзишмаларига таяниб А.П.Григорьев XIII – XIV юзйилликларда (1380 йилга қадар) Олтин Ўрда давлатида расмий тил мўғул тили эди деган фикрни билдиради (Григорьев 1981). Бироқ ўша замонлардан қолган туркий ёдгорликлар, ўша давр тарихчиларининг ёзмалари ва улардаги аниқ-тиниқ қайдлар бу хулосани тамом инкор этмоқда.

Олтин Ўрда давлатида қисман мўғул тилининг ҳам амал қилганлигини эътироф этмоқ лозим. Бунга Волгабўйидан топилган XIV асрдан қолган ёдгорликни мисол келтириш мумкин. Қўлёзма уйғур хатида ёзилган бўлиб, матннинг катта қисми мўғул тилида, кичикроқ бўлаги эса туркийда. Бундан бошқа ҳам уйғур хати билан мўғул тилида битилган расмий ҳужжатлар маълум. Афтидан, мўғул зодагонлари ўз саройларида, уй ичида (тор доирада) мўғулча сўзлашганлар. Ҳатто Ботухон даврида (1227 – 1255) расмий ёзишмалар ҳам мўғулча олиб борилганлиги тўғ-

рисиди маълумотлар бор. Лекин бу ҳодисани Олтин Ўрда давлатининг расмий тили мўғулча эди деб тушунмаслик керак.

Тарихий манбалардан маълумки, XIII асрда дунё юзини кўрган мўғул салтанатига қарам ўлкалар туркларнинг асл юрти бўлган. Салтанат чоғида ҳам бу ерларда турклар яшаган. Мўғул задагонлари бошда давлат ишларини мўғул тилида олиб боришга уриниб кўрдилар. Бунинг имкони бўлмагач, расмий ишларни туркийда олиб боришга мажбур бўлдилар. Ҳатто мўғул зодагонлари орасида исломни қабул қилганлари ҳам бўлди.

Машҳур сайёҳ Ибн Баттута саёҳатномасида турк ўлкаларига келиб қолган татарлар (мўғуллар)нинг ислом динини қабул қилганлигини тасдиқловчи далиллар бор. Чунончи, у Самарқанддан ташқаридаги Қусам ибн Аббос ибн Абдул-Мутталиб муқаддас зиёратгоҳи тўғрисида ёза туриб таъкидлайди: «Татарлар ҳам қабрни зиёрат этиш учун келиб, кўплаб пул садақа қиладилар, сугир ва қўйларини қурбонликка олиб келадилар, дирҳам ва диноҳ эҳсон этадилар. ... Татарлар ҳали оташпараст эканликларида ҳам мана шу муқаддас мақбарага тегмаганлар, ҳатто унинг кароматларига гувоҳ бўлиб сиғина бошлаганлар» (Ибн Баттута 2012, 378).

Олтин Ўрдада давлат ишлари, ички ва расмий муносабатлар, халқаро дипломатик алоқалар асосан туркийда юритилган. Бунга Тўхтамишхоннинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган уйғур ёзувли ёрлиғи, Темур Қутлуғнинг 1397 йили уйғур хати билан битилган ёрлиғи мисол бўла олади.

XIV – XV юзйилликларда Хоразм адабий муҳитида «чиғатой туркчаси»да ёзилган бадий асарлар ҳам Олтин Ўрда тил вазияти тўғрисидаги кўзқарашларга ойдинлик киритади. Хоразм шоирлари қадимги турк адабиёти ва тили анъаналарини сақлаган ҳолда туркий тилда ижод этганлар. Муҳими шундаки, Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган асарларнинг бари «чиғатой туркчаси»дадир. Бу ҳодиса «чиғатой улуси» ва Олтин Ўрда, қолаверса, мўғуллар қарамоғидаги барча турк ўлкаларида умумий бўлган адабий тил амал қилганидан далолат беради. Носируддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асари, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» достони Олтин Ўрда (Хоразм) адабий мактабининг қимматли намуналаридир.

Қутбнинг «Хусрав-у Ширин» достони ҳам Олтин Ўрда адабиёти ва адабий тилининг ёрқин намуналаридан. Маҳмуд бин Али бин ас-Саройининг «Наҳжу-л-фарадис» асари ҳам айна мактаб таъсирида юзага келди. Асар 1357 – 1358 йили Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой шаҳрида битилган.

Демак, ёзма манбалар, Олтин Ўрда адабий муҳитидан қолган ўнлаб бадиий асарлар, ўша замонлардан қолган тарихий асарлардаги маълумотларга таяниб XIII – XIV юзйилликларда Олтин Ўрда давлатининг расмий тили туркий тил, ёзуви эса уйғур ва араб хатлари эди деган қатъий хулосага келиш мумкин.

Ўрта Осиёнинг мўғул истилоси даври тарихини ўрганишда XIV асрнинг биринчи ярмида ўтган машҳур тарихчи сайёх Ибн Баттутанинг «Тухфату-н-нуззар фи ғаройибу-л-амсор ва ажойибу-л-асфор» деган саёҳатномаси катта ўрин тутати. Сайёхнинг Ўрта Осиёга саёҳати Тармаширин ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Мовароуннаҳр султони Алоуддин Тармаширин ҳақида Ибн Баттута шундай маълумот беради: «У қудратли ҳукмдор, қўшини ҳам ниҳоятда кўп бўлиб, жуда катта мамлакат устидан ҳукмрон, ўзи бақувват ва адолатли одам. Мамлақати жаҳоннинг тўрт улуғ подшоси: Хитой подшоси, Ҳиндистон подшоси, Ироқ подшоси ва Ўзбекхон мулклари ўртасида жойлашган. Ҳамма Тармашириндан қўрқиб уни иззат-ҳурмат қилади. У мамлакатни ўз биродари ал-Жакатойдан кейин қўлга олган. Ушбу ал-Жакатой эса оташпараст бўлиб, тахтга катта акаси Кабакдан кейин ўтирган. Кабак ҳам ғайридин, аммо ўз раиятига адолатли, мусулмонларни ҳурмат қиладиган киши бўлган» (Ибн Баттута 2012, 369 – 370).

Ибн Баттута султон Алоуддин Тармаширин билан бўлган учрашувида ҳукмдорнинг туркий тилда сўрашганини таъкидлайди. У ёзади: «Мен у ерда «Ўрду» деб аталадиган қароргоҳда бир неча кун туриб қолдим. Бир кун одатдагидек масжидга кириб, бомдод намозини ўқидим. Намоз тугагач, кимдир менга султон ҳам шу масжидда эканлигини айтди. Мен ўрнимдан туриб, унга салом бериш учун яқинига бордим. Шайх Ҳасан ва фақиҳ Ҳисомуддину-л-Ёғий султонга менинг тўғримда, бу ерга бир неча кун муқаддам келганлигим ҳақида сўзлаб беришди. Султон менга туркий тилда мурожаат қилди: «Хушмисан, яхшимисан, қутлуғ ўлсун» (Ибн Баттута 2012, 370 – 371).

Султон билан бошқа бир учрашуви тўғрисида ёзади: «Шоҳ ҳузурига – чодирга кириб, унинг олтин қадалган ипак мато тўшалган тахтда ўтирганини кўрдим, бу тахт минбарга ўхшаб кетарди. Чодирнинг ичи зар ипак мато билан қопланган, султоннинг тепасида бир тирсак баландлигида қимматбаҳо тошлар ила безатилган тож осиглиқ турарди. Улуғ амирлар султоннинг ўнг ва сўл тарафида ўриндиқларда ўтириб олишган, улар олдида эса шаҳзодалар қўлларида елпигич тутиб туришарди. Чодирга кираверишда ноиб, ҳожиб, соҳибу-л-аллома (муҳр эгаси) туришибди. Улар (муҳрни) «ал тамға» деб аташади. «Ал» «қизил» ва «тамға» «муҳр» маъносини билдиради. Мен чодир ичига қадам қўйганимда шу

тўрт киши менга пешвоз чиқиб, мен билан бирга ичкарига киришди. Мен султонга салом бердим, у саволлар берди. Соҳибу-л-аллома сўзларимни таржима қилиб турди. Суҳбатимиз мавзуи Макка, Мадина, Қуддус (Аллоҳ уларни шарафлантисин), ал-Халил, Дамашқ, Миср ҳақида, подшоҳ Носир, иккала Ироқ ва уларнинг подшолари, шунингдек, форс мамлакатлари тўғрисида эди» (Ибн Баттута 2012, 371).

Муҳими, Ибн Баттута Мовароуннаҳрдан ўтиб, Ҳиндистонга борган чоғдаги хотираларида ҳам туркларга оид бир мисолни келтиради. Бу мисол Тармашириннинг ўғли билан боғлиқ. Сайёҳ ёзади: «Ҳинд тупроғига қадам қўйганимдан икки йил ўтгач шундай бир хабар эшитдим: султоннинг (яъни Тармашириннинг) ҳешлари ва амирлари Хитой билан чегарадош узоқ вилоятга унинг кўпчилик қўшини турган жойга тўпланиб, султоннинг Бузан исмли ўғлига қасамёд этганлар. У ерда шахзодаларни «ўғли» деб аташади» (Ибн Баттута 2012, 373).

Муҳими шундаки, темурийлар замонида бадиий адабиётда, фан ва таълим соҳасида, давлат расмий ишларида юзага келган ёзма адабий тил анъаналари, адабий тилнинг таъсири Темурийлар давлатидагина эмас, қўшни элларга ҳам ёйилди. Теварак ўлкалардаги билим кишилари, ижодкорлар, ёзувчи-шоирлар ҳам «чиғатой туркчаси» анъаналарига эргашиб ижод қила бошладилар. Ёзма бадиий адабиётда, тарихнависликда юз берган бу ўзгаришлар давлат сиёсий бошқаруви, девон ишлари, расмий-дипломатик ёзишмалар тилига ҳам кўчди. «Чиғатой туркчаси» Олтин Ўрда давлатининг ҳам расмий, илмий, бадиий адабиёт тилига айланди. Шунинг учун ҳам Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонлар номидан битилган ёрлиқ ҳамда мактублар умумий адабий тил анъаналарига таянган ҳолда яратилган. Олтин Ўрда давлатининг расмий тили «чиғатой туркчаси» эди (қаранг: TDT, 117).

Ушбу битиглар бўйича тадқиқот олиб борган мутахассислар Олтин Ўрда хонлари ёрлиқлари ва темурийлар битган ҳужжатларнинг бари, айрим истисноларни айтмаганда, ягона адабий тилда («чиғатой туркчаси»да) битилганлигини таъкидлаганлар. Жумладан, А.М.Шчербак бу икки муҳитда яратилган ҳужжатлар тили ўзаро жуда яқин эканлиги, булар орасида Тўхтамишхон ёрлиғида фонетик жиҳатдан қипчоқ тилига хос хусусиятлар учрашини таъкидлайди (қаранг: Щербак 1962, 49 – 52).

Ҳақиқатан ҳам, Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонлар битган ҳужжатлар ягона ёзма адабий тилдадир. Шунга қарамай, Олтин Ўрда ёрлиқлари тилида бир оз фарқ бор: улар икки хил ёзма адабий тил таъсирида битилган.

Баъзи ёрлиқларда қипчоқ ёзма адабий тилининг таъсири кучли. Бу нарса муайян маънода хон ва султонларнинг шевасини ҳам англатади.

Жумладан, Тўхтамишхон ёрлиғида қипчоқ тилига хос сўзлар, морфологик шакллар учраб туради: сифат ясовчи қўшимча *-liŷ, -lig* эмас, *-li, -li* шаклида қўлланган (қаранг: Щербак 1962, 50 – 51). Бунинг мисоли: *Qutlu-buŷa, Asan bařli elćilār* – «Қутлу-буға, Асан бошчилигидаги элчилар» (Т.4 – 5); *Edügü atli kiřini* – «Эдугу отли кишини» (Т.8).

Қипчоқ тилига хос бу хусусият эски грамматик асарларда ҳам кўрса-тиб ўтилган. Жумладан, «Китоб-и мажму-и таржимон-и туркий» асарида сифат ясовчи қўшимча *-lu, -lü* шаклига эга экани қайд этилади: *atlu* – «отли», *tewälü* – «туяли», *eřäklü* – «эшакли», *saqallu* – «соқолли», *mällu* – «молли» (КТТ. 42).

Шунингдек, Тўхтамишхон ёрлиғида қипчоқ тилларига хос сўзлар ҳам бор: *keläćiŷni* – «келадиган кишиларингни» (Т.5); *iydük erdi* – «юборган эдик» (Т.5); *yergäsi* – «жойи, ҳолати» (Т.13); *turuřca* – «бардавомлик» (Т.21) сингари. Бу билан Тўхтамишхон ёрлиғи унинг ўз шеvasида битилган экан деб ўйламаслик керак. Ёрлиқ қипчоқ ёзма адабий тилининг таъсирида битилган. Чунки ўша кезларда Қипчоқ юртларида қипчоқ адабий тили, Румда эса усмонли туркчаси ёзма адабий тил мақомида қўлланар эди.

Бироқ Олтин Ўрда муҳитида битилган бошқа ҳужжатлар – Темур Қутлуғ ёрлиғи, шунингдек, хонларнинг турк султонларига йўллаган расмий-дипломатик мактублари бундай эмас, уларнинг бари «чиғатой туркчаси»да.

Бу ҳодисани икки нарса билан боғламоқ мумкин. Биринчидан, хон ва султонларнинг ёрлиғи, сўзлари битувчилар томонидан ҳеч бир ўзгаришсиз ёзилиши шарт эди. Ёрлиқлар ҳамда расмий хатлар ҳукмдорнинг айтиб тургани бўйича ёзиб олиниб, сўнг оққа туширилган. Шундан келиб чиқиб Тўхтамишхон ёрлиғида қипчоқ тилига хос белгилар ҳам хоннинг нутқида қандай айтилган бўлса, ўшандай ёзилган, чоғи. Иккинчидан, ёрлиқнинг ёзилган даврига ҳам эътибор қаратиш керак: ёрлиқ 795 ҳижрий санада (1393 йили) битилган. Бу чоғда «чиғатой туркчаси»нинг таъсири у қадар кучли бўлмаган кўринади. Кейинчалик битилган ёрлиқ ва мактублар эса, айниқса, кейинги юзйилликнинг ўрталарига келиб битилганлари бевосита «чиғатой туркчаси»нинг таъсирида бўлди.

Шундай қилиб, эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси»), бадий адабиёт, тарихнавислик, фан ва таълим соҳасида кечгани сингари, ҳам Темурийлар давлати, ҳам Олтин Ўрда давлатларининг расмий тилига айланди.

Темурийлар салтанати даврида тил вазияти. Историографияда «Темурийлар давлати» деб аталаётган давлат 1370 йили тарих юзини кўрди. Унинг қурувчиси Темурбек кўраган бўлиб, гуллаб-яшнаган чоғ-

ларда салтанат чегаралари кенг олам бўйлаб қулоч ёйди: Мовароуннахр, Хуросон, Озарбайжон, Исфаҳон, Ироқ, Бағдод ўлкаларини қамраб олган эди.

Тарихда бу қудратли салтанат 1507 йилга қадар яшади (ТДТ, 133 – 136).

Темурбек ва темурийлар юртга эгалиги чоғида туркий тил («чиғатой туркчаси») давлат тили эди. Шунингдек, фан ва адабиёт соҳасида форсчага ҳам катта эътибор берилган. Туркий тилдаги давлат ҳужжатлари, ёзишмалар, тарихий битиглар, бадиий адабиёт икки хил ёзув – уйғур ва араб алифболарида битилган.

Темурбекнинг ўзи, ундан кейин ўғиллари ва неваралари салтанатнинг юксалиши йўлида катта ишлар қилди; фан, адабиёт, маданият ва санъат ривожига бош-қош бўлди. Улар давлат ишларида, бадиий адабиётда туркий тилнинг кенг ишлатилишига катта эътибор қаратди.

Темурийлар даврининг илк асари Темурбекнинг етти юз тўқсон учинчи йилнинг кўкламида (1391 йилнинг апрели) Тўхтамишхонга қарши юриши чоғида уйғур хатида тошга ёздирган битигидир.

Бу даврда ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Мир Ҳайдар яшаб ижод этди. Адабиёт тарихида унинг «Махзану-л-асрор» маснавийси шухрат қозонган.

Ўша давр шоирлардан бошқа бири Юсуф Амирий бўлиб, унинг девони, «Дахнома», «Чағир ва Банг мунозараси» асарлари машхурдир.

Навоийга қадар ўзбек адабиётининг ривожланишида Атойи, Саккокий сингари шоирларнинг хизмати катта.

Темурбекнинг неваралари Бойсунғар мирзо ва Улуғбек мирзо юртга эгалиги чоғида Хуросон ва Туркистонда, қолаверса, ислом оламида илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида мисли кўрилмаган юксалишлар юз берди. Бу даврнинг улуғ шоирларидан бири Мавлоно Лутфийдир.

Бу даврда яшаб ўтган шоирлардан яна бири Дурбек бўлиб, унинг «Юсуф-у Зулайхо» маснавийси бор.

Темурийлар даври адабиёти ва адабий тил тарихида султон Ҳусайн Бойқаро даври алоҳида ўрин тутди. Улуғ мутафаккир, шоир ва олим, давлат арбоби Мир Алишер Навоий ана шу даврда яшаб ижод этди.

Темурбек тахтда эканлиги чоғида ҳам, ундан кейин ўғиллари ва неваралари чоғида ҳам бутун салтанат бўйлаб эски тил ва ёзув анъанасига амал қилинди. Буни темурийлар тарафидан битилган расмий ҳужжатлар исботлаб турибди. Чунончи, Шоҳрухнинг ҳижрий 825 сигир йили муҳаррам ойининг 22-куни (1422 йилнинг 16 январидан) Ҳирот яқинидаги Боғи шаҳарда битилган суюрғал битиги, Султон Абу Саиднинг ҳижрий 873 йилнинг 22 рабиу-л-аввалида (милодий 1468) Узун Ҳасанга юбор-

ган битиги, Султон Умаршайхнинг 1469 йили битилган ёрлиқлари туркий тилда ва уйғур хатидадир.

Шоир Мир Хайдар «Махзану-л-асрор» асарининг сўнгги «*Xātimatu-l-kitāb*» бўлимида шундай ёзган эди:

*Türk zuhürīdur oçunda bu kün,
Başla uluğ yir bilä türkāna ün.*

*Rāst qil āhañ-i navā-vu hijāz,
Tüz yatuyan birlä şidurğunī sāz.*

*Türk surūdini tüzük birlä tüz,
Yaxşı ayalğu bilä küglä qopuz.*

*Sözdä meniñ tavrım erür dilpasand,
Tab'ya gülqand bigin sūdmand.*

*Men bitigān xaṭ bilä yonyil qalam,
Men yürügān yol bilä qoyyil qadam* (ME, 599 – 603).

Келтирилган мисолда: *zuhūr* – «кўриниш, пайдо бўлиш»; *oçun* – «дунё, олам»; *yir* – «қўшиқ»; *surūd* – «қўшиқ, ашула; куй»; *ayalğu* – куй таркибидаги чўзиқ нағма; *küglä qopuz* – қўбуз чал-; *ṭavr* – «юриш-туриш»; *gülqand* – гул билан шакардан қилинадиган ширинлик; *bigin* – сингари, ўхшаш; *sūdmand* – «фойдали».

Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида Темурийлар давридаги тил вазияти борасида муҳим маълумотларни бериб ўтган эди. У туркий тилнинг обрў ва мавқеи тўғрисида алоҳида тўхталган. Унинг таъкидлашича, тилларнинг барчасидан араб тили нафислиги билан ажралган ва бадийлик беагаги билан мўъжиза кўрсатувчандирки, бунда ҳеч бир тил аҳлининг даъвоси йўқ, сўзи «тўғри» дейиш ва иши таслим бўлиш, холос. Чунки *Malik-i 'allām jalla-vu 'alāniñ kalām-i mo'jiz-niṣāmī* [«Билгучи буюк Подшоҳнинг [яъни Тангри таолонинг] мўъжизали сўзи, яъни Қуръон-и карим»] ўша тилда инган ва *Rasul 'alāhi-ş-salāvati va-s-salāmniñ aḥādīs-i sa'ādat anjāmī* [«Пайғамбар алайҳиссаловати вассаломнинг саодатга элтувчи ҳадислари»] ўша тилда айтилган...

Бундан сўнгра уч нав тил борки, ҳамма тилларнинг аслидир ва мазкур тилларнинг ҳар бири ўз эгаларининг сўзлашувига мосдир. Бу тилларнинг тармоқлари бениҳоя кўп. Аммо туркий, форсий ва ҳиндий тиллари асл тилларнинг чиқиш ўрнидирки, Нуҳ пайғамбар салаватуллаҳи

алайҳининг уч ўғли – Ёфас, Сом ва Ҳомга бориб тақалади... Уч тил: туркий, форсий ва ҳиндий тиллари бу учовининг авлод ва қарамлари ўрта-сида тарқалди (МЛ, 57 – 58).

Навоийнинг ёзишича, туркнинг улуғидан кичигигача, хизматкоридан бегигача сарт тилидан баҳраманддирлар. Шундайки, ўз тирикчиликларига оид аҳволлар устида сўзлаша олурулар, балки баъзилари адабий равишда сўзлаша олурулар. Ҳаттоки турк шоирлари форсий тилда рангин шеърлар ва ширин ҳикоялар юзага чиқара олурулар (МЛ, 59).

Навоий шарқ тилларининг кенг ёйилишини ижтимоий-сиёсий вазиятга ҳам боғлайди. Унинг ёзишича, мамлакат араб халифалари ва султонлари кўлида экан, фалак у вақтда шоирларга араб тилида жилваланди, чунончи, Ҳассон Собит ва Лақитдек сўз подшоҳи суҳандонлар ва маъно яратувчи гўзал сўз эгалари пайдо бўлдилар ва ўз тилларида шеър айтишнинг додини бердилар.

Бу муносабат билан араб подшоҳларидан Иброҳим Маҳдий, Маъмун халифадек ва булардан ўзга подшоҳлар ва подшоҳзодалар шеърлар ва қасидалар айтдилар, фойдалар келтирдилар.

Дунёнинг баъзи иқлим ва ўлкасида сарт подшоҳлари мустақил бўлганидан кейин шу муносабат билан форсийгўй шоирлар пайдо бўлдилар. Қасидада Ҳоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Заҳир ва Салмон; маснавийда фан устози фан Фирдавсий, замонининг нодири Шайх Низомий ва ҳинд ҳунарманди Мир Хусрав; ғазалда ўз замонининг яратувчиси Шайх Муслиҳиддин ва асрининг ягонаси Хожа Ҳофиз Шерозий сингарилар етишди... Бу муносабат билан сарт подшоҳларидан ҳам султон Туғрул ва Шоҳ Шижодек юқори қадрли подшоҳлар ва баланд мартабали юлдуз сипоҳлар рангин байтлар, ширин ғазаллар айтдилар, асарлари ўз замонларида машҳур бўлди ва турмушлари варақларида ёзилди.

Мамлакат араб ва сарт султонларидан турк хонларига ўтгандан сўнг, Ҳулагухон замонидан сўнгра султон соҳибқирон Темур кўраган замонидан тортиб фарзанди Шоҳрух султон замонининг охиригача турк тилида ёзувчи шоирлар, шу жумладан, ул ҳазратнинг авлодларидан ҳам хуштаб подшоҳлар пайдо бўлдилар.

Шоирлардан Саккокий, Ҳайдар, Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний, Амирий ва Гадоий каби. Лекин юқорида айтилган форсий шоирлар қаршисига чиқа оладиган ёлғиз Мавлоно Лутфийдан ўзга киши пайдо бўлмади, у кишининг таб аҳли қошида ўқиса бўладиган бир неча бошланмалари бор...

Подшоҳлар ичидан ҳам султон Бобурдан бошқа ҳеч қайсисидан шеърий асар юзага чиқмади ва варақ юзига нақш қиларли ўзга бирор нарса қолмади... то бу вақтгачаки... Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон (Ал-

лоҳ таоло унинг салтанатли мулкани абадий қилсин, унинг ҳурматини оширсин) подшоҳлик тахтига ўтиргач... калом аҳлига шодлигу осойишталик ва калом гуруҳига равнаку ривожланиш берди. Ҳар илмда фойдали асарлар, ҳар фанда натижали ёзишмалар яратдилар, қизиқ китоблар ва ажойиб девон, ғазал, қасида ва маснавий каби шеър турлари юзага чиқди ва ҳаммаёққа ёйилди. Ўзлари ҳам, гарчи ҳам форсий, ҳам туркий тилда айтмоққа қодир бўлсалар-да, аммо асл табларининг тортиши ва шу тилнинг тарқалган бўлиши муносабати билан туркий тилда девон яратишга майл қилдилар ва кўнгилга ёқувчи байтлар, тенгдоши йўқ ғазаллар туздилар (МЛ, 81 – 83).

Темурийлар салтанатининг айрим ҳудудларида иккитиллилик ҳам амал қилган. Буни биз Ҳирот адабий муҳитида ижод этган адабиёт аҳллари асарларида яққол кузатишимиз мумкин.

Турк давлатларидан ташқи ўлкаларда туркий тилнинг мавқеи. Миср ва Сурия тарихида мамлуклар давлати (1250 – 1517 йиллар) номи билан аталувчи ижтимоий-сиёсий тузум чуқур из қолдирган. Мамлуклар айюбий султонларнинг қўлида хизмат қилган, келиб чиқиши қипчоқ қуллардан эди. Замона зайли билан қачонлардир бу юртларга қул (мамлук) сифатида сотиб олиб келтирилган қипчоқларнинг етакчилари, қўшин бошлиқлари маҳаллий султонун амирларнинг кучсизланишидан фойдаланиб давлатни қўлга олдилар. Ушбу мамлук-қипчоқ давлатининг асосчиси Султон Байбарс эди.

Мамлуклар замонида давлат ва жамият бошқаруви туркларнинг қўлига ўтди. Мамлакатнинг маданий, сиёсий ишларида туркларнинг таъсири кучайди. Бунинг оқибатида ҳукмдорларнинг тили бўлмиш туркий тилга эътибор қаратилди, ҳукмдорларнинг тили сифатида туркийнинг мавқеи кўтарилди. Туркий тил мамлуклар давлатининг расмий тилига айланди.

Бу кезлар арабларнинг туркий тилни ўрганишлари учун грамматика ва луғатлар, турли қўлланмалар яратилган. Миср ва Сурияда туркий адабиёт ҳам юзага кела бошлади. Амир ва султонларнинг буйруғи билан туркий тилда бадий асарлар ижод этилди, араб ва форс тилларидан таржималар қилинди. Энг сара туркий асарлар уларнинг кутубхоналари учун кўчиртирилди. Бу кезлар Миср ва Сурия билан Анатўли, Хуросон, Туркистон, Олтин Ўрда, Озарбайжон ўртасида маданий, адабий алоқалар кенгайди. Ёзишларича, Қоҳира мадрасасида Олтин Ўрда ва Туркистондан келган олимлар мударрислик қилганлар (Еckmann 2003, 52).

Мамлук-қипчоқ адабиётининг энг эски намунаси Берка Фақиҳнинг шеърдир. Берка Фақиҳ 1383 йили Искандарияда Олтин Ўрданинг маш-

хур шоири Қутбнинг «Хусрав-у Ширин» маснавийсини кўчирган. Унинг охирига ўзи 51 байтли хотима ҳам ёзиб киритган.

Мамлук-қипчоқ адабиётининг йирик намоюдаси Сайфи Саройидир. Унинг келиб чиқиши Сарой шахридан эди, кейинчалик Мисрга кетди. У 1391 йили Саъдийнинг «Гулистон» асарини туркийга эркин таржима қилди. Асар «Китоб-и Гулистон би-т-туркий» деб аталади.

Қизиғи шундаки, «Гулистон би-т-туркий» асари Лейден университетида сақланаётган қўлёзмасининг охирида китоб тугагандан сўнг қўшимча қилиб саккизта туркий ғазал келтирилган. Булар мавлоно Қози Муҳсин, мавлоно Исҳоқ, мавлоно Имод Мавлавий, Аҳмад-хожа ас-Саройи, Хоразмий, Абду-л-Мажид, Тўғли-хожа, Ҳасан ўғлининг ғазалларидир. Бу кишилар Сайфи Саройининг замондошлари бўлиб, таги туркий ўлкалардан, кейинчалик қандайдир сабаб билан Мисрга бориб, ўша ерда яшаб қолган ижодкорлар эди.

Сайфи Саройи асари ҳамда бу шоирлар ғазаллари тилини Хоразмий «Муҳаббатнома»сига қиёслаш XIV юзйилликда Мисрдан бошлаб Итил ва Сирдарё бўйларида яшовчи кўп сонли туркий қавмлар орасида умумий бўлган адабий тил ишлатилганидан далолат беради (қаранг: Наджип 1989, 92 – 93).

Мамлуқлар давлатининг баъзи ҳукмдорлари ҳам ижод қилганлар. Уларнинг туркий тилдаги шеърларидан етиб келган (Eckmann 2003, 57 – 59).

Мамлук-қипчоқ адабиётида таржима асарлар ҳам юзага келди. 1510 йили Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си туркийга таржима қилинган. Таржимони Ҳусайн б. Ҳусан б. Муҳаммад ал-Ҳусайнийдир.

Мамлуқлар даврида туркий тилда илмий асарлар ҳам яратилган, араб ёки форс тилларидан туркийга таржима қилинган. Ўша даврда яратилган фикҳ китоблари, тиббий асарлар, чавандозликка оид асарлардан бизгача етиб келган (Eckmann 2003, 60 – 66).

Фикҳ (ислом шариат илми)га оид асарлар қуйидагилардир: араб тилидан ўгирилган «Иршоду-л-мулук вас-салотин», «Китобу-л-фикҳ» асарлари, «Китоб муқаддимат Абил-Лайс ас-Самарқандий», фатволар мажмуасидан иборат «Китоб фил-фикҳ би-лисони-туркий» рисолаларидир.

Тиббиётга оид асарлар отларнинг қилиқлари, отларда учрайдиган касалликлар ва уларни даволаш чоралари тўғрисида, от парвариши билан боғлиқ. Булар арабчадан таржима қилинган «Китоб байтарату-л-возиҳ» ҳамда форсчадан ўгирилган «Китобу-л-хайл» рисолаидир.

Чавандозликка оидлари арабчадан таржима қилинган «Хулоса» ёки «Китоб фи илмун-нуссоб» ҳамда «Мунйату-л-қузоб» асарларидир.

Арабларга туркий тилни ўргатиш учун йирик грамматик асарлар, кўлланмалар яратилган.

Туркий тил айрим даврларда Ҳиндистонда ҳам кенг ишлатилган.

Ҳиндистон тарихида туркларнинг ҳукмронлиги икки бор қайталади: бири Деҳли султонлиги даврида, иккинчиси эса Бобур ва ўғиллари юрт тепасида турган чоғларда.

Деҳли султонлиги 1206 йили тарих юзини кўрди. Унинг қурувчиси Қутбуддин Айбег эди. Деҳли султонлиги даврида салтанатни туркий ҳукмдорлар бошқарди. Муҳими шундаки, ўша кезларда давлат бир сулола тарафидан эмас, давлат тепасига бирин-кетин келган бир қанча оила тарафидан бошқарилди. Султонлик 1419 йилга қадар яшади (TDT, 145 – 147).

Бобурийлар салтанати 1526 йили ташкил топган. Унинг қурувчиси атоқли жамоат арбоби, тарихчи, шоир ва ёзувчи Заҳириддин Бобурдир. Бу мамлакат Индус, Панжоб ўлкалари, Шимолда Бадахшон, Кобул, Қандаҳор, Кашмир, Шарқда Бенгал, ўртада Даккан ва Барор ўлкаларини ўз ичига олган эди. Бобурдан сўнг давлатни унинг ўғил ва набиралари бошқарди. Салтанат 1858 йилгача яшади. Сўнг ҳокимиятни инглизлар эгаллади (TDT, 147 – 149).

Бобур аёвсиз босқинчилардан эмасди. У ўзи забот этган ўлкаларни ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратди: мамлакатда мисли кўрилмаган даражада қурилиш ишлари олиб борди; қалъалар, саройлар қурдирди; боғлар яратди.

Бобур ва унинг ўғиллари даврида Ҳиндистонда ислом уламолари ва адиблар етишиб чиқди. Давлат ишларида, фан ва адабиётда туркий ва форсий тилларига эътибор қаратилди. Бадий адабиётда улкан ёдгорликлар яратилди. Заҳириддин Бобурнинг ўзи ҳам шоҳ асарларини ўша ерда битгани маълум.

Заҳириддин Бобур ўз салтанатида туркий ва форсийнинг амал қилувиغا катта эътибор қаратди, туркий адабиётнинг гуллаб-яшнашига имконият яратиб берди. У ва унинг ўғиллари замонида Ҳиндистонда туркий тилда йирик тарихий, бадий асарлар яратилди. Бобур ўз асарларининг кўпини ўша тупроқда эканлиги чоғида битди. «Бобурнома», «Мубайян», шеърий девони ҳам ўша чоғлар Бобурнинг салтанати даврида ёзиб тугалланди. Бобурдан сўнг туркийда ижод этиш анъанасини Комрон Мирзо ва бошқалар давом эттирди. Ҳиндистонда яратилган бадий адабиёт ўзбек адабиёти тарихи, адабий тили («чиғатой туркчаси»)нинг ноёб намуналаридир.

ЎЗМА МАНБАЛАРДА ЮРТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИ

Илк ва ўрта асрларнинг ёзма манбаларида юртимиз, унинг ўлка ва шаҳарлари тарихий номлари қайд этилган. Агар бутун туркий дунё топонимиясини оладиган бўлсак, мавзу кенгайиб кетади. Шунинг учун юртимизга тегишли топонимиянигина кўриб чиқамиз.

Tūrān топоними. «Кутадғу билиг» маснавийсининг муқаддимасида *tūrānliylar* деган атама ишлатилган, бу «Турон мамлакатининг халқи», яъни «туркий халқлар»ни англатади.

Муқаддимада «Кутадғу билиг» асарининг турли элларда доврағ қозонгани ва ҳар элда унга ўзича от берилгани тўғрисида сўз юритилиб, *tūrānliylar* «*Qutadyu bilig*» *tep aymišlar* («туронликлар уни «Кутадғу билиг» деб атайдилар») дейилган (QBN. 2a,7).

Асарнинг шеърий муқаддимасида эса шундай:

Āinilar «*Adabu-l-muluk*» *tep ayar*,
Māċinlar «*Anīsu-l-mamālik*» *ma atar*.

Bu Mašriq elindā uluylar muni
«*Ziynatu-l-umarā*» *teyürlār köni*.

Erānliylar «*Šah-nāma*» *ter muṅar*,
Tūrānliylar «*Qutadyu bilig*» *tep uqar*.

«Чинликлар «Адабу-л-мулук» деб айтадилар,
Мочинликлар эса «Анису-л-мамолик» (деб) ҳам атайдилар.

Бу Машриқ элида улуғлар бун
«Зийнату-л-умаро» дейдилар чини.

Эронликлар бун «Шоҳнома» дейдилар,
Туронликлар «Кутадғу билиг» деб биладилар» (QBQ. 3a,2 – 4).

Ушбу байтларда «чинликлар» (*ċinilar*), «мочинликлар» (*māċin(liq)lar*), «Машриқ эли» (*Mašriq eli*) улуғлари, «эронликлар» (*erānliylar*) ва «туронликлар» (*tūrānliylar*) тилга олинган. Уларнинг ҳар бири ўша мамлакат халқларини англатади. Шеърда тилга олинган «туронликлар» «Турон мамлакатининг халқи», яъни «туркий халқлар»дир.

Tūrān атамаси мамлакат оти сифатида султон Темурбегнинг ҳижрий етти юз тўқсон учинчи йил кўкламида (1391 йилнинг апрели) Тўхта-

мишхонга қарши юриш бошлаган чоғда ёздирган битигида келтирилган. Унда соҳибқирон ўзини *Tūrānniḡ sultāni* деб атаган. Мана ўша айтган сўзлари: *Tarix yeti yūz toqsan üçtä, qoy yil yazniḡ ara ay Tūrānniḡ sultāni Temür-beg üç yūz miḡ çerig bilä islām üçün Toxtamış-xan Bulyar xaniḡa yoridī.* – «Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ой(ида) Туроннинг султони Темурбег уч юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамишхон Булғар хонига (қарши) қўшин тортди» (Содиқов 2016, 142 – 144).

Tūrān топоними Мавлоно Саккокийнинг Халил Султонга бағишланган қасидасида ҳам тилга олинган:

*Ey Xusrav-i šāhib-qirān, Erān seniḡ, Tūrān seniḡ,
Pāk al yöribān yer yüzün, yār baxtiḡ ul sultān erür* (SD, 113).

Турклар мамлакатига нисбатан ишлатилган тарихий топонимлардан яна бири ***Türkistān*** атамасидир.

Türkistān атамаси туркий ёзма ёдгорликлар орасида бошлаб «Қутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида келтирилган. Унда асар ўз замонасининг улуғ ёдгорлиги экани тўғрисида сўз юритилар экан, Туркистон элларида ҳеч кимса бу сингари асар ёзмаганлиги таъкидланади. Мана ўша жумла: *Mašriq vilāyatında, Türkistān ellārindā Buḡraخان tilinčā bu kitābdin yaxširaq hargez kim ersā tašnif qilmadi.* – «Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Буғрахан тилида бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ ёзган эмас» (QBN. 1b,14 – 2a,1; QBQ. 1b,9 – 11). Бунинг билан барча «туркий мамлакатлар», поэтик маънода «туркий дунё» кўзда титилаётир.

Türkistān атамасини Мавлоно Саккокий ҳам ўз шеърларида тилга олган. Мана ўшалардан бири:

*Bu valādattin sewündi xalq-i 'ālam barčasi,
Xāšša Türkistān eli-kim, tapti bir mālik-rikāb* (SD, 365).

Навоий «Насойиму-л-муҳаббат»да Шайх Нажмиддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Исфаҳоний тўғрисида сўз юритар экан, ёзади: *Ḥaḡrat Risālat (صلى الله عليه و سلم) barča 'ālamni ikki qismat qilipdur: nišfi – šarqī va nišfi – yarbi; bas, 'Irāq va ḡayrihi Xurāsān-u Hindūstān va Türkistān-deg. Sāyir šarqī bilād 'Irāqqa dāhildur. Va Šām-u ḡayrihi va Mišir-u Mayrib barča Šāmḡa dāhildur* (НМ, 318).

Ушбу таснифда олам икки қисмга (ярми шарқий ва ярми ғарбий) ажратилган. Муҳими, бу ўринда *Türkistān* «шарқий эллар», яъни «мамлакатлар» (*šarqī bilād*) қаторида тилга олинмоқда.

Навоий *Türkistān* атамасини *mulk*, яъни «мамлакат»га нисбатан ҳам ишлатган. *Чоғуштуринг: Xiṭay mulki* – «Хитой мамлакати», *Xurāsān mulki* – «Хуросон мамлакати» (НМ, 329). Масалан, «Насойиму-л-муҳаббат»да Хожа Аҳмад Яссавий тўғрисида сўз юритиб, *Türkistān mulkiniḡ šayxul-mašāyixidur* деб ёзган эди (НМ, 326).

Бошқа бир ўринда Навоий *Türkistān* атамасини вилоятга нисбатан қўллаган. Масалан, «Насойиму-л-муҳаббат»да Садр ота тўғрисида сўз юритар экан, *Mavlūdi Türkistan vilāyatidindur* деб ёзади (НМ, 329).

Ўрта асрларнинг ёзма ёдгорликларида «туркларнинг мамлакати» маъносида ***Türk eli*** атамаси ҳам ишлатилган. Масалан, Мавлоно Саккокийнинг шеърида:

Şanamlar zulfidīn özgä anīḡ 'ahdīda yoq zālim,
Ularñiḡ közlāri qilyay magar Türk elidin yayma (SD, 138).

Навоий *türk* атамасини мамлакатга нисбатан ишлатган: *Türk eli* – «Турк мамлакати». Масалан, «Насойиму-л-муҳаббат»да *Adīb Aḡmad* (رحمه الله تعالى) *ham Türk elidin ermiš* деб ёзган эди (НМ, 333).

Навоий *türk* сўзини «туркий халқ»қа нисбатан ҳам қўллаган; *türk eli* «турк, яъни туркий халқ»дир. Масалан, «Насойиму-л-муҳаббат»да Йигит Аҳмад тўғрисида: *šuhrati türk eli arasīda bayāyat köptür* деб ёзади у (НМ, 329).

Ёки Али ота тўғрисида сўз юрита туриб *türk xalāyiqi naḡr-u niyat aḡa berürlār* деб ёзади (НМ, 328 – 329).

Кўрқут ота тўғрисида эса *türk ulusī arasīda šuhrati andīn artuyraqdur-ki, šuhratqa šarḡ eḡtiyāji bolay* дейди (НМ, 328).

Ватанимизнинг тарихий атамаларидан яна бири ***Māvarāu-n-nahr*** топонимидир.

Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» тазкирасида бу мамлакатни *Māvarāu-n-nahr mulki*, *Māvarāu-n-nahr mulkiniḡ salṭanatī* дея тилга олади. Мана мисоли: *Va muddatdīn soḡra Māvarāu-n-nahr mulkiniḡ salṭanatī aḡa musallam boldī* (НМ, 200 – 201); *Şayx İlyās ('alayhi-r-rahmatu) Nūr tayīda Māvarāu-n-nahr mulkidā bolur erdi va dānišmand-u sālik kiši erdi* (НМ, 354).

Ёки у Хожа Убайдуллоҳ тўғрисида сўз юритар экан, шундай ёзади: *Māvarāu-n-nahr salāṭīni özlārin alarniḡ murīdzādalarī-vu maḡkūm ḡukmi tutarlar erdi. Yoq-ki, yalyuz Māvarāu-n-nahr salāṭīni, balki Xurāsān-u 'İrāq va Aḡarbayjan, ḡattā-ki, bir sarīdīn Rūm-u Miširyāča va bir sarīdīn Xiṭā-vu Hindyāča barča mulūk-u salāṭīn özlārin Xvājaniḡ maḡkūm ḡukmi va mā'mūr-i farmāni tutarlar erdi* (НМ, 216).

Xurāsān мулки.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган харитасида бу мамлакатни *Arḍu Xurāsān* (яъни «Хуросон ери») деб кўрсатган.

Алишер Навоий «Насойиму-л-муҳаббат» тазкирасида *Xurāsān* нинг Темурбег давлатига қўшилишидан бурунги ҳолатини ҳам мамлакат деб тилга олган. Масалан, у Бобо Сунгу тўғрисида сўз юритар экан, шундай ёзади: *Temür-beg Xurāsān mulki 'azīmatīya yürügāndā Andxudqa yetkändā, mašhurdur-ki, Baba xidmatīya baryandur* (НМ, 334).

Темурийлар давридаги юртни ҳам *Xurāsān mulki* деб атайди:

Қизиғи шундаки, Навоий Хуросонни *vilāyat* ҳам деган: *Xurāsān vilāyatī* (НМ, 344).

Xvārazm топоними.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган харитасида *Xvārazm* ни ҳам кўрсатган.

Ибн Баттута ҳам қадимги Хоразм шаҳри ҳақида яхши маълумот берган. Тарихчи шундай ёзади: «Биз юқорида ҳикоя қилганимиздек, саҳронини кесиб ўтиб Хоразмга келдик. Бу туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ҳамда жозибадор, кўркам жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки, мавжланиб турган денгизни эслатади. Бир куни шаҳардан отда ўтиб бораётиб бозорга кирдим, ярмига етганимда шовур деб аталадиган жуда гавжум бир жойдан чиқиб қолдим. Одам шунчалик тумонот эдики, мен олдинга ҳам, ортимга ҳам силжий олмадим. Саросимага тушиб, анча туриб қолдим, ниҳоят, кўп қийинчиликлар билан йўлга чиқиб олдим. Кимдир менга айтдики, жума кунлари бу бозор холироқ бўларкан, чунки шу куни Қайсария бозори ва бошқа бозорлар ёпиб қўйиларкан.

Жума куни от миниб жоме масжид ва мадрасага йўл олдим. Бу шаҳар султон Ўзбек қўл остида, бу ерда унинг Қутлудумур исмли улуғ амири ҳукмронлик қилади. Ушбу мадраса ва унга туташ бошқа иморатларни мазкур амир қурдирган..

Хоразм ёнидан Жайхун дарёси оқиб ўтади. Бу дарё жаннатдан бошланадиган тўрт наҳрнинг биридир. У Итил [Волга дарёсининг ўрта ва қуйи оқими ана шундай аталган] дарёси каби қишда музлайди, шунда одамлар унинг устида бемалол юраверадилар. Беш ой давомида дарёда муз сақланиб туради. Баъзан муз кўча бошлаган пайтида дарё узра юрганлар ҳалок бўладилар. Ёз кунлари кемаларда дарё бўйлаб Термизгача сузиб бориб, у ердан буғдой ва сули олиб келишади. Оқим бўйлаб сузиб борилса, бу иш учун ўн кун кетади» (Ибн Баттута 2012, 359 – 360).

Келтирилган мисолда «Хоразм» дейилганда Амударёнинг куйи оқи-мидаги ҳозирги Хоразм вилояти эмас, балки ўша даврда Олтин Ўрда тар-кибига кирган Ўрта Хоразм давлатининг пойтахти Урганч тўғрисида сўз бормоқда. Матнда тилга олинган Ўзбек 1312 – 1340 йилларда юртга эга-лик қилган Олтин Ўрда хонидир. Қутлудумур [яъни Қутлуғ Темур] эса 1321 йили Хоразмга ноиб этиб тайинланган.

Алишер Навоий ўз асарларида *Xvārazm* ни вилоят деб тилга олади: *Ān tatar kuffāri Xvārazm̄ya yetipdūrlār, Ḥadrat-i Šayx ašḥābnī yīyīp, amr qīlipdurlar-ki, «vilāyatlarīnjizya barīḡ»* (НМ, 225); *Va Āijizxan vāqe'asīda Xvārazmdīn ċīqīp Rūm̄ya barīpdur* (НМ, 232); *(Bir siqa kiši)... dedi-kim, Xvārazm ṭarafidīn kelūrdā anīḡ tākyāsīgā yettim va anīḡ bilā mulāqāt qīldīm* (НМ, 352).

Samarqand топоними.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида келтир-ган харитасида *Samarqand* ни ҳам кўрсатган.

Алишер Навоий ҳатто Кешни ҳам Самарқандга қарашли мавзе деган. Чунончи, у «Насойиму-л-муҳаббат» асарида кешлик ота тўғрисида сўз юритиб, унинг туғилган ерини *Samarqandniḡ Keš atliḡ mavḡe'idīndur* деб ёзади (НМ, 331).

Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида Шайх Бур-ҳонуддин Соғарчи тўғрисида сўз юритар экан, шундай ёзади: *Soḡarĉ Samarqandniḡ tōrt yīyaĉīda bir kentdūr, Šayx andīn ekāndūr va ōz vaqtīda baḡāyat buzurg ekāndūr* (НМ, 335).

Soyd топоними.

Алишер Навоий ўз асарида *Soyd* ни *Samarqand* га қарашли ўлка си-фатида қайд этган. Чунончи, у ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» асари-да Бакрий Суғдий тўғрисида сўз юритар экан, унинг туғилган ерини *Samarqandniḡ Soydidīndur* деб ёзади (НМ, 63).

Ёки Ҳошимий Суғдий тўғрисида сўз юритиб, *ol dayi Samarqand Soydidīndur* дея таъкидлайди (НМ, 63).

Buxārā топоними.

Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида *Buxārā* ни вилоят деган. У Зухҳодхон тўғрисида сўз юритиб, *hamānā-ki, Xiṭāy mulkidīndūr, andīn Buxārā vilāyatīya 'ilm kasbī ūcūn kelgāndūr* деб ёзади (НМ, 329).

Faryāna топоними.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида келтир-ган харитасида водийнинг *Hoḡand, Marḡīnān, Kāsān, Andījand* шаҳарлари-ни, у ёғда *Kāšḡar, Yarkān, Xotan* сингари жой отларини кўрсатган.

Фарғонани Алишер Навоий ҳам ўз асарларида тилга олган: *Bāb-i Farḡānī (quddisa sirruhu), atī 'Umarḍur, Farḡānada bolur erdi* деб ёзган эди у (НМ, 150).

Šaš, Taškent~Taškend~Taškān топонимлари.

Ёзма манбаларда *Šaš, Taškent~Taškend~Taškān* топонимлари шаҳар оти сифатида ҳам, воҳа сифатида ҳам тилга олинган.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирган харитасида Тошкентни *Šaš* деб кўрсатган.

Маҳмуд Кошғарий ўз харитасида *Šaš* га яқин бўлган *Balasaḡun, Īspijab* (Сайрам), *Ṭarāz* сингари жой отларини ҳам кўрсатган.

У асарнинг ўзида *Taškān* топонимига тўхталиб шундай ёзади: *Taškān* – *Šaš* нинг оти. Унинг асли *Taškend* бўлиб, «тошдан қурилган шаҳар» демакдир. *Abu Bakri Qaffāl Šašī* шу шаҳарда туғилиб ўсган (ДЛТ, 176).

Бу кўҳна шаҳарни Алишер Навоий ҳам тилга олган. Хожа Убайдуллоҳ тўғрисида сўз юритар экан, *alarniḡ mavlidī Taškentdür* деб ёзади у «Насо-йиму-л-муҳаббат»да (НМ, 216).

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ АТАЛИШИ

Халқ ва тилининг ёши ҳар қачон ҳам у аталаётган отнинг тарихи билан ўлчанавермайди. Чунки муайян тил ўз тарихи давомида бир қанча ном билан юритилган бўлиши мумкин. Бунинг ёрқин мисолини ўзбек, ўзбек тили атамаларида кўрамаиз: бу атамаларнинг келиб чиқиш тарихи унчалик эски эмас. Аслида эса ўзбек халқи ва тилининг тарихи жуда эски замонларга илдиз отган бўлиб, ҳозирги отининг қўлланилиш тарихи унинг ёшини ўзида акс эттиролмайди. Ўтмишда ҳозирги ўзбеклар ва уларнинг тили бир қанча ном билан атаб келинган (қаранг: Содиқов 2006, 34 – 43).

Туркий тилнинг ўтмишда кенг қўлланилган отларидан бири *türk (türkčä, türk tili)* атамасидир. Бу от буддизмнинг VII – IX юзйилликларга мансуб «Майтри симит нўм битиг» асарида қўлланган. Чунончи, асарда Партанаракшит Карнаважикли отли киши уни тўхри (тохар) тилидан турк тилига таржима қилганлиги қайд этилади: *Partanarakšit Karnavajiki türk tilinčä ewirmiš «Maytri simit nom bitig»* (MS, 141).

X юзйилликда яшаб ўтган бешбалиқлик машхур таржимон Шингку Шели тутунг ҳам ўз таржималарида ана шу атамани қўллаган. Унинг тавғачча (хитойча) версия асосида туркийга ўғирилган «Сюань-цзан кечмиши» асари турк тилида эканлиги таъкидланади: *Tawḡaç tilintin yana bešbaliqlīy Šinḡqu Šeli tutuḡ yaḡirtī türk tilinčä ewirmiš* – «Тавғач тилидан яна бешбалиқлик Шингку Шели тутунг турк тилига ўғирди» (СЦ, V. 87).

Türk tili атамаси Шингқу Шелининг бошқа бир таржимаси – «Вужуд ва кўнгилини англаш китоби»да ҳам учрайди. Унда асар қандай тилдан ўғирилгани тўғрисида шундай маълумот берилган: *Şinğu Şeli tutuñ tawyaç tilintin türk tilinçä ewirü tegintim* – «Шингқу Шели тутунг тавғач тилидан турк тилига таржима қилдим» (Hazai 1975, 95); *Bir şlük änätkäkçä azu türkçä* – «Бир шлок анаткакча [санскритча] ёки туркча» (AYar. 33, 24).

«Қутадғу билиг»нинг шеърини муқаддимасида муаллиф ўз асарини *türkçä qoşuqlar* деб айтган. Мана ўша байт:

*Bu türkçä qoşuqlar tüzättim señä,
Oqirda unutmä, du'ä qil menğä.* –

«Бу туркча кўшиқларни [яъни шеърларни] сен учун туздим,
Ўқиганда унутма, дуо қил мени» (QВН. 4b,2).

Ушбу байтда муаллиф *qoşuq* деганда «кўшиқ, ашула»ни айтаётгани йўқ. *Qoşuq* сўзининг илкин англами «тўқилган; ижод қилинган» (яъни «сочинение») дегани; у «тўқи-, ижод қил-» маъносини англатувчи *qoş-* феълидан ясалган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида яхши бир намуна берилган: *ol yür qoşdi* дейди. Бу жумладаги *yür* «шеър»; *qoşdi* эса «тўқиди; ижод қилди» бўлиб, жумланинг маъносини «у шеър тўқиди» деб ўгиради олим (ДЛТ, 212). Шунга кўра, бу ўринда *qoşuq* нинг маъноси «шеър» (яъни «стих») бўлади; *türkçä qoşuqlar* деганда «туркча шеърлар» англашилади.

Алишер Навоий ўз асарларида туркий тилда сўзлашувчиларни *türk* (*türk, türk ulusi*), *türkiğoylar, atrāk* номлари билан тилга олади. Туркий тилни эса *türk* (*türk tili, türk lafzi, türk alfazi*), *türkçä* (*türkçä, türkçä til*), *türki* (*türki, türki alfaz*) деб атайди. Улуғ мутафаккирнинг таъкидлашича, унинг асарлари ана шу тилдадир. Масалан, «Лисону-т-тайр»да бу тўғрида шундай сатрларни ўқиймиз:

Türk alfāzi bilä sürdüm maqāl (LT, 253).
Türk alfāzi bilä tapti adā (LT, 271).

Шундан келиб чиқиб Навоий туркий шеърятни *türk nazmi* деб атаган эди.

Навоий қўллаган атамани Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ҳам учратамиз. Масалан, у «Бобурнома»да Андижон тўғрисида маълумот бера туриб элини *türk*, унинг тилини *türki* деб атайди (БН, 6). Ёки Навоий ижоди ҳақида фикр юритиб, туркийда «ҳеч ким унингдек кўп ва

хўп» битмаганлигини таъкидлайди: *türki til bilä tä şe'r aytupturlar, heç kim ança köp va xob aytqan emäs* (БН, 153).

У Султон Хусайн Бойқаро тўғрисида шундай ёзади: *Temür-beg naslidin heç kim ma'lum emäs-kim, Sultān Husayn mirzāča qiliç çapmiş bolyay. Tab'i nazmī bar edi. Divān ham tartip qilip edi, türki aytur edi. Tahallusī Husaynī edi* (БН, 147 – 148).

Муҳаммад Солиҳ ўзининг «Шайбонийнома» асарида Шайбонийхон фазилатларини таърифлар экан, унинг туркий асарларини *türki ab'yāt*, тилини эса *türkcä til* деб атаган:

*Türki ab'yāti erür šarbat-i nāb,
Fārsī şe'rlari ham serāb* (ШН, 29).

Türkcä til bilä imāləri bar (ШН, 30).

Бу атама кейинги асрларда яратилган асарларда ҳам учрайди. Лекин *türk* атамасининг қўлланиш доираси торайган: уни Анатўли туркларигина ўзининг ва тилининг оти сифатида сақлаб қолди. Бутун туркий тиллар оиласига нисбатан эса *tirkī* (*türki*, *türki tillār* сингари) атамасини қўллаймиз.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида қорахонийлар даври ёзма адабий тилини «хоқония туркчаси» (*at-turkiyyatu-l-xāqāniyya*) деб атаган эди. У ўз даври етакчи диалектларини (шарқий диалектларни) умумлаштириб «турк тили», қолганларини эса ўз номлари (ўғузча, қипчоқча) ва б. билан атайди. Ана шу «турк тили» ўрнида «хоқония тили», «хоқония туркчаси» номини ҳам қўлаган. Бу билан у Қорахонийлар давлатининг марказий ўлкаларида яшовчилар лаҳжаси (адабий тилга асос бўлувчи етакчи лаҳжалар)ни назарда тутди.

У ёзади: «Тилларнинг енгили ўғузча (الغزبية), энг тўғриси, яхшиси *yaṭma, tuxsī* кабиларнинг тили ва, шунингдек, *İla* (Или), *Ertiṣ* (Иртиш), *Yamar, Etil* водийларидан *uṭur* шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил хоқония ўлкасида (الملوك الخاقانية) яшовчиларнинг тилидир. *Balasaṭun* ликлар суғдча (سغدیه) ва туркча (ترکیه) сўзлайдилар. *Tirāz* (Талас) ва *Madīnatu-l-bayḍa* шаҳарларининг халқлари суғдча (سغدیه) ҳам туркча (ترکیه) сўзлайдилар. *İspijār* [Испижоб – ҳозирги Чимкент]дан то *Balasaṭun* гача бўлган *arṭu* шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. *Kāṣṭar* да канжакча (بالکنجاکیه) сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқоний туркчасида (بالترکیه الخاقانية) сўзлайдилар» (ДЛТ, 25). Маҳмуд Кошғарий ушбу «турк тили», «хоқония тили», «хоқо-

ния туркчаси» атамалари билан ўз даври туркий адабий тилини кўзда тутган эди. Қорахонийлар даври ёзма адабий тилига нисбатан *buʻraxon tili* атамаси ҳам ишлатилган. Жумладан, «Қутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида асар «буғраҳон тили»да ёзилганлиги қайд этилган:

Mašriq vilāyatında, Türkistān ellärindä buʻraxon tilinčä bu kitābdin yaxširaq hargiz kim ersä tašnif qilmadi. – «Машриқ вилоятларида, Туркистон элларида буғраҳон тилида ҳеч кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас» (QBN. 1b,14 – 2a,1).

Ушбу жумладаги *buʻraxon tilinčä* бирикмаси асарнинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхасида *türk luʻyatīča* ибораси билан таъкидланган. Унда ёзилишича:

Mašriq vilāyatida, qamuy Türkistān elindä buʻraxon tilinčä, türk luʻyatīča bu kitābtin yaxširaq hargiz kim ersä tašnif qilmay turur. – «Машриқ вилоятида, бутун Туркистон элида буғраҳон тилинча, турк луғатича ҳеч кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас» (QBN. 1b,13 – 2a,2).

Уйғур ёзувли нусхада *buʻraxon tilinčä* бирикмасининг *türk luʻyatīča* дея таъкидланувининг сабаби қўлёзма темурийлар даврида Ҳирот маданий марказида кўчирилганлигида бўлса керак. Афтидан, котиб асарнинг «буғраҳон тили»дагина эмас, бутун туркий тилда тенги йўқ эканлигини таъкидлаш учун ҳам шундай йўл тутган кўринади.

«Қутдағу билиг»нинг Ҳирот ва Қоҳира нусхаларида келган шеърий муқаддимада асар Буғраҳон замонида «хон тили»да ёзилганлиги таъкидланади. Мана ўша байт:

*Bu Buʻraxon vaqti ičrā anī,
Yemā xan tilinčä bu aytmiš muni.*

«Бу Буғраҳон вақтида уни (ёзиб),
Яна буни хон тилида айтибди» (QBQ. 2b,14).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ» қўлёзмаларининг охирида Амир Арслон хўжа тархоннинг Адиб Аҳмадга аталган шеъри илова қилинган. Унда таъкидланишича, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари *kāšyarī til ~ kāšyar tili* да ёзилган. Мана Арслон хўжа тархоннинг ёзганлари:

*Tamāmi erür kāšyarī til bilä,
Ayitmiš Adib riqqat-i til bilä.*

*Agar bilsä kāšyar tilin har kiši,
Bilür ol Adibniñ nekim aymiši.*

«(Асар) бутунича «кошғарий тил»дадир,
Адиб уни нозик тил [яъни шеър] билан айтган.

«Кошғар тили»ни билган ҳар киши
Адибнинг айтганларини англайди» (YugC. 48,4 – 7).

«Қутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида тилга олинган *buyraxan tili*, шеърини муқаддимада кечган *xan tili*, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарига нисбатан ишлатилган *kāšyarî til ~ kāšyar tili* атамаларининг бари қорахонийлар даврида ишлатилган ёзма адабий тилни англатади.

Темурийлар даври ўзбек ёзма адабий тилини *čīyatay türkisi* ҳам дейилган.

Ҳозирги замон ориенталистикасида XV юзйилликнинг иккинчи ярми – XVI юзйиллик бошларидаги туркий адабиётнинг классик босқичи «чиғатой адабиёти», тили эса «туркий», «эски ўзбек тили» номлари билан ёнма-ён «чиғатой тили», «чиғатой туркийси» деб аталмоқда. Ушбу атаманинг келиб чиқиши Чингизхоннинг ўғли Чиғатойхон отига боғланади. Маълумки, Чингизхон ўзи босиб олган ерларни ўғилларига улашганда Ўрта Осиё ерлари Чиғатойга теккан эди. Шунга қўра, бу ерлар «Чиғатой эли», ерли халқлар эса «Чиғатой улуси», халқнинг тили эса «Чиғатой тили» деб аталган. Бу от ўзининг семантик тараққиёти давомида киши отидан маъмурий, ижтимоий-сиёсий ва маданий атамага айланган. Таъкидлаш керакки, «Чиғатой улуси», «Чиғатой тили» атамаларининг мўғулларга ёки уларнинг тилига ҳеч бир боғлиқлиги йўқ. Чунки бу ўлкада мўғуллар эмас, туркий улус яшаган. «Чиғатой тили» атамаси ҳам туркий тилнинг (эски ўзбек тилининг) нисбий атамасидир.

Čīyatay сўзи атама сифатида XIII юзйилликдан бошлаб қўлланилган. Манбаларга қараганда, бу атама бошлаб (XIII – XIV юзйилликларда) Чиғатойхон сулоласи (турк-мўғуллар), давлат ҳокимиятининг олий табақа вакиллари, шунингдек, черикка нисбатан қўлланган. Кейинчалик (XV юзйилликда) бутун Мовароуннаҳр ва Хуросондаги турк улусига нисбатан, XVI юзйилликдан бошлаб Мовароуннаҳрдаги ҳам туркий, ҳам форсий тилли улусга нисбатан ишлатилган (Благова 1982, 155 – 156).

XV – XVI юзйилликларда бу атаманинг ижтимоий-сиёсий вазифаси кенгайган бир шароитда бутун Мовароуннаҳр элини, унинг халқини, халқининг тилини ҳам ифодалай бошлади: юртини, элини *Čīyatay*, *Čīyatay eli*, халқини *čīyatay ulusī*, унинг тилини эса *čīyatay türkisi* дейилди. Жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида айтилади:

*Ĉiyatay el meni o'zbek demäsün,
Behuda fikr qilip yam yemäsün* (ШН, 111).

«Абушқа» луғатида «юрт» маъносида *Ĉiyatay, Ĉiyatay diyāri* атамалари қўлланилган (DDT, 96, 276).

Ĉiyatay tili атамаси *türkcä, türki* атамалари билан ёнма-ён қўлланилиб, китобий адабий тилни фарқлаш учун ҳам хизмат қила бошлади. Абулғозийнинг «Шажараи тарокима»да келтирган қуйидаги маълумотлари бунга далилдир. Тарихчи ёзади:

Hamma uluylar ham äddi kišilär tüšünsün dep, men bu tarixni türki til bilän aytdim. Türkini ham andaқ aytup-men-kim, beš yašar oylan tüšünür. Tüšüniš äsän bolsun dep men Ĉiyatay türkišidin, färsiĉa va 'arabĉadin bir dāna ham söz qošmadim.

Бу ўринда *Ĉiyatay türkišidi* дейилганда XV – XVI юзйилликлардаги китобий ёзма тил кўзда тутилган. Ушбу атама ҳам қорахонийлар даври манбаларида қўлланган «буғрахоҳ тили», «хоқония тили», «кошғар тили» атамалари сингари адабий тилни англатади. Темурийлар замонида Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий, маданий муҳитида шаклланган адабий тил («чиғатоӣ туркийси») шу ўлкадагина эмас, балки бутун турк-мусулмон муҳитининг китобий адабий тили даражасига кўтарилган эди.

XVI юзйилликда юз берган Темурийлар салтанатининг инқирози ва Моваруннаҳрда шайбонийлар ҳокимиятининг барпо этилиши, ўзбек-қипчоқларнинг бу ўлкага кириб келиши оқибатида ушбу атама ҳам истеъмолдан чиқа бошлади.

sart (sart tili) (<скр. *sartha*) – «сарт тили»; ўтмишда ўзбек халқи ва унинг тилини англатган атамалардан бири.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *sart* «савдогар»дир. Бунга у қуйидаги мақолни ҳам мисол келтирган: *Sartniñ azuqi ariy bolsa, yol üzä yer.* Маъноси: «Савдогарнинг моли тоза, бешубҳа бўлса, йўл устида ёйиб кўрсатади» (*сўзма-сўз*: «Савдогарнинг озиғи тоза бўлса, йўл устида ейди»). Яна у ўша ерда ушбу мақол сўзининг уддасидан чиқа олмаган, қуруқ мақтанчоқларга қарата айтилишини ҳам эслатиб қўяди (ДЛТ, 40).

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам *sart* сўзини «савдогар» маъносида ишлатган: *Nekü ter ešitkil bu sartlar başi.* – «Бу савдогарлар боши нима дейди, эшитгин» (QBN, 102b,14).

Ушбу сўз этноним сифатида кейинги даврлардан бошлаб ишлатилган. У бошлаб форсийгўйлар, кейинчалик туркий ўтроқ (шаҳар) улусга нисбатан ҳам қўлланган.

«Муҳокамату-л-луғатайн»да Алишер Навоий форсий тилда сўзловчиларни *sart (sart, sart ulusı, sart eli)* ҳамда *färsigoıy* отлари билан тилга

олади. Уларнинг тилини эса *sart tili, sart lafzi, fārsī (fārsī, fārsī til, fārsī alfāz)* деб атайдди. *Sart tilidā čaqīn va ildirīm-deg muta'ayyin mo'tabar ikki nimāgā at qoymay dururlar* (МЛ, 36).

«Абушқа» луғатида қайд этилишича, ўша чоғларда «ажамнинг шаҳрини *sart* деганлар» (*sart – 'ajamiñ šahrisīna derlār*) (DDT, 273). Сўзнинг ушбу маъноси Навоий ишлатган маънога яқин туради.

Бу сўзнинг «Бобурнома»даги маъноси эътиборга молик. Заҳриддин Бобур Марғилон (*Mariyīnān*)ни таърифлар экан, унинг эли сартлар эканини таъкидлайди. У ёзади: *Eli sarttur va muštzan-u puršaru šor eldür. Jaņaraliq rasmi Māvarāu-n-nahrda šāye'dur. Samarqand-u Buxārāda nāmdār jaņaralar aksar mariyīnānidur* (БН, 7).

Бобур Марғилон элини «сартлар» деб атаган. Бунда устачилик, хунармандчилик билан шуғулланувчи (ўтроқ қаёт кечирувчи) тоифа кўзда тутилмоқда. Англашиладики, *sart* атамаси ўша чоғлар ҳам форсий, ҳам туркий тилли ўтроқ, шаҳар аҳолисига нисбатан ишлатилган.

Муҳаммад Солиҳ ҳам «Шайбонийнома»сида Самарқанд қамалини таърифлаб, унинг халқини *sart* деб тилга олади: *Sartlar asru zabun boldilar* (ШН, 125). Бу ўринда ҳам *sart* атамаси ўтроқ, шаҳар элига нисбатан қўлланган.

XVII юзйилликда яшаб ижод этган тарихчи ва адиб Абулғозий асарларида ҳам *sart* атамаси бор. Шунингдек, XIX юзйилликда яшаб ўтган Қўқон тарихчиларининг асарларида-да бу от тез-тез учраб туради. Бу кезлар XIII юзйилликда Ўрта Осиёга келиб ўрнашган ўзбек қавмидан бошқа туб аҳоли (туркий ва тожиклар) *sart* дейилган, чамаси. Шу сабаб бўлиб XIX юзйилликнинг иккинчи ярмида рус тилшунослари ўз грамматикаларида ўзбек тилини «сарт тили» («сартовский язык») деб атаганлар.

Манбаларда *rūmī til, türkmānī til* деган атамаларни ҳам учратамиз. Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида Саййид Насимий ҳақида шундай ёзган:

Sayyid Nasīmī, qoddasallahu rūḥahu.

ʻIrāq-u Rūm ṭarafidayī mulkdin erkāndür. Rūmī va türkmānī til bilā nazm aytīpdur. Va nazmīda ḥaqāyiq-u maʻārif bayāyat köp mundarijdur. Maḍkūr bolıyan mulk ahlīya anīñ šeʻrī muqābalasīda šeʻr hamānā-ki yoq turur. Hamāna taqlīd ahli anī maḍhabīda quşūr tuhmatīya muttahaḡm qīlip, šahīd qīldilar. Maşhūr mundaqtur-kim, terisin soyar ḥukm boluptur. Ul ḥālatda bu šeʻrni deptür-ki:

*Qibladur yüzün nigārā, qaşlariñ meḥrāblar,
Şüratiñ muşḥaf va le xāl-u xaṭṭiñ eʻrāblar.*

Va bu še'rnîñ taxalluşı uşbu muddaāya dāldur-kim:

*Ey Nasimî, ċün muyassar boldi iqbāl vişāl,
Qoy, teriñni soysa soysun bu palid qaşşāblar* (НМ, 373).

Ушбу маълумотда *rūmî va türkmānî til bilā nazm aytıpdur* деганда Саййид Насимий ўз шеърларини ўғуз лаҳжасида, усмонли туркчасида битганлиги таъкидланмоқда.

özbek (özbek tili) – «ўзбек тили». Бу атаманинг келиб чиқишини турлича талқин қиладилар. Баъзи олимлар бу атамани Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг (1312 – 1342) отига боғлайдилар. Уларнинг фикрича, Ўзбекхон қарамоғидаги улус кейинчалик *özbek* отини олган. Бошқа бир олимлар бу қарашни қўлламайдилар. Уларнинг таъкидлашича, XIV – XV юзйилликларда Оқ Ўрдадаги турк-мўғул қавмлари шу от билан юритилган. Ўзбекхон эса Кўк Ўрданинг хони бўлиб, ўзбек қавмлари унга бўйсунмаганлар (*қаранг*: Аҳмедов 1992, 10 – 11).

Özbek атамаси XIII – XIV юзйилликларда яратилган форсча ва арабча манбаларда (жумладан, Жувайний, Рашидиддин, Хондамир ва бошқаларнинг асарларида) ҳам учрайди. Уларда бу атама Дашти Қипчоқда яшовчи турк-мўғул қавмига нисбатан қўлланган. Ҳатто айрим манбаларда Тўхтамишнинг ўзбек хони эканлигига ишора бор (*қаранг*: ўша жой ва кейинги бетларда).

Алишер Навоий *özbek* атамасини «қипчоқ ўзбеклари»га нисбатан ишлатган. Жумладан, «Насойиму-л-муҳаббат»да Хубби Хожа тўғрисида сўз юритар экан, ёзади: *Mavlūdi Xvārazm vilāyatidīn va navāhīsidīndur. Aniñ avşāfi türk-u özbek xālāyiqi arasīda andīn köprāk va maşhurraqtur-ki, šarħqa eħtiyājī bolyay* (НМ, 329).

Кейинги давр манбаларининг гувоҳлик беришича, бу атаманинг маъноси кенгайиб, уруғлар уюшмасини ҳам англата бошлаган. Чунончи, Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг ёзишича, ўзбекларнинг таркибига йигирмадан ортиқ турк-мўғул қавмлари кирган. Ёки Рўзбекахон (XVI юзйиллик) ўзбекларнинг уч тоифадан иборат эканини таъкидлайди: улар Шайбон улусига қарашли барча қабилалар, қозоқлар ва манғитлардир (Аҳмедов 1992, 13 – 14).

Кейинчалик Дашти Қипчоқдаги ўзбеклар уюшмасига кирган қавмларнинг муайян қисми ўша ердаги қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд ва б. таркибига қўшилиб кетганлар. Муайян қисми Шайбонийхон қўшини билан бирга Ўрта Осиёга кириб кела бошладилар ва шу ерда турғун яшаб қолдилар. Шайбонийхон черигининг катта қисми ҳам ўзбеклардан эди.

XIII юзйилликка қадар Мовароуннаҳр ва Хуросон турклари ўзларини *özbek* демаганлар. Бора-бора бу ўлкага келиб ўрнашган ўзбекларнинг мавқеи орта боради; давлат бошқаруви ҳам кўпроқ шуларнинг қўлига ўта бошлайди. Ана шундай тарихий жараён таъсирида ерли турклар ҳам *özbek* деб атала бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, келиб ўрнашган қавмлар бурун қайси уруғ-қабиллага тегишли бўлсалар, кейинчалик ҳам, ҳатто XX юзйилликнинг бошларигача аждодий-қабилавий бўлиниш белгиларини сақлаб келдилар. Яқин-яқингача ўзбеклар орасида «кўнғирот уруғи», «найман уруғи», «манғит уруғи» сингари отларнинг сақланиб келганлиги бежиз эмас.

Юқоридаги маълумотлардан ҳозирги ўзбек халқи XIV юзйилликда Дашти Қипчоқда юзага келган деган мутлақо ғайриилмий хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келган туркий туб аҳоли ҳозирги ўзбек халқининг ота-боболаридир. Дашти Қипчоқдан «ўзбек» номини олган қавмнинг келиб ўрнашуви ҳозирги ўзбекларнинг тўлиқ таркиб топишидаги кейинги босқичлардан бири, холос. Уларга қадар ерли туркий халқ бошқа отлар билан аталар эди. Ҳозирги отини эса кейинчалик ўзларига келиб қўшилган ўзбеклардан олдилар. Демак, атаманинг келиб чиқиш тарихи халқ тарихи билан мутлақо тенг эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги ўзбекларнинг шаклланишида Дашти Қипчоқдан келган туркий улуснинг таъсирини мутлоқ инкор этиб ҳам бўлмайди. Ҳозирги ўзбек халқи узоқ тарихий тараққиёт таъсирида, турли элат-уруғларнинг бирикувидан ташкил топган. Буни ўзбек шеваларининг ўта хилма-хиллигида ҳам кўриш мумкин.

Özbek атамаси этноним сифатида XIV юзйилликдан бошлаб қўлланилган бўлса-да, тилга нисбатан кеч амал қилган. Чунончи, ўша кезлар ўзбек қавмининг шеvasи *özbek tili* деб эмас, *türki*, *qipčaq tili* деб аталган. Қипчоқ шевалари кейинчалик ҳозирги тилшунослигимизда «эски ўзбек адабий тили» деб аталаётган ёзма тилга ҳам таъсир эта бошлаган. Лекин у эски ўзбек адабий тилининг таянч диалектига айланган эмас. Яъни адабий тил ситуациясида кейин қўшилган улуснинг диалекти у қадар ҳал этувчи ўринга кўтарила олгани йўқ. Чунки бу давр Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий муҳитида қадимги ва эски туркий адабий тил анъаналари ва таъсири устувор эди. Бинобарин, XIII – XVI юзйилликлардаги классик адабий тил («чиғатой туркийси») ана шу анъана таъсирида шаклланган. Ўзбек адабий тилининг кейинги даврлардаги тараққиёти ҳам бевосита айна адабий тилнинг давомида туради. Бу тадрижий жараёни XVII юзйилликдан XX юзйилликнинг бошларигача яшаб ўтган Абулғозий, Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва б.

Ўнлаб мумтоз адабиётимиз намояндаларининг асарлари тилида яққол кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тили жуда узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ҳозирги оти тил тарихини ўзида тугал акс эттирмайди. Худди шундай ҳолни бошқа туркий (масалан, уйғур, қозоқ ва б.) тилларда ҳам кузатамиз. Бу ҳодиса туркий тилларнинг, шулар қатори ўзбек тилининг ўта мураккаб тарихий-маданий, лингвистик жараёни босиб ўтганидан далолат беради.

Ўзбеклар ҳозирги отини кейинчалик қабул қилди ва узоқ асрлик тилини ҳам шундай атай бошлади. Бунга қадар ўзбек тили *türkčä*, *türk tili*, *türki*, *čiyatay tili* ва бошқа номлар билан атаб келинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ТИЛ БИЛИМЛАРИ ТАРИХИ ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЮКСАЛИШИ

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: тилшунослик атамалари, китобат атамалари, тил билими, ёзма адабий тил, нутқ, эски туркий лаҳжалар.

ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР:

*Тилшунослик атамалари ва тил билимининг юзага келиш тарихи.
Қадимги турк диалектлари ва уларнинг адабий тилга муносабати.
Маҳмуд Кошғарийнинг эски туркий лаҳжалар тўғрисидаги маълумотлари.
Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги улуғ хизматлари.*

ТИЛШУНОСЛИК АТАМАЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТИЛ БИЛИМЛАРИ ТАРИХИ

Фан соҳасининг тарихи тилда ўша соҳага тегишли атамалар (терминлар) тизими шаклланишидан бошланади. Тилда соҳа тушунчалари билан бир пайтда унинг атамалари ҳам яратила бошлайди. Айни ўлчовларга таянадиган бўлсак, туркий тиллар тарихида тил билимининг, яъни тилшуносликнинг юзага келиши жуда эски замонлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Муҳими шундаки, илк ўрта асрларда яратилган ёзма ёдгорликларда тил билими, шунингдек, ёзув билан боғлиқ тушунчаларни акс эттирувчи бутун бошли атамалар тизими мавжуд эди. Буларнинг бари ота-боболарнинг ёзма меросида тамғаланиб қолган.

Адабий тил тарихидаги ана шундай қатламлардан бири ёзув билан боғлиқ атамалардир.

Қадимги туркий тилда «ҳарф» *üzük~üzik* дейилган.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *üzük* – «бўғин, ҳижо»; *bitig üzüklädi* – «ҳарфларни ва китобни ҳижжалади». Ҳижо ҳарфларининг ҳар бирини ҳам *üzük* дейдилар; *bu ne üzük-ol?* – «бу қандай ҳарф?» *zā* ҳарфи икки махраж ўртасида талаффуз қилинади (ДЛТ, 42).

Туркий тиллар тарихида ёзув билан боғлиқ, маъно кўлами ўта кенг атамалардан бири *bitig* сўзидир.

Bitig сўзи «ёзмоқ» маъносидаги *biti*- феълига от ясовчи *-g* қўшимчасини қўшиб ясалган: *biti+g>bitig*.

Bitig сўзи илкин англамида «ёзув, хат; матн»ни билдирган, бошқа маънолари эса ана шундан урчиган. Бунга боғлиқ ҳолда «китоб; мактуб; ёзма ҳужжат», қўйингки, ёзув ва матн билан боғлиқ нарсалар ана шу сўз билан аталадиган бўлди.

Маҳмуд Кошғарийга кўра:

bitig – «китоб».

bitig – «ёзув, ёзмоқ». Бу, айна замонда, масдардир; *anīḡ bitigi belgūlūg* – «унинг ёзуви маълум, белгили».

bitig – «тумор» (Ўғузча) (ДЛТ, 155).

Икки тилли, эски туркий-хитойча «Идикут маҳкамаси сўзлиги»да *bitig* сўзи икки ўринда икки хил маънода берилган: биринчиси 書 («китоб; мактуб»); иккинчиси 文 («қўлёзма асар») (IMS, 49).

Туркий ёзма ёдгорликларда *bitig* сўзининг маънолари мавжуд луғатларда келтирилган маъноларга қараганда анча кенг. Жумладан, битигларда бу сўзнинг қуйидаги маънолари учрайди:

(1) биринчидан, *bitig* сўзи «ёзув, матн» маъносида келади:

Бу сўз «харф» англамидаги *ūžik* сўзи билан бирга жуфт ҳолда ҳам ишлатилган: *bitig ūžik* дейди, бу «ёзув, хат» дегани.

(2) яна *bitig* сўзи ёзма манбаларда «китоб; асар» маъносида ҳам келади.

Тошларга битилган кўк турк ёзма ёдгорликлари матннинг ўзида *bitig* аталган. Жумладан, Кул тигин битигида битигни Йўллуғ тигин битганлиги шундай қайд этилади: *Bu bitig bitigmā atīsī Yol(l)uḡ t[igin]*. – «Бу битиг битилгучининг жигари Йўллуғ тигин» (Ка. 13). Ёки битигнинг охирига шундай ёзиб қўйилибди: *Bunča bitig bitigmā Kūl tigin atīsī Yolluḡ tigin bitidim. Yigirmi kūn olurup bu tašqa, bu tamqa qop Yolluḡ tigin bitidim.* – «Бунча битигни битилгучи Кул тигиннинг жигари Йўллуғ тигин битдим. Йигирма кун ўтириб, бу тошга, бу бинога тўлиқ Йўллуғ тигин битдим» (К. II).

Қадимги туркий тилда *bitig* лексемасидан янги сўзлар ҳам ясалган. Масалан, кўк турк ёзувидаги мангутошлар *bitigtaš* дейилади. Кул тигин битигида: *Kūl tigin qoñ yilqa yiti yigirmikā ucdi. Toquzunč ay yiti otuzqa [yoḡ ārtürtimiz. Barqīn bādizin] bitigtaš[in] bičīn yilqa yitinč ay yiti otuzqa qo[p al] qd[imī]z.* – «Кул тигин қўй йилида, [биринчи ойнинг?] ўн еттинчисида ўлди. Тўққизинчи ой(нинг) йигирма еттисиди азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ой(нинг) йигирма еттисиди бутунлай тугатдик» (К. III).

Йирик буддавий қиссалар, будда ақоидлари эса *nom bitig* аталган. Бу атамадаги *nom* суғдчадан ўзлашган бўлиб (<суғд. *nwm*), «дин, шариат; диний таълимот; буддавий қонун-қоидалар; йўруғлар» деган тушунчани беради. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *nom* нинг маъноси – «дин ва шариат». Бундан олиниб *tānri nomi* дейилади, «худонинг дини ва шариати» демакдир. Ҳамма динларга ҳам *nom* дейилади. Бу *şin* ликлар сўзидир (ДЛТ, 369).

Nom bitig лар турк-будда адабиётида кенг тарқалган эди. Жумладан, қадимги турк-будда адабиётининг қимматли асарларидан бири «*Maytri simit nom bitig*» деб аталган (MS. 141). Бунинг маъноси «Майтри билан учрашув китоби» деганидир.

«Олтун тусли ёруғ» асарининг тўлиқ оти шундай: «*Altun õñlũg yaruq yaltriqlũy qopta kõtrũlmĩş nom eligi*» *atliũ nom bitig*. – «Олтин тусли ёруғ ялтироқли тугал юксак нўм тождори» отли нўм битиг (AYar. 201, 4 – 6).

Ёки ўтмишда яшаб ўтган таниқли хитой сайёҳининг ғарб ўлкаларига қилган саёҳатини акс эттирувчи «Сюань-цзан кечмиши» асари матннинг ўзида «*Bodisatv Tayto Samtso ačariniñ yoruyiñ uqitmaq atliũ Tsi-in-čũn tigmä kavi nom bitig*» («Бўдисатв Тайтў Самтсў устознинг кечмишлари ҳикояси отли эпик асар») деб аталган (СЦ. V. 87, 14 – 17). Бу атамадаги *kavi* (<санскр. *kāvya*) «эпос; эпик асар» дегани.

Ёки яна:

yõrug bitig – «шарҳ, шарҳ китоб». Масалан, «Сюань-цзан кечмиши» асарида: *Samtso ačari yõrũg (bitig)indä muntaũ sözläyür*. – «Самтсў ачари ўз шарҳида бундай деган» (СЦ. VIII, 7).

saqurt bitig – бу сўз эски туркий-хитойча «Идикут маҳкамаси сўзлиги»да берилган. Хитойча таржимада – 雜字 *zá zì* (маъноси: «аралаш сўзлар луғати») (IMS, 50).

toñqul bitig – бу сўз эски туркий-хитойча «Идикут маҳкамаси сўзлиги»да берилган. Хитойча таржимада – 榜文 *bǎng wén* (маъноси: «эълон қилинган асар») (IMS, 50).

(3) манбаларда *bitig* атамаси «мактуб, хат» маъносида ҳам ишлатилган:

*Davāt quldī, kāγaz, bitidi bitig,
Bitig birlā etti işinā etig. –*

«Давот ва қоғоз сўради, мактуб ёзди,

Мактуб билан ишига замин ҳозирлади» (QBN. 118b,1).

Ёки яна:

köŋli aytu bitig дейди, бу «кўнгил сўровчи мактуб» дегани (QBN. 118b,11).

yantut bitig – тарихий, тарихий-бадий асарларда «жавоб хати» маъносида келади; *yantut* – «жавоб» (қаранг: ДТС, 233) сўзидан. Лекин ҳужжатчиликда қарздор томонидан тўловни кафилловчи ҳужжат, тилхатни билдиради. Жумладан, Берлин қўлёзмалар фондида сақланаётган Т.М.98 (U 5248) кўрсаткичли ҳужжат *yantut bitig* аталган (ТХ, 26,2 га қаранг).

qumaru bitig – «насиҳатнома» дегани. Жумладан, «Кутадғу билиг»нинг бобларидан бири «*Aytoldi eligkā qumaru bitig qodmīšin ayur*» («Ойтўлди элигга насиҳатнома ёзиб қолдирганини айтади») деб аталган (QBN. 55a,5).

bitig salām – «салом хат; мактуб» маъносини билдиради (УШ. 18).

(4) қадимги туркий тилда «расмий ҳужжат»ларни ҳам *bitig* дейилган. Масалан, васиқалардан бирида шундай келган: *Bu satīy bözni bitig qilmīš kün üzä men, Bādrün, bir eksüksüz tügäl sanar, arīlap berdim.* – «Бу сотилган бўзни ҳужжат тузилган кунда мен, Бадрун, сира қолдирмай, бутунлай санаб, ажратиб бердим» (ТХ, 5 – 7).

bitig барча турдаги ҳужжатнинг умумий атамасидир, ҳужжатнинг муайян тури ажратиб кўрсатилганда қўшма сўз ёки бирикма ҳолида ишлатилган: масалан, «эркинлик берувчи ҳужжат» *boš bitig* ёки *boš idmīš bitig* дейилган; бу атамадаги *boš* «эркин, озод» дегани.

Масалан, васиқалардан бирида шундай келган: *Men yulup alayin, seŋä burunča boš bitig beräyin.* – «Сени мен қутқарай, улардан бурун эрк ҳужжати берай» (ТХ, 1, 12 – 13).

Ёки: *baš bitig* – «бош, асосий ҳужжат» маъносида. Масалан, жорияни сотиб, ўрнига бўз олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг тескарисига (қаранг: Малов 1951, 211 – 214) *Qutluyniŋ baš bitigi-ol* (Кутлуғнинг бош битигидир) деб ёзиб қўйилган (ТХ, 23, 33).

ötüg bitig – «ўтинч битиги; илтимоснома, ариза» (СЦ, VI. 22, 9; АУ, 15, 6). *Men Huintso Ä[nätkäk]kä barquda üč qata ötüg bitig qilip ötündüm.* – «Мен, Сюань-цзан, Анаткакка бориш олдидан уч қайта ўтинч битиги билан мурожаат қилдим» (СЦ, VI. 8, 15 – 17). Шунингдек, қарз олиш васиқаси ҳам *ötüg bitig* аталган (қаранг: ДТС, 393).

bičyas bitig – «қасам битими». Бу атама «Девону луғати-т-турк»да келтирилган (ДЛТ, 182). *Bičyas* – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, кишилар орасидаги ваъда, ваид. У ўрнак қилиб қуйидаги шеърни келтирган:

*Bičyas bitig qilurlar,
And key yemä berürlär.
Xandin basut tilärlär,
Basmil, čumul tirkäsür.*

Ябаку жангида хоқонни кўмакка чақириб айтади: Бизнинг кишилар подшога қаршилиқ қилмасликка, унга бўйсунушга қасам ичиб, битим тузилди. Ҳозир басмил ва чумул қабилалари биз билан урушмоққа йиғилдилар. Хоқон уларга етишди, ҳатто уларнинг қонини тўкди ва асирга олди [Келишув – битим тузишди, яна қасам ичишди. Хондан ёрдан сўрашди. Басмил, чумуллар (бизга қарши) жангга тўпланишди] (ДЛТ, 182 – 183).

Ёки: *čīn bitig* – «чин битиг, хужжат» дегани: *Saqiṣ saqlīqī čīn bitig birlā-ol*. – «Ҳисобнинг тўғрилиги чин битиг биландир» (QBN. 104a,1).

bitig-belgū «давлат тузуги; низоми» дегани. Кўк турк, уйғур хоқонликлари замонида тошларга давлат тузуклари ҳам битилган. 745 йили Иккинчи кўк турк хоқонлиги ўрнига келган уйғур хоқонлигининг ҳукмдори Мўюн-чўр шарафига ўрнатилган битигда (Малов 1959, 30 – 44) буни тасдиқловчи қизиқ бир мисол бор. Битигда 750 йил воқеалари тўғрисида сўз борар экан, Мўюн-чўр тилидан: «Ўша йили ... оқ ўрда чодирини тиктирдим, мудрофаа деворларини қурдирдим, ёзни ўша ерда ўтказдим, ўша ерда тангрига ибодат ўтказдим, туғроимни, битигимни, (тузугимни) ўша ерда яраттирдим (*belgūmin-bitigimin anta yaratitdim*)», – дея таъкидланади. Кейинги йил воқеалари баёнида ҳам шунга яқин мазмунли жумлаларни ўқиймиз: «Ўшанда ғарбда Идуқ башда, Ябаш ва тўқуш (дарёларининг) куйилишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни қурдирдим, мудрофаа деворларини ўша ерда қурдирдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттирдим (*biñ yillīq tūmān kūnlīk bitigimin-belgūmin anta yasī tašqa yaratitdim*)» (матннинг 19 – 22-қаторларига қаранг).

Ушби мисолда кечган *bitig-belgū* «давлат тузуги; низоми» маъносини билдиради; *bitigimin-belgūmin anta yasī tašqa yaratitdim* дейилганда «тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим» деган маъно англашилади.

Қорахонийлар давридан бошлаб туркий тилга араб тилидан *kitāb* (<араб. كتاب) сўзи ҳам ўзлашди. Бу атама бизга маълум бўлган ёдгорликлар орасида биринчи бўлиб «Қутадғу билиг»да ишлатилган.

«Қутадғу билиг» тилида бу сўз, ҳар қалай, туркий тилга мослаб жангсиз [p] билан *kitāp* шаклида талаффуз қилинган кўринади. Буни унга жўналиш қўшимчаси *-kā* шаклида қўшилганидан ҳам билса бўлади. Мана ўша мисол: *Kitāpkā bitindi bu haqan atī*. – «Бу хоқоннинг оти китобга битилди» (QBN. 11b,1). Лекин биз арабча шаклини сақлаган ҳолда бошқа ўринларда *kitāb* деб берамиз.

Бу сўз туркий матнларда *bitig* га синоним сифатида «китоб; асар» маъноларида ишлатилган:

«Китобга [яъни асарга] «Қутадғу билиг» деб от қўйдим,
Ўқувчини бахтга элтсин, уни қўлласин» (QBN. 19b,7).

«Қутадғу билиг» уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмасининг охирига, асар тугаганидан кейин *Tügāndi Qutadғu kitābī tatix sekiz qırq üç yilda, qoy yil muharram ayniñ törti Haruda* («Қутадғу» китоби [яъни асари] тарих саккиз (юз) қирқ учинчи йили, қўй йилининг муҳаррам ойида Ҳиротда (қўчириб) тугатилди) деб ёзиб қўйилган (QBN. 93a,26 – 27).

Kitāb сўзи «асар» маъносида туркий луғат таркибига шу қадар сингиб кетдики, ҳатто китобат ишида туркий асарларни айни сўз билан бошлаш анъанага айланиб қолди. Масалан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг 1444 йили Самарқандда уйғур хати билан кўчирилган қўлёзма нусхасида асарга йирик ҳарфлар билан «*Atabatu-l-haqayiq kitābī*» [яъни «Ҳақиқатлар эшиги асари»] деб сарлавҳа қўйилган (YugA. 1 – 2).

Юсуф Хос Ҳожиб «асар муаллифи»ни *kitāb edisi* деган. Бу атама боб сарлавҳасида келади: *Kitāb edisi öziñä 'uzr ayur. - «Китоб [яъни асар] эгаси ўзига узр айтади»* (QBN. 14a,10).

kitābat (<араб. *كتابة*) – Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий билан бўлган ёзишмасини, хатини ана шундай атаган. Мана ўша ёзганлари: *Bu ikkinçi navbat Samarqandni alyanda, 'Alīšer-beg tirig edi. Bir navbat menä kitābatī ham kelip edi. Men ham bir kitābat yibarip edim, arqasida türki bayt aytip, bitip yibarip edim. Javār kelgünčä, tafriqa-vu yavğā boldi* (БН. 78).

Қорахонийлар давридан туркий тилга араб тилидан *хаф* (<араб. *خط*) сўзи ҳам ўзлаша бошлади. У «ёзув; матн» маъноларида туркий *bitig* сўзига синоним сифатида ишлатилган. Бу атама бизга маълум бўлган ёдгорликлар орасида биринчи бўлиб «Қутадғу билиг»да қўлланган.

«Чиройли, нафис хат» *uz haф* дейилган: *Bitigdä haф uz bolsa, ačlur köñül* («Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгил очилади») деб ёзган эди Юсуф Хос Ҳожиб (QBN. 101a,7).

Ёзув ашёларини англатувчи атамалар

Илк ўрта асрларда «қоғоз»ни ифодалаш учун *kāyid* (<форс. *کاغذ* сўзи ҳам ишлатилган. Бу атама илк бор «Қутадғу билиг»да келади (QBN. 118b,1).

Бундан ясалган *kāyid bitig* бирикмаси ҳам бор, у «ёзув қоғози» дегани (QBN. 55a,6).

«Таржимон» асарида бу сўз *kāyit* деб берилган. Луғатда таъкидланишича, унинг форсча асли *kāyit* дир (КТТ. 31).

Қадимги туркий тилда «сиёҳ» *qara* дейилган. Масалан, «Кутадғу билиг»да: *Qalamda qara tamsa, altun kelir.* – «Қаламдан қора томса, олтин келади» (QBN. 101b,13).

Қадимги туркий битигларда «сиёҳ» англамида *mkā* сўзи ҳам ишлатилган. Масалан: *altun mkā* дейди, бу «олтин суви, зарҳал» деганидир (СЦ. VIII. 9, 3).

Қадимги туркий тилда ёзув қуроли бўлмиш «қалам» *bi* дейилган. Бу атама «Сюань-цзан кечмиши» асарида келади (СЦ. VI. 25.4).

Арабчадан ўзлашган *qalam* (<араб. قلم) сўзини биринчилардан бўлиб Юсуф Хос Ҳожиб ишлатган. У қаламнинг кучига катта баҳо бериб, қалам элни тузиш, мамлакатни мустақкамлаш қудратига эга эканлигини таъкидлайди. Бунда у расмий битимлар, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро келишувларни кўзда тутади:

*Qilīč el tüzār ham bodun qazyanur,
Qalam el tüzār ham hazina urur.* –

«Қилич эл тузади ҳамда халқларни қўлга киритади,
Қалам эл тузади ҳамда хазина йиғади» (QBN. 101b,12).

Юсуф Хос Ҳожиб қиличнинг кучи билан элни босиб олиш мумкин, лекин мамлакат қалам билан бошқарилади дейди. Бу билан у мамлакат бошқаруви ҳужжатларга, расмий ёзмаларга таянажagini таъкидлайди. Мана ўшанинг мисоли:

*Qilīč birlā aldī, kōr, el alyučī,
Qalam birlā bastī ol el basyučī.*

*Qilīč birlā alsa bolur terk elig,
Qalam bolmayinča basumas elig.* –

«Кўргин, эл олувчи қилич билан босиб олади,
Элни бошқарувчи қалам билан бошқаради.

Қилич билан элни тез босиб олса бўлади,
(Лекин) қалам бўлмаса, қўл (кучи) билан элни бошқариб бўлмайди»
(QBN. 92a,3-4).

«Сиёҳдон» ёзма ёдгорликларда *bitigü* дейилган. Бу сўз «Қутадғу билиг»да келади (QBN. 55a,6). Муҳими шундаки, асарда *bitigü* га синоним сифатида *davāt* (<араб. دوات) сўзи ҳам ишлатилган (QBN. 118b,1).

Котибларни атовчи сўзлар

Ўтмишда хат битувчи «котиб»ни *bitigčī, bitkāčī, ilimya, baxšī* деб аташган. *Kātib, haṭṭāt* сўzlари нисбатан кейинроқ, ўрта асрлардан бу ёғига ишлатила бошлади.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: «*ilimya* – шоҳ мактубларини турк хати билан ёзувчи котиб»дир (ДЛТ, 71).

Юсуф Хос Ҳожиб «котиб» маъносида *bitigčī* атамасини ишлатган (масалан, QBN. 100b,2). Ушбу атама «Қутадғу билиг»да *ilimya* сўзи билан бирга жуфт ҳолда *bitigčī ilimya* деб ҳам қўлланган. Бунда у «хат ёзувчи котиб» деган маънони англатади. Мана мисоли:

Ögdülmış eligkä bitigčī ilimya nekü-teg keräkin aytur. – «Ўғдулмиш элигга хат ёзувчи котиб қандай (бўлиши) кераклигини айтади» (QBN. 100a,14).

Ўрта асрларда «девон котиблари» *dīvān bitigčīlari* дейилган (ТҚ, 7).

Қадимги туркий тилда «котиб, хат битувчи» маъносида *bitkāčī* атамаси ҳам ишлатилган (АҲар. 686,1).

Ўтмишда «котиб» маъносида *baxšī* сўзи ҳам ишлатилган. Бу сўз манбаларда *baqšī ~ baxšī* вариантларида келади. *Baqšī ~ baxšī* сўзи қадимги турк будда, моний диний жамоаларида «устоз, мураббий; муаллим» маъноларида ишлатилган. Масалан: *sōki baqšīlarniṅ sawī erür* – «бурунги устозларнинг сўzlари эрур» (СЦ. VIII. 9, 2 – 3).

Бу сўз бирикма шаклида ҳам келган: *nomčī baqšī* дейди, бу атама «нўмчи устоз»ни англатади (СЦ. V. 9, 18).

Ёки: *uluḡ baxšī* «улуғ бахши» дегани: *yolčī yerčī uluḡ baxšī* – «етакловчи, йўл кўрсатувчи улуғ бахши» (АҲар. 416,20);

sōzčī baxšī – «таълимотни етказувчи» дегани: *Adiṅsiysiz yarliḡliḡ sōzčī baxšī ata qaṅ.* – «диний таълимотни етказувчи улуғ ота» (АҲар. 682,14).

Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган бу сўз кейинчалик туркий тилда ва уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сақланиб қолди. Масалан, ўрта асрларда, тўғрироғи, теурийлар замонида уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxšī* сўзи қўшиб айтилган: *Zaynu-l-Ābidin baxšī, Ābdu-l-razzāq baxšī* сингари.

Шу ўринда муҳим бир фактга эътибор қаратайлик. Илк Қирим хони Ҳожи Гирейнинг 1453 йили Маҳмуд ўғли Ҳаким Яҳёга берган тархонлик ёрлиғи (васиқаси) бор (Kurat 1940, 62 – 75). Бу ёрлиқнинг бошқа ёрлиқлардан фарқи шундаки, унинг охирида битигни битган бахши (котиб)

нинг ва унга кўрсатма берган қозининг оти ёзиб қўйилган: *Qāzi-l-quzzat mavlānā Sadr-i Jihān ötündi. 'Ali baxšī bitidi* – «Қозикалон мавлоно Садри Жихон илтимос қилди. Али бахши ёзди».

Яна бир жиҳати, ёрлиқнинг 51-қаторида *altun nišānliḡ, al tamyalīḡ yarlīḡ berdimiz* деган жумла келади. Ҳолбуки, ёрлиқда бу жумлада тилга олинган нишон ҳам, тамға ҳам йўқ. Фақат унинг бошланишига чиройли бир ёзувли нишон ишланган, холос. Бироқ у хоннинг нишони эмас, ундаги ёзув басмаладир. Агар ёрлиқ ўта нафис хат билан битилмаганида, юқоридаги белгиларига асосланиб уни асл ёрлиқнинг копияси (нусхаси) деган бўлардик. Шундай бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқмас. Акс ҳолда, ёрлиққа котибнинг ва қозикалоннинг исми ҳам ёзилмаган бўларди. Афтидан, Али бахши ёрлиқдан қозикалоннинг илтимосига кўра нусха кўчириб берган кўринади.

Муҳимроқ ери ёрлиқда *baxšī* атамасининг қўлланилгани. Демак, Қирим хонлигининг илк палласида Олтин Ўрда китобат анъаналари давом этган ва бу доирада ҳам котибларни ўрни билан *baxšī* дейишган.

Ҳозирги ўзбек тилида эса *baxšī* сўзи «халқ дostonчиси, бахши»ни билдиради. Айрим ўзбек оғизларида «табиб» ҳамда «фолбин»ни ҳам *baxšī* дейдилар.

«Нутқ» ва «ёзма адабий тил» тушунчаларининг ифодаланиши

Шарқ тилшунослиги «тил» ва «нутқ»нинг ўзаро фарқини, «ёзма адабий тил»ни ғарб илмига қараганда анча бурун англаб етди.

Ўтмишда *til* атамаси кенг маънода ишлатилган. Бу атама «жамиятнинг мулоқот воситаси» маъноси билан бирга «нутқ»ни ҳам англатган. «Кишининг нутқи» тўғрисида сўз борганда у *til* дейилади.

Шунингдек, «кишининг нутқи» маъносида ўрни билан *sōz* атамаси ҳам ишлатилган. Мана бунга мисол:

*Bilip sōzlāsā sōz, biligkā sanur,
Biligsiz sōzi ōz bašīnī yeyūr. –*

«Сўзни билиб сўзласа, донолик саналади,
Билимсизнинг сўзи ўз бошини ейди» (QBN. 13b,3).

Уч улуғ ижодкор, олим ва мутафаккирлар «тил» ва «нутқ»ни, «оғзаки нутқ» ва «ёзма адабий тил»ни бир-биридан фарқлаб, бу тушунчалар учун махсус истилоҳлар ҳам ишлатганлар.

Жумладан, улуғ шоир ва файласуф, эски туркий тилнинг билимдо-ни Юсуф Хос Ҳожиб «ёзма адабий тил»ни *bitig söz* деб атаган эди. Мана унинг ёзгани:

*Balāyat bilā xaṭ tenāšsā qalī,
Eḍi eḍgü til bu bitig söz tili. –*

«Агар фасоҳат билан (хуш) хат тенглашса,
Бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади» (QBN. 101a,8).

У ёзма нутқни жуда яхши усул дейди: *Eḍi eḍgü yaṅ bu bitig söz yaṅi* дея таъкидлайди у (QBN. 101a,9). Асар қўлёзмасида *eḍi* сўзининг остига *uluṅ* деб изоҳлаб қўйилибди. Шунга қўра, ушбу жумлани «Ёзма нутқ усули жуда яхши усулдир» дея англамоқ керак.

Юсуф Хос Ҳожиб «оғзаки сўз», яъни «нутқ»ни *tilin söz* деган. Мана матндан олинган мисоли:

*Yoq ersā bitig bu kišilār ara,
Tilin sözkā kim бүtkäy erdi, kör-ä. –*

«Кишилар ўртасида ёзув бўлмаганида,
Оғзаки сўзга ким ҳам ишонар эди, кўргин» (QBN. 101a,13).

Адиб Аҳмад *til* сўзини бир қанча маънода ишлатган:
Бири «нутқ аъзоси, тил»ни англатади:

*Ešit, бүt bu sözkā: Qamuy taṅda tan
Turup, tilgā yүknүp, tazarru' qilur. –*

«Эшит, бу сўзга инон: Тана ҳар тонгда
уйғониб, тилга юкуниб, тазарру қилади» (YugA. 31, 5 – 6).

Асарда *til* атамаси «жамоа тили» (*luṅa*)ни (масалан, *kāšyar tili*), киши-га нисбатан ишлатилганда эса «нутқ» (*kalām*)ни англатади:

*Ešitkil, biliglig negü dep ayur:
Adablar bašī til, köḍäzmäk turur. –*

«Эшитгин, билимли нима деб айтган:
Одобнинг боши тил [яъни нутқ], (уни) сақламоқ керак» (YugC. 13, 7 – 8).

Ёки:

Tili yalyan erdin yiraq tur, toz-a («Сўзи ёлғон [яъни ёлғон сўзловчи] кишидан узоқ тур, тўзгин [яъни нари бўл]») дея ўгит беради Аҳмад Югнакий (YugA. 34, 2). Бунда *tili yalyan er* деганда «ёлғон сўзловчи киши» англашилади.

Адиб Аҳмад, бундан ташқари, «нутқ»қа нисбатан *ayiz til, til soz* аталарини ҳам қўллаган. Мана унинг айтганлари:

Асарда *ayiz til* атамасини «оғзаки тил», яъни «нутқ» англамида ишлатади:

*Ayiz til bezagi kōni soz turur,
Kōni sözlä sözni, tiliḡni bezä. –*

«Нутқнинг беаги тўғри сўз туруп,
Сўзни тўғри сўзла, тилингни [яъни нутқингни] беа» (YugA. 34, 4 – 5).

Келтирилган мисолда *ayiz til* «нутқ» дегани, иккинчи сатрдаги *til* ҳам айни англамда. Бир сўзни қайтармаслик учун кейингисида бошқа истилоҳ ишлатилмоқда.

Адиб Аҳмад «киши нутқи»ни *til soz* деб ҳам атаган. Мана унинг айтгани:

*Xiradliq-mu bolur tili boš kiši,
Telim bašni yedi bu til soz bošī. –*

«Тили бўш киши ақлли (ҳеч замонда) бўлармиди?!

Тил сўз [яъни нутқнинг] бўшлиги кўп (киши)нинг бошига етди» (YugC. 14, 4 – 5).

Тил ва нутқ билан боғлиқ атамалар семантикаси

Кишилиқ ўтмишида лингвистик билимлар тарихи «тил»ни англашдан, у ҳақдаги тушунча-қарашларнинг юзага келишидан бошланган. Шунинг учун ҳам *til* сўзини лингвистик тушунчаларнинг биринчиси, лисоний қарашларнинг таянч нуқтаси деса бўлади.

Til атамаси бошланғич даврда, ҳар қалай, «жамиятдаги алоқа воситаси» маъносида ишлатилган, «киши нутқи» маъноси эса кейинчалик шакланган бўлиши керак.

«Киши нутқи» англамидаги *til* сўзининг талаффузи «алоқа воситаси» ва «нутқ» англамидаги *til* дан фарқ қилган кўринади. Сабаби шундаки, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган нусхасида **تل** сўзи «нутқ аъзоси» англамида келганида унга тушум келишиги қўшимчасининг

«йўғон» *yaun* ли варианты қўшилган (تليغ). Шунинг учун у *tiliy* деб ўқилгани тўғри. Мана ўша байт:

*Tiliy keδ kōdāzgil, kōdāzildi baš,
Sözüñni qīsurūil, uzatildi yaš. –*

«Тилни жуда эҳтиёт қилгин, бош сақланади,
Сўзни қисқа қилгин, ёшинг узаяди» (QBN. 13b,9).

Айрим ўринларда تيل сўзи «нутқ аъзоси» англамида келганида ҳам унга тушум келишиги қўшимчасининг «ингичка» *kāf* ли варианты қўшилган (تيليک). Шунинг учун у *tilig* деб ўқилади. Мана ўша байт:

*Öküš sözlāsä, yañšadi ter tilig,
Yana sözlāmāsä, ayin ter tilig. –*

«Кўп сўзласа, тил эзмаланди дейилади,
Сўзламаса-чи, тил соқов дейилади» (QBN. 13b,7).

Англашиладики, «нутқ аъзоси» билан «жамиятнинг алоқа воситаси» бўлган *til* келиб чиқишига кўра бошқа-бошқа сўзлардир. Тарихан уларнинг биринчиси «йўғон» ўзакли, кейингиси эса «ингичка» ўзакли сўз бўлган: *til* ва *til*. Кейинчалик бу сўзлар талаффузда фарқланмай қўйган.

Башарти шундай экан, олимларнинг *til* сўзи «демоқ, айтмоқ» англамидаги *ti-* феълидан ясалган (*ti+l>til*) деган фикрига (қаранг: Насилов 1974, 22) қўшилиш қийин. Шундай бўлганида, бу сўз «Қутадғу билиг»да *til* шаклида «йўғон» унли билан талаффуз қилинмаган бўлар эди. Демак, улар «демоқ, айтмоқ» англамидаги *ti-* феълига эмас, бошқа сўзларга боғланади.

Маҳмуд Кошғарий *til* сўзининг уч хил маъносини келтирган. Унинг ёзишича:

til – «тил» (*lisān*). Мақолда (шундай келган): *Erdām baši til*. Маъноси: «Энг яхши хулқнинг боши тилдир»...

til – «тил» (*luğa*). Чунончи, *uyur tili* – уйғур тили, *xitay tili* – хитой тили каби.

til – «тил» (*kalām*); *ol begkā til tegürdi* – у бекка сўз тегизди, ҳақоратомуз сўз сўзлади (ДЛТ, 368).

Ёзма ёдгорликларда *til* атамаси бир қанча маънода келади:

(1) манбаларда *til* атамаси «нутқ аъзоси, тил»ни англатади:

*Ešit, büt bu sözkā: Qamuy tañda tan
Turup, tilkā yüknüp, tazarru' qīlur. –*

«Эшит, бу сўзга инон: Тана ҳар тонгда
уйғониб, тилга юкуниб, тазарру қилади» (YugA. 31, 5 – 6).

(2) *til* атамаси «жамиятнинг алоқа воситаси» англамида келади:

(3) ёзма манбаларда *til* атамаси «сўз; гап» ёки «киши нутқи» маъносида ҳам келади:

Tili yalyan erdin yīraq tur, toz-a («Сўзи ёлғон [яъни ёлғон сўзловчи] кишидан узоқ тур, тўзгин [яъни нари бўл]») дея ўғит беради Аҳмад Югнакий (YugA. 34, 2). Бунда *tili yalyan er* деганда «ёлғон сўзловчи киши» англашилади.

Улуғ файласуф Юсуф Хос Ҳожиб сўзнинг улуғ ва муқаддас эканлигини таърифлаб шундай ёзган эди:

*Yašil kökdin indi yayiz yerka söz,
Sözi birlä yañluq ayir qildä öz. –*

«Сўз кўнғир ерга яшил кўкдан инди,
Сўзи билан инсон ўзини улуғ қилди» (QBN. 14b,15).

Кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқотда *söz* атамасининг вазифаси кенгайиб, муайян тушунча билан бирга «гап», ҳатто «нутқ»ни ҳам англата бошлаган. Масалан, *sözlädi* деганда «сўзни айтди, талаффуз қилди» эмас, «гапирди; фикрини билдирди; хабар берди» англашилади.

Расмий мулоқотда *söz* «юрт эгасининг буйруғи, элга қарата айтган сўзи»ни англатган. Ёзув юзага келмасдан анча бурун ўзаро расмий муомаладан бошлаб юрт эгасининг элга мурожаати ҳам, жамоа орасидаги ўзаро келишув муносабатлари ҳам *söz* дан бошланган. Ҳукмдор қўл остидаги кишиларга, элга ўз сўзини, буйруғини айтган.

Ёзма ҳужжатчилик юзага келгандан кейин ҳам *söz* калимаси расмий битигларда айни вазифада ишлатила бошлади. Жумладан, илк ва ўрта асрларда яратилган ёрлиқларнинг унвонларида *sözüm* калимаси қўлланган. У «бу менинг фармоним, ёрлиғим» деган маънони англатади.

Ёзма ёдгорликлар тилида *söz* атамаси бир қанча маънода ишлатилган. Булар:

(1) илкин маънода ушбу атама «сўз»ни, яъни «тушунча бирлиги»ни англатган. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *söz* – «сўз, калом» (ДЛТ, 365).

Қолган маънолари ана шундан урчиган. Илкин маъносига мисол:

*Uquš körki til-ol, bu til körki – söz.
Kiši körki yüz-ol, bu yüz körki – köz. –*

«Заковатнинг кўрки тилдир, бу тил кўрки – сўз,
Кишининг кўрки юздир, бу юз кўрки – кўз» (QBN. 10a,23).

(2) *söz* атамаси «гап» ёки «хабар» маъносида ҳам келади:

Köni söz 'asal-teg, bu yalyan – başal. – «Тўғри сўз бол кабидир, ёлғон (сўз) (аччиқ) саримсоқ (кабидир)» (YugB.17,7);

Xali sözläsänj söz bilip sözlägil. – «Сўз сўзлайдиган бўлсанг билиб сўзлагин» (YugC. 22,9).

(3) ушбу атама ёзма манбаларда «нутқ» маъносида ҳам келган. Мана бунга мисол:

*Bilip sözläsä söz, biligkä sanur,
Biligsiz sözi öz başini yeyür.* –

«Сўзни билиб сўзласа, донолик саналади,
Билимсизнинг сўзи ўз бошини ейди» (QBN. 13b,3).

(4) *söz* атамаси «айтилган фикр, мулоҳаза»ни ҳам билдиради. Мана бунга мисол:

Bayat ati birlä sözüg başladı. – «Худо номи билан [яъни бисмиллоҳ билан] сўзини бошлади» (QBN. 118b,2).

(5) *söz* калимаси «ёрлиқ, фармон, буйруқ» маъноларида ҳам келади. Мана бунга мисол:

*Neçä ma bilig bilsä beglär özi,
Bitigçi keräk-ök bitisä sözi.* –

«Бегларнинг ўзи қанчалик билимли бўлмасин,
Ёрлиқ (ёки хабар) ёзгудек бўлса, албатта котиб керакдир» (QBN. 100b,2).

Шунингдек, *söz* калимаси ҳукмдорларнинг бирор кимсага йўлланаётган хатларида, ёрлиқларида унвонда келиб, юрт эгасининг «мурожаати; фармони; ёрлиғи» маъноларида ҳам қўлланган. Айни маънода Турфон хужжатларида ҳам ишлатилади. Масалан, Берлинда сақланаётган Т.М.97 (U5290) кўрсаткичли хужжат *Lala tigin sözum Ća(...)qayanqa* унвони билан бошланади. Чоғиштиринг: Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк қиролига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sözum Yağaylaya* (Т.1 – 2) ёки Темур Қутлуғ хоннинг ёрлиғи *Temür Qutluğ sözum* (ТҚ.1) деб бошланган. Бу мисолларда *söz* «ёрлиқ; фармон» англамидадир.

(6) Расмий битигларда «хужжат; келишув» маъносида ҳам ишлатилади: *bu sözkä tanuq – Qara baqši* – «бу сўзга, яъни хужжатга гувоҳ – Қара бахши» (ТХ. 20, 8 – 9).

(7) «Ўғит, панд-насихат, ибратли сўз» англамида келади:

*Señä sözlädim men sözüm, ey oğul,
Señä berdi bu pand özüm, ey oğul. –*

«Сенга сүзимни сүзладим, эй ўғил,
Сенга панд-насихат қилдим, эй ўғил» (QBN. 14a,5).

Bu sözkä tanuqı munu keldi söz. – «Бу сўзнинг исботи учун мана бундай сўз бор» (QBN. 25b,11).

(8) Алишер Навоий ўзининг ҳамдларидан бирида *söz* ни Оллоҳнинг хукми («бўл») маъносида қўллаган:

*Ey, söz bilä qilyan āfariniš āyāz,
İnsānı arada äylägän maḥram-i rāz. –*

Оллоҳга ҳамд ўқийди: «Эй яралишни сўз билан [яъни «бўл» деган хукм билан] бошлаган, инсонни орада (Ўзига) яқин айлаган» (МЛ, 54).

Ушбу атама ёзма ёдгорликларда сўз бирикмалари шаклида ҳам ишлатилган. Масалан:

qumaru söz дейди, бу бирикма «панд-насихат; оталар сўзи»ни англатади:

*Kišidin kişikä qumaru söz-ol,
Qumaru sözi tutsa, asyi yüz-ol. –*

«Кишидан кишига (қоладиган) мерос сўздир,
Мерос сўзни [яъни оталар сўзини] тутса, фойдаси юздир» (QBN. 14a,8).

ič söz дейди, бу бирикма «яширин сўз; сир-асрор»ни англатади: *Bitigčikä ayu keräk ič sözün* («(Бег) ич сўзларини [яъни сирларини] котибга айтса бўлади») деб ёзган эди Юсуф Хос Ҳожиб (QBN. 100b,3).

kečki söz, uzaqı söz шаклларида келиб, «таъбир; мақол; матал» маъноларини билдиради. Бирикма таркибидаги *kečki, uzaqı* сифатлари *söz* нинг қадимийлигига ишора қилади. Бунга мисол:

*Eđi kečki söz-ol, masalda kelir:
«Ata ornı, atı oyulqa qalır». –*

«Масалда келадиган жуда эски таъбир бор:
«Отанинг ўрни (ва) оти ўғилга қолади» (QBN. 11a,12).

Ёки:

Bu bir söz uzaqı urulmıř masal. – «Бу сўз эскидан қолган мақолдир» (YugB. 17,10).

söz sözlä – «сўз сўзла»: *Anar sözlädi sözni barča elig.* – «Элиг унга барча сўзни айтиб берди» (QBN. 33b,2).

söz yorı – «сўзи ўтмак; даъвоси тан олинмоқ» маъносида. Хужжатларда даъво қилувчиларга нисбатан *sözläri yorımasun* дейилади (ТХ, 2,24); ушбу бирикма «даъво қилувчиларнинг сўзлари ўтмасин; уларнинг даъвоси тан олинмасин» деган маънони англатади.

sözın kesti – «сўзини кесди, бўлди» (QBN. 48b,4).

Қадимги туркий тилда «сўзнинг маъноси» *yörüg* дейилган. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *yörüg* – «сўзнинг маъноси ва очиқламаси»; *söz yörügi* – «сўзнинг очиқламаси» (ДЛТ, 329).

Қадимги туркий тилнинг луғат таркибида кенг қўлланган, тил ва нутқ жараёни билан боғлиқ атамалардан яна бири *saw* сўзидир.

Маҳмуд Кошғарий *saw* нинг бир қанча маъносини келтирган. У ёзади: *saw* – «оталар сўзи; мақол» (*masal*). Чунончи, *sawda munday kelir* – «оталар сўзида шундай келади».

saw – «қисса» (*qişsa*).

saw – «ҳикоя» (*hikāya*).

saw – «рисола, мактуб» (*risāla*).

saw – «сўз, нутқ» (*kalām*).

saw – «хабарлар ва янгиликлар» (*anbā va aḥādīs*). Шу боисдан набий, пайғамбарга *sawcī* дейилади. Чунки у бир қанча хабарларни эшиттиради, ёзилган нарсаларни етказиши (ДЛТ, 375).

Тил тарихида шундай сўзлар борки, улар маъносига қараб сўзлашув жараёнини ёки ёзма нутқ жараёнини англатиб туради. Бу нарса феъллар семантикасида яхши кўринади. Масалан, *sözlä-, ay-, te-, tıñla-, ešit-* сингари феъллар маъносига кўра сўзлашув жараёнини, *biti-, yaz-, oqı-* сингари феъллар эса ёзма нутқ жараёнини англатади. Булардан *sözlä-, ay-, te-* бевосита тингловчига қарата «сўз ёки гапни сўзлашга, айтишга, дейишга буйруқ»дир. *Tıñla-, ešit-* эса тингловчига қарата «сўз ёки гапни эшитишга, тинглашга буйруқ». Шунинг учун ҳам бу тушунчаларнинг келиб чиқишини анча эски, ҳатто ёзув пайдо бўлмасдан бурунги, кишилар ўртасида ўзаро фикр билдириш жараёни шаклланган даврларга боғлаш ҳам мумкин.

Энди кейинги туркум сўзлар семантикасида бошқа бир ҳолат кузатилади: *biti-, yaz-* сўзлари тингловчига қарата айнан «харф, сўз ёки йирикроқ матнни битишга, ёзишга буйруқ», *oqı-* эса бошқа нарсани эмас, айнан «битилган, ёзилган харф, сўз ёки йирикроқ матнни ўқишга буйруқ»дир. Агар бирор сурат ёки чизма тўғрисида сўз кетганда эди, *oqı-* эмас, *kör-, qara-*,

baq- дейилган бўларди. Шунинг учун ҳам *biti-*, *yaz-*, *oqī-* тушунчаларининг генезиси фақат ёзув жараёни, матн битиш анъаналари, унинг келиб чиқиши билан боғлиқдир. Хат битувчи кўзда тутилганда *bitidi* ёки *yazdī*, адресат кўзда тутилганда *oqīdī* дейилади. Масалан: *ol bitig yazdī* – «у хат ёзди» (ўғузча) (ДЛТ, 344); *er bitig oqīdī* – «киши китоб ўқиди» (ДЛТ, 412).

Жамият орасида ёзув ўйлаб топилганидан кейингина бу тушунчалар ҳам шаклланган.

Biti- феъли – бевосита ёзув ёки матн билан боғлиқ тушунча; хатни, хужжатни ёки китобни «ёзгин» дегани. Айни туришида тингловчига буйруқ. Агар *bitidi* бўлса, ўзга кимсанинг хатни, хужжатни ёки китобни ёзганлиги тўғрисидаги хабар англашилади.

Ушбу сўз васиқаларнинг якунида хужжат битувчи тилидан *aytīp bitidim*, *inčkā aytīp bitidim* шаклларида келади. Бу ерда *aytīp bitidim* «тилхат берувчининг оғзидан [яъни унинг айтганлари бўйича] сўраб ёздим», *inčkā aytīp bitidim* «тилхат берувчининг оғзидан сўзма-сўз сўраб ёздим» деган маънони англатади. Масалан:

Men, Mīsīr aytīp bitidim. – «Мен, Мисир сўраб ёздим [яъни унинг ўз оғзидан сўраб ёздим]» (ТХ, 3,25).

Men, Šīla Quγdamunīqa inčkā aytīp bitidim. – «Мен, Шила Қуғдамунидан бирма-бир сўраб [яъни унинг айтганлари бўйича] сўзма-сўз ёздим» (ТХ, 2,32 – 33).

Ёрлиқ ва фармонларда эса матн юрт эгасининг тилидан берилиб, хужжатни якунловчи гапнинг кесими мажхул нисбатда *bitildi* ёки кўпликда *bitidimiz*, *bitdimiz* шаклларида келади.

Масалан, султон Умаршайхнинг Марғинон бузурғларидан Мир Сайид Аҳмадга берган суюрғал битиги якунида *Muhurluγ ni(šā)n uy yil, šavval ayīnīḡ yigirmi sekizi Andīgāndā bitildi* («Ушбу муҳрли нишон сигир йили, шаввал ойининг йигирма саккизида (1469 йилнинг 11 майида) Андиганда битилди») деб ёзилган (УШ. 12 – 13).

Ёки Тўхтамиш хоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган хати якунида: *Taqayū yil, tarix yeti yūz toqsan beštā rajab ayīnīḡ sekiz yañīda ordu Tanda erürdā bitdimiz* («Товуқ йили, тарих етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни ўрда Танда [яъни Дон дарёси ёқасидаги шаҳарда] эканлигида битдик») деб ёзилган (Т. 23 – 25).

Biti- феълидан *bitim* сўзи ҳам ясалган.

Bitim – «битим, келишув». Кўк турк хоқонлиги замонидан терига ёзилган хужжатлар ҳам етиб келган. Шулардан бири Зарафшоннинг юқори оқимидаги Муғ қалъа деб аталувчи тарихий харобадан суғдча ёдгорликлар билан бирга топилган (*қаранг:* Бернштам 1951). Ушбу туркий хужжат кўк турк ёзувида бўлиб, қорамтир кулранг, юпқа терига би-

тилган. Матни қора сиёҳда, ёзуви тиниқ, олти қаторли. Тери анча чириб тушганидан матнни тўлиғича тиклаб бўлмади.

Ушбу битиг юрт эгасининг ёрлиғи ёки йирик дипломатик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат эмас; бор-йўғи хўжалик ишларига тегишли. А.Бернштамнинг тахминича, ушбу топилма Деваштич қўл остида хўжалик ишида йилкичилик билан шуғулланувчи бирор кимсага тегишли расмий ҳужжат бўлиши керак (Бернштам 1951, 72). Буни матнда этли, қизғиш тусли отлар (*āt ar yont*) топширилаётгани тўғрисида сўз бораётганидан ҳам билса бўлади. Лекин тарих учун ушбу битигнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Эътиборли жиҳати, ушбу ёдгорликда *bitim* деган сўз учрайди. *Bitim* сўзи *biti-* – «ёз-» феълидан ясалган бўлиб, келиб чиқишига кўра ёзма ҳужжатлар асосидаги келишувни билдиради. Демак, *bitim* сўзининг қадимийлиги кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ана шу ҳужжат турининг эскилигига далолат қилади.

Yaz- сўзи тарихан «ёймоқ»қа, яъни «бирор нарсани ер узра ёймоқ, тўшамоқ» маъносига боғланади, унинг келиб чиқишини ёзувдан аввалги даврларга боғлаш ҳам мумкин. Лекин унинг ёзув билан боғлиқ «матнни ёзмоқ, битмак» семаси кейинчалик, ёзув амалиёти шакллангандан сўнг «матнни, киши фикрини қоғоз бетига ёймоқ, баён қилмоқ» маъносида келиб чиққан ва у *biti-* сўзига синоним сифатида ишлатила бошлаган.

Бундай сўзларга матнлардан бир-икки мисол келтирамиз:

*Yana bir kerāklig sōzüm bar, seṅā
Ayayin men anī, qulaq tut meṅā. –*

«Яна бир керакли сўзим бор, сенга
Айтайин мен уни, қулоқ тут менга» (YugA. 63, 2 – 3).

Ушбу байтдаги *seṅā ayayin* («сенга айтай»), *qulaq tut meṅā* («менга қулоқ тут») бирикмалари сўзлашув жараёнига хос. Уларнинг иккаласи биргаликда диалогик нутқ жараёнини («сўзламоқ» ↔ «тингламоқ») англатади.

Бошқа бир мисол:

*Aya, mendā kedin keligli muni
Oqisaṅ, du'āda unitma meni. –*

«Эй мандан кейин келгучи, буни
Ўқисанг, дуода мени унутма» (YugA. 116, 1 – 2).

Ушбу байтдаги *mendä kedin keligli* («мендан кейин келгучи») ҳамда *munî oqisañ* («буни ўқисанг») бирикмалари мазмунан ёзма нутққа хос. Улар асар муаллифининг келажак авлодга мурожаати бўлиб, ёзиб қолдирилган панд-насиҳатларни ўқишига ишорадир.

Тилда кўпинча муайян тушунчанинг келиб чиқиши унга зид бўлган иккинчи бир тушунчани ҳам тақозо этади. Сўз эски бўлиши мумкин, лекин янги маънолари кейинчалик ҳам шаклланади. Масалан, қадимги туркий тилда *ayiz til* дейилган, бу атама «нутқ»ни англатади. Бунга зид равишда, «ёзма тил» *bitig söz* дейилган.

Биринчи атамадаги *ayiz* ва *til* сўзларининг илдизи жуда эски, лекин «нутқ» маъносидаги қўшма сўз шакли айнан ёзув пайдо бўлгандан кейин уни «ёзма тил» (*bitig söz*)дан фарқлаш учун келиб чиққан дейиш мумкин.

Шу сингари иккинчи атама таркибидаги *söz* ҳам эски. Лекин ёзув пайдо бўлгандан кейин «ёзма тил»ни «нутқ»дан фарқлаш учун *bitig söz* дейилган.

ҚАДИМГИ ТУРК ДИАЛЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЁЗМА АДАБИЙ ТИЛГА МУНОСАБАТИ

Туркшуносликда қадимги турк диалектлари, уларнинг адабий тилга боғлиқлиқ ери, бизгача сақланган ёзма ёдгорликлар тилининг диалектал ўзгачаликлари ўрганилганича йўқ. Бу жумбоқнинг ечими, табиийки, қадимги ёзма адабий тил асосида қай бир диалект етакчи ўрин тутганлиги, шу билан бирга, ҳозирги диалектлар тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ёзма ёдгорликлар тилининг диалектал асослари туркий тилларнинг юзага келиш тарихини ўрганиш учун ҳам муҳимдир.

Кўк турк битиглари билан уйғур, моний ёзувларида битилган ёдгорликлар ягона адабий тил анъанаси таъсирида олдинма-кетин яратилган бўлувига қарамай, матнлар тилида хос хусусиятлар кузатилади.

Масалан, ёдгорликлар тилида $[b] \sim [m]$ ҳодисасини кузатиш мумкин. Ўрхун битиглари тилидаги сўз бошида келган $[b]$ уйғур ёзувли матнларда $[m]$ га ўзгаради: *ben – men, biñ – miñ* сингари. Матнларнинг бунинг сингари ўзгачаликлари кўк турк хатидаги ёдгорликлар тили қадимги уйғур, моний, браҳма ёзувидаги ёдгорликлардан айри бир диалект асосида юзага келганидан далолат беради.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида эски турк диалектлари тўғрисида кенг маълумот берган. Унинг бу асари эски туркий тилнинг диалектал ўзгачаликларини ўрганиш учун энг керакли манбадир.

МАҲМУД КОШҒАРИЙ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЛАҲЖАЛАР ТЎҒРИСИДА

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида ўрни билан ўша замондаги турк лаҳжа ва диалектлари ўртасидаги фарқлар, уларнинг фонетик, лексик-семантик, морфологик ва услубий хусусиятларини баён этади. Муаллиф сўзи билан айтганда, унда «ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар тuzилган».

Кошғарий турк диалектларининг катта бир гуруҳини (бу ўринда етакчи диалектларга асосланган адабий тил назарда тутилади) «турк», муайян диалект, қавм, уруғларни уларнинг ўз отлари билан (масалан, «ўғуз», «қипчоқ», «чигил» ва б.) атайди. Ора-ора уларнинг етакчи диалектлардан (яъни «туркча»дан) фарқли жиҳатлари, ўзига хосликлари қайд этиб ўтилади (қаранг: Содиқов 2006, 89 – 94).

Турк тили хусусиятларининг баёни

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, энг тўғри ва аниқ тил фақат биргина шу тилни биладиган, форслар билан аралашмайдиган ва шаҳарларга бориш-келиш қиладиган одами бўлмаган кишиларнинг тилидир. [Улар] *suьdaq, kānčāk, arγu* лар каби икки тилда сўзлашувчилардир; *xotan* ликлар, *türüt* лар ва *taγut* ларнинг баъзилари каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузуқлик бор. Булар бу ерларга сўнгроқ келишган (ДЛТ, 25).

Кошғарий японлар тўғрисида ҳам сўз юритган, уларни *čabarqa* деб атаган. Улар тўғрисида «*čabarqa* ликларнинг узоқда туриши, *Māšīn* билан уларни катта денгиз айириб тургани учун уларнинг тиллари билинмайди» деб ёзади олим (ДЛТ, 25).

Māšīn ликлар ва *šīn* ликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши биладилар, бизлар билан ёзишмалари туркчадир. *Yājūj* ва *mājūj* лар узоқда тургани, орада *Māšīn* яқинидаги денгиз тўсқинлик қилиши натижасида уларнинг тиллари ҳам маълум эмас (ДЛТ, 25).

Türüt ларнинг тиллари алоҳидадир. Шунингдек, *xotan* ликларнинг ҳам айрим ёзувлари ва айрим тиллари бор. *Türüt* ликлар ҳам, *xotan* ликлар ҳам туркчани яхши билмайдилар (ДЛТ, 25).

Uyur ларнинг тиллари туркчадир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа бир тиллари ҳам бор. Ёзувда китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарfli туркча ёзувни қўлловчилар хатлари-

ни шу ёзув билан ёзадилар. *Уууу* ларнинг ҳам, *şin* ликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари бор. Китобларини, идора ишларини у хат билан юритадилар. *Şin* ликлар ва мусулмон бўлмаганлардан бошқалар у хатни ўқий олмайдилар. Мен бунгача сўзлаганларим шаҳар халқларидир (ДЛТ, 25).

Саҳройилардан бўлган *çimul* ларнинг тиллари алоҳидадир. [Улар] туркчани ҳам биладилар. Шунингдек, *qay, yabaqu, tatar, basmil* қабила-ларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан бирга, улар туркчани ҳам яхши биладилар. Сўнгра *qirqiz, qiwçaq, oғuz, tuxsi, yaғma, çigil, iғraq, çaruq* тиллари фақат туркчадир. *Yāmāk* ва *başyirt* тиллари буларга яқиндир. *Rūm* гача чўзилган *bulғar, suvar, pāçānāk* лар тили бир хилдаги сўзларнинг охири қисқартирилган бир туркчадир (ДЛТ, 25).

Тилларнинг енгили ўғузча, энг тўғриси, яхшиси *yaғma, tuxsi* кабиларнинг тили, шунингдек, *İla* (Или), *Ertiş* (Иртиш), *Yamar, Etil* водийларидан *уууу* шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил хоқония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир. *Balasaғun* ликлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. *Ṭirāz* (Талас) ва *Madīnatu-l-bayḍa* шаҳарларининг халқлари суғдча ҳам туркча сўзлайдилар. *İspijār* [Испижоб – ҳозирги Чимкент]дан то *Balasaғun* гача бўлган *arғu* шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. *Kāşyar* да канжакча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқония туркчасида сўзлайдилар (ДЛТ, 25).

Rūm дан *Māşin* гача бўлган турк шаҳарларининг ҳаммасининг бўйи беш мингдан саккиз минг фарсахгача етади. Бу шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим (ДЛТ, 25).

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларни иккига ажратади: бири барча туркий қавмлар учун тушунарли бўлган, расмий ишларда ва ёзма адабиётда қўлланувчи, ўтмиш ёзма тил анъаналарини сақлаб келаётган *ёзма-адабий тил*, буни муаллиф «туркча», «хоқония тили» деб атаган: «Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил хоқония ўлкасида яшовчилар тилидир» дейилганда ана шу ёзма адабий тил назарда тутилмоқда. Луғатга асос қилиб ёзма-адабий тилда қўлланувчи сўзлар олинган. Диалектал лексика эса ана шу луғат қатлами теварагида унга чоғиштириб борилади. Шунга кўра, асар эски туркий ёзма адабий тилинигина эмас, эски туркий диалектларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, Маҳмуд Кошғарий туркий тилларни илмий таснифлаган, эски туркий шеваларни ўрганиб, туркий тилнинг йирик, фундамен-тал илмий грамматикасини яратган биринчи олимдир.

Лаҳжалар ўртасидаги фонетик фарқлар тўғрисида

Маҳмуд Кошғарийнинг урғулашича, туб сўзларда ўзгаришлар кам бўлади. Сўзлардаги ўзгариш ҳарфларда, баъзи ҳарфларнинг алмашувида, тушувидадир (ДЛТ, 25). Асарда «ҳарфлар» дейилганда «товушлар» назарда тутилади. Шунга кўра, бу ўринда туркий сўзлардаги товуш ўзгариши, товушлар алмашинуви, сўз бошида товуш ортиши ва товушлардаги тушиш ҳодисалари тўғрисида сўз бормоқда.

[m-] нинг [b-] га ўзгариш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сўз бошидаги [m] ҳарфини ўғузлар, қипчоқ ва суворинлар [b] га айлантирадилар. Масалан, турклар *men bardim* десалар, улар *ben bardum* дейдилар.

Турклар «шўрва»ни *mün* десалар, улар *bün* дейдилар (ДЛТ, 26).

Ёки бошқа бир ўринда унинг ёзишича: *men* – «мен» англамидаги бир сўз (туркча) (ДЛТ, 139).

Ушбу олмошнинг ўғузча шаклига эса шундай изоҳ беради: *ben* – «мен» англамидаги бир сўз; *ben bardim* – мен бордим (ўғузча). Турклар *men* дейдилар (ДЛТ, 138).

[-y-] ва [-y] нинг [-n-] ва [-n] га ўзгариш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сўз ўртасида ёки охирида келган [y] ни арғулар [n] га алмаштирадилар. Масалан, турклар *qoy* (кўй) десалар, улар *qon* дейдилар.

Турклар «камбағал»ни *çıya* десалар, улар *çıyan* дейдилар. Турклар *qayu nāñ* (қайси нарса) десалар, улар *qanu* дейдилар (ДЛТ, 25 – 26).

[t] нинг [d] га ўзгариш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сўздаги [t] ни ўғузлар ва улар яқинидагилар [d] га айлантирадилар, чунончи, «туя»ни *tewāu* десалар, ўғузлар *dewāu* дейдилар.

Турклар «тешик»ни *öt* десалар, улар *öd* дейдилар (ДЛТ, 26).

Туркий қабилаларнинг кўпгина сўзларидаги [d] ҳарфи ўғузларда [t] бўлади. Масалан, «ханжар»ни турклар *bügdä* десалар, улар *büktä* дейдилар.

«Жийда»ни турклар *yigdä* десалар, ўғузлар *yigtä* дейдилар (ДЛТ, 26).

[w] нинг [v] га ўзгариш ҳодисаси. «*bā* билан *fā* махражлари орасидаги **ف w**» ни ўғузлар ва уларга яқин турувчилар [v] га айлантирадилар. Чунончи, турклар «уй»ни *ew* десалар, ўғузлар *ev* дейдилар. Турклар «ов»ни *aw* десалар, улар *av* дейдилар (ДЛТ, 26).

[δ] нинг [y] ёки [z] га ўзгариш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *yaṭta*, *tuxsī*, *qīwčaq*, *yabaqu*, *tatar*, *qay*, *çumul* ва ўғузлар ҳар вақт [z] ни сўзда [y] га айлантирадилар ва ҳеч маҳал [δ] билан сўзламайдилар. Чунончи, улардан бошқалар «қайин дарахти»ни *qadīñ* десалар, бу қабилалар *qayīñ* дейдилар ва ҳеч маҳал [δ] билан сўзламайдилар. Бошқа

қабилалар «қайни»ни, «яқинлар»ни *qadīn* (қайнаға) десалар, булар *qayīn* дейдилар (ДЛТ, 26).

Ёки бошқа бир мисол: *qadīn* – «қайин она; қайин ота; қайин». Қипчоқлар *zā* билан талаффуз қиладилар. Мақолда (шундай келган): «*Qadaš*» *temiš, qaymadiq, «qadīn» temiš, qaymīš*. Маъноси: «Қариндошлар келди» дейилганда унга эътибор берилмади; «қайин (она, ота) келди» дейилган эди, дарров унга қаралди». Бу мақол қайин она ва қайин оталарни хурмат қилиши учун куёвларга қарата ишлатилади (ДЛТ, 161 – 162).

Çigil ва бошқа туркий қабилалар тилида [δ] билан айтилган сўзлар *qiwčaq, yāmāk, suvar, bulyar* лар ҳамда русларга ва *Rūm* га қадар бориб тарқаладиган бошқа қабилаларда [z] га алмаштирилади. Масалан, турклар «оёқ»ни *adaq* десалар, улар *azaq* дейдилар. Чигил турклари *qarīn tođti* – қорин тўйди десалар, улар *tozđi* дейдилар. Бошқа от ва феълларда ҳам шунга қиёс қилиш керак. Хулоса қилиб айтганда, чигилларда *δāl* билан айтиладиган сўзлар *yauma, tuxsī, ўғузларда* ва *Şīn* га қадар чўзилган ерларда яшовчи баъзи арғуларда [y] билан алмашади.

Rūm гача бўлган *qiwčaq* ва бошқа қабилаларда бу ҳарф [z] га айлантимилади (ДЛТ, 26).

Сўз бошида [y] нинг тушиши ёки [y-] нинг [j-] га ўзгариши. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, [y] билан бошланган от ва феълларнинг бош товушини ўғуз ҳам қипчоқлар [ä~e] га ёки [j] га айлантирадилар. Чунончи, турклар «мусофир»ни *yelkin* десалар, улар [ўғузлар] *elkin* дейдилар; турклар *yiliy suw* десалар, улар *iliy (suw)* дейдилар. Шунингдек, турклар «дур, марварид»ни *yinčü* десалар, ўғузлар *jinchü* дейдилар. Турклар «туянинг узун юнги»ни *yuudu* десалар, улар *juudu* дейдилар (ДЛТ, 25).

ilig – «илик» (ўғузча); бошқа бир турклар *yilig* дейдилар. Ўғузлардаги *alif* ҳарфи ўрнига *ya* ҳарфи алмашган (ДЛТ, 42).

ewät – «тўғри; маъкул» деган маънони англатувчи сўз. Бу сўзнинг уч хил талаффузи бор: яғмо, тухси, қипчоқлар *ewät*, ўғузлар *emät* ёки *evät* дейдилар. Бошқа турклар эса *yemät* дейдилар (ДЛТ, 34).

Сўз бошида [h-] ёки [x-] ни орттириш (0>h // 0>x) ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сўз бошидаги ҳар бир [a] ни *xotan* ликлар, *kānčäk* лар [h] га алмаштирадилар. Биз уларни турклардан деб ҳисобламаймиз, чунки улар туркий сўзларда йўқ товушни киритганлар. Масалан, улар *ata* ни *hata* дейдилар; *ana* ни *hana* дейдилар (ДЛТ, 26).

Ёки қадим. турк. *öl>ҳозирги ўзб. höl; адаб.-орф.: ҳўл*. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *öl nāḡ* – «хўл нарса»; *öl ton* – «хўл, нам кийим». Ўғузлар бунни билмайди (ДЛТ, 33).

қадим. турк. *öküz>ҳозирги ўзб. hökiz; адаб.-орф.: хўкиз*. Маҳмуд Кошғарийда: *öküz* – «хўкиз». Мақолда (шундай келган): *Öküz адақи болйінча*,

buzayu baši bolsa yeg. Маъноси: «Хўкизнинг оёғи бўлгунча бузоқнинг боши бўлган яхшироқ». Бу мақол «мустақиллик бўйсунидан яхши» деган маънода қўлланилади (ДЛТ, 37).

қадим. турк. *awıç>ҳозирги ўзб. хавиç*; асли *адаб.-орф. ховуч* бўлиши керак эди, чунки йўғон ўзакли сўзларда [h-] эмас, [x-] орттирилади. Лекин ўзбек тилининг имло луғатларида уни *ҳовуч* деб ёзадилар. Бу хато-ни тўғрилаб қўйиш керак.

[-k-] нинг [-h-] га ўзгариши. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *ūhi* – «укки». Кўк турклар бу сўзни *kāf* билан *ūki* дейдилар. Тўғриси шудир, чунки туркий тилда бўғиздан чиқадиган *hā* йўқдир (ДЛТ, 78).

[-k-] нинг [-y-] га ўзгариши: *eškāk* – эшак; икки тилнинг бирида *ešyäk* дейилади; бунда *uā* ҳарфи такрорланган ҳарфларнинг бири ўрнига алмашган (ДЛТ, 57).

[r] нинг [l] га, [z] нинг [s] га, [s] нинг [z] га ўзгариши. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, туркий лаҳжаларда [r] ҳарфи баъзан [l] га алмашади. Баъзан [z] [s] га [s] [z] га алмашади (ДЛТ, 26).

[q] нинг [k] билан алмашинуви. Кошғарийнинг ёзишича, [q] товуши [k] га ва [k] товуши [q] га алмашади (ДЛТ, 26).

Товуш тушиш ҳодисаси:

[y]>[o]. Сўзларда ҳарф тушириш хусусиятига келганда ўғуз ва қипчоқлар отлар ва ишнинг кўп қайта ишланганини билдирувчи феълларнинг ўртасида келган [y] ни ҳамма ерда ҳам тушириб қолдирадилар. Масалан, «олақарға»ни турклар *çitüiq* десалар, улар бу сўздаги [y] ни тушириб *çitiq* дейдилар. Турклар «томоқ (бўғиз)»ни *tatüaq* десалар, улар *tataq* дейдилар.

Феълларга мисол: турклар «у киши уйига ҳадеб кетаверадиган» маъносида *ol ewkā barayan-ol* десалар, ўғузлар шу маънода *ol (ewkā) baran-ol* дейдилар. Турклар «у киши қулини ҳадеб ураверадиган» маъносида *ol er qulini urayan* десалар, ўғузлар шу гапдаги *urayan* сўзини *uran* деб талаффуз қиладилар (ДЛТ, 26 – 27).

[g]>[o]. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, талаффузда енгиллик бўлсин учун ўғузлар отлардаги [g] ни ҳам туширадилар. Феълларда ҳам шу маънодаги сўзларда [y] ўрнига алмашган [g] ни ҳам туширадилар (ДЛТ, 27).

Товушларнинг ўрин алмашиниш (метатеза) ҳодисаси. Масалан: *qošni>qoñšī*. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *qošni* – «қўшни». Ўғузлар *nün* ҳарфини *šīn* ҳарфидан олдин қўйиб, *qoñšī* дейдилар. Ҳар иккиси ҳам қоидага мос ва тўғридир (ДЛТ, 173).

Ёки яна: *уаутур* – «ёмғир». Бу сўзнинг *уатүур* варианты ҳам бор (ДЛТ, 337).

Лаҳжалар ва шевалар ўртасидаги морфологик фарқлар

Сифатдошнинг *-уи*, *-gü* қўшимчаси ўрнида *-asi*, *-äsi* аффиксини қўллаш. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, вақт отлари ва жой отларида қўлланувчи [у] ҳарфини ўғузлар [а] га алмаштирадилар: *barуи yer* ўрнида *barasi yer* дейдилар. Турклар *turuи оуур* – «туриш вақти» десалар, ўғузлар *turasi оуур* дейдилар (ДЛТ, 26).

Ёки бошқа бир ўринда шундай ёзади: Исми замон – замон оти, исми макон – жой оти ва қурол отлари йўғон талаффузли, таркибида *qäf* ҳарфи бўлган сўзларда сўз ўзагига *-уи* ва ингичка талаффузли, таркибида *käf* ҳарфи бўлган сўзларда *-gü* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Бу қоида чигил, яғма, тухси, арғу, уйғур, то Юқори *Şin* гача бўлган ҳамма қабилалар тилларига тегишлидир. Ўғузлар ва қипчоқ, пачанак, булғар тилларида бу хил сўзлар феълнинг буйруқ шакли охирига *-asi*, *-äsi* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Масалан, замон оти: *bu ya quruи оуур ermäs* – «бу ёй қурадиган вақт эмас»; *bu turуи yer ermäs* – «бу турадиган жой эмас». Ўғузлар буни: *bu ya qurası оуур tegül* («бу ёй қурадиган пайт эмас»); *bu turasi yer tegül* («бу турадиган жой эмас») тарзида қўллайдилар; *bu tay aуqu (оуур) ermäs* – «бу тоққа чиқадиган вақт эмас». Юқорида ўзакнинг охири *уауи* билан битганда *уауи* эмас, унинг ўрнига *qäf* қўшилиши айтилган эди. Бунда ўзак охирида *qауи* бўлгани учун *-уи* қўшимчаси ўрнига *-qu* қўшилган сўзга мисолдир. Ўғузлар бу мазмундаги гапни *bu tay aуasi оуур tegül* («бу тоққа чиқадиган вақт эмас») тарзида қўллайдилар. Кўринадики, ўғузлар вақт-замон отига *оуур*, жой отига *yer* сўзини қўшиб қўллайдилар. Таркибида *käf* ҳарфи бўлган сўзларга мисол: *bu ewkä kirgü öd-ol* – «бу уйга кирадиган пайтдир»; *ol bizkä kelgü boldı* – «у бизникига келадиган бўлди». Ўғузлар бу маънони англатиш учун шу ўринда *ol bizkä keläsi boldı* («у бизникига келадиган бўлди») деб қўллайдилар. Бу хил феъллар от ўрнидадир, чунки улар от билан бирикиб изофа шаклида ишлатилади: *seniң barуиң qaçan?* – «сен қачон борасан?» каби. Ушбу маънони англатиш учун ўғузлар *seniң barasiң qaçan?* дейдилар. Яна: *meniң barуиm yaqtı* «менинг кетишим яқинлашди»; *anıң barуisi* «унинг бориши» демақдир. Ўғузлар бу гап ўрнида *meniң barasim* дейдилар. Бу хил отларнинг ясалишида, ўғузлар қоидасига кўра, ўзак охирига *sın* ва *ya* (*-si*, *-si*) қўшилади. Улар тилида бу хил сўзларнинг йўғон-ингичкалиги фарқ қилмайди. Бошқа туркий лаҳжаларда эса бу масалада баъзи фарқлар бор.

Феъллардан ясалган қурол отлари феъллик хусусиятини йўқотиб, от ўрнида келади. Чунончи, *уегü näñ* – «ичига ош солиб ейиладиган нарса» («лаган, товоқ»; бундаги *уегü* от вазифасидаги сўздир); *уруи* – «уриш учун

ишлатиладиган нарса», масалан, «қамчи; чивик» (бу от вазифасидаги сўз-дир); *уїҗаѝ бїѝҗу* – «ёғоч кесадиған ускуна, болта»; *soryu* – «сўрадиған ас-боб, қурол; эмизик, қоруқ каби нарсалар». Бу сўз *emik sordī* («эмчак сўрди, эмди») сўзидан олинған. Бу отлар йўғон, ингичка талаффузли сўзлар фар-қига мувофиқ *yaun, qāf, kāf* ҳарфлари қўшилишида юқорида кўрсатилған қабилалар тилларида фарқ қилади. Лекин ўғузлар фарқ қилмайдилар.

Ўғузларда қурол отлари ҳамма феъллардан ҳам *sin* ва *uā* қўшиб ясала-ди. Чунончи, *уїҗаѝ бїѝҗасї нāη* – «ёғоч кесадиған нарса, асбоб». Яна: *yegāsi nāη* – «овқат ейиладиган нарса (лаган, товоқ)» (ДЛТ, 227 – 228).

Муайян лаҳжа ёки шевагагина тегишли бўлған сўзлар

«Девону луғати-т-турк»да муайян шева ва лаҳжаларга тегишли бўл-ған сўзлар ҳам берилған. Маҳмуд Кошғарий асарда уларнинг қандай шева ва лаҳжаларда учрашини қайд этиб борған.

Бир-икки мисол:

ūgūr – «тариқ». Бу сўз – туркча; ўғузлар билмайдилар (ДЛТ, 36).

awus – «мум» (булғорча) (ДЛТ, 37).

ōrūη – ҳар бир оқ нарса. Ўғузлар *aq* дейдилар (ДЛТ, 67).

ayuaq – «идиш; коса; пиёла»; ўғузлар бунин билмайдилар. Улар *ayuaq* ўр-нида *čanaq* дейдилар (ДЛТ, 47).

qoč – қўчқор. Бу ўғузча. Асли *qočīnar* дир (ДЛТ, 133).

Маҳмуд Кошғарий *turta* сўзининг маъносига изоҳ бера туриб шун-дай ёзади: *turta* – турп. «Сабзи»ни *sariy turta* дейилади. Арғуликлар «сабзи»ни *kizri* дейдилар. Бу сўзни улар форсларнинг *gazar* сўзидан бу-зиб олғанлар. Ўғузлар уни *kešūr* дейдилар. Улар ҳам бу сўзни форслардан олғанлар. Ўғузлар форслар билан аралашгач, баъзи сўзларни унутдилар ва уларнинг ўрнига форсча сўзлар қўллай бошладилар. Масалан, улар туркча *qutyan* ўрнида *āftāba, baqan* (бўйинтумор) ўрнида *qalida* сўзини қўллайди; бунинг арабчаси *قلاده qilada*.

Ўғузларнинг тили нозикдир. Жуфт ҳолда қўлланадиган сўзлардан от ва феълларнинг бири асосий сўз, иккинчиси эргашма сўз бўлади. Ўғуз-лар бошқа туркларда айрим ҳолда ишлатилмайдиган эргашма сўзнинг ўзини ишлатаверадилар. Масалан, бир нарса иккинчи бир нарсага ара-лашса, турклар *qattī qardī* (аралаш-қуралаш бўлди) дейдилар. Бу ерда *qattī* сўзи асос ва асли бўлиб, *qardī* сўзи эргашмадир. Ўғузлар шу маъ-нода *qardī* сўзининг ўзинигина қўллаб, асосий сўзни ташлаб айтадилар. Шунингдек, турклар «яхши-ёмон» маъносини англатиш учун жуфт ҳол-да *edgū-yawlaq* деб қўллайдилар; *yawlaq* сўзини ёлғиз қўлламайдилар. Ўғузлар эса уларни ёлғиз ҳолда ишлатадилар (ДЛТ, 172).

Лаҳжаларда маъноси бир-биридан фарқ қилувчи сўзлар

Маҳмуд Кошғарий турли лаҳжа ва шеваларда маъноси бир-биридан фарқ қилувчи сўзларни ҳам келтирган. Ўз ўрнида улар қайси лаҳжада қандай маънода ишлатилганини ҳам таъкидлайди.

idiš – «қадаҳ, пиёла»; яғмо, тухси, ямак, ўғуз ва арғулар тилида «тос; обдаста, товоқ ва лаган»ларнинг ҳаммаси *idiš* деб юритилади (ДЛТ, 38).

uluš – «қишлоқ» (чигилча). *Balasaγun* ва уларнинг юқори ёнидаги арғулилар тилида «шаҳар» демакдир. Шунинг учун *Balasaγun* шаҳри *Quzuluš* ҳам дейилади (ДЛТ, 38).

tariγ – кўпчилик турк қабилаларида «буғдой». Фақат ўғузлар «тариқ» маъносида қўллайди. Бу хато. (Чунки) улар «буғдой»ни *ašliq* дейдилар (ДЛТ, 150).

baliq – жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида «шаҳар». Уйғурларнинг энг катта шаҳарларига *Bešbaliq* дейилиши шундандир. *Bešbaliq* «беш шаҳар» демакдир. Уйғурлар бошқа бир шаҳарларига *Yaγibaliq* (янги шаҳар) дейдилар (ДЛТ, 152).

elig – «қўл»; *oγ elig* – «ўнг қўл». Ўғузлар *saγ elig* (ўнг қўл) дейдилар. «Чап қўл»ни ҳамма турклар бир хилда *sol elig* (сўл қўл) дейдилар (ДЛТ, 42).

süčig – «шароб; мусаллас; май». Бу сўз қарама-қарши сўзлардандир. *İlä* водийсида яшовчилар (яғмо, тухси ва чигиллар) «май»ни *qizil süčig* дейдилар (ДЛТ, 163).

alma – «олма» (ўғузча). Турклар *almıla* дейдилар (ДЛТ, 65).

Маҳмуд Кошғарий *etti* сўзининг маъносини очиқлар экан, шундай мисол келтиради: *Tāγri meniγ išim etti* – «Худо менинг ишимни яхшилади, ўнглади»; *ol yükünč etti* – «у намоз ўқиди» (ўғузча). Бир нарса қилсалар, ўғузлар *etti* дейдилар, турклар *qildi* дейдилар. Бу сўз «жинсий алоқа қилиш»га [яъни «қўшилиш»га] ҳам қўлланади (ДЛТ, 82).

Кошғарий тингловчи бирлигини англатувчи *sen* сўзига тўхтала туриб ёзади: *sen* – «сен» англамидаги бир сўз. Турклар бу сўзни кичикларга, хизматчиларга ҳамда сўзловчидан даража, мартаба, ёшда куйи бўлган кишиларга нисбатан айтадилар. Ўзларидан юқори ҳурматли кишиларга *siz* дейдилар. Ўғузлар аксинча қўллайдилар, яъни катталарга *sen*, кичикларга *siz* деб қўллайдилар. Кўпликда ҳам шуни ишлатадилар. Қоида шудир. Чунки *siz* кўпликдир (ДЛТ, 139).

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ УЛУҒ ХИЗМАТЛАРИ

Туркий адабий тилнинг ривожига улкан ҳисса қўшганлар орасида улуғ мутафаккир Алишер Навоийга (Низомуддин Мир Алишер Навоий бин Гиёсуддин Баҳодур) тенглашадигани чиқмади.

Алишер Навоий асарлари тилининг ҳозирги ўзбек шеваларига муносабати хусусида ўзбек тилшунослари орасида ҳар турли қарашлар юради. Шулардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Навоий асарларининг тили ҳақида айтган сўзлари асосида юзага келди. Чунончи, у «Бобурнома»да Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон таърифиде ёзади: *Eli türkdür. Şahri-vu bāzārīsida türki bilmās kişi yoqtur. Eliniñ lafzi qalam bilā rāsttur. Ne üçün-kim, Mir 'Alişer Navāyîniñ musannafātī bāvujud-kim, Hirida naşu namā tapıptur, bu til bilādür* (B.critical.5).

Заҳириддин Бобурнинг ушбу сўзларини рўқач қилиб баъзи олимлар Навоий асарлари тилининг асосини Андижон шеvasи ташкил этган дея қарайдилар (Дониёров 1968). Бошқа бир олимлар Навоийнинг Андижонда бўлмаганлигини важ қилиб бу фикрни инкор этадилар (Абдуллаев 1968).

Таъкидлаш жоизки, бу ўринда Бобур ҳақ. Тарихда Навоий меросига, қолаверса, унинг ижодий маҳоратига холис баҳо берганлардан бири ҳам Бобур бўлади. Бироқ «Бобурнома»даги маълумотларни, тўғрироғи, матнни хато тушуниш, нотўғри талқин этиш оқибатида олимларимиз ичида турли баҳслар келиб чиқмоқда.

Англашилмовчилик матндаги *Eliniñ lafzi qalam bilā rāsttur* жумласининг хато талқин этилаётганида. Буни улар «Андижон элининг тили (яъни шеvasи) адабий тил билан мос келади» дея изоҳлаганлар. Шундай бўлган тақдирда бунинг давомидаги Навоий асарлари хусусида айтилган мулоҳазалар ҳам ўз-ўзидан шунга боғланади-қолади. Ўша қарашни қувватлайдиган бўлсак, матнни «Ҳиротда юксакликларга эришган Навоий асарларининг тили ҳам айни шевадир» дея талқин этишдан бошқа йўл қолмайди.

Фикримизнинг исботи учун Бобур айтган ўша жумлаларнинг маънисини бир бошдан чақиб кўрайлик. Эътибор берилса, муаллиф матнда Фарғона вилояти тўғрисида маълумот бера туриб бу юртнинг халқи турклар, тилининг эса туркий тил эканлигини таъкидламоқда. Матндаги *Eliniñ lafzi qalam bilā rāsttur* жумласи икки хулосага олиб келади:

(1) мазкур жумлада Фарғона (Андижон) элининг лафзи (яъни туркий тил) ёзма шаклда (бадий адабиёт орқали) машҳур эканлиги таъкидланмоқда;

(2) бу жумла мантиқан халқ тили адабий тилга яқин эканлигини ҳам англатади. Адабий тил тарихида бундай ҳодиса учраб туради. Масалан, қорахонийлар даври адабий тилида кошғар шеваси етакчилик қилган. Шундан келиб чиқиб ўша давр адабий тили айрим манбаларда *kāšyar tili~kāšyarī til* деб ҳам аталган. Бобурнинг ёзмаларидан ҳам ўша даврда Фарғона шеваси адабий тилга жуда яқин эканлиги маълум бўлади.

Матн таҳлилида давом этамиз. Бобур Ҳирот адабий мактабининг намоёндаси бўлган Алишер Навоий ҳақида сўзлаб унинг ҳам асарлари ушбу туркий адабий тилда эканлигини таъкидлайди. Бу билан Бобур Навоий асарларининг тилига Андижон шеваси асос бўлганлигини эмас, балки Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитларида ягона адабий тил амал қилганини таъкидламоқда. Бобурнинг ушбу маълумоти Темурийлар давлатининг барча ўлкаларида ягона туркий адабий тил (эски ўзбек адабий тили // «чиғатой туркчаси») амал қилганига гувоҳ.

Мулоҳазалардан келиб чиқиб Бобурнинг Фарғона элининг тили тўғрисида ёзган сўзларини шундай талқин қилса тўғри бўлади: «Эли туркдир. Шаҳри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан [ёзма адабиёт тили, ёзма адабий тил билан] мосдир. Не учунким [ажабланарлиси], Мир Алишер Навоийнинг таснифлари [асарлари], (унинг ўзи) Ҳирийда ўсиб-улғайганлигига қарамай, ушбу тилда [Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитлари учун ягона бўлган адабий тилда]дир».

Навоий асарларининг тили ҳақида сўз кетганда уни ўша кезлардаги мавжуд шеваларнинг бирортасига боғлаб қўйиш мумкин эмас. У Хуро-сондагина эмас, бутун Темурийлар салтанатида, Олтин Ўрда, қолаверса, мусулмон турк элларида амалда бўлган адабий тилда ижод қилди. У ўз ижоди билан темурийлар замонида амал қилган бутун бир адабий оқимнинг бошида турди, туркий адабий тилга етакчилик қилди. Буни «Лисону-т-тайр» асарида унинг ўзи ҳам таъкидлаган эди:

*Türk nazmida çu men tartip 'alam
Äylädim ul mamlakatni yakqalam (LT. 268).*

Навоий *mamlakatni yakqalam äylädim* деганда ўз асарларининг ҳамма учун тушунарли бўлган адабий тилда эканлигини қайд этмоқда.

Алишер Навоий асарларининг тили Навоийдан бурун ўтган ёки унга замондош шоирларнинг асарлари тилидан ўзлашган сўзлар сонининг ортиқлиги билан ажралиб туради. Мавлоно Лутфий, Саккокий, Атойи, ҳатто Ҳусайн Бойқаро асарлари ҳам тилининг соддалиги билан фарқланади. Буни ўша кезлар Ҳирот аҳолиси асосан форсийзабонлар эди, бу жараён Навоий асарларининг тилида ўз аксини топган дея баҳоламаслик керак.

Бу, аввало, адабий муҳитнинг таъсири, қолаверса, Навоий асарлари услубининг ўзига хослиги, кўтаринкилиги, ўта мураккаблиги билан боғлиқ. Адабий таъсир, адабий анъаналар билан тил вазияти бошқа-бошқа нарса, уларни қориштирмаслик керак. Ўша давр Ҳирот адабий муҳитида туркийгўй шоирлар орасида форс тилида ижод этиш кенг тус олган эди. Бунини «Муҳокамату-л-луғатайн»да Навоийнинг ўзи ҳам таъкидлайди.

Айтиш ўринлики, темурийлар замонида Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқанд, Андижон, Тошкент ёки бошқа ўлкаларда иккитиллилик Ҳиротчалик кенг ёйилган эмасди.

Навоий ўз асарларини ўта бадиий кўтаринки услубда яратди, арабий, форсий сўзлардан кенг ва унумли фойдаланди. Шу билан бирга, Навоий туркий тилнинг миллий сўз бойлиги, ички имкониятларини ҳам унутгани йўқ. Ўзбек адабиёти, адабий тили тарихида соф туркий сўзлардан усталик билан фойдалана олган кучли ижодкорлардан бири ҳам Алишер Навоий бўлади. Бу хизматлари билан у эски ўзбек адабий тили тарихида ўзига хос бир услубга асос солди.

«Муҳокамату-л-луғатайн» асари

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн» асарини ҳижрий 905 (милодий 1499) йилда ёзди. Рисола муаллифнинг йигитлик чоғидаги жўшқин туйғулари таъсирида яратилган эмас. Навоий ушбу асарини тирикчилигининг сўнгги кезлари – узоқ ҳаётининг тажриба йиғгани, илмий қарашлари маромига етган, фикри айни пешланган, тугаллик даражасига эришган бир чоғда ёзди.

Асар икки тил – туркий ва форсийнинг ўзаро қиёсига бағишланган. Муҳими, «Муҳокамату-л-луғатайн» икки тилни шунчаки чоғиштириш учунгина ёзилган эмас. Унда икки тоифа тилининг бир-бирида қайтарилмайдиган қирралари ўзаро чоғиштирилиб, хос хусусиятлари илмий асосда ёритиб берилган. Навоийнинг ушбу асарни ёзишдан кўзлаган бош мақсади туркийнинг бадиий адабиётда имкониятлари ниҳоятда чексиз экани, луғат бойлигини ёритиб бериш ва шу асосда ёш ижодкорлар эътиборини унга қаратиш эди. Навоийнинг айтмоқчи бўлгани, айрим туркий тилли шоирларнинг она тилида эмас, кўпроқ форсийда ижод қилишни маъқул кўрганлигининг сабаби туркийнинг бой ва чексиз имкониятларини билмагани, ундан фойдалана олмасликларидир.

«Муҳокамату-л-луғатайн» Навоийнинг туркий тилшунослик тарихидаги улуғ кашфиётидир. Асар тилшуносликда янги-янги соҳаларни, тилни ўрганишнинг янги йўли ва усулларини очиб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Навоий ушбу асари билан шарқ тилшунослигидагина

эмас, дунё тилшунослигида биринчи бўлиб типология соҳасини, тилларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини бошлаб берди. Тўғри, бундан бурун яратилган айрим луғатлар, грамматик асарларда тилдаги бирор ҳодисани очиб бериш учун ўрни билан муайян тилга чоғиштириб кетилган жойлари ҳам бор. Лекин улар турли тилларни чоғиштирама ўрганишга бағишланмаган эди. Навоий ўз асарида тилшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдирди. У турли оилага кирувчи икки тил – туркий ва форсийни ўзаро чоғиштириб, типологиянинг лексик-семантик, фонологик, морфологик аспектларини ишлаб чиқди. Асар бошдан-охир типологияга, тилларни чоғиштириш йўриғига, метод ва усулларига таянади.

Навоий икки тилни ўзаро чоғиштираар экан, тил бирликларининг стилистик жиҳатларига, унинг матндаги ўрни, тингловчига таъсири, матн лингво-поэтикаси масалаларига кенг тўхталади. Шу йўл билан икки тилнинг лексик-стилистик, фоно-стилистик, морфо-стилистик жиҳатларини, қолаверса, ушбу тилларнинг лингво-культурологик белгиларини ёритиб берди.

Навоий икки тилни ўзаро чоғиштиришда уларнинг таянч нуқталарини топа олган. Улар тасодикий эмас, тилнинг бадий имкониятлари кенглиги ҳамда бойлигини илмий асосда очиб берувчи белгиларидир. Жумладан, фонетикада туркийнинг бошқа тилларда, хусусан, форсчада учрамайдиган ўзига яраша товушлари, семантикада нозик маъноли ҳаракат-ҳолатларни билдирувчи феъллар ва уларнинг мазмунга таъсири, синонимларнинг поэтикадаги ўрни, стилистик хусусиятлари, сўзларнинг қўпмаънолилиги, шунингдек, туркий атамалар тизимининг ўта бойлиги сингари муҳим лингвистик белгиларига эътибор қаратади. Навоийнинг тилшунослик тарихидаги хизматлари ниҳоятда улуғ.

Навоий ўз асарини *risāla* деб атайди. Фан тарихида илмий асарлар шу ном билан юритилган. «Муҳокамату-л-луғатайн» – тилшунослик асари. У кенг омма тушуниши учун ўнғай бир кўринишда ёзилган эмас. Матн услуби ниҳоятда мураккаб ва оғир, илм аҳлининг тил бобидаги теран билимига таянган ҳолда замонасининг етук ўқимишли кишилари, шоиру адиблар учун мўлжаллаб ёзилган рисоладир. Шунга қарамай, асарда муаллиф ўз илмий қарашларини аниқ ва лўнда тил билан баён этади, матн услуби ўта кўтаринки. Илмий услубда ёзилаётган ҳозирги рисолаларимиздан фарқ қилади. Бу жиҳатдан ўтмишда яратилган тарих китобларининг услубига ўхшаб кетади. Жумлалар бадий услубда, муаллиф матн тузишда турли бадий воситалардан кенг фойдаланган. Шу белгиларини кўзда тутиб «Муҳокамату-л-луғатайн»ни фақат илмий эмас, бадий асар сифатида ҳам ўрганса бўлади.

«Муҳокамату-л-луғатайн»нинг қўлёзмалари ва нашрлари. Фанда асарнинг тўртта қўлёзма нусхаси маълум:

А. Нусхалардан биринчиси Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейи Реван кутубхонасида 808-қўрсаткичи остида сақланувчи Навоий куллиётининг 774а – 781b-бетларидан ўрин олган. Ушбу қўлёзма, тахминларга қараганда, мавжуд нусхалар орасида энг эскисидир.

В. Асарнинг яна бир нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимида сақланаётган 4056-қўрсаткичли Навоий куллиётига кирган (қўлёзманинг 773b – 781a-бетларда).

Асар безакли унвон (варақнинг тўртдан бир бўлагига ишланган нақш) билан бошланиб, ичига «Kitāb-i Muḥākamatu-l-luʿaytaun» деб ёзилган (773b). Мажмуага кирган бошқа асарлар ҳам безакли унвон билан бошланиб, сарлавҳалари ана шундай тартибда берилган: «Kitāb-i Munājatnāma», «Kitāb-i Ğehil hadis», «Kitāb-i Naẓmu-l-javāhir» сингари.

Хати текис, лекин майда. Ниҳоятда чиройли қўлёзма.

С. Париж нусхаси. Ушбу нусха Миллий кутубхонада сақланаётган Навоий куллиёти таркибида (Suppl. Turc. 317/1513-қўрсаткичли қўлёзма). «Муҳокамату-л-луғатайн» қўлёзманинг 277b – 285b-бетларидадир.

Қўлёзма 1526 – 1527 йилларда кўчирилган, ўта тартибли. Ҳар бети-га 25 қатордан матн битилган бўлиб, орадаги оятлар, арабча жумлалар, шунингдек, *bayt*, *rubāʿī* сингари бошламалар қизил, зарҳал рангларда.

Яна бир жиҳати, Тўпқопи қўлёзмасида шеърини мисоллар: байтлар, тўртликлардан аввал *bayt*, *rubāʿī*, *qitʿa* сингари сарлавҳалар қўйилмаган, лекин бўш жой ташлаб кетилган (котиб уларни ёзиб чиқишга улгурмаган, чоғи). Париж қўлёзмасида эса ана шу сарлавҳалар ҳам бор.

«Муҳокамату-л-луғатайн»нинг Тўпқопи ва Париж нусхалари матний жиҳатдан бир-бирига жуда яқин.

Д. Асарнинг яна бир қўлёзмаси Будапештда сақланмоқда.

«Муҳокамату-л-луғатайн» биринчи марта 1841 йили Парижда М.Катремер томонидан нашр этилди.

1882 йили Боғчасаройда И.Ғаспирали, 1895 йили Истанбулда Аҳмад Жавдат чоп этгирди.

Асар 1917 йили Қўқонда тошбосма усулида ҳам чоп этилган.

Тошкентда Порсо Шамсиев асарни уч қайта бостирди: 1940 йили О.Усмон билан биргаликда лотин алифбосида кириш сўзи, матн ва ҳозирги ўзбекча талқинини берди. Ушбу нашрга асарнинг Париж нусхаси асос қилиб олинган эди. Яна 1948 ва 1967 йилларда ёлғиз ўзи кирилл хатида чоп этгирди.

Асар Анқара, Ашхобод, Урумчида ҳам чоп этилган.

1996 йили асар Анқарада Турк тили куруми томонидан янгидан чоп эттирилди. Мазкур нашр асарнинг мавжуд қўлёзмалари асосида йиғма-чоғиштирма матн кўринишида тайёрланган.

Асарнинг Тошкент нашрларининг бурунгилари (1948 ва 1967) айрим қисқартиришлар билан босилган: уларда асарнинг айрим ўринлари, арабча диний мазмунли иборалар тушириб қолдирилган. Жумладан, китоб муқаддимасидаги тангрига бағишланган ҳамд берилмаган. Муҳими шундаки, бу қисмда Оллоҳнинг марҳамату қудратини мадҳ этувчи учта ажойиб рубоий ҳам бор. Яна бурунги нашрларда Навоийнинг араб тилини таърифлаб ёзган айрим жумлалари ҳам туширилган.

Анқара нашрида қайд этилганларнинг бари тўлиқ.

Асарнинг 2000 йилдаги Тошкент нашрида ҳам аввалги нашрларда туширилган бўлақлар тикланибди.

Асарни мен ҳам икки қайта чоп эттирдим (*Содиқов Қ. «Муҳокамату-л-луғатайн»ни ўқиб ўрганиш.* – Тошкент, 2011; *Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн / Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида.* – Тошкент, 2017).

Навоий туркий тилнинг сўз бойлиги тўғрисида. Навоий туркий тилнинг феълларга бойлиги, услубий қулайликларининг кенглигини кўрсатиш мақсадида форсийда муқобили бўлмаган юзта феълни келтирган. Ушбу нозик маъноли феъллар куйидаги кетма-кетликдадир: *quwarmaq-u quruşmaq va ũşärmäk-ũ jÿÿcaymaq va õñdäymäk-ũ çikrāymäk va domsaymaq-u umunmaq va osanmaq-u igirmäk va egärmäk-ũ oxranmaq va tariqmaq-u aldamaq va arÿadamaq-u iřänmäk va iglänmäk-ũ aylanmaq va erikmäk-ũ igränmäk va awunmaq-u qïstamaq va qÿynamaq-u qoÿyalmaq va sawrulmaq-u çayqalmaq va dewdäřimäk-ũ qïmsanmaq va qïÿzanmaq-u nikämäk...* ва бошқалар.

Булар юзта сўз (*yüz lafz*) эканлигини муаллифнинг ўзи ҳам икки-уч ўринда таъкидлайди. Қизиғи шундаки, асарнинг Тошкент нашрида ушбу феъллар тўқсон тўққизта. Бунинг боиси, асарнинг бизга етиб келган қўлёзмаларида уларнинг сони турлича: Тўпқопи ва Париж нусхаларида тўқсон тўққиз, Фотиҳ ва Будапешт нусхаларида юзтадир. Ушбу икки нусхада бошқа қўлёзмада тушиб қолган юзинчи феъл ҳам бор. У *çimdïlamaq* феъли бўлиб, кетма-кетликда *qïçïylamaq* сўзидан сўнг келади. Бундан кўринадики, ҳалиги нусхани кўчираётган котиб бу сўзни тасодифан тушириб қолдирган. Тошкент нашрида ушбу феъл учрамаслигининг сабаби ҳам шунда. Йиғма матн тайёрлаш жараёнида Анқара нашрида матнга ана шу феъл ҳам киритилган.

Шундан сўнг синонимларга, уларнинг услубий ўзгачаликларига эътибор тортилади. Навоийнинг ёзишича, шоирлар майнинг таърифидан кўп муболаға қилдилар, май ичмак қондасида кўп сўз суриб, ниҳоясиз зариф таърифлар зоҳир қилурлар. Бири *sipqarmaq* лафзидирким, муболаға бундан ўтмас. Байт:

*Sāqiyā, tut bāda-kim, bir laḥza özümdin baray,
Şarḥ bu-kim, har neçā tutsaṅ, lab-ā-lab sipqaray.*

Навоийнинг эътирофича, *sipqaray* сўзининг мазмунига етганда форсий шеърда бу таърифни беришнинг иложи йўқ.

Яна *tamšīmaq* лафзики, маъноси «ғоят завқдан тез ичмас-у, лаззат топа-топа, оз-оз ичар». Ушбу ғаройиб маъно адосида туркчада шундай матлаъ бор. Байт:

*Sāqī çu içip meḡā tutar qoş,
Tamşī-tamşī anī qīlay noş.*

Ёки *boxsamaq* лафзи адосида турк ушбу матлани айтибди:

*Hijr anduhīda boxsap-men, bilā alman, netāy?
May 'ilājīmdur, qorup dayr-i fanāya 'azm etāy.*

Форсийгўй турк беглару мирзодалар *boxsamaq* ни форсий тил билан адо этмакни тиласалар, нима қиладилар?

Шеърнинг бино ва мадори ишққа эврилади. Ошиқликда *yūlamaq* дан куллийрак ва доимийроқ амр йўқдир ва унда навланиш (бўлиниш) бор: *yūlamsīnmaq* мазмунидаки, турк бундай дебди:

*Zāhid 'išqin desā qīlyay fāş,
Yūlamsīnur-u kōzigā kelmās yaş.*

Бу ўринда Зоҳиднинг Тангри таолога бўлган ишқи, илоҳий ишқ тўғрисида сўз бормоқда.

Яна *inḡrāmāk* ва *siḡrāmāk* лафзлариким, «дард билан яширин, оҳиста-оҳиста йиғламоқ»дир, ораларида тафовут оз топилур. Байт:

*İstāsām davr ahlidīn 'išqīni pinhān āylāmāk,
Keçālār gāh inḡrāmākdür 'ādatīm, gāh siḡrāmāk.*

Форсийда бу мазмунки бўлмағай, шоирнинг чораси қанча?
Яна *siqtamaq* лафзиким, *yūlamaq* да муболағадир. Байт:

*Ul ay-ki, külä-külä qıraylattı meni,
Yıylattı meni demäy-ki, sıqtattı meni.*

Яна *ökürmäk* ки, «кучли ун билан, тенгсиз фиғон билан йиғлағайлар» (*biyik ün biläki, e'tidälsiz äšüb bilä yıylayaylar*). Байт:

*İšim tay üzrä har yan ašk sel-äbinä sürmäkdür,
Fırāq äšübüdün har dam bulut yañlıy ökürmäkdür.*

Ökürmäk муқобаласида форсий тилда лафз йўқдир, форсийгўй шоир бунингдек ғаройиб мазмун адосидан махрумдир.

Яна *yıylamaq* нинг *ökürmäki* муқобаласида *inčkirmäk* лафзи ҳам бор ва у «инчка ун билан йиғламоқ»дир. Байт:

*Čarx zulmida-ki boyzumni qirip yıylar-men,
İgirür čarx kibi inčkirip yıylar-men.*

«Абушқа» луғатида *inčkirmäk* сўзига *kāflar kāf-i 'arabidur, inčkä ün bilä yıylamaqdur* дея таъриф берилган (DDT, 83).

Yıylamaq лафзига *hay-hay* ни ҳам қўшиб айтадилар ва бу ҳам туркий услубдир. Байт:

*Navāyü, ul gul üçün hay-hay yıylama kör
Ki, «hay» degünčä ne gulbun, ne yunča, ne gul bar.*

Яна турк алфозида *qımsanmaq* ва *qızanmaq* икки ғариб лафздирки, унинг адоси бу байтда бор. Байт:

*'Udārıñni açarğa qımsanur-men,
Vale el körmäkiğä qızanur-men.*

Форсийгўй шоирлар бундай хўб мазмун адосидан бебахрадирлар.

Ошиқнинг оёғига тикан кирмакка улар (яъни форсийгўйлар) *xār* лафзи билан арз қилибдурлар. Аммо *čökür* унга қараганда оғритувчидир, уларда бу лафз йўқдир. Туркчада бу шундай адо топибди:

*Čökürlär-kim, seniñ yolunğa tewrälmiş ayayımğa,
Čekip ul köy gardün sürmä tartar-men qarayımğa.*

«Абушқа» луғатида *čökür* сўзининг талаффузи ва маъноси тўғрисида яхши маълумот берилган: *čökür kāf kāf-i 'arabidur, dikän ma'näsınadur* (DDT, 249).

Яна ишқ йўлида маҳбубнинг назари муяссар бўлса, ошиқнинг ниёз юзидан телмурмаги сўнг муносиб ишдир. Бу лафз уларда йўқдир ва бунингдек лафзлари ҳам йўқдир. Туркчада бу бундай дейилибди. Байт:

*Tökädür qanîmni har dam közlärin baqîp turup
Kim, neçä yüzümgä baqqay-sen yîraqdîn telmürüp.*

Яна турк лафзининг суюклиги *yasanmaq* муқобаласида сарт лафзида *ārasta* ва *ārāyiş* лафзи бор. Аммо *bezänmäk* муқобаласида бирор сўз демайдилар ва у *yasanmaq* нинг муболағасидир. Байт:

*Erür bas çu husn-u malāhat seņä,
Yasanmaq, bezänmäk ne ħājat seņä?*

Яхшиларнинг кўз ва қошлари орасини *qabay* дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йўқдир. Маснавийда бир жамоат гўзаллар таърифида бундай дейилибди, байт:

*Meñizlāri – gul-gul, mižalari – xār,
Qabaylari – keñ-keñ, ayizlari – tar.*

Яна ишқ изҳорида *aşk* ва *yīlamaq* муқобаласида *āh* ва *issiy dam* фурсатидир. Турклар «дам»ни *çaqin* га ва «оҳ»ни *ildirim* га нисбат бериб дебдурлар, байт:

*Firāqin içrā ulus örtämäkkä, ey māhim,
Çaqin durur damim-u ildirim durur āhim.*

Сарт тилида *çaqin* ва *ildirim* дек тайинланган ва мўътабар икки нарсага от қўймаганлар. Араб тилидаги *barq* ва *şā'iqā* лафзлари билан адо қилибдурлар.

«Абушқа» луғатида *çaqin* сўзининг маъноси «чақмоқнинг шуъласи» (*çaqmaqdan çiqqan şu'laya derlār*) дея изоҳланган (DDT, 233).

Ҳусн таърифида «улуғроқ хол»га турклар *meñ* от қўйибдурлар, улар эса от қўймайдилар. Турк бу таърифни бу нав адо қилибдур, байт:

*Aniñkim al eñindä meñ yarattî,
Boyi birlä saçini teñ yarattî.*

Агар бир-бирини лафзлар ваъзида улар қисқа қилибдурлар, арз қилингудек бўлса, сўз узайиб кетади.

Навоийнинг таъкидлашича, омоним сўзлар ҳам бадий санъатга йўл очади. Шеърда *tajnis-u iyhām* [мисралар охирида жинсдош, шаклдош сўзлар ишлатиб, турли маънолар чиқариб, сўз ўйини қилиш] қондаси бор. Чиройли ибора ва гўзал белгиларда форсийдан кўра туркчада кўпроқ тажнисни билдирувчи сўз ва ийҳомни англаувчи нуқталар борки, бу назми безантиради ва санъатли қилади. Масалан, *at* сўзини олайлик: бир маъноси «от, исм»дир, яна бир маъноси «минадиган от» ва яна бир маъноси «амр»дирки, *tašnī ya oqñī at* деб буюрғайлар. Мисол:

*Ćun pari-vu ĥūrdur atīñ, begim,
Sur'at iĉrā dev erūr atīñ, begim.*

*Har xadañi-kim, ulus andīn qaĉar,
Nātavān jāñim sarī atīñ, begim.*

Ушбу туюқда кечган биринчи *at* – «от, исм»; иккинчиси – «от, ҳайвон»; учинчи *at*- эса феъл, буйруқ маъносидадир.

Бу икки байт *tajnis-i tām* [тўлиқ тажнис]дир ҳамда турк шоирларига хос бўлиб, сартда йўқдир. Буни *тууу* дерлар.

Яна *it* лафзи, унда ҳам уч маъни бор. Мисол:

*Ey raqib, özni aña tutsañ ham it,
Bizgā raĥm äylāp anīñ köyidin it.*

*Garĉi bar dozaxĉa 'išqīñ šu'lasī,
Bizni öz ilgiñ bilā ul sarī it.*

Ушбу туюқнинг биринчи сартидаги *it* «ит, кўппак», иккинчиси «йўқот», сўнги сатридагиси эса «элт» маъносидадир.

Яна *توش tūš* сўзида ҳам юқоридагидек уч маъно бор. Яна *yan*- сўзида ва *yaq*- сўзида ҳам шундайдир. Бу хилдаги уч маъноли сўзлар туркийда кўп топилади.

Ва шундай сўзлар топилурки, тўрт маъноси бўлади. Масалан, *бар bar* сўзи: бир маъноси «мавжудлиғ» (таъкид), бир маъноси «борувга амр», бир маъноси «юк»дир, бир маъноси «самар» (мева)дир.

Шундай сўз ҳам топилурки, ундан беш маъно англашилади. Масалан, *sayīñ* сўзи: бир маъноси «ёд қилмоққа буйруқ», бири «сурли қўйнинг оти»дир, «ишқ мастлиги»ю «мажнунлиги» ва «хасталиги» муқобилида *sayīñ* деса бўлади ва ҳар бирининг ўрнида ишлатса бўлади.

Яна андоқки, *تۈز tüz* сўзики, ундан бир неча маънони англаш мумкин. Бири *tüz* – «ўқ ёки найзага ўхшаш нарса»га айтилади, яна *tüz* – «текис

дашт»ни дерлар, яна *tüz* – «тўғри киши»ни айтадилар, яна *tüz* – «чолғуни созламоққа буйруқ»дир, яна *tüz* – «икки киши орасида мувофақат солмоқ (келиштириш, яраштириш)». Яна *tüz* – «бирор мажлис (ўтириш) анжомлари»ни айтиш ҳам мумкин.

Яна *كوك kök* сўзини ҳам бир неча маънода ишлатадилар. Бири *kök* – «осмон»ни дейдилар, яна *kök* – «оҳанг»дир, яна *kök* – «тикарда кўкламак, кўклуб тикиш», яна *kök* – «қадағ (бўёқ)»ни ҳам дерлар, яна *kök* – «сабза ва ўланг»ни ҳам дерлар.

Бу хилдаги уч, тўрт ва ундан ортиқроқ маъно англашиладиган сўзлар кўп, форсий сўзларда бундай нарсалар йўқдир.

Яна ейиладиган озик-овқатни *yegülük* дейдилар. Сарт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам, ичмакни ҳам *xordan* сўзи билан айтадилар.

Улуғ қардош ва кичик қардошнинг ҳар иккисини *barādar* дейдилар, турклар улуғни *ауа*, кичикни *ини* дейдилар. Улар улуғ ва кичик қиз қардошни ҳам *xāhar* дейдилар. Булар улуғни *egāci* ва кичикни *sinil* дейдилар. Булар отанинг оға-инисини *арауа*, онанинг оға-инисини *тауауи* дейдилар. Улар ҳеч бирига от белгиламайдилар, араб тили билан *em* ва *xāl* дейдилар. *Kökältaš* ни туркча айтадилар, *ātākā* ва *enāgā* ни ҳам бу тил билан айтадилар.

Бир аниқ нимаким, *aq üy* дир, унга *xirgāh* деб от қўйганлар. Аммо унинг бўлақларининг кўпини туркча айтадилар, андоқки, *tünlük-ü üzük va torluq-u basruy va čiy-u qanat va közānäk-ü uwuy va bayiš-u bosaya va erkinā* ва шу сингари.

Овда асосийси кийикдир, турк унинг эркагини *huna*, тишисини (урғочисини) *qilčaqčī* дейди. Яна суйқуннинг эркагини *бууи*, тишисини *maral* дейди, сарт эса *āhū* ва *gavazn* дейди, холос.

Тўнғизнинг эркагини *qaban*, тишисини *tegājin*, ушоғини *čorpa* дерлар. Сарт эса барчисини *xūk* ва *gurāz* дейди.

Қушларга келганда булар ичида аниқ ва машхури *ilbāsān ördāk* бўлиб, бу овланадиган ўрдак дегани. Ҳозирги ўзбекчада *илвасин*, *илвасингина* сўзлари ҳам ишлатилади.

Навоий сўзида давом этади: сарт эл *ilbāsūn* нинг ўзини билмайди. Турк ўрдакнинг эркагини *sona*, тишисини *borč'in* дейди. Сарт буларга ҳам от қўймасдан, нар ва мода иккаласини *murābi* деб атайди. Ўрдакнинг хилларини яхши биладиган қушчилар қошида, масалан, *čörkā*, *erkā*, *suqsur*, *almabaš*, *čaqirqanat*, *temürqanat*, *alalaya*, *alarökā*, *bayčal* ва бу йўсинлиғ от билан айтайдиларки, улар етмиш хилга боради, сарт эса барчасини фақат *murābi* дейди. Агар бир-биридан ажратмоқчи бўлса, туркча атайди.

Яна дашт қушларидан *toydaq*, *toydarī*, *čayruq*, *qilquyruy*, *qularurya*, *yaralay*, *quladu*, *lägläk*, *čaylaq*, *qaraqus*, *telbāquš*, *čiqčiy* дек қушларнинг отла-

ри йўқдир, кўпини туркча айтурлар. Тоғ ва тузда *çilya, soqmay, dōš, arɣadal, qirešmä, burtay-u segritmä, sirt, uçma, ešmä, ilat, qiralan, toqay, köl, köyläk, sañ, sayañ, çaqil, say, šortañ* дек нималарнинг кўпига от тайин қилмайдилар.

Жониворларнинг довушидан бир отнинг кишнамаги [*kišnamäk*]га *šiha* деб от кўйибдилар. Туянинг бўзламоғига [*bozlamaq*]ю сигирнинг мунграмаги [*müñrämäk*]га ва эшакнинг инграмоғига [*ñgramaq*]ю итнинг мингашмоғи [*müñašmaq*]га ва улимоғи [*ulumaq*]га форсчада сўз йўқдир.

Яна отнинг *tabuçaq, arɣumaq, yäkä, yabu, tatu* йўсинлиқ хилларининг барини фақат туркча айтурлар. Отнинг ёшини ҳам кўпрагини туркча айтадилар. Ёлғиз қулунни *kurra* дерлар, бошқаларини: *tay, yonan, donan, tulan, çirya, lanya* сингариларни сўзга чечанлари туркча айтадилар, кўпчилиги буни ҳам билмаслар.

От эгарини гарчи *zīn* десалар ҳам, кўп жабдуқларини, мисли *jibilgir, hana, toqum, jazliý, olañ, qom, olarçay, yanjuya, jilbur, qušqun, qantar, tüfäk, toqa* йўсинлиғ туркча айтурлар. Қамчини *täzyāna* десалар ҳам, аммо *büldürgä* сини ва *çurçurya* сини туркча айтадилар.

Яна *jibä, jāwšän, köhä, qanalduruq, qarbiçi, keçim, aha* сингари уруш асбобини ҳам туркча айтадилар.

Маълум кийимлардан мисли *dastār, qalpaq, navrozī, toppi, širday, däkälä, yeläk, yayliḡ, terlik, qur* сингари нарсаларнинг барини туркча айтадилар.

Егуликлардан гарчи кўй аъзоларидан баъзисига от кўйган бўлсалар ҳам, аммо *arqa, ašuylyu ilik* ни ва *yan sönäk, qaburya, ilik, orta ilik* ва *boýuzlayu* ни туркча айтадилар. Яна баъзи емаклардан *qaymaq, qatlama, bulamaq, qurut, ulaba, mantu, quymaq, ürkämäç* ни ҳам туркча айтадилар. *Qimiz, suzma, baxsum, boza* ни ҳам туркча айтадилар. Яна *tutmaç, umaç, kümäç, talyan* ни ҳам туркча айтадилар. Бу хил майда нарсалар жуда кўп топилади.

Туркий тилнинг морфологик ўзгачаликлари тўғрисида. Навоий асарда туркий тилнинг хос имкониятларини кўрсатувчи айрим морфологик хусусиятлари, хусусан, сўз ясалиши, феълнинг нисбат шакллари, сифатларда белгининг ортиқлигини кўрсатувчи, маънода ихчамлик ва нозикликлар чиқарувчи шакллар тўғрисида сўз юритади.

Мисолларда кўриб чиқамиз. Араб сарфида бир боб борки, уни «муфоала боби» деб атайдилар. Бунда бир сўз айтилса ҳам, икки кишининг иш-ҳаракатини ўз ичига олади, ўзи бир хилда келади, масалан, معارضه («арз қилишмоқ»), مقابله («қаршилашмоқ»), مشاعره («шеър айтишмоқ»), مکالمه («сўз айтишмоқ»). Форсча ёзувчилар шунча усталик ва моҳирлик даъвоси билан бу фойдадан маҳрумдирлар. Аммо туркнинг сўз усталари бу фойдага қўл узатиб, масдарга бир *šin* (ش) ҳарфи қўшиш билан ўша мақсадни топганлар. Бу ўринда феълнинг *-š (-iš, -iš / -uš, -üš)* қўшимчаси

билан ҳосил қилинувчи биргалик нисбат кўриниши кўзда тутилмоқда. Масалан: *čarīšmaq, tapīšmaq, qičušmaq, öpüşmäk*.

Бундай сўзларни ясаган улуғларга шундай яхши иш қилганлари учун раҳмат айтиш керак. Бу усталик билан сартнинг сўз усталаридан тамом устун чиқибдирлар.

Яна араб сарфи атамасида икки мафъулли (икки ишловчили) феъллар борки, бундай сўзлар тилда кенг ишлатилади. Бундан ҳам сартлар четда қолганлар. Турклар эса бунга ҳам жуда яхши йўл топганлар. Масалан, арабча اعطيت زيدا درهما («Зайдга ақчани бердим») гапининг таркибида уч сўз бор, улар (турклар) сўзга бир ҳарф орттирганларидек, араблар бир замир(ҳарф)ни орттирганлар, бунинг билан жуда ихчам ва фойдали бўлиб чиққан. Бунинг билан туркий тилда -t аффикси ёрдамида феълнинг орттирма нисбат шакли юзага келишига ишора этилмоқда. Туркий мисоли: *yügürt, qildurt, yaşurt, cīqart*.

Туркийда яна бир хил қўлланиш бор: бировдан бир ишни гумон қилиш орқали ўша ишни ўша кишига нисбат бергандек бўладилар. Бу аниқлик юзасидан эмас, балки гумон юзасидан бўлади, аммо бунда нозиклик кўп. Масалан: *baryu-deg, yaryu-deg, kelgü-deg, bilgü-deg, aytqu-deg, qaytqu-deg, uryu-deg, soryu-deg*. Бундай шакл форсийда бўлмас.

Баъзи сўзларнинг охирига бир *čim* (چ) ҳарфи қўшиб (яъни -č қўшимчасини қўшиб), у орқали феълда суръатни кўзлайдилар, масалан: *yetkäč, etkäč, baryaç, yaryaç, tapqač, satqač*.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида бу маъно феълнинг бош шаклига -гач қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади деб қаралмоқда: *em-gach, kel-gach, ton-gach* сингари. Навоийда бундай эмас. У ушбу маънони феълнинг *yetkäu, etkäu, baryau, tapqau, satqau* сингари келаси зомон шаклларида чиқаради. Бу ўринда Навоий ҳақ. Чунки у кўзда тутаётган «суръат» маъноси феълнинг *yet-, et-, bar-, tap-* сингари буйруқ шаклидан эмас, ҳаракат тугаллигини ифода этувчи келаси замон шаклидан уни ўзгартириш йўли билан юзага келади: *tapqau – tapqač*.

Яна: бир *käf* (ك) ва *re* (ر) ҳарфини (-*kör* кўмакчи феълни) баъзи сўзнинг охирига қўшиб, ундан муболаға ва қисташни кўзлайдилар, масалан: *bilä-kör, qila-kör, ketä-kör, yetä-kör*.

Яна баъзи сўзларга бир *läm* (ل) қўшадилар (яъни -l қўшимчаси билан), бу ҳолда ўша нарсанинг ўша сифатда маҳкам туришини билдирадилар. Масалан: *qahal, yasal, qabal, tunqal, tarqal, tosqal, soyuryal*.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИНИНГ ФОНЕТИКАСИ ВА ЁЗУВЛАР ТИЗИМИ

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: фонетика, фонология, унлилар тизими, товушлар уйғунлиги, туркий сингармонизм, ундошлар тизими, товушлар ўзгариши; ёзувлар тизими, эски туркий ёзувлар; транскрипция, транслитерация.

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а д и г а н м а с а л а л а р :

Тарихий фонетика ва унинг ўрганиш объекти.

Тил тарихида унлилар тизими ва унинг ўзига хос хусусияти.

Ундошлар тизими ва унинг ўзига хос хусусияти.

Эски туркий ёзувлар тизими: кўк турк, уйғур, моний, браҳми, сурёний, араб ёзувлари.

Эски ёзувлардаги матнларни транскрипция ва транслитерацияга ўгириш масаласи.

Ёзма ёдгорликларнинг яратилган даври билан замонамиз ўртасида катта оралиқ бор. Шунинг учун ҳам ёзма ёдгорликлар тилининг фонетик, лексик-семантик, грамматик ва стилистик хусусиятлари ҳозирги туркий тиллардан, шу жумладан, ҳозирги ўзбек тилидан ҳам анча фарқ қилади.

Фонетика товушлар билими тўғрисидаги фан бўлиб, у нутқ товушларини ўрганади. Нутқ товушлари ўзбек тилида ун дейилади; ун «товуш, сас, овоз» деганидир. Муҳими шундаки, ун сўзини фақат кишининг нутқ товушларига нисбатан қўлаймиз, ҳайвон товуши, қушларнинг сайраши ёки бошқа физик ҳодисалар натижасида юзага келувчи шовқинларни эса *товуш* ёки *овоз* деймиз. Тилшуносликдаги *унли*, *ундош* атамалари ҳам шундан олинган: *унли* «овозли; овозга, яъни товушга эга бўлган» маъносини беради.

Фонетика ўрганиш объекти даврига қараб иккига ажратилади: ҳозирги тиллар фонетикаси; тарихий фонетика. Ўзбек ёзма адабий тили тарихи ўрганилганда кўпроқ тарихий фонетикага мурожаат қилинади.

Тарихий фонетикада товушлар тизимининг тарихи, тараққиёти, ёзма ёдгорликларда уларнинг қай ҳолда акс этгани, ҳарф ва товуш муносабатлари, тил тарихида кечган фонетик ҳодисалар ўрганилади.

Ёзма ёдгорликлар тилининг товушлар тизими, биринчи галда, қадимги туркий ёзувлар, шунингдек, ўша даврлардан қолган тилшуносликка оид асарларда келтирилган илмий маълумотлар, ҳозирги туркий тиллар ва уларнинг шеваларига таянган ҳолда тадқиқ қилинади. Кўпинча ҳозирги туркий тилларда, уларнинг шеваларида қадимги луғавий қатлам ва уларнинг талаффузи яхши сақланган бўлади. Ёзма ёдгорликлардаги луғат қатламини ҳозирги жонли тиллар ва шеваларга қиёслаш орқали уларнинг талаффузини тиклаш, тарихий фонетика соҳасида ишончли хулосаларга келиш мумкин.

Унлилар тизими

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилининг фонетик тизимида саккизта унли фонемани тиклашимиз мумкин. Булар: [a], [ā], [ɨ], [i], [u], [ū], [o], [ō].

Ўша чоғларда [e] товуши, ҳар қалай, ингичка [ā] га вариант сифатида [ā~e] ишлатилган кўринади (қаранг: Насилов 1963, 7 – 9; Маҳмудов 1990, 39 – 62; Содиқов 2006, 118 – 119).

Қадимги туркий тилда йўғон [a] билан ингичка [ā] унлилари мустақил фонемалардир: улар маъно фарқлаш хусусиятига эга; талаффузи ҳам икки хил. Мисолларга эътибор қилинг:

ab – «ов», *at* – «от, йилқи», *aš* – «ош, овқат», *azuq* – «озиқ», *adaq* – «оёқ», *adyir* – «айғир», *yay* – «ёз», *qara* – «қора»;

āb – «уй», *āt* – «эт, гўшт», *tilā* – «тила», *āmgāk* – «эмгак, заҳмат», *kārgāk* – «керак».

Қадимги туркий тилда йўғон [i] билан ингичка [i] унлилари ҳам мустақил фонемалардир. Мисолларга эътибор қилинг:

iyāç – «дарахт», *qišla* – «қишла-, қишни ўтказ-», *qizil* – «қизил», *yilqı* – «хайвон, йилқи».

iç – «ич», *ilgärü* – «олдинга; шарққа», *bil* – «бил-», *kir* – «кир-», *tirig* – «тирик».

Қадимги туркий тилда йўғон [o] билан ингичка [ō] унлилари мустақил фонемалардир: улар ҳам маъно фарқлаш хусусиятига эга. Мисолларга эътибор қилинг:

boz – «бўз, кулранг»: *boz at* – «кулранг от». Кошғарийнинг таъкидлашича, оқ ва қизил ранг орасидаги рангда бўлган ҳар бир хайвонга шу сўз қўлланади (ДЛТ, 365).

böz – «бўз». Кошғарийнинг таъкидлашича, бу сўз ингичка унли, (яъни [ö]) билан талаффуз қилинган (ДЛТ, 365).

toz – «тўзон». Бу сўз йўғон унли (яъни [o]) билан айтилган (ДЛТ, 365).

töz – «асл, таг, асос»: *anıñ tübi-tözi kim?* – «унинг таги, асли ким? Кимга бориб тақалади?» (ДЛТ, 365)

Йўғон [u] билан ингичка [ü] унлилари ҳам мустақил фонемалардир. Мисолларга эътибор қилинг:

un – «ун» (ДЛТ, 34).

ün – «ун, товуш» (ДЛТ, 34).

tuz – «туз». Кошғарийнинг урғулашича, бу сўз йўғон унли (яъни [u]) билан айтилган (ДЛТ, 365).

tüz – «тўғри, текис»: *tüz yer* – «тўғри ер, текис ер» (ДЛТ, 365).

Қадимги туркий тил унлилар тизимининг таснифи шундай бўлади:

[a] – орқа қатор, йўғон, кенг, лабланмаган унли;

[ā] – олд қатор, ингичка, кенг, лабланмаган унли;

[i] – орқа қатор, йўғон, тор, лабланмаган унли;

[ī] – олд қатор, ингичка, тор, лабланмаган унли;

[o] – орқа қатор, йўғон, кенг, лабланган унли;

[ō] – олд қатор, ингичка, кенг, лабланган унли;

[u] – орқа қатор, йўғон, тор, лабланган унли;

[ū] – олд қатор, ингичка, тор, лабланган унли.

Унлилар тизими товушлар қатори, тор-кенглиги, лабланган-лабланмаганлигига кўра ўзаро қарама-қарши жуфтликларни юзага келтиради: орқа қатор йўғон [a], [i], [o], [u] унлилари олд қатор ингичка [ā], [ī], [ō], [ū] унлиларига; кенг [a], [ā], [o], [ō] унлилари тор [i], [ī], [u], [ū] унлиларига; лабланмаган [a], [ā], [i], [ī] унлилари лабланган [o], [ō], [u], [ū] унлиларига қарама-қаршидир. Улар талаффузига кўра ҳам, фонематик хусусиятига кўра ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади.

Қадимги туркий тилнинг унлилар тизими фонетик-фонологик жиҳатдан йўғон / ингичкалик, лабланганлик / лабланмаганлик, чўзиқлик / қисқалик хусусиятларига эга.

Унлиларда йўғон / ингичкалик

Унлилар, ўз навбатида, йўғон ва ингичка унлиларга бўлинади. Булардан [a], [i], [u], [o] йўғон, [ā], [ī], [ū], [ō] эса ингичка унлилардир. Йўғон унлилар тилнинг тагидан, ингичка унлилар эса тилнинг учидан чиқади.

Тилшуносликда буларнинг ўрнида «қаттиқ» («твёрдый») ва «юмшоқ» («мягкий») сифатлари ҳам ишлатилаётир. Лекин товушга нисбатан бундай сифатларни қўллаш тўғри эмас.

Алишер Навоий товушга нисбатан «ингичка» (*inčkā ün*), «кучли» (*biyik ün*) сифатларини ишлатган. Жумладан, у *inčkirmäk* сўзининг талаффузи ва маъносига тўхталиб, «ингичка ун билан йиғламоқдир» (*inčkā ün bilā yīylamaqdur*) дея таъкидлайди. *Ökürmäk* сўзининг маъноси тўғрисида эса «кучли ун билан, тенгсиз фигон билан йиғлағайлар» (*biyik ün bilā-ki, e'tidālsiz āšūb bilā yīylayaylar*) дея таъриф беради (МЛ, 34).

Ёки «Китоб-и таржумон-и туркий»да луғат муаллифи қарама-қарши маъноли сифатларни келтирар экан, *yoʻyin* ва *yinčā* («йўғон» – «ингичка») сўзларини ўзаро зид маъноли сўзлар сифатида берган (КТТ. 38).

Яна бир мисол. Ҳозирги ўзбекчада *йўғон довушли киши*; *йўғон довушда сўзлади* ёки *ингичка довушда сўзлади* деймиз. Ана шулардан келиб чиқиб товушларга нисбатан *йўғон* ёки *ингичка* сифатларини қўллаганимиз маъқул.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилдаги орқа қатор, йўғон [a] ни ифода-лаш учун араб тилшунослигидаги *išbā'* (яъни «йўғон»), олд қатор [*ā~e*] учун эса *išmām* (яъни «ингичка») атамасини ишлатган эди. Жумладан, *ات* сўзидаги *alif* ҳарфини икки хил талаффуз қилиш мумкин: агар у йўғон унли сифатида талаффуз қилинса, «от (ҳайвон)» тушунилади, агар у ингичка ўқилса, «эт, гўшт» бўлади. Ушбу фонетик ҳолат луғатда шундай берилган: *ات at* – «от»; йўғон ўқиладиган *alif* билан (*bi'ishbā'i-l-alifi*) (МК. 15a); *ات et* – ингичка ўқиладиган *alif* билан (*bi'ishmāmi-l-alifi*); «эт, гўшт» (МК. 15a). Яна мисол: *ايف ew* – «уй»; ингичка *alif* (яъни [e]) билан (*bi'ishmāmi-l-alifi*) (МК. 27a).

Унлининг йўғонлигини билдирадиган *išbā'* атамаси билан изоҳланган сўзларга яна мисол: *أج Uč* – йўғон *alif* билан (*bi'ishbā'i-l-alifi*); машҳур бир шаҳарнинг оти (МК. 15b); *تو to* – йўғон унли (яъни [o]) билан (*bi-l-ishbā'i*), ундан тайёрланадиган овқатнинг оти (МК. 268a).

Ёки *vāv* ҳарфи туркий матнларда тўрт хил унлини англатади [o] – [ö] ёки [u] – [ü]. У ингичка унлиларни англатганда муаллиф уларга нисбатан *išmām* атамасини қўллаган. Луғатда берилишига мисол: *أوت öt* – «девор ва тахтадаги ёриқ»; *vāv* ингичка талаффуз қилинади (*bišammāti-l-vāvi*) (МК. 17b); *أود öd* – «вақт, замон»; *vāv* ҳарфи ингичка ўқилади (*bišammāti-l-vāvi*) (МК. 17b).

Алишер Навоий унлини *ḥarakat* дейди, олд қатор унлиларга нисбатан *arīq, daqīq* сифатларини қўллайди. Навоий ишлатган *arīq* сўзининг маъноси «тоза, ингичка» деганидир. «Абушқа» луғатида бу сўзга *arīy va arīq* – *aru va rāk ma'nāsina kelür* дея изоҳ берилган (DDT, 12).

Навоий туркий матнларда келган *vāv* ҳарфининг фонетик вазифасини яхши очиб берган. У «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида *vāv* ҳарфининг туркий матнлардаги вазифаси хусусида тўхталиб, унинг тўрт хил

талаффуз этила олиши, бунинг натижасида улар турли маъноларни англантиши мумкинлигини таъкидлайди (*türki alfāzda bu ma'rūf va majhul ҳаракат төрт нав' тапилур*). Бунни куйидаги мисолларда очиб беради:

اوت *ot-ki*, «*šāy'imuḥriq*»dur va *öt-* «*murūr*» *ma'nāsī bilā* va *ut-* «*muqammirya burd jihatidīn amr*» va *üt-ki*, *baridīn ariq ҳаракатdur*, «*kallanī otqa tutup tükin aritur*» *ma'nādatur* (МЛ, 37).

Бунга кўра, اوت ни *ot* деб ўқилса, «ўт, ёндирувчи нарса», *öt-* деб ўқилса, «ўтиш» маъноси, *ut-* ўқилса, «ют-, қиморвозга ютиш жиҳатидан буйруқ», ҳаммасидан ингичка товуш (*baridīn ariq ҳаракат*) билан *üt-* деб ўқилса, «каллани ўтга тутиб, тукини аритиш» маъноси англашилади.

Чоғиштиринг, ДЛТ, 82 да:

oq keyiktān ötti – «ўқ кийик ва бошқа ҳайвонга тегиб, уни тешиб ўтди».
Ҳар бир нарса бошқа биридан тешиб ўтишига ҳам шу сўз қўлланади;
ol anī utti – «у уни ўйин ва бошқа нарсаларда ютди»;
ol bašiy ütti – «у бошининг сочларини ва шунга ўхшаш нарсаларни куйдирди».

Яна Навоийга қайтамыз. «Муҳокамату-л-луғатайн»дан бошқа бир мисол: تور *tor-ki*, «*dām*»dur. *Yana tur-ki*, *andīn daqīraqdur-ki*, «*quš olturur yiyāç*»dur va *tör-ki*, *andīn daqīraqdur*, «*üyniñ töri*»dür va *tür-ki*, *barčadin ariqdur*, «*torluynī ya ešikni türmāk üy*»dür (МЛ, 37).

Бунга кўра, تور ни *tor* деб йўғон ўқилса, «овчилар тўри», яна ундан чўзикроқ (*daqīraq*) қилиб *tur* дейилса, «қуш ўтирадиган ёғоч», ундан нозикроқ (*andīn daqīraq*) қилиб *tör* дейилса, «уйнинг тўри» ва юқоридагиларнинг барчасидан нозик (*barčadin ariq*) қилиб *tür* ўқилса, «тўр-луғни ва эшикни турмак уй» англашилади.

Бунинг билан Навоий туркий матнларда *vāv* ҳарфи [u], [ū], [o], [ō] унлиларини ифода этганига ишора қилмоқда.

Унлиларда лабланганлик / лабланмаганлик

Лабларнинг иштирокига кўра қадимги туркий тилдаги унлилар тизими иккига – лабланмаган ([a], [ā], [i], [ī]) ва лабланган ([o], [ō], [u], [ū]) унлиларга ажратилади. Аслида, ҳозирги тилшуносликда бу атамаларнинг ишлатилиши нисбийдир. Чунки нутқда бирор-бир товуш, ҳатто лабланмаган унлилар ҳам лабларнинг қатнашувисиз талаффуз қилинмайди. Фарқи шундаки, лабланмаган унлиларни талаффуз қилганда лаблар анча четда туриб, товуш талаффузига кенг йўл очиб беради; лабланган унлилар талаффузида эса, аксинча, лаблар чўччайиб, жадал ишга тушиб кетади. Лабланмаган ва лабланган унлилар дейилганда товушларнинг ана шу ҳолати кўзда тутилади, холос.

Унлиларда чўзиқлик / қисқалик

Туркий тилларда унлилар чўзиқлиги икки хил кўринишда амал қилади: «бирламчи» ва «иккиламчи» чўзиқлик (қаранг: Маҳмудов 1990, 65 – 71).

«Иккиламчи» чўзиқлик кейинги ҳодиса бўлиб, товуш ўзгариши кўпроқ сўздаги ундонинг тушиши натижасида юзага келади. Масалан: *bigiz>biiz, šahar>šaar, oʻyul>uul* сингари. «Иккиламчи» чўзиқлик ҳозирги ўзбек шеваларида, оғзаки нутқда тез-тез кузатилади.

«Бирламчи» чўзиқлик товуш тушиши ёки ўзгариши натижасида юзага келган эмас, туркий тилларда бурундан бор.

Ҳозирда айрим туркий тилларда унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги амал қилади. Масалан, қардош туркман тилида, шунингдек, ўзбек хоразм шеваларининг ўғуз гуруҳларида «бирламчи» чўзиқлик ҳозир ҳам бор. Шунга қарамай, ёзма ёдгорликлар тилида «бирламчи» чўзиқлик масаласи тугал ечимини топганича йўқ.

Муҳими шундаки, ёзма ёдгорликлар тилида «бирламчи» чўзиқлик ҳодисаси ора-чора учраб туради. Буни матнларда чўзиқ унлиларнинг махсус ифода этилганида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, уйғур хатида чўзиқликни ифодалаш учун баъзан ҳарфларни қўшалок ёзиш ҳоллари кузатилади. СЦ да: *يۈيۈل* *yüül* – «ел, шамол» (VI. 9, 15), *كۈۈ* *küü* – «довруғ, овоза» (V. 7, 11), *سۈۈ* *süü* – «қўшин, чериг» (V. 3, 18), *سۈۈلە* *süülä* – «қўшин торт-» (V. 71, 12), *يۈۈز* *yüüz* – «100» (V. 51, 24), *بۇلوق* *buul* – «булоқ, чашма» (VI. 26, 26), *اوت* *oot* – «ўт, олов» (V. 56, 25), *يۈۈرۈ* *yüürü* – «юқори, чўққи» (V. 13, 18).

Қизиғи, бир сўз бир матннинг ўзида оддий шаклда ҳам, қўшалок белги билан ҳам ёзилиши мумкин. СЦ да: *يۈيۈل* *yüül* (VI. 9, 15) // *يۈل* *yül* (V. 45, 10), *يۈۈز* *yüüz* (V. 51, 24) // *يۈز* *yüz* (V. 15, 19).

Араб ёзувли туркий матнларда [a] нинг чўзиқлигини ифодалаш учун қўшалок *alif* ҳарфидан фойдаланилган. Масалан, Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк»да бир қатор сўзларни қўшалок *alif* билан келтирган. Афтидан, бу ўринда у ушбу сўзларнинг чўзиқ унли билан талаффуз этилганини кўзда тутган, чоғи. Масалан, ДЛТ, 44 да:

الت *a:t* – «от, исм».

الت *a:t* – «лақаб, унвон»: *beg aṅar a:t berdi* – «бек унга унвон берди». «Қабиланинг улуғи ёки бошлиғи»ни ҳам *atliṅ* дейиш шундан.

اچ *a:č* – «оч». Мақолда (шундай келган): *A:č ne yemäs, toq ne temäs*. Маъноси: «Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди».

ДЛТ, 83 да:

الجدى *a:čdi* – «очикди»: *er a:čdi* – «киши ва бошқалар очикди»;

الردى *a:rdī* – «чарчади; алдади»: *er a:rdī* – «киши ва бошқалар чарчади»; *ol a:rdī* – «у (уни) алдади»;

الزدى *a:zdī* – «адашди»: *ol yol a:zdī* – «у йўлидан адашди»;

السدی *a:sdī* – «осди»: *ol et a:sdī* – «у гўшт ва бошқа нарсаларни осди»;

الشدی *a:šdī* – «ошди, ошиб ўтди»: *ol tay a:šdī* – «у тоғ ва бошқа нарсаларни ошди»;

الغدى *a:γdī* – «чиқди, кўтарилди»: *ol tayqa a:γdī* – «у тоққа ва бошқа тепаликларга кўтарилди»;

الغدى *a:γdī* – «тошди, пайдо бўлди; ўзгарди»: *bulit a:γdī* – «булут тошди, пайдо бўлди»; *aniḡ yuzī a:γdī* – «унинг ранги ўзгарди»;

القدی *a:wđī* – «тўпланди»: *aḡar kiši a:wđī* – «унинг теварагида киши тўпланди» сингари.

Матнларда лаб унлиларининг чўзиқлигини ифодалашда кўшалок *vāv* дан фойдаланилган: *اول* *ōöl* – «ҳўл».

Араб ёзувли туркий матнларда унлилар *alif, vāv, yā* ҳарфлари ёки ҳаракатлар билан ифода этилган. Эски туркий матнларда унлилар *alif, vāv, yā* ҳарфлари билан ёзилишини баъзи олимлар чўзиқликнинг ифодаси деб биладилар. Бу қарашга қўшилиш қийин. Ушбу имло хусусияти фақат чўзиқлик билан боғлиқ эмас. Бунга туркий ёзув анъанасининг давоми сифатида ёндашилгани маъқул. Сабаби шундаки, уйғур хатида унлилар, чўзиқ-қисқалигидан қатъи назар, ёзувда изчил тарзда ифода этилаверган. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида ана шу имло принципини сақлаб қолдилар. Шунга биноан, араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар, чўзиқ-қисқалигидан қатъи назар, *alif, vāv, yā* ҳарфлари билан ифодаланадиган бўлди.

Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларнинг талаффузига тўхталар экан, ора-орада унлиларнинг қисқа ва чўзиқ ўқилишини ҳам таъкидлаб ўтади:

أُن *ün* – «ун, товуш»; бу сўзни *أون* *ün* тарзида чўзиброқ талаффуз қилиш ҳам мумкин (ДЛТ, 30).

بِر *bir* – «бир»; сон; *bir yarmaq* – «бир танга». Бу сўзни *بیر* тарзида чўзиқроқ талаффуз қилиш ҳам мумкин. Лекин бу хилда талаффуз қилинадиган сўзлар кўпдир. Туркий тилда айтилишида чўзиқлик, ёзилишида қисқалик яхшидир (ДЛТ, 133).

Ёки феълларнинг талаффузда тўлик, чўзиқ ўқилиши тўғрисида сўз юритар экан, шундай ёзади: *بَرْدِي* дейиш мумкин бўлганидек, *بازدی* дейиш ҳам мумкин. Шунингдек, *بَرْدِي* ҳам, *بازدی* ҳам мумкин. Бу ҳол фақат ўтган замон феълларидагина воқе бўлиши мумкин. Келаси замон феъли ва масдарларда мумкин эмас. Бу ҳол исмларда ўзакнинг аслида бўлмаган чўзиқ унлиларни орттириш, қисқартириш мумкин бўлган ҳолатга ўхшайди. Чунончи, *بَعَج* дейиш ҳам мумкин, *بَعَج* дейиш ҳам мумкин, *ثَوَّق*

дейиш ҳам мумкин; تَتَّقُ дейиш ҳам мумкин. Лекин исмларда ҳам, феълларда ҳам шаклда қисқалик, айтилишда қаттиқлик яхши ва тўғридир (ДЛТ, 219).

Таъкидлаш керакки, ёзма ёдгорликлар тилида «бирламчи» чўзиқ унлилар фонема даражасида амал қилгани даргумон. Ҳар қалай, улар оддий унлиларнинг фонетик варианты сифатида қўлланган кўринади.

Маҳмуд Кошғарийнинг юқорида ёзганлари ҳам ушбу фикрларни қувватлайди.

Маҳмуд Кошғарий отлардаги орттирма белгилар ҳақида

Отларга орттириладиган белгилар: مَدّ *madd* («чўзиш белгиси»), لَيْن *lin* («юмшатиш белгиси»)дир.

Масалан, تَعَارُ *tayar* («қоп, тўрва»), جَفَارُ *čawar* («тутантирик») сўзлари га орттирилган *alif* чўзиш белгисидир.

قَرِيحُ *qoriḥ* («қўрилган, бегоналардан эҳтиёт сақланган») ва أَرِيحُ *ariḥ* («тоза, пок») сўзларидаги *uā*, اَنُوقُ *anūq* ва تَنُوقُ *tanūq* («гуноҳ») сўзларидаги *vāv* юмшатиш белгисидир.

أَدْيِيرُ *adyir* («айғир»), إِشْيُونُ *išyun* («ровоч ўти») сўзларидаги *hamza*, بَزْغَانُ *bazyan* («ясси бурунли»), قَزْغَانُ *qazyan* («ковак ер») сўзларидаги *nūn* ҳарфи, تَرْقُو *turqu* («ипак кийимлик»), قُرْغُو *qurḡu* («шошма-шошар киши») сўзларидаги *vāv*, كُتْكِي *kütki* («кичик тепа»), بَرْقِي *burqī* («қаттиқ юзли киши») сўзларидаги *uā* ҳарфлари отлардаги ортиқча белгилардир.

Бу сўзлардан فَعَالُ *fa'āl*, فِعَالُ *fi'āl*, فَعُولُ *fa'ūl*, فَعِيلُ *fa'īl* тарзидаги сўзларда чўзғи ҳарфларни тушириш мумкин: يَغَاخُ ёки يَغْخُ шаклида ёзилиши мумкин. «Дарё ва водийнинг нариги томони» маъносидagi сўзни يُغُوخُ ёки يُغْخُ шаклида ёзиш мумкин. Шунингдек, قُرَيْخُ ёки قُرْخُ шаклида ёзиш фарқсиздир.

Сўзнинг қисқаси узунидан яхшироқ.

Унлилар тизимининг фонетик тараққиёти

Туркий тилларнинг унлилар тизими юзйилликлар оша ўта мураккаб ва такомиллашган фонетик жараёни бошдан ўтказган.

Туркий халқлар ишлатган қадимги ёзувларда [e] фонемаси учун алоҳида ҳарф йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу товушнинг келиб чиқиши, унинг тарихий такомилли тўғрисида бир тўхтамга келинган эмас. Нима бўлганда ҳам, [e] товуши ингичка [ā] га вариант сифатида [ā~e] юзага келгани аниқ.

Ҳозирги ўзбек тилида [e] билан талаффуз қилинаётган сўзлар кўк турк битигларида ʎ <ā> ёки ʎ <i> ҳарфлари билан ёзилган: ʎʎʎ *ās(i)m* (E. 41.1), ʎʎʎ *yir* (Ka. 9).

Муҳими шундаки, битигларда бир сўзнинг ўзи ʎ билан ҳам, ʎ билан ҳам ёзилаверган: ʎ (*ā*)ʎ (E. 32.9) // ʎʎ *il* (E. 32.8) сингари. Ушбу график хусусиятлар [*ā*] билан [*i*] оралиғидаги [e] товуши ифода этилганидан далолат беради. Махсус ҳарф бўлмагани сабаб шундай йўл тутилган кўринади.

Енисей битигларида, ўрхун битигларидан фарқли ўлароқ, [e] товушини ифодалаш учун ʎ ҳарфи ҳам ишлатилган. Енисей битигларидаги ʎ ҳарфи ʎ ҳарфи билан вазифадош эди.

Уйғур хатида унлиларни ифодалаш учун алифбо тизимидаги бор-йўғи учта ҳарфдан фойдаланилган: *alif* ҳарфи [a], [*ā*] ва [e] ни, *uā* ҳарфи [*i*] ва [*i*] фонемаларини, ўрни билан [e] ни ҳам англлатган; *vāv* ҳарфи эса лаб унлилари учун ишлатилган.

Туркий халқлар ишлатган араб хатида ҳам [e] унлиси учун махсус ҳарф йўқ: у сўз бошида *alif*, *alif madda*, *alif uā*, сўз ичида эса *uā* ёки ҳаракатлар билан берилган ва б.

Бунга бир мисол: «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган қўлёмасида «худо, эга» маъносидаги *edi~edi* сўзи икки хил – *alif* билан ҳам, *alif uā* билан ҳам ёзилган: *اڨي* (QBN. 8b,6) // *اڨي* (QBN. 11b,11). Яна бир жиҳати, бу сўз асарнинг Наманган нусхасида <δ> билан ёзилган бўлса, Қоҳира нусхасида <d> билан ёзилган: *اڨي* (QBQ. 2a,10; 8b,8).

Ана шуларга таяниб бу сўз [*i*] билан эмас, [e] билан *edi* ёки *edi* деб ўқилгани маъкул.

Алишер Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн»да туркий тилнинг унлилар тизими, арабий ҳарфларнинг вазифалари тўғрисида сўз юритар экан, [e] товуши хусусида ҳам тўхталган эди. Чунончи, туркий матнлардаги *uā* ҳарфининг вазифасини таърифлаб, унинг уч хил талаффуз этилиши мумкинлигини айтади (*üç hareketdîn artuy tapilmas*). Бунини муаллиф қуйидаги мисолларда кўрсатиб берган:

بيز bez-ki, sart «qudūd» der va biz-ki, «mā» va «naḥnu» ma'nāsi bilādūr va bi:z-ki, andin (daqīqdur), «darafš» derlār (МЛ, 37).

Бунга кўра, *بيز bez* деб ўқилса, «без», *biz* ўқилса, «биз» (кишилик олмоши), *bi:z* деб чўзиқ ўқилса, «бигиз» бўлади.

Ёки бошқа бир мисол: *تير ter-ki, «termāk» ma'nāsi bilādūr va tir-ki, andin daqīqdur. Uldur-ki sartlar anī «araq» va «xoу» derlār va ti:r-ki, baridīn ariqdur, «oq» ma'nāsi bilādūr* (МЛ, 37).

Бунга кўра *تير ter* деб ўқилса, «тер-» (феъл), *tir* ўқилса, «тер», *ti:r* деб чўзиқ ўқилса, «ўқ» бўлади.

Бу мисоллар остида Навоий турк имлосида *uā* ҳарфи ифода этадиган учта унлини назарда тутмоқда: [e], [i], [i:]. Бу мисоллари билан Навоий бир-бирига қарама-қарши маъноли фонемаларни эмас, балки *uā* ифода этадиган турли товушларни кўзда тутган. Чунончи, [e] товуши [ā] фонемасининг торайиши туфайли унга вариант сифатида ҳосил бўлган, кейинчалик мустақил ҳолда такомил топган.

Навоий мисолларидаги [i] товуши йўғон ўзақли сўзлар таркибида орқа қатор [i] сифатида талаффуз этилган. Навоий назарда тутган [i:] эса «иккиламчи» чўзиқликдир. «Иккиламчи» чўзиқ унлилар, одатда, ўзи билан ёндош келган бирор ундошнинг тушиши натижасида ҳосил бўлади.

Толе Имоний унлилар учун *والاشباع* (*val-išba'*) (яъни «*išba'* билан») ҳамда *بالاشباع* (*bil-išba'*) («*išba'*сиз») атамаларини қўллаган. А.К.Боровков *val-išba'* атамасини «с насыщениям», *bil-išba'* атамасини эса «без насыщения» дея талқин қилади. Унингча, Толе Имоний *val-išba'* атамаси остида тор *i, ī, ū, u* унлиларини, *bil-išba'* атамаси остида эса ўрта тор *e, ē, o* унлиларини кўзда тутган. Масалан, *ایش* даги *alif išba'* ли *kasra* билан («с насыщениям») талаффуз қилинса, «иш» («дело»); агар *alif išba'* сиз *kasra* билан («без насыщения») ўқилса, «эшмак» («вить», «прясть») сўзи англашилади (Боровков 1961, 12).

Луғатда муаллиф сўзларни кўпроқ ёзилишига кўра туркумлаштиради: биринчи ёзилишини бериб, сўнг уларнинг талаффузи ва маъносини изоҳлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги изланувчи бундай сўзларнинг талаффузини аниқлашда ўта хушёр бўлмоғи керак. Масалан, *ایلا* (35b) сўзи *āylā* (яъни «шундай») маъносини англатади, агар ундаги *alif kasra* билан ўқилса, *ilā* (яъни «билан») сўзи келиб чиқади. *بیل* (42a) ҳам икки хил ўқилади ва икки сўз англашилади: *bel* ва *bil*-. Ёки: *قین* (71b) *išba'* билан ўқилса, *qiyin* (яъни «қийин»), агар *išba'* сиз ўқилса, *qin* (яъни «қин, пичоқнинг қини») англашилади; *اون* *išba'* ли *ḡamma* билан ўқилса, «нидо» («сас, овоз, ун»); агар бу сўз *išba'* сиз ўқилса, «ўн» рақами англашилади (22b).

Сўзнинг биринчи ҳарфини ундан кейинги унли билан бирга тўғри ўқиш учун *bi-fatḥ* (*a-ā* билан), *bi-ḡamm* (*u-ū-o-ō* билан), *bi-kasr* (*ī-i* билан) сингари фонетик ишоратлар ҳам келтирилади. Аслида, бундай фонетик қайдлар келтирилмаса ҳам бўларди. Чунки луғатда қабул қилинган принцип бўйича, сўзларнинг ҳарфини ҳам уларнинг қайси бобга кирганлигига қараб тўғри ўқиш мумкин. Лекин боб ичида сўзлар кўп, айниқса, биринчи ҳарфдан кейин унли ёзилмаган бўлса, уни хато ўқиш мумкин. Бунинг олдини олиш учун ҳам шундай қайдлар берилади. Масалан: *قراقچی* сўзининг биринчи ҳарфидан кейинги унли ёзилмаган, бироқ изоҳда *bi-fatḥ* ишораси борлиги учун ўқувчи уни *qaraqčī* (яъни «қа-

роқчи») деб ўқийди. Акс ҳолда, уни *qīraqčī* ёки *quraqčī* деб ҳам ўқиши мумкин эди (Ҳасанов 19891, 8).

Тилшуносликда ҳозирги ўзбек адабий тилидаги очик, кенг [ó] товушининг (адабий-орфографик <о>) юзага келиш тарихи ҳам мунозарали. Маълумки, бу товуш бошқа туркий тилларда учрамайди. Шундай экан, у ўзбек тилида қандай ва қачон пайдо бўлганлиги тилшунослар ўртасида жумбоқли экани, турли тортишувларга олиб келаётгани табиий.

Қ.Маҳмудовнинг фикрича, ҳозирги ўзбек тилидаги [ó] фонемаси ўзлашган сўзлардаги чўзиқ [ā], туркий тиллардаги этимологик тил орқа [*a] ҳамда этимологик чўзиқ [*a:] товушларининг кенгайиши натижасида ҳосил бўлган (Маҳмудов 2004, 51).

Унинг қачондан бери ўзбек тилида пайдо бўлганлиги анча баҳсли, лекин ҳар қандай ҳолда ҳам у ўрта асрларда, хусусан, «чиғатой туркийси»да ишлатилган дея олмаймиз. Эски ўзбек тилида, хусусан, «чиғатой туркийси»да араб, форс тилларидан ўзлашган сўзларда [ā] товуши амал қилган. Масалан, *vafā, jafā, sadā, sanā* сўзларидаги сингари.

Навоийнинг таъкидлашича, жумлани кенгайтириш ва қофияни осонлаштириш учун бир неча ҳарфни (яъни товушларни) бир-бирига шерик қилибдирлар. Жумладан, *alif* билан *hā* (*alif* – [ā]; *hā* – сўз охирида келади) [a] демак орасида шериклик ва муносабат пайдо қилибдирларки, бир сўзни охири *alif* (яъни [ā])ли сўз билан қофия қилса бўлади. Масалан, *ara* сўзини *sarā* ва *darā* билан қофия қилса бўлади, *sara* ва *dara* билан ҳам қофия қилса бўлади. Яна бир мисол, *yada* сўзини *ṣadā* билан қофия қилса бўлади, *bāda* билан ҳам қофия қилса бўлади (МЛ, 66).

Кўринадики, Навоий тилида, қолаверса, эски ўзбек тилида ўзлашган сўзлардаги [ā] товуши туркийга хос бўлган орқа қатор, йўғон [a] фонемасига вариант сифатида ишлатилган. Шунинг учун ўзлашган сўзлардаги [ā] ни мустақил фонема эмас, балки орқа қатор, йўғон [a] товушининг варианты ([a~ā]) деб қараган маъқул.

Лекин соф туркий сўзларга бунини татбиқ этиб бўлмайди, чунки у даврда туркий сўзлардаги [a] унлиси ҳозирдагидек [ó] га айланмаган эди. Соф туркий сўзларни ҳозирдагидек *қора, хон, хоқон, ўғлон* деб эмас, *qara, xan, haqan, oylan* шаклида ўқиймиз.

Ўзбек тили тарихида яратилган ёзма манбалар тилини тадқиқ қилиш, уларни ҳозирги ўзбек ёзувга ўгириш жараёнида очик [ó] масаласи янада жиддийлашади.

Ёзма ёдгорликлар, хусусан, араб ёзуви манбаларни ўрганган мутахассислар матнларда сўз бошида келган *alif madda*, сўз орасида келган *alif* ҳарфи [ó] товушини ифода этган деб санайдилар. Оқибатда классик матнларни ҳозирги ёзувга ўгирганда ҳам уларни <a> ҳарфи билан эмас,

<ó> (адабий-орфографик <о>) билан беряптилар. Ваҳоланки, араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида сўз бошида келган *alif madda*, сўз ичидаги *alif* ҳарфлари кенгроқ вазифани бажарган. Эски матнларни ҳозирги ёзувга ўгирганда туркий тилларнинг товуш хусусиятини, фонологик табиатини инобатга олган маъқул. Сўз бошида *alif madda* билан ёзилган сўзлар *ал, ач, ачун, асиғ* шаклида, сўз ичида *alif* ҳарфи билан ёзилган йўғон ўзак-негизли сўзлар ҳозирги ўзбек ёзувида *барған, турған, тапқан, қачқан*, ингичка негизли сўзлар эса *билган, кўрган, эшиткан* шаклларида ўқилса ва ёзилса тўғри бўлади.

Маълумки, тарихий тараққиёт жараёнида унлилар тизимида ўзгариш юз берди. Эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси»)да унлилар сони сифат ва миқдор жиҳатидан қадимги ва эски туркий тил даврларидан фарқ қилади.

Эски ўзбек ёзма адабий тили («чиғатой туркчаси»)да, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилида тўққизта унли фонема ишлатилган дейиш мумкин. Булар: [a~ā], [ā], [e], [i], [i], [o], [ō], [u], [ū].

Туркий тилларнинг фонетик тизими бадий адабиёт, айниқса, шеър рифмикасининг такомилга катта таъсир кўрсатди. Ўзбек мумтоз шеъриятида мисраларнинг равлони, оҳангдорлиги, ўта жозибали ва таъсирчан ўқилиши ва қулоққа ёқимли эшитилишининг боиси ҳам ана шу азалий қонуниятнинг амал қилганлигида эди.

Туркий тилнинг узоқ асрлик тараққиёти натижасида шаклланган унлиларнинг мазкур тизими эски ўзбек адабий тилининг характерли хусусияти ўлароқ XX юзйилликнинг бошларига қадар сақланиб келди.

Туркий сингармонизм

Сингармонизм сўзнинг биринчи бўғинидаги унли билан кейинги бўғин унлиларининг ўзаро уйғунлашувидир. Ўзбек тили тарихида сингармонизм юзйилликлар оша «темир қонун» сифатида амал қилиб келди (қаранг: Щербак 1961, 37 – 41; Маҳмудов 1990, 202 – 208; Содиков 2006, 124 – 126).

Мумтоз туркий шеърятда ғазаллар жозибаси, оҳангдорлиги, қулоққа ёқимлилигини таъминлашда ҳам сингармонизмнинг таъсири кучли. Бу нарса, айниқса, бадий адабиётда кескин ажралиб туради. Жумладан, араб, форс мумтоз арузида сўз жозибаси унлиларнинг қисқа-чўзиқлиги билан белгиланган бўлса, туркий арузда унлиларнинг йўғон-ингичкалиги етакчи саналган.

Туркий тиллар тарихида олд қатор унлилари ингичка, орқа қатор унлилари эса йўғон талаффуз қилинган. Масалан, *asiy, aday, bar-, qayan,*

yarliqa-, *qara-* сўзларидаги [a] унлиси орқа қатор, йўғон товуш бўлиб эшитилади; *ädgü*, *tänri*, *birlä*, *bilgä* сўзларидаги [ä] фонемаси эса олд қатор, ингичка товуш бўлиб эшитилади. Буни бошқа унлиларнинг айтилишида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Муҳими, сўзнинг фонетик-фонологик табиати ана шу унлиларга мослашади. Сўзнинг биринчи бўғинида олд қатор унлилари келса, кейинги бўғинларда ҳам олд қатор унлилари қатнашади. Ёки бунинг тескариси – биринчи бўғинда орқа қатор унлиси қатнашса, кейинги бўғинлар унлиси ҳам орқа қатор унлилари бўлади. Шундан келиб чиқиб сўзлар йўғон ёки ингичка талаффуз этилувчиларга бўлинади.

Яна бир жиҳати, илк ўрта асрлардаги туркий тил агглютинатив табиатлидир. Унда ўзак-морфема сўзнинг туб маъносини белгилайди, унга бирикувчи аффикслар эса ўзакдан англашилган тушунчани аниқлаштиришга, чуқурлаштиришга хизмат қилади. Сўзнинг ўзаги ўзига қўшилаётган қўшимчаларни маъно жиҳатидангина эмас, товуш жиҳатидан ҳам бўйсундириб олади (қаранг: Стеблева 2012, 9). Бунга кўра, сўз йўғон ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам йўғон талаффузли вариантлари қўшилади, сўз ингичка ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам ингичка талаффуз қилинадиган вариантлари қўшилади. Бу тилшunosликда *танглай уйғунлиги* дейилади. Ушбу қонунга кўра, илк ўрта асрлардаги туркий тилнинг луғат таркибидаги сўзлар бутунича йўғон ёки ингичка талаффузли бўлади.

Масалан: *qayanqa* – «хоқонга», *bodunqa* – «халққа», *taşqaru* – «ташқари», *taşiq-* – «ташқари чиқ-», *uluyluq* – «улуғлик», *tuzluq* – «тузлуқ» сингари.

Ёки: *biligkä* – «билимга», *tiläkkä* – «тилакка», *ičkärü* – «ичкари», *birikti* – «бирикти», *kičiglik* – «кичиклик», *tüzlük* – «текислик» сингари.

Тил тарихида унлилар тизимида *лаб уйғунлиги* қондаси ҳам кучли ишлаган. Масалан, *köz* сўзига эгалик қўшимчаси қўшилганда ўзакнинг фонетик табиатидан келиб чиқиб қўшимча таркибида ҳам қисқа лабланган унли орттирилади: *közüm*; *söz* – *sözüm* бўлади. Охирги бўғини лабланмаган унли сўзларда эса бунинг тескариси: *qayan* – *qayanim*, *bitig* – *bitigim* бўлади. Бу қонда айтарли бузилмайди.

Бу тизимни, айниқса, кўк турк ёзувининг имло принципи ўзида яхши акс эттирган. Масалан, *bodun* сўзи ёзилмоқчи бўлса, биринчи бўғиндаги «o» унлиси ёзилади, иккинчи бўғинга ўтганда эса тушириб қолдирилади: ۋ)ۋ)ۋ. Битигларни ўқиш йўриғига кўра, биринчи бўғинда лабланган унли бўлгандан кейин, табиий равишда, кейингисига ҳам лабланган унли қўшиб кетилаверади. Бошқалари ҳам шундай.

Ундошларда жаранглилик / жарангсизлик ҳодисаси ҳам бор, бу *асимиляция* ҳам дейилади. Бунга кўра, жарангсиз ундош билан тугаган сўзга қўшимчанинг ҳам жарангсиз ундош билан бошланувчи варианты қўшилади. Жарангли ундош, унли товуш ёки сонор билан тугаган сўз эса қўшимчанинг жарангли ундош билан бошланувчи вариантыни қабул қилади.

Унлилардаги танглай ва лаб уйғунлиги, ундошлардаги жаранглилик-жарангсизлик уйғунлиги таъсирида қўшимчаларнинг ҳам фонетик вариантлари амал қилган: туркий қўшимчаларнинг икки, тўрт, кўпи билан саккиз вариантлилари бор.

Масалан: от ясовчи қўшимчалардан икки вариантлиси: *-čī, -či; -čiq, -čük*; тўрт вариантлиси: *-qaq, -kāk / -yaq, -gāk*; саккиз вариантлиси: *-līq, -lik, -līy, -lig / -luq, -lūk, -luy, -lüg*;

сифат ясовчи қўшимчалардан икки вариантлиси: *-čīl, -čil; -rī, -rī*;

сифатдош қўшимчаларидан икки вариантлиси: *-asi, -āsi; -yli, -gli; -mā, -mā*; тўрт вариантлиси: *-dači, -dāči / -tači, -tāči; -duq, -dūk / -tuq, -tūk; -qan, -kān / -yan, -gān* сингари.

Сўзнинг ингичка-йўғонлиги, охирги бўғин унлисининг лабланган-лабланмаганлиги, сўзнинг жарангсиз ундош, шунингдек, унли товуш, жарангли ёки сонор билан тугашига қараб қўшимчаларнинг ҳам уларга уйғун тушадиган варианты танланган.

Унлилар тизимидаги ингичка-йўғонлик ундошлар талаффузига ҳам таъсир қилади. Масалан: *yol, qol* сўзларидаги [o] унлиси йўғон, унинг таъсирида ёнидаги [l] ҳам, қолаверса, бутун сўзнинг ўзи ҳам йўғон талаффуз қилинади. Ёки *kōl, ōl* сўзларида бунинг тескариси, [ō] – ингичка унли, бунинг таъсирида ёнидаги [l] ҳам, қолаверса, сўзнинг ўзи ингичка талаффуз қилинади. Буларга қўшиладиган қўшимчалардаги товушлар ҳам ўзакка уйғунлаша боради: биринчисига қўшимчанинг йўғон варианты, кейингисига эса ингичка варианты қўшилади.

Қадимги туркий тилнинг фонетик тизимида юзйилликлар оша юзга келган ушбу ҳодисалар, табиийки, туркий халқлар қўллаган ёзувларда ҳам акс этган. Жумладан, кўк турк алифбоси туркий сингармонизм қонунига мослашган эди. Ёзувининг ўзи сўзнинг йўғон ёки ингичка талаффузли эканини билдириб турган.

Туркий тиллар тарихида, эски ўзбек тилида сингармонизм «темир қонун» сифатида амал қилган.

Сингармонизм сўзини атама сифатида ғарб тилшунослари қўллади, кейин эса ўзбек тилшунослигига ҳам ўзлашди. Тарихан ушбу атама учрамагани билан, туркий тилларда бу ҳодиса бурундан бор. Ўтмишда яратилган тилшунослик асарларида ушбу ҳодисага ишора этувчи қайд-

лар ҳам тез-тез учраб туради. Ўша замон тилшунослари муайян ҳарф, сўз ёки қўшимчаларнинг талаффузини шарҳлаганда уларнинг фонетик-фонологик хусусиятини таъкидлаб ўтадилар. Бунга Навоий ҳам айрича эътибор қаратган эди. «Муҳокамату-л-луғатайн»да бунини у жуда яхши ёритиб берган.

Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисаси яққол кўзга ташланади. Масалан, муаллиф битган сатрларда йўғон ўзак-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг *-maq* варианты қўшилади: *quruqšamaq, aldamaq, qīstamaq, yalinmaq* сингари; ингичка талаффузли сўзларга эса *-māk* варианты қўшилади: *igirmāk, indāmāk, sūrkānmāk, örtānmāk* сингари. Навоийнинг таъкидлари ва унинг асарларидаги мисоллар ҳозирги тилшунослигимизда биз атаётганимиз «сингармонизм»нинг ўзидир. Ўтмиш тилшунослигида қандай аталгани, қай тартибда таърифланганидан қатъи назар, туркий тиллар тарихида бу қонун бор, бор бўлганда ҳам ўта аҳамиятли эди.

Мирзо Меҳдихон туркий тилдаги сингармонизм ҳодисасини ниҳоятда тўғри ва асосли ёритиб берган. Чунончи, у туркий феъл шакллари тўғрисида сўз юрита туриб шундай ёзади: «Феъл шакллари ишлатилишига кўра икки турдан иборат: [γ], [q] ли шакллар ва [k] ли шакллар. Бу ҳар икки тур грамматик қоида ва ихтиёрийлик юзасидан бўлмай, эшитилиш ва эътибор юзасидандир. Фароғий ўз асарида [q] ва [k] нинг ишлатилиши ихтиёрий деб ёзган. Толе Ҳиравий ҳам *alyūcī* маъносини тунтириганда ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига [γ] ёки [g] орттирилади деб ёзади: *qilyūcī, bilgūcī* каби. Лекин ҳар иккисининг сўзи ҳақиқатдан холи ҳамда нуқсон ва камчиликка эга. Чунки *qil-* сўзи буйруқ феъли бўлиб, қаттиқ [яъни ингичка] ўзаклидир, шунинг учун унинг барча феъл шакллари [q] ва [γ] билан ясалади: *qīlmaq, qīlγay, qīlγūcī* каби ва ҳоказо. *Bil-* юмшоқ [яъни ингичка] ўзакли бўлиб, унинг феъл шакллари [k] ёки [g] билан келади: *bilmāk, bilgāy, bilgūci* каби ва ҳоказо» (МБЛ, 11 – 12).

Қизиғи шундаки, Толе Имоний «Бадоиу-л-луғат»да «ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига [γ] ёки [g] орттирилади» деб ёзгани билан, ўз луғатида туркий сўзларнинг ўқилишини ва ёзилишини тўғри беради.

Муҳими, эски ўзбек тилининг фонетик қуруми, морфо-фонологик тизими ана шу қонунга бўйсунар эди. Навоий асарларининг тили сингармонизм тилдир. Бугина эмас, бутун ўзбек мумтоз адабиёти асарларининг тили айни қонунга асосланади. Ҳозир ҳам бошқа туркий тилларда бу ҳодиса давом этмоқда. Ўша тилларда сўзнинг фонетик-фонологик табиати шу қонунга мослашади.

Ундошлар тизими

Илк ўрта асрлардан қолган туркий ёзма ёдгорликлар тилида куйидаги ундошлар тизимини тиклаш мумкин: [b], [p], [w~v], [d~δ], [q], [k], [x], [γ], [g], [s], [č], [ʃ], [š], [ž], [y], [ʎ], [m], [n~ñ], [ŋ], [r] (*Ушбу тизимнинг тўлиқ тавсифи учун қarang: Щербак 1961, 43 – 59; Насилов 1963, 8 – 11; 1974, 18 – 20; Маҳмудов 1990, 72 – 114*).

Жарангсиз [p] ва жарангли [b] ундошлари. Уйғур алифбосида жарангсиз [p] ва жарангли [b] ундошлари бир ҳарф билан ифодаланган. Араб ёзувли туркий матнларда ҳам шундай: ب *bā* ҳарфи ҳар икковининг ўрнида ишлатилган. Айрим ҳоллардагина [p] ни фарқлаш учун уч нуқтали پ дан фойдаланилган.

Бу борада кўк турк ёзувидаги матнни ўқиш анча қулай: ушбу алифбода уларнинг ҳар бири учун айри-айри ҳарф бор: ا ва د ҳарфлари жарангли [b~b] ни, 1 эса жарангсиз [p] ни англатади.

Араб ёзувли матнларда [b] ва [p] нинг *bā* ҳарфи билан берилгани айрим сўзлар ва қўшимчаларнинг тарихий талаффузини тиклашда ҳатто мутахассисларни ҳам чалғитиб қўймоқда. Масалан, Алишер Навоий асарларининг ҳозирги нашрларида феълларнинг равишдош шакллари [b] билан берилаётир. Аслида, илк ва ўрта асрларнинг туркий ёдгорликлари тилида равишдошларда жарангсизлашиш кучли бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги -b (-*ib*, -*ib*) аффиксли равишдошлар ўтмишда -p (-*ip*, -*ip* / -*up*, -*ūp*) фонетик вариантыда талаффуз қилинган. Буни кўк турк ёзувли битиглар тилида ҳам кузатиш мумкин. Шунга кўра, уйғур ва араб ёзувли туркий ёдгорликларни транскрипцияга ўгирганда равишдошлар *bilip*, *kelip*, *aytip*, *başlap* шаклида жарангсиз [p] билан берилса тўғри бўлади.

Туркий матнлардаги [b] ва [p] масаласида туркшуносликда кўп баҳслар бўлган. Ҳатто бир пайтлар В.Радлов «Кутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли нусхасини транскрипцияга ўгирганда матндаги *beg*, *bilig*, *bitig* сўзларини жарангсизлаштириб *pek*, *pilik*, *pitik* деб берганди. Бу хатоликка ўз пайтида чек қўйилган. Ҳозир туркшуносликда бу нарсалар анча изга тушиб қолди.

Жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошлари. Уйғур алифбосида жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошлари ҳам фарқланмайди, уларнинг иккови *kā* ҳарфи билан берилади. Араб хатида ҳам шундай: туркий матнларда *kāf* ҳарфи ҳар иккала ундош учун ишлатилган. Бироқ Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари қўлёзмасида, «Кутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган нусхаси, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг араб ёзувли С, Н қўлёзмаларида айрим ўринларда «бу ҳарф жарангли [g]

ни билдиради» деган маънода *kāf* нинг устига уч нуқта қўйиб кетилган. Масалан, «Девону луғати-т-турк» қўлёзмасида: **اكا** *ōgā*, яъни «доно» сўзида (МК. 5а). Ёки асарда *yunna* ли *η* товуши ҳам ана шундай ҳарф билан берилган: **انك** *aη* – «яноқ»; **قزل انك** *qizil aη* – «қизилмағиз» (МК. 16b); **انك** *aη* – қуш номи (МК. 16b); **آنك** *ōη* – «ўнг, олд», (МК. 16b); **آنك** *ōη* – «ранг» (МК. 16b); **ايش انك** *oη iš* – «ўнг иш» (МК. 16b); **آنك** *oη* – «ўнг» («сўл»нинг теска-риси) (МК. 16b).

Қўк турк ёзувида уларнинг ҳар бири учун айри-айри ҳарф бор: **ع** ҳарфи жарангли [*g*] ни, **ك** эса жарангсиз [*k*] ни англатади. Ёзувнинг қулайлигидан илк ўрта асрларнинг ёдгорликлари тилида *beg*, *bitig*, *bilig* сўзлари [*g*] билан талаффуз қилинганлигини билиш мумкин. Масалан, Тўнюқуқ битигида: **عك** *beg* (Топ. 36), **عيلك** *bilig* (Топ. 6); Кул тигин битигида: **عيلك** *bitig* (К. II) ва б.

Уйғур ёзувли матнлардаги *kā* ҳарфи, шунингдек, арабий ёзувлардаги *kāf* нинг [*k*] ёки [*g*] эканлигини аниқлашда грамматик асарларда келтирилган изоҳлар ҳам муҳим. Масалан, Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлардаги жарангли [*g*] товушини *kāfun rakikatun* атамаси билан изоҳлаган. Арабча *rakīka*, аслида, «ингичка» дегани, лекин у *kāf* га нисбатан қўлланганда «жарангли» маъносини билдиради. Луғатда берилишига мисол: **كوك** *kūg* – жарангли *kāf* (яъни [*g*] билан) (*bikāfin rakikatun*), «шеър ўлчови, вазни»; масалан: *bu yīr ne kūg üzā-ol* – «бу шеър қандай вазнда?» (МК. 250b).

Жарангсиз [*k*] га келсак, уни аввалгиси билан қориштириб юбормаслик учун *kāfun şulbatun* атамаси билан берилган; *şuluba*, асли, «йўғон» дегани, лекин бу ўринда «жарангсиз»ни билдиради. Масалан: **كوك** *kōk* – жарангсиз *kāf* (яъни [*k*]) билан (*bi-l-kāfi-ş-şulbatī*), «қўк, осмон». Бу сўз қуйидаги мақолда ҳам келган: *Kōkkā sūdsā, yūzkā tūšūr*. – «Қўкка тупурса, юзга тушади» (МК. 251а).

Туркий матнларда кечган *kāf* ҳарфининг вазифаси, ўқилишини чиғатой туркчаси, хусусан, Алишер Навоий асарларига бағишлаб тузилган эски луғатлар яхши беради. Масалан, «Абушқа» луғатида сўзлар маъносини изоҳлашнинг ўзига яраша принциплари амал қилади. Муаллиф танлаган йўлни, унинг принципларини ўрганиб, турк лексикографиясининг тарихий методлари, қолаверса, чиғатой тилидаги матнлар мазмунини тўғри талқин этиш имконига эга бўламыз. Луғат муаллифи чиғатой тили луғатидаги сўзларнинг маъноларини очиклашда уларнинг икки жиҳатига эътибор қаратади. Биринчиси – сўзларнинг фонетик хусусиятлари. Маънони ечиб беришда сўзларнинг товуш белгилари муҳим омил эканлигини кўзда тутган ҳолда чиғатой матнларида ишлатилган сўзларнинг талаффузи, ёзилиши, фонетик вариантлари кенг қамровда

ёритилади. Бу нарса ўша замонларда ҳам қипчоқларга ёки ўғуз туркларига, айниқса, усмонли туркчасида сўзловчиларга чиғатойча матнларни ўқиш ва уларнинг маъносини талқин этишда қўл келган.

Луғат муаллифи *kāf* ҳарфининг сўздаги талаффузини акс эттириш мақсадида турли атамалардан фойдаланган: жарангли [*g*] учун *kāf-e 'ajamī*, жарангсиз [*k*] учун эса *kāf-e 'arabī* атамасини қўллаган. Масалан, *ögürmäk* сўзини изоҳлар экан, ундаги *kāf* ҳарфларининг талаффузига тўхталиб, «*kāf-e avval 'ajamī va kāfe sānī 'arabîdur*» деб ёзади (DDT, 111).

Ёки *emgāk* сўзининг изоҳида «*kāf-e avval 'ajamī, kāf-e sānī 'arabîdur*» дея урғулайди (DDT, 20).

Яна мисоллар: *öksük – kāf kāf-e 'arabîdur* (DDT, 111); *özgä – kāf kāf-e 'ajamîdur* (DDT, 105).

Демак, уйғур ёзуви битигларда *kā* ҳарфининг [*k*] ёки [*g*] эканлиги туркий тилларнинг фонетик-фонологик хусусиятлари, шунингдек, кўк турк ёзуви манбаларда ушбу сўзнинг қандай келгани, араб ёзуви манбалардаги айрим ишоратлар ҳамда илмий асарлардаги изоҳларга таяниб тиклангани маъқул.

[w~v] фонемаси. Ёзма ёдгорликлар тилида [*v*] фонемасининг икки хил – лаб-лаб (*v*) ва лаб-тиш (*w*) вариантлари ишлатилган. Уларнинг қўлланиш доираси ҳам икки хил: биринчиси ўзлашган, иккинчиси эса соф туркий сўзларда ишлатилади.

XI – XIII юзйилликларнинг араб ёзуви матнларида [*w*] товуши *ف* ёки *ف* ҳарфлари билан ифодаланган. Масалан, QBN да: *ساقى sawcī* «пайғамбар» (8b,1), *يلافج yalawaç* «пайғамбар» (9a,11), *يافوز yawuz* «ёвуз» (18b,7), *اوفوتلۇغ owutluğ* «андишали» (9a,1), *جاف jaw* «довруғ» (25b,4), *ساف saw* «хабар» (25b,4).

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида [*w*] ундоши, [*v*] дан фарқли ўлароқ, *ف* ёки *ف* ҳарфлари билан берилган. Муҳими шундаки, *ف* билан берилган сўзларни асарнинг ҳозирги замон нашрларида [*f*] деб ўқимоқдалар. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, туркий сўзларда [*f*] товуши бўлмаган, у ўзлашган сўзлардагина келади. Шундан келиб чиқиб туркий сўзларда келган *ف* [*f*] эмас, [*w*] деб ўқилгани маъқул. Бу фикрнинг тўғрилигини бир сўзнинг икки хил ёзилиши ҳам исботлай олади: *افت* (МК. 27a) // *اف ew* – «уй» (МК. 268b); *افت* (МК. 19a) // *افت uwut* – «уят, андиша» (МК. 268b) сингари.

«Ҳибату-л-хақойиқ»нинг араб ёзуви *B* ва *C* қўлёзмаларида *ف* ҳарфи йўқ, ўрнида *vān* ҳарфи ишлатилган.

Асарнинг араб ёзуви *H* қўлёзмасида [*w*] товушини ифодалаш учун *ف* ҳарфи ишлатилган: *سەۋىنچ sewünç* – «севинч» (YugH. 18b,7). Муҳими шундаки, ушбу қўлёзмада [*w*] товушини ифодалаш учун *fā* ва *vān* ҳарфлари-

дан ҳам фойдаланилган. Ҳатто бир сўзнинг ўзи *fā* билан ҳам, *wā* билан ҳам, *vāv* билан ҳам ёзилган ўринлар бор: *تفار* (YugH. 17a,7) // *تفار* (YugH. 20b,4) // *توار* (YugH. 15b,5). Буларнинг ҳар учаласи *tawar* деб ўқилади, маъноси «тавар, буюм» дегани.

Кейинчалик эса бу имло хусусияти ўзгартирилиб, лаб-лаб ва лаб-тиш вариантларининг ҳар иккиси *vāv* ҳарфи билан ёзилаверган.

Кўк турк ёзувида [w] учун махсус ҳарф йўқ. Араб ёзувли битигларда *ف*// *ق* билан келган сўзлар кўк турк битигларида , яъни *Ḍ* ва *Ḥ* ҳарфлари билан берилган: *ḌḤ sab* – «сўз; хабар» (Топ. 9); *ḌḤ sub* – «сув; дарё» (Топ. 27); *Ḥ āb* – «уй» (Топ. 30) сингари.

Лекин туркий [w] товушининг генезисини ёзувдаги белгисига қараб фақат араб ёзувли матнлар билан боғлаб қўйиш тўғри эмас. Қизиғи шундаки, кўк турк битиглари билан деярли олдинма-кетин яратилган уйғур ёзувли классик будда, моний битигларида [w] товуши учун махсус ҳарф бор. Масалан, битигларда *سaw*, *اāw*, *سawinč* сингари сўзлар ана шу ҳарф билан ёзилган. Бироқ XIV – XV юзйилликларда яратилган уйғур ёзувли матнларда бу ҳарф ишлатилмайди, ўрнида *vāv* дан фойдаланилган.

Яна бир далил. Маҳмуд Кошғарий келтирган уйғур алифбосида <wa> ҳарфи берилиб, остига арабча *ف* қўйиб кетилган (ДЛТ, 16). Алифбодаги ушбу таъкид ҳам туркий товуш тизимида [w] нинг муҳим ўрин тутганидан далолат беради.

Шуларга таяниб кўк турк алифбосидаги ҳарфининг вазифасини ҳам кенгроқ тасаввур қилиш мумкин: ҳар қалай, ҳарфи [b] билан бирга [w] товушини ҳам ифодалаган бўлиши керак. А.Габен буни анча илгари пайқаган, чоғи, кўк турк алифбосини келтирар экан, алифбодаги *Ḍ* ҳарфи [b] билан бирга [w] товушини ҳам, *Ḥ* ҳарфи эса [b'] билан бирга [w'] ни ҳам англатган бўлиши керак деган маънода кейингисидан сўнг қавсда сўроқ белгисини қўйиб кетган (Gabain 1950, 12).

Туркий [w] товушининг генезисини [ɣ] га ҳам боғлаш мумкин. Чунки [w] товуши билан келувчи туркий сўзлар тил тарихининг қадимий даврларида [ɣ] билан ҳам келган. Масалан, «Ўғузхоқон» достонида:

Anuḡ baṣī soḡuqtan ap-aq turur, anuḡ üčün anuḡ atī Muztaḡ turur. – «Унинг чўққиси совуқдан оппоқ (қор билан қопланган) эди, шунинг учун оти Музтоғ эди» (ЎД. 26, 6 – 8).

Tutulunč-uruṣunč anday yaman boldi-kim, İtil mürännüḡ suyi qip-qizil, sip-sinir-deg boldi. – «Тўқнашув-уруш шундай дахшатли бўлдиким, Итил дарёсининг суви қип-қизил қонга бўялиб кетти» (ЎД. 19, 2 – 5). Келтирилган мисолларнинг биринчисида *sowuq* эмас, *soyuq*, иккинчисида эса *suwi* эмас, *suyi* шаклида келган.

Ёки асарда *tawuq* сўзи *tayuq* деб ишлатилган: *Anuḡ baṣīda bir kumūš tayuq qoydī*. – «Унинг бошига бир кумуш товуқни қўйди» (ЎД. 41,5).

Бошқа бир мисол. Эски туркий тилда *qulavuz* деган сўз бор, маъноси «етакчи, йўлбошчи» дегани. Бу сўз «Роҳату-л-қулуб» асарида ҳам келади. Унда «Таврот» китобидан олинган *ʾİlmdīn yaxṣī qulawuz yoq*, яъни «Илмдан яхши етакчи йўқ» деган ҳикмат келтирилган.

Муҳими шундаки, «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли нусхасида бу сўз *qulayuz* шаклида ёзилиб, тагида «маъноси шундай бўлади» деган мазмунда араб ҳарфлари билан *[qula]vuz* деб таъкидлаб қўйилган (QBN. 15.8a,31). Ҳар қалай, бу шакли асар кўчирилган даврда унутилган бўлиши керак, шунинг учун ҳам котиб сўзнинг маъносини изоҳлаб қўйибди. Асарнинг араб ёзувли Наманган нусхасида бу сўз *qulavuz* шаклидадир (QBN. 12a,2).

[č] ва [j] ундошлари. Араб ёзувли туркий матнларда *jīm* ҳарфининг вазифаси ҳам икки хил, у *[j]* ва *[č]* товушларини билдиради. Ўрнига қараб у ёки бу шаклда ўқилаверади.

Айрим ўринлардагина жарангсиз *[č]* ни ажратиш учун уч нуқтали *چ* ҳарфидан ҳам фойдаланилган.

Чиғатой туркчаси, хусусан, Навоий асарларига бағишланган эски луғатларда бу ҳарфнинг ўқилиши ва вазифасига ҳам урғу берилган. Масалан, «Абушқа» луғатида муаллиф уларни айириб кўрсатиш мақсадида *[j]* учун *jīm-e ʾarabī*, жарангсиз *[č]* учун эса *jīm-e ajamī* атамасини ишлатади. Масалан, *ajīy* ёки *ajīq* сўзини изоҳлар экан, ундаги *jīm* ҳарфининг талаффузига ва сўзнинг маъносига тўхталиб, «*jīm-e ʾarabī-lā*, «*ajī*» *demäkdüg*» дея урғулайди (DDT, 10).

Ёки *kečti* сўзининг изоҳида *kāf* ва *jīm* ҳарфларининг талаффузига тўхталиб, «*kāf kāf-e ʾarabīdur* ва *jīm jīm-e ajamīdur*» дея таъкидлаган (DDT, 256).

«Икки махраж орасидаги» [ž] товуши. Илк ўрта аср ёдгорликлари тилида сирғалувчи, мураккаб артикуляцияли, Маҳмуд Кошғарий сўзи билан айтганда, «икки махраж орасидаги» *[ž]* товуши ҳам бор. Бу товуш араб ёзувли матнларда *ج* ҳарфи билан ифодаланган.

Сирғалувчи *[ž]* уйғур ёзувли қадимги будда, моний ёдгорликларида <z> ҳарфининг остига икки нуқта қўйиб (*ج*) ифода этилар эди. Лекин у эски туркий матнларда, хусусан, «Қутадғу билиг», «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли нусхаларида учрамайди, ўрнида <č> ҳарфи ишлатилади.

Мана бир мисол: «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли А нусхасида «дунё, олам» англамидаги *دنيا* *aṣun* сўзи <č> ҳарфи билан ёзилган (YugA.

107,2). Асарнинг араб ёзувли *С* нусхасида эса бу сўз ژ билан *اژون* деб ёзилган (YugC. 21,4).

Асарнинг уйғур хатида битилиб, тагма-таг араб хатида транслитерация қилиб чиқилган *В* қўлёзмасида уйғур алифбосидаги <ç> ҳарфининг вазифасини аниқроқ кузатиш мумкин.

Матнда ишлатилиши шундай: уйғур хатида *اصم* *açun* ёзилиб, тагидаги арабий матнда унинг ўқилиши *اژون* деб ёзилган (YugB. 20,5). Шунга кўра, уйғур ёзувли сўзни *ažun* деб ўқиш керак.

Яна бир жиҳати, икки хил ёзувли *В* нусхада уйғур ёзувидаги *açun* сўзи араб хатидаги изоҳида бир ўринда *اژون* ёзилса, бошқа бир ўринда *اجون* деб изоҳланган.

Асарнинг араб ёзувида битилган *С* нусхасида ҳам шундай: бу сўз <ž> билан ҳам, <ç> билан ҳам ёзилган: 41,9) *اجون* // (42,5) *اژون*).

Англашиладики, асарнинг уйғур ёзувли нусхаларида ишлатилган <ç> ҳарфининг фонетик вазифаси анча кенг: бу ҳарф [č] билан бирга «икки махраж орасидаги» [ž] товушини ҳам ифода этган дея оламыз.

Бу сўзнинг араб ёзувида икки хил – *ažun* // *açun* шаклларида берилгани ўша даврда ҳар иккиси аралаш ишлатилганидан далолат қилади.

Хўжандий «Латофатнома»сининг араб ёзувли қўлёзмаларида бу сўз ج ҳарфи билан ёзилган. Буни икки хил ўқиш мумкин: *اجون* *açun~ajun* – «дунё, олам» (ЛЛ. 144а,6).

Товуш ўзгариш ҳодисалари

ä//ü ҳодисаси: *söñäk* (YugC. 9,9) // *söñük* (YugH. 13b,3) – «суяк»; *böläk* (SD. 385) // *bölük* (SD. 427) – «бўлим, бўлак».

e//ö ҳодисаси: *esrük* (SD. 463) // *ösrük* (SD. 459) – «сархуш»; *etmäk* – «нон» (ДЛТ, 54) // Навоийда *ötmäk*: *Üč ayliq tuz, ötmäk, şuħbat haqqi* (НМ, 75).

a>o ҳодисаси: *اژون* *ažun* (YugC. 42,5) // *اجون* *açun* (YugC. 41,9) > *اوچون* *oçun* (ME, 140) – «дунё, олам».

b->m, b-//m- ҳодисаси. Ҳозирги ўзбек тилида сўз бошида *m*- билан қўлланувчи сўзлар ўрхун битигтошларида *b*- билан келган: *bän* – «мен», *biñ* – «минг», *bäñü* – «мангу», *buñ* – «мунг, қайғу» сингари.

Муҳими шундаки, ўрхун битиглари билан деярли олдинма-кетин яратилган шарқий турк битигларида – монийчилик, буддизм муҳитида яратилган диний-фалсафий асарлар тилида юқорида келтирилган сўзлар *m*- билан қўлланган: *män*, *miñ*, *mäñü*, *muñ* сингари.

Кул тигин битигидан ўрин олган Йўллуғ тигиннинг сўзида ҳам кишилик олмоши *män* шаклида келган: *Män b[äñü taš..... tabya]č qayanta bädizci*

kälürtim, bädzätim. Mäniñ sabimîn simadî. – «Мен мангутош Табғач хонидан наққош келтирдим, нақшлатдим. Менинг сўзимни бузмади» (Ка. 11).

***d>δ>y//z* ҳодисаси.** Қадимги туркий тил *d*-лашган тил эди. Ҳозирги ўзбек тилида сўз ичи ва охири [y] ёки [z] билан келувчи сўзлар қадимги туркий битигларда [d] билан келади: *adiy, qudi, edgü, ud* сингари.

Кейинчалик бу жараён тишора [δ] ундошига, ундан сўнг эса [y] ёки [z] га ўзгарди, яъни *d>δ>y//z* ҳодисаси юз берди: *adiy>adiy>ayiy; qudi>qudi>quyi; edgü>edgü>ezgü; ud>ud>uy.*

Сўнги *uy* сўзининг маъноларини чоғиштиринг, султон Умаршайхнинг уйғур ёзувида битилган ёрлиғида *uy yil* дейди (УШ. 12), бу «сигир йили» деганидир. Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида: *uy* – «сигир, қорамол» (НМ, 313).

Ёки ҳозирги қирғиз тилида *uy* «қорамол, сигир» дегани; *uy eti* «қорамол гўшти» бўлади. Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида *Уйчи* тумани бор. Ушбу топонимнинг маъноси «чорвадор, чорвачи» деганидир.

Ёки яна «Девону луғати-т-турк»да: *adîn* – «бошқа, бўлак, айрим» (чигилча) (ДЛТ, 43); «чиғатой туркчаси»да: *azîn* – «бошқа, ўзга» (SD. 576) ва б.

XI – XIV юзйилликларнинг араб ёзувли туркий битигларида тишора [δ] ундоши ð ҳарфи билан ифода этилган. Лекин кўк турк ёзувида [δ] ундоши учун махсус ҳарф йўқ. Араб ёзувли туркий матнларда ð билан келган сўзлар кўк турк битигларида *ʒ* билан келган.

Тишора [δ] ундоши учун уйғур хатида ҳам махсус ҳарф йўқ; араб ёзувли матнларда кечган ð ли сўзлар уйғур ёзувли битигларда ҳам <*d*> билан келган. Қизиғи шундаки, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида уйғур алифбосини келтира туриб ҳар бир ҳарфнинг ўқилишини арабча ҳарфлар билан бериб кетган. Ўша ерда <*d*> ҳарфининг тагига «шундай ўқилади» деган мазмунда ð ҳарфини қўйган (ДЛТ, 16). Кошғарийнинг ана шу изоҳига таянган ҳолда уйғур алифбосидаги <*d*> ҳарфининг вазифасини кенгроқ тасаввур қилиш мумкин: бундан алифбодаги <*d*> ҳарфи [d] билан бирга тишора [δ] ундошини ҳам ифодалагани аён бўлади.

Эҳтимол, кўк турк алифбосидаги *ʒ* ҳарфининг вазифаси ҳам шундай бўлгандир: у ҳам [d] билан бирга тишора [δ] ундошини ҳам ифодалаган бўлиши керак. Шунга мувофиқ равишда *x* ҳарфи [d'] билан бирга тишора [δ'] ни ҳам ифодалаган, чоғи.

Муҳими шундаки, XI – XIII юзйилликларнинг ёзма манбаларида бир асарнинг ўзида қадимий *d*-лашишдан [δ] га, ундан эса [y] га ўтиш ҳодисасини (*d>δ>y/g*; ёки: *d//δ//y/g*) кузатишимиз мумкин.

Масалан, «Ўғузхоқон» достонида *d*-лашиш ҳодисаси ҳам, *u*-лашиш ҳам амал қилади:

Adayi ud adayi-deg, bellari bori bellari-deg, yayri kish yayri-deg, kokuzi aduy kokuzi-deg erdi. – «Оёқлари буқа оёғидек, беллари бўри белларидек, яғри сувсар яғридек, кўкраги айиқ кўкрагидек эди» (ЎД. 2, 3 – 5).

Келтирилган жумлада *aday, ud, aduy* сўзлари [d] билан келган, булар [δ] бўлиши ҳам мумкин.

Айни матнда [y] билан келган сўзлар ҳам бор. *Чоғиштиринг:*

Toquz kundän soñ Oғuz qayayña ayyir atni keltürdi. – «Тўққиз кундан сўнг Ўғуз хоқонга (ўша) айғир отни (тутиб келтирди)» (ЎД. 27, 6 – 7); *Kenä yolda bedüg bir üy kördi.* – «Кейин йўлда катта бир уй кўрди» (ЎД. 28, 5).

Келтирилган мисолларда *adyir* эмас, *ayyir*, ёки *ew* эмас, *üy* деб берилган.

Ёки яна чоғиштиринг, Кул тигин битигида: *öd* – «умр; киши умри»: *Öd täñri yasar. Kisi oylı qop ölügli tirimis.* – «Умрни Тангри белгилайди. Одам боласининг бари ўлгучидир» (Кб. 10).

«Ирқ битиги»да бу сўз *öz* шаклида келган: *Özün uzun bolzun.* – «Умринг узун бўлсин» (ИБ, 47).

Бу давр ёдгорликларида қўлланган тишора [δ] товушини ифодалаш учун араб ёзувли матнларда ʾ ҳарфидан фойдаланилган. Уйғур хатида эса бу товуш учун махсус белги йўқ, ўрнида кўпинча <*d*>, баъзан эса <*t*> ва <*z*> ҳарфлари ҳам ишлатилган. Буни «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг қўлёзмаларида ҳам кузатса бўлади.

Масалан, асарнинг уйғур ёзувли *A* нусхасида *kedgölüg* сўзи ёзилиб, <*d*> нинг остига «ана шундай ўқилсин» деган маънода араб алифбосидаги ʾ ҳарфи қўйиб кетилган (ҮгА. 44,4). Шунга биноан, бу сўзни <*δ*> билан *kedgölug* деб ўқиш лозим, маъноси «кийгулик» дегани. Ёки *qudī* ёзилиб, <*d*> нинг остига ʾ ҳарфи қўйилган (ҮгА. 21,2). Ана шу ишоратга таяниб бу сўз *qudī* деб ўқилади, бу «қуйи» дегани.

Қизиғи, асарнинг араб ёзувли *C* нусхасида бундай сўзлар ʾ билан эмас, ʾ билан келган, ҮгС: *edgü* – «эзгу» (24,1), *ködäzgil* – «сақлагин» (15,6) сингари. Бундан англашиладики, асар тилида *d*-лашиш ҳам, *δ*-лашиш ҳам бор. Қолаверса, [d] ва [δ] товушлари бир асарда аралаш ишлатилгани уларнинг ўзаро вариант сифатида ([d]~[δ]) амал қилганидан далолат беради.

Асарнинг уйғур ёзувли *A* нусхасида тишора [δ] товуши <*z*> ҳарфи билан ҳам ифода этилган.

Масалан, уйғур ёзувли матнда *yüzür* ёзилиб, <*z*> нинг астига ҳам арабча ʾ ҳарфи қўйиб кетилган (ҮгА. 84,1). Бахшининг ишорасига кўра, бу сўз ҳам <*δ*> билан *yüdüp* деб ўқилади, маъноси «ютиб» дегани.

Ёки *qazūi* сўзидаги <z> нинг тагига ҳам ³ ҳарфи қўйилган (YugA. 103,2). Бу ишораси уни *qadūi* деб ўқишимизга имкон беради; бу «қайғу» дегани.

Яна бир жиҳати, асарнинг *C* ва *B* нусхаларида <d> билан келган сўзлар *A* қўлёзмасида баъзан <y> билан ҳам ишлатилади: *eugū* (YugA.89,6), бу «эзгу» дегани. Ҳатто асарнинг *B* нусхасида <t> билан келган *ket* сўзи *A* нусхада *key* шаклидадир (YugA. 78,6), бу «жуда, ўта» дегани.

Англашиладики, асар тилида [d] дан [y] га ўтиш ҳодисаси (<d>δ>y) акс этган. Шунинг учун ҳам матнларда уларнинг аралаш ишлатилгани (d//δ//y) табиий ҳол.

Хўжандийнинг «Латофатнома» асарида *d*-у ҳодисаси аралаш ишлатилган. Бу ҳодиса, ҳар қалай, асарнинг қўлёзма нусхалари билан боғлиқ кўринади. Сабаби, асарнинг эскироқ қўлёзмаларида (жумладан, уйғур ёзувли нусхасида) *d*-лашиш устун; кейинги юзйилликларда кўчирилган нусхаларда эса бундай сўзлар у-лаша бошлаган. Мисолларни кузатинг: *edgū* (ЛК. 54) ~ *eugū* – «эзгу» (ЛИ. 53); *adaγ* (ЛК. 70) ~ *ayaq* – «оёқ» (ЛЛ. 145a,1); *quduq* (ЛК. 74) ~ *quyuq* – «кудуқ» (ЛИ. 70); *adin* (ЛК. 169) ~ *ayin* – «ўзга, бошқа» (ЛИ. 61).

Қадимги туркий тилни *d*-лашган тил дедик, лекин бу нисбийдир. Унда айрим сўзлар [y] билан айтилган. Масалан, *adaq* – «оёқ»; *ayaq* эса «коса, пиёла» дегани; *ayaq tuttī* классик адабиётда «май тутди» маъносида ишлатилган. Кейинчалик *adaq* сўзидаги [d] ҳам [y] га ўзгариб, иккала-си бир хил талаффузли сўзга айланиб қолган. Аслида, «оёқ» англамидаги *adaq* билан «коса, пиёла» англамидаги *ayaq* бошқа-бошқа сўзлардир.

Сўзнинг *adaq* шакли баъзан XV юзйилликда яратилган бадий асарларда ҳам учраб туради. Масалан, Хўжандий «Латофатнома»сида:

Quyaş yüzün körüp yergä yiqildi,
Adayin tuprayini sürmä qildi (ЛК. 70).

Лекин XV юзйилликда уларнинг ҳар иккиси кўпинча *ayaq* деб ишлатилган. Шундай эса-да, контекстга қараб сўз маънолари ажратиб олинади.

Масалан, Саккокий шеърларида: *ayaq astinda* (SD. 572); бу маънода баъзан *adaq* шаклида ҳам ишлатилган (SD. 440).

Ёки: *ayaq* – «қадах» (SD. 798); бундан *ayaqčī* – «соқий, май куювчи» (SD. 243) сўзи ҳам ясалган.

Яна қадимги туркий тилда *ayaγ* сўзи ҳам бор, бу «унвон; лақаб» дегани. Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг маъносини қуйидаги шеърини узиндида яхши очиқлаб берган:

*Qodʻil menā aqīliq,
Bolsun menā ayay-a.
İdʻil meni toqışqa,
Yöwgil menā ulay-a.*

Айтмоқдаки: «Мени ўз ҳолимга қўй, тўсқинлик қилма, токи бировларга фойда берувчи сахий номи менга қолсин. Мени жангга элтувчи от бер. У мени жангга элтсин» (ДЛТ, 382).

Кўк турк битигларидаги [d] ли сўзлар ҳозирги ўзбек тилида кўпинча [y], баъзан [z] билан ишлатилади. Шунга қарамай, айрим сўзларда d-лашиш ҳодисаси ҳозир ҳам учраб туради: *қудуқ*, *идиш* сингари. Аслида, булар, айтилган қоидага кўра, *қуйуқ*, *ийиш* га ўзгарган бўлиши керак эди, лекин ундай бўлмади.

Бу ўринда *қудуқ* сўзи *қуйи* дан ясалган (унинг қадимги шакли *qudi*). Қизиғи шундаки, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида унинг ҳар учала шакли бор: *quduy*, *quduy*, *quuyu*.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *quuyu* – «қудуқ». Бу сўзнинг *quduy* шакли ҳам бор (ДЛТ, 380).

Бошқа бир жойда *quduy* вариантыга мисол ҳам берган: *quduy* – «қудуқ». Мақолда (шундай келган): *Quduyda suw bar, it burni tegmās*. Маъноси: «Қудуқда сув бор, аммо унга итнинг бурни етмайди». Кошғарийнинг ёзишича, бу мақол бир ишни истаб, унга эриша олмайдиган ёки биров кўлида бўлган таомни кўриб суқланувчи, лекин етиша олмайдиганларга қўлланади (ДЛТ, 151).

Ёки бошқа бир ўринда унинг *quduy* шаклига ҳам мисол келтирилган: *Qowī er quduyqa kirsā, yel alir*. – «Бахтсиз киши қудуққа тушса ҳам, қийнаш учун шамол уни қудуқдан чиқариб олади» (ДЛТ, 402).

[л~л̄]>[y] ҳодисаси. Масалан, кўк турк битигларида: *qoñ* – «қўй», *čīyañ* – «қашшоқ, камбағал», *añīy* – «ёвуз, ваҳший». Кейинчалик булар *qoy*, *čīyay*, *ayūy* га ўзгарган. Чоғиштиринг:

Кул тигин битигида: *Ol amtī añīyuoq*. – «У энди ёвуз эмас» (Ка. 3).

Буддавий мазмунли «Оға-ини тигинлар» қиссасида: *Ol ödün ayūy ögli tigin inisi incā tep saqinti*. – «Ўша кезде ёвуз ниятли шахзода иниси шундай деб ўйлади» (АТ, 284).

Кўк турк битигларида [л̄] товуши учун махсус ҳарф бор, бу э ҳарфидир. Бу ҳарф *Toñuquq* отида ҳам келади. Қизиғи шундаки, битигларда унинг оти икки хил – <л̄> билан ҳам, қўшалок <ny> ҳарфлари билан ҳам ёзилган: *TONuQuQ* ҳамда *TONYuQuQ*. Бу нарса кўк турк битигларидаги л̄ ҳарфининг талаффузини очишга имкон беради. Шунга қараганда, би-

ринчи <л̄> ҳарфи билан ёзилгани ҳам [лу] деб талаффуз этилган бўлиши керак.

«Девону луғати-т-турк»да Маҳмуд Кошғарий [л] дан [у] га ўтиш ҳодисасини диалектал хусусият деб айтган; унингча, сўздаги [у] ни [л] га айлантириш арғуларга хос (ДЛТ, 25 – 26). У кўк турк битигларида <л̄> ҳарфи билан ёзилган *qoñ*, *çiyañ* сўзларини араб алифбосида *lūn* ҳарфи билан берган. Бу нарса, ўз навбатида, ўша кезлар уларнинг ҳар иккиси ўзаро вариант сифатида ишлатилганини англатади: [л~л̄].

А.М.Шчербак [*л̄] ни [у] нинг прототипларидан бири деб қараган. Бунда у ўрхун битигларидаги [л̄] ҳамда илк ўрта асрларда араб ёзувида битилган ёдгорликларда кечган [d] ва [δ] билан келган сўзларнинг кейинчалик [у] га ўзгарганлигини кўзда тутган эди (Щербак 1961, 55 – 59).

Қадимги туркий тилда «қўймоқ» маъносидаги феъл *qod-*, «қўй, ҳайвон» эса *qoñ* дейилган. Кейинчалик ҳар иккисида товуш ўзгариши юз бериб, *qou* айланган. Аслида эса уларнинг бир-бирига боғлиқлиги йўқ.

Шунингдек, «айиқ» *adiy*, «ёвуз» эса *auyū* дейилган. Кейинчалик *adiy* сўзи ҳам товуш ўзгаришига учраб, *auyū* га айланган: *adiy>adīy>auyū*. Аслида, буларнинг ҳам бир-бирига боғлиқлиги йўқ.

[q]>[x] ҳодисаси. XI – XII юзйилликларда яратилган ёдгорликларда [x] билан талаффуз қилинадиган сўзлар кўк турк битиглари ҳамда буддизм даври ёдгорликларида [q] билан айтилган: *qayān* – «хоқон», *qan* – «хон», *qatun* – «малика», *qaliq* – «кўк, осмон», *burqan* – «будда». Кейинчалик бу сўзлар товуш ўзгаришига учраб, *xaqan*, *xan*, *xatun*, *xaliq*, *burxan* деб айтиладиган бўлди.

Қадимги ва эски туркий, эски ўзбек тилларида *qatun~xatun* «малика» дегани, кейинчалик бу сўзнинг маъноси кенгайиб, «хотин (жена); аёл киши» маъноларида ҳам ишлатила бошлади.

Айтилиши бир-бирига яқинлигига таяниб араб тилидан ўзлашган *xāliq* билан «кўк, осмон» англамидаги қадимги туркий *xaliq* ни, араб тилидан ўзлашган *burhān* билан қадимги туркий *burxan* ни қориштирмаслик керак. Улар буткул бошқа-бошқа сўзлардир.

[y]>[w~v] ҳодисаси: *qoγurtač* – «қўғирмоч, қовурилган буғдой». Ингичка *fā* (яъни [w]) билан *qawurtač* ҳам дейилади (ДЛТ, 195); *qayun* (ДЛТ, 164) > *qavun* (КТТ.9) – «қовун».

q//x ҳодисаси: *qali* (YugH. 13b,3) // *xali* (YugC. 9,11) – «агар».

q//y ҳодисаси: *asiyliq* (YugC. 10,9) // *asiyilyi* (YugH. 14a,3) – «фойдали».

f//p ҳодисаси: *tofraq* (SD. 87) // *topraq* (SD. 128) – «тупроқ».

[0-]>[y-] ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийда: *oylan iyladı* – «бола йиғлади»; муаллифнинг урғулашича, бу сўзнинг *uyladı* талаффузи ҳам бор (ДЛТ, 119).

Сўз ичидаги [-γ-, -g-] нинг тушиши. Бу ҳодиса икки хил кечади: биринчиси, ўзак таркибидаги [-γ-, -g-] нинг тушиши: *ulan* – «бола, ўғлон»; луғатда урғуланишича, бу сўз *oylan* ҳам дейилади (КТТ. 34);

иккинчиси, қўшимча таркибидаги [-γ-, -g-] нинг тушиши: *orʻaq* (ДЛТ, 19) > *oraq* (КТТ. 10) – «ўроқ»; *qazʻan* – «мис қозон»; луғатда ёзилишича, бу *qazan* ҳам дейилади (КТТ. 27). Ёки: *qulʻaq* > *qulaq* (QBN. 134b,1) – «қулоқ».

Сўз охиридаги [-w] нинг тушиши. Эски ўзбек тили ёдгорликларида *suw* сўзига қўшимча қўшилганда *su* деб талаффуз қилинади, ёзувда ҳам ана шундай ёзилади. Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор» асарида:

*Sudīn agar ūrksā šahrā qušī,
Sūd bilūr mavjnī daryā qušī* (ME, 303).

Ёки: *уиw*- феъли *уи*- шаклида ишлатилади: *Jāhil yur arīmaz, arīysiz erūr.* – «Жоҳил ювиб тоза бўлмайдиган кирдир» (YugC. 11,11); *Yusa xud ančaq durur anīḡ iši* (ME, 361).

Товушларнинг ўрин алмашиниш (метатеза) ҳодисаси: *yamʻur* – «ёмғир»; луғатда ёзилишича, бу сўз туркманчада *yaʻumur* ҳам дейилади (КТТ. 4).

Ҳаракатлар ва қадимги сўзларнинг ўқилиши масаласи

«Девону луғати-т-турк»нинг қўлёзмасида туркий мисолларнинг тўғри ўқилишини таъминлаш учун уларга турли диакритик белгилар (ҳаракатлар) изчил қўйиб борилган. Ушбу график ишоратлар сўзлар талаффузини, уларнинг ўқилишини аниқлашда қўл келади, қўлёзма қадрини янада оширади.

Шу ўринда матн имлоси, туркий мисолларга қўйиб кетилган диакритик белгилар билан боғлиқ бир хусусиятга эътибор қаратмоқчимиз. Қизиғи шундаки, қўлёзмада айрим ўринларда муайян ҳарф устига ва остига бир йўла икки хил ҳаракат: *fathā* ва *kasra* ёки *ẓamma* ва *kasra* қўйиб кетилган. Бугина эмас, бир сўзнинг ўзи бир йўла икки хил ҳарф билан ёзилган ўринлар ҳам бор. «Девону луғати-т-турк»нинг ҳозирги замон нашрларида, қўлёзмадагисини янглиш санаб, улардан бири қабул қилинмоқда.

Луғатда берилган сўзларнинг бир хиллигини сақлаш, ўқувчининг кўпда чалғимаслиги учун бу яхши йўл. Лекин қўлёзмада сўзга бериб кетилган иккинчи ишоратнинг маънисини нима? Муаллиф нимага ишорат қилмоқда бу билан?

Бизнингча, ҳарфий ишоратларнинг бундай тарзда қўйиб борилгани, бир сўзнинг икки хил ёзилгани бежиз эмас. Чамаси, ушбу сўзлар икки хил талаффуз қилинган; муаллиф сўзнинг ёзма адабий тилдаги кўриниши билан бир қаторда унинг талаффузи, шевалардаги фонетик вариантыни ҳам кўзда тутган, чоғи. Матнда турли ҳаракатлар аралаш ишлатилганининг сабаби ҳам шу. Қўлёзмани кўчириш чоғида котиб янглишган эмас.

Энди буни мисолларда кўриб чиқамиз.

Биринчиси, бир ҳарфга бир йўла fatha ва kasra белгиларининг қўйилиш ҳолати.

Сўз бошида *alif* ҳарфига *fatha* ва *kasra* белгиси қўйилган. Бу ишорат икки хил вазифани ўтайди. Биринчиси, у ингичка [e] товушининг ифодаси бўлиб, бир сўзни икки хил – ундай ҳам, бундай ҳам ёзиш мумкинлигига ишора қилади. Масалан: *أفأك / أفاك ewäk* – «шошқалоқ», *أفأك / أفاك ewäk er* – «шошқалоқ киши». Ёки яна: *ألوك / ألوك elük* – «масхара; ҳазил» (МК. 37a).

Иккинчиси, йўғон ўзакли сўзларда ушбу ишора бир сўзнинг [a] билан ҳам, [i] билан ҳам талаффуз этилганлигини англатади. Бунинг мисоли: *أتنجو / أتنجو atinču / itinču nāḡ* – «ташланган, отилган нарса» (МК. 40a).

Tašiqti («ташқари чиқди») сўзини ёзишда сўз бошидаги *ta* ҳарфига бир йўла ҳам *fatha*, ҳам *kasra* белгиси қўйиб кетилган. Шунга кўра, бу сўзни *tašiqti* ҳамда *tišiqti* шаклларида ўқиш мумкин бўлади. Мана мисоли:

از أفدين تاشقتي / تاشقتي er ewdin tašiqti / tišiqti – «киши уйдан ташқари чиқди» (МК. 163b).

Taš сўзининг *i* ли варианты ҳозирги айрим туркий тилларда ҳам сақланган. Жумладан, ҳозирги турк тилида *tış* сўзининг *d*-лашган варианты кенг қўлланади: «ташқари чиқди»ни турклар *dışarıya çıktı / dışarı çıktı* дейди; ёки *Dış İşler Bakanlığı* «Ташқи ишлар вазирлиги» дегани; ёки ҳаво йўлларида: «ички йўллар» *iç hatlar*, «ташқи йўллар» эса *dış hatlar* бўлади. Яна чоғиштиринг, ҳозирги ўзбек тилида *тиш* «ташқи» деган маънода ишлатилади ёки Хоразм топонимларидан: *İcānqala* «ички қалъа» дегани; *Dišanqala* – «ташқи қалъа, яъни шаҳар ташқарисидаги ўрда».

Бир ҳарфга бир йўла ʒatma ва kasra белгиларининг қўйилиш ҳолати. Бунда *ʒatma* лиси сўзнинг лабланган [u], [ū], [o] [ō] товушлари билан, *kasra* лиси эса [i] ёки [i] билан ўқилишига ишора қилади. Буларнинг мисоли:

ألألادى / ألألادى ol anī eliklädi / elüklädi – «у уни масхара қилди, мазах қилди» (*ألألاز / ألألاز eliklär / elüklär, ألألاماك / ألألاماك eliklämäk / elüklämäk*) (МК. 78a).

Ёки яна:

چۈكۈنلەندى / چۈكۈنلەندى *ol bu aşiy çiwkūnlāndi / çiwkinlāndi* – «у бу ов-қатни баданни енгиллатадиган [баданга фойдали] деб билди» (چۈكۈنلەندۈر / چۈكۈنلەندۈر *çiwkūnlānūr / çiwkmlānūr*, چۈكۈنلەنمەك / چۈكۈنلەنمەك *çiwkūnlānmāk / çiwkinlānmāk*) (МК. 203a).

ۋېچك / ۋېچك *ōñük / ōñik* – «попук»; ёстикнинг ипаклик қулоқлари, боғичлари (МК. 40b).

تۇرغ / تۇرغ *turuγ / turīγ* – тоғлардаги қалъа, тураржой (МК. 94a).

سۈرۈق / سۈرۈق *sīruq / suruq* – чодирнинг устунни (МК. 96b).

Матнда бир ҳарф устига остин-устин *faṭḥa va ẓamta* белгиларини қўйиш ҳолати ҳам учрайди. Масалан, *tat* сўзини ёзишда сўз бошидаги *tā* ҳарфининг устига *faṭḥa* ва *ẓamta* қўйилган. Бу ишора ушбу сўзнинг [a] билан ҳам, [u] билан ҳам талаффуз қилинганини англатади:

تات / تات *tat / tut* – қилич ва пичоқлар устида пайдо бўладиган занг (МК. 204a).

Яна бир эътиборли жиҳати, айрим ўринларда муайян бир сўз икки ҳарф билан ҳам ёзилган. Масалан, *qoγ* сўзи тушум келишигида келганда *ya* ҳарфининг устига *nūn* нинг нуқтасини қўйиб, ундан кейин *ẓamta* белгиси қўйилган. Шунга кўра, ушбу сўзни *qoγ* ва *qon* шаклларида ўқиш мумкин:

ۋۇنۇغ ازلۇكلادى / ۋۇنۇغ ازلۇكلادى *ol qoγuγ / qonuγ özüklādi* – «у қўйнинг ўқ томирини кесди» (МК. 77b);

ۋۇنۇغ باتۇردى / ۋۇنۇغ ازلۇكلادى *ol qoγuγ / qonuγ baturdī* – «у қўйни боғлатди» (МК. 265a);

ۋۇنۇغ سۈيدى / ۋۇنۇغ ازلۇكلادى *er qonuγ / qoγuγ soydī* – «киши қўй терисини шилди» (МК. 276b);

ۋۇنۇغ سادى / ۋۇنۇغ ازلۇكلادى *er qonuγ / qoγuγ sadī* – «киши қўйни санади» (МК. 277b).

Туркий шеваларда бундай сўзларнинг икки хил ишлатилишини Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган. Жумладан, *butaq* сўзига изоҳ берар экан, ёзади: بۇتاق / بۇتاق *butaq / butīq* – «бутоқ»; бир шевада. Бу сўздаги *tā* ҳарфининг *faṭḥa* ли ўқиладиган тури бўлганидек, *kasra* ли ўқиладиган тури ҳам бор [яъни بۇتاق *butīq* ва بۇتاق *butaq* тарзидаги талаффузлари] (МК. 95a).

Ёки яна:

سارقىنىق / سارقىنىق *sarqīyīq / sarqīnīq* – ҳар қандай нарсанинг ичи. Муаллифнинг таъкидлашича, бу сўзнинг *nūn* билан ёзиладиган سارقىنىق *sarqīnīq* шакли ҳам бор (МК. 262a).

Юқоридаги мисоллардан Маҳмуд Кошғарий туркий мисолларни беришда сўзларнинг фонетик вариантлари, уларнинг шевалардаги та-

лаффуз шаклларига алоҳида урғу бергани кўриниб турибди. Бу товуш ҳодисасини у турли график воситалар, ишоратлар билан аниқ ва ихчам кўринишда ўз луғатида акс эттира олган. Шунга кўра, туркий мисолларни ўқиганда, айниқса, асарнинг илмий нашрларини яратишда уларнинг иккала шакли ҳам эътиборга олинмоғи керак.

ЭСКИ ТУРКИЙ ЁЗУВЛАР ТИЗИМИ

Ёзув кишилиқ тарихининг буюк ихтироларидан биридир. У жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида катта ўрин тутади. Ёзув замонлар ва маконлар узра ахборот тизимини яратиб, кишилиқнинг ҳаётий тажрибаларини, адабий ва илмий меросини авлоддан-авлодга етказиб келди; маънавият ва тафаккур тараққиётининг узлуксизлигига, давлат ва жамият бошқарувига, адабий тил меъёрларининг бир қолипда амал қилиши ҳамда ёзма услубларнинг такомилгига хизмат қилиб келди. Шу билан у Ер юзиде кишилиқ цивилизациясини таъминлаб берди.

Улуғ файласуф Юсуф Хос Ҳожиб ёзувнинг аҳамиятини таърифлар экан, Ила донишмандига нисбат бериб айтган сўзлари бор. Мана ўша айтганлари:

*Qamuy eḏgü sözlär bitigdä bolur,
Bitinmiş üçün söz unıtmas qalur.*

*Bitimädi ersä bitigli bitig,
Nekü bilgäy erdiñ bu hikmät bilig.*

*Bitip qoḏmasa erdi bilgä bögü,
Biziñkä uzaqıy kim erdi tegü.*

«Барча эзгу сўзлар ёзувда бўлади,
Ёзилган бўлгани учун сўз унутилмайди, (мангу) қолади.

Ёзувчилар китоб ёзмаганида,
Бу ҳикмат ва билимларни қаердан билар эдинг?

Билимдон, доно ёзиб қолдирмаганида,
Бизга узоқ ўтмишни ким (ҳам) айтиб берарди?» (QBN. 101a,10 – 12)

Ёки давлат ва жамият бошқарувида ёзувнинг муҳим ўрин тутганлигини таъкидлаб шундай ёзади:

*Edi keđ keräklig turur bu bitig,
Bitig birlä beglär etär el etig.*

«Ёзув жуда ҳам кераклидир,
Беглар ёзув билан элни идора қиладилар» (QBN. 101a,15).

Тилшуносликда, историография ва маданиятшуносликда *ёзув тарихи*, *ёзув маданияти* деган бирикмаларни қўллаймиз. *Ёзув тарихи* унинг келиб чиқиши, тарихий такомил, ёзма ёдгорликларда етиб келган аж-додлар меросини назарда тутади. *Ёзув маданияти* эса кишилик цивилизациясида ёзувнинг тутган аҳамиятини англатади.

Ёзув, биринчи галда, тилшунослик объектидир. У киши нутқини белгилар ёрдамида акс эттиради.

Шу билан бирга, ёзув бошқа соҳаларда ҳам тадқиқ этилади: унинг юзага келиш тарихи, график такомил босқичлари, кишилик ҳаётида тутган ўрни сингари масалалар историографияда, ёзувнинг китобат санъати материали сифатидаги ўрни, аҳамияти, бадий безаклари санъатшунослик ва маданиятшуносликда ўрганилади.

Кишилик тарихида ёзув амалиётини *пиктографик*, *идеографик*, *бўғин ёзувлари* бошлаб берди. *Алифболи (фонетик)* ёзувлар тарихи, табиийки, инсон ўз нутқидаги товушларни фарқлай бошлаган, лингвистик билимлар анча такомиллашган даврларга тўғри келади. Алифболи (ёки фонетик) ёзув нутқ товушлари билан ёзув белгилари мослиги асосига қурилган, ёзувда нутқ товушларини акс эттирувчи ёзувдир.

Ғарб тилшунослигида *графема* тушунчаси бор. Бу ҳам «ёзув» дегани. Тилшуносликнинг ёзув тарихи, унинг келиб чиқиши ва такомил, белги ва товуш муносабати сингари назарий масалаларни ўрганувчи бўлими *графемика* дейилади.

Графемиканинг ёзув кўринишлари, хат санъати билан боғлиқ бўлган ички йўналишлари ҳам бор. Улар графемиканинг ёрдамчи соҳаларидир. Ҳарф кўринишлари, уларнинг шаклий тараққиётини ўрганувчи соҳа *палеография* дейилади.

Ўтмишдан қолган қабртош ёзувлари, ёғоч ёки сопол буюмлар, тошларга битилган ёзувлар, деворий хатларни ўрганувчи соҳа *эпиграфика*, тангалардаги ёзувларни ўрганувчи соҳа эса *нумизматика* деб аталади.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида қатор, ҳар қайсиси ўзича такомил босқичига эришган бутун бошли ёзувлар тизими амал қилган.

Туркий халқларнинг эски ёзуви кўк турк хати, уйғур, моний, суғд, браҳми, сурёний алифболари эди. Ислом давридан араб ёзувига ҳам ўта бошладилар.

Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг маънавий-маданий юксалиши, давлатчилик тарихи, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг юзага келиши, диний қарашлари, уларнинг қўшни шарқ халқлари билан кечган маданий муносабатларига боғлиқ ҳолда ёзув маданиятида ўзгаришлар юз берган. Баъзи ёзувлар халқнинг маданий, ижтимоий-сиёсий юксалиши, давлат ва жамият бошқарувининг тараққиёти оқибатида юзага келган бўлса, бошқа бирлари кўпроқ диний таъсирлар ёки бу тупроқларда яшаган халқларнинг қўшни халқлар билан кечган маданий, иқтисодий, савдо алоқалари натижасида қабул қилинган. Масалан, қадимги турклар моний, браҳми, сурёний ёзувларини қўшни халқлар билан кечган диний муносабатлар туфайли қабул қилганлар. Туркий жамоаларда монийлик, буддизм, насронийликнинг ёйилиши ушбу ёзувларнинг ҳам қабул қилинишига сабаб бўлган эди. Шунинг учун ҳам моний ёзувини фақат турк-моний жамоалари, браҳми хатини турк-буддистлар, сурёний хати негизида яратилган эстрангелони эса турк-насронийлар қўллаган.

Уйғур хати эса буткул ўзга бир маданий, иқтисодий муносабатлар туфайли шаклланди; туркий халқлар уни оромий ёзуви негизида яратди. Бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан араб ёзувига ўтилди.

Кунимизга қадар сақланган ёзма ёдгорликларга қараганда, буддизм муҳитида туркий халқлар кўк турк, қадимги уйғур ва браҳма ёзувларидан фойдаланган. Шулар ичида кенг ёйилгани ва шуҳрат қозонгани ҳозирда «уйғур хати» номи билан юритилаётган қадимги туркий ёзувдир. Сабаби, бу ёзувнинг тарихи узоқ ва кўлами ҳам кенг (Содиқов 1997).

Браҳма ёзуви туркий муҳитга бевосита буддизм билан бирга кириб ўзлашган. Лекин браҳма ёзуви туркий ёдгорликлар унчалик кўп эмас. Шунинг ўзиёқ кўҳна ҳинд ёзувининг Ўрта Осиёдаги диапозони чекланганидан далолат беради. Афтидан, браҳма хати торроқ доирада, айтиш мумкинки, туркий муҳитда илк ўрта асрлардагина амал қилган кўринади. Бу ёзув турк-будда жамоаларида тез унутилган.

Буддизм даврида эски ёзув ва эпиграфика анъанаси таъсирида кўк турк ёзуви ҳам ишлатилган. Бу ёзувда битилган уйғур хоқонлиги даврига тегишли айрим эпиграфик матнлар бор.

Қуйида илк ва ўрта асрларда туркий тиллар учун кенг ишлатилган ёзувларга тўхталамиз.

КЎК ТУРК ЁЗУВИ

Қадимги туркий битигларда Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари даврида (VI – VIII юзйилликларда) яшаган туркий халқлар ўша чоғлардан қолган битигларда «кўк турклар» (*kök türklär*) деб аталган. Бу атамадаги «кўк» сифати ҳозир биз билгандай «ранг» («кўк, зангори ранг») маъносида эмас, у «илдиз, асл, туб» англамидадир.

Сўзнинг бу маъносини Маҳмуд Кошғарий ҳам келтириб ўтган. Унга кўра: *kök* – «асл; томир; таг». Шунга кўра, *kökün kim* деб сўралади, «аслинг ким, қайси қабиладансан?» демакдир (ўғузлар ва қипчоқлар сўзи) (ДЛТ, 296).

Битиглардаги отидан келиб чиқиб ҳозирги замон туркшунослигида, историографияда қадимги турк давлатлари *кўк турк хоқонликлари*, улар қўллаган ёзув эса *кўк турк алифбоси* дея аталмоқда.

Фанда ушбу туркий ёзув *ўрхун-енисей ёзуви, туркий рун ёзуви* деб ҳам юритилаётир. Лекин ушбу атамалар тарихий эмас, балки қўҳна туркий ёзувнинг бугунги туркологияда ишлатилаётган нисбий отларидир.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ ўз асарида темурийлар даврида ишлатилган хатларга тўхтала туриб дулбаржин ёзуви ҳақида ҳам сўз юритган. Баъзи олимлар ўртасида «ана шу ёзув кўк турк ёзувининг эски атамаси бўлган» деган фикр ҳам шаклланиб қолди. Бу тўғри эмас. Аввало, кўк турк ёзуви темурийлар даврида ишлатилмаган. Ибн Арабшоҳ тилга олган дулбаржин бошқа бир ёзувдир. Уни кўк турк ёзуви билан қориштирмаслик керак. Дулбаржин ёзувида битилган айрим ёдгорликлар кунимизгача етиб келган, улар чет эллардаги қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Кўк турк ёзуви туркларнинг энг эски, тахминларга кўра, милoddан бурунги даврларда ота-боболари томонидан яратилган ўз ёзуви эди. Ушбу алифбо туркий муҳитда кашф этилган, шунинг учун унда туркий тилнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инobatга олинган. Кўк турк алифбоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлари ичиде ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди.

Кўк турк ёзувининг келиб чиқиши тўғрисида. Кўк турк ёзувининг илдизлари ва юзага келган даври тўғрисида тугал бир тўхтамга келинган эмас. Туркшунослиқда бу масалада қатор, ҳатто бир-бирига қарама-қарши фикрлар ҳам билдирилган.

Айрим олимлар унинг асосларини қадимги туркий тамғалар (уруғ-қабила белгилари)га боғлаганлар. Уларнинг фикрича, кўк турк хатинини тамғалар негизида юзага келган.

Бошқа бир қарашга кўра, ушбу ёзув оромий алифболари, аниқроғи, суғд хати негизида ҳосил бўлган. Суғдийнинг такомиллашган шакли

мазкур алифбонинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган; унга айрим ўзгартиришлар киритиш, янги белгилар орттириш йўли билан ёзув туркий тилга мослаштирилган. Бу маданий жараён кўк турк хоқонликлари даврида, тахминан VI юзйилликларда юз берган дейилади.

Ёзувнинг генезиси масаласида яна бир фикр диққатга молик. Унга кўра, ушбу алифбо туркий муҳитда кашф этилган, шунинг учун унда туркийнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инобатга олинган. Шу билан бирга, у оромий, суғд, паҳлавий ёзувларининг кучли таъсирида бўлган (*булар тўғрисида қаранг:* Васильев 1983, 5 – 9).

Палеографик кузатувлар, қадимий ёзувларни ўзаро қиёслаш олимларни яна бир фикрга олиб келмоқда. Жумладан, олим А.Аманжоловнинг фикрича, ушбу ёзувнинг тарихи милоддан бурунги I мингйилликларга туташади. Олд Осиё ёзувларига ўзакдош бўлган қадимги юнон ва сомиё-финикий ёзувлари билан унинг айрим жиҳатдан боғлиқлиги бор (Аманжолов 1978, 76 – 87; 2003, 289 – 300).

Қадимги туркий ёзувнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тортишув, афтидан, ҳали ўз ечимини топиши қийин кечар. Биз мазкур ўринда у ёки бу фикрга муносабат билдирмоқчи эмасмиз. Лекин ушбу масала ҳақида фикр юритганда ёзувнинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак деб ўйлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, кўк турк алифбосининг тизими ва ёзув принциплари тамоман ўзига хос. У қадимги ҳамда ўртанча эроний тилларнинг товуш қурилишига мослашган оромий ёзувларидан тубдан ажралиб туради. Маълумки, оромий ёзувларида ҳарфлар бир-бирига уланади. Кўк турк хатида эса ҳарфлар уланмай, айри-айри ёзилган. Туркий ёзув суғд хатининг сўнгги такомиллашган курсивли туридан шаклланган экан, янги ёзувда ҳарфларни ажратиб ёзишнинг маънисини нима? Бу ҳодиса ёзув тарихида прогресс эмас, орқага қайтиш бўлмайдими? Шундай бўлган дея фараз ҳам қилайлик. У ҳолда турклар суғд хати негизида бошқа бир алифбо – уйғур хатини яратганликларини қандай тушунмоқ керак? Маълумки, уйғур хатини яратиш жараёнида оромий тилидан ёки суғдийдан у қадар чекиниш содир бўлгани йўқ. Уйғур хати палеографик жиҳатдан суғдчаниннг сўнгги тезкор шаклига жуда яқин туради. Назаримизда, уйғур хатининг кашф этилиши ва ўта оммалашуви, ҳатто кейинчалик кўк турк хатини сиқиб чиқарганлигининг сабабларидан бири ҳам унинг китобат ишида қулайлиги бўлган.

Суғд алифбосида 22 ҳарф мавжуд эди. Уйғур алифбосида унга бир белги – </> ҳарфи орттирилиб, 23 ҳарфдан фойдаланилган. Лекин кўк турк матнларидаги ҳарфлар сони 38 – 40 атрофида (айрим матнларда бундан ҳам ортик). Юқоридаги фараз назарда тутилган тақдирда алиф-

бода ҳарфлар сонининг салкам икки бор орттириб юборилишининг боиси нима? Ахир ҳарфлар миқдорини деярли сақлаган ҳолда уйғур хатини яратган эмасмидилар?

Суғдча ҳарфлар билан кўк турк ҳарфларининг баъзиларини ўзаро чоғиштириш ҳам мумкин. Лекин туркий алифбода мазкур белгининг иккинчи эши-да бор. Масалан, <r'> ҳарфи суғдча <r> га ўхшаш дейдиган бўлсак, унинг йўғон шакли – <r> суғдчадагидан тамоман фарқ қилади.

Яна бир хусусияти: кўк турк хатида айрим идеографик белгиларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчиларнинг эътирофича, D <u> ҳарфининг генезиси *au* (ой) тушунчаси билан боғлиқ. Яъни ойнинг кўринишини назарда тутиб ушбу ҳарфни яратганлар деб фараз қилиш мумкин (ёзувда *au* сўзи «ой» шаклидаги D <u> билан ёзилади). Шу сингари ʃ <r'> ҳарфи *er* («киши, одам») кўриниши, ↓ <oq> ҳарфи «ўқ»нинг кўриниши, ʌ <t> эса «том»нинг кўриниши асосида шаклланган дейиш мумкин: аввалига улар тушунчани билдириб, кейинчалик ҳарфга айланган. Кўк турк ёзувининг бу каби белгилари алифбо туркий муҳитда кашф этилганига мутлақо шубҳа туғдирмайди.

Муҳими, ёзувда қадимги туркий тилнинг фонетик-фонологик хусусиятлари тўлалигича инобатга олинган эди. Кўк турк алифбоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлар ичида ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди. Ёзувнинг бу каби хусусиятларини ҳисобга олмай унинг келиб чиқишини бошқа ёзувларга тўғридан-тўғри боғлаб қўйиш, назаримизда, ўзини оқламайди.

Туркий ёзувнинг палеографик хусусиятлари ва фонетик-фонологик вазифаси унинг бир йўла эмас, аста-секинлик билан, юзйилликлар оша, қадимги туркийнинг товуш қуруми билан узвий ҳолда ривож топганидан далолат бермоқда.

Таъкидлаш ўринлики, бизгача сақланиб қолган ўрхун-енисей битиглари ушбу ёзувнинг илк босқичига эмас, балки такомиллашган босқичига тегишли. Демак, ушбу ёзувнинг тарихи бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да қадимийдир.

Кўк турк хатини баъзи олимлар бир пайтнинг ўзида кенгашиб яратилган деб ҳам чамаламоқдалар. Лекин сўнгги ўнйилликларда топилган ёдгорликлар ушбу ёзувнинг пайдо бўлган даврини милоддан аввалги асрлар билан боғлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Алмати яқинидаги Иссиқ кўрғонидан, Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги кент харобаларидан чиққан битиглар бунинг далилидир. Қадимги туркий ёзув маданиятини тадрижий жараён сифатида яхлит талқин этмоқ учун ушбу топилмалар устида яна чуқур тадқиқотлар бажарилмоғи лозим.

Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган эдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув асосан кўк турк хоқонликлари даврида Енисей ва Ўрхун атрофларида ёйилиб, тараққий этган деб қараш кифоя эмас. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғулистону Синжон ерларига қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий тевараги бўйлаб Шарқий Европагача бўлган улкан ҳудуддан топилган ва топилаётган туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу тупроқларда ёзув маданиятининг ғоят раванқ топганидан далолат бермоқда. Муҳими шундаки, мазкур ёдгорликларнинг хат шакли хилма-хил. Уларни палеографик жиҳатдан бир гуруҳга бириктириб бўлмайди. Ҳар қайси ҳудудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос; айрим белгилари, баъзи имло хусусиятлари билан ҳам фарқланиб туради. Жумладан, ўрхун битигларида қўлланган белгилар сони енисей ва талас битигларидаги белгилар билан баробар эмас. Матнларда бир-биридан фарқ қилувчи белгилар бор, айрим ҳарфларнинг шаклида ҳам ўзгариш юз берган. Ёки Ўрта Осиё тупроқларида ёзувнинг ўзига хос кўриниши амал қилган.

Ёзувнинг бу сингари хусусияти баъзи олимларни турк руний битиглари бир неча алифбода битилган деган ўй-хаёлга ҳам олиб келмоқда. И.Л.Кизласовнинг фикрича, ушбу битигларда саккиз хил алифбо амал қилган. Ўрхун-енисей ёдгорликлари ўзаро яқин бўлган икки хил алифбо – ўрхун ва енисей хатида. Талас битиглари эса уларга ўзақдош учинчи алифбода битилган (*қаранг*: Кизласов 1994, 33).

Қадимги турк ўлкаларидан топилаётган ёзма ёдгорликлар, айниқса, уларда қўлланган хат шаклининг ўзаро фарқли эканлигидан англашиладики, туркий ёзувнинг маданий марказлари бир эмас, бир қанча бўлган.

Ёзма ёдгорликлари. Кунимизгача сақланган кўк турк ёзув ёдгорликлари Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари, уйғур хоқонлиги даврларига тегишлидир. Улар Мўғулистондан, Олтой ўлкаси ҳамда Енисей дарёси теварагидан, ҳозирги Синжон ўлкаларидан, Талас ва Ўзбекистоннинг Фарғона водийси, Қашқадарё ҳудудлари, шунингдек, Шимолий Кавказ, Шарқий Европада эса Дунай атрофларидан топилган. Бу қадимги турк ёзувининг ана шу кенгликларда амал қилганидан дарак беради. Ёзувлар қабр тошлари, қоялар, сопол ва металл буюмлар ва таёқчаларга битилган. Ёдгорликлар орасида қоғозга битилганлари ҳам бор.

Кўк турк битигларининг энг йириклари Мўғулистондаги Ўрхун дарёсининг теварагидан топилган. Бир пайтлар бу ерлар турк хоқонликларининг маданий марказлари эди. Турк хоқонликларининг бошкенти, йирик шаҳарлари ўша ерларда бўлган, шаҳарсозлик гуллаб-яшнаган. Ҳозир ўша шаҳарларнинг харобалари қолган, холос. У ердан топилган

битиглар кўк турк ва уйғур хоқонликлари даврида ўтган хоқонлар, саркарда ва йирик амалдорлар шарафига тикланган. Ушбу обидалар фанда «ўрхун битиглари» номи билан юритилмоқда.

Ўрхун битигларининг эскилари Иккинчи кўк турк хоқонлиги замонага тегишли. Уша кезлар яшаб ўтган давлат арбоби ва саркарда Тўнюкукқа қўйилган битигтош, Элтариш хоқоннинг кичик ўғли Кул тигин (Кўл тигин) хотирасига унинг оғаси Билга хоқон томонидан 732 йили ўрнатилган ёдгорлик, Элтаришнинг тўнғич ўғли Билга хоқон (хитой манбаларида Мўгилан деб аталган) шарафига 735 йили тикланган мангутош, VIII юзйилликнинг биринчи ярмида (чамаси, 732 йили) саркарда Алп Элэтмиш хотирасига тикланган Ўнгин битиги, айна хоқонлик даврига мансуб Кули-чўр битиги шулар жумласидан.

Олтой ўлкаси ва Енисей теварагидан топилган кўк турк ёзувидаги ёдгорликлар фанда «енисей битиглари» деб аталмоқда. Уларнинг сони жуда кўп. Лекин ўрхун битиглари сингари катта-катта матнлар эмас; йириклари 15 – 16 қаторли. Битиглар қабр тошларига, қояларга битилган.

Мўғулистондан топилган кўк турк ёзувли битигларнинг муайян қисми уйғур хоқонлиги даврига тегишли. Улардан айримлари қадимий Қорабалғасун харобаларидан чиққан. Қорабалғасун обидалари уйғур хоқонлиги давридан қолган йирик ва ўта қадрли тарихий монументал ёдгорликлардир. Улар асл ҳолатида сақланган эмас. Мангутошлардан бўлақлар қолган, холос.

Кўк турк алифбоси

Кўк турк алифбосида ҳарфлар сони ўрхун ва енисей битигларида ишлатилган белгиларни қўшиб санаганда 38 – 40 атрофида. Ёзувда ҳарфлар бир-бирига уланмай ўнгдан чапга қараб ёзилади.

Унли товушларнинг ифодаланиши

Ўрхун ҳамда енисей битиглари ўртасида унлиларни ифодаловчи ҳарфлар сониди фарқ бор. Кенг эътироф этилишича, ўрхун битигларида унлилар тўрт ҳарф ёрдамида ифода этилган: 𐰃, 𐰄, 𐰅, 𐰆. Булардан 𐰃 ҳарфи [a] – [ā], 𐰄 ҳарфи [i] – [ī], 𐰅 ҳарфи [o] – [u], 𐰆 ҳарфи [ü] – [ö] унлиларини англатади.

Ҳозирги ўзбек тилида [e] билан талаффуз қилинаётган сўзлар кўк турк битигларида 𐰃 <ā> (бу ҳарф кўп ҳолларда сўз боши ва сўз ичидида ёзилмайди, лекин ўқилади) ёки 𐰄 <i> ҳарфлари билан ёзилган: »𐰃𐰆 𐰇𐰈*(i)m* (E. 41.1), 𐰇𐰈*(ā)l* (E. 32.9), 𐰇𐰈𐰉 *yiti* (Ха. 10), 𐰇𐰈𐰉 *yir* (Ка. 9).

Битигларда бир сўзнинг ўзи 1 билан ҳам, ʀ билан ҳам ёзилаверади. Масалан: ʏ (ä)l (Е. 32.9) // ʏʀ il (Е. 32.8); ʀnʁ y(ä)ti (Топ. 4) // ʀnʀʁ (Ха. 10); ʏʁ y(ä)r (Ка. 4) // ʏʀʁ yir (Ка. 9). Ушбу график хусусиятлар [ä] билан [i] оралиғидаги [e] товуши ифода этилганидан далолат беради. Махсус ҳарф бўлмагани сабаб шундай йўл тутилган. Шунга кўра, юқоридаги мисолларни *el, yeti, yer* шаклида ўқиш мумкин; маъноси «юрт», «етти», «ер» дегани.

Енисей битигларида, ўрхун битигларидан фарқли ўлароқ, ʏ ҳамда ʏ ҳарфлари ҳам ишлатилган. Бу икки ҳарфнинг шакли бир-бирига ўхшаш эса-да (бири иккинчисидан ҳосил қилинганлиги кўриниб турибди), уларнинг вазифасида фарқ бор.

Ўз вақтида В.Томсен енисей битигларида қўлланган ʏ ҳарфи тўғрисида мушоҳада юритиб, у [e] товушини ифода этган деган фикрни кўтариб чиққан эди (Gabaïn 1950, 11,44). Унинг бу фикри кўпчиликка маъқул тушган бўлса-да, кейинчалик эътирозга учрай бошлади.

Масалан, қуйидаги сўзларда ушбу ҳарф [e] унлисини ифода этганлиги шубҳа туғдирмайди: ʏʏ el – «эл» (Е. 1.2), 1ʏʏ ešimä – «эшимга, ўртоғимга» (Е. 51.3), ʏʏ beš – «беш» (Е. 45.2). Бироқ, А.Аманжоловнинг фикрича, бу ҳарфнинг вазифаси кенгроқ. Ушбу ҳарф [e] билан бир қаторда тил олди [i] ва тил орқа [i] унлиларини ҳам ифода этган (Аманжолов 2003, 50 – 51). Бунга енисей битигларида бир сўзнинг икки хил ёзилганлиги ёрқин мисол бўла олади. Масалан, ʏita (афсус) сўзида [i] унлиси ʏ ёки ʀ ҳарфлари билан ёзилиши мумкин: 1ʏʏD (Е. 59.8) // 1ʀʀD (Е. 10.1); шунингдек, kinim (туғишганим) сўзида [i] унлиси ҳам икки хил ёзилган: ʏʏʏʏ (Е. 59.8) // ʏʀʀʏʏ (Е. 3.1).

il (el) сўзи : ʏʀ (Е. 26.1) // ʏʏ (Е. 1.2);

biš (beš) сўзи: ʏʀʏ (К. 44) // ʏʏʏ (Е. 25.4).

Келтирилган мисоллардан енисей битигларидаги ʏ ҳарфи ʀ ҳарфи билан вазифадош эканлиги англашилади. У ҳам [ä~e] ва [i], [ʏ] фонемаларини ифода этган.

Енисей битигларида қўлланган ʏ ҳарфига келсак, унинг вазифаси бошқа. Ушбу ҳарф 1 ҳарфи билан вазифадош. Битигларда бу ҳарф [a] – [ä] фонемаларини ифода этган (Аманжолов 2003, 61). Масалан: ʏš aza – «озиб, адашиб» (Е. 50.3), ʏšʏ ögä – «доно» (Е. 49.2), ʏʏʏ elimä – «элимга» (Е. 46.2).

Англашиладики, ўрхун битигларида унлилар тўртта, енисей битигларида эса олтита ҳарф ёрдамида ифода этилган. Енисей битигларида қўлланган олти ҳарфдан икки жуфти (1 билан ʏ; ʀ билан ʏ) ўзаро вазифадошдир.

Демак, кўк турк алифбосидаги унлиларни билдирувчи ҳарфлар қуйидаги вазифаларга эга:

↓ ҳарфи [a] – [ä~e],

χ ҳарфи (фақат енисей битигларида) [a] – [ä],

↑ ҳарфи [i] – [i~e],

⌘ ҳарфи (фақат енисей битигларида) [ä~e], [i], [i],

> ҳарфи [o] – [u],

⌘ ҳарфи [ü] – [ö] унлиларини англаган.

Ундош товушларнинг ифодаланиши

Кўк турк ёзувида ундошларни ифодаловчи ҳарфлар тизими анча мураккаб. Улар уч гуруҳга бўлинади:

(1) Ёзувда ундошларнинг фонетик жуфтини билдирувчи ҳарфлар.

(2) Ёзувда ундошларнинг йўғон ва ингичка эш(вариант)ларини фарқламайдиган ҳарфлар.

(3) Ёнма-ён келган қўш ундошни билдирувчи ҳарфлар.

Ёзувда ундошларнинг фонетик жуфтини билдирувчи ҳарфлар

Кўк турк ёзуви қадимги туркий тилнинг фонетик-фонологик, морфо-фонологик хусусиятларига ўта мослашган эди. Буни ёзувнинг туркий сингармонизм қонунига бўйсунганлигида яққол кузатиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, сингармонизм унлилар доирасидагина юз бериб қолмайди. У сўзнинг бутун бир фонологик қуршовида амал қилади: бошлаб ўзакнинг фонологик қуруми шаклланади, сўнгра негиз ва кейинги морфемаларга ёйилади. Шу шаклда сўзнинг бутун бир морфо-фонологик тизимини шакллантиради. Масалан, *qol* сўзида [o] унлиси тил орқа товуш, унга ёндош бўлган [q] ундоши ҳам йўғон. Уларга уйғун ҳолда [l] нинг ҳам йўғон варианты қўлланади. Ёки *köl* сўзида [ö] олд қатор унлиси, [k] эса ингичка товуш. Шуларга мос ҳолда [l'] нинг ҳам ингичка варианты қўлланади. Шунингдек, *tor* сўзида [o] орқа қатор унлиси. Шунга мувофиқ, [t] ва [r] ундошларининг йўғон варианты ишлатилади. «Юқори ўрин; уйнинг тўри» маъносидаги *tör* сўзида эса бунинг акси: [ö] олд қатор унли бўлгани боис [t'] ва [r'] ундошлари ҳам ингичка талаффуз этилади. Бошқа сўзларда ҳам шундай.

Ёзувда ундошларнинг фонетик жуфтини билдирувчи ҳарфлар ундошларнинг фонетик вариантини фарқлаб туради: товушнинг йўғон варианты учун бир белги, ингичка варианты учун бошқа бир белги қўл-

ланилган. Масалан: ёзувда [b] ундошининг икки хил ифодаси бор: ɔ ҳарфи [b] ни, ʎ эса унинг ингичка варианты [bʲ] ни билдиради. Ёки ʂ ҳарфи [d] ни, x эса [dʲ] ни англатади ва б. Ёзувнинг бу хусусияти сўзнинг фонетик-фонологик табиатини ҳам билдириб туради.

Кўк турк алифбосидаги ундошларнинг фонетик жуфтини билдирувчи ҳарфлар қуйидагилардир:

кўк турк ҳарфлари	Ифодаланган товуш	Кўк турк ҳарфлари	Ифодаланган товуш
ɔ	[b]	ʎ	[bʲ]
ʎ ʎ	[ɣ]	ε	[g]
ʂ	[d]	x	[dʲ]
ɔ	[y]	ɣ	[yʲ]
ɔ↓↑ɔ	[q]	ʃ, ʂ, ʃ	[k]
ɔ	[l]	ʎ	[lʲ]
ɔ	[n]	ʎ	[nʲ]
ʎ	[r]	ʎ	[rʲ]
ʎ	[s]	l	[sʲ]
ʎ ʎ	[t]	h	[tʲ]

Кўк турк алифбоси қанчалик такомиллашган бўлмасин, қадимги туркий тилнинг фонетик хусусиятларини тугал бир кўринишда акс эттирган деб бўлмайди. Ёзма ёдгорликларнинг фонетик хусусияти ўрганилганда айрим ҳарфларнинг полифоник вазифага эга эканлиги кўриниб қолади. Шу ўринда улардан баъзиларининг фонетик-фонологик вазифасини кўриб чиқайлик.

Аввал битигларда қўлланган ʂ ва x ҳарфларининг вазифаси тўғрисида. Мутахассисларнинг эътироф этишича, бу ҳарфлар жарангсиз [d] ундошининг йўғон ва ингичка вариантларини ([d] ва [dʲ] ни) англатган.

Шу ўринда муҳим бир хусусиятга эътибор қаратсак. Кўк турк битигларида ʂ <d> ҳамда x <dʲ> ҳарфлари билан келган сўзлар XI – XIV юзйилликларнинг араб ёзувли туркий матнларида ɔ ёки ɔ билан ёзилган: уларнинг биринчиси [d], кейингиси тишора [δ] ундошини англатади. Тишора [δ] ундоши келган сўзларга «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган нусхасидан мисоллар: *ادگو edgü* – «эзгу» (11a.10), *بودن bodun* – «халқ» (15b.6), *اذن adin* – «бошқа» (18b.4), *قداش qadaš* – «қариндош» (179b.11), *قداغۇ qadagü* – «қайғу» (202b.7), *ادق adaq* – «оёқ» (30b.1), *قود qod-* – «қўй-» (135b.4) ва б. Муҳими шундаки, «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусха-

сида ڭ [δ] билан ёзилган сўзлар асарнинг араб ёзувли Қоҳира нусхасида кўпроқ ڭ [d] билан келган: ادگو *edgü* – «эзгу, яхши» (231.8), ادى *edi* – «эга» (16.12), قدش *qadaş* – «дўст, ўртоқ» (232.12), كدن *kedin* – «кейин» (15.3), بوندىن *bodun* – «халқ» (22.9), قوتاد *qutad* – «бахтга етказ-» (27.4). Матнда бир сўзнинг ўзи ڭ [d] билан ҳам, ڭ [δ] билан ҳам ёзилиши мумкин: ادگو *edgü* (231.8) // ادگو *edgü* (275.5), ادى *edi* (16.12) // ادى *edi* – «эга, худо» (12.12).

Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги туркий лаҳжаларнинг товуш ўзгачаликларини таърифлар экан, чигиллар тилидаги сўзларни ڭ [δ] билан келтиради: اذن *adın* – «бошқа, бўлак, айрим», чигилча (ДЛТ, 43), بوندىن *bodun* – «халқ, омма», чигилча (ДЛТ, 160). Аммо «чигилча» дея урғуланган اود *ud* («сигир») сўзи ڭ <d> билан ёзилган (ДЛТ, 32). Бу сўз, аслида, ڭ <d> билан берилгани маъқул эди. Чунки муаллифнинг ўзи таъкидлашича, чигил турклари ڭ [δ] билан сўзлаганлар (ДЛТ, 26).

Девонда ڭ [δ] ўрнида ڭ [d] қўлланувчи сўзлар ҳам бор: ادش *adaş* – «дўст, ўртоқ» (ДЛТ, 38), اد *öd* – «замон, давр» (ДЛТ, 32), بديك *bedük* – «ҳар нарса-нинг каттаси» (ДЛТ, 155). Шунингдек, бир сўзнинг ўзи ڭ [d] билан ҳам, ڭ [δ] билан ҳам параллел қўлланиши мумкинлигини муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлайди: كد *ked* // كد *ked* – «жуда» (ДЛТ, 133).

Булардан кўринадики, ўша давр турк лаҳжаларида, ҳатто ёзма адабий тилнинг ўзида ҳам [d] билан [δ] ни параллел қўллаш мавжуд эди. Кераклиси, бу ҳодисалар тишора [δ] товуши жарангли [d] нинг фонетик варианты сифатида юзага келгани ва ҳар иккови ўзаро вариант сифатида (d~δ) қўлланганидан далолат беради.

Туркий сўзларда тишора [δ] товушининг қачондан бошлаб қўлланганини аниқ айтиш қийин. Махсус белгисига таяниб у фақат араб ёзувли матнлар тилида учрайди деган хулосани айтиш ҳам у қадар тўғри эмас. Унинг тарихий илдизларини анча бурунги чоғларга, ҳатто кўк турк битигларига боғласа ҳам бўлади. Чамаси, бу товуш кўк турк битиглари тилида ҳам амал қилган. Махсус ҳарф йўқлиги учун ʒ <d> ҳамда x <d'> ҳарфларидан фойдаланилган бўлиши керак.

Юқоридаги мисолларга таяниб кўк турк битигларидаги ʒ ва x ҳарфлари полифоник вазифага эга: ʒ ҳарфи [d~δ] ни, x эса [d'~δ'] ни ифода этган деган фикрга келиш мумкин.

Битигларда қўлланган ʒ ва x ҳарфларининг вазифаси ҳам эътиборга лойиқ. Кенг эътироф этилишича, ушбу ҳарфлар [b] ҳамда унинг ингичка варианты бўлмиш [b'] ни ифода этган.

Шу ўринда муҳим бир далилга эътибор қаратмоқчимиз. Маҳмуд Кошғарий [w] фонемасини иккига ажратади: [w] ҳамда [v].

XI – XIV юзйилликларнинг араб ёзувли туркий матнларида уларнинг иккови мустақил ҳарфлар билан берилган: фонеманинг [v] варианты ۋ

vāv ҳарфи билан; «bā (яъни [b]) билан fā (яъни [f]) махражлари орасидаги» [w] товуши (ДЛТ, 26) эса ف ёки ف ҳарфлари билан ифода этилган.

Масалан, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Қоҳира нусхасида: طفناج *taḥwač* – «тавғач» (QBQ. 7b,12), يالافج *yalawač* – «пайғамбар» (QBQ. 7a,11), ايغ *ew* – «уй; бурж» (QBQ. 17a,2).

Кўк турк алифбосида [w~v] фонемаси учун махсус ҳарф йўқ. Муҳими шундаки, кўк турк битиглари билан деярли олдинма-кетин яратилган уйғур ёзувли қадимги турфон матнларида бу товуш учун алоҳида белги бор.

Уйғур ёзувли турфон матнларида ҳамда араб ёзувли туркий матнларда [w~v] билан келган сўзлар кўк турк битигларида ʌ , ʌ <b'> ҳарфлари билан ёзилган. Бу ҳодиса кўк турк алифбосидаги , <b'> ҳарфлари ўрни билан [w] товушини ҳам ифода этган деган хулосага олиб келади. Яъни: ʌ ҳарфи [b] ва [w] товушларини, ʌ эса уларнинг ингичка [b'] ҳамда [w'] вариантларини англатган.

Битигларда ʌ ҳарфи ҳам учрайди. Муҳими шундаки, ʌ ҳарфи билан келган сўз бошқа бир ўринда икки ҳарф – D) (яъни NY) билан ҳам ёзилиши мумкин: ʌʌʌʌ (Топ. 1) // ʌʌDʌʌ (Ха. 14). Матнлардаги ушбу имло хусусияти ʌ ҳарфининг вазифасига ойдинлик киритади: у [ʌ] товушини ифода этган. Ушбу ҳарф куйидаги сўзларда қўлланилган: ʌʌʌʌ *Тоһиқиқ* – киши оти (Топ. 1), ʌʌ *аһйу* – «ёвуз» (Ка. 3), ʌʌʌʌ *сўгаһ* – «йўқсил» (Ка. 10), ʌʌʌ *қоһ* – «қўй» (К. III).

Ўрхун битигларида [ʌ] билан келган сўзлар кейинги давр матнларида [ʌ] ёки [y] билан келади. Масалан, уйғур ёзувли «Сюань-цзан кечмиши» асарида: *ауғу* – «ёвуз» (СЦ. V. 38, 13), *сўгау* – «йўқсил» (СЦ. VIII. 4, 8); «Қутадғу билиг»нинг Ҳирот нусхасида: *қоу* – «қўй» (QBQ. 95a,9), *сўгау* – «йўқсил» (QBQ. 24b,15).

Қизиғи, ёзма ёдгорликларда бир сўз икки хил кўринишда ҳам учрайди. «Ҳибату-л-хақойиқ»нинг С нусхасида: *қанда* (39.2) // *қайда* – «қаерда» (42.7), «Қутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхасида: *сўган* (QBQ. 98a,4) // *сўгау* – «йўқсил, қашшоқ» (QBQ.194b,4).

[ʌ] // [y] мослиги ҳозирги ўзбек тилида ҳам учраб туради: *қанда*~*қайда*. Ёки қадимги [ʌ] *қани*, *қанча* сингари сўзларимизда ҳам сақланиб қолган.

Қадимги [ʌ] ни Маҳмуд Кошғарий араб хатида ʌ <n> ҳарфи билан берган. Унинг ёзишига қараганда, [y] ли сўзларни [ʌ] га айлантириш диалектал хусусиятдир. Сўз ўртаси ва охирида келган *уā* ни арғулар *nūn* га алмаштирганлар. Масалан, турклар *қоу* («қўй») десалар, улар *қон* дейдилар; турклар «камбағал»ни *сўгау* десалар, улар *сўган* дейдилар. Турклар *қауи nān* («қайси нарса») десалар, улар *қани* дейдилар (ДЛТ, 25 – 26).

Ушбу мисолларнинг бари кўк турк битиглари тилига хос бўлган [ñ] сонор [n] га вариант сифатида ([n~ñ]) қўлланганидан далолат беради.

Ёзувда ундошларнинг йўғон ва ингичка эш(вариант)ларини фарқламайдиган ҳарфлар

Бундай ҳарфлар, товушнинг йўғон ёки ингичкалигидан қатъи назар, бир ҳарф билан ифодаланаверади. Бироқ у, ўрнига қараб фонеманинг йўғон ёки ингичка варианты сифатида талаффуз этилади. Масалан: Ч ҳарфи [z] ва [z'] ни, «» ҳарфи [m] – [m'] ни, † ҳарфи [ŋ]–[ŋ'] ни ифода этади ва б.

Кўк турк хатидаги ундошларнинг йўғон ва ингичка эш(вариант)ларини фарқламайдиган ҳарфлар қуйидагилардир:

Кўк турк ҳарфлари	Ифодаланган товуш
Ч †	[z]
«»	[m]
† †	[ŋ]
М	[p]
Ү	[č]
Ҷ^	[š]
Э	[ñ]

Ёнма-ён келган қўш ундошни билдирувчи ҳарфлар

Учинчи гуруҳга кирувчи ҳарфлар ёнма-ён келган ундошларни билдиради. Улар мазкур ундошларнинг йўғон ва ингичка вариантыни фарқламайди, лекин ўрнига қараб икки хил талаффуз этилаверади. Масалан: М ҳарфи [lt] ва [l't], ☉ ҳарфи [nt] ва [n't], † ҳарфи [nč] ва [n'č'] товушлар бирикмасини билдиради ва б.

Кўк турк ҳарфлари	Ифодаланган товуш
М	[lt~l't']
☉ ○	[nt~n't']
‡	[nč~n'č']
М	[rt~r't']

Сўзлар ва жумлаларни ўқиб, матндан маъно чиқариш йўли

Кўк турк хатида ундошлар тўлиқ ёзилади. Унлилар эса доим ҳам ёзувда акс этавермайди. Масалан, **↓** ҳарфи сўз боши, сўз орасида камдан-кам ҳолда ёзилади. Лекин ўрнига қўйиб ўқилаверади.

↑ ҳарфи [r] товушини билдиради. Шунинг учун унинг олдида олд қатор [ā~e] унлисини қўшиб *er* деб ўқиймиз. Маъноси «эр, киши, инсон» дегани.

⚡ ҳарфи [b] товушини билдиради. Шунинг учун унинг олдида олд қатор [ā~e] унлисини қўшиб *āb* деб ўқиймиз. Маъноси – «уй».

↓ ҳарфи [b] ундошининг йўғон вариантини билдиради. Шунинг учун олдида орқа қатор, йўғон [a] унлисини қўшиб *ab* деб ўқиймиз. Маъноси – «ов».

Д ҳарфи [y] ундошининг йўғон вариантини билдиради. Шунинг учун олдида [a] унлисини қўшиб *ay* деб ўқиймиз. Бу «ой» бўлади.

᳚ ҳарфлари (яъни *qyn*)нинг орасига [a] унлисини қўшиб ўқисак, *qayan* сўзи келиб чикади. Бу «хоқон» дегани.

Бир бўғинли сўзларда [ī], [i], [o], [ō], [u], [ū] унлилари ҳар уч ўринда, асосан, ёзилади:

᳚᳚ *īd* – «юбор-»

᳚᳚᳚ *biz* – «биз»

᳚᳚ *ōd* – «замон, чоғ»

᳚᳚᳚ *sub* – «сув»

᳚᳚ *kū* – «довруғ, овоза»

Икки бўғинли сўзларнинг биринчи [ī], [i], [o], [ō], [u], [ū] унлилари, асосан, ёзилади:

᳚᳚᳚᳚ *čīyañ* – «қашшоқ, йўқсил»

᳚᳚᳚᳚ *qīrqiz* – «қирқиз», этнос оти

᳚᳚᳚ *uruš* – «уруш, жанг»

Икки бўғинли сўзларнинг иккинчи бўғини очиқ бўлса, унлилар қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар қачон ёзилади:

᳚᳚᳚ *qara* – «қора»

᳚᳚᳚ *egri* – «эгри»

᳚᳚᳚ *ādgū* – «эзгу, яхши»

Иккинчи бўғин ёпиқ бўлганда унлининг ёзилиш-ёзилмаслиги биринчи бўғиндаги унлининг табиатига боғлиқ бўлади: агар биринчи бўғинда ҳам, иккинчи бўғинда ҳам унлилар лабланмаган бўлса, кейинги бўғин унлиси ёзилмайди, лекин ўқилади:

᳚᳚᳚ *qizil* – «қизил»

ᄃᄃᄃ *bitig* – «хат, ёзув»

Икки бўғинли сўзларнинг ҳар икки бўғинидаги унли лабланган бўлса, кейинги бўғинидаги унли ёзилмайди, лекин ўқилади. Масалан: ᄃᄃᄃ *bodn*. Сўзнинг биринчи бўғинида лабланган [o] унлиси келгани учун иккинчи бўғинга ҳам лабланган унли орттириб *bodun* деб ўқиймиз. Қолган ўринларда ҳам шундай.

ᄃᄃᄃ *ögüz* – «сой, дарё»

ᄃᄃᄃ *oyuz* – «ўғуз», этнос оти

ᄃᄃᄃ *körüg* – «кузатувчи»

Биринчи унли лабланмаган, кейингининг унлиси лабланган ёки бунинг акси бўлса, иккинчи бўғинидаги унли ёзилади:

ᄃᄃᄃ *qatun* – «хоним, малика»

ᄃᄃᄃ *altun* – «олтин»

ᄃᄃᄃ *taluy* – «денгиз»

Кўп бўғинли сўзлар имлоси икки бўғинли сўзлар сингаридир.

Кўк турк хатида кўшимчаларнинг қандай ёзилишини ҳам билиш керак. Бунинг ҳам қондаси бор.

Очиқ бўғинли кўшимчаларнинг унлиси қандай бўлишидан қатъи назар, барча ўринларда ёзилади:

ᄃᄃᄃ *taγqa* – «тоққа»

ᄃᄃᄃ *bizni* – «бизни»

ᄃᄃᄃ *qišla* – «қишла»

CVC типидagi ёпиқ бўғинли кўшимчалардаги лабланмаган унлилари ёзилмайди, аммо ўқилади:

ᄃᄃᄃ *bilmāz* – «билмас»

ᄃᄃᄃ *kālmis* – «келган»

ᄃᄃᄃ *barzīn* – «борсин»

Агар сўзнинг охириги бўғинида лабланмаган унли бўлса-ю, сўзга кўшилаётган ёпиқ бўғинли кўшимча таркибида лаб унлиси бўлса, у ҳолда ёзилади:

ᄃᄃᄃ *aytur* – «оғдир»

ᄃᄃᄃ *bintür* – «миндир»

От ясовчи *-γ, -g, -q, -k, -m*, тартиб соннинг *-nč* кўшимчаси, эгалик кўшимчаси *-m*, тушум келишигининг *-γ, -g*, восита келишигининг *-n* аффиксларидан олдин ўзак-негиз охириги бўғинидаги унлининг табиатига боғлиқ ҳолда орттириладиган тор унлилар ёзилмайди:

ᄃᄃᄃ *qarīγ* – «эшик»

ᄃᄃᄃ *ölüg* – «ўлик»

ᄃᄃᄃ *kādīm* – «кийим»

ᄃᄃᄃ *üčünč* – «учинчи»

᳚᳚ onunc – «ўнинчи»

᳚᳚ qišin – «қиш бўйи»

᳚᳚ yazin – «ёз бўйи, ёзи билан»

᳚᳚ bodunuy – «халқни»

᳚᳚ isig – «ишни»

Кўк турк ёзувидаги матнни ўқиш учун бошлаб сўзларнинг чегарасини, сўз қайси ҳарф билан тугашию кейинги сўзнинг биринчи ҳарфини аниқлаб олиш керак бўлади. Кўк турк ёзувининг туркий сингармонизм қонунига бўйсунганлиги, унлилар тизимидаги олд ва орқа қатор товушларни, ундошларнинг йўғон ва ингичка вариантларини билдирувчи ҳарфлар матнда сўзлар чегарасини белгилаш учун сигнал бўлиб хизмат қилади.

Ёзувда катта-кичик ҳарф тушунчаси йўқ. Тиниш белгиси сифатида остма-уст қўйилган икки нуқта (:) ишлатилган, холос. Бу белги матнда сўзларни, сўз бирикмалари, баъзан жумлаларни айириб кўрсатишга хизмат қилади. Матнни ўқиганда имкон қадар бу тиниш белгиси асос қилиб олинмагани маъқул. Сабаби, сўз бирикмалари, жумлалар ҳам кўп ўринда бир-бирига қўшиб ёзилаверади.

Сўзларнинг чегарасини аниқлашда ёзув белгиларига кўра, гапларнинг чегарасини аниқлашда эса кўпроқ мантиққа, мазмунга эътибор берилмоғи керак.

Шу ўринда Кул тигин битигидан олинган қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик: ᳚᳚᳚᳚᳚᳚᳚ (К. 30).

Ушбу мисолдаги биринчи ва тўртинчи ҳарф [k] ундошини билдиради. Иккинчи ҳарф -[r], учинчи ҳарф эса -[g]. Бешинчи ҳарфдан ундошларнинг йўғон вариантыни билдирувчи ҳарфлар гуруҳи бошланади. Демак, сўзнинг чегараси ҳам шу ерда. Бу ҳарфлар [b], [o], [lt] ва [f] товушларини билдиради. Ҳарфлар билдирган товушларни аниқлаб олгач, матнни ўқишга чоғланиб кўрайлик. Биринчи сўздаги ундошлар орасига олд қатор, ингичка [ā~e] товушини қўшиб ўқисак, *kergäk* сўзи келиб чиқади. Кейинги сўзимиз *-bolti*, аввалгиси билан биргаликда *kärgäk bolti* деб ўқилади. Бу бирикма қадимги туркий тилда «ўлди, вафот этди» деган маънони англатади.

Бошқа бир мисол:

᳚᳚᳚᳚᳚᳚ :᳚᳚᳚ :᳚᳚᳚᳚᳚᳚ (К. 39)

Бу матннинг транслитерацияси (ҳарфий ўгирмаси) шундай бўлади: *grat'ür'gs' : bodn : uyibolms*. Қўш нуқтагача бўлган ҳарфлар гуруҳи икки сўздан иборат. Сабаби, биринчи учта ҳарф йўғон вариантли, кейингилари ингичка вариантли белгилардан тузилган. Матнни қоидага солиб

ўқисак, *Qara türgäs bodun yağı bolmıš* жумласи келиб чиқади. Маъноси: «Қора тургаш халқ ёв бўлибди».

Ўрганганларимизни яна бир мисол билан пишиқлаб оламиз:

(К.11) ۱۰ن۴۴ :ن۴ :۱۰۴۴۹۱۱۱۱ :۱۰ن۴۱۱

Бунинг транслитерацияси: *qatqun : y'it'y'gr'mi : r'n' : tšqms'.*

Ўқилиши: *qatim qayan üti yigirmi ärin tašqmıs.*

Мазмуни: «Отам хоқон ўн етти эр билан (шаҳардан) ташга чиқиб кетибди».

УЙҒУР ЁЗУВИ

Туркий халқлар ўтмишда кенг қўллаган алифболардан бири уйғур ёзувидир.

Ҳозир фанда «уйғур ёзуви», «уйғур хати» деб аталаётган ёзувни Маҳмуд Кошғарий «туркийлар ёзуви» (*kitābatu-t-turkiyya* ҳамда *xaṭṭu-t-turkiyya*) деган. У ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий халқларнинг ушбу миллий ёзуви тўғрисида кенг маълумот бериб, унинг алифбосини ҳам келтирган (ДЛТ, 16 – 17). Олимнинг туркий ёзув ҳақидаги маълумоти ва унинг алифбоси ўта муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишдан бундан бошқа ҳам уйғур алифболари етиб келган. Лекин уларнинг ҳеч бири Кошғарий алифбосига ва у келтирган маълумотга тенглаша олмайди.

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, уйғур алифбосида ҳарфлар сони ўн саккизта. Муаллиф алифбода ҳарфларнинг бош шаклини кўрсатиб, тагида араб ҳарфлари билан уларнинг ўқилишини (транслитерациясини) беради (ДЛТ, 16).

Муаллифнинг ёзишига қараганда, «Барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, *Kāšyar* дан Юқори Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган» (ДЛТ, 17).

Манбаларда уйғур хатининг *türkčä xaṭ* деган оти ҳам бор. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган мактубида хатларнинг ўқиш учун қулай ё қийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб уйғур хатини ҳам эслайди; уни *türkčä xaṭ* дея тилга олади. Навоий ёзади: *Yuna ul-kim, har türlüg 'arzađāšt-kim, yuqari bitilsä, nasxta'liq xaṭi bilä andaḡ xānā bitilsä-kim, oqurda oqur kišigä tašviš tegmäsä, türkčä xaṭ bilä xud aslä bitilmäsäki, bu bābda daḡi qavle bar* (Mun. 794a,3 – 4).

Ушбу туркий ёзув ёзма манбаларда «уйғур хати» деб ҳам аталган. Жумладан, форсча манбаларда у *xaṭṭ-i uyuūri* дея қайд этилган.

Арабча манбаларда арабий изофа билан *xaṭṭu-l-uyuūriyya* дейилган. Машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажоибу-л-мақдур фи навоиби

Таймур» деб аталган китобида уни «уйғур хати» дея тилга олган ва бу ёзувнинг тарихи тўғрисида яхши маълумот келтирган (Қоҳира миллий кутубхонасида сақланаётган 3543-қўрсаткичли қўлёзма, 186а - 187а-бетлар).

Ҳозирда «уйғур хати» деб аталаётган эски туркий ёзув ўтмишда «мў-фул хати» (*xatṭu-l-moʻūliyya*) номи билан ҳам аталган.

Ёзма ёдгорликлари. Уйғур ёзувида битилган туркий ёдгорликларни замони ва маданий муҳитига кўра қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

- (1) Тангриканлик инончи давридан қолган битиглар;
- (2) Буддизм муҳотида яратилган битиглар;
- (3) Монийлик муҳотида яратилган битиглар;
- (4) Насронийлик муҳотида яратилган битиглар;
- (5) Ислом муҳотида яратилган битиглар.

«Ўғузхоқон» достонининг энг эски варианты тангриканлик инончи давридан қолган. Асарнинг ушбу варианты уйғур хатида битилган.

Уйғур ёзувининг кенг оммалашуви туркий халқлар томонидан буддизм динининг қабул қилиниши ва унинг ёйилиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам буддизм муҳотида яратилган асарлар ниҳоятда кўп. Исломга қадар яратилган ёдгорликлар ичида ҳам буддизм даврига тегишлилари салмоқли ўринни эгаллайди. Бунга «Майтри симит нўм битиг», «Олтун тусли ёруғ», «Сюань-цзан кечмиши» ва бошқа кўплаб будда ёдгорликларини мисол келтириш мумкин.

Монийлик муҳотида яратилган «Хуастуанифт»нинг Санкт-Петербург нухаси, Тангрига, Монийга бағишланган алқовлар ва бошқа шеърый узиндилар маълум.

Насронийлик муҳотида яратилган битиглар унчалик кўп эмас. Бири «Топинувчиларнинг дуолари» деб аталади.

Х юзйилликда Қорахонийлар давлатида ислом расман қабул қилинди. Шу чоғлардан туркий муҳитга араб ёзуви ҳам ўзлаша бошлади. Лекин араб хати эски уйғур ёзуви ўрнини бутунлай эгаллаб олгани йўқ. Турк-ислом оламида XV юзйилликнинг охирларига қадар уйғур ва араб ёзувлари ёнма-ён ишлатилди. Шунинг учун ҳам бу даврларда яратилган асарларнинг қўлёзма нусхалари икки хил ёзувда. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома» асарлари ва бошқа ёдгорликларнинг ҳам уйғур, ҳам араб ёзувли қўлёзмалари бор. Баъзи бир асарларнинг эса фақат уйғур ёзувли нусхалари сақланган, холос.

Муҳим жиҳати, темурийлар даври ёзув маданиятида ўтмиш анъаналарига, ота-боболардан қолган ёзувларга эътибор катта эди. Темурийлар давлатида тарихнавислик, бадиий адабиёт, таълим ва фан соҳаси, давлат девонхоналари ва ҳўжалик ишларида, расмий-дипломатик муносабатларда икки хил ёзув – эски уйғур ва араб алифболари ишлатилган.

Туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида XIV – XV юзйилликлар қадимги туркий ёзувдан араб хатига ўтиш даври саналади. Шунга қарамай, бадиий адабиёт, тарихнависликда, шу қаторда давлат ҳужжатчилиги ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда уйғур хатининг мавқеи юқори эди. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнгги бор қўллаган ҳам темурийлардир. Темурбек ўз салтанатининг расмий ишларида, ички ҳамда ташқи дипломатик муносабатларда, бадиий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида ота-боболардан мерос қолган уйғур хатининг кенг амал қилишига хайрихоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма адабий тилининг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш юритувчи расмий ёзувига айланди. Уйғур хати араб хати билан баробар Темурийлар давлатининг расмий ёзуви эди.

Олтин ўрда ҳамда Темурийлар давлатида уйғур хатининг кенг амал қилганлиги тарих китобларида ҳам қайд этиб ўтилган. Машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажойбу-л-мақдур фи навоиби Таймур» деб аталган китобида уйғур хатининг тарихи тўғрисида яхши маълумот берган. Тарихчи ёзади: «Улар [чиғатойликлар – Қ.С.] ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайдди, чунки бу [ёзув] уларда ризқ очқичидир» (Рустамов 1976, 39 – 42).

Ибн Арабшоҳ ушбу маълумотида «Улар ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, битим ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар» деганда давлат ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда, тарихнависликда уйғур хатининг мавқеи юқори эканини кўзда тутган.

Уйғур хати Темурийлар давлатининг расмий ёзуви ҳам эди. Темурийлар ўз ёрлиқларини, расмий ҳужжатларини, ҳатто чет элларга юбориладиган хатларини ҳам уйғур ёзувида битганлар. Уйғур хати девон ишларида, расмий-дипломатик ёзишмаларда кенг ишлатилган. Темурбек ўз ёрлиқларини, қўшни элларнинг ҳукмдорларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айни ёзувда. Темурбекнинг ўлиmidан кейин Шоҳрух ва Мирзо Улуғбек, Абу Саид мирзо ва унинг ўғли Умаршайх мирзо ҳам ўз девони-

да, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

Алифбо тизими

Уйғур алифбосида ҳарфлар ўн саккизта. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида уйғур алифбосини келтиради ва ҳар бир белгининг тагида араб ҳарфлари билан уларнинг ўқилишини ҳам беради.

У ёзади: «Туркий тилларда қўлланадиган асосий ҳарфлар сони ўн саккизта. Туркча ёзув (کتابة التركيه) да шулар қўлланилади. Уларнинг ҳаммасини қуйидаги сўзлар қамрайди: اخوك، لف، سمج، نزق، بذر، شتيا

Айриб кўрсатилса, қуйидагича бўлади:

ا	ب	پ	ق	ك	گ	د	د	د
خ	ز	ح	ج	ح	ح	ح	ح	ح
ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح
ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح	ح

Арабчада бу ҳарфларнинг тенгдош сираси ا ب ت ث сингаридир (ДЛТ, 16).

Алифбо таркибидаги ҳарфларнинг кўпвазифалилик хусусияти ҳақида Маҳмуд Кошғарий алоҳида тўхталган эди. Унинг таъкидлашича, туркий тилдаги етти товуш уйғур ёзувида махсус белгисига эга эмас. Бу тўғрида у ёзади: «Бу асосий ҳарфлардан бошқа талаффуздагина (ёзувда эмас) ифодаланувчи яна еттита ҳарф борки, туркий сўзлар бу ҳарфларсиз ишлатилмайди. Булар жарангсиз *pā* (яъни [p]) ҳарфи, арабча *jīm* ҳарфи – арабча *jīm* (бу луғатда, яъни туркчада) кам қўлланилади, *zā* билан *ḡīm* оралиғида талаффуз этиладиган *zā* ҳарфи (яъни [ʒ]); арабча *fā* (яъни [w]) ҳарфи; нуқтали *ḡaun* ҳарфи; *qāf* билан *kāf* ҳарфлари оралиғида талаффуз этиладиган жарангли *kāf* (яъни [g]), *kāfu-l-ḡunna* билан *ḡaun* оралиғида ҳамда *qāf* билан *nīn* оралиғида талаффуз этиладиган *nk* (яъни [ŋ]) ҳарфларидир.

Бу ҳарфларни талаффуз қилишда турклардан бошқалар қийналадилар. Бу ҳарфлар ўша юқоридаги ҳарфлардек ёзилади, тепасига нуқта қўйилиб айрилади» (ДЛТ, 16).

Кошғарийнинг ушбу маълумотига кўра, уйғур ёзувида қуйидаги товушлар бир хил ҳарфлар орқали ифода этилганлиги аён бўлади: *k - g, x - γ, č - j - ž, w - f*. Сонор *η* эса ёзувда икки ҳарф (*ɣ n+k*) билан берилган.

Алифбода ҳарфлар сони оз бўлишига қарамай, уйғур ёзувининг имло принциплари пухта ишланган эди. Қатор ҳарфларга бир эмас, бир қанча товушни ифодалаш вазифаси юклатилган. Айниқса, ёзувнинг кейинги босқичида (XI – XV юзйилликларнинг ёдгорликларида) баъзи товушларни айириб кўрсатиш учун қўшимча нуқта ва ишоратлардан унумли фойдаланилган. Пухта имло ва қўшимча график воситалар ёзувнинг имкониятлари кенг эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам уйғур хати юзйилликлар оша туркий тилнинг фонетик талабларини тўла қондириб келди.

Алифбодаги ҳарфларнинг оти ҳам бор. Уларнинг оти ҳар қайси ҳарф ифодалаган товушга *fatha* қўшиб ҳосил қилинган: *a, wa, xa, va, za, qa, ya, kā, ḍa, ṭa, na, sa, ba, ča, ra, ša, ta, la*. Бу кетма-кетлик қатъий алифбо тартибидадир.

Ёдлашни қулайлаштириш истагида алифбо ҳарфлари тартиб билан учта-учтадан бирлаштирилиб, *awaḡa, vazaqa, yakāḍa, manasa, bačara, šatala* тарзида ўқилган.

Уйғур алифбосидаги ҳарфлардан учтаси ўрни билан унлиларни ифодалашга хизмат қилган: ▲ <a> ҳарфи [a] – [ä~e] унлиларини, [y] ундошини ифодаловчи ▲ <ya> ҳарфи [i] – [i~e] ни, ● <va> ҳарфи эса [u] – [ü] – [o] – [ō] унлиларини англатади.

Муҳими шундаки, уйғур ёзувида ингичка унлилар ҳам фарқланган: сўз бошида ингичка [ä] унлиси битта *alif* билан, йўғон [a] унлисини ифодалаш учун эса *alif* қўшалок шаклда ёзилган. Шунингдек, сўз боши ва биринчи бўғинда келувчи [ü] ва [ō] унлилари *alif yā* билан берилган.

Ёзувнинг бу хусусияти оромий алифбосини (ҳар қалай, суғд хати бўлиши керак) туркчалаштириш жараёнида вужудга келган эди. Чунончи, суғдча ёзувда чўзиқ [a:] товуши қисқа [a] дан қўшалок *alif* орқали ёзилиши билан фарқланган. Турклар суғд хатини ўзлаштириш чоғида унинг баъзи принципларини ўз тилларига мослаштириб олганлар. Суғд хатида чўзиқликни англатувчи график белгилар уйғур ёзувида чўзиқ-қисқаликни эмас, туркий тил учун муҳимроқ бўлган олд ва орқа қатор унлиларини фарқлашга хизмат қила бошлади.

Турфондан топилган қадимги будда, моний матнларида сўз бошида қўшалок ▲ <aa> ҳарфи орқа қатор [a] ни, оддий ▲ <a> эса олд қатор [ä(~e)] унлисини ифодалаган. Кейинчалик орқа қатор [a] товуши учун ҳам оддий ▲ <a> ҳарфидан фойдаланиладиган бўлди.

Уйғур ёзувли матннинг қулайлиги шундаки, сўзнинг биринчи бўғинида (сўз боши ва сўз ичида) ингичка [ɔ] – [ü] унлилари йўғон [o] – [u] унлиларидан ёзувда фарқланади: сўз бошида *alif* ли *va* дан кейин *ya* ҳарфи уланади (ا); сўз ичида эса *va* га *ya* уланади (ا).

Сўз бошидагисининг мисоли: *öz* – «ўз; ўзлик олмоши» (QBN. 7b,14); *özlä* – «ўзига ол-, ўзлаштир-» (QBN. 3a,5); *öküş* – «кўп, талай» (QBN. 4b,1).

Сўз ичидагисининг мисоли: *söz* – «сўз» (QBN. 9a,13); *tört eş* – «тўрт саҳоба» (QBN. 7a,13); *Küntuydi* – «Кунтуғди» (QBN. 11b,9).

Уйғур хатида чўзиқликни ифодалаш учун баъзан ҳарфларни қўшалок ёзиш ҳоллари кузатилади. Масалан: *ular quuş* – «уларқуш»; нар каклик (QBN.7b,9); *uul* – «асос» (YugA. 81,3), *yool* – «йўл» (YugA. 94,4).

Уйғур алифбосидаги ҳарфларнинг деярли бари полифоник хусусиятга эга. Бунинг сабаби алифбонинг ихчам бир шаклда тузилганлигида. Туркий халқлар ўтмишда фойдаланган алифболарнинг энг ихчами ҳам уйғур алифбоси эди. Унинг имло принциплари жуда ўйлаб ишлаб чиқилган. Ўтмиш ёзув амалиётининг тажрибаси шуни кўрсатадики, ёзувнинг қулай ё ўнғайсизлиги, тилнинг фонетик-фонологик тизимига қай даража жавоб берганлиги алифбодаги ҳарфларнинг озқўплигига эмас, балки имло қоидаларининг қандай тузилганлигига боғлиқ экан.

Шу ўринда алифбодаги айрим ҳарфларнинг вазифаси тўғрисида сўз юритамиз. Бошлаб уйғур алифбосида сирада иккинчи турувчи *wa* ҳарфининг вазифаси тўғрисида. Бу ҳарф лаб-тиш [w] ҳамда лаб-лаб [v] товушларини ифода этган. Маҳмуд Кошғарий ўзи келтирган алифбода ҳар қайси белгининг ўқилишини келтирар экан, уни араб алифбосидаги *ف* ҳарфи билан изоҳлаган (ДЛТ, 16). Бу билан у *ف* [w] ни кўзда туттади. Яна бир томони, унинг ушбу изоҳидан туркий сўзларда *ف* [w] нинг *v* [v] га қараганда устун эканлигини англаса бўлади.

Энди уйғур алифбосидаги тўққизинчи – *ɖ* <da> ҳарфининг вазифаси тўғрисида. Алифбодаги ушбу ҳарф [d] ҳамда [t] ундошларини ифода этган. Шунингдек, XI – XIV асрларнинг араб ёзувли туркий матнларида тишора *ɖ* [ɖ] ундоши билан қўлланган сўзлар ҳам уйғур ёзувли матнларда ана шу ҳарф билан ёзилади.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирган уйғур алифбосида тўққизинчи ҳарфнинг остига арабча *ɖ* ҳарфини қўйиб, унинг тишора [ɖ] товушини ифода этганлигига ишора қилади. Алифбода *ɖ* [d] ни билдирувчи ҳарф кўрсатилмаган. Бироқ, таъкидлаш керак, асарда *ɖ* [d] билан келувчи сўзлар ҳам анчагина.

Ҳар қайси ҳолда ҳам алифбода δ [δ] ни англатишига ишора этилган тўққизинчи ҳарф ўша даврнинг уйғур ёзувли матнларида [d~δ] функциясини бажарганлиги аниқ. Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу ҳарф δ [δ] товушини англатган деб изоҳлагани бежиз эмас. У алифбода δ [d] ни эмас, фақат δ [δ] ни кўрсатганлигининг сабаби ҳар иккисига вариант сифатида қараганлигидан бўлса керак.

Уйғур алифбосидаги <da> ҳарфининг вазифасини аниқлашда «Ҳибату-л-ҳақойиқ» уйғур ёзувли А нухасининг ёзув хусусиятлари қўл келади. Эътиборлиси, уйғур ёзувли ушбу қўлёзмада «шундай ўқилсин» деган ишора остида араб алифбосидаги ҳарфлардан фойдаланилган. Масалан: матнда **كەدیم** *kedim* сўзидаги <d> ҳарфининг остига δ белгисини қўйиб, ушбу сўзни тишора [δ] ундоши билан *kedim* шаклида ўқишга ишора этилган (YugA. 43,6). Бошқа мисоллар ҳам шундай: **قۇدې** *qudī* (*qudī*) – «қуйи» (66.1), **ەدگۈ** *edgü* (*edgü*) – «яхши» (91.2), **ادىن** *adīn* (*adīn*) – «бегона» (113.1).

Баъзи ўринларда уйғур ёзувли матндаги <z> ҳарфининг остига ҳам δ белгиси қўйиб кетилган. Шундай ишора бўлган экан, энди бу ҳарфни ҳам [δ] деб ўқиш лозим бўлади: **بوزون** *bozun* (*bodun*) – «халқ» (YugA. 102,2), **قازغۇ** *qazgü* (*qadü*) – «қайғу, алам» (YugA. 103,2).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг В нухасида [δ] товуши ҳатто <t> ҳарфи билан ҳам берилган: **كەت** *ket* (*ked*) – «жуда» (YugB. 39,5).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг араб ёзувли В ва С қўлёзмаларида δ ҳарфи йўқ, ўрнига δ ёки δ ҳарфлари ишлатилган. Муҳими шундаки, В ва С қўлёзмаларида [d] ёки [y] билан ишлатилган сўзлар асарнинг араб ёзувли Н қўлёзмасида [δ] билан келади; бу товуш матнда δ ҳарфи билан ифодаланган: **ەدگۈ** *edgü* – «эзгу» (YugH. 24b,6); **ايدى** *edī* – «эга; худо» (YugH. 15a,8); **ايد** *iδ* – «юбор-» (YugH. 11a,3); **قۇدې** *qudī* – «қуйи» (YugH. 14a,5) ва б.

Муҳим бир далилга эътибор қаратайлик. «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган (В) нухасида [δ] товуши махсус ҳарф билан берилган: **ەدگۈ** *edgü* – «эзгу, яхши» (15b,2), **بوزون** *bodun* – «халқ» (14a,14), **اۈد** *öd* – «вақт» (20b,5), **اۈد** *ud* – «хўкиз» (42a,4). Асарнинг уйғур ёзувли Ҳирот нухасида бу сўзлар <d> ҳарфи билан ёзилган. Шу ўринда Наманган нухасининг ёзув хусусиятларини эътиборда тутадиган бўлсак, уйғур ёзувли матндаги <d> ҳарфи тишора [δ] товушини ифода этгани аён бўлади: *edgü* (*edgü*) – «эзгу» (9b,21), *kedīn* (*kedīn*) – «кейин» (29a,19), *qudī* (*qudī*) – «қуйи» (8a,32), *adaγ* (*adaγ*) – «оёқ» (12a,5), *Ud* (*Uδ*) – юлдузнинг оти (8b,9).

Шу сингари «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли А нухасида *kedgülik* (яъни «кийгулик») сўзининг остига ҳам δ ҳарфи қўйиб кетилган: *kedgülik* (ўқилиши: *kedgülik*) (YugA. 44.4). Мисоллардан англашила-

дики, уйғур алифбосидаги <d> ҳарфи [d] ва [t] товушларидан ташқари тишора [ð] товушини ҳам ифода этган.

Туркий ёзма ёдгорликларда сирғалувчи ڭ [ʒ] товуши ҳам қўлланган. Маҳмуд Кошғарий бун мураккаб артикуляцияга эга бўлган («икки махраж орасида талаффуз қилинадиган») товуш деб таърифлайди (ДЛТ, 160).

Уйғур ёзувли қадимги турфон матнларида сирғалувчи [ʒ] товуши <z> ҳарфининг остига икки нуқта қўйиб ифода этилган (ا). Масалан, «Сюань-цзан кечмиши» асарида: **حیض** *ažun* – «дунё» (СЦ. V. 71, 4), **حیض** *üžik* – «харф, ёзув» (СЦ. V. 17, 23).

Сирғалувчи [ʒ] товуши араб хатида ڭ ҳарфи билан ифода этилган. Масалан, QBQ да: **اژون** *ažun* – «дунё» (16.7), **اراز** *eräž* – «роҳат, фароғат» (285.2).

Маҳмуд Кошғарий куйидаги сўзларни сирғалувчи ڭ [ʒ] билан келтирган (ДЛТ бўйича): **اژن** *ažun* – «дунё» (43), **اغز** *aγuz* – «оғиз, оғиз сути» (36), **ارژو** *aržu* – «шоқол, чиябўри дейилган йиртқич бир ҳайвон» (64), **اوزما** *užma* – «тут дарахти» (65), **تازک** *täžik* – «тожик; форс» (156); **بژن** *buzin* – бир хил ўт, ўсимлик (160).

«Кутадғу билиг»нинг араб ёзувли қўлёзмаларида ڭ ҳарфи билан ифода этилган [ʒ] товуши асарнинг уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмасида <č> ҳарфи билан ифода этилган. Асарнинг араб ёзувидаги нусхалари назарда тутилса, бу сўздаги <č> ҳарфи сирғалувчи [ʒ] ни англаганлиги аён бўлади: *ačun (ažun)* (QBN. 7a,17) [асарнинг араб ёзувли қўлёзмаларида: **اژون** (QBN. 9b,10)].

Қадимги турфон битигларида икки нуқтали <z> билан ёзилган *ažun* сўзи «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли нусхаларида <č> ҳарфи билан **حیض** *ačun* шаклида ёзилган (YugA. 14,6; 15,4). «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур хатида ёзилиб, остида араб ҳарфлари билан изоҳлаб чиқилган *B* нусхасида муҳим бир ёзув хусусиятини кузатамиз. Унда уйғур ёзувли матндаги *ačun* сўзи остма-ост берилган араб ёзувли матнда бир ўринда **اژون** *ažun* (19,2; 22,4), бошқа бир ерда эса **اجون** *ačun* деб изоҳланган (23,4; 47,7). Асарнинг араб ёзувли *C* нусхасида ҳам мазкур сўз бир ерда ڭ билан *ažun* ёзилса (18,2; 21,4), бошқа бир ерда **ج** билан *ačun* ёзилган (8,1). Демак, бу сўз асарда *ažun~ačun* шаклларида қўлланган. Шунга биноан, асарнинг уйғур ёзувли нусхаларида **ч** <č> ҳарфи сирғалувчи [ʒ], ўрни билан жарангсиз [č] товушини ифода этганлиги аён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Маҳмуд Кошғарий келтирган ўн саккиз ҳарфли алифбо (ДЛТ, 16) асосида тизимлаштирилса, ҳарфларнинг вазифалари куйидагича эканлиги аён бўлади:

- ▲ <a> ҳарфи [a], [ā~e]; ўзлашган сўзлардаги [h], [ħ];
- ▲ <w> ҳарфи [v~w], ўзлашган сўзлардаги [f];
- <x> ҳарфи [x], [χ], ўзлашган сўзлардаги [h], [ħ];
- <v> ҳарфи [o], [ō], [u], [ū];
- ▲ <z> ҳарфи [z], [s], [ž];
- <q> ҳарфи [q], [γ], ўзлашган сўзлардаги [h], [ħ];
- ▲ <y> ҳарфи [y]; [i], [i], [~e];
- <k> ҳарфи [k], [g];
- ▲ <d> ҳарфи [d~δ], [t];
- ▲ <m> ҳарфи [m];
- <n> ҳарфи [n];
- ▼ <s> ҳарфи [s], [z], турфон матнларида баъзан [ž];
- ҳарфи [b], [p];
- ▲ <č> ҳарфи [č], [j], [ž];
- × <r> ҳарфи [r];
- ▼ <š> ҳарфи [š];
- <t> ҳарфи [t], [d~δ];
- ▲ <l> ҳарфи [l] фонемасини ифода этади.

Уйғур ёзувининг имло принциплари

Уйғур ёзувининг ўзига яраша белгиларидан бири – унда унлилар араб хати сингари ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар билан изчил ифода этилади. Маҳмуд Кошғарий *kelin* сўзининг маъноси ва ёзилишига тўхта-ла туриб ёзувнинг бу хусусияти тўғрисида шундай ёзган эди:

كَلِين *kelin* – «келин». Ўрта ҳарфи *fatha* ли бу хил сўзлар, аслида, *alif* билан қўшиб ёзилиши керак эди. «Туя товони» маъносида келган تَيْن تَارَان *tarān* каби сўзларда ҳам икки *alif* (яъни [a]) ёзилиши керак эди. Бу ҳолда сўз ўзагида арабча ёзувда бўлмаган икки *alif* (яъни [a]) орттирилган бўлади: تَابَان صوم; шунингдек, تۈپۈن *tüpün* каби ўртаси *ẓamma* ли сўзларда икки *vāv* (яъни [u]) шакли орттириб ёзилиши қоидадир: تۈپۈن صوم *tüpün* каби. Шунингдек, كَلِين *kelin* сўзида бир *uā* [i] орттириб ёзилади: كَالِين *kalīn* каби. Биз кўрсатмаган бошқа сўзларда ҳам аҳвол шу. Бу сўзларда орттириб, қисқартириб қўллаш мумкин... Чўзиб ва қисқартиб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди. Лекин орттириб ёзиш мумкин бўлганидай, қисқартириш ҳам янглиш эмасдир. Балки қисқартириш мувофиқ (ДЛТ, 162).

Уйғур хатининг яна бир ютуғи – матндаги сўзлар унинг талаффузига мослаб ёзилган. Масалан, Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк»да келтирилган харитасида Хоразм номини خوارزم *Xvārazm* деб беради (қа-

ранг: ДЛТ, 192-бетдан кейинги рангли харита). Араб ёзувли бошқа манбаларда ҳам ушбу топонимнинг ёзилиши ана шундай.

Шунга яна бир мисол. Араб ёзувли қўлёзма манбаларда «Муҳаббатнома» асарининг муаллифи *vāv*-у *alif* билан *وارزمى* *Xvārazmī* шаклида ёзилган (қаранг: ЛЛ. 157b,2).

Лекин бу сўзни ана шундай шаклда талаффуз этилган дея олмаймиз. Ҳар қалай, мазкур сўзнинг имлосида график принцип сақланган кўрилади.

Сўзнинг туркий талаффузини асарнинг бошқа бир нусхаси – уйғур ёзувли матнида кузатамиз. Чунончи, уйғур ёзувли матнда ушбу тахаллус *Xorazmī* шаклида ёзилган. Уйғур хатидаги матн сўзнинг талаффузини акс эттирганини кўзда тутсак, шоирнинг тахаллуси ҳозир биз қўллаётганимиздек *Хоразмий* эмас, балки *Xorazmī* шаклида талаффуз этилгани аён бўлади. Демак, жой оти ҳам қадимда *Xorazm* дейилган. Англашиладики, араб ёзувли матнларда айрим ўзлашган сўзларга нисбатан ёзув принципи амал қилган бўлса, уйғур ёзувли матнларда ушбу сўзлар талаффузга мослаб битилган.

Ёки бунга чоғиштиринг: *خجندی* *Xujandī* – «Латофатнома» асарининг муаллифи (ЛЛ. 157b,2).

Шунингдек, «Муҳаббатнома»нинг араб ёзувли қўлёзмасидаги *خواجه* *xvāja* сўзи асарнинг уйғур ёзувли қўлёзмасида *хожа* шаклида ёзилган: *Miḥammad hoja beg*.

Арабий изофадаги *al-* кўрсаткичи араб ёзувида битилган туркий манбаларда *al-* шаклида ёзилса, уйғур ёзувли матнларда талаффузга мос ҳолда *ul-* шаклида берилади. Масалан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарининг *A* қўлёзмаси «*Atabatu-l-ḥaqāyiq kitābi*» деган сарлавҳа билан бошланган (қаранг: Арат 1992, II). Сарлавҳадаги *'ataba* «остона», *'atabat* эса унинг кўплигидир; *ḥaqāyiq* «ҳақиқатлар» дегани; *kitāb* сўзи бу ўринда «бадий асар» англамидадир. Шунга кўра, «*Atabatu-l-ḥaqāyiq kitābi*» «Ҳақиқатларнинг остоналари китоби», поэтик маънода эса «Ҳақиқатларнинг остоналари, бошланиши», яъни «Ҳақиқатлар муқаддимаси», «Ҳақиқатлар қопқасини очғучи асар» тушунчасини беради.

Асарнинг бошқа бир оти – «*Hibatu-l-ḥaqāyiq*». В ва С қўлёзма нусхаларда асар ана шундай аталган, маъноси «Ҳақиқатлар тортиғи», «Ҳақиқатлар туҳфаси» дегани.

Асарнинг оти қўлёзма китобга илова қилинган Амир Арслон Хўжа тархоннинг шеърида ҳам келтирилади. Бироқ у ерда у туркий талаффузга мослаштирилиб *هَيْبَتُ اَوْلِ حَقَائِقِ* деб ёзилган (YugC. 48, 2 – 3). Бундай ҳол матнчилик амалиётида учраб туради.

Одатда, изофали бирикмалар арабча матнларда қандай ёзилган бўлса, араб ёзувида битилган туркий матнларда ҳам ўшандай ёзилар эди.

Муҳими шундаки, биз сўз юритаётган матнлар, аслида, уйғур ёзувли қўлёзмалардан кўчирилган. Уйғур хатининг имлосига кўра, ўзлашган сўзлар ва изофали бирикмалар туркий талаффузга мослаб ёзилар эди. Бу матнларда ҳам, ҳар қалай, уйғур ёзувининг таъсири сезилмоқда. Матнларни араб ёзувиغا ўгириш чоғида котиблар арабий изофаларни ҳам туркий талаффузга мослаштириб юборган, чоғи.

Амир Арслон Хожа тархоннинг шеъри асарнинг *A* ҳамда *B* нусхаларида ҳам бор. Қизиғи шундаки, уларда асарнинг оти ҳам икки хил келтирилади: *A* нусхада сарлавҳадаги сингари «*ʿAtabatu-l-ḥaqāʾiyiq*» (YugA. 119, 4 – 5), уйғур ёзувида ёзилиб, ўқилиши тағма-тағ араб хатида берилган *B* нусхада эса «*Hībatu-l-ḥaqāʾiyiq*» (YugB. 52, 7 – 8). Яна бир жиҳати, *B* нусхада уйғур ёзувидагиси билан арабийсининг имлоси икки хил: уйғур хатидагиси туркий талаффузга мослаштирилиб «*Hībatu-l-ḥaqāʾiyiq*», тагидагиси эса *هبة الحقایق* шаклида ёзилган.

Кўринадики, бу ўринда уйғур ёзувли матннинг таъсири бор. Ушбу нусха уйғур хатидан араб ёзувиغا ўгириляётганда котиб беихтиёр уйғур ёзувли матндаги шаклига амал қилган.

Яна бир муҳим хусусият. Форс тилидан ўтиб келган ёйи нисба кўрсаткичи ҳозирги ўзбек адабий тилида *-ий* шаклида қабул қилинган. *Навоий*, *Лутфий* тахаллуслари ҳозирги ўзбек адабий-орфографик қоидасига кўра *-ий* билан ёзилади ва талаффузи ҳам шунга олиб борилади.

Уйғур ёзувли матнларда ёйи нисбанинг ҳам талаффузи аниқ берилди. Ёйи нисба ёзма ёдгорликлар тилида шундай талаффуз этилган: агар сўз ундош билан тугаган бўлса, ёйи нисба ёзувда *уа* ҳарфи билан ифода этилиб, [f] сифатида ўқилган: *Yūgnākī, Javharī, Luṭfī, Sak(k)ākī*.

Агар сўз унли билан тугаса, *у* ҳолда ёйи нисба кетма-кет иккита *уā* ҳарфи билан ёзилган. Энди бунни, қоидага кўра, *-уī* деб ўқиймиз: *Navāyī* [араб ёзувли матнларда ушбу тахаллус *نوايي* шаклида ёзилган ва бу ҳам *Navāyī* деб ўқилади]. Кўринадики, ҳозир биз *Лутфий*, *Навоий*, *Атойи* шаклида қўллаётган тахаллуслар туркий ёзма ёдгорликлар тилида ҳозирги адабий тилимиздагидек эмас, балки жонли оғзаки тилдаги сингари *Luṭfī, Navāyī, Atayī* шаклида талаффуз этилган.

МОНИЙ ЁЗУВИ

Милодий 247 йили Бобилда Моний бошчилигида янги диний оқимга асос солинди ва ўша кезлардан Суриянинг Палмира шаҳрида қўлланган ёзув шакли негизида тузилган моний ёзуви ишлатила бошлади. Кейин-

чалик ушбу ёзув моний дини билан бирга Ўрта ва Марказий Осиёга ҳам кириб келди. Ушбу тупроқда моний хатини монийликни қабул қилган турк ва суғд жамоалари ишлатган. VII юзйилликка келиб монийлик уйғур хоқонлигининг давлат дини сифатида амал қилган чоғларда бу ёзув турклар орасида кенг ёйилди.

Одатда, турк-моний жамоаларида диний асарлар кўпроқ моний хатида битилар эди. Бизгача моний хатида битилган туркий ёдгорликлардан сақланиб қолган. Туркий матнлар ичида моний диний мазмунидаги шеърлар бор. Шунингдек, монийчилар тавбаномаси «Хуастуанифт»нинг айрим қўлёзма нусхалари моний хатида. Жумладан, асарнинг Британия музейида сақланаётган нусхаси, Берлин фондида сақланаётган Т.Н.Д.178; ТМ303(М153); ТМ183; М172; М443 рақамли узиндилар моний алифбосидадир.

БРАХМИ ЁЗУВИ

Брахми хати бўғин ёзуви бўлиб, қадимги санскритча алифбо негизида шаклланган. Турон юртига буддизм таъсирида кириб келган. Брахми хатини фақат турк-будда жамоаларигина қўллади, қолганлар ўз ёзувида қолаверди. Шуниси борки, буддизмни қабул қилган турклар ўзининг миллий ёзувидан ҳам кечгани йўқ. Улар ўз тилларига ўтирилган будда асарлари учун уйғур ёзувидан ҳам фойдаланган. Бунинг сабаби, туркий халқлар учун бўғин ёзувидан кўра ўзларининг фонетик алифболарини қўллаш қулай эди. Шунинг учун ҳам қадимги турклар орасида брахми хати кенг ёйилган эмас. Унинг ёдгорликлари ҳам шунга яраша оз.

СУРЁНИЙ ЁЗУВИ

Сурёний ёзуви араб тилидаги манбаларда *hurūfu-s-suryāni* деб аталган. «Ҳибату-л-ҳақойиқ» С қўлёзмасининг бошланишига араб тилида сурёний ёзуви билан боғлиқ кичик бир қайд ёзиб қўйилибди. Унда «(Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир. Инжил ана шу (сурёний) хатда битилган» деган жумла бор. Ўша жумлада *hurūfu-s-suryāni* атамаси ишлатилган (қаранг: Arat 1992, CXVII).

Милоднинг бошларида Месопотамиянинг шимоли-ғарбида христианлик гуркираган эди. Бу ўлкада оромий алифбоси асосида шаклланган сурёний хати амал қилган. V юзйилликнинг ўрталарида Сурия диндорлари икки мазҳабга бўлиниб қолдилар. Уларнинг настурий мазҳабидагилари ўз юртида таъқиб остида қолгач, Эрондан паноҳ топдилар. Насронийлар бу ерда ўзининг таълимот мактабларини очди. Мана

шу мактаб намояндалари ўз таълимотларини маҳаллий халқ орасига ҳам ёйдилар. Уларнинг миссионерлик ишлари оқибатида настронийлик VII – VIII юзйилликларда Ҳирот, Самарқанд, Қашқар, ҳатто Ҳиндистон билан Ғарбий Хитойга етиб борди. Насронийлик билан бир пайтда бу ўлкаларда сурёний алифбоси ҳам тарқалган. Сурёний хати турк насронийлар орасида ҳам қўлланилган. Бизгача етиб келган насроний мазмунли туркий ёдгорликлар икки – уйғур ва сурёний ёзувларидадир. Турклар орасида сурёний ёзуви чиғатой хонлиги даврида ҳам амал қилган.

Марказий Осиёда насронийликнинг ёйилиши осон кечмади. Жумладан, 762 йили Ўтуқанда Бўғу хоқон бошчилигида монийлик расман қабул қилинган эди. Бунга давлат арбобларидан бўлмиш Баға тархан қаршилик кўрсатди. Бу воқеа Билга хоқон элга эгалик қилган пайтлардаги ҳодисага ўхшаб кетади. Ўша чоғлар Билга хоқон буддизмга ўтишни таклиф қилган, маслаҳатчиси Тўнюқуқ эса бунга қаршилик кўрсатганди. Тўнюқуқнинг айтгани бўлиб, кўп нарса сақлаб қолинди. Лекин Бўғунинг монийликка ўтиш тўғрисидаги ташаббусини ҳеч ким бўға олмади. Шундай эса-да, 780 йили Бўғу хоқонга суиқасд уюштирилиб, ўлдиртириб юборилади. Шундан кейингина бу ўлкаларда буддизм ва насронийликнинг қайта ёйилишига кенг йўл очилди.

Ўрта ва Марказий Осиёда сурёний хатини насронийликни қабул қилган суғдлар ва туркларгина қўлаган, холос. Бошқа диний жамоаларда бу ёзув ишлатилган эмас.

Сурёний хати турк-насонийлар орасида кенг қўлланилган. Бизгача етиб келган насроний мазмунли туркий ёдгорликлар икки хил – уйғур ва сурёний ёзувларидадир. Турклар орасида сурёний ёзуви чиғатой хонлиги даврида ҳам амал қилган.

Кунимизгача насроний турклар яратган ёзма ёдгорликлардан муайян қисми етиб келган. Насроний турклардан қолган мерос ичида қабр ёзувларининг тарихий аҳамияти катта. Мазкур қабртошлар XIII – XIV юзйилликларга тегишли бўлиб, улар Еттисувнинг турли ўлкаларидан – Исикқўлнинг ғарбидан, бир пайтлар чиғатой хонларининг қароргоҳи бўлган қадимги Олмалиқ шаҳри харобаларидан чиққан. Шунингдек, насроний битигтошлари Қашқар, Тўқмоқ атрофларидан ҳам топилган. Ушбу манбалар XIII – XIV юзйилликларда айна ҳудудларда насронийликнинг таъсири катта бўлганидан дололат беради.

Битигларнинг тили туркий. Шунингдек, Еттисув ёдгорликларининг сурёний тилида яратилганлари ҳам бор.

Насроний турклар иш юритиш ҳужжатлари, матнчилик амалиётида уйғур ва сурёний алифболаридан фойдаланган бўлсалар-да, қабр ёзув-

лари учун асосан сурёний хатини қўлладилар. Уларнинг Еттисувдан топилган ёдномалари ҳам ана шу ёзувда.

Насроний қабртошларининг шакли ҳам кўк турк қабртошларининг кўринишидан ажралиб туради. Ёдгорликлар учун юзи ясси тош танланган. Ўртага хоч тасвири туширилиб, гирдига сурёний хатидаги туркий матн ўйиб ёзилган.

Насроний битигларининг матн тузилиши, услуби ҳам кўк турк, уйғур хоқонликлари даври матнларидан фарқ қилиб туради. Турк-насоний эпитафияларининг тузилиши бутунлай ўзига хос. Шунинг учун ҳам насроний муҳотида яратилган ёдномалар қадимги турк эпитафия тузиш анъанасини давом эттирган дея олмаймиз.

АРАБ АЛИФБОСИ НЕГИЗИДАГИ ТУРКИЙ ЁЗУВ

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида араб алифбоси негизидаги туркий ёзувни *al-xaṭṭu-l-'arabiyyu* ҳамда *al-kitābatu-l-'arabiyya* деб атаган эди.

Араб хатининг Ўрта ва Марказий Осиёга ёйилиш тарихи бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда араб хатида битилган энг эски китоблар IX юзйилликка тегишли. Улар араб ва форс тилларида. Араб ёзувида туркий ёдгорликлар эса X юзйилликдан бошлаб кўчирилган. Ундан эскиси топилганича йўқ. Туркий халқлар қорахонийлар давридан эътиборан уйғур хати билан ёнма-ён араб ёзувидан ҳам фойдалана бошлади. Қорахоний ҳукмдорлар зарб эттирган тангалардаги ёзувлар, хонларнинг айрим ёзмалари араб хатида. XI юзйилликдан эътиборан араб хатида йирик асарлар ҳам кўчирила бошлади. Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб «Кутадғу билиг» асарининг Наманган ва Қоҳира қўлёзма нусхалари, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги туркий матнлар, Адиб Аҳмад Югнакий «Ҳибату-л-хақойиқ» асарининг араб ёзувли қўлёзма нусхалари, шунингдек, «Туркий Тафсир» араб хатидаги илк йирик туркий ёдгорликлардандир.

Ўрта асрларда турк-мусулмон давлатларида расмий ҳужжатлар эски уйғур хати билан бир қаторда араб алифбоси негизида шаклланган эски туркий ёзувда ҳам битилган.

Турклар араб алифбосини ўз тилларига мослаб қабул қилган. Шунинг учун ҳам асл араб алифбоси билан туркий тилга мосланган алифбо орасида бир оз фарқ бор.

Араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг имло принциплари пухта ишланган эди. Ёзувда унлиларни ифодалаш учун алифбодаги учта

ҳарф – *alif* (ا), *vāv* (و), *yā* (ي) ҳамда ҳаракатлар, турли ҳарфий ишоратлардан фойдаланилган.

ا ҳарфи орқа қатор, йўғон, кенг, лабланмаган [a], олд қатор, ингичка, кенг, лабланмаган [ā] ҳамда олд қатор, ингичка, кенг [e] унлиларини ифода этади. Айрим ўринларда лабланган унлиларни ҳам билдиради.

و ҳарфи орқа қатор, йўғон, кенг, лабланган [o] ҳамда олд қатор, ингичка, кенг, лабланган [ō], шунингдек, орқа қатор, йўғон, тор, лабланган [u] ҳамда олд қатор, ингичка, тор, лабланган [ū] унлиларини ифода этади.

ي ҳарфи [y] ундошини билдиради, шунингдек, у унлилар учун ҳам ишлатилади. Бундай ҳолларда у орқа қатор, йўғон, тор, лабланмаган [ī] ҳамда олд қатор, ингичка, тор, лабланмаган [i], ўрни билан олд қатор, ингичка [e] унлиларини ифода этади.

Маълумки, уйғур хатида унлилар ёзувда изчил тарзда ифода этилар эди. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида қадимги туркий ёзувнинг ана шу принципини сақлаб қолдилар. Натижада араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар учун *alif*, *vāv*, *yā* ҳарфлари кўпинча тўлиқ ишлатиладиган бўлди.

«Аттуҳфату-з-закийату филлуғати-т-туркийя» асарининг муаллифи араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг имло хусусиятлари тўғрисида шундай ёзади: «Билгилки, турк тилида шакл йўқ. Шакл йўқлиги учун бир қанча аниқсизлик ва хатолар пайдо бўлар эди. Шунинг учун ана шу аниқсизликдан қутулиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар. Яъни *fatḥa* ўрнида *alif*, *kasra* ўрнида *yā*, *ḍamma* ўрнида *vāv* қўллаш бошладилар» (АЗФТ, 10). Бунда муаллиф «турк тилида шакл йўқ» деганда туркий ёзувда товушлар тизимидаги «чўзиқлик» ва «қисқалик»ни бериш муҳим эмаслиги, диакритик белгиларнинг турғун вазифаси йўқлигини кўзда тутган; «ана шу аниқсизликдан қутулиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар» деганда эса, арабий ё форсий матнлардан фарқли ўлароқ, туркий сўзларни ёзишда матнда унлиларни ҳарфларда тўлиқ бериш қоидаси жорий этилганини кўзда туттади.

Араб ёзувли туркий матнларда [a] нинг чўзиқлигини ифодалаш учун қўшалок *alif* ҳарфидан фойдаланилган. Масалан, «Девону луғати-т-турк»да: *ا* *a:ḥ* – «оч, суқ», *ا* *aš* – «ош, овқат», *ا* *a:l* – «ҳийла», *ا* *a:w* – «ов» (қаранг: ДЛТ, 44 – 46).

Туркий матнларда ب ҳарфи жарангли [b] ва жарангсиз [p] ундошларини ифодалайди. Айрим ўринларда жарангсиз [p] ни фарқлаш учун پ ҳарфидан ҳам фойдаланилган: *پند* *pand*, *پول* *pul* сингари.

ك ҳарфи жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошларини ифодалайди. Баъзи ҳолларда жарангли [g] ни жарангсиз [k] дан фарқлаш мақсадида

kāf нинг устига уч нуқта қўйилган: *سوزوم گا sōzūmgā* – «сўзимга» (YugC. 9,1); *كۆرگۈلۈك körgülüg* – «кўргулик» (YugC. 10,3); *مېنىگىز meniz* – «юз» (YugC. 10,6).

چ ҳарфи [č] ва [j] товушларини ифодалайди. Айрим ўринларда жарангсиз [č] ни фарқлаш мақсадида уч нуқтали ч ҳарфидан ҳам фойдаланилган: *چىن čin* – «чин, тўғри» (YugC. 8,10); *چوکاردي čökärdi* – «чўктирди» (YugC. 10,11); *قاچان qačan* – «қачон» (YugC. 9,7).

XI – XIV юзйилликларнинг араб ёзувли туркий матнларида [v] билан [w] бошқа-бошқа ҳарфлар билан берилган: фонеманинг [v] варианты *vāv*, [w] товуши эса *ف* ёки *ڤ* ҳарфлари билан ифода этилган. Масалан, [w] товуши «Девону луғати-т-турк»даги туркий матнларда, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли қўлёзмаларида *ف* // *ڤ*, туркий «Тафсир»да *ف*, «Муқаддамату-л-адаб»нинг XIII – XIV асрларга мансуб дея чамаланаётган нусхасида *ڤ* // *ف* ҳарфлари билан ифода этилган. Мисоллар: *سف sew* – «сев-» (QBQ. 13a,16), *چاف čaw* – «хабар, доврў» (QBQ. 13a,7).

Кейинги давр матнларида бу товушлар учун ягона ҳарф хизмат қилган: иккови *vāv* (*و*) ҳарфи билан ифодаланадиган бўлди.

Маҳмуд Кошғарий [w] ни «*bā* (яъни [b] билан *fā* (яъни [f]) махражлари орасидаги» товуш деб таъкидлайди (ДЛТ, 26). Унинг ёзишига қараганда, [v] ёки [w] билан сўзлаш диалектал хусусият бўлган. Масалан, «унинг суви билан тутмочга ранг бериладиган бир хил тиканли ўсимлик»ни баъзи шеваларда жарангсиз [v] билан *уава* десалар, бошқалар жарангли [w] билан *уава* деганлар (ДЛТ, 331).

Шунингдек, у айрим ҳолларда [v] билан [w] нинг параллел қўлланиши мумкинлигини ҳам таъкидлайди: *уалаваč* – «пайғамбар». Бу сўзнинг *уалаваč* шакли ҳам бор (ДЛТ, 340).

Келтирилган далиллар [w] ҳамда [v] диалектал хусусиятларни фарқлаш билан бирга ҳар иккаласи ўзаро вариант сифатида (*w~v*) қўлланганидан ҳам далолат беради.

XI – XIII юзйилликларнинг ёзма ёдгорликларида туркий сўзларда сўз ичи ва охирида *ذ* ҳам келади. Масалан, «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхасида: *الذكو edgü* – «эзгу», *بودون bodun* – «халқ», *قادیو qadıu* – «қайғу», *قود qod* – «қўй-», феъл ва б.

Қадимги туркий матнларда ўзлашган сўзлар таркибида сирғалувчи [ž] товуши ҳам учрайди. Араб ёзувли матнларда ушбу товуш *ژ* ҳарфи билан ифода этилган: *اژون ažun* – дунё.

Муҳими шундаки, туркий матнларда араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларга нисбатан ёзув принципи амал қилган. Яъни араб тилидан ўзлашган сўзлардаги араб тилигагина хос бўлган товушларни англатувчи ҳарфлар туркий матнларда ҳам ўзгаришсиз ёзилган. Бундай сўзлар

арабча матнларда қандай ёзилса, туркий матнларда ҳам ўшандайлигича қолади. Лекин улардаги араб тилигагина хос бўлган товушларни туркий тил талабларига бўйсунган ҳолда талаффуз этилган дейиш мумкин. Масалан, арабчадан ўзлашган сўзлардаги *ص* ва *ث* ҳарфлари туркий матнлар тилида [s]; *ض* ва *ظ* ҳарфлари [z] сифатида ўқилган ва б.

Мисоллар:

ذ <δ> ҳарфи: *ذولجالال* *δū-l-jalāl* – «зулжалол», Аллоҳнинг сифатларидан бири (QBQ. 2a,10).

• <h> ҳарфи: *جاهل* *jāhil* – «жоҳил» (YugC. 9,6);

ح <h> ҳарфи: *توحيد* *tavhīd* – «тавҳид, бирлик, ягоналик» (QBQ. 4b,2);

ث <s> ҳарфи: *مثل* *masal* – «мақол» (QBN. 18b,5); *مواظ مثل* *mavā'z masal* – «мавоиз масал» (YugC. 8.7);

ع <'> ҳарфи: *علي* *ʿAlī* – «Алий» (YugC. 4.7); *عقل* *ʿaql* – «ақл» (YugC. 5.10); *عطا* *ʿatā qīldī* – «ато қилди» (YugC. 7,5); *سعادت* *saʿadat* – «саодат» (YugC. 9,4);

ظ <z> ҳарфи: *نظم* *nazm* – «назм» (ЛЛ. 144a,6);

ط <ʔ> ҳарфи: *رباط* *rabāṭ* – «работ» (YugC. 18,2); *لطافت ناما* *laṭāfat-nāma* – Хўжандий асарининг оти (ЛЛ. 144a,5);

ض <ɖ> ҳарфи: *فضيلت* *faḏīlat* – «фазилат» (YugC. 10,11);

ص <ʃ> ҳарфи: *صادق* *Ṣādiq* – «Содиқ», саҳобалардан бирининг сифати (YugC. 4,6); *انصاف* *inṣāf* – «инсоф» (YugC. 6,8).

Муҳими шундаки, айрим қўлёмаларда соф туркий сўзларда ҳам ўрни билан арабчага хос бўлган ҳарфлар ишлатилган. Масалан, «Ҳибату-л-ҳаққойиқ»нинг араб ёзувли *H* қўлёмасида <ʔ> ҳарфи: *كديم طون* *kedim ṭon* – «кийим-тўн» (YugH. 16a,6); *بولوط* *buluṭ* – «булут» (YugH. 12b,2); *اوطا* *oṭa* – «давола-» (YugH. 20a,5). Ёки шу матннинг ўзида бир сўзнинг ўзи *sīn* билан ҳам, *ṣād* ҳарфи билан ҳам ёзилган туркий сўзлар бор: *اوسان* *usan* (YugH. 23a,8) // *اوصان* *uṣan* (YugH. 23a,9) – «хушёр бўл-» сингари. Лекин бундай сўзларда улар махсус фонемаларни ифодалаган эмас, балки туркий ундошларнинг йўғон вариантларини англатиш учун ишлатилган, холос.

Ёки «ҳайвон» маъносидаги *aṭ* сўзи Олтин Ўрда ёзма ёдгорликларида, хусусан, «Хисрав-у Ширин», «Наҳжу-л-фарадис» асарларида *ط* билан, «Муҳаббатнома»да *ت* билан, «Гулистон бит-туркий» асарида эса аралаш ҳолда учрайди. Бир ўзакдан ясалган *aṭli*, *aṭqa minü*, *aṭlan-*, *aṭlandur-*, *aṭli*, *aṭliṭ* сўзлари ҳам *ط* билан ёзилган (ТЭТ. I, 347).

XVI юзйилликда яратилган татар тилига оид асарларнинг қўлёмаларида ҳам туркий сўзларда *ت* билан бирга *ط* ҳарфи ҳам ишлатилган: *اطلاندی* *aṭlandī*, *قرن طوق* *qarīn ṭuq*, *اسكى طون* *eski ṭun* сингари.

Ёки XVI юзийилликда яратилган арабча-туркий-татарча сўзликда: *توب tub, طونكوز tunuz, بلوت bulut, اياق طوبغى ayaq tubi'yi, تين tiyen* сингари. Бир қарашда *ت* ҳамда *ط* ҳарфларининг ёзилиши сўзларнинг йўғон ёки ингичка айтилишига қараб белгиланганга ўхшайди. Аммо айрим мисолларда бу қоида сақланмайди.

Умуман, ёзма манбаларда татар тилининг ўз сўзларида *ت* билан *ط* нинг ёзилишида тугал бир қоида сақланган эмас.

Ёдгорликларда *tut-* феълининг ёзилиши бўйича. Масалан, ўша даврларга тегишли Қуръон тафсирида: *طوتا tuta-, طوتمايا tutmaya-, طوتدیلر tutdilar*. Чоғиштиринг, Муҳаммадиёр асарларида: *توتغای tutayay, توتماغای tutmayay, توتولدی tutuldı*.

Ёки яна Қуръон тафсирида: *قطع qatıy, طون ton* (ТЭТ. I, 347 – 348).

Шу каби ҳодиса *س* билан *ص* ҳарфларининг ишлатилишида ҳам кузатилади.

XVI юзийилликда яратилган татар тилига оид асарларнинг кўл ёзмаларида ҳам айрим туркий сўзлар *ص* ҳарфи билан ҳам ёзилган: *سود صاتجی sud satujı, صرتلان sırtlan, صنمق sınmaq, صویمق suymaq* (ТЭТ. I, 349).

Классик шеърятда баъзан араб алифбосидаги ҳарфлар ташбеҳ қилиниб, турли бадий санъатлар ҳам ясалган. Масалан, Хўжандий «Латофатнома»сида:

«*Alif*»-*teg toyri qaddim «ya» yamında,*
Közümniñ çaşması daryā yamında (ЛК. 288).

СИҒНАҚ ЁЗУВИ

Ёски туркий ёзувлардан бири. «Абушқа» луғатида ушбу ёзув тўғри-сида маълумот берилган. Луғат тузувчиси *siynaq* сўзини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти эканлиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ғазалларидан бирида уни тилга олганлигини таъкидлайди ва ғазалнинг ўша байтини мисол келтиради. Мана унинг ёзганлари:

Siynaq – bir nav' haçdur, Çiyatayda haçt-i bāburı va çayri kibi-ke, Bābur Mirzā aş'ārında kelür. Bayt:

Xūblar haçi nasibñ bolmasa, Bābur, ne tañ,
Bāburı haçi emāsdür, haçt-i siynaqîmudur (DDT, 278).

Siynaq атамаси, чамаси, ўрта асрлар Сирдарё бўйидаги турк маданият марказларидан бири бўлган шаҳар отига боғланади. Ана шу ўлкада ишлатилган ёзув шундай аталган бўлиши мумкин.

Бобур ўз шеърида бу ёзувни *hatt-i siynaqi* деб атамоқда. Шоир бу ёзувни тилга олишига қараганда, у ўз замонида анчайин тарқалган кўринади.

Сигнақ хатининг намуналари ҳозирча маълум эмас. Лекин у қадимги туркий ёзувлардан бири бўлгани аниқ. Далиллар тўла-тўқис аниқлангунча бу масала очиқ қолади.

ЛОТИН ЁЗУВИ

Туркшуносликда «Codex Cumanikus» дея аталган асар (Ўзбекчада «Қуманлар тузуги» бўлади) 1303 йили италян ва немис миссионерлари томонидан лотин алифбосида ёзилган.

«Қуманлар тузуги» – лотинча-форсча-қуманча (қипчоқча) сўзлик, шунингдек, қадимги турк оғзаки адабиёти намуналари (топишмоқлар), христиан адабиёти шеъриятидан таржималар, дуолар, ўғитлар таржималари, туркий тилнинг қисқача грамматикасини ўзида жамлаган асар. Уни тарихий лексикография, туркий тил грамматикаси, адабиёт тарихи, таржима адабиётининг муҳим ёдгорлиги деса бўлади.

«Қуманлар тузуги»да бошқа турдаги матнлар билан бир қаторда қуманча топишмоқлар ҳам берилган. Уларнинг сони 47 та бўлиб, охирида жавоблари ҳам ёзиб қўйилибди (қаранг: Жафаров 2017, 40 – 51).

Асарга киритилган ушбу ижод намуналари туркий оғзаки адабиёт тарихидаги илк топишмоқлар бўлиб, ҳозирча бундан эскиси маълум эмас. Топишмоқлар поэтик жиҳатдан ўта мукамал, балоғат даражасида тўқилган, болалар шеъриятининг ажойиб намуналари саналади.

Европалик турк-христианлар лотин ёзуvidан фойдаланган, шунинг учун асарда берилган қуманча (қипчоқча) сўз ва матнлар ҳам лотин ҳарфларида. Лотин ёзуviда етиб келган туркий қўлёзма китоб ҳам ҳозирча шунинг ўзи.

Ёзуvi оддий, каллиграфик услубда эмас. Шунга қарамай, қўлёзма китоб туркий ёзувлар тарихи учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ЭСКИ ЁЗУВЛАРДАГИ МАТНЛАРНИ ТРАНСКРИПЦИЯ ВА ТРАНСЛИТЕРАЦИЯГА ЎГИРИШ

Классик матнларни нашрга тайёрлашда, уларни ҳозирги ёзуvга ўгиришда транскрипция ёки транслитерациядан фойдаланилади. *Транслитерация* матнни ҳарфма-ҳарф ҳозирги ёзуvга ўгириб чиқишдир. Бунда матндаги сўз нечта ҳарф билан берилган бўлса, унинг транслитерацияси ҳам аynи ҳолатда ҳозирги ёзуvга ўгирилади.

Транскрипция эса матннинг талаффуз шаклини ҳозирги ёзувда ифодалашдир. Бунда, матндаги сўз нечта ёки қандай ҳарф билан ифодаланишидан қатъи назар, сўзнинг талаффуз шакли, қандай товушлар билан айтилаётгани инобатга олинади ва шу нарса ёзувда акс эттирилади.

Табдил эса ўтмишда яратилган асар матнининг ҳозирги ўзбек тилидаги баёнидир. Табдил билан таржима бир-биридан фарқ қилади. Таржима асарни бошқа бир тилдан ўгириш. Табдил эса бир тил доирасида амал қилади. Масалан, қадимги туркий ёдгорликларни ҳозирги китобхон тўғридан-тўғри тушунавермайди. Сабаби, уларнинг тили анча қийин: таркибида қанчадан-қанча унутилган сўз ва иборалар, грамматик кўрсаткичлар бор. Шунинг учун ҳам қадимги туркий битиглар, айрим ҳолларда Навоий асарлари ҳам ҳозирги китобхонга табдил қилиб берилди.

Энди транслитерация ва транскрипцияни мисолларда кўриб чиқамиз. Мисол учун кўк турк битигларида кечган 𐰽𐰺𐰍:𐰺𐰇𐰏𐰍:𐰺𐰆𐰍 сўз бирикмасини оладиган бўлсак, ушбу бирикма транслитерацияда **T'ÜR'K B'İL'GÄ QayaN**, транскрипцияда эса **türk Bilgä qayan** шаклида берилди. Ёки 𐰽𐰆𐰍 сўзи транслитерацияда **T'äNR'İ**, транскрипцияда эса **tänri** шаклида берилди.

Йирик жумлаларда шундай берилди:

Матн (Топ. 1):

$\text{𐰽𐰺𐰍𐰺𐰇𐰏𐰍:𐰽𐰆𐰍𐰺𐰆𐰍:𐰽𐰆𐰍𐰺𐰆𐰍:𐰽𐰇𐰏𐰍:𐰽𐰇𐰏𐰍}$
 $\text{𐰽𐰆𐰍𐰺𐰆𐰍𐰺𐰆𐰍:𐰽𐰆𐰍𐰺𐰆𐰍:𐰽𐰆𐰍𐰺𐰆𐰍:𐰽𐰆𐰍𐰺𐰆𐰍:𐰽𐰆𐰍𐰺𐰆𐰍}$

Транслитерацияси:

B'İL'GÄ:TOÑuQuQ:B'äN'ÖZüM:TaByačäLiñÄ:

QİLiNTİM:T'ÜR'KBODUN:TaByačQA:KÖR'ür'är'T'İ

Транскрипцияси:

(Bän) Bilgä Toñuquq-bän. Özüm Tabyač äliñä
qilintim. Türk bodun Tabyačqa körür ärti.

Мазмуни: «(Мен) доно Тўньюкуқман. Ўзим Табғач элида вояга етдим. (Ўша чоғларда) турк халқи Табғачга қарам эди».

Транслитерациянинг ҳам ўзига яраша афзаллиги бор. Илмий транслитерацияни ҳар ким тушунавермайди. У соҳа эгалари учун қулай. Сабаби, транслитерацияда матндаги сўзнинг қандай белгилар билан берилаётгани акс этган бўлади. Масалан, суғдшуносликда матнларни

ҳозирги ёзувга ўгиришда кўпроқ транслитерациядан фойдаланадилар. Туркологияда ҳам кўк турк, уйғур ёзувли матнларнинг илмий нашрлари баъзан транслитерацияда берилмоқда.

Туркологияда илмий нашрлар кўпинча транскрипцияда берилади. Транскрипциянинг пухта ва мукамаллиги мутахассиснинг билим даражаси, классик матн тилини қанчалик даражада билишига боғлиқ.

Чет эллардаги йирик туркологик марказларда туркий ёзма ёдгорликлар, хусусан, энг кўҳна битиглардан тортиб эски ўзбек тили ёдгорликларига қадар илмий транскрипцияда берилади. Ҳатто Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг илмий нашрлари ё асл ёзувида, ё транскрипцияда. Негадир биздаги илмий нашрларда транскрипцияга эътибор қаратилмаяпти. Ҳатто докторлик диссертацияларида ҳам классик ижодкорлар асарларидан келтирилган мисоллар ҳозир ишлатаётган ёзувимизда. Охир-оқибат ўзбек олимлари тайёрлаган нашрлар чет элларда тан олинмаёттир. Биздаги илмий нашрларнинг дунё шарқшунослиги, чет эл туркологиясига тенглаша олмаётганининг бош сабаби ҳам ана шунда.

Нашрлар икки хил бўлади: бири кенг жамоатчиликка аталган, яъни оммабоп нашрлар, бошқа бирови илмий нашрлардир. Кўпга аталган нашрларнинг жорий ёзувда берилиши табиий. Чунки мактаб ўқувчисидан тортиб ўқимишли кишилару китобсеварлар классик шоирларнинг асарларини ўқиб-ўрганмаги, фикри озукланмоғи керак. Лекин филолог-мутахассислар учун мўлжалланган илмий китоблар транскрипцияда берилгани маъқул. Бу жиддий масала.

Жўнгина бир мисол, Навоий асарларида кечган *اوت* сўзидаги унли товуш икки хил талаффуз қилинади: агар *ot* шаклида йўғон талаффуз қилинса, «ўт, олов» маъносини, *ōt* шаклида «ингичка» талаффуз қилинса, «ўтмак (буйруқ)» ёки «ўт қопчаси»ни билдиради. Улар маъносига кўра бошқа-бошқа сўзлардир. Шунга яраша, ушбу сўзларга қўшимчалар ҳам икки хил қўшилади: биринчисига қўшимчанинг йўғон эши (варианти) қўшилиб, *otqa*, кейингисига эса қўшимчанинг ингичка эши қўшилиб, *ōtmāk* бўлади. Бу сўзлардаги унлиларнинг йўғон ёки ингичка эканини уларга қўшилаётган қўшимчаларга қараб ҳам ажратиш мумкин. Ёки: *توز* даги *و* ҳарфи йўғон унли сифатида *tuz* деб талаффуз қилинса, «ош тузи, намак», *tūz* деб ингичка айтилса, «тўғри (киши); текис (ер)» ёки «созни созлашга буйруқ» англамларида келади. Яна *التور* даги унлилар *oltur-* шаклида йўғон айтилса, «(курсига) ўтирмақ»; *öltür-* шаклида ингичка талаффуз қилинса, «(кишини) ўлдирмақ» маъноси англашилади. Шунинг учун ҳам биринчисига қўшимча қўшилганда *olturyusī*, кейингиси эса *öltürgüsü* бўлади. Бирининг ўрнида бошқасини қўллаб бўлмайди,

сўзнинг маъноси буткул ўзгариб кетади. Ҳозирги нашрларда эса буларнинг иккаласи ҳам бир хил ёзилмоқда. Ушбу нашр асосида Навоий асарлари сўзлигини яратмоқчи бўлган изланувчи ҳам ўз-ўзидан санокда янглишади, уларни қориштириб юборади. Бу каби мисоллар талай. Илмий транскрипция эса бундай чигалликларнинг олдини олади. Яна бир жиҳати, классик асарларимиз тилида ўзига яраша уйғунлик бор: ай-тилиши йўғон ўзакли сўзларга, қўшимчаларнинг ҳам йўғон эшлари, ингичка ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг ҳам ингичка эшлари қўшилган: *āylāmāk, bilmāk, ketmāk, tūzmāk; qaramaq, oqīmaq* сингари. Ҳатто сўздаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига қараб қўшимчаларнинг қўшилишида ҳам уйғунлик бўлади: *közüm, sözüm* ёки *elim, tilāgim* сингари. Туркий унлилар тизимидаги бундай уйғунлик ўз ўрнида матн жозибасини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Қисқаси, матншунос мутахассисларимиз олдида Лутфий, Навоий, Бобур, Огаҳий сингари классикларимиз асарларининг дунё олимлари тан оларли илмий-транскрипцион нашрларини яратиш иши турибди.

Илмий транскрипция

Туркологияда икки хил транскрипция қабул қилинган. Бири кирилл алифбоси негизидаги, иккинчиси эса лотин алифбоси негизидаги транскрипция. Сўнгги чоғларда бутун дунёда, ҳатто рус туркологиясида ҳам лотин ёзуви асосидагиси кенг ишлатилмоқда.

Матнни транскрипцияга ўгиришда, аввало, асарнинг фонетик хусусиятларини, асарнинг товушлар тизимини яхши билмак керак.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги [a] унлиси ўрнида ёзма ёдгорликлар тилида икки фонема қўлланган: йўғон талаффузли сўзларда орқа қатор [a], ингичка талаффузли сўзларда эса олд қатор [ä] ишлатилган. Буларнинг ҳар иккови маъно фарқлаш хусусиятига эга.

Қадимги туркий битигларда сўз боши ва биринчи бўғинда келадиган олд қатор, ингичка, кенг, лабланмаган [ä] унлиси кейинчалик [e] га ўзгара бошлади. Шунинг учун ҳам ўрта асрларда яратилган ёдгорликларни транскрипцияга ўгирганда бундай сўзларни [e] билан берган маъқул: *el, erdi, kergäk* сингари.

Матнда кечган [i] билан [e] унлиларини фарқлай олиш керак.

Алишер Навоийнинг машҳур байти бор. Уни, одатда, шундай ўқишади:

*‘ālam ahlī biliñiz-kim, iŝ emäs duŝmanliñ,
Yār olun bir-biriñizgä-kim, erür yarliñ iŝ.*

Ушбу байтдаги *iš* сўзи матнда *alif uā* ва *šīn* билан ёзилган (ایش). Бироқ юқоридагидек *iš* деб ўқилганда мазмунда ғализлик келиб чиқади. Яъни «душманлиғ иш эмас» (*iš emäs dušmanliḡ*) деган мазмун англашилади. Аслида, ушбу жумладаги *ایش* сўзини *iš* («иш», яъни «дело») эмас, [e] товуши билан *eš* («ўртоқ; дўст» маъносида) деб ўқилгани тўғри. Ана шунда «душманлиғ сенга эш бўлмайди» деган маъно келиб чиқади.

Иккинчи сатрдагиси ўзидай қолгани маъқул, чунки у ерда «иш» маъносидадир. Бундан ташқари, *erür yarliḡ iš* дейилганда «Тангрининг ёрлиғи», яъни «буйруғи» кўзда тутилмоқда.

Юқоридаги фикрларга таянганда байтни қуйидагича ўқиш мумкин:

*'ālam ahli biliḡiz-kim, eš emäs dušmanliḡ,
Yār oluḡ bir-biriḡizgä-kim, erür yarliḡ iš.*

Мазмуни эса қуйидагича бўлади:

«Олам аҳли, билинғизки, душманлиғ (сира) эш бўлмайди.

Бир-биринғизга дўст бўлинг, Тангрининг ёрлиғи [яъни буйруғи] шудир».

Матнлар тилида кечган [i] ва [e] унлилари билан боғлиқ бошқа бир мисол.

Адиб Аҳмад Югнакий «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарининг араб ёзувли нухасида шундай сатрлар бор (мисол Yug.C. 17 дан олинди):

قَمُوغْ يَاشَن رُو ايشينك بُولوب اَشْكَارَا
بُو كُورْكَان ايشيتْ كَان سَتْكَا كُولْمَاسُونْ

Ушбу шеърнинг биринчи сатридаги *ایش* сўзи матн мазмунидан келиб чиқиб *iš* деб ўқилади: *yašru išiḡ* – «яширин», яъни «беркитиқча ишинг».

Транскрипцияси:

*Qatuy yašru išiḡ bolup āškārā,
Bu körgän, ešitkän seḡä külmäsün.*

Мазмуни:

«Барча яширин ишларинг ошкор бўлиб,

Бу кўрган, эшитган (кишилар) сенга кулмасин».

Ўша саҳифадан олинган бошқа бир мисол:

ايشيم ديب ايناتيپ سير ايماستقين
نيجه ما اينانج ليق ايش ايرسا يقين

Мисолда кечган ҳар иккала *ايش* сўзи *iš* эмас, [e] билан *eš* дея ўқилса тўғри бўлади. Маъноси «дўст, ўртоқ» дегани.

*Ešim dep inänip sir ayma, saqin,
Nečä mä inançliq eš ersä yaqin.*

Маъноси:

«Сенга қанчалик ишончли, яқин дўст бўлса ҳам,
Дўстим деб ишониб, сирларингни айтма, яхшилаб ўйла».

Ҳозирги [i] унлиси ўрнида ҳам ўтмишда икки фонема қўлланган: йўғон талаффузли сўзларда орқа қатор [i], ингичка талаффузли сўзларда эса олд қатор [i] амал қилган. Буларнинг ҳам иккови маъно фарқлаш хуссиятига эга.

Ҳозирги [u] унлиси ҳам ёзма ёдгорликлар тилида икки фонемадир: [u] ва [ü]. Шу сингари [o] унлиси ҳам икки фонема: [o] ва [ō]. Илмий матн-да буларни фарқламасликнинг иложи йўқ.

Масалан, туркий матнларда кечган *اوج* ни тўрт хил ўқиш мумкин. Агар бу сўз йўғон [u] билан *uč* деб ўқилса, «учмоқ» («летать»), ингичка [ü] билан *üč* деб ўқилса, 3 (сон) англашилади. Шунингдек, ундаги *alif vāv* ни [o] ёки [ō] сифатида ҳам ўқиса бўлади. Агар йўғон [o] билан *oč* деб ўқилса, «учмоқ», ингичка [ō] билан *ōč* деб ўқилса, «ўч, қасос» бўлади.

Ёки *تور* даги *vāv* ҳарфи йўғон [o] сифатида *tor* деб ўқилса, «тузоқ», ингичка [ō] сифатида *tōr* деб ўқилса, «уйнинг тўри; юқори ўрин» англашилади.

Яна: *بول* даги *vāv* йўғон [o] билан *bol-* деб ўқилса, «бўлмоқ» («быть»), ингичка [ō] билан *bōl-* деб ўқилса, «бўлмақ» («делить») англашилади. Бундан ташқари, мазкур сўзни *bul-* деб ҳам ўқиса бўлади. Унда «топмоқ» англашилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда туркий ёзма ёдгорликлар тилида амал қилган унлилар тизими учун қуйидаги транскрипция белгиларини қўллаган маъқул: *a, ā, e, ĩ, i, u, ū, o, ō*.

Шунингдек, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлиларни беришда ўша унлини ифодалаган ҳарфнинг устига чизикча тортиб кетилади: *ā, ĩ, ū* сингари. Масалан, *vafā, zakī* ва б.

Ундошлар учун туркологияда қабул қилинган *b, p, d, t, q, k, γ, g, x, z, ž, s, č, š, y, l, m, n, η, r* ҳарфлари қўлланилади. Бу сирадаги *γ* ҳозирги ўзбек имлосидаги [ʃ], *č* [ч], *š* [ш], *η* эса сонор [нз] товушини билдиради. Шунингдек, [v] фонемасининг икки хил варианты транскрипцияда айри-айри ҳарфларда келтирилгани маъқул: туркий сўзлардаги варианты учун *w*; ўзлашган сўзларда қўлланиладиган варианты учун эса *v* ҳарфи олинади. Масалан, соф туркий *suw, saw* сўзлари <*w*> ҳарфи билан, арабчадан ўзлашган *vatan, vafa* сўзлари эса <*v*> ҳарфи билан ёзилади.

Шунингдек, араб ёзувли матнларда *ṣ* билан келган сўзлар *š* билан берилади. Туркий сўзларда сўз ичи ёки сўз охирида келган *ṣ* ҳарфи транскрипцияда *δ* билан ифодаланади.

Араб ёзувли матнларда арабчадан ўзлашган сўзларни транскрипцияда беришда айрим товушлар учун қуйидаги белгилардан фойдаланилади: *ṣ* ҳарфи учун *δ*; *ḥ* учун *h*; *ḥ* учун *h*; *ṭ* учун *s*; *ḡ* учун *ʻ*; *ẓ* учун *z*; *ṭ* учун *t*; *ḍ* учун *d*; *ṣ* учун – *ṣ*.

Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ёдгорликларнинг кўпи уйғур хатида. Уйғур ёзувидаги матнни ўқишнинг эса ўзига яраша қийинчилиги бор. Сабаби, алифбодаги ҳарфларнинг катта бир гуруҳи полифоник функцияга эга бўлиб, [k] – [g], [b] – [p], [t] – [d], кўпинча [q] – [γ] – [x], [s] – [z], [š] – [š] товушлари ёзувда фарқланмайди, бир хил белги билан ёзилаверади. Бу эса матнни ўқиш, сўзлар талаффузини аниқлашда мутасаддисни чалғитади. Бундай ҳолатларда, бизнингча, уларнинг кўк турк, араб ёзувларидаги манбаларда қандай келишига таянилгани маъқул.

Масалан, кўк турк ёзувида [k] билан [g] товушлари алоҳида ҳарфлар билан ифодаланган: биринчиси *ḳ*, кейингиси эса *ḡ* шаклидадир.

Ёки [b] билан [p] ҳам ёзувда фарқланган: биринчиси *ḅ* ва *ḍ*, кейингиси эса *ḅ* ҳарфи билан берилган. Шуларни кўзда тутган ҳолда уйғур ёзувли матнда *ḅ* ҳарфи билан келган *ḅḅḅ, ḅḅḅ* сўзлари жарангли [g] билан *bitig, beg* шаклида; охири *ḅ* ҳарфи билан ёзилган *ḅḅḅ, ḅḅḅ* сўзлари жарангсиз [p] билан *bilip, kōrūp* шаклида ўқилади.

Ёки араб ёзувли матнлардаги ёзилишини кўзда тутган ҳолда уйғур ҳарfli матнда *ḅ* ҳарфи билан ёзилган *ḅḅḅ, ḅḅḅ* сўзлари *bašla, kiši* деб ўқилади ва ҳоказо.

Яна бир жиҳати, XI – XV юзйилликларда яратилган манбаларнинг айримлари (Темир Кутлуғ, Султон Абу Саид ёрликлари, «Ҳибату-л-ҳақоийк»нинг Абдураззоқ бахши кўчирган қўлёзмаси) икки хил ёзувда: уйғур хатида битилиб, тагида қаторма-қатор араб хатида унинг ўқирилиши (транслитерацияси) берилган. Араб ёзувли матнига таяниб уйғур хатидаги матнни тўғри ўқиш мумкин. Бу нарса уйғур алифбосидаги айрим ҳарфларнинг қандай вазифада келганини аниқлаб олишга, матнни

транскрипцияга тўғри ўгиришга имкон туғдиради. Кўпроқ ана шунга таянган маъқул.

Араб ёзувли матнларда *-и* ҳамда *ва* боғловчилари ёзувда фарқланмайди, иккови ҳам *vāv* ҳарфи билан ёзилади.

-и боғловчиси ундош билан тугаган сўзларга *-и*, унли билан тугаган сўзларга эса *-ви* шаклида қўшилади.

Шунингдек, матнда таъкид юкламаси *-и* ни ҳам фарқлай олиш керак. Чунки араб ёзувли матнларда *у* ҳам *vāv* билан ёзилади. Ундош билан тугаган сўзларга *-и*, унли билан тугаган сўзларга эса *-уи* шаклида қўшилади.

Илмий нашрларда ишлатиладиган техник белгилар

Матнни илмий транскрипцияга ўгириш жараёнида техник белгиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Булар куйидагилардир:

Илмий матнда бурчакли қавс, яъни [] белгиси «товуш; фонема» деган маънони билдиради. Масалан: [a] – «*а* унлиси», [t] – «*t* ундоши» ва б.

< > белгиси «ҳарф» деган маънони билдиради. Масалан: <*a*> – «*а* ҳарфи», <*a*-> – «сўз бошидаги *а* ҳарфи», <-*a*-> эса «сўз ўртасидаги *а* ҳарфи» деган маънони билдиради ва б.

Бундан ташқари, < > белгиси матн орасига қўйилганда тушиб қолган сўз ёки жумланинг ўрнини билдиради: <... ...> сингари.

Илмий матнда < белгиси сўзнинг генезисига ҳам ишора қилади. Масалан, (<*араб*. ...) белгиси «айни сўз арабчадан ўзлашган» деган маънони англатади.

Товуш ёки сўзнинг фонетик вариантыни кўрсатиш учун ~ белгисидан фойдаланилади: *qodur~qouur* сингари.

Илмий матнда ёй қавс, яъни () белгиси бир қанча ўринда ишлатилади:

Бирор манба ёки илмий асардан мисол келтирилиб, ўша манбанинг саҳифасига ишора қилинганда ёй қавсга олинади: (QBN. 17а,б) сингари.

Бадий матннинг мазмуни очиқланганда асл матнда учрамаган, лекин мазмун нуқтаи назаридан ишлатиш керак бўлган сўз ёки бирикмалар ёй қавсда берилади.

Илмий транскрипцияда жуфт сўзлар чизикча билан ёзилади: *yer-sulari* сингари.

Эски матнларни ўқишда гап чегараларини аниқлаб олиш ҳам қийин. Чунки қўлёзда тиниш белгилари ишлатилмаган. Шунинг учун ҳам бу соҳада мавжуд нашрларда бирхиллик йўқ. Ана шу жиҳатларни кўзда

тутган ҳолда матнда гап чегараларини белгилаб, ҳозирги имлодаги сингари тиниш белгиларини қўллаган маъқул.

Ўрнак учун келтирилган гап, унинг таркибидаги атоқли отлар – киши отлари, жой номлари бош ҳарф билан берилади.

Илмий транскрипцияда матн қуйидаги тартибда берилади:

Асар илмий нашрга тайёрланганда матннинг бошланишида қўлёзма-нинг саҳифаси кўрсатиб қўйилади: (39a) ёки (39b) сингари.

Матн давомида ҳам қавсда қўлёзма саҳифалари изчил равишда кўрсатиб борилади.

Шеърий асарлар, юридик ҳужжатлар ёки ўрама қоғоздаги асарлар нашрга тайёрланганда матн қатори ҳам кўрсатиб борилади: 1) ... , 2) ... , 3) ... , 4) ... сингари.

Эски туркий матни илмий транскрипцияга ўгириш намунаси

Юқорида айтилган фикрлар асосида «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг араб ёзувли қўлёзма нусхасидан олинган мисолни транскрипцияга ўгириб кўрамыз.

Матн (YugC9):

بَلِيكٌ تَيْنِ الْيَوْمِ مَنْ سُوْرُوْمٌ كَا اَوْلَا
بَلِيكٌ لِكٌ كَا يَا دُوْسَتْ اُوْرُوْنَكٌ نِي اَوْلَا

بَلِيكٌ بِيْرَلَهْ بِيْلُوْرُ سَعَادَتٌ يُوْلِي
بَلِيكٌ بِيْلُ سَعَادَتٌ يُوْلِيْنِي بُوْلَا

بَهَالِيْقٌ دِيْنَارُ اَوْلٌ بَلِيكٌ لِكٌ كِيْشِي
بُوْ جَاهَلٌ بَلِيكٌ سِيْرُ بَهَاسِيْرُ بِيْشِي

بَلِيكٌ لِكٌ بَلِيكٌ سِيْرُ قَچَانُ تَتَكٌ بُوْلُوْرُ
بَلِيكٌ لِكٌ تِيْشِي اِيْرُ جَاهَلٌ اِيْرُ تِيْشِي

Келтирилган мисолда *балик* сўзи *bilig* шаклида транскрипцияга ўгирилади. Чунки кўк турк ёзувли битигларда *bitig*, *bilig* сингари сўзлар <g> харфи билан ёзилган.

«Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли нусхаларида, «Девону луғати-т-турк»да кечган туркий матнларда жўналиш қўшимчаси йўғон ўзакли

сўзларда *-qa*, ингичка ўзакли сўзларда *-kā* шаклида бўлиб, унинг жарангли *-ya*, *-gā* варианты учрамайди.

Биз кўраётган матнда эса **كَا سُوْرُوْم** даги *kāf* нинг устига уч нуқта қўйилган. Бу белги унинг [*k*] эмас, [*g*] деб ўқилишига ишора қилади.

Бунинг яна бир сабаби шундаки, матн давомида йўғон талаффуз этилувчи сўзларда унлилар, жарангли ундош, сонорлардан сўнг унинг *-ya* варианты қўшилган. Масалан: *elik tuttačīm̄ya* (қўл тутувчимга), *šahīm̄ya* (шоҳимга) сингари.

Матнда кечган **جَاهِلٌ بَهَالِيْقٌ سَعَادَتِ** сўзлари араб тилидан ўзлашган. Шунинг учун улар матнда «айн», «ҳойи ҳавваз» билан ёзилган. Транскрипцияда ҳам уларни ўзидай сақлаймиз.

Транскрипцияси қуйидагича бўлади:

Biligtin ayur-men, sōzūmgā ul-a,
Biligliggā, yā dost, özūñni ula.

Bilig birlā bilinūr sa'ādat yoli,
Bilig bil, sa'ādat yolñi bul-a.

Bahālīq dīnār-ol biliglig kiši,
Bu jāhil biligsiz, bahāsiz biši.

Biliglig biligsiz qačan teñ bolur?!
Biliglig tiši – er, čāhil er – tiši.

Биринчи сатрдаги *ul* «асос» маъносида.

Тўртинчи қатордаги *bul* «топмоқ» дегани.

Матндаги *biši* – «танга», *bahāsiz biši* – «қадрсиз танга», яъни «чақа пул».

Сўнгги қатордаги *tiši* жонзотга нисбатан ишлатилса, «урғочи», лекин бу ерда кишига нисбатан қўлланаётгани учун «хотин, хотин киши» маъносини англатади.

Келтирилган шеърнинг мазмуни шундай бўлади:

«Билимдан сўз очдим, сўзимга асосдир,
Билимлига, эй дўст, ўзингни боғла [яъни билимли кишига эргаш].

Билим билан саодат йўли топилади,
Билим ол, саодат йўлини топгин.

Билимли киши баҳоли динордир [яъни қимматбаҳодир],
Бу жоҳил билимсиз – қадрсиз мисдир [яъни сариқ чақа билан тенгдир].

Билимли билан билимсиз қачон тенг бўларди?!

Билимли хотин – мард, жоҳил эр – хотин [яъни хотин киши билан ба-
робар]».

Бошқа бир ўрнак. Мисол тариқасида Алишер Навоийнинг «Насойи-
му-л-муҳаббат» асаридан олинган Саййид Насимий ҳақидаги матнни
қўриб чиқамиз. Матннинг асли қуйидагича (қаранг: НМ, 373):

732 سَيِّدِ نَسِيمِي قَدَسَ اللهُ رُوحَهُ

عراق و روم طرفی داغی ملک دین ایرکان دور رومی و ترکمانی تیل بیلہ نظم آیتیب
دور و نظمی دا حقایق و معارف بغایت کوپ مندرج دور مذکور بولغان ملک اهلی غا
آنینک شعرى مقابله سى دا شعر همانه که یوقتورور همانا تقلید اهلی آنی مذهبی دا قصور
تهمتی غه متهّم قیلیب شهید، قیلدیلار مشهور مونداق تور کیم تیریسین سویار حکم بولوبتور
اول حالت دا بو شعرنى دیب دورکه

قبله دور یوزونک نکارا قاشلارینک محراب لار
صورتینک مصحف ولی خال و خطینک اعراب لار

و بو شعرنیدک، تخلصی اوشبو مداغا دال دور کیم

ای نسیمی جون میسر بولدی اقبال وصال
قوی تیرینکنی سویسه سویسون بو پلید قصّاب لار

Энди келтирилган матнни худди шу туришида кирилл ёзувига ўги-
риб чиқамиз. Одатда, матннинг бундай шакли оммавий нашрларда бе-
рилади. Унинг кирилл ёзувига ўгирмаси (яъни ўқилиши) қуйидагича
бўлади:

Саййид Насимий, қоддасаллоҳу руҳаҳу

Ироку Рум тарафидаги мулкдин эрқандур. Румий ва туркманий тил
била назм айтипдур. Ва назмида ҳақойиқу маориф бағойат кўп мунда-
риждур. Мазкур бўлган мулк аҳлиға анинг шеъри муқобаласида шеър

ҳамонаки йўқ туруп. Ҳамона тақлид аҳли ани мазҳабида қусур туҳмати-
ға муттаҳам қилип, шаҳид қилдилар. Машҳур мундақтурким, терисин
сўйар ҳукм бўлуптур. Ул ҳолатда бу шеърни депдурки:

*Қибладур йузунг, нигоро, қашларинг меҳроблар,
Суратинг мушҳаф ва ле холу хаттинг эъроблар.*

Ва бу шеърнинг тахаллуси ушбу муддаоға долдурким:

*Эй Насимий, чун муйассар бўлди иқбол висол,
Қуй, терингни сўйса сўйсун бу палид қассоблар.*

Энди эса матнни турган ҳолатида лотин алифбоси асосидаги илмий
транскрипцияга ўгириб чиқамиз. Унинг илмий транскрипцияси қуйи-
дагича бўлади:

Sayyid Nasīmī, qoddasallahu rūḥahu

'Irāq-u Rūm ṭarafidayī mulkdin erkändür. Rūmī va türkmānī til bilä nazm
aytīpdur. Va nazmida ḥaqāyiq-u ma'ārif bayāyat köp mundarijdur. Maḍkür
bolyan mulk ahliya anīñ še'rī muqābalasīda še'r hamānā-ki yoq turur. Hamāna
taqlīd ahli anī maḍhabīda quşūr tuhmatīya muttahaḡm qīlip, šahīd qīldīlar.
Mašhūr mundaqtur-kim, terisin soyar ḥukm boluptur. Ul ḥālatda bu še'rni
deptür-ki:

*Qibladur yūzūñ nigārā, qaşlarīñ meḥrāblar,
Şūratīñ muşḥaf va le xāl-u xaṭṭīñ e'rāblar.*

Ва бу шеърни тахаллуşi ушбу муддааға дәлдур-ким:

*Ey Nasīmī, čün muyassar boldī iqbāl vişāl,
Qoy, teriñni soysa soysun bu palid qaşşāblar.*

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: морфема, тарихий морфема; сўз таркиби, ўзак, негиз, қўшимча; сўз ясаши, аффиксация, сўзларни қўшиб сўз яшаш; сўз туркумлари, грамматик категориялар, мустақил сўз туркумлари, ёрдамчи сўз туркумлари.

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а д и г а н м а с а л а л а р :

Морфема тушунчаси ва сўз таркиби.

Тарихий сўз ясаши ва унинг турлари.

Мустақил сўз туркумлари: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш ва уларнинг категориялари.

Ёрдамчи сўзлар: боғловчи, қўмакчи, юклама ва ундовлар.

Морфема тўғрисида тушунча

Морфема сўзнинг маъно англатувчи энг кичик, бўлинмас бўлагидир (қаранг: ЎТГ. I, 11 – 12). Морфемалар тил билимининг морфемика бўлимида ўрганилади.

Морфема икки хил бўлади: ўзак морфема ва аффиксал морфема.

Морфема тушунчасида сўзнинг катта-кичиклиги муҳим эмас, маъно муҳим. Морфема бир товушдан ҳам, бир нечта бўғиндан ҳам тузилиши мумкин. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *тинчлик* сўзида учта морфема бор: *тин-ч-лик*; бу сўздаги [ч] товушининг ўзи ҳам мустақил морфемадир, чунки у сифат ясовчи қўшимча. Ёки *лойгарчилик* сўзи бир қанча бўғинли бўлса-да, икки морфемага ажратилади, холос: *лой-гарчилик*.

Морфема таҳлилида тарихийлик ва ҳозирги ҳолат масаласини аниқ ажратиб олиш керак.

Тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида сўзнинг морфем таркиби ўзгариб туради. Жумладан, ҳозирги ўзбек тилида *ишла, бошла* сўзла-

рини *иш-ла, бош-ла* шаклида морфемаларга ажратамиз. Бунга иккала ясама сўз ўзакларининг лексик маъно англатиши, уларнинг мустақил ҳолда қўллана олиши, *-ла* қўшимчасининг феъл ясовчи эканлиги асос қилиб олинади. Бироқ *имла-* сўзи ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан морфемаларга бўлинмайди; *-ла* ни феъл ясовчи қўшимча деб қараганимизда ҳам, ўзак ёлғиз кўринишида лексик маънога эга эмас (*им қоқди* деб ишлатамиз, бироқ бу ўринда у мураккаб феъл бўлиб, *им* нинг ўзи ёлғиз ишлатилмайди). Тарихан, аксинча, *imlā-* даги *im* ўзаги «пароль, белги» маъносини билдирувчи мустақил сўздир (*қаранг:* ДЛТ,30), *-lā* эса феъл ясовчи, шунинг учун бу сўзни ўша давр ўлчовларига таяниб икки морфемага ажратиш мумкин (*im-lā*).

Ҳозирги ўзбек тилининг морфем ўлчовларига кўра, *ичкари, ташкари, илгари, юқори* сингари лексемалар яхлит сўзлар сифатида қабул қилинади. Бунинг сабаби: *ич* ўзагида маъно бор, лекин *-кари* қўшимча сифатида ишлатилмайди. Шунинг учун биз уни *ич* ўзаги билан яхлит сўз сифатида бирга оламиз: *ичкари*. Бошқалари ҳам шундай. Тарихан эса бу сўзлар *ič-kārū, taš-qaru, il-gārū, yuq-qaru* сингари морфемаларга бўлинган. Бу ўринда: *ič* – «ич, внутрь», *taš* – «сирт, таш», *il* – «шарқ», *yuq* – «верх»; *-kārū, -qaru / -gārū, -yaru* – жўналиш келишиги қўшимчаси; *ičkārū* – «ичкари», *tašqaru* – «ташқари», *ilgārū* – «шарққа; олдинга», *yuqqaru* – «юқори». *Чоғиштиринг*, Маҳмуд Кошғарийда: *yuq yer* – «юқори ер» (ДЛТ, 324).

Ҳозирги ўзбек тилида *кечқурун* деймиз. Бу сўздаги *кеч* компоненти маъно англатгани билан, ундаги *қурун* ҳеч бир маънога эга эмас. Шунинг учун *кечқурун* сўзини ҳозирги ўзбек тили ўлчовида яхлит бир сўз деб оламиз.

Тарихий жиҳатдан бу сўз содда эмас, қўшма сўз эканлигини англатувчи бир белгиси бор; у ҳам бўлса унинг икки хил сўздан тузилганлигидир: *кеч* ингичка, *қурун* эса йўғон талаффуз қилинади. Агар содда сўз бўлганида, сингармонизм қоидасига кўра, иккалови йўғон ёки ингичка талаффуз этилиши керак эди.

Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» тазкирасида *aqšam-qurun* сўзи ишлатилган, у «оқшом вақти билан» деганидир: *har kün aqšamqurun tamya čiqar erdi* (НМ, 156).

Сўзнинг ўзаги – *aqšam*; ундаги *qur* «вақт, пайт» дегани, *-un* эса тарихан восита келишигининг қўшимчаси бўлиб, «чиғатой туркчаси»да ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги сингари қолдиқ шаклида ишлатилган.

Биз ишлатаётган *кечқурун* сўзи ҳам тарихан қўшма сўз бўлиб, айна қолипда ясалган: *кеч-қур-ун*; бу «кечки вақт билан» деган маънони беради.

Ёки *тенгқур* деган сўзимиз ҳам шундай: у ҳам тарихан қўшма сўз эди. Лекин унинг таркибидаги *қур* «вақт, пайт» дегани эмас, «унвон; даража» маъносини беради: *тенгқур* «ёш жиҳатдан тенг, тенгдош; тенг-тўш» дегани.

Ҳозирги ўзбек тилида *юрак* деган сўзимиз бор. Маҳмуд Кошғарийда ҳам *yüräk* (ДЛТ, 329). Бу сўзнинг ўзагини «юрмоқ» маъносидаги *юр-* га боғлаб бўлмайди (масалан, *юр-ак* шаклида). Сабаби, «юрмоқ» маъносидаги *юр-* – йўғон талаффузли сўз, сингармонизм қоидасига кўра, унга *-ак* қўшимчасини қўшиш хато. Яна *юрак урди* / *юрак гупиллаб урди* деймиз, лекин бу ерда «зарб билан уриш» эмас, «нафас олиш» тушунилади. Яна *гупиллаб, гуп-гуп* равишлари зарбага эмас, ҳавога нисбатан ишлатилади. Зарба бўлганида, *гурсиллаб* ёки *гурс-гурс* дейилган бўларди.

Қизиғи шундаки, Маҳмуд Кошғарий луғатида *ürdi* сўзи бор, ингичка айтилади; у «пуфлади» деган маънони беради: *ol ot ürdi* – «у олов ва бошқа нарсаларни пуфлади» (ДЛТ, 80). Демак, *юрак урди* бирикмасидаги *урди* «пуфлади» англамидаги ўша сўзга боғланади. *Юрак* сўзининг ўзаги ҳам *юр-* эмас, *ür-* бўлади: *ür-äk > yüräk*. Бу сўз кейинчалик *юрак* бўлиб кетган.

Ҳозирги ўзбек тилида *юксак* деган сўзимиз бор; *юксалди* феъли ҳам айни ўзақдан. Буларнинг ўзагини «тавар» англамидаги *юк* сўзига боғлаб бўлмайди. Шунингдек, бу сўзнинг *юқори* сўзига ҳам боғлиқлиги йўқ.

Юксак сўзининг келиб чиқишини Маҳмуд Кошғарий яхши очиб берган. У ёзади: *yüksäk tay* – «юксак тоғ». Ҳар бир баланд ва узун нарсага ҳам *yüksäk* дейилади. Бу, асли, «куш пати» маъносидаги *yüg* сўзидан олинган. Чунки юксалиш унинг табиий хусусиятидир. Шунинг учун ҳар қандай баланд нарса ҳам шундай аталган. (Донишманд) шундай деган:

*Us es körüp yüksäk qaliq qudī čaqar,
Bilgä kiři ögüt berip tawraq uqar.*

Айтмоқдаки: «Каркас қуши йиртқич ҳайвонлардан қолган гўштни (овни) кўриб, ўзини кўкдан ташлайди. Донишманд кишиларни қизиқтирадиган ов ўгит-насиҳатдир. Улар ўгитни эшитиши биланоқ қулоққа оладилар» (ДЛТ, 339).

Демак, Кошғарийнинг изоҳига кўра, бу сўзнинг келиб чиқиши қуйидагичадир: *yüg-sä-k > yürsäk > yüksäk*.

Ёки *алда-* сўзини ҳам ҳозирги ўлчовлар асосида морфемаларга бўла олмаймиз.

Тарихан уни икки морфемага ажратиш мумкин: *al-da*. Булардан: *-da* феъл ясовчи, *al* эса ўзақ бўлиб, «ҳийла, найранг» маъносини билдиради.

Бунда тил тарихида ўзакларнинг мустақил қўлланила олгани, қўшимчаларнинг эса ясовчи сифатида ҳаракат қила олгани асос қилиб олинади.

Масалан, *al* сўзи ўтмишда мустақил ҳолда ҳам ишлатилган. «Девону луғати-т-турк»да шундай мақол бор: *Awčī nečā al bilsā, adīy anča yol bilir*. Маъноси: «Овчи қанча ов ҳийлаларини билса, айиқ ҳам қочиш йўллари-ни шунча билади». Кошғарийнинг таъкидлашича, бу мақол икки тажрибали киши ўзаро тортишиб қолганда айтилади (ДЛТ, 39).

Ёки Мавлоно Лутфийда шундай туюқ бор:

*Men kōñül berdim yañaqñ alina,
Bolmadim vāqif bu makr-u alina.
Emdi lābud čara yoq kōrmāk kerāk,
Har ne teñri salmiš olsa alina* (Лутф., 351).

Туюқнинг илк қаторидаги *yañaqñ alina* (<*al-ī-na*) «яноқингнинг қизиллигига»; иккинчи қаторидаги *makr-u alina* (<*al-ī-na*) «макру ҳийласига»; сўнги қатордаги *salmiš olsa alina* (<*alīn-a*) «пешонага солган бўлса» англамида келган.

Бу ўрнакларнинг иккови ҳам «макр, ҳийла» маъносидаги *al* ўтмишда мустақил сўз ҳолида ишлатилганини далиллаб турибди. Демак, *alda* сўзини тил тарихи қондасига кўра икки морфемага ажрата оламиз.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *қутул*-, *қутқар*- сўзларини уч ёки икки морфемага бўлиш мумкин эмас. Лекин тарихан улар морфемаларга бўлинади: *qut-u-l*, *qut-qar*. Кейинги сўздаги *-qar* феъл ясовчи қўшимча, масалан, *bašqar* ҳам шу қолипда ясалган.

Қадимги туркийда *qut* бир қанча маъноларда қўлланган. Шулардан бири «қут, бахт» маъносидир. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб асарининг оти «*Qutadū bilig*» шундан олинган, «Қутга, бахту саодатга етказувчи билим» дегани.

Qut сўзи қадимги туркий тилда «эрк, озодлик» маъносида ҳам қўлланган. Масалан, қадимги турк эпоси «Ўғузхоқон» достонида шундай жумла бор: *Men señā bašimni, qutumni berā-men* (ЎД, 22.6).

Буни русчага «Я отдаю тебе свою голову, свою душу» деб ўгирганлар (ДТС, 471). Аслида, бу жумладаги *qut* ни «жон» («душа, жизненная сила, дух») деб эмас, «эрк, озодлик» деб англамоқ керак. Бу ўринда хонга бош эгиш, таслим бўлиш тўғрисида сўз бормоқда. Шунга кўра, маттни «Мен сенга бошимни, эркимни бераман» деб ўгирган маъқул. Ана шунда «сенга эркимни бераман; сенга бўйсунаман» деган маъно келиб чиқади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *қутул*-, *қутқар*- сўзлари ҳам ўша ўзакдан: *қутул* «озод бўл-», *қутқар* «озод қил-» дегани.

Ёки бошқа бир мисол. Қадимги туркларнинг шундай мақоли бўлган: *Er qutī belīñ, suw qutī terīñ* (Arat 1991, 274).

Мақолда кечган *qut* сўзини ҳозирги таржималарда турлича берадилар. Жумладан, уни русчага «Достоинство мужа – в страхе, ценность воды – в глубине» деб таржима қилганлар (ДТС, 94).

Уйғурча таржимасида бу мақолни «Эрнинг қути (бахти) қўрқмасликда, сувнинг қути чўнғурликда» деб ўгирганлар.

Аслида, ушбу қадимги турк мақолида кечган *qut* «кувват, куч-қудрат» маъносидадир. Шунга қўра, мақолни «Эрнинг (йигитнинг) жасурлиги кутку чоғида (тўс-тўполонда) билинади, сувнинг қудрати тубида (билинади)» дея ўгирганимиз маъқул.

Сўзнинг морфем таркиби матн яратилган даврнинг лексик ва грамматик ўлчовларига таяниб белгиланади. Тарихий тараққиёт, тил ўлчовларининг яшовчанлиги, ҳаракатланиши оқибатида баъзан ўзак, баъзан эса қўшимчалар истеъмолдан чиқиши мумкин. Баъзида иккаласи унутилиб, бир сўзга айланиб қолади. Натижада уларни маъноли қисмларга бўлишнинг иложи қолмайди. Сўзнинг бундай ҳолатини теварак-борликдаги айрим кристалларга менгзаш ўринли. Табиатдаги айрим қаттиқ моддалар (масалан, сув остидан олинадиган инжу; айрим минерал тошлар ҳам шундай) қачонлардир суюқ ёки юмшоқ ҳолатда бўлган, ҳозир улар заранглашиб, бўлинмас ҳолга келиб қолган.

Тилда меъёрий, одатий ҳолатлар билан бир қаторда тарихий ҳолатни кўрсатувчи, лекин ҳозир ҳаракат қилмайдиган реликт (қолдиқ) ҳодисалар ҳам учраб туради. Бу ҳодиса сўзнинг морфем таркибига ҳам боғлиқ. Худди шундай реликт ҳолатлар ҳозирда «кристалл» ҳолига келиб қолган сўзнинг ўзаги, унутилган қўшимчаси ёки ҳар икки компоненти бўлиши мумкин.

Тил тарихидаги бу ҳодиса луғат таркибидаги катта бир қатламнинг этимологияси, тарихий кўриниши, морфем қурилишини аниқлашга тўсқинлик қилади. Биз уларнинг қандай ясалгани, морфема дея чама-лаётган узвнинг маъносини, ҳозирги туришида қай бир товуш ўзгаришига учраганини биланвермаймиз. Жиддий изланишлар улардан айримларининг илдизларини очишгагина имкон беради, холос.

Масалан, ҳозирги қазғоқ сўзини олайлик. Бу сўзда «бўлиниш, ажралиш» маъноси бор. *Чоғиштиринг*, КТТ. 34 да: *qazaq* – «уйсиз-жойсиз». Яна *чоғиштиринг*, КТТ. 22 да: *qazyān* – Китобда қайд этилишича, буни *qazan* шаклида ҳам талаффуз қилганлар.

Ёзма ёдгорликлар грамматик жиҳатдан таҳлил қилинганда сўзларни морфемаларга ажратишда замонавий ўлчовларга (яъни ҳозирги ўзбек тили ўлчовларига) таяниб эмас, балки битиглар яратилган давр

тилининг лексик-семантик, грамматик ўлчовларига таянган ҳолда иш кўрилади.

Морфема таҳлилида ясама сўзнинг қай маънодан ҳосил бўлаётганлигини билиш ҳам муҳим. Масалан, ҳозирги *қуйла*- сўзи икки морфемага ажратилади (*қуй-ла*). Бироқ ушбу ясама сўз «оҳанг» маъносидаги *қуй* ўзагидан ясалаётгани йўқ. Бунинг исботини ёзма манбалар мисолида кўриб чиқайлик.

Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн»да ҳозирги «оҳанг, қуй» маъносидаги *kūu* ни *kök* шаклида келтирган. Навоий асарлари бўйича тузилган «Абушқа» луғатида *kök* дан ясалган *köklä- // köktä-* феълига кенг изоҳ берилади. Китобда муаллиф *köklä-* феълининг маъноси тўғрисида шундай ёзади: *Köklä – kāflar kāf-i 'arabīdur. Amr edüp sāz čal ma'nāsīnadur...* (DDT, 369)

Китобда муаллиф ушбу феълнинг *köktä* вариантини ҳам берган. Айни сўзга ўрнак сифатида «Ғаройибу-с-сиғар»дан бир байт ҳамда Навоийнинг «Муҳокамату-л-луғатайн»да *kök* нинг маънолари тўғрисида ёзганларини келтиради (ўша китоб, 369 – 370).

Луғатда *kök* сўзи ҳам *bu daxī sāz čalmaq ma'nāsīnadur* деб изоҳланиб, унга мисоллар берилган (ўша китоб, 369).

Мавлоно Лутфий қаламга олган қуйидаги туюқда ҳам айни маъно мужассам:

*Tüz, begim, bu damda suhbat kökini,
Tut ayay, kes dard-u yamniñ kökini.
İlgiñdin gar kelsä başqa tut ayay,
Közgä ilmān dunyāniñ yer-kökini* (Лутф., 377).

Биринчи мисрадаги *kök* «авж» маъносида (*suhbat köki* – «суҳбатнинг ёқимлиси, дил тортувчи суҳбат»), иккинчи мисрадаги *kök* «илдиз», сўнги сатрдаги *kök* эса «осмон»дир.

Яна бир жиҳати, туюқнинг иккинчи қаторидаги *tut ayay*, яъни *ayay tut* «қадаҳ тут-, май тут-» англамида; учинчи қаторидаги *tut ayay*, яъни *ayay tut*- эса «бошга оёқ қўй-; мени оёқости қил-» англамидадир.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида Навоий қайд этган «оҳанг» англамидаги *kök* сўзи *küg* шаклида, «осмон» маъносидаги сўз эса *kök* шаклида қўлланган. Бундай фикрга келишимизнинг сабаби шундаки, Маҳмуд Кошғарий «шеърнинг вазни, ўлчови» маъносидаги *küg* ни изоҳлар экан, унинг жарангли *kāf* (яъни [g] билан) талаффуз қилинганини таъкидлайди; «осмон, кўк» маъносидаги сўзни эса жарангсиз *kāf* (яъни [k] билан – *kök* шаклида) талаффуз қилинган дея қайд этади (ДЛТ, 368).

Қадимги туркий адабиётда «қўшиқ; шеър» *küg* деб айтилган, у шеър турларидан биридир.

Маъмуд Кошғарий *küg* сўзининг шеъриятга тегишли бўлган икки хил маъносини келтирган. У ёзади:

küg – жарангли *kāf* (яъни [g] билан), «шеърнинг вазни, ўлчови»: *bu yir ne küg üzä-ol* – «бу шеър қайси вазнда?»

küg – «мақом, ашулада махсус қоидага мувофиқ овозни баланд-паст қилиш»: *er kügländi* – «киши овозини баланд-паст қилиб, маълум мақомда ашула айтди» (ДЛТ, 368).

Р.Р.Аратнинг ёзишича, монийчилик даври шоирларидан Апринчўр тигиннинг иккита шеъри сақланган. Улар матнда *küg taqşut*, *küg* дейилган (Арат 1991, 14).

Ўтмишда кенг ишлатилган *küg* сўзи ҳозирги ўзбек тилида *қуйла-феълининг таркибида сақланиб қолган: küg+lä>küglä>küylä*. Масалан: *қўшиқчи қуйлади* деганда «қўшиқчи қуй чалди» эмас, «қўшиқчи ашула айтди» англашилади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *қуйлади* феъли Маҳмуд Кошғарийда *küglädi* шаклида қўлланган: *er kügländi* – «киши ашула айтди»; асли, *küglädi* дир (ДЛТ, 286).

Мисоллардан англашиладики, Навоий «оҳанг» маъносини назарда тутган *kök* (қадимги туркий ёзма манбаларда: *küg*) полисемантик сўз бўлиб, «шеър, қўшиқ, шеър ўлчови, назм; қуй, оҳанг» маъноларини ифода этган экан.

Тил тараққиётининг кейинги даврларида мазкур сўз *-k//g-*у ҳодисасига учраб *küy* га айланган: *küg>küy*.

Тилимизда унинг «шеър, қўшиқ» маъноси ҳозир ҳам реликт шаклида учрайди. Ҳозирги *қуйла-* феълининг ўзаги тарихан «оҳанг, қуй» маъносига эмас, балки «шеър; қўшиқ» маъносига боғланади. Чунки *қуйла-* сўзида «қуй чалмоқ» эмас, «қўшиқ айтмоқ» маъноси мужассам: «санъаткор қуйлади = санъаткор қўшиқ айтди». Бу сўз «Девону луғатит-турк»да қўлланган *küglä-* (*er küglädi*) феълининг фонетик жиҳатдан ўзгарган шаклидир: *küglä>küylä*.

Тилимизда *сигир қуйлади, ит (қанжиқ) куюкди* деймиз. Ушбу бирикмалар таркибидаги *қуйла-*, *куюк-* сўзлари юқоридаги маъноларга боғланмайди. Булар ҳайвонларнинг жуфтлашув вақтини билдирувчи *küg* дан ясалган. Ушбу сўз Маҳмуд Кошғарийнинг девонида ҳам бор: *küg* – «бу эчки ва бошқа ҳайвонларнинг қишда бир-бирига ошадиган (жуфтлашадиган) вақти»: *qoy kügi boldi* – «қўйларнинг қўшиладиган, уюр оладиган вақти бўлди. Бошқа ҳайвонларга ҳам шу сўз қўлланади» (ДЛТ, 368).

Бу сўздан эса ҳайвонларнинг шавқи уйғонадиган ҳолатига нисбатан қўлланувчи *küylä-, küyük-* феъллари ясалган: *küg > küy-+lä; küy+ük*.

Энди ҳозирги *қўшиқ* [тарихий шакли *qoşuq*] сўзининг ясалиши бора-сида. Фанда туркий *qoşuq* сўзининг илкин маъноси, келиб чиқиши тўғ-рисида турли фикрлар айтилган. Айрим олимлар унинг келиб чиқиши-ни «қўш ҳайдаш» англамидаги *қўш* сўзига боғлайди: «таригчи-деҳқон қўш ҳайдаш чоғида хиргойи қилиб айтганлари қўшиққа айланган» дей-йилмоқчи бу билан.

Бошқа бир қарашга кўра, *қўш* сўзи «қўшмоқ» феълидан олинган: бу билан эса «шеърисидаги сўзлар қўшилиб, қўшиққа айланган» дейилмоқчи.

Сўзлар ўз-ўзидан, содда бир усулда ясашиб қолмайди. Ясама сўз ту-шунча-моҳияти билан ўзакнинг англамига бориб туташади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида яхши бир мисол берил-ган: *ol yir qoşdı* дейди. Бу жумладаги *yir* «шеър»; *qoşdı* эса «тўқиди; ижод қилди» бўлиб, жумланинг маъносини «у шеър тўқиди» деб ўгиради олим (ДЛТ, 212).

Ёки бошқа бир ўринда: *yir qoşuldi* – «шеър (*yazaŋ*) тўқилди, ижод қи-линди» (ДЛТ, 248); *Uqar ersä şe'r ham qoşar ersä öz.* – «(Элчиликка лойиқ киши) шеърни уқадиган ҳамда ўзи ҳам ёзидиган бўлса» (QBN. 99а,3).

Мисолни бежиз келтирмадик. Сўз юритаётганимиз *qoşuq* нинг ўзаги ҳам девонда келтирилган ўша *qoşdı*, яъни «тўқиди; ижод қилди» маъно-сидадир. Ҳозирги ўзбекчада *қўшмай гапир* деймиз. Бунинг англами ҳам ўша эски сўздан қолган: «тўқимай гапир» дегани.

Демак, манбаларда қайд этилган мисоллардан ҳозирги *қўшиқ* ата-маси тарихан *qoş-* феълининг «қўшмоқ, бириктирмоқ» семасидан эмас, «(шеър, ашула) тўқимоқ» семасидан ясалганлиги англашилади.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *qadīn* – «қайин она; қайин ота; қайин». Қипчоқлар *zā* билан талаффуз қиладилар. Мақолда (шундай келган): «*Qadaş*» *temiš, qaymadiq, «qadīn» temiš, qaymīš*. Маъноси: «Қариндошлар келди» дейилганда унга эътибор берилмади; «қайин (ота, она) келди» дейилган эди, дарров унга қаралди». Бу мақол қайин она ва қайин ота-ларни хурмат қилиши учун куёвларга қарата айтилади (ДЛТ, 161 – 162).

Сўз таркиби

Сўз таркиби деганда сўзни ташкил қилувчи компонентлар – ўзак, не-гиз ва сўзнинг синтактик муносабатини таъминловчи турли қўшимча-ларнинг бирлиги, сўзнинг морфологик тизими (структураси) тушуни-лади. Сўз таркибини таҳлил қилишда, аввало, лексик ҳамда грамматик маъно англатувчи компонентларни ажратиб олиш лозим. Сўз таркиби

лексик ҳамда грамматик маъно англатувчи компонентлар бирлигидан иборат бўлади.

Сўзнинг лексик маъно билдирувчи компонентларига ўзак ҳамда негиз киради. *Ўзак* сўзнинг энг кичик лексик маъно англатувчи бўлагидир. *Негиз* эса сўзнинг энг катта лексик маъно англатувчи бўлаги саналади.

Масалан: *tin-* феълига от ясовчи *-č* қўшимчасини қўшиб *tinč* оти ясалган; *tinč* сўзининг ўзаги (энг кичик лексик маъноли бўлаги) *tin-*, негиз эса от ясовчи *-č* қўшимчасини қўшиш натижасида ҳосил бўлган *tinč* сўзидир. Энди бу сўзга *-i* қўшимчасини қўшиб *tinčī* феълени ясаймиз. Бундай ҳолда негиз ҳам ўзгаради: янги ясалган сўз негиз бўлади. Лекин ўзак ўша-ўша тураверади. Шунинг учун бир ўзақдан ясалган сўзларни ўзақдош сўзлар деб атаймиз. Келтирилган *tinč*, *tinčī* сўзлари ўзақдош (бир ўзақдан ясалган) сўзлардир. Демак, *tinčī* сўзининг таркиби шундай: *tin+č+i = tin->tinč>tinčī-*.

Яна бир мисол: *qatiyti* (қаттиқ қилиб, маҳкам қилиб) сўзининг таркиби шундай: «қот-» англамидаги *qat-* феълига сифат ясовчи *-iy* қўшимчасини қўшиб *qatiy* сўзи, унга эса *-ti* равиш ясовчисини қўшиб *qatiyti* сўзи ясалган. Бу сўзни ўзак-негизга ажратиш тартиби ҳам юқоридаги сўз кабидир: *qat->qatiy>qatiyti*.

Сўзнинг грамматик маъно билдирувчи компонентларига қўшимчалар киради. Муҳими шундаки, сўз таркибига ясовчи қўшимчаларгина эмас, ясовчи бўлмаган қўшимчалар (шакл ясовчи, сўз ўзгартирувчи) ҳам кириб кетади. Чунки уларнинг бари сўзни шакллантиришга, унинг лексик-семантик, морфологик, синтактик-стилистик ўрнини таъминлашга хизмат қилади.

Морфемалар вазифасига кўра сўз ясалишига ҳам, ўзгаришига ҳам алоқадор.

Қўшимчалар сўз ясовчилар (деривацион аффикслар) ва сўз ўзгартирувчилар (реляцион аффикслар) турларга бўлинади.

Тил тарихида ҳам қўшимчалар уч хил кўринишда учрайди: сўз ясовчи, шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи.

Сўз ясовчи қўшимчалар ўзак-негизга қўшилиб, лексик маънони ўзгартириб, янги сўз ясайди. Бундай қўшимчалар ўзак маъноси теграсида ҳаракатланиб, ундан янги сўз яратишга хизмат қилади. *Чоғиштиринг*, ДЛТда: *ig* – «касаллик, дард», от туркумига мансуб; бу ўзақдан ясалган сўзлар: *iglädi* – «касал бўлди», феъл; *iglig* – «касал», сифат; *iglik* – «касаллик», от; *igčil* – «дардчил, касалманд», сифат.

Ёки яна: *öl* – «ўл», буйруқ феъли; ушбу ўзақдан ясалган сўзлар: *ölük* – «ўлик», от; *öläm* – «ўлим», от; *ölät* – «ўлдириш», от; *ölätlädi* – «ўласи қилиб урди», феъл; *ölätči* – «ўлдирувчи, қотил», от. Бошқа бир *öl* ҳам бор,

бу «хўл» дегани, сифат; *öliđi* – «хўл бўлди» феъли ана шундан ясалган. *Чоғиштиринг*, Навоийда *ölüť: boyuzumni ölütkäy-men* (НМ, 102).

Ёки қадимги туркий тилда *tariy* деган сўз бор, бу «дон-дун» дегани, у *taridī*, яъни «экди» феълидан ясалган; *ol tariy taridī* дейди, бу бирикма «у экин ва бошқа нарсаларни экди» деганидир (ДЛТ, 414). Энди *tariy* сўзидан *tariyċi* сўзи ясалган, бу «дон экувчи деҳқон» деганидир (ДЛТ, 407). Демак, бу сўз қуйидаги шаклда юзага келган: *tari->tariy>tariyċi*.

Шакл ясовчи қўшимчалар эса янги сўз ясамайди, сўз маъносини кескин ўзгартириб ҳам юбормайди, балки сўзнинг эмоционаллик бўёғини, маъно оттенкаларини ўзгартиришга, янгилашга хизмат қилади. Сўзга кичрайтириш, эркалаш, хурматлаш, камситиш, чегаралаш, озайтириш, орттириш, кучайтириш, тахмин, гумон сингари маъноларни юклайди. Шакл ясовчилар грамматик маънога эга бўлади.

Бунга мисол қилиб Маҳмуд Кошғарийнинг *-qīya*, *-kiyā* кичрайтириш қўшимчаси тўғрисидаги маълумотини келтириш етарли:

-qīya – таркибида *yaun*, *qāf* ҳарфлари бўлган ва, умуман, тўйинтирилган [яъни йўғон] сўзларда қўлланувчи кичрайтириш қўшимчаси. Чунончи, *oʻyulqīya* – «ўғилчам», *qizqīya* – «қизчам» сингари.

-kiyā – таркибида *kāf* (яъни [k], [g]) ҳарфлари бўлган ва, умуман, ингичка, енгил ҳарфли сўзларда қўлланувчи кичрайтириш қўшимчаси. Чунончи, *erkiyā* – «эргина», *yerkiyā* – «ергина» сингари (ДЛТ, 381).

Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар гапда синтактик вазифани бажариб, сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Эгалик, келишик, феъллардаги шахс-сон қўшимчалари сўз ўзгартирувчи қўшимчалар саналади.

Сўзга ясовчи қўшимчалар қўшилганда сўз туркуми ўзгармаслиги ҳам, ўзгариши ҳам мумкин. Сўзга шакл ясовчи қўшимчалар қўшилганда ҳам, сўз ўзгартувчи қўшимчалар қўшилганда ҳам туркумда ўзгариш юз бермайди.

Туб ва ясама сўзлар

Сўзлар тузилишига кўра *туб* ва *ясама* бўлади. *Туб сўзлар* асли муайян лексик маънони билдирувчи морфем бирликдир. От, сифат, сон, феъл сингари мустақил сўз туркумлари ҳам, шунингдек, ёрдамчи сўз туркумлари ҳам *туб* сўзлар бўлиши мумкин.

Масалан, отлар: *ī* – «ўсимлик, бута», *ot* – «дори-дармон», *ig* – «касалик», *qaz* – «ғоз», *qoñ* – «қўй», *söz* – «сўз»;

феъллар: *ba-* – «боғла-», *te-* – «де-», *ay-* – «айт-», *uq-* – «уқ-», *al-* – «ол-», *ked-* – «кий-», *ber-* – «бер-», *ürk-* – «хурк-»;

сонлар: *üç* – «уч», *tört* – «тўрт», *on* – «ўн», *yüz* – «юз», *miñ* – «минг»;

олмошлар: *ol* – «у», *öz* – «ўз», *kim* – «ким?», *nā* – «нима?» ва б.

Ясама сўзлар эса ўзакка ясовчи қўшимча қўшиш ёки мустақил сўзларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан бирикиши туфайли юзага келади. Мисолни узоқдан изламаймиз. Юқорида келтирилган туб сўзларга ясовчи қўшимчалар қўшиш билан ясама сўз ҳосил қилиш ҳам мумкин: *ot-a-čī* – «табиб», *ig-lā* – «касал бўл-, дардга чалин-», *qaz-čī* – «ғозчи», *söz-lā* – «сўзла-, гапир-»; *uq-uš* – «укуш, заковот», *ked-im* – «кийим» ва б.

Ёки сонлардан *iki* сўзи ҳам тарихан ясама сўз; у *ilk* сўзидан ясалган: *ilk-i>iki*; *yigirmi* эса *iki* сонидан ясалган: *iki-rmi>yigirmi*; *altmiš* эса *altī* сонидан ясалган: *altī-miš>altmiš*. Шунингдек, ҳозир ишлатаётган *кимса* сўзимиз ўзбек тили тарихида *kim ersā* шаклида ишлатилган: *kim-ersā>kimsā*; ёки *нарса* сўзи тил тарихида *nā ersā* деб ишлатилган: *nā-ersā>nārsā*. Демак, булар ҳам ясама сўзлардир.

Сўзнинг туб ёки ясама эканлиги ҳозирги ҳолатига қараб эмас, тарихий ҳолатига қараб белгиланади. Ўзбек тилида ишлатилаётган айрим сўзларнинг тарихий ўзаги ёки қўшимчаси, баъзан ҳар иккиси унутилиб, ҳозир бир морфемага айланиб қолган бўлиши мумкин. Бундан қатъи назар, унинг тарихий ясалишига эътибор қилинади. Бу тарихий луғатларга, илмий грамматикаларга таяниб аниқланади; бошқа йўли йўқ.

Масалан, юқорида ҳозирги *алда* сўзи тарихан икки морфемадан иборат эканлигини айтган эдик. Ҳозирги ўзбек тилида у бир морфема деб қаралади. Шундай эса-да, унинг тарихий ҳолатига (*al+da>alda-*) таяниб ясама сўз деймиз.

Ёки *yasyač* – «увра тахта» сўзининг асли, Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра, *yasi uīyač*, яъни «ясси ёғоч, энли тахта»дир (ДЛТ, 337). Демак, бу ҳам ясама сўз.

Бошқалари ҳам шундай таҳлил қилинади.

СЎЗ ЯСАЛИШИ

Ўзбек тили тарихида сўз яшашнинг кенг қўлланган, энг унумли йўллари куйидагилар:

(1) аффикслар орқали сўз ясалиши (аффиксация усули);

(2) сўз қўшиш орқали сўз яшаш (композиция усули).

Аффикслар орқали сўз ясалиши

Аффикслар орқали сўз ясалиши деганда ўзак ёки ясама сўзга янги бир сўз ясовчи қўшимча қўшиш билан бошқа бир сўз ҳосил қилиниши тушунилади.

Ҳозирги ўзбек тилида *айтмоқ* сўзининг ўзагини *айт-* деб оламиз. Аслида, бу ўзакдаги *-т* феълнинг орттирма даража кўрсаткичидир; ўзакнинг ўзи эса – *ай-*. Маҳмуд Кошғарийда: *ol menā sōz aydi* – «у менга сўз айтди» (ДЛТ, 83).

Туркий тиллар тарихида, ёзма ёдгорликлар тилида сўзлар қатъий қонунлар асосида ясалган. Ясама сўз ҳар қайси эмас, маъно жиҳатдан ўзига боғлиқ бўлган ўзакдан, ўша сўзнинг айнан туташ маъноли семасидан урчийди. Агар ясама сўзнинг морфем таркиби чуқур таҳлил қилинса, ўша илдизга етиб борилади.

Масалан, туркий ёзма ёдгорликлар тилида йўғон талаффуз қилинувчи *ot* қуйидаги маъноларни англатган:

ot I – «ўт, олов»: *Bu beglār ot-ol, otqa barma yaʻuyq.* – «Бу беглар мисли оловдир, сен бу оловга яқин борма» (QBN. 29b,12).

ot II – «ўсимлик, ўт, ўлан»;

ot III – «эм, дори»: *Ol aymlš otuy yesā igkā yarar.* – «У [яъни табиб] айтади: дори еса, дардга даво бўлади» (QBN. 158a,3).

«ўт, олов» англамидаги *ot* сўзидан *ota-* феъли ясалган, бу «ўт ёқ-; ўтин қала-» деган маънони беради: *ol otuḡ otadī* – «у ўтга исинди, ўтин ёқди» (ДЛТ, 411); «ўтов» англамидаги *otaḡ* сўзи ҳам *ot* дан ясалган. Ундан «ўт қала-» маъносидаги *ota-*, унга жой оти ясовчи *-ḡ* қўшимчасини қўшиб *otaḡ* сўзи ясалган, бу «ўт ёқиб қишни ўтказадиган жой» маъносини беради. Бу сўзнинг *otaḡ* шакли ҳам бор: *Kōḡlümā ot salma, uldur čun xayālīḡa otaḡ* (SD. 780).

Ҷоғиштиринг: *qīšlaq* (<*qīš-la-q*) – «қишни ўтказадиган, қишлайдиган жой»; *yaḡlaḡ* (<*yaḡ-la-ḡ*) – «ёзни ўтказадиган ер, яйлов».

Otluq сўзи ҳам ана шу *ot* ўзагидан ясалган. Масалан, *otluq kōzūḡ* – бу поэтик маънода «ўтли кўзинг» деганидир (қаранг: SD. 463).

Қадимги *oṣaq* сўзининг ўзаги ҳам *ot* га боғланади. Бу сўз қадимги туркий тилда *oṣiq~oṣaq* шаклларида ишлатилган; унинг *otṣiq* варианты ҳам бор (ДТС, 373). Аввалги иккиси, ҳар қалай, сўзнинг ана шу вариантдан келиб чиққан бўлиши керак: *otṣiq>oṣiq~oṣaq*.

«ўсимлик, ўт, ўлан» англамидаги *ot* сўзидан эса «ўт юл-, ўта-» маъносидаги *ota-* феъли ясалган: *ol tariḡ otadī* – «у экинни ўтади» (ДЛТ, 411); *otla-* сўзи эса «ўтлади, ўт еди» маъносини беради. Ҳозирги ўзбек тилида «экиннинг ўтини юлиш» жараёнини *ўтоқ, ўтоқ қилди* деб атаймиз. Бу ҳам «ўт юл-, ўта-» маъносидаги *ўта-* феълидан ясалган: <*ot-a-q*.

«эм, дори» маъносидаги *ot* сўзи жуфт ҳолда *ot-em* деб ҳам ишлатилган, бу «дорию дармон» маъносини беради: *Qatuy igkā ot-ol emi belgūlīḡ* – «Ҳамма дардга дорию дармони маълум» (QVQ. 108a,12).

ot сўзига -a қўшимчасини қўшиб *ota*- феъли ясалади, маъноси «эмла-, давола-» дегани: *emči aᅇar ot otadi* – «табиб уни дори билан даволади» (ДЛТ, 411). *Ota*- феълидан *otači* сўзи ҳам ясалган, бу «эмчи, табиб» дегани. Бу сўз жуфт ҳолда *otači-emči*, *otači-ᅇakīm* шаклларида ҳам ишлатилган. Унинг бошқа бир синоними *emči* дир.

Ингичка талаффуз қилинувчи *öt* нинг қуйидаги маънолари бор:

öt I – «ўғит, насиҳат». «Қутадғу билиг»да:

Nekü asyî bolya meniᅇ sözlärim,

Tosulya-mu erki seᅇä ötlärim.

«Менинг сўз(лар)имнинг қандай фойдаси бўлади,
Ўғитларим сенга фойда келтирармикан?» (QBQ. 161a,4).

öt II – «ўт, ўт қопчаси, ўт пуфаги»;

öt III – Кошғарийнинг ёзишича, «девор ва тахта тешиги», *vāv* ҳарфи ингичка [*ö* тарзида] талаффуз этилади (ДЛТ, 32).

«Қутадғу билиг»да:

Baqa körgil emdi, yayiz yer qudi

Ne yanliᅇy kiᅇi kirdi, tolmas öti. –

«Энди боқиб кўргин, кўнғир ер ости
Не янглиғ кишилар кирди, лекин тешиги [яъни ўпқони] тўлмайди»
(QBQ. 146a,12).

Яна бири *öt*- феъли бўлиб, «ўт-, ўтишга буйруқ» дир.

«ўғит, насиҳат» англамидаги *öt* сўзи жуфт ҳолда *öt-saw*, *öt-erig*, *öt-saw-erig*, *öt-saw-qumaru* шаклларида ҳам ишлатилган, бу жуфтликлар «панду насиҳат, ўгиту ҳикмат» маъноларини беради.

öt дан *ötlä*- феъли ҳам ясалади, бу «насиҳат қил-» дегани: *Elig ötlädi, köᅇ; miᅇ edgü sözün.* – «Элиг минг (турли) эзгу сўз(лар) билан насиҳат қилди, кўр» (QBQ. 103b,2). Ушбу сўзнинг масдари *ötlämäk* бўлади, бу «насиҳат қилмоқ» деганидир.

Қадимги туркий тилда *ötä*- «ўта-, бажар-; ҳақини ўта-» дегани: *ol anîᅇ aᅇtmîm ötädi* – у унинг қарзини тўлади (ДЛТ, 411). Ёки «Қутадғу билиг»да *Meᅇä küᅇ ber emdi, ötäyin ᅇaqîᅇ.* – «Менга куч бер энди, ҳақини ўтайин» (QBQ. 91b,2).

«Қарз» маъносидаги *ötäg* ҳам ана шу сўздан ясалган; «қарз, берим» маъносида *ötäg-berim* шаклида ҳам ишлатилган. Бу сўзга -*či* қўшимчасини қўшиб, *ötägči* сўзи ясалган, бу «қарздор кимса» дегани.

Қадимги туркий тилда «илтимос» *ötüg* дейилган; *ötüg ber-* дегани «арз қил-; илтимос қил-» деганидир; «илтимос қилувчи кимса» *ötügçi* дейилади.

Ҳозирги айрим ўзбек шеваларида «дазмол» *ütük-ütüg* дейилади, бу қадимги туркий тилдан сақланган сўз. Бу сўз ўзагининг «олов» маъносига *ot* га боғлиқлиги йўқ. Чунки Маҳмуд Кошғарий уни *ütüg* шаклида келтирган (ДЛТ, 41). Агар бу сўз *ot* дан ясалганида уни сингармонизм қондасига кўра *otuq* шаклида келтирган бўлар эди.

Аҳамиятлиси, Кошғарий девонида *ütidi* феъли ҳам келтирилган, бу «дазмоллади» дегани: *ol tonuy ütidi* – «у кийим чокларини темир (дазмол) билан силлиқлади»; бу сўзнинг келаси замон шакли ва масдари *ütir, ütimäk* дир (ДЛТ, 411). Демак, қадимги туркий тилдаги *ütük* сўзи ўша феълдан эканлиги аён. *Чоғиштинг*, Алишер Навоийнинг «Муҳокама-ту-л-луғатайн» асарида таъкидланишича, *üt-* феъли «*kallani otqa tutup tükin aritur*» *ma'nādatur* (МЛ, 37).

Айрим олимлар ёзма ёдгорликларда «ҳукмдор, правитель» англамида ишлатилган *elig* сўзини *ellig* [яъни «эли бор»] дан келиб чиққан деб тушунтирадилар. Бу фикрга қўшилмайман. Чунки *-y, -g* қўшимчаси феълдан от ясайди. Масалан, «кузатувчи, айғоқчи» англамидаги *körüg* сўзи *kör-* феълдан ясалган. Шундай экан, *elig* сўзининг ўзаги «эл, юрт» англамидаги *el* эмас.

Энди бу сўзнинг маъзини чақиб кўрайлик. Тилимизда *elt-* феъли бор, «етакла-, олиб бор-» маъносида. Ушбу сўздаги *-t* кўрсаткичи орттирма нисбат қўшимчасидир (*elt-<el-i-t-*). Демак, феъл *eli-* бўлиб чиқади, у «кўл, бармоқ» маъносидаги *el* отидан ясалган, сўнг унга *-g* қўшимчасини қўшиб *elig* сўзи ясалган: *el-i-g>elig*. Англашиладики, *elig* сўзининг маъноси «етакловчи, бошловчи» деганидир.

Яна қуйидаги мисолларга эътибор беринг. Маҳмуд Кошғарийда: *yaš* – «кўкат, сабза, барра, ёш ўт»; *yaš ot* – «ёш, барра ўт» (ДЛТ, 324); «ёш кўкатнинг ранги»ни билдирувчи *yašil* сифати ҳам «ёш, янги» маъносидаги ана ўша *yaš* сўздан ясалган (*yaš-i'l*).

Қизиғи шундаки, «Қутадғу билиг»да осмоннинг сифати *yašil* сўзи билан берилган: *yašil kök*. Кўк турк битигларида у *kök täñri* дейилади: бу бирикмадаги *kök* сифат бўлиб, у «осмоннинг ранги»ни билдиради, *täñri* эса «осмон» дегани. «Қутадғу билиг»да осмонга нисбатан ишлатилган *yašil* сифати ўтнинг, майсанинг рангини эмас, балки «тиниқ, беғубор» маъносини беради: *yašil kök* «тиниқ, мусаффо осмон» дегани.

Умр ўлчови англамидаги *yaš* ҳам айни сўздан урчиган; киши умрининг муайян ўлчови: *bir yaš* – кишининг бир йиллик умри. *Ёш, ёш йигит, ёш бола* дейилганда «ҳали кўп яшамаган, ўсмир» тушунилади (*чоғишти-*

ринг, қадимги туркий тилда: *yašliŷ* – «ёши катта, кекса»; *yašliŷ er* – «кекса киши». Ҳозирги турк тилида: *yašli* (<*yaš-li*) – «кекса, узоқ яшаган киши»; *yaša-* (<*yaš-a*) феъли ҳам айни ўзакдан.

Ҳозирги ўзбек тилида ишлатаётганимиз *яшин*, *яшна-* (<*yašīn-a*) сўзлари эса бошқа бир ўзакдан ясалган (чоғиштиринг: *чақин*, *чақна*; бу ҳам юқоридаги қолипда бўлиб, ўзаги *чақ-*; масалан: *чақмоқ* *чақди* ёки: *гугурт чақ-*, *ўт чақ-*). Ҳар қалай, *яшин* сўзининг ўзагида «ёруғ, нур» маъноси борлиги аён. Қадимги туркийда: *yašu-* – «ёруғлик сочмоқ». Чоғиштиринг, «Қутадғу билиг»да: *Yašiq* – «Қуёш» (QBN. 12a,7). Қадимги туркий *yaŷiq* сўзи ҳам ўша қолипда ясалган, *yaŷu-* – «ёруғлик сочмоқ» сўзидан.

Аффикслар орқали сўз ясалишида сўзнинг ички ва ташқи томони га эътибор қаратилади. Сўзнинг ички томони маъно, семантика билан боғлиқ. Ташқи белгиси унинг товуш томонидир. Қадимги туркий тилда ясама сўз ана шу икки жиҳат бирлигидан юзага келган. Демак, ўзак билан ясалган негиз ўртасида ҳам маъно, ҳам фонетик жиҳатдан боғлиқлик бор.

Ёдгорликлар тилида сўз ясовчи аффиксларнинг вазифаси муқим. Ҳар бир аффикс ўзига тегишли доирада ҳаракат қилади, муайян маънони англаувчи сўзлар гуруҳини ясайди, чегарадан чиқмайди. Синонимия қуршовига тушган тақдирда ҳам, эши йўл берсагина, унинг вазифасини бажаради.

Яна ҳар аффикснинг фонетик вариантлари ҳам бўлади. Вариантларнинг бари «бир аффикс» дейилади, ҳар қайсиси «ўша аффикснинг кўриниши» деб қаралади. Улар ўзакка сингармонизм қонуни асосида бирикади; бири бошқасининг ўрнида кела олмайди. Сўзнинг морфем қурилишини текширганда ана шу қонуниятларни унутмаслик керак.

Кўшма сўзларнинг ясалиши

Туркий тиллар тарихида сўз кўшиш орқали сўз яшаш (композиция усули) ҳам кенг ишлатилган. Сўз яшашнинг бундай усули билан кўшма сўзлар ясалади. Кўк турк битигларидаги *bengūtaš*, *bitigtaš* – «битигтош», *sūbašī* – «лашкарбоши», *qarabaš* – «чўри, хизматкор» типидagi сўзлар бунга мисол бўла олади.

Маҳмуд Кошғарий кўшма сўз шаклидаги киши отларининг келиб чиқиши, уларнинг этимологиясини жуда яхши кўрсатиб берган. Жумладан, *buŷra* сўзининг маъносини изоҳлар экан: *buŷra* – «эркак туя»; *Buŷrahan* оти ҳам шундан олинган (ДЛТ, 168) дея таъкидлайди у.

Ёки бошқа бир ўринда ёзади: *Bektur* – эркаклар оти. Асли *bek tur* «доим ўрнингда тур, кўп яша» демақдир (ДЛТ, 181).

Кўк турк битигларида кечган кутб отлари ҳам қўшма сўз шаклида-
дир: *kün toysuq* – «кунчиқар (шарқ)»; *kün ortusi* – «жануб»; *kün batsiq* –
«кунботар (ғарб)»; *tün ortusi* – «шимол». Масалан, Кул тигин битигида:
İlgärü kün toysuqa, birgärü kün ortusiñaru, quriyaru kün batsiqiña, yiryaru
tün ortusiñaru, anta icräki bodun qo[p] m[āñ]ä kör[ür...]n bunča bo[dunuy]
qop itdim. – «Олдинга – кунчиқарга, ўнгга – жанубга, орқага – кунботар-
га, чапга – шимолгача бўлган ораликдаги халқ бутунлай менга қарайди.
Шунча халқни бутунлай тартибга солдим» (Ка. 2 – 3).

Қўшма сўз ҳолида ясалган отлар топонимлар орасида кўп. Чунки
уларнинг кўпи жой маъносини билдирувчи турдош отлар билан бирга
ишлатилган. Жумладан, қадимги турк топонимиясида «шаҳар» маъно-
сидаги сўзлар билан ясалган топонимлар анчагина. Маҳмуд Кошғарий
«Девону луғати-т-турк» асарида *baliq, uluṣ, kân~ken, kent~kend, ordu* сўз-
ларининг маъносини изоҳлар экан, улардан ясалган жой отларини ҳам
тилга олади; уларнинг этимологиясини келтириб ўтади.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *baliq* – жоҳилия давридаги турклар ва уй-
ғурлар тилида «шаҳар». Уйғурларнинг энг катта шаҳарлари *Beṣbaliq* де-
йилиши шундандир. *Beṣbaliq* «беш шаҳар» демакдир. Уйғурлар бошқа
бир шаҳарларини *Yañibaliq* – «янги шаҳар» дейдилар (ДЛТ, 152).

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *ordu* – «шоҳ турадиган шаҳар, ўрда».
Шунинг учун *Kāṣyar* ни *Ordukend* дейдилар, яъни «шоҳлар турувчи ша-
ҳар» демакдир (ДЛТ, 63).

Ёки бошқа бир ерда *kend* сўзининг маъноси тўғрисида Кошғарий ёза-
ди: *kend (~känd)* – «шаҳар». Бундан олиниб *Kāṣyar* ни *Ordukend* – «хон ту-
радиган шаҳар, марказ» маъносида қўлланади.

kend (~känd) – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида «қиш-
лоқ». Кўпчилик турклар наздида «вилоят»дир. Шунинг учун *Farṣāna*
ни *Özkend* – «ўз шаҳримиз» дейдилар. *Samarqand* ни катталиги учун
Semizkend – «семиз шаҳар» дейдилар. Буни форслар *Samarqand* тарзида
қўллайдилар (ДЛТ, 140).

Девонда *Taškän* сўзининг этимологияси ҳам яхши очиб берилган:
Taškän – *Ṣaṣ* нинг оти. Унинг асли *Taškend* бўлиб, «тошдан қурилган ша-
ҳар» демакдир (ДЛТ, 176).

Ёки бошқа бир ўринда *ken (~kän)* сўзини изоҳлар экан: Кунчиқар то-
мондаги ҳар бир «шаҳар»га *ken (~kän)* дейдилар. Бу сўз *kend (~känd)* нинг
қисқарганидир (ДЛТ, 139) дея таъкидлайди олим.

Маҳмуд Кошғарий *uluṣ* сўзига изоҳ бера туриб ёзади: *uluṣ* – «қишлоқ»
(чигилча). *Balasaṣun* ва уларнинг юқори ёнидаги арғулилар тилида «ша-
ҳар» демакдир. Шунинг учун *Balasaṣun* шаҳри *Quzuluṣ* ҳам дейилади
(ДЛТ, 38).

Олимнинг бошқа бир ўринда қайд этишича, *Balasaʼyun* шахрининг *Quzordu* деган оти ҳам бўлган (МК. I. 145).

Quzordu топоними «Кутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли Ҳирот қўлёз-масида ҳам келган. У ерда асар муаллифи Юсуф Хос Ҳожибнинг туғилган ери Кузўрду (яъни Баласағун) эканлиги таъкидланади: *Munuʼi turuylay Quzordu eli* («Унинг турар ери Кузўрду элидир») (QBH. 4a,7).

Англашиладики, *Quzuluʼ*, *Quzordu* отлари таркибидаги *quz* «кунга терс», «кунботар» маъноларини билдиради. *Чоғиштиринг*: Маҳмуд Кошғарий луғатида: *quz tay* – қуёш тушмайдиган тоғ, тоғнинг қуёш тушмайдиган жойи (ДЛТ, 365); ҳозирги ўзбек тилида: *кунгай* – «кун тушадиган жой»; *қузғай* – «кунга тескари жой». Ёки туркчада: *güney* – «жануб», *kuzey* – «шимол». Шундан келиб чиқиб *Quzuluʼ*, *Quzordu* «кун ботардаги шаҳар» деган маънони билдиради.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарига киритилган Ер юзи харитасида *Андижон* ҳам бор: уни *Andijand* деб атайдими олим. Бу шаҳар харитада *Marʼyinān* (Марғилон) билан *Kāšʼyar* ўртасидадир. Ёзилишида хатолик йўқ. *Andijand* топонимидаги *jand*, ҳар қалай, қадимги туркий *kend* (~*kānd*) нинг фонетик ўзгарган шакли бўлиши керак. Чунки туркий битигларда бу шаҳар *Andigān* деб аталган (Келиб чиқиши, ҳар қалай, *Andi+kān>Andi+gān>Andi+jan* бўлиши керак). Кошғарий ўз харитасидаги ёзувларни араб тилида келтиргани учун туркий [g] ни арабчада [j] га ўзгартириб берган кўринади.

Юқоридаги «шаҳар» мучали жой отларига қиёс қилинадиган бўлса, *Хоқанд* билан *Хожанд* топонимлари ҳам бир сўз бўлиб чиқади. Сабаби, уларнинг таркибидаги *qand* билан *jand* бир сўзнинг икки хил фонетик варианты бўлиб, *kend* (~*kānd*) нинг ўзгарган шаклидир: *kend* (~*kānd*)>*qand*~*jand*. Буларнинг бари «шаҳар» маъносини беради. Иккала шаҳар ҳам Сирдарё (*Yinčü ögüz*)нинг яқинида жойлашгани, географик ҳолати бир хил эканлигини инобатга олганда, икковининг этимологиясини бир сўзга тақаса ҳам бўлади.

Тарихий *Ötükān*, *Abakān*, *Čimgān* отлари таркибидаги *kān*~*ken*~*gān* ҳам «шаҳар» маъносидадир.

Қадимги туркий тил гидронимлари ичида ҳам қўшма сўз ҳолида ясалган дарё ва қўл отлари бор. Масалан: *Yinčü ögüz* – Сирдарёнинг қадимги туркий оти: *Qurıyaru Yinčü ög[üz] keča Tāmir qarıyqa tāgi sülādım*. – «Ғарбга – Йинчу ўгузни кечиб, Темир қоппиққа қадар қўшин тортдим» (Ка. 3 – 4);

Yašıl ögüz – Хуанхе дарёсининг туркий оти: *Äčim qayan birlä ilgärü Yašıl ögüz, Šantun yaziqa tāgi sülādımiz*. – Амаким хоқон билан шарққа Яшил ўгуз, Шантунг даштига қадар қўшин тортдик (К. 17).

İsigköl – Иссиқкўл; Махмуд Кошғарийга кўра: *Barsyan* шахридаги кўл, узунлиги ўттиз, эни ўн фарсахдир (ДЛТ, 369).

Teriḡköl – кўл оти; Кошғарийга кўра: *İki ögüz* чегарасидаги бошқа бир кўл номи (ДЛТ, 369).

Temir qarīy ҳам қўшма сўз шаклида ясалган жой отидир: *İlgärü Qadīr-qan yışqa tāgi, kirü Tāmir qarīyqa tāgi qonturmīs*. – «Шарққа – Қадирқан йишга қадар, ғарбга – Темир қопиққача манзил қилдирган(лар)» (К. 2).

Қадимги туркий зоонимлар орасида *quš* сўзи билан ясалган қўшма сўзлар ҳам бор. Махмуд Кошғарий ёзади: *quš* – «куш»; жамликни билдирадиган турдош от. Кейин буларни бир-биридан айиришда керакли сўзлар қўшилади: *örüḡquš* – «оқ лочин»; *qaraquš* – «бургут»; *tewāyquš* – «туя-қуш»; *yunquš* – «товус»; *ilquš* – «илкуш, қирғий». Сўнгра *Muštarī* юлдузи ҳам *Qaraquš* дейилади: *Qaraquš tuydī* «*Muštarī* юлдузи чиқди» демақдир. У тонг чоғида чиқади. Ўғузлар «туя оёқларининг учи»ни ҳам *qaraquš* дейдилар; *qizquš* – тукининг ранги *bay baraqiš* рангига ўхшаш бўлган бир куш, яъни қизилтўш куш (ДЛТ, 136).

Айрим тарихий топонимларнинг ясалишида Марказий Осиё халқлари тилларида ягона принциплар амал қилади. Масалан: *Bešbalīq* – келиб чиқиши туркий, «беш шаҳар» дегани; *Panjkent* – форсий; бу ҳам ўша маънодадир.

Қўшма сўз шаклидаги киши отлари ҳам бор. Масалан, *Qutlubars, Qulbars, Aybars, Qaraquš, Alaquš, Aydoydī, Kündoydī, Kündoymiš, Quštemür, Esāndemür, Temürxan, Temürtaş*.

Сўзларни жуфтлаш орқали янги сўз ясаш

Тил тарихида сўзларни жуфтлаш йўли билан янги маъно ҳосил қилиш усулидан бадиий асарларда кенг фойдаланилган.

Кўк турк битигларида *ot* ва *sub* сўзлари жуфт ҳолда қўлланиб, «бир-бирига қарши; тескари; ёв» маъноларини англатади: *Biriki boduniy ot-sub qilmadim*. – «Бириккан халқни (бир-бирига) ўт-сув [яъни «ёв»] қилмадим» (К. 27).

Яна бир мисол: *Tüşürsä tutuy, körsä ot-suw talu*. – «[Лашкарбоши] кўп-лаб бўлинмалар туширса, ўт-сувни [яъни жиддий вазиятни] кўра билса» (QBN. 89b,2).

Битигларда *yer* ва *sub* сўзлари жуфт ҳолда қўлланиб, «тупроқ, ўлка, юрт, ватан» маъносини англатган: *Kögmän yer-sub idisiz qalmazun tiyin*. – «Кўгман ер-суви эгасиз қолмасин дея» (К. 20); *Tāḡri Umay iduq yer-sub basa berti erinč*. – «Тангри Умай (билан) муқаддас ер-сув(имиз ёвни) босиб берди-ку» (Топ. 38).

Alqış сўзи «олқиш, мақтов, мадҳ» деган маънони англатади. У *alqış ötüg* шаклида ҳам қўлланади, бунда «ибодат, дуо» деган маънони билдиради.

Ёки: *āw* сўзи «уй» дегани, матнларда *āw-barq* шаклида ҳам ишлатилган, бу шакли «уй-жой, тураржой; рўзгор» маъноларини беради. Шу сингари: *anīy-yawlaq* – «ёмон, бўлмағур, ёвуз», *aš-ičkü* – «овқат», *eš-tuš* – «тенг-тўш, ўртоқлар, оғайнилар».

Adaš сўзи «ўртоқ» дегани, матнларда *adaš-qudaš* шаклида ҳам қўлланади, бу «дўстлар, ёру биродорлар» маъносини беради.

Ёки *āt* – «эт, тана», *öz* – «ўзлик», *āt-öz* эса «вужуд, жисм, тана» маъносини беради.

«Қутадғу билигда *teñ-tüş* бирикмаси учрайди:

*Taqī bir señā teñ-tüş-ol, ey qadaš,
Yiratsa, yayī-ol, yayutsa, adaš.*

«Тағин бири сенга тенг-тўшдир, эй қариндош,
(Уни) узоқлаштирсанг, ёвдир, яқинлаштирсанг, дўстдир» (QVQ. 127b,16).

Сўз таркибидаги *tüş* ҳам «тенг» маъносидадир, *teñ-tüş* «тенгдош, тенкур» дегани.

Яна солиштиринг, ҳозирги ўзб.: *тенкур*. Қадимги туркий тилда: *qur* «эш, тенг» дегани. *Чоғиштиринг*, X.36 да: *qur bolti* – «эш бўлди».

Ёзма ёдгорликларда сўзларни такрорлаш йўли билан ҳам янги маъно ҳосил қилинади. Масалан, *adruq* «айри» дегани, матнларда *adruq-adruq* шаклида ҳам қўлланилади, бу «турли, ҳар хил» маъносини беради.

Türgäs qayan süsi Bolučuda otča-borča kälti, süñüşdimiz. – «Тургас хоқон қўшини Бўлучуда ўтдай-бўрондай келди, жанг қилдик» (К. 37).

Қадимги туркий тилда *äl* – «мамлакат»; *törü* – «сиёсат»; улар жуфт ҳолда ишлатилганда «ҳокимият; ҳукумат» маъноларини беради. Муҳими, улар жуфт ҳолда ишлатилганида эгалик ва келишиқ қўшимчалари ҳар икковига ҳам қўшиб ишлатилади. Масалан:

Üzä täñri basmasar, asra yār tilinmäsär, türük bodun, äliñin törüñin kim ar-tatī? – «Юқоридан осмон босмаса, пастда ер ёрилмаса, турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди?» (К. 22).

Alti yigirmi yašīña äčim qayan ilin, törüsin anča qazyantī. – «Ўн олти ёшида амаким хоқон давлатини, ҳокимиятини шу хилда қозонди» (К. 31).

Сўзларни жуфтлаш усули бадиий адабиётда ҳам кенг ишлатилган. Масалан, монийчиларнинг тавбаномаси «Хуастуанивт»да матн бадиий-

лигини таъминлаш, асарни ўқишли қилиш, таъсир кучини ошириш мақсадида сўзларни жуфт ҳолда қўллаш усулидан унумли фойдаланилган: кишиларнинг ёруғ дунёдаги қилмишлари, эзгу ва ёвуз ишлари таърифланар экан, феъллар *qorqitdimiz-ürkitdimiz* («қўрқитиб ҳурқитдимиз»), *urtumuz-yontumuz* («уриб азобладимиз»), *açitdimiz-ayritdimiz* («ранжитдимиз»), *yazintimiz-yañiltimiz* («ёзуқ қилдимиз, янглишдимиз»), *töktümüz-saçtımız* («тўкиб сочдимиз») дея баён қилинади.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, белгиси равиш туркумидаги сўзларни жуфт қўллаш билан берилади: *ädgüti-tükäti* («яхши ва тугал»), *ädgüti-ariti* («эзгулик, покизалик билан»), *ärinip-ärmägürüp* («эриниб»), *ärkligin-ärksizin* («билиб-билмайин») сингари.

Баъзи ҳолларда жуфт сўзлар таркибидаги сўзлар унутилиб, улар жуфт ҳолатдагина етиб келган бўлади. Жумладан, ҳозирги ўзбекчада *ували-жували* деган сўзимиз бор. Бу сўз қадимги туркий тилдаги *ууа* сўзига боғланади.

Қадимги туркий тилда *ууа* икки маънода ишлатилган: 1) «биродар, яқин кишилар, туғишганлар»ни англатган (Е. 15.3; ДЛТ, 47). Бу сўз Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарида ҳам учрайди: *Ata bir, ana bir, ууалар бу халқ*. – «Ота бир, она бир, барча халқ қардош, биродордир» (YugC. 28,10). Асар кўчирилган давр тилида *ууа* сўзининг «биродор, дўст» маъноси унутилган кўринади. Шунинг учун бўлса керак, асарнинг *С* нусхасида *ууалар* сўзининг остига *birädarān* деб ёзиб қўйилган; 2) «яшаш жойи, уя» маъносини англатади. Масалан, ИБда: *ууа* – «ин, уя».

Ууа сўзининг «яшаш жойи, уя» маъноси ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор: *Қуш уясида кўрганини қилади*. Турк тилида бу сўз *уува* шаклида қўлланмоқда: *Уувауи уаран диши қуштур* («Уяни қурган мода қушдир»).

Ҳозирги ўзбек тилидаги *ували-жували* тузилишига кўра жуфт сўздир: *иува~уиува~јуува* бир сўзнинг турли фонетик вариантлари бўлиб, у «авлод, туғишганлар» маъносини беради. *Ували-жували* сўзи таркибидаги биринчи *-ли* қадимги туркий тилда ишлатилган тенг боғловчининг қолдиқ шаклидир. Кейингиси эса ҳозир сифат ясовчи сифатида тушунилади. Ушбу сўз айни шаклда «серфарзанд, авлодли» маъносида.

ОТ ТУРКУМИ

Маҳмуд Кошғарий феъллардан ясалган отлар ҳақида

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида феъллардан ясалган отлар ва уларнинг семантикасига алоҳида эътибор берган. Унинг таъкидлашича, феъллардан ясалувчи отлар ўн иккита қўшимча

орқали ясалган. Олим от ясовчи қўшимчаларга бирма-бир тўхталиб, уларнинг вазифасини тушунтириб кетган (қаранг: ДЛТ, 17 – 20). У ёзади:

Отлар икки турлидир: ясама от ва туб от. Феъллардан ясалган отлар феъл охирига ўн икки ҳарфдан бирини қўшиш билан ясалади.

qilīč, oq каби отлар туб отлардир. Бу хил отлар бошқа сўзлардан келиб чиқмаган. Ясама отлар бошқа сўзлардан келиб чиқади. Буларнинг баъзилари турмушда қўлланиб, эшитилиб юрилган бўлса, баъзилари аниқ эмас, қиёсий асосдадир. Мен истеъмолдагиларини бериб, муҳмалларини ташладим. Лекин муҳмалларни солиштириб аниқлаш мумкин бўларли қилиб қуйидагича бир қоида яратдим:

феъллардан ясалувчи отлар қуйидаги ўн икки ҳарфдан бирининг қўшилиши билан тузилади. Булар: *alif, tā, čīm, šīn, ʔaʔn, qāf*, аниқ *kāf, qāf* билан *kāf* оралиғида талаффуз этиладиган жарангли (الر كىكۈة) *kāf* (яъни [g]), *lām, mīm, nūn, vāv* ҳарфларидир.

***alif* ҳарфи (-a, -ā қўшимчаси):**

«Олим, доно; ақлли» маъносидаги *bilgā* сўзи *bildi* феълига *alif* қўшилиб ясалган. Тажрибада, ақлда катта бўлганларга нисбатан қўлланидиган *ōgā* сўзи ҳам шундай ясалгандир. Бу сўз *ōdi nāʔni* («нарсани яхши тушунди») иборасидаги *ōdi* феълининг ўзагидан ясалган.

«Бир турли таом» маъносидаги *iva* сўзи ҳам шундай ясалган. Бу сўз «бурдалади; уватди» маъносидаги *ivdī* феълидан ясалган.

Кўпинча *alif* ёлғиз келмай, *mīm* билан бирга (-*ma, -mā*) шаклида учрайди: «кокил» маъносидаги *kesmā* сўзи *kesdi* феълидан олинган. Кўзни беркитмасин деб соч кесиладиган жой ҳам *kesmā* дейилади.

ōrmā sač сўзи ҳам шундайдир. Бу сўз *ōrdi* феълидан ясалган.

***tā* ҳарфи (-t қўшимчаси):**

«Қочувчи» маъносидаги *qačut* сўзи ҳам шундай. Бу сўз *qačdī* феълидан ясалган. *kedūt* сўзи ҳам шундай. Бу сўз *kedti* феълидан ясалган.

***čīm* ҳарфи (-č қўшимчаси):**

«Нон» маъносида келган *kōmāč* сўзидаги *čīm* каби. Бу сўз кул ва бошқаларга *kōmdi* деганда қўлланиувчи *kōmdi* феълидан ясалган.

sewinč сўзи ҳам шундай. Бу сўз *sewindi* феълидан ясалган.

***šīn* ҳарфи (-š қўшимчаси):**

Таниш кишига нисбатан қўлланиувчи *biliš* сўзидаги *šīn* каби. Бу сўз *bildi* феълидан ясалган.

«Жанг» маъносида қўлланиувчи *urus, toquš* сўзларидаги *šīn* каби. Бу сўз *urdī* ва *toqīdī* феълларидан ясалган.

***ʔaʔn* ҳарфи (-ʔ, -g қўшимчаси):**

ʔaʔn ҳарфида уч хусусият бор:

Биринчидан, феълларга кўшилиб уларни отларга айлантиради. «Нарса тозаланди» маъносидаги *arindī nāḡ* жумласидаги *arindī* феълнинг ўзагига *yaun* кўшилиб ясалган; *ariy* («соф, тоза») сўзи шунга мисолдир.

«Куруқ» маъносидаги *quruu* сўзи ҳам *quridī* феълни ўзагига *yaun* кўшиб ясалган отга мисолдир.

Иккинчидан, отларга кўшилиб уни ўрин отига айлантиради:

«Сайлгоҳ» маъносидаги *yaulay* сўзи *yaun* оти охирига *yaun* кўшиб ясалган. Шунингдек, *qiš* сўзидан ясалган *qišlay* сўзи ҳам *qiš* сўзи охирига *yaun* кўшилиб ясалган.

Учинчидан, феълларга *yaun* ва *vān* (яъни [u]) ҳарфлари бирликда, яъни *-yu* кўшилиб, уни қурол отига айлантиради. Бу хусусият туркий тилларнинг ҳаммасида ҳам умумийдир. *bičdī* (кесди) феълнинг ўзагига *-yu* кўшилиб ясалган «нарсаларни кесувчи асбоб» маъносидаги *bičyu* сўзи шунга мисолдир.

urdī феълдан ясалган *uryu nāḡ* (урадиган нарса) ҳам шундайдир.

Шу маънода *yaun* ўрнида жарангли *kāf* (الكاف الركيكه) (яъни [g]) қўллаш (ҳодисаси) ҳам учрайди: *kesdi* феълдан ясалган *kesgū nāḡ* (кесадиган нарса) шунга мисолдир.

ewüsdī (совурди) феълдан ясалган *ewüsgū* (совурадиган) сўзи шунга мисолдир.

yaun билан *kāf* (яъни [g]) нинг алмашилиш масаласига келганда йўғон талаффузли сўзларда *yaun* қўлланиб, унинг зидди ингичка сўзларда *kāf* (яъни [g]) қўлланади.

Ўғузлар *yaun* ёки *qāf* ўрнида *alif* ҳамда *vān* [u, ū] ўрнида *sīn* ва *yā* (-sī, -sī) қўллаб ўзгартирадилар: *yīyač bičasi nāḡ* – «ёғоч кесадиган нарса»; *otuḡ kesāsi baldu* – «ўтин кесадиган болта» каби.

Замон ва макон отлари ва масдар [инфинитив]ларда ҳам қоида шу хилдир.

Ҳоқония турклари билан бошқалар орасида, ўғуз туркманлар билан бошқалар ўртасида пайт оти, ўрин оти ва масдарларда ҳам шундай фарқ бор.

qāf ҳарфи (-q кўшимчаси):

«Тароқ» маъносидаги *taryaq* сўзидаги *qāf* ҳам шундайдир. Бу сўз *sač taradī* гапидаги *taradī* феълдан ясалган.

«Ўроқ» маъносидаги *oryaq* сўзидаги *qāf* ҳам шундайдир. Бу сўз *ot ordī* гапидаги *ordī* феълдан ясалган.

kāf (аниқ *kāf* – الكاف الصلبة) ҳарфи (-k кўшимчаси):

«Бирор нарсанинг бўлаги» маъносидаги *kesāk nāḡ* иборасида келган *kesāk* сўзидаги *kāf* ҳам шундайдир. Бу сўз *kesdi* феълдан ясалган.

«Ёпинчиқ» маъносидаги *eşük* сўзи «ёпди, ўради» маъносидаги *eşüdi* феълидан ясалган.

g (жарангли *kāf* – الكاف الركيكة) ҳарфи (-*g* қўшимчаси):

tirildi феълидан ясалган *tirig* сўзи каби; *öldi* феълидан ясалган *ölüg* сўзидаги *kāf* каби.

lām ҳарфи (-*l* қўшимчаси):

bīčyil yer – «ковак, ёриқ ер» иборасидаги *bīčyil* сўзида келган *lām* ҳам шундай. Бу сўз *bīčildī nāḡ* иборасидаги *bīčildī* феълидан ясалган.

Оқ ва қора рангларнинг алмашинуvidан ҳосил бўлган «човқар» мазмунида келган *taryil* сўзидаги *lām* ҳам шундайдир. Бу сўз *tarildi* феълидан ясалган.

mīm ҳарфи (-*m* қўшимчаси):

«Намат» маъносида келган *yađim* сўзидаги *mīm* каби. Бу сўз *yađti* феълидан ясалган. «Бир тилим қовун» маъносида келган *bir bičim qaḡun* иборасидаги *bičim* («тилим») сўзи *bičdi* («кесди») феълидан ясалган.

nūn ҳарфи (-*n* қўшимчаси):

«Сел» маъносидаги *aqīn* сўзида келган *nūn* каби. Бу сўз *suw aqđi* гапидаги *aqđi* феълидан ясалган. «Тупроқ уюми» маъносида келган *uyūin tupraq* иборасидаги *uyūin* сўзи *tupraq uyūđi* гапидаги *uyūđi* феълидан ясалган.

vāv ҳарфи (-*vu*, -*gū* қўшимчаси):

Бу ҳарф қўшилиб ясалувчи сўзлар, асосан, бирикмада келади; бу ёлғиз ҳолда жуда оз учрайди. «Қортуқ-қоруқ» (қон олинадиган асбоб) маъносидаги *soḡu* сўзи «ҳайвон сутини ёки қонини сўриш» маъносидаги *sordī* феълидан ясалган. «Турадиган ер» маъносидаги *turyu yer* сўзи ҳам шундай.

Бу қоидалар фалак қутб юлдузи атрофида айланиш қоидаси каби ҳар қандай сўзга татбиқ этиладиган умумий қоидалардир. Бу қоидалар икки ҳарфли, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли, беш ҳарфли ва ундан кўп ҳарфли феълларнинг ҳаммаси учун ҳам умумийдир.

Отларнинг ясалиши

От туркумига кирувчи сўзлар аффиксация усулида икки хил асосдан – от(исм)ларга ва феълларга ясовчи қўшимчалар қўшиш йўли билан ясалади.

(1) *От(исм)лардан от ясовчи қўшимчалар*. Булар:

-**čī**, -**čī** аффикси. Ушбу қўшимча касб-кор, юмуш эгаси, лавозим эгаси, вазифа бажарувчи кимса маъносидаги отлар ясайди: *aqūičī* – «маслаҳатчи»: *Qayanī alp ermiš, aqūičīsī bilgā ermiš*. – «Ҳоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси доно экан» (Топ. 10);

sawčī – Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг икки хил маъносини келтирган: 1) «Тангри таоло юборган элчилар (пайғамбарлар)дан бири». Унинг таъкидлашича, бу сўзнинг асли «хабар», «мақол» ва «сўз» маъносидаги *saw* сўзидан олинган. Пайғамбар ана шуларни [яъни сўзларни] кишиларга етказди; 2) «совчи; кувё билан келин томон орасида хат билан юрувчи элчи» (Ўғузча) (ДЛТ, 474); *yaziŷčī* – «қудалар орасида хат-хабар ташиб юрувчи, совчи» (Ўғузча) (ДЛТ, 343).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да: *temür* – «темир», *temürčī* – «темирчи»; *baqir* – «мис», *baqirčī* – «мисчи, мисгар», *bitig* – «ёзув», *bitigčī* – «битигчи, котиб»; *etmāk* – «нон», *etmākčī* – «нонвой»; *et* – «гўшт», *etčī* – «қас-соб» (КТТ. 70 – 71).

Ёки яна: *qaruqčī* – «дарвозабон, соқчи»:

Bolup qorčī, qaruqčī, udčī, čāvūš-u yasawulun,
Biri xādīm, biri banda, biri nōkār, biri sūdār (SD. 241).

Алишер Навоийнинг урғулашича, туркларнинг бир қўлланишлари бор, у ҳам бўлса баъзи сўзларнинг охирига мансаб ёки касб-хунарни билдирмак учун *čim-u yā* [-čī, -čī (چى)] қўшимчасини орттирадилар. Бу ҳам форсийда йўқдир, балки улар ҳам туркча айтадилар.

Муаллифнинг таъкидлашича, бу қўшимча мансаб билдирувчи сўзлар ясайди: *qorčī, sučī, xizānačī, kerāk-yarayčī, čāwgānčī, nayzačī, šūkürčī, yurtčī, šilānčī, axtačī* сингари.

Яна бу қўшимча билан ясалган сўзлар хунар ва пешани билдиради: *quščī, barsčī, qoruqčī, tamyačī, jibāčī, yoryačī, xalvačī, kemāčī, qoyčī*.

Куш хунарида ҳам бу атамалар бор: *qazčī, quwčī, turnačī, kiyikčī, tawušqančī*. Булар сарт тилида йўқ, улар (сартлар) юқоридагиларнинг кўпини туркча айтадилар (МЛ, 69).

-liq, -lik / -luq, -lük аффикси. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *a:čliq* – «очлик, овқатсизлик»; *ašliq* – «ошхона (ош ейиладиган жой)»; ўғузлар «буғдой»ни *ašliq* дейдилар (ДЛТ, 58); *udluq* – «сигирларнинг кечаси ётадиган жойи; оғил, молхона» (арғуча) (ДЛТ, 52); *oqluq* – «ўқ солинадиган асбоб, соғдоқ» (ДЛТ, 53); *buzluq* – «музхона; муз сақланадиган жой» (ДЛТ, 185); *izlik* – туркий халқларнинг ҳайвон терисидан ясалган чориғи. Мақолда (шундай келган): *İzlik bolsa, er uldīmas, ičlik bolsa, at yayrīmas*. – «Чориқ бўлса, кишининг оёғи оғримайди, тўқим бўлса, от яғир бўлмайди» (ДЛТ, 55); *eplik* – хотинлар юзларига (яноқларига) суртадиган пушти-қизил ранг упа-элик (ДЛТ, 59); *etlik* – «канора (гўшт осиладиган темир)» (ДЛТ, 53).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»да: *bayliq* – «бойлик» (YugH. 17a,9); *čīyayliq* – «қашшоқлик» (YugH. 17a,9).

Ёки яна: *açliq* – «очлик» (SD. 84), *sultānliq* – «султонлик, ҳоқимият» (ЛК. 282), *susuzluq* – «сувсизлик» (ЛК. 7), *yigitlik* – «ёшлик» (ЛК. 212).

Айрим илмий асарлар ва қўлланмаларда, қўпинча илмий нашрларда *-liq, -lik / -luq, -lük*-билан *-liḡ, -lig / -luḡ, -lūḡ* аффиксларини қориштириб юборадилар. Булар бошқа-бошқа қўшимчалардир. Маҳмуд Кошғарий буларни жуда яхши фарқлаб берган. У шундай ёзади:

Бу шаклдаги сўзлар беш хилдир:

Биринчи: «нарсанинг ўсган, унган жойи» маъносида: *sögütlük* – «тол битадиган жой». Ёки бир нарсанинг «жойлашган», «қарор топган», «хосланган ўрни»ни билдиради: *kerāklik* – «кепакли жой, кепакка хосланган жой».

Иккинчи: сўзланган нарсани ишлашга ажратилган нарсанинг оти ўрнида қўлланади: *tōšāklik barçin* – «тўшакка мўлжалланган ипак, мато»; *bu yūyāç-ol qaruyqa tirāklik* – «бу ёғоч эшикка тирговуч учун ҳозирланган» дегандаги сингари.

Учинчи: кишининг хулқини, табиатини билдирувчи масдар маъносида қўлланади: *kūwāzlik* – «такаббурлик»; *yigitlik* – «йигитлик, ёшлик» каби. Бу хилда учинчи маъно англашилган сўзларда отлар ҳамма тилларда фақат жарангсиз *kāf* билан қўлланади.

Тўртинчи: айтилган нарсанинг эгаси маъносида келади: *bilāklik er, bitiglig er* гапларида *bilāklik* «кучли билакли», «кучли билак эгаси», *bitiglig* «ёзув эгаси» маъносидадир. Бу арабча *رجل تامر ولابن* иборасига ўхшайди.

Бешинчи: *māf'ul* маъносини [ишланган, бажарилган ишни] билдиради: *bilig kiši ara ülüglüg-ol* – «ақл кишилар орасида тақсимланган» ёки *tōšāklik tōšāk* – «тўшалган кўрпа» маъносида. Сўнгги икки маънода фақат жарангли *kāf* (яъни [g]) ҳарфи қўлланади.

Юқорида кўрсатилган ўзаги уч ҳарfli исмларда таркибида *kāf* ҳарфи бўлган ёки, умуман, ингичка сўзларга *-lik* қўшиш қоидадир. Олдинги бўлимда шу маъноларда *-liq* қўшилган. Туб ўзакли отларнинг тўрт ҳарfli, беш ҳарfliларнинг саҳиҳларида ҳам, бошқаларида ҳам таркибида *qāf* ҳарфи бўлган ёки умуман йўғон сўзларда *-liq*, таркибида *kāf* ҳарфи бўлган ёки, умуман, ингичка сўзларда кўрсатилган беш маъно учун ўзақка *-lik* орттирилади. Бу қоида ҳамма тиллар учун умумий бўлиб, ўзгариш, ҳар хиллик йўқ (ДЛТ, 201).

-daš~daš, -dāš~dāš аффикси. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *yerdāš kiši* – «ҳамшаҳар киши». Бу икки кишининг бир шаҳардан бўлишидир. Бир шаҳардан бўлган икки киши бир-бирига *yerdāš* бўлади (ўғузча) (ДЛТ, 337); *qoldaš* – «яқин». Бу сўз қўпинча катталарнинг болаларига қарата ишлатилади; *kirdāš* – «бир ҳовлида турувчи киши» (ДЛТ, 183); *qanḡdaš*

qadaş – «отаси бир, оналари бошқа болалар». Мақолда (шундай келган): *Qandaş quma urur, igdiş örü tartar*. Маъноси: «Отаси бир бўлганлар ораларидаги адоват сабабли бир-бирлари билан келишмайдилар. Онаси бир бўлганлар ораларидаги дўстлик сабабли бир-бирларига ёрдам берадилар» (ДЛТ, 453); *qadaş* – «қариндош»: «*Qadaş* *temiş, qaymadiq, «qadın» temiş, qaymıñ.* – «Қариндошлар келди» дейилганда унга эътибор берилмади; «қайин (она, ота) келди» дейилган эди, дарров унга қаралди» (ДЛТ, 161).

Ёки *tüdäş* сўзини изоҳлаб, шундай ёзади: *tüdäş näñ* – бир-бирига ўхшаш нарсага айтилади. Асли «соч; қил» маъносидаги *tü* дир; *bu at ne tülüg?* – «бу от қандай рангда?» -*däş* – биргалик, яқинликни билдирувчи қўшимча. Бир қориндан туғилган икки болани *qarındaş* дейиш ҳам шунинг учундир. *qarın* («қорин»)га -*daş* қўшилганда «бир қоринда пайдо бўлган» деган маъно чиқади. «Эмчак»ни *emik* дейилади, «бир эмчакни эмган икки бола»га ҳам *emikdäş* дейилади. «Бир юртлик икки киши» *yerdäş* дейилади. «Биродар; яқин» *qadaş* дейилади; асли «идиш» маъносидаги *qa* дир. Унга -*daş* қўшилгач, «бир идиш [бир қорин]дан» маъносини англатади. *köñüldäş* сўзи ҳам шундай бўлиб, *köñül* сўзидан ясалган, «кўнгиладош, маслакдош» деган маънони билдиради. Юқоридаги *tüdäş* сўзи ҳам шундай ясалган бўлиб, «турдош, рангдош, бир хил рангли» деган маънодадир (ДЛТ, 163).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да: *qarın* – «қорин», *qarındaş* – «бир уруғдан бўлган; қариндош»; *yol* – «йўл», *yoldaş* – «йўлдаги шерик, ҳамроҳ», *yer* – «ер», *yerdäş* – «бир ерлик, бир жойдан чиққан киши»; *qoja* – «улуғ киши», *qojadaş* – «бир улуғ кишига тегишли икки киши» (КТТ. 71).

-*duruq*, -*dürük* / -*turuq*, -*türük* аффикси. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *tizildürük* – маҳсининг бошига безак учун қадаладиган силлиқ, ялтироқ чақалар; *közüldürük* – от думидан тўқилган, кўз оғриганда ёки қамашганда кўзга тутиладиган нарса; *közlük* шакли ҳам бор; *kömüldürük* – юк орқага кетмаслиги учун, отнинг елка томонидан эгарга боғланган нарса; *saqalduruq* – қалпоқ тушиб кетмаслиги учун уни боғлаб, жағ тагидан ўтказиб қўйиладиган тизимча; ипақдан тўқилади (ДЛТ, 207 – 208); *boyunduruq* – «бўйинтурқ». У ёғочдан махсус ясалиб, қўш хўкизларнинг бўйинларига солинади (ДЛТ, 385); *yañalduruq* – ёмғирдан, қуёш иссиғидан бошни сақлаш учун қўлланадиган ёпинчиқ. У наматдан тикилади (ДЛТ, 456).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: бўйинтуруқ; лекин тутантуриқ сўзини бунга қориштирамаслик керак, у тута-н-тир-сўзидан ясалган.

-*duq*, -*dük* аффикси: *burunduq* – «туя анжоми, бошбоғ» (КТТ. 19).

-*daq*, -*däk* аффикси: *bayırdaq* – «бешик боғи» (КТТ. 24).

-čaq, -čäk аффикси: *qarirčaq* – «сандиқ». Лекин бу сўз кўпинча ўликнинг тобутига нисбатан қўлланади; *bayirčaq* – «эшак тўқими» (ДЛТ, 198).

-čuq, -čük аффикси: *yančuq* (*yan* – «ён» сўзидан) – «тўрва» (КТТ. 25).

-čīn, -čin аффикси: *balīqčīn* – «қарқара, оқ қўтон; балиқ овлайдиган оқ куш» (ДЛТ, 202).

-qay, -γay, -kāy, -gāy аффикси. Ҳозирги уйғур.: *täskāy* (*tāris-kāy*), *küngāy*; ўзб.: *терскай, кунгай; қузгай*.

Бу қўшимча билан ясалган сўзларнинг асли сифатлардир: улар (*кунга*) *терскай* (*ep*); *кунгай* (*ep*); *қузгай* (*ep*) шаклида бўлган. Ундаги *ep* сўзи қисқаришга учраб, сифатлар отга айланган.

-duz, -düz / -tuz, -tüz аффикси: *yulduz* – ҳамма юлдузлар учун айтилдиган умумий от (ДЛТ, 337). *Чоғиштиринг*, ҳозирги ўзб. тақлидий сўз: *ялт-юлт; күнтүз* – «кундуз»: *tün udīmadī, күнтүз olurmadi* – «тун ухламади, кундуз ўтирмади» (Топ. 51 – 52). *Яна чоғиштиринг: күндүз* – «кундуз» (ЛК. 161).

Эски туркий тил давридан форсчадан ўзлашган от ясовчи қўшимчалар ҳам ишлатила бошлаган. Булар:

-istān аффикси «юрт; макон; ўрин-жой» маъносидаги сўзлар ясайди: *Ul-ki yanar otnī gulistān qilur* (МЕ, 529).

(2) *Феълдан от ясовчи қўшимчалар*. Булар қуйидагилардир:

-q, -k / -γ, -g аффикси. Маҳмуд Кошғарий *qāf* ва *kāf* (аниқ *kāf*) ҳарфлари феълдан от ясовчи қўшимчалар эканлигини таъкидлаб ёзади: «тароқ» маъносидаги *tarγaq* сўзи *sač taradī* бирикмасидаги *taradī* феълига *qāf* ҳарфини қўшиб ясалган. «Ўроқ» маъносидаги *orγaq* сўзидаги *qāf* ҳам шундай. Бу сўз *ot ordī* бирикмасидаги *ordī* феълидан ясалган.

«Бирор нарсанинг бўлаги» маъносидаги *kesāk nāñ* иборасида келган *kesāk* сўзидаги *kāf* ҳам шундай. Бу сўз *kesdi* феълидан ясалган. «Ёпинчиқ» маъносидаги *ešük* сўзи «ёпди, ўради» маъносидаги *ešüdi* феълидан ясалган.

Унинг ёзишича, жарангли *kāf* (яъни [g])нинг вазифаси ҳам шундай, у ҳам феълни отга айлантиради: *tirildi* феълидан ясалган *tirig* сўзи каби; *öldi* феълидан ясалган *öliḡ* сўзидаги *kāf* каби (ДЛТ, 19).

Ёки яна: *bitig* – «китоб» (ДЛТ, 155); *bilig* – «билим» (ДЛТ, 155); *ütüg* – «дазмол»; Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, бу андавага ўхшаш темир (ускуна) бўлиб, уни қиздирадилар ва кийимнинг чок ҳамда бахяларини ва тукларини бостириб силлиқлайдилар (ДЛТ, 41).

Яна мисоллар: *qoşuγ* – «шеър, қўшиқ, қасида» (ДЛТ, 151); *aytiγ* – *aytiš* нинг бошқа бир шакли; «соғлиқ, саломатлик сўраш»дир (ДЛТ, 58); *yaylay* – «езда туриладиган ер» (ДЛТ, 340). Кошғарий бошқа бир ўринда ёзади: *qişlay* – «қишлоқ, қишланадиган жой». Мақолда (шундай келган): *Özgüz*

er – *qışlay*. Маъноси: «Ўз ишини ўзи қилиб, бошқага юкламайдиган киши қишлоққа (тоғнинг ўти мўл, қори оз бўлган кунгай томонига) эга бўлган киши кабидир»; *quşlay* – «қушлар кўп бўладиган жой». У ерда ов қилинади (ДЛТ, 185). Яна қиёсланг: *tariylay* – «экинзор, экин майдони, шудгор» (YugH. 17b,4).

Ёки яна: *otlaq* – «ўтлоқ» (КТТ. 10).

Бу кўшимчага Навоий ҳам эътибор қилган. У шундай урғалайди: баъзи маҳал ва маконга бир *qāf* (ق) қўшиб (яъни *-q*, *-k* кўшимчаси билан) бир фасл ёки бир амрга мансуб қилурлар. Масалан: *qışlaq*, *yaqlaq*, *awlaq*, *quşlaq*. Бу ҳам ғаройибдир ва форсийда ҳам баъзисини турк тили билан айтадилар (МЛ, 70).

-š аффикси: *toquš* – «жанг»; *čiqiš* – «фойда, манфаат»; *ol išta čiqiš yoq* – «бу ишда фойда йўқ»; *söküš* – «сўкиш; сўкиниш»; *qačiš* – «халқ орасида қочиш; қувиш; шов-шув, тинчсизлик». Мақолда (шундай келган): *Qačiš bolsa, qīya körmäs*. – «Халқда шов-шув кўзғалса, ҳеч ким бир-бирига боқмайди» (ДЛТ, 148); *aytiš* – икки кишининг бир-биридан ҳол-аҳвол сўраши (ДЛТ, 57); *öpüš* – «ўпиш», *alıš* – «олиш, ҳисоблашиш»; *alıš-beriš* – «олиш-бериш»; оладиганини олиш, берадиганини бериш (ДЛТ, 38).

-č аффикси. Маҳмуд Кошғарийда: *qilinč* – «қилиқ, феъллу хўй»; шундан олиниб, *eđgü qilinč* – «яхши қилиқ» дейилади. Бунинг тескариси – ёмон қилиққа ҳам шу сўз қўлланади (ДЛТ, 450); *yükünč* – «номоз» (қипчоқлар тилида); *Tāngrikā yükünč yükündi* – «Тангри таолога юкунди»; *ol begkā yükünč yükündi* – «у бек ва бошқаларга бош эгди» (ДЛТ, 450); *sewinč* – «севинч». Мақолда (шундай келган): *Öküš sewinč bulsa, qatīy oxsunur*. – «Кўп севинган киши бирор ишда ундан кўра қаттиқроқ қайғуради» (ДЛТ, 450); *awinč* – «бирор нарсага ўрганиб қолиш, овиниш»; *ökünč* – «ачиниш, пушаймон бўлиш»; *ol aṅar ökünč qildī* – «у ўша ишига пушаймон қилди» (ДЛТ, 477).

Ёки яна: *qoqurmač* – «қўғирмоч, қовурилган буғдой». Ингичка *fā* (яъни [w]) билан *qawurmač* ҳам дейилади (ДЛТ, 195).

-m аффикси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *mīm* ҳарфи феълга қўшилиб, уни от туркумига айлантиради: «Намат» маъносида келган *yađim* сўзидаги *mīm* каби. Бу сўз *yađti* феълдан ясалган. «Бир тилим қовун» маъносида келган *bir bičim qaṅun* иборасидаги *bičim* («тилим») сўзи *bičdi* («кесди») феълдан ясалган (ДЛТ, 19).

Яна мисоллар: *alim* – «(айрим) кишилардан олинадиган нарса; қарз» (ДЛТ, 43); *ölüm* – «ўлим»; *orum* – «ўрим»: *bir orum ot* – «бир ўрим ўт; бир тутам ўт»; *aqim* – «оқим»: *bir aqim suw* – «бир оқишли сув»; *ekim* – «эким»: *bir ekim yer* – «бир экишли ер; бир экишда экиладиган ер»; *ügüm* – «уюм»: *bir ügüm yarmaq* – «бир уюм танга» (ДЛТ, 43).

Чоғиштиринг, ҳозирги уйғур.: *qatlam, aldam* – «алдов», *baylam, uqum* – «тушунча», *kiyim, ösüm* – «ўсиш». Ёки ҳозирги ўзб.: *қатлам, боғлам, кийим* ва б.

-**п** аффикси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *nün* ҳарфи феълга кўшилиб, уни от туркумига айлантиради: «Сел» маъносидаги *aqin* сўзида келган *nün* каби. Бу сўз *suw aqdi* гапидаги *aqdi* феълидан ясалган. «Тупроқ уюми» маъносида келган *uyün tupraq* иборасидаги *uyün* сўзи *tupraq uyüdi* гапидаги *uyüdi* феълидан ясалган (ДЛТ, 19).

Яна мисоллар: *esin* – «шамол, шабада» («эсадиган» деган маънода); *ekin* – «экин; экин экиладиган ер» (ўғузча) (ДЛТ, 44); *tügün* – «тугун» (ДЛТ, 161).

Чоғиштиринг, ҳозирги уйғур.: *eqin* – «сел», *jüün*; ҳозирги ўзб.: *уйғин, қуюн, тугун, келин*.

Ушбу аффикс жой, макон отини ҳам ясайди: *qorğan* (<*qor-ğa* – «қўри, ҳимоя қил» сўзидан) – «қўрғон; қалъа» (КТТ. 6). Ёки чоғиштиринг: *Qazan* (<*Qaz-ğa-n*) (*qaz-ğa* – «ғалаба қозон» сўзидан) – шаҳар номи, Қозон. Лекин «ош пишириладиган идиш» маъносидаги *қозон* сўзининг ўзаги *qaz-феълига* боғланади. Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *қазимок, қозик* (<*qazıq*) ҳам шу асосдан.

Ёки: *teyirmän* – «тегирмон» (КТТ. 6); *tegirmä näñ* – кулча, танга, тегирмон тоши сингари гирдак нарса (ДЛТ, 194); бу *tegirmä~teyirmä* сўзидан олинган (<*teg-ir-mä-n~tey-ir-mä-n*).

-**(γ)a, -(g)ä** аффикси: *bilgä* – «донишманд, олим, ҳаким», *ögä* – «ақлли киши; билимдон».

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, «олим, доно, ақлли» маъносидаги *bilgä* сўзи *bildi* феълига *alif* ҳарфини кўшиб ясалган. «Тажрибада, ақлда катта бўлган»ларга нисбатан кўлланадиган *ögä* сўзи ҳам шундай ясалган. Бу сўз *ödi näñni* («нарсани яхши тушунди») бирикмасидаги *ödi* феълнинг ўзагидан ясалган. «Бир турли таом» маъносидаги *uva* сўзи ҳам шундай ясалган. Бу сўз «бурдалади; уватди» маъносидаги *uvdi* феълидан ясалган (ДЛТ, 18).

-**та, -mä** аффикси. Маҳмуд Кошғарий феъллардан ясалган отлар тўғрисида сўз юрита туриб *alif* ҳарфига ҳам алоҳида тўхталган. Шу ерда у ёзади: Кўпинча *alif* ҳарфи ёлғиз келмай, *mim* ҳарфи билан бирга (-*та, -mä* шаклида) учрайди: «кокил» маъносидаги *kesmä* сўзи *kesdi* феълидан олинган. Кўзни беркитмасин деб «сочни кесиладиган жой» ҳам *kesmä* дейилади. *örmä saç* сўзи ҳам шундай; бу сўз *ördi* феълидан ясалган (ДЛТ, 18).

Ёки яна: *bulyama* – ёғи ҳам, мазаси ҳам йўқ ёвғон ош (ДЛТ, 195); *tügmä* – «кўйлак, чопон ва қалпоқлар боғичи, тугмаси» (ДЛТ, 172); *süzmä* – «сузма» (ДЛТ, 173); *kesmä* – «ёл» (ДЛТ, 173); *sürmä* – «сурма» (ЛК. 70).

-*ma*, -*mā* аффикси билан ясалган отларнинг асли сифатдошлардир. Улар сифатловчи-сифатланмиш шаклидаги бирикмалар бўлиб (масалан, *sūzmā yoʻrut*), сифатланмиши туширилгач, сифатдош от вазифасини ўтай бошлаган. Бу жараёни кўйидаги мисолларда ҳам кузатса бўлади: *čoqrata yul* – «отилма сув, отилиб чиқадиган булоқ суви» (ДЛТ, 195); *kōčūrmā oʻsiq* – бир ердан иккинчи ерга кўчириладиган кўчма ўчок; *kōčūrmā oyun* – «ўн тўрт» деган ўйин. Ерга кўрғонга ўхшатиб тўрт чизик чизиб, унга ўнта эшик қилинади-да, юмалоқ тош, ёнғоқ ташлаб ўйналади (ДЛТ, 194); *tiktā nāḡ* – «тикилган нарса» (ДЛТ, 173); *qatma yuʻa* – «ёғда пиширилган қат-қат нон» (ДЛТ, 173).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *сурма, қатлама, сузма, қовурма, қайнатма* сўзларининг ясалиши ҳам ана шундай кечган.

-*maq*, -*māk* аффикси: *čaqrmaq* – «чақмоқ»: *ol čaqrmaq čaqdī* – «у чақмоқ чақди» (ДЛТ, 213).

-*qin*, -*yin* / -*qun*, -*yun*, -*kin*, -*gin* / -*kün*, -*gün* аффикси: *tutqun* – «тутқин, асир» (КТТ. 46). Бу қўшимча билан ясалган сўзлар, бошлаб сифат туркумига тегишли бўлиб, кейин отга кўчган. Чоғиштиринг: *taşqin šu* – «тошқин сув» (КТТ. 7). Шу сингари *tutqun* сўзи ҳам *tutqun er* шаклида ишлатилган, кейинчалик *er* сўзи қисқариб, *tutqun* отга айланган.

Ҳозирги ўзб.: *босқин, тошқин, ёнғин, учқун, ёлқин, кўчкин, сургун, энқин*.

-*qaq*, -*kāk* / -*yaq*, -*gāk* аффикси: *tutyaq* – ёвнинг олдинги айғоқчиларини қўлга олиш учун кечаси кезувчи айғоқчи отряд (ДЛТ, 186); *yatyaq* – хонни, кўрғонни ва шу кабиларни қўриқловчи, соқчи; *yatyaq yattī* – «соқчи ётди», каби (ДЛТ, 338); *Ölüm tutyaqī keldi tutti qatīy*. – «Ўлим жарчиси келди, қаттиқ тутди» (QBN. 55b,2).

-*qu*, -*kü*, / -*yü* -*gü* аффикси. Феълларга қўшилиб, нарса-қурол оти ясайди.

Бу тўғрида Маҳмуд Кошғарий шундай ёзади: Феълларга *yaun* ва *vāv* (яъни [u]) ҳарфлари бирликда, яъни -*yü* қўшилиб, уни қурол отига айлантиради. Бу хусусият туркий тилларнинг ҳаммаси учун умумий. *Bičdī* («кесди») феълининг ўзагига -*yü* қўшилиб ясалган «нарсаларни кесувчи асбоб» маъносидаги *bičyü* сўзи шунга мисолдир.

Urdī феълидан ясалган *iryü nāḡ* («урадиган нарса») ҳам (худди) шундай.

Шу маънода *yaun* ўрнида жарангли *kāf* (яъни [g]) қўллаш (ҳодисаси) ҳам учрайди: *kesdī* феълидан ясалган *kesgü nāḡ* («кесадиган нарса») шунга мисол бўлади.

Ewüsdi («совурди») феълидан ясалган *ewüsgü* («совурадиган») сўзи шунга мисолдир.

yaun билан *kāf* (яъни [g])нинг алмашилиши масаласига келганда йўгон талаффузли сўзларда *yaun* қўлланиб, унинг зидди ингичка сўзларда *kāf* (яъни [g]) қўлланади (ДЛТ, 18).

Ёки яна мисоллар: *soʻru* – «қортиқ» [қон олишда қўлланадиган ускуна] (ДЛТ, 170); *tirāgū* – «тирговуч»; умуман, бирон нарсани тираб қўядиган устун сингари нарсалар (ДЛТ, 178); *yīraʻu* – «чолғучи; ашулачи» (ДЛТ, 335).

Шу ўринда эски ўзбек тилидаги *kōzgū* сўзининг ясашилишига эътибор қилайлик. Бу сўзда *-gū* қўшимчаси от (*kōz*)дан от ясаган. Аслида, у феъл ўзакдан от ясовчи қўшимчадир. Афтидан, бу ўринда ўзак *kōz* (от) эмас, *kōr-* (феъл) бўлган, кейинчалик ўзгариб *kōz* га айланиб қолган бўлиши керак: *kōr->kōz->kōz-gū>kōzgū*. **Чоғиштиринг:** *kōzūñū* – «кўзгу, ойнак»: *iki yūzlūg kōzūñū* – «икки юзли ойна» (ДЛТ, 339). Хўжандий «Латофатнома»-сида: *kōzgū: Yūzūñ kōzgūsidā yūz kōrsā bolmas* (ЛК. 105).

-wul, -wūl аффикси. Навойнинг ёзишича, *vāv* (و) ва *lām* (ل)ни баъзи сўзга қўшиб (яъни *-wul, -wūl* қўшимчаси билан), бир махсус сифатни белгилайдилар. Бундай сўзлар подшоҳларнинг уруш асбоблари ёки базм ишларида қўлланади. Масалан: *hirawul, qarawul, čīñdawul, yañawul, sōzāwūl, tapawul, kitpāwūl, yasawul, bākāwūl, šīyawul, daqawul* (МЛ, 70). КН да: *harawul, čandawul*.

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *қоровул*. Ёки ўзбек халқ эртақларининг *Бўри баковул экан, тулки ясовул экан* бошламасини эсланг.

-siq, -sik / -siŋ, -sig / -suq, -sūk / -suŋ, -sūg аффикси: *kūn toysuq* – «кунтуғар, кунчиқар» (шарқ); *kūn batsiq* – «кунботар» (ғарб): *İlgārū kūn toysuqa, birgārū kūn ortusiñaru, qurīyaru kūn batsiqiña, yīryaru tūn ortusiñaru, anta ičrāki bodun qo[p] m[āŋ]ā kōr[ūr...]n bunča bo[dunuy] qop itdim*. – «Олдинга – кун чиқарга, ўнгга – жанубга, орқага – кунботарга, чапга – шимолгача бўлган ораликдаги халқ бутунлай менга қарайди. Шунча халқни бутунлай оёққа қўйдим» (Ка. 2 – 3).

Бу қўшимча, асли, сифатдош қўшимчасидир. Масалан, *āl tutsuq yār* деганда «элни, давлатни тутиб турувчи ер» [яъни «давлатни бошқарувчи ер, пойтахт»] англанади. Ушбу бирикмадаги *tutsuq* сифатдошдир: *Āl tutsuq yār Ōtūkān yīš ārmiš*. – «Элни тутиб турғучи ер [яъни пойтахт] Ўтуқан йиш экан» (Ка. 4).

Кутбларни англатувчи *kūn toysuq, kūn batsiq* атамаларининг отга айланиши йўли қуйидагича кечган: уларнинг тикланган шакли (трансформацияси) *kūn toysuq (buluñ)* – «кунтуғар томон», *kūn batsiq (buluñ)* – «кунботар томон»дир. Кейинчалик «томон»ни англатувчи *buluñ* сўзи туширилиб, *kūn toysuq, kūn batsiq* сўзлари отга айланган.

-man, -mān аффикси: *sōktmān* – паҳлавонларга бериладиган унвонлардан бири; маъноси «жанг сафларини синдирувчи» демақдир; *sōkti nāñni* («нарсани сўқди») иборасидаги *sōkti* сўзидан олинган (ДЛТ, 177).

Ҳозирги турк.: *öğretmen* – «ўқитувчи»; ўзб.: *билармон, топармон-му-тармон*.

-t аффикси: *ögüt* – «ўғит, насиҳат» (ДЛТ, 34).

-qič, -kič / -yič, -gič / -quč, -küč / -guč, -güč аффикси. Буюм-нарса, яроғ отини ясайди: *ačquč* – «очқич, калит» (КТТ, 6).

Ҳозирги ўзб.: *қирғич, ўчирғич* (<*očurғuč*); ҳозирги уйғур.: *basquč, qirғuč, körsätküč, yälpigüč*.

-qan, -kān / -yan, -gān аффикси: *küsürkān* – «бир турли кўрсичқон»; *temürkān* – «ўқнинг темирли учи», ўғузча (ДЛТ, 205); *kewürkān* – «тоғ пиёзи»; *tawuшyan* – «қуён» (ДЛТ, 206).

Чоғиштуринг, ҳозирги уйғур.: *tuqqan* – «туғишган», *qarqqan, čeqilyan* – «чақмоқ».

-qa, -kā аффикси. Бу аффикс ҳашарот отларида учрайди. КТТда: *sariñčqa*, китобда қайд этилишига кўра, туркманчада *čekirgā* ҳам дейилган (чоғиштуринг, ҳозирги ўзб.: *чигиртка*), *qumursqa, qasirtqa* – «кана».

-wač, -wāč / -yač, -gāč аффикси: *sanduwāč* – «булбул» (ДЛТ, 385). Чоғиштуринг, ҳозирги ўзб. шеваларида: *саннақчи* – «оқин, халқ қўшиқчиси».

Ёки ҳозирги ўзб.: *қалдирғоч*.

Кўплик қўшимчалари

(1) Илк ўрта асрларнинг ёзма ёдгорликлари тилида кўпликнинг кенг ишлатилган қўшимчаси **-lar, -lār** дир: *qunčuylar* – «маликалар», *tallar* – «толлар», *yīyačlar* – «дарахтлар», *türük bāglār* – «турк беклар», *künlār* – «кунлар», *kečālār* – «кечалар» сингари.

Бундан ташқари, қадимги туркий тилда кўпликнинг ҳозирги туркий тилларда ишлатилмайдиган, унутилган қўшимчалари ҳам бор. Булар қуйидагилардир:

(2) **-an, -ān** қўшимчаси: *türk* – *türkān* «турклар»; *er* – *erān* «эрлар, кишилар» сингари.

Ažunda jawīqmīš ne türlüg erān. – «Дунёда донг таратган не турли кишилар (бўлса)» (QBN. 138b,11); *Bu at māñü qaldī ey türkān qutī.* – «Бу от мангу қолди, эй турклар бахти» (QBN. 11b,1).

Маҳмуд Кошғарий *er* (яъни «эр, эркак») сўзининг маъносини изоҳлар экан, шундай ёзади: Бу сўзни кўпликда *erān* шаклида ҳам қўллайдилар. Лекин бу кам учрайдиган ҳол бўлиб, қоидага ҳам хилофдир. Чунки кўплик қўшимчаси [аслида] **-lar, -lār** тарзида бўлади (ДЛТ, 29).

Шунингдек, *erān* сўзининг маъносини изоҳлаб ёзади: *erān* – «эрлар, эркаклар». Баъзан кўплик шаклида шундай қўлланади (ДЛТ, 43).

Бошқа бир ўринда *oʻyul* сўзининг маъносини очиқлар экан, шундай ёзади: Қоидага хилоф равишда *erān* сўзига ўхшаш *oʻylan* деб ҳам жам қиладилар. Аслида, бу сўзнинг кўплик шакли *oʻyullar* бўлиши керак эди. Буларнинг ҳар иккисини бирлик шаклида қўллайдилар (ДЛТ, 42).

Қуйидаги мақолда ҳам *oʻylan* сўзи бирликда ишлатилган: *Oʻyلاق iliksiz, oʻylan biligsiz*. Маъноси: «Эчки боласида илик йўқ, ёш болада ақл йўқ» (ДЛТ, 60).

Ёки бошқа бир ўринда: *oʻylan iyladi* – «бола йиғлади» (ДЛТ, 119); *oʻylan suw tōkdi* – «бола сув тўкди». Мақолда (шундай келган): *Oʻylan suw tōkār, uluy yani sinur*. Маъноси: «Бола сув тўкади, ундан катталарнинг оёғи си-нади» (ДЛТ, 214).

Ёски туркий тилда *oʻylan* сўзи «қул бола» маъносида ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарий девонида шундай мисол келтирилган: *bu oʻylanīy bir totuyqa aldīm* – «бу ўғлонни [яъни қул болани] бир тўриқ отга алишдим» (ДЛТ, 150).

Ёски ўзбек тили даврида кўпликнинг *-an, -ān* қўшимчаси ўзининг бурунги вазифасини йўқотган. Буни *erān* сўзининг *-lār* қўшимчаси билан бирга *erānlār* шаклида ишлатилганида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, «Махзану-л-асрор» асарида:

*Qilyil erānlār-teg özüñni fidā,
Āšiq-u majnūnya yetār bir şadā* (МЕ, 291).

Энди бу ўринда *erān* «пахлавон, мард» маъносида келган.

(3) *-at, -āt* қўшимчаси. Масалан, *er* – «эр, киши; ҳарбий»; *erāt* – «эрлар, кишилар; ҳарбийлар», яъни «лашкар» дегани:

*Bu el tutuyqa kōp erāt, sū kerāk,
Erāt tutuyqa nāñ, tawar tū kerāk.*

«Бу элни тутиб туриш учун кўп лашкар, қўшин керак,
Лашкарни сақлаш учун эса нарса – беҳисоб тавар керак» (QBN. 79b,5).

(4) *-z* қўшимчаси. С.Е.Маловнинг ёзишича, *biz* ва *siz* олмошларидаги *-z* кўплик қўшимчасидир. Унинг фикрига кўра, бу олмошлар қуйидаги усулда ҳосил бўлган: *bi+si=biz* (мен+сен=буз); *si+si=siz* (сен+сен=суз) (Малов 1951, 51 – 52).

-z қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шаклига қуйидаги сўзларни ҳам мисол келтириш мумкин: *теңиз* – «юз, яноқ», *köküz* – «кўкс, кўкрак», *отуз* – «елка», *тöңүз* – «шоҳ», *аүиз* – «оғиз» (бунда икки жағ кўзда тутилмоқда; *аү* – «ажралиш» сўздан; масалан: *иштоннинг оғи*).

Бунга *köz* сўзини ҳам мисол қилса бўлади; чоғиштиринг: *kör* (-*r* – феъл ясовчи); *köz* (-*z* – кўплик қўшимчаси).

Келтирилган сўзларда -*z* қўшимчаси орқали асли «иккилик, жуфтлик» ҳосил қилинмоқда. Бироқ туркий тилда «иккилик» йўқ. Бирор нарсанинг биттаси бирликда, ёнига иккинчиси қўшилса, кўпликка айланади. «Иккилик» кўплик дегани. Шунга кўра, -*z* аффикси иккилик, жуфтлик ясовчи эмас, кўплик қўшимчасидир.

-*z* қўшимчаси феълларга қўшилиб, унинг шахс ва сонини билдиради. Масалан, тингловчи бирлиги *bardīñ*, кўплиги эса *bardīñiz* бўлади. Ёки кўк турк битигларида тингловчи бирлиги *bardīy* шаклида ишлатилган: *Qağanñin sabīñ almatīñ yār sayu bardīy*. – «Хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар ерга тарқаб кетдинг» (Ка. 9). Бунинг кўплиги ҳозирги татар тилида *bardīyiz* бўлади. Чоғиштиринг, ҳозирги ўзбек тилида: *боришинг керак*, кўплиги – *боришингиз керак*. Ёки: *келинг* – *келинглар* – *келингиз*. *Келингиз* сўзидаги -*инг* хурматни, -*из* эса кўпликни билдиради.

Ҳозирги ўзбек тилида *сиз*, аслида, тингловчи кўплигидир. Бироқ ёши, мартабаси улуғ, хурмати бор кишиларга ҳам *сиз* деб мурожаат қилинади. Тилимизда *сизлаб гапир*, *сенлаб гапир* деган иборалар ҳам бор. Биринчиси хурматни, кейингиси эса яқинликни, ёш ва даражаси қуйи кишиларга бўлган мурожаатни, керак бўлганда салбий оҳангда хурматсизликни, ҳатто менсимай сўзлашни ҳам билдиради. Демак, хурматнинг грамматик кўрсаткичларидан бири сўзнинг кўплик шаклидир. Тингловчи ва ўзга кўплигини (*сиз*, *улар*), отлардаги тингловчилар ва ўзгалар эгалигини (*сизнинг*, *уларнинг*), феъллардаги тингловчилар ва ўзга кишиларнинг ҳаракат ва ҳолатини (яъни шахс-сонни) билдирувчи қўшимчалар ўрни билан хурматни ҳам билдиради. Масалан, *дадамлар*, *ойимлар* деганда кўпликни эмас, уларга бўлган хурматни ифодалаймиз. Нутқ жараёнида хурмат шу қадар кучлики, ҳатто хурматга сазовор кишининг иш-ҳаракати ва ҳолатига, унга тегишли нарсаларга ҳам хурматни билдирувчи қўшимча қўшиб сўзланади.

Масалан: *Дада, овқатингизни еб олинг* гапини олайлик. *Овқат* сўзи отага тегишли, шунинг учун унга хурматни билдирувчи -*из* қўшимчасини қўшиб *овқатингиз* дейилаётир. Кейинги *еб ол-* феъли ҳам отага қарашли, шунинг учун у ҳам хурмат шаклидадир (*еб олинг*).

Энди *Дадамлар* ишдан келганларида *овқатларини иситиб бердим* гапидаги хурматга эътибор берайлик. *Дадамлар* сўзидаги -*лар* отага

бўлган ҳурматни билдиради; *келганларида* сўзи ҳам отанинг ҳаракати, шунинг учун ҳам у ҳурмат шаклида; *овқат* ҳам отага тегишли, шундан келиб чиқиб унга ҳам *-лар* қўшилмоқда. Энди *иситиб бердим* сўзи сўзловчига тегишли; шу ерда гапдаги ҳурмат даражаси бир поғона пастга тушади: унга *-лар* қўшимчаси қўшилмайди.

(5) Қадимги туркий тилда рудимент ҳолида кўпликнинг *-t* қўшимчаси ҳам учрайди (Малов 1951, 50 – 51). Бундай кўплик *-n* ни *-t* га ўзгартириш йўли билан ҳосил қилинган. Масалан, «Олтун тусли ёруғ» асарида: *tigin* – «шаҳзода», *tigit* – «шаҳзодалар». Лекин асарда унинг кўплиги *tiginlār~tigitlār* шаклларида ҳам ишлатилган.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: «*tigit tigin* сўзининг кўплигидир. Аслида, бу кул исмидир. Кейинчалик хоқон ўғилларига лақаб бўлиб қолган. Бу шаклдаги кўплик қоидага хилофдир; *ōgā tigit* «оддий халқнинг катталари; шоҳнинг кичик ўғиллари» демақдир. Булар бирга қўлланади. *ōgā* сўзи, аслида, *du-l-qarnaun* замонида у билан туркларнинг битишувидан олдин уларнинг олдинги қўшинлари орасидаги тўқнашувда юзага келган» (ДЛТ, 143).

Кошғарий «Бу шаклдаги кўплик қоидага хилофдир» деганда, ҳар қалай, *tigit* шаклидаги кўплик унинг замонида архаиклашганини кўзда тутган кўринади.

Бу қўшимча билан ҳосил қилинган кўпликка яна бир мисол: *tarqan* – «тархон» (унвон), *tarqat* – «тархонлар».

(6) *-ayut*, *-āgūt* қўшимчаси. Туркологияда *-ayut* қўшимчаси ҳам ўтмишда кўпликни англатган деган қараш бор. Бироқ ёзма ёдгорликлар тилида бу қўшимча билан келган сўзларда кўплик маъноси йўқ. Масалан, *alpayut* – «пахлавон» (СЦ. V. 24, 11); *bayayut* – «боён» (СЦ. V. 41, 24) сингари.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *alpayut* – «енгилмас курашчи, ботир, баҳодир, пахлавон».

Бу сўзнинг халқ ижодидаги мисоли учун қуйидаги шеъринг узиндини келтирган:

Budrač yemā qudurdi,
Alpayutin ödürdi.
Süsün yana qadirdi,
Kelgälimät irkäšür. –

Айтмоқдаки: «*Budrač* – ябақулар бегининг оти, у аскарларга юзланди, ботирларини саралади, келиш учун тўпланди [Ябақулар бошлиғи Бузрач яна кутурди, ботирларини танлаб аскарларини қайтариб келиш (юриш) учун тўпланишмоқда]» (ДЛТ, 72).

-*ayut*, -*ägüt* қўшимчаси, ҳар қалай, туркий тил тарихининг илк босқичларида кўпликни билдирганлиги аниқ, кейинчалик эса *oylan* сўзида кўplik маъноси унутилиб, бирликка айлангани сингари, унинг ҳам вазифасида ўзгариш юз берган кўринади.

«Чиғатой туркчаси» давридан ўзбек адабий матнларида арабча, форсча кўplik шакллари ҳам ишлатила бошлади. Кўplikнинг бундай шакллари ўзбек тили доирасида ясалган эмас, улар форс ва араб тилларидан тайёр ҳолда ўзлаштирилган. Шундай эса-да, уларда бирлик ва кўplik маънолари аниқ-тиниқ ажралиб туради.

Эски ўзбек тили даврига келиб араб ва форс тилларидан ўзлашган кўplik шаллари ҳам ишлатила бошлади.

Масалан, арабча кўplik: бирликда – *sultān* (SD. 75), кўplikда эса *salātīn* – «султонлар» (SD. 89).

Эгалик

Отларда бир сўзловчининг эгалик белгиси -*m* аффиксидир: *bašim*, *közüm*, *elim*. Сўзловчи кўп киши бўлганда -*miz*, -*miz* қўшимчаси ишлатилади: *bašimiz*, *közümüz*, *elimiz*, *biligimiz*, *saqinčim(i)z*.

Сўзнинг охириги бўғини лабланган унлили бўлганда ушбу қўшимча баъзан -*muz*, -*müz* шаклида ҳам қўшилиши мумкин. Масалан, Huast. да: *muñumuz*, *köñülümüz*.

Сўзловчи ўзи тўғрисида сўз юритганда, одатда, *özüm* деб ишлатади ва бунга қўшимча қилиб таъкидни кучайтириш учун баъзан *bān* олмошини ҳам қўшиб қўллаши мумкин: *Kältürtim-ök türk bodunuy Ötükān yärkä bān özüm bilgä Toñuquq*. – «Келтирдим ҳам турк халқини Ўтуқан ерга мен ўзим билга Тўнюқуқ» (Топ. 17).

Тингловчи бирлигининг эгалиги -*ñ* қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *bašñ*, *közñ*, *eliñ*.

Тингловчи кўплигининг эгалик белгиси -*ñiz*, -*ñiz* / -*ñuz*, -*ñüz* дир: *bašñiz*, *közñüz*, *eliñiz*.

Ўзга бирлигининг эгалик белгиси -*i* (-*si*), -*i* (-*si*) қўшимчасидир: *baši*, *közi*, *eli*.

Муҳими шундаки, «Ўғузхоқон» достонида эгаликнинг ўзга бирлиги лаб унлиси билан тугаган бўғинларга -*u* (-*su*), -*ü* (-*sü*) шаклида ҳам қўшилиб келган: *añayusu* – қиёфаси, *közü* – кўзи, *köküzü* – кўкси, *üčägüsü* – учаласи. Бундай фонетик хусусият ҳозирги турк тилида ҳам сақланган.

Ўзгалар кўплигининг эгалиги қарашлилик кўплигига бирликнинг эгалик белгисини қўшиб ҳосил қилинади. Мисоли: *sözläri*.

Классик адабиётда *-ñiz, -ñiz / -ñuz, -ñüz* қўшимчаси ёлғиз кўпликни эмас ўрни билан хурматни ҳам билдиради. Масалан, маҳбубага хурмат аини қўшимча билан ифода этилади. SD да: *qadrñiz, közlärñiz, ʔamzanñiz, boyuñuz, zulfuñuz*.

Куйидаги байтга эътибор беринг:

*ʔamzanñiz qan tökkäli qaşd etsä har dam, ul zamān
La'liñizdīn köp bolur Sakkäkīgä jān minnatī (SD, 716).*

«Китоб-и таржумон-и туркий»да таъкидланишича, «кипчоқ тили»да эгалик *bu seniñ* («бу сеники»), *bu siziñ* («бу сизники»), *bu munīñ* («бу буники»), *bu aniñ* («бу уники»), *bu anlaruñ* («бу уларники»), *bu menüm* («бу меники»), *bu bizüm* («бу бизники») шаклида ифода этилган. Бу сўзлардаги *-ñ / -m* қўшимчаси нарсанинг асл эгасини (кимга қарашли эканлигини, кимга оид эканлигини) билдиради (КТТ. 73).

Эгаликнинг бу шакли ҳозирги турк тилида ҳам қўлланмоқда: *bu senindir, bu onlarındır, bu sizindir, bu bizimdir, bu benimdir*. Солиштиринг, ҳозирги ўзб.: *менимча* (-им «мен»га эмас, «менинг фикрим»га тегишли, «фикр»нинг «мен»га қарашли эканлигини билдиради): *мен(инг фикр) имча* > *менимча*. Ёки яна бир мисолни қиёсланг: *менинҗча*. -нинг қўшимчаси «мен»га тегишли, -ча эса «менинг фикрим»га тегишли. Бу ўринда эгалик қўшимчаси -им қисқарган (<менинг(фикрим)ча).

Турк тилшунослигида *benim evim, benim kitabım, ev benim, kitab benim* бирикмаларидаги *-im, -im*, аффикси *tamlama eki* («қаратқич қўшимчаси») деб эмас, балки *iyelik eki* («эгалик қўшимчаси») деб ишлатилади. Турк тилшунослигидаги талқинларга кўра, *benim evim, benim kitabım* бирикма ҳолида келсагина, *isim tamlaması* бўлади. *-im* аффикси функционал жиҳатдан *tamlayan eki* бўлиб келади. *ev benim, kitab benim* шаклида эса гапга айланади. *-im* нинг олмошга бирикув усули ҳам тарихан *менимча* сўзидаги сингари кечган.

Қизиғи шундаки, енисей битигларида *siz* олмошига ҳам унинг кимга қарашлилигини билдирувчи *-im* қўшимчаси қўшилади: *sizim* «сиз менинг яқинларим» деган маъно англашилади: *Quyda qunçuyuma, sizim oylumqa böktädim*. – «Уйда маликаларимга, сиз (менинг яқинлар)им, ўғлимга тўймадим» (Е. 14,2).

Ҳозирги ўзбек тилида тегишлилик, қарашлилик *-ники* қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *меники, сеники, уники, бизники, сизники* ва б. -м эса баъзан шеъриятда, бадий-кўтаринки услубда ишлатилади, холос.

-ники қўшимчаси таркибидаги -ки тегишлиликни, мансубликни билдирувчи аффиксдир (ҳозирги грамматик асарларда сифат ясовчи дея талқин этилмоқда). Қадимги шакли: *-qī, -ki / -yī, -gi*. Қиёсланг, қадимги туркий тилда: *üzäki* – «юқориги», *уауqī* – «баҳорги». Ҳозирги ўзбек тилида: *қишки, ёзги, кечки, эртаки, олдинги, кейинги*. Бу мисолларда: *қишки* «қишга тегишли, қишга қарашли», *ёзги* «ёзга тегишли, ёзга мансуб» деган маъноларни англатади ва б. -ники қўшимчаси таркибидаги -ни эса қадимги *-niñ, -niñ / -nuñ, -nüñ* қўшимчасининг қолдиғидир. Бу қўшимча билан ясалган сўзларга *-qī, -ki / -yī, -gi* қўшилиши билан у ҳам ўзгаришга учраган: *меники* (<*meniñ-ki*).

Ҳозирги ўзбек тилида *бу, шу* кўрсатиш олмошларининг эгалик қўшимчаларини олиши натижасида сўз таркибида фонетик ўзгариш содир бўлган: *буним, бунинг, буниси; шуним, шунинг, шуниси* сўзлари таркибидаги -н- тарихан кўрсатиш олмошлари (*bul, šul*)даги -l бўлиб, тилнинг ривожланиши, грамматик қоидаларнинг қатъийлашуви сабабли -н га айланган ва ҳар учала шахс эгалик аффиксларини қўшишда яна тикланган.

Келишик категорияси

Келишик отли сўз бирикмаларида бош сўз билан эргаш сўзнинг, эгаси от бўлиб келган гапда эса эга (от)нинг кесим билан мослашуви, келишувидир. Келишикда сўроқ отга берилади. Масалан, *кимни?, кимга?, кимдан?* сингари. Бу сўроқларга берилган жавоб келишик қўшимчаларини олади.

Келишик категорияси туркий тилларнинг ўзига хос қонунларидан биридир. Тилнинг тарихий тараққиёти давомида тилимизнинг ички қонунияти, ўзгариши оқибатида унинг сони баъзан ўзгариб ҳам турган. Ҳозирги тилшуносликда уларнинг сони нечта кўрсатилаётганидан қатъи назар, келишик категорияси туркий тилларда бурундан бор, бундан кейин ҳам сақланиб қолади.

Келишик қўшимчаси ўзбек тилида от, отлашган сўзлар, барча исм гуруҳига қўшила олади. От, сифат, сон, олмошни исм гуруҳи деганимиз билан, ҳар бирининг ўзига яраша грамматик белгиси бор. Ҳеч қачон бир туркумга тегишли категория иккинчисига ўтиб қўя қолмайди. Сон, сифат, олмош асл ҳолатида отга хос қўшимчаларни ололмайди. Гапда аввал от ўрнини эгаллайди, от тўнини кийгандан кейингина унинг вазифасини бажариш ҳуқуқини олади ва ўз қуршовида бошқа сўзларга от сингари таъсир эта бошлайди.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида еттита келишик ишлатилган. Тартиби шундай:

Келишикларнинг оти

Қўшимчалари

1. Бош келишик: -
2. Қаратқич келишиги: *-niŋ, -niŋ / -nuŋ, -nüŋ; -iŋ, -iŋ / -uŋ, -üŋ.*
3. Жўналиш келишиги: *-qa, -kā / -ya, -gā; -a, -ā; -yaru, -gārū / -qaru, -kārū; -yar, -gār / -qar, -kār; -ru, -rū; -ra, -rā.*
4. Тушум келишиги: *-y, -g (-iŷ, -ig / -uy, -üŷ); -n; -ni, -ni; -i, -i.*
5. Ўрин-пайт келишиги: *-da, -dā / -ta, -tā.*
6. Чиқиш келишиги: *-dan, -dān / -dīn, -dīn / -tan, tān / -tīn, tīn; -da, -dā / -ta, -tā.*
7. Восита келишиги: *-n (-iŋ, -in / -un, -ün).*

Қадимги туркий тилда келишик қўшимчалари сонининг кўплиги тил категорияларининг у қадар ривожланмаганидан эмас, аксинча, ушбу категория тилда ниҳоятда такомилга етгани, шу билан бирга, матн услубининг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Бунинг қулайлиги шундаки, матнда бир қўшимча қайта-қайта ишлатилавермайди, ўрни билан бошқа қўшимчалардан ҳам фойдаланилади. Шунда матн раво ва ўқишли чиқади. Қўшимчаларнинг кўплиги гап оҳангини (ритмни), айниқса, шеърий матнларда бўғинлар сонини (ҳижони) бир маромда таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Яна бир жиҳати, ҳар бир қўшимчанинг фонетик вариантлари мавжуд; сўзнинг фонетик хусусиятидан келиб чиқиб қўшимчанинг у ёки бу варианты танланади.

Қаратқичнинг асл маъноси «қаратувчи» дегани. У эгалик, махсуслик, бир нарсанинг иккинчи нарсага ё кимсага тегишли эканини билдиради.

Қадимги туркий тилда қаратқич белгиси *-niŋ, -niŋ / -nuŋ, -nüŋ* билан бирга *-iŋ, -iŋ / -uŋ, -üŋ* дир.

Қаратқич баъзан белгисиз ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан: *Körüg sabi antay.* – «Кузатувчининг сўзи шундай» (Топ. 9).

Жўналиш келишиги иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг кимса ё нарса томон йўналишини билдиради. Унинг асл маъноси «йўналиш» дегани.

Эскида жўналиш келишигининг қўшимчаси ҳам бир неча хил бўлган. Ёзма ёдгорликлар тилида жўналишнинг *-yaru, -gārū / -qaru, -kārū* қўшимчаси кенг қўлланган. Масалан, Тўнъюқ битигида: *Öñdān qaŷanyaru sü yorilim, tāmiš.* – «Шарқдан хоқонга лашкар йўллайлик дебди» (Топ. 29); *Tabyaçyaru Qoni sāñünüg idmiš, Qitanŷaru Toŋra Sämig idmiš.* – «Табғачга Қўни сангунни юборибди, Қитанга Тўнгра Семни юборибди» (Топ. 9).

Жўналишнинг *-qa, -kā / -ya, -gā* кўшимчасига келсак, қадимда унинг жарангсиз ундошли *-qa, -kā* варианты устун эди, жарангли *-ya, -gā* варианты эса жаранглилик-жарангсизлик уйғунлигига мос ҳолда кейинчалик фаоллашиб кетган. Жумладан, ўрхун ёдгорликларида жўналишнинг *-ya, -gā* варианты ўрнида ҳам *-qa, -kā* ишлатилган: *tayqa* – «тоққа», *qarīyqa* – «қопиғқа», *yārka* – «ерга», *ögüzka* – «дарёга». Жўналишнинг *-ya, -gā* варианты енисей ёдгорликларидагина ишлатилган: *qunçuyımya* – «бекачимга», *edgügā* – «эзгуга».

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги туркий матнларда жўналиш кўшимчасининг *-qa, -kā* вариантыгина ишлатилган, *-ya, -gā* варианты эса учрамайди. Чунончи, жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга ҳам, унли товуш, жарангли ва сонор билан тугаган йўғон негизли сўзларга ҳам кўшимчанинг *-qa* варианты кўшилган. QBN да: *اوقوش قا* *uquşqa* (15a,6), *قايقا* *qayıqa* (12a,6) сингари. Шунга мувофиқ ҳолда ингичка сўзларда унинг *-kā* варианты ишлатилади: *بیلیک کا* *biligkā* (15a,6), *ایلکا* *elkā* (24b,11) сингари.

Бу кўшимчанинг жарангли ундош билан қўлланувчи варианты, ҳар қалай, XII юзйилликдан бошлаб фаоллашган кўринади. Масалан, «Ҳибату-л-хақойиқ»да унинг *-qa, -kā* варианты билан бирга *-ya, -gā* варианты ҳам ишлатилган. Яъни унли товуш, жарангли ёки сонорлар билан тугаган йўғон негизли сўзларга кўшимчанинг *-ya* варианты кўшилган. Yug.C да: *توار سیز غه* *tawarsizya* (13,4), *حساب سیز غه* *hisābsizya* (13,5) сингари. Шунга мувофиқ ҳолда ингичка негизли сўзларга унинг *-gā* варианты кўшилади.

Жўналишнинг *-a (-ya), -ā (-yā)* аффикси: *Qayanima ötünüp sü ältdim.* – «Хоқонимга ўтиниб, лашкар элтдим» (Топ. 18).

-ru, -rū аффиксининг мисоли:

*Saray bil aẓunni bu qazyañ yeri,
Nekü bulsañ mında naru ið yurī.*

«Дунёни бир сарой бил, у (мол-мулк, мансабу обрў) қозониш еридир, Бундан нимаики топсанг, нарига [яъни у дунёга] суриб юргин» (QBN. 58b,4).

-ra, -rā аффикси: *T[aşr]a yoriyur tiyin kü äsidip baliqdaqı taşiqmīs, taydaqı inmis. Tirilip yätmis är bolmīs.* – «Ташқарида юрибди деган хабарни эшитиб, шаҳардаги ташқарига чиқибди, тоғдаги инибди. Терилиб етмиш эр бўлибди» (К.11 – 12).

Қадимги туркий тилдаги жўналиш келишигининг *-yaru, -gārū / -qaru, -kārū* аффикси ҳозирги ўзбек тилида ҳам айрим сўзлар таркибида қолдиқ ҳолда учраб қолади. Масалан: *ичкари, илгари, ташқари, юқори* сўзларидаги *-кари, -гари, -қари* жўналишнинг архаик қўшимчасидир. Тарихан улар икки морфемага бўлинган: *ич-кару, ил-гару, таш-қару, юқ-қару* сингари. Ҳозирда эса жўналишнинг бу қўшимчаси алоҳида ишлатилмагани учун улар ўзи боғланаётган сўз билан бирикиб кетган.

Жўналишнинг тарихий қўшимчаси сўз таркибига қўшилиб кетган бўлишига қарамай, бундай сўзларда жўналиш маъноси сақланган бўлади. Масалан, *ичкари* деганда «ич томон йўналиш», *ташқари* деганда эса «таш томон йўналиш» маъноси бор. Шунинг учун уларга ҳозирги шароитда *-га* қўшимчасини қўшиб, *юқорига, ичкарига, ташқарига* шаклида ишлатиш хатодир. Уларни *-га* қўшимчасисиз ишлатишнинг ўзи етарли: *юқори кўтарилди, ичкари кирди, ташқари чиқди* сингари.

Шу сингари *нари, бери, сари* сўзларидаги *-ри* ҳам жўналиш келишигининг қолдиғи; ўтмишда бу сўзлар *paru, berū, sari* шаклида ишлатилган. Ёки *ичра* (<*ič-rā*), *ташра* (<*taš-ra*), *узра* (<*üz-ra*), *сўнгра* (<*soŋ-ra*) сўзларидаги *-ра* ҳам жўналиш келишигининг архаик қўшимчасидир.

Тушум келишиги иш-ҳаракат ва ҳолатнинг отга (кимса ё нарсага) тушганлигини, ҳаракат ва ҳолатнинг тушумини билдиради. Масалан, *Кимни кўрдинг?* деган сўроққа *Улуғбекни* деб жавоб қайтарилганда *кўрмак* феълининг *Улуғбекка* келиб тушганлиги англашилади.

Тушум келишигининг *-n* қўшимчаси: *Yabyusīn, šadīn anta ölürti*. – «Ябғусини, шадини ўша ерда ўлдирилди» (Тон. 41 – 42); *Qiat kelip başi birlä Oyuz qalqanin urdi. Oyuz čida birlä qiatniñ başin urdi, anı öltürdi. Qilič birlä başin kesti, aldi, ketti*. – «Қиёт келиб, боши билан Ўғузнинг қалқонини урди. Ўғуз (эса) гурзи билан қиётнинг бошига урди, уни ўлдирди. Қилич билан бошини кесди, (сўнг) кетди» (ЎД. 5, 1 – 4).

Ёзма ёдгорликларда тушум келишиги *-i, -i* қўшимчаси билан ҳам ифода этилган:

*Elig aydi: Bilgä meniñ qilqimi
Körüp, menzätü, urdi bu atimi.*

«Элиг айтди: Доно менинг қилиқларимни
Кўриб, мажозий қилиб, менга ушбу отни қўйди» (QBN. 35b,8)

Тушум келишигининг *-n; -ni, -ni; -i, -i* қўшимчалари билан бир қаторда *-ү, -g (-iү, -ig / -уү, -üg)* аффикси ҳам кенг ишлатилган: *Türk Bilgä qayan türk sir bodunuү, oүuz bodunuү igidü olurur*. – «Турк Билга хоқон турк сир хал-

қини, ўғуз халқини бошқариб турибди» (Топ. 62); *Altun yišiy aša kältimiz, Ärtis ögüzüg kačä kältimiz.* – «Алтун йишни ошиб келдик, Эртиш дарёсини кечиб келдик» (Топ. 37); *Elligig elsirätdimiz, qayanliyi qayansiratdimiz, tizligig sökürtimiz, başliyi yüküntürtimiz.* – «Давлатлини давлатсизлантирдик, хоқонлини хоқонидан жудо қилдик, тиззаси борни чўқтирдик, боши борни юкунтирдик» (К. 18); *Türgäs bodunuy uda basdimiz.* – «Турғас халқини кўққисдан босдик» (К. 37); *Čiğaň bodunuy bay qiltim, az bodunuy öküš qiltim.* – «Қашшоқ халқни бойитдим, оз халқни кўпайтирдим» (Ка. 10); *Čiğaň bodunuy bay qiltim, az bodunuy öküš qiltim.* – «Қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим» (Ка. 10); *Qaz qopsa, ördäk kölig igänür.* – «Ғоз (сувдан) кўтарилса, кўлни ўрдак эгаллайди» (ДЛТ, 54).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да таъкидланишича, туркий *-da, -dä* қўшимчаси арабча *فی* қўшимчасининг ўрнида ишлатилган: *yerdä* – «ерда», *evdä* – «уйда», *qal'ada* – «қалъада», *Misirda* – «Мисрда», *kökä* – «кўкда, осмонда», *bāzārda* – «бозорда», *Šāmda* – «Шомда» (КТТ. 72).

Чиқиш келишиги *-dan, -dän / -dīn, -din / -tan, tän / -tīn, tin* қўшимчалари билан бирга *-da, -dä / -ta, -tä* қўшимчаси билан ҳам ифода этилган: *Türpüt qayanta Bölün kälti.* – «Тупут хоқонидан Бўлун келди» (Кб. 12); *Kisi oylinta üzä äčüm-aram Bumīn qayan, İstāmi qayan olurmış.* – «Киши ўғлилари узра ота-бобом Бумин, Истамилар хоқон бўлиб тахтга чиқибди» (К. 1); *Türgäs qayanta körüg kälti.* – «Турғаш хоқондан (сир билиш учун жўнатилган) кўрувчи келди» (Топ. 29).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да таъкидланишича, туркий *-dan, -dän* қўшимчаси арабча *من* қўшимчасининг ўрнида ишлатилган: *bāzārdan* – «бозордан», *Šāmdan* – «Шомдан», *qal'adan* – «қалъадан», *fulāndan* – «фалондан» (КТТ. 72).

Қадимги туркий тилда, ҳозиргидан фарқли ҳолда, еттинчи – восита келишиги ҳам қўлланган. Унинг асл маъноси иш-ҳаракат ва ҳолатнинг бирор нарса, бирор восита кўмагида юзага чиққанлигини билдиради. Бу келишик белгиси *-n* бўлиб, ўзак-негизнинг фонетик-фонологик табиатига боғлиқ равишда *-in, -in / -un, -ün* шакллариغا эга бўлади.

Матнлардан мисоллар: *Süčig sabīn, yimšaq ayīn arīp, İraq bodunuy anča yaütir ermis.* – «Ширин сўзи билан, нафис ипаклиги билан авраб, йироқ халқни шундай яқинлаштирар экан» (Ка. 5); *Tabyač bodunqa beglik urī oylīn qul bolti, silik qiz oylīn küñ bolti.* – «Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан жория бўлди» (К. 7); *Todunčsuz uwutsuz suq yäk üčün saqīnčīn sözīn qīlīnčīn y(ä)mä közīn körüp qulqaqīn äšidip tilin sözläp äł(i)gin sunup adaqīn yorīp ürkä üzüksüz ämgätirbiz.* – «Тўймас, уятсиз, суқ иблис учун хаёл қилиб, сўз билан, иш билан, яна кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, тил билан сўзлаб, қўл билан

сунуб, оёқда юриб, (беш тангри ёруғини) узлуксиз азоблаймиз» (Huast. 144 – 147); *Quş qanatin, er atin*. – «Куш қаноти билан, эр оти билан» (ДЛТ, 28); *Aş tatiyi tuz, uyürin yemäs*. – «Ошнинг тоти туз билан, лекин лаганда куруқ тузнинг ўзини ейилмайди» (ДЛТ, 333).

Восита келишигининг *-n* қўшимчаси ҳозирги ўзбек тилида ҳам айрим сўзлар таркибида қолдиқ ҳолида учраб туради. Масалан: *қишин-ёзин, очин-тўқин, эртан-индин* дейилади; ушбу бирикмалардаги *-ин* қадимги восита келишиги қўшимчасининг қолдиғидир. Ҳозирги ўзбек тилида восита келишигининг бу шакли ишлатилмайди. Шунинг учун бундай бирикмалар маъноси ёрдамчи сўзлар кўмагида очиқланади: *қишин-ёзин* – «қиши билан, ёзи билан» ёки «қиш бўйи, ёз бўйи», *очин-тўқин* – «оч ҳолда, тўқ ҳолда», *эртан-индин* – «эрта билан, индин билан» деган маъноларни англатади.

Эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси») даврига келиб келишиқ кўшимчалари тизимида анчагина ўзгариш юз берди. Келишиқ категориялари таркибидаги қатор қўшимчалар истеъмолдан чиқиб кетди. Масалан, тушум келишигининг *-y, -g (-iŷ, -ig / -uy, -üŷ)* аффикси, жўналиш келишигининг *-yaru, -gärü / -qaru, -kärü* аффикси, восита келишигининг *-n* қўшимчаси бу давр тилида ишлатилмаган. Уларнинг вазифаси бошқа қўшимчаларга ёки кўмакчи сўзларга юклатилди.

Таъкидлаш ўринлики, бу давр ёзма адабий тилига, айниқса, бадий адабиёт тилига қорахонийлар даври ёзма адабий тилининг, классик асарлар тилининг таъсири жуда кучли эди. Чиғатой шоирлари қорахонийлар даври адабиётининг услубига эргашган ҳолда ўша давр ижодкорлари ўз асарларида қўллаган қўшимчаларни ҳам ишлатишга уринганлар.

XV юзйилликда яратилган ёзма ёдгорликларда қаратқич келишигининг қўшимчаси *-niŷ, -niŷ / -nuŷ, -nüŷ* дир. Шунингдек, бу вазифада *-iŷ, -iŷ* қўшимчаси ҳам ишлатилган.

Тушум келишиги *-ni, -ni* қўшимчаси, баъзан *-n (-in, -in / -un, -ün)* қўшимчаси билан ҳосил қилинган. Ижодкорлар тарихий ўлчовларга эргашиб, ора-чора *-i, -i* қўшимчасини ҳам қўллаганлар.

Жўналиш келишиги *-qa, -kã / -ya, -gã*, шунингдек, *-a, -ã* қўшимчаси билан ҳосил қилинган.

Ўрин-пайт келишигининг қўшимчаси *-da, -dã / -ta, -tã* дир.

Чиқиш келишиги *-din, -din / -tin, -tin; -dan, -dãn / -tan, -tãn* қўшимчалари билан ифода этилган.

Масалан, Саккокий девонида (SD) қаратқич келишиги *-niŷ, -niŷ / -nuŷ, nüŷ*, айрим ўринларда *-iŷ, -iŷ* қўшимчаси билан ҳам ифода этилган: *jafãniŷ* (511), *kišiniŷ* (539), *šahniŷ* (79) сингари. Ёки: *baxtiŷ* (83), *biziŷdür*

(713). Баъзан унлилардаги лабланганлик-лабланмаганлик уйғунлиги бузилиши ҳам мумкин: *yārimnuḡ* (795), *raqībnuḡ* (608), *sōzniḡ* (411).

Қаратқичнинг *-iḡ, -iḡ* қўшимчаси Навоий асарларида ҳам ишлатилган: *Ul biziḡ farzandimēzduḡ va biz anī qabūl qīlduḡ* (НМ, 198).

Тушум келишиги асосан *-ni, -ni* қўшимчаси билан ифодаланган: *arslanni* (253), *ōlūgni* (180), *yūzūmni* (775) сингари. Ора-чора тушум келишигининг тарихий *-i, -i* қўшимчаси ҳам учраб қолади: *ʿAdl-u dādī-kim, bu kūn Sulṭān Uluy-beg yōritūr* (161); *Ay-teḡ yūzūḡi jumla jihāndin kōnilār-men* (411).

Ёдгорликларда тушум келишиги *-n (-in, -in / -un, -ūn)* қўшимчаси билан ҳам ҳосил қилинган. Масалан, ЛК да: *ʿišq otin yaq* (17); *Čaman qušlarin inṡrātūr saharda* (6); *Baqīḡ sōz šāhidiniḡ yūzin ačtim* (50) сингари.

Шеърятда баъзан услуб тақозоси билан тушум келишигининг тарихий *-i, -i* қўшимчаси ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, Хоразмий «Муҳаббатнома»сида:

Jihān toldī seniḡ zulfuḡ qarasi,
Küyürdi kōḡlūmi čehrāḡ külāsi (МН. 167).

Жўналиш келишиги асосан *-qa, -kā / -ya, -gā* қўшимчаси билан ифодаланган. Масалан, SD да: *quyašqa* (661), *majliskā* (373), *suḡa* (423), *belgā* (297). Айрим ўринларда жўналиш келишигининг *-a, -ā* қўшимчаси ҳам ишлатилади: *qanīma* (462), *nālišīma* (529) сингари.

Хоразмий «Муҳаббатнома»сидан яна бир мисол:

Quyaš har kūn yūz urar ol qaruyqa,
Jamāliḡ saldi Jusufni quduyqa (МН. 186).

Ўрин-пайт келишиги *-da, -dā / -ta, -tā* қўшимчаси билан ифодаланган. Масалан, SD да: *yerdā* (335), *urušta* (95), *tūštā* (610); ЛК да: *jihānda* (127), *otīda* (197), *kōḡlūmdā* (169) сингари.

Чиқиш келишиги *-din, -din / -tin, -tin* қўшимчаси билан ифода этилган. Масалан, Хўжандий «Латофатнома»сида:

Ḥayāliḡdin adin kōḡlūmdā yoqduḡ,
Yīraq bolsam ōzüm, kōḡlüm yaḡuquduḡ (ЛК. 169).

Ṭabīʿattin čiqardim nazm-i bisyār,
Ačunda bulmadim edḡu xarīdār (ЛК. 54).

Ёки яна SD да: *jafādīn* (693), *kündin* (76), *atlastīn* (344), *valādattīn* (365) ва б. Айрим ўринларда ундошлардаги жаранглилик-жарангсизлик уйғунлиги бузилиши ҳам мумкин: *meḥnatdīn* (154), *sa'ādatdīn* (97) сингари. Булар жаранглилик-жарангсизлик уйғунлигига кўра *meḥnattīn*, *sa'ādattīn* бўлмоғи керак эди.

«Чиғатоий туркчаси» даврида восита келишигининг *-n* (*-in*, *-in / -un*, *-ün*) қўшимчаси ишлатилмаган. Ўрнида *ilä*, *ilän*, *birlä*, *birlän*, *bilän* кўмакчилари ишлатилган. Масалан, SD да: *bu xäl ilä* (356), *köñül bilä* (645), *jafä birlä* (125) сингари. Шунга қарамай, ора-чора қолдиқ шаклида учраб ҳам қолади. Мана мисоли: *Abaqān baylayan quş-sen, uçarya heç havā qılma* (440); *Bular talaşmaqān boldi ul ikki ara qan, ey jān* (414). Ушбу мисоллардаги *abaqān* «оёғи билан», *talaşmaqān* «талашмоқ билан» дея англанади.

Отларда жинс

Туркий тилларда род категорияси йўқ, лекин жинс бор. Жинс инсон ва бошқа жонзотларга хос. Жинснинг грамматик кўрсаткичи (қўшимчаси) йўқ. Сўзнинг маъносига қараб киши ё жонзотнинг жинсини ажратиш мумкин. Инсонларда ҳам, ҳайвонларда ҳам жинсни билдирувчи турдош отлар бор. Масалан, инсонларда «эркак» ва «хотин (аёл)», ҳайвонларда «эркаги» ва «урғочиси (тишиси)», кушларда «нари» ва «мода-си», паррандаларда «хўрози» ва «макиёни» дейилади. Тилимизда яна ҳар бирининг ўз оти бор. Судралувчилар, ҳашаротлар ва сув ҳайвонларининг ҳаракати, қилиқларига қараб уларнинг жинсини аниқлаш мумкин бўлса-да, уларга от қўйилмаган: «эркаги» ё «урғочиси» деб қўя қоламиз.

Маҳмуд Кошғарийда: *erkäç* – «така, эркак эчки». Мақолда (шундай келган): *Erkäç eti em bolur, eçkü eti yel bolur*. Маъноси: «Таканинг эти эм бўлади, урғочи эчкининг эти ел бўлади». Яъни: «Така гўшти даво бўлади, эчки эти қоринни дам қилади» (ДЛТ, 51).

Қадимги туркий тилда: *iñān* – «урғочи туя». Маҳмуд Кошғарий бу сўзга мисол қилиб шундай мақолни келтирган: *İñān iñrasa, botu bozlar*. – «Инган [яъни урғочи туя] инграса, бўта [яъни туянинг боласи] бўзлайди» (ДЛТ, 61).

«Эркак туя» *buğra* дейилган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *Buğrahan* исми ҳам шундан олинган (ДЛТ, 168).

Қадимги туркий тилда: *urī* – «ўғил бола»; *urī oylan* – «ўғил болалар» (ДЛТ, 48). Кул тигин битигида *urī oylul, qiz oylul* сўзлари ишлатилган. Ушбу мисоллардаги *urī* «ўғил», *oylul* сўзи эса «фарзанд» маъносидадир: *urī oylul* – «ўғил бола»; *qiz oylul* – «қиз бола».

Ҳозирги ўзбекчадаги *ўғил бола*, *қиз бола* ҳам айни маънодадир (*бола* – «фарзанд» дегани). Ёки яна қиёсланг, ҳозирги ўзб.: *эркак киши*, *хотин киши* деймиз. Бу ўринда *киши* сўзи «инсон, одам» англамидадир.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *erkäk* «ҳайвоннинг эркаги»дир. «Хўроз» *erkäk taqayü* дейилади (ДЛТ, 57).

Қадимги туркий тилда *oγul* сўзига *erkäk* сўзи ҳам қўшиб ишлатилган. Масалан, «Ўғузхоқон» достонида *erkäk oγul* дейилади, бу сўз «ўғил бола; ўғлон» деган маънони беради.

ИБ да: *erkäk yont* – «эркак от», *erkäk buzayü* – «эркак бузоқ», *tetir buyra* – «эркак туя». ЎД да: *erkäk böri* – «эркак бўри».

РҚ да: *er oylan* – «ўғил бола», *qiz oylan* – «қиз бола», *tiši tewä* ёки *iñän* – «урғочи туя», *erkäk bota* – «эркак бўта».

СИФАТ ТУРКУМИ

Туркий ёзма ёдгорликлар тилида кечган сифатлар маъносига кўра:

(1) кишининг феъл-атворини билдиради: *tüzün* – «хушфеъл», *alčaq* – «мулойим», *bayırsaq* – «меҳрибон», *yawaš kiši* – «ювош киши»; *yawlaq kiši* – «феъли ёмон киши»;

(2) ҳолатни билдиради: *идиу* – «хушёр», *bay* – «бой», *čıγau* – «қашшоқ, йўқсил»;

(3) ранг-тусни билдиради: *aq, örün* – «оқ», *qara* – «қора», *kök* – «кўк», *yayüz* – «кўнғир», *qizil* – «қизил», *sarıγ* – «сарик»;

(4) шакл-кўринишни билдиради: *yassı* – «ясси»;

(5) ҳажм-ўлчов, масофани билдиради: *keη* – «кенг», *tar* – «тор», *uzun* – «узун; узоқ»; *yayıuq yer* – «яқин ер»;

(6) маза-таъмини билдиради: *süčig* – «ширин», *ačıγ* – «аччик»; масалан: *Süčüg bu tiriglik, ačıγ bu ölüm*. – «Тириклик ширин, ўлим аччикдир» (QBN. 49a,4);

(7) ҳидни билдиради: *yıparlıγ* – «ипорли»;

(8) ўрин-пайтга муносабатни билдиради: *yazqı* – «кўкламги», *qışqı* – «қишки», *küzki* – «кузги», *ewdäki* – «уйдаги», *kečki* – «эски», масалан: *kečki söz* – «эски таъбир, бурундан қолган сўз» сингари.

Сифат туркумига тегишли сўзларнинг муҳим вазифаларидан бири – улар матн бадийлигини таъминлашга, кучайтиришга хизмат қилади. Бадий матнларда нарса-ҳодисаларнинг таърифи берилганда уларнинг сифатлари қўшиб айтилган.

Масалан, Тўнйуққ битигида улуғ саркарда ўз қаҳрамонликлари, турк давлатини тиклаш йўлидаги хизматларини эслаб: «Элтариш хоқонга, Бўгу хоқонга, қудратли Билга хоқонга тун ухламайин, кундуз ўтирма»

йин, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуртиб, меҳнатимни, кучимни бердим» (*qizil qanım tükāti, qara tärım yügürti, isig küčüg bärтім*), – дея урғулайди (Топ. 52).

Қоннинг ўзи қизил рангда, кучли тер эса қора бўлади. Шундай эса-да, бадий таърифда қонга нисбатан қизил (*qizil qan*), терга нисбатан қора (*qara tär*) сифатлари қўлланган. Айниқса, миллий қахрамоннинг «тун ухламайин, кундуз ўтирмайин, қизил қонни тугатиб, қора терни югуртиб, меҳнати, кучини берганлиги» матн бадийлигини янада оширади.

Ёки айна битигдан бошқа бир мисол: *Ol yärkä bän bilgä Toñuquq tägürtük ücün sarıy altun, ürün kümüs, qiz qoduz, ägri täbi, ayi buñsuz kälürti*. – «Ўша ерга мен – билга Тўнюқуқ етказиб борганим учун сариқ олтин, оқ кумуш, ноёб қўтослар, эгри туя, ипаклик ҳадсиз келтирди» (Топ. 47 – 48).

Олтиннинг ўзи сариқ, кумуш – оқ, шунга қарамай, уларнинг олдига сифатини қўшиб «сариқ олтин, оқ кумуш» дея таърифланмоқда. Жумлада келган *qiz qoduz* «кучли, шижоатли қўтос» деб тушунилгани тўғри.

«Қутадғу билиг»да:

*Qara tün yaruq күnkä yaqmas yaуuq,
Yaşil suw qizil otqa bolmas qonuq.*

«Қора тун ёруғ кунга яқин келмайди,
Яшил сув қизил оловга қўноқ бўлмайди» (QBN. 86a,6).

Шу сингари «Қутадғу билиг»да ерга, тупроққа *yaуiz* (*yaуiz yer* – «бўз ер»), тунга *qara* (*qara tün* – «қаро тун»), кундузга нисбатан *yaruq* сифати берилган (*yaruq күndüz* – «ёруғ кундуз») ва б. «Ҳибату-л-хақойиқ»да: *örün yüz* – «оқ (ёруғ) юз», *qizil eñ* – «қизил юз». «Ўғузхоқон» достонида: *kök yaruq* «кундек равшан ёруғ» дегани. Қиёсланг, бошқа бир ўринда: *kün-deg jaruq* – «кундек ёруғ». Битигларда осмоннинг таърифи *kök* сифати билан (*kök täñri*), ер эса *yaуiz* сифати билан (*yaуiz yer*) қўлланади.

Буларнинг бари матн бадийлигини таъминлашга, кучайтиришга хизмат қилади.

Ранг-тусни билдирувчи сифатлар семантикаси қадимги тилда ниҳоятда тараққий этган, тармоқланиб кетган эди. Масалан, *qara* сўзининг қадимги битигларда кечган маъноларига эътибор қилинг:

qara I – Маҳмуд Кошғарийга кўра: *qara* – ҳар қандай қора нарса (ДЛТ, 400).

Бу сўзнинг қадимги туркий тилдаги маънолари: (1) «қора ранг»; (2) «қоронғи»; (3) *кўчма*. «ёвузлик»; (4) *кўчма*. «ёмон»; (5) «лой, балчиқ»; (6) «снёҳ».

Бундан қуйидаги сўзлар ҳам ясалган:

qara baş – «хизматкор»; *qara örük* – «олхўри»; *qara čumyuq* – «қора чум-чук»; *qara etmäk* – «овқатнинг бир тури»; *qara yağ* – «нефть»; *qara yer* ёки *qara orun* – қўчма. «гўр»; *qara yel* – «қора шамол; бўрон»; чоғиштиринг: ҳозирги ўзб.: *қора совуқ* – «кучли совуқ; куруқ совуқ» дегани;

qara II – «авом» маъносида келади: *qara 'at* – «қора авом»; *qara 'at bodun* – «қора авом халқ»; *qara bodun* – «қора халқ».

qara III – хонларнинг унвони бўлиб келади. Маҳмуд Кошғарийга кўра: хоқония шоҳлари *qara* деб аталади; *Буғра qara хақан* дейилгани каби (ДЛТ, 400).

qara IV – отлар таркибида келади:

жой отларида келади: *Qara уйғас* – «Қорайғоч»; *Qara köl* – «Қоракўл»; *Qara qum* – «Қорақум»;

қуш отларида келади: *qara quş* – «бургут»;

киши отларида келади: *Qara tigin* – «Қоратигин».

Ёки *kök* сўзининг маънолари:

kök I – «кўк, осмон».

Бундан келиб чиқиб *kök č'üriši* дейди, бу «кўк гардиши; осмон» дегани; *kök-qaliq* – *жуфт*. «осмон, фалак».

kök II – (1) «илдиз; (2) «асос; (3) қўчма. «келиб чиқиш, насл».

Бундан *kök-yıldiz* сўзи ҳам ясалган, бу қўчма. «илдиз; асос» дегани.

Қадимги туркларга нисбатан ишлатилган *kök türk* ҳам шундан бўлиб, у «асл турк» деганидир.

kök III – «эгар чилвири».

kök IV – «ёриқ».

kök V – «кўк, зангори» ранг маъносида.

kök VI – «эрлик суви» ҳам шундай дейилган (КТТ. 4).

kök VII – «кўкат» сингари.

Ранг-тусни билдирувчи сифатларнинг бошқалари ҳам шундай кўп-маънолидир.

Сифатларнинг ясалиши

Ёзма ёдгорликлар тилида аффиксация усулида сифатлар отлар ва феъллардан ясалган.

(1) *Отдан сифат ясовчи қўшимчалар:*

-liy, -lig / -luγ, -lüg аффикси. «Кутадғу билиг»да:

*Tüzünlüg keräk ham siliglig keräk,
Uquşluγ keräk ham biliglig keräk.*

«Киши мулойим ҳамда хушфеъл,
Заковатли ҳамда билимли бўлиши керак» (QBN. 18b,12).

Маҳмуд Кошғарийда: *etlig qoy* – «сўйишга тайёрланган қўй»; *etlig kiši* – «этли киши». Яъни «семиз, сергўшт киши». «Гавдали киши» ўрнида ҳам жарангли *kāf* билан *etlig kiši* қўлланади (ДЛТ, 53 – 54).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да қайд этилишига кўра, бу қўшимча «қипчоқ тили»да *-lu, -lü* шаклида қўлланган: *atlu* – «отли», *ešāklü* – «эшакли», *mallu* – «молли», *tewālū* – «туяли», *saqallu* – «соқолли» (КТТ. 72).

-siz, -siz / -suz, -süz аффикси. Бу қўшимча билан ясалган сифатлар «эгасизлик, нарсадан маҳрум бўлганлик» маъносини англатади: *Oyلاق yiliksiz, oylan biligsiz*. – «Эчки боласида илик йўқ, ёш болада ақл йўқ» (ДЛТ, 60). Ёки яна ЛК да: *vafāsiz* – «вафосиз» (287), *emgāksiz* – «заҳматсиз» (100), *tikānsiz* – «тикансиз» (100).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да: *aṭsiz* – «отсиз», *tevāsiz* – «туясиз», *ešāksiz* – «эшаксиз», *susiz* – «сувсиз», *mālsiz* – «молсиз», *šaqaṣiz* – «соқолсиз», *etmāksiz* – «нонсиз» (КТТ. 72).

XV юзйилликдан айна маънони ифодалашда эски ўзбек тилига форс тилидан *be-* префикси ҳам ўзлаша бошлади: *bevafā* – «вафосиз» (маҳбубага нисбатан); «ўткинчи» (замонга нисбатан) (ЛК. 153), *benavā* – «бечора, қашшоқ» (ЛК. 144).

-qī, -ki аффикси. Отларга қўшилиб, тегишлилик, қарашлилик маъносидаги сифат ясайди: *ozaqī* (<*oza* – «ўтган асрлар» сўзидан): *ozaqī bilgā anča aymiš* – «ўтган донолар шундай деганлар» (ДЛТ, 48); *bayaqī* – «бояги» (SD. 799) сингари.

Ёки яна:

Ūči yazqī yulduz, ūči yayqī, bil,
Ūči küzki yulduz, ūči qışqī, bil.

«Учтаси баҳорги, учтаси ёзги юлдуздир, билгин,
Учтаси кузги (ва) учтаси қишки юлдуздир, билгин» (QBN. 12a,15).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: қишки, ёзги, эртаки, кечки.

Ҳозирги ўзбек тилида ушбу қўшимча феълларга қўшилиб, белги, хусусиятни билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *ўйноқи, вайсақи.*

-čil, -čil аффикси. Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса давомийлиги, нарса мўл-лигини англатувчи сифат ясайди.

Маҳмуд Кошғарий бу қўшимча билан ясалган сифатлар тўғрисида ёзади: *yaṭmurčil yer* – «ёмғирчил ер». Бу бир қоидадир. Бир нарса усти-

даги ҳаракат давомли бўлганлигини, мўллигини билдириш учун сўзга *-čil, -čil* қўшимчаси қўшилади. Чунончи, *tüpčil yer* («сершамол ер») бирикмасида «шамол» маъносидаги *tüpi* сўзига қўшилиб, бу сўз давомийликни англатувчи сифатга айланган. «Касалдан чиқмайдиган киши»га *igčil* [яъни *ig* – «касал» сўзидан, «касалманд»] дейиш ҳам шу қоидага мувофиқдир. Лекин бу қоида унча кенг тарқалмаган (ДЛТ, 343).

Ҷоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *дардчил*; ёки озайиб, нархи кўтарилиб кетган нарса-буюмга нисбатан *тахчил* деймиз.

-saq, -säk аффикси. QBN да: *Atada, anada bayirsaq bolup* – «Отадан ҳам, онадан ҳам меҳрибонроқ бўлиб» (8b,13); *Tatiy bardī, öčti quruysaq otī.* – «Ҳаловат кетди, бағир ўти сўнди» (20b,3); *Közi toq, uduysaq, biligli işig.* – «Кўзи тўқ, хушёр, ишбилармон» (85b,7); *Taruysaq ne özgäy uemä iymänüg.* – «Хизматга содиқ, берилган ҳамда ўзини тутган» (85b,8).

Ёки яна: *tutsaq* – «тутқин, асир» (КТТ.46); бунинг асли *tutsaq er* дир.

-siy, -sig аффикси. Маҳмуд Кошғарийда: *qulsiy er* – «қилиқлари қулга ўхшаган, қулсифат киши» (ДЛТ, 185). QBN да: *Bu tört nāñ uçuz tutma, begsig yurī.* – «Бу тўрт нарсанинг қийматини туширма [яъни уларга лоқайд бўлма], бексифат бўлиб юр» (18a,9); *Kür, ersig, yüräklig, meñäsi tolu.* – «(Алий) қўрқмас, ботир, юракли, ақли тўла (эди)» (9b,2).

-qay, -käy / -җay, -gäy аффикси. QBN да: *Qali bolsa beglär bu küčkäy, esiz.* – «Агар бу беклар золим, ёмон бўлса» (86a,1); *özgäy* – «(хизматга) берилган» (85b,8).

-sul, -sül аффикси: *yoqsul* – «йўқсил, қашшоқ» (КТТ. 37).

(2) Феълдан сифат ясовчи қўшимчалар:

-qir, -kir / -yir, -gir / -qur, -kür / -yur, -gür аффикси: *uyur* (уу – «бир, иттифоқ» сўзидан. Қиёсланг: *süt uyidi ~ süt uwidi*). Ҳозирги ўзб.: *топқир, чопқир, учқур, чўнқир* (<*čoñqur*), *кесқир, ўтқир* (<*ötkür*), *сезқур*.

-qin, -kin / -yin, -gin / -qun, -kün / -yun, -gün аффикси: *taşqin şu* – «тошқин сув» (КТТ. 7).

Ҳозирги ўзб.: *турғун, уйғун* (уу – «бир, ягона» сўзидан), *жўшқин, ҳорғин*.

-q, -k / -y, -g аффикси. ИБ да: *yariq* – «ёруғ, равшан»; QBN да: *quruu* – «куруғ, бўш», *uđu* – «уйғоқ»; АН да: *ačiy* – «аччиқ», *yumšaq* – «юмшоқ», *šučüg* – «ширин»; *yüksäk* – «юксак» (КТТ. 35).

-qaq, -kāk / -җaq, -gāk аффикси. Ҳозирги ўзб.: *ёпишқоқ, тиришқоқ, тойғоқ, уюшқоқ*.

-nč аффикси. Тўнюкуқ битигида: *bulyanč* – «булғанган, пароканда (халқ)», *tarqanč* – «тарқоқ (халқ)».

-ri, -ri аффикси: *Yılan kendü egrisin bilmäs, tewäy boynin egri ter.* – «Илон ўзининг эгрилигини билмайди-да, туянинг бўйнини эгри дейди» (ДЛТ,

64); *bükri* – ҳар бир букри нарса (ДЛТ, 168); *toyri* – *egri* «тўғри – эгри» (КТТ. 38); бу ерда: *toyri* (<*toy* – «тик» сўзидан); *egri* (<*eg*-«эг-» сўзидан).

Ҳозирги ўзб.: *тўғри, айри, эгри, бугри* (<*bükri*).

-qas̄, -kās̄ аффикси. Ҳозирги ўзб.: *айқаш* (*ay* – «бўлак» сўзидан. Чоғиштиринг: *айри, ажра* сўзлари ҳам шу ўзакдан), *уйқаш* (*uy* – «бир, умум» сўзидан), *чалқаш*. Чоғиштиринг, *оёқдан чалди, оёғини чалиштириб ўтирди* бирикмаларидаги *чал* ҳам айни ўзакдан.

-l аффикси: *Biliglikkā bilgi tūgāl ton-aš-ol.* – «Билимлига билими тугал кийим ва емишдир» (QBN. 18b,7);

-čiy, -čig аффикси: *Quš balasī qusīnčiy, it balasī oxšančiy.* – «Қуш боласи йирганчиқ, ит боласи ўхшанчиқ» (ДЛТ, 403).

-dīn, -din аффикси. Ҳозирги ўзб.: *ойдин*.

-un, -ün аффикси: *tolun ay* – «тўлин ой; ўн тўрт кечали ой» (ДЛТ, 161).

Эски ўзбек тили давридан форс тилидан ҳам сифат ясовчи қўшимчалар ўзлаша бошлади. Булар орасида суффикслар ҳам, префикслар ҳам бор.

-āna аффикси. Форсчадан ўзлашган бу аффикс эски ўзбек тилида XV юзйилдан ишлатила бошлади: *buzurgāna sōz* (ME, 103), *šāhāna tāj* (ME, 155).

be- префикси. XV асрдан эски ўзбек тилида форсчадан ўзлашган *be-* префикси ҳам ишлатила бошлади: *beyalat aytman* (ME, 246), *beḥijāb mas'ala* (ME, 186); *Raqsya šāyasta emās beušul* (ME, 97); *Nečā bu bešabrliq ey nāšabūr* (ME, 88).

nā- префикси. XV асрдан эски ўзбек тилида форсчадан ўзлашган *nā-* префикси ҳам ишлатила бошлади: *Boldi bu kez čarx išidin nāumid* (ME, 222).

Сифатларда даража ҳам бор. Қадимги турк ёзма адабий тилида қиёсий даража *-raq, -rāk* аффиксини қўшиш йўли билан ҳосил қилинади. Масалан, QBN да: *örürāk* (юқорироқ), *varuqraq* (ёруғроқ).

Белгининг ортиқ даражада эканлигини билдирувчи «жуда» маъносида *edi~edi* сўзи қўлланади. Масалан, «Қутадғу билиг»да: *Eđi kečki sōz-ol masalda kelir.* – «Бу таъбирда келадиган жуда эски сўздир» (QBN. 11a,12); *Eđi yaqši aymiš azīyli kūr er.* – «Озиқли, жасур киши жуда яхши айтибди» (QBN. 17a,14).

Ёдгорликларда белгининг ортиқлиги ёки камлигини билдирувчи воситалар ҳам бор. Белгининг ортиқлиги сўзнинг биринчи бўғинига [p] товушини қўшиб, уни такрорлаш йўли билан ҳосил қилинган. Масалан, «Ўғузхоқон» достонида: *ap-aq, qīp-qīzil, qar-qara.*

Маҳмуд Кошғарий ўғузлар ишлатадиган белгининг ортиқлигини билдирувчи *tes* сўзи тўғрисида сўз юритар экан, ёзади: Ўғузлар юмалоқ

лиш келишиги қўшимчаси, *berü* «мен томон» дегани, ҳозирги ўзбекчада *бери* дейилади. Масалан: *бери кел, кўндан бери. Bir* нинг таркибидаги *bi* сўзловчи («мен»)дир. Шундай қилиб, саноқ сўзловчининг ўзидан бошланади.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида сон туркумида ясалиш йўқ деб қаралади. Бу ҳозирги ўзбек тилига нисбатан тўғри фикр, лекин тил тарихида туркий сонларда ясалиш бор. Сонлардаги ясалиш аффиксация усулида ҳам, сўзларни қўшиш усулида ҳам амал қилган.

Қадимда *туб сонлар* ва *ясама сонлар* бўлган. Масалан: *bir, üč, tört, beš, altı, yeti, on, qırq, yüz, miñ, tımän* туб сонлардир.

Энди сонларнинг ясалишига эътибор қилинг.

Масалан: *iki* нинг асли *ilki* дир (*il-ki>ilki>iki*). Ҳозирги ўзб.: *икки*). Қадимги туркийда *il* «олд» дегани. «Пойгак» ҳам *il* бўлади, антоними *tör* дир. *İl* нинг «қутб; томон» маъноси ҳам бор: *il* деганда «шарқ» тушунилади, чунки шарқ қадимги туркларнинг ўй-тушунчасида олд томонда. *-ki* – тегишлиликни билдирувчи қўшимча, *ilki* «олдиндаги; дастлабки, аввалги» деган маънони беради. Лекин мантиққа кўра «сўзловчи (бир) дан кейинги»дир. Шунинг учун тартибда иккинчи бўлиб туради.

Бошқа бир қатор сонларда ҳам ясалиш бор. «Йигирма» сони *iki* дан ҳосил бўлган: *iki-r-mi>yiki-r-mi>yigirmi*.

Ellik сони *el* («бармоқ») сўзидан ясалган: *ellik* – «бешта ўнлик» дегани.

Шунингдек, *säkiz* (<*säk-iz*), *toquz* (<*toq-uz*), *otuz* (<*ot-uz*) сонлари *-z* қўшимчаси билан ясалган.

Ёки *altmıš* сони *altı* сўзидан, *yetmıš* сони *yeti* сўзидан аффиксация усулида ясалган бўлиб, *-mıš, -miš* аффикси бирликни ўнликка айлантиради: *altmıš* – «олтиланган / олтиланмиш ўн», яъни «олти карра ўн», *yetmıš* – «еттиланган / еттиланмиш ўн», яъни «етти карра ўн» деганидир. Англашиладики, *altmıš* (<*altı-mıš*), *yetmıš* (<*yeti-miš*) сонлари *-mıš, -miš* қўшимчаси билан ясалган.

Шунингдек, ҳозирги *саксон, тўқсон* сонлари тарихан *sekiz on, toquz on* шаклларида ишлатилган, маъноси «саккизта ўн», «тўққизта ўн» дегани. Маҳмуд Кошғарий буларнинг келиб чиқишини яхши очиб берган. Унинг ёзишича: *toqson* – сонлардан «тўқсон». Асли *toquz on* бўлиб, икки сўз кейин бирлашиб кетган; *seksön* – сонлардан «саксон». Асли *sekiz on* – «саккиз карра ўн» демакдир. Икки сўз бирлаштирилиб, бир сўз ҳолига келган (ДЛТ, 174).

Toquz сони *toq* сўзидан ясалган. *Toq* сўзи «қониқиш ҳосил қилиш; тўлишиш; сокинлик» маъноларини англатади. Чоғиштининг, ҳозирги *тўхта* (<*toq-ta*), *кўнгли тўқ, қорни тўқ, тўқли* сўзлари ҳам айни ўзакдан. *Toquz* сони бирликларнинг якунловчиси (яъни охирги бирлик) бўлгани

учун шундай аталган, «тўхтаган, якунланган» маъносини беради, -(u) z ясовчи қўшимча. Ёки уйз сонининг келиб чиқиши уйз («сирт, юза»)га боғланади. Ўнликларнинг якунида, сиртида тургани учун шундай аталган. «Кишининг юзи» англамидаги уйз ҳам шу маънода.

Қадимги туркий тилда йирик сонлар ҳам ифода этилган. Йирик сонлардан бири *tümän* дир, *tümän* 10000 дегани; ундан йириклари шунга қўшиб айтилаверади: *üç tümän* – 30000, *biş tümän* – 50000, *on tümän* – 100000, *miñ tümän* – 10000000 сингари.

Матнда келишига мисоллар: *Tabıač oñ tutuq bäs tümän sü kälti*. – «Табғач ўнг тутуқнинг беш туман қўшини келди» (X. 25); *Čača Säñün säkiz tümän sü birlä süñüšdüm*. – «Чача Сангуннинг саккиз туман қўшини билан урушдим» (X.26).

Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланаётган бир қўлёзмада туркий сон даражалари келтирилган (қаранг: Arat 1992, 34 – 36, CLXVIII – CLXIX). Ҳар бир сон уйғур хатида берилиб, остида ўқилиши араб ҳарфлари билан изоҳлаб чиқилган.

Ушбу жадвалдаги сонлар тартиби қуйидагича: *bir, iki, üç, dört, beş, altı, yedi, sekiz, toquz; on, yigirmi, otuz, qırq, elig, altmıš, yetmiš, sekiz on, toquz on; üyз; miñ; tümän*. Жадвалда сонлар даражаси *tümän* – 10000 билан тугайди.

Шундан сўнг *san saqış tükäti*, яъни «сон саноғи тугади» деб қайд этиб қўйилибди (бу қайд ҳам уйғур ва араб хатида). Муҳими шундаки, сирада уйғур ҳарфи билан ёзилган *tört* сонининг ўқилиши тагидаги араб хатида *törd, toquz* эса *doquz, elig ellig* (ташдид билан), *toquz on doquz on* деб изоҳланган. Шунга қараб матн ўғуз тилида сўзловчилар муҳитида (усмонли туркчасида) битилганини англаш мумкин.

Қадимги туркий тилда икки хонали сонларни айтишда икки хил тартиб ишлатилган:

Биринчиси, аввал бирликни айтиб, сўнг ўнликни айтиш тартиби: бунда бошлаб бирликни айтиб, сўнг шу сон қўшилган ўнлик эмас, балки ундан кейинги ўнлик айтилган: *yeti yigirmi* – бунинг билан «(ўндан ошиб) йигирма сари етти сони қўшилди» деган маъно англашилади; бу «ўн етти» деганидир.

Ёки яна мисоллар: *sekiz yigirmi*, яъни «(ўндан ошиб) йигирма сари саккиз сони қўшилди» деганидир, бу «ўн саккиз» бўлади; *beş yigirmi*, яъни «(ўндан ошиб) йигирма сари беш сони қўшилди» деганидир, бу «ўн беш» бўлади; *altı otuz*, яъни «(йигирмадан ошиб) ўттиз сари олти сони қўшилди» деганидир, бу «йигирма олти» бўлади.

Матнда ишлатилишига мисоллар: *Kül tigin qoñ yilqa, yiti yigirmikä uçdi. Toquzunč ay, yiti otuzqa yoғ ärtürtimiz*. – «Кул тигин қўй йилида, (биринчи

ойнинг) ўн еттинчи (куни) ўлди. Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик» (К. III); *İki otuz yaşıma Tabıaç tapa sülâdim*. – «Йигирма икки ёшимда Табғач томон қўшин тартдим» (X. 25 – 26).

Ушбу тартиб русчадаги соатни айтиш усулига ўхшаб кетади. Масалан, рус тилида «пятнадцать минут второго» дейилади, бу «(соат) бирдан ўтиб, икки сари ўн беш минут қўшилди», яъни «1:15» деганидир; ёки «тридцать минут третьего» дейилади, бу «(соат) иккидан ўтиб, уч сари ўттиз минут қўшилди», яъни «2:30» деганидир. Русча соатни айтишда вақт 60 минут оралиғидан келиб чиқиб айтилади, қадимги туркий тилда эса ўнталик сон оралиғида айтилади.

Иккинчиси, ҳозирги сингари аввал ўнликни айтиб, кейин бирликни айтиш тартиби; фақат бунда ўнлик билан бирликнинг орасига *artuqı* сўзи қўшилган. Бу ердаги *artuqı* сўзи «ўнликдан шунча сон ортди» деган маънони англатади.

Матнда ишлатилишига мисол: *Qırq artuqı yäti yoli sülâmis*. – «Қирқ етти йўла лашкар тортган» (К. 15).

Икки хонали сонлар икки хил шаклда ҳам айтилган. Масалан, «85» – *biş toquz on / sekiz on artuqı biş*. Кўп хонали соннинг айтилишига мисол: «45360» – *tört tûmân, biş miñ, üç yüz, altmîş* (қаранг: Gabain 1950, 104).

Кейинчалик биринчи тартиб ишлатилмай қўйган; иккинчи тартиб эса авж олиб, тилнинг тежаш принципига кўра, орадаги *artuqı* сўзи ҳам тушиб қолган ва ҳозирги биз ишлатаётган тартиб келиб чиққан.

Қадимги туркий тилда тартиб кўрсаткичи *-nç* шаклида эди. Маҳмуд Кошғарий сонларга қўшиладиган тартиб кўрсаткичи тўғрисида ёзади: *ikinç* – «иккинчи». Ўзидан олдинги соннинг давоми экани ва маълум сира-тартибда эканини билдириш учун ўндан кам бўлган сон сўзлари ўзагига *nün* ва *çim* орттириш қоидадир: *törtünç* (тўрттинчи), *beşinç* (бешинчи) каби. Буларнинг асли *tört*, *beş* эди. Юқоридаги мақсадда бу сўзларга *nün*, *çim* орттирилди. Бунини ҳар қандай сон сўзларига қўшиш ҳам мумкин: *onunç* – «ўнинчи», *yigirmınç* – «йигирманчи» каби. Бу қатъий қоидадир (ДЛТ, 66).

Ҳозирги санокдаги *биринчи* сўзининг ўрнида қадимги туркий тилда *baştınqı* ёки *ilki*, *иккинчи* сўзининг ўрнида эса *ikinti-âkinti* ишлатилган. Масалан, буддизм муҳитида тоҳар тилидан қадимги туркий тилга ўгирилган «Майтри симит нўм битиг» асарининг Тангрига алқов бўлими *yükünç ülüş*, биринчи бўлими *baştınqı ülüş*, иккинчи бўлими эса *ikinti ülüş* аталган (қаранг: MS. 96, 116, 142).

Қадимги туркий тилда ундан йирик сонлар тартиби *-nç* қўшимчаси билан ифода этилган: *üçünç* – «учинчи», *törtünç* – «тўрттинчи», *beşinç* – «бешинчи», *altınç* – «олтинчи», *yetinç* – «еттинчи», *säkizinç* – «саккизин-

чи», *toquzunč* – «тўққизинчи», *onunč* – «ўнинчи», *bir yigirmınč* – «ўн биринчи», *iki yigirmınč* – «ўн иккинчи» сингари.

Маҳмуд Кошғарий «учинчи» тартиб сонини изоҳлар экан, ёзади: *üčünč* – «учинчи»; тартиб сон. Бу қоидадир. Шундайки, ўндан қуйи сонларда тартибда ўзидан олдинги сондан кейинлик, давом маъноси баён этилса, соннинг ўзига *nün* ва *čim* қўшилади: *törtünč*, *bešinč* сўзлари каби; «тўрттинчи», «бешинчи» демакдир. Буларнинг асли *tört*, *beš*. Тартиб сони маъносини англатиш учун бу сўзлар охирига *yunna* ли *nün* билан *čim* ҳарфлари орттирилади.

Ўнли сонларда ҳам тартиб сони шу усулда ясалади: *onunč*, *yigirmınč* каби, «ўнинчи», «йигирманчи» демакдир. Чунки «йигирманчи» «ўн тўққиз»нинг кети, давомидир. Бу қоида умумий (ДЛТ, 477).

«Қутадғу билиг» уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмасининг бошланишида боблар мундарижаси келтирилган. Муҳими шундаки, ушбу мундарижада, бошқа нусхалардан фарқли ўлароқ, 73 бобнинг аталиши тартиб кўрсаткичи билан берилади. Илк боби *av(a)l bāb* (اصول باب) – «аввалги боб, биринчи боб» дейилган (QВН. 4b,6). Қолган бирликларнинг тартиб кўрсаткичи *-inč*, *-inč* / *-unč*, *-ünč*:

ikinč bāb (يکين باب) – «иккинчи боб» (QВН. 4b,6).

üčünč bāb (ئۈچۈنچ باب) – «учинчи боб» (QВН. 4b,7).

törtünč bāb (تۆرتۈنچ باب) – «тўрттинчи боб» (QВН. 4b,8).

bešinč bāb (بەشۈنچ باب) – «бешинчи боб» (QВН. 4b,9).

altinč bāb (التینچ باب) – «олтинчи боб» (QВН. 4b,10).

yetinč bāb (يەتтинچ باب) – «еттинчи боб» (QВН. 4b,11).

sek(i)zinč bāb (سەككىزۈنچ باب) – «саккизинчи боб» (QВН. 4b,11).

toq(u)zinč bāb (تۆققىزۈنچ باب) – «тўққизинчи боб» (QВН. 4b,12).

Ўнликлар:

onunč bāb (ئونۈنچ باب) – «ўнинчи боб» (QВН. 4b,13).

y(i)g(i)rminčī bāb (يىگىرمانچە باب) – «йигирманчи боб» (QВН. 4b,22).

otuzunčī bāb (اوتۇزۈنچە باب) – «ўттизинчи боб» (QВН. 5a,6).

qırqınčī bāb (قېرىقۈنچە باب) – «қирқинчи боб» (QВН. 5a,14).

el(i)ginčī bāb (ئەللىگۈنچە باب) – «эллигинчи боб» (QВН. 5a,24).

altmıšsınčī bāb (التمىشۈنچە باب) – «олтмишинчи боб» (QВН. 5b,4).

yetmišinčī bāb (يەتمىشۈنچە باب) – «етмишинчи боб» (QВН. 5b,14).

Йигирмагача бўлган икки хонали сонларнинг тартиб кўрсаткичи *-inč*, *-inč* / *-unč*, *-ünč* шаклида қўшилган:

on birinč bāb (بىر ۈنچە باب) – «ўн биринчи боб» (QВН. 4b,14).

on ikınč bāb (يک ۈنچە باب) – «ўн иккинчи боб» (QВН. 4b,14).

on üčünč bāb (ئۈچ ۈنچە باب) – «ўн учинчи боб» (QВН. 4b,15).

on törtünč bāb (تۆرت ۈنچە باب) – «ўн тўрттинчи боб» (QВН. 4b,16).

on bešinč bāb (بەشەنچ بەب) – «ўн бешинчи боб» (QВН. 4b,17).

on altinč bāb (التەنچ بەب) – «ўн олтинчи боб» (QВН. 4b,18).

on yetinč bāb (يەتتەنچ بەب) – «ўн еттинчи боб» (QВН. 4b,19).

on sek(i)zinč bāb (سەككىزىنچ بەب) – «ўн саккизинчи боб» (QВН. 4b,20).

on toq(u)zinč bāb (تۆققىزىنچ بەب) – «ўн тўққизинчи боб» (QВН. 4b,21)

сингари.

Йигирмадан кейингиларига эса *-inči, -inči / -unči, -ünči* шаклида қўшилган:

y(i)g(i)rmi birinči bāb (يەتتىرىمى بىرىنچى بەب) – «йигирма биринчи боб» (QВН. 4b,22).

y(i)g(i)rmi ikinči bāb (يەتتىرىمى ئىككىنچى بەب) – «йигирма иккинчи боб» (QВН. 4b,23).

y(i)g(i)rmi üçünči bāb (يەتتىرىمى ئۈچۈنچى بەب) – «йигирма учинчи боб» (QВН. 4b,24) сингари.

Охиргиси *soñ bāb* (سۆنچە بەب) – «сўнгги боб, охирги боб» (QВН. 5b,16) деб аталган.

Ҳозирги ўзбек тилида сонларнинг айтилишида ундошлар иккиланади: *икки, етти, саккиз, тўққиз, ўттиз* сингари. Лекин қадимги туркий битиглар тилида бундай иккиланиш йўқ; улар бир ундош билан айтилган: *iki, yeti, sākiz, toquz, otuz* сингари.

Муҳими шундаки, Маҳмуд Кошғарий айрим сонларни «ўртасида ҳарфи иккиланган *fa'al* қолипидаги сўзлар бўлими»да келтирган: *ottuz yarmaq* – «ўттиз танга ва бошқа ҳар қандай нарса»; *ikkiz oylan* – «эгизак бола»; *ellig yarmaq* – «эллик танга ва бошқа ҳар қандай нарса» (ДЛТ, 71). Яна бир жиҳати, ҳарфи иккиланган сонларга *tašdid* белгисини ҳам қўйиб кетган.

Англашиладики, сонлардаги ундошларнинг иккиланиши анча эски замонларга бориб тақалар экан.

Шу ўринда яна бир муҳим маълумотга эътибор қаратсак. Хитойда минг сулоласи даврида тузилган «Идикут маҳкамаси сўзлиги» – эски туркий (уйғур тили)даги сўзлар билан хитойча сўзлар солиштира лугатининг вақтни англатувчи сўзлар бўлимида (IMS, 35 – 36) йил вақтлари, фасллар, кун вақтлари, ойларнинг аталиши келтирилган.

Ойлар икки хил айтилган: биринчиси, саноқ кетма-кетлигида. Бунда тартиб кўрсаткичи *-nč (-inč, -inč / -unč, -ünč)* шаклида қўшилади: *üčünč ay* – «учинчи ой», *törtünč ay* – «тўртинчи ой» сингари. Яна бир жиҳати, икки хонали сонларнинг айтилишида эскича тартиб сақланган: *bir yigirmİNč ay* – «ўн биринчи ой».

Иккинчиси, сирадаги айрим ойларнинг оти буддавий турк жамоалари қўллаган санскрит тилидан ўзлашган атамаларда: *aram ay* – «арам

ойи»; йилнинг илк ойи. Хитойчада 正月 *zhèng yuè* (қамария ҳисоб бўйича биринчи ой, наврўз ойи), *чақшапут ойи*. Хитойчада – 十二月 *shí èr yuè* (ҳозирги санок бўйича декабрь ойига тўғри келади), *шун ойи*. Хитойчада 閏月 *rùn yuè* («кабиса ой»).

Ушбу бўлимда буддизм қарашлари билан боғлиқ *tört öd* («тўрт вақт, фасл»; буддизм тасаввурича, инсон умрининг кези, палласи), *sekiz čaq* («саккиз чоғ»; буддизмда бу ҳам инсон тириклигига боғланади) атама-лари ҳам берилган (IMS, 36).

Бу маълумотлар шу чоққача фанда устун бўлиб келган айрим фикрларга ўзгартириш киритади. Жумладан, икки хонали сонларнинг айтилишида эскича тартиб XI юзийликка келиб истеъмолдан чиқиб кетган деб қараларди. Ушбу луғатда «ўн биринчи ой»нинг *bir yigirmindč au* шаклида келтирилгани, шунингдек, тартиб кўрсаткичи *-nč (-inč, -inč / -unč, -ünč)* шаклида қўшилгани бу хулосани ҳам янгилашга имкон беради. Англашиладики, шарқий, жануби-шарқий ўлкалардаги уйғурлар орасида, хусусан, Хансуда санокнинг эскича тартиби XVI юзийликларда ҳам қўлланган экан.

ОЛМОШ ТУРКУМИ

Олмошлар бирор сўз ўрнида алмашиб қўлланади ёки бирор нарса ё кимсани кўрсатиш, белгилаш, сўраш учун хизмат қилади. Гапларда, айниқса, ёзма нутқда бир сўзни икки бор қайтаришдан қутулиш, матн услубини силлиқлаш истагида ишлатилади. *Олмош* сўзининг луғавий маъноси «алмашган» дегани.

Кишилик олмошлари кишиларнинг оти ўрнида алмашиб қўлланади. Киши «сўзловчи» («мен», «биз»), «тингловчи» («сен», «сиз») ёки «ўзга киши» («у», «улар») бўлади. «Сўзловчи бирлиги»ни билдирувчи кишилик олмоши кўк турк битигларида *bän~ben*, уйғур, моний ёзувли ёдгорликларда *män~men* ёки *mīn* дир.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *ben* – «мен» англамидаги бир сўз; *ben bardim* – «мен бордим» (ўғузча). Турклар *men* дейдилар (ДЛТ, 138).

Ёки бошқа бир ўринда: *men* – «мен» англамидаги бир сўз (туркча) (ДЛТ, 139).

«Сўзловчи кўплиги»ни билдирувчи олмош – *biz*.

«Бир тингловчи»ни билдирувчи олмош – *sän~sen, sin*, «кўп тингловчи»ни билдирувчи олмош – *siz* ёки *sizlär*.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *sen* – «сен» англамидаги бир сўз. Турклар бу сўзни кичикларга, хизматчиларга ҳамда сўзловчидан даража, мартаба, ёшда қуйи бўлган кишиларга нисбатан айтадилар. Ўзларидан юқори

хурматли кишиларга *siz* дейдилар. Ўғузлар аксинча қўллайдилар, яъни катталарга *sen*, кичикларга *siz* деб қўллайдилар. Кўпликда ҳам шуни ишлатадилар. Қоида шудир. Чунки *siz* кўпликдир (ДЛТ, 139).

«Ўзга киши»ни билдирувчи *ol*, «Ўзга кимсалар»ни билдирганда эса *olar~ular~anlar* шаклида қўлланади.

«Ўзга киши бирлиги»ни англатадиган кишилик олмоши *ol~ul* келишиқ қўшимчалари билан турланганда *an-* шаклини олади: *aṅa, anī, anīṅ, anda* сингари.

Ҳозирги ўзбек тилида у кишилик олмоши жўналиш, макон, чиқиш келишиқлари билан турланганда орада *-n-* ундоши ҳосил бўлади: *унга, унда, ундан*. Булар эски ўзбек тилида *aṅa, andīn* шаклида қўлланган. Бироқ ўзак ва қўшимча орасидаги *-n-* «орттирма» эмас. У кишилик олмошининг эски туркий тилдаги *-niṅ* қўшимчаси билан қўлланган кўриниши қолдиғидир: *у-н-да* (<*a-niṅ-da*), *у-н-дан* (<*a-niṅ-dīn//a-niṅ-dan*).

Ёзма ёдгорликлар матнида *biz* олмоши баъзан *-lār* қўшимчаси билан ҳам қўшиб ишлатилган. Масалан: *Bizlār sendīn bir mo'jiza tilār-biz. Āgār sen ol mo'jizani bizgā körgüzsāṅ, biz seṅā inanīp, čīn köṅül birlā seṅā imān keltürgāy-biz* (PҚ. 141b).

Кишилик олмошларининг турланиши қуйидагича:

Бирлиги:

bān~ben; bāni~beni; bāniṅ~beniṅ; bāṅā~beṅā~baṅa
mān~men~min; māni~meni~mini; māniṅ~meniṅ~miniṅ; māṅā~meṅā~maṅa;
māndā~mendā~mindā~mintā, mindidā, mintāda; menidin~minidin
sān~sen; sāni~seni~sini; sāniṅ~seniṅ~siniṅ; sāṅā~seṅā~saṅa; sāndā~sendā~
sindā, sintādā, sinidā, sintidā; sānidin~senidin~sinitin
ol; anī; anīṅ; aṅa, aṅar; anta~anda, antada; antīn, anīndīn

Кўплиги:

biz; bizni; bizniṅ, biziṅ; bizkā~bizgā, biziṅā; bizintā~bizindā, biznidā,
biznidin
siz, sizlār; sizni, sizlārni; siziṅ, sizniṅ, sizlārniṅ; siziṅā, sizā, sizlārniṅā, sizlārkā;
sizintā, siznidā, sizlārdā, sizdā; siznidin
olar; olarnī; olarniṅ; olarqā; olarda; olardīn

Қадимги туркий тилда ўзлик олмошлари иккита: *öz* ва *kentü~kendü*. *Öz*, аслида, «жон» дегани. У «киши, кимса, одам» маъносини ҳам билдиради. Масалан, «Кутадғу билиг»да:

Muṅar meṅzātü keldi emdi bu söz,
Eṣitkil munī sen, aya eḡgü öz.

«Бунга мос келади энди бу сўз,
Сен буни эшитгил, эй эзгу киши» (QBN. 102a,1).

kendü олмошининг ишлатилишига мисол: *Yılan kendü egrisin bilmäs, tewäy boynin egri ter.* – «Илон ўзининг эгрилигини билмайди-да, туянинг бўйнини эгри дейди» (ДЛТ, 64).

Ёзма ёдгорликларда *käntü* ва *öz* олмошлари жуфт ҳолда қўлланилиб келиши мумкин, бунда «ўз ўзим» деган маънони беради. Масалан: *K(ā) ntü özümüzni күntä ayda öjibiz tidimiz ärsär.* – «Ўз ўзимизни Кундан, Ойдан юқори қўйган бўлсак» (Huast. 8 – 9); *Ayü qilinčqa irinčükä күntü özümüzni ätgätir-biz.* – «Ёвуз ишларга, гуноҳга ўз-ўзимизни уриб, азобланамиз» (Huast. 139 – 140).

Кўрсатиш олмошлари: *bu, ol, ošbu~ušbu, šul, ošu, ošul~ošal.*

Bu кўрсатиш олмоши келишиқ қўшимчалари билан турланганда қўшимча таркибидаги сонорнинг таъсирида *tu-* шаклини олади. Масалан, ЎД да: *muni, mundin~mundun.*

Bu кўрсатиш олмошининг турланиши қуйидагича:

Бирлиги: *bu; bunī~munī; bunuñ~munuñ; muña, buñar~muñar; bunda~munda~munta; muntada, muntuda; mundin*

Кўплиги: *bular; bularnī; bularniñ; bularqa; bularda; bulardin*

Ol кўрсатиш олмоши турланганда эса *an-* шаклини олади. Яна ЎД дан: *anuñ, andin~andan.*

Кўрсатиш олмошлари орасида *ošul~ošal* ҳам бор. Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор»ида шундай келган:

*Āqil agar söz bilä sözni tapar,
Ārif ošal sözdä özini tapar* (ME, 167).

*Urdi bahāsini teñizdin teriñ,
Sattī ošul bözni ketān birlä teñ* (ME, 381).

Кишилар тўғрисида сўралганда *kim?, kimlār?*, кишилардан бошқа керак жонли, керак жонсиз бўлсин, *nimā?, nimālār?* деб сўралади. Замон, ер, сон, ҳол ва бошқалар сўралганда сўроқ алмашади.

Сўроқ олмошлари: кишилар учун *kim?*, нарса-буюм, воқеа-ҳодисалар учун *nāčā?, nā?, nekü?, nelüg?, nekülüg?, nečük?, nečükin?, nādā?, qaltī?* («қандай; қай тарзда?»), *qayu?* («қайси?»), *qanī? qanta? qantan? qanča? qačan?* олмошлари қўлланади. Буларнинг ичида *nāčā?, nā?, nekü?, nelüg?, nekülüg?, nečük?, nečükin?, nādā?* олмошларининг ўзаги бир – ҳаммаси *nā~ne?* дан ясалган. Шунингдек, *qayu?, qanī?, qanta?, qantan?, qanča?*,

qačan? олмошларининг ҳам ўзаги бир – *qayu~qani?* га боғланади. *Qačan?* олмоши *qay+çay+in* дан ясалган.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *kim?* – сўроқ сўзи, «ким?» *bu kim?* – «бу ким?». Бирлик, кўплик учун қўлланади. Ўғузлар *boy kim?* дейдилар, «бу қайси қабила?» демакдир; *boy* сўзи кўплик ўрнида қўлланади (ДЛТ, 138).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да: *neçä kişi?* – «қанча киши?», *neçä atlu?* – «қанча отлик?», *neçä yaqay?* – «қанча яёв; пиёдалар қанча?», *neçä yarmaq?* – «қанча пул?», *neçä altun?* – «қанча олтин?», *neçä çöpräk?* – «қанча кийим?». Бунинг бошқа бир шакли *qaç?* сўзи билан ҳосил қилинади. Унинг қўллануви ҳам биринчиси сингаридир. Буларнинг ҳар иккиси барча калималарнинг бошида келтирилади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам айни хусусиятга эга (КТТ. 76 – 77).

Ёки яна: *neçük edi?* – «қандай эди?», *fulān neçük?* – «фалон қандай?», *neçük bolay iş?* – «иш қандай бўлади?» (КТТ. 77).

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *qačan?* – «қачон?» маъносидаги олмош; *qačan keldiñ?* – «қачон келдинг?» Баъзан бу сўз «агар» маъносида ҳам келади: *qačan barsa-sen* – «агар сен борсанг». «Вақтики» маъносида ҳам келади, лекин аввалгиси асослидир (ДЛТ, 161).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да: *qačan keldi?* – «қачон келди?», *qačan bardı?* – «қачон борди?», *qačan kelgäy?* – «қачон келади?», *qačan barayay?* – «қачон боради?», *qačan bolayay?* – «қачон бўлади?» (КТТ. 77).

Ёзма ёдгорликлар тилида жамлаш-белгилаш олмошлари: *qatıy~qatay* («ҳамма»), *qatayı* («ҳаммаси»), *barı* («бари»).

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *qatıy* – «ҳамма». Масалан: *Qatıy kişi tüz ermäs*. Маъноси: «Ҳамма киши баравар, бир хил эмас» (ДЛТ, 151).

Ёдгорликлар тилида бўлишсизлик олмоши *nāñ* («ҳеч; ҳеч бир»).

ФЕЪЛ ТУРКУМИ

Феъл кимса ё нарсанинг иш-ҳаракати, ҳолини билдиради. Феълда уч бутоқ бўлади: иш-ҳаракат ё ҳолат; ишловчи; замон. Бунинг ҳозирги ўзбек тилидаги мисоллар билан шундай тушунтириш мумкин: *ёз-ди-м, ўқи-ди-м, кел-ди-нг*. Буларнинг биринчи бўлаги ишни, учинчи бўлаги ишловчининг сўзловчига нисбатини, иккинчи бўлак эса ишнинг қай замонда бажарилганини англатади.

Матнда ҳам, нутқда ҳам гап сўзловчи томонидан тузилади. Фақат иш ва ҳолатнинг бажарувчиси аниқ ёки мавҳум бўлуви мумкин.

Иш ва ҳолатни бажарувчи киши аниқ бўлганда сўзловчи бирлигида «мен», кўплигида «биз» тушунилади. Тингловчи бирлигида «сен», кўпликда «сиз» кўзда тутилади. Бажарувчи ўзга киши бўлганда «у», кўпчи-

лик бўлганда «улар» кўзда тутилади. Феъллар ҳар қачон ҳам ўз бажарувчисига бўйсунди: кўринишини ўшанга қараб ўзгартиради. Феълнинг масдар шаклигина (ўқимоқ, ёзмоқ) бу қоидага бўйсунмайди.

Шунга кўра, кишининг иш ва ҳолати уч кўринишда билдирилади: сўзловчи, тингловчи ва ўзганинг иш-ҳаракати ва ҳолати. Кўпликда эса сўзловчилар, тингловчилар ва ўзгаларнинг иши тўғрисида сўз юритилади. Феълнинг шакли ҳам шунга қараб ўзгариб боради: сўзловчи бўлиб ўтган иш-ҳаракати ё ҳолати тўғрисида сўзлаганда феъл -дим, тингловчи тўғрисида сўзланганда -динг, ўзга тўғрисида сўзланганида -ди қўшимчасини олади (келдим, келдинг, келди). -дик, -дингиз, -дилар қўшимчалари эса кўпчиликнинг иш-ҳаракати ва ҳолати тўғрисида сўз борганда қўлланади (келдик, бордингиз, бордилар). Ёки келаси замонда бўладиган иш-ҳаракат ва ҳолат тўғрисида сўзланганда сўзловчи бирлиги -а/-ў+-ман, кўплиги -а/-ў+миз (келаман, келамиз); тингловчи бирлиги -а/-ў+-сан, кўплиги -а/-ў+сиз (келасан, келасиз); ўзга бирлиги -а/-ў+ди, кўплиги -а/-ў+ди ёки -а/-ў+дилар қўшимчаларини олади (келади, келади(лар) ва ҳоказо. Тарихий грамматикада ҳам қоида худди шундай. Фақат қўшимчалари, феъл шакллари фарқ қилиши мумкин.

Маҳмуд Кошғарий феъллардаги орттирмалар ҳақида

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида феъллардаги орттирмалар ва уларнинг тузилишига алоҳида эътибор берган. Унинг таъкидлашича, феълларга орттириладиган ҳарфлар ўнтадир. Олим бу орттирмаларга бирма-бир тўхталиб, уларнинг вазифасини тусунтириб кетган (қаранг: ДЛТ, 20 – 22). У ёзади:

Феъллар икки ҳарfli, уч ҳарfli, тўрт ҳарfli, беш ҳарfli, олти ҳарfli бўлади. Феълларга орттириладиган ҳарфлар ўнтадир: *alif, tā, rā, sīn, šīn, qāf, kāf, lām, nūn, lām alif, yā*.

Буларнинг ҳар бири феълларда бирор қўшимча маънони орттиришига хизмат қилади.

alif ҳарфи (-a, -ā қўшимчаси):

«Ҳасад қилди» маъносида келган *tepzādi* сўзидаги *alif* каби. Бу сўз *tepiz* сўздан ясалган.

«Кўбуз чалди» маъносидаги *qobzādī* феъли ҳам *qobuz* сўзига *alif* қўшиш йўли билан ясалган.

tā ҳарфи (-t қўшимчаси):

tā ҳарфи ўтимли феъл ясайди. «Буғдой тозалади» маъносидаги *tarīy arittī* жумласидаги *arittī* феъли *aridī* феъли ўзагига *tā* қўшиб, ўтимли феъл ясалган сўзга мисолдир.

ton quruttī («кийимни қуритди») гапидаги *quridī* сўзидаги *tā* ҳам шундайдир.

rā ҳарфи (-r қўшимчаси):

Кўпинча ўтимли феъл яшашда *rā* ҳарфи *tā* ҳарфи билан бирикиб, -*tur*, -*tūr* шаклида келади. Чунончи, *bardī*, *barturdi*; *keldi* («келди»), *keltürdi* («келтирди») мисоллари каби.

sīn ҳарфи (-*sa*, -*sā* / -*sīn*, -*sin* қўшимчаси):

Феълларга *sīn* қўшилиб, орзу ва истак маъноларини билдиради, масалан: *suw ičsādi* – «сув ичмак истади»; *aš yeysādi* – «ош емак истади» каби.

sīn ҳафи баъзан арабча تَفَاعُلٌ бобидаги каби феълларда бошқа шахсларга нисбатан ишнинг бўлганга ўхшаб кўринганини, аслида, у бўлмаганини билдиради: *ol mendin yarmaq alimsindi* – «у ўзини мендан танга олгандек қилиб кўрсатди»; *ol meñä külümsindi* – «у ўзини менга кулиб қарагандай қилиб кўрсатди».

šīn ҳарфи (-š қўшимчаси):

šīn феълларга қўшилиб (арабча مَفَاعَلَةٌ *mafā'ala* бобидаги каби), ишда икки киши шерик эканлигини билдиради: *urdī*, *urušdī*, *turdī*, *turušdī* каби.

Феълларга *šīn* қўшилиб, баъзан ёрдамлашиш, баҳслашиш мазмунларида ҳам қўлланилади.

qāf ҳарфи (-q қўшимчаси):

qāf феълларга қўшилиб, энгилиш, хўрланиш маъноларини билдиради ва *maf'ul* (яъни сифатдош шаклида қўлланувчи сўзлар) ўрнида қўлланади: *er ačiqdī* – «қамалгани, айрилиб қолгани учун одам оч қолди»; *yilqī yutuqdī* – «йилқи хашаксизликдан ўлар ҳолга келди».

Бу масалада кўпинча *qāf* ҳафи *sīn* билан қўшиб қўлланади: *er arsiqdī* – «киши алданди», *er suysuqdī* – «кишининг моли ўғирланди».

kāf ҳарфи (-k қўшимчаси):

Ингичка талаффуз қилинадиган [таркибида ингичка унлилар келадиган] (الركيكة و اليمالة) ва ёки таркибида *kāf* ҳарфи бўлган сўзларда *kāf* ҳарфи *qāf* вазифасида қўлланади.

qačyīn er yetsikti – «қочган кишига етиб олинди», *ol er bilsikti* – «у киши билинди [у кишининг ўзи ва яширин тутган нарсаси маълум бўлди]».

lām ҳарфи (-l қўшимчаси):

Бу мажхул феълларда қўлланади: *oq atildī* ва *er oq attī* жумлаларидаги каби; *böz toqīdī*, *böz toqildī* каби.

nūn ҳарфи (-n қўшимчаси):

nūn ҳарфи феълларга қўшилиб, биринчи шахс орқали (бошқалар аралашмай туриб) ишнинг бажарилишини билдиради: *ol yarmaqīn alīndī* – «у пулини ўз бошича (бошқалар аралашмай туриб) олди»; *ol mendin*

tawarın qulundı – «у молини мендан ўз бошича (бировнинг аралашуви-сиз) олмоқни истади, сўради».

lām alif ҳарфлари (*-la, -lā* қўшимчаси):

-la, -lā қўшимчаси отларга қўшилиб феъл ясайди: *beg quşladı* – «бек қуш овлади» иборасидаги каби. Бу гапдаги *quş* сўзи от бўлиб, феълларга ўхшаш тусланмас эди, лекин *-la* қўшилиб, бутун хусусиятлари билан феълга айланди. Бу асосий қоидадир. Буни эсингда тут. *beg kenddā qışladı* – «бек шаҳарда қишлади» гапидаги *qışladı* феъли ҳам *qış* сўзига *-la* қўшимчасини қўшиб феъл ясалган отга мисолдир.

uā ҳарфи (*i, -i* қўшимчаси):

uā ҳарфи *lām* билан бирликда [*-li, -li* шаклида] қўлланади. Феълга қўшилиб, иш бажарилишига яқинлашиб, сўнг ишланилмаганини англатади: *ol turyalı qaldı* – «у тураёзди»; *ol baryalı qaldı* – «у бораёзди».

Феълларнинг аффиксация усулида ясалиши

Қадимги туркий тилда ҳар қайси ҳайвон боласининг ўз оти бор: масалан, «биянинг боласи»ни *qulun*, «туянинг боласи»ни *botu*, «арслоннинг боласи»ни *enük* дейди ва бошқалар. Қизиги шундаки, ҳайвон тукқани тўғрисида хабар берилмоқчи бўлганда ўша сўзга *-la, -lā* қўшимчасини қўшиб, феъл ясаб кетилаверади.

Масалан, «бия туғди» дейилмоқчи бўлса, *qulun* сўзига феъл ясовчи *-la* қўшимчасини қўшиб, *qulunladı* дейилади; яна олдига «бия» англамидаги *bi* сўзини ҳам қўшиб қўйилади: *bisi qulunladı* – бу «бияси қулунлади» ёки «бияси туғди» деганидир. Ёки «туянинг боласи»нини англатувчи *botu* сўзидан феъл ясалмоқчи бўлса, *-la* қўшимчасини қўшиб, *botuladı* дейилади. Яна олдига «урғочи туя»ни англатувчи *iñän* сўзи ҳам қўшиб қўйилади: *iñän botuladı* – «урғочи туя туғди» ёки «урғочи туя бўталади» дегани бўлади. Ёки қадимги туркийда «бузоқ» *buzayu* дейилади. Ундан феъл ясалмоқчи бўлса, *-la* қўшимчасини қўшиб, *buzayuladı* дейилади. Аниқлаштириш учун олдидан *iñäk* сўзини ҳам қўшиб қўйилади: *iñäk buzayuladı* – бу «сигир туғди» дегани бўлади.

«Бола» англамидаги *urı* сўзи фақат «одам боласи»га нисбатан ишлатилади; ундан феъл ясалмоқчи бўлганда эса *-la* қўшимчасини қўшиб, *urıladı* дейилади. Аниқлаштириш учун олдига «хотин» англамидаги *urayut* сўзи ҳам қўшиб қўйилади: *urayut urıladı* – «хотин бола туғди» ёки «хотин ўғил туғди» деганидир.

ИБ дан бир мисол келтирамыз: *Aq bisi qulunlamış, örün iñäni botulamış, qunçuy urılanmış.* – «Оқ бияси қулун туғибди [қулунлабди], оқ ингани бўта туғибди [бўталабди], малика ўғил туғибди».

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, қадимги туркий тилда «туғди» маъносида *yenidi* сўзи қўлланган. Олимнинг таъкидлашича, бу сўз фақат хотин-қизларга хос бўлиб, уларга нисбатан қўлланади. Масалан: *uraʻut yenidi* дейилади, бу «хотин бола туғди, юкидан бўшанди» деганидир.

Ҳайвонлар хусусида гап кетганда туғилган нарсанинг оти олиниб, унга *-ladi*, *-lādi* қўшимчаси қўшилиб, бола туққанлик маъноси ифода этилади. Чунончи, сигир туғса, *iṅäk buzaʻuladi* дейиладиким, бу «сигир бузоқ туғди» демакдир. Яъни «бузоқ» маъносидаги *buzayu* сўзига *-ladi* қўшимчаси қўшилиб, бола туғилгани ифодаланган. «Қуш боласи» *bala* дейилади. Агар «қуш туғди» дейилмоқчи бўлса, юқоридаги қоидага мувофиқ, *quš balaladi* дейиладиким, бу «қуш бола туғди» демакдир. Фақат бия ҳақида бундай дейилмайди. Чунки «бия боласи» *qulun* дейилади. Агар бия туғса, *qisraq qulnadi* (<*qulunladi*) дейилади, бу «бия бола туғди» демакдир. ... Яна *arслан enüklādi* дейилади, бу «арслон бола туғди» демакдир. Бошқаси ҳам шундай (ДЛТ, 354).

Яна бир жиҳати, қадимги туркий тилда бирор нарса-ҳодисага боғлиқ ҳаракат-ҳолат ифодаланганда унга ўша нарса-ҳодисанинг ўзи ҳам қўшиб айтилади. Масалан, Маҳмуд Кошғарийда: *ol qobuz qobzadi* – «у қўбиз чалди» (ДЛТ, 420); *ol tüş tüşādi* – «у туш кўрди»; *töšäk töšādi* – «тўшак ва бошқа нарсаларни ёзди, тўшади» (ДЛТ, 415); *ol tariḡ tarīdi* – «у экин ва бошқа нарсаларни экди» (ДЛТ, 414); *ol aṅar at atadi* – «у унга бир унвон берди». Кошғарийнинг таъкидлашича, от қўйиб аташга ҳам шу сўз қўлланади; *er aš ašadi* – «киши ош еди» (ДЛТ, 411) сингари.

Ёки эски ўзбек тили даври ёдгорликларида: *Sen ne sabab birlä bu söz sözlādiḡ?* (МЕ, 184).

Тил тарихида феъллар қуйидаги қўшимчалар билан ясалган:

-a, -ā аффикси: *ol aš ašadi* – «у ош еди» (ДЛТ, 414); *ol et tuzadi* – «у гўшт тузлади»; *tuzadi* сўзи *tuzladi* ўрнида қўлланади (ДЛТ, 414); *er qišlayda yuzadi* – «киши кўкламни қишлоқда ва бошқа жойларда ўтказди» (ДЛТ, 353); *ol uyaylayda küzādi* – «у мол боқиладиган жойда [яйловда] куз бўйи қолди» (ДЛТ, 415); *ol aniḡ tawarīn küčādi* – «у унинг молини куч билан тортиб олди» (ДЛТ, 413); *ol munda tünādi* – «у бу ерда тунади» (ДЛТ, 417).

Ёки яна: *qobzadi* – «қўбуз чалди»; *tepzādi* – «ҳасад қилди». Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, «ҳасад қилди» маъносида келган *tepzādi* сўзи *tepez* сўзига *alif* ҳарфини қўшиш йўли билан ясалган, «қўбуз чалди» маъносидаги *qobzadi* феъли ҳам *qobuz* сўзига *alif* қўшиш йўли билан ясалган (ДЛТ, 21).

-i, -ī аффикси: *ton öliḡi* – «кийим ва бошқа нарсалар ҳўл бўлди». Мақолда (шундай келган): *Kedüglüg ölimäs, küwäçlig kürimäs*. – «Ёпинчиқли киши ёмғирдан ивимамай, у билан сақланиб қолади, шунингдек,

юган қантарилган бўлса, от қашинолмайди, саркашлик қила олмайди» (ДЛТ, 412).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *бойи* -

-*и*, -*й* аффикси: *ew tarudī* – «уй, кўкрак ва бошқа нарсалар торайди» (ДЛТ, 414); *er bayudī* – «киши ва бошқалар бойиди» (ДЛТ, 417); *er urayutīn bošudī* – «эр хотинини талоқ қилди, ажрашди» (арғуча) (ДЛТ, 415);

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *хотиннинг кўзи ёриди* (<*yarudī*) – «хотиннинг кўзи ёруғлашди» дегани.

-*ла*, -*лә* аффикси. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, -*ла*, -*лә* кўшимчаси отларга кўшилиб феъл ясайди: *beg qušladī* – «бек қуш овлади» иборасидаги каби. Бу гапдаги *quš* сўзи от бўлиб, феълларга ўхшаш тусланмас эди, лекин -*ла* кўшилиб, бутун хусусияти билан феълга айланди. Бу – асосий қоида. Буни эсингда тут. *Beg kenddā qīšladī* – «бек шаҳарда қишлади» гапдаги *qīšladī* феъли ҳам *qīš* сўзига -*ла* кўшимчасини кўшиб феъл ясалган отга мисолдир (ДЛТ, 22).

Ёки яна мисоллар: *er yerin atizladī* – «киши ерини ариқ тортиб, экин учун тайёрлаб кўйди» (ДЛТ, 124); *beg anī učuzladī* – «бек уни ҳақорат қилди» (ДЛТ, 125); *Tāhri meni uluyladī* – «Тангри мени улуғлади; менга улуғликни ато қилди»; *beg meni uluyladī* – «бек мени улуғлардан санади». Мақолда (шундай келган): *Uluynī uluylasa, qut bulur* – «(Киши) қарияларнинг ёшини ҳурматласа, бахт топади» (ДЛТ, 125); *it enüklādī* – «ит болалади»; *arslan enüklādī* – «урғочи арслон болалади» (ДЛТ, 127); *er iglādī* – «киши ва бошқалар касал бўлди»; *men anī emlādim* – «мен уни тузатдим, даволадим» (ДЛТ, 119).

Яна: *bayla* – «боғла» (SD. 507), *bašla* – «бошла» (SD. 183), *otla* – «ўтла» (SD. 235); *sözlā* – «сўзла-, гапир-» (ЛК. 307); *közlā* – «кўзла» (SD. 536).

Ҳозирги ўзбек тили бўйича яратилган илмий асарлар ва қўлланмаларда -*лан*, -*лаш* сингарилар ҳам мураккаб шаклдаги ясовчи кўшимча (-*ла-н*, -*ла-ш*) сифатида қаралади. Бунга *афсусланмоқ*, *ажабланмоқ*, *завқланмоқ*, *жанжаллашмоқ*, *баҳслашмоқ* сингари сўзларда уларни ажратиб бўлмаслиги асос қилиб олинади. Чунки ҳозирги ўзбек тилида *афсусламоқ*, *ажабламоқ*, *жанжалламоқ*, *баҳсламоқ* каби мустақил қўлланувчи феъллар йўқ (ЎТГ. I, 368 – 370).

Бундай қўлланишлар тил тарихида ҳам бор. Мана мисоллар: *er özi čerlāndī* – «киши касал бўлди, танаси оғирлашди»; *ot čoylandī* – «ўт яллиғланди». Кун яллиғланишига ҳам шу сўз қўлланади; *sü qatuy čuylandī* – «хамма аскар тўдаланиб келди». Тўпланган ҳар бир нарсага ҳам шу сўз қўлланади; *er čawlandī* – «эр шуҳрат қозонди» (ДЛТ, 282 – 283).

Бу мисолларда -*ла*, -*лә* феъл ясовчи, -*н* эса феълнинг ўзлик даражасини англатади. Бундан ташқари, феълларни *čerlādī*, *čoyladī*, *čuyladī*, *čawladī*

шаклларида қўллаш ҳам мумкин. Шунинг учун *-lan, -lāš* сингари шаклларни феълнинг ясовчи қўшимчаси дея олмаймиз.

-sira, -sirā аффикси. Бу қўшимча «исташ; зор бўлиш» маъносидаги феъллар ясайди. Кўк турк битигларида: *Tāñri yarliqaduq ücün älligig älsirätmis, qayanliyiü qayansiratmis, yaiyiü baz qilmis, tizligig sökürmis, başliyiü yüküntür... törüg qazyanip uca barmis.* – Тангри ёрлақагани учун эли борни элидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, ёвни қарам қилган, тиззаси борни чўктирган, боши борни таъзим қилдир... хукмронлик қилиб вафот этган (К. 15 – 16); «*Türük bodun ölärayin, uruysiratayin*» *tir ermis.* – «Турк халқини ўлдирайин, уруғини қолдирмайин (уруғига зор қилайин)» дер экан» (К. 10).

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бу аффикс айна маънодаги феъллар ясайди: *хотинсирати* – «хотин истади», *эрсирати* – «эрни истаб қолди», *қонсирати* – «қон истаб қолди».

-da, -dä / -ta, -tä аффикси: *sonda* – «таъқиб қилиб, кетидан бор-»: *ol yaiüni sondadi* – «у ёвни таъқиб қилиб, кетидан борди». Ҳар қандай нарсани қўлга олиш учун у нарсани таъқиб қилиш, пайига тушишга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади (ДЛТ, 460); *alda* – «алда-, ҳийла қил-»: *ol yaiüni aldadi* – «у ҳийла-найранг билан ёвни алдади»; *ündä* – «унда-, чақир-»: *ol meni ündädi* – «у мени ундади, чақирди» (ДЛТ, 115).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *алда-* (*al* – қадимги туркий тилда «макр, ҳийла» дегани), *унда*.

-iq, -ik / -uq, -ük аффикси: *T[āšr]a yoriyur tiyin kü äsidip baliqdaqı tašiqmıs, taydaqı inmis.* – «Ташқарида юрибди деган хабарни эшитиб, шаҳардаги ташқарига чиқибди, тоғдагилар инибди» (К. 11 – 12).

Маҳмуд Кошғарийда: *er icikti* – эр жангда ўз хоҳиши билан таслим бўлди ва ўз истаги билан яна жангга кирди (ДЛТ, 89); *yer tariqti* – «жой ва бошқа нарсалар танг бўлди»; *er közi qariqti* – «кишининг кўзи қордан қамашди»; *kiši yaiüqa basiqti* – «ёв халққа тунда босқинчилик қилди»; *bu ot meñä tosuqti* – «бу ўт (дори) менга фойда берди»; *er ewdin tašiqti / tišiqti* – «киши уйдан ташқари чикди»; *tašiqti / tišiqti* яғмо, тухси, ябаку, қипчоқ ва баъзи туркман уруғлари тилидадир. Кўпчилик турклар *čiqti* дейдилар; *ečkü tayiqti* – «эчки ва бошқа ҳайвонлар ёввойилашиб, тоғ эчкиларига қўшилиб кетди»; *er čawiqti* – «кишининг донғи (овозаси, шухрати) чикди, киши ном чиқарди»; *söz činiqti* – «сўз ва хабар чин эканлиги аниқланди, чин чикди»; *ton kirikti* – «кийим ва бошқа нарсалар кирланди, кир бўлди»; *yil küzükti* – «вақт, мавсум куз бўлди»; *qoy bölükti* – «қўй сурувларга бўлинди, сурув-сурув бўлди» (ДЛТ, 242 – 243).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *жониқ-, зўриқ-, бирик-* ва б.

-ad~-aδ, -at, -äd~-äδ, -ät аффикси. Маҳмуд Кошғарийда: *tay atattī / atittī* – той от бўлди, той улғайиб, отлар қаторига ўтди, от аталди. ... Мақолда (шундай келган): *Tay atatsa / atitsa, at tinur, oʻyul erädsä, ata tinur.* – «Той улғайса, от тинади [яъни от минишдан қутқарилади], ўғил ўсса, ота тинади» (ДЛТ, 94).

Юсуф Хос Ҳожиб асарининг оти ҳам шу қўшимча орқали ясалган: *Qutadyu bilig~Qutadyu bilig* – «Қутлантиргувчи, бахтга етказувчи билим» деганидир.

Ёки яна: *Qutadsu atī, bersū iki jihān.* – «Оти қутли бўлсин, икки жаҳон унга ато қилсин» (QBN. 10b,5); *Yana bir kün otrup muḥabti elig.* – «Элиг яна бир кун ўтириб, қайғуга чўмди» (QBN. 64a,4).

Ҳозирги ўзбек тилида бу қўшимча *йўқат-* сўзининг таркибидагина сақланиб қолган (<*yoq-at*>).

-qar, -kär / -yar, -gär / -qur, -kür / -yur, -gür аффикси: *čīnyar-* – «аслини текшир-, таҳқиқ қил-»: *ol išīy čīnyardī-* – «у ишнинг аслини текширди, таҳқиқ қилди» (ДЛТ, 262); *andyar-* – «онд ичир-»: *ol anī andyardī-* – «у унга онт ичирди» (ДЛТ, 468); *ol at suwyardī-* – «у от ва бошқаларни суғарди»; *er yaʻ sīzyurdī-* – «киши ёғ ва бошқа нарсаларни эритди» (ДЛТ, 264); *uḍyur-* – «уйғот-»: *meni uḍyur-* – «мени уйғот» (ДЛТ, 221).

Ҷоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *бошқар-, қутқар-* (*qut* – «эрк, озод» сўзидан).

-r аффикси: *qarar-* – «қорай-»: *ton qarardī-* – «кийим ва бошқа нарсалар қорайди»; *tazar-* – «кал бўл-»: *tazardī nāḥ-* – «нарса кал бўлди, кал бўла бошлади»; *tüzär-* – «текис бўл-»: *yer tüzärdī-* – «ер ва бошқа жойлар тўғриланди, теп-текис қилинди»; *küzär-* – «куз бўл-»: *öd küzärdī-* – «вақт кузга юзланди, кузга эврилди» (ДЛТ, 230).

-sa, -sä аффикси: *ol aḥar boxsadī-* – «у унинг буйруғидан бош тортди, ишни (истар-истамас) бажарди»; *er suwsadī-* – «киши ва бошқалар чанқадди, сувсади» (ДЛТ, 420); *er etsadī-* – «киши гўшт ейишни истади»; *er ewsadī-* – «киши уйини қўмсади» (ДЛТ, 117).

-ša, -šä аффикси: *sögälkä suwšadī-* – «касалга ўқиб суфлади». Бу сўз *sin* билан ҳам талаффуз қилинади; *ol qawtan quršadī-* – «у тўн боғичини боғлади» (ДЛТ, 421).

-sī, -sī аффикси: *sirkä suwsidī-* – «сиркада сув таъми пайдо бўлди. Сувнинг қўшилиши сирка кучини кесди»; *et qaqsidī-* – «гўшт қоқ бўлди, қоқшади» (ДЛТ, 420); *süčig suwsidī-* – шароб сув хусусиятини ўзига олди, унда сувлик хусусияти ортди; *üzüm ačīsīdī-* – узум ачиди, аччиқлик ширинликни кесди.

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, бу ҳолни суюқликларга ва бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтувчи нарсаларга қиёс қилиш мумкин. Феъллар-

даги бу хусусият *sīdī nāḡni* («нарсаи синдирди») гапидаги *sīdī* феълидан олинган. Юқоридаги мисолда сувлик хусусияти шароблик хусусиятини, аччиқлик ширинлик хусусиятини синдирган. Бошқа феълларга ҳам бу қоида татбиқ этиш мумкин. Бу қоида бутун туркий тиллар учун умумийдир (ДЛТ, 117 – 118).

-sīn, -sīn аффикси: *ol bu ewni ewsindi* – «у бу уйни уй санади»; *oʻyl ersindi* – «ўғил балоғатга етди» (ДЛТ, 108).

-ran, -rān аффикси. Масалан: *ōgrān* (*ōg* – «ақл» сўзидан).
«Махзану-л-асрор»даги байтда шундай келган:

*Maxzan-i asrār bu ramz erdi bil,
Nāḡīqa bu kösgüdin ōgrāndi til* (МЕ, 164).

Ҳозирги ўзб.: *ўрган*-.

Кўшма феъллар

Кўшма феъллар икки хил ясалади: биринчиси от + феъл типидеги, иккинчиси эса феъл + феъл типидеги кўшма феъллардир.

Феъл + феъл типидеги кўшма феъллар икки феълнинг бирикувидан ҳосил қилинади: *körü al-* – «қарши ол-»: *Körü aldi ḡajib, orun berdi tör.* – «(Ойтўлдини) ҳожиб қарши олди, тўрдан ўрин берди» (QBQ. 13a,2); *udu köč-* – «ухлаб кўч-», яъни «ухлаб ўтиб кет-»: *Seniḡdān ozaqī tüšüp kečtilār, / Tirigmädi tüšdā, udu köčtilār.* – «Сендан олдингилар (бу дунёга) кўниб ўтдилар, / Тушдан тирилмадилар [яъни уйғонмадилар], ухлаб кўчдилар [яъни ухлаб ўтиб кетдилар]» (QBQ. 162b,14).

От + феъл типидеги кўшма феъллар эса феъл бўлмаган сўзларга кўмакчи феълни қўшиш билан ҳосил қилинади.

Масалан: *qil-* кўмакчи феъли билан: *arzān qil-* – «(нархини) тушир-» (ЛК. 119), *jarāhat qil-* – «жароҳат етказ-» (ЛК. 81), *'ināyat qil-* – «иноят қил-» (ЛК. 45) сингари.

Энди буларга матнлардан мисоллар келтирамыз:

törü ur- – «сиёсат юрит-»: *Törü urma esiz, silig bol түзүн.* – «Ёмон сиёсат юритма, яхши (ва) адолатли бўл» (QBQ. 126b,5).

saḡun alıyl – «сотиб олгин» (КТТ. 54);

at qoy- – «от қўй-», «ата-»: *Aniḡ atin Laḡāfat-nāma qoydum* (ЛК. 306);

čīn kör- – «чин деб бил-»: *Haḡā yoqdur, bu sözdā čīn körār-men* (ЛК. 223);

otru tut- – «юзма-юз тут-»: *Közün oq atsa, otu tutar-men* (ЛК. 232);

yīraq tüš- – «йироқда бўл-»: *Yīraq түштüm jamāliḡdīn zarūrī* (ЛК. 167);

yīraq bol- – «йироқда бўл-»: *Yīraq bolsam özüm, könlüm yawuqdur* (ЛК. 169);

qīya baq – «қиё боқ-, кўз қирида қараб қўй-»: *Közünñüñ uçı birlä qīya baq* (ЛК. 273);

yağma qil – «ўғирла-; қочириб юбор-»: *Qilur kāfir közün 'ālamni yağma* (ЛК. 111); *Közün yağma qilur yağma, čigilni* (ЛК. 251);

qara qil – «ёп-; беркит-»: *Suman körsä aniñ nāzuk tanini / Qara qilyay ravān pīrahini* (ЛК. 225) ва б.

Яна бир мисол: *altun qil* – «олтин қил-»; поэтик маънода «сарғайтир-» дегани: *Taniñ simi yüzümnü qildi altun* (ЛК. 234). Бу мисолдаги *altun qil*- бирикмасида юзнинг ранги олтинга ташбеҳ қилиняпти, холос. Бу сингари ташбеҳлар классик шеъриятда кўплаб ишлатилади. Табиийки, улар турғун бирикма бўла олмайди.

Энди бошқа бир мисол:

bayir qan qil, бу «бағир қон қил-» деганидир: *'Aqiqiñ ārzusi qildi bayir qan* (ЛК. 268). Бу мисолдаги *bayir qan qil*- «бағримни қон қилди; юрак-бағримни эзди» деган маънода ишлатилган. Шунинг учун уни қўшма сўз эмас, турғун бирикма деб қараганимиз маъқул.

Қўшма феъл билан турғун бирикмани (фразеологик бирикмани) қо-риштириб юбормаслик керак. Бирор бирикув қўшма феъл бўлса, у фразеологик бирикма бўлмайди ва, аксинча, фразеологик бирикма бўлса, қўшма феъл бўлмайди. Қўшма феъллар маъно бутунлиги билан бирга шакл бутунлигига ҳам эга бўлади. Фразеологик бирикмаларда маъно бутунлиги бўлади, лекин шакл бутунлиги бўлмайди (Ҳожиёв 1973, 12).

Эски ўзбек тилида («чиғатой туркчаси»да) арабча, форсчадан ўзлашган сўзларга ҳам туркий кўмакчи феъллар қўшиб қўшма феъллар ясалган (*қаранг*: Ескманн 1988, 50 – 52).

Бундай қўшма сўзлар қуйидаги кўмакчи феъллар билан ясалади:

qil- кўмакчи феъли билан: *Teñri ati birlä ani xatm qil* (МЕ, 3); *'Ālam-u ādamya ani qildi šāh* (МЕ, 16); *Luṭfi agar dunyāda qilsa zuhūr* (МЕ, 49); *Har nafas āhañ qiliñ bir navā* (МЕ, 80); *'Ināyat qil Xoḡandīya birār sen* (ЛК. 78); *Özüm birlä özüm andeša qildim* (ЛК. 59).

et- кўмакчи феъли билан: *Barčasiya qahr etār erdi ilāh* (МЕ, 21); *Kim seniñ yolunḡa hvār etti özin, boldi 'aziz* (SD, 2); *Čün kim ul 'Isī-nafas qaşd etti Sakkāki seña / Dard-i dil birlä ölärdin özgä darmān qalmadi* (SD, 574); *yañiñ tā maskan etti jān içindä / Köñül mustayraq oldi qan içindä* (ЛК. 146).

bol- кўмакчи феъли билан: *Bolsun oçun içrā ariy köñli šād* (МЕ, 68); *Boldi uluy Teñtidin ummīdvār* (МЕ, 220); *Firāq elgindä boldim asru 'ājiz* (ЛК. 283).

ček- кўмакчи феъли билан: *Firāqiñda jafā köp čektim ey yār* (ЛК. 170).

āylä- кўмакчи феъли билан: *Durdni daf' āylä agar şaf esāñ* (МЕ, 444); *Sen bu küñdin soñra heç zulfuñni zunnār āylämä* (SD, 500);

tap- кўмакчи феъли билан: *Er keräk emgäk bilä tapsa ҳузӯр* (ME, 88);
ur- кўмакчи феъли билан: *Sözgä raqam urdī kalāmnīñ tili* (ME, 26); *Šāh du'āsī bilä urdum raqam* (ME, 590); *Urdī hunar tarbiyatī birlä fāl* (ME, 59);
ber- кўмакчи феъли билан: *Xiḍr berür zūlmat içindä nişān* (ME, 240)
ye- кўмакчи феъли билан: *Hajr oyīda yer edi Yūsuf yamīn* (ME, 269); *Gar yesāñ emdi bu firāq iḥrā yam* (ME, 275);

tut- кўмакчи феъли билан: *Tut yam-u meñnat bilä köñlūñni xuš* (ME, 91);
İlāhī, bāqī tut dāyim anīñ-teg mehrbānīmni (SD, 585);

sūr- кўмакчи феъли билан: *Barča ulus üstinā sūrsūn murād* (ME, 68);

tart- кўмакчи феъли билан: *Tart bu da'vī raqamīna qalam* (ME, 98);

teg- кўмакчи феъли билан: *Gadāya manfa'at tegmāz ne ḥāşil* (ЛК. 203).

Баъзан кўмакчи феъллар *qīla başla-*, *ūrā al-*, *etā bil-* сингари феъл + феъл типигади шаклларда ҳам кела олади: *Jilva qīla başladī xuš behijāb* (ME, 111); *Dam ūrā alman, etā bilmān nafīr* (ME, 283).

Феълнинг вазифадош шакллари

Сифатдош. Қадимги туркий ёдгорликлар тилида сифатдошлар куйидаги аффикслар билан ҳосил қилинган:

-daċī, -dāċī / -taċī, -tāċī аффиксли сифатдош: *Ötükān yiš olursar, bāñgü āl tuta olurtaċī-sān.* – «Ўтукан йишда ўтирилса, элни мангу тутиб туражаксан» (Ка. 8); *Quldaċīqa miñ yaḡaq, barča bilä ayruq tayaq.* – «Тиланчига мингта ёнғоқ, буларнинг устига яна суянадиган ҳасса ҳам беришим керак» (ДЛТ, 167); *Boldaċī buzayū öküz ara belgüliḡ.* – «Хўкиз бўлади дея гумон қилинган бузоқ хўкизлар орасида ёшлигидаёқ маълум бўлиб қолади» (ДЛТ, 207); *Sözüg sözlādāċī azar ham yazar.* – «Сўзни сўзлагучи адашади ҳамда гуноҳ қилади» (QBN. 14b,10).

Маҳмуд Кошғарий фоил [ишловчини билдирадиган сифатдош] шакллари тўғрисида сўз юритиб ёзади: Феъллардан ясалувчи сўз турлари ҳамма қабилаларда бир хил бўлса ҳам, иш-ҳаракатнинг бажарувчисини билдирувчи сифатдош шакли қабилалар тилида ҳар хилдир. Ҳамма ҳар хил тарзда фарқли қўлловчи биринчи шакл ишловчи мазмунини англатувчи фоил шаклидир: *bardaċī* – «борувчи», *turdaċī* – «турувчи» каби. Бунда сифатдош ўтган замон феълдан ясалган. Ўтган замон феъл шаклини ясовчи *-dī, -di* қўшимчаси *dāl* билан *yā* [i] орасига *ċīm* орттирилиб ясалади. Бу ўғуз, қипчоқ, яғма, уғрақ, суварин, пачанак, то *rus* ларгача бўлганлар тилига хос. Бу қоидага мувофиқдир. Чунки *bardī* феълда *dāl* ўтган замон феълнинг қўшимчасидир; *yā* [i] ўзгалик белгисидир. Тингловчи, сўзловчиларда *yā* [i] нинг тушиши шуни кўрсатади: *bardīñ, bardīm* дейилгандаги каби.

Ҳолбуки, *dāl* ўтган замон белгиси бўлгани учун ҳам ҳар бирида сақланади. Маълум бўладики, *bardačī* шаклида *čīm* билан *yā* [i] фоил ишловчилик қўшимчасидир. Бу *yā* [i] ўтган замондан хабар берувчи *yā* [i] эмас, демак, бу *yā* [i] нисбат ва сифатни билдиради: *etčī* – «қассоб», *etmäkčī* – «новвой» каби.

Исмларга *čīm* ва *yā* (-*čī*, -*čī*) қўшиб хунар эгаси исмлари ясашда ҳамма қавмлар иттифоқдирлар, бунда фарқ қилмайдилар. Чунончи, *tariy* – «дон», *tariyčī* – «дон экувчи»; *etük* – «этик», *etükčī* – «этик тикувчи» каби, уларда исм ясовчи қўшимча, яъни -*čī*, -*čī* экани аниқдир.

bardačī («борувчи»), *turdačī* («турувчи») сўзлари ҳам феълдан ясалган сифатдош шаклдир. Юқоридагилар исмлардан ясалган сифатдошлардир. Ҳаммасида (исм ва феълларда) бир хил бўлиши яхши эди.

Бу қоида *qāf* ли, *kāf* ли, йўғон талаффуз этилувчи ва бошқа хил сўзларда ҳам бир хил фарқсиздир (ДЛТ, 222).

-*qučī*, -*küčī* / -*yüčī*, -*güčī* аффиксли сифатдош. «Кутадғу билиг»да:

Meni bulyučī qilqī alčaq keräk,
Köñül qusqī, til, sözdä yumšaq keräk.

«Менга эргашувчи киши зариф бўлиши керак,
Кўнгли мулойим, тили, сўзи юмшоқ бўлиши керак» (QBN. 31b,5).

Urayin tegüčī özi ursuqar,
Basayin tegüčī özi bassiqar.

«Мени урайин деганнинг ўзи урилади,
Мени янчайин деганнинг ўзи янчилади» (QBN. 30b,10).

Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор»ида шундай келган:

Biz-ki bu yol üstidä ötgüčī-biz,
Eylä-ki keldük yana ketgüčī-biz (ME, 526).

Маҳмуд Кошғарий феълнинг сифатдош шакллари тўғрисида сўз юритиб ёзади: Чигил, кошғар, баласағун, арғу, барсған, уйғур ва Юқори *Šin* гача бўлган қабилаларнинг ҳаммаси ишловчини билдирувчи сифатдошларни буйруқдан ясайдилар. Ўтган замон феъли қўшимчаси *-di* ўрнига *qāf*, *yaun* ҳарфлари бор ёки йўғон талаффуз қилинувчи сўзларда *yaun*, бундан бошқа ингичка сўзларда жарангли *kāf* [g] қўшилади. *čīm* ва *yā* ўз ҳолида қолади. Булар тилида *bar* буйруқ; *baryučī* ишловчи сифат-

дошдир. *tur-* буйруғининг сифатдош шакли *turγūčī* шаклидир, *qāf* ли сўзларда *ya qurγūčī, tawar qarγūčī* – «молни ўғирловчи», *at suwγarγūčī* – «от суғорувчи», *meni idγurčī* – «мени уйғотувчи» каби. Таркибида *γaun* ҳарфи бўлган икки ҳарфли сўзларда *γaun* ҳарфи *qāf* га айланади. Чунки бундай сўзларда бир хил махражли икки бўғиз ҳарфи бирлашади. Ҳар иккисини айрим-айрим талаффуз қилиш оғир бўлгани учун шу оғирликдан қочиб сингдириб сўзланади. Масалан: *taγqa aγqūčī* ва *qoγ saγqūčī* каби. Буйруқ шаклида ҳам қоида шудир. Буйруқ шакли охири *γaun* билан битган сўзларда ҳам *γaun qāf* билан алмаштирилади. Чунки *taγqa aγqil* («тоққа чик»), *sūt saγqil* («сут соғ») каби сўзларда ҳам қоида шудир.

Таркибида *kāf* ҳарфи бор сўзларда ўтган замон феъли қўшимчаси *dāl* ўрнига жарангли *kāf [g]* қўшилади. Чунончи, *kūlgūčī er* – «куладиган киши», *ewkā kirgūčī* – «уйга кирадиган киши» каби. Ингичка талаффуз қилинадиган сўзларда ҳам шундай. Чунончи, *urtaq tergūčī* – «танга-пул йиғувчи», *at sūrgūčī* – «от ҳайдовчи, чопувчи» каби.

Қоида ўғузлар ва юқорида ўғузлар билан бирга айтиб ўтилган қабилалар тилига мувофиқдир. Уларнинг сўзлари олдин кўрсатилган тартибда.

«Қиз куда ва куёв қудалар орасидаги совчи» маъносидаги *yorīčī* ва *tariyčī* («деҳқон») сўзларида ўғузлар туркларга эргашадилар. Бу сўзларни улар ҳам *yoridačī, taridačī* демай, *yorīčī, tariyčī* дейдилар. Ҳамма тилларда ҳам шундай. Бу сифатларни буйруқдан ясаганда буйруқ охиридаги ҳарф ҳаракатсиз, сокин бўлса, охириги ҳарфга бир унли товуш орттирадилар: *baručī* – «борувчи», *turučī* – «турувчи» каби.

Чунки *bar-* буйруғи охирига бирор қўшимча қўшилса, *-rā* ҳаракат белгисини олади. Буйруқлик ҳолидан ўзгаради. Шунинг учун йўғон сўзларда *γaun*, ингичка талаффузли сўзларда *kāf [g]* қўшиш зарур бўлган.

Бу хил сифат ҳамма бобларда, ҳамма қабилаларда ҳам бир хил, фарқсиз қўлланиб келинган. Бу хил сифатларда шу мақсад учун фақат *γaun, kāf* ҳарфларини орттириш масаласига келсак, бу ҳарфлар *tuḏāʿaf* бўлиб келган масдарларда ҳам қўлланишига мосдир. Чунончи: *Aniḥ turuyi netāg?* («Унинг ҳолати қандай?»), *Taz keligi bōrkčikā* («Калнинг келадиган жойи дўппифуруш дўкони») гапларидаги *ثُرَغِي* ва *كَلِكِي* сўзлари каби. Ҳамма туркий қабилалар тилида фарқ билан қўлланиладиган сифатлар шулардир (ДЛТ, 222 – 223).

Ҳозирги ўзбек тилидаги *ўқувчи, ўқитувчи* сўзларининг ҳам асли сифатдошлардир. Трансформацияси шундай: *oqīyūčī oγul, oqītyūčī kiši*. Ушбу бирикмалардаги *oγul, kiši* сўзлари қисқариб, *oqīyūčī, oqītyūčī* сўзлари от вазифасида ишлатилиб кетган. Шунга қарамай, айрим касб-хунар от-

лари бирикма ҳолида ҳам ишлатилади: *сут соғувчи, парранда боқувчи* сингари.

-asi, -āsi аффиксли сифатдош. «Девону луғати-т-турк»да: *barasi yer* – «борар ер»; *turasi oγur* – «туриш вақти». Кошғарийнинг урғулашича, бундай қўллаш ўғузларга хосдир (ДЛТ, 26).

Ҷоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *келаси йил, ўласи қилиб урди*. Сифатдошнинг бу қўшимчаси ҳозир бир-икки сўзда сақлангани билан улар қўшимча сифатида ажратилмайди.

-qu, -kū / -yu, -gū аффиксли сифатдош. «Девону луғати-т-турк»да: *baryu yer* – «борар ер»; *turyu oγur* – «туриш вақти» (ДЛТ, 26); *bitig bititgū oγur* – «хат ёзадиган вақт»; *at kōzātgū oγur* – «отга қарайдиган вақт»; *tariy taritγu yer* – «тариқ тортадиган жой»; *tariy aritγu yer* – «дон тазалайдиган жой» (ДЛТ, 309).

-ysaq, -gsāk аффиксли сифатдош. Маҳмуд Кошғарий сифатдошнинг бу шакли тўғрисида ёзади: Бир иш қилинмасдан олдин уни бажариш орзусида эканини билдирувчи сифат феълнинг буйруқ шаклидан ясалмайди, ўзакнинг охири йўғон сўзларда ва таркибида *qāf* бўлган сўзларда **-ysaq**, ингичка сўзларда ва таркибида *kāf* бўлган сўзларда **-gsāk** қўшилиб ясалади.

bar- буйруғидан ишни ишлаш, ишлашга истак мазмунида ясалган сифат *bariysaq* дир: *ol ewkā bariysaq-ol* – «у уйга боришни истовчидир»; *tur munda* («шу ерда тур») гапидаги *tur-* феълдан шу мазмундаги сифат ясалмоқчи бўлса, *ol munda turuysaq-ol* – «у шу ерда турмоқ истайди» тарзида тузилади. Таркибида *kāf* бўлган сўзлар: *ol berū keligsāk erdi* – «у бу ерга келишни истовчи эди»; *ol ewkā kirigsāk-ol* – «у уйга киришни истовчидир»; *ol tawar terigsāk-ol* – «у мол тўплашни истовчидир». Бундай сифатлардан шу мазмун ифодалаш исталганда исмлардан ҳам тузилади. Бу қоидани яхши эслаб қол.

Исмларда ҳам бу маъно англатмоқ исталганда киши шу сўз билан таърифланади. Чунончи, *ol er-ol tawarsaq* – «у молпараст кишидир»; *bu urayut-ol ersāk* – «бу эрсираган хотиндир». Лекин исмдан ясалганда *γaun, kāf* ҳарфларининг аҳамияти йўқ (ДЛТ, 224).

Яна мисоллар: *ol anī tutuysaq erdi* – «унинг вазифаси уни олиш эди»; *ol anī satīysaq-ol* – «унинг вазифаси уни сотишдир» (ДЛТ, 301).

-yīl, -gli аффиксли сифатдош. Бундай сифатдошлар тўғрисида Маҳмуд Кошғарий ёзади: Ишловчининг ўз кўнглида шу ишни қилмоқ мақсадида эканини билдирувчи сифат илгариги сифатга иш-ҳаракатнинг бажаришдаги қатъийлиги жиҳатидан яқинроқдир. Бу сифат буйруқ шаклидан ясалмайди. Бу сифатда ўзак охири *uā* билан чўзилади ва қўшимчанинг бош ҳарфи ҳар бир бўлимда ҳам *sukun* ли бўлади. Сўз ўзагига

qāf ли ва йўғон сўзларда *yaun*, таркибида *kāf* бўлган, ингичка сўзларда *kāf* [g] кўшиб ясалади: *men seṅā barīyīli-men* – «мен сенга борадиганман, бормоқчиман, боришни ўйлаб юрибман, бориш ниятидаман»; *ol munda turuyli-ol* – «у бу ерда турмоқчи, туриш ниятидадир. Таркибида *kāf* бўлган сўзлар мисоли: *ol meṅā keligli turur* – «у менинг ёнимга келиши керак, келишга жазм қилган, келишни ўйлаб юрибди»; *ol meṅā tawar berigli-ol* – «у менга мол бериши керак, мол бермоқчи» (ДЛТ, 224).

«Қутадғу билиг»да: *Tuyuyli ölü, kōr, qalir belgüsüz.* – «Туғилган ўлади, кўр, ном-нишонсиз қолади» (QBN. 13b,13);

*Tilim, tīnmā, öggil yaratīylini,
Yaraysizni mendin yīratīylini.*

«Тилим, яратувчини тинмай мадҳ этгин,
Яроқсизларни мандан йиратувчини» (QBN. 20b,9).

*Učuyli, yuriyli, tīniyli nečā,
Titilgü seniḡdin bulup yer iç-ā.*

«Қанчадан-қанча учадиган(лар), юрадиган(лар), нафас оладиган (лар)
Сендан ризқ топиб, ичиб-ейдилар» (QBN. 8a,9).

*Törümüš nāḡ ersā, yoqalyu turur,
Törütügli xāliq ne qulsa qilur.*

«Яратилган нарса бўлса, албатта йўқ бўлади,
Яратувчи холиқ нимани истаса қилади» (QBN. 31a,8).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *ётиғли киши, севикли~суюкли асар*. Ҳозир бу кўшимча бир-икки сўз таркибида сақлангани билан, ясовчи кўшимча сифатида ажратилмайди.

-ma, -mā аффиксли сифатдош. Масалан, «Девону луғати-т-турк»да: *kōčürtā oçiq* – бир ердан иккинчи ерга кўчириладиган кўчирма ўчок; *kōčürtā ouun* – «ўн тўрт» деган ўйин. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, ерга қўрғонга ўхшатиб тўрт чизиқ чизиб, унга ўнта эшик қилинади-да, юмалоқ тош, ёнғоқ ташлаб ўйналади (ДЛТ, 194).

Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилаётган *қатлама, сузма, қовурма, қайнатма, димлама* сингари **-ма** кўшимчаси билан ясалган сўзлар тарихан сифатдошлар бўлиб, кейинчалик от туркумига ўтган. Уларнинг семантикасида асли сифатдош уюридан эканлиги яхши кўриниб туради: *қат-*

лама «қатланган», сузма «сузилган», қовурма «қовурилган», қайнатма «қайнатилган», димлама «димланган» дегани. Буни уларнинг ҳосил бўлиш жараёнида ҳам кузатса бўлади. Бу сўзлар бошда икки компонентли (сифатловчи ва сифатланмиш) бўлган, кейинчалик эса сифатланмиши қисқариб, сифатловчисининг ёлғиз ўзи ишлатила бошлаган. Трансформацияси шундай: *qatlama* < *qatlama etmāk*; *sūzmā* < *sūzmā yoʻyut*; *qayurma* < *qayurma aš*; *qaynatma* < *qaynatma šorwa*; *dīmlama* < *dīmlama aš* сингари.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *тузма*, *бостирма*, *тортма* сўзларининг ҳам асли сифатдошдир. Кейинчалик улар отга айланган.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *tūgmā* – «кўйлак, чопон ва қалпоқлар боғичи, тугмаси» (ДЛТ, 172). Бошлаб бу *tūgmā yip* (яъни «тугилган ип») шаклида ишлатилган, кейинчалик *yip* сўзи қисқариб, *tūgmā* сўзи отга айланиб қолган. Бошқалари ҳам шундай.

-r / -ar, -ār / -īr, -ir / -ur, -ūr аффиксли сифатдош. «Девону луғатит-турк»да: *Qaynar ögüz keçigsiz bolmas*. Маъноси: «Тез оқар сув кечигсиз [яъни кўприксиз] бўлмайди» (ДЛТ, 157).

-mīš, -miš / mis, -mis / muš, -müš / -mus, -müs аффиксли сифатдош. Маҳмуд Кошғарий ёзади: Иш-ҳаракатнинг бажарилганини билдирувчи (ҳаракат номи) шакли ҳамма феъл бобларида бир хил усулда – буйруқ шакли охирига *mīm* ва *šin* қўшиб ясалади. Чунончи, «ёй қур» маъносидаги *ya qur* нинг шакли *qurmīš ya* («қурилган ёй»)дир. Бу *ya qur* гапидаги *qur-* буйруғи охирига *mīm* ва *šin* [яъни *-mīš*] қўшиб ясалган; *qazmīš ariq* – «қазилган ариқ» ҳам шундай. Бу хил сифатларда ўзак ҳар қачон ўз ҳолида ҳеч қандай ўзгаришсиз сақланади. Ўтимли феълларда ўзакка *mīm* ва *šin* [яъни *-mīš, -miš*] қўшимчаси қўшилади. Ўтган замон ўтимсиз феълларда ҳам *mīm* ва *šin* қўшимчаси қўшилади. У ҳолда бу қўшимча ўтган замон гумон феъли ясайди: *ewkā barmīš* – «(эшитишимча) уйга борган эмиш»; *ol meñā kelmīš* – «(эшитишимга қараганда) у менга келган эмиш» каби. Бу мисолларда ишлатилган *mīm* ва *šin* қўшимчаси *bardī, keldī* каби ўтган замон шаклини ясайди ҳамда *dāl* ва *yā* қўшимчаси [яъни *-dī, -dī*] ўрнида қўлланади.

bardī, keldī феъли билан *barmīš, kelmīš* феъллари орасидаги фарқ – бирида *dāl* ва *yā* қўшимчаси ўтган замонда бўлган ишни сўзловчи ўз кўзи билан кўрганидан, аниқлигидан хабар беради.

bardī сўзининг маъноси «борганини ўзим кўрдим, боргани аниқ» демакдир. *mīm* ва *šin* [*-mīš, -miš*] қўшимчаси ҳам иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлганини билдиради. Лекин бунда сўзловчининг ўзи кўрмагани, аниқ эмаслиги англашилади: *ol barmīš* – «у борган эмиш, лекин борганини ўзим кўрмадим»; *ol kelmīš* – «у келган эмиш, лекин келганини ўзим кўрмадим». Ўтган замон ўтимли, ўтимсиз феълларининг ҳар турида шу

қоида доимий ва умумийдир. Йўғон, ингичка талаффузли сўзлар, музак-
кар ва муаннас шакллари фарқсиз.

barmiš, kelmış сўзлари отлар олдида аниқловчи бўлиб келганда сифат-
га айланади: *barmış kişi* – «борадиган киши»; *kelmış er* – «келган киши».
Бу ўринда *bardı, keldi* феълларидаги *dāl* ва *yā* ни қўллашнинг ўрни эмас
(ДЛТ, 225).

Ёзма ёдгорликлардан мисоллар:

Qorqmiş kişikā qoy başı qoş körünür. – «Қўрққан кишига (ҳар бир) қўй-
нинг боши жуфт кўринади» (ДЛТ, 366);

*Elig aydi: Aytoldi, uqqil bu söz,
Ayitmiş sözünkâ yanut qildi öz.*

«Элиг айтди: Ойтўлди, бу сўзларни уққин,
Сўраган сўзингга мен жавоб қилдим» (QBN. 40a,9).

*Törütkün barıña törütmış tanuq,
Törütmış äki bir tanuqi anuq.*

«Яратган [яъни Холиқ] борлиги учун белги яратган,
Яратган ҳар икки нарсаида Воҳиднинг белгиси аниқдир» (QBN. 8a,1).

Ҳозирги ўзбек тилидаги *турмуш, ўтмиш, кечмиш* сўзларини биз от
туркумига киритамиз, аслида, улар сифатдошлар эди. Трансформация-
си шундай: *turmuş tiriglik, ötmüş künlär, keçmiş künlär*. Кейинчалик ушбу
бирикмаларнинг бош сўзлари қисқариб, *turmuş, ötmüş, keçmiş* сўзлари от
сифатида ишлатилиб кетган.

-duq, -dük / -tuq, -tük аффиксли сифатдош. Кўк турк ёзувли битиглар-
да: *Üzä kök täñri, asra yayız yär qilintuqda ikin ara kisi oylı qilinmiş.* – «Юқо-
рида кўк осмон, пастда кўнғир ер яратилганда иккисининг ўртасида
киши ўғли яратилибди» (К. 1); *Äcim qayan olurtuqda özüm tarduş bodun
üzä şad ärtim.* – «Амаким хоқон бўлиб турганда ўзим тардуш халқи узра
шад эдим» (К. 17); *Täñri küç birtük üçün qañim qayan süsi böri-täg ärmis,
yayisi qoñ-täg ärmis.* – «Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари
бўридек экан, душмани қўйдек экан» (К. 12).

Маҳмуд Кошғарий бу қўшимча тўғрисида ёзади: Ўғузлар ва қипчоқ-
ларнинг баъзилари – суворинлар *qāf, yaun* ли сўзларда ва, умуман, йўғон
сўзларда *yā* ўрнига *qāf* алмаштириб, *dāl* ва *yā* эмас, *dāl* ва *qaf, kāg* ли ва,
умуман, ингичка талаффузли сўзларда *dāl* ва *yā* ўрнига *dāl* ва *kāf* қўша-
дилар. Буларда бирлик ва кўплик ҳам бир шаклда, фарқсиздир. Чунки
улар *qāf* ли сўзларда *ya qurduq* – «у ёй курди» тарзида қўллайдилар. «Мен

ёй қурдим» ўрнида ҳам фарқсиз, бир хилда *men ya qurduq* шаклини қўлайдилар: *biz ya qurduq* – «биз ёй қурдик» каби. *yaun* ли сўзларга мисол: *ol sūt saydī (sayduq?)* – «у сут соғди»; *olar tayqa ayduq* – «улар тоққа чиқдилар». Сўзлови учун ҳам шундай: *biz ayduq* – «биз юқори чиқдик». Йўғон талаффузли сўзларда ҳам улар *dāl* ва *yā* ўрнида *dāl* ва *qāf* қўлайдилар: *ol anī urduq* – «у уни урди»; *men munda turduq* – «мен бу ерда турдим» каби. *kāf* ли ёки ингичка талаффузли сўзларда улар *dāl* ва *kāf* қўлайдилар. Чунончи, *ol keldük* – «у келди»; *biz keldük* – «биз келдик»; *olar ewkā kirdük* – «улар уйга кирдилар». Майлли сўзларда ҳам шундай: *men aṅar tawar berdük* – «мен унга мол бердим»; *men yarmaq terdük* – «мен танга тўпладим» (ДЛТ, 225).

-ndī, -ndi аффиксли сифатдош. Маҳмуд Кошғарий «қўмилган нарса» англамидаги *kōmündi nāḡ* сўзига изоҳ бера туриб шундай ёзади: *nūn dāl yā [i]* ҳарфлари, яъни **-ndi** қўшимчаси феълларга қўшилиб, уларни отга айлантиради. Ортиқлик ёки ишланганлик маъносини билдиради. Бу арабча *fu'āla* шаклидаги сўзлар ўрнидадир.

Бу сўз шаклида иккинчи бир ҳол: ўтган замон феъли қўшимчаси *dāl* ва *yā* [l] билан феълнинг буйруқ ҳолида сақланадиган ўзак ҳарфи орасига *nūn* орттирилса, у вақтда бу сўз *ismi maf'ul* мажхул сифатдошга айланади. *suwnī sūzti* гапидаги *sūzti* сўзига асл ҳарфи *zā* билан ўтган замонни билдирувчи *dāl* ва *yā* [i] ҳарфлари орасига *nūn* орттирилса, *sūzūndi suw* шакли ҳосил бўлади. Бу *ismi maf'ul* мажхул сифатдошдир, яъни ҳаракат ўша исмга воқе бўлганини англатади (ДЛТ, 179).

Маҳмуд Кошғарий **-ndī, -ndi** аффиксига қуйидаги бирикмаларни ҳам мисол келтирган: *sačīndī nāḡ* – «сочилган, тарқалган нарса»; *tabīndī nāḡ* – «тийилган, ман қилинган нарса»; *kebindi ton* – «қўп кийилган кийим»; *sūrūndi er* – «ҳар ердан сурилган, қувғин қилинган киши»; *qirīndī* – «ҳар нарсанинг қириндиси»; *sūzūndi suw* – «қўп тинитиб тозаланган сув»; *qazīndī tupraq* – «қазилган тупроқ»; *selīndi otuḡ* – «селлар ариқ четига чиқариб ташлаган ўтин»; *salīndī nāḡ* – «ташланган, ташландиқ нарса»; *sulūndī* – «эркак кишиларнинг орқага осилтириб қўйган сочи». Кошғарийнинг таъкидлашича, бунинг асли *salīndī nāḡ* иборасидандир. Бу «доим осилиб-солиниб турадиган» демак. Бу ўхшовсиз қўпол сўздир; *tamīndī suw* – «томган сув, сув томчилари» (ДЛТ, 179).

Сифатдошнинг бу қўшимчаси ҳозирги ўзбек тилида *келгинди, қиринди, чиқинди, югинди, асранди* сўзларининг таркибида қолдиқ шаклида сақланиб қолган.

-qan, -kān / -yaṅ, -gān аффиксли сифатдош. Маҳмуд Кошғарий сифатдошнинг бу шакли тўғрисида ёзади: Иш ва ҳаракатнинг қўп марталаб бўлганини, давомли эканини билдирувчи сифатдошларнинг ясалиши

хамма қабилаларда ва ҳар бир бўлимда бир хил бўлиб, буйруқ шаклида дир. Буйруқ шакли охирига йўғон *qāf* ли сўзларга *-yaŋ* ва ингичка сўзлар охирига *-gān* қўшилади. Чунончи, кўп марта такрорланувчи иш-ҳаракатни билдирувчи сифат – *baryaŋ bar-* буйруғидан, *turyaŋ* эса *tur-* буйруғидан ясалгандир. Масалан: *ol er-ol ewkā baryaŋ* – «у киши уйга кўп борадиган»; *ol er-ol iŧlarqa turyaŋ* – «у киши ишларга туриб берадиган, турган» каби. (Шоир) шундай деган:

*Turyaŋ uluy iŧlaqa,
Tergi urup aŧlaqa.
Tumluy qadīr qiŧlaqa,
Qođti erig umduru.*

Бир киши ҳақида ачиниб айтмоқда: «У киши улуғ ишларга бардошли эди. Дастурхони қаттиқ қишларда очик эди, кишиларни ўзининг яхшиликлардан умидвор қилиб ташлаб кетди».

kāf ли сўзлардан ясалган бу сифатдош *kūlgān er* (кўп куладиган одам) иборасидаги *kūlgān* дир. Бу сўзнинг буйруқ шакли *kūl-* бўлиб, унинг охирига *-gān* қўшиб тузилган. Иш-ҳаракатнинг кўп марта лаб ишлатилганини билдирувчи сифатларда *yaŋn*, *kāf* [*g*] қўшилганидай, ишни ишловчи мазмунини англатувчи сўзларда ҳам *yaŋn*, *kāf* [*g*] қўлланилган: *baryučī*, *kelgüčī* сингари (ДЛТ, 223).

Яна мисоллар: *Sūsāgān uđqa Tāŋri mōŋüz bermās*. Маъноси: «Сузонғич [яъни сузадиган] сигирга Худо шох бермайди» (ДЛТ, 446).

*Bayat atī birlā sözüg baŧladim,
Törütkān, igiđgān, kečürgān idim.*

«Худо номи билан сўзимни бошладим,
Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир» (QBN. 11b,11).

-yŋma, *-gmā* аффиксли сифатдош: *Yāti yüz kiŧiŧ uduzuŋma uluyi ŧad ārti*. – «Етти юз кишини хушёр қиладиган улуғи шад эди» (Топ. 4 – 5); *Bu bitig bitigmä atisi Yol(l)uy t[igin]*. – «Бу битиг битилгучининг жигари Йўллуғ тигин» (Ка. 13); *Aŋar körü biliŋ, türük amtī bodun, bāglār, āb ödkā körügmā bāglār, gū yaŋiltāčisiz*. – «Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклар. Уй-дунёга(гина) қарайдиган беклар, бутунлай гумроҳсиз» (Ка. 11).

Равишдош. Қадимги туркий ёдгорликлар тилида равишдошлар қуйидаги аффикслар билан ҳосил қилинган:

-a, -ä аффиксли равишдош:

*Eligkä kirü ham çïqa törçidi,
Elig eđgü közün baqa törçidi.*

«Элиг хузурига кириб-чиқиб, кўриниб иш қилиб юрди,
Элиг ҳам унга яхши кўз билан қараб кузатди» (QBN. 28a,11).

-u (-yu), -ü (-yü) аффиксли равишдош: *Alp Şalçï aqin binip oplayu tägdi.* – «Алп Шалчи (лақабли) оқ (оти)ни миниб, отилиб хужум қилди» (Кб. 2 – 3); *Yañilmaz kişi kim, ayu ber meñä.* – «Янглишмас киши ким, айтиб бер менга» (QBN. 14b.3); *Kişi sözläşü, yilqï yïđlaşu.* – «Кишилар бир-бирини сўзлашиб билишганидек, ҳайвонлар бир-бирини ҳидлашиб биледи» (ДЛТ, 358).

-p / -b аффиксли равишдош: *Tewäy münür qoy ara yaşmas.* – «Туя минган киши кўйлар орасида яширинолмайди» (ДЛТ, 345); *Bu yärdä olurup tabyaç bodun birlä tüzültüm.* – «Бу ерда ўтириб, табғач халқи билан муроса қилдим» (Ка. 4 – 5).

-ï / -i аффиксли равишдош: *Tabyaç qayanqa älin törüsin alï birmis.* – «Табғач хоқонга давлат ҳокимиятини олиб берибди» (К. 8).

-pan, -pän / -ban, -bän аффиксли равишдош: *Olurupan türük bodunun älin, tör[ü]sin tuta birmis, iti birmis.* – «Тахтга чиқиб, турк халқининг мамлакати, ҳокимиятини тутиб турибди, тартибга солибди» (К. 1).

Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор» асарида: *Pir tabassum qilïban urdï çüš* (МЕ, 537).

-mäđip, -mäđip аффиксли равишдош:

*İglädi meniñ ađaq,
Körmäđip oғri tuzaq.
İglädim andin uzaq,
Emlägil emdi, tuzaq.*

«Яширин тузоқни кўрмай, менинг оёғим илинди. Узоқ вақт қийналдим, эй севиклим [яъни *tuzaq*], энди ўзинг давола» (ДЛТ, 153).

-qalï, -kälï / -yalï, -gälï аффиксли равишдош: *er qulïn uryalï sesindi / sesändi* – «киши қулини уришга қасд қилди» (ДЛТ, 253).

-qinča, -kinčä / -yinčä, -ginčä / -qunča, -künčä / -yuncä, -günčä аффиксли равишдош: *Öküz ađaqï bolÿinčä, buzayü başı bolsa yig.* Маъноси: «Хўкизнинг оёғи бўлгунча бузоқнинг боши бўлган яхшироқ» (ДЛТ, 37).

-matï, -mäti / -madï, -mädi / -matin, -mätin / -madin, -mädin аффиксли равишдош: *Bunča isig, küçüg birtükğärü saqinmatï* «türük bodun ölüräyin,

uruysiratayin» tir ärmis, yoqadu barir ärmis. – «Шунча меҳнатини, кучини берганига андиша қилмай (табғач хоқони) «турк халқини ўлдирайин, уруғини қирайин» дер экан, йўқотиб бораётган экан» (К. 10); *Antayinün için igidmiş qayaninün sabin almatin yär sayu bardiy.* – «Ўшандайлигинг учун (сени) ардоқлаган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар ерга тарқаб кетдинг» (Ка. 9 – 10).

Феъл масдари. Маҳмуд Кошғарий масдарнинг ясалиши ва унинг турлари тўғрисида яхши маълумот берган. Жумладан, феъл масдари тўғрисида ёзади:

Масдарлар ҳамма феълларда бир хилдир. Ўзагида *qāf*, *yaun* ҳарфлари бўлган ёки талаффузда тўлиқ айтиладиган сўзларда *mīm*, *alif*, *qāf* (-*maq*) қўшиб ясалади. Ўзагида *kāf* ҳарфи бўлган ёки ингичка талаффуз қилинадиган сўзларда -*māk* қўшиб ясалади.

qāf ли сўзлар мисоли: *ol ya qurdi* гапидаги *qurdi* феълнинг масдари *qurmaq*, келаси замон шакли *qurar* бўлади. Бу масдар -*maq* қўшиб ясалган, чунки сўз ўзагида *qāf* бор. *yaun* ли сўзга мисол: *ol sūt saydi* гапидаги *saydi* феълнинг масдари (-*maq* билан) *saymaq* дир. Чунки бу феъл ўзагида *yaun* ҳарфи бор (*sayar*, *saymaq*). Йўғон талаффузли сўзларга мисол: *er bardī* гапидаги *bardī* феълнинг масдари ҳам *barmaq* дир, чунки бу феъл йўғон талаффуз қилинадиган сўзлардан (*barir*, *barmaq*). *turdi* ҳам шундай (*turur*, *turmaq*). *kāf* ли сўзга мисол: *keldi* феълнинг масдари *kelmāk* дир. Жарангли *kāf* [g] ли сўзлар ҳам жарангсиз *kāf* ли кабидир. Чунончи, *ol meni ögdi* гапидаги *ögdi* феълнинг масдари ҳам *ögmāk* дир. Сўзнинг бошида жарангли *kāf* келганда ҳам масдар жарангсиз *kāf* билан ишлатилади. Чунончи, *er telim serdi* гапидаги *serdi* феълнинг масдари *sermāk* дир, чунки бу сўз ингичка талаффуз қилинувчи сўзлардан, *beg anī serdi* (*serār*, *sermāk*); *er bitig türdi* – «киши хатни буклади, ўради» гапидаги *türdi* феъли ҳам ингичка талаффуз қилинувчи сўзлардан бўлгани учун унинг масдари ҳам *türmāk* дир. *ol yarmaq terdi* – «у танга-пул тўплади» гапидаги *terdi* феъли ҳам ингичка талаффуз қилинувчи *terār* феълдир. Бунинг масдари ҳам ингичка *termāk* шаклидир. Шунингдек, *at sürdi* – «от сурди» гапидаги *sürdi* феълнинг масдари ҳам ингичка *sürmāk* шаклида. Бу қоида ҳамма феълларга хосдир. Бирор феъл тури бундан четга чиқмайди. Масдарда -*maq* ёки -*māk* қўллашда унинг таркибида *qāf* ёки *kāf* борлигига эътибор берилиб, ана шу мисолларга қиёс қилиб билинади. Булар асосий масдарлар жумласидандир (ДЛТ, 219 – 220).

Маҳмуд Кошғарий масдарнинг бошқа бир тури тўғрисида ёзади: Масдарларнинг яна бир тури соф феъл шаклига ишловчи шахс маъносини англатувчи қўшимча қўшиш орқали ясалади. Бу хил масдар

шакллари отлар туркумидаги сўзлар каби от ўрнида қўлланади. Булар феъл ўзагига йўғон сўзларда *-qi, -yi*, ингичка товушли сўзларда *-ki, -gi* қўшимчаларининг қўшилиши билан ясалади. Ўзак буйруқ маъноси-ни англатиши аниқ: *ol barīy bardī* – «у бора-боргунча бирор нарсага тўхтамай тик борди»; *aniñ iṣ qīliyi belgūlūg* – «унинг иши, феъли маълум»; *sōgāl tiniyi ortaḡ* – «касалнинг нафас олиши ёмон, оғир». Бу гапдаги *tiniyi* феъли *er uluḡ tindi* – «киши чуқур нафас олди» гапидаги *tindi* феълидан олинган. Яна *meniñ yoriqim netāy?* – «менинг йўриғим ҳолим қандай?»; *seniñ yoriqiñ netāḡ?* – «сенинг йўриғинг қандай?»; *aniñ yoriqi netāḡ?* – «унинг йўриғи қандай?» каби. Бу гаплардаги *yoriqi* сўзи *yoridi* феълидан изофа натижасида ясалган масдардир. *yoridi* ўзагида *qāf* йўқ. Бу сўздаги *qāf* изофа натижасида орттирилган. *yaun* ҳарфига *qāf* қўшилиб, масдар ясалувчи сўзларда қўлланади. Бу хил масдарларнинг ясалиш қоидаси ўтган замон феълидан *-di, -di* ташланиши натижасида ҳосил бўлган ўзак – буйруқдир.

qāf бўлмаган сўзлардан бу хил ясама масдар *kāf* қўшилиб ясалади: *aniñ yarmaḡ terigi kōr* – «унинг пул йиғишини кўр». Мақолда шундай келган: *Taz keligi bōrkčikā*. – «Калнинг борар жойи – дўппифурушнинг дўкони» каби. Бу мақолда ўзига зарур нарсадан кечган киши ҳақида сўзланади. Бу иборадаги *keligi* масдарининг асли *keldi* дир. Бу сўзнинг маъноси ўзгартирилиб, масдар ясовчи *kāf* қўшилган. Шу мазмунли сўзларда *yaun* ўрнида *qāf* қўлланмайди. Фақат *yaun* қўшилиши мумкин бўлмаган жойлардагина *qāf* қўлланади. Бу *qāf* ўтган замон феъл қўшимчаси бўлган *dāl* билан *yā* орасига киради ва *muḡā'af* масдарга айланади; *kāf* ҳарфи эса юқорида айтилган сўзларда қўлланади. *aniñ barduqi-barmaduqi bir* гапидаги *barduq-barmaduq* сўзлари *bardī* феълидан ясалган бўлишли, бўлишсиз масдарлардир. Шунингдек, *meniñ turduqum-turmaduqum bir* – «менинг турган-турмаганим бир» иборасидаги *turduq-turmaduq* сўзлари ҳам *turdī* феълидан ясалган бўлишли ва бўлишсиз масдарлардир. Бу мисолларда *yaun* қўлланилишига ўрин йўқ. Чунки *turduqi* ўрнида *turduyi* дейиш мумкин эмас. Шунингдек, *meniñ barduqum-barmaduqum* каби қўл-лаш мумкин эмас. Бу ер *yaun* нинг ўрни эмас. *aniñ keldūki-kelmādūki bir* – «унинг келиш-келмаслиги бир» гапидаги *keldūk-kelmādūk* сўзлари *kāf* қўшилиб ясалган масдарлардир, яна *seniñ kōrdūkiñ-kōrmādūkūñ bir* – «сенинг кўриш-кўрмаслигинг бир» деганда ҳам шундай. ... Бу қоида ҳамма сўз турлари: *tujarrad* ва *tazid* ларда, *muḡā'af* сўзларда, чўзғи ҳарфлари бўлган-бўлмаган феълларнинг ҳаммасида бир хилда қатъийдир (ДЛТ, 220 – 221).

Маҳмуд Кошғарий яна бир ўринда ясалган масдарлар тўғрисида шундай ёзади:

Масдарлар икки хилдир: биринчи: туб масдар. Бу хил масдарлар феъллар бўлимида ўтган замон, келаси замон феъллари билан баробар кўрсатилди: *bardī, barīr, barmaq; keldi, kelir, kelmāk*.

Иккинчи: аслида масдар бўлмай, бирор сўз қўшиш билан ясалган масдарлардир. Бу хил масдарлардан ҳол маъноси ҳам англашилади: *meniñ barγīm bolsa meñä tuşγil* – «борадиган вақтимда менга учра» деганда *barγīm* – ясама масдар; *keyik keligi bolsa oqta* – «кийик келар вақтида от» жумласидаги *keligi* – ясама масдар; *Taz keligi bōrkčikā*. – «Калнинг келиш ери дўппифуруш дўконидир» деган мақолдаги *keligi* сўзи ҳам шундай. Бу хил масдарлар йўғон ўзакли сўзларга *qāf, γaуn* орттириб тузилади: *barīγ bardī* – «у боришда қаттиқ ҳаракат билан борди»; *ol qulīn uruγ urdī* – «у қулини қаттиқ урди». Бу гаплардаги *barīγ, uruγ* сўзлари ясама масдарлардир. *qāf* ҳарфи ҳам, *kāf* ҳарфи ҳам ҳар вақт изофа ҳарфи ҳисобланадиган [аниқловчига орттириладиган] *uā* [яъни *i, i*] ҳарфи билан биргаликда қўлланади. Булар *γaуn* га ўхшаш ёлғиз ўзи қўлланмайди: *aniñ yoruqī netāg?* – «унинг йўриғи қандай?» деган гапда *yoruqī* сўзидаги *qāf* ҳарфи *γaуn* ўрнига алмашган.

Ингичка, яъни таркибида *kāf* бўлган сўзларда ясама масдарга *kāf* қўшиб ясалади: *anī sōkūg sōkti* – «уни қаттиқ сўкди»; *ol qulīn tepig tepdi* – «у қулини қаттиқ тепкилади» гапларидаги *sōkūg, tepig* сўзлари *kāf* қўшиб ясалган масдардир. Бу хил таркиблардаги масдарларда таъкид, пухталаш мазмуни ифодаланади (ДЛТ, 23 – 24).

«Аттуҳфату-з-закийату филлуғати-т-туркийа»да ёзилишича (АЗФТ, 117 – 118), туркий масдар икки хилдир: бири – феъл масдари, иккинчиси – сифат ёки отга қўшилиб хосланган масдар.

Феъл масдарларидан бири *-maq, -māk* қўшимчасини қўшиш билан ясалган туридир. Бу қўшимча шахс кўрсаткичини олмаган феълларга қўшилиб келади: *almaq, turmaq, ketmāk, kelmāk*.

РҚ да: *barmaq, olturmaq, arītmāq, qopmaq, satyīn almaq, tōkmāk, kūy-dürmāk, yemāk*.

Масдар ясовчи *-maq, -māk* қўшимчаси оддан от ясовчи *-liq, -lik* қўшимчаси билан бирга *-maqliq, -māklik* шаклида ҳам қўллана олади. Унинг бу шакли исм маъносини беради: *bolmaqliq* (SD. 657), *ōlmāklik* (SD. 723).

Бунинг бўлишсизлиги *-masliq, -māslik* қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *almasliq* (SD. 374).

Бўлишсизликнинг айна маъноси инкор қўшимчасини масдардан аввал келтириш билан ҳам (*-tamaq, -māmāk* шаклида) ҳосил қилинади:

*Bilig bilmāmākdin bir anča bodun
Öz elgin but etip, «iðim bu», tedi.*

«Билим билмасликдан [яъни билимсизликдан] бир қанча халқлар
Ўз қўлларини бут этиб, «худойим бу» деди» (YugH. 15b,1 - 2).

Феълнинг бошқа бир масдари шахс кўрсаткичини олмаган сўзларга
-š (-iš, -iš / -uš, -üş) қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: *uruš* каби.

Отлардаги масдар ясовчилардан бири *-liq, -lik / -luq, -lük* дир.

Сонларнинг *birlik, ikilik, üçlük, törtlük* шакли ҳам от масдарига мисолдир.

Бу қўшимча феъл масдарга қўшилиб от масдарини ҳосил қилиши ҳам
мумкин: *almaqliq, bermäklik*.

Отлардаги масдарнинг бошқа белгилари ҳам бор. Масалан, муддат
узоқлигини билдиради: *ayliq, yilliq, künlik*.

Масдар шакли шахс-сон қўшимчалари билан ҳам қўлланади: *almaqim, almaqimiz, almaqin, almaqiniz, almaqi, almaqlari*. Буларнинг бўлишсиз кў-
ринишлари: *almataqim, almataqimiz, almataqi*.

Феълнинг буйруқ шакли. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича,
бу тилда феъллар буйруқдан ясалади. Буйруқ шакли ўзак бўлиб, тилда
қўлланувчи ҳар турли феъл шакллари буйруқ охирига турли қўшимча-
лар қўшиш билан ясалади. Ҳамма феълларнинг бўлишсизлик шакли ҳам
буйруқ охирига *mim* ва *alif* қўшиб ясалади: *alma* («олма»), *ilma* («тушма»)
сингари (ДЛТ, 84).

Ёзма ёдгорликлар тилида тингловчига буйруқ феълнинг бош шакли-
да бўлади: *kel-, bar-, al-, tut-, basla-* сингари. Кўплиги эса феълнинг бош
шаклига *-iniz, -iniz* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади.

Маҳмуд Кошғарий феълнинг буйруқ шакли тўғрисида сўз юрита ту-
риб ёзади: Кўпинча турклар буйруқ феълнинг тингловчи шаклида *qaf*
келса ёки, умуман, йўғон талаффузли сўзларда ҳамда буйруқ охирида
yaun келганда *-yil, -qil*, ингичка сўзларда ва ўзагида *kaf* ҳарфи бўлган
сўзларда *-kil, -gil* орттириб қўллайдилар. Бу ҳолда икки ҳарфлилар тўрт
ҳарфли, уч ҳарфлилар беш ҳарфли, тўрт ҳарфлилар олти ҳарфли боблар-
дан саналади. Чунончи, *bariyil, turyil* каби. Бу сўзлар йўғон бўлгани учун
-yil қўшилган.

Охири *yaun* билан тугаган феълларнинг буйруқ шаклларида *-qil* қў-
шилади: *tauqa aqil, sut saqil* каби. Ўзакда *kaf* ҳарфи бўлган сўзларда *-gil*
қўшилади: *ewka kirgil* – «уйга киргин»; *armaq tergil* – «танга-пул йиғ-
гин», бу мисолларда икки ҳарфли феъллар тўрт ҳарфлига кўчган; *yuk kotur* – «юк кўтар», *tam otur* – «девор теш» гапларидаги *kotur-, otur-* уч
ҳарфли феъллардир.

Булар *koturgil, oturgil* шаклларида қўлланиб, уч ҳарфлилар беш
ҳарфлига кўчган. *at suwuar* – «отни суғор», *meni udyur* – «мени уйғот»

гапларидаги *suwƣar*, *uɖyur* феъллари тўрт ҳарfli феъллардир. Буйруғи *uɖyuryil*, *suwƣaryil* шаклида қўлланади. Бу олти ҳарfli буйруқлар бобига киради.

Буйруқ охирига *-yil*, *-qil*, *-gil* қўшиш тингловчи бирликда бўлгандагина мумкин. Тингловчи иккита ёки ортиқ бўлса, бу қўшимчаларни қўшиб бўлмайди. Иккилик ва кўплик фарқсиз, бир хилдир. Музаққар, муаннас шакллари ҳам ўзаро фарқ қилинмайди, бир хил шаклда қўлланади. Бирлик учун *bar-*, иккилик учун *bariŋlar ikigü* («боринглар икковлашиб»), кўплик учун *bariŋlar qatuy* («боринглар ҳамманг») дейдилар. Тингловчи ёши катта, ҳурматли бўлса (ёлғиз бўлса ҳам), ҳурмат юзасидан кўплик шакли қўлланиб *bariŋ* дейилади. Аслида, бунинг маъноси «боринглар» демакдир.

Ўғуз ва қипчоқлар бирликда *bar-*, кўпликда *bariŋ* дейдилар. Улар кўплик қўшимчаси *-lär*, *-lar* ни тушириб қолдирадилар; *-lar*, *-lär* ўрнига тингловчи бирлигида *-iŋiz*, *-iŋiz* қўллайдилар. Ҳурмат учун бир кишига ҳам *-zä* орттирадилар, улар тилида бир кишига нисбатан ҳам кўплик устига кўплик қўлланади.

(Шоир) шундай деган:

*Awlap meni qoymaŋiz,
Ayiq ayip qaymaŋiz.
Aqar közüm-uş teniz,
Tegrä yürä quş uçar.*

Севиклисига айтмоқда: «Мени овлаб ўзингизга асир қилганингиздан кейин хўрлаб ташлаб қўймангиз, ваъдага вафо қилингиз, денгиз сувлари каби кўз ёшларим дарё каби оқаётир [Кўз ёшида тузлик (шўрлик) бўлгани учун шундай ўхшатма берилади]. Ахир кўз ёшларим атрофида қушлар учиб юрибди» (ДЛТ, 221).

Ўзгага буйруқ феълнинг ўзак-негизи охирига *-zun*, *-zün* / *-sun*, *-sün* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган.

Масалан, қадимги васиқаларда: *Bu tört siçi içindäki yerkä miŋ yil, tümän künkä tegi Toyinču y erklig bolsun. Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun.* – «Бу тўрт чегара ичидаги ерга минг йил, туман кунга қадар Тўйинчуғ эгалик қилсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин» (ТХ, 38,11 – 15).

Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор» асарида шундай келган:

*Haqm qila bilmäsä, köp yemäsün,
Küç bilä halvanı açiy demäsün* (МЕ, 117).

«Кутадғу билиг»да ўзгага буйруқнинг бирлик қўшимчаси *-su, -sü / -sun, -sün* ҳамда *-sunī, -sünī* шаклларида ишлатилган:

*Elig aydī: ündä, meñä kirsüni,
Köräyin anī men, meni körsüni.*

«Элиг айтди: Чорла, менинг хузуримга кирсин,
Мени уни кўрайин, у мени кўрсин» (QBN. 27a,9).

Ёзма ёдгорликларда феълнинг истак, тилак, дуо шакли ҳам айни қўшимча билан ҳосил қилинади:

*Eligkä tosulsun bu erdämlärim,
Açilsun, meniñ ketsü emgäklärim.*

«Бу санъат-хунарларим элигга ярасин,
(Элиг) хурсанд бўлсин, менинг ташвишларим кетсин» (QBN. 23b,6).

*Qatīy kezlä räziñ, kişi bilmäsün,
Sözünđin özünğä ökünč kelmäsün.*

«Сирингни қаттиқ яшир, киши билмасин,
Сўзингдан ўзингга ўкинч келмасин» (ҮгН. 16a,7 – 8).

Ёки яна: *Ҳаға турсу уағтур, язўилсу чечәк* – «Ёғаверсин ёмғир, очилсин чечак» (QBN. 11b,4); *Qutadsu atī, bersü iki jihan* – «Оти қутли бўлсин, (худо унга) икки жаҳонни берсин» (QBN. 10b,5); *yol oғur bolsun* – «сафар беҳатар бўлсин» (ДЛТ, 36).

Буйруқнинг бўлишлиси ҳам, бўлишсизи ҳам *-yīn, -gin / -qīn, -kin* қўшимчаси билан таъкидланади: *yatqīn, baryīn, äylägin* сингари. Бу қўшимча тингловчи буйруғига қўлланади, ўзга буйруғига қўлланмайди.

Истак шакли сўзловчилар кўплигида *-älim, -alim* қўшимчаси билан ифодаланган. Мана мисоли:

*Tegrä alip egrälim,
Attin tüšüp yügrälim.
Arslanlayu kökrälim,
Küči anin kewilsün.*

Айтмоқдаки: «Теваракни ўраб олиб, ёв йўлини кесиб қўяйлик. Отдан тушиб, ғазаб билан (ёвга) ҳамла қилайлик. Арслонлардек наъра тортайлик, бу ҳаракатимиздан ёв кучи кесилиб, заифлашсин» (ДЛТ, 212).

XV юзйилликда истакнинг сўзловчи кўплиги *ali*, *-āli* шаклида ҳам ишлатилган:

*Kel ey sāqī, bu kūn majlis quralī,
Zamāne 'ayš etip xoš olturalī* (ЛК. 102).

Сўзловчи ўзига буюрмайди, унда истак бўлади, холос. Ёзма ёдгорликлар тилида сўзловчи истаги *-ayin*, *-āyin* қўшимчаси билан ҳосил қилинган:

*Nekū-ol munuḡ ma'nisi ay meḡā,
Bilāyin, uqayin, bütāyin seḡā.*

«Бунинг маъниси нима, менга айтиб бер,
Мен билиб олайн, тушунайин ва сенга ишонч ҳосил қилайин» (QBN. 32a,14).

«Қутадғу билиг»да бу қўшимча *-ayī*, *-āyī* шаклида ҳам ишлатилган. Бунда нолиш, ҳасрат маъноси ҳам ифода этилган:

*Kişi kōḡli bilgū tanuq erdi til sōz,
Kōḡul til ala boldi, kimkā bütāyī?*

«Нутқ киши кўнглини билиш учун белги эди,
Кўнгил (билан) тил ола бўлди [яъни бир-бирига тескари бўлди], кимга ишонайин?» (QBQ. 193a,16)

*Kimi özkā kōz-teḡ yaqin tuttum ersā,
Yayī cīqtī yek-teḡ, yekig ne qīlayī?*

«Кимни ўзимга кўздек яқин тутган бўлсам,
Шайтондек ёв бўлиб чиқди, шайтонни нима қилайин?» (QBQ. 193a,14)

Тил тарихида истак, хоҳиш мазмуни *-sa*, *-sā* қўшимчаси билан ҳам ҳосил қилинган.

Масалан: *ol suw ičisādi* – «у сув ва бошқа нарсаларни ичишни истади»; *ol qulīn meḡā iḡisādi* – «у қулини менга юбормоқ истади»; *ol anī urusādi*

– «у уни урмоқ истади, урмоқчи бўлди»; *ol yišiy üzüsādi* – «у арқонни узмоқчи бўлди»; *ol art ašisadi* – «у чўққидан ошмоқ истади, чўққини ошмоқчи бўлди»; *er sözüg uqusadi* – «киши сўзни уқмоқ, англамоқ истади»; *ol meni ögüsādi* – «у мени мақташни истади, мақтамоқчи бўлди» (ДЛТ, 116). Маҳмуд Кошғарийнинг сўзига қараганда, *-sa, -sā* қўшимчасидан истак мазмунининг келиб чиқишига сабаб, у «нарсани санади» маъносидаги *sadi nāñni* иборасидан олинган. Шундай ҳаракатни ишловчи бу ишни ўз истак-орзуларидан ҳисоблаганини англатади (ДЛТ, 117).

Шарт кўрсаткичи. Қадимги туркий тилда шарт кўрсаткичи *-sar, -sār* шаклида эди. Сўзловчи бирлиги ва кўплиги, тингловчи бирлиги ва кўплигининг шарт кўрсаткичи ҳам ўзга шарт кўрсаткичи сингари *-sar, -sār* билан ифода этилаверган. Уларга шахс-сон қўшимчаси қўшилмайди, лекин маънода фарқ бор. Шартнинг кимга ёки нимага тегишлилигини эгадан англаш мумкин.

Масалан, кўк турк битигларида: *Türük qağan Ötükän yiš olursar, ältä biñ yoq.* – «Турк хоқони Ўтуқан йишда ўтирса, мамлакатда қайғу бўлмайди» (Ка. 3); *Eltäriš qağan qazğanmasar, udu ben özüм qazğanmasar, el yemä, bodun yemä yoq ertäci erti.* – «Элтариш хоқон зафар қозонмаганида, унга эргашиб менинг ўзим зафар қозонмаганимда, эл ҳам, халқ ҳам бўлмаган бўларди» (Топ. 54 – 55).

Қадимги *-sar, -sār* кейинчалик *-sa, -sā* шаклини олди. Жумладан, «Қутадғу билиг», «Ҳибату-л-ҳақойиқ» сингари асарларда шарт кўрсаткичи *-sa, -sā* шаклидадир.

Масалан, «Қутадғу билиг»да:

*Qali bardih ersä tapuy qilyali,
Tapuy kendtä qilyil, bu-ol din yoli.*

«Агар тоат-ибодат қилгани (тоққа) борган бўлсанг,
(Яхшиси) тоат-ибодатни шаҳарда қилгин, дин йўли шудир» (QBQ. 96b,3).

Эски ўзбек тили даврида ҳам шарт маъноси *-sa, -sā* қўшимчаси билан ифода этилган. Бироқ энди кишиликни англатувчи шахс-сон қўшимчалари, қадимги ва эски туркий тил даври ёдгорликларидан фарқли ўлароқ, шарт қўшимчасидан кейин қўшиладиган бўлди.

Масалан, SD да: *alsam* (126), *aysa* (274), *oltursalar* (34), *qilsaq* (264), *sorsañiz* (393).

Ёки яна:

*Otursañ, olturur fitna, ketär yam,
Agar qopsañ, qiyāmatlar qopar ham* (МН. 160).

Тил тарихида феълнинг ўзлик нисбат шакли қуйидаги аффикслар билан ясалган:

-l (-il, -il / -ul, -ül) аффикси: *yıqıl-* – «йиқил-» (ЛК. 70).

-n (-in, -in / -un, -ün) аффикси: *körün-* – «кўрин-» (ЛК. 89); *körünür gazand* – «газанд кўринади» (МЕ, 241); *jān örtānip* – «жон ўртаниб» (МЕ, 78).

Феълнинг орттирма нисбат шакли қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалган:

-dur, -dür / -tur, -tür аффикси: *beg oyrini tutturdi* – «бек ўғрини тутишга буюрди ва туттирди»; *ol suw töktürdi* – «у сувни ва бошқа нарсаларни тўкишга буюрди» (ДЛТ, 259); *aqtur-* – «оқиз-» (SD. 668); *yoldin azdur* – «йўлдан оздир-» (SD. 528); *qandur-* – «қондир-» (ЛК. 190), *küydür-* – «куйдир-» (ЛК. 266), *öltür-* – «ўлдир-» (ЛК. 271), *keltür-* – «келтир-» (ЛК. 188); *bizni aşıqturdi* – «бизни ошиқтирди» (МЕ, 429), *awuçlap keltür* – «ховучлаб келтир-» (МЕ, 468); *har nimädin yïydurayin* – «ҳар нимадан йиғдирай» (МЕ, 523).

-yüz, -giz / -qiz, -kiz аффикси: *körgiz-* – «кўргиз-, кўрсат-» (ЛК. 27).

-t аффикси: *oqit-* – «ўқит-»: *ol menä bitig oqitti* – «у менга китоб ва бошқа нарсаларни ўқитди»; *ekit-* – «эктир-»: *ol tariy ekitti* – «у уруғ септирди, дон эктирди»; *ülät-* – «улаштир-»: *ol çiyayqa yarmaq ülatti* – «у фақирларга пул, тангалар улашишга, тарқатишга буюрди» (ДЛТ, 96); *añlat-* – «англат-»: *gar özin añlatmasa* – «агар ўзини англатмаса» (МЕ, 454); *çarlat-* – «чорлат-»: *yolida çarlatti* – «йўлида чорлатти» (МЕ, 179).

Ёки яна: *yüksätkil (<yük-sä-t-kil)* – «юксалтгин» (КТТ. 61).

-z аффикси: *emüz-* – «эмиз-»: *urayut oylıña süt emüzdü* – «хотин ўғлига сүт эмизди» (ДЛТ, 85); *tutuz-* – «тутқаз-», поэтик маънода «ишорат қил-; уқтир-»: *men añar söz tutuzdum* – «мен унга сўзни ёки риоя қилиш керак бўлган нарсани ишорат қилдим, уқтирдим»; *tamuz-* – «томиз-»: *ol suw tamuzdı* – «у сув ва бошқа нарсаларни томизди» (ДЛТ, 233).

-ur, -ür аффикси: *yaşur-* – «яшир-, беркит-» (ЛК. 36); *içür-* – «ичир-» (ЛК. 18); *aşuryay* – «оширади» (МЕ, 43), *başni qaçurmayıl* – «бошни қочирмагин», «бош тортма» маъносида (МЕ, 294), *külini yelgä sawurdı* – «кулини елга совурди» (МЕ, 492); *körgüzür erlikidä säbit qadam* – «кўлида собитқадамлик кўрсатади» (МЕ, 432).

Феълнинг мажхул нисбат шакли *-l* аффикси билан ясалган.

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, ўтган замон феълига *lām* ҳарфи орттирилса, мажхул [ишловчиси айтилмаган, кўрсатилмаган] феъл ясалади. Бунга мисол: *süt öpüldü* – «сүт ва бошқа нарсалар ичилди»; *oq atildi* – «ўқ отилди»; *tariy otuldi* – «экин ўталди, ўтоқ қилинди»; *suw içildi* – «сув ва бошиқалар ичилди» (ДЛТ, 89 – 90).

Ёки яна: *mundin ülāşildi* – «бундан улашилди» (МЕ, 165).

Феълнинг биргалик нисбат шакли -š аффикси билан ясалган: *ol meniñ birlä oq atışdı* – «у мен билан ўқ отишди»; *ol meñä qaruy açışdı* – «у менга эшикни очишди, эшик очишга кўмаклашди» (ДЛТ, 86); *ol meñä ot ürüşti* – «у ўт пуфлашда менга кўмаклашди». Талашиш, баҳслашиш учун ҳам шу сўз қўлланади; *ol meñä yışıy örüşdi* – «у менга арқон ўришда кўмаклашди»; *ol meñä üzüm üzüşdi* – «узум узишда у менга кўмаклашди».

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, бу феълларда кўмаклашиш, баҳслашиш мазмунлари уларнинг ёнидаги сўзлардан билинади. Феълга *meñä* қўшилиб келса, кўмаклашишни, *meniñ birlä* қўшилиб келса, баҳслашишни билдиради. Бу ҳол икки киши ўртасидаги (биргалик нисбатига) ҳамма феъллар учун умумий.

Ўзга ҳақида сўз борганда ёрдамни билдириш учун *añar* («унга») сўзи қўлланади, баҳслашишни билдириш учун *anıñ birlä* қўлланади (ДЛТ, 87).

КТТ. 60 – 61 да: *küräşkil* – «курашгин», *arqalaşqil* – «ёрдамлашгин», *boluşqil* – «бўлишгин; унга ҳам ёрдамлаш», *şavaşqil* – «жанг қилгин».

Ўтган замон феъли

Ёзма ёдгорликлар тилида ўтган замон *-di, -di / -ti, -ti; -duq, -dük / -tuq, -tük; -miş, -miş / -miş, -miş* қўшимчалари билан ҳосил қилинган.

Маҳмуд Кошғарий ўтган замон феълининг ҳосил қилиниши тўғрисида ёзади: Феълнинг ўтган замон шакли ҳамма феълларда (феълларнинг ўзак ва негиз шаклларига) *dāl* ва *uā* (*-di, -di*) қўшилиб ясалади, ҳеч ерда ўзгармайди. Ўтган замон феълни ясовчи *dāl* жарангсиз *pā*, жарангсиз *tā*, жарангсиз *čim*, жарангсиз *kāf* билан қўшилганда *dāl tā* га алмашади. Чунончи, *tepti* – «тепди», *tutti* – «олди», *qačti* – «қочди», *tewāy čökti* – «туя чўқди» каби. Ўзидан сўнгги *dāl* ни *tā* га айлантиришда *qāf* ҳам *kāf* га ўхшайди. Чунончи, *ol meñä baqtı* каби.

Бу *dāl* ни жарангсиз *tā* га алмаштириш у ҳарфларнинг махражлари жарангсиз бўлгани учун. Буларнинг асли *dāl* дир, юқоридаги ҳарфларга қўшилганда *tā* равишда талаффуз қилиш яхшироқ. Ҳар қандай феъл бобларида ва феъл турларида ҳам асос шудир (ДЛТ, 218 – 219).

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида феълларни ўтган замон шаклида келтирган. Бундай усул феълнинг маъноси-ни ёритишда анча қулай саналади.

Муҳими, феъллар ёлғиз ўзи эмас, сўз бирикмалари ёки гаплардаги мисоли билан келтирилади. Мисоллар ўтган замон шаклида бўлиб, феъллар *-di, -di / -ti, -ti* қўшимчасини олган. Туркий мисоллар ва уларнинг изоҳлари келтирилгач, охирида мисолга олинган феълнинг келаси замон шакли ва масдари берилади. Феълларнинг келаси замон шакли

-r (-ir, -ir / -ar, -är) аффикси, масдарлари эса -maq, -mäk аффикси билан берилган.

Шундай қилиб, луғатнинг ҳар бир феъл-мақоласида феълнинг ўтган ва келаси замон шакллари ва масдари қайд этилади. Мисолларга эътибор қилинг:

quş uçdı – «қуш учди»; *anıñ qutı uçdı* – «унинг қути, бахти, давлати учди»; *er atdan qudı uçdı* – «киши отдан йиқилиб тушди». Ҳаммасида: *uçar, uçmaq*.

ot oçdı – «ўт, олов ўчди»; *erniñ öpkäsi oçdı* – «кишининг ғазаби сўнди»; *er tını oçdı* – «кишининг нафаси ўчди». Бу феълларнинг ҳаммасида *oçar, oçmaq* шакли қўлланади.

er suw içdi, яъни «киши сув ва бошқа нарса ичди». Ҳар бир ичадиган ёки сўрадиган нарса учун ҳам шу сўз қўлланади; *içär, içmäk* (ДЛТ, 80).

Ўтган замон феълининг ўзга бирлиги -*dı, -di* / -*tı, -ti*, бўлишсиз шакли -*madı, -mädi* қўшимчаси билан ҳосил қилинади. Мисоли: *Türk bodun ölti, alqıntı, yoq boltı, türk sir bodun yärintä bod qalmadı*. – «Турк халқи ўлди, тугади, йўқ бўлди, турк сир халқи ерида (ҳеч бир) уруғ қолмади» (Топ. 3 – 4).

Ўзга кўплиги ўзга бирлик шаклига -*lar, -lär* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади.

Ўтган замон феълининг сўзловчи бирлиги -*dim, -dim* / -*tım, -tim*, бўлишсиз шакли -*madım, -mädim* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинган.

Ўтган замон феълининг тингловчи бирлиги -*dıñ, -dın* / -*tıñ, -tın*, бўлишсиз шакли -*madıñ, -mädın* қўшимчаси билан ясалади: *çizdın* – «ёздинг», *çizmadıñ* – «ёзмадинг». Тингловчи кўплиги -*dıñiz, -dıniz, -tıñiz, -tıniz*, бўлишсиз шакли -*madıñiz, -mädıniz* қўшимчаси билан ясалади: *çizdıniz* – «ёздингиз», *çizmadıñiz* – «ёзмадингиз».

Маҳмуд Кошғарий ўтган замон феълининг тингловчи бирлиги тўғрисида сўз юрита туриб ёзади: Турклар ҳурматли кишиларга нисбатан, гарчи у киши ёлғиз бўлса ҳам, *bardıñiz* дейдилар. Ҳолбуки, -*ıñiz*, аслида, кўпликни билдирувчи қўшимчадир. Ўғузлар буни фақат кўпликда қўллайдилар: *bardıñiz* «ҳаммангиз бордингиз» демақдир. Бу ерда ўғузлар талаффузи қоидага мувофиқ бўлса ҳам, туркларникида ибораторолик, фасоҳат, катта-кичикни фарқ қилиш каби гўзаллик бордир. -*dı, -di*, ҳамма ерда кўрсатганимиздек, *uđ* [ʃ] ли бўлади. Бу қоида ҳар бир феълда ва ҳар бир бўлимда ва ҳамма туркларда умумийдир (ДЛТ, 222).

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишига қараганда, -*duq, -dük* / -*tuq, -tük* қўшимчаси ўғуз ва қипчоқларнинг тилларига хос. У феълнинг ўтган замон қўшимчалари тўғрисида сўз юритар экан, ёзади: Яғма, тухси, чигил, арғу,

уйғур, то *Şin* гача бўлган ҳамма қабилалар ўтган замон феълини *dāl* ва *ya* қўшиб ясашда иттифоқдирлар. Чунончи, *bardi* каби. Чунки бу феъл *bar-* буйруғига *dāl* ва *ya* қўшиб ясалган. Ўғузлар ва кипчоқларнинг баъзилари – суворинлар *qāf*, *yaun* ли сўзларда ва, умуман, йўғон сўзларда *ya* ўрнига *qāf* алмаштириб, *dāl* ва *ya* эмас, *dāl* ва *qaf*, *kāg* ли ва, умуман, ингичка талаффузли сўзларда *dāl* ва *ya* ўрнига *dāl* ва *kāf* қўшадилар. Буларда бирлик ва кўплик ҳам бир шаклда, фарқсиздир. Чунки улар *qāf* ли сўзларда *ya qurduq* – «у ёй қурди» тарзида қўллайдилар. «Мен ёй қурдим» ўрнида ҳам фарқсиз, бир хилда *men ya qurduq* шаклини қўллайдилар: *biz ya qurduq* – «биз ёй қурдик» каби. *yaun* ли сўзларга мисол: *ol sūt saydī (sayduq?)* – «у сут соғди»; *olar tayqa ayduq* – «улар тоққа чиқдилар». Сўзловчи учун ҳам шундай: *biz ayduq* – «биз юқори чиқдик». Йўғон талаффузли сўзларда ҳам улар *dāl* ва *ya* ўрнида *dāl* ва *qāf* қўллайдилар: *ol anī urduq* – «у уни урди»; *men munda turduq* – «мен бу ерда турдим» каби. *kāf* ли ёки ингичка талаффузли сўзларда улар *dāl* ва *kāf* қўллайдилар. Чунончи, *ol keldük* – «у келди»; *biz keldük* – «биз келдик»; *olar ewkā kirdük* – «улар уйга кирдилар». Майлли сўзларда ҳам шундай: *men aḡar tawar berdük* – «мен унга мол бердим»; *men yarmaq terdük* – «мен танга тўпладим».

Хулоса қилиб айтганда, уларда, юқоридаги мисолларда кўрганингиздек, бирлик билан кўплик орасида фарқ йўқ.

Кўпчилик ўғузлар ўтган замон сўзловчи шаклида *bardim* феълидаги *mim* ўрнидагина бирликда ҳам, кўпликда ҳам *qāf* ёки *kāf* ҳарфларини қўллайдилар. Қолган шаклларда, яъни ўтган замон ўзга шаклида турклар билан бирлашадилар: *bardi* ўрнида *barduq*, *keldi* ўрнида *keldük* қўлаб бузмайдилар (ДЛТ, 225).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да таъкидланишича, сўзловчилар томонидан биргаликда бажарилган иш-ҳаракат (сўзловчининг бошқалар билан биргаликдаги иш-ҳаракати) *-dīy*, бўлишсиз шакли эса *-madīy* қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *čizdīy* – ёздик, *čizmadīy* – ёзмадик (КТТ. 66).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу қўшимчанинг ёлғиз *-dik* варианты амал қилмоқда: *bardik*, *yazdik*, *aytdik* (оғзаки нутқда: *ayttik*), *keldik*, *ketdik* (нутқда: *kettik*) ва б.

Қадимги грамматик асарларда сифатдошнинг *-miš*, *-miš* / *-mis*, *-mis*, равишдошнинг *-ip*, *-ip* / *-ib*, *-ib* қўшимчаси ҳам ўтган замон белгиси сифатида талқин этилган (АЗФТ, 120 – 121). Биринчисининг бирликдаги мисоли: *kelmiš*, *ketmiš*, *yatmiš*; кўпликда: *kelmišlār*, *ketmišlār*, *jatmišlār*. Грамматик асарларда таъкидланишича, бу феъл кўз билан кўрганда эмас, фақат эшитганлик ҳақидаги хабарни англатади. Улар шахс-сон қўшимчалари билан ҳам қўлланади: *kelmišmān*, *kelmišsān*, *kelmišsiz*, *qalmišbiz*.

Иккинчи белги билан қўлланганда: *keliptür*. Сўзловчи учун: *keliptürmān*, *keliptürmiz*. Тингловчи учун: *keliptürsān*, *keliptürsiz*, *keliptür*, *keliptürlār*.

Ҳозирги замон феъли

Бундай феъл шакли ҳозирги замон учун ёки ҳам ҳозирги, ҳам келаси замон учун муштарак бўлади. Ундош билан тугаган феълларда [a], [ā], унли билан тугаган феълларда [y] ундоши орттирилади: *kelādirīmān*, *kelādirbiz*, *kelādirsān*, *kelādirsiz*, *kelādir*, *kelādirlār*; *sözlāydirsiz*, *başlāydirlār*.

Ҳам ҳозирги, ҳам келаси замонга эҳтимоли бўлган феъллар мисоли: *kelirmān*, *kelirbiz*, *kelirsān*, *kelirsiz*, *kelir*, *kelirlār*.

«Китоб-и таржумон-и туркий»да таъкидланишича, «қипчоқ тили»да ҳозирги замон феълининг тингловчи бирлиги ўзакка *-ar-sen*, *-ār-sen* бўлишсиз шакли эса *-maz-sen*, *-māz-sen* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади: *čizar-sen* – «ёзарсан, ёзясан», *čizmaz-sen* – «ёзмассан, ёзмаясан». Тингловчи кўплиги ҳосил қилинмоқчи бўлганда тингловчи бирлигидаги *-sen* қўшимчаси *-siz* билан алмаштирилади.

Ўзга бирлиги феъл ўзагига *-ar*, *ār*, бўлишсиз шакли эса *-maz*, *-māz* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Тингловчи кўплиги бирлигидаги бўлишли ва бўлишсиз шаклига *-lar*, *-lār* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади.

Сўзловчи бирлиги *-ar-men*, *-ār-men*, бўлишсиз шакли *-maz-men*, *-māz-men* қўшимчаси билан ҳосил қилинган: *čizar-men* – «ёзарман, ёзясман», *čizmaz-men* – «ёзмасман, ёзмаясман». Сўзловчи кўплигида сўзловчи бирлигидаги *-men* қўшимчаси *-biz* билан алмаштирилади (КТТ. 69).

«Қутадғу билиг»да ҳозирги-келаси замон *-yalir*, *-gābir* қўшимчаси билан ифодаланган:

Sewinč, arzu, ne'mat turu qalyalir,
Saqiñč, qađyu, meñnat meñā kelgābir.

«Севинч, орзу, неъмат қолиб бораётир,
Алам, қайғу, меҳнат менга юз уриб келаётир» (QBN. 45b,6).

Келаси замон феъли

Маҳмуд Кошғарий келаси замон феъли тўғрисида шундай ёзади: Келаси замон феъли барча феъл турларида ҳам *rā* қўшиб ясалади. Ўзак охири *rā* билан битган сўзларда *rā* такрорланади. Бири асл *rā* бўлади,

иккинчиси келаси замон феълини ясовчи *rā* бўлади. Келаси замон феълларидаги *rā* ҳарфи араб тилида келаси замон феъли белгиси сифатида қўлланувчи *alif, tā, nūn, uā* ҳарфлари вазифасидадир. Агар феъл ўзагида *rā* бўлмаса, у вақт келаси замон феълининг белгиси сифатида феълга бир *rā* орттирилади.

Келаси замон феъли ва буйруқ шаклини ясаш қоидаси: ўтган замон феълида *dāl* ҳарфидан олдин *rā* ҳарфи бўлса, у қолдирилиб, ўтган замон феъли қўшимчаси *-di, -di* туширилади, бир *rā* ҳарфи орттирилади. Буйруқда ҳам қоида шу. Ўтган замон феълини ясайдиган *-dī, -di* туширилгач, ўзақдаги *rā* ҳаракатсиз қолади. Ўзақ таркибида бор бўлган ҳарфларга келаси замон феъли қўшимчаси сифатида бир *rā* қўшилади. Агар ўтган замон феълида ёки буйруқда *rā* бўлмаса, келаси замон феъли қўшимчаси сифатида ўзақ таркибида бўлмаган бир *rā* ҳарфи орттирилади. Чунончи, *bardī* ўтган замон феълида *-dī* қўшимчасидан олдин *rā* бор. Бу феълнинг буйруғи *bar-* бўлиб, қўшимча ташлангач, ўзақ охирида *rā* қолади. Бу *rā* ўзақнинг ўзида бор ҳарфдир. Шу ўзақдан келаси замон феъли ясаш учун яна бир *rā* орттирилади: *ol barīr* каби; *ol turdī* гапидаги *turdī* феъли ҳам шундай. Бу феълнинг буйруғи *tur-* бўлиб, унинг келаси замон шакли *turur* бўлади: *ol yuqaru turur*. Бу феълда иккита *rā* бор: бири ўзақники, иккинчиси келаси замон феъли қўшимчаси. Ўғузлар ихчамлаштириш учун буларнинг бирини кўп феълларда ташлайдилар. Буйруқ шаклларида бўлгани каби, келаси замон шаклини ҳам бир *rā* билан қўллайдилар. Бу ҳам яхши эмас, ҳам қоидага хилоф. Ўзақда *rā* ҳарфи бўлмаган *keldi* феълининг буйруғи *kel-* дир. Бунинг келаси замон шакли *kelir* дир. *kūldi er* гапидаги *kūldi* феъли ҳам ўзагида *rā* ҳарфи йўқ бўлиб, келаси замон феъли ясаш учун *rā* орттириб (*kūlūr*) тарзида ясалган. Ўзақда *rā* ҳарфи бўлмаган феълларда ўғузлар туркларга эргашадилар. Бу қоида уч ҳарфли, тўрт ҳарфли ва ундан ортиқ ҳарфли феълларнинг ҳаммасида умумийдир (ДЛТ, 219).

Келаси замон феъли *-yaу, -gāу / -qay, -kāу* аффикси билан ҳам ҳосил қилинади. Бўлишсиз шакли унинг олдидан *-mā, -ma* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Amtī ečim taluyqa barīp erdāni kelürsār, taqī ayīrlīy bolıyay, men taqī učuz bolıyay-men, tep saqīntī. – «Агар акам денгизга бориб жавоҳир келтирса, у яна ҳам қадр топади, мен эса яна қадрсиз бўламан», – деб ўйлади (АТ, 284).

*Bođun tili yawlaq, seni sözlägäy,
Kiři qılqı kirtüč, etiņni yegäy.*

«Халқнинг тили ёмон, сени сўзлайди,
Кишиларнинг феъл-атвори ҳасадгўй, этингни ейди» (QBN. 13a,14).

Ёдгорликларда келаси замоннинг *-yaу, -gāу / -qay, -kāу* аффикси *-ya, -gā / -qa, -kā* шаклида ҳам қўлланади: *Biligsiz ne bilgā bilig qiymati.* – «Билимсиз билимнинг қадрини қаердан ҳам биларди» (QBN. 23b,11).

Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор» асарида:

*Tā-ki ajal kelsā, nečük qilya-sen,
Qay birini qač' qila bilgā-sen* (ME, 534).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да таъкидланишича, «қипчоқ тили»да келаси замоннинг тингловчи бирлиги феъл ўзагига *-ya-sen*, бўлишсиз шакли *-taуa-sen* қўшимчасини қўшиш йўли билан ҳосил қилинган: *čizya-sen* – «ёзажаксан», *čizmaya-sen* – «ёзмаяжаксан». Тингловчи кўплигида бўлишли ва бўлишсиз ҳолатидаги *-sen* ўрнида *-siz* қўлланилади.

Келаси замоннинг ўзга бирлиги феъл ўзагига *-yaу*, бўлишсиз шакли *-taуaу* қўшимчасини қўшиш йўли билан ҳосил қилинади: *čizyaу* – «ёзажак», *čizmaya* (*čizmayaу?*) – «ёзмаяжак».

Ўзга кўплиги ўзга бўлишли ва бўлишсиз бирлик шаклига *-lar, -lār* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади.

Сўзловчи кўплиги феъл ўзагига *-ya-biz*, бўлишсиз шакли эса *-taуa-biz* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади: *čizya-biz* – «ёзажакмиз», *čizmaya-biz* – «ёзмаяжакмиз». Сўзловчи бирлигида бўлишли ва бўлишсиз кўплик ҳолатидаги *-biz* ўрнида *-men* қўлланилади (КТТ. 67 – 68).

«Аттуҳфату-з-закийату филлуғатит туркийа»да ёзилишича, сифатдошнинг *-asi, -āsi* қўшимчаси ҳам келаси замон феълининг белгисидир: *kelāsimān, kelāsisān, kelāsisiz, kelāsi, kelāsilār.* Туркманлар бу феъл учун *kelājākmān, kelājākbiz* шаклини, баъзан *kelāsārmān, kelāsārbiz* ни ҳам қўллайдилар (АЗФТ, 121).

Эски ўзбек тили даврида келаси замон *-qu, -kü / -yu, -gū* аффиксига шахс-сон, баъзан *turur~durur > -dur, -dūr / -tur, -tūr* ни қўшиш билан ҳам ҳосил қилинган. Масалан, SD да: *saḷum, tapquṇ, körgüsi, sorḷusi-dur.*

РАВИШ ТУРКУМИ

Равишлар иш-ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, белгининг белгисини англатади. Улар иш-ҳаракат ва ҳолатнинг қай ҳолда, қай равишда бажарилаётганини билдиради.

Равишлар морфологик жиҳатдан ўзгармас бўлиб, кўпинча феълларга, баъзан сифат ва отга, равишнинг ўзига ҳам боғланиб келиши мумкин.

Равишлар турланиш ва тусланиш хусусиятига эга эмас, феълга боғланиб гапда кўпинча ҳол вазифасида келади.

Белги билдирувчи сўз бўлгани учун равишлар сифатга яқин туради. Фарқи шундаки, сифатлар отнинг белгисини англатса, равишлар ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини англатади. Белги билдирувчи баъзи сўзларни алоҳида олганда унинг сифат ёки равиш эканини ажратиб олиш қийин. Шунинг учун сўзларни доим гап таркибида, ҳеч йўқ, бирикма таркибида текшириш керак. Масалан, *яхши* сўзини олсак, *Уяхши йигит* дейилганда сифат бўлади; *Йигит яхши гапурди* деганда эса равиш бўлиб келади. Тилимизда бундай сўзлар кўп.

Тил тарихида ҳам шундай, грамматик қоида ўзгармайди. Фарқи, ўтмишда ишлатилган равиш туркумига оид сўзлар ва қўшимчаларнинг айримлари истеъмолдан чиқиб кетган.

Ёзма ёдгорликлар тилида ҳам равишлар ҳолат, миқдор-даража, ўрин, пайт маъноларини билдиради.

Тил тарихида равишлар аффиксация усулида куйидаги қўшимчалар билан ясалган:

-la, -lā аффикси. *Bir tilkü terisin ikilä soymas.* – «Бир тулки териси икки бор шилинмайди» (ДЛТ, 409).

-ča, -čā аффикси: *Äkinti kün kälti, örtčä qizip kälti.* – «Иккинчи кун келди, ёнғиндай қизиб келди» (Топ. 40); *Muḡar meḡzatu keldi türkčä masal.* – «Бунга ўхшайдиган туркча масал бор» (QBN. 18b,5); *Törüčä ayu berdi tekmä işi.* – «У турли ишларни қоидаси билан айтиб берди» (QBN. 64a,3);

*Kišänlig körämäz, keräkčä yurir,
Tišäyliḡ yiramaz, tiläkčä barir.*

«Кишанланган (жонивор) кўздан қочмайди, керакли ерда юради,
Тушовланган (жонивор) узоқлашмайди, эгаси истаган ерда бўлади» (QBN. 18b,2).

*Boḡuzqa yeyimčä azunda yedim tab,
Eginkä kedimčä egindä kedim tab.*

«Бўғизга ейиш учун керагича жаҳонда ризқ етарли,
Эгинга кийиш учун керагича эгинда кийим етарли» (QBN. 138b,5).

-di, -di / -ti, -ti аффикси: *Yelmä, qarḡu edgüti urḡil.* – «Елма, қоровулни яхшилаб қўй» (Топ. 34); *Sabimîn tükäti ešidgil.* – «Сўзимни тугал эшитгил» (Ка. 1); ... *bu sabimîn edgüti ešid, qatiydi tiḡla* – ... «бу сўзимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла» (Ка. 1); *Qatiyti ba, edgüti ba.* – «Қаттиқ боғла, яхшилаб боғла» (ИБ.).

-layu, -läyü аффикси. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида шундай тўртлик бор:

*İwriq başi qazlayu,
Soyraq tolu közläyü.
Saqinč quđi kezläyü,
Tün-kün bilä sewnālim.*

«Ивриқ [май идиш]нинг боши ғоз кабидир, туби кўз (косаси) сингари тўлган. Қайғуларни куйи кўмайлик-да, кеча-кундуз севинайлик» (ДЛТ, 53).

Яна бир тўртликда:

*Öpkäm kelip oyradim,
Arslanlayu kökrädim.
Aplar başin toyradim,
Emdi meni kim tutar?*

«Аччиғим келиб (ёвга қарши) хезландим, арслон каби наъра тортидим. Алпларнинг бошини кесдим, энди мени ким (ҳам) тута оларди?» (ДЛТ, 63)

-täg~teg аффикси. Илмий адабиёт ва қўлланмаларда *teg~deg / tek~dek* ни «қўшимча» дейдилар. Келиб чиқишига кўра бу қўшимча эмас, ўхшатиш кўмакчисидир. У тарихан *teg-* феълидан ҳосил бўлган. *Чоғиштиринг: Biligli, uquyli tiläkkä tegir.* – «Билимли, укувли тилакка етади» (QBN. 12b,14). Махмуд Кошғарийда: *ol ewkä tegdi* – «у уйга ва бошқа жойга етди». Мақолда (шундай келган): *Ewäk ewkä tegmäs*. Маъноси: «Шошган киши уйига ета олмайди» (ДЛТ, 214). Ёки ҳозирги ўзб.: *оғзи ошга тегди* дейилади, бу ибора «оғзи ошга етишди» деганидир.

Шунинг учун у сўзларга бирикканда фонетик жиҳатдан ўзак-негиз билан уйғунлашмайди, ўз кўринишини сақлаб қолади. Бу кўпроқ қадимги туркий битигларга хос. Масалан: *Tāğri küč bertük üčün qağim qağan süsi böri-teg ermis, yağisi qoñ-teg ermis.* – «Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридек экан, душмани қўйдек экан» (К. 12). Келтирилган жумлада у ингичка талаффузли *böri* сўзига ҳам, йўғон талаффузли *qoñ* сўзига ҳам бир хилда қўшилган: *böri-teg, qoñ-teg*.

Шунга қарамай, баъзи ҳолларда боғланаётган сўзнинг табиатига (йўғонлигига) мослашуви ҳам мумкин: *anday~andaq, munday~mundaq* сингари.

Ҳозирги ўзбек тилида ушбу аффикс *-дек~дай* шаклларида ишлатилаётир: *кўдек~кўгдай, қўйдек~қўйдай*.

От туркумидаги сўзлар келишик қўшимчасини олганда равишга айланиши мумкин. Масалан: *İlgärü Şantun yaziqa tägi sülädim, taluyqa kičig tägmädim. Birgärü Toquz ärsänkä tägi sülädim, Tüpütkä kičig [täg]mädim.* – «Шарққа – Шантунг даштига қадар лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга – Тўғуз арсанга қадар лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим» (Ка. 3).

Ёки яна бир мисол: *Anta ötrü oғuz qorun kälti.* – «Шундан сўнг ўғуз бутунлай (таслим бўлиб) келди» (Топ. 16).

Ёдгорликларда равишларнинг қиёсий даражаси *-raq, -rāk* қўшимчаси билан ҳосил қилинади.

Орттирма даража *ked~кед, еғ* каби сўзлар ёрдамида ифода этилган: *Tilīy кеб көдäzgil, көдäzildi баš.* – «Тилингни жуда сақлагил, бошинг ҳам сақланади» (QBN. 13b,9); *Bularda еғ üstün Sekäntir yurir.* – «Булардан энг юқорида Сакантир юради» (QBN. 12a,4).

Битигларда равишлар жуфт ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, *ädgüti* «яхши, дуруст» дегани, матнда у *ädgüti-ariti* шаклида қўлланиб, «ихлос билан, эҳтиром билан» маъносини беради. Мисоли: *Bir ayqi č(a)xsap(a)t(i)γ ädgüti-ariti tutu umad(i)m(i)z ärsär.* – «Бир ойлик дин кўрсатмаларини эзгулик билан, ихлос билан тута олмаган бўлсак» (Huast. 132 – 133).

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

Боғловчилар

...li ...li, /...li ...li боғловчиси. Ҳозирги ўзбек адабий тилида уюшиқ бўлақлар ҳамда жуфт сўзларда ишлатиладиган *ва* ёки *-у* боғловчиларининг ўрнида қадимги туркий тилда *...li ...li, ...li ...li* боғловчиси қўлланган.

Мисол: *Saqintim, turuq buqali sāmiz buqali arqda bilsär, sāmiz buqa, turuq buqa täyin bilmäz ärmis, täyin anča saqintim.* – «(Сўнг) ўйлаб қолдим: «(Биров) туруқ буқа билан семиз буқани тезагидан билса, (бирова бу) семиз буқа, (бу) туруқ буқа дея билмас эмиш [яъни семиз буқа билан туруқ буқани ажратолмас экан]», деб шундай ўйладим» (Топ. 5 – 6); *Bu sawiy ilig begli xatunli ešidip...* – «Бу хабарни элиг бек ва хотини эшитиб ...» (AYar. 281); *Adiyli toғuzli art üzä soqušmiš ermiš.* – «Айиқ ва тўнғиз тепалик устидан тўқнашибди» (ИБ, 6); *T(ä)ñrili yäkli nädä ötrü sünüşmiš y(a)ruqli q(a)rali q(a)lti qatilmış yirig t(ä)ñrig kim y(a)ratmiš tipän bilt(i)m(i)z.* – «Тангри ва

иблис нима сабаб урушдилар, ёруғлик билан зулмат қандай қилиб қо-ришдилар, ерни, осмонни ким яратганини билдик» (Huast. 73 – 75).

Ушбу боғловчи эски туркий тил даврида ҳам ишлатилган. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийда шундай мақол бор: *Etli tiriñaqlī edirmās*. Маъноси: «Эт тирноқдан айрилмас»; *сўзма-сўз*: «Эт ва тирноқ айрилмас» (ДЛТ, 85).

Ёки «Кутадғу билиг»да:

*Uqušlī biligli edi edgü nāñ,
Qalī bulsañ iślät, učüp kökkä teñ.*

«Заковат ва билим – жуда эзгу нарса,

Агар (уларга) эришсанг, ишлат, учиб кўкка тенг [кўкка тенглаш, кўк-ка кўтарил]» (QBN. 15a,5).

-и ҳамда **ва** боғловчилари. XI юзйилликдан туркий тилларга **-и** ҳамда **ва** боғловчилари ҳам ўзлаша бошлади. **-и** форсча, **ва** эса араб тилидан ўзлашган. Кейинчалик ушбу боғловчилар қадимги туркий *...li ...li, / ...li ...li* боғловчисини сиқиб чиқарди. Шунга қарамай, қадимги *...li ...li, / ...li ...li* айрим ўзбек шеваларида ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Араб ёзувли матнларда **-и** ҳамда **ва** боғловчилари фарқланмайди, ик-калови ҳам *vāv* билан берилади. Лекин уйғур хатида улар бир-биридан фарқли ҳолда ёзилган. Бироқ ушбу боғловчиларнинг қўлланилишида қатъий қоида бор. Матнда **-и** боғловчиси жуфт сўзларни, уюшиқ бўлак-ларни бир-бирига боғлайди, киши ё нарса отлари саналганда ишлати-лади. **ва** боғловчиси эса гап тугагандан сўнг, иккинчи гап бошланганда ишлатилади, қўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро боғлайди, **-и** боғловчиси қўлланган жуфт сўзларни ҳамда синоним сўзларнинг бир гуруҳини иккинчисига боғлаш учун ишлатилади (Абдураҳмонов, Руста-мов 1984, 143 – 144).

-и боғловчиси ундош билан тугаган сўзларга **-и**, унли билан тугаган сўзларга эса **-ви** шаклида қўшилади. Ҳозирги ўзбек адабиётшуносли-гида Навоий асарларини «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» деб атаяпмиз. Аслида эса уларни «Фарҳод-у Ширин», «Лайли-ву Мажнун» деб айтганимиз тўғри бўлади.

Шунингдек, матнда таъкид юкламаси **-и** ни ҳам фарқлай олиш керак. Чунки араб ёзувли матнларда у ҳам *vāv* билан ёзилади. Ундош билан ту-гаган сўзларга **-и**, унли билан тугаган сўзларга эса **-уи** шаклида қўшилади.

Буни Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат»да Адиб Аҳмад ҳақида ёзган қуйидаги сатрларида яққол кузатса бўлади: «... *Derlār-ki, közlāri bütāw ermiš-u ašlā zāhir ermās ermiš. Bašīr bolup özgā bašīrlar-deg*

andaq emäs ermiş-ki, köz bolıyay-u, körmäs bolıyay, ammā bagāyat zīrak-u zakī va zāhid-u muttaqī kişi ermiş. Haq subhānahu va ta'ālā agarči zāhir közin yarıq yaratqandur, ammā köñli közin bayāyat yaruq qilyandur. ... anıñ tili türk alfāzī bilä mavā'iz-u naşāyihqa göyā ermiş. Xeli elniñ muqtadāsī ermiş, balki aksar Türk ulusida hikmat-u nuktaları şāye'dur va nazm çariqi bilä aytur ermiş ...» (НМ, 333).

Ушбу матнда *köz bolıyay-u, körmäs bolıyay* жумласидаги *-u* боғловчи эмас, юкламадир. Қолганлари боғловчи бўлиб келган.

Хусайн Бойқаро қаламига мансуб қуйидаги байтга ҳам эътибор беринг:

*Husn ilä sen kāmīl-u, Şirin-u Layli şuhratī,
İşq ara men zār olup, Farhād-u Majnun tuhmatī* (Мажолис, 139).

Мисолда *kāmīl-u* даги *-u* юклама, жуфт сўзлар орасидаги *-u* эса боғловчидир.

Яна бир мисол. Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида туркий тилда нозик маънолари билан ажралиб турувчи юзта феълни кетма-кет келтирган. Қўлёзмада бу феъллар бир-бирига *vāv* ҳарфлари билан улаб кетилган. Асарни нашрга тайёрлаган мутахассислар, одатда, феълларнинг ўртасидаги *vāv* ни доимий ҳолда *va* сифатида келтирадилар: *quwartaq va quruqşataq va üşärmäk va jüyjautaq ...* сингари. Аслида, икки сўз орасидаги *vāv* ни *-u*, жуфтликлар орасидагиларни эса *va* деб берилгани тўғридир: *quwartaq-u quruqşataq va üşärmäk-u jüyjautaq ...* сингари. Шундай қилинганда грамматик жиҳатдан тўғри йўл тутилган бўлади, ритм (оҳанг) ҳам таъминланади.

ham – бириктирувчи боғловчиси. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида:

*Fidā qıldi barin, nāñi ham özin,
Yalawaç anar berdi iki qizin.*

«Барини – нарсасини ҳамда ўзини фидо қилди,
Ялавоч унга икки қизини берди» (QBN. 9b,1).

*Ularınñ tañuqi kelir ham barir,
Meniñ bu tañuq boldi māñü qalir.*

«Уларнинг совғаси келувчи ҳам кетувчидир [яъни ўткинчидир],
Менинг бу совғам (эса) мангу қоладиган бўлади» (QBN. 11a,14).

ya боғловчиси инкорни билдиради. У такрорланиб ҳам ишлатилиши мумкин:

*Yurimaz ya yatmaz, uđimaz uđuy,
Ya meňzäg, ya yaňzay kötürmäz boduy.*

«(У) юрмайди ё ётмайди, ухламайди, (у) уйғоқ,
Ё менгзайдиган, ё ўхшайдиган сифати йўқдир» (QBN. 8a,3).

*Yer yüzidin yel bilä qoruyan çubär
Ya qaş erür, ya köz erür, ya 'udär* (ME, 466).

azu боғловчиси. Ҳозирги ўзбек тилидаги ёки боғловчисининг ўрнида *azu* боғловчиси қўлланган ва ўшанинг вазифасини ўтаган: *Qayan olurup, yoq, čiyaň bodunuy qor qoburtdim. Čiyaň bodunuy bay qiltim, az bodunuy öküš qiltim. Azu by sabimda igid baryu?* – «Хоқон бўлиб, йўқ, қашшоқ халқни бутунлай оёққа қўйдим. Қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни қупайтирдим. Ёки бу сўзимда ёлғон борми?» (Ka. 9 – 10)

Ушбу боғловчи ора-чора такрор ҳолда ҳам ишлатилади: *Azu miň üçün azu buš birgäli qizyanip yiti türlüg buš ariy nomqa tükäti birü umadimiz ärsär.* – «Ёки қайғу-мусибатга атаб эҳсон бергани қизғаниб етти хил эҳсон, чин ақоидга буткул бера олмаган бўлсак» (Huast. 107 – 108);

*Aniň oxşayı yoq azu meňzägi,
Netäglikkä yetmäz ħamiyyat ögi.*

«Унинг ўхшаши ёки менгзайдигани йўқ,
Қандайлигига табъларнинг фаҳми етмайди» (QBN. 8a,2);

*Esiz-mu seňä yeg azu eđgü-mu,
Söküş-mu qulur-sen azu ögdi-mu?*

«Сенга эсизлик яхшими ёки эзгуликми?
Сўкилишни истайсанми ёки мақтовними?» (QBN. 16a,5).

ara боғловчиси. Ҳозирги форсчадан ўзлашган *goxo* боғловчисининг ўрнида эскида *ara* боғловчиси қўлланилган. У такрорланиб келиши ҳам мумкин:

*Til asyi telim bar, basinma öküš,
Ara ögdilür til, ara miň söküš.*

«Тилнинг фойдаси талайдир, ортиқча ҳовлиқма,
Тил гоҳо мақталади, гоҳида минг сўкиш эшитади» (QBN. 13b,10).

keräk сўзи ҳам ўрни билан такрор қўлланиб, боғловчи бўлиб келиши мумкин:

*Keräk beg, keräk qul ya eḏgü, esiz,
Özi öldi ersä, atı qaldı iz.*

«Хоҳ бек, хоҳ қул ё эзгу, ёмон (бўлсин),
Ўзи ўлгандан кейин изидан оти қолади» (QBN. 15b,11).

*Teñizdin čiqarmasa yünčü kiši,
Keräk yünčü bolsun, keräk say taši.*

«Киши денгиздан инжуни чиқармаса,
У хоҳ инжу бўлсин, хоҳ сой тоши (бўлсин, фойдаси йўқ)» (QBN. 15a,2).

-ki боғловчиси. Ҳозирги ўзбек тилида **-ki** боғловчиси эргаш гапни бош гапга боғлашга хизмат қилади. Ўзбек тилшунослигида **-ki** боғловчиси форс тилидан ўзлашган, содда гаплари **-ki** боғловчиси билан бириккан қўшма гапларни форсий қолипда юзага келган деб қаровчилар ҳам бор. Таъкидлаш керакки, туркий тиллардаги **-ki** боғловчиси тарихан **-kim** нинг қисқарган шаклидир (**-kim>-ki**). Қадимги туркий ёдгорликлар тилида **kim** икки хил вазифада келади:

(1) Кишилиқ олмоши. Масалан: *Kim taluyqa barayin tesär, kirinlär, oylum tiginkä eš boluñlar. Ne kergäkin barča bergäy-biz. Kim yerči suwči, kemäči bar ersär, yemä kelzün.* – «Ким денгизга бораман деса, қошимга киринглар, ўғлим шахзодага эш бўлинглар. Нима керак бўлса, барини бергаймиз. Ким йўлбошловчи, денгизчи, кема бошқарувчиси бўлса, у ҳам келсин» (АТ, 283).

(2) Боғловчи бўлиб келади, қўшма гапларда эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг: *Luu xanlarinta Ćintamani erdäni bar-kim, ülüglüg qutluy kiši ol erdäni bulsar, qamaу tinliylarqa asiу tusu qilur.* – «Аждар хонларида Чинтамани жавоҳири борким, насиб этган бахти бор киши ўша жавоҳирни топса, ҳамма жонзотларга фойда келтиради» (АТ, 283); *Men bu muntuda yigräk Ćintamani erdäni alyali barayin-kim, qayu tinliylarqa tüzü tükäti asiу tusu qilu usar-men.* – «Мен бу ерда қолиб яхшироқ Чинтамани жавоҳирини олиш учун бора-йинким, қай жонзотларга тугал фойда келтира оламан» (АТ, 284).

Классик шеърларнинг ҳозирги нашрларида *-kim, -ki* боғловчилари байтнинг иккинчи қаторида кечган ўринларда кўпинча тиниш белгисини хато қўядилар: уларда вергул биринчи қатор охирига қўйиб кетилади. Бунда қўшма гапнинг кейинги гапи гўё *-kim* ёки *-ki* билан бошлангандек бўлиб қолади. Ваҳоланки, янги гап ҳеч қачон *-kim, -ki* эргаштирувчи боғловчиси билан бошланмайди. Ушбу байтдаги *-kim* ёки *-ki* аввалги сўзга тегишлидир. Шунинг учун вергулни биринчи сатрнинг охирига эмас, кейинги қатордаги *-kim, -ki* дан кейин қўйган маъқул. Ана шунда матн ҳам тўғри англанади.

Масалан, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сида:

Kel ey sāqī, keltürgil lālagun may
Kim, ol may qıldi köpni Xātam-i tay (МН. 177).

Ёки Хўжандийнинг «Латофатнома»сида:

Muḥabbat jāminī ul 'āšiq ičkāy
Ki, avval 'išq ücün jānini kečkāy (ЛК. 299).

Ҳозирги форсчадан ўзлашган *агар, гарчи* боғловчилари ўрнида эскида *qalī~xalī, арағ~абағ* боғловчилари қўлланган.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *qalī* – «қандай; агар; башарти» маъносидаги сўз: *bu sen bu işiy qalī qıldiñ?* – «сен бу ишни қандай қилдинг?», *sen qalī barsa-sen* – «агар сен борсанг» каби (ДЛТ, 404).

Маҳмуд Кошғарийда: *арағ sen barsa-sen* – «агар сен борсанг» (ДТС, 67). «Қутадғу билиг»да:

Qalī munday ersā yoriq otru ur,
Yoriq otru ursa, kişig yuqlatur.

«Гарчи шундай экан, ўртача йўриқ тут,
Йўриқ ўртача бўлса, кишини юксалтиради» (QBN. 13b,8);

Aрағ munda taştin bolur ersā aş,
Aғar barmasa yeg, köñül bolıya baş.

«Агар бундан бошқа зиёфат бўладиган бўлса,
Унга бормаган яхши, кўнгил яраланади [яъни оғриб қолади]» (QBN. 166a,11).

*Arañ iki aʒun qulur ersä sen,
Oti eđgölük-ol qilur ersä sen.*

«Агар икки дунё фароғатини тилар бўлсанг,
Чораси эзгуликдир, гар қилмоқчи бўлсанг» (QBN. 15b,1).

*Yayıy qutni balsa, eđi yegrü tut,
Qali beklämäsä, yana bardı, büt.*

«(Мабодо) беқарор қутга етишсанг, (уни) жуда яхшилаб тут,
Агар қаттиқ тутмасанг, яна қайтиб кетади, ишонгин» (QBN. 32a,12).

valekin «ва лекин» боғловчиси:

*Qali sen oqiyin tesä-sen kişig,
Oqiyil, valekin ked etkil işig.*

«Агар сен кишини таклиф қилайин десанг,
Таклиф қилгин, ва лекин тараддудни яхши кўриб қўй» (QBQ. 144a,1).

gāh ... gāh ... айирув боғловчиси. XV асрдан бошлаб эски ўзбек тилида форсчадан ўзлашган **gāh ... gāh ...** айирув боғловчиси ҳам ишлатила бошлади:

*Gāh tilāp dard-i dilimya davā,
Gāh sorup ranj-i ʒatimya šifā* (ME, 86).

Шунингдек, эски ўзбек тили даври ёдгорликларида, шу билан бирга, *lekin~vale~lek, čun~ču, čun~kim, hamānan~ki~hamānan~kim, tā, andaq~ki~andaq~kim, āylā~ki~āylā~kim, hamu~l nav'~ki~hamu~l nav'~kim, agar~gar, agarči~garči, nečā~ki~nečā~kim, anda~ki~anda~kim* боғловчилари ҳам амал қилган.

Кўмакчилар

Кўмакчилар восита, мақсад, сабаб, вақт, макон ва шу каби муносабатларни билдириш учун қўлланадиган сўзлардир.

Ёдгорликлар тилида *birlā~bilā, üčün, üzā~üzrā, icrā, icindā, ara, ötrü, tapa~taba~taparu, uđu~uzu, basa, soñ, qat, aşnu, burun, kedin~keđin~keyin, baru, tāgi~tegin~degin, kibi* кўмакчилари қўлланган.

birlä~bilä кўмакчисининг маънолар кўлами ва вазифаси ўта кенг. У ўзи боғланган сўз билан бирликда «бирлик, ҳамкорлик; қурол-восита; иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг изчиллиги, кетма-кет юз бераётгани; ҳаракат ва ҳодиса, нарса-буюм, жонлиқ ёки кимсанинг ўзи билан чекланиш» сингари ўнлаб маъноларни англатади: *Ācim qayan birlä ilgärü Yašil ögüz, Šantuñ yaziqa tägi sülädimiz, qurıyaru Tämır qapıyqa tägi sülädimiz.* – «Амаким хоқон билан шарққа Яшил ўгуз, Шантунг даштига қадар қўшин тортдик, ғарбга Темир қоппиққа қадар қўшин тортдик» (К. 17); *Bir qayqa birlä qış kelmäs.* – «Бир қарға билан қиш келмайди» (ДЛТ, 216); *Alplar birlä uruşma, beglär birlä turuşma.* – «Ботирлар билан урушма, беклар билан хусуматлашма, тиклашма» (ДЛТ, 86); *Otuñ uduyč birlä oçurmas.* – «Ўт аланга билан ўчирилмас». Кошғарийнинг изоҳига кўра, бу мақол «Тўполонни [фитнани] тўполон [фитна] билан эмас, сулҳ билан бостириш мумкин» деган мазмунда қўлланади (ДЛТ, 84 – 85).

üčün кўмакчиси ўзи боғланган сўз билан бирликда «мақсад; сабаб; аталганлик, бағишланганлик; эваз» сингари маъноларни англатади: *Tāñri yarlıqaduq üčün öküş täyin, biz qorqmadimiz, sünüşdimiz.* – «Тангри ярлақгани учун кўп дея биз қўрқмадик, урушдик» (Топ. 40 – 41); *Āltāris qayan bilgäsın üčün, alpın üčün Tabıaçqa yäti yigirmi sünüşdi, Qıtañqa yäti sünüşdi, Oyuzqa bäs sünüşdi.* – «Элтариш хоқон алломаси билан бўлгани учун, алпи билан бўлгани учун Табғачга ўн етти бор жанг қилди, Қитанга етти бор жанг қилди, Ўғузга беш бор жанг қилди» (Топ. 48 – 49); *Tāñri yarlıqaduqın üčün, ö] züm qutum bar üčün qayan olurtum.* – «Тангри ёрлақгани учун, қобилиятим, бахтим бор учун хоқон бўлдим» (Ка. 9); *Yigitlik üčün buldı dunyā nāñi.* – «Дунёнинг нарсалари йигитлик учун яралди» (QBQ. 145b,5).

Бу кўмакчи ўрни билан «туфайли» маъносида келиб, иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юз беришига туртки бўлган нарса ёки кимсани ҳам билдиради: *Üzä on qat kök, asra säkiz qat yir biş t(ä)ñri üčün turur.* – «Юқорида ўн қат кўк, пастда саккиз қат ер беш тангри туфайли турур» [яъни «улар беш тангридан яралган» дейилмоқчи] (Huast. 15 – 16).

üzä~üzrā кўмакчиси мавқе ва босқичга эришганликни, иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг муайян объект ёки нарса сатҳи (сирти, юзаси) бўйлаб юз бераётгани, шунингдек, бирор нарса кетидан ёки ундан бурун бажарилаётганини билдиради: *Toquz oyuz bodun üzä qayan olurti, tir.* – «Тўғуз ўғуз халқи устидан (бир) хоқон тахтга ўтирди», – дер» (Топ. 9); *Ācim qayan olurtuqda özüm tarduš bodun üzä šad ärtim.* – «Амаким хоқон бўлиб турганда ўзим тардуш халқи уза шад эдим» (К. 17); *Sartniñ azuqi ariy bolsa, yol üzä yer.* – «Савдогарнинг моли тоза, бешубҳа бўлса, йўл устида ейди» (ДЛТ, 40); *Kişi aš yesä, sen üzä içgü tut.* – «Киши ош еса, сен кетидан ичимлик тут» (QBQ. 144a,10).

Ёки яна:

*Señā tegdi emdi bu ordu, orun,
Köçüñni özündän üzä id burun.*

«Энди бу ўрда, ўрин [яъни мансаб-мартаба] сенга тегди,
(Шундан фойдаланиб) кўчингни ўзингдан олдин, бурун жўнат [яъни
халққа улашиб юбор]» (QBQ. 162b,15).

Баъзан тилак (масалан, қарғиш ёки олқиш)нинг нарса ё кимсага қартилаётганини ҳам англатади: *Tāñri qarǵışı anīñ üzä.* – «унга Худонинг лаънати (бўлсин)» (ДЛТ, 183).

içrā кўмакчиси иш-ҳаракат, ҳолат ёки воқеа-ҳодисанинг бирор ўрам ичида, оралиқда юз бераётганини билдиради:

*Tünäk-ol bu dunyā, ey dunyā begi,
Tünäk içrā bolmaz saqinčdan oñi.*

«Бу дунё зиндондир, эй дунё беги,
Зиндон ичра аламдан бошқа (нарса) бўлмайди» (QBQ. 163a,6).

ara кўмакчиси «оралиқ, ўрталиқ» маъноларини англатади:

*Qalī bilmās ersāñ tađuñ belgülüg,
İsigli soyıqlı ara bir ülüg.*

«Агар мизожингни аниқ билмайдиган бўлсанг,
Иссиқлик ва совуқлик ўртасидаги бир ўлчовга (амал қил)» (QBN. 167b,12).

«Китоб-и таржумон-и туркий»да: *aramizda* – «орамизда», *aralarında* – «ораларида», *aranizda* – «орангизда» (КТТ. 74).

otru кўмакчиси «қарши; юзма-юз» маъноларини англатиб, иш-ҳаракат, ҳолат ёки воқеа-ҳодисанинг бирор нарса ёки кимсанинг қаршисида, у билан юзма-юз, қарама-қарши содир бўлаётганини билдиради. Масалан, Хўжандийнинг «Латофатнома»сида:

*Közün oq atsa, jān oturu tutar-men,
Kişigā tegmäsün dep qan yutar-men* (ЛК. 232).

tapa~taba~taparu кўмакчиси жой, йўналиш муносабатини ифодалайди. Булардан *tapa~taba* сўзи «томон; тараф» маъносини беради: *Altı*

çub soydaq tapa sülâdimiz, buzdîmiz. – «Олти чуб [вилоят] суғдлари томон қўшин тортдик, тор-мор қилдик» (К. 31); *Ögdülmiş Odyurmiş tapa barmışın ayur.* – «Ўгдулмиш Ўдғурмиш томон борганини айтади» (QBQ. 5b,8).

taparu сўзи эса «ёққа, томонга» дегани. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *ol meniņ taparu keldi* – «у мен томон келди»; *ol aniņ taparu bardî* – «у унга томон борди». *tapa* «тараф, ён» маъноларидаги сўз бўлиб, унга *rā* ва *vāv* харфлари (-*ru*) кейин қўшилган (ДЛТ, 177).

udu~уду~uzu кўмакчиси турли фонетик вариантларга эга бўлиб, «кетма-кет, изма-из» маъноларида ишлатилади:

*Bōri-mu bolur kõrgil itqa qayar,
Udula ešitsā miņ itlar ūni.*

«Бўри итга қайрилиб қарармиди, кўргин,
Кетидан минг итнинг овозини эшитса (ҳам)» (QBQ. 148a,10).

Ёки яна: *Yayî qačsa, tap qil, eđārmā udi.* – «Ёв қочса, бас қил, изма-из таъқиб қилма» (QBN. 91a,3).

soņ кўмакчиси иш-ҳаракат, ҳолат, воқеа-ҳодисанинг тугаши билан боғлиқ бўлган вақт (пайт) маъносини билдиради. *U ötrü, basa* кўмакчилари билан маънодошдир.

ötrü кўмакчиси *soņ, basa* сўзлари билан маънодош бўлиб, улар билан бир хил вазифада келади. Тўньюқуқ битигида: *Anta ötrü qayanîma ötüntim, anča ötüntim.* – «Шундан сўнг хоқонимга ўтиндим, шундай ўтиндим» (Топ. 12);

*Muņar menžār emdi bu bayt, ey böğü,
Oqiyü muni, ötrü işkâ bayu.*

«Бунга энди ушбу байт мос келади, эй доно,
Буни ўқиш, сўнг ишга боғлаш керак» (QBQ. 150b,17).

basa кўмакчиси *soņ, ötrü* сўзлари билан маънодош бўлиб, улар билан бир хил вазифада келади.

qat кўмакчиси. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *qat* ўғузча; «ён» ва «олд» маъносида ишлатилади; *beg qatında* – «бек ёнида» (ДЛТ, 133).

Хўжандийнинг «Латофатнома» асарида:

*Söz aymaq siz bikin dānā qatında,
Quduq qazmaq erür daryā qatında* (ЛК. 74).

orta кўмакчиси «ўрта, оралиқ» маъноларини англатади. «Китоб-и таржумон-и туркий»да: *ortada* – «ўртада», *ortayizda* – «ўртангизда», *ortalarında* – «ўрталарида», *ortamizda* – «ўртамизда» (КТТ. 74).

üst кўмакчиси «уст, юқорилик» маъноларида ишлатилади. «Китоб-и таржумон-и туркий»да: *üstündä* – «сенинг устингда», *üstünizdä* – «устингизда», *munin üstündä* – «бунинг устида», *anin üstündä* – «унинг устида», *anlar üstündä* – «уларнинг устида», *üstümdä* – «устимда», *üstümüzdä* – «устимизда» (КТТ. 74).

alt кўмакчиси «таг, ост» маъноларида ишлатилади. «Китоб-и таржумон-и туркий»да: *altında* – «остингда», *altinizda* – «остингизда», *munin altında* – «бунинг остида», *anin altında* – «унинг остида», *anlar altında* – «уларнинг остида», *altumda* – «остимда», *altumuzda* – «остимизда» (КТТ. 74).

aşnu кўмакчиси «аввал, дастлаб» маъноларида ишлатилади:

*Tadu bilgü aşnu yaraşiq yesä,
Taduqa yaraşmasni qodyu, osa.*

«Аввал мизожни билиш керак, (сўнг) шунга яраша (овқат) еса бўлади, Мизожга тўғри келмайдиган (овқат)ни қўйиш керак, ўйла» (QBN. 167b,4).

burun кўмакчиси «бурун, олдин; илгари; аввал» маъноларида ишлатилади:

*Señä tegdi emdi bu ordu, orun,
Köçünni özündän üzä id burun.*

«Энди бу ўрда, ўрин [яъни мансаб-мартаба] сенга тегди, (Шундан фойдаланиб) кўчингни ўзингдан олдин, бурун жўнат [яъни халққа улашиб юбор]» (QBQ. 162b,15).

keđin~keđin~keyin кўмакчиси (*keđin*<*ket+in*; «орқа» маъносидаги *ket* сўзидан) *soñ* кўмакчиси билан маънодош бўлиб, иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг тугаши, кейинга қолдирилиши билан боғлиқ бўлган вақтни англатади; турли фонетик вариантларда ишлатилади: *Yawuz bolsa eş-tüş, ökünç yer keđin.* – «(Кимнинг) ёру биродорлари ярамас бўлса, кейин ўкинади» (QBQ. 129b,2); *Seniñdä keđin men tirig turmayin.* – «Сендан кейин мен тирик турмайин» (QBN. 51a,11).

baru кўмакчиси «буён, бу томон, бери» маъноларида ишлатилади:

*Tirāndi, ünāmās baru kelgāli,
Ya eš-tüş, qadaşlar yüzün körgāli.*

«Тираниб олди, буён келишга унамаётир,

Ё дўст-тенгкур, қариндошлар юзини кўришни (истамаяпти)» (QBQ. 120b,5).

«Бошқа, ўзга» маъносида **ayruq** кўмакчиси ишлатилади. Масалан, «Китоб-и таржумон-и туркий»да: *sendān ayruq* – «сендан бошқа», *sizdān ayruq* – «сиздан бошқа», *mundan ayruq* – «бундан бошқа», *anlardan ayruq* – «улардан бошқа», *andan ayruq* – «ундан бошқа», *mendān ayruq* – «мендан бошқа», *bizdān ayruq* – «биздан бошқа». Бунинг бошқа бир шакли *özgā* ва *öñü* сўзларини келтириш билан ҳосил қилинади. Ҳар иккиси ҳам аввалгиси билан айни маънода қўлланади. Булар калималарнинг сўнгига келтирилади (КТТ. 75 – 76).

tāgi~tegin кўмакчиси *қадар* сўзи билан маънодош бўлиб, макон ва замоннинг охирини, шунингдек, иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юз бериш чегарасини англатади: *İlgärü Şantun yazıqā tāgi sülādim, taluyqa kiçig tāgmādim. Birgärü Toquz ärsänkä tāgi sülādim, Tüpütkä kiçig [täg]mādim. Qurıyaru Yinçü ög[üz]käçä Tämır qapıyqa tāgi sülādim. Yıryaru Yär Bayırqu yäriñä tāgi sülādim, bunça yärkä tāgi yoritdim.* – «Шарққа – Шантунг даштига қадар лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга – Тўқуз арсанга қадар лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим. Ғарбга – Йинчу ўғузни кечиб, Темир қопиққа қадар қўшин тортдим. Шимолга – Ер Байирку еригача қўшин тортдим, шунча ерга қадар юриш қилдим» (Ка. 3 – 4); *Qırq yılqa tegin bay çıyau tüzlänür.* – «Қирқ йилгача бой билан камбағал тенглашади» (ДЛТ, 142).

*Qanı ol Tıyardın Batarqa tegi
Yurıp el tutuylı bu dunyā begi?*

«Қани у Шарқдан Ғарбга қадар

Юриб, элларни олган бу дунё беги [яъни Зулқарнайн?】» (QBQ. 146a,6)

sayu кўмакчиси «ҳар сари; турли ёққа» маъноларини беради: *Antayınñin üçün igidmiş qayanıñın sabın almatın yār sayu bardiy. Qop anta alqintiy, ariltiy. Anta qalmışi yār sayu qop turu ölü yoriyur artig.* – «Ўшандайлигинг учун (сени) ардоқлаган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар ерга тарқаб кетдинг. У ерда хўп ғойиб бўлдинг, бадар кетдинг. Ўшандан қолганинг ҳар ерда хўп ўлиб-тирилиб юрар эдинг» (Ка. 8 – 9).

qatla кўмакчиси «марта; қайта» маъноларини беради. Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор»ида шундай келган:

*Altı, yeti qatla tüşä yarmana
Çiqti oşal tam başıya tırmana* (ME, 231).

yoli кўмакчиси «йўла, бора, марта» маъноларини беради: *Bir yılqa biş yoli süñüşdimiz.* – «Бир йилда беш бора жанг қилдик» (Кб. 4).

yañliy кўмакчиси «сингари, ўхшаш» маъноларида ишлатилади: *Ani kimkä qodtuñ bu yañliy körüp?* – «Бу(ндай) алфозда кўра туриб уни кимга ташладинг?» (QBQ. 195b,14).

kibi кўмакчиси. Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор» асарида шундай келган:

*Uy kibi dāyim tilāsā köñli qut,
Sen dayi 'Attār kibi işkā tut* (ME, 563).

Эски ўзбек тили давридан бошлаб булар билан бир қаторда *γayr-i, tagar, nečük-kim, bajuz* кўмакчилари ҳам амал қилган.

Юкламалар

Юкламалар сўз ва гапга қўшимча маъно юклайди. Улар сўроқ, тааж-жуб, кучайтирув ва таъкид, айирув, инкор маъноларини билдиради.

Қадимги туркий тилда юкламалар икки хил кўринишда учрайди: қўшимча шаклига келиб қолган юкламалар ва сўз-юкламалар.

Ёдгорликлар тилида *-tu, -mü / -mī, -mī* сўроқ юкламаси, таъкидни билдирувчи *-la, -lā; -či, -čü; -oq, -ök; -mat, -māt; uş* юкламалари амал қилган.

-tu, -mü сўроқ юкламаси. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *-tu, -mü* – исм ва феъллар охирига қўшилиб, бирор нарса ҳақида сўраш маъносини англатувчи қўшимча. Чунончи, *bu atmu?* – «бу отми?», *bu itmu?* – «бу итми?» каби (ДЛТ, 397).

Битиглардан мисоллар: *Qayān-tu qīsayin tādīm.* – «Хоқонними қистайин дедим» (Топ. 5).

*İlätü meñä ačti dunyā sözin,
Ayur: körmädiñ-mu bu haqan yüzin?*

«Таъна қилиб дунё менга сўз очди,
Айтур: Бу хоқон юзини кўрмадингми?» (QBN. 10a,14).

-oq, -ök юкламаси. Кўшимча шаклидаги бу юклама йўғон сўзларга *-oq*, ингичка сўзларга эса *-ök* вариантыда кўшилади.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *-oq* – ҳолга яқин маъно берувчи бир кўшимча (юклама); *baya-oq keldim* – «бояёқ келдим», яъни «бу соатдан олдинроқ келдим»; *emdi-oq aydim* – «ҳозир, ҳозироқ айтдим; ҳозиргина айтдим» (ДЛТ, 29).

Ёки яна:

*Musulmān qadašqa musulmān qadaš
Ziyārat qilur-oq, ey kōnli tūdāš.*

«Мусулмон қариндошни мусулмон қариндош
Албатта зиёрат қилади, эй кўнгли яқин» (QBQ. 156b,11).

*Taqī ma hekū ersä arzu tiläk,
Bayat-oq bolu bersü arqa yöläk.*

«Тағин қандай тилак ва орзуларинг бўлса,
Худонинг ўзигина мададкор бўлаверсин» (QBN. 11b,8).

*Nečä qul bedüsä qul atī qul-oq,
Bedütmiš beginkä tapuyčī-ol-oq.*

*Nečä beg kičig ersä, atī beg-ök,
Tapuyčī kedindä beg atī keδ-ök.*

«Қул қанчалик улуғликка етмасин, қулнинг оти қулдир,
У улуғликка эриштирган бегига хизматкоргинадир.

Бег қанчалик кичик бўлса ҳам, оти бегдир,
Хизматкор афзалидан бег оти афзалдир» (QBN. 148a,6 – 7).

та юкламаси таъкидни билдиради:

*Seni-teg telim beg kečürdi sewip,
Señä ta anundī kečürgäy ewip.*

«(Дунё) сен каби талай бегларни ардоқлаб ўтказди [яъни уларни ўзига маҳлиё қилди ва ўлдириб юборди],

Сенга ҳам (шу мақсадда) ҳозирланди, (сени ҳам) шошилинич ўтказди» (QBQ. 161b,3).

-mat, -mät юкламаси таъкидни билдиради.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *-mat, -mät* – «шундай» маъносини берувчи юклама; *anday-mat* – «у шундай» (ДЛТ, 133).

«Кутадғу билиг»да:

*Seni erdükün-teg ögümäz özüm,
Seni sen-mät öggil, kesildi sözüm.*

«Сени қандайлигингдек ҳамд айтишга ожизман,
Сени сенинг ўзинггина ҳамд қил, сўзимни кесдим» (QBN. 8b,4).

Маҳмуд Кошғарий келтирган кўшиқлардан бирида шундай дейилган:

*Qış yay bilä toqušti,
Qıñır közün baqıšti.
Tutuşqalı yaqıšti,
Utyalı-mat oyraşur* (ДЛТ, 82).

Кўшиқда кечган *yay* «ёз» маъносида, *toqušti* «тўқнашди»; *közün* восита келишигида бўлиб, «кўз билан» деган маънони англатади; *yaqıšti* – «яқинлашдилар»; *utyalı-mat* – «ютиш учун», *-mat* – таъкид юкламаси.

Тўртликнинг маъноси шундай очиқланади: «Қиш Ёз билан тўқнашди, (бир-бирига) қинғир кўз билан қарашди. Бир-бирини тутишга яқинлашишди, (бири бирини) ютишга интилишарди».

uş юкламасининг мисоли:

*Biligsiz bilä heç sözüm yoq meniñ,
Ey bilgä, özüm uş tapuçı seniñ.*

«Билимсиз билан менинг ҳеч сўзим йўқ,
Эй доно, ўзим сенинг хизматингдирман» (QBN. 14b,8).

-la, -lä юкламаси. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *-la, -lä* – ўғузлар қилинган ишнинг аниқ ва қатъийлигини англатиш учун феъллар охирига қўшиб қўллайдиган таъкид қўшимчаси. Чунончи, *ol bardıla* – «у аниқ борди; унинг боргани ҳақиқатдир»; *ol keldilä* – «у келди; унинг келгани аниқ бўлди». Бу ишнинг амалга ошганлигини билмагани учун уни инкор қилаётган тингловчига нисбатан қўлланади. Бошқа турклар буни билмайдилар (ДЛТ, 397).

Яна мисол: *Bir tilkü terisin ikilä soymas.* – «Бир тулки териси икки мартаб шилинмайди» (ДЛТ, 409).

Хусайн Бойқаро шеърдан:

*Ey köñül gardun baliyat taşini yağdurdı-la,
Har taraf sabrım üyi divārini sindurdı-la* (Maj. 142).

Ушбу юклама айрим ўзбек шеваларида ҳозир ҳам ишлатилаётир. Масалан, Андижон шевасида: *Бу хабарни борун-ла айтдим.*

yāmā юкламаси таъкидни билдиради. *Āltāris qağan qazyanmasar, udu bān özüm qazyanmasar, āl yāmā, bodun yāmā yoq ārtāci ārti, qazyantuqin üçün, uduyuzum, qazyantuqum üçün āl yāmā āl bolti, bodun yāmā bodun bolti.* – «Элтариш хоқон зафар қозонмаганида, унинг билан менинг ўзим зафар қозонмаганимда, юрт ҳам, халқ ҳам йўқ бўлар эди. (Хоқон) зафар қозонгани учун, менинг хушёрлигим, зафар қозонганим учун эл ҳам эл бўлди, халқ ҳам халқ бўлди» (Топ. 54 – 56).

«Чиғатой туркийси»да булар билан бир қаторда *xud, ham, ā* юкламалари ҳам амал қилган.

Ундовлар

ey – «эй» маъносидаги ундов сўз: *Udima bu yaflat bilā, ey elig.* – «Бу ғафлат (уйқуси) билан ухлама, эй элиг» (QBQ. 122b,5).

aya – «эй» маъносини берувчи ундов сўздир:

*Ayirliq tilāsāñ özünkā tuči,
Ayirla kişig sen, aya qoptaçi.*

«Ўзинг учун доим кадр-қиммат истасанг,

Сен кишиларни кадрла, эй қад тутиб юрувчи (киши)» (QBQ. 126b,15).

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИНИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТИ

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: тарихий синтаксис, сўз бирикмаси, гап, содда гап, гап бўлаклари, эга, кесим, иккинчи даражали бўлақлар, қўшма гап, кўчирма гап, ўзлаштира гап.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Сўз бирикмаси ҳақида маълумот.

Матнда гапларнинг чегарасини аниқлаб олиш.

Ўзма ёдгорликлар тилида кесим ва унинг ифодаланиши.

Содда ва қўшма гаплар, уларнинг турлари.

Кўчирма гапли жумлалар.

СЎЗ БИРИКМАСИ

Сўз бирикмаларининг турли-туман кўринишларида қатнашувчи компонентларнинг бош мучаси қайси сўз туркумига тегишли эканига қараб сўз бирикмалари икки хил бўлади: (1) отли сўз бирикмалари; (2) феълли сўз бирикмалари. Сўз бирикмаларининг синтактик асосини битишув, бошқарув ва мослашув ташкил қилади (қarang: ЎТГ. II, 30 – 82).

Битишувли бирикмалар

Отли сўз бирикмалари қўлами қуйидаги шаклларда юзага чиқади:

(1) от + от шаклидаги бирикмалар: *qariʻim qayʻan* – «отам хоқон» (К. 11).

(2) олмош + от шаклидаги бирикмалар: *bu niʻshan* – «бу нишон» (ТХ. 4, 24).

(3) сифат + от шаклидаги бирикмалар: *sāʻmiz buqa* – «семиз буқа» (Топ. 6); *turuq buqa* – «ориқ буқа» (Топ. 6); *sariy altun* – «сарик олтин» (Топ. 48) *örünj kümüş* – «оқ кумуш» (Топ. 48); *āgri tābi* – «эгри туя» (Топ. 48); *sūcūg*

sabī – «ширин сўзи» (Ка. 6); *yimshaq ayisi* – «юмшоқ ипаклиги» (Ка. 6); *yarayliḡ yaḡi* – «қуролли ёв» (Топ. 54); *qayanliḡ bodun* – «хоқонли халқ» (Топ. 56); *uluḡ süü* – «улуғ қўшин; давлат қўшини» (ТХ. 2, 22); *tört siçiliḡ yer* – «тўрт чегара ўртасидаги ер» (ТХ. 8, 11 – 12); *tuḡma erkäk qadaş* – «туғишган оға»; *сўзма-сўз*: «туғишган эркак қариндош» (Таф. 192); *burunqı kün* (НМ, 5).

(4) сон + от шаклидаги бирикмалар: *äki kişi* – «икки киши» (Топ. 10); *on tümän sü* – «ўн туман қўшин; юз минг қўшин» (Топ. 36); *yäti yüz är* – «етти юз киши» (К. 13); *tört buluḡ* – «тўрт томон» (К. 2); *elik taş böz* – «элик тош бўз» (ТХ. 2, 4).

(5) сифатдош + от шаклидаги бирикмалар: *bilig bilmäz kişi* – «жоҳил киши» (Ка. 7); *bitig qilmış kün* – «хужжат тузилган кун» (ТХ. 4, 6); *köläkä salıyan quşlar* (НМ, 18).

Бундай бирикмалар орасида мураккаб (кенгайган бирикма) шаклдагилари ҳам бор. Масалан: *sü başi İnäl qayan* – «қўшин боши Инал хоқон» (Топ. 31); ушбу бирикмада *İnäl qayan* – бош сўз; *sü başi* – эргаш сўз.

Ёки: *tinsi oylı yatıyma taḡ* – «тинси ўғли ётадиган тоғ; шаҳзода жасади қўйилган тоғ» (Топ. 47). Бу бирикмадаги *taḡ* – бош сўз, қолганлари – эргаш сўз.

Ёки: *on üç yaşar er ulan* – «ўн уч яшар кул бола» (ТХ. 2, 6). Бу бирикмадаги *er ulan* – бош сўз, *on üç yaşar* – эргаш сўз.

Бошқарувли бирикмалар

Бошқарувли бирикмаларда сўзлар орасидаги объект, субъект ёки ҳол муносабатлари ифода этилади. Бош сўзларнинг қандай сўз туркумига тегишли эканига қараб улар икки турга ажралади: (1) от бошқаруви; (2) феъл бошқаруви.

От бошқаруви деганда от, сифат, сон, равиш туркумларига тегишли сўзлар, модал ва ундов сўзлар бошқаруви кўзда тутилади (қаранг: ЎТГ. II, 43 – 58).

Феъл бошқарувида феъл бош (ҳоким) сўз бўлиб келади, эргаш сўз эса от ва отлашган бошқа туркумлардаги сўзлардан бўлади (қаранг: ЎТГ. II, 65 – 82).

Мисоллар: *qayanıma ötüntim* – «хоқонимга ўтиндим» (Топ. 12); *ögüzkä tüşti* – «дарёга тушди» (Топ. 16); *türk qayanıyaru sülälim* – «турк хоқонга қўшин тортайлик» (Топ. 20); *uqa basdımız* – «тўсатдан босдик; қўққисдан босдик» (Топ. 27); *ölü-yitü qazıantim* – «ўла-йита зафар қозондим» (К. 27); *qayanin ölürtimiz* – «хоқонини ўлдирдик» (К. 36); *ilin altımız* – «элини ол-

дик» (К. 36); *söğälni say qilur* – «касални соғ қилур» (Таф. 258); *sayni söğäl qilur* – «соғни касал қилур» (Таф. 258).

Эски ўзбек тили даври асарларида: *bu uluq işkā ilig urdum* (НМ, 1); *başariyatni dāxil qildī* (НМ, 3); *hidāyat kamarin baylap* (НМ, 3); *tenri hukmīn bütkārdi* (НМ, 8); *xalqđin yūz ewürdi* (НМ, 18).

Сўз бирикмалари таркибида кўмакчи сўзлар ҳам қатнаша олади: *Tāmir qarīyqa tāgi sülādim* – «Темир қопиққа қадар кўшин тортдим» (Ка. 4).

Бундай бирикмаларнинг мураккаб (кенгайган бирикма) шаклдагилари ҳам бор: *čīyan bodunuy bay qiltim* – «қашшоқ халқни бой қилдим» (Ка. 10); *az bonunuy öküš qiltim* – «оз халқни кўпайтирдим» (Ка. 10); *türk tiligā tarjima qila alyay-mu-men* (НМ, 1).

Мослашувли бирикмалар

Мослашувли бирикмалар деганда қаратқич билан қаралмиш ўртасидаги мослик кўзда тутилади: *zamānīniñ yagānasī* (НМ, 5); *Hasan Başrīniñ šāgirdidur* (НМ, 14); *alarniñ kōlākasi* (НМ, 18); *islām ahliniñ imāmi* (НМ, 18) сингари.

Мослашувли бирикмалар ёзма ёдгорликлар тилида ҳозирги ўзбек тилидаги сингари белгисиз ҳам қўлланиши мумкин.

Масалан: *kisi oylī* – «киши ўғли; одам боласи» (К. 1); *tabyač āli* – «табғач эли; табғач мамлакати» (Топ. 1); *türk sir bodun yāri* – «турк сир халқи ери» (Топ. 3); *körüg sabī* – «кузатувчининг хабари» (Топ. 9); *türk Bilgā qayan āli* – «турк Билга хоқон эли; жасур Билга хоқон мамлакати» (Топ. 58); *on oq qayanī* – «ўн ўқ хоқони» (Топ. 19).

Ёки эски ўзбек адабий тили даври ёдгорликларида: *teñri 'ināyatī* (НМ, 1); *nāzil bolyan kalām qānūnī* (НМ, 4) сингари.

Қадимги туркий битигларда тарихий воқеа-ҳодисалар, жангу жадаллар ҳикоя қилинар экан, *türük bodun, tabyač bodun, soйдаq bodun, toquz oғuz bodun, on oq bodun, qirqiz bodun, türgās bodun* сингари бирикмалар ишлатилади. Ушбу бирикмалардаги *bodun* «халқ, улус» дегани, шундан келиб чиқиб уларни ҳозирги нашрларда *турк халқи, табғач халқи, сўғдақ халқи, тўқуз ўғуз халқи, ўн ўқ халқи, қирқиз халқи, турғас халқи* деб ўгирадилар. Битиглардан олинган қуйидаги жумлаларга эътибор беринг:

Süčig sabiña, yimšaq ayišiña arturur öküš türük bodun öltüg. – «Ширин сўзига, нафис шойисига алданиб, кўп турк халқи, ўлдинг» (Ка. 6);

Tabyač bodunqa bāglik urī oylin qul bolti, silik qiz oylin küñ bolti. – «Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан жория бўлди» (К. 7);

Soydaq bodun itāyin tiyin Yinčü ögüzüg kăčă Tāmir qarip̄yqa tāgi sülādimiz. – «Суғдақ халқини тузатайин дея Йинчу ўгузни кечиб, Темир қописғқа қадар лашкар тортдик» (К. 39);

Toquz oғuz bodun üzā qayan ölürti, ter. – «Түкүз ўғуз халқи уза (бир) хоқон тахтга ўтирди дер» (Топ. 9);

Qayanqa qirqiz bodunī içikti. – «Хоқонга қирқиз халқи таслим бўлди» (Топ. 28);

On oq bodun āmgāk körti. – «Ўн ўқ халқи заҳмат чекди» (К. 19);

Türgäs bodunuy uda basdimiz. – «Тургас халқини қўққисдан босдик» (К. 37).

Муҳими шундаки, *türük bodun, tabyač bodun* қолипидаги ушбу бирикмаларнинг тузилиши, таркиби тўғрисидаги қўзқарашлар ҳозирча тортишувли бўлиб турибди. Айрим илмий адабиётларда бундай бирликларни аниқловчи ва аниқланмиш муносабатли сўз бирикмаси (яъни туркий изофа) гуруҳига киритадилар (Абдурахмонов, Рустамов 1982, 42 – 43, 45 – 46).

Қизиғи шундаки, юқоридаги бирикмалар *türük bodunī* деб эмас, *türük bodun* шаклида эгалик қўшимчаларисиз ишлатилган. Бундан ташқари, уларнинг таркибидаги *türük, tabyač, soydaq, toquz oғuz, on oq, qirqiz, türgäs* сингари атамалар *bodun* нинг белгисини, турини англлатгани билан, унга тобе сўз бўлиб боғланаётгани йўқ. Бу сингари белгилари уларни сўз бирикмалари деб аташга йўл қўймайди.

Масалан, *ўзбек тили* деганимизда «ўзбекнинг тили» ёки «ўзбекча тил», *араб тили* деганда «арабнинг тили» ёки «арабча тил» англанади. Бундай бирикмалар туркий тиллар тарихида бурундан бор. Масалан, *tabyač tili* деб ишлатилади туркий битигларда: бу «табғачча», яъни «хитойча тил» ёки «табғачнинг тили» дегани; *ānātkāk tili* дейди: бу «санскрит, «санскрит тили», «санскритча тил»; *türk tili* дейди: бу эса «туркча тил», яъни «туркларнинг тили» деганидир.

Лекин *türük bodun* нинг ўзи шу туришида халқнинг аталишидир; у «туркнинг халқи» эмас. Ёки *tabyač bodun* нинг ўзи шу туришида халқнинг отидир; у «табғачнинг халқи» эмас. Бошқалари ҳам шундай.

Демак, *türük bodun, tabyač bodun, soydaq bodun, on oq bodun, türgäs bodun* сингарилар сўз бирикмалари (изофали бирикмалар) эмас. Уларни қўшма сўзлар деб қараш тўғри бўлади. Ҳозирги ўзбекчадаги *темир йўл, тахта кўприк, чет тил* сўзлари сингари.

Энди *türük bodun* сингари бирикларга *yār, āl* (яъни «ер», «эл, мамлакат») сингари маконни англатувчи сўзлар қўшилсагина, улар сўз бирикмасига айланади. Масалан: *Türk sir bodun yārintā bod qalmadı.* – «Турк сир халқи ерида (ҳеч бир) уруғ қолмади» (Топ. 3 – 4).

Ушбу жумлада кечган *türk sir bodun yāri* («турк сир халқининг ери/тупроғи») сўз бирикмасидир.

Арабий ва форсий изофалар

XII – XIII юзйилликлардан турк ислом дунёсида мадраса ўқув тизимининг таъсири, уларда арабча ва форсча манбаларнинг кенг ўргатилиши натижасида эски ўзбек тилида арабий, кейинчалик эса форсий изофалар ҳам ишлатила бошлади. Бундай ўзлашма изофалар туркий тилнинг гап қурилишига тезда мослашиб ҳам кетди.

Арабий изофалар бир қанча ҳолатда ишлатилган.

Биринчи галда, туркий матнчилик анъанасида асар сарлавҳаларининг кўпинча араб тилида берилиши сабаб бўлди. Ўша давр русумига кўра, кўпчилик муаллифлар ўз асарларини арабча атаганлар.

Масалан, Навоий девонларининг отлари: «*yarāyibu-ṣ-ṣiyar*» – «Болалик қизиқлиқлари»; «*Navādiru-ṣ-ṣabāb*» – «Йигитлик нодиралари»; «*Badāye'u-l-vasaṭ*» – «Ўрта ёш бадиалари»; «*Favāyidu-l-kibar*» – «Қарилик фойдалари».

Маснавийларининг отлари: «*Ḥayratu-l-abrār*» – «Яхшиларнинг ҳайрати»; «*Lisānu-t-tayr*» – «Қуш тили».

Тазкирасининг оти: «*Nasāyimu-l-muḥabbat*» – «Муҳаббат шабадалари».

Диний-фалсафий мазмундаги шеърини асарларининг отлари: «*Nasru-l-laālī*» – «Марваридлар сочмаси»; «*Naṣmu-l-javāhir*» – «Жавҳарлар тизмаси».

Тарихий ва филологик асарларининг отлари: «*Zubdatu-t-tavāriḥ*» – «Тарихлар хулосаси»; «*Muḥākamatu-l-luyātayn*» – «Икки тил муҳокамаси»; «*Mezānu-l-avzān*» – «Вазнлар ўлчови».

Ёки бадий матнларда: *Barča hunarlarda 'ādamu-n-naṣir* (ME, 50).

XIV асрдан эски ўзбек тилида форсий изофа ҳам кенг ишлатила бошлади.

Форсий изофа ҳам бир қанча ҳолатда ишлатилган. Бунга ҳам, биринчи галда, ўша давр анъанасига кўра туркий асарларнинг баъзилари форсча аталгани сабаб бўлди.

Масалан, Навоийнинг баъзи маснавийлари форсча аталган: «*Sab'a-i sayuāra*» – «Етти сайёра»; «*Sadd-i Skandarī*» – «Искандар девори». Келтирилган сарлавҳалардаги барча сўзлар арабча бўлгани билан, улар форсча изофа йўли билан боғланган.

Форс адабиётининг таъсирида туркий тилда ижод қилаётган муаллифлар услубида ҳам форсий изофалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Масалан, Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор» асарида:

*Tindī anīḡ davrīda rūy-i zamīn,
Boldī bir el-u bir ulus Rūm-u Ćīn* (ME, 236).

Ёки яна: *Baḡr-i karamdur dayī kān-i 'atā* (ME, 51).

Хўжандий «Латофатнома»сида:

*Kōḡul ewi jamāliḡdīn munavvar,
Nasīmīdīn dimāy-i jān mu'aṡṡar* (ЛК, 88).

Ёки Навоийнинг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида:

Ḥaḡrat-i Maxdūminūranniḡ «Bahāristān» atliḡkitābīn-kim, anī «bahāristān-i ḡayāt va nigāristān-i najāt» desā bolur (МЛ, 45); *Ammā sultān-i šāḡibqirān Temūr Kūrāḡān zamānīdīn farzand-i xāliḡ Šāhrux sultānnīḡ zamānīniḡ āxiriyača türk tili bilā šu'arā paydā boldīlar* (МЛ, 50).

ГАП БЎЛАКЛАРИ

Матнда гапларнинг чегарасини аниқлаб олиш

Матнни англашда, унинг мазмунини талқин қилишда гапларнинг чегарасини аниқлаб олиш муҳим масаладир. Қўлёзма манбаларда тиниш белгилари ишлатилган эмас, шунинг учун ҳам матнда гап чегарасини аниқлаш анча қийин.

Таъкидлаш ўринлики, ўтмишда матндан гап чегарасини аниқлаб олиш ўқувчининг билим ва тафаккурига, идрокига юклатилар эди. Матнни ўқиётган киши унинг мазмуни, фикр тугаллигига таяниб гап чегарасини аниқлаб борган.

Ёзма манбаларни илмий транскрипцияга ўгирган олимлар илк матнга таянган ҳолда кўпинча тиниш белгиларини ишлатмайдилар. Бу тўғри йўл, чунки матнда йўқ нарсани илмий транскрипцияда бериш ҳам маъқул эмас. Бироқ шундай жумлалар бўладик, ўқувчи учун тиниш белгиларисиз унинг мазмунини илғаб олиш мушкул. Ҳозирги ўқувчи бундай матнни тушунишда адашади, уни тадқиқ этишда чалғийди. Шунинг учун ҳам қўлёзмани илмий нашрга тайёрлаш жараёнида мутахассиснинг ўзи бир йўла тиниш белгиларини қўйиб, гапларни чегаралаб кетгани маъқул. Гап чегарасини аниқлашнинг эса ўзига яраша қоидалари, талаблари бор.

Ёзма манбаларда гап чегарасини аниқлашдаги бош ўлчов мантиқ, фикр бутунлиги ва гапнинг синтактик жиҳатдан шаклланганлигидир.

Ёзма ёдгорликларни ўқиётганда фикр тугаллиги, матн мазмуни ва туркий тилнинг синтактик хусусиятларини инобатга олган ҳолда гапларни чегаралаб борамиз.

Мисол тариқасида Берлин қўлёзмалар фондида Т.М.75 (U 5252) кўрсаткичи остида сақланаётган қарзга кунжут олинганлиги тўғрисидаги хужжатни (қаранг: ТҲ.11) кўриб чиқамиз.

Матн ўн бир қаторли, уни Қайимту отли киши ёзган. Бир-икки ўринда тузатишлари бор. Масалан: 3-қаторда *Qimī(r)* ёзиб юбориб, устидан *Qayimtu* деб тузатилган; 5-қаторда *yañiqa* ёзиб, *-qa* қўшимчасининг устидан *-ta* деб тузатилган. Шуларни инобатга олганда матн қуйидагича ўқилади:

- (1) bičin yil törtünč ay on
- (2) yañiqa meñä qimırqa tüškä
- (3) күнçit kergäk bolup qayımtudın
- (4) tört šiñ күнçit aldım күз
- (5) yañita sekiz šiñ күнçit köni
- (6) berür men bergünčä bar yoq bolsa men
- (7) inim İtapa anı tegilär bilä
- (8) köni bersünlär tanuq temir
- (9) tanuq señä bu nišan men İta(pa)
- (10) niñ ol men qayimtu İtaba(qa)
- (11) ayıtip bitidim

Фикр бутунлиги, матн мазмуни, эски туркий тилнинг синтактик хусусиятлари ушбу матнни қуйидаги гапларга ва тактларга ажратишга имкон беради; тиниш белгиларини ҳам шунга мувофиқ тарзда қўйиб чиқамиз:

Bičin yil, törtünč ay, on yañiqa meñä, Qimırqa, tüškä күнçit kergäk bolup, Qayımtudın tört šiñ күнçit aldım.

Küz yañita sekiz šiñ күнçit köni berür-men. Bergünčä bar-yoq bolsa-men, inim İtapa anı tegilär bilä köni bersünlär.

Tanuq – Temir, tanuq – Señä.

Bu nišan men, İta(pa)-niñ-ol.

Men, Qayimtu İtaba(qa) ayıtip bitidim.

М а з м у н и:

«Маймун йили, тўртинчи ойнинг ўнинчи кунда менга – Қимирга ишлатишга кунжут керак бўлиб, Қайимтудан тўрт шинг кунжут олдим.

Куз бошида уни саккиз шинг қилиб қайтараман. Бергунча бор-йўқ бўлсам [яъни борман-йўқман], иним Итапа уни уйдагилар билан аниқ берсинлар.

Гувоҳ – Темир, гувоҳ – Сенга.

Бу нишон мен – Итапаникидир.

Мен Қайимту Итападан сўраб ёздим [унинг оғзидан чиққан сўзи бўйича ёздим]».

Ёзма ёдгорликлар тилида кесим

Кесим эгадан англанувчи кимса, нарса-буюм ва воқеа-ҳодиса тўғри-сидаги ҳукми, хабарни билдиради. Туркий тилларда, хусусан, қадимги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам кесим кўпинча феъллардан тузилади. Феълнинг муҳим грамматик вазифаларидан бири ҳам гапда унинг кесим бўлиб келишидир.

Гапда ўрни билан бошқа сўз туркумлари (от, сифат, сон ва б.) ҳам кесим бўлиб келиши мумкин. Қандай сўз туркумидан тузилишига кўра кесим икки турга ажралади: *феъл-кесим* ва *от-кесим*.

Феъл-кесим ва унинг ифодаланиши

Феъл туркумидаги сўзлар ўзининг лексик-грамматик хусусиятига кўра кесим вазифасида қўлланишга жуда мойилдир. Феъл-кесим гапда эгадан англашилган кимса, жонзот, нарса-буюм, воқеа-ҳодисаларнинг ҳаракати ёки ҳолатини билдиради.

Tabуaç bodunqа bаglik urі oуlin qul bolti, silik qiz oуlin kün bolti. – «Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди» (К. 7).

Neçä mä оpraq kedük ersä, уaуturqа уarar. – «Кийим қанча эски бўлса ҳам, ёмғирга ярайди» (ДЛТ, 337).

Boş näñkә idі bolmas. – «Бўш нарсанинг эгаси бўлмайди» (ДЛТ, 135).

Taу тауqа qawuşmas, kişi kişikә qawuşur. – «Тоғ тоққа қовушмайди, киши кишига қовушади [бир кун келиб бир-бири билан учрашади]» (ДЛТ, 238).

Telim sözüg uqsa bolmas, yalim qaya yiqsa bolmas. – «Кўп сўзни тушуниб бўлмайди, қаттиқ тошни йиқитиб [синдириб] бўлмайди» (ДЛТ, 329).

Tewäу түnür qoy ara уaşmas. – «Туя минган киши қўйлар орасида яширинолмайди» (ДЛТ, 345).

Qaynar ögüz keçigsiz bolmas. – «Тезоқар сув кўприксиз бўлмайди» (ДЛТ, 389).

Köklär kesäk-kesäk bolu yazdı. – «Кўклар кесак-кесак [пача-парча] бўлаёзди» (Таф. 175).

От-кесим ва унинг ифодаланиши

Гапда феълдан бошқа туркумдаги сўзлар кесим бўлиб келишининг икки хил омили бор: биринчиси – бирор бўлакни ажратиб кўрсатиш, унинг маъносини урғулаш; иккинчиси – гап қурилишининг грамматик-услубий жиҳатдан такомиллашуви, унда стереотип қайтариқлардан қочиш, услубий гўзалликка, ихчамликка бўлган интилиш.

Шуларга кўра, гапда феълдан бошқа сўзларнинг кесим бўлиб кела олишини нутқ ва матн амалиётидаги узоқ асрлик тарихий тараққиёт натижаси деса бўлади. Шундай эса-да, от-кесимли гапларда куйидаги ҳолатни кузатамиз.

Масалан, ҳозирги ўзбек тилидан олинган *Бу уй чиройли* ҳамда *Менинг ниятим шу* гапларининг тузилишига эътибор қаратайлик. Келтирилган иккала гапнинг кесими феъл эмас: биринчиси – сифат, кейингиси – олмош. Анъанавий грамматикада улар *от-кесим* деб юритилади. Аммо ушбу гапларнинг кесими шуларнинг ўзи билан шаклланаётгани йўқ. Уларда биз кесим деб санаётган сифат ва олмошдан кейин мантиқан таъкидни билдирувчи *-дир* боғламаси турибди: *Бу уй чиройли(дир); Менинг ниятим шу(дир)*. Бу сингари мисолларни яна келтиришимиз мумкин: уларнинг ҳаммасида ҳам кесим ўрнида *-дир* қўшимчаси талаб этилади ва бундаин от-кесимли гапларнинг кесими мантиқан феълга қайтаверади.

От-кесимларга хос бундай ҳол ҳозирги ўзбек тилидагина эмас, илк ўрта асрларда яратилган ёзма ёдгорликлар тилида ҳам кузатилади.

I. Биз ҳозирги ўзбек тилида ишлатаётганимиз *-дир* боғламаси қадимги туркий тилдаги *turur* кўмакчи феълнинг қисқарган шаклидир. Ўзгариб келиши шундай: *turur / durur > tur / dur > dir*.

Turur нинг ўзаги *tur-* феъли бўлиб, ёзма ёдгорликлар тилида унинг икки хил вазифаси бор: биринчиси, мустақил феъл бўлиб келади; иккинчиси, кўмакчи феъл вазифасида ишлатилади.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида *tur-* феълнинг маъноларини яхши очиб берган. Биринчиси «ўрнидан кўпмоқ», яъни «турмоқ» англамида. Бунда у мустақил феъл бўлиб келади: *er yuqaru turdī* – «киши ва бошқалар ўрнидан турди». Кошғарий бу феълнинг келаси замон шакли ва масдарини ҳам келтирган: булар *turur, turmaq* шаклларидадир.

Turur кўмакчи феълига эса олим шундай таъриф беради: «*turur* ўтган замон ва масдар шакллари бўлмаган келаси замон феълдир. ... Бу сўз бирон бир нарсанинг сўзланаётган вақтда ўз ўрнида барқарор эканини англатади. Чунончи, *ol ewdā turur*, яъни «у уйдадир» демақдир. Бу гап-

да мазкур сўз «тик турмоқ» маъносида эмас ёки *er sōgāl turur* – «киши касалдир» демакдир. Бу ерда «тик турмоқ» маъносида эмас (ДЛТ, 386).

Ёки бошқа бир ўринда *tur-* феълининг қуйидаги маъноларини кўрсатган: биринчиси, «қўпмоқ, ўридан турмоқ». Бунга келтирган мисоли шундай: *er uıqarī turdī* – «киши ва бошқалар тик турди».

Сўзнинг иккинчи маъноси – «ёғди, пайдо бўлди». Бунинг мисоли шундай: *tuman turdī* – «туман пайдо бўлди».

Луғат тузувчининг қайд этишича, бу мустақил феълнинг келаси замон шакли *turur*, масдари эса *turmaq* шаклидадир (ДЛТ, 210).

Кошғарий *turur* кўмакчи феъли тўғрисида шундай ёзади: *turur* ўтган замон шакли ва масдар шакли йўқ, келаси замон феълдир. У боғлама маъносида (келади): *ol taš turur* – «у тошдир»; *ol quš turur* – «у қушдир». Бу боғлама тамомловчидир (ДЛТ, 210).

«Қутадғу билиг» асарининг араб ёзувли Наманган ва Қоҳира нусхаларида шундай байт бор:

«Beg» atī «bilig» birlā bayliḡ turur,

«Bilig» «lām»i ketsā, «beg» atī qalur (QBN. 76a,6; QBQ. 53a,13).

Мазмуни: «Бег» оти «билиг» билан боғлиқдир,

«Билиг» «лом»и кетса, «бег» оти қолади [яъни «*bilig*» сўзидан «*lām*» ҳарфи кетса, «*beg*» сўзи қолади].

Ушбу байтда муаммо санъати ишлатилган. Унда «*bilig*» ва «*beg*» сўзларининг араб хатидаги ёзилишига ишора қилиниб, бу икки сўзнинг моҳиятан ҳам ўзаро боғлиқлиги уқтирилмоқда.

Turur феъли кўмакчи вазифасида эски ўзбек тили – «чиғатой туркийси» даври ёдгорликларида ҳам кенг ишлатилган. Масалан, XV юзйилликда уйғур хатида битилган «Роҳату-л-қулуб» асарида:

Qanā’attin yaxšīraq zāhidlik yoq turur (PQ, 147a); *Ol yūyač bir yūl turur. Dayī ol on iki butayī on iki ay turur. Dayī ol otuz yapraq – bir yūzi aq, bir yūzi qara – otuz kün bilā tūn turur. Dayī ol har bir yapraq qatīndayī beš miva beš vaqt namāz turur* (PQ, 144b – 145a).

Ёзма ёдгорликлар тилида гапнинг от-кесимлари от туркумидаги сўзлар билан, шунингдек, сифат, сон, олмош, равиш, ҳаракат номи, модал сўзлар билан ифодаланади. Табиийки, бундай гапларнинг кесими мантиқан *turur* феълени талаб қилади. Буни бир қанча мисолда кўриб чиқамиз.

«Девону луғати-т-турк» асарида шундай мақол бор: *Erdām bašī til*. Маъноси: «Одобнинг боши тил» (ДЛТ, 55). Мақол содда гап шаклида бў-

либ, унинг эгаси – *başı* (яъни «бошланиши»), кесими – *til*; ҳозирги анъанавий грамматик қоидага кўра от-кесим бўлади. У мантиқан ўзидан кейин *turur* боғламасини талаб қилади: *til turur*, яъни «тилдир».

Юқоридаги мақолнинг мантиқий феъл-кесим билан тикланган шакли (трансформацияси) шундай бўлади: *Erdām başı til (turur)*.

Бошқа бир мақол: *Qul – yaʼyī, it – böri*. Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳича, «Қул – ёв, у қўлидан келса, эгасининг молидан олиб, фурсат топиб қочишининг пайида бўлади. Ит ҳам хонадон учун бўридир. Чунки у ейдиган нарса топса, ундан ўзини тия олмайди. Бу мақол қулнинг хўжайинига оз вафо қилишини билдириш учун айтилган» (ДЛТ, 138).

Ушбу мақол боғловчисиз қўшма гап шаклида бўлиб, биринчи гапнинг кесими – *yaʼyī*, иккинчи гапники – *böri*. Ҳар иккала кесим ҳам мантиқан *turur* боғламасини талаб қилади. Гапда услуб жиҳатдан туширилган ана шу боғламани жойига қўйсақ, мақолнинг мантиқий феъл-кесим билан тикланган шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади: *Qul yaʼyī (turur), it böri (turur)*.

Ёки мақолда *Oylan biligsiz* дейди. Маъноси «Болада ақл йўқ» дегани (ДЛТ, 155). Сўзма-сўз «Бола ақлсиз».

Ушбу мақолнинг мантиқий феъл-кесим билан тикланган шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади: *Oylan biligsiz (turur)*.

Мақолда шундай келган: *Yawlaq tilliy begdän kerü yalınus tul yeg*. Маъноси «Тили ёмон, сўконғич эрли бўлгандан кўра бева ўтган яхши» дегани (ДЛТ, 368).

От-кесим феълнинг ҳаракат номи шаклида ҳам келиши мумкин. Масалан, «Роҳату-л-қулуб» асарида:

Rasül alayhi salām aytur: Yigirmi iş bar-kim, ägär kim ersä ol işlärni qılsa, yoqsuzluq, miñnat, qayyu paydā bolıyay:

Biri, töşäktin yalañyaç qopup yaziya barmaq; İkinçi, ariysiz yürümäk; Üçünçi, ötmäk uşayin yergä tökmäk; Törtünçi, soyannıñ, sarmisaqnıñ terisini küydürmäk ... (РҚ, 147а).

От-кесимнинг модал сўзлар билан ифодаланишига мисол. Маҳмуд Кошғарий «яра» маъносидаги *baş* сўзини изоҳлаш учун шундай мақолни келтирган: *Köni barir keyikniñ közindä adin başı yoq*. Маъноси «Ҳеч қаёққа қарамай, тўғри кетаётган кийикнинг кўзидан бошқа яраси йўқ» деганидир (ДЛТ, 374).

Ёки «Роҳату-л-қулуб» асарида: *Hiç nämä 'ilimdin asiylıyraq yoq* (РҚ, 146а); *'ilimdin yaxşı qulawuz yoq* (РҚ, 146b).

Бундай ҳолларда ҳам кесим *turur* боғламасини талаб қилади.

Уйғур ёзувли қадимги туркий васиқаларда гувоҳларнинг исми-шарифи қайд этилган компонент, одатда, боғловчисиз қўшма гап шаклида бе-

рилиб, содда гапларнинг эга ва кесимлари ўзаро тенг муносабатли бўлади. Масалан: *Tanuq – Qutadmīš Qaya, tanuq – Sejičün* («Гувоҳ – Қутадмиш Қая, гувоҳ – Сенгичун») (ТХ. 43, 2.25v – 26v). Табиийки, бундай гапларда мантиқан *turur* феъли талаб қилинади.

Шу ўринда муҳим бир мисол. Мунгсуз Қаянинг Турмиш Темурга берган тилхатида олди-берди тўғрисидаги маълумотдан сўнг, қоидага кўра, гувоҳларнинг исми-шарифи қайд этилган. Ўша жойда кишилар ўртасидаги келишув жараёни *söz*, унда гувоҳ бўлиб қатнашаётганлар *bu sözkä ... tanuq* дея тилга олинади: *Bu sözkä Qora Qidar tanuq, Küč-Temür, Ač-Buqa, Tügäl Q(a)ya, Buyan Q(a)ya tanuq* («Бу сўзга Қўра Қидар гувоҳ, Куч-Темур, Ач-Буқа, Тугал Қая, Буян Қая гувоҳ») (ТХ. 47, 11 – 12).

Шунга биноан, юқорида келтирилган *Tanuq – Qutadmīš Qaya, tanuq – Sejičün* гапининг тўлиқ тикланган кўриниши (*Bu sözkä) tanuq – Qutadmīš Qaya (turur), tanuq – Sejičün (turur)* ёки (*Bu sözkä) Qutadmīš Qaya tanuq (turur), Sejičün tanuq(turur)*) шаклида бўлади.

Гапларда услубан тушириладиган боғлама билан услубий ихчамлик талаби билан тушириладиган феъл-кесимни қориштирмаслик керак. Иккови бошқа-бошқа ҳодисадир. Феъл-кесими туширилган гапларга мисол.

«Девону луғати-т-турк»да *Alp čerigdä, bilgä tirigdä* деган мақол бор. Маъноси «Ботир жанг алангасида (синалади), доно мажлисда (синалади)» дегани (ДЛТ, 156). Ушбу мақол қўшма гап шаклида бўлиб, ҳар иккала гапда кесим туширилган. Улар гапнинг мазмунига кўра мажхул нисбатдаги *sinalur* («синалади») ёки *bilinür* («билинади») феълларидир.

Мақолнинг феъл-кесимни ўрнига қўйиб тикланган шакли шундай бўлади: *Alp čerigdä (bilinür), bilgä tirigdä (bilinür)*.

Яна бир мисол.

Quldačīqa miñ yaƣaq, barča bilä ayruq tayaq. Айтмоқдаки: «Тиланчига мингта ёнғоқ, буларнинг устига яна суянадиган ҳасса ҳам беришим керак» (ДЛТ, 167).

Қўшма гап шаклидаги ушбу мақолда *bergil* феъли туширилган. Уларни тиклаганда биринчи гапда *bergil*, иккинчи гапда эса таъкид юклама билан қўшиб айтамыз. Шунда мақолнинг феъл-кесимни ўрнига қўйиб тикланган шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади: *Quldačīqa miñ yaƣaq (bergil), barča bilä ayruq tayaq(-ma bergil)*.

II. Тил тарихида феълнинг шахс-сон қўшимчаси ҳам гапнинг кесимини шакллантира олади. Масалан, Тўнюқуқ битиги адиб ва тарихчи Тўнюқуқнинг тилидан битилган бўлиб, муаллиф ўз хотираларини *Bilgä*

Toñuquq-bān. Özüm Tabıaç āliñä qilintim («(Мен) билга Тўнюқуқ-ман. Ўзим Табғач элида вояга етдим») жумласи билан бошлаган (Топ. 1).

Эътибор берилса, келтирилган мисолдаги биринчи гапда шахс-сон қўшимчаси отга тўғридан-тўғри боғланаётгани йўқ. У мантиқан кесимликни таъминлайётган *turur* феълига боғланаётир. Ана шуни инобатга олганда, матннинг тўлиқ тикланган кўриниши ва мазмуни шундай бўлади: *(Ben) Bilgä Tonuquq (turur)-ben. Özüm Tabıaç āliñä qilintim*, яъни «(Мен) Билга Тўнюқуқ(дир)ман. Ўзим Табғач элида вояга етдим».

Ҳозирги нашрларда юқоридаги матннинг бошланишини *Bilgä Toñuquq, bān özüm Tabıaç āliñä qilintim* деб ўқиб, мазмунини «Билга Тўнюқуқ, мен ўзим Табғач мамлакатада вояга етдим» дея талқин этадилар. Бундай талқинда битигнинг расмий мавқеи сусаяди; гўё у оддий таржимаи ҳолдай бўлиб қолади.

Одатда, хоқонларнинг ёрлиқлари, битиглари уларнинг унвони билан бошланган. Масалан, ўша замонда юртга эгалик қилган Билга хоқон ўз ёрлиқларини *Tāñri-tāg Tāñri yaratmıš türk Bilgä qayan sabim* («Кўкдай улуғ Тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим») унвони билан бошлаган (X. 1).

Тўнюқуқ хоқон эмас, қолаверса, унинг битиги ёрлиқ ё юрт эгасининг битиги ҳам эмас. Лекин, таъкидлаш керак, битиг Тўнюқуқнинг ким ўтгани, халқ эрки йўлида хоқонлар билан елкама-елка туриб курашган миллий қаҳрамоннинг улуғ хизматларини хоқонлик олдида, келажак авлодга яна бир бор таъкидлаб қўйиш учун ёзилган баёнотидир. Ушбу нуқтаи назардан битиг расмий тус олади. Шунинг учун бошлама *Bilgä Toñuquq-bān* («(Мен) билга Тўнюқуқ-ман») деб берилгани тўғри.

Бу жумла матннинг бошламаси бўлиб, уни уч компонентга ажратиш мумкин: биринчиси – муаллифнинг унвони (*bilgä*); иккинчи компонент – оти (*Toñuquq*), унга қўшилаётган *-bān* – учинчи компонент -шахс-сон қўшимчаси бўлиб, кесимликни таъминлайди. Ушбу бошлама қуйида берилган матн Тўнюқуқнинг сўзлари эканлигига ишорадир. Шундан сўнг *Özüm Tabıaç āliñä qilintim* («Ўзим Табғач элида вояга етдим») жумласи билан асосий қисмга кўчилади.

У. Серткаянинг таъкидлашича, бу ерда икки жумла бор: матндаги *bān* сўзи шахс-сон қўшимчаси бўлиб, биринчи жумланинг кесимини шакллантиради. Ундан кейинги *özüm* ни эса кейинги жумланинг эгаси сифатида ўқиган маъқул: *Bilgä Toñuquq-bān. Özüm Tabıaç āliñä qilintim*. Шунда маъно ҳам бир оз ўзгаради: «(Мен) билга Тўнюқуқман. Ўзим Табғач юртида вояга етдим» (Sertkaya 1995, 41 – 44).

Жумланинг бундай шаклда ўқилиши битигнинг расмий мақомини ҳам таъминлайди, муаллифнинг мақсадига ҳам мос тушади.

Матни ана шу кўринишда бошлаш эпиграфика тарихида кенг тарқалган. Енисей теварагидан топилган битигларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Енисей битиглари мархумларнинг тилидан битилиб, уларда мархумнинг кўзи тириклигида эришган ютуқлари, етиша олмаган армонлари ҳикоя қилинган. Битигларнинг айримлари Тўнюкүк битигидаги сингари қабр эгасини танитишдан бошланади. Масалан, Кулуг апа битиги: *Külüg apa-ben.* – «(Мен) Кулуг опа-мен» (Е. 20.2); Яруқ тигин битиги: *Er atim Yaruq tigin-ben.* – «Эр отим Ёруқ Тегиндирман» (Е. 19.1); Эл Тўғон битиги: *Atim El Toyan Tutuq-ben.* – «Отим Эл Тўғон Тутуқмен» (Е. 1.2); Кўк тириг битиги: *Er atim Kōk Tirig-ben.* – «Эр отим Кўк Тиригмен» (Е. 51.1); Бег Тарқан Ўга Тириг битиги: *Beg Tarqan Ūgā Tirig-ben.* – «(Мен) Бег Тарқан Ўга Тиригмен» (Е. 53.3) деб бошланган. Бу сингари мисоллар талай. Бари эпиграфик матн тузишда адиб ва тарихчи Тўнюкүк ишлаб чиққан анъанага эргашади.

Муҳими, ушбу бошламаларнинг барида битиг эгаларининг отлари ва унвонларидан сўнг *turur* кўмакчиси талаб қилинади, шахс-сон қўшимчалари эса мантиқан ана шу феълга боғланади: *(Ben) Qutluγ Čigši (turur)-ben*, яъни «(Мен) Қутлуғ Чигси(дир)ман» сингари.

III. Ёзма ёдгорликлар тилида таъкид маъносини берувчи *-ol* боғлама-си ҳам кесимликни таъминлайди.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *-ol* от ва феълларга қўшиладиган таъкид қўшимчасидир. Бунга келтирган мисоллари шундай: *ol meniγ oγlum-ol* – «у ҳақиқатан менинг ўғлимдир»; *ol ewkā barmiš-ol* – «у уйга ҳақиқатан боргандир» (ДЛТ, 30).

Қадимги туркий тилда ушбу қўшимча фикр тугаллиги, аниқлигини билдириб, вазифаси ҳозирги ўзбек тилидаги *-dur* га тўғри келади. Мисолларга эътибор беринг:

Türk bodun yāmā bulyanč-ol, tāmīš. Oγuzī yāmā tarqanč-ol, tāmīš. – «Турк халқи ҳам саросимададир дебди. Ўғузи ҳам тарқоқдир дебди» (Топ. 22).

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарида:

*Uquš körki til-ol, bu til körki – söz,
Kiši körkü yüz-ol, bu yüz körkü – köz.*

«Уқувнинг кўрки тилдир, бу тилнинг кўрки – сўз,
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки – кўз» (QВН. 10а,23).

*Bu Küntuydı tegli törü-ol köni,
Bu Aytoldı tegli qut-ol, kör anı.*

«Бу Кунтуғди дегани(м) чин адолатдир,
Бу Ойтўлди дегани(м) бахтдир, унга бир боққин» (QBN. 19b,12).

Ёки уйғур ёзувида битилган қадимги туркий васиқаларнинг хотима-сида хужжатга урилган тамғаларнинг кимга тегишли эканлигини англатувчи компонентлар шундай берилади:

Bu tamğa biz, ikägüniñ-ol. – «Бу тамға биз, иккимизникидир» (ТХ. 1,18v).

Bu tamğa men, Titsuniñ-ol. – «Бу тамға мен, Титсуникидир» (ТХ. 1,20v).

Араб ёзувли туркий матнларда *-ol* боғламаси *alif-vāv-yā* [яъни *اول*] билан ёзилиб, ўзи боғланаётган сўздан ажратилади. Ҳозирги нашрларда бу кўринишини баъзан *ol* олмоши билан қориштириб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради. Бир мисол келтирамиз.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида *-yan, -gān / -qan, -kān* қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдошлар тўғрисида сўз юритар экан, улар ҳаракат ва ҳолатнинг изчил қайталаниб турувчи маъносини ҳам беришини таъкидлайди. Бундай сўзларни у алоҳида гуруҳга ажратган. Шу ўринда *-ol* боғламаси билан келган жумлаларни мисол қилиб келтиради.

Муҳими шундаки, айрим нашрларда бу жумлалардаги боғламани олмош билан қориштириб юборганлар.

Масалан, асарнинг 1960 йилги Тошкент нашрида: *ol bu ot ol kišini uđityan* гапини ҳозирги ўзбекчага «бу дори у одамни ҳар вақт ухлатади» деб; *ol kiši ol yoldan azityan* гапини «бу одам кишини доим йўлдан оздиради»; *bu er ol söz unıtyan* гапини «бу одам доим сўзини унутади»; *bu aš ol kišini ačuryan* гапини эса «бу овқат одамнинг қорнини тез очирадиган; тез ҳазм бўладиган» деб ўгирганлар (қаранг: ДЛТ. Мураллибов. I. 169 – 171).

Юқоридаги мисоллар ҳозирги ўзбек тилига тўғри ўгирилган эмас. Яхши томони, унда ҳаракат ва ҳолатнинг тез-тез қайталаниб турувчи маъноси берилган. Бироқ, катта камчилиги, *-ol* боғламасининг маъносини ўгирмада бера олмаганлар; у кишилиқ ва кўрсатиш олмошлари билан қориштириб юборилган.

Ўзбекча ўгирмани тўғри бериш учун, биринчи галда, транскрипцияда *-ol* боғламасини ўзи бирикаётган сўзга чизиқча билан боғлаб чиққанимиз яхши. Ана шунда гапнинг маъносини тушуниш ва ҳозирги тилга ўгириш қулай кечади.

Илк жумладаги *-ol* боғламаси *ot*, яъни «дори» сўзини таъкидлаш учун; иккинчи гапда *kiši* сўзини, учинчисида *er* ни, сўнггисида эса *aš* сўзини таъкидлаш учун ишлатилаётир. *-yan* қўшимчасини олган сифатдош-

ларга эса изчил қайталаниб турувчи маъно юклар чиқамиз. Ана шунда ўғирмамиз анча текис ва грамматик жиҳатдан тўғри чиқади.

Энди ўқиб кўринг: *ol bu ot-ol kişini udīyan* – «бу ўша, кишини ухлатиб қўядиган доридир»; *ol kişi-ol yoldan azīyan* – «у одамларни доим йўлдан оздирадиган кишидир»; *bu er-ol söz unīyan* – «бу сўзини унутадиган кишидир»; *bu aš-ol kişini ačūyan* – «бу кишининг қорнини тез очирадиган, тез ҳазм бўладиган овқатдир» (қаранг: ДЛТ, 76).

«Девону луғати-т-турк»нинг қуйидаги икки нашрида ҳам бу гаплар тўғри таржима қилинган: А.Эржиласун ва З.Аккўюнлунинг биргаликда чоп эттирган туркча таржимасида ушбу жумлалар қуйидагича: «*bu insan devamli uyutan ilaştır*», яъни «бу инсонни давомли ухлатадиган доридир»; «*bu insanları devamli yoldan çıkararak insandır*», яъни «бу инсонларни давомли йўлдан чиқарадиган инсондир»; «*bu sözü çok unutan adamdır*», яъни «бу сўзни кўп унутадиган одамдир»; «*bu çabuk hazmedilen ve çabuk açkırtıran yemektir*», яъни «бу тез ҳазм этиладиган ва тез очиктирадиган емакдир» (қаранг: ДЛТ, 79 – 80).

А.Рустамов асарнинг русча нашрида юқоридаги жумлаларни шундай таржима қилган: «это – лекарство, которое всегда усыпляет человека»; «это человек, который вечно сбивает людей с [правильного] пути»; «это – человек, который часто забывает слова»; «это – пища, быстро переваривающаяся, быстро вызывающая голод» (қаранг: СТС. I. 156 – 158).

Хулоса қилиб айтганда, туркий тилларда гапнинг кесими феъллар билан ҳам, феълдан бошқа сўз туркумлари билан ҳам ифодаланади. Феълнинг кесим вазифасида келиши унинг энг муҳим грамматик белгисидир.

Нутқда ҳам, матнда ҳам от-кесим, биринчи галда, бирор бўлакни ажратиб кўрсатиш, маънони урғулаш, яъни гап урғуси (логик урғу)ни таъминлашга хизмат қилади. Нутқда ушбу бўлак бошқаларига қараганда кучлироқ айтилади. Шу билан бирга, гап қурилишининг грамматик-услубий жиҳатдан такомиллашуви, гап қурилишида стереотип қайтариқлардан қочиш, услубий гўзалликка, ихчамликка интилиш принциpidан келиб чиққан ҳолда феълдан бошқа туркумдаги сўзлар ҳам кесим бўлиб кела олади.

Гапда феълдан бошқа сўзларнинг кесим бўлиб кела олишини нутқ ва матн амалиётидаги узоқ асрлик тарихий такомил натижаси деса бўлади. Бироқ кесимнинг феълдан бошқа туркумдаги сўзлар билан ифодаланиши нисбий ҳодисадир. Чунки у от-кесим бўлгани билан, ҳар қандай ҳолатда мантиқан *turur*, ҳозирги ўзбек тилида эса *-dir* боғламасини талаб қилади. Демак, гап қурилишида ҳар қачон ҳам мантиқан феълга зарурат туғилади.

er- тўлиқсиз феъли

Ҳозирги ўзбек тилида э- тўлиқсиз феъли *эди, экан, эмиш, эмас, эса* сингари шаклларда ишлатилади. Булардан *эмас* бўлишсиз феъллар ясайди, *эса* боғловчидир.

Тўлиқсиз феълнинг *эди, экан, эмиш* шакллари алоҳида ишлатилмайди, лекин феъллар билан қўлланганда ҳаракат-ҳолатнинг давомийлигини билдиради. Отлар (исм гуруҳидаги сўзлар) билан қўлланганда эса уни кесимга айлантиради ва б.

Ҳозирги э- тўлиқсиз феъли қадимги туркий тилда *är~er-*, унинг замон, майл шакллари эса *ärđi~erđi, ärkän~erkän, ärmiş~ärmis / ermiş~ermis, ärmäz~ärmäs / ermäz~ermäs, ärsä~ersä* шаклларида ишлатилган.

Маълумки, *är~er-* бошда мустақил бўлиб, кейинчалик тўлиқсиз феълга айланган. У ёзма ёдгорликлар тилида икки хил кўринишда учрайди:

1) Ҳозирги ўзбек тилида бўлгани сингари тўлиқсиз феъл бўлиб келади:

Türk bodun Tabıaçqa körür ärti. – «Турк халқи Табғачга қарам эди» (Топ. 1).

Äki ülügi atlıy ärti, bir ülügi yaday ärti. – «Икки қисми отлиғ эди, бир қисми яёв эди» (Топ. 4).

2) Мустақил феъл бўлиб, «мавжудлик» маъносини билдиради. Мисолларга эътибор беринг:

Näh näh sabim ärsär, bähgü taşqa urtum. – «Ҳар қандай сўзим бўлса, мангу тошга ёздим» (Ка. 11).

Ança qazyanmıs, itmis älimiz, törümüz ärti. – «Шундай қозонилган, тикланган элимиз, ҳукуматимиз (бор) эди» (К. 12).

Ol antay osuyluy çoyluy yalıñlıy küçlüg küsünlüg elig xannih uluyi xatuninta toymış körgäli sewiglig, körklüg menizlig üç oylanı erti. – «Ўша тадбирли чўғли, шон-шавкатли элиг хоннинг катта хотинидан туғилган кўркли суюкли, истараси иссиқ уч ўғлони бўлар эди» (АҲар. 270).

Et-öz ersär, beksiz menüsüz titir. – «Эт-ўз мавжуд бўлса, беқарору ўткинчи туруп» (АҲар. 272).

Ёдгорликларда *er-* феъли *erdilär erđi, erđi ersä* шаклларида ҳам учрайди. Масалан, «Ўғузхоқон» достонида: *Oşul oıulnuñ öñlügi çirayı kök erđi, aıızı ataş qizil erđi, közläri al, saçları, qaşları qara erđilär erđi.* – «Ўша ўғилнинг юз-чиройи кўркли эди, лаблари оташ мисол қизил эди, кўзлари хумор, сочлари, қошлари қора эди» (ЎД. 1, 5 – 7).

«Қутадғу билиг»да: *Uđir erđin ersä, tur ač emđi köz.* – «Ухлаётган эрсанг, тур, энди кўзингни оч» (QBN. 10a,15).

Ҳозирги *кимса* сўзи тарихан кишиликни билдирувчи *kim* ҳамда «мавжудлик (существо)» маъносидаги *ersä* сўзларининг бирикувидан ясалган: *kimsä*<*kim+ersä*. Ёки ҳозирги *нарса* сўзи «буюм, нарса» маъносидаги *nāṅ* ҳамда *ersä* сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган: *nārsä*<*nāṅ+ersä*. Яна қиёсланг: ўзбек тили тарихида қўлланган *nāmārsä* (<*nāmā+ersä*) сўзи «нарса, буюм» маъносини билдиради.

СОДДА ГАП

Тўлиқ ёки тўлиқсизлигидан қатъи назар, бир эга-кесимнинг синтактик муносабати қуршовида шаклланган гап *содда гап* саналади. Ёзма ёдгорликлардан бунга бир-икки мисол:

Qanīy qan bilā yumas. – «Қонни қон билан ювилмайди» (ДЛТ, 346).

Erdām bašī til. – «Энг яхши хулқнинг боши тилдир» (ДЛТ, 368).

Ikki qoçnar bašī bir ešāctā pišmas. – «Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди» (ДЛТ, 453).

Etli tiriṅaqlī edirmās. – «Эт тирноқдан айрилмас». Кошғарийнинг урғулашича, бу мақол яқинларга қарата айтилади. Яъни яқин кишилар бир-бирларидан айрилмайдилар, чунончи, эт билан тирноқни бир-биридан айириб бўлмагани сингари (ДЛТ, 85).

Ушбу мақолда *...li ... li* тенг боғловчи бўлиб, гапдаги эганинг бўлакларини ўзаро боғлашга хизмат қилмоқда; *etli tiriṅaqlī* «эт ва тирноқ» деганидир.

Qirq yilqa tegin bay-čīyay tüzlinür. – «Қирқ йилгача бой билан камбағал тенглашади» (ДЛТ, 142).

Uzunluqī qirq yūyač, eni ham mundaṅ-oq šahristān binā qildilar. – «Уzunлиги қирқ йиғоч, эни ҳам ана шундай шахристон бино қилдилар» (Таф. 156).

ҚЎШМА ГАП

Қўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг мазмуний, грамматик, лексик, интонацион воситалар билан бирикувидан тузилган бўлади.

Қўшма гапларни тузилиши, таркибида эга-кесим уюшмасининг, яъни қуршовининг нечталиги, содда гапларнинг маъно муносабати, уларда қатнашган боғловчиларнинг тутган ўрни ва вазифасига қараб уч турга ажратиш мумкин:

Боғланган қўшма гаплар;
Эргаш гапли қўшма гаплар;
Мураккаб қўшма гаплар.

Боғланган қўшма гаплар

Боғланган қўшма гаплар ҳам, ўз навбатида, икки хил бўлади:

Биринчиси боғловчисиз боғланган қўшма гапдир. Бундай гапларда боғловчилар ишлатилмайди, лекин таркибидаги содда гаплар мазмунан бир-бири билан узвий боғланган бўлади: ё улардан бири бошқасини мазмунан тўлдиради, ё бир-бирига зид қўйилади, ё қиёсланади ва б.

Мана бир-икки мисол:

*Hava nafs bilā, kör, yayi-ol uluḡ,
Bi iki azitur tapuḡči quluḡ.*

«Ҳавас билан нафс улуғ ёвдир, кўр,
Хизматчи қулни бу иккиси йўлдан оздиради» (QBQ. 100b,10).

*Taqi bir seḡa teḡ-tuḡ-ol, ey qadaḡ,
Yiratsa, yayi-ol, yayutsa, adaḡ.*

«Яна бири сенга тенг-тўшлардир, эй қариндош,
(Уларни) йиратсанг, ёвдир, яқинлатсанг, дўстдир» (QBQ. 127b,16).

Боғловчисиз боғланган қўшма гап таркибидаги гаплар мазмунан бир-бирига қиёсланиши мумкин: *Yer basruqi – tay, bodun basruqi – beg.* – «Ернинг оғирлиги тоғ билан, халқнинг оғирлиги беглар билан». Кошғарийнинг урғулашича, бу мақол «Ер тоғ билан тинч туради, халқ беклар билан тинч туради, чунки улар йўлга соладилар» деган маънода қўлланади (ДЛТ, 185).

Таркибидаги гаплар мазмунан ўзаро қарама-қарши қўйилади: *Keḡāḡlig bilig üdraḡür, keḡāḡsiz bilig opraḡur.* – «Маслаҳатли иш борган сари яхшилашиб боради, маслаҳатсиз иш борган сари бузилишга юз тутади» (ДЛТ, 102); *El qalir, törü qalmas.* – «Мамлакат қолади [яъни ўзгаради], одат қолмайди» (ДЛТ, 400).

Воқеа-ҳодисалар бир-бирига қиёсланади: *Yazmas atim bolmas, yaḡilmas bilgä bolmas.* – «Ўқ отишда хато қилмайдиган овчи, янглишмайдиган билимдон бўлмайди» (ДЛТ, 344).

Воқеа-ҳаракат мазмунан олдинма-кетин, бир-бирига боғлиқ ҳолда юз беришини англатади: *Kök kördi, kerägü yüdti.* – «Меҳнат ва машаққат кўрдию ўтовини орқасига юклаб олди» (ДЛТ, 178); *Süsi öküş erdi, çadirlari öküş erdi, qazuqlar toqir erdilər.* – «Кўшини кўп эди, чодирлари кўп эди, (ўзлари эса) қозиклар қоқар эдилар» (Таф. 193).

Кейинги гаплар биринчи гапнинг натижасини, оқибатини англатади: *Öd keçar, kişi tuymas, yalınuq oyli mängü qalmas.* – «Замон кечар, киши туймас, инсон боласи мангу қолмас» (ДЛТ, 32); *İkki buyra igäşür, otra kökägün yençilür.* – «Икки эркак туя олишади, ўртада пашша янчилади» (ДЛТ, 88).

Баъзан боғловчисиз боғланган қўшма гап таркибидаги гапларнинг бирор бўлаги туширилган бўлади. Бундай ҳол кўпроқ мақолларда кузатилади. Сабаби, мақолларда ана шу туширилган бўлакни мазмунан илғаб олишнинг имкони бор. Мана мисоли:

Quş qanatın, er atin. – «Қуш қаноти билан, эр оти билан» (ДЛТ, 28).

Ушбу қўшма гапда иккала гапнинг кесими, яъни *küçlüg erür* («кучлидир») сўзи туширилган. Мақолнинг тўлиқ тикланган шакли шундай бўлади: *Quş qanatın (küçlüg erür), er atin (küçlüg erür).*

Боғланган қўшма гапнинг иккинчи тури боғловчилар билан боғланган қўшма гапдир.

Бундай қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро тенг, бириктирув, айирув боғловчилари ёрдамида боғланади.

Масалан, «Туркий тафсир»да:

Min altuni bar erdi va qul-qarabaşı bar erdi. – «Минг олтини бор эди ва қулу жориялари бор эди» (Таф. 216).

Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида:

Çiqip, Mu'ammil qaşıya keldim va har ne körüp erdim dedim (НМ, 126).

Har qaysimizniñ birär qizimiz bar va har biriniñ törtär miñ qoyi bar (НМ, 129).

(Abu-l-ħusayn Sālbeh) tört yüz yetmiş ücdä dunyādın ötti va xānaqāhida dafn qıldilar (НМ, 148).

Aniñ qaşıya bardim va salām qıldim va hālīmni aytтім (НМ, 323).

Hađrat Şayxqa muridlar köp erdi, ammā alardın neçäsi jihānda yağāna va zamānda muqtadā-vu farzāna erdilär (НМ, 225).

Эргаш гапли кўшма гаплар

Эргаш гапли кўшма гаплар таркибидаги содда гаплар бош ва эргаш гапдан тузилади. Эргаш гап бош гапга эргашиб, уни тўлиғича ёки бирор бўлагини тўлдириб, изоҳлаб, аниқлаштириб келади. Масалан:

Awcī nečā al bilsā, adīy anča yol bilir. – «Овчи ов хийлаларини қанчалик билса, айиқ ҳам қочиш йўлларини шунчалик билади» (ДЛТ, 39); *Kōzdān yīrasa, kōñüldān yemā yīrar.* – «Дўстлар кўздан узоқлашса, кўнгилдан ҳам узоқ бўлади» (ДЛТ, 447).

Ёки яна:

*Qaçan ölsäm, señä qadrīm belürgäy,
Bu yolda tüssä Aflātun, telürgäy* (МН. 191).

Бош ва эргаш гапларнинг маъно муносабати, ўзаро боғланишига кўра эргаш гаплар бир қанча турга бўлинади: сабаб эргаш гапли кўшма гап; натижа эргаш гапли кўшма гап сингари. Ёзма ёдгорликлар тилида ҳам бундай гапларнинг тури ўндан ортиқ.

Масалан, пайт эргаш гапли кўшма гап: *Taḡ atqaç, aṣḥābdīn biri bilä aḡi tiläy çiqtuq* (НМ, 267).

Сабаб эргаш гапли кўшма гап: *Ol el bodunī İbrāhim ḥālīnī anday kördilār ersä, Namruddīn yüz ewürdīlār.* – «У мамлакат халқи Иброҳимни ана шундай ҳолда кўриб, Намруддан юз ўгирдилар» (Таф. 74); *Derlār-ki, āxir 'umrida anča dard ustādyā mustavlī bolup erdi-kim, har kün aqşamqurun tamya çiqar erdi va künäs sari baqīp aytur erdi ...* (НМ, 156).

Ёки натижа эргаш гапли кўшма гап: *Ū(ru)ṣyudun soḡ Oḡuz qayannuḡ çerigigä, nōkārīrigä, el-künlārigä anday uluḡ ölüḡ baryu tüṣti-kim, yüklämäkkä, keltürmäkkä at, qayatīr, ud azliq boldi.* – «Урушдан сўнг Ўғуз хоқоннинг черигига, навкарларига, халқига шундай улуғ ўлжа тушдики, уни юклаб ортиб кетишга от, хачир, хўкиз озлик қилди» (ЎД. 30, 9 – 31, 4).

Эски ўзбек тилида (XV юзйилликда) эргаш гаплар бош гапга қуйидаги шаклларда бириккан:

(1) *-ki, -kim* сингари кўшимчалар ёрдамида:

Suḡa yetkändin soḡra anīḡ yanīda yana bir çāh bunyād qīlīptur-ki, burunḡi çāhnīḡ tufraylarīn aḡa salḡay (НМ, 80).

Susiz-men va kōñlüm tāzayīna xiyār tilār-ki, boḡuzumnī ölütkāy-men (НМ, 102).

(2) равишдош сўзлар ёрдамида:

Biyābānda yol aziqīp, nečā kün yegülük tapmadīlar (НМ, 170).

Bir kün xilvat tapip, ul xumxānani içkâridin baylap, küplârni uşata başladı. Atasıya xabar qıldılar ersä, tam üstigä kelip, yāyat yaqâbidin bir taş alip, üy dariçasidin aña attı (НМ, 172).

Köz açip tabassum qıldılar va meniñ idtirâbim artuq boldi. Ayayları sari kelip, yüzümni tabanlarıya surttum (НМ, 207 – 208).

(3) *tā, cūn* сингари эргаштирувчи боғловчилар билан:

Va arslan tewāni alar ilâigä qoyup, özi biyik bayırğa çiqip olturdi, tā alar barça toydılar (НМ, 168).

Çün yaşı yigirmi altıya yetti, buzurgvâr vâlidî 'ālamdin ötti va anī öz ornıya olturttı (НМ, 174).

Мураккаб кўшма гаплар

Мураккаб кўшма гап уч ва ундан ортиқ содда гапнинг бирикувидан тузилган бўлади. Унинг таркибидаги гаплар боғланган кўшма гап, бир неча эргаш гапли кўшма гап бўлиши ёки униси ҳам, буниси ҳам аралаш ҳолда учраши мумкин.

Мураккаб кўшма гапларга бир-иккита мисол: *Darveşlar-kim, har qaçan-kim, ol bayqa kelürlâr erdi, ol taqî darveşlar birlâ bilâ kelür erdi.* – «Дарвешлар-ким, қачон-ким, у боққа келар бўлсалар, у ҳам дарвешлар билан бирга келар эди» (Таф. 101); *'Ubūdiyyat aşli uldur-ki, zâhirda andaқ bolıyay-sen-ki, sendin barça şar' zâhir bolıyay va bâtında andaқ bolıyay-sen-ki, anda yāyr yādiniñ sıymayî bolmayay* (НМ, 186); *Bir qarî kişi kördi, nūrānî va qan közidın aqip, yüzidâ baylap erdi, ammâ ul kişi külâr erdi* (НМ, 184 – 185).

КўЧИРМА ГАПЛИ ЖУМЛАЛАР

Матн орасида мазмуни, гап қурилиши ва сўзлари ҳеч бир ўзгаришсиз келтирилган ўзгаларнинг гапи кўчирма гапдир.

Бундай жумлаларда мақсади, қурилиши, ифода шаклига кўра икки хил гап қатнашади. Биринчиси – *муаллиф, сўзловчининг гапи*. Иккинчиси – *кўчирма гап, ўзга кимсанинг гапи*.

Муҳими шундаки, қадимги туркий матнларда кўчирма гапли жумлалар сўзловчи гапи билан бошланиб, жумла сўнги яна сўзловчи гапи билан тугатиб қўйилади. Бунда кўчирма гапдан олдингиси *dedi, dedi-kim, ança timiş* сингари сўзлар билан шакллантирилади. Кўчирма гапдан кейингиси ҳам айни сўзлар билан, бироқ энди кесимга мослашган шаклда тугатилади: *dep dedi* («деб айтди»), *tir ärmis* («дер экан») сингари.

Ўтмишда сўзловчи нутқини беришда кишиларнинг мансаб ва даражасига ҳам катта эътибор қилинган: мабодо сўз ҳукмдор тилидан айтилаётган бўлса, кўчирма гапдан олдинги муаллиф сўзи *inča tep yarliqadi* («шундай деб ёрлиқ берди / буюрди»), кўчирма гапдан кейингиси эса *tep yarliqadi* («дея ёрлиқ берди») деб тугатилади. Оддий кишиларнинг ҳукмдорга мурожаатида эса кўчирма гапдан олдингиси *inča tep ötündi* («шундай дея ўтинди»), кейингиси *tep ötündi* («дея ўтинди») деб якунланади.

Энди айтилганларни бир-икки мисолда кўриб чиқамиз.

«Ўғузхоқон» достонида шундай жумла бор: *Oşul böri Oғuz qayayya söz berip turur erdi. Taqī dedi-kim: «Ay, ay Oғuz, Urum üstigä sen atlar bola-sen. Ay, ay Oғuz, tapuyunlarya men жүrür bola-men», – dep dedi. – «Ўша бўри Ўғуз хоқонга сўз айтиб турар эди. Яна дедиким: «Эй Ўғуз, сен Урум устига отланяпсан. Эй Ўғуз, мен сенинг хизматингда бўламан [яъни сенга йўл бошлаб бораман]», – деб айтди»* (ЎД. 16, 6 – 17, 2).

«Ўғузхоқон» достонидан бошқа бир мисол: (*Urus-beg*) *taqī dedi-kim: «Baluqni qataylayu keräk turur. Sen taqī uruşyulardan soñ baluqni beñä saqlap kelgil», – dep dedi. – «(Урус-бег) яна шундай деди: Шаҳарни кўриқлаш керак. Сен урушлардан сўнг шаҳарни менга сақлаб келгин», – деб айтди»* (ЎД. 20, 5 – 8).

Кул тигин битигида: *Türük qara qamuy bodun anča timis: «Ällig bodun ärtim, älim amtī qani? Kimkä älig qazyanur-män?» – tir ärmis. – «Qayanlıy bodun ärtim, qayanim qani? Nä qayanqa isig, küčüg birür-män?» – tir ärmis. – «Турк қора халқи, бари халқ шундай дебди: «Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? Давлатни кимга эгаллаб беряпман?» – дер экан. «Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани? Не хоқонга меҳнатимни, кучимни беряпман?» – дер экан»* (К. 8 – 9).

Туркий «Тафсир»да: *Atası yigit erkän, öldi, ol taqī yigit erkän, ölgäy», – terlär. – «Отаси йигит эканлигида ўлди, у ҳам йигитлигида ўлади», – дейдилар* (Таф. 79).

Баъзан мақоллар ҳам кўчирма гапли жумлалардан тузилган бўлади. Бунда сўзловчи гапи ҳозирги-келаси замон шаклида берилади:

Eşiç ayur: «Tübüm altun». Qamiç ayur: «Men qayda-men / qanda-men?» – Қозон айтур: «Тубим олтин». Чўмич айтур: «Мен қайдаман» [Қозон: «Тубим олтин», – деб мақтанса, чўмич: «Ундай бўлса, мен қайдаман?» – дейди] (ДЛТ, 35).

Эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси») даврига келиб кўчирма гапли жумлаларнинг қурилиши, кўпинча диалогик нутқнинг кўриниши ҳозирги тилимизга анча яқинлашади. Уларда аввал муаллиф гапи, кейин эса кўчирма гап келтирилади; қадимги туркий битиглардаги сингари

охирида муаллиф гапи қайтарилмайди. Муаллиф гапи *dedi-kim, dedi-ki* сингари таъкид сўзлари, сўроқ жумлалар бўлганда эса *sordi-kim, sordi-ki* сўзлари билан келади.

Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асаридан бир-икки мисол:

Abu-l-ḥusayn Darrāj Baydāddīn Yūsuf ibnu-l-Ḥusayn Rāzīya keldi. Ul sordī: «Ne işkâ keldiñ?» Dedi-kim: «Seniñ ziyâratıñya». Dedi-kim: «Agar yolda señâ birâw bir ârasta sarây va bir jamîla kânizâk bersâ erdi, señâ meniñ ziyâratımdın mâne' kelgâymü erdi?» Dedi-ki: «Bilmân, Teñri ta'âlâ meni bu iş bilâ imtihân qılmadı» (НМ, 90).

Ёки: *Şayx fuqarâya dedi-ki: «Uyni öltürün va pişuruñ, ammâ başini sâlim asrañ»* (НМ, 313).

Яна бир мисол: *Andin sordilar-ki: «Maṭlûb diydärin ne bilâ körsâ bolur?» Dedi-ki: «Şıdâ közi bilâ körsâ bolur, ṭalab közgüsidâ»* (НМ, 191).

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИДА СЎЗ ВА УНИНГ МАЪНОСИ

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: сўз, тушунча, маъно, лексикология, лексикография, турғун бирикма, атама.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Сўзни лексик бирлик сифатида белгилаш ва уни луғатда келтириш масаласи.

Қадимги туркий тилда ишлатилган буддизм атамалари.

Аллоҳнинг сифат исмлари.

Етти юлдуз ва ўн икки бурж атамалари.

Қадимги туркларда «томон» тушунчаси ва у билан боғлиқ атамалар.

«Вақт» тушунчаси билан боғлиқ атамалар.

Ўзбек тилидаги қариндош-уруғчилик отлари ва уларнинг илдизлари.

Сўзларни лексик бирлик сифатида луғатда келтириш («Қутадғу билиг» мисолида)

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» маснавийси бўйича тузилаётган ҳозирги луғатларда асарда ишлатилган сўзларнинг сони турлича кўрсатилаётир: баъзиларида 4500 сўз атрофида, ҳатто асардаги сўзлар сонини 2500 атрофида кўрсатган луғатлар ҳам бор.

Кўҳна ёзма ёдгорликлар бўйича тузилган замонавий луғатларнинг илмий жиҳатдан етакчиси, тўлиғи саналган «Древнетюркский словарь» ўзида 20 000 атрофидаги сўзлар ва турғун бирикмалар, атоқли отлар, жуғрофий ва этник номларни жамлаган (қаранг: ДТС, VI). Муҳими шундаки, ушбу луғатнинг жуда катта қисмини «Қутадғу билиг»дан олинган сўзлар ташкил қилади. Шундай экан, бутун бошли «Қутадғу билиг»даги сўзлар бор-йўғи 2500 ёки 4500 атрофида бўладими?

Таъкидлаш ўринлики, ҳали ўзбек тилшунослигида ёзма ёдгорликларда ишлатилган сўзлар, айниқса, қўшма ва мураккаб сўзларни белгилашнинг илмий принциплари, йўл-йўриқлари тугал бир шаклда ишлаб чиқилган эмас. Луғат тузувчилар сўзларни белгилашда ўз билганларича ёндашадилар. Мавжуд луғатларда, ёзма ёдгорликнинг луғат бойлиги кўпинча матнда сўзларнинг қай шаклда ёзилгани, унинг нечта эканлигига қараб белгиланаётир.

Ваҳоланки, асарнинг луғат бойлиги матнда ишлатилган сўзлар қандай шаклда ёзилгани, яъни ажратиб ёзилган сўзлар нечта эканлиги билан белгиланмайди. Матндаги сўзларни ташқи кўринишига қараб оддийгина санаб чиқиш билан асарнинг луғат бойлигини аниқлаб бўлмайди: орада мустақил сўзлар, кўмакчи феъллар, жуфт сўзлари бор. Муайян лексик бирликнинг содда, қўшма ёки мураккаб сўз эканлигини белгилашдаги бош ўлчов семантика, унинг маъносидир. Матндаги сўз унинг тушунча англатишига қараб белгиланади; бир сўз бир тушунчани англатади. Матнда у бир сўз шаклида ҳам, бир неча сўз шаклида ҳам келиши мумкин. Бир неча сўз шаклида келгани билан, у бир тушунчани англатса, битта сўз саналаверади. Ёки у қўшма сўз, мураккаб феъл бўлиши ҳам мумкин ва б.

Матндаги сўзларни лексик birlik сифатида аниқлаш ва луғатга кириштишда унинг қуйидаги белгиларига эътибор қаратилмоғи керак бўлади:

(I) Туркий матнларда сўзларнинг сони эмас, унинг қандай маъноларни англатаётгани муҳим. Туркий асарнинг луғат бойлиги ҳам унда қўлланган сўзлар қандай ва неча хил маънода ишлатилгани билан белгиланади. Бу маъноларнинг бари луғатда муайян изчилликда берилуви керак.

(II) Кўмакчи феъллар билан ишлатилган феъл шакллари луғатда бирга олинади.

Масалан, *ketā ber-* – «кетавер»:

Neçā ma sīnadīm, esiz qilyučī
Ketā berdi kündā, üzüldi küçi.

«Кўп синадим, ёмонлик қилувчилар (иши)

Кундан-кун (орқага) кетаверди, (уларнинг) кучи узилди» (QBN. 16a,9).

körü tur- – «боқиб кўр»: *Körü tursa, bizdā üzā baryučī ...* – «Боқиб кўрса, биздан бурун ўтганлар ...» (QBN. 16a,12);

qalu kel- – «қолиб кел-, сақланиб қол-»: *Ulardīn qalu keldi eḍgü törü.* – «Эзгу удумлар улардан қолиб келди» (QBN. 17a,1);

tuta bil- – «тута бил-»: *Qamuy iş içindä tuta bilsä öz.* – «(Киши) барча ишда ўзини тута билса» (QBN. 18b,15).

Бу сингари бирикувларда янги сўз ясалаётгани йўқ. Лекин уларда кўмакчи феъллар қўшилиши туфайли сўзнинг маъноси услубий ўзгаришга учрайди. Масалан: *kör-* «кўр-, қара-» дегани, *körü tur-* деганда эса «боқиб кўриш, разм солиш; фикрлаб кўриш» тушунилади; ёки: *tut-* «тут-, ушла-» дегани, *tuta bil-* деганда эса «тута билиш, уддалай олиш» маъноси бор.

Шу сингари *yaʻa tur-* «ёғиб тур-» дегани; бу ўринда янги сўз ясалаётгани йўқ, бироқ унинг таркибидаги *tur-* кўмакчи феъли ҳаракат давомийлиги, изчиллиги маъносини шакллантиради; *yaʻa tursu yaʻumtur* (QBN. 11b,4) дейилганда «ёмғир ёғиб турсин», яъни «ёмғир тез-тез ёғсин» деган мазмун англашилади ва б. Бундай бирикувлар бир сўз саналади ва уларни худди шундай бирикув шаклида луғатларда келтириш керак бўлади.

Буларнинг таркибидаги феъллар алоҳида, бошқа гапларда ишлатилганда эса (*körü tur-*, *tuta bil-* шаклида эмас, *kördi, turdi; tutti, bildi* сингари) маъносига қараб бошқа-бошқа сўз сифатида луғатга киритилади: *kör-* ва *tur-* бошқа-бошқа феъллар бўлади.

Муҳими, кўмакчи феъллар от туркумидаги сўзларга қўшилиб, қўшма феъл ясашга ҳам хизмат қилади. Масалан:

at ur- – «ном бер-»: *Kitāb atī urdum «Qutaʻbū bilig».* – «Китобга «Қутадғу билиг» деб ном бердим» (QBN. 19b,7);

yawa qil- – «беҳуда тут-»: *Sözümni yawa qılma, köñlün ešit.* – «Сўзларимни беҳуда тутма, кўнглинг билан эшит» (QBN. 20a,2);

quyu qil- – «оққуш қил-»; поэтик маънода «оқартир-»: *Quyu qıldi quzğun tūsi-teg başım.* – «Қора (қузғун) тусидек бошимни оққуш қилди [яъни сочим оқарди]» (QBN. 20a,8).

elig tut- – «қўл тут-, қўл узат-»; поэтик маънода «ёрдам бер-»: *Muḥadmiš yerimdä elig tut meḥä.* – «Мунгга тушган еримда менинг қўлимдан тут» (QBN. 8a,15).

Ёки: *Šakarda sücūgrāk söz aydīm seḥä.* – «Сенга шакардан ширинроқ сўз(лар) айтдим» (QBN. 142b,3). Ушбу жумладаги *söz* ни *ay-* билан бирга *söz ay-* шаклида оламиз; бу «сўз айт-» деганидир.

Келтирилган бирикувларда кўмакчи феъллар янги сўз ясашга хизмат қилаётир. Масалан, *at* сўзи билан *ur-* кўмакчи феъли бирикиб, «ном бер-, от қўй-» маъносидаги қўшма феъл ясалмоқда.

Шу сингари *at ber-* «от бер-, ном бер-» дегани; *Qanāʻatqa Odyurmış at berip, vazīr qarındašī tep aymış turur* (QBN. 2b,1 – 2) дейилганда «Қаноатга Ўдғурмиш (деб) от бериб, вазирнинг қариндоши деб айтмишдир» деган

мазмун англашилади ва б. Бундай қўшма феъллар шу туришида луғатга олинаверади.

Буларнинг таркибидаги феъллар алоҳида ишлатилганда эса (*at ur-* шаклида эмас, *at* ҳамда *urdi* сингари) маъносига қараб бошқа-бошқа сўз сифатида луғатга киритилади.

(III) «Қутадғу билиг» маснавий бўлгани билан, асар матни икки хил шаклда: бошланишдаги муқаддима, фикристи абваб ҳамда ички сарлавҳалар насрда; матннинг асосий қисми эса шеърий.

Насрий матндаги гап бўлақларининг тартиби билан шеърий матндаги тартиб бир оз ажралиб туради. Шеърий матнда гап бўлақлари вазн ўлчови, ритм, қофия талабига кўра кўпинча инверсия ҳолатида келади. Табиийки, бундай поэтик талабларнинг мураккаб сўз шакллари ҳам таъсири бор. Қуйидаги байтдаги гап бўлақларининг тартибига эътибор қилинг:

*Yanut berdi Ögdülmiş, aydi: Özüm
Tiläk birlä keldi, ačayin sözüm.*

«Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: Ўзим
Тилак билан келдим, очайин сўзим» (QBQ. 149a,12).

Ушбу байтнинг иккинчи сатридаги *ačayin sözüm* инверсия ҳолатида бўлиб, унинг асл шакли *söz ač-* дир; маъноси «сўз оч-, сўз бошла-» дегани. Бу мисол инверсиянинг оддий бир кўринишидир.

Қийинлиги, матнда инверсиянинг анча мураккаб кўринишлари ҳам бор. Мана бир мисол:

*Bularda qayu buldi ersä bilig,
Ular urmiş öd-kün, ačunqa elig.*

«Булардан қайси бири билимга эришган бўлса,
Улар давр-кун [яъни замон] (ва) дунё ишига қўл урдилар» (QBN. 19a,13).

Байтнинг иккинчи сатридаги *elig ur-*, яъни «қўл ур-» сўзи буткул инверсия ҳолатидадир. Сўзлар луғатда берилганда матннинг инверсия ҳолати албатта кўзда тутилмоғи керак. Лекин улар луғатда инверсия ҳолатида эмас, тўғриланган кўринишида киритилади.

Ёки яна бир мисол:

*Aya, eđgü aymış köni er tili,
Köni er tili urdi sözkä uli.*

«Эй (сен), тўғри киши(нинг) тили жуда тўғри айтибди,
Тўғри киши(нинг) тили эса сўзга асос бўлади» (QBN. 39b,7).

Байтнинг иккинчи *Kōni er tili urdī sözkā ulī* жумласининг асли *Kōni er tili sözkā ul urdī* шаклидадир. Жумлада кечган *ul urdī* «асос бўлди» деган тушунчани англатади.

Энди қуйидаги байтга эътибор қаратинг:

Nečā kūr, küwāzlār bir ig iglāmāz
Qara yerkā kirdi, qanī, tebrāmāz (QBQ. 146a,17).

Ушбу байтдаги *ig* «касал, дард» дегани; у бирикаётган *iglā-* феъли эса «касал бўл-, дардга чалин-» дегани. Қадимги туркий тилда феъллар кўпинча ўз изоҳловчиси билан бирга ишлатилади. Масалан, *at atadī* дейди, бу «от қўйди» деганидир; ёки *yarliq yarliqadī* дейди, бу «ёрлиқ берди, фармон берди» деганидир. Бундай ҳол ора-сира ҳозирги ўзбек тилида ҳам учраб туради: *ўт ўтади* деймиз, бу «ўт юлди, ўтоқ қилди» деганидир.

Шунга ўхшаш юқоридаги байтда кечган *ig iglā-* ҳам бир сўз бўлиб, «касал бўл-, касалга чалин-» деган маънони беради. Демак, луғатда ҳам уни *ig iglā-* шаклида бир феъл сифатида келтирамиз.

Байт қуйидагича талқин қилинади:

«Сира касал бўлмаган неча жасур, мағрур (кишилар)
Қора ер (қари)га кирдилар, қани, қимирламаётирлар».

(IV) Матнда баъзан кўмакчи феъллар шеърий услуб, вазн талабидан келиб чиқиб туширилиши ҳам мумкин. Қуйидаги байтга эътибор қилинг:

Kerāk tut otačī, kerāk ersā qam,
Ölüglikā hargez asiy qılmas em (QBN. 45a,13).

Ушбу байтдаги *otačī tut-* «табиб сақла-; табибни ишга сол-» дегани. Ушбу жумлада *tut-* кўмакчи феъли мантиқан «коҳин» маъносидаги *qam* сўзига ҳам қўшилади. Шеърда вазн талабига бўйсунган ҳолда тушириб қолдирилган; унинг асли *qam tut-* бўлиб, маъноси «коҳин сақла-; коҳинни ишга сол-» дегани. Ана шуни инобатга олиб луғатда уюшиқ бўлақлар сифатида ишлатилган сўзларнинг икковини ҳам тўлиқ шаклда келтирамиз: *otačī tut-; qam tut-*.

Байт қуйидагича талқин қилинади:

«Иста табиб сақла, иста дуохон қоҳин (сақла),
Барибир, ўладиган (жон)га даво ҳаргиз фойда қилмайди».

(V) Сўзлар луғатга олинаётганда унинг матндаги маъноси, қай сўз билан бирикаётгани жиддий ўрганиб чиқилмоғи керак.

«Кутадғу билиг»да шундай жумла бор: *On iki miñ er sü öküš sü temäs* (QBN. 89a,2).

Разм солинса, ушбу жумлада «лашкар» англамидаги *sü* сўзи икки бор ишлатилган. Гапни шу туришида ўгирадиган бўлсак, мазмунда ғализлик келиб чиқади.

Гап шундаки, уларнинг биринчиси «киши» англамидаги *er* сўзи билан бирга ишлатилмоқда: *on iki miñ er sü* – буни «ўн икки минг кишилик лашкар» дейиш ҳам тўғри эмас. Бу жумладаги *er sü* «аскар» деб тушунилса тўғри бўлади: «ўн икки минг аскар»; иккинчи *sü* эса «лашкар» маъносидадир.

Юқоридаги мисолга кўра, *er sü* «аскар» [яъни бир киши], кейинги *sü* нинг ўзи эса «лашкар» [яъни кўпчилик]ни англатади.

Шуларга таяниб юқоридаги жумла «ўн икки минг аскарни кўп лашкар демайди» деб ўгирилса, ғализликнинг олди олинади.

Луғатда ҳам улар айни маъноларига қараб киритилаверади.

(VI) Жуфт сўзлар ҳам луғатда бирга келтирилиши керак. Масалан, *tuz-etmāk* – «тузу нон» сўзи: *Tuz-etmāk eḍisi, aqī, er bašī*. – «Туз ва нон эгаси, сахий, кишилар боши» (QBN. 49b,10);

et-öz-baš – «жону бош» сўзи: *Et-öz-baš esān bolsa, arzu yaγuq*. – «Жон ва бош эсон бўлса, орзу яқиндир» (QBN. 49b,12);

oγul-qīz – «ўғил-қиз, фарзанд» сўзи: *Oγul-qīz saqīnčī bu tübsüz teniz*. – «ўғил-қиз ғами – бу тубсиз денгиз» (QBN. 48b,12) ва б.

Ҳозирги ўзбек тилида *кирди-чиқди, қўйди-чиқди, борди-келди, олди-берди* деймиз. Муҳими шундаки, луғатда бу сўзларни бош шаклда *кир-чиқ-, қўй-чиқ-, бор-кел-, ол-бер-* ёки инфинитивда *кирмоқ-чиқмоқ, қўймоқ-чиқмоқ, бормоқ-келмоқ, олмақ-бермоқ* деб беролмаймиз, бунинг иложи ҳам йўқ. Ўзбекчада бундай дейилмайди.

Чунки *кирди-чиқди* сўзидаги *-ди* қўшимчаси ўтган замонни англаётгани йўқ, у ҳаракат-ҳолатнинг давомийлигини билдиради, сўзлар жуфтланганда эса отга айланади: *кирди-чиқди* «қўни-қўшничилик»ни, *қўйди-чиқди* «эр-хотин ажралиши»ни, *борди-келди* «яқинлар ўртасидаги алоқалар»ни, *олди-берди* «кишилар ўртасидаги қарз»ни англатади. Сўз сифатида бундай бирликлар жуфти билан олингани тўғри бўлади.

Сўзларни бундай кўринишда қўллаш қадимги туркий тилда ҳам бор. Жумладан, «Қутадғу билиг»да ўқиймиз:

*Qilič aldi-berdi bodunuy tüzär,
Qalam aldi-berdi yoriq yol süzär (QBN. 16b,15).*

Ушбу байтда кечган *aldi-berdi* сўзи бош шаклида *al-ber-* деб берилса, кўзланаётган маъно чиқмайди. Шунинг учун у тўлиқ *aldi-berdi* шаклида берилгани тўғри бўлади, у «кишилар ўртасидаги олди-берди»ни билдиради. Энди *qilič aldi-berdi* деганда «қўшинлар ўртасидаги ҳарбий алоқалар, ҳарбий келишувлар, сулҳлар» кўзда тутилмоқда; *qalam aldi-berdi* деганда эса «ёзувчи-адиблар ўртасидаги адабий алоқалар, донолар орасидаги ёзишмалар» кўзда тутилмоқда.

Байтнинг маъноси шундай бўлади:

«Қилич олди-бердиси [яъни ҳарбий алоқалар, ҳарбий келишувлар, сулҳлар] халқни тузади,

Қалам олди-бердиси [яъни адабий алоқалар, донолар орасидаги ёзишмалар] эзгу йўл-йўриқлар тузади».

(VII) Қуйидаги байтнинг маъносига эътибор беринг:

*Kičig qur uluylar ara kirmäsä,
Yïraq, taš yurïyli yaqïn yortmasa (QBN. 97b,1).*

Ушбу байтдаги *kičig qur* «бег соқчиларининг кичик сафи»ни англатади, *uluylar* дейилганда «улуғ саф», *yïraq, taš yurïyli* деганда эса «узоқда», «ташқарида юрувчи саф» кўзда тутилаётир. Шунга кўра, байтнинг талқини қуйидагича бўлади:

«Кичик саф улуғлар [яъни улуғ саф] орасига кирмаса,

Узоқ [яъни узоқда юрувчи саф], ташда юрувчи (сафни) [яъни ташқи сафни] (ички сафга) яқин юритмаса».

Бу сўзлар қўшин турларини англатгани учун биринчисини *kičig qur*, кейин шунга мос равишда қолганларини *uluğ (qur)*, *yïraq (qur)*, *taš (qur)* деб олиб, луғатда ана шу кўринишда берамиз.

(VIII) Фан соҳаларига тегишли атамалар (терминлар) нечта сўздан тузилган бўлишига қарамай, бир тушунча, яъни бир сўз сифатида луғатга киритилади. Масалан:

Balāyat bilā xaṭ teñāšsā qalī
Eḍi eḍgū til bu bitig sōz tili.

«Агар фасоҳат билан (чиройли) хат тенглашса,
Бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади» (QBN. 101a,8).

Ушбу байтдаги *bitig sōz* тилшунослик атамаси бўлиб, «ёзма нутқ тили», яъни «ёзма адабий тил» маъносида ишлатилган. Шунинг учун у худди шу шаклда луғатга киритилади.

Ёки: *Eḍi eḍgū yaŋ bu bitig sōz yaŋi.* – «Ёзма нутқ усули жуда яхши усулдир» (QBN. 101a,9).

Ушбу жумладаги *bitig sōz yaŋi* ҳам тилшунослик атамаси, у «ёзма нутқ усули» маъносида келган.

Яна:

Muŋar meŋzātū sōzlamiš sōz bilig,
Bu sōz iškā tutyil, ey qilqī silig.

«Сўз илмида бунга мослаб (шундай) сўз айтилган,
Бу сўзга амал қилгин, эй хулқи мулойим» (QBN. 152b,11).

Ушбу байтдаги *sōz bilig* адабиётшунослик атамаси бўлиб, «адаб; адаб илми; сўз илми», ҳозирги тушунчамиздаги «адабиёт» маъносида келган.

(IX) асарда *sürüg qoy / qoy sürüg* сингари бирикувлар ҳам бор. Агар *sürüg* билан *qoy* бошқа-бошқа ерда келса, улар алоҳида сўзлар сифатида олинади. Лекин бу ерда бирикиб келган, ҳозирги ўзбекчада «қўй суруғ» бўлади. Мисолга қаранг: *Bular-ol sürüg qoyqa erkāč sanī.* – «Булар [яъни олимлар] қўй суруғга така [яъни етакчи] сингаридирлар» (QBN. 157b,2). Қадимги туркий битиглардаги *türk bodun, tabyač bodun* ҳам шундай, улар «туркнинг халқи», «табғачнинг халқи» эмас. Шунга кўра, *qoy sürüg* бир сўз сифатида олинса тўғри бўлади.

(X) «Кутадғу билиг»да Юсуф Хос Ҳожиб Аллоҳнинг гўзал исмларини тилга олганда *zuljalāl, 'azza va jall(a)* («энг азиз ва улуғ»), *qādir kamāl* («қодир камол»), *ʿafūr* («ғофир»), *xāliq* («холиқ») сингари араб тилидан ўзлашган сифатлар билан бир қаторда кўпини туркийда берган.

Улар икки хил: бирлари, *erklig* – «эркли, қодир»; *yaratqan, tōrütkān* – «яратган»; *igidgān* – «парваришлаган», *kečürgān* – «кечирган»; *bir* – «ягона [воҳид]»; *uʿan* – «қодир»; *bayirsaq* – «меҳрибон»; *biliglig* – «билимли, билгучи»; *kōšūš* – «азиз» сингари содда сўз шаклида.

Шунингдек, сифат исмлар орасида: *yer kōk eḍisi* – «Ер ва кўкнинг эгаси»; *yerli kōkli yaratqan* – «Еру кўкни яратган»; *uluyluy edisi* – «улуғлик эга-

си»; *bir-ol bir* – «яккаю ёлғиз»; *bayirsaq edi* – «мехрибон эга»; *tügäl qudratlıy pädşäh* – «тугал қудратли подшоҳ»; *tutçı tirig* – «доим тириг»; *yaraysizni yirätıylı* – «яроқсизни йиратувчи»; *yazuq yarlıqaylı* – «гуноҳларни кечивувчи»; *māñü açu* – «мангу падар»; *saqışqa qatilmaz-qarilmaz* – «тафтишга сиғмас, мансуб эмас»; *iç-taş biligli* – «ич (ва) таш (сирларини) билувчи»; *ħaqu-l-yaqın* – «энг яқин ҳақиқат, ҳақиқатнинг энг яқини»; *sırqa yaqın* – «сирга яқин» сингари бирикмалардан тузилганлари ҳам бор. Бундай бирикма сифатларни ажратиб бўлмайди, шунинг учун улар луғатда бир тушунча сифатида берилгани маъқул.

(XI) Ёзма манбаларда кишиларнинг оти уларнинг лавозими, унвони, куняси билан қўшиб айтилган. Кимсанинг оти билан боғлиқ ушбу компонентларни бўлиб ташлаш мумкин эмас. Атоқли отлар, кишиларнинг оти нечта компонентдан тузилган бўлишига қарамай, улар яхлит кўринишда, бир сўз сифатида олингани маъқул: *Yūsuf; Yūsuf čilbaşı; Xās Ĥājib; Yūsuf Xās Ĥājib; Yūsuf Uluğ Ĥājib; Yūsuf Uluğ Xās Ĥājib* сингари. Бу сирада *Yūsuf* ҳам бир сўз, *Yūsuf čilbaşı* ҳам ёки *Yūsuf Uluğ Xās Ĥājib* ҳам шу туришича бир сўз саналади.

Қадимги туркий лексик қатламининг архаизмга айлана бориши

Шарқ, хусусан, туркий луғатчилик анъанасида қизиқ бир ҳодиса кузатилади. Бадий асарни кўчираётган котиб унда қўлланган, бироқ ўз даври ўқувчиси учун тушунарсиз бўлган сўзлар маъносини ҳошияга ёки сатр остига ёзиб кетган. Кези келганда бу нарса луғат вазифасини ҳам ўтаган. Буни «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзма нусхаси мисолида кўриб чиқамиз.

Ушбу қўлёзмани 1439 йили ҳиротлик Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган эди. Уйғур ёзувли қўлёзма ҳозир Вена Миллий кутубхонасида (А.Ф. 13) сақланмоқда (*факсимили учун қаранг: QВН*).

Муҳими шундаки, уни кўчирувчи бахши матнни ёзаётганда ўрни билан айрим сўзлар ёки ҳарфлар остига уларнинг ўқилишини, ўз даври учун тушунарсиз бўлган сўзларнинг маъносини ёзиб кетган. Буни ҳам луғатчилик тарихидаги ўзига яраша усул сифатида баҳолаш мумкин. Чунки ўтмишда тарихий асарлар кўчириляётганда кўпинча шундай йўл тутилган.

Матнда асар тилига хос, лекин қўлёзма кўчирилган кезде ишлатилмай қўйилган ёки айни маънода ўша давр китобхони учун таниш бўлмаган архаик сўзлар изоҳлаб кетилган. Котиб асар тилини аслидай сақлаш, уни замонасига зўрма-зўраки мослаштириб юбормаслик учун шундай

йўл тутган кўринади. Сўзларга берилган бундай сатрости изоҳлари араб ёки уйғур хатида.

Изоҳланиш йўллари куйидагича:

Асар кўчирилган чоғларда қўлланилмай қўйган қадимги туркий сўзлар уларнинг синонимлари билан изоҳланган. Масалан: *bodun~bozun* сўзининг остига *el, ra'iyat* деб ёзиб қўйилган (15b,13; 10b,10), *qumardqu~qumaru* сўзининг остига *yādgar* (4a,3; 30a,20); *arqış - karvān* (7b,2), *otači - tabīb* (5a,26), *sawči - rasūl* (12a,19), *ög - 'aql* (8a,21), *yuluy - fidā* (6b,6), *yula - čiray, yaryqluq* (6b,4; 3b,12), *hajib (~xas hajip) - vazir* (2a,16; 15b,9), *munduz - gol* (16b,30), *bor - šarāb* (28a,10), *yalawač - elči* (5a,9), *qurdqa - qari* (12a,5), *yaqluq - ādam* (10b,22) сингари.

Айниқса, астрономик атамалар мунтазам равишда изоҳланган. Чунки бу даврда қадимги туркий атамалар ўрнида уларнинг арабий, форсий вариантлари қўллана бошлаган эди. Масалан: *Yašiq - Āftāb* (8b,4), *Sekāntir - Zuhal* (8b,1), *Oṅṅay - Muštarī* (8b,2), *Körüd - Mirriḥ* (8b,3), *Ökāk - Javzā* (8b,9), *Ud - Savr* (8b,9), *Qozī - Hamal* (8b,9), *Ülgü - Mizān* (8b,10), *Könäk - Dalv* (8b,11), *Baliq - Xūt* (8b,11) тарзида изоҳланган ва б.

Кўп маъноли сўзларнинг айна байтдаги маъноси изоҳланади. Масалан, асарда қўлланилган *öd* сўзи «вақт» маъносини билдирган. Ушбу ўзақдан ясалган *ödsiz* сўзи «бевақт» маъносини ифодалайди. Матнда куйидаги мисрада ҳам у айна маънода келган:

Kişi ödsiz ölmäs anadın tuypur (41a,28).

Мисрадаги *ödsiz* сўзининг остига *ajal* деб изоҳланган. Бу билан мазкур сўз «бевақт, ажалсиз» маъносини ифодалаётганига ишора этилади: «Киши онадан туғилиб, бевақт [яъни ажалсиз] ўлмайди».

Qut сўзи ҳам кўп маънолидир. Мазкур байтга эътибор берайлик:

*Bu sayliḡ bilä kör elin saqladı,
Qutī kündä artip örü yuqladı* (13a,19).

Байтдаги *qut* сўзи «давлат, бойлик» маъносини ифодалайди. Шунга кўра, унинг остига *davlat* деб ёзиб қўйилган. Байт мазмуни шундай бўлади:

«Бу билим билан, кўргин, элини сақлади,
Давлати кунда ортиб, юқори кўтарилди».

Qut сўзи бошқа бир байтда *iqbāl* деб изоҳланади:

Bu Aytoldi tegli qut-ol kör anı (11a,10).

Бу билан асар персонажларидан бири бўлмиш Ойтўлдиннинг мажозий маъноси назарда тутилмоқда: «Бу Ойтўлди дегани – кутдир [яъни иқболдир], кўргин уни».

Изоҳларнинг айримлари форсчада. Матнчиликдаги бу ҳодиса Ҳирот адабий-маданий муҳитининг таъсирида юз берган дейиш мумкин. Чунки мазкур муҳитда иккитиллилик анъанаси устувор эди. Чунончи: туркий *siyit* ни котиб *giryā* деб изоҳлаган (24b,22), *qariyū* ни *dar* (5a,23). Баъзи изоҳлар туркий ва форсийда. Жумладан, *adīn* сўзи бир ўринда туркий *özgā* (3a,6), бошқа бир ерда эса форсча *dīgar* (3a,8) сўзи билан изоҳланган.

Котибнинг баъзи сўз ёки сўз бирикмаларига берган изоҳлари бирикма ҳолида: *ol edgū özün – dar ān vaqt* (10a,10), *bezānip ödü – ārasta damā-dam* (12b,8), *qutadyū* сўзи эса *ya'ni hujasta* ёки *hujasta bud* (11b,7) деб изоҳланган.

Сатр остида сўзларнинг қўлёзма кўчирилган даврда қўлланган фонетик вариантлари келтирилади. Жумладан, уйғур ёзувли сатрдаги *qulūyāq* сўзининг остига *qulaq* (41b,6), *qulayuz* остига эса *[qula]wuz* деб ёзиб қўйилган (8a,31). Чунки XV асрда, яъни асар кўчирилган даврда бу сўзлар ана шундай талаффуз қилинади.

Шундай қилиб, бахшининг ушбу изоҳларидан XV асрда («чиғатой туркчаси» деб аталаётган ёзма адабий тилда) архаиклашган луғат қатламини тиклаш мумкин.

Яна бир мисол. «Ҳибату-л-ҳақойиқ» С қўлёзмасининг (YugC) қачон ва ким томонидан кўчирилгани маълум эмас. Ушбу қўлёзманинг яхши ери шундаки, котиб матнни кўчира туриб асар тилидаги айрим эскирган, архаик сўзлар остига қирмизи рангда уларнинг маъносини ёзиб қўйибди. Котибнинг ушбу изоҳлари XVI юзйилликдаги туркий тилнинг (чамаси, ўғуз лаҳжасининг) луғат бойлиги, ундаги унутилган сўзлар қатламини ўрганишда қўл келади. Чунки бу сўзлар ўша даврда унутилгани учун котиб ана шундай йўл тутишга мажбур бўлган.

Масалан, *bodun* сўзининг остига *xalāyīq* деб ёзиб қўйилибди (С. 12,11), *örünj – aq* (С. 3,8), *eñ – yañaq* (С. 3,9), *adīn – özgā* (С. 11,7), *but – ĩnan* (С. 15,4), *čīyayliq – faqir(liq)* (С. 19,1), *ažun – dunyā* (С. 22,3), *sökünč – dašnām* (С. 23,3), *uyalar – birādarān* (С. 28,10), *inč – āmān* (С. 40,7), *uyān – tāñri* (С. 43,8), *nelüg – nečün* (С. 43,10), *ködāzgil – şaqla* (С. 15,6), *süčüg – šīrin* (С. 21,1), *söküş – dašnām* (С. 24,3) сингари.

Бу усул, айниқса, кўп маъноли сўзларни англаб олишда жуда асқотади. Масалан, *idi* сўзи бир ўринда *şāhib* деб изоҳланса (С. 3,1), бошқа бир ерда мазмундан келиб чиққан ҳолда *tāñri* деб изоҳланган (С. 13,1).

Бундай изоҳлар сўзнинг архаик талаффузига ҳам тегишли. Масалан, *kedim* сўзининг тагига *kiyim* деб изоҳлаб қўйилибди (С. 18,11).

Айрим ўринлардаги изоҳларда ўғуз лаҳжасининг таъсирини кузатиш мумкин: *qorip* сўзининг тагига *durup* деб ёзиб қўйилибди (С. 15,5).

Баъзи эскирган сўзлар сўз бирикмалари ёрдамида ҳам изоҳланган: *öçüktürmä – kendügä duşman etmä* (С. 14,6).

Шунга ўхшаш ҳодиса китобат тарихида кенг тарқалган. Жумладан, XVIII асрда Алишер Навоий «Ҳамса»сини кўчирган котиб матн теварагига тушунарсиз бўлган сўзларнинг маъносини изоҳлаб кетган. Бу ишга катта куч кетказгани учун ҳатто матнга янги от бериб, уни «Ҳамса ба ҳалли луғат» деб атаган.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛДА ИШЛАТИЛГАН БУДДИЗМ АТАМАЛАРИ

Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти тарихида, фалсафий қарашлар, адабий алоқалар ва тилларнинг ўзаро таъсирида буддизмнинг ўрни катта бўлган. У илк ўрта асрларда улуслар бирлиги, уларнинг маданий юксалиши, диний-фалсафий фикрлар умумийлигини таъминлаб, Шарқ цивилизациясига унумли таъсир кўрсатган динлардан бири эди.

Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонликлари даврида асосан тангриканлик инончи кенг ёйилган. Шунга қарамай, хоқонликнинг ғарбий ва жанубий ўлкаларида буддизм ҳам амал қилар эди. Қизиғи шундаки, баъзи турк хоқонларининг ўзлари тангриканликка сиғинсалар-да, буддизмга кенг йўл очиб бериб, унинг ёйилувиغا монелик қилмадилар. Уйғур хоқонлик ва давлатларида эса буддизм ва монийлик туркларнинг бош динига айланди.

Буддизмнинг Осиё мамлакатлари бўйлаб ёйилиши ва унинг йирик бир динга айланишида Буюк ипак йўлининг таъсири катта. Буддизмнинг Ўрта Осиёга кириб келиши унинг кейинги такомилга кенг йўл очиб берганлигини алоҳида таъкидламоқ керак. Муҳими, Буюк ипак йўлида кечган савдо-иқтисодий, маданий алоқалар туфайли буддизм кенг тараққиёт йўлига тушиб олди. Уларнинг таъсирида буддизм Шарқнинг йирик динларидан бирига айланди (Садыков 2007, 2).

Буддизм Ўрта ва Марказий Осиёга тарқалган чоғларда бу ердаги халқларнинг, хусусан, туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида кескин бурилиш ясаганлиги ёзма манбалар, археологик топилмалар ва бошқа моддий маданият ёдгорликларидан аён. Қадимги туркларнинг илк тангриканлик инончидан сўнг кенг амал қилган ва ўтмишда исломга қадар теран из қолдирган динлардан бири ҳам буддизм бўлди.

Қадимги туркларда буддизмнинг махаяна мазҳаби амал қилган. У туркий ёзма ёдгорликларда *uluḡ kölüñü* (яъни «улуғ тариқат») ёки *тахаян*

(<санскр. *mahāyāna*) деб аталган. Хинаяна мазҳабини *kičig kölünjü* (яъни «кичиг тариқат») дейилган. Буддизмнинг бу мазҳаби илк даврларда Тоҳаристоннинг айрим ўлкаларидагина ёйилган, холос.

Махаяна буддизми қадимги туркларнинг турмуш тарзи, миллий анъаналари, этнографияси ва маданияти, фалсафий қарашларига мослашиб кетди.

Буддизм даври китобат санъатида ўзининг тайёрланиш усули ва кўриниши билан потхи китоб алоҳида ажралиб туради.

Потхи китобнинг варақлари қадимги туркий тилда *patar* деб аталган. Бу сўз санскритча *pattra* сўзидан олинган бўлиб, улар пальма япроқлари ва варақни шундай атаганлар. Туркий тилда бу сўз ўзининг иккинчи – «китоб варағи» маъносига қўлланган.

Ҳар қайси варақнинг бош қисмига асар бўлими ва ушбу бўлимнинг тартиб кўрсаткичи ёзиб чиқилган. Масалан, «Майтри билан учрашув китоби»нинг қўлёзмасида китоб бетлари шундай кўрсатилган: *Yükünč, altı patar* («Юкунч, яъни тангрига алқов бўлими, олтинчи варақ»); *Yükünč, yeti patar* («Юкунч бўлими, еттинчи варақ»); *Baštinqi ülüş, on patar* («Аввалги бўлим, ўнинчи варақ»); *Baštinqi ülüş, tört yigirmi patar* («Аввалги бўлим, ўн тўртинчи варақ») ва б. Бир бўлим тугагач, кейинги бўлимдан бошлаб тартиб кўрсаткичи ҳам янгиланади. Ушбу кўрсаткичлар, ўз навбатида, пойгир (погинация, яъни варақнинг кетма-кетлигини кўрсатувчи белги) вазифасини ўтаган ва китоб варақларини тартибли сақлаш имконини берган.

Баъзи қўлёзмаларда варақ кўрсаткичидан олдин асарнинг оти ҳам ёзиб кетилган. Масалан, «Абитаки» сутрасида варақларнинг тепа қисмига асар бўлими ва варақлар тартиби билан бирга асарнинг оти ҳам кўрсатиб кетилган: *Abitaki, üçünč, sâkiz qîrq* – «Абитаки, учинчи (бўлим), ўттиз саккиз»; *Abitaki, üçünč, toquz qîrq* – «Абитаки, учинчи (бўлим), ўттиз тўққиз»; *Abitaki, üçünč, qîrq* – «Абитаки, учинчи (бўлим), қирқ» сингари (СОБЛ, 35 – 36, 70 – 71).

Потхи китоблардаги тартиб кўрсаткичининг бундай эканлиги бежиз эмас. Сабаби, будда китоблари жамоа орасида тўлиқ шаклда ҳам, бўлимлари айри-айри ҳолда ҳам ёйилган эди. Чамаси, айрим буддистлар асарнинг керакли бўлимини ўзлари учун кўчириб олиб, ундан фойдаланганлар.

Буддизм тушунча ва қарашларига кўра, ўлганлар хотирасига атаб диний китоблар кўчиртириш ўта савобли иш саналган. Муқаддас китоблар хонлар, беклар, йирик зодагонларнинг буюртмаси бўйича кўчиртирилар эди. Бахшилар уларни кўчиришда ўзларининг бор маҳоратини ишга солганлар.

Ўша даврларда «китоб» *bitig* деб аталган. Хат битувчи котиб, хаттот *bitigçi, ilımya, baqşı~baxşı* дейилган. Булардан *baqşı~baxşı* сўзининг илкин маъноси «устоз; муаллим», кейинчалик хат битувчи котибларни ҳам шундай аташган. Ўрта асрларда, хусусан, темурийлар замонида эски уйғур хатида битувчи котиблар *baxşı* дейилган. Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор: у «достон айтувчи, достончи»ни англатади. Айрим ўзбек шеваларида фолбин ҳам *baxşı* деб аталади.

Буддизм даври туркий адабиёти ўз хусусиятлари, йўналиши, жанрлар типологияси билан бошқа даврлардаги адабиёт, хусусан, ўзидан илгарироқ яратилган кўк турк ёзма адабиётидан ажралиб туради. Бу даврда туркий адабиётнинг мазмуни, образлар тизими ҳам ўзгарди. Кўк турк адабиётидаги алплар, халқ миллий қаҳрамонларини улуғловчи битиглар, халқ эпосларининг ўрнини будда мазмунли асарлар эгаллади.

Қадимги турк бадий адабиётида буддизм қарашлари, фалсафий таълимотини куйловчи шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди. Сингқу Сели (~Шингку Шели) тудунг, Ки-Ки, Пиратя Шири, Асиг тудунг, Чисуя тудунг, Қалим Кейши будда муҳтида ижод қилган ана шундай турк ижодкорларидан эди (Arat 1991, XXI – XXII).

Буддизм қадимги туркий халқларнинг ҳинд, тоҳар, хитой адабиётлари билан яқиндан танишувиға имкон туғдириб берди. Таржима адабиёт гуркираб ривожланди. Шарқ тилларида яратилган буддизм мазмунли асарларнинг қадимги туркий версиялари яратила бошлади.

Бадий жанрлар типологиясида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Турк адабиёти янги жанрлар билан бойиди. Жумладан, шеъриятда қадимги *küg, taqşut~tayşut, qoşuq~qoşuq, yir~ir* билан бир қаторда ҳинд адабиёти таъсирида *šlok* (<санскр. *śloka*), *padak* (<санскр. *pāḍaka*), *kārānt* (<санскр. *grantha*) сингари шеър турлари ҳам шаклланди (Arat 1991, IX – XX).

Буддизм шеъриятида санскрит диний адабиёти таъсирида шаклланган шеър турларидан бири *šlok* дир. «Олтун тусли ёруғ» асарида: *Atin atar aya qawşurur oqiyu šlōki bu erür.* – «Отини атаб, бармоқларини қоуштириб ўқиган шеъри бу эрур» (АҲар. 34, 3).

Буддизм даври турк адабиётида насрий жанрлар типологиясида ҳам ўзгаришлар юз берди; будда қонунлари, ақоид, таълимоти акс этган асарлар шуҳрат қозонди. Туркий адабиёт тарихида диний қонунларни баён этувчи йирик воқеабанд асарлар, диний-фалсафий қиссалар илк бор буддизм даврида яратилган. Нўм битиглар (сутралар) шарқ адабиётлари ўртасида кечган алоқалар таъсирида юзага келган ана шундай адабий турлардандир. Туркий қиссачиликнинг генезиси ўша замонларга бориб тақалади.

Бундай асарлар *nom* ёки *nom bitig* деб юритилган (*nom* атамаси суғдча *nwm*, яъни «дин қонуни; диний таълимот» сўздан олинган; *nom bitig* – «ақоид китоби» маъносини билдиради). Мана мисоли: «*Altun öñlög yaruq yaltrīqlīy qopta kötrülmiš nom eligi*» *atliḡ nom bitigdā onunč ülüš tegzinč nom bitiyü oqīyu tükādi*. – «Олтун тусли ёруғ ялтироқ тугал юксак нўм тождори» отли нўм битигда ўнинчи қисмининг бўлим нўми битилиб тугади (АҲар. 673, 5 – 11).

Будда диний адабиётида сутралар (қадимги туркий тилдаги аталиши *sudur~sudur*), шастарлар (манбалардаги шакли *šastir~šastar*) кенг ёйилди. *Sudur* (<санскр. *sūtra*) – сутра, Будданинг насихат ва кўрсатмаларидан иборат; *šastar* (<санскр. *śāstra*) – буддавий асар. Масалан: *Samtso ačarinīḡ bu šastarī aḡsiz körkölä uz turur*. – «Самтсў ачарининг бу асари беҳад ажойиб бўлиб, маҳорат-ла ёзилган» (СЦ. V, 11). Бу *šastar bitig* ҳам дейилган.

Турк адабиётида улуғ роҳибларнинг кечмишини, муқаддас қадамжоларга уюштирган зиёратларини акс эттирувчи мемуарлар яратилди. Булар турк-будда адабиётида *kavi nom bitig* деб аталган. *Kavi* (<санскр. *kāvya*) «эпос, эпик асар» деган маънони беради. Будда афсона-ривоятлари кенг тарқалди. Улар *purani* (<санскр. *purāṇa*) деб аталган.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизмнинг ёйилиши шарқ халқларининг маданий ва адабий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берди. Ушбу ижтимоий-тарихий, маданий жараён таржимашунослик соҳасида ҳам катта бурилиш ясади. Кўплаб будда ёдгорликлари шарқ тилларидан қадимги туркий тилга таржима қилина бошлади. Будда асарлари аввалига санскритчадан, кейинчалик уларнинг тоҳарча, суғдча ва хитой тилларидаги варсияларидан ўгирилган (Содиқов 2008, 65 – 69). Шу вазият тақозоси билан ўқимишли турк кишилари орасидан буддашунослар, қадимги шарқ тилларининг билимдонлари, таниқли шарқшунослар етишиб чиқди. Партанаракшит Карнаважики, Сингку Сели тудунг ўша замонда шуҳрат топган ана шундай буддашунос ва таржимонлардан эди.

Таржимон ва олим Партанаракшит Карнаважики – VIII асрда яшаб ўтган ижодкор. У тоҳар тилидан («Майтри билан учрашув китоби» («*Maytri simit nom bitig*»))ни таржима қилган. Сингку Сели тудунг эса X асрда яшаган. У хитой тилидан «Олтин тусли ёруғ» («*Altun öñlög yaruq*» = «*Suvarṇaprabhāsa sūtra*»), «Сюань-цзан кечмиши» («*Tsi-in-čün kavi nom bitig*») ҳамда «Вужуд ва кўнгилни англаш китоби» («*Et-özüg köñülüg körmäk atliḡ nom bitig*») асарларини қадимги туркий тилга таржима қилган (Содиқов 2008, 65 – 69).

Қизиғи шундаки, Сингку Сели таржималарини асарларнинг асл версияларига чоғиштириб кўрган олимлар улар хитойча матнлардан сўз-

ма-сўз ўгирилмаганини аниқлаганлар. Таъкидлаш жоизки, ушбу таржималарнинг қай бирини олманг, улар оддий асарлар эмас. Таржимоннинг кучли билим эгаси экани, туркий тил имкониятларидан усталик билан фойдалана билгани, қолаверса, унинг истеъдодли сўз устаси, шоир ва ёзувчи ўтганидан далолат беради. Матнлар услуги юксак балоғат даражасида. Англашиладики, таржимон турк ўқувчисига будда ғояларини чуқурроқ сингдириш, матнларни ўқишли қилиш мақсадида асарларнинг ғояси ва мазмунини сақлаган ҳолда фикрни турклар тасаввурига тўғри келадиган тушунчалар билан бойитган. Диний-фалсафий атамалар ҳам, матннинг баён услуги, бадий-тасвирий воситалар ҳам – бари шунга бўйсунди. Сингку Сели уларни қайта ишлаб, мустақил асар даражасига кўтарган. Шунинг учун ҳам турк-будда асарларини бадий таржималар деб эмас, балки қадимги турк ёзма адабиётининг сара намуналари сифатида қарамоғимиз керак.

Буддизм даврида қадимги турк ва шарқ тилларининг ўзаро муносабатлари авж олди. Шарқ тилларининг ўзаро алоқалари, диний-фалсафий қарашлар, маданият, бадий адабиётда кечган жараёнлар қадимги туркий тил луғат таркибининг янги атамалар билан бойишига олиб келди. Санскрит тилидан диний ва фалсафий тушунчаларни англлатувчи сўзлар, буддизм санъати, маданияти, маориф, адабиётшунослик ва фаннинг айрим соҳаларига тегишли атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади. Тилшуносликда, дин ва фалсафа соҳасида янги атамалар яратилди. Шу билан бирга, луғат таркибидаги сўзларнинг айримлари буддизм тушунча ва тасаввурларини ҳам ифода эта бошлади. Бир сўз билан айтганда, бу даврда туркий адабий тилида будда таълимотига оид бутун бошли атамалар тизими яратилди. Илк ўрта асрларда кечган ушбу ижтимоий, лингво-маданий жараённинг бари қадимги туркий будда ёзма ёдгорликларида ўз изини қолдирган.

Чет тиллардан сўз ўзлашувида таржима адабиётнинг ҳам таъсири кучли бўлди. Тоҳар, суғд, хитой тилларидан ўгирилган диний-фалсафий асарларда санскритча лексик қатлам билан бир қаторда ўша тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина бор.

Ўша давр тилшунослигида чет тиллардан сўз ўзлаштириш, туркий тилнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги атамалар яшаш ҳамда тилда бор сўзларни янги маънода қўллаш усуллари пухта ишлаб чиқилган эди.

Қадимги туркий ёзма адабий тилида чет тиллардан сўз ўзлаштириш ва янгиларини яшаш принциплари қуйидагича:

Муайян сўз асл тилда қандай бўлса, ўшандайлигича ўзлаштирилган, лекин талаффузи туркий тилга мосланган. Бундай атамалар ўзлашган

қатламнинг йирик бир қисмини ташкил этади. Масалан, *nirvan* (<санскр. *nirvāṇa*) – «мутлақ сокинлик, нирвана»; *maṅastv* (<санскр. *mahāsattva*) – «олижаноб, бошқа жонзотларга чин йўлни кўрсатувчи»; *bodisatv* (<санскр. *bodhisattva*) – «бодхисаттва».

Чет сўзларга туркий қўшимчалар қўшиш билан ҳам янги атама ясалган. Масалан, *nomči* – будда қонунларининг билимдони, қонунларни йўрувчи, маъносини айтиб берувчи уламо. Бу ўринда ўзлашган *nom* сўзига туркий *-či* қўшимчасини қўшиш билан янги атама ясалган. Бу сўз бошқа шаклларда ҳам ишлатилган. Жумладан, «қонунлардан сабоқ берувчи устоз, уламо» *nomči ačari~nomči baxši* ҳам дейилган. Бу ерда *ačari* (<санскр. *ācārya*) «ўқитувчи, устоз» маъносида.

Будда матнларида баъзи иборалар, диннинг асосини белгиловчи тушунчалар (формулярлар) ҳам туркийга ўгирилмай, асл ҳолида, ўша тилда қандай бўлса, ўшандайлигича, лекин туркий талаффузга мослаб ишлатилган. Бунга турк-будда матнларида қўлланган *Namo but. Namodarm. Namosaṅ* жумлаларини мисол келтириш мумкин. Бу формуляр буддизмнинг триадаси, яъни уч жавоҳирига – «Будда, будда қонунлари ва будда жамоасига таъзим»ни англатади (<санскр. *Namo Buddhāya. Namodharmāya. Namosaṅghāya*) (ДТС, 355). Будда адабиётидаги нўм битигларнинг бўлимлари, одатда, шу жумлалар билан бошланиб, шу жумлалар билан тугалланган.

Туркча буддавий матнларда тоҳарча, суғдча, қадимги хитойча аталар ҳам кўп учрайди. Бунинг сабабларидан бири будда асарларининг ўша тиллардан таржима қилинганлиги бўлса, иккинчиси қадимги турклар билан ўша халқлар орасида кечган яқин муносабатлар, адабий алоқалар ва шарқ тилларининг ўзаро таъсиридир. Масалан, *Azrua* (<суғдча *'zrv'*) – браҳма динининг яратувчиси, «Зервана» (=санскр. *Brahma*). Ёки: *Xormuzta* (<суғдча *'xwrmtz'*) – илоҳ, тангрининг оти, «Хўрмузд» (=Indra). Аслида, бу сўз моний диний қарашлари асосида шаклланган. Кейинчалик турк-буддистлар уни ўзлаштириб, ўз тушунчаларидаги «илоҳ» маъносида қўллай бошлаганлар.

Эски турклар Буддани *Burqan~Burxan* деганлар. Бу сўз туркий матнларда «Будда», «будда дини», «бут» англамларида келади. Ушбу сўз Ўрта Осиёдаги буддизм чоғларидан қолган баъзи жой отларининг таркибида ҳозир ҳам учраб туради. Масалан, Қозоғистоннинг Талдиқўрғон ўлкасида *Burxanbulaq* деган жой бор. *Burxanbulaq* улкан бир шаршаранинг отидир. Бу сўз таркибидаги *Burxan* «Будда»ни англатади. *Burxanbulaq* «Будданинг муқаддас суви, шаршараси» демак. Бу шаршара ҳозир ҳам оқиб турибди.

Матн тузиш аъъанаси билан боғлиқ яна бир жиҳат. Шарқ, хусусан, турк матнчилиги, матн тузиш аъъанасига кўра, асар қай тилдан таржи-

ма қилинаётган бўлса, китобнинг отини ўзидай қолдириш ёки яратилган асарларга шарқ тилларининг бирида (табiiйки, адабий таъсири ва мавқеи юқори бўлган тилда) ном қўйиш русум бўлган. Масалан, монийчилар тавбаномасининг туркий версияси «Niyoşaklarniñ suyiñ yazuqin öküngü Xuastuanivt» (яъни «Тингловчиларнинг гуноҳлардан тавба қилувчи Хуастуанивт») деб аталган. Чоғиштиринг, бу асарнинг суғдчадаги оти «Xv'stw'nft» дир (ДТС, 638). Турк-будда асарлари таржималарида эса хос бир хусусиятни кузатамиз: айрим асарларнинг оти аслида қандай бўлса, ўшандай, баъзиларига эса туркча от қўйилган. Баъзан асарнинг ҳар иккала оти ҳам ишлатилаверган. Масалан, «Mahāyāna sūtra» – туркий тилда «Uluу kölüñü sutur» ёки «Maytreya samiti nataka»нинг туркча версияси «Maytri simit nom bitig» деб аталган. Санскритча «Suvarṇaprabhāsa sūtra» қадимги туркий тилда «Altun öñlüg yaruq yaltriqliy qopta kötrülmiş nom eligi» (яъни «Олтун тусли ёруғлик таратувчи ҳамма нарсадан буюк бўлган тождор нўм») деб ўгирилган. Ёки туркча «Nirvan bitig» (санскр. «Nirvāṇa sūtra») маҳаяна мазҳабида яратилган сутралардан бирининг отидир.

Ёзма манбаларда буддизмга оид диний-фалсафий тушунчаларнинг асл туркий шаклда қўлланилгани ҳам эътиборга лойиқ. Туркий тилнинг луғат таркибида бурундан қўлланиб келаётган туркий асосли сўз будда муҳотида янги маънода қўлланган. Туркий сўзларга бундай усул билан янги маъно юкланиши она тилининг янада бойишига хизмат қилган.

Яна бир жиҳати, буддизм даврида адабий тилда буддавий асарларга хос бўлган ёзма кўтаринки бир услуб шаклланди, бунини шартли равишда «сутралар услуби» дейиш мумкин. Бу даврларда диний-фалсафий матнлар услубининг ўлчовлари, қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. Ўша даврларнинг диний қонунларни баён этувчи адабий асарлари – нўм битиглар ана шу услубдадир. Муҳими шундаки, қадимги будда матнлари негизда юзага келган ушбу диний матнлар услуби кейинчалик, ўрта асрларда яратилган диний асарларда ҳам янги бир шакл ва мазмунда давом этди.

VIII асрдан Ўрта Осиёга ислом дини кириб кела бошлади, X асрга келиб Қорахонийлар давлатида, сўнг Турфон уйғур давлатларида ҳам ислом расман қабул қилинди. Шарқий уйғурларда эса XVII асрда ҳам буддизм амал қилган. Муҳими, туркий халқлар буддизмга сиғинган чоғлардан улкан моддий-маданий ва маънавий мерос сақланиб қолган. Булар ичида, айниқса, ёзма ёдгорликлар алоҳида ўринга эга бўлиб, улар исломгача бўлган давр обидаларининг катта қисмини ташкил этади.

Буддизм даври адабиёти туркий халқлар, хусусан, ўзбек адабиёти тарихининг муҳим ва ажралмас бўлаги бўлиб, адабиёт тарихида чуқур ва ўчмас из қолдирди.

АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАРИ

Туркий тилда исломга тегишли диний атамалар тизимининг юзага келишида улуғ адиб Юсуф Хос Ҳожибнинг хизмати каттадир. Унинг «Қутадғу билиг» асарида Аллоҳ ва унинг гўзал исмларини англатувчи атамалар кенг қўлланган.

Асарда *Allāh* сўзи фақат бир ўринда – арабий басмалада келган. Матн давомида муаллиф унинг ўрнида *tāhri, bayat, edi* (ёки *edi*), *rabb* сўзларини қўллайди ва буларнинг бари ислом тушунчасидаги «Аллоҳ»ни англатади.

Муҳими, бу атамалар тилга олинганда сифатлари билан берилади. Юсуф Хос Ҳожиб *bayat* сўзини *erklig bayat* («эркли, қодир худо»), *etigli bayat* («яшнатувчи худо»), *уян, bir bayat* («қодир ва воҳид худо»); *erklig, уян, меңү, муңсуз bayat* («эркли, қодир, мангу, мунгсиз худо») шаклларида, *tāhri* сўзини *уян tāhri* («қодир тангри»), *tāhri 'azza va jall(a)* («энг азиз ва улуғ тангри»), *edi* сўзини эса *törütkān edi* («яратган эга), *igidgān edi* («парваришлаган эга), *kečürgān edi* («рахмдил, кечирувчи эга»), *муңсуз edi* («мунгсиз эга»), *bayirsaq edi* («меҳрибон эга») шаклларида қўллаган.

Ушбу атамалар асар қаҳрамонлари тилидан ҳам ишлатилади. Жумладан, *edi* сўзи асар қаҳрамонлари тилидан *bayirsaq edim* («меҳрибон эгам»), *inanу edim* («инонадиган эгам»), *qatilyliq yerindä siyinyu edim* («оғирлик пайтларида сиғинадиган эгам») дея таъриф этилган (QBN. 113b,1). Аллоҳнинг бирлиги *senindä adin yoq siyinyu edim* («сендан ўзга сиғинадган эгам йўқ») сингари таърифлар билан берилган (QBN. 185b,8).

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида туркий тиллар тарихида биринчилардан бўлиб Аллоҳнинг гўзал исмларини келтирган. Улардан айримларини келтириб ўтамыз.

Ўзбек тили тарихида Аллоҳнинг гўзал исмлари ҳам *at* дейилган. Масалан, байтда шундай келган:

*Еу erklig уян мәңү муңсуз bayat,
Yaramas senindin adinqa bu at.*

«Эй эркли, қодир, мангу, мунгсиз худо,
Сендан ўзгага бу от (яъни сифатлар) ярашмайди» (QBN. 7b.6).

«Қутадғу билиг»да ишлатилган Аллоҳнинг гўзал исмлари орасида *zuljalal, 'azza va jall(a)* («энг азиз ва улуғ»), *qādir kamāl* («қодир камол»), *yafūr* («ғофир»), *xāliq* («холиқ») сингари араб тилидан ўзлашган атама-

лар ҳам бор. Муҳими шундаки, Юсуф Хос Ҳожиб гўзал исмларининг кўпини туркийда берган. Улар шундай аталади: *уған* («қодир»), *bir* («воҳид»), *uluyluy edisi* («улуғлик соҳиби»), *yer kök edisi* («ер ва кўкнинг эгаси»), *erklig* («эркли, қодир»), *yaratqan* («яратган»), *törütкән* («яратган»), *igidgän* («парваришлаган»), *kečürgän* («рахмдил, кечирувчи»), *bayırsaq* («меҳрибон»), *etigli* («яшнатувчи»), *mähü* («мангу»), *muңsuz* («мунгсиз»), *tutči tirig* («доим тириг»), *čergüči* («олампаноҳ»), *biliglig* («билимли, билгучи»), *köšüş* («азиз»), *yaratıyli* («яратувчи»), *yarayısizni yiratıyli* («яроқсизни йиратувчи») ва б.

Муаллифнинг урғулашича, Аллоҳнинг мингта оти, яъни гўзал исми бор. Тавғач Буғраҳон таърифига бағишланган байтларнинг бирида шундай дейилади:

*Bayat berdi davlat, ey türkän qutı,
Aniñ šukri qilyu oqıp miñ atı. –*

«Эй туркларнинг бахти, худо сенга давлат берди;
(Бунинг ҳақиқа Аллоҳнинг) мингта отини ёд этиб, унинг шукрини қилмоқ керак» (QBN. 11a,11).

Энди асарда келган гўзал исмларни мисолларда кўриб чиқамиз.

'azza va jalla (عز و جل) – «энг азиз ва энг улуғ»: *Hamd-u sepa-s-u minnat-u ögdi täñri 'azza va jallaqa.* – «Ҳамду сано, шукрона ва мақтовлар (бўлсин) энг азиз ва энг улуғ тангрига» (QBQ. 1b,2).

Ҳамд бўлимидан олинган куйидаги байтга эътибор қилинг:

*Uluyluy edisi, uған, duljalāl,
Yaratqan, törütкән ma qādir kamāl.*

«Улуғлик эгаси, қодир, зулжалол,
Яратувчи, бино қилувчи ҳамда қодир камол» (QBQ. 2a,10).

Байтда келган *uluyluy edisi* (اولوغ لوغ ايديسى) – «улуғлик эгаси», *уған* (اوغان) – «қодир», *duljalāl* (ذوالجلال) – «зулжалол», *yaratqan* (يرتقان) – «яратувчи», *törütкән* (تروتكان) – «бино қилувчи», *qadir kamāl* (قادر كمال) – «қодир камол» Аллоҳнинг гўзал исмларидир.

Асарда келтирилган туркий басмала *törütкән* (توروتكان) – «яратган», *igidgän* (ايگيدگان) – «парваришлаган», *kečürgän* (كچوركان) – «кечирган» гўзал исмлари билан келган. Мана ўша басмала:

*Bayat atı birlä sözüg başladım,
Törütкән, igiḡgән, keçürgән eḡim.*

«Худо номи билан сўзни бошладим,
Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир» (QBN. 11b,11).

Аллоҳнинг гўзал исмларидан яна бирови *bir* (بیر) – «ягона [воҳид]»: *Aya bir, birikmāz seḡā bir aḡin.* – «Эй ягона [воҳид], бўлак бирор нарса сенга бирика олмайди» (QBN. 7b,8).

Байт:

*Öküḡ öḡdi birlä tümән miḡ sanā
Uyan, bir bayatqa, aḡar yoq fanā.*

«Талай мадҳлар билан туман минг санолар бўлсин
Қодир ва Воҳид илоҳга, фонийлик унинг учун ётдир» (QBN. 7b,2).

Келтирилган байтда *uyan* (اوغان) – «қодир», *bir* (بیر) – «воҳид» гўзал исми тилга олинган.

Аллоҳнинг яна бир гўзал исми *bir-ol bir* (بیر اول بیر) – «яккаю ёлғиз»: *Bir-ol bir iḡi-kim, törütti iki.* – «Яккаю ёлғиз эгамким, икки оламини яратди» (QBN. 136b,1).

Бу сифат *bir-ök* (بیروک) – «воҳид-ўқ» шаклида ҳам ишлатилган: *Bir-ök «bol» tedi, boldi qulmiḡ qatuy.* – «Воҳид-ўқ «бўл» деди, истаган ҳамма нарзалари бўлди» (QBN. 7b,4).

tügäl qudratliḡ päḡḡāh (توگال قدرت لیغ بادشاه) – «тугал қудратли подшоҳ» (QBQ. 1b,2 – 3).

yerli kökli yaratyan (ییرلی کوکلی یراتغان) – «еру кўкни яратган» (QBQ. 1b,3).

qatuy tinliḡlarya rozı bergän (قموغ تینلیغ لارقا روزی بیرکان) – «ҳамма тин олувчиларга ризқ берган» (QBQ. 1b,3).

xalāyiq bilä yer-kök edisi (خالایق بیلا بیر کوک ایдисی) – «халойиқ билан еру кўкнинг эгаси»:

*Ey, yer-kök edisi xalāyiq bilä
Rozini anutmış, yegil sen külä.*

«Эй (инсон), халойиқ билан еру кўкнинг эгаси
Ризқни ҳозирлади, сен хурсанд бўлиб, (уни) егин» (QBQ. 2a,11).

saqıḡssız berigli qatuyqa rozı (ساقیش سیز بیریکای قموغ قا روزی) – «барчага ҳисобсиз ризқ берувчи»:

*Saqiʃsiz berigli qamuyqa rozı
Yetürür qamuyñi ma yemäs özi.*

«Барчага ҳисобсиз ризқ берувчи
Жумла сонлиларни едиради, лекин ўзи емайди» (QBQ. 2a,12).

Яна бир мисол: *Muñi yoq edi, bir, aḡar yoq eşi.* – «Мунги йўқ эгам, воҳид, унинг эши йўқ» (QBN. 7b,5). Ушбу жумлада *muñi yoq* (مونكى يوق) – «мунги йўқ», *bir* (بىر) – «воҳид» сифатлари тилга олинган.

Куйидаги байтга эътибор қилинг:

*Ediz 'arʃda aldın sarāqa tegi
Turur barča muñluy seḡä, ey edi.*

«Арш-аълодан тортиб то рутубатли ерга қадар
Барча сенга ҳожатманддир, эй эгам» (QBN. 8a,10).

Бу ўринда *muñluy* «мунгли; қайғуси бор» дегани. Худонинг бандала-ри, жониворларга, яралган нарсаларга нисбатан ишлатилганда кўпроқ «қайғуси бор; ҳожатманд» деган маънода келади. Шуни назарда тутганда, Аллоҳга нисбатан ишлатилган *muñsuz* ёки *muñi yoq* сифатини «ҳеч кимга ва ҳеч нарсага эҳтиёжманд эмас» деб тушуниш керак бўлади.

Бошқа бир байт:

*Ey erklig, uḡan, māñü, muñsuz bayat,
Yaramas seniḡdin adınqa bu at.*

«Эй эркли, қодир, мангу, мунгсиз худо,
Сендан ўзгага бу ном ярашмайди» (QBN. 7b,6).

Ушбу байтда *erklig* (ارکلیک) – «эркли», *uḡan* (اوغان) – «қодир», *māñü* (منکو) – «мангу», *muñsuz* (مونکسون) – «мунгсиз» сифатлари тилга олинган:

ḡafūr (غفور) – «ғафур»: *Quluḡ-men, edim-sen meḡä, ey ḡafūr.* – «Кулинг-ман, мен учун эгамдирсан, эй ғафур» (QBQ. 11a,12).

xāliq (خالق) – «холиқ»: *Törütüḡli xāliq ne qulsa, qilur.* – «Яратувчи холиқ нимани истаса, қилади» (QBN. 31a,8).

Аллоҳнинг *tüzün* (توزون) – «карамли», *bilir* (بلیر) – «билағон» сифат отлари ҳам бор: *Tüzün-sen, yazuqum kečür, ey bilir.* – «Карамлисан, гуноҳимни кечир, эй билағон» (QBQ. 11a,14).

Яна бир мисол: *Aya māngü, müñsüz edim-sen, uluу.* – «Эй мангу, мунгсиз эгам, сен улуғдирсан» (QBQ. 11a,9). Ушбу жумлада *māngü* (منكو) – «мангу», *müñsüz* (مونكسوز) – «мунгсиз», *uluу* (اولوغ) – «улуғ» сифатлари тилга олинган.

yazuq yarliqayli (يازوق يرليقاغلي) – «гуноҳларни кечирувчи»: *Sen-ök-sen yazuq yarliqayli edim bir.* – «Гуноҳларни кечирувчи ягона эгам фақат сендирсан» (QBQ. 192b,16).

vafāliу (وفالليغ) – «вафоли, вафо қилувчи»: *Vafāliу edim-sen menā qil vafā.* – «Вафоли эгамсан, менга вафо қил» (QBQ. 11a,17).

māñü açu (منكو اجو) – «мангу падар», *saqışqa qatilmaz-qarilmaz* (ساقش قا قاتيلماز قاريلماز) – «тафтишга сиғмас, мансуб эмас» сифатлари:

*Sezigsiz bir-ök-sen, ey māñü açu,
Qatilmaz-qarilmaz saqışqa, seçü.*

«Сен, шаксиз, ягонасан, эй мангу падар,
Тафтишга сиғмас, мансуб эмас, (шундай) тушунарли» (QBN. 7b,10).

iç-taş biligli (ايچ تاش بيليگلي) – «ич (ва) таш (сирларини) билувчи», *haqu-l-yaqin* (حق اليقين) – «энг яқин ҳақиқат, ҳақиқатнинг энг яқини» сифатлари: *Ey iç-taş biligli, ey haqu-l-yaqin* – «Эй ич (ва) таш (сирларини) билувчи, эй ҳақиқатнинг энг яқини» (QBN. 7b,11).

sirqa yaqin (سرقا يقين) – «сирга яқин», *adiz* (اديز) – «азиз» сифатлари: *Ey sirqa yaqin, ey köñülkä adiz* – «Эй сирга яқин, эй кўнғилга азиз» (QBN. 8a,6).

čergüci (چرگوجي) – «олампаноҳ»: *Aya čergüci, kel, meni čergülä.* – «Эй олампаноҳ, кел, мени паноҳингга ол» (QBN. 20b,1).

Байт:

*Ey muñsuz idim, māñü, tutči tirig,
Ölümkä törüttün bu sansiz tirig. –*

«Эй мунгсиз, мангу ва доим тирик эгам,

Бу сонсиз тирикларни ўлим учун яратдинг» (QBN. 20b,6).

Ушбу байтда *muñsuz* (مونكسوز) – «мунгсиз», *māñü* (منكو) – «мангу», *tutči tirig* (توتجی تيريك) – «доим тирик» сифатлари тилга олинган.

«Қутадғу билиг»да *qatıuуda ašnu* (قموغ دا اشنو) – «ҳаммадан аввал; ҳамма аввалларнинг аввали», *öñdün* (اونكدون) – «азал», *kedin* (كدين) – «охир» сифатлари ҳам қайд этилган: *Qatıuу ašnuda-sen, se(n) öñdün, kedin.* – «Сен ҳамма аввалларнинг аввали, азал ва охирдирсан» (QBN. 7b,8).

Байт:

*Tilim, tınma, öggil yaratıylını,
Yaraysızni mendin yiratiylini.*

«Тилим, яратувчини тинмай мақтагин,
Яроқсиз (нарсалар)ни мандан йиратувчини» (QBN. 20b,9).

Байтдаги *yaratıylı* (یراتغلی) – «яратувчи», *yaraysızni yiratiylı* (یراغسیزنی) – «яроқсизни йиратувчи» ҳам Аллоҳнинг сифатларидир.

köşüş (کشوش) – «азиз»: *Özün fađli birlä keçür, ey köşüş.* – «(Гуноҳларим-ни) ўз фазлинг билан кечиргин, эй азиз» (QBN. 21a,9).

bayırsaq (باغیرساق) – «меҳрибон»: *Sewüg sawçı idti bayırsaq edi.* – «Меҳрибон эгам севикли расул юборди» (QBN. 8b,6).

Аллоҳнинг бу сифати *çin bayırsaq* (چین بغیرساق) – «чин меҳрибон» шаклида ҳам ишлатилган: *Aya çin bayırsaq, vafalıy edim.* – «Эй чин меҳрибон, вафоли эгам» (QBN. 138a,4).

ЕТТИ ЮЛДУЗ ВА ЎН ИККИ БУРЖ АТАМАЛАРИ

«Кутадғу билиг» маснавийсининг тўртинчи боби етти юлдуз ва ўн икки буржнинг таърифига бағишланган. Асарнинг Наманган қўлёзма нусхасида ушбу боб *Yeti kavākib, on iki buruj* (яъни «Етти сайёра ва ўн икки бурж (тўғрисида)» деб аталган (QBN. 11b,10). Қоҳира нусхасида ушбу бўлим тушиб қолган, лекин у мундарижада қайд этилган. У ерда у *Yeti kavākib, on iki yulduzni ayur* (яъни «Етти кавокиб ва ўн икки юлдуз тўғрисида айтади») деб берилган (QBQ. 4b,6).

Асарнинг Ҳирот нусхасида ушбу боб матн орасидаги сарлавҳада *Yeti yulduz, on iki ökäk buruj ayur* (яъни «Етти юлдуз, ўн икки бурж (тўғрисида) айтади») дейилган (QBN. 8a,25). Қизиғи шундаки, айтилган нусха мундарижасида (фихрист-и абвабда) ушбу боб *Yeti yulduz, tört yayız, on iki ökäkniñ erdükini ayur* деб аталган (QBN. 4b,9).

Бошқа қўлёзма нусхалардан фарқли ўлароқ, бу сарлавҳага *tört yayız* бирикмасининг киритилгани муҳим ва бунинг асоси бор. Қадимги туркий тилда *yayız* сифати «ернинг ранги»ни, яъни «қўнғир ранг»ни билдирган: «осмон» *yaşıl kök* («мовий кўк»), «ер» *yayız yer* («қўнғир ер») дея таърифланади бадий асарларда. Бу сўз тупроқнинг сифати бўлиб келганини эътиборга олсак, *tört yayız* бирикмасида унинг бошқа бир маъноси юзага чиқади: бу ўринда *tört yayız* «тўрт унсур» деганидир.

Англашиладики, ўтмишда *yayız* сўзининг «материя, унсур» маъноси ҳам бўлган. Сўзнинг бу маъноси бирламчидир: аввал у «материя, унсур»

маъносида бўлиб, кейинчалик «тупроқнинг ранги»ни ҳам ифодалай бошлаган кўринади.

Шуларга таянган ҳолда *Yeti yulduz, tört yayız, on iki ökäknin erdükini ayur* сарлавҳасини «Етти юлдуз, тўрт унсур, ўн икки буржнинг қандай эканлигини айтади» дея тушунмоқ керак. Ҳақиқатан ҳам, ушбу бобда етти юлдуз, ўн икки бурждан ташқари тўрт унсур ва улардан оламнинг яралгани ҳақида ҳам сўз боради.

Юсуф Хос Ҳожиб санаб ўтган етти юлдузнинг қадимги туркий аталиши шундай: «Зухал» *Sekāntir*; «Муштарий» *Oḡay*; «Миррих» *Körüd*; «Қуёш» *Yaşiq*; «Зухра» *Sewit*; «Уторид» *Arzu*; «Ой» *Yalçiq* дейилади. Кўриниб турганидек, ўша даврда астрономик атамаларнинг бари туркий эди.

Муаллиф кўкдаги етти юлдуз ҳақида ёзади:

*Bu kökdäki yulduz bir anča bezäk,
Bir anča qulawuz, bir anča yezäk.*

*Bir anča törütmiş xalayiqqa ol,
Bir anča qulawuz bolur yitsa yol.*

«Бу кўкдаги юлдузларнинг бир қанчаси безакдир,
Бир қанчаси раҳнамо, бир қанчаси йўлчидир.

Бир қанчасини халойиқ учун яратгандир,
Бир қанчаси йўл йўқолганда йўлчи бўлади» (QBN. 12a,1 – 2).

Бу юлдузларнинг жойлашув ўрни ва ёруғлиғи ҳам турлича: баъзиси юқори, баъзиси қуйи, баъзиси ёруғу баъзиси хира. Бу ҳақда дейди:

*Qayusi örüräk, qayusi qudi,
Qayusi yaruqraq, qayu eksüdi.*

«Баъзиси юқорироқ, баъзиси қуйидир,
Қай бири ёруғроқ, қай бири хирадир» (QBN. 12a,3).

Юсуф Хос Ҳожибнинг урғулашича, юлдузларнинг жойлашуви шундай: булардан энг устда *Sekāntir* («Зухал») юради. У бир бурж (*ew*)да икки йилу саккиз ой қолади.

Кейинги бўлиб *Oḡay* («Муштарий») туради. У бир буржда ўн икки ой қолади.

Учинчи бўлиб *Körüd* («Миррих») келади. У қай томон боқса, яшнаб турган нарса қурийди.

Тўртинчиси *Yašiq* («Қуёш») бўлди, у оламни ёритди.

Бешинчиси *Sewit* («Зухра»)дир.

Сўнг *Arzu* («Уторид») келади.

Булардан энг олдда *Yalčiq* («Ой») юради. У *Yašiq* («Қуёш») билан юзма-юз келгач, тўлишади.

«Бурж» қадимги туркий тилда *ökäk* дейилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг урғулашича, ўн икки *ökäk*, яъни буржлар юқорида санаб ўтилган юлдузлардан бошқадир. Шоир ёзади:

*On iki ökäk-ol bularda adin,
Qayu iki ewlüg, qayu birkä in.*

«Ўн икки ўкак булардан бошқадир,

Айрими икки хонали [яъни жуфт], айрими бир хонали [яъни тоқ] дир» (QBN. 12a,11).

Юсуф Хос Ҳожиб санаб ўтган ўн икки *ökäk* нинг қадимги туркий аталари шундай: «Ҳамал» *Qozi*; «Савр» *Uđ*; «Жавзо» *Erändiz*; «Саратон» *Qučiq*; «Асад» *Arslan*; «Сунбула» *Buydaybaši*; «Мезон» *Ülgü*; «Ақраб» *Čadan*; «Қавс» *Ya*; «Жадий» *Oylaq*; «Далв» *Könäk*; «Хут» *Baliq* дейилади.

*Üči yazqı yulduz, üči yayqı, bil,
Üči küzki yulduz, üči qışqı, bil.*

«Учтаси кўкламги юлдуз, учтаси ёзги юлдуздир, билгин,

Учтаси кузги юлдуз, учтаси қишки юлдуздир, билгин» (QBN. 12a,15).

Юсуф Хос Ҳожиб оламнинг яралишини буржларга боғлайди, тўрт ун-сур бирлигини ана шуларда кўради:

*Üči – ot, üči – suw, üči boldı yel,
Üči boldı tupraq, ađun boldı, el.*

«Учтаси ўт, учтаси сув, учтаси ҳаво бўлди,

Учтаси эса тупроқ бўлди, олам (ва) эл (шулардан) пайдо бўлди» (QBN. 12b,1).

Улуғ донишманднинг олам ва унинг тузилиши ҳақидаги фалсафий қарашлари асар бўйлаб давом этади. Китобни ўқиб, бутун бир астрономик атамалар тизимига тўқнашамиз. Шу тизимнинг ўзиёқ ўша кезде астрономик билимлар юқори босқичда эканлигидан белги бериб туради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг таъкидлашича, *ewrān*, яъни «фалак» доим эврилади (муттасил айланади), *tezginč*, яъни «Ер курраси» тезгинади (чарх уриб туради). Муаллиф Аллоҳга ҳамд ўқир экан, ёзади:

*Yarattī, kōr, ewrān tučī ewrülür,
Aniñ birlä tezginč yemä tezginür.*

«Фалакни яратди, кўргин, доим айланади,
Унинг билан чарх ҳам чарх уради» (QBN. 11b,13).

Ёки бошқа бир ўринда улуғ Тангрини «доим айланувчи бу фалакни яратди» (*törütti bu ewrān tučī ewrülür*) дея алқайди шоир. Бу билан фалакнинг айланиши, Ер куррасининг тинимсиз ҳаракатда эканига ишора этилади.

Муҳими шундаки, муаллифнинг олам ва унинг тузилиши тўғрисидаги фалсафий қарашлари илмий китоблардагидек тўғридан-тўғри эмас, балки бадий шаклда, асар қаҳрамонларининг ҳолати, гап-сўзи орқали баён этилади. Асарда илмий ҳақиқат билан ижодкорнинг бадий тафаккури ўзаро уйғунлашиб кетган. Ҳукмдор *Кунтуғди-элиг* (отининг луғавий маъноси – «чиққан, туққан Кун»), вазир *Ойтўлди* («тўлин Ой») – Қуёш ва Ойнинг ҳолатини ҳам бадий шаклда акс эттиради.

Юсуф Хос Ҳожиб Ойни таърифлар экан, унинг тинимсиз ҳаракатда эканини алоҳида таъкидлайди. Ойнинг таърифи асар қаҳрамонлари *Кунтуғди элиг* билан вазир *Ойтўлди* суҳбатида яхши очиб берилган. Ойтўлди дейди:

*Bu Ay tuysa, ašnu eđi az tuyar,
Küninkä bedüyür, yuqaru ayar.*

*Tolun bolsa, tolsa, ažunda yarur,
Ažun xalqī andin yaryqluq bulur.*

*Tügäl bolsa, kōr, Ay bu aysa eđiz,
Yana erlü törčir, ketär kōrk meñiz.*

*Yaruqluqī eksür, yana yoq bolur,
Tuyar kečä azin yana-oq tolur.*

«Ой туғилганда бошлаб жуда кичик туғилади,
Сўнг кундан-кун улғаяди, юқори кўтарилади.

Тўлин бўлса, тўлса, оламни ёритади,
Олам халқи ундан ёруғлиқ топади.

Ой тугал тўлишиб, энг баланд кўтарилса, кўргин,
Яна емирилиб, камая боради, юз чиройи кетади.

Ёруғлиғи камаяди, яна йўқ бўлади.

Қайта туғилгач, кечасидан бошлаб оз-оздан яна тўлишади» (QBN. 32b,1 – 4).

Муаллифнинг урғулашича, Ойнинг кўриниши шу қадар тез ўзгара бо-
риши унинг доимий ҳаракатда эканлиги билан боғлиқ. Бу ҳақда Ойтўл-
ди шундай дейди:

*Bu Ay ornī boldī ewi munqalīp,
Orunsuz bolur munqalīp nāñ qīlīp.*

*Bu Ay burjī Sar(a)tān, bu ew ewrūlūr,
Ewi ewrūlūr ham ōzi čewrūlūr.*

*Qayu ewkā kirsā, bu Ay terk čīqar,
Čīqarī ūčūn terk batarīn yīqar.*

«Бу Ойнинг ўрни ўзгарувчан уйдир,
У ўзгарувчан ҳаракат қилиб, ўринсиз бўлиб қолди.

Ойнинг буржи Саратондир, бу уй доим айланади.
Уйи айланади, шунинг учун ўзи ҳам чарх уради.

Қайси уйга [буржга] кирмасин, бу Ой тез қайтиб чиқади,
Чиқиш уйи бўлгани учун ботган уйини тез тарк этади» (QBN. 32b, 13
– 15).

Юсуф Хос Ҳожибнинг таърифича, Ой ҳаракатда бўлгани учун ёруғли-
ғи ўзгариб туради. «Кун билан юзма-юз келганда тўлишади» (*Yašiq birlā
otru baqīšsa, tolur*) дея таъкидлайди шоир.

Энди муаллифнинг коинотдаги бошқа бир жисм – Кун ва унинг ҳола-
ти билан боғлиқ фикрларига эътибор қаратамиз. Асар қаҳрамони Кун-
туғди ўз исмининг маъносини таърифлар экан, сифатини Кунга ўхшата-
ди. Шу ўринда Кунни таърифлаб дейди:

*Yana ma bu Kün burjî sâbit turur,
Bu sâbit tedüküm tübi berk bolur.*

*Bu Kün burjî Arslan, bu burj tebrämäs,
Ewi tebrämäsä üçün artamas.*

«Яна шу борки, Кун буржи собитдир (барқарор, турғундир), Собит деганимнинг маъноси шуки, унинг асоси маҳкамдир [яъни Кун буржи ўзгармасдир].

Бу Кун буржи Арслон [яъни «Асад»]дир, бу бурж тебранмайди, Уйи [яъни «буржи»] тебранмайди, шунинг учун ўзи бузилиб камаймайди» (QBN. 36а, 2 – 3).

Юсуф Хос Ҳожибнинг таърифича, Кун қўзғалмасдир. Кун буржи барқарор, турғундир. *Kün burjî sâbit turur* («Кун буржи собитдир») дея таъкидлайди олим. Шунинг учун доим бирдай ёруғлиқ сочиб туради.

Бошқа бир ёғи, муаллифнинг ушбу фикрлари асосида катта бир масала турибди. Бу жумбоқни шундай тушунтириш мумкин: Фалак ва Ер доимий ҳаракатда. Кун марказда туради, у турғундир. Ер эса унинг те-варагида айланади. Бу фикрлар улуғ олимнинг дунё ва унинг тузилиши тўғрисидаги фалсафий қарашлари асосини ташкил этади.

Муҳими, муаллифнинг юқорида таъкидланган фалсафий қарашлари бадий кўринишда, асарнинг ғоявий-бадий хусусиятлари ҳамда қахрамонларнинг ҳолати билан уйғун ҳолда тасвирланади.

ҚАДИМГИ ТУРКЛАРДА «ТОМОН» ТУШУНЧАСИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

Қадимги турклар (кўк турклар)нинг тасаввур-қарашидаги «томон» тушунчаси икки хил – тик (вертикал) ва юза (горизонтал) йўналишларида амал қилган. Уларнинг тасаввурида «томон» олти ёқдан иборат. «Олти томон» қадимги туркий тилда *altî yaraşur* дейилган. Бунинг асл маъноси «олти мувозанат» дир.

Тик (вертикал) йўналиш қарама-қарши икки томон ва улар оралиғини ташкил этади. Булар *üzä* (юқори, яъни «кўк, осмон»), *asra* ёки *alt* (паст, яъни «ер, тупроқ») ҳамда уларнинг ораси (*ara*)дан иборат. Қадимги туркларнинг олам, ёруғ дунё, кишилиқ тириклиги тўғрисидаги ўй-қарашлари ҳам айни чизикда туради. Ана шу уч қатли (уч ярусли) олам тушунчаси эски битигларда, санъат ва архитектура ёдгорликларида ўз

изини қолдирган. Муҳими, ёзма ёдгорликларда «томон» тушунчаси билан боғлиқ бутун бир атамалар тизими мавжуд.

Энди мисолларга мурожаат этамиз. Иккинчи кўк турк хоқонлиги замонидан қолган Кул тигин ва Билга хоқон битигларида бунга тегишли яққол бир мисол бор. Битигларда хоқон тилидан турклар кечмиши ҳикоя қилинади. Унинг ҳикояси куйидаги жумлалар билан бошланган: *Üzä kök täñri, asra yaýiz yer qilintuqda ikin ara kisi oylï qilinmïs. Kisi oylinta üzä eçüm-apat Bumïn qaýan, İstämi qaýan olurmïš* (К. 1).

Биринчи жумла пайт эргаш гапли кўшма гап бўлиб, *Üzä kök täñri, asra yaýiz yer qilintuqda* эргаш гап, *İkin ara kisi oylï qilinmïs* эса бош гапдир. Эргаш гапдаги уюшиқ бўлақлар (*üzä kök täñri, asra yaýiz yer*) мазмун жиҳатидан ўзаро қарама-қарши томон тушунчаларини ифодалайди. Зид маънолар *üzä* («юқорида») ва *asra* («пастда») равишлари ёрдамида юзага чиқади. *Täñri* қадимги туркий тилда икки маънода қўлланилган: биринчиси – «кўк, осмон»; иккинчиси – «худо, тангри». Кейингиси, ҳар қалай, «осмон» маъносидан ўсиб чиққанлиги аниқ. Ушбу жумлада у илкин – «осмон» маъносида. Олдидаги *kök* унинг сифатловчи-аниқловчиси: *kök täñri* – «кўк осмон». Жумладаги *yaýiz* – ернинг сифатловчи-аниқловчиси: *yaýiz yer* – «кўнғир ер». Пайт муносабатини билдирувчи *qilintuqda* сўзи «яралганда» деган маънони беради.

Энди ана шу тартибда бош гап маъносини очиқлаймиз. Ундаги *kisi* – «киши, инсон». Ислому тушунчасида кишиликнинг яралиши Одам Атодан бошланади, қадимги турк фалсафасида кишилик ўтмиши *Kiши-ота* дан бошланган. *Kiши* бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги Одам Атога тўғри келади. *Oyul* сўзи «бола, фарзанд»ни билдиради. Чоғиштиринг: *urï oyul* – «ўғил бола»; *qiz oyul* – «қиз бола». Матнда келган *kisi oylï* «киши ўғли, инсон фарзанди» англамидадир.

Қадимги турк тасаввурларидаги Киши-ота *ара* ҳам дейилган. «Қутадғу билиг»да *ара оуланï* деган атама қўлланилган, у «инсон боласи, одам боласи» деган маънодадир.

Иккинчи гапдаги *eçüm-apat* жуфт сўзи «ота-бобом», яъни «аждодим» деган маънони беради. Ушбу жуфт сўз таркибидаги *ара* ҳам илкин маъносини ташийд.

Матндаги *Bumïn* ҳамда *İstämi* Биринчи кўк турк хоқонлигининг асосчиларидир; *qaýan olurmïš* гапнинг кесими бўлиб, бу бирикма «хоқон бўлиб тахтга ўтирган» деган англамга эга.

Юқоридаги изоҳларга таянган ҳолда матн маъносини ҳозирги тилимизга куйидагича ўгиришимиз мумкин: «Юқорида кўк осмон, пастда кўнғир ер яралганда иккисининг орасида инсон боласи яралган. Киши ўғиллари уза ота-бобом Бумин ва Истами хоқон бўлиб (тахтда) ўтирганлар».

Бу таъбирда қадимги туркларнинг ўша уч қатли олам тўғрисидаги тасаввурини англаш қийин эмас: юқорида осмон, пастда Ер, иккисининг ўртасида инсон ва унинг ҳаёти.

Шу ўринда муҳим бир фактга эътибор қаратсак. Маълумки, қадимги хитой фалсафасида императорларга «Осмон ўғли» (*thien-tsi*), осмон билан ер ўртасида яралган зотлар деб қаралган. Хитойча «Осмон ўғли» маъносидаги *thien-tsi* сўзини кўк турклар *tānsi~tinsi* шаклида қўллаган. Таъкидлаш керакки, турклар бу унвон билан ўз ҳукмдорларини эмас, хитой императорларини атаганлар. Ўз ҳукмдорларини *qayan* ёки *qan* деганлар.

Баъзи олимлар қадимги туркларнинг фалсафий қарашлари тўғрисида фикр юритар экан, «тангри»ни англашда қадимги турклар хитой фалсафасига эргашадилар деб биладилар. Бироқ Кул тигин ва Билга хоқон битигларидан олинган юқоридаги матн бу қарашни тамомила инкор этади. Унга кўра, юқорида осмон, пастда ер яралганда иккисининг ўртасида киши ўғиллари яралган. Киши ўғиллари орасидан тангрининг инояти билан Бумин ва Истами хоқон бўлиб тахтга чиққанлар. Улар «Осмон ўғли» эмас, балки тангрининг инояти билан тахтга ўтирган хоқонлардир.

Бунинг далили учун Билга хоқон битигидан бошқа бир мисолни ҳам келтиришимиз мумкин. Чунончи, битигда Билга хоқоннинг эл-улусга мурожаати берилган. Мурожаат *Tāŋri-tāg tāŋri yaratmīš türük Bilgā qayan sabīm* («Кўкдек улуғ тангри яратган турк [яъни «жасур»] Билга хоқон сўзим») унвони билан бошланади (Ха. 13). Ушбу унвонда Билга хоқон ўзига «тангридан бўлган» деб эмас, «тангри яратган» сифатини қўлламоқда.

Юза (*горизонтал*) йўналиши бўйича «томон» тушунчаси «қутб»ни англатади. Бу Ер юзининг тўрт тарафи билан боғлиқ. Эски турклар ер юзининг тўрт тарафини *tört buluŋ* ёки *tört sarī* деб атаганлар. *Tört buluŋ, tört sarī* тушунчалари «кенглик, замин бепоёнлиги»ни ҳам англатган. Жумладан, кўк турк ёзма бадиий адабиётида эл қаҳрамонларининг чексиз ерларга ҳукмронлик қилгани, уларнинг куч-қудрати айни тушунчалар билан таъриф этилган. Масалан, Кул тигин битигида Бумин ва Истами хоқоннинг эл эрки йўлидаги курашлари шундай таърифланади: *Tört buluŋ qor yaŋi ermis, sü sülāpān tört buluŋdaŋi bodunuy qor almīs, qor baz qīlmīs* («Тўрт тараф бутунлай душман экан. Қўшин тортиб тўрт ёқдаги халқни бутунлай олганлар, бутунлай бўйсундирганлар») (К. 2). Ёки Билга хоқон битигида хоқон ўз қаҳрамонликларини шундай ёдга олади: *Tāŋri yarliqaduŋ ücün özüm olurtuquma tört buluŋdaŋi bodunuy etdim* («Тангри ёрлақгани учун ўзим (хоқон бўлиб) турганимда тўрт тарафдаги халқни тартибга солдим») (Хб. 9).

«Ўғузхоқон» достонида *Yerniņ tōrt buluņinuņ qayani* деган жумла ҳам учрайди. Бу жумла «Ернинг тўрт томонининг хоқони, Ер юзининг хоқони, замин ҳукмдори» деган маънони англатади. Асарда Ўғузхоқон ана шундай сифатлар билан улуғланган.

Қадимги турклар тасавурида теварак-атроф, олам томонлари тушунчаси кишининг кунчиқарга қараб турган ҳолати билан боғлиқ юзага келган. Эски турклар кўк-тангрига кунчиқарга юз тутган ҳолатда ибодат қилганлар. Айни ҳолатда теварак, қарама-қарши томонларни англатувчи тўрт жиҳат юзага келган: «олд» – «орқа», «ўнг» – «сўл». Қадимги туркий тилда «олд» тушунчаси *il* ёки *ōŋ*, «орқа» *qurī*, «ўнг» *bir* ёки *oŋ*, «сўл» эса *yīr* ёки *čōŋ* дейилган.

Ер юзининг тўрт томони (*tōrt buluņ*) ҳам шу сўзларга жўналиш келишиги қўшимчасини қўшиш билан аталган. Бу сўз ўша томонга бўлган йўналишни англатади: *İlgārū* – «олдинга» (~«Шарққа»), *Birgārū* – «Ўнгга» (~«Жанубга»), *Qurīyaru* ёки *Kirū* – «орқага» (~«Ғарбга»), *Yīryaru* – «сўлга» (~«Шимолга»). Масалан, Кул тигин ёдгорлигида Билга хоқон тилидан хоқонлик тарихи ҳикоя қилинар экан, қутб номлари ҳам тилга олинди: *İlgārū Šantuŋ yazīqa tegi sūlādim, taluyqa kičig tegmādim. Birgārū Toquz ārsānkā tegi sūlādim, Tūpūtkā kičig tegmādim. Qurīyaru Yinčū ögüz kečā Temir qarīyqa tegi sūlādim. Yīryaru Yer Bayırqu yeringā tegi sūlādim.* – «Шарққа – Шантунг даштига қадар қўшин тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга – Тўқиз арсанга қадар қўшин тортдим, Тупутга бир оз етмадим. Ғарбга – Йинчу ўгуз (Сирдарё)ни кечиб, Темир қопиққа қадар қўшин тортдим. Шимолга – Ер Байирқу еригача қўшин тортдим» (Ка. 3 – 4).

Жануб *oŋ jaŋaq* (~*oŋ yaq*) [яъни ўнг томон], Шимол *čōŋ jaŋaq* (~*čōŋ jaq*) [яъни сўл томон] деб ҳам юритилган.

Эски турклар томонни қуёшнинг кўриниши (чиқиши ва ботиши, кеча-кундуз алмашинуви) билан ҳам боғлиқ ҳолда тасаввур этганлар. Жумладан, қуёшнинг чиқиши билан боғлиқ равишда юзага келган *Kūntoysiq* («Кунчиқар») тушунчаси «Шарқ»ни, Қуёшнинг ботиш ери билан алоқадор *Kūnbatsiq* («Кунботар») эса «Ғарб»ни билдирган. Ҳозирги ўзбек тилида бунинг ўрнида кунчиқар ва кунботар сўзлари қўлланади.

Kūn ortusī туб маъносида «чошгоҳ, туш, пешин»ни, қутбга нисбатан «Жануб»ни, *Tūn ortusī* туб маъносида «қоқ тун, ярим тун»ни, қутбга нисбатан «Шимол»ни билдиради. «Жануб» *Kūndūnki* ҳам дейилган: *Kūndūnki buluņ* – «Жануб томон».

«Ўғузхоқон» достонида қарама-қарши қутбларни англатувчи *Kūn toysī* ва *Kūn batušī* атамалари қўлланган. Ушбу атамалардаги *toysī* ва *batušī* Қуёшнинг Шарқдан чиқиши ва Ғарбга ботишини ифода этмоқда. Шунга кўра, *Kūn toysī* «Шарқ», *Kūn batušī* «Ғарб»ни билдиради.

Бу икки атама қарама-қарши икки қутбни билдирувчи *Küntoysiқ* ва *Künbatsiқ* га тенгдир.

«Қутадғу билиг»да куннинг чиқиши билан боғлиқ ҳолда «Шарқ» *Tuғar*, «Ғарб» эса кун ботиши билан боғлиқ равишда *Batar* дейилган.

Манбаларда вақтни билдирувчи *taғ*, *tün* сўзлари ҳам томонларни ифода этган: *Taғ sari* – «Шарққа», *Tün yaғaq* – «Шимол томон», *Tün sari* – «Шимолга».

Айрим коинот жисмларининг ҳаракат ва ҳолати қадим тасаввурларда инсон ҳаётини белгиловчи деб тушунилган ва уларга ҳурмат билан қаралган. Бунга «Қутадғу билиг»да асар қаҳрамонларининг оти *Aytoldi* ва *Küntuydi* аталганини ҳам далил келтириш мумкин: *Aytoldi* «тўлган ой», *Küntuydi* «қуёш чиқди» деган маънода.

Quzuluş, *Quzordu* топонимлари таркибидаги *quz* «кунга терс», «кунботар» маъноларини билдиради. *Quzuluş*, *Quzordu* «кунботардаги шаҳар» дегани. Ҳозирги *қузғай*, *қунгай* деган сўзларимизнинг туб англами ҳам «томон» тушунчаси билан боғлиқдир.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида Ер юзи харитасини келтирган ва унда ҳам томонлар қайд этилган. Бироқ ушбу харита араб тилида бўлгани учун томонларнинг номи ҳам арабчада. Чунончи, ушбу харитада доиранинг тўрт ёғига томон номлари ёзиб қўйилибди: унинг юқори томони – «Шарқ» (*aş-Şarq*), қуйи томони – «Ғарб» (*al-ğarb*), ўнг томони – «Жануб» (*al-Janub*), чап томони – «Шимол» (*aş-Şimāl*).

Муҳими, ушбу хаританинг тузилишида олам томонлари, улар ҳақидаги қадимий тушунчалар ўз ифодасини топган. Чунончи, Маҳмуд Кошғарий Ер юзи харитасини келтирар экан, юқори томонда ҳозирги хариталардаги сингари Шимолни эмас, Шарқни кўрсатган.

Қадимги туркларда ранг-тусни билдируви сифатлар ҳам томонни ифодалашга хизмат қилган. Масалан, оқ ранг «Ғарб»ни, кўк ранг «Шарқ»ни, қора ранг «Шимол»ни, қизил ранг «Жануб»ни билдиради. «Оқ хунлар» деганда ғарбий ўлкалардаги қанқа ва кушонлар назарда тутилади. «Кўк турклар» дейилганда шарқий турклар тушунилиши ҳам, эҳтимол, шундандир.

Олтин Ўрда давлати иккига бўлинган эди: *Оқ ўрда* – ғарбий ўлкалар, *Кўк ўрда* – шарқий давлат, уни Абулхайрхон қурган.

Амир Темурнинг Шаҳрисабзда қурдирган қароргоҳи *Оқсарой*, Самарқанддаги қароргоҳи эса *Кўксарой* деб аталган эди. Уларнинг биринчиси ғарбда, иккинчиси эса шарқда жойлашгани учун шундай аталган.

Демак, битигларда қўлланган «томон» тушунчаси билан боғлиқ атамалар тизими қадимги туркларнинг олам ва унинг тузилиши тўғриси-

даги қарашлари, уларнинг борлиққа муносабатини, фалсафий қарашларини ўрганишда энг ишончли ва керакли манба бўлиб хизмат қилади.

«ВАҚТ» ТУШУНЧАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

Қадимги туркий тилда «замон, давр, вақт» маъносида *öd*, «вақт, фурсат, чоғ» маъносида *tuš* сўзи ишлатилган.

Қадимги турклар ўтган замонни *oza~uza*, *ertä* деган. Ўша замонга оидлик *ozaqi~uzaqi*, *ertäki* дейилган. Масалан: *bu bir söz uzaqi urulmiš masal.* – «Бу бир сўз бурунги айтилган мақол» (YugA. 37, 4). Ҳозирги *узоқ сўзимизда ҳам шу маъно сақланиб қолган. Ёки: ўзайил* «узоқ йил, ўтган дан аввалги йил» дегани.

Келаси замон *kedinki* дейилган. Бунинг ўзаги *ket* га боғланади: *ket~ked~ked>ketin~kedin~kebin> ketin~kedin~kebin.*

Кўк туркларда ернинг айланиши, вақт ўтиши, табиат ўзгариши билан боғлиқ ҳолда йил, ой кунлар фарқланган.

«Вақт» тушунчаси мантиқий ва лингвистик жиҳатдан воқеа-ҳодисанинг кечган замони ҳамда вақт ўлчовларини билдиради. Воқеа-ҳодисанинг кечган замони, одатда, феълларда акс этади. Феълларнинг замон категориясида ҳаракат вақти, унинг сўзланаётган пайтга нисбатан уч замонда (ўтган, ҳозирги ва келаси замонда) эканлиги англашилиб туради. Феъллар масдар шаклидагина замонни билдирмайди.

Гапдаги феълдан воқеа-ҳодисанинг замони англашилиб туради. Ҳаракат замонсиз бўлмайди. Бироқ сўзловчи нутқидан ҳаракат замонининг аниқ бир муддати англашилмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда нутқда пайт равишларидан фойдаланилади. Пайт равишлари воқеа-ҳодисанинг кечган замонига аниқлик киритади. Масалан, *келди* дейилганда бировнинг ўтган замонда келганлиги тушунилади. Агар *кеча келди* дейилса, ҳаракатнинг кечган замони аниқлашади: бугун ва ё ўтган куни эмас, айнан кеча келгани англашилади.

Вақт аниқлигини феълнинг турли шакллари билан ҳам ифода этиш мумкин. Масалан, *келган эди* дейилганда ўша кимсанинг «бир замонлар келганлиги»ни тушунамиз. Тилшуносликда бундай феъл шакли «узоқ ўтган замон» дейилади. Учта замоннинг ички бўлинишлари шу сингари йўллар билан ҳосил қилинади.

«Вақт ўлчовлари» дейилганда аниқ вақт бирлигини, даврийликни тушунамиз. Вақт ўлчови ана шу даврийлик атамасидир. Тилда ушбу ва-зифани отлар бажаради.

Вақт ўлчовининг аниқлигини ифодалашда сонлардан фойдаланилади. Масалан, *ой* деганда «ўттиз кунлик муддат»ни тушунамиз. Агар

бир ой ёки икки ой дейилса, вақтнинг аниқ бир муддати англашилади. Вақтнинг аниқлигини ифодалашда исталган донга сондан фойдаланиш мумкин. Бироқ бу масалада каср сонларнинг вазифаси чекланган. Масалан, *ярим* сонини олайлик, уни аср, йил, ой, кун, соатга, ҳатто дақиқага нисбатан ҳам қўллашимиз мумкин. *Ярим* деганда, одатда, ўша вақт бирлигининг тенг ярми тушунилади. Энди *чорак* ни ҳамма вақт бирлигига нисбатан қўллай олмаймиз. Масалан, *чорак аср* деймиз. *Йилнинг чораги* дейилганда «йилнинг тўртдан бири – уч ойи», қадимги турк тасаввурларида «фасл» тушунилади. Шунингдек, *чорак соат* дейишимиз мумкин, бироқ «чорак ой», «чорак кун» тушунчаси йўқ.

Баъзан кўрсатиш олмошлари, сифатдошлар ҳам вақт аниқлигини ифодалашга хизмат қилиши мумкин. Масалан, *ўша йил*, *ўтган ой*, *келаси йил* деганимизда аниқ бир муддат англашилади. Бу ҳодисаларнинг бари қадимги туркий тилга ҳам хос.

Вақт ўлчовларининг даражалари бор. Қадимги туркларда энг катта вақт ўлчови «аср»дир. Ундан қуйи даража – «йил». Булардан кейин «фасл», «ой», «кун» ва шу тартибда майдалашиб бораверади.

Қадимги туркларда «аср» ва «ўн аср» тушунчалари. Туркий ёзма манбаларда «аср» *yüz yıl* дейилади. Ёзма манбаларда *mîñ yıl (~biñ yıl)* атамаси ҳам тез-тез учраб туради, бу «ўн аср»ни билдиради. *Yil* сўзининг олдида қўшилаётган *mîñ* сони бошлаб унинг аниқлигини, тайин бир ўлчовини ифода этган. Қадимги туркий тилда *mîñ yıl (~biñ yıl)* вақт ўлчовининг энг катта бирлиги бўлгани боис бадиий матнларда «узок йиллар, асрлар, ниҳоятда узок вақт» тушунчасини ҳам берган. Масалан, битигларда *biñ yilliq, tümän künlük* деган бирикма учраб туради. Ушбу бирикма «кўп асрлик, ниҳоятда эски» деган маънони билдиради. Мисол учун, уйғур хоқонлигининг асосчиси Мўюн-чўрга атаб тикланган ёдгорликда унинг тилидан шундай битилган: *Biñ yilliq, tümän künlük bitigimin belgümin anta yasi taşqa yaratıtdım.* – «Минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим» (МЧ. 21).

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам, айниқса, сўзлашувда *минг йил*, *юз йил* дейилганда «жуда узок вақт» англашилиши мумкин.

Қадимги туркларда йил ҳисоби. Қадимги туркларда бир йил ўн икки ойдан иборат.

Қадимги туркларда янги йил *yaz* (яъни «кўклам»)нинг биринчи кунидан бошланган. Эски ҳисобда кўкламнинг биринчи куни наврўзга эмас, ҳозирги мартнинг биринчи ўн кунликларига, яъни янги ой чиққан кунларга тўғри келади. Эски сана бўйича шу кундан эски ой тугаб, янги-си бошланади. Йилнинг боши ҳам шу кунларга тўғри келади. Бу кунни қадимги турклар *yil başı* деган.

Эскида йиллар мучал ҳисоби билан юритилган. Улар ўн икки ҳайвон номини ўн икки йилга қўйганлар. Мучал тизими ўн икки ой ва ўн икки буржга асосланиб белгиланган эди. Туғилиш, жанглар ва бошқа тарихий воқеаларни ана шу ҳисоб асосида юритганлар.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида ўн икки мучал номини тартиб билан келтирган (ДЛТ, 140 – 141). Кўк турк битигларида, Турфондан топилган уйғур ёзувли матнларда ёки кейинги даврларда яратилган туркий ёдгорликларда қўлланган айрим йил отлари Маҳмуд Кошғарий қўллаган отлардан фарқ қилади. Улар фонетик жиҳатдан ўзгарган, унинг бошқа бир синоними билан аталган ёки ўзга тиллардан ўзлашган бўлади. Туркий ёзма ёдгорликларда қўлланган йил отлари қуйидагича:

ДЛТ да: *sīčyan yīli* – «сичқон йили». Кўк турк битигларида: *küskü yil* – «сичқон йили».

ДЛТ да: *ud yīli* – «сигир йили».

ДЛТ да: *bars yīli* – «барс йили».

ДЛТ да: *tawīšyan yīli* – «қуён йили». Берлин фондидаги U 5314 рақамли хужжатда: *tawšan yīl*.

ДЛТ да: *nek yīli* – «тимсоҳ йили». Кўк турк битигларида: *loo~luu yil* – «аждар йили».

ДЛТ да: *yīlan yīli* – «илон йили».

ДЛТ да: *yund yīli* – «от йили». Кўк турк битигларида: *yont~yund yīl*.

ДЛТ да: *qoy yīli* – «қўй йили». Кул тигин битигида: *qoñ yil* (К. III). Берлин фондидаги U 5254 рақамли хужжатда: *qoyn yīl*.

ДЛТ да: *bičīn yīli* – «маймун йили».

ДЛТ да: *taqayū yīli* – «товуқ йили». Берлин фондидаги U 5238 рақамли хужжатда: *taqīyū yīl*.

ДЛТ да: *it yīli* – «ит йили».

ДЛТ да: *toñuz yīli* – «тўнғиз йили». Кўк турк битигларида: *layzīn yīl*, *toñuz yīl* – «тўнғиз йили».

Туркий тилларда *yaš* сўзи ҳам вақт билан боғлиқ: *yaš* «киши умрининг бир йиллик бўлагидир. Шунинг учун қадимги туркий тилда *yaša*-феълининг ўрнида *yīlla*- сўзи ҳам ишлатилган.

Ҳозирги ўзбекчадаги «ёш»ни англатувчи *яшар* асли *yašayur* дан; у «шунча йил яшаганлик»ни билдиради. Кул тигин битигида саркарда Кул тигиннинг фаолияти хотирланар экан, Билга хоқон тилидан *otuz yašayur erti* ёки *bir qirq yašayur erti* дея қайд этилган (К. 42). Бу «ўттиз яшар эди», «ўттиз бир яшар эди» деган маънони беради.

Ҳозирги ўзбек тилида *қирқ яшар*, *эллик яшар* деб ишлатамиз, бу ўша *yašayur* нинг ўзгарган кўринишидир. Ёки бунинг ўрнида *чиқди*, *кирди*

сўзлари ҳам қўллана олади: *қирққа чиқди – қирққа кирди; элликка чиқди – элликка кирди.*

Битигларда *yaš* сўзи ўрин-пайт келишиги қўшимчаси билан қўлланилиб, вақт аниқлигини ифодалайди. Масалан: *yeti yigirmi yašima* – «ўн етти ёшимда» (X. 24); *otuz artuqī bir yašima* – «ўттиз бир ёшимда» (X. 29). Қиёсланг, ҳозирги ўзбек тилида: *йоши қирқда, йоши элликда.*

Қадимги туркларда фасл. Қадимги турклар «фасл»ни *yīl ūlgi* деган; маъноси «йил улуши» дегани.

Бу атама «Қутадғу билиг»да ҳам бор; мана мисоли: *Yīl ūlgi yaz ersä, kičig ersä er.* – «Йил улуши [яъни фасли] кўклам бўлса, киши(нинг ёши) кичик бўлса (QBN. 216a,3).

«Идикут маҳкамаси сўзлиги»да «фасл» *tört öd* деб берилган (IMS, 36). Бу «тўрт вақт, фасл»; буддизм тасаввурича, инсон умрининг кези, палласидир.

Қадимги туркий тилда тўрт фаслнинг аталиши шундай: *yaz* – «кўклам», *yay* – «ёз», *küz* – «куз», *qış* – «қиш».

Эски ўзбек тили даврида ҳам йил фаслларининг отлари қадимги туркий битиглардаги сингаридир. Мир Ҳайдарнинг «Махзану-л-асрор» аса-рида шундай келган:

Rizq iyäsi yaz-u küz va yay-u qış
Väsitasiz qildi meni parvarış (ME, 528).

Булардан *yaz* сўзи ҳозир истеъмолдан чиққан, ўрнида *кўклам*, *баҳор* сўзларини ишлатамиз. «Ёз»ни билдирувчи *yay* сўзида товуш ўзгариши юз бериб, *yaz* га айланган. Шунга қарамай, уларнинг қолдиқлари айрим сўзларимизда учраб туради. Масалан, болалар қўшиғида кечган *Лайлак келди, йоз бўлди* жумласидаги *yaz* сўзи «кўклам, баҳор»ни билдиради. Ёки ҳозирги *йайлов* сўзининг ўзаги *yay* (ёз) билан боғлиқ: *yay+la+y/w* – «йайлов, ёзни ўтказадиган, ёзлайдиган жой». *Қиёсланг: qışla+q* – «қишлоқ, қишни ўтказадиган, қишлайдиган жой». Ҳозир биз қўллаётган *йайлов*, *қишлоқ* сўзлари тарихан қишда қишлоқларга кўчиб келиб, ёзда эса йайловга чиқиб кун кечирувчи чорвачилар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Қадимги турк тақвимида кўра йил *yaz* (яъни «кўклам») билан бошла-ниб, мавсум *qış* билан тугайди.

Шуниси борки, турклар тасаввурида йилнинг тўрт тала фасли бир-бирига тенг эмас. Фасл табиатнинг бир йилдаги мавсумий ўзгаришидир. Ҳавонинг ўзгаришига қараб фасллар сурилиб ҳам туради. Бундан ташқари, ер юзининг турли нуқтасида фасллар алмашинуви ҳар хил. Масалан, Олтой ўлкаларида ёзга қараганда қиш узоқ давом этади. Бошқа

турк ўлкаларида эса бунинг акси. Фаслларнинг мавсумий ҳодиса эканлиги халқ тафаккурида яхши акс этган. Кузда кунлар эрта совиб, қор тушса, «бу йил қиш эрта келди» деб қўямиз. Ёки кўкламда совуқнинг захри кўтарилавермаса, «қиш чўзилиб кетди» деймиз. Демак, қиш ҳам ўша йили шунчалик узоқ давом этган бўлади.

Чамаси, кишилиқнинг илк тасаввурларида бошлаб «қиш» билан «ёз» тушунчаси шаклланган. Биридан иккинчисига ўтувчи – оралиқ фасллар тушунчаси кейин қўшилган бўлиши керак. Шу сингари илк тасаввурларда «кун» билан «тун» тушунчаси шаклланган. Уларни боғлаб турувчи, биридан иккинчисига ўтувчи вақт бирликлари ҳақидаги тасаввурлар эса кейинчалик юзага келган кўринади.

Қадимги туркларда ой. Туркий тилларда *ay* (яъни «ой») сўзининг икки маъноси бор: «коинот жисми» ва «вақт бирлиги». Ҳар қалай, у илкин маъносида «коинот жисми»ни билдирган. Кейинги маъноси унинг даврий айланиши (ўттиз кунлиги) асосида келиб чиққан. Бошқа тилларда бундай эмас (масалан, инглиз ва рус тилларини қиёсланг). У ҳам бўлса қадимги турклар тасаввурида вақт тушунчалари астрономик тасаввурлар билан уйғун ҳолда юзага чиққанлигидан далолат беради. *Kün* сўзи ҳам шундай: унинг илкин маъноси – «Кун (Қуёш)», «вақт» маъноси эса ундан урчиган.

Йил ўн икки ойга бўлинади. Эски туркларда йил кўкламдан бошлангани учун йилнинг биринчи ойи кўкламнинг биринчи ойига тенг келади.

Янги ой оининг чиққан кунидан бошланади. Тўлган ой *tolun* ёки *tolun ay* дейилади. *Tolun* нинг луғавий маъноси «тўлиқ, тўлишган»дир. Эски туркларда *Aytoldi* деган от ҳам бўлган, маъноси «тўлган ой; ўн тўрт кунлик ой» дегани.

Қадимда ойларга от қўйилмаган, улар ўз тартиби билан айтилган: *birinč ay, ikinč ay, üçünč ay* сингари. Кейинчалик, турклар буддизм, монийликни қабул қилганларидан кейин уларга ном қўйдилар, тўғрироғи, бу номлар қўшни тиллардан ўзлаша бошлади.

Қадимги уйғур тақвимда учрайдиган ой отлари: *aram ay // ram ay* [*сурд. r'm*] – қадимги уйғур тақвимининг биринчи ойи; (*a*)*xš(a)p(a)t ay* [*скр. siksapada*] – рўза ойи, тақвимнинг ўн иккинчи ойидир.

Ислом давридан турклар араб тақвимини қўллай бошладилар ва ойлар ҳам арабча атала бошлади. Масалан: *dulqada ayi, rajar ay, muharram ay* сингари.

Қадимда халқ ичида чорвачилик ва деҳқончилик боғлиқ ҳолда юзага келган ой отлари ҳам қўлланган. Бу хусусда Маҳмуд Кошғарий шундай ёзади: «(Туркларда) ой исмлари ҳам шаҳарларда арабча юритилди. Кўчманчи ва мусулмон бўлмаган турклар ойларни тўрт фасл билан

атайдилар. Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар. Йил ўтишини шундай биладилар. Масалан: наврўздан кейинги илк баҳорга *oʻyلاق ay*, сўнг-ра *uluу oʻyلاق ay* дерлар. Чунки ой бу вақтда катта бўлиб қолади. Бундан кейингиси *uluу ay* дейилади. Чунки бу ёзнинг ўртасида бўлиб, бу вақтда сут ва ер неъматлари мўл-кўл бўлади» (ДЛТ, 141).

Ўзбек тилида чорвачилик ёки деҳқончилик билан боғлиқ ҳолда юзага келган атамалар ҳозир ҳам учраб туради. Масалан, халқ тилида *қирқим ойи* дейди, бу «қишдан чиқиб, қўйларнинг жунини оладиган пайт»га тўғри келади; *ўроғ ойи* «буғдой ўрадиган вақт, ёз чилласи»га тўғри келади. Ёки халқ тилида *Беш дўғалда бешикдаги бола совқотмас* деган гап бор. Бунда *беш дўғал* деганда «кунлар илий бошлаган пайт» назарда тутилади.

Турк тилида ойлар шундай аталади: *osak* – «январь», *şubat* – «февраль», *mart* – «март», *nisan* – «апрель», *mayis* – «май», *haziran* – «июнь», *temmuz* – «июль», *ağustos* – «август», *eylül* – «сентябрь», *ekim* – «октябрь», *kasim* – «ноябрь», *aralık* – «декабрь».

Қозоқ тилида ўн икки ой отлари шундай: *qanтар* – «январь», *aqпан* – «февраль», *nauriz* – «март», *säuir* – «апрель», *mamir* – «май», *mausim* – «июнь», *şilde* – «июль», *tamiz* – «август», *qirküyek* – «сентябрь», *qazan* – «октябрь», *qaraşa* – «ноябрь», *jeltoqsan* – «декабрь».

Ўзбек шеваларида ҳам бу номларнинг айримлари ишлатилади. Масалан, халқ оғзида *қантар*, *ақпан* отлари учраб туради: *қантар оғди* дейилади, у «қора совуқ ўтган, қорнинг захри озайгандан кейинги муддат»ни билдиради.

Ўзбекларда «ёзнинг айна қизиган пайти», «қишнинг қаҳратон палласи» *чилла* дейилади. *Чилла* «ой»га тенг эмас, *чилла* деганда иссиқ ёки совуқ авжига чиққан «қирқ кунлик» тушунилади: *ёз чилласи*, *қиш чилласи*. «Чилла бошланган пайт» *чилла кирди*, «тугаган пайт» эса *чилла чиқди* дейилади.

Кўклам ёки кузга нисбатан *чилла* қўлланмайди. Сабаби, *чиллада*, одатда, об-ҳаво бир маромда кечади. Кўклам билан куз – оралиқ фаслар: кўкламнинг бошланишида кун совуқ бўлса, охирлаганда исиб кетади ёки кузда бунинг акси.

Ҳафта тушунчаси. Кўк туркларда ҳафта тушунчаси йўқ. Бу хусусда Маҳмуд Кошғарий ёзади: «Туркларда ҳафтадаги етти куннинг исми йўқ, чунки ҳафта исломдан сўнг шухратланди» (ДЛТ, 141).

Қадим тасаввурларда кун (кеча-кундуз). Қадимги туркларда кеча-кундуз қуёшнинг ҳаракати, кун билан туннинг алмашинувига қараб ўлчанади. *Кеча-кундуз* деганимизнинг ўзида бир куннинг тўлиқ йигирма тўрт соати, ернинг ўз ўқи теварагида тўлиқ айланаб чиқиш вақти тушунилади. *Кеча-кундуз* бошлаб иккига бўлинади: *kün* – *tün*.

Kün нинг икки хил маъноси бор: «Кун, Куёш» ҳамда «кеча-кундузнинг кундузги бўлаги». Унинг иккинчи маъноси асли «Куёш» маъносидан урчиган. «Кеча-кундузнинг кундузги бўлаги»ни *kün* дейишимизнинг боиси, Куннинг ёруғлиқ сочиб туриши, куннинг ёришишига нисбатан олинган. Демак, қадимги турк астрономик ўлчовига кўра кун ҳозиргидай ярим тундан (соат 24 дан ўтиб) бошланмайди. Янги кун куёшнинг кўтарилишидан, куннинг ёришишидан бошланади.

Кун қадимги туркий тилда *kündüz / күntüz* ҳам дейилади. Бу ҳам *kün* (кун, ёриғлиқ) сўзидан ясалган. Солиштиринг: *yulduz* «ёриғлиқ сочувчи» дегани. *Tün* сўзининг синоними *keçä* бўлади.

Маълумки, кеча билан кундуз бир-бирига тенг келавермайди. Қишда тун узун бўлса, кўкламдан бошлаб кунлар узая боради. Шунга қараб вақт ҳам сурилиб туради. Масалан, ёзда тонг эртароқ отса, кун кечроқ қораяди ё аксинча.

Кун билан тун кўкламда, март ойининг 21-куни, наврўзнинг биринчи куни, кузда эса сентябрь ойининг 21-куни тенглашади. Куннинг энг узун июнь ойининг 21-куни, туннинг энг узун вақти декабрь ойининг 21-кунига тўғри келади.

Кун кеча ва кундузнинг узун ё қисқалиги билан эмас, ернинг ўз ўқи теварагида тўлиқ айланиб чиқиши билан ўлчанади. Кеча-кундуз айланасида, тик йўналишда оладиган бўлсак, фақат *туш* билан *қоқ тун* ўзаро қарама-қарши нуқтада туради, улар ўзгармас. Кеча-кундузнинг қолган бўлаклари (*кун* ва *тун*, *тонг* ва *оқшом*) бир-бирига қарама-қарши вақт нуқтасида туриши оз кутилади. Чунки уларнинг вақти сурилиб туради. Шу ҳодиса қадимги туркларнинг дунёқарашида, фалсафий тушунчасида яхши акс этган.

Kün / күndüz билан *tün / keçä* нинг иккаласини ҳам тенг ярмидан иккига ажратувчи вақт бирликлари бор: *tüš* – «куннинг қоқ ўртаси, чошгоҳ»; *qaq tün* – «туннинг ўртаси». Қолган вақт бирликлари ана шу айланада ҳаракат қилади: *tañ* – «туннинг охири, куннинг бошланиши», *aqšam* – «куннинг охири, туннинг бошланиши».

Куннинг вақт бирлиги сифатида *ertä*, *keç* сўзлари ҳам қўлланган. Булар, аслида, кундузнинг вақтини эмас, замонни билдирган. Куннинг вақти сифатидаги маъноси ана шунинг асосида юзага келган. *Ertä* сўзининг илк луғавий маъноси «бўлиб ўтган, бурунги» дегани, *ertäk* сўзи ҳам шундан. Ёки *ertäki* дейди, бу «ўтган замонга оид, бурунги, илк» дегани. *Ertä* сўзи куннинг вақт бирлиги сифатида «тонг»ни билдиради. Муҳими шундаки, сўзнинг ҳар иккала маъноси тилимизда ёнма-ён ишлатилаверади: *ertä tañ* деганда «тонгнинг бошланиши» ёки *ertä keldi* деганда «вақтнинг бошланиш пайтида, ҳатто ундан ҳам илгарироқ келди» деб тушунилади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги *эрталаб* сўзи ҳам шундан ясалган (<*ertā-lā-b*): «эрта билан» деган маънони билдиради.

Кеç сўзининг ҳам илк маъноси «кечган, бўлиб ўтган» дегани. *Кеçки сўз* дейди, бу «бурунги сўз, қадимги масал, ҳикмат» дегани. Бу сўз куннинг вақт бирлиги сифатида «кечиб ўтилган, тугаган» маъносини билдиради. Ҳозирги ўзбек тилида у «куннинг кечки палласи», «замоннинг охири» маъносида ҳам ёнма-ён ишлатилаверади: *кеç keldi* деганда «муддати тугаш чоғида, ҳатто муддатидан кейин келди» деб тушунилади.

Ҳозирги *кечқурун* сўзи ҳам шундан ясалган: *кеç-qur-un*; *qur* сўзида «вақт, пайт» маъноси бор, *-un* – тарихан восита келишиги қўшимчаси.

Турк тилида кеча-кундуз билан боғлиқ вақтлар шундай аталади: *imsak* – «саҳар, бомдод вақти», *güneş* – «кун чиқиши, тонготар», *öğle* – «туш пайти», *ikindi* – «куннинг иккинчи ярми, туш билан кечки пайт оралиғидаги вақт», намозга нисбатан куннинг иккинчи ярмида ўқиладиган «аср намози вақти», *akşam* – «оқшом, шом», *yatsı* – «ётар пайт», *gece* – «кеча», *gece yarısı* – «ярим тун».

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК ОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЛДИЗЛАРИ

Ҳозирги ўзбек тилида туғишганлар, бир уруққа тегишли кишилар *қариндош*, *уруғ* дейилади. *Қариндош* «бир қориндан туғилган», *уруғ* «бир уруғдан тараган, уруғдош» дегани. Қадимги ва эски туркий тил ёдгорликларида «қариндош» *qadaş~qadaş* дейилган.

Қариндош-уруғчилик оила муносабатларининг, турмуш қуриш ва эрхотинликнинг юзага келиши билан бошланади.

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида қариндош-уруғчиликка оид атамалар тизими ўта такомиллашгани билан ажралиб туради. Эътиборлиси шундаки, ушбу тизимни ташкил этувчи атамаларнинг асосий қисми соф туркча.

Янги туғилган бола *чақалоқ* дейилади. *Чақалоқ* сўзидаги *чақа* «майда, кичик» маъносини беради, *-лоқ* – кичрайтириш, эркалаш қўшимчаси; *чоғиштириш*: *қизалоқ* – «қизча; кичик қиз». Фарзанд бола дейилади: *қиз бола* – «қиз фарзанд», *ўғил* (<*oғul*) бола – «ўғил фарзанд».

Қадимги туркий тилда бунга синоним сифатида *urī oғul*, *qiz oғul* атамалари ҳам ишлатилган. Бу атамалардаги *urī* «ўғил» дегани, *oғul* эса «фарзанд» маъносини беради. Яъни *urī oғul* «ўғил бола»; *qiz oғul* «қиз бола» дегани.

Ўзбек тилида «кичкина ўғил бола» *жуужуқ* ҳам дейилади, бу-да ўша «кичик; кичкина» сўзидан олинган. *Чоғиштиринг*, туркчада: *çosuk*.

Ўзбек тилида бола сўзининг «ўғил» маъноси ҳам бор. Бола вояга, балоғат ёшига етиб, ўсмирга айланади. Бу ёшдаги кимса *ўспирин* дейилади.

Вояга етганлик белгиси – *бўй*. Бу сўз ҳали турмуш қурмаган йигит ё қизни билдиради. Қиз бола *бўй қиз*, йигит эса *бўйдоқ* дейилади. *Бўйи етган қизи бор* деганда «қизнинг вояга етганлиги» тушунилади. Ёки *бўйида бўлди, бўйида бор* деймиз. Энди бу «иккиқат бўлди; ҳомиладор, юкли» деган маънони англатади. «Боши очиқ ўсмир», «вояга етганлик» ёки «ҳомиладорлик» англамларидаги *бўй* сўзининг туби «уруғ; эрлик ё хотинлик суви» маъносига тақалади. Масалан, *бўйи етган* деганда «уруғи етилган» маъноси бор. Чунки инсонда вояга етиш ўша билан ўлчанади. Кейинги сўзларнинг асл маъноси ҳам ўшандан.

Эски ўзбек тилида *boy* сўзи «уруғ» маъносида ишлатилган. Буни Заҳириддин Бобур ҳам ишлатган (қадимги туркий тилдаги кўриниши – *bod*). *Boy* сўзини ҳозирги турклар ҳам «уруғ, келиб чиқиши бир бўлган жамоа» маъносида қўлламоқда. Бу сўз «келиб чиқиши бир; бир уруғдан чиққан жамоа» маъносини беради. Сўзнинг ушбу маъноси ҳам юқорида биз қайд этган маъносидан урчиган. Ўзбек тилида бурунги *boy* сўзининг ўрнида *уруғ* сўзини ишлатамиз. *Uruy* сўзининг ҳам маъно тараққиёти *boy* сўзи сингари кечган: бошлаб «эрлик ва хотинлик суви»ни билдирган, кейин «шундан тарқаган уруғлар»ни (яъни туғишган, қариндошларни), охирида «бир уруғдан тарқаган жамоа»ни англата бошлаган.

Энди яқинлик, қариндош-уруғликнинг босқичларини кўриб чиқамиз.

Яқинликнинг бош нуқтасида *ота-она* туради. Ўзбекчада *ада* (ёки *ота*) ва *она* бўлади. Онани *ойи* ёки ора-чора *айа* деювчилар ҳам бор. Кейинги шакллари *она* сўзидаги [н] товушининг [ў] га ўзгаришидан келиб чиққан. Татар тилида «ота»ни *аты*, «она» *аны* дейишлари шундан.

Яқинлик, қариндош-уруғчилик *туғишгандан* бошланади. Туғишгани уй ичидагиларни (оилани) қамрайди. Булар ўғилларга нисбатан: «улуғи» – *оға* ёки *ака*, «кичиги» – *уни* ёки *ука*; қизларга нисбатан: «улуғи» – *эгачи* ёки *она*, «кичиги» – *сингил*.

Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн»да туркий тил билан форсийнинг ички имкониятларини ўзаро чоғиштирар экан, туркийда қариндош-уруғ атамалари тизими ривожланганини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Унинг урғулашича, форслар: *uluq qardaš va kičik qardašni ikkäläsin barādar derlār. Va türklār uluyni – aya va kičikni – ini derlār. Va alar uluy-kičik qiz qardašni ham xāhar derlār. Va bular [яъни турклар] uluyni – egāči va kičikni – siñil derlār* (МЛ, 38).

Ўзбек тилида ушбу атамаларнинг айримлари жуфт ҳолда қўлланилиб, янги маъно билдиришга ҳам хизмат қилади. Масалан, *ота-она* би-

рикмаси «родители», ўғил-қиз бирикмаси «фарзанд» маъносини англатади.

Илк қариндошлик ота ёки она тарафдан тармоқ отади. Ота ҳамда онанинг отаси *дада* ёки *бува*, онаси *буви* бўлади. *Дада* сўзидаги *да-* компоненти «катта» маъносини беради: *дада* – «катта ада» дегани. Буви *катта ойи* ҳам дейилади.

Отанинг туғишганлари, ўғил ёки қизга кўра: «акаси» ёки «укаси» *амаки*, «эгачи-сингиллари» *амма*; она томондан: онанинг «оға-инилари» *тоға*, «эгачи-сингиллари» *хола* бўлади.

Йигит ё қиз турмуш қургач, *қариндошликнинг иккинчи тизими*, яъни тутинган қариндошлик боғичи шаклланади. Бу *қайин уруғлар* ёки *қайин бўй* дейилади. *Қайин* сўзи турмуш қургандан кейинги эр ё хотин томонидан юзага келган қариндошликни англатади. Бу сўз бурунги замонда *qadīn~qatīn* шаклларида қўлланган бўлиб, ўзаги *qat* сўзига тақалади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида *қат* («қават»), *икки-қат* («ҳомиладор») деб ишлатамиз. *-in* – ясовчи қўшимча, *qatīn* «қатланган» деган маънони беради. Масалан, *tolun* (ой) сўзи ҳам шундай қолипда ясалган.

Қайин уруғларни аташ тартиби бўй давридаги яқин ва туғишганликни билдирувчи атамаларга *қайин* сўзини қўшиш билан ясалади: *қайната* (<*qayīn ata*) – келин учун куёвнинг, куёв учун эса келиннинг отаси; *қайнона* (<*qayīn ana*) – келин учун куёвнинг, куёв учун эса келиннинг онаси; *қайнаға* (<*qayīn aya*) – келин учун эрининг, куёв учун эса хотиннинг оғаси; *қайни* (<*qayīn ini*) – келин учун эрининг, куёв учун эса хотиннинг иниси; *қайнагачи* (<*qayīn egāči*) – келин учун эрнинг, куёв учун хотинининг эгачиси, *қайинсингил* (<*qayīn sinjil*) – келин учун эрининг, куёв учун хотинининг синглиси.

Ўзбекчада *қайин бўй* деган сўзимиз бор. Бу сўздаги *бўй* «уруғ», *қайин бўй* «қайин уруғлар» дегани, яъни келин учун эрнинг уруғлари, куёв учун эса келиннинг уруғлари.

Қадимги туркий тилда *ара* сўзининг «она; опа, эгачи» маънолари билан бир қаторда «катта, улуғ» маъноси ҳам бор. Масалан, кўк турк битигларида *ара tarqan* атамаси учрайди. Бу сўз таркибидаги *tarqan~tarhan* унвондир. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *tarhan* «бек» маъносида. Исломиятдан олдин қўлланган атама (арғучадир) (ДЛТ, 174).

Ара tarqan атамаси таркибидаги *ара* «катта, улуғ, бош» маъносида; *ара tarhan* «катта тархон, бош тархон, бош қўмондон» дегани.

Ара-аба «катта, улуғ» маъносида ақраболик (қариндош-уруғчилик) отлари таркибида ҳам келади. Масалан, эски ўзбек тилида («чиғатой туркчаси»да) *абаға* сўзи қўлланган. Навоий сўзи билан айтганда, турк-

лар «*atanīñ aya-inisin abağa derlär*» (МЛ, 38). Мазкур сўз *ара~аба+аға* – «катта оға» деган маънони англатади.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам *ара* нинг «катта, улуғ» маъноси қолдиқ шаклида айрим сўзлар таркибида сақланган: *опоғойи* (<*ара+ауи*) – сўз-ма-сўз «улуғ она, катта она» дегани, амакининг хотини; *опоғдода* ёки *опоғада* – биринчиси *ара+dada* («катта дада»)дан, кейингиси *ара+ada* («катта ота»)дан. *Опоғдода*, аслида, даданинг ёки онанинг буваси. *Опоға-да* эса отанинг ёки онанинг отаси; *опоғбуви* (<*ара+буви*) -маъноси «катта буви» дегани; *опоқи* (<*ара-қи*): -қи – сўз ясовчи қўшимча. *Опоқи* – асл маъноси «опа, яъни катта туғишган (амаки ёки тоға)га тегишли» дегани, амакининг ёки тоғанинг хотини.

Баъзи акраболик отларидаги *да-* узвида ҳам «катта, улуғ» маъноси мужассам. Масалан: *дода*, келиб чиқиши *да-ada* дан, маъноси – «катта ада», яъни бува. Ушбу сўзда *да-* узви бўлмаса, унда «катта, улуғ» маъноси ҳам ифодаланмайди. Демак, «катталик» маъноси айни узв орқали англашилаётгани табиий. Тошкентда «ота»ни *дода* дегучилар бор.

Яна бир мисол: *тоға* (<*та-аға*) «катта оға» дегани, онанинг акаси ёки укаси. «Чифатой туркчаси»да бу сўз *тағу~тағуи* шаклида қўлланган. Навоийнинг урғулашича, турклар отанинг оға-иниси, онанинг оға-инисига ҳам от қўйганлар. У шундай ёзади: *Va bular* [яъни турклар] *atanīñ aya-inisin – arağa derlär va ananīñ aya-inisin – tağuyi va alar* [яъни форслар] *heç qaysiğa at ta'yin qilmaydurlar va 'arab tili bilä 'am va xäl derlär* (МЛ, 38).

Маҳмуд Кошғарий девонида бу сўз *тағу* шаклида берилган. Лекин унинг маъносини муаллиф «амаки» деб изоҳлаган (ДЛТ, 405).

Қадимги туркий тил морфем тузилишига кўра *тағу~тағуи* сўзи таркибидаги *та* узвида «катта, улуғ» маъноси мужассамлашганини кузатиш мумкин: *тағу* (<*та-ағу*).

Шу сингари *дойа* сўзида «катта ая» маъноси бор.

Ҳар қалай, *дода*, *тоға*, *дойа* сўзлари таркибидаги *то~до* нинг англами «катта, улуғ» эканлиги чин. Мазкур *та~да* узвини айрим олимлар хитойчадаги «катта, улуғ, бош, йирик» маъносини берувчи *да* сўзига боғлайдилар. Бироқ айрим асл туркий сўзлар таркибида унинг мавжудлиги бу қарашни буткул инкор этади (масалан, *тау* сўзида). Шунга кўра, уни бошқа тиллар таъсирида туркийга ўзлашган деб қарамаслик керак. У бериси билан хун даври, эҳтимол, олтой давридан келаётган қолдиқ бўлса ажаб эмас.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗМА ТИЛ УСЛУБЛАРИ ТАРИХИ

Таянч сўзлар ва сўз бирикмалари: сўзлашув услуби, ўзма тил услублари, бадиий услуб, диний матнлар услуби, тавбаномалар услуби; расмий услуб, васиқалар услуби, ёрлиқлар услуби; сиёсий нутқ, расмий-дипломатик нутқ, қабртош ўзувлари услуби; илмий услуб.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Бадиий матнлар услуби.

Диний-фалсафий матнлар услуби: «сутра услуби»; монийча тавбаномалар услуби.

Расмий ҳужжатлар услуби.

Сиёсий, расмий-дипломатик нутқ стилистикаси.

Қадимги турк монументал матнларининг услуби.

Туркий ўзма ёдгорликларда сана ва унинг айтилиши.

Ислоҳ даври қабртошларидаги ўзувлар.

Эски туркий тилда матн услуби билан боғлиқ атамалар тизими ҳам шаклланган эди.

Манбаларда ўзма тил усули, матн услуби *bitig söz yaғi* дейилган. Ўзма тил усули фикрни ифодалашнинг энг яхши йўли эканлигини таъкидлаб Юсуф Хос Ҳожиб ўзади:

*Nekü ter eñitkil İla sir teñi,
Eđi eđgü yaғ bu bitig söz yaғi.*

«Ила-сир тенги [яъни ёши Ила дарёсидай узун, кўпни кўрган донишманд] бу тўғрида нима деган, эшитгил:

Ўзма тил усули жуда яхши усулдир» (QBN. 101a,9).

Ўзма манбаларда равон, балоғат даражасида баён қилинган нутқ *yoriғ til* дейилган. *Yoriғ* сўзи «юрмоқ» маъносидаги *yori-* феълидан ясал-

ган бўлиб, «равон, кенг, батафсил» маъносини беради; *yorīq til* нинг луғавий маъноси «равон тил, маънили гап, балоғат даражасида баён қилинган сўз»дир. Бундай нутқ тўғрисида Юсуф Хос Ҳожиб ёзади:

*Uqušqa, biligkā bu tilmāci til,
Yaruttaḥi erni yoriq tilni bil.*

«Уқувга, билимга тилмоч – бу тилдир.

Кишини рўшноликка чиқарадиган равон тил деб билгин» (QBN. 11a,8).

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *yorīq til* «очиқ ва аниқ тил»дир (ДЛТ, 328).

XV юзйилликда яшаб ўтган Арслон Хўжа тархон Адиб Аҳмад Югнакий тўғрисида сўз юритар экан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг тили ва услуги билан боғлиқ муҳим бир атамани қўллаган эди. У ёзади:

*Tamamī erūr kašyarī til bilā,
Ayitmiš adib riqqat-i til bilā* (YugC. 48, 4 – 5).

Ушбу байтдаги *kašyarī til* атамаси ўша чоғлардаги «туркий адабий тил»нинг атамасидир; арабчадан ўзлашган сўзи *riqqat* «нозик, жозибали» маъносини беради; *riqqat-i til* «жозибали тил», яъни «шеърий тил, бадий тил» англамидадир. Бу билан «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари туркий адабий тил (*kašyarī til*)да эканлиги, адиб уни жозибали тил (*riqqat-i til*) да айтганлиги таъкидланмоқда.

Алишер Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида *türki uslub* атамасини қўллаган. У туркий сўзларнинг нозик маънолари тўғрисида сўзлар экан, *yüylamaq* нинг *yüylamsinmaq*, *inṣrāmāk-u sinṣrāmāk*, *siqtamaq*, *ökürmāk*, *inčkirmāk*, *hay hay yüylamaq* сингари синонимларини қўллаш туркий услубга хос эканлигини таъкидлайди (МЛ, 34 – 35).

Классик филологияда нутқ ва матннинг равонлиги, юксаклик даражаси *balāyat* ҳам дейилган. *Балоғат* деганда классик адабиётдаги шеър даражасининг ўзинигина тушунмаслик керак.

Ўтмишда билим ўрганишнинг икки хил босқичи бўлган: биринчиси – *балоғат*; иккинчиси – *туғаллик* (қомиллик). *Балағат* – бу етукликдир. *Балоғат* даражасига ҳар бир билимли, ақли расо етиши мумкин. Халқ тилида *ўғил-қизи балоғатга етди*; *ўғли балоғат ёшида* деган иборалар юради. Бу «ўғил-қизига ақл кирди, жисми ҳам етилди; энди уни уйлижойли қилса бўлади» дегани.

Тилдаги балоғат даражаси ҳам айни тушунчада: у киши нутқида, матнда, хат санъатида, насрда, поэтикада бирдай амал қилади. Ўтмиш-

даги балоғат илми талабига кўра, нотик ёки матн битувчи билгин киши балоғат ўлчовларига амал қилмоғи керак.

Ушбу атаманинг талқини учун яна «Қутадғу билиг»га мурожаат эта- миз. Юсуф Хос Ҳожиб яқин кишиларга йўлланадиган мактублар тўғри- сида сўз юрита туриб уларнинг ажойиб бир услубда, балоғат даражаси- да бўлмоғи кераклигини уқтиради:

Balayāt bilā haṭ teḡāšša qalī
Eḏi eḏgū til bu bitig sōz tili.

«Агар хат балоғат билан тенглашса,
Ёзма нутқ жуда эзгу бўлади» (QBN. 101a,8).

Тугаллик даражасига эса ҳар кимса ета олмайди; бунга эришган киши комил инсондир. Юсуф Хос Ҳожиб «комил инсон»ни *tūgāl er* деб атаган эди.

Тил услублари икки хил: оғзаки ва ёзма кўринишга эга. Оғзаки услуб тарихи тилнинг пайдо бўлиши, кишилиқ тафаккурининг юзага келиши, ҳукм ва фикрни таъсирли ифодалашга бўлган зарурат асосида келиб чиққан.

Ёзма тил услубларининг келиб чиқиш тарихи анча кеч – ёзувнинг яратилиши билан боғлиқ. Бироқ ёзувнинг ўзи ёзма услубни белгилай олмайди. Масалан, кишилар тасаввуридаги тушунчалар расмларда ёки ҳарфий белгиларда ифодалангани, бирор сўзнинг ёзиб қўйилгани бу ҳали ёзма услуб дегани эмас. Ёзма услуб матнда юзага чиқади; киши ўз ўй-қарашларини матнда баён эта бошлагани, матн тузиш анъаналари ишлаб чиқилгани, матн жанрлари фарқлана бошлаганидан кейингина тилнинг ёзма услублари, матн услуби юзага кела бошлаган. Демак, ёзма тил услубларининг тарихи ёзувнинг яратилиши, матн тузиш анъанала- рининг юзага келиши, ёзма адабиёт тарихи, қадимги туркий халқлар- нинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти билан узвий боғлиқ.

Ёзма адабий тил (*bitig sōz*)нинг ўлчовлари, меъёрлари матнда ўз ифо- дасини топади. Мақсади, йўналишига қараб матн услублари бир-бири- дан фарқ қилади.

Матн услуби деганда ёзма баён этилаётган ўй-қарашлар, битигли ха- бар (*saw* ёки *sōz*), бирон-бир асарнинг матндаги ифодавий кўриниши, баён тарзи, меъёрий қолиплар, матн (*bitig*) талабидан келиб чиққан ҳол- да лексик ва грамматик бирликларнинг танланиши, матн компонент- ларининг уйғун бир тизими тушунилади. Матн услуби (*bitig sōz yanī*) адабий тил талабларига бўйсунди. Матн услуби тилшуносликнинг *стилистика* ёки *услубшунослик* (*ilmu-l-balāyat*) бўлимида ўрганилади.

БАДИЙ МАТНЛАР УСЛУБИ

Келиб чиқишига кўра тил услубларининг энг эскиси бадий услубдир. Бадий услубнинг тарихи халқ бадий тафаккурининг юзага келиши ва юксалиши, халқ оғзаки ижодининг тарихи билан бўйлашади. У ёзма адабий тилнинг, ёзма адабиётнинг юзага келишидан анча бурун келиб чиққан. Халқ оғзаки адабиётининг юзага келиши билан боғлиқ равишда бадий услуб ҳам шакллана борди. Жамият орасидан сайланган сўз усталари, сўзга чечан кишилар халқ яратган ривояту афсоналар, кўшиқлар, мақолларнинг таъсирини ошириш, тингловчига уларни таъсирчан кўринишда етказиб бериш мақсадида асарларнинг бадийлиги, жумлалар услуби, равонлиги, қолаверса, оҳангига жиддий эътибор қарата бошладилар. Бу талаб-эҳтиёж тилда ўзига яраша бир услубнинг юзага келишини таъминлаб берди.

Ёзма адабий тил, матн тузиш анъанаси эндигина юзага келаётган бир чоғда халқ оғзаки ижоди ва унинг услуби аллақачон шаклланиб, юксалиш босқичига ўтган эди. Бадий услуб ўзининг оғзаки босқичидаёқ пишиб етилган. Ёзма бадий услуб ўз қолипни, бичимини оғзаки адабиётдан олди. Оғзаки кўринишда асрлар оша такомиллашиб келган бадий услуб ёзма адабиётга кўчиб, ўз йўлини янги бир шаклда давом эттирди. Шу боис ҳам бошлаб бадий ижод намуналарини ёзувга тушириш у қадар мушкуллик туғдирган эмас. Ёзувчи-ижодкорлар ҳам бошда оғзаки адабиёт услубидан кенг фойдаландилар. Қадимги туркий ёзма адабиёт намояндаларининг кўпроқ халқ ижодига эргашганлигининг боиси ҳам ана шунда эди.

Бадий услуб, ёзма услубларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, бадий тасвир воситаларининг кенг ишлатилиши, баён тарзи, стилистик ўлчовларнинг эркинлиги, турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, бадий матн мақол ва иборалар, бадий тасвир воситаларининг кенг қўлланилиши билан таъсирлидир. Матн услуби муаллифнинг ёки асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини акс эттиришга, асарнинг бадий-ғоявий таъсирини оширишга хизмат қилади.

Туркий халқлар оғзаки адабиётининг энг кўҳна намуналаридаёқ бадий услубнинг характерли белгиларини кузатамиз. Қадимги турк эпоси «Ўғузхоқон» достони бунга мисол бўла олади. Достон ажойиб бир услубда ёзилган. Ушбу достоннинг илдизи милоддан аввалги чоғларга туташади. Достонда туркий халқларнинг қадим инончлари ўз аксини топган. Ушбу эпос юзйилликлар оша туркий халқларнинг дунёқараши, бадий тафаккури эткисида юксалиб келган. Достон ғояси ва сюжети-

нинг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда унинг услуби ҳам равонлашиб, сайқал топган.

Бадийий услубнинг ихчам, аммо гўзал бир кўринишини халқ мақолларида кузатамиз. Мақол – халқнинг юз йил кузатиб, бир айтган сўзи. Уларда халқнинг фалсафий мушоҳадаси, борлиқ, тириклик ва кишилик тўғрисидаги қарашлари, уларга муносабати акс этган. Мақолнинг кучи шундаки, у кишини тарбиялайди, тирикликнинг ўнқир-чўнқири, оқ-қораси ҳақида сабоқ беради. Ота сўзларида бор нарсага парда ортидан қараш, нокаснинг айбини яшириш, хушомад, кўзбўямачилик тушунчаси йўқ. Улар кишини тетик ва иродали қилади, ҳаётга тўғри кўз билан қарашни ўргатади. Халқнинг бу доно фикрлари лўнда ва аниқ жумлаларда берилиши билан ҳам ажралиб туради. Мақоллар услубий ва бадийий жиҳатдан мукамал бўлиб, халқ бадийий тафаккурининг юксак маҳсулидир. Улар услуб жиҳатдан поэтик турга тенглашади.

Кўк турк битигларида, Турфон харобаларидан топилган эски қўлёзмаларда, илмий, тарихий ва адабий манбаларда ўрни билан қадимги халқ ўғитлари келтириб ўтилган. Қадимги турк отасўзларининг катта бир қисмини XI юзйилликда яшаб ўтган улуғ тилшунос Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида берган эди. Олим туркий сўзларнинг маъносини изоҳламоқ истагида улардан фойдаланган.

Бурунчилардан қолган мақол бўларди. Бу мақолни Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида *tergi* сўзининг маъноларини очиқлаш мақсадида келтирган: *Tilin tergikā tegir* дейди (ДЛТ, 171). Ушбу мақолдаги *tilin* восита келишигида бўлиб, «сўз билан, нутқ билан, муомала билан» деган маънони беради; *tergi* – асли «дастурхон», бу ўринда «овқат, егулик, неъмат» англамида; *tegir* «етишади, эришади» дегани. Мақолда кечган сўзларнинг кўчма маъноларини кўзда тутиб, уни ҳозирги тилимизга «(Киши) ширин, ёқимли сўзи билан дастурхонга [яъни неъматга] етишади» деб ўгиришимиз мумкин.

Маҳмуд Кошғарий келтирган бошқа бир мақол: *Neçä munduz ersä, eş edgü; neçä egrî ersä, yol edgü* (ДЛТ, 182). Мақол иккита ва иккови ҳам тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапдан тузилган. Биринчи гапдаги *munduz* – «аҳмоқ, тентак», *eş* – «дўст, ўртоқ». Қолган сўзлари таниш. Шунга қарамай, мақолни шу туришида, сўзма-сўз ўгирадиган бўлсак, тайинли бир маъно англамаймиз. Тагига етиш учун ҳар икки гапда кўзда тутилаётган, яширин маънони илфимоғимиз керак бўлади. Очиқчини иккинчи гапнинг эгасидан топамиз, унда йўл тўғрисида сўз бормоқда: *yol edgü* – «йўл яхши». Бу жумлада кимсасиз, саҳродаги эгри йўлга ишора этилмоқда: «қанчалик эгри эса-да, йўлнинг борлиги яхши экани» таъкидланади унда. Шунга кўра, ушбу гапни «(Кимсасиз чўлда) эгри бўлса ҳам,

йўлнинг бўлгани яхши [чунки йўловчи эгри йўлдан бўлса ҳам ўз манзилига етиб олади]» деб тушунмоқ керак.

Иккинчи гапнинг маъносига таяниб биринчи гапда ҳам «йўл», аниқроғи, «сафар» маъносини тиклаб оламиз. Шунга кўра, ундан «(Сафарда ёлғиз юриш яхши эмас, шунинг учун) тентак бўлса ҳам, дўстнинг бўлгани яхши» деган маъно келиб чиқади.

Ана энди юқоридаги мақолнинг маъноси тушунарли бўлди: «(Сафар чоғида) тентак бўлса ҳам, дўстнинг бўлгани яхши. (Кимсасиз чўлда) эгри бўлса ҳам, йўлнинг бўлгани яхши».

Мақол киши нутқининг бегагидир. Мақолни ўрнида ишлата билганнинг сўзи таъсирли бўлади. Сўзамол, гапга чечан киши сўз орасида келтирган ажойиб отасўзи билан кўпнинг эътиборини ўзига торта олади. Шунинг учун ҳам ўтмишда мақолларга, уларнинг бадииятига катта эътибор қаратилган, асарларда эса бадиийликни ошириш мақсадида улардан кенг фойдаланилган.

Ёзма услубнинг юзага келиши бадиий услуб тарихидаги муҳим бир босқичдир. Туркий ёзма бадиий услубнинг энг кўҳна, шу билан бирга, ўта ажойиб намуналарини биз кўк турк мангутошларида учратамиз. Битиглар улуғ йўлбошчилар, миллий қахрамонлар хотирасига битилган ёдномалар бўлиб, уларда халқ қахрамонларининг кўзи тириклигида олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва фаровонлиги, тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ёд этилади. Битигларда тарихий воқеалар ажойиб тил билан, бадиий услубда баён этилган. Тарихий воқеалар миллий қахрамонлар образини, уларнинг идеал ҳаётини мадҳ этиш учун фон бўлиб хизмат қилади. Халқ миллий қахрамонларининг фаолияти бадиий тилда ёритилади, муаллифлар турли бадиий воситалардан фойдаланади. Матнларнинг ғоявий ва услубий хусусиятлари уларни бадиий асар даражасига кўтарган. Битиглар тарихий асарларгина эмас, қадимги турк адабиётининг ажойиб намуналари ҳамдир.

Ўтмишдаги бадиий асарларнинг услубий ўлчовлари ҳар қачон ҳам ҳозирги баён шаклига тенг келавермайди. Тилимизнинг узоқ асрлик тарихий тараққиёти натижасида фонетик, лексик-семантик, морфологик ўзгаришлар билан бир қаторда синтактик-стилистик ўзгаришлар, ёзма баён усулида ҳам янгилашиш содир бўлган.

Битиглар услубини текширганда ҳамда матнни ҳозирги тилга ўгириш чоғида ана шу сингари нозик ва ўта муҳим жиҳатларга эътибор қаратилмоғи керак бўлади.

Тўньюқук битигида кўк турк хоқонликларининг тарихи билан боғлиқ бир ўрин бор. Матннинг ўқилиши шундай: *Türk bodun qanin bulmayin tabyaçda adrilti, qanlantı, qanin qodup tabyaçqa yana içkdi. Täñri ança tāmıs*

ärinç: Qan bårtim, qanñin qodup içikdiñ. İçikdük üçün täñri öl tämis ärinç, türk bodun ölti, alqintı, yoq bolti, türk sir bodun yärintä bod qalmadı (Тон, 2 – 4).

Туркшуносликда матн бошидаги *𐰽𐰺𐰸𐰸𐰾𐰏𐰤𐰆𐰣𐰏𐰤𐰆𐰣𐰏𐰤* кўринишли ҳарф бирикмаларини *Türk bodun qanin bolmayin* шаклида ўқиб, уни «турк халқи хони билан бўлмай» деб талқин қилганлар. Бундай ўқилишида у матннинг давомига мантиқан боғланмайди ва мазмунда тушунмовчилик келиб чиқади. Бунинг учун битигдаги *𐰽𐰺𐰸𐰸𐰾𐰏𐰤𐰆𐰣𐰏𐰤* *qanin bolmayin* деб эмас, *qanin bulmayin* дея ўқилмоғи керак. Яъни > ҳарфи [o] эмас, балки [u] тарзида ўқилгани тўғри. Шунда «хони билан бўлмайин» эмас, «хонини топмайин» деган маъно келиб чиқади; бирикма эса восита келишиги эмас, тушум келишиги шаклини олади.

Битигда кечган *𐰽𐰺𐰸𐰸𐰾𐰏𐰤𐰆𐰣𐰏𐰤* ҳарф бирикмаси ҳам эътиборни ўзига тортади. Уни *tāñri öl tämis ärinç* деб ўқиш мумкин. Бу бирикма «тангри «ўл» деган, шекилли» деган маънода. Қадимги туркларда «худонинг балосига учраш, қарғишга қолиш» маъноси ана шундай айтилган.

Айтилганларга таяниб келтирилган матнни қуйидагича талқин қилиш мумкин: «Турк халқи хонини тополмай, (хўп сарсон бўлди: аввалига) Табғачдан айрилди, ўз хонига эга бўлди, (кейин яна) хонини қўйиб, Табғачга қайта қўшилди. Тангри шундай деган, шекилли: «Хон бердим, хонингни қўйиб, таслим бўлдинг». Таслим бўлгани учун тангри «ўл» деган [яъни қарғанган], шекилли, турк халқи ўлди, тугади, йўқ бўлди, турк сир халқи ерида (ҳеч бир) уруғ қолмади».

Тўнюқуқ битигидан яна бир мисол. Битигда турк қўшинининг зафарли юришлари баёнида шундай жумла ишлатилган: *Ol sub qudi bardimiz, sanayali tüşürtimiz, atiy iqa bayur artimiz. Kün yämä, tün yämä yälü bardimiz. Qirqiziğ uqa basdimiz* (Тон. 27).

Биринчи жумладаги *sub* – «сув, дарё»; *qudi bardimiz* – сўзма-сўз олганда «қуйи бордик», шу туришида қадимги туркий тил учун норма саналган, маъно англалган, лекин ҳозирги ўзбек тилида бундай дейилмайди, «Ўша сув ёқалаб қуйи бордик» ёки «Ўша сувнинг қуйи томонига бордик» дейилади. Матнни ҳозирги тилга ўгиришда ҳам ана шунга таянамиз.

Кейинги *sanayali tüşürtimiz* дейилганда «қўшин» кўзда тутилган: «қўшинни текшириб олиш учун отлардан туширилганлик» маъноси бор. Навбатдаги жумладаги *ī* – «ўт, ўсимлик», бу ўринда «бута» деб олинса тўғри бўлади. Шунда «отларнинг буталарга боғланганлиги» англашилади (*atiy iqa bayur artimiz*). *Kün yämä, tün yämä* даги *yämä* таъкид юкламаси бўлиб, ҳозир қўллаётганимиз «ҳам»га тўғри келади. Буни сўзма-сўз «кундузи ҳам, тунда ҳам» дейиш мумкин, лекин «куну тун» деб ўгирилса, силлиқ чиқади: «Куну тун елиб бордик» бўлади.

Сўнги жумлада келган 𐰽𐰺 *uqa* ни мавжуд нашрларда «уйқуда» деб берадилар: 𐰽𐰺𐰺𐰺𐰽𐰺 *uqa basdimiz* – «уйқуда босдик» (Orkun 1987, 110 – 111). Лекин А.С.Аманжолов айна бирикма мазмуни билан боғлиқ яхши бир вариантни тавсия қилган: олим Кул тигин битигида Билга хоқон қўшинининг қирқизлар ва тургешлар билан бўлган жанг тасвирида кечган 𐰽𐰺𐰺𐰺𐰽𐰺 *uda basdim* бирикмасидаги (масалан, К. 35 да: *Qirgiz bodunuy uda basdim*) 𐰽𐰺 *uda* ни «уйқу» сўзига эмас, «изма-из юрмоқ, қувламоқ» маъносидаги 𐰽 *ud-* феълига боғлайди. Шундан келиб чиқиб *uda basdim* бирикмасини «изидан бориб қувиб, кетидан қувиб босиб олдим» дея талқин қилади (Аманжолов 1996, 86 – 87).

А.С.Аманжоловнинг ушбу бирикмадаги *uda* ни равиш сифатида талқин этишида жон бор. Унинг талқини яна бир фикрни қўзғайди. Ўзбекларда *уйқу* «*ғафлат*» дейилади. Битигларда *uda basdim* ёки *uqa basdimiz* дейилганда «ғафлат чоғида босиб олиш; қўққисдан босиш» қўзда тутилган, чамаси. Шунга кўра, *uqa* ни от (яъни «уйқу») деб эмас, равиш («қўққисдан, тўсатдан») сифатида ўгирса ҳам бўлади. Шундай бўлганда жумла «Қирқизни уйқуда босдик» деб эмас, «Қирқизни ғафлат чоғида босдик» ёки «Қирқизни қўққисдан босдик» деган маънони англади.

Юқоридагилар асосида Тўнюқуқ битигидан олинган матнни куйидагича ўгирамиз: «Ўша сувнинг қуйи томонига бордик, (қўшинни) санагали (отлардан) туширдик, от(лар)ни (эса) буталарга бойлар эдик. Куну тун елиб бордик. Қирқизни (ғафлат чоғида) қўққисдан босдик».

Битигларда *qayan olurti* деган бирикма ҳам учрайди: *olurti* – «ўтирди», *qayan olurti* деганда «хоқон бўлиб тахтга чиқди, тахтга ўтирди» деган маъно англашилади. Кул тигин битигидан бир мисол: *Ācim qayan olurtuqda özüm tarduš bodun üzä šad ärtim* (К. 17). Буни «Амаким хоқон бўлиб тахтда ўтирганида мен тардуш халқи устидан шад [яъни Тардуш вилоятининг ҳокими] эдим» деб ўгирамиз.

Битигларидан яна мисоллар:

Tānri küč bertük ücün qañin qayan süsi böri-täg ermis, yağisi qoñ-täg ermis. – «Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридек экан, душмани кўйдек экан» (К. 12). Битигларда хоқонларнинг улуғ ютуқлари таърифланар экан, тангри қўллагани туфайли ана шундай ишлар амалга ошганлиги эътироф этилади. Бунда *tānri yarliqaduq ücün* («тангри ёрлақгани учун»), *tānri küč bertük ücün* («тангри куч бергани учун») сингари иборалардан фойдаланилади. Ушбу жамлада «тангри куч бергани учун хоқон қўшинининг куч-қудрати орта борган»лиги таърифланиб, унинг жасур ва енгилмаслиги бўрига, ёвнинг ожизлиги, бўйсунувчанлиги эса қўйга қиёсланмоқда.

Qirq artuqı yeti yoli sülāmis, yigirmi sūñüs sūñüsmis. Täğri yarlıqaduq üčün elligig elsirätmis, qağanlıyü qağansirätmis, yağıy baz qilmis, tizligig sökürmis, başlıyü yüküntür(mis). – «Қирқ етти йўла лашкар тортган, йигирма марта жанг қилган. Тангри ёрлақагани учун эли борни элидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, ёвни эл қилган, тиззаси борни чўктирган, боши борни юкунтирган» (К. 15).

Yalañ bodunuy tonluy qiltim, cıyañ bodunuy bay qiltim, az bodunuy öküş qiltim. – «Яланг халқни кийимли қилдим, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим» (X. 23 – 24). Хоқонлар халққа қилган яхшилиги, эл фаровонлиги йўлида олиб борган ишларининг таърифида уларнинг қўл остида халқ тинч-осойишта, тўқ ва бой яшагани, халқ кўпайганини билдириб қўйиш учун ана шундай жумлалардан фойдаланган. Ёки Билга хоқон отаси Элтариш юртга эгалиги чоғида юз берган ўзгаришлар, халқнинг тўқ ва бой яшаганлигини эслаб *Ol ödkä qul qulluy bolmis (erti)* деб ёзган эди (қаранг: К. 21). Бу жумла «Ўша чоғлар қулнинг ҳам қули бор эди» деган маънони билдиради.

Ёки миллий қахрамоннинг халқ тинчлиги, фаровонлиги йўлида тиниб-тинчимагани «Турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим» (*Türük bodun üčün tün udımadım, күntüz olurmadım*) дея таърифланади (К. 27).

Бошқа бир мисол: *Qanıñ subça yügürti, söñükün tayça yatdı, beglig uri oyluñ qul boltı, silig qız oyluñ күñ boltı* («Қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай (уюлиб) ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди») (К. 24). Ушбу жумлада Биринчи кўк турк хоқонлиги кулаб, халқ ёв қўлида қолган чоғлар таърифланган. Унда турк халқининг босқинчилар сиқуви остида уқубатда қолгани, унинг қирилиб бораётгани таърифланиб, кишилар қонининг тўкилиши дарёга, суякларнинг уюми эса тоққа қиёс этилади. Ҳаракатнинг белгиси (гап бўлагига кўра ҳол) *subça, tayça* равишлари ёрдамида берилган. Кейинги жумладаги *uri oylul* – «ўғил бола», *qız oylul* – «қиз бола»; эркакларга нисбатан *qul*, хотин-қизларга нисбатан эса *күñ* сўзи қўлланган – у «жория»ни билдиради. Ушбу жумлада ўша кезлар туркнинг бегликка лойиқ йигитлари қул, сулув қизлари эса жорияга айлангани таъкидланмоқда.

Ўрхун битигларини текширган олимлар матнларнинг тузилиши тўғрисида икки хил қарашда: айримлар мазкур ёдномаларни шеърий асар десалар, бошқа бирлари уларни насрий асар санайдилар. Битигларни насрда ёзилган деб қаровчиларнинг фикрича, жумлаларнинг шеърга хос бир оҳангда ўқилишига сабаб уларда саждан кенг фойдаланганлигидир.

Таъкидлаш керак, ўрхун битиглари, хусусан, Кул тигин ва Билга хоқон ёдномаларининг тузилиши ўта мураккаб. Қадимги турк монумент-

тал матн тузиш анъанаси юксак даражада такомил топганидан далолат беради. Матннинг баён шаклига келсак, у асосан насрда. Бироқ ора-орада шеърий бўлақлар ҳам жой олган. Муҳим тарихий ҳодисаларнинг кульминацион нуқталари, миллий қаҳрамонларнинг фаолияти, қилиқ-ларига оид чизгилар шеър билан баён этилади (буни ўзбек халқ дostonларига қиёслаш мумкин). Ёдномаларнинг бу тарзда тузилганлиги уларнинг бадийлигини янада оширган.

Кул тигин битигининг якунида Билга хоқоннинг ўз иниси Кул тигинга аталган марсияси ўрин олган. Унда хоқоннинг ўз иниси ўлимидан чеккан қайғу-алами изҳор этилади. Муҳими шундаки, марсия тугаганидан кейин шундай жумлалар бор: *ʻOd tānri yasar, kisi oyli qop ʻölügli tirimis* (Кб. 10). Биринчи гапдаги *хʻ ʻod* сўзининг илк маъноси – «давр, замон». Агар шундай деб талқин қилинса (баъзи олимлар уни ана шундай талқин қилганлар ҳам), ғализлик юз бериб, «замонни тангри яратади» деган маъно келиб чиқади. Аслида, бу ўринда *ʻod* ни «замон» деб эмас, гапда киши умри тўғрисида сўз бораётганлигини кўзда тутган ҳолда «умр» дея талқин қилмоқ керак. Шунда «умрни тангри яратади, умрни тангри белгилайди» деган маъно келиб чиқади. Матнга шуниси мос.

Кейинги жумлада дунёнинг ўткинчилиги, умрнинг вафосизлигидан шикоят акс этган. Матндаги *kisi oyli* «инсон боласи»; *ʻölügli* сифатдош шаклида бўлиб, «ўладиган», *qop ʻölügli* «бутунлай ўладиган» деган маънони беради. Лекин ўғирмада стилистик талабдан келиб чиқиб «Инсон боласининг бари ўлгучидир» дейилса, чиройли чиқади. Айтилганларга таяниб ушбу жумлаларни қуйидагича ўгираемиз: «Умрни тангри белгилайди. Инсон боласининг бари ўлгучидир».

Энди ана шу марсияни тўлиғича ўқиймиз:

Kül tigin yoq ersär, qop ʻöltäci ertigiz. İnim Kül tigin kargäk bolti, özüm saqintim: körür közüm körmaz-täg, bilir biligim bilmaz-täg bolti, özüm saqintim. ʻOd tānri yasar, kisi oyli qop ʻölügli tirimis. – «Кул тигин бўлмаганда, бутунлай ўлар эдингиз. Иним Кул тигин вафот этди, ўзим алам чекдим: кўрар кўзим кўрмасдек, билар билимим билмасдек бўлди [яъни кўзимнинг нури кетди, эс-хушим оғди], ўзим алам чекдим. Умрни тангри белгилайди, киши ўғли ўлгучидир» (Кб. 10).

Бу шеър енисей битигларидаги қайғули йиғи мазмунини эслатади. Ушбу шеърий бўлақ битигда наср сингари қилиб битилган. Шунга кўра, биз уни сатрларга бўлиб ўтирмадик.

Турк монументал матнлари ичида енисей битигларининг тузилиши ва услуби ўзига хос. Енисей битигларининг муҳим белгиларидан бири – уларда матн ўликнинг ўз тилидан сўзланади. Мангутошларда мархумнинг ўз яқинлари, ёруғ дунёдан айрилиқ дарди, ўкинчи баён этилади. Бу

йиғиларни ўликлар нидоси дейиш мумкин. Битигларда ундовлар, мунгли бир мазмун етакчи. Битиглардан мисол келтирамиз:

Yerimä, yita, subuma, adiriltim. Buña, sizimä, yita, bodunima, künimä, qadašima, adiriltim, bökmädim. Elimä, qanima, bökmädim (E. 11.4 – 5).

Матнда *yerim, subum, sizim, bodunim* сўзларига қўшилаётган *-a, -ä* қўшимчаси ҳаяжон, ундов, мунг, қайғуни таъминлашга хизмат қилади. Мазкур ундовлар матн оҳангдорлигини, ритми белгилайди. Шунга кўра, юқоридаги матн парчасини ҳозирги ўзбекчага куйидаги тартибда ўгириш мумкин: «Ерим-а, эсиз, сувим-а, (баридан) айрилдим. Мусибат-а, сиз яқинларим-а, эсиз халқим-а, уруғим-а, дўст(лар)им-а, (сиздан) айрилдим, (дийдорингизга) тўймадим. Элим-а, хоним-а, (сизга) тўймадим».

Ўзбек марсияларида, азада хотинларнинг айтиб йиғлашида бу ҳолат ҳозир ҳам бор. Масалан, оғзаки услубда: *болам-а* «вой болам, болам-а», *онам-а* «вой онам, онам-а», *отам-а* «вой отам, отам-а» дегани.

Шу ўринда Означенная қишлоғидан топилган битигни ҳам ўқиб кўрайлик (Orkun 1987, 573, 575):

(1) *Qunčuyim, qadašim adiriltim. Bunta yayıqa kirdim.*

(2) *Ökü, Čäkül tutuq sizimä adiriltim.*

(3) *Elim, qanim sizimä adirildim. Altun keš adiriltim.*

Мазмуни:

«Маликам, ўртоғим (сизларимдан) айрилдим. Бу ерда ёвга (қарши жангга) кирдим. Ўку, Чакул тутуқ, сизларимдан айрилдим. Элим, хоним, сизларимдан айрилдим. Олтин кеш[ўқдон]имдан айрилдим».

Худди шундай оҳанг қадимги туркларнинг бошқа марсияларида ҳам кузатилади. Чунончи, «Олтун тусли ёруғ» сутрасида оға-ини тигинлар (шаҳзодалар) қиссаси берилган. Қиссада кенжа тигин тўқайда ҳалок бўлади. Бу мудҳиш воқеадан оғалар фарёд кўтарадилар. Шу жойда бир марсия берилган. Мана ўша шеър:

... ulidilar siytadilar, uliyu siytayu inča tip tidilär:

*körklä köwsäk toyiliy inimiz / ertin küwazä!
öğkä qanqa / sewitmiş ertin qadaš-a!*

*nečükin yana / birgärü
birläkiyä ünüp üçägü /
negülük tittin özüñin
bizni birlä / barmadin.*

*ögümüz qañimiz biziñä /
utru körüp ayıtsar,
biz ikägü negü / tep
ötünälim sözlälim?*

*ol yig bolyay / ücägü
birläkiyä ölsärbiz.
näñ / biziñä kergäksiz
bu et-özümüz tirigi.*

«(Оғалар) баланд ун билан йиғладилар-сиқтадилар, йиғлаб-сиқтаб шундай дедилар:

Чиройли, одоб-ахлоқли инимиз эдинг, ох, ғуруримиз,
Ота-онамизнинг орзули боласи эдинг-ку, қариндош-а.
Нечунким яна учовимиз бирга униб-ўссак эди,
Сен нима сабабдан ўз жонингдан кечдинг?
Биз билан бирга қайтмасанг, отамиз, онамиз бизни кўриб сени сўра-
са, биз нима деб жавоб берамиз?

Ундан кўра учовимиз бирга ўлсак бўлмасмиди? Энди бизга бу жони-
миз тириклигининг нима кераги бор?» (АҲар. 619, 20 – 620, 8).

Оғалар уйларига бориб шум хабарни ота-оналарига айтганларида
ота-оналари ҳам айтиб йиғладилар. Улар айтган марсия мана бундай:

Ötrü iliglärin örü kötürüp uliyu siqtayu inçä tip taqşurtılar:

*Ne ada erti adayim,
körkläkyä / ögüküm,
Ölmäk emgäk neçükin
öñrä / kelip erttürti.*

*Sintidä öñrä / ölmäkig
bulayin i künkiäm.
/ Körmäyin erti muni-teg
uluy açıy / emgäkig.*

«Кейин (она ва оталари) кўлларини баланд кўтариб, йиғлаб-сиқтаб
шундай шеър айтдилар:

Не бало эрди тойчоғим,
ушоққина кўзим,
ўлим азоби нима учун
эрта келиб, олиб кетди.

Сендан бурун ўлсам
бўлмасмиди, қуёшим.
Кўрмайин эрди мунингдек
улуғ аччиқ азобни» (АҲар. 626, 1 – 8).

Муҳим жиҳати шундаки, қадимги шеърӣ матнларнинг айримлари ёзувда мисраларга ажратиб эмас, насрий матн сингари ёзилган. Буни қадимги турк муҳитида кўчирилган бошқа матнларда ҳам кузатамиз. Жумладан, «Ўғузхоқон» достонида кечган шеърӣ парчалар матнда мисра ва бандларга ажратмай ёзилган. Тошга битилган ўрхун ва енисей матнларини кузатганда ҳам шундай ҳолатга дуч келамиз.

«Ирқ битиги» қадимги туркий тил бадиий услубининг ажойиб намунаси. Асарда яхшиликка йўйилувчи таъбирлар *anča biliñlär, edgü-ol / anča biliñ, edgü-ol / anča bil, edgü-ol / edgü-ol*; ёмонликка йўйилувчи таъбирлар эса *anča biliñlär, yablaq-ol / anča biliñlar, yabiz-ol* жумлалари билан тугайди. Жумлалар аниқ ва лўнда, узоқ такомил жараёнидан ўтиб қиёмига етган равон бир услубда. Мисолларга эътибор қилинг:

Beg er yontıñaru barmış, aq bisı qulunlamış, altun tuyuyluy adyirliq yarayay. Tebaşınärü barmış, örün ingäni butulamış, altun budluluy buyralıq yarayay. Ebiñärü kelmiş. Üçünç, qunçuy urulanmış, beglik yarayay, – ter. Meñilig beg er ermiş. Añiy edgü-ol

(«Бек киши ўз отлари томон борди, оқ бияси қулунлабди. Олти туёқли қулун айғирликка ярайди.

У туялари томон борди. Оқ ингани [урғочи туяси] бўталабди. Олтин бурундукли бўта буғрага ярайди.

У уйига келди. Учинчи (ҳодиса) – маликаси ўғил туғибди. (Ўғил) бекликка ярайди деди. Бек (буларнинг баридан) шод эди. Аниқ – яхшидир»).

Altun başliñ yılan-men. Altun qoruysaqimın qiliçin kesipän, özüm yol intin, başimın yol ebintin, – ter. Anča biliñlär – yablaq-ol

(«Олтин бошли (тожли) илонман. Олтин қорин-қуруғсоғимни қилич билан кесиб, ўзимни йўлга, бошимни уйим остонасига қўйдилар дер. Буни билингки – ёмондир»).

Özlük at öñ yerdä arıp oñuup turu qalmış. Tāñri küçinā tay üzä yul sub körüpān, yış üzä yaş ot körüpān, yoriyu barıpan, sub iciripān, yaş yepān ölüm dä ozmış, – ter. Anča biliñlär – edgü-ol

(«Эгалик от шарқ томонда адашиб, чарчаб туриб қолди. Тангри кучи билан тоғ узра сувни кўриб, тепаликлар узра ўт-ўланларни кўриб, юриб бориб, сув ичиб, майсаларни еб ўлимдан омон қолди дер. Билингларки – яхшидир»).

Adiyli toñuzli art üzä soquşmiş ermiş. Adiyiñ qarni yarılmış, toñuznuñ aziyi sīnmış, ter. Anča biliñlär, edgü-ol

(«Айиқ ва тўнғиз тепалик устида тўқнашдилар. Айиқнинг қорни ёрилди, тўнғизнинг озиқ тиши синди дер. Буни билинғ, ёмондир»).

Qan sūkā barmış, yağiy sančmiş, köcürü qonturu kelir, özi süsi ögirā sebinü orduşınaru kelir, – ter. Anča biliñlär – edgü-ol

(«Хон жангга борди. Ёвни санчди. Уларни кўчириб, қўндириб келмоқда. Ўзи ва лашкари севиниб ўрдаси томон келмоқда дер. Шундан билинглар – эзгудир»).

Буларнинг бари қадимги турк адабиёти ва адабий тилида ёзма бадиий услуб меъёрлари пухта ишланиб, тугал бир кўринишга эришганидан далолат беради.

«СУТРА УСЛУБИ»

Ёзма ёдгорликлар ичида диний-фалсафий асарларнинг услуби ҳам ажралиб туради. Диний асарлар услуби туркий халқларнинг буддизм, монийлик динларига сиғина бошлаган даврлар, туркий муҳитда будда, моний мазмунидаги асарларнинг яратила бошлаши билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Шулардан бири будда мазмунли асарларга хос бўлган «сутра услуби»дир.

Sutur~sudur атамаси санскритчадан ўзлашган бўлиб, буддизм таълимотини баён этувчи адабий, диний-ахлоқий асарларни билдиради. Биз атаётганимиз «сутра услуби» туркий ёзма-бадиий услубнинг бир тури, будда диний-фалсафий асарлари учун хосланган бир услуб бўлиб, будда бадиий адабиётининг баён тарзидир.

Буддизм даврида Шарқ халқларининг адабий алоқалари кучайди, таржима адабиёт янги босқичга кўтарилди. Ўша кезлар туркий тилга санскрит, тоҳар, суғд, хитой тилларидан кўплаб будда асарлари таржима қилинган. Муҳими, ана шу адабий алоқалар эткисида туркий ада-

биётда янги жанрлар юзага келди, кўк турк ёзма адабиётидан фарқли ўлароқ, диний қонунларни баён этувчи йирик воқеабанд асарлар яратила бошлади. Бадий адабиётдаги ушбу жараён ёзма адабий тилда янги бир услубнинг пайдо бўлишига олиб келди: туркий тилнинг узоқ асрли анъаналари негизида будда асарларигагина хос бўлган, ўзига яраша янги бир услуб шаклланди. Буни шартли равишда «сутра услуби» деб аташимиз мумкин. Ўша чоғларнинг диний қонунларни баён этувчи адабий асарлари – нўм битиглар ана шу услубда. «Майтри симит нўм битиг», «Олтун тусли ёруғ», «Сюань-цзан кечмиши» сингари асарларнинг услуби бунга мисол.

«Сутра услуби»нинг ўзига хослиги, биринчи галда, диний-фалсафий асарларда учровчи атамалар тизимида кўзга ташланади. Будда асарларида диний атамалар тизими пухта ишлаб чиқилган. Атамаларнинг катта бир қисми матн талаби билан санскрит ва асар таржима қилинаётган бошқа тиллардан ўзлашган. Муҳими, будда асарларида туркий тилда бурундан қўллаб келинаётган туркий сўзлар ҳам атама вазифасида қўлланилиши мумкин. Шунингдек, «сутра услуби»да чет тилдан олинган тайёр жумла, бирикмалар ҳам учраб туради.

«Сутра услуби»да битилган матнлар ўзининг бадийлиги, тасвир воқиталарининг усталик билан ишлатилгани, баён шаклининг раво ва аниқлиги билан ажралиб туради. Будда матнлари қадимги турк бадий адабиётининг сара намуналари қаторидан жой олган. Мисол сифатида «Олтун тусли ёруғ» сутрасига киритилган «Тигин ва тиши барс қисса-си»даги элиг хон таърифига бағишланган бир жумлани кўриб чиқамиз:

Olyemä Maxaradi elig xan ertinü uluy, bay barimliy, tsanları ayılıqları i tariy, ed tawar özä tolu, alp atim sülüg küçinä tükällig, törttin siñar yer orunuy iymiš basmish, öküškä ayatmiş ayirlatmiş, ürük uzatı köni nomča törüçä başladaçı, imäriğmä qamay bodunin qarasin aşmiş üklitmiş, qoptin siñar yayısiz yawlaqsiz erti (AYar. 607, 10 – 19).

Ушбу жумлада бадий услубнинг характерли белгилари кўзга яққол ташланади. Бир жумланинг ўзида сўзларни жуфтлаш орқали янги-янги маънолар ҳосил қилинмоқда. Қадимги туркий тилда кенг амал қилган ушбу усул матн бадийлигини, унинг ўқишли бўлишини таъминлайди. Шу ўринда янги маъноларни юзага чиқарувчи жуфтликларни бирмабир кўриб чиқайлик. Сўзларнинг жуфт ҳолда англатаётган маъноларига эътибор беринг: *bay barimliy* – биргаликда «бой-бадавлат, давлатманд» маъносини беради; *i tariy* – *i* сўзи қадимги туркийда «ўсимлик», *tariy* билан жуфт ҳолда қўлланилиб, «дон-дун» маъносини беради; *ed tawar* «мол-мулк» дегани; *alp atim* – *alp* – «алп, баҳодир», *atim* – «мерган», биргаликда «шавкатли» маъносини беради; *yer orun* – биргаликда «эл, мам-

лакат» маъносида; *iy-bas* «хукмронлик қилмоқ» маъносида; *ayat-a'yirlat* «кўпнинг ҳурмати қозонган» дегани; *ürük uzatı* «узоқ, узоқ замонлар» маъносида; *nomča törüçä* – *nom* – «қонун, қоида», *törü* – «сиёсат», биргаликда «қонун-қоидалар асосида, адолат билан» маъносини беради; *bodun qara* «авом, халқ» англамида; *aş-üklit* «халқни оширган, кўпайтирган» дегани. Қадимги туркий адабиётда хоқонларнинг элсеварлиги, унинг қўл остида халқ тинч яшаб, ўзидан кўпайганлиги таърифланганда шу сингари сўзлардан фойдаланилган; *yağısız yawlaqsız* – *yağı* – «ёв», *yawlaq* – «ёвуз», жуфт ҳолда «ёвсиз-ёвузсиз» деган маънони англатади. Бу бирикма адабиётда ён-веридаги эллар билан тотув яшаган хоқонлар таърифида келтирилади.

Жуфт сўзларнинг келтирилган маъноларига таяниб юқоридаги матнни ҳозирги тилимизга ўгириб кўрамиз. У шундай бўлади: «Ўша Махаради элиг хон беҳад улуғ, бой-бадавлат, омбору хазиналари дондун, мол-мулкка тўла, алпу мерган, кучли черикка эга, тўрт томондаги элларни ўзига бўйсундирган, кўпнинг ҳурмати қозонган, узоқ йиллар адолатли сиёсат юритган, бўйсунган барча элларнинг халқини кўпайтирган, ён-вери бутунлай ёвсиз-ёвузсиз эди».

Матндан узилмай кейинги жумлани ўқиймиз: *Ol antay osuyluy çoyluy yalınliy küçlüg küsünlüg elig xanniñ uluyı xatuninta toymiş körgäli sewiglig, körklüg meñizlig üç oylanı erti* (АҲар. 607, 20 – 608, 2).

Ушбу жумлада: *çoyluy yalınliy* – жуфт ҳолда «куч-қудратга эга» маъносини беради; *küçlüg küsünlüg* ҳам аввалги бирикманинг синоними. Бари биргаликда уюшиқ ҳолда «шавкатли, чексиз куч-қудратга эга» деган маънони беради; *körklüg meñizlig* асли «чиройли» маъносида, лекин сўз йигитлар тўғрисида бораётгани учун уни «истараси иссиқ» деб ўгирганимиз яхши. Ана шуларни инобатга олганда жумланинг маъноси қуйидагича бўлади: «Ана ўшандайин шавкатли, чексиз куч-қудратга эга бўлган элиг хоннинг катта хотинидан туғилган кўҳли-суюкли, истараси иссиқ уч ўғлони бўлар эди».

Қадимги туркий матнларни шарҳлаш жараёнида тилнинг тарихий тараққиёти давомида сўзлар, бирикмаларда кечган маъно ўзгаришлари, услубий ўлчовларда юз берган фарқларни ёдда тутмоғимиз керак. Бурунги меъёрлар ҳозирги ўлчовларга тўғри келавермайди. Матннинг мураккаб услуби, сўз маънолари баъзан асарни тадқиқ этаётган мутахассисларни ҳам чалғитади. Ҳозирги замон нашрларида айрим сўзлар, сўз бирикмалари, ибораларнинг хато талқин этилаётгани сабаби ҳам шунда. Бунга бир мисол. Ўша қиссада кичик тигиннинг барс қаршисида ўзини қурбон қилиш олдидаги ҳолати матнда қуйидагича тасвирланади: *Maxasatvi tigin kentü özi yanturu yana ol ariyqa kirip, ač bars üskintä*

teqip, terkin tawratı tonın sučulup qamiš butıqı üzä asıp, inčä tep, bek qatıy saw sözlädi (AYar. 615, 16 – 20).

С.Е.Малов мазкур жумлани рус тилига шундай таржима қилган: «А сам же он – Магастви-царевич – вернулся снова и вошел в тот бассейн реки и достиг прямо той голодной тигрицы. Он быстро и поспешно повесил на свесившийся сук камыша свои одежды и вот, так очень сильно (громко) восклицая, сказал (громкими) голосами» (Малов 1951, 182). Эътибор қаратилса, олим матндаги *bek qatıy saw sözlädi* бирикмасини «очень сильно (громко) восклицая, сказал (громкими) голосами» деб таржима қилмоқда. Сутранинг ўзбекча нашрида эса ушбу бирикмани «жуда қаттиқ сўз сўзлади» деб берадилар (Абдурахмонов, Рустамов 1982, 161). Кўриниб турибдики, иккала талқин айтарли бир хил.

Шу ўринда матнда берилган бирикманинг маъносини кўриб чиқсак. Қадимги туркий тилда *saw* «сўз» дегани. Бирикмадаги *bek* сўзи «мустақкам, қаттиқ» маъносини беради, *qatıg* сўзи ҳам айни тушунчада, уларнинг иккови биргаликда жуфт сўз кўринишида «ўта қаттиқ» маъносини англатади. Бироқ у матнда *saw* нинг сифати вазифасида, шунинг учун кўчма маънога эга: сўзга нисбатан «яширин, кўнгилнинг туб-тубидаги» деган тушунчани беради. Ўз ўрнида у атамага айланмоқда: *bek qatıy saw* кўнгил тубига яширинган сўзлар, яъни «тилак», «дуо»ни билдиради.

Ана шуларга таяниб юқоридаги жумлани қуйидагича талқин этишимиз мумкин: «Махасатви тигин ўзи орқага қайтиб, ўша ариққа кириб, оч барснинг тепасига бориб, шошила кийимларини эгилган қамиш бутоғига осиб, шундай деб кўнгил тубидаги сўзларини сўзлади [яъни: ниятларини айтди; дуо қилди, дуосини сўзлади]». Матнда шундан кейин кичик тигиннинг тилаги (дуоси) ҳам ўрин олган.

«Сутра услуби»да сутраларгина эмас, буддизм муҳитида яратилган бошқа жанрлардаги асарлар ҳам яратилган. Шу ўринда буддизм муҳитида яратилган «Оға-ини тигинлар қиссаси»дан олинган (АТ, 283) қуйидаги мисолларни таҳлил қилиб кўрайлик:

Tigin inčä tep ötünti: Luu xanlarınta Ćintamani erdäni bar-kim, ülüglüg qutluğ kiši ol erdäni bulsar, qamay tinliylarqa asiğ tusu qılur. Anı üčün taluyqa kirigsäyür-men, – tep ötünti.

Биринчи жумладаги *ötünti* «ўтинди, ёлборди» дегани. Бадий асарларда баён тарзи, одатда, сўзнинг кимга қаратилаётганига боғлиқ ҳолда танланади: сўз хонга қарата айтилаётган бўлса, одоб юзасидан *ötünti*, хоннинг сўзи бўлса, *yarliğ yarliqadi* ёки *yarliqadi* дейилади. Бу ўринда тегин отаси хонга ёлборяпти, шунинг учун *ötünti* сўзи қўлланилган. Кўчирма гапдаги *ülüglüg qutluğ* – жуфт сўз, «омадли, бахти кулган» деган маънони беради. Кейинги гапдаги *tinliğ* «тин олувчи, жонзот», *qamay*

tinliylar «барча жонзотлар» дегани. Ундан кейинги жумладаги *taluyqa kirigsäyür-men* сўзма-сўз «денгизга киришни истайман» дегани. Бу ўринда денгизнинг қуруқлик билан қуршалгани кўзда тутилган ҳолда *денгизга кир-* (*taluyqa kir-*) ибораси ишлатилган. Ҳозирги ўзбекчада эса денгизнинг кенглигини кўзда тутган ҳолда *денгизга чиқди* дейилади. Матнни ўгирганда ҳозирги тушунчадан келиб чиққан маъқул.

Таъкидланганлар асосида матнни ҳозирги ўзбекчага қуйидагича ўгириш мумкин: «Тегин шундай деб ўтинди: «Аждар хонлигида Чинтамани отли жавоҳир борким, бахти кулган киши ўша жавоҳирни топиб келтирса, бари жонзотларга фойда қилур. Шунинг учун денгизга чиқишни истайман», – дея ўтинди».

Маънони боғлаш учун ўша ердан матннинг давомини ўқиймиз: *Ol ödün qaṅi xan yarliṅ yarliqadi: Kim taluyqa barayin tesär, kiriṅlär, oylum tiginkä eš bolunlar. Ne kergäkin barča bergäy-biz. Kim yerči suwči, kemäči bar ersär, yemä kelzün. Tiginig asan tükäl kelürzünlär.*

Бу матнда *денгизга кир-* (*taluyqa kir-*) деб эмас, *денгизга бор-* (*taluyqa bar-*) деб ишлатилган. Бунда ҳаракатнинг айни нуқтадан кетиш ҳолати кўзда тутилган. Яна хоннинг ёрлиғида жамоага қарата *kiriṅlär* дея буюрилмоқда. Бу билан жасур кишилар хон қошига, саройга кириши кўзда тутилади. Матндаги *yerči* «йўлни билувчи, йўл кўрсатувчи», *yerči suwči* эса «денгизда йўл кўрсатувчи» дегани; *kemäči* ҳозирги тушунчамиздаги «капитан»га тўғри келади. Кейинги гапдаги *asan tükäl kelürzünlär* жумласидаги *kelürzünlär* («келтирсинлар») буйруғининг ўзида «олиб бориш ва қайтиш» маъноси жамланган, шунинг учун бу бирикмани «эсон-омон олиб бориб келтирсинлар» деб талқин қилмоқ керак.

Шуларга таяниб матнни ҳозирги тилимизга қуйидагича ўгираемиз: «Ўша кезде отаси хон элга ёрлиқ берди: «Кимки денгизга борайин деса, қошимга киринглар, ўғлим тегинга эш бўлинглар. Нима керак бўлса, барини бергаймиз. Ораларингизда денгизда йўл бошловчи, кемачи бор бўлса, у ҳам келсин. Тегинни эсон-омон олиб бориб келтирсинлар».

Матннинг давоми:

Ötrü bu yarliṅ ešidip, biš yüz satiyči eränlär terilip, ičgärü ötüg berdilär: Qamayin edgü ögli tiginkä qulluy barir-biz. Ölsär, birlä ölü-r-biz, kelsär, birlä kelir-biz, – tep ötüg berdilär.

Муаллиф гапидаги *ötüg berdilär* «арз қилдилар» дегани (*ötüg* – хужжатчиликка тегишли атама; *ötüg bitig* матнга нисбатан қўлланилиб, «ариза»ни, *ötüg ber* нутққа нисбатан қўлланилиб, «арз қил-» маъносини беради). Кўчирма гапдаги *edgü ögli* – «эзгу ниятли», *qulluy barir-biz* – сўзма-сўз «қул бўлишиб борамиз», лекин бу ўринда «унга хизмат қилишиб борамиз» дегани бўлади.

Матннинг маъноси шундай: «Сўнг бу ёрлиғни эшитиб, беш юз жасур эрлар терилиб, саройга арз билан келдилар: «Ҳаммамиз бир бўлиб эзгу ниятли тегинга хизмат қилишиб борамиз. Ўлса, бирга ўламиз, соғ қайтса, бирга қайтамиз», – дея арз қилдилар».

Матнни ўқишда давом этамиз:

Ol ödün Baranas ulušta bir edgü alp yerçi suwçī bar erti. Qaç qata taluyqa kirip, beşär yüz erin barip, asan tükäl kelmiş erti. İnçip sekiz on yaşayur, qarī erti, yana iki közi körmāz erti. Ol beş yüz er qamağun ol körmāz yerçikā ötüntilār. Ol ödün tigin özi barip, qolin yetip, ičgärü qañi xan tара kigürdi. Qañi xan inçā tep yarlıqadi: Bir-kiä amraq oylumün siziñä tutuzur-men, asan tükäl kelürün, – tep yarlıqadi.

Мазмуни: «Ўша чоғда Баранас мамлакатада яхши бир алп, сувда йўл кўрсатувчи бўлар эди. Қанча бор денгизга чиқиб, беш юз эр билан бориб, эсон-омон келмиш эрди. Шундай қилиб, саксон ёшга чиққан, қари эрди, яна икки кўзи кўрмас эрди. Ўша беш юз киши ҳаммалари бир бўлишиб ўша кўр йўл кўрсатувчига ўтиндилар. Ўшал замон тегиннинг ўзи бориб, унинг қўлидан етаклаб саройга, отаси хон қошига олиб келди. Отаси хон шундай дея ёрлиқ берди: «Биргина қадрли ўғлимни сизга топширяпман, уни эсон-омон олиб бориб қайтинг».

Яна бир жиҳати, «сутра услуби»да яратилган асарларда турли бадий воситалар, матннинг баён тарзи ҳам буддизм тушунча-қарашлари билан уйғунлашиб кетади. Мисол сифатида «Оға-ини тигинлар қиссаси»дан олинган, юқорида келтирилган матннинг давомида турувчи қуйидаги матнни кўриб чиқсак:

Ötrü ol awičya iylayu hanqa inçā tep ötünti: Täñrim, ne muñ taq bolti-kim, antay täñri-teg, erdäni-teg ögükünüzni ölüm yerinā idur-siz? Ol taluy suwī ertiñü qorqinçiy adaliy-ol. Öküš tinliylar barip, ölüglār bar; barsar yarayay-mu? – tep ötünti (AT, 283).

Ушбу матндаги энг характерли саналган, бадий тасвир воситалари будда қарашлари билан уйғунлашиб кетган *Täñrim, ne muñ taq bolti-kim, antay täñri-teg, erdäni-teg ögükünüzni ölüm yerinā idur-siz?* жумласига эътибор беринг. Жумла бошидаги *täñrim* тангрига илтижо, «эй тангрим» деган маънони беради; *muñ taq* – жуфт сўз, «қайғу-алам, мусибат» дегани; *täñri-teg, erdäni-teg ögükünüzni* бирикмасидаги *ögükünüz* тегинга нисбатан қўлланилиб, «энг суюкли кишингиз, жигарбандингиз» деган маънони билдиради. Муҳими унга нисбатан *täñri-teg, erdäni-teg* (*мангрпидек, жавоҳирдек*) сифатларининг берилаётганида. Буддизм фалсафасида *erdäni* – қутлуғ тушунча («уч жавоҳир» ҳам шундан); яна матнда шаҳзо-данинг тангрига қиёсланаётгани қизиқ; буддизм тушунчасида тангри – бу «Будда»; кимса *täñri-teg* дейилганда «Буддадек покиза» деган маъно

келиб чиқади. Ҳозирги ўзбек тилида бунинг ўрнида *фариштадек* сифати юради: *фариштадек онам, фариштадек боланг* сингари.

Энди юқоридаги матнни куйидагича ўгирамиз: «Сўнг ўша қария йиглаб, хонга шундай дея ўтинди: «Тангрим, не мусибатким, шундай фариштадек, жавоҳирдек жигарбандингизни ўлим ерига юборяпсиз. Ўшал денгизнинг суви ўта қўрқинчли, ваҳималидир. Кўп кишилар бориб, ўлиб кетади, ўғлингиз борса, ярайдими?» – дея ўтинди».

Яна бир жиҳати, будда муҳитида яратилган насрий матнларгина эмас, шеърий асарлар ҳам «сутра услуби»да ижод қилинган. Будда шеърлари матнларнинг ўзида *küg, taqšut, küg taqšut, šlok, padak* атамалари билан қайд этилган. Буларнинг ҳар бири қадимги турк шеъриятининг ўзига хос турлари бўлиб, матн тузилиши, қаторлардаги бўғинлар сони, қофия тизими, ритми билан ажралиб туради. Бироқ уларни ҳозирги ўлчовлар билан ўлчамаслик керак. Улар қадимги туркий поэтик услубининг талаблари, ёзма адабий тил меъёрларидан келиб чиққан ҳолда юзага келган. Ҳатто қофия тизими ҳам айрича. Қадимги турк шеърларида сатрбоши қофия тизими амалда бўлиб, етакчи ритми ҳам ана шулар таъминлайди.

Қадимги турк диний-фалсафий асарларини битишда шаклланган ва муқим бир қолипга тушган адабий тил анъанаси диний асарлар тилида асрлар оша сақланиб келди.

МОНИЙЧИЛАРНИНГ ЎТИНЧИ – «ХУАСТУАНИВТ» ВА УНИНГ УСЛУБИ

«Хуастуанивт» монийлик динининг ўтинчидир (*нашрларига қаранг: Малов 1951, 108 – 130; Дмитриева 1963; Sodiqov 2009¹, 318 – 331*). Асарнинг оти матнда *N(i)yošaklarniñ suyiñ yazuqin öküngü Huastuan(i)vt* деб берилган. Ушбу жумладаги *niyošak* суғдчадан ўзлашган бўлиб, «тингловчи» маъносини англатади, у моний диний жамоасида қуйи даражани билдирган; *suu yazuq* – жуфт сўз, «гуноҳлар, ёзуқлар» деган маънони билдиради; *öküngü* эса ҳозирги «ўкинув, тавба қилув» сўзига тенг. Шунга кўра, ушбу жумладан «Нигўшакларнинг ёзуқлардан ўкинувчи «Хуастуанивт» деган маъно келиб чиқади.

«Хуастуанивт»нинг туркий версиялари уйғур ва моний ёзувларида. Қўлёзмалари ҳозир Санкт-Петербург, Лондон ва Берлин фондларида сақланмоқда.

Асар ўн беш бўлимли. Бўлимлари *bölüg* дейилган. Ҳар қайсиси муайян масалага бағишланган. Матнда, ҳатто унинг кўчирилиш жараёнида асарнинг тузилишига алоҳида урғу қаратилган. Уйғур ёзувли матнда

жумлалар қўш нуқта (..), бўлимлар эса икки жуфт нуқта (.. ..) билан ажратилган. Матнда ҳар қайси бўлим ўзининг тартиб кўрсаткичи билан бошланади: *üçünc, törtünç, bişinç, altınç, yitinç, sâkizinç* ва б.

Қўлёзма сўнгида, асар тугандан кейин, уни кўчирган котиб ва тавбаноманинг тугаганлиги тўғрисидаги қайд ёзиб қўйилган: *Bütürmiş Tarhan. Tügädi n(i)yoşaklarniñ suyiñ yazuqin öküngü Xuastuan(i)vt.* – «(Матнни) тугаллаган Тархон. Тугади ниғўшакларнинг ёзуқлардан ўкинув китоби – «Хуастуанифт» (Huast. 159 – 160).

Ўтмишда диний асарлар, хусусан, моний ёдгорликларини битишда ёзувнинг хос бир услуби танланган. «Хуастуанифт»нинг хати ҳам ўта чиройли, уйғур ёзувининг классик услубидадир.

«Хуастуанифт» ниғўшаклар ичида ёлғиз ҳолда ҳам, жамоа бўлиб ҳам ўқилган. Фанда бу асарга таржима деб қарайдилар. Асарнинг кунимизга қадар сақланиб қолган нусхалари орасида матний жиҳатдан катта фарқ йўқ. Бу жиҳати асарни қадимги туркий тилга бир киши таржима қилган, қолган нусхалари эса ана шу таржима асосида яратилган деган хулосага олиб келади.

«Хуастуанифт» моний инончига сиғинувчиларнинг (ниғўшакларнинг) билиб-билмайин қилган ёзуқ-гуноҳлари учун тангридан ўтинувидир. Топинувчилар кўнглидаги инжа туйғуларни, уларнинг тангрига илтижосини акс эттириш, матн таъсирини ошириш учун таржимон ниҳоятда гўзал бир бадий услубни қўллаган. Матн услуби таржимоннинг теран билимли, тил устаси, сўзга чечан, шоиртабиат киши ўтганидан далолат бериб туради. Қолаверса, тангрига бўлган илтижоларда матннинг таъсирчанлиги, топинувчи кўнглининг туб-тубидаги туйғуларга (қадимги турк адабиётшунослигида бу *berk qatïy saw* деб аталган) айрича урғу берилган (Буни ислом даврида яратилган муножотларда ҳам кузатамиз). Ана шу ҳодиса монийлик даври адабиетида ёзма бадий услубнинг бир кўриниши сифатида «ўтинч» ёки, жанрга нисбатан қўллайдиган бўлсак, «ўтингу», яъни «тавбанома услуби»нинг юзага келишини таъминлаб берди.

Бошқа бадий асарлардан фарқли ўлароқ, асар бўлимларининг муайян бир қолипи бор. Асар бўлимларини тузилиши, моҳиятига қараб бир қанча бўлақларга (компонентларга) ажратиб ўрганишимиз мумкин. Бу жиҳати ҳам биз атаётганимиз «ўтинч услуби»нинг хос бир услуб эканлигига ишорат.

Асарнинг бадийлигини тасаввур этиш учун еттинчи бўлимидан олинган қуйидаги узиндига эътибор беринг: *Näcä yañilu yūküntümüz ärsär, näcä yañilu buşï birdimiz ärsär, yämä buyan bögtäg qïlur-biz tïp yañilu, näcä ayïy qïlinç qïltimiz ärsär, yämä yäkkä içkäkkä täñri tïpän, tïnlişay*

turaliʔay ölürup yūküntümüz ärsär, yämä burxan tipän igid nomqa tapintimiz uduntumuz ärsär, qut qolu yūküntümüz ärsär, täñrikä yazinip, yäkkä tapintimiz ärsär, täñrim, amti ökünür-biz, yazuqda boşunu ötünür-biz. – «Қанча янглишиб, топинган бўлсак, қанча янглишиб эҳсон қилган бўлсак, яна савоб ишлар қиламиз деб янглишиб, қанча ёвуз ишлар қилган бўлсак, яна шайтону иблисларга тангри дебон (уларнинг ҳақиға) тириқ жониворларни ўлдириб, топинган бўлсак, яна бурхон деб сохта ақоидға топинган, инонган бўлсак, (улардан) қут тилаб юкунган бўлсак, тангрига ёзуқ қилиб, шайтонга топинган бўлсак, тангрим, энди ўкинурмиз, ёзуқдан халос этгин дея ўтинурмиз» (Huast. 62 – 69).

Матн услубининг энг характерли қирралардан бири унинг бадийлиги, ниҳоятда таъсирлигидир. Аввало, жумлаларнинг тузилиши, баён тарзида муайян бир оҳанг бор. Бунинг аломатини ҳатто ёзув хусусиятида ҳам кузатиш мумкин. Ҳаттоки жумлалар орасидаги қўшалок нуқталари ҳам бежизга эмас, матн қироати учун ишлайди. Шунингдек, уюшиқ бўлакли гаплар, кесимларнинг бир қолипдаги қайтариғи, синтактик параллелизмлар, аллелерацион бирликлар, қўйингки, бутун матн тузилиши ана шу ритмни, матннинг жозибали ўқилишини таъминлашга хизмат қилади.

Асар услубининг яна бир жиҳати ёзма адабий тилнинг архаик, классик ўлчовларини ўзида яхши сақлаганида. Сўзларнинг ёзилиши, талаффузи, лексик, морфологик, синтактик-стилистик хусусиятларида туркий тилнинг эски ўлчовларини кузатса бўлади. Муҳими, кейинчалик моний диний мазмунидаги асарларни кўчиришда ҳам ўша эски замонларда ишлаб чиқилган ўлчовларга амал қилинаверган.

Бадийликни таъминлаш, асар таъсирини ошириш, маънони кучайтириш мақсадида ёзма адабий тилнинг турли воситаларидан фойдаланилган. Бири сўзларни жуфт ҳолда қўллаш усулидир. Бу нарса маънони кучайтириш, бадийликни таъминлашгагина эмас, ўша жуфтликлар кўмагида янги маънолар яшашга ҳам хизмат қилади. Сўзларнинг бунингдек жуфт ҳолатда кенг ишлатилганини бошқа асарларда учратмаймиз. Айниқса, ҳаракат ва ҳолат баёнида бу усулнинг ўрни ва аҳамияти яққол сезилиб туради: кишиларнинг ёруғ дунёдаги қилмишлари, эзгу ва ёвуз амаллари таърифланар экан, феъллар *qorqitdimiz ürkitdimiz* («қўрқитиб ҳурқитдимиз»), *urtumuz yontumuz* («уриб азобладимиз»), *açitdimiz ayritdimiz* («ранжитдимиз»), *yazintimiz yañiltimiz* («ёзуқ қилдимиз, янглишдимиз»), *tapintimiz uduntumuz* («топиндимиз, инондимиз»), *äksütümüz kärgätimiz* («зиён етказдимиз»), *töktümüz saçtımız* («тўкиб сочдимиз») шаклларида берилади.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, белгисининг таърифи ҳам ўрни билан айна усулда берилади: таржимон таъсирли, бадий шаклда ифодалаш учун ҳаракат тарзини *ädgüti tükäti* («яxши ва тугал»), *ädgüti ariti* («эзгулик билан, покизалик билан»), *ärinip ärmägürüp* («эриниб»), *ärkligin ärksizin* («билиб-билмайин») сингари шаклларда қўллайди.

От туркумига кирувчи сўзлар ҳам баъзан жуфт ҳолда берилади. Бу усул, ўз ўрнида, янги маъно ифодалашга ҳам хизмат қилган. Масалан, *äw* – «уй», *barq* ҳам «уй». Матнда *äwkä barqqa* дейди, бу «уй-жойга» деган маънони беради. Ёки яна: *yilqıqqa barımqa* («мол-мулкка»), *iškä ködügkä* («юмушга»), *köñülümüzni saqinčimizni* («кўнглимизни, ўй-фикримизни») сингари.

Матнда ҳатто иш-ҳаракатнинг миқдори таърифланганда ҳам аниқ эмас, бадийлик талабидан келиб чиққан ҳолда чамани англатувчи *näčä* олмошидан фойдаланилади: *näčä sidimiz* («неча синдирдимиз»), *näčä yazintimiz* («неча гуноҳ қилдимиз»), *näčä qorqitdimiz ürkitdimiz* («неча қўрқитдимиз») сингари.

Жумлаларнинг тузилиши ҳам жанр талаби, асар моҳиятига мос. Масалан, билиб-билмайин йўл қўйилган гуноҳлар бирма-бир саналар экан, жумлалар кўпинча сабаб эргаш гапли қўшма гаплардан тузилади. Бунда эргаш гапнинг кесими (-*dimiz*, -*dimiz* / -*timiz*, -*timiz* / -*dumuz*, -*dümüz* / -*tumuz*, -*tümüz*) *ärsär*, бош гап эса -*dimiz*, -*dimiz* / -*timiz*, -*timiz* / -*dumuz*, -*dümüz* / -*tumuz*, -*tümüz* қўшимчаси билан қўлланилади. Масалан: *Bu biš türlüg tinliyaq turaliyaq, uluyqa kičigkä tägi näčä qorqitdimiz ürkitdimiz ärsär, näčä urtumuz yontumuz ärsär, näčä ačitdimiz ayritdimiz ärsär, näčä ölürdümüz ärsär, munča tinliyaq turaliyaq öz ötägči boltumuz.* – «Бу беш хил мавжудотни, улуғидан кичигига қадар қанча қўрқитиб хурқитган бўлсак, қанча уриб азоблаган бўлсак, қанча ранжитган бўлсак, қанча ўлдирган бўлсак, шунча жонзотга қарздор бўлдик» (Huast. 35 – 39).

Матн компоненти билан боғлиқ ҳолда баъзи жумлалар пайт ёки натижа эргаш гапли қўшма гап кўринишида. Бундай ҳолларда эргаш гап кесими пайт ёки сабаб муносабатини англатувчи сўзлардан, бош гап эса ана шу чоғда ёки шунинг натижасида юз берган воқеа-ҳодисани англади; унинг кесими -*dimiz*, / -*timiz*, -*timiz* / -*tumuz* қўшимчаси билан қўлланилади: *Kirtü täñrig, ariy nomuy biltügümüzä, baru: iki yiltizig, üç ödki nomuy biltimiz, yaruq yiltizin, täñri yirin, tünäriy yiltizin, tamu yirin biltimiz.* – «Ҳақиқий тангрини, чин қонунларни англаб етганимизда икки асосни, учала замонга тегишли қонунни билдик. Ёруғликнинг асосини, тангри ерини, зимистоннинг асосини, дўзах ерини билдик» (Huast. 69 – 72).

Асарда мунтазам қўлланивчи, жанр билан боғлиқ ўлароқ шакланган, қолипга тушган жумлалар ҳам бор. Чунончи, асар бўлимлари

Tāḡrim, yazuqda boşunu ötünür-biz («Тангрим, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз»), *Tāḡrim, amtī yazuqda boşunu ötünür-biz* («Тангрим, энди ёзуқдан халос этгин дея ўтинурмиз»), *Amtī, tāḡrim, yazuqda boşunu ötünür-biz* («Энди, тангрим, ёзуғимизни кечиргин дея ўтинурмиз»), *Tāḡrim, amtī ökünür-biz, yazuqda boşunu ötünür-biz* («Тангрим, энди ўкинурмиз, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз») ёки *Anī üçün, tāḡrim, qor yazuqda boşunu ötünür-biz* («Шунинг учун, тангрим, бутунлай ёзуқдан қутулайлик дея ўтинурмиз») жумлалари билан охирлайди. Шундан сўнг *Manastar qirza* ёки *Manastar xirza* [моний ёзувли нухаларида *Manastar xirza~Manastar xirz*] дуоси келади. Ушбу дуо кўриниши ўртанча эроний тиллардан ўзлашган бўлиб, тангридан «Ёзуғимизни кечиргайсан!» [*Mnastar hirz-a*] дея қилинган илтижони англатади. Уни таржима қилмай, аслидай қўллаш монийчи туркларда русум бўлган.

Юқоридаги мулоҳазалар туркий ёзма услублари тарихида «ўтинч услуби»нинг ҳам характерли ўрин эгаллаганини кўрсатади.

РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР УСЛУБИ

Ёзма адабий тилнинг ижтимоий-сиёсий вазифаси бўлади. Давлат ҳужжатчилиги, расмий дипломатика шунинг учун ҳам ёзма адабий тилдан фойдаланади. Одатда, давлат даражасидаги ёрлик ҳамда битиглар учун ёзма адабий тилнинг ўзига хос, муайян қолипга эга, сайқал топган расмий услуби амал қилган. Ҳужжатнинг тили, аввало, сиёсий, расмий доираларда тушунарли бўлиши, халқаро дипломатия талабларига жавоб бериши керак. Ёзма адабий тилнинг барча қоидалари асосида битилган ҳужжат ёрлик берувчининг обрўси, сиёсий сергаклиги, дипломатияни яхши билишини ҳам белгилайди. Шунга кўра, туркий салтанатлар ва давлатларда ҳужжатчилик ишига, айниқса, халқаро дипломатик ёзмаларга эътибор жиддий эди. Хоқонлар, хонлар ва султонларнинг ёрлиқлари, расмий хатлари, дипломатиканинг талаб ва қоидаларига биноан, ёзма адабий тилда битилган.

Расмий услубнинг келиб чиқиш тарихи ёзувнинг яратилиши, шунингдек, жамият ўртасида расмий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, давлатчилик тарихи билан боғлиқдир. Давлат ташкил топгандан кейин иш юритиш ва расмий ҳужжатчилик соҳаси ҳам юзага келди.

Расмий услубнинг тарихи ёзма ёдгорликларда қўлланган матн билан боғлиқ атамаларнинг луғавий маъносида ҳам ўз изини қолдирган. Масалан, энг эски туркий ёзма ёдгорликларда *bitim* деган сўз учрайди. *Bitim* сўзи *biti-* – «ёз-» феълидан ясалган бўлиб, келиб чиқишига кўра

ёзма хужжатлар асосидаги келишувни билдиради. Демак, *bitim* сўзининг қадимийлиги кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ана шу хужжат турининг эскилигига далолат қилади.

Бундан ташқари, эски битигларда *yarliq~yarliḡ* сўзи ҳам бор. Ушбу атама асли «тангрининг ёрлиғи, буйруғи, ҳукми» маъносини англатган. Битигларда *Tāḡri yarliḡasu* деган тилак-дуо тез-тез учраб туради, бу «тангри ёрлиқасин; тангри буюрсин; тангрининг буйруғи ана шундай бўлсин» деганидир. Ёки *Ūzā tāḡri yarliḡadī* дейилади. Бу «юқорида тангри ёрлақади; кўк-тангри шуни буюрди; кўк-тангри шуни истади» деган маъноларни беради. Кейинчалик юрт эгасининг буйруғини ифодалаш учун ҳам ана шу сўз қўлланилиб кетган. Расмий ёзмаларда *yarliq~yarliḡ* атамаси «ёрлиқ, фармон» маъносини билдиради; *yarliḡ yarliḡadī* дейди, бу «фармон берди» дегани. «Ўғузхоқон» достонида бу сўз *čarliḡ* кўринишида қўлланилган.

Муҳими, қадимги туркий тилда хужжат ишлари, расмий-ҳуқуқий муносабатларга тегишли бутун бир атамалар тизими амал қилган. Бу ҳам расмий услубнинг такомиллашганлигини кўрсатувчи белгидир.

Туркий хужжатчилик тарихи турклар ер юзида ўз давлатларини кура бошлаган, давлат идораларида бошқарув ишлари туркий тилда юритила бошлаган даврларга бориб тақалади. Бизгача қадимги искиф ва хун давлатларида яратилган расмий ёзмалар сақланган эмас. Энг эски туркий расмий битиглар кўк турк хоқонликлари давридан қолган. Шундай эса-да, ушбу матнлар расмий услубнинг даврлар оша юксалиб ана шу кўринишга келганидан далолат беради.

Расмий ёзмалар ўзининг мақсади, даражаси, ҳуқуқий мавқеи нуқтаи назаридан турларга бўлинади. Бундай хужжатлар тузилиши, матн компонентларига кўра ўзаро фарқланиб туради. Масалан, ёрлиқларни олайлик. Уларни тузилишига кўра кириш, асосий ва яқун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш қисми кўпинча уч компонентдан тузилади. Биринчиси – унвон. *Унвон* битиг (*sōz*)нинг кимга тегишлилиги (ким томонидан ёздирилаётганлиги)нинг қайди, унинг ким томонидан ёзилаётганини далилловчи ёрлиқдир. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sōzüm Yaḡaylaya*, Темур Қутлуғнинг 1397 йили битилган ёрлиғи эса *Temür Qutluy sōzüm* деб бошланган.

Ўрта аср ёрлиқлари унвонларининг қолипи қадимги турк даврига бориб тақалади дейишга тўла асос бор (бунинг исботини қуйироқда ўқийсиз). Туркий унвонлар қолипи кўк турк хоқонликлари даврида иш-

лаб чиқилиб, замонлар оша ёзма тил (*bitig söz*) услублари билан тенгма-тенг юксалиб келган.

Киришнинг иккинчи компоненти – адресат (*inscriptio*), қабул қилувчи томон. Ушбу компонентда хат йўлланаётган кишининг оти, унинг кимга юборилаётгани қайд этилган.

Киришнинг учинчи компоненти – саломлашиш (*salutatio*). Бу компонентда хат йўлловчининг саломи баён қилинган.

Билдирилган саломдан кейин мақсадга (асосий қисмга) кўчилади.

Ёрлиқларнинг сўнгги – яқуний қисмида тарих ва ёрлиқнинг ёзилган ери қайд этилган.

Ўтмишдан нарсани ёки ерни ишловга олиш учун берилган тилхатлар ҳам етиб келган. Бундай тилхатларнинг матн компоненти ёрлиқлардан ажралиб туради. Ортиғи билан қайтариш эвазига олинган нарса ёки тушумидан улуш олиш шарти билан ишловга олинган ер учун ёзилган расмий ҳужжатлар (тилхатлар), одатда, ўша нарса насияга олинган санани қайд этиш билан бошланади. Муҳим белгиларидан бири, тилхатларда (одатда, унинг охирида) тилхат бераётган киши, ҳатто хатни ёзган котиб, гувоҳлар ҳам қайд этилади.

Ортиғи билан қайтариш эвазига олинган нарса учун ёзилган тилхатларнинг бошламаси учта компонентдан тузилган бўлади: 1) қарзга олинаётган сана; 2) сабаб: қарз олувчига қандай шарт асосида керак бўлган нарса; 3) оқибат: кимдан ва қанча нарса олинганлиги.

Албатта, бундай матнда иккинчи ва учинчи компонентлар (сабаб ва оқибат) муҳимдир. Биринчи компонент эса ана шу ҳодисанинг пайтини кўрсатишга хизмат қилади ва унинг юридик мақомини мустақамлайди. Матннинг биринчи компонентини ташкил этувчи сана йил, ой ва кун кетма-кетлигида ифода этилади.

Иккинчи компонентда қарз олинишининг сабаби, қарз олувчи ва унга қандай шартга рози бўлган шароитда нима керак бўлганлиги таъкидланади. Ушбу компонентда қайд этилаётган қарз олувчининг исми, одатда, *māñā* аниқловчи-изоҳловчиси билан қўлланади.

Матннинг ушбу компонентида кўпинча *tüškā* сўзи ишлатилади. Бу «ортиғи (фоизи) билан қайтариш эвазига» деган маънони англатади. Бирор шарт асосида керак бўлган нарса эса *kārgäk bolup* бирикмаси билан келади.

Сўнгги – учинчи компонентда кимдан ва қанча нарса олинганлиги қайд этилади. Бундай матннинг кесими ўтган замон шаклидаги *aldim* сўзи билан тугайди.

Шу ўринда Берлин фондида сақланаётган U 5252 рақамли кунжут олинганлиги хусусидаги ўн бир қаторли ҳужжатнинг бошламасидаги

жумлани кўриб чиқсак. Уни таркибий қисмларга (компонентларга) шундай ажратишимиз мумкин: *Biçin yil törtünç ay on yañıqɑ / māñā Qimırqɑ tüşkā künçit kargäk bolup / Qiyimtudin tört qap künçit aldım.*

Юқоридаги матннинг биринчи компонентида қайд этилган сана «Маймун йили, тўртинчи ойнинг ўнинчи кунида» деган маънони билдиради. Иккинчи компонент «Менга – Қимирга ортиғи билан қайтариш эвазига кунжут керак бўлиб» дегани. Учинчи компонент «Қайимтудан тўрт қоп кунжут олдим» деган маънони англатмоқда.

Ёки U 5254 рақамли тариқ (*yür*) олинганлиги хусусидаги ўн тўрт қаторли ҳужжатнинг бошламасини компонентларга шундай бўламиз: *Qoyn yil ikinti [ay] biş yañıqɑ / māñā Tuymatqɑ tüşkā yür kargäk bolup / Qayumtudın bir q[...].jın yür aldım.*

Бундай ҳужжатларда келтирилувчи тарих учта компонентдан тузилган бўлади: йил, ой, кун. Йил, одатда, мучалйил отлари билан келтирилади.

Расмий услубнинг муҳим белгиларидан бири, уларда муболаға, ўхшатиш, сифатлаш, ортиқча таърифлар йўқ. Уларда фикр аниқ ва лўнда баён этилади. Қолаверса, ёрлиқлар услуби бадий эпистоляр матнлардан ҳам ажралиб туради. Эпистоляр жанрда, одатда, бадийлик устувор бўлади. Ёрлиқлар эса расмий услубда ёзилган.

Расмий ёрлиқлар тилида муайян қолипдаги бирикмалар ҳам учраб туради. Шулардан бири *Teñri 'ināyatı bulup* бирикмасидир. У «Тангридан иноят топиб; Тангридан иноят бўлиб; Тангридан иноят етиб» деган маънони англатади (*bulup* «топиб, етишиб» англамидадир). Бу бирикма *Teñri 'ināyat qilip, Teñri 'ināyatıya siyiniñ, Teñri 'ināyatidin, Teñri 'ināyatı birlä* шаклларида ҳам учрайди. Шунингдек, расмий матнларда ўзига хос атамалар ҳам мавжуд. Масалан, ўрта аср мактубларида ўзига тобе кишиларга, ҳукмдор учун эса ўзига тобе юрт ҳукмдорига нисбатан *ini-oyulluq* сўзи ишлатилган.

Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг бошламалари

Машҳур Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг муаллифи адиб ва тарихчи Йўллуғ тигин эрса-да, битигларнинг асосий қисми Билга хоқон тилидан сўзланади. Уларда хоқоннинг эл-улусга мурожаати, чақириғи берилган. Битиглар хоқоннинг қуйидаги сўзлари билан бошланади (матнни асл ёзувида берамиз: Ка. 1):

»АЧД>: ЁҗхН>Д: ДҗН: ЁЕҮГА: НҮН: Ҳ>Д>Д: ЁхГҮҲ: ЕНҮҲ

Фарқи: Билга хоқон битигида еттинчи нуқталар оралиғидаги сўз ЁҗхНА кўринишида.

С.Е.Малов Кул тигин битиги бошламасидаги ушбу жумлани *Tänri täg tänridä bolmiš türk bilgä qağan bu ödkä olurtım* шаклида ўқиб (Малов 1951, 27), рус тилига «Небоподобный, неборожденный (собств. «на небе» или «из неба возникший») тюркский каган» я ныне сел (на царство)» деб таржима қилган (Малов 1951, 33).

Ҳусайн Ўркун бу жумлани туркчага «Göge benzer gökte (mevcud) olmuş Türk Bilge hakan bu zamanda [iktidar mevkiine] oturdum» дея ўғирган (Orkun 1987, 22 – 23).

Талат Текин эса ушбу жумлани туркчага «(Ben), Tanrı gibi (ve) Tanrı’dan olmuş Türk Bilge Hakan, bu devirde tahta oturdum» дея ўғирган (Tekin 2010, 20 – 21).

Эътибор берсангиз, талқинларнинг барида умумий яқинлик бор: уларда юрт эгаси Билга хоқон ўзини «кўкдан ёки тангридан бўлганлиги, яралганлиги»ни (неборожденный, на небе или из неба возникший; gökte mevcud olmuş; Tanrı’dan olmuş) таъкидламоқда. Битиглар бошламасининг бундайин талқини туркшуносларда қизиқ бир фикр уйғотган. Унга кўра, турк хоқонлари ўз насл-насабларини кўк ёки тангри билан боғлайдилар, ўзларини ундан яралган деб қарайдилар. Бундайин қараш уларга қадимги хитой фалсафасидан ўтган деган фикр устувор. Лекин бу қарашга қўшилиб бўлмайди. Бунинг раддини битигларнинг ўзидан топамиз.

Кул тигин ва Билга хоқон битигларидаги хоқонликнинг узоқ ўтмиши тўғрисидаги ҳикоялар қуйидаги жумлалар билан бошланган: *Üzä kök tänri, asra yayız yär qılıntuqda ikin ara kisi oylı qilinmiş. Kisi oylınta üzä äcüm aram Bumın qağan, İstämı qağan olurmiş.* – «Юқорида кўк осмон, пастда кўнғир ер яратилганда иккисининг орасида инсон боласи яралган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бумин хоқон (ва) Истами(лар) хоқон бўлиб (тахтга) ўтирган» (К. 1). Билга хоқоннинг ушбу ҳикоясида туркларнинг оламни англаш ҳақидаги тасаввур-қарашлари акс этган. Унга кўра, юқорида осмон, пастда ер, иккисининг орасида эса инсон болалари яралган. Муҳими, Бумин ва Истами тўғрисида сўз борар экан, улар «кўкдан ёки тангридан яралган» деб эмас, (тангрининг сайлаши, хоҳиш-инояти билан) инсон болалари устидан бошчилик қилиш учун тахтга ўтирганликлари таърифланади.

Бошқа бир мисол: Билга хоқон битигида икки ўринда – биринчиси улуғ битигнинг бошланиши (X. 1), иккинчиси битигнинг хотима қисмида (Ха. 13) қуйидаги унвон келтирилган:

✠✠✠✠:✠✠✠✠: ✠✠✠:✠✠✠✠:✠✠✠:✠✠✠✠

Биринчиси Билга хоқоннинг, иккинчиси эса унинг кичик ўғли Билга Қутлуғ хоқоннинг унвонидир.

С.Е.Малов ушбу жумлани *Tāñri-tāg tāñri yaratmîş türk bilg(â) qayan sabîm* шаклида транскрипцияга ўгириб, биринчисини русчага «(Вот) речь моя богоподобного, Небом поставленного (или угодного Небу) тюркского мудрого (Бильгя) кагана» (Малов 1959, 20), иккинчисини «(Вот) речь моя, подобного Небу, Небом поставленного (или угодного Небу) тюркского мудрого (Бильгя) кагана» деб таржима қилган (Малов 1959, 23).

Хусайн Ўркун эса бу жумлани туркчага «Göğe benzer göğün yarattığı Türk Bilge Hakan [işte benim] sözüm» дея ўгирган (Orkun 1987, 58 – 59).

Талат Текин бу жумлани туркчага «Tanrı gibi, Tanrı (hükümdar) yapmış, Türk Bilge Hakan, sözüm» деб ўгирган (Tekin 2010, 50 – 51).

Бу талқинларда хоқонга «кўк ўрнатган, кўк яратган, тангри ўрнатган» (Небом поставленный, göğün yarattığı, Tanrı yapmış) сифатлари берилмоқда.

Шу ўринда ушбу жумлани синчиклаб қарасак. Биринчи *Tāñri-tāg* сўзи «кўк, осмон» маъносида келган, у ўзи бирикаётган *tāñri* (яъни худо)нинг сифатидир, *Tāñri-tāg tāñri* дейилганда «кўкдай (улуғ) тангри» тушунилади. Кейинги *yaratmîş* сифатдош бўлиб, «яратган» дегани; *Bilgâ qayan* га қўшилаётган *türk* сўзи этнос эмас, балки «жасур, баҳодир» деган маънода келган. Сўнги *sabîm* «менинг сўзим, буйруғим, ёрлиғим» дегани. Шуларга таяниб ушбу бошламани қуйидагича талқин этишимиз мумкин: «Кўкдай (улуғ) тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим». Аслида, бу Билга хоқоннинг унвонидир. Кейинчалик унинг ўғли Билга Қутлуғ ҳам отасининг унвонидан фойдаланган. Шу унвон билан улуғ битигнинг бошланишида Билга хоқоннинг, битиг хотимасида эса Билга Қутлуғ хоқоннинг ёрлиғи берилган.

Билга хоқон битигидаги ушбу бошламада ҳам хоқоннинг сифати «кўкдан бўлган», «тангридан бўлган» деб эмас, «кўкдай (улуғ) тангри яратган» (*tāñri-tāg tāñri yaratmîş*) дея қайд этилмоқда.

Бу бошлама хоқоннинг эл-улусга йўллаган ёрлиғи унвонидир. Унвон уч компонентдан тузилган: биринчиси – яратганнинг эътирофи (*Tāñri-tāg tāñri yaratmîş*), иккинчиси – хоқоннинг оти ва унвони (*türk Bilgâ qayan*), учинчиси – «сўз, фармон, ёрлик»нинг хоқонга қарашлилигини англатувчи бўлак (*sabîm*).

Ўрта асрларда битилган туркий ёрлиқларнинг бошламасида ҳам баъзан ёрлиқ йўллаётган юрт эгасининг даражаси, унвони қўшиб ёзилган. Масалан, Шоҳрух Мирзонинг 1422 йили ёзилган нишони *Šāhruh bahadur* шаклида келади. Ушбу бирикмадаги *bahadur* сўзи юқори табақа кишиларига берилувчи нисбани, унвонни билдиради. Қиёс учун туркий ёрлиқлар бошламасида қўлланган *abu-l-muzaffar*, *abu-l-yāzî* унвонларини

эслаш кифоя. Билга хоқон унвонидаги *sabim* «менинг сўзим» дегани эмас, балки «менинг мурожаатим, менинг ёрлиғим» маъносидадир. Туркий тилнинг кейинги босқичида *sab* (~*saw*) сўзи истеъмолдан чиқиб, унинг ўрнида *söz* калимаси қўллана бошлади. Энди расмий ҳужжатлар бошламасида ҳам қадимги *sab*(~*saw*) ўрнини *söz* эгаллади. Бу ҳам тарихий анъанага мувофиқ ҳолда «буйруқ, фармон, ёрлиқ» маъноларини беради.

Юқоридагилар асосида Билга хоқон битигидан ўрин олган ёрлиқлар бошламасини шундай талқин этиш мумкин: «Кўқдай (улуғ) тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим». Билга хоқон ҳам, унинг ўлимидан кейин эса ўғли Билга Қутлуғ ҳам ўз ёрлиқларини ана шу унвон билан бошлаганлар. Ушбу бошламада барча компонентларнинг тўла-тўқис, лўнда, ихчам ҳолда муайян қолипга жойлашганлиги кўк турк ҳужжатчилигида расмий ҳужжат унвонларининг услуб жиҳатдан анчайин такомиллашганидан дарак беради.

Таҳлиллардан сўнг Кул тигин битигининг юқорида келтирганимиз *Tānri-tāg tānridā bolmiš türk Bilgā qayan bu ödkä olurtim* жумласига қайтамыз. Ушбу жумлада Билга хоқонга «тангридан бўлган, яралган» дея сифат берилаётгани, асосини эса хитой фалсафасига тақалаётганининг сабаби бир: матнда келган 𐰉𐰺𐰽 сўзи *bolmiš* кўринишида ўқилиб, маъноси «бўлган» дея тушунилганида. Аслида, бу сўз *bolmiš* деб эмас, *bulmiš* (> ҳарфини [o] эмас, [u] шаклида) деб ўқилгани тўғри бўлади. Шунда маънода янгиланиш юз беради: *tānridā bulmiš* – «Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан]» деганидир. Жумлада кечган *bu ödkä*, С.Е.Малов талқин қилганидек, «бу тахтга» деган маънони беради. Билга хоқон битигидаги 𐰉𐰺𐰽𐰸 кўринишини назарда тутадиган бўлсак, фикримиз янада ойдинлашади. Чунки у *bödkä* деб ўқилади, *böd* эса «тахт»дир.

Демак, Кул тигин битиги бошламасидаги юқоридаги жумлани қуйидагича ўқиймиз: *Tānri-tāg tānridā bulmuš türk Bilgā qayan bu ödkä olurtim*.

Бунинг маъносини қуйидагича талқин қилиш мумкин: «Кўқдай (улуғ) тангридан (иноят) топган [яъни тангрининг иноятига эришган / тангрининг инояти билан] турк [яъни баҳодир] Билга хоқон бу тахтга ўтирдим» (Бу тўғрида қаранг: Содиқов 2004, 66 – 72).

Ушбу қарашларни қувватловчи яна бир муҳим мисолни келтираман. Мўюн-чўр битиги хоқоннинг қуйидаги унвони билан бошланади:

𐰉𐰺𐰽:𐰉𐰺𐰽𐰸:𐰉𐰺𐰽:𐰉𐰺𐰽:𐰉𐰺𐰽𐰸

С.Е.Малов ушбу жумлани *Tānridā bolmiš il ätmis bilgā qayan* шаклида транскрипцияга ўгириб (Малов 1959, 34), рус тилига «Тенгрида болмыш, Иль-итмиш Бильга Каган (Небом поставленный, государство уст-

роивший, мудрый, или владетельный, Каган)» деб таржима қилган (Малов 1959, 38).

С.Е.Малов ушбу бошламадаги 𐰽𐰺𐰸:𐰸𐰺𐰽𐰽 бирикмасини *Tānridā bolmīs* кўринишида ўқишига қарамай, уни «Небом поставленный» дея талқин қилаётганининг ўзи қизиқ. Чамаси, кейинчалик, Билга хоқон, Мўюн-чўр битигларини нашрга тайёрлаш жараёнида, ҳар қалай, Билга хоқон битигидаги унвонлардаги «тангри яратмиш» (*tānri-tāg tānri yaratmīš*) таъсирида бўлса керак, унда ҳам худди шундай фикр уйғонгандир.

Қадимги туркий васиқалар услуби

Уйғур ёзувли қадимги туркий васиқаларнинг битилган даврини аниқлаш борасида туркшуносликда уринишлар бўлган. Чунончи, С.Е.Малов 1914 йилнинг март ойида Турфонга уюштирган илмий экспедицияси чоғида у ердан уйғур хатида битилган иккита ноёб ҳужжатни сотиб олган эди. Иккови Бадрун отли бойга тегишли: бири – Бадрундан эллик икки тўп бўз олиб, ўрнига жория берилгани тўғрисидаги ҳужжат; иккинчиси – Ўғруш Темирнинг Бадрундан қарзга буғдой олганлиги тўғрисидаги тилхат. С.Е.Малов ушбу ҳужжатларни тадқиқ этар экан, улар XIII юзйилликдан қолган деб санайди (*қаранг:* Малов 1927, 5). Муҳими шундаки, унинг ўзи кейинги ишларида бу масалага кенгроқ қараб, битиглар тарихини бимунча эски даврга олиб бориб тақаган. У 1951 йили чоп эттирган «Памятники древнетюркской письменности» китобида қулнинг ўз хўжайини устидан ёзган шикоят, ер олди-бердиси, қарзга кунжут олинганлиги тўғрисида тилхатлар, экин экиладиган ерни ҳамда узумзорни ижарага олиш ҳужжатларини келтиради (*қаранг:* Малов 1951, 200 – 218). Унда ушбу ҳужжатлар X – XIII юзйилликларда Турфонда яшаб ўтган халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўзида акс эттиради деган фикрни билдирган (Малов 1951, 200).

Ҳозирги замон историографиясида Турфондан топилган айрим ёдгорликларнинг қоғозига қараб, улар XIII юзйилликка тегишли деган хулосалар ҳам чиқарилган. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Турфондан топилган ёзма ёдгорликларнинг бари бир замонга тегишли эмас. Ёдгорликларнинг айримлари ҳатто монийлик муҳитида битилган. Тўғри, будда матнларининг узиндилари орасида кейинги даврларда кўчирилганлари ҳам бор. Лекин расмий ҳужжатларга нисбатан ушбу хулосани айтиш ўринсиз. Эътибор берилса, Берлин фондларида сақланаётган расмий ҳужжатларнинг бус-бутуни йўқ ҳисоби; айтарли бари чириган, қоғози пароканда.

Матн тили, унинг ўзига хослигини кузатганда ҳам шу фикр тасдиқланади.

Муҳими шундаки, сўз юритилаётган ҳужжатларда йил санағи берилган, лекин улар турк-мучал йиллари бўйича. Ваҳоланки, мучал санағи юз йилда саккиз бор қайтарилади. Шундай экан, сўз бораётган ҳужжатларнинг ёзилган даврини аниқ айтиш қийин.

Бизнингча, бу ўринда битигларнинг икки муҳим жиҳатини эътибордан қочирмаслик керак: бири – ҳужжатларнинг тили (матн тузишда қўлланилган адабий меъёрлар, ёзма нутқ) масаласи; иккинчиси – хат услуби. Ҳужжатлар даврини белгиловчи энг ишончли далиллар ҳам, аслида, шулар.

Таъкидлаш ўринлики, уйғур ёзувли қадимги туркий ҳужжатлар будда жамоалари томонидан турклар орасида буддизм амал қилган замонларда битилган. Матнларнинг тили ўзига хос: луғат таркиби, морфологик, синтактик хусусиятлари, бир тарафдан, уйғур ёзувида битилган будда мазмунли қадимги диний-фалсафий асарлар тилига (масалан, X юзйилликда яратилган «Олтун тусли ёруғ», «Сюань-цзан кечмиши» асарларига), иккинчи томондан, «Қутадғу билиг»нинг тил хусусиятларига яқин туради. Муҳими, биз кўзда тутаётган ушбу хусусиятлар кейинги юзйилликларда истеъмолдан чиққан ёки ўзгаришга учраган. Шу ўринда ҳужжатлар тилининг қадимийлигини далилловчи грамматик белгиларини кўриб чиқамиз.

Битиглар тилида *d*-лашиш ҳодисаси устун: ҳозирги туркий тилларда [y] билан келувчи сўзлар ҳужжатлар тилида [d] билан келади: *adın* («ўзга»), *adaq* («оёқ»), *küdagü* («куёв»), *adir-* («айирмоқ»), *ud* («сигир») сингари.

Жўналишнинг *-qa*, *-kā* аффикси билан бир қаторда баъзан *-qaru*, *-kārū* аффикси ҳам ишлатилади: *könülgärü* («кўнгилга»).

Тушум келишигининг *-n*; *-ni*, *-ni* қўшимчаси билан бир қаторда баъзан *-γ*, *-g* қўшимчаси ҳам ишлатилади. Масалан: *Bu quanpuı bitig qilmış kün üzä men, Basmil, tügäl berdim.* – «Бу қуанпуни ҳужжат тузилган куни мен, Басмил, бутунлай бердим» (ТХ. 6, 7 – 8).

Икки хонали сонларни айтишнинг икки хил: *säkiz yigirmi* («ўн саккиз») сингари қадимий ҳамда *on iki* («ўн икки»), *on üç* («ўн уч»), *otuz yeti* («ўттиз етти»), *elig iki* («эллик икки») сингари янги тартиби амал қилади.

Саноқ тартиби *-nç* қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *altinç* («олтинчи»), *törtünç* («тўртинчи») сингари.

Саноқдаги иккинчи сўзи *ikinti~ikindi* шаклидадир.

Битигларда сифатдошнинг *-dači*, *-dāči*; *-yli*, *-gli* аффикслари билан қўлланган шакллари ҳам учрайди: *yuldači kiši* («юлғучи киши»); *aytīyli-istāgli* («сўровчи-истовчи») сингари.

Феълнинг ўзгага қаратилган буйруқ-истаги *-sun*, *-sūn* аффикси билан ҳосил қилинади: *satsun* («сотсин»), *yorusun* («юрсин»), *tegsūn* («тегсин») сингари.

Феълнинг шарт-истак майли *-sar*, *-sār* аффикси билан ҳосил қилинади: *čam-čarim qilsar* («зўравонлик қилса; зулм ўтказса»), *yarliqasar* («ёрлақаса»), *barsar* («борса»), *tesār* («деса») сингари. Шахс-сон қўшимчаси эса ана шу шаклига қўшилади: *bar-yoq bolsar-men* («бор-йўқ бўлсам» [«борман-йўқман» маъносида]), *kečürsār-men* («(қарзни) кечиктирсам») сингари.

Кесимлик *-ol* боғламаси билан ҳосил қилинади: *Bu nišan men, tanuq Elči Buqanīn-ol* («Бу нишон мен, гувоҳ Элчи Буқаникидир»).

Матн битиш амалиётига тегишли яна бир масала. Одатда, диний-фалсафий, бадий асарларнинг кейинги асрларга оид нусхаларида ҳам имкон қадар қадимги тил хусусияти сақланган бўлади; котиблар ўзлари кўчираётган нусхани аввалги матндан ўзартирмасликка интилганлар. Бунинг бош сабаби, бадий ёки диний-фалсафий асар кейинги давр ўқувчиси, ўқимишли киши учун ҳам тушунарли бўлади. Бадий, диний матнларни тушунишда кўпроқ адабий тилда, бадий адабиётда давом этиб келаётган анъаналарга, ўқувчи билимининг теранлигига таянилади. Яна бир жиҳати, бадий асарларда ўрни билан архаик шаклларга ҳам мурожаат қилиниши мумкин. Лекин расмий ҳужжатларга, айниқса, фуқаролар ўртасида тузиладиган олди-берди ҳужжатларига, васиқаларга бу талабни қўйиб бўлмайди. Васиқалар бор-йўғи бир марта тузилади, зарурат юзасидан бир-икки нусха кўпайтирилгани демаса (у ҳам ўз замонасида бўлади), кейинги асрларда кўчирилмайди. Улар қачон тузилмасин, ўша замондаги кенг жамоага, расмий доираларга, идора ходимларига тушунарли тилда бўлади (Ҳужжатларда амалда қўлланмайдиган сўз ва жумлаларнинг, грамматик кўрсаткичларнинг ишлатилиши унинг расмийлигига путур еткази). Шунинг учун биз ўрганаётган ҳужжатлардаги қадимги тил хусусиятини эски тилнинг қолдиғи деб эмас, ўша замонда амал қилаётган тил бирлиги сифатида баҳоламоқ керак. Битигларда ҳужжатчиликда бурундан келаётган тил анъанаси ҳам кучли, лекин улар ҳужжат тузилган замонда ҳам амал қилаётган бирликлардир. Айниқса, юқорида кўрсатилган грамматик шаклларнинг ҳужжатлар тили учун архаик эканлиги даргумон. Ҳужжатлар ўз даврининг ёзма адабий-услубий меъёрлари, ўз замонасида яшаётган тил бирликлари бўйича битилган.

Матнларнинг даврини аниқлашда хат услуби ҳам муҳим. Битигларнинг катта қисми уйғур хатининг жўн, югурук услубида битилганига қарамай, график ҳамда палеографик жиҳатдан кейинги давр матнларидан ажралиб туради; битиглар қадимий хат услубида. Масалан, ингичка унлилар (<й->, <-й->; <ё->, <-ё->) ёзувда изчил фарқланади; <к->, <-к->; <-қ->, <-ғ->, баъзан <ѕ->, <ѕ-> ҳарфларининг шакли кейинги асрларда, хусусан, XIV – XV юзйилликларда теурийлар даврида кўчирилган матнлардаги кўринишидан фарқли.

Келтирилган мисоллар уйғур ёзувли қадимги туркий ҳужжатларни илгарироқ даврга боғлаш имконини беради. Ушбу битиглар X – XI юзйилликлар, кечи билан XII юзйилликнинг бошларига тегишли дейилса хато бўлмайди, назаримизда.

Хат тури ва илк ўрта асрларда саводхонлик масаласи. Расмий ҳужжатларни, васиқаларни олди-берди қилиб турган кимсалар битадими, бахшилар ёки идора ходими битадими, бундан қатъи назар, саводхонликка алоҳида урғу берилган. Афтидан, қўлидан келмаган кишилар бу ишга уннамаган. Хати оддий ёки бир оз кўримсиз бўлиши мумкиндир, лекин матннинг имлоси хатосиз, ёзма адабий тил ўлчовлари доирасида бўлишига эътибор берилган. Шу билан бирга, ҳужжатчиликда расмий матнлар учун ишлаб чиқилган стилистик ўлчов ва қолипларга амал қилиниши керак эди.

Васиқалар илк ўрта асрларнинг туркий ёзма адабий тилида, ёзма адабий тилнинг расмий услубида битилган.

Фанда маълум бўлган ҳужжатларнинг тил ва услубий хусусиятлари илк ўрта асрларда турк жамиятида ҳужжатчилик ишлари ҳамда ҳуқуқий саводхонлик юқори даражада бўлганидан далолат беради.

Васиқалар учун уйғур ёзувининг уч хил услуби танланган. Булар фанда *яримквadrat (полуквadratное)*, *яримкурсивли (полукурсивное)* ва *курсивли (курсивное) хат тури* деб юритилади (*қаранг: УДД, 13*). Ёзув услубларининг генезиси тўғрисидаги қарашлар ҳам қизиқарли. Бунга кўра, ёзувнинг биринчи тури Қўчу беклигининг илк даврларида яратилган ҳужжатларда ишлатилган (X – XI юзйилликлар), учинчи хили мўғуллар салтанати даврига хос (XIII – XIV юзйилликлар), иккинчиси эса ўтиш босқичига тегишли эканлиги таъкидланади (*ўша жойда*).

Уч турга бўлинганлиги тўғри, бироқ курсивли (яъни югурик) хат турининг кейинчалик келиб чиққан дейилиши бир оз мулоҳазали. Сабоби, Қўчу беклигининг илк даврларида яратилган деб чамаланаётган васиқаларнинг кўпи югурик хат туридадир. Англашиладики, илк босқичларда яримквadrat кўринишли хат тури билан бир қаторда курсивли хатдан ҳам кенг фойдаланилган. Ёзувнинг яримквadrat услуби ҳам,

курсивли услуби ҳам айтарли бир пайтда шаклланган. Қандай хат турининг танланиши кўпроқ котибнинг маҳорати ва ҳужжатнинг нечоғлик муҳимлигига боғлиқ эди. Ёзув техникасининг қийин-ўнғайлигига қараб кейинчалик курсивли ёзув оммалашиб кетган.

Бунинг бошқа бир мисоли: Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи билан Темур Қутлуғ ёрлиғи бир маданий муҳитда, Олтин Ўрдада яратилган; иккови ҳам ҳужжатчиликнинг классик намуналари саналади, лекин ҳар иккисининг хат услуби бошқа-бошқа. Демак, хат услублари ва унинг танланиши масаласида сўз юритилганда шу нарсалар ҳам инobatга олинмоғи керак.

Ёзув турларининг характерли белгилари қуйидагича:

Биринчиси ва энг оммалашгани ёзувнинг *югурик* туридир. Бу хатдаги айрим матнлар ниҳоятда чиройли, ҳарфлари майда ва текис. Югурик хатда оддий қилиб битилган васиқалар ҳам кўп. Бу услуб ҳамманинг қўли келадиган хат тури эди. Одатда, бу хат тури учли йўнилган қамиш қаламда битилган.

Айрим васиқалар ёзувнинг *классик китобий услубида* (*яримквадрат / полуквадратное*), лекин уларнинг сони оз.

Ҳужжатчиликда кенг ёйилган яна бир *хат услуби классик китобий услуб билан оддий югурик хатнинг бирикувидан келиб чиққан* (*яримкурсивли / полукурсивное*). Бундай хат учи тўмтоқ йўнилган қамиш қаламда битилган, ҳарфларнинг ёзилиш усулида бу нарса яққол кўриниб туради.

Васиқаларда компонентларнинг берилиш усули

Битиглар ҳужжатчиликнинг барча талабларига тўлиқ жавоб беради: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун; услуби юсак балоғат даражасида, терминлар тизими мукамал; туркий ҳужжатчилик узоқ услубий тараққиёт босқичидан ўтганлигини аёнлаштирилади. Айрим васиқаларнинг ёзувини оддий демаса, айтарли бари саводли битилган.

Қадимги туркий васиқалар қулга эркинлик бериш билан боғлиқ, қулни ёки ерни сотиш билан боғлиқ, бола асраб олиш билан боғлиқ, экин майдонини ижарага олиш билан боғлиқ, дон-дун, кунжут сингари нарсаларни қарзга олиш билан боғлиқ, бўзни бирор нарсага айирбошлаш билан боғлиқ, қарзга пул ёки олтин-кумуш олиш билан боғлиқ ҳолатларда тузилган. Уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- (1) Қулга эркинлик бериш васиқалари;
- (2) Қулни сотиш васиқалари;
- (3) Кимса ёки нарсани гаровга қўйиш васиқалари;

- (4) Васиятномалар ёки мерос бўлиш васиқалари;
- (5) Бола асраб олиш васиқалари;
- (6) Экин майдони ёки узумзорни ижарага олиш васиқалари;
- (7) Қарз олиш васиқалари;
- (8) Тавар-буюмни айирбошлаш васиқалари;
- (9) Олди-берди васиқалари;
- (10) Бошқа турдаги васиқалар.

Васиқашуносликда, қолаверса, хужжатшуносликда *матн компоненти* деган тушунча бор. Матн компонентлари (яъни бўлаклари) хужжат мазмуни, мундарижасига қараб ажратилади. Ҳар қайси компонент хужжатнинг муайян бўлагини ташкил қилади. Компонентлар кўп жиҳатдан васиқаларнинг турига боғлиқ бўлади.

Васиқаларнинг қолипи аниқ, уларда *стереотип бирликлар* – тез-тез такрорланиб турувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар бошқа хужжатларга қараганда кўпроқ ишлатилади. Шунга қўра, васиқани «қолип-хужжат» деса бўлади.

Васиқаларда компонентларнинг берилиш усуллари қуйидагича:

Васиқаларда сана (тарих, йил-ой-кун)нинг берилиши. Юсуф Хос Ҳожиб «сана»ни *yil-ay-kün* деб атаган: *Yil-ay-kün kečär-teg tiriglig kečär.* – «Тириглик йил-ой-кундек кечади» (QBN. 50b,8). *Yil-ay-kün* «календарь, тақвим»ни ҳам билдиради. Шарқ манбашунослигида *yil-ay-kün sana* ёки *ta'rix* дейилади.

Васиқалар хужжат тузилган кунни, яъни тарихни айтиш билан бошланади. Сана йил-ой-кун кетма-кетлигида, яъни бошлаб йил, кейин йилнинг оyi ва ойнинг куни айтилади. Йил эскича турк-мучал тартибида: *ud yil, it yil, qoyn yil* сингари. Ойлар эскича санок кетма-кетлигида: *birinč ay, ikinč ay, üçünč ay, törtünč ay* сингари. Икки хонали сонга келганда *bir yigirmінč ay, iki yigirmінč ay* дейилади. Айрим васиқаларда ойлар буддавий отлари билан аталган: *aram ay* (биринчи ойнинг оти), *čaxšapat ay* (йил охиридаги ойнинг оти) сингари. Куни айтилганда кўпинча *yañiqa* сўзи ҳам қўшиб қўйилади (*bir yañiqa* сингари), бу санок «(ойнинг) биринчи кунида» деган маънони англатади. Мана мисоли: *Toñuz yil, onunč ay, altı y(i)g(i)rmikä* – «Тўнғиз йили, ўнинчи ойнинг ўн олтинчи кунида»; *Qoyn yil, aram ay, bir yañiqa* – «Қўй йили, арам ойнинг биринчи кунида».

Сана жўналиш қўшимчаси *-qa, -kä* билан қўлланса-да, бироқ «шу санада» деган маънони англатади. Сабаби, бу жумланинг давомида хужжат нима учун тузилаётгани таъкидланади ва *mejä* сўзи билан олинаётган нарса олимчига тегишлилиги билдирилади. *Mejä* олмошидаги жўналиш шакли йил-ой-куннинг айтилишини ҳам ўзига мослайди.

Васиқада қарз олинаётганлиги ёки мулк сотилаётганлигининг сабаби олимчи ва беримчининг исми-шарифини кўрсатишдир. Қарз олаётган ёки мулкни сотаётган бир киши бўлса, *теңә*, икки ва ундан ортиқ киши бўлса, *bizgä* сўзи билан исми-шарифи ва нима учун, кимдан қарз олаётгани ёки кимга мулк сотаётгани кўрсатилади. Жумла сабаб эргаш гапли қўшма гап шаклида тузилади. Бу ўринда «ишлатиш учун» мазмундаги *tüškä*, қайта ишлашга олаётган бўлса, *yuñlaqlıq* сўзлари ишлатилади; эргаш гапнинг кесими *kergäk bolup* шаклида, бош гапнинг кесими *aldim* («олдим»), мулк олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда эса *satdim* («сотдим») ёки *tuyuru-tumlitu satdim* («узил-кесил сотдим») шаклида тугайди. Сотувчилар бир неча киши бўлса, кесим ҳам шунга мослашади. *Yuñlaqlıq* илк англамида «хом ашё; материал» дегани. Агар *yuñlaqlıq böz* бўлса, «кийим-кечаклик бўз»; *yuñlaqlıq tawar* бўлса, «қайта ишлаш учун тавар» ва шу сингари маънолар англашилади.

Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқада: ... *biziñä – Ozmiş Toyrilqa, Tügälkä, yuñlaqlıq böz kergäk bolup, Čöküdäki yerim(i)zni Eničük ečikä tuyuru-tumlitu satdim(i)z.* – «... бизга – Ўзмиш Тўғрилга, Тугалга, кийим-кечаклик бўз керак бўлиб, Чўкудаги еримизни Эничук акага узил-кесил сотдик» (ТХ. 35, 1 – 3).

Васиқада беримнинг нархиии ва қайтимни келишув. Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда сотилаётган ернинг нархи келишиб олинади. Сотув нархи тилга олинганда кўпинча *inča sözläštım(i)z* деган бирикма ишлатилади, бу «(нархини) шундай келишдик» дегани. Ернинг эвазига олинаётган нарса ўлчамия қийматигача аниқ-таниқ кўрсатилади; буни «(шу нархга) кесишдик» (*kesištımiz*) деб таъкидлаб ҳам қўйилади.

Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқада: *Satıy (b)özin (inča sözläš) tim(i)z: Lükčün kedini yorir šuuluγ-t(a)mγ(a)liγ yüz yetmiş ikilig yoyan bözkä kesištım(i)z.* – «Бўзнинг нархини (шундай битиш)дик: Лукчунинг бозорида ўтадиган имзоли-тамғали юз етмиш тўп қалин бўзга кесишдик» (ТХ. 35, 3 – 6).

Фоизи билан қарзга олинаётган нарсалар бўйича тузилган васиқаларда эса дон-дун ёки бошқа бир таварнинг қайтими, яъни унинг неча фоиз қилиб қайтарилиши кўрсатиб қўйилади.

Васиқада беримнинг қачон ва ошиғи билан қанча қилиб қайтарилувининг кўрсатилиши. Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган дон-дун ва шунга ўхшаш нарсалар учун тузилган васиқаларда беримнинг қачон ва қанча қилиб қайтарилиши ҳам кўрсатилади. Бунда гапнинг кесими кўпинча *köni berür-men* («аниқ қайтараман») бирикмаси

билан тугайди. Масалан, Қайимту деган бойдан тариқ (*yür*) олинганлиги тўғрисидаги васиқада беримнинг кузда бир ярим баробар қилиб қайтарилиши кўрсатилган: *Küz yañida bir yarım siq yür köni berür-men.* – «Кузнинг бошида бир ярим сиқ тариқ қилиб қайтараман» (ТХ, 12, 4 – 6).

Ерни ишлашга олиш бўйича тузилган васиқаларда олинажак ҳосилнинг кимга қанчадан тегиши, улуши ҳам кўрсатилади.

Беримни қайтариш бурчининг кўрсатилиши. Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган нарсалар учун тузилган васиқаларда қарз вақтида қайтарилмаса, эл қоидасича (*el yañinča*) ошиғи билан берилуви таъкидланади. Мабодо беримчи ўлиб-нетиб, берим қолиб кетгудек бўлса, унда иниси, бола-чақаси ёки яқинларига юкланади. Бунда шарт эргаш гап *Berginčä bar-yoq bolsar-men* («Бергунча бор-йўқ бўлсам [борман-йўқман]») шаклида бўлади.

Масалан, Қайимтудан тариқ (*yür*) олинганлиги тўғрисидаги васиқада ўқиймиз: *Bermädin, kečürsär-men, el yañinča tüši bilä köni bersünlär. Berginčä bar-yoq bolsar-men, inim Barçaqı anı tegilär bilä köni bersünlär.* – «Бермай, кечиктирсам, эл қоидаси бўйича ошиғи билан берсинлар. Бергунча бор-йўқ бўлсам [борман-йўқман; бирор кор-қол бўлиб, ўтиб қолсам], иним Барчақи уни укалари билан қайтарсинлар» (ТХ, 12, 6 – 10).

Васиқаларда томонлар ўртасида олди-берди бўлиб ўтганлигининг кўрсатилиши. Ерни сотиш, бирон нарсани айирбошлаш билан боғлиқ васиқаларда олувчи пулни ёки қиймати сотилаётган ерга, айирбошланаётган нарсага тенг молни ҳеч қолдирмай санаб берганини, сотувчи эса уни санаб олганини билдиради. Муҳими, бу жумлалар ҳар икки томоннинг ўз тилидан (нутқидан) берилади. Жумладан, Ўзмиш билан Тугалнинг ўз ерини Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисида тузилган васиқада олди-берди шундай кўрсатилган: *Bu üč otuz bözüg bitig qılmış kün üzä men, Basa Toyrıl tügäl berdim. Biz, (Ozmiş) Tügäl birlä bir eksügsüz tügä(l) (aldı)m(i)z.* – «Бу йигирма уч (тўп) бўзни хужжат тузилган куни мен, Баса Тўғрил тугал бердим. Биз, (Ўзмиш) Тугал билан сира қолдирмай, тугал олдик» (ТХ, 36, 6 – 9).

Мулкнинг бутунлай сотилганлигини далилловчи жумла. Мулкнинг олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда ер ёки қулнинг бутунлай сотилганлигини билдириш учун *miñ yil tümän künkä tegi erklig bolsun* («минг йил туман кунга қадар эгалик қилсин»), *miñ tümän yilqa tegi erklig bolsun* («минг туман йилга қадар эгалик қилсин») сингари жумлалар ишлатилади. Бунда *miñ yil, tümän kün; miñ tümän yil* бирикмалари вақтнинг ўла-ўлгунча эканлиги, доимийлигини англатади. Яна олувчи кимсанинг бундан буёғига эркинлиги ўзида эканини таъкидлаш учун юқоридаги жумлага *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adın kişikä ötkürü satsun* («Иста-

са, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин») деб ҳам қўшиб қўйилган. Бу билан ер ёки қулнинг янги эгасига бутунлай эркинлик берилмақда.

Васиқаларда сотилаётган ернинг чегарасини кўрсатиш. Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда узил-кесил сотилаётган ернинг чегараси (*yerniñ sičisi*) ҳам кўрсатиб қўйилган. Бунда ернинг тўрт ёғдаги чегараси, унинг кимларга тегишли жойлар билан туташуви аниқ берилади. Хужжатларда «тараф, томон» сўзи *yïñaq* дейилиб, чегара ёқлари шунга қўшиб айтилган: *õñdün yïñaq* – «шарқ томон», *küntün yïñaq* – «жануб томон», *kedin yïñaq* – «ғарб томон». Мамлакат шимоли тоғликлар билан ўралгани учун шимол *taydün yïñaq* дейилган баъзи хужжатларда.

Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги хужжатда сотилаётган ернинг чегараси шундай кўрсатилган: *Bu yerniñ sičisi: õñdün yïñaq Beki, Bačaq, olarniñ õgän, күntün yïñaq Turmiš tuduñnuñ yer, kedin yïñaq yol, taydün yïñaq Bekiniñ, Bačaqniñ yer adirar. Bekiniñ, Bačaqniñ qanli yoli bu yerniñ adaq-atiziniñ içintä-ol.* – «Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдан Беки, Бачақ, уларнинг ўзани, жануб тарафдан Турмиш тудунгнинг ери, ғарб тарафдан йўл, тоғ [шимол] тарафдан Бекининг, Бачақнинг ери айиради. Бекининг, Бачақнинг арава юрадиган йўли бу ернинг этагидаги атизнинг ичидадир» (ТХ. 35, 17 – 21).

Йиг Буртнинг ўз ерини Қутлуғ Таш отли кимсага хатлаб бергани тўғрисидаги васиқада ернинг чегараси қуйидагича белгиланган: *Bu yerniñ sičisi: örü yïñaq õgän adirar. Õñdün yïñaq Toyičaq (?) yeri adirar. Qudı yïñaq õgän, Lusay yeriñä baryu õgän adir(a)r. Kedin yïñaq Yanyaq (?) İnal yeri adirar.* – «Бу ернинг чегараси: шимол тарафдан ўзан айиради. Шарқ тарафдан Тўйичақ(нинг) ери айиради. Қуйи (жануб) тарафдан ўзан, (яъни) Лусай ерига борадиган ўзан айиради. Ғарб тарафдан Яньяқ Инал ери айиради» (ТХ. 37, 9 – 12).

Васиқаларда олди-бердини кузатиб турган гувоҳларни кўрсатиш. Тузилган васиқаларнинг якунида олди-бердини, ҳуқуқий жараёни кузатиб турган кишилар ҳам кўрсатилади. Матннинг ушбу бўлаги хужжатнинг легитимлигини таъминлайди.

Гувоҳлар, ҳар қалай, қарз берувчи, мулк олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда эса мулкни сотиб олувчи томонидан сайланган бўлиши керак. Бундай деяётганимнинг сабаби, Қайимту бахши деган кишининг ўзга кимсаларга қарзга берган дон-дуни, экин экиш учун ижарага берган ери тўғрисидаги васиқалардан анчагина етиб келган (ТХ. 9 – 20-хужжатларга қаранг). Қизиғи шундаки, уларнинг деярли ҳаммасида ўша-ўша кишилар гувоҳ сифатида қатнашган.

Гувоҳлар, одатда, икки ёки уч, баъзан тўрт кишидан иборат бўлади. Бунда *taniq*, яъни «гувоҳ» сўзи билан гувоҳларнинг исми-шарифи тўлиқ келтирилади. Масалан, оға-ини Ўзмиш Тўғрил билан Баса Тўғрилнинг олди-бердиларидан узилгани тўғрисидаги васиқада гувоҳлар шундай кўрсатилган: *Taniq – Alp Turmiš, tanuq – Y(a)rp Toγ[r]il*. – «Гувоҳ – Алп Турмиш, гувоҳ – Ярп Тўғрил» (ТХ, 40, 11 – 12). Айрим ҳужжатларга гувоҳларнинг тамғалари ҳам қўйилган.

Васиқаларда матн битувчини кўрсатиш. Васиқалар сўнгида олди-бердини хатга туширган, ҳужжатни битган кишининг оти ҳам кўрсатилади. Хат битувчилар ўз замонасининг саводли, расмиятчиликни биладиган кишилари эди. Кўпинча бу юмушни маҳкама ходими (нотариус) бажарган. Айрим ҳужжатларни қарз бераётган киши ҳам тузган. Ҳужжат битувчи охирида ўзининг отини ҳам ёзиб қўйган. Одатда, бу жумла унинг ўз тилидан берилиб, битувчининг отидан кейин *ayitip bitidim*, баъзан *yinčā ayitip bitidim* деб таъкидланади. Бунда *ayitip bitidim* дегани «қарз олувчи ёки ҳужжат туздирётган кишининг айтганлари, айтиб тургани бўйича ёздим; сўраб ёздим», *yinčā ayitip bitidim* эса «унинг айтганлари бўйича сўзма-сўз ёздим; айтганларини сўзма-сўз ёздим» деган маъноларни англатади; *yinčā ay* «сўзма-сўз, бирма-бир, шошмай, дона-дона қилиб айтмоқ» дегани.

Yinčā~yinčā «секин, оҳиста; босиқ, вазмин; осойишталик» дегани (*yinč~yinč* сўзидан). «Қутадғу билиг»дан чоғиштиринг: *Bulardīn biri qazī, yinčā, ariy*. – «Булардан бири босиқ ва пок қозидир» (QBN. 192b,5). Ёки: *Bodun inčā tegdi, yarudī kūni*. – «Халқ осойишталикка етишади, куни ёруғ бўлади» (QBN. 192b,5).

Масалан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг ўз ерларини Эничук акага, бошқа бир ерни Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқаларнинг иккаласини Чукуй Тўнг деган кимса тузган. *Men, Čikūy Toγ ayitip bitidim* («Мен, Чикуй Тўнг сўраб туриб [уларнинг айтганлари бўйича] ёздим») дея таъкидланади васиқаларнинг сўнгида (ТХ, 35,24b; 36,23).

Васиқанинڭ ҳуқуқийлигини (легитимлигини) таъминловчи белгилари. Васиқа – расмий-ҳуқуқий ҳужжат. Қуйидаги белгилари унинг расмийлиги, ҳуқуқийлиги, ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади:

- Васиқаларда унинг тузилган куни албатта кўрсатилади.

- Уларда қарз олаётган, қарз бераётган кимсалар, қарзнинг қайтарилишини кафолатга олаётган киши, шунингдек, олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар, ҳатто ҳужжатни битувчи кимсанинڭ оти ҳам кўрсатилади. Бадиий асарлардаги персонажлардан фарқли ўлароқ, улар ўша замонда яшаб турган кимсалардир.

• Насияга олинаётган нарса-буюмнинг ўлчови, унинг қачон ва неча ҳисса қилиб қайтарилиши аниқ кўрсатилади. Вақтида тўланмай қолса, юрт қоидасига кўра, кўшимча тўловга тортилиши ҳам таъкидлаб қўйилади.

• Мабодо бирор кор-ҳол бўлиб, қарз тўланмай қолгудек бўлса, беримчининг яқинлари уни албатта тўлаши ёзиб қўйилади.

• Мулк сотувида эса келажакда олимчидан уни ҳеч кимса, ҳатто бекларнинг кучига таяниб ҳам даъво қила олмаслиги, олимчининг эрки бутунлай ўзида эканлиги кафолатланади.

• Ер сотилаётганда унинг майдони, чегаралари аниқ кўрсатилади.

• Ер ижарага берилаётганда унга кетадиган уруғликнинг пулини, ер-мулк солиғини кимлар тўлаши аниқ белгилаб қўйилади.

• Васиқага беримчининг (қарз тўловчининг), гувоҳларнинг нишони, тамғалари босилади. Уларнинг айтган сўзи тамғалар билан тасдиқланади.

• Хужжат тузишда қатнашаётган кишиларнинг сўзлари уларнинг ўз тилидан келтирилади. Хужжат бир неча кишининг (юримдик кимсаларнинг) нутқидан тузилади. Бу ҳам хужжатнинг ишончилигини, легитимлигини оширади.

Васиқаларни компонентлари бўйича ўзаро солиштириш. Шу ўринда Ўзмиш билан Тугалнинг ўз ерини бўз эвазига Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисида тузилган ТҲ. 36-васиқа билан Ярп Тўғрилнинг ўз жориясини Иналга эллик танга кумушга сотганлиги бўйича тузилган ТҲ. 39-васиқани компонентлари бўйича ўзаро солиштириб чиқайлик. Жумладан, ТҲ. 36-васиқанинг компонентлари шундай:

(1) Васиқа тузилган кун (сана, йил-ой-кун).

(2) Мулк сотилаётганлигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исми-шарифи.

(3) Нархни келишув.

(4) Сотувчи ва олувчи ўртасида олди-бердининг бўлиб ўтганлиги.

(5) Мулкни сотиб олувчининг эрки ўзида эканлиги ва унинг кафолати.

(6) Сотилган мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш.

(7) Сотилган мулкка даъво қилувчиларга юкланажак жазо. Сотиб олувчининг зиён кўрмаслигига кафолат берилиши.

(8) Сотилаётган ернинг чегараси.

(9) Сотилаётган ерга кўшимча солиқларнинг йўқлиги.

(10) Олди-бердини кузатиб турган гувоҳларнинг исми-шарифи.

(11) Васиқага қўйилаётган тамға ва белгилар кимларга тегишли экани.

(12) Васиқани битувчи кимсанинг исми-шарифи.

Булар ТҲ. 39-васиқа компонентлари билан қиёсланса, қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўзга ташланади (тушуниш ўнғай бўлсин учун матннинг ҳозирги ўзбекчадаги вариантини келтирамиз):

Комп.	ТҲ. 36-васиқа	ТҲ. 39-васиқа
(1)	Қуён йили, ўн биринчи ойнинг	Тўнғиз йили, олтинчи ойнинг еттинчи куни
(2)	менга, Ўзмишга, Тугалга, биз иккимизга кийим-кечаклик бўз керак бўлиб, Тайку ўзан (бўйида) ги олачуқ [чодир] ...қ... еримизни олачуқи билан қўшиб Баса Тўғрилга узил-кесил сотдик.	менга, Ярп Тўғрилга ... қумуш керак бўлиб, Кимзун отли жориямни эллик ситир қумуш тангага Иначига узил-кесил сотдим.
(3)	Бўзнинг нархини шундай келишдик: Лукчунг бозорида ўтадиган имзоли-тамғали йигирма уч тўп бўзга кесишдик.	
(4)	Бу йигирма уч (тўп) бўзни ҳужжат тузилган куни мен, Баса Тўғрил тугал бердим. Биз, (Ўзмиш) Тугал билан сира қолдирмай, тугал олдик.	Бу жориянинг нархи – қумушни ҳужжат тузилган куни мен, Иначи тугал санаб бердим. Мен, Ярп Тўғрил ҳам тугал санаб олдим.
(5)	Бугундан бошлаб бу ер уза минг туман йилга қадар Баса Тўғрил эгалик қилсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, ўзга кишига сотиб юборсин.	Бу жория уза қанчагача истаса, Иначи эркли бўлсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин.
(6)	Биз, иккимизнинг акамиз-инимиз, туғишганларимиз, яна бошқа кимсалар даъво қилмасин, сўрамасин-истамасинлар [талаб қилмасинлар]. Сўровчи-истовчилар [талаб қилувчилар]нинг сўзи ўтмасин.	Бу жория йўлида мен, Ярп Тўғрил ... акам-иним, туғишган-қариндошим, амаки-тоғаларим, ким бўлса-да, даъво қилмасинлар.
(7)	Яна бирор кимса ҳукмдор бек кучига таяниб тортиб оламан десалар, бу ўзан бўйдан бу ерга тенг келадиган икки ер яратиб бериб, кейин қайтариб олсин. Тортиб олувчи киши зарар кўрсин, Баса Тўғрил зарар кўрмасин.	Агар бирор кимса даъво қилгудек бўлса, бу жорияга тенг икки жория топиб бериб, кейин тортиб олсин. Юлиб олувчи киши зиён кўрсин, бу битигни тутгучи Иначи зиён кўрмасин.

(8)	Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдан Бурхан Кулининг буғдой ғарами; жануб тарафдан улуғ йўл; ғарб тарафдан Тангутнинг ери; тоғ тараф [шимол тараф]дан Буянчуқнинг буғдой ғарами айиради.	
(9)	Бу ернинг бирор-бир божи-тўлови йўқ.	
(10)	Гувоҳ – Суван тутуқ, гувоҳ – Куч Бағлиғ, гувоҳ – Бурхан Кули, гувоҳ – Вазир Тўнга.	Гувоҳ – Элиғ, гувоҳ – Тақичуқ, гувоҳ – Тарим ... гувоҳ – Тўпула.
(11)	Бу тамға биз, Ўзмишники, Тугалники, иккимизникидир.	Бу тамға меникидир.
(12)	Мен, Чикуй Тўнг сўраб туриб [уларнинг айтгани бўйича] ёздим.	Мен, Эдгу Тўғрил битдим.

Энди юқоридаги тартибда оға-ини Ўзмиш Тўғрил билан Баса Тўғри-нинг гувоҳлар олдида олди-бердиларидан узилгани тўғрисидаги ТХ. 40-васиқа ҳамда Қайимтунинг ери тарик экиш учун ижарага берилгани тўғрисидаги ТХ. 18-васиқани компонентлари бўйича ўзаро солиштириб чиқайлик. Жумладан, ТХ. 40-васиқанинг компонентлар тизими қуйида-гича:

(1) Васиқа тузилган кун (сана, йил-ой-кун).

(2) Васиқа туздирётган кишиларнинг исми-шарифи.

(3) Оға-инилар гувоҳлар олдида бир-бирининг қарзидан узилгани.

(4) Ўзмиш Тўғрил бундан кейин кимларнингдир кучига таяниб қарз-ни даъво қилғудек бўлса, қонундаги жазога рози эканлиги.

(5) Олди-бердини кузатиб турган гувоҳларнинг исми-шарифи.

(6) Васиқани битувчи кимсанинг исми-шарифи.

(7) Васиқага урилган тамға кимга тегишли экани.

ТХ. 18-васиқа ерни ижарага олиш тўғрисида, шунинг учун унинг ком-понентлари бир оз фарқли: иккинчи компонентда Темурга экин майдо-ни керак бўлганлиги таъкидланган; учинчисида ижарага ер берилгани; тўртинчи компонентда ердан чиққан ҳосил тенг тақсимланажаги ва со-лиқлар биргаликда тўланажаги тўғрисида сўз боради. Ва охириги икки компонентнинг ўрни алмашади: аввал тамғанинг кимга тегишлилиги, кейин эса хат тузувчи кимса қайд этилган.

Шундай қилиб, юқоридаги васиқаларнинг компонентлари ўзаро қиёсланса, қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўзга ташланади:

	ТХ. 40-васиқа		ТХ. 18-васиқа
(1)	<i>Тўнғиз йили, ўнинчи ойининг ўн олтинчи куни</i>	(1)	<i>От йили, олтинчи ойининг ўн саккизинчи куни</i>
(2)	<i>мен, Ўзмиш Тўғрил иним Баса Тўғрил билан</i>		
		(2)	<i>менга, Темурга тариқ экадиган ер керак бўлиб,</i>
(3)	<i>Олиш-бериш тўғрисида Қитай ялавач, Алп Турмишларнинг олдида сўзлашиб олим-беримимизни узишдик.</i>		
		(3)	<i>Қайимтунинг Сиқандаги Элчи билан улушда менга теккан ярим ангиз ер, яъни юқориликдаги ерни Мисирга бериб, қуйилиқдаги ярим ангиз ерни ишлашга бердим.</i>
		(4)	<i>Бу ерга қанча уруғ кетса, иккимиз тенг улашиб оламиз. Олим-берим келса, ҳар иккимиз устимизга олиб, тенг топширамиз.</i>
(4)	<i>Мен, Ўзмиш Тўғрил бундан кейин Баса Тўғрил билан қайсидир кимсанинг кучига таяниб даъво қилғудек бўлсам, қонундаги жазога розиман.</i>		
(5)	<i>Гувоҳ – Алп Турмиш, гувоҳ – Ярп Тўғрил.</i>	(5)	<i>Гувоҳ – Эшкакчи, гувоҳ – Сенга.</i>
(6)	<i>Мен, Бачақ Ўзмиш Тўғридан сўраб туриб [унинг айтгани бўйича] ёздим.</i>	(6)	<i>Бу нишон мен, Темурниқидир.</i>
(7)	<i>Бу тамға мен, Ўзмиш Тўғрилниқидир.</i>	(7)	<i>Мен, Қайимту Темурга айтиб [Темурнинг айтиб тургани бўйича], ўзим ёздим.</i>

Васиқаларда расмий ва бадий услуглар синкретизми

Одатда, расмий услуб ўзининг аниқ ва равшанлиги, кўчма маъноли сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, кўтаринки жумлалар, турли бадий воситаларнинг учрамаслиги билан ажралиб туради. Лекин бу ўлчовни, чегарани ҳеч бир ўзгартиришсиз қадимги туркий тилдаги расмий битигларга, қолаверса, илк ўрта асрлардан қолган ҳужжатларга нисбатан қўллаш ўзини оқламайди, назаримизда. Сабаби, ўша давр ҳужжатларида юқорида расмий услубга тегишли деб қаралаётган белгилардан ташқари оғзаки услубга, бадий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш, васиқани мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун ўрни билан бадий воситалардан ҳам фойдаланишган. Бир сўз билан айтганда, ҳужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда бадий тафаккурнинг, бадий услубнинг, қадимги туркий адабиётнинг таъсири бўлган.

Шундай қилиб, расмий ҳужжатларда ўрни билан фикр ифодасига боғлиқ ҳолда оғзаки ва бадий услубга хос бўлган сўз ҳамда жумлалар, жуфт сўзлар, синтактик параллелизмлардан ҳам фойдаланилган. Улар расмий матнга бадий бўёқ бериши билан бир қаторда юридик кимсалар нутқининг жонли, таъсирли ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўз ўрнида, матннинг сиёсий-психологик қувватини ҳам таъминлайди. Бу ҳодисани эски туркий, хусусан, туркий ёзма адабий тил тарихидаги услублар синкретизми сифатида баҳоламоқ керак.

Битиглар орасида Кўни Қуз отли хўжайиннинг Бурхан Қули отли қулига берган васиқаси бор (QUV, 312 – 315, 444; ТҲ. 30). Унда хўжайиннинг ўз қулига эрк ҳужжати (*boš bitig*) берганлиги тўғрисида сўз боради. Матндан ўқиймиз:

- (1) Taqiyü yil, üçünç ay, iki yañıqā men
- (2) Köni Quz ayır igkä tegip, ölüp yitip
- (3) barıay-men tep, Şinuy tutuñ begkä,
- (4) küdägüm Likäkä keñäşip aytişip,
- (5) Gāñsidā tuymiş Burxan Qulī atliy
- (6) oçulanqa ögkä qañqa buyanı
- (7) tegsün tep boš bitig berdim.
- (8) Bu күntä mınça Burxan Quliniñ ya
- (9) örü tañqa, qudi quumqa barsar,
- (10) öz köñülinçä buyan berip yorisun.

Энди матн семантикасига эътибор қаратайлик.

2 – 3-қаторларда келган *ayir igka tegip, ölür yitip baryay-men tep* жумласи «оғир дардга чалиниб, ўлиб-йитиб кетсам, ишим чала қолмасин деган хавотирда» англамидадир.

6 – 7-қаторлардаги *buyani tegsun tep* «савоби тегсин дея» маъносини билдиради; *buyan* (<скр. *punya*) – «савоб; эзгу, савобли, ҳайрли иш» (ДТС, 120).

8 – 10-қаторларда: *Bu küntä minča Burxan Quliniñ ya örü tayqa, qudi quimqa barsar, öz köñülinčä buyan berip yorisun.* Ушбу мисолимиздаги *örü tayqa, qudi quimqa barsar* бирикмасидаги *örü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *qudi quim* – «қуйи қум», уларни ўзаро қаршилантириш йўли билан бадий санъат ҳосил қилинмоқда; «юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими» деган маънода, яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиглар услуби учун ғайриодатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадийлигини таъминлаш, «эркинлик» тушунчасини теран англатиш мақсадида ана шу ибора қўлланилган. Шуларни кўзда тутган ҳолда юқоридаги матнни қуйидагича талқин этиш мумкин:

(1) Товуқ йил учинчи ойининг иккинчи кунда мен

(2) Қўни Қуз оғир касалликка чалиниб, ўлиб-йитиб

(3) қолмайин дея Шингуй тутунг бег,

(4) куёвим Лика билан кенгашиб-сўзлашиб,

(5) Гангсида туғилган Бурхан Қули отли

(6) ўғлонга (қулга), онамга-отамга савоби

(7) тегсин деб эрк ҳужжатини бердим.

(8) Бугундан бошлаб Бурхан Қулининг (эрки ўзида),

(9) юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими,

(10) ўз қўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин.

Бошқа бир мисол. Қонунга қўра, ҳар қандай берим қафолатланмоғи, олинган нарса олувчининг ўзи ёки унинг яқинлари томонидан албатта қайтарилмоғи керак. Буни ихчам ҳам таъсирли қилиб ифодалаш учун бадий ифодага мурожаат этилади. Бирор нарсани қарзга берув ҳужжатларида *berginčä yoq bar bolsar-men* деган стереотип, шу билан бирга, бадий бўлган жумлага кўзимиз тушади. Бу жумла «қарзни бергунча борман-йўқман, беролмасам (қарзни узолмасам)» деган маънони билдиради. Масалан, Берлин фондида сақланаётган Т.М.222 кўрсаткичли Булмиш отли кишининг солиқ тўлаш мақсадида Қара Ўғулдан қарзга олган қумуш танга учун берган тилхатида бу ҳолат шундай қафолатланган: *Asiyi bilä köni berür-men. Berginčä yoq (ba)r bolsar-men kišim Tüzüg köni (b)ersün.* Маъноси: «(Кумушни) фойдаси билан тўлиқ қайтараман. Бер-

гунча йўқ-бор бўлсам (борман-йўқман), хотиним Тузуг тўлиқ берсин» (ТХ, 29, 5 – 8). Бу ўринда беримчи беримни тишиси (хотини) Тузугни ўртага қўйиб кафолатламоқда.

Қул ёки жориянинг бирор нарса эвазига айирбошлангани тўғрисидаги васиқаларда қулнинг кейинги эгасига бериладиган эркинлик ҳам белгилаб қўйилган. Қулни ўзига олаётган киши «минг йил, туман кунга қадар унга эгалик қилсин» (*miñ yil, tümän künkä tegi egälik bolsun*) деб кўрсатилади ҳужжатларда ушбу ҳолат. Бу жумладаги «минг йил, туман кун» ибораси «қул ўлгунча, умр бўйи» деган маънодадир.

Яна бир жиҳати, қулнинг кейинги эгаси ҳам олган қулини сотиб юбориши мумкин. Бу сингари ҳолатлар ҳам қулни сотиш ёки айирбошлаш ҳужжатида қайд этиб қўйилган. Унга эгалик қилувчи киши «истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа бировга ўтказиб сотсин» (*taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun*) дея таъкидланади битигларда.

Васиқаларда ўрни билан кўчма маъноли, экспрессив бўёқли сўзлар ҳам учраб туради. Берлин фондида Т.М.95 (U 5235) кўрсаткичи остида сақланаётган ҳужжатда (ТХ, 2) Қуғдамунни Тамуйга бўз керак бўлиб Алпиш исмли кишидан эллик тош бўз олгани ва унинг эвазига ўз қул-бачасини бергани тўғрисида сўз боради. «Алпишдан эллик тош бўзни қўлимга олиб, (эвазига) ўзимнинг Юнгчи отли ўн уч яшар қулимни Алпишга узил-кесил сотдим (алмашдим)» (*Alpištin elik taš böz eligtä alip, özümniñ Yuñčī atliñ on üç yaşar er ulanni Alpišqa tuñru tomlitu satdim*) дея таъкидланади битигда (ТХ, 2, 3 – 7). Матнда келган *tuñru tomlitu satdim* «бутунлай сотдим; узил-кесил сотдим; уни рози қилиб сотдим» англамларидадир. Чоғиштиринг, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида: *tumlitti~tumluttī*: 1) *ol suw tumlitti* – «у сув ва бошқа нарсаларни яхлатди»; 2) *ol anin köñülin tumluttī / tumlitti* – «у унга ғазаб қилди; унинг қўнглини совутди, ҳатто уни ҳафа қилиб қўйди» (ДЛТ, 316). Биз айтмоқчи бўлганимиз, ҳужжатда кечган *tuñru tomlutu* бирикмасида ҳам кўчма маъно бор.

Шунингдек, ҳужжатларда синтактик параллелизмлар, аллитерация сингари бадий воситаларга ҳам мурожаат этилади. Айрим жумлалар сажда.

Эски ҳужжатларда расмий ва бадий услубларнинг қоришиқ ҳолда учраши туркий расмий услубнинг тўла шаклланиб улгурмаганидан эмас, аксинча, унинг ўта тараққий этгани, фикрни ифодалаш, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлаш имкониятлари ниҳоятда кенглиги, васиқа битувчилар сўз устаси сифатида улардан билимдонлик билан фойдалана олганидан далолат беради.

Темурий султонлар ёрлиқларининг услуби

Темурийлар ўз ёрлиқларини, расмий хужжатларини уйғур хатида ёзганлар. Темурбег ўз ёрлиқларини, қўшни элларнинг эгаларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айна ёзувда. Темурбегнинг ўлимидан сўнг Шохрух ва Мирзо Улуғбек, Абу Саид Мирзо ва унинг ўғли Умаршайх Мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

Темурий хонларнинг юртга эгалиги чоғида уйғур хатида ёздирган ёрлиқ ва мактубларидан бир қанчаси сақланган, холос. Қуйида ана шу битигларнинг тузилиши ва услуби тўғрисида сўз юритамиз.

Шохрух Мирзо ёрлиғининг услуби. Шохрух Мирзонинг 1422 йилнинг 16 январида Талхан ота мазорининг мужовурига атаб берган ёрлиғи (нишони) *Šāhruh bahadur sōzüm devānlarğa* жумласи билан бошланади. Бу ўринда *Šāhruh bahadur sōzüm* – унвон, шунинг учун у алоҳида бир қаторга ёзилган. У учта компонентдан тузилган: хоннинг оти (*Šāhruh*), унвони (*bahadur*) ва фармоннинг унга тегишлилигини англатувчи ёрлиқ (*sōzüm*). Унвонга қўшилаётган *devānlarğa* сўзи ёрлиқ қаратилаётган юридик ташкилот (адресат)ни билдиради. Адресат унвондан ажратиб кейинги қаторга олиб ёзилган. Матнда у жўналиш келишигида.

Битигнинг *асосий қисмини* мазмун ва қамровига кўра қуйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Талхан ота мазорининг мужовурига бир қўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилиб, луй (аждар) йилдан бошлаб наиким ҳосилини қайтармаслик шарти билан хонақога харж қилиши, ҳеч кимса ундан мол-мулк қистамаслиги, солиқ солмаслиги, зиён-заҳмат етказмаслиги беглик нишонида қайд этилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланинг кесими ўтган замон (*bermiş erdük*) кўринишида берилган.

Суюрғалнинг ким учун берилаётгани, унинг иш ери ва лавозими (*Seçäktöbädä Tarnaq arîyüida Talxan atanîñ mujāvuri*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида тилга олиб ўтилган. Лекин бу кишининг оти (*İsmāyil mujāvur*) кейинги компонентда – тарихдан олдин, унга берилаётган эркинликни кафолатловчи кўрсатмада тилга олинган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда қайтармаслик шарти билан олтмиш киви ерни суюрғал йўсини бирла келаётган тушумни хонақога харж қила олажаги таъкидланади.

Янги суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда тушумни хонақога ишлатиш эркинлиги тўғрисидаги кўрсатма. Унга кўра, бурунги нишоннинг йўсини билан сигир йилдан бошлаб қайтармаслик шарти билан олтмиш киви ерни суюрғал йўсини бирла олиб хонақога харж қилиши таъкидланади. Бундан ушбу ёрлиқнинг бунга қадар берилган суюрғал ҳуқуқини тўла таъминловчи, унинг ўрнини боса оладиган, ҳатто олдингисидан ҳам юқори даражадаги ҳужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрлиқнинг кучга кириш санаси (*ud yildin başlap* – сигир йилидан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқ ва қистовлардан эркин эканлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадларни хонақога эркин-эмин сарфлаши, бунга қўшимча ҳолда унинг уй-жойи, мол-мулкига ҳам ҳеч кимса таҳдид солмаслиги таъминланади. Шоҳрухнинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (*-sun, -sün* аффикси билан) берилган: *Kim ersä mal tilämäsün, yasay alpaу salmasun, küç uya tegürmäsün*. Ёки: *ewi barini tartip tonup almasun*.

Юқоридаги буйруқнинг хон номидан битилаётгани *ter* феъли билан тасдиқланиб, яқун қисми – *тарух (datum)*га ўтилади.

Тарихни қуйидаги компонентларга ажратишимиз мумкин: тарихга ишора этувчи *сўз (tarix)*; ҳужжатнинг йил-ой-куни (*sekiz yüz yigirmi beşidä ud yil muharram ayniñ yigirmi ikisidä*); ёзилган ери (*Bayi šaharda*); битилганлигининг тасдиғи (*bitildi*). Йил ҳам ҳижрий, ҳам турк-мучал-йил саноғида.

Султон Умаршайх ёрлиғининг услуби. Султон Умаршайхнинг 1469 йили Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғини тузилишига кўра кириш, асосий ва яқун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш ўз ичида қуйидаги компонентларга бўлинади:

Биринчиси – *унвон*; иккинчиси – *адресат (inscriptio)*.

Унвон битигнинг ким томонидан битилаётганини далилловчи ёрлиқ бўлиб, матнда *Sulṭān 'Umar-šayх bahadur sözüм* шаклида берилган. Ундаги *sulṭān* юрт эгасининг даражаси, *bahadur* унинг унвонидир. Ушбу компонентнинг кесими фармон (*söz*)нинг султон Умаршайхга тегишлилигини билдиради.

Адресатда ушбу ҳужжатга давлатнинг қай бир идоралари амал қилмоқликлари қайд этилади. Улар девонлар, тушим йиғувчилар ва солиқ идораларининг бошлиқларидир. Адресат матнда жўналиш келишиги кўринишида берилган: *Divānlaryа, barča Maryīnan určinniñ tüşämäl amaldār, sāhib čamlariya*.

Битигнинг асосий қисмини мазмун ва қамровига кўра қуйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Мир Сайид Аҳмадга илгари Марғинан қасабасидан бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг хазинага тўланувчи даромади суюрғал қилиб берилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланing кесими узоқ ўтган замон (*berilip erdi*) кўринишидадир.

Суюрғал берилаётган, солиқлардан озод этилаётган кимсанинг даражаси (*Marūīnan būzrūglāridin*) ва исми-шарифи (*Mir Sayid Aḥmad*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида тилга олиб ўтилган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда яна қасабадан ўттиз олтин тавачи тартуси – яъни дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинadиган даромад суюрғал қилиб берилганлиги таъкидланади.

Ҳар икки суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда уларни расмий дафтарларга қайд этиш тўғрисида кўрсатма. Унга кўра, аввалги суюрғални кейинги берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, ҳар йили янги нишон талаб қилмай, йил бўйи ҳар турли солиқ солмай, дафтарларга қайд этилиши таъкидланмоқда. Бундан ушбу ёрлиқнинг бунга қадар берилган ҳужжатларни қамровчи, юқори даражадаги ҳужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрлиқнинг кучга кириш санаси (сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқлардан эркинлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадлардан ўзи фойдаланиш эркинлиги берилади. Буни таъминлаш учун бирор амалдор ундан мол, дон-дун талаб қилмаслиги, унга зўравонлик қилмаслиги таъкидланади. Султоннинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (*-sūn* аффикси билан) берилган: *Ōzi alip yesūn. Heč kiši māl, tartu tilāmāsūn, kūč uya tegūrmāsūn.*

Юқоридаги буйруқнинг султон номидан битилаётгани *ter* феъли билан тасдиқланиб, яқун қисми – тарих(*datum*)га ўтилади. Тарих *muhurluy nišān uy yil šavval ayīnīn yigirmi sekizi Andigāndā bitildi* кўринишидадир. У қуйидаги уч компонентдан тузилган: ёрлиқнинг расмий даражаси (*muhurluy nišān*); унинг битилган санаси – йил-ой-куни (*uy yil šavval ayīnīn yigirmi sekizi*) ҳамда битилган ери (*Andigāndā bitildi*).

Султон Абу Саид битигининг услуги. Султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга (Узун Ҳасанга) йўллаган битиги икки юртнинг эгалари ўртасида ёзилган расмий мактубдир. Уни Абу Саид мавқе жиҳатидан ўзидан қуйи турган юрт эгасига йўллаган. Мактуб ўрта асрларда тузилган расмий-халқаро дипломатик ёрлиқлардан ажралиб туради.

Қолаверса, ушбу хатни бадий эпистоляр матн ҳам дея олмаймиз. Эпистоляр жанрда, одатда, бадийлик устувор бўлади. Ушбу хат эса расмий услубда.

Битигни тузилишига кўра кириш, асосий ва якун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш уч компонентга ажралади. Биринчиси – унвон. Унвон битиг (söz)нинг кимга тегишлилиги (ким томонидан ёздирилаётганлиги) нинг қайди, унинг ким томонидан ёзилаётганлигини далилловчи ёрлиқ (*Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzūm*) кўринишида берилган. Бу Ғарб хужжатшунослигида қабул қилинган адресант (*intitulatio*)га тўғри келади.

Маълумки, ислом даври ёдгорликлари, хусусан, ўша замонларнинг расмий ёзмалари, анъанага кўра, басмала (бисмиллоҳ) билан бошланар эди. Абу Саид битиги эса бундай эмас. Битиг *Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzūm* унвони билан бошланган.

А.П.Григорьев ўрта аср хужжатларининг тузилишини тадқиқ этар экан, туркий тилдаги хужжатлар басмала билан берилмаганининг сабабини битигларнинг ёзувига боғлайди. Унинг фикрича, басмала фақат араб ёзувли хужжатлардагина берилган. Уйғур ёзувли хужжатлар эса басмала билан бошланмаган (Григорьев 1978, 208¹– 209).

Бизнингча, темурийлар давридан қолган ёрлиқларнинг, хусусан, Абу Саид битигининг басмала билан берилмаганига сабаб бу эмас. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, мазкур битиг туркий хужжатчиликнинг энг эски анъаналарига риоя қилган ҳолда тузилган. Иккинчи сабаби унинг расмий хужжат эканлигида. Одатда, бундай унвон бошқа мактубларда учрамайди. Аммо ушбу битиг бир юрт эгасининг бошқа юрт эгасига йўллаётган хатидир. Шунинг учун у ана шундай унвон билан бошланмоқда. Унвонни басмаладан кейин келтириш, иккаласини бир матнда олдинма-кетин қўллаш мантиққа терс. Басмала билан бошланган расмий ёзмаларнинг бошламаларини қараб чиққан киши фикризмизга қўшилади.

Иккинчи компоненти – адресат (*inscriptio*), қабул қилувчи томон. Ушбу компонентда хат йўлланаётган кишининг оти, унинг кимга юборилаётгани (*Hasan beggā*) қайд этилган.

Киришнинг учинчи компоненти – саломлашиш (*salutatio*). Бу компонентда хат йўлловчининг саломи баён қилинган. Бу компонент матнда пайт эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш гапи кўринишидадир (*salām tegāč*).

Билдирилган саломдан кейин *söz ul-kim* жумласи билан мақсадга (асосий қисмга) ўтилади.

Битигнинг мазмунига қараганда, Ҳасанбегнинг бобоси Усмон бегнинг Темурбег ва унинг ўғлонларига, у дунёдан ўтгандан кейин эса Ҳасанбекнинг темурийларга ихлос билан хизмат қилиб келаётгани, иниўғиллик, дўстлик, қариндошлигини билдирганлиги эътироф этилади. Ҳасан бег билан Абу Саид ораларида аҳд сўзи кечганлиги, улар бир-бирларининг дўстига дўст, душманига душман бўлишлари келишилганди. Энди эса Рум, Миср, Шом элларининг фатҳи мўлжалланаётгани, бунинг учун султон Абу Саид керагича қўшин, қурол-аслаҳа ажратишга тайёр эканлиги билдирилган.

Муҳими, асосий қисмнинг охирида битиг йўлловчининг аҳд сўзи баён қилинган. Келишувга кўра, Абу Саид Ҳасан бегга Миср, Рум вилоятларини олиб беришни ваъда қилиб, қиёматгача орадаги дўстликни бузмасликка сўз беради (69 – 74-қаторлар). Мазмуни ва моҳиятига кўра ушбу хат расмий-дипломатик аҳдлашувга (*ahd sözi, bitim* га) тенглашади.

Мактубнинг сўнгги – якуний қисмини тўрт компонентга ажратиш мумкин: Биринчиси – битиг йўлловчининг тилаги (*Seniñ esänligiñni körä*); иккинчиси – битиг бериб юборилган кишининг оти (*Maḥmud begni yibärildi*); учинчиси – тарих, бунда битиг битилган сана қайд этилган; тўртинчи компонент – битигнинг қаерда ёзилганлиги (*Miyānada erkändä bitildi*).

Битигнинг ёзилган санаси қатъий изчилликда: аввал турк мучал ҳисобида йил, сўнг мусулмон тақвими бўйича ой ва кун келтирилади: *Siçqan yilī rabi'ul-avval ayiñiñ yigirmi ikisi* («Сичқон йили, рабиул-аввал ойининг йигирма иккинчи куни»).

СИЁСИЙ, РАСМИЙ-ДИПЛОМАТИК НУТҚ СТИЛИСТИКАСИ

Сиёсий, расмий-дипломатик нутқ деганда хоқонлар, хонлар, султонлар, давлат арбобларининг эл-улусга қарата айтган сўзлари, расмий муурожаати, ёрлиғи, ҳукумат идораларига кўрсатмалари, турли юрт эгалари билан ўзаро ёзма мулоқоти англашилади.

Юрт, улус эгасининг сиёсий, расмий нутқи *икки турли* бўлади. *Биринчиси, оғзаки нутқ* – хон ва султонларнинг оғзаки буйруқ ва кўрсатмалари, кишилар билан бўлган расмий мулоқоти. Ёзма манбаларда бунга мисоллар кўп. Жумладан, араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута ўз «Саёҳатнома»сида Мовароуннаҳр султони Алоуддин Тармаширин билан бўлган тасодифий учрашуви тўғрисида ҳикоя қила туриб шундай ёзади: «Мен у ерда ўрду деб аталадиган қароргоҳда бир неча кун туриб қолдим. Бир куни одатдагидек масжидга кириб, бомдод намозини ўқидим.

Намоз тугагач, кимдир менга султон ҳам шу масжидда эканлигини айтди. Мен ўрнимдан туриб, унга салом бериш учун яқинига бордим. Шайх Ҳасан ва фақиҳ Ҳисомуддин ал-Ёғий султонга менинг тўғримда, бу ерга бир неча кун муқаддам келганлигим ҳақида сўзлаб беришди. Султон менга туркий тилда мурожаат қилди: *Xuʃmisan, yaxʃimisan? Qutluy olsun*» (Ибн Баттута 2012, 370 – 371).

Келтирилган ушбу ҳикоядаги Тармаширин сўzlари хон нутқига мисол бўла олади. Тасодифий учрашувдаги хоннинг сўрашуви расмий этикетни белгилайди; хонларнинг оғзаки нутқида ҳам бунга катта эътибор қаратилган. Хон мусофирга «сенлаб» мурожаат қилмоқда. У билан биринчи учрашуви бўлгани учун ундан ҳол-аҳвол сўралди (*xuʃmisan, yaxʃimisan?*); шу билан бирга, қадамнинг қутлуғ бўлиши тиланмақда (*qutluy olsun*). Яна бир қирраси, расмий-дипломатик мактубларда адресатга *salām* деб мурожаат қилиш кейинги ҳодиса, у арабчадан ўзлашган. Тармашириннинг нутқида берилгани эса сўрашувнинг асл туркий кўринишидир.

Бу нарса ҳозир ҳам бор: сўрашганда, салом-алиқдан кейин ёши улуғлар, ҳурматли кишилардан *яхшимисиз? эсон-омонмисиз?* (ёки кичиклар, яқинлардан: *яхшимисан? эсон-омонмисан?*) деб ҳол-аҳвол сўраймиз.

Ҳозирги ўзбек тилида *сизлаб гапирди* деган сўзимиз бор, бу катта ёшлиларга ёки ҳурматли кишиларга, ўзгаларга бўлган ҳурматни англатади. Бунинг тескараси – *сенлаб гапирди*; кичикларга мурожаатни ёки ўрни билан ўзини улуғ тутиш, менсимасликни англатади. Тил тарихида бу категория *senlädi* билан *sizlädi* сўзларида ифода этилган. Биринчиси ўзидан кичикларга мурожаатни, яқинликни ёки тингловчини ўзидан кичик олишни; иккинчиси эса тингловчини ҳурматлаш, улуғлашни билдирган. Ушбу нутқий категорияни Маҳмуд Кошғарий яхши ёритиб берган. Жумладан, у *senlädi* феълининг маъноси тўғрисида ёзади: «*ol anī senlädi* – у уни сенлади. Бу (сўз) *sen* демакдир. Улуғлаш (ҳурматлаш)ни англатиш учун *sizlädi* дейилади. Бу *siz* демакдир. Бу хоқонлар билан сўзлашилганда қўлланиладиган сўз ўрнида келади» (ДЛТ, 424).

Умуман, ўтмишда ҳам ҳурматни билдириш учун кўплик шаклидан фойдаланилган. *Siz* деб расмий муомалада, Кошғарий таъкидлаганидек, хон ва султонларга, ҳурматли кишиларга, *sen* деб эса ўзидан кичикларга, яқинлар, туғишганларга, расмий мурожаатда мансаб ва лавозими қуйи турувчиларга айтилади.

Ўтмишда ҳукмдорлар муомаласида ўзгаларга ҳурмат изга қўйилган. Бу нарса бадиий адабиётда ҳам кўзга ташланади. Шу ўринда буддизм давридан қолган «Оға-ини тигинлар қиссаси»дан ўрнак келтирамиз (мисол Gabain 1950, 283 – 285 дан олинди). Қиссада кичик тигин (шаҳ-

зода) отаси хондан уни денгиз сафарига, мўъжизали жавоҳирни топиб келтириш учун юборишини сўраб ёлворади. Хон бунга иложсиз кўниб, элга ёрлиқ берди. Қиссада хоннинг улусга, кишиларга қаратилган нутқи яхши берилган.

Мана ўша ери: *Ol ödün qaṅi xan yarliṅ yarliqadi: Kim taluyqa barayin tesär, kiriṅlär, oylum tiginkä eš boluṅlar. Ne kergäkin barča bergäy-biz. Kim yerči suwči, kemäči bar ersär, yemä kelzün. Tiginig asan-tükäl kelürzünlär.* – «Ўша чоғда отаси хон ёрлиқ берди: «Ким денгизга бораин деса, (хузуримга) киринглар, ўғлим тигинга эш бўлинглар. Нима керак бўлса, барчасини бергаймиз. Ким сувда йўл бошловчи, кемачи бўлса, у ҳам келсин. Тигинни эсон-омон олиб бориб келинглар».

Излай-излай Баранас юртидан денгизда йўл бошловчи, ўта тажрибали, кўпни кўрган, қийин фалокатлардан ҳам соғ-омон қайтган, саксонга чиққан, кўзлари кўрмас бир қарияни топиб келтирдилар. Хон ўша қарияга ҳурмат юзасидан «сизлаб» гапиради: *Qaṅi xan inčä tep yarliqadi: Bir-kiä amraq oylumün siziṅä tutuzur-men, asan-tükäl kelürün,* – *tep yarliqadi.* – «Отаси хон шундай деб ўтинди: «Биргина арзанда ўғлимни Сизга тутқазяпман, эсон-омон олиб бориб келинг», – дея ўтинди».

Эътибор берсангиз, муаллиф нутқида хоннинг эл-улусга қаратилган сўзи ҳам, қарияга айтаётган сўзи ҳам *yarliṅ yarliqadi, yarliqadi* (яъни «ёрлиқ берди; буюрди») деб берилган. Матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда эл-улусга қаратилган сўзини «ёрлиқ берди», қарияга қаратилган сўзини эса «ўтинди; илтимос қилди» деб ўгирилса тўғри бўлади.

Ўз навбатида, қария ҳам хонга ҳурмат юзасидан «сизлаб» мурожаат қилади. Мана қариянинг айтган сўзлари: *Ötrü ol awičya iylayu xanqa inčä tep ötünti: Täṅrim, ne muṅ-taq bolti-kim, antay täṅri-teg, erdäni-teg ögükünüzni ölüm yeriṅä idur-siz? Ol taluy suwī ertiṅü qorqinčiy adaliy-ol. Öküš tinliylar barip, ölüglär bar; barsar yarayay-mu? – tep ötünti.* – «Сўнг ўша қария йиғлаб, хонга шундай деб ўтинди: «Эй тангрим, бу қандай кўргиликким, шундай фариштадек, жавоҳирдек суюклигингизни ўлим ерига юборяпсиз? Ўша денгизнинг суви жуда қўрқинчлидир. Кўп кишилар бориб, ўлиб кетди, энди биз борсак ярағайми?» – дея ўтинди».

Яна бир жиҳати, қисса давомида хоннинг улусга, ўз қарамоғидаги кишиларга айтган сўзлари, нутқи *yarliṅ yarliqadi, yarliqadi* (яъни «ёрлиқ берди; буюрди»), ундан қуйи мансабда турувчилар, оддий кишиларнинг хонга қарата айтган сўзлари, нутқи эса ҳамма ўринда *ötünti* (яъни «ўтинди») деб берилади.

Тингловчига ҳурмат буйруқ кўплигининг *-ṅ (-iṅ, -iṅ / -uṅ, -üṅ)* қўшимчаси билан ҳам ҳосил қилинган. Бу тўғрида Маҳмуд Кошғарий: «Турклар ҳурматлиларга ёки катта ёшлиларга сўзлаганларида, бирлик буйруқ

шаклининг охирига *yunna* ли *kāf* (яъни [ŋ]) орттириб қўллайдилар. Бу *yunna* ли *kāf* (яъни [ŋ]) уларда хурмат белгиси сифатида ўрин олган», – деб ёзган эди.

Сиёсий, расмий мурожаатнинг *иккинчи тури – ёзма нутқ*. Ёзма расмий-дипломатик нутқнинг тарихи туркий расмий услубнинг, давлат хужжатчилиги, дипломатиканинг шаклланиши ва такомилли билан узвий боғлиқ бўлиб, у улус эгалари номидан битилган қадимий битигтошлар, тарих китоблари, ёрлиқлар, буйруқ ва кўрсатмалар, хонлар ўртасидаги расмий ёзишмалар, васиқаларда тамғаланиб қолган. Ушбу хужжатлар тил тарихининг турли босқичларида амал қилган сиёсий, расмий-дипломатик нутқ, унинг ўзига яраша белгиларини ўрганишда муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади; расмий мулоқотнинг лингвокультурологик, этик-эстетик, халқаро-дипломатик ўлчовларини акс эттиради.

Муҳим белгиси, ёрлиқ ва расмий-дипломатик хатларда ҳукмдор нутқи муайян қолипда, хужжатчиликнинг ёзма услубий ўлчовларига таянган шаклларда юзага чиқади.

Тил тарихида «сиёсий, расмий-дипломатик нутқ» тушунчаси ва унинг атамалари

Қадимги туркий битигларда хоқонларнинг «сиёсий, расмий-дипломатик нутқи» *sab~saw* дейилган. «Сўз» маъносидаги *sab~saw* расмий матн унвонида истилоҳга айланиб, «буйруқ; фармон» маъноларини беради.

Жумладан, Билга хоқон битигида матн орасида хоқоннинг эл-юртга қарата айтган сиёсий чақириғи, нутқи берилган. Матннинг ушбу бўлаги *Tāŋri-teg tāŋri yaratmīš türk Bilgā qaŋan sabīm* («Кўкдай (улуғ) тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим») унвони билан бошланади. Бу ўринда *sabīm* «сўз; мурожаат»нинг хоқонга тегишли эканини, у «хоқоннинг нутқи» эканини билдиради (*қаранг*: Содиқов, Омонов 2010, 40 – 41).

Ўрта асрларга келиб қадимги *sab~saw* ўрнини *sōz* калимаси олди. У ҳам бурунгидай хонлар томонидан битилган буйруқ ва фармонлар, ёрлиқлар, расмий-дипломатик хужжатларнинг унвонларида истилоҳга айланиб, улус эгасининг «сўзи; ёрлиғи; нутқи» маъноларини англатган. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamīš sōzūm*, Шохрух Мирзонинг ёрлиғи *Šāhruh bahadur sōzūm* унвонлари билан бошланади. Бу ўринда *sōzūm* «менинг сўзим; ёрлиғим; фармоним; буйруғим» маъноларида келади ҳамда у ёки бу ёрлиқнинг юрт эгасига тегишли экани, унга қарашлилиги, унинг ўз

тилидан битилаётгани, яъни унинг нутқи эканлигини далиллайди. Бу атама, ўз навбатида, султоннинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқини англатади.

Улус эгаларининг эл-улусга қаратилган сиёсий, расмий-дипломатик нутқи, сўзи (яъни *sab~saw* ёки *söz*) қуйидаги битиг ва ҳужжатларда очиқланади:

Қадимги турк хоқонларининг нутқи ўша замонларда яратилган битигтошларга битилган бўлиб, ушбу ёзма ёдгорликлар матннинг ўзида ***bitig, bitigtaš, bānūtaš*** деб аталган. Жумладан, Кул тигин, Билга хоқон битигларида матннинг катта бир бўлаги Билга хоқоннинг нутқидан тузилган. Иккала битигда хоқоннинг нутқи *Tāñri-tāg tāñridā bulmiš türk Bilgā qaγan bu ödkä olurtum* («Кўкдай (улуғ) Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан] турк [яъни баҳодир] Билга хоқон бу тахтга ўтирдим») жумласи билан бошланган (қаранг: Содиқов 2004, 66 – 72). Ушбу жумла матн давомида келган сўзлар Билга хоқонга тегишли экани, яъни у хоқоннинг нутқи эканини билдиради. Шундан сўнг хоқон хоқонлик тарихи, ўзининг юрт тепасига келиши ва халқ тинчлиги, фаровонлиги йўлидаги улуғ хизматларини ўз тилидан ҳикоя қилади.

Муҳими шундаки, Кул тигин ва Билга хоқон битиглари тарихий-бадий асарлар бўлгани учун ундан жой олган хоқоннинг нутқи ҳам анча бадийлаштирилган.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқи қуйидаги битиг ва ҳужжатларда келади:

(1) Туроннинг султони Темурбег нутқи Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда эски ўзбек тилида ёздирган тошбитигида сақланиб қолган (қаранг: Содиқов 2016, 142 – 144). Ушбу битиг ***toba*** деб аталган. *Bu yergā yetip belgü bolsun tep bu tobanī qopardī* («Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди») дея қайд этилади битигда.

(2) Хонлар ва султонлар нутқи ёрлиқларда келади. Ҳужжатнинг бу тури матннинг ўзида ***yarliq~yarliq*** деб аталади. Жумладан, Тўхтамишхон номидан битилган ёрлиқ *Uluγ ulusniñ turuščaya dayi yaxšisi ol bolγay, tep altun nišanliq yarliq tuttuq.* – «Улуғ улуснинг бардавонлигига ҳам яхшиси шу бўлғай деб олтин нишонли ёрлиқ йўлладик» дея қайд этилган (Т. 21 – 23). Бу жумла ёрлиқнинг Тўхтамишхон тилидан битилганлигига ишора этади.

(3) Ҳукмдорнинг нутқи гувоҳномаларда берилади. Ҳужжатнинг бу тури эски ўзбек ҳужжатчилигида ***nišan*** отини олган. Жумладан, Шоҳрух мирзонинг Талхан ота мазорининг мужовури Исмоилга берган ёрлиғи матннинг ўзида ***nišan*** аталган. Бу атама «буйруқ; гувоҳно-

ма; тасдиқловчи ҳужжат»га тўғри келади. Ёрлиқда ўқиймиз: *ismāyil mujāvurnīj ewi-barīni tartīp tonup almasun, tep niš(ā)n berildi*. – «Исмоил мужовурнинг уй-жойини, мол-мулкини тунаб олмасинлар дея нишон берилди» (Ш. 11 – 12).

(4) Сиёсий, расмий-дипломатик нутқнинг яна бир кўриниши **bitig** ҳамда **bitig salām** дир. Хон ва султонлар ўртасидаги ўзаро ёзишмалар, расмий-дипломатик хатлар ана шундай аталган. Жумладан, Улуғ Муҳаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўллаган мактуби матннинг ўзида *bitig salām*, яъни «салом хат; мактуб» деб аталган (УМ. 18). Бунинг билан мактуб Улуғ Муҳаммад тилидан битилганлигига ишора этилади.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг ёрлиқлари ҳамда ёзишмаларида сиёсий, расмий-дипломатик нутқ

Олтин Ўрда ва темурийлар давридан қолган туркий ҳужжатларни мазмуни, мақсад-йўналишига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

(1) Султоннинг зафарли юриши ҳақида қайд этилган битиг (Темур-бегнинг тошга ёздирган битиги).

(2) Узоқ йиллик хизматлари учун давлат томонидан тақдирланаётган кимсаларга имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар (Темур Қутлуғ, Шоҳрух Мирзо ва султон Умаршайх ёрлиқлари);

(3) Турли мамлакатларнинг ҳукмдорларига йўлланган расмий-дипломатик битиглар. Бу турдаги хатлар ўз ичида яна икки турга ажралади:

(а) Хон ва султонларнинг қарам юрт ҳукмдорларига йўллаган расмий-дипломатик ёрлиқлари (Тўхтамишхон ва султон Абу Саид ёрлиқлари);

(б) Хонларнинг ўзаро тенг томонларга йўллаган мактублари (Улуғ Муҳаммад хоннинг II Муродга, Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга ҳамда Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактублари).

Ёрлиқ ва мактубларнинг бари хон ёки султонлар тилидан битилган. Тўғрироғи, ҳужжатлар хон ва султонларнинг ўз оғзидан ёзиб олиниб, сўнг уста хаттотлар томонидан оққа кўчирилган. Улар юрт эгаларининг расмий кишиларга, давлат идораларига қаратилган сўзлари бўлиб, эски ўзбек ёзма адабий тилидаги («чиғатой туркчаси»да амал қилган) сиёсий, расмий-дипломатик нутқни, расмий мулоқот маданиятининг лингво-культурологик, этик-эстетик ўлчовларини ифода этади. Муҳим жиҳатларидан бири, улардаги нутқ монологик характерга эга. Улардаги нутқ бир кишига, яъни ҳукмдорга қарашли.

Ёрлиқ ва мактубларнинг тури, мақсадига қараб матннинг баён услуби, ҳукмдор нутқи ҳам фарқланиб туради.

Масалан, имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар унинг ижросини таъминлови идораларга, бирор юридик ташкилотга ёки юридик кимсаларга (адресатга) қаратилган бўлади. Яъни ёрлиқ бирор кимсага имтиёз ҳуқуқини беришни кўзлаб тузилаётган эса-да, имтиёзга эга бўлаётган кимсанинг дахлсизлиги, эркинлиги, мол-мулкни сақлаш юридик ташкилотлар ва амалдорларга юклатилади. Буйруқ, кўрсатма ўша маъмурий ташкилот ёки юридик кимсалар, амалдорларга берилади.

Хонларнинг қарам юрт ҳукмдорларига йўллаган ёрлиқларида ёрлиқ йўлловчининг (адресант) нутқи бевосита ўша ҳукмдорга қаратилган бўлади; унга кўрсатма сифатида битилади. Гаплар мазмуни ҳам шунга қараб тузилади; лексик, морфологик шакллар, баён тарзи, стилистик воситалар шунга қараб танланади; нутқ ҳам шунга мос келади.

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубларда хон нутқи ўзга мамлакат ҳукмдорига қаратилган бўлади. Бундай мактубларда ҳурмат, илтимос, истак оҳанги кучли бўлади. Мақсадни юзага чиқариш илинжида адресант адресат шаънига илиқ сўзлар, мақтовлар айтади. Хат ўта кўтаринки услубда бўлиб, бадий-эпистоляр жанр даражасига чиқади.

Хонларнинг қарам юрт ҳукмдорларига йўллаган ёрлиқлари ҳамда имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар *sözüm* деб келган унвон билан бошланади (бу ўринда «унвон» «хужжатларнинг бошлама жумласи» маъносида).

Маълумки, Олтин Ўрда ҳукмдорлари ўзларини *xan*, Амир Темур ва темурийлар эса *sultān* атаганлар. Олтин Ўрданинг кейинги хонлари ҳам ўзларини, ҳар қалай, темурийларга эргашиб бўлиши керак, *sultān* атай бошладилар. «Хон» сўзининг маъноси «султон» демакдир. Булар – юрт эгаларининг даражаси. Ушбу даражалар уларнинг отига қўшиб айтилган: *Toqtamīš-xan*; *Sultān Muḥammad*; *Tūrānīñ sultānī Temür-beg*, *sultān 'Umar-šayx*, *sultān Abu Sa'id* сингари. Бундан ташқари, уларнинг унвонлари ҳам бор (бу ўриндаги «унвон» «ҳукмдорга берилган сифат, лақаб» маъносида); отларга қўшилаётган *bahadur*, *körägän* сингари сўзлар унвон бўлади.

Эътиборлиси шундаки, Олтин Ўрда хонларининг ёрлиқларида темурийлар битган ёрлиқлардан фарқли ўлароқ, хужжатлар бошламасида хонларнинг унвони қўшмай айтилган, тўғридан-тўғри *Toxtamīš sözüm*, *Temür Qutluy sözüm* деб кетилади. Темурийларнинг ёрлиқларида эса султонлар исми уларнинг унвони билан қўшиб айтилади: *Šāhruh bahadur sözüm*, *Sultān 'Umar-šayx bahadur sözüm*, *Sultān Abu Sa'id körägän sözüm* сингари.

Ёрликлар унвони доимо адресат (ёрлик йўлланаётган кимса ёки расмий ташкилотларнинг оти) билан қўшилиб келади. Бунда адресат жўналиш келишиги шаклида (-*ya*, -*gä* қўшимчаси билан) бўлади. Чунончи, Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sözüm Yağaylaya* («Тўхтамиш сўзим Яғайлага») деб бошланган (Т. 1 – 2). Ушбу бошламада *Toxtamiš sözüm* – унвон, *Yağaylaya* – ёрликнинг кимга қаратилганини англатувчи компонент (адресат).

Темур Қутлуғ ёрлиғининг бошламаси шундай: *Temür Qutluğ sözüm oñ qol, sol qolnıñ oylanlarıya, tümän edgü başlıy miñ, yüz, on beğlärigä, ički kentläriñ qazı, muftılarıya, maşāyih, sofilariya, devān bitigçilärigä, tamyaçı, tartnaqçilariya, yortar işlänçi, yolawçılarya, bükäwül, tutqawullarya, yamçı, süsünçilär, quşçı, barsçılarya, kemäçi, köprükçilärgä, bazarda turyanlarya!* – «Темур Қутлуғ сўзим ўнг қўл, сўл қўлнинг [ўнг қанот, сўл қанот] ўғлонларига, туман эзгу бошлиқ минг, юз, ўн бекларига, ички кентларнинг қози, муфтиларига, машойих, сўфиларига, девон котибларига, тамғачи, тартнақчиларига [яъни солиқ йиғувчи ва божхона хизматчиларига], иш юритувчи, йўл соқчиларига, бакавул [ошпаз], тутқавулларга, хат ташувчи, бекат нозирлари, қушчи, барсчиларга, кемачи, кўприкчиларга, бозорда турганларга [яъни бозор бошлиқларига]» (ТҚ. 1 – 12). Ушбу бошламада *Temür Qutluğ sözüm* унвон, қолганлари эса ёрлик қаратилаётган юридик кимсалардир.

Шохрух ёрлиғи *Šāhruh bahadur sözüm divānlarya* («Шохрух баҳодур сўзим девонларга») жумласи билан бошланади (Ш. 1 – 2). Бу ўринда *Šāhruh bahadur sözüm* – унвон. Унвонга қўшилаётган *devānlarya* сўзи ёрлик қаратилаётган юридик ташкилот (адресат)ни билдиради. Бу билан девон бошлиқларига мурожаат қилиниб, уларга кўрсатма берилмоқда.

Умаршайх мирзо ёрлиғининг бошламаси: *Sultān 'Umar-šayx bahadur sözüm divānlarya, barča Marʻīnan určinnıñ tüşämäl amaldār, sāhib čamlariya!* – «Султон Умаршайх баҳодур сўзим девонхоналарга, барча Марғинан юртининг тушим йиғувчилари, солиқ идораларининг бошлиқларига» (У. 1 – 4). Ушбу бошламада *Sultān 'Umar-šayx bahadur sözüm* – унвон. Унга қўшилаётган *divānlarya, barča Marʻīnan určinnıñ tüşämäl amaldār, sāhib čamlariya* ёрлик қаратилаётган юридик ташкилот ва кимсалардир.

Абу Саид битиги *Sultān Abu Sa'id körägän sözüm* («Султон Абу Саид кўраган сўзим») унвони билан бошланган (АС. 1). Мактубнинг кимга қаратилгани кейинги компонентдан англашилади. Унда қисқа салом билан мақсадга кўчилган: *Hasan beggä salām tegäč, söz ul-kim* деб асосий қисмга ўтиб кетилади.

Ўзга юрт ҳукмдорига йўлланаётган расмий-дипломатик мактубларнинг бошланиши ёрликлардан ажралиб туради. Уларда ҳукмдор нутқи

хат йўлланаётган томонга, яъни иккинчи бир ҳукмдорга қаратилган бўлади. Дипломатик хатларнинг бошланишида исломий этикетга кўра аввал Оллоҳнинг инояти, Муҳаммад алайҳиссалом мўъжизотига таҳсин айтиб, сўнг адресатга салом берилади. Ҳукмдор оти тилга олинганда таомилга биноан унвонлари кўшиб айтилади. Масалан, Улуғ Муҳаммад-хоннинг II Муродга йўллаган мактуби бошламаси шундай: *Haq ta'ālā 'ināyatīylā, Muḥammad rayyambar mo'jizātīylā Muḥammaddīn yāzī Murādqa salām.* – «Ҳақ таоло инояти ила, Муҳаммад пайғамбар мўъжизоти ила Муҳаммаддан ғозий Муродга салом» (УМ. 1 – 3). Бу ўринда *Haq ta'ālā 'ināyatīylā, Muḥammad rayyambar mo'jizātīylā* – битиг йўлланаётганлигининг шукронаси; унинг кетида турган хат йўллаётган кимса (адресант) чиқиш келишигида (*Muḥammaddīn*), хат йўлланаётган кимса эса унвони билан бирга жўналиш келишигида (*yāzī Murādqa*) берилган.

Маҳмудхон ҳамда Аҳмадхоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактублари Яратганнинг улуғлигига ишора қилувчи *Hūva* (яъни «У») сўзи билан бошланган. Ундан сўнг мақтову олқишлар билан Фотиҳ Меҳмедга хат йўлланаётгани маълум қилинади. Жумладан, Маҳмудхон мактубининг бошламаси: *Hūva. Bil-quvvati-l-Ahadiyya va bil-mo'jizāti-l-Muḥammadiyya val burhāniyyati-l-madadiyya xaladallahu mulkahu fil-Maḥmudiyya. Sarvar-i salāṭin ba'ināyat-i rabbu-l-'ālamīn sulṭān-i a'zam Muḥammad yāzīya.* – «У [Тангри (– буюқдир)]. Бир [Тангри] қуввати ва Муҳаммаднинг мўъжизоти ила ва бурҳон мадади билан, Оллоҳ Маҳмуднинг мулкини боқий қилсин. Тангри инояти ила султонларнинг буюги бўлмиш султони аъзам Муҳаммад ғозийга» (М. 1 – 6). Битиг йўлловчининг оти ҳам, хат йўлланаётган кимса ҳам шу ўринда қайд этилган. Шундан кейин *Kōp-kōp salām qīlīp vāṣil bolyandīn soḡ i'lām qīlīnur-kim* («Кўп-кўп салом қилиб, восил бўлгандан сўнг илом қилинурким») жумласи билан (М. 7) мақсадга кўчилади.

Аҳмадхон мактубида эса айтилганларнинг бари ҳатто ортиғи билан ўрнига қўйилган.

Туроннинг султони Темурбегнинг сиёсий, расмий нутқи. Соҳибқироннинг расмий нутқи Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда тошга ёздирган битигида етиб келган. Султоннинг буйруғи билан ёзилган битиг арабча ва эски ўзбек тилида («чигатой туркчаси»да). Битигдаги арабий матн басмала ва оятдан иборат. Туркийси уйғур ҳарфларида (қаранг: Содиқов 2016, 142 – 144).

Битигда улуғ воқеа – Тўхтамишхон устидан зафарли юриш бошлангани ҳақидаги хабар келгуси авлодга белги бўлсин учун (*belgū bolsun ter*) тошга муҳрланган. Уни мазмунига кўра «зафар битиги» дейиш мумкин.

Тарих китобларида ёзилишича, Темурбег жангга киришдан бир кун олдин қўшинга дам берди, ўзи уламою бошлиқлари билан теваракни айланди. Бир тепаликда тўхтаб, чуқур ўйга толди. Кейин эса уламога қўриниб турган катта бир қояга ушбу зафарли юриш ҳақида битиг ёзиб қолдиришни буюрди. Буюрганидай бўлди: битигнинг сўзларини ўзи айтиб турди; унинг айтганлари ёзиб олиниб, тошбитигчилар тошга ўйиб туширдилар.

Султоннинг номидан ёзилган битиг зафарли кун тарихи билан бошланади. Тарих (сана) гапда пайт ҳоли бўлиб, асл туркий қолипда берилган: аввал йил (ҳижрий ва мучал тартибида), сўнг ой кетма-кетлигидадир: *Tarix yeti yüz toqsan üçtā, qou yil yazniñ ara ay* – «Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ой(ида)». Сўнг ана шу санада Темурбегнинг уч юз минг қўшин билан Тўхтамишхон юртига юриш бошланганлиги маълум қилинади. Бунда султоннинг исми унвон ва даражаси билан берилган (*Tūrānniñ sultāni Temür-beg*). Гапнинг кесими *yoridī* («юрди») шаклида: *Tūrānniñ sultāni Temür-beg üç yüz miñ čerig bilā islām üčün Toxtamış-xan Bulyar xaniya yoridī* – «Туроннинг султони Темурбег уч юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамишхон Булғар хонига (қарши) қўшин тортиди».

Матннинг навбатдаги компонентида келажакка белги бўлсин дея битиг ёздирилганлиги таъкидланади. Тузилишига кўра мақсад эргаш гапли қўшма гап: *Bu yergā yetip belgü bolsun tep, bu tobanī qopardī*. – «Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди».

Султоннинг сўзи Аллоҳдан инсофу тўғрилиқ тилаш ва эл-улусга дуо билан тугайди. Бунда тилак ва дуо жумлалари истак шаклида бўлиб, кесими *-gāy, -yaу* қўшимчаси билан келган: *Tāñri nişfat bergāy, inşalla. Tāñri el kişigā rahmat qilyay, bizni du'ā bilā yād qilyay*. – «Тангри (бизга) нисфат [яъни тўғрилиқ, инсоф] бергай, иншооло. Тангри фуқарога раҳм қилғай, (эл) бизни дуо билан ёд қилғай».

Муҳими шундаки, Темурбегнинг буйруғи билан ёздирилган битиг ўзга кимса (учинчи шахс) тилидан битилган; унда дарак гапларнинг кесимлари *yoridī, qopardī* шаклида. Шундай эса-да, нутқ соҳибқиронга тегишли эканини далилловчи бир жумла бор: бу матннинг сўнгги *Tāñri el kişigā rahmat qilyay, bizni du'ā bilā yād qilyay* жумласидир. Унда *bizni du'ā bilā yād qilyay* дейилганда *bizni* сўзи орқали Темурбег ва унинг кишилари, чериги кўзда тутилмоқда.

Имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқларда ҳукмдор нутқи қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

Ёрлиқлар бир киши, ҳукмдор номидан чиқарилган эса-да, амалга оширилган яхши ишлар матн давомида ҳурмат, камтарлик юза-

сидан мажхул нисбатда берилади. Масалан, Шоҳрух мирзо ёрлиғида: *bir qoşluq altmış kivi yer suyuşyal berildi*. – «бир қўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилди» (Ш. 3 – 4). Ёки улус эгаси «манмансираб» эмас, кўп-ликда «биз» деб гапиради: *beg niş(ā)n bermiş erdük* – «бег-нишон бермиш эрдик» (Ш. 7).

Ёрлиқ берувчи ҳатто ўзи устида сўз борганда «мен» деб эмас, камтарлик билан «биз» деб айтади. Масалан, Темур Қутлуғ ёрлиғида: *İnç turup tınçlıq bilä şām-u sabāh avqāt-i şariflarıda bizgä, dayi biziş uruş-uruşimizya du'ā, alqış etä tursun*. – «(Шу қилган яхшиликларимиз эвазига) қойим туриб, тинчлик билан шому сабоҳ чоғларидаги ибодатларида бизга, яна бизнинг уруғ-аймоғимизга дуо, олқиш эта турсин» (ТҚ. 46 – 50).

Яна имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқларнинг хотима қисми – ёрлиқ берилганлиги, унинг санаси ва ўрни (тарихи) одоб юзасидан мажхул нисбатда бўлади. Масалан, Темур Қутлуғ ёрлиғининг хотимаси: *altun nişānliq, al tamyalıq yarliq berildi*. – «олтин нишонли, ал тамғали ёрлиқ берилди» (ТҚ. 51 – 52); *Mujavaranda erürdä bitildi*. – «Мужаваранда эканлигимизда битилди» (ТҚ. 55).

Шоҳрух Мирзо ёрлиғининг хотимаси: *nişān berildi* – «нишон берилди» (Ш. 12); *Bayi şaharda bitildi* – «Боғи шаҳарда битилди» (Ш. 13).

Ёки Умаршайх ёрлиғининг хотимаси: *muhurluş ni(şā)n ... Andigāndä bitildi*. – «муҳрли нишон ... Андиганда битилди» (У. 12 – 13).

Имтиёз ҳуқуқини берувчи хужжатларда имтиёз берилаётган кимсанинг эркинлиги, унинг ҳуқуқи кафолатлаб ҳам қўйилади. Бундай ўринларда стереотип жумлалардан фойдаланилади. Масалан, Темур Қутлуғ ёрлиғида: *salariya, safanči, ortaқčilariya-kim, kim ersä küç-uşya tegürmäsün* – «қўрғонларига, деҳқонлари ва ўртоқчиларигаким, кимса зўравонлик қилмасин» (ТҚ. 31 – 33).

Шоҳрух мирзо ёрлиғида: *Kim ersä mal tilämäsün, yasay alpaş salmasun, küç-uşya tegürmäsün*. – «Кимса (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зўравонлик қилмасин» (Ш. 5 – 6).

Умаршайх ёрлиғида бу жумла бир оз фарқли шаклда ишлатилган: *Heç kişi māl, taru tilämäsün, küç-uşya tegürmäsün*. – «Ҳеч киши (ундан) мол, дон-дун талаб қилмасин. Унга зўравонлик қилмасин» (У. 11 – 12).

Шунингдек, бу сингари ёрлиқларда юридик ташкилотларга, амалдор кимсаларга кўрсатмалар берилади. Ушбу кўрсатмалар буйруқ оҳангида. Жумладан, Темур Қутлуғнинг Муҳаммадга берган тархонлик ёрлиғида: *Barurıda-kelüridä, kirür-čiqarıda Qirimda, Kafada, qayu-ma türlüş ne ersä alurıda, saturıda tamya, tartnaş almasun. Tarxanlıq, tabanlıq, yol haqqı, qarawulluş tilämäsünlär. Tawar-qaralarin awlaş tutmasun. Qonaş tüşül tüşürmäsünlär. Süsün uluşa tilämäsünlär*. – «Борурида-келурида, кирар-чи-

қарида Қиримда, Кафада, қай турли нарса оларида, сотарида (улардан) ҳақ олмасинлар. Тарханлиқ, табанлиқ, йўл ҳақи, қоровуллик (ҳақи) тиламасинлар. Қорамоллари солиққа тортилмасин. Қўноқ тушул туширмасинлар. Қўшиндан улуфа тиламасинлар» (ТҚ. 38 – 44).

Қарам юрт ҳукмдорларига йўлланган расмий-дипломатик ҳужжатларда ёрлик йўлловчи кимсанинг нутқи қуйидаги белгиларга эга бўлади:

Халқаро-дипломатик ёрлиқларда улуғ улус хони ўзига қарам юрт эгасига «сенлаб» мурожаат қилади. Масалан, Тўхтамишхон қирол Яғайлига йўллаган ёрлиғида «сиз» деб эмас, «сен» деб ёзади: *Sen dayi keläcinni bizgä iydin erdi.* – «Сен ҳам ўз келадиган кишиларингни бизга йўллаган эдинг» (Т. 5 – 6); *baryan elčilärgä bergil* – «борган элчиларга бергил» (Т. 18 – 19).

Султон Абу Саид ҳам Ҳасан бегга «сенлаб» мурожаат қилади: *Señä dayi ma'lum durur-kim, ata yurti öz yurt bolur.* – «Сенга-да маълум турурким, ота юрти ўз юртинг бўлур» (АС. 27 – 28); *Men seña Teñri 'ināyatı birlä Misir, Rüm vilāyatlarını alip bergäy-men.* – «Мен сенга Тангри инояти бирла Миср, Рум вилоятларини олиб бергайман» (АС. 71 – 73).

Тўхтамишхон ёрлиғи улуғ хоннинг ўзига қарам юрт эгаси Яғайлига кўрсатма сифатида битилган. Унда икки юрт орасида юз берган фитна, фитначиларнинг қўлга олиниб, юртда тинчлик ўрнатилгани хусусида сўз боради. Энди эса бу ҳолатни англатиб янги элчилар юборилганлиги таъкидланади. Шундан сўнг мақсадга (буйруққа) ўтилади. Унда Яғайлига қарам юртларнинг хирожларини тўплаб, борган элчилардан бериб юборажаги, сўнг савдогарларнинг бурунги йўсинча иш тутишлари уқтирилади.

Бурун кечган воқеалар устида сўз борганда гап кесими *iydük erdi* («юборган эдик»), *çaqirup emişlär* («чақириб эмишлар»), *til bilä keldi erdi* («жосуслик билан келди») шаклларида қўлланган. Мақсадга кўчилгач, хоннинг кўрсатмалари буйруқ гап шаклида берилади: *Bizgä baqar ellärniñ cıqışların cıqarup, baryan elčilärgä bergil, hazinaya tegürsünlär. Basa burunqı yosunča bāzargān ortaqların dayi yürüşsünlär.* – «Сен бизга қарам юртларнинг хирожларини тўплаб, борган элчиларга бергил, хазинага етказсинлар. Сўнг савдогар ўртоқларинг бурунги йўсинча иш тутсинлар» (Т. 18 – 21). Буйруқ охирида ушбу ишлар юрт тинчлигини таъминлаяжаги таъкидланади: *Uluу ulusniñ turuşçaya dayi yaxşisi ol bolıyay.* – «Улуғ улуснинг бардавомлигига ҳам яхшиси шу бўлғай» (Т. 21 – 22).

Қарам юрт ҳукмдорига йўлланаётган ёрлиқларда тингловчига буйруқ *-yil, -gil* қўшимчаси билан берилади (*bergil, kelip körgil* сингари). Ўзгага буйруқ эса *-sun, -sün* (қўплиги *-sunlar, -sünlär*) қўшимчаси билан ҳосил қилинади (*keçmäsün, hazinaya tegürsünlär* сингари).

Ёрлиқнинг хотима қисми – ёрлиқнинг битилганлиги ва санаси одоб юзасидан кўпликда берилади: *altun nišanliq yarliq tuttuq*. – «олтин нишонли ёрлиқ йўлладик» (Т. 22 – 23); *Ordu Tanda erürdä bitdimiz*. – «Ўрда Танда [яъни Дон дарёси ёқасида] эканлигида битдик» (Т. 24 – 25).

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзига қарам юрт ҳукмдорига йўлланаётган ёрлиқларда «мен» оҳанги анча кучли бўлади. Бу нарса, айниқса, Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган хатида яққол кўзга ташланади: *Men dayi Täñri 'ināyatiya siyiniñ seniñ üstünä yürüdüm tep bildürä yibärip erdim*. – «Мен ҳам Тангри иноятига сиғиниб, сенинг устинга юрдим деб билдиргулик юбориб эдим» (АС. 47 – 48); *Ägär men özüm barmaqliq häjat bulmayin oylanlarimdin basa beglärdin, çerigdin ne miqdär keräklik bolsa, yaraq körüp tiläsän, ul çaqliq kişi yibäräyin*. – «Агар мен ўзим бормоққа ҳожат топмай, ўғлонларимдан, сўнгра беклардан, черигдан не миқдор керакли бўлса, (черигнинг) ҳарбий аҳволини қараб чиқиб, яна тиласанг, ул чоқли киши юборайин» (АС. 56 – 59); *Men señä Täñri 'ināyati birlä Misir, Rüm vilāyatlariniñ alip bergäy-men*. – «Мен сенга Тангри инояти бирла Миср, Рум вилоятларини олиб бергаймен» (АС. 71 – 73).

Тўхтамишхон ёрлиғида ўзини улуғлаш, юқори қўйиш ва эътиборни ўзига тортиш мақсади хат кўринишида (хуснихатда) ҳам кўзга ташланади. Чунончи, матнда *Toxtamiš sözüm; bizgä; Täñri bizni yarliqap* сўзлари зарҳал рангда бошқа сатрлардан ажратиб ёзилган.

Дипломатик нутқда адресатга нисбатан турли стереотип бирликлар, ўрни билан бадий нутқ элементларидан ҳам фойдаланилади. Жумладан, ўрта асрларнинг дипломатик ҳужжатларида ўзига қарам кишиларга, қарам юрт эгаларига нисбатан *ini-оғуллиқ, xidmatkārliq*, яқинлик маъносида *dostluq, qarindašliq* бирикмалари ишлатилган. Бунда ҳукмдорнинг сиёсий мақсади ҳам бор: қарам юрт эгасини ўзига яқин олаётганлигини билдириб қўйиш, авраб қўлга олиш учун ҳам шундай йўл тутилган. Султон Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган мактубида ўқиймиз: *Ini-оғуллиқ, dostluq, qarindašlıyiqni bildürdün*. – «(Сен бизга) ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлиғингни билдирдинг» (АС. 21); *Bu çaqliq inilik, qarindašliq, xidmatkārliqni sen qildin*. – «Бунга тенг келадиган [яъни бунга арзирли] инилик, қариндошлик, хизматкорликни сен қилдинг» (АС. 59 – 60); *Mundin soñra dayi ini-оғуллиқ xidmatkārliqni artturyay-sen*. – «Бундан сўнг ҳам ини-ўғиллик, хизматкорликни орттирғайсен» (АС. 64 – 65).

Dost, duşman сўзлари орада тузилган аҳднинг мустаҳкамлигини ҳам билдиради: *Senin bilä ahd qilyanda bir-birimizniñ dostiya dost, duşmaniya duşman bolali tep söz keçip erdi*. – «Сенинг билан аҳд қилганда бир-биримизнинг дўстига дўст, душманига душман бўлайлик деб сўз кечиб эрди» (АС. 43 – 44).

Ўзаро тенг томонларга йўлланган мактубларда хоннинг нутқи куйидагича тузилади:

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактублар икки мамлакат ўртасида сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатиш, борди-келдини мустақкамлаш, ёвуз кучлар билан бирон қалтис вазият чиққудек бўлса, теварагида уни қўлловчи хоқон туришини таъминлаш мақсадида ёзилади. Шунинг учун хатда ўзаро келишувга, дипломатияга катта урғу берилади: адресатга одоб доирасида, ҳурмат ва илтифот билан муносабат билдирилади; адресатнинг ҳурмати учун унинг шаънига мақтовлар айтилади. Мазмун кўтаринки, имкон қадар бадий жумлалардан кенг фойдаланилади. Уларда илтимос, истак оҳанги кучли бўлади. Бундай хатлар расмий-дипломатик характерда бўлишига қарамай, муайян маънода уларни эпистоляр жанрга (мактубот жанрига) киритиш мумкин.

Авалло, мактуб йўллаётган хон адресатга «сизлаб» мурожаат қилади. Масалан, Улуғ Муҳаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўлланган мактубида: *Sizniñ esän-tügällik(ni) körüp kelsün tep, Hāji 'Ibād Bārāk(?) dīn bitig salām iḡduq.* – «Яна Сизнинг эсон-омонлиғингизни кўриб келсин дея Ҳожи Ибод (?) дин мактуб юбордик» (УМ. 17). Ёки Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактубида: *Sizniñ esänlikni körgüzä ayir salām, yeñil böläk yetkürä avāyildin berü qadimī du'ā'čimiz Hāji Aḡmad atliḡ elčilärni iddük.* – «Сизнинг эсонликни кўргизиб, қадрли салом, енгил ҳада етказиб, авойилдан бери қадимий дуочимиз Ҳожи Аҳмад отли элчиларни йўлладик» (М. 18 – 20).

Хат йўлланаётган ҳукмдорнинг сифатлари, унвони таърифи билан қўшиб айтилади. Масалан, Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактубида: *Sarvar-i salātin ba'ināyat-i rabbu-l-'ālamīn sultān-i a'zam Muḡammad yāzīya* – «Тангри инояти ила султонларнинг буюги бўлмиш султони аъзам Муҳаммад ғозийга» (М. 6). Ёки Аҳмад хон ўз хатида Фотиҳ Султон Меҳмедга узундан-узоқ мақтов ва ўгдулар билан мурожаат қилган.

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубларда бадий-стереотип жумлалар кўп учрайди. Жумладан, уларда: *elči-kelāčisi kelišip, bāzīrgān arḡšlarī yürüşip, böläk-salāmlarī yetišip, esänlik-tügälliklärin bilišilüp, dostluq-qarındašliq birlä* («элчи-сўзчиси келишиб, савдогар карвонлари юришиб, совға-саломлари етишиб, эсон-омонликларини билишиб, дўстлик-қариндошлиқ бирла») бирикмалари қўлланади. Булар икки юрт ўртасида ўзаро илиқ муносабатлар, савдо-сотик, дўстлик алоқалари кечганини эслатиб қўйиш мақсадида ишлатилади. Бу бирикмалардан ҳар бирининг ўз сиёсий, шу билан бирга, бадий-стилистик вазифаси бор: *elči-kelāčisi*

ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРДА САНА ВА УНИНГ АЙТИЛИШИ

Ёзма ёдгорликларда санани айтишнинг йўли ўзига яраша: бирор воқеанинг санаси кўрсатилганда аввал йил, кейин ой, сўнгра кун айтилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарида *yil-au-kün* деган атама қўлланилган. Бунинг маъниси «тақвим»дир. Муҳим жиҳати, бу атама шу туришида санани айтиш кетма-кетлигини акс эттирган.

Қадимги туркларда мучалйил саноғи амал қилган. Кўк туркларда ойларнинг оти йўқ: улар тартиб кўрсаткичи билан юритилган. Бир мисол. Кул тигин битигининг якунида саркарда Кул тигин ўлимининг ва унинг хотирасига атаб ўтказилган йўғ маросимининг санаси шундай берилади: *Kül tigin qoñ yilqa, yeti yigirmikā ucdī. Toquzunč ay yeti otuzqa yoq ertürtimiz.* – «Кул тигин қўй йилида, (биринчи ойнинг) ўн еттинчи кунда (731 йил 27 февраль) ўлди. Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида (731 йил 1 ноябрь) йўғ маросимини ўтказдик» (К. III).

Эътибор берилса, биринчи санада ой кўрсатилган эмас, фақат кун қайд этилган. Нечанчи ой тўғрисида сўз бораётганини кейинги жумладан билиш мумкин. Кейинги жумлада йилнинг тўққизинчи ойи (*toquzunč ay*) қайд этилган. Демак, аввалги жумлада йилнинг биринчи ойи кўзда тутилмоқда.

Туркий ёзма ёдгорликларда сана кўпинча асар якунидаги тарихда қайд этилади. *Тарих* асли «сана» демақдир. Лекин шарқ манбашунослигида асар охиридаги якуний маълумотларни *тарих* дейиш русум бўлган. Сабаби, матннинг якуний маълумотлар келтириладиган бўлимида (тарихда) унинг санаси келтирилади. Тарихда асарнинг битилган (йирик асарларда уларнинг кўчирилган) санаси, котиби, ери тўғрисидаги маълумот берилган бўлади. Сана тарихнинг биринчи, шу билан бирга, энг керакли компонентиدير.

Илмий терминологияда тарих *колофон* (рус манбашунослигида «выходные данные») ёки *datum* ҳам дейилади.

Туркий ёзма ёдгорликларда тарихни бериш тартиби ҳар хил: масалан, тилхатларда келтирилган тарих ёрлиқлар тарихидан айрича. Ёрлиқлар, тарихий ёки бадий асарлардаги тарих уч компонентдан тузилган бўлади: сана, матнни кўчирувчи котибнинг оти, матн битилган ер. Туркий тарих ана шу компонентларнинг бирлигидан иборат.

Анъанага кўра, тарихдан аввал асар тугаганлиги қайд этилади. Бу гап *tügädi* // *tügändi* ёки *tamām boldi* сўзлари билан бошланади. Ёки гапнинг кесими *tamām boldi, bitildi*, унинг котиби қайд этилган бўлса, *bitidi, bitidim* сўзлари билан тугайди. Масалан, «Кутадғу билиг» уйғур ёзувли

Ҳирот нусхасининг охирида асар кўчириб тугаллангандан кейин битилган тарих *Tügändi Qutadyu kitabi* деб бошланади. Ёки Британия музейида Or.8193 сони остида сақланаётган уйғур ёзувли қўлёзмадан ўрин олган «Муҳаббатнома»нинг охирига тарихдан аввал *Tamām boldi Muḥab(b) atnāma kitābī* деб ёзиб қўйилган. Қўлёзмаларда асар тугаганлиги маълум қилинган, унга баъзан *Qutluḡ bolsun; Qutluḡ bolsun, davlat kelsün, mehnat ketsün* деган тилаклар ҳам қўшиб қўйилади.

Ислом даври матнларида сана кўпинча *tarix* деган умумлаштирувчи сўз билан бирга қўлланади ва бу билан матннинг битилиш санасига ишора қилинади. Масалан: *tarix sekiz yüz otuz beštä; tarix sekiz yüz qırq üčtä* сингари.

Ислом даври матнларидаги йил саноғи ҳижрийда. Масалан, *sekiz yüz qırq üčtä* дейилганда ҳижрий «саккиз юз қирқ учинчи йил» кўзда тутилади. Ундан кейин туркий мучалийил оти келтирилади. Бундай матнларда ой отлари ҳам мусулмон тақвими асосида.

Табиийки, кейин ойнинг нечанчи куни эканлиги таъкидланади. Баъзан бунга ҳафтанинг куни ҳам қўшиб қўйилади. Шу сингари бир-икки ўзгачаликларни айтмаганда, компонентларнинг кетма-кетлиги, жумла тузилишида ислом даври матнчилигидаги сана битиш аъъанаси ўзидан бурунги давр матнчилигидан унча фарқ қилмайди. Ислом даври матнчилиги қадимги туркий аъъанани сақлаган.

Бадиий матнлардаги тарих битиш тартибини «Қутадғу билиг»нинг Ҳирот қўлёзмасидан олинган мисол билан далиллаймиз. Чунончи, асар кўчириб тугалланган ўриндаги тарих шундай: *Tügändi Qutadyu kitabī tarix sekiz (yüz) qırq üč yilta qoy yil muhar(r)am ayniñ törti Haruda.*

Ёки айни қўлёзманинг бошқа бир ерида берилган тарих қуйидагича: *Tarix sekiz yüz qırq üčtä qoy yil axiri muhar(r)am ayniñ tört yanisi Haru šahrında bitildi.*

«Ҳибату-л-ҳақойиқ» Истанбул нусхасининг охиридаги тарих эса шундай: *Tarix sekiz yüz seksän dördä toñuz yili zulqada ayiniñ on yetisidä šamba küni tamām boldi. Qutluḡ bolsun, davlat kelsün, mehnat ketsün tep Šayxzāda 'Abdulrazzāq baxšī Qustantaniyada bitidi.*

Уйғур ёзувли «Муҳаббатнома»нинг охирига битилган тарих: *Qutluḡ bolsun. Tarix sekiz yüz otuz beštä čičqan yil rajap ayniñ altisında Yazd šahrında Mir Jalāl(id)din buyuryan üçün bu faqir Mansur baxšī bit(i)di.*

Уйғур ёзувли «Тазкирайи авлиё» асарининг якунига шундай тарих битилган: *Emdi tazkirada bitilgän mašāyix avliyälarniñ hikāyat sözläri tügätildi. Tarix sekiz yüz qırqta at yil jumādul-āxira ayniñ onida Heruda Abu Malik baxšī bitidim.*

Ана шундай тарих битиш анъанасини ўрта асрларнинг ёрликлариди ҳам кузатамиз. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига уйғур хатида йўллаган ёрлиғи охирида берилган тарих шундай: *Taqayı yil tarix yeti yüz toqsan beštä rajap ayiniñ sekiz yañida ordu Tanda erürdä bitiglädimiz* («Товуқ йили, тарих етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни ўрда Танда эканлигида ёздик»).

Олтин Ўрда хони Темур Қутлуғнинг 1397 йили уйғур ёзувида битилиб, сатрма-сатр араб хатида изоҳи келтирилган ёрлиғида унинг ҳижрий 800 йил (1397) барс йили, шаъбон ойининг олтинчи кунида Узу сувининг ёқасида Мужаваранда битилганлиги қайд этилади: *Tarix sekiz yüzdä bars yili ša'ban ayiniñ altinči künidä Üzü suyiniñ kanarida Mujavaranda erürdä bitildi*.

Шохрухнинг Ҳиротнинг Чечактўба мавзеидаги Талхан ота мазорининг мужовури Исмоил номига берган уйғур ёзувли суюрғалида қайд этилган тарих: *Tarix sekiz yüz yigirmi bešidä ud yil muharram ayniñ yigirmi ikisidä Bāy-i Šaharda bitildi* («Тарих саккиз юз йигирма бешинчи, сигир йили, муҳаррам ойининг йигирма иккисида (1422 йилнинг 16 январи) Боғи шаҳарда битилди»).

Тилхатларда тарихни келтириш шакли булардан фарқ қилади. Ортиғи билан қайтариш эвазига олинган нарса ёки тушумидан улуш олиш шарти билан ишловга олинган ер учун ёзилган расмий ҳужжатлар (тилхатлар), одатда, ўша нарса насияга олинган санани қайд этиш билан бошланади.

Муҳим белгиларидан бири – тилхатларда (одатда, унинг охирида) тилхат бераётган киши, ҳатто хатни ёзган котиб, гувоҳлар ҳам қайд этилади. Бироқ хатнинг ёзилган санаси ва битилган ери кўрсатилмайди.

Шу ўринда Берлинда сақланаётган Турфондан топилган уйғур ёзувли расмий ҳужжатларнинг саналарини кўриб чиқамиз:

U 5238 сони билан сақланаётган ҳужжат шундай бошланади: *Taqiyu yil aram ay alti ...* («Товуқ йили арам ойининг олти ...»). Бу ўринда *aram ay // ram ay* қадимги уйғур тақвимининг биринчи ойидир.

U 5329 сони билан сақланаётган уч қаторли ҳужжат *Toñuz yil ücünç ay bir ...* («Тўнғиз йили, учинчи ойининг бир...») деб бошланган.

U 5316 сони билан сақланаётган уч меш май (*üç qar sücük*) олинганлиги ҳақидаги тўрт қатордан иборат бўлган ҳужжат *Ud yil yitinc ay bir otuzqa* («Сигир йили еттинчи ойининг йигирма бирида») деб бошланади.

U 5314 сони билан сақланаётган беш қаторли ҳужжатнинг бошланиши шундай: *Tawšan yil onunç ay tört yigirmikä* («Товушқон йил ўнинчи ойининг ўн тўрттинчи куни»).

U 5301 сони билан сақланаётган уч қаторли хужжатнинг бошланиши: *İt yil onunç ay biş yañıqa* («Ит йил ўнинчи ойнинг бешинчи куни»).

U 5291 сони билан сақланаётган ўн қаторли хужжат *İt yil bir yigirminç ay tö[rıt ..]* («Ит йил, ўн биринчи ойнинг тўрт ...») деб бошланган.

U 5284 сони билан сақланаётган тўрт қаторли хужжатнинг бошланиши: *Ud yil ç(a)xš(a)p(a)t ay iki otuzqa* («Сигир йил чахшапат ойнинг йигирма иккинчи куни»). Матнда учраган *ç(a)xš(a)p(a)t ay* рўза ойи, тақвимнинг ўн иккинчи ойидир.

Бундай хужжатларда келтирилувчи тарих учта компонентдан тузилган бўлади: йил, ой, кун. Йил, одатда, мучал йил отлари билан келтирилади.

Ислом давридан аввал яратилган матнларда ой икки хил тартибда берилган: 1) ойнинг тартиб кўрсаткичи айтилади: *birinç ay, ikinç ay, üçünç ay* сингари. Бу тартиб туркий тиллар тарихидаги энг эски тартибдир; 2) ой қадимги уйғур тақвими (будда тақвими, монийлик даврида ҳам турклар ана шу тақвимдан фойдаланган) асосида келтирилади. Бу тақвимга кўра, ҳар қайси ойнинг ўз оти бўлган. Масалан: *aram ay // ram ay* [*<сyғд. r'm*] – қадимги уйғур тақвимининг биринчи ойи. Ёки: *ç(a)xš(a)p(a)t ay* [*<скр. siksapada*] – рўза ойи, тақвимнинг ўн иккинчи ойи. Ушбу тартиб турклар буддизм ва монийликни қабул қилганларидан кейин оммалашди.

Қадимги туркларда кунларнинг оти йўқ, улар ўз тартиби билан айтилади. Фақат ойнинг биринчи кунлари (одатда, биринчи ўн кунлик) тилга олинганда унга *yañi* сўзи қўшиб айтилади. *yañi* «ойнинг биринчи куни» деган маънони англатади. Масалан, *biş yañıqa* дейилганда «янги ойнинг бешинчисида, ойнинг бешинчи кунида» деб тушунилади.

Ислом давридан бошлаб ҳафта кунлари ҳам оммалашди. Шунинг учун ислом даври матнларида ой кунларидан кейин ҳафта кунлари ҳам қўшиб қўйилган.

Демак, туркий тиллар тарихидаги саноқ кишилиқ ҳисоб-китоб тушунчаларининг келиб чиқишидан бошлаб унинг тугал бир тизимга айланишига қадар давом этган узоқ асрлик тараққиётини ўзида акс эттиради.

ҚАДИМГИ ТУРК МОНУМЕНТАЛ МАТНЛАРИНИНГ УСЛУБИ

Монументал матн деганда ўликлар хотирасини мангулаштириш истагида мазор тошларига ёзилган битиглар, зиёратчилар томонидан қоятошларга, шунингдек, бирор улуғ тарихий воқеалар сабаб бўлиб тошларга ёзиб қўйилган ёзувлар тушунилади. Кўк турк ёзувли енисей битигларида бу сингари монументал матнлар $\text{𐰽𐰺𐰍 beḡü} \sim \text{𐰽𐰺𐰍 beḡkü} \sim \text{𐰽𐰺𐰍 beḡdū}$ дейилган. Ҳозирги матншуносликда *монументал матн* билан бирга *эпиграфик матн* атамаси ҳам қўлланмоқда. Эски туркчада унинг ҳам ўз атамаси бор. Кўк турк ёзувли ўрхун битигларида эпиграфик матн 𐰽𐰺𐰍 bitigtaš , енисей битигларида эса $\text{𐰽𐰺𐰍 beḡkü qaya} \sim \text{𐰽𐰺𐰍 beḡkü qaya}$ дейилган.

Кунимизга қадар сақланган турк монументал битигларининг энг кўҳнаси ўрхун обидаларидир. Битиглар улуғ йўлбошчилар, миллий қаҳрамонлар хотирасига битилган ёдномалар бўлиб, уларда халқ қаҳрамонларининг кўзи тириклигида олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва фаровонлиги, тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ёд этилади. Битигларда тарихий воқеалар ажойиб тил билан, бадий услубда баён этилган. Муҳими, битигтош ижодкорлари ўша кезлардаёқ фикрни эл улусга, келгуси ўғил-қизларга етказишнинг энг таъсирчан йўлини топганлар. Улар битигларда тарихий баён, расмий, монументал матнларга хос кўтаринкилик, эпитафияларга хос қайғули оҳанг – бари-барини ўзида мужассамлаштирган синкретик услубни қўллаганлар.

Унутмаслик керак, қабртошлардаги ёзувларнинг бари бадий услубда эмас. Юқорида енисей битигларининг кўпи бадий услубда битилганини таъкидлаган эдик. Бироқ айрим битигларда ўлик тўғрисида маълумот берилган, холос. Ўрнак учун III Тува битигини ўқиймиз (Orkun, 580 – 582):

- (1) Qara qan içrâki ben Äzginä
- (2) altı otuz yaşıma erti
- (3) ben öltüm. Türgäs el içintä beg-ben. Bitig ...

Мазмуни: «Қорохон саройида мен Азгина йигирма олти ёшимда эди мен ўлдим. Тургаш элда бегман. Битиг...»

Баъзи қабртошларга марқад эгасининг ўлган вақти қайд этилади, унинг отини ёдга олиб дуо айтилади. Табиийки, бундай матнларни бадий асарлар деб бўлмайти. Насроний муҳитида яратилган турк қабртошларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. 1313 йили тикланган Денха Арим ёдгорлигининг (Малов 1959, 78 – 79) услубига эътибор беринг:

- (1) Aleksandros qan
- (2) saqış(i) miñ alti
- (3) yüz yegirmi tört
- (4) erdi.
- (5) Ut erdi.
- (6) Bu qabra
- (7) Denxa Arim
- (8) Batmaniñ turur.
- (9) Yat bolsun! Kelmiş
- (10) yaziqıñ puşu bolsun.

Мазмуни: «Александр хон тарихи минг олти юз йигирма тўрт (инчи йил) эди. (Туркча ҳисобда) сигир (йили) эди. Бу қабр Денха Арим Бамтаникидир. Ёд бўлсин! (Қабр тепасига) келган (Яратгандан марҳумнинг) гуноҳларидан ўтишни сўрасин».

Эпиграфик матнларнинг баъзилари тарихий саналарни, муҳим воқеаларни қайд этиш учун битилган. Бундай матнларнинг услуби-да айри. Матнда унинг ким томонидан битилганлиги, ёдгорлик ўрнатилишининг мақсади, муҳим тарихий воқеа ва, албатта, сана қайд этилади. Шу ўринда Амир Темурнинг етти юз тўқсон учинчи йил кўкламида (1391 йилнинг апрели) Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда эски ўзбек тилида («чиғатой туркийси») ёздирган битигини мисол келтирамиз. Султоннинг номидан ёзилган битиг ўн бир сатрли бўлиб, илк уч қатори арабча, кейинги саккиз сатри уйғур хати билан туркий тилда битилган.

Арабча хатнинг биринчи қатори басмала, кейинги икки сатри оят. Уйғур ҳарfli туркий матн нисбатан яхши сақланган (қаранг: Содиқов 2016, 142 – 144).

Туркий битиг шундай ўқилади: *Tarix yeti yüz toqsan üçtā, qoy yil yazniñ ara ay Türānniñ sultāni Temür-beg üç yüz miñ çerig bilā islām üçün Toxtamiş-xan, Bulyar xaniya yoridi. Bu yergā yetip belgü bolsun tep bu tobanī qopardi. Tenri nişfat bergāy inşalla. Tenri el kişigā rahmat qilyay, bizni duā bilā yād qilyay.*

Эски ўзбек тилидаги ушбу матн ҳозирги тилимиздан бир оз фарқли. Матндаги *yaz* сўзи «кўклам, баҳор» деган маънони беради. Матнда яна *el kişi* бирикмаси ҳам бор. Бу ўринда *el* «юрт, мамлакат», *el kişi* эса русчадаги «гражданин» деган тушунчани беради. Битигдаги *toba* сўзи «ёдгорлик, битигтош» англамидадир. Битигнинг эътиборни тортадиган яна бир хусусияти ундаги тарих (сана) асл туркий қолипда: аввал йил (ҳижрий ва мучал тартибда), сўнг ой, кун кетма-кетлигидадир.

Амир Темур битигда *Temür-beg* деб тилга олинган. Бу исмдаги *beg* унинг даражасидир. У «амир»га тўғри келади.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда битигнинг мазмуни шундай бўлади: «Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ой(ида) Туроннинг султони Темурбег уч юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамишхон, Булғар хонига (қарши) қўшин тортди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди. Тангри (бизга) нисфат [яъни тўғрилиқ, инсоф] бергай, иншооло. Тангри фуқарога раҳм қилгай, (эл) бизни дуо билан ёд қилгай».

У. Серткая уйғур ёзувли матннинг биринчи жумласини *Tirix yedi yüz toqsan üçtä qoy yıl yerniñ uyanı turanniñ sultāni Temür-bek üç yüz miñ çerik bilä ismi ücün toqtamiş qanqa bulyar qanıqa yoridı* кўринишида ўқиб, туркчага «Tarih yedi yüz doksan üçte, Koyun yıl(ında), yerin (cihanın) sahibi, turanın sultanı Temür Bey, üç yüz bin asker ile, ismi (islam?) için Toktamış Han'a, Bulgar Hanı'na yürüdü» дея таржима қилган (Sertkaya 2007, 36 – 37).

Эътибор берсангиз, битигда Темурбег ўз салтанатини *Tūrān* деб атамоқда. Темурбег мамлақати, аслида, шундай аталган. Матнда ҳукмдор ўзини *Tūrānniñ sulṭāni*, отини эса *Temür-beg* деган: *Tūrānniñ sulṭāni Temür-beg*. Султоннинг оти туркий тилдаги бошқа ҳужжатларда ҳам шундай. Масалан, Султон Абу Саиднинг уйғур ёзувли васиқасида у *Sāhibqirān Temür-beg, Beg, Sāhibqirān Beg, Temür-beg* деб берилади. Янада муҳими битигнинг араб хатида эмас, балки қадимги уйғур ёзуви ва туркий тилда эканлигидир. Бу ҳам Темурбег ўзининг тарихий ёзмалари, йилнома-лари, расмий ёрлиқларини уйғур хатида биттирганидан далолат беради. Темурийлар тарихини битган муаррихлар ўз асарларини ёзишда уйғур ёзувида битилган ана шундай йилнома, тарихий ҳужжатлардан фойдаланганларини ҳам қайд этиб ўтганлар.

Ташриф битиглари ҳам услуб жиҳатдан ажралиб туради. Бундай ёзувлар кўпроқ муқаддас қадамжоларга битилган. Битигда зиёратчининг оти, зиёрат тарихи аниқ кўрсатилади. Бунга Қирғизистоннинг жанубида Акбейит яқинидаги Унгир деган жойдаги қоятошга уйғур хатида ёзилган битигни мисол келтиришимиз мумкин. Битиг шундай ўқилади:

Yil tört yüz altmıñ altıda men Qumar Arāmük munı bitidim. Yil bars yili erdi, beşi(n)ç ay on erdi. Tuşambat (?) kün erdi. Qutluğ bolsun, inša(a)la.

Мазмуни: «Йил тўрт юз олтмиш олтида (милодий 1061 – 1062) мен, Кумар Арамук, бун битдим. Йил барс йили эди. Бешинчи ой(нинг) ўн(инчи кун)и эди. Тушамбат (?) кун эди. Қутлуғ бўлсин, иншоолло» (Содиқов 1997, 91).

ИСЛОМ ДАВРИ ҚАБРТОШЛАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

Қабртошлар ўтмишнинг ўзига хос санъат асари, архитектура ёдгорлиги бўлиб, уларни тайёрлаш жуда катта меҳнат ва маҳоратни талаб этган. Бошлаб ёдгорлик учун ноёб ва қимматли тош танланган. Тарихий манбаларда бундай тошлар ҳукмдорлар буйруғига кўра баъзан узоқ ўлкалардан ташиб келтирилганлиги тўғрисида хабарлар бор. Келтирилган ашё тош йўнувчи уста (сангрез)га топширилган. У тошни йўниб сандиқбичимли ёки бешикбичимли шаклга солган. Бу орада тошга битилгучи ёднома матни ҳам тайёрлаб қўйилган. Матн, одатда, олим, муаррих ё шоирлар, диний уламолар томонидан тузилар эди. Улуғ кишиларга аталган ёдномани тузиш учун баъзан улар орасида танлов ҳам ўтказилган. Матнлардан энг маъқули, талабга жавоб берадигани танлаб олиниб, хаттотга топширилган. Тошни безашда наққошнинг хизмати айрича ўрин тутади. У силлиқланган тошнинг юзаси ва ёнбағирларини нақшлар ҳамда ислом санъатида оммалашган геометрик шакллар билан безаган. Ҳар қалай, кейинги жараён хаттот билан биргаликда бажарилган дея оламиз. Чунки тошнинг қанчалик чиройли чиқиши хаттот ва наққошнинг биргаликдаги меҳнатига боғлиқ эди. Бу юмушлар тугагач, тош сангтарошга топширилган. Сўнгги ва энг заҳматли ишни сангтарош якунлаган. Шундай қилиб, чиройли бир қабртошни тайёрлаш учун ойлаб вақт сарфланган.

Ўрта аср ислом маданияти тарихида турли маданият ва санъат марказларида сангтарошлик мактаблари шакллангани маълум. Бу даврларда, айниқса, Самарқанд-Кеш сангтарошлик мактаби шуҳрат қозонган. Самарқанд-Кеш усталарининг ишларини бошқа ерлардаги ёдгорликларда ҳам кузатамиз. Бу усталарнинг меҳнатига талаб катта бўлган ва эътиборли кишилар хотирасига қабртош ясаш учун улар таклиф этилган.

Шакли, ишланишига кўра турли даврларда яратилган қабртошлар бир-биридан ажралиб туради. Қабртошларнинг юксак даражада ишланган, классик тури сандиқ кўринишидадир. Биз уларни шартли равишда «сандиқ бичимли» қабртошлар деб атадик. Шундай аталса-да, уларнинг тепа қисми бўртган, айвон пештоқи кўринишида. Ҳатто тошнинг тўрт устунни ҳам кўпинча сарой устунлари шаклида. Умумий кўриниши эски Туркистон архитектурасига тегишли бўлган чиройли бир уйни эслатади. Бунда чуқур маъно мужассам: қабр ўликнинг уйи деган қараш бор. Сандиқбичимли қабртошлар XIV – XVI юзйилликларда кенг тарқалган. Ёдгорлик шакли, унинг безаклари марҳумнинг тириклиги чоғида жамиятда тутган мавқеи ва ёшига ҳам боғлиқ бўлган. Хонлар, султонлар,

амирлар, шайхлар қабрига ўрнатилган тошлар ниҳоятда чиройли ва салобатли. Уларни ўз даврининг ажойиб архитектура обидалари санаш мумкин.

Қабртошларнинг яна бир хили «бешик бичимли» тошлардир. Улар бешик кўринишида ишланган (киши чақалоқлигида бешикда улғайгани сингари, унинг сўнг ери ҳам бешикдай осойишта бўлиши тиланган бу билан). Баъзилари икки бўлақдан иборат: асоси сандиқ бичимли ишланиб, усти бешик кўринишида. Бешиктошларнинг тарихи ҳам узоқ. Бундай тошлар ҳам кишининг тириклигидаги даражаси, ёшига қараб ишланган. Айниқса, ўспирин ва гўдак ўтганларнинг қабртошлари кичик ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

Шартли равишда «рельс бичимли» деб аталаётган қабртошлар нисбатан кейинги даврларга тегишлидир. Улар кўринишдан қирқма темир йўл рельсига ўхшайди. Шақли жўн, безаклари ҳам йўқ ҳисоб. Мархумнинг тириклик чоғида нисбатан қуйроқ амалда ўтганидан далолат беради. Иқтисодий таназзул даврида бундай тошлар кенгроқ тарқалган.

Шақли, ишланиши жиҳатидан Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида жойлашган Ҳазрати Лангар зиёратгоҳидаги қабртошлар бошқа қабртошлардан буткул ажралиб туради. Мақбара ичидан бир неча қабр жой олган. Биринчи қабр устига тобутбичимли тош қўйилган. Лекин тобут бичимли тошнинг ёзуви йўқ. Тошнинг бош томонига тепаси меҳроб шаклидаги тошлавҳ (стела) тикланган. Мархум хотирасига аталган ёзув мана шу тошлавҳда.

Иккинчи қабр устидаги ёдгорликнинг кўриниши ҳам шундай. Қабрнинг бош томонига лавҳ тикланиб, ёзув ана шу лавҳга битилган. Лавҳнинг терс ёғига ҳам рамка ишланиб, остига меҳроб чизилган. Рамкага *Lahu-l-hukmu va alayhi yurja'u:n* («Хукм Уникидир ва Унга қайтадилар») деб ёзилган. Остидаги меҳробда эса ёзув йўқ. Учинчи қабртошнинг ишланиши ҳам шундай. Ундаги лавҳнинг терс ёғида ҳам аввалгисидай ёзуви бор.

Усталар мазкур тошлавҳларни маҳорат билан ишлаганлар, уларнинг хати ҳам ўта чиройли. Умуман, мазкур қабртошларни ўз даврининг энг ажойиб санъат ва архитектура, эпитафик ёдгорликлари сифатида баҳолаш мумкин.

Ёдгорликлар ичида трапеция кўринишидагиларини ҳам учратамиз.

Қабртошларнинг анча кейинги даврларда оммалашган симёғоч асоси шаклида ишланганлари ҳам бор. Кеш-Шаҳрисабз теварагида бундай тошлар жуда оз. Бундай қабртошлар Жиззах вилояти Бахмал туманидаги эски қабристонларда бор. У ерда симёғоч асоси шаклидаги тошлар кенг тарқалган.

Қабртошлар орасида сополак шаклидагилари ҳам бор. Бундай тошларнинг шакли оддий бўлиб, уларга нақшлар берилган. Ёзуви чиройли.

XIV юзйилликнинг иккинчи ярми – XX юзйиллик бошларида қайроқ шаклидаги тошлар кенг тарқалган. Буларнинг шакли оддий, безаклари ҳам йўқ. Тошга асосан басмала ҳамда мархумнинг исми-шарифи, ўлимининг санаси битилган, холос. Бундай тошларни Самарқанд вилоятининг Челак туманидаги эски қабристонларда учратамиз.

Ёдгорликлар орасида қабр-сандиқ ҳам айрича ўрин тутати. Бу ерларда қабр-сандиқлар асосан тахтадан ишланган. Шунинг учун ҳам улар ўралган, усти ёпиқ жойлар, кўпинча мақбаралардаги қабрларга қўйилган. Одатда, қабр-сандиқ ўзининг ишланиши, безаклари жиҳатидан қабртошлардан қолишмайди. Табиийки, бундай ёдгорликлар улуғ кишиларнинг қабрига қўйилган. Афсуски, кунимизгача бундай ёдгорликлар жуда оз сақланган. Худди шундай қабр-сандиқ Китоб туманидаги Султон Саид Аҳмад (Ҳазрати Башир) мақбарасида бор. Уни айни турдаги санъат ёдгорликларининг гўзал намуналаридан бири деб санаш мумкин. Ёдгорлик яхши сақланган. Фақат у айни чоғда гўр устидан четга олиб қўйилибди. Бу ерлик қарияларнинг сўзига қараганда, қабр-сандиқ аввал гўр устида турган. Кейинчалик қабрга янги мармар ўрнатилгач, четга олиб қўйилган. Афтидан, мазкур қабр-сандиқ 300 – 330 йиллар бурун ясалган.

Ислом даври қабртошларида матнга жиддий эътибор қаратилган. Бу давр қабртошларидаги матн ўз тузилиши, матн танлаш принципига кўра Ўрта Осиё халқлари томонидан анча бурун, бошқа диний эътиқодлар даврида яратилган эпиграфик матнлардан фарқ қилади. Муслим хотирасига ўрнатилган қабртош ислом маданиятининг муҳим ёдгорлигидир. Бу давр тошларидаги матн буткул исломий руҳда. Табиийки, ёднома матни тошнинг тузилиши, кимга аталаётганига қараб танланган. Ёдгорликларда мархумга оид тарихий маълумотлардан ташқари ислом эътиқодидаги тушунчалар, Қуръони карим оятлари жой олган. Чунончи, эътиборли кишилар шарафига битилган ёднома басмала билан бошланади. Бундан ташқари, тошга Оллоҳнинг исми-сифатлари (асмау-л-хусна) битилган. Уларнинг сони турлича: ўта эътиборли ёдгорликларда 99 та, бошқаларида 66 ёки 33 та келтирилади. Тошга баъзан *Allah*, *Muhammad* сўзлари ҳам битилган. Шунингдек, матнда Қуръони каримдан оятлар ҳам келтирилган.

Матн ичида марсиялар, баъзан шарқ классикларининг теран фалсафий байтлари ҳам жой олган. Ва, энг асосийси, матнда мархум тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Сандиқбичимли қабртошларда бундай маълумотлар тошнинг бош ва оёқ кўндалангига битилган.

Бош томонда ушбу марқад кимга тегишли эканлиги таъкидланса, оёқ томонда ўлимнинг таърихи берилади.

Тош қанчалик соддалашган сари ундаги матн ҳам оддийлашиб, қисқара боради. Айрим тошларда басмала, ўликнинг исми-шарифи ва ўлимнинг санаси қайд этилган, холос.

Ислон даврида яратилган қабртошлар уч тилли: арабча, форсий ҳамда туркий. Ёдгорликларда басмала, асмау-л-хусна, Қуръони каримдан олинган оятлар арабча шаклда келтирилган. Марсия ва шеърлар кўпинча форсийда келади. Мархумга тегишли қайдлар, ўлимнинг таърихи XIV – XVI юзйилликларда кўпинча араб тилида бўлиб, улар билан олдинма-кетин форсчада ҳам ёзила бошлайди. Кейинги даврларда мархум тўғрисидаги қайдлар туркийда бериладиган бўлди.

Қабртошларнинг безаклари ҳам эътиборга молик. Тошларга кўпинча меҳроб тасвири туширилган. Баъзи тошларнинг безаклари бой, таърифига сўз ожиз. Ҳатто қирраларига ишланган устунчалар ҳам нақшинкор. Устунчалар ишланишига кўра уч хил: морпеч (кулала илон), кунгурадор ҳамда безаксиз устун шаклида. Яна бир жиҳати, тошларнинг юзига ромашка гул, юлдузчалар ўйиб туширилган. Бу шакл, афтидан, шамдон вази фасини бажарган кўринади.

Яна тошларга ислон тушунчасидаги абадият белгиси (свастика)ни тушириш ҳам мумкин бўлган.

Ёзув тошларга ўйиб ёки бўртма шаклда битилган. Хат услуби кўпда сулс, сулси насх, шунингдек, насх ва настаълиқда. Баъзи тошларда *Allah*, *Muhammad* сўзлари ҳамда матндаги муҳим ўринлар рамкаларга олинаиб, куйида ҳам ёзилар эди.

ЯЛПИ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек ёзма адабий тилининг юзага келиши ва узоқ асрлик тарихий тақомилини ўрганиш куйидаги илмий хулосаларни айтишга имкон беради:

(I) Ўзбек тили бой ёзма мерос, юзйилликлар оша келаётган ёзма адабий тил анъаналарига эга бўлган қадимий тиллардандир. Ўзбек умумхалқ тилининг тарихи туркологияда *олтой даври* деб аталаётган даврлардан бошланади. Ёзма адабий тил пайдо бўлгунга қадар ҳам ўзбек умумхалқ тили узоқ этно-лингвистик жараёнларни босиб ўтган.

Ўзбек ёзма адабий тилининг тарихи эса VI – X юзйилликларда кўк турк, уйғур, моний, суғд, брахма ёзувларида яратилган қадимги туркий битиглар тилидан бошланади.

Бир қатор турколог олимлар ўзбек адабий тилининг шаклланишини қорахонийлар даври адабий тили («қорахоний туркчаси», «қорахоний-

ча»)га боғлаганлар (қаранг: Eckmann 1988, X – XIV). Бу таснифлар ўзининг илмий асосга эгаллиги билан тилшуносликдаги чалкаш қарашларни анча изга солади. Шундай эса-да, мавжуд таснифлар туркологиянинг ҳозирги талаблари асосида такомиллаштирилгани маъқул. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Қорахонийлар даври адабий тили тил тарихидаги улкан кўтарилишлардан биридир. Лекин у ўзбек адабий тили тарихининг оралиқдаги бир босқичи, холос. Таъкидлаш ўринлики, қадимги туркий ёзма адабий тил, хусусан, Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари, Уйғур хоқонлиги даври битигларида акс этган ёзма адабий тил анъаналари бўлмаганида, қорахонийлар даври адабий тили («хоқония тили», «хоқония туркчаси») юксак даражага эришмаган бўларди. Қорахонийлар даври адабий тили ўзигача бўлган қадимги туркий адабий тилнинг давомида туради ва у қадимги туркий ёзма ёдгорликларнинг тил анъаналарини ўзлаштириб, такомил босқичига эришган ёзма адабий тил эди. Шунинг учун ҳам ўзбек ёзма адабий тили тарихини ўша битиглар тилидан бошлаганимиз тўғри. Қорахонийлар даври эса адабий тилнинг кейинги босқичи сифатида ўрганилаверади.

(II) Илк ўрта асрларда Буюк ипак йўлининг Каспий ёқаларидан бошлаб Узоқ Шарққача бўлган чизигида халқаро мулоқот тили сифатида икки тил етакчилик қилар эди: буларнинг бири суғдча, иккинчиси эса қадимги туркий тилдир. Бунинг ўзига яраша тарихий, ижтимоий-сиёсий сабаблари бор. Бу, биринчи галда, ана шу минтақадаги тил вазияти, ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ.

Буюк ипак йўлида савдо-иқтисодий масалаларда, қолаверса, буддизм, монийлик сингари динларнинг шарқ ўлкаларига ёйилишида суғдларнинг роли катта эди. Савдо йўли ёқаларидан, карвонлар кўниб ўтадиган қишлоқлардан кўплаб суғдча ёзма ёдгорликлар ҳам топилган. Суғдча ёзма ёдгорликларнинг асл эгалари суғдларнинг ўзи – савдогарлар, зиёратчилар, сайёҳлар ёки бирон сабаб билан ўша юртларга бориб қолган кишилардир. Бироқ ёдгорликлар орасида турк муҳитида, турк жамоалари тарафидан яратилганлари ҳам бор.

Бу сингари омиллар ҳам кези келганда суғд тили мавқеининг ошишига туртки бериб турарди. Шу каби ҳодисалар сабаб бўлиб суғд тили Буюк ипак йўлининг Марказий Осиёни кесиб ўтган чизигида ўзаро алоқа тилларидан бирига айланиб қолди.

Туркий тил савдо йўлларида миллатлароро алоқа тилига айланишининг эса бошқа бир сабаби бор. Турклар бу кенг тупроқларда ёйилиб яшаган, бу ерларнинг катта бир қисми туркларнинг ҳукмронлиги остида бўлган. Турк хоқонликлари ва давлатларида расмий тил туркий тил

эди. Хоқонларнинг ёрлиқлари, давлат тузуклари, йилнома ва тарихий битиглар, илмий ва бадиий адабиёт туркийда яратилган. Ҳатто диний-фалсафий асарларнинг ҳам туркийга ўгирилганлиги аини минтақадаги тил вазияти билан ўлчанадн. Бу ерлардан ўтган карвон йўлларию сайёҳлар дейсизми, турклар билан борди-келдиси бор қўшни юртлар дейсизми, турк ҳукмдорлари билан муроса қилишга, минтақадаги тил вазияти билан келишишга мажбур эдилар. Қолаверса, турк хоқонларининг қўшни давлатлар билан ёзишмалари туркий тилда кечган.

VI – VIII юзйилликларда бир ёғи Олтойдан тортиб ҳозирги Мўғулистон тупроқларини қамраган, иккинчи ёғи Синжондан Каспийга қадар улкан ҳудудда ҳукмронлик қилган Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликларининг давлат тили туркий тил, расмий ёзув эса кўк турк хати эди. Хоқонликларнинг давлат ва жамият бошқаруви, чет эллар билан кечган халқаро дипломатик муносабатлари, расмий ёзишмалари туркий тилда ва кўк турк ёзувида олиб борилган. Туркий тил ҳатто Буюк ипак йўли бўйлаб халқаро тил сифатида ҳам қўлланар эди. Кейинчалик хоқонликлар ўрнида юзага келган туркий давлатларда ҳам адабий тил анъанаси сақланди.

Кўк турк хоқонликларининг айрим ўлкаларида, хоқонликқа қўшни юртларда, турклар билан аралаш яшайдиган бошқа қавмлар ичида ерли халқ эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда иккитиллилик ҳам амал қилган. Лекин бу ўлкаларда қўштиллилик (билингвизм) ҳодисаси туркий элларга ялпи ёйилган эмас, у айрим ҳудудлар билан чегараланган эди, холос. Суғдда ва хоқонлик ҳудудидаги суғдлар кўчиб келиб ўрнашган айрим кентларда, суғд-турк қўштиллилиги, қадимги Тоҳаристон ва ҳозирги Синжон бўйлаб чўзилган ипак йўлидаги айрим кент ва қишлоқларда тоҳар-турк, Хоразм тупроқларида эса хоразм-турк қўштиллилиги амал қилган дея оламиз. Қадимги тил вазиятида қўштиллилик тўғрисида сўз юритилиб, унинг доирасини ўрганганда режани ана шунга қараб тортиш керак бўлади.

Лекин шу ўринда матн кўптиллилиги (бу ерда иккитилли, учтилли эпиграфик ёдгорликлар кўзда тутилаётир) билан жамоа орасидаги биллингвизм ҳодисасини қориштирмаслик керак.

Қадимги хоразм-турк қўштиллилиги устида сўз юритилаётганининг сабаби, кўҳна Хоразм тупроқларида икки халқ аралаш яшаган: бири – хоразм тилида сўзлашувчилар, иккинчиси – туркий қавмлар. Кейинчалик бу ҳудудда хоразм тилининг мавқеи торайиб, аста-секин истеъмолдан чиқа бошлади.

(III) Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг маънавий-маданий юксалиши, давлатчилик тарихи, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг юзага

келиши, диний қарашлари, уларнинг қўшни шарқ халқлари билан кечган маданий муносабатларига боғлиқ ҳолда ёзув маданиятида ўзгаришлар юз берган.

Кўк турк ёзуви туркларнинг энг эски, тахминларга кўра, милоддан аввалги даврларда ота-боболари томонидан яратилган ўз ёзуви эди. Ушбу алифбо туркий муҳитда кашф этилган, шунинг учун унда туркий тилнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инобатга олинган.

Кўк турк алифбоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлари ичида ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди. Туркий ёзувнинг палеографик хусусиятлари ва фонетик-фонологик вазифаси унинг бир йўла эмас, аста-секинлик билан, юзйилликлар оша, қадимги туркийнинг товуш қуруми билан уйғун ҳолда ривож топганидан далолат бермоқда.

Таъкидлаш ўринлики, бизгача сақланиб қолган ўрхун-енисей битиглари ушбу ёзувнинг илк босқичига эмас, балки такомиллашган босқичига тегишли. Шунга кўра, кўк турк ёзувининг тарихи бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да эскироқдир.

Кўк турк хатини баъзи олимлар бир пайтнинг ўзида кенгашиб яратилган деб ҳам чамаламоқдалар. Лекин сўнгги ўнйилликларда топилётган ёдгорликлар ушбу ёзувнинг пайдо бўлган даврини милоддан аввалги асрлар билан боғлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Алмати яқинидаги Иссиқ кўрғонидан, Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги кент харобаларидан чиққан битиглар бунинг далилидир. Қадимги туркий ёзув маданиятини тадрижий жараён сифатида яхлит талқин этмоқ учун ушбу топилмалар устида яна чуқур тадқиқотлар бажарилмоғи лозим.

Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган эдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув асосан кўк турк хоқонликлари даврида Енисей ва Ўрхун атрофларида ёйилиб, тараққий этган деб қараш кифоя эмас. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғулистону Синжон ерларига қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий тевараги бўйлаб Шарқий Европагача бўлган улкан ҳудуддан топилган ва топилаётган туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу тупроқларда ёзув маданиятининг ғоят раванқ топганидан далолат бермоқда. Муҳими шундаки, мазкур ёдгорликларнинг хат шакли хилма-хил. Уларни палеографик жиҳатдан бир гуруҳга бириктириб бўлмайди. Ҳар қайси ҳудудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос; айрим белгилари, баъзи имло хусусиятлари билан ҳам фарқланиб туради: ўрхун битигларида қўлланган белгилар сони енисей ва талас битигларидаги белгилар билан баробар эмас; матнларда бир-

биридан фарқ қилувчи белгилар бор, айрим ҳарфларнинг шаклида ҳам ўзгариш юз берган. Ўрта Осиё тупроқларида эса ёзувнинг ўзига хос кўриниши амал қилган.

Ўзбекистон еридан топилган кўк турк ёзувли битиглар турли даврларга мансуб. Уларнинг энг эскилари кўпроқ тамғалар (қулолларнинг шахсий белгилари, қабила-уруғ тамғалари) вазифасини ўтаган кўринади.

Яна бир жиҳати, Китоб яқинидаги Подаётоғ комплексидан чиққан рунийсимон белгили сопол парчалари ёш жиҳатидан салкам Алмати яқинидаги Иссиқ кўрғонидан топилган ёзувга тенглашади. Иссиқкўрғон битиги ҳамда кўҳна Кеш тупроғидан топилган ёзув ёдгорликларига таянилса, Ўрта Осиёнинг катта бир ҳудудида милоддан аввалги даврлардаёқ туркий ёзув маданияти шаклланиб, VII – VIII юзйилликларда яратилган ёдгорликларга қадар узоқ босқични босиб келгани аён бўлади.

Эътиборга лойиқ ери, шу чоққача Ўрта Осиёдан топилган кўк турк ёзувли ёдгорликлар асосан Талас, Фарғона водийлари, Тошкент воҳаси, юқори Зарафшондан чиққан эди. Энди ана шундай битигларнинг бошқа ҳудудлардан, хусусан, Жанубий Қашқадарёдан топилганлиги, айниқса, уларнинг ёш жиҳатдан анчайин эскилиги муҳим. Бу, ўз навбатида, кўк турк ёзувининг қўлланиш тарихини Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари давридан бир неча аср эскироққа олиб боради ва ёзувнинг тарқалиш доирасини анча кенгайтиради.

Мазкур битигларнинг ҳарфлари ўз шаклига кўра ўрхун ва енисей битигларининг ҳарфларидан фарқ қилади. Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, туркий ёзув VII – VIII юзйилликларда яратилган ўрхун-енисей, Талас, Исфара, Фарғона ёдгорликларидаги кўринишигача бир неча тарихий-палеографик босқични бошдан кечирган. Ўрхун ва енисей битигларининг хати, кузатувларга қараганда, ёзувнинг дастлабки эмас, кейинги такомиллашган босқичига мансубдир.

Ўзбекистон тупроқларидан топилган битиглар кўк турк ёзувининг тарихи, келиб чиқиши ва такомилли тўғрисида янги фикр уйғотиши ҳам табиий. Аёнки, кўк турк алифбоси бир пайтда яратилган эмас. Мазкур ёзув тарихан Ўрхун ва Енисей томондан Ғарбга эмас, Ўрта Осиёдан Кунчиқар сари силжиган кўринади. Унинг асослари, чамаси, Ўрта Осиёда шаклланиб, сўнг бошқа турк ўлкалари – Олтой, Ўрхун водийлари томон тармоқ отган бўлса, эҳтимол. Мавжуд топилмалар ана шундан далолат бериб турибди.

(IV) Фанда уйғур хати суғд алифбоси негизида юзага келган деб қаралади. Шундайми ёки у тўғридан-тўғри оромий алифбосидан тармоқ

отганми, келгусида янги кўзқарашлар ўртага ташланса ажабмас. Нима бўлганда ҳам, турклар бу ёзувни яратишда суғдларнинг оромий ёзувни ўзлаштиришдаги амалий тажрибаларидан фойдалангани аниқ.

Уйғур ёзувининг юзага келиш тарихини муайян давр ёки бирон-бир ёзма ёдгорликка боғлаб бўлмайди. Унинг шаклланиши деганда Буюк ипак йўлидаги халқларнинг маданий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари таъсирида ёзув амалиётида юз берган ўзгаришларни, оромий алифбосининг туркчалашувини тушунмоқ керак. Бу жараён бир алифбонинг бошқа бир тилнинг фонетик тизимига механик равишда мослашуви ҳам эмас. У узоқ тарихий ва график тараққиёт босқичини ўз ичига олади.

Уйғур хати мустақил алифбо сифатида ўз тараққиёт йўлини бошлагандан кейин ҳам узоқ давр мобайнида оромий тизимидаги бошқа ёзувлар, хусусан, суғд хати билан ёнма-ён ишлатилган. Иккала ёзув ҳам бу даврда бир-бири билан яқин боғланишда бўлиб, бунинг таъсирида ўзларининг график такомил чўққисига кўтарилди. Қизиғи шундаки, сўнгги босқич суғд хатида битилган матнлар палеографик жиҳатдан уйғур хатига яқин туради. Шунингдек, кейинги даврларнинг суғдча матнларида уйғур хатига хос бўлган ёзув хусусиятларини кузатишимиз мумкин. Бундай ҳодиса ёзувлар тарихида учрайвермайди. У суғд тили ҳамда ёзувининг туркий тиллар таъсирида янги босқичга кирганлиги билан белгиланади. Демак, қадимги турклар ўз ёзув амалиётида бошда суғдлардан фойдаланган бўлсалар, кейинчалик акс таъсир жараёни юз берган: суғдлар туркларнинг ёзув яратишдаги тажрибаларидан фойдаланган.

Муҳими, оромий тизимидаги ёзувларнинг тарихий тараққиёти уйғур ёзуви билан тўхтаб қолгани йўқ. Уйғур хати Марказий Осиёда амал қилган бошқа ёзувларнинг шаклланишига ҳам асос бўлган. Чингизхон замонида келиб мўғуллар уйғур хати негизида ўз ёзувларини яратдилар. Фанда бу ёзув «мўғул хати» деб аталади. Кейинчалик эса мўғул хатидан манжур ёзуви, унинг асосида эса, мутахассисларнинг эътироф этишича, корейс ёзуви келиб чиққан. Демак, оромий ёзув тизимининг тармоқ отишида, хусусан, оромий алифбосидан манжур ёзувигача (бундан ўтиб корейс алифбосигача?) бўлган тарихий тараққиётида Буюк ипак йўли ва унинг таъсирида юзага келган маданий жараёнларнинг ўрни каттадир.

(V) Ўзбек халқи ва унинг тили жуда узоқ тарихга эга бўлиб, ҳозирги оти халқ ва тил тарихини ўзида тугал акс эттирмайди. Ҳозирги ўзбекларнинг ота-боболари ва уларнинг тили ўтмишда бир қанча ном билан атаб келинган.

Ўзбек тили ўтмишда *türk, türkçä, türkçä til, türk tili, türki, türki til; ċiyatay tili, ċiyatayĉa, ċiyatay türkisi* деб аталган.

Тил тарихида ёзма адабий тилнинг ҳам ўз отлари бўлган. Масалан, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида қорахонийлар даври ёзма адабий тилини «хоқония туркчаси» (*at-turkiyyatu-l-xāqāniyya*) деб атаган, шунингдек, «Қутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида асар «буғраҳон тили» (*buğrahan tili*), «хон тили» (*xan tili*) да ёзилгани таъкидланади; «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарининг тили эса *kāšyarî til ~ kāšyar tili* дейилган. Яна *ċiyatay tili, ċiyatayĉa, ċiyatay türkisi* атамалари ҳам, ўз навбатида, темурийлар даври ўзбек ёзма адабий тилини бошқа туркий ёзма адабий тиллардан фарқлаш учун ишлатилган атамалардир.

Тилимиз тарихида *özbek* атамасининг келиб чиқиши нисбатан кеч; у Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг (1312 – 1342) отига боғланади. Ўзбекхон қарамоғидаги улус кейинчалик *özbek* отини олган.

XIII – XIV юзйилликларда яратилган манбаларда ҳам *özbek* атамаси учрайди. Уларда бу атама Дашти Қипчоқда яшовчи қипчоқларга нисбатан қўлланган. Алишер Навоий ҳам бу атамани «қипчоқ ўзбеклари»га нисбатан ишлатган.

XIII юзйилликка қадар Мовароуннаҳр ва Хуросон турклари ўзларини *özbek* демаганлар. Бора-бора бу ўлкага келиб ўрнашган ўзбекларнинг мавқеи орта боради; давлат бошқаруви ҳам кўпроқ уларнинг қўлига ўта бошлайди. Ана шундай ижтимоий-сиёсий, этник жараёнлар таъсирида ерли турклар ҳам *özbek* деб атала бошлади.

Бу маълумотлардан ҳозирги ўзбек халқи XIV юзйилликда Дашти Қипчоқда юзага келган деган мутлақо ғайриилмий хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келган туркий туб аҳоли ҳозирги ўзбек халқининг ота-боболаридир. Дашти Қипчоқдан «ўзбек» номини олган қавмнинг келиб ўрнашиши ҳозирги ўзбекларнинг тўлиқ таркиб топишидаги кейинги босқичлардан бири, холос. Уларга қадар ерли туркий халқ бошқа отлар билан аталар эди. Ҳозирги отини эса кейинчалик ўзларига келиб қўшилган ўзбеклардан олдилар. Демак, атаманинг келиб чиқиш тарихи халқ тарихи билан мутлақо тенг эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги ўзбекларнинг шаклланишида Дашти Қипчоқдан келган туркий улуснинг таъсирини мутлоқ инкор этиб ҳам бўлмайди. Ҳозирги ўзбек халқи узоқ тарихий тараққиёт таъсирида турли элат-уруғларнинг бирикувидан ташкил топган. Буни ўзбек шеваларининг ўта хилма-хиллигида ҳам кўриш мумкин.

özbek атамаси этноним сифатида XIV юзйилликдан бошлаб қўлланган бўлса-да, тилга нисбатан кеч амал қилган. Чунончи, ўша кезлар ўз-

бек қавмининг шеваси *özbek tili* деб эмас, *türki, qipčaq tili* деб аталган. Қипчоқ шевалари кейинчалик ҳозирги тилшунослигимизда «эски ўзбек адабий тили» деб аталаётган ёзма тилга ҳам таъсир эта бошлаган. Лекин у эски ўзбек адабий тилининг таянч диалектига айланган эмас. Яъни адабий тил ситуациясида кейин қўшилган улуснинг диалекти у қадар ҳал этувчи ўринга кўтарилди олгани йўқ. Чунки бу давр Мовароуннахр ва Хуросон адабий муҳитида қадимги ва эски туркий адабий тил анъаналари ва таъсири устувор эди. Бинобарин, XIII – XVI юзйилликлардаги классик адабий тил («чиғатоий туркийси») ана шу анъана таъсирида шаклланди. Ўзбек адабий тилининг кейинги даврлардаги тараққиёти ҳам бевосита айна адабий тилнинг давомида туради. Бу тадрижий жараёни XVII юзйилликдан XX юзйилликнинг бошларигача яшаб ўтган Абулғозий, Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва б. ўнлаб мумтоз адабиётимиз намояндаларининг асарлари тилида яққол кузатишимиз мумкин. Бу ҳодисаларнинг бари ўзбек тилининг ўта мураккаб тарихий-маданий, лингвистик жараёнларни босиб ўтганидан далолат беради.

(VI) Тил билимининг юзага келиши ва такомилли тилшунослик атамалари тизимининг шаклланиши ва бойиб бориши билан боғлиқ. Муҳими шундаки, илк ўрта асрларда яратилган ёзма ёдгорликларда тил билими, шунингдек, ёзув билан боғлиқ тушунчаларни акс эттирувчи бутун бошли атамалар тизими мавжуд эди. Улар ота-боболарнинг ёзма меросида тамғаланиб қолган.

Туркий тиллар тарихида ёзув билан боғлиқ, маъно кўлами ўта кенг атамалардан бири *bitig* сўзидир. Бу сўз илкин англамида «ёзув, хат; матн»ни билдирган, бошқа маънолари эса ана шундан урчиган. Бунга боғлиқ ҳолда «китоб; мактуб; ёзма ҳужжат», қўйингки, ёзув ва матн билан боғлиқ нарсалар *bitig* деб аталадиган бўлди.

Қадимги туркий тилда *bitig* лексемасидан янги сўзлар ҳам ясалган: кўк турк ёзувидаги мангутошлар *bitigtaš*, буддавий қиссалар, будда ақоидлари *nom bitig* деб аталган. Ёки яна: *yörug bitig* – «шарҳ, шарҳ китоб»; *saqurt bitig* – «аралаш сўзлар луғати»; *toñqul bitig* – «эълон қилинган асар»; *köñli aytu bitig* – «кўнгил сўровчи мактуб»; *yantut bitig* – «жавоб хати»; *qumaru bitig* – «насихатнома»; *bitig salām* – «салом хат; мактуб».

Шунингдек, *bitig* барча турдаги ҳужжатнинг умумий атамаси бўлиб, ҳужжатнинг муайян тури ажратиб кўрсатилганда кўшма сўз ёки бирикма ҳолида ишлатилган: *boš bitig* ёки *boš idmiš bitig* – «қулга эркинлик берувчи ҳужжат»; *baš bitig* – «бош, асосий ҳужжат»; *ötüg bitig* – «ўтинч битиги; илтимоснома, ариза»; *bičyas bitig* – «қасам битими»; *čīn bitig* – «чин битиг, асл ҳужжат».

Қорахонийлар давридан бошлаб туркий тилга араб тилидан *kitāb* сўзи ҳам ўзлашди. Бу сўз туркий матнларда *bitig* га синоним сифатида «китоб; асар» маъноларида ишлатилган. *Kitāp* сўзи «асар» маъносида туркий луғат таркибига шу қадар сингиб кетдики, ҳатто китобат ишида туркий асарларни айна сўз билан бошлаш анъанага айланиб қолди.

Қорахонийлар давридан «ёзув; матн» маъноларида туркий *bitig* сўзига синоним сифатида араб тилидан *haṭ* сўзи ҳам ўзлаша бошлади.

Илк ўрта асрларда ёзув ашёларини англатувчи атамалар тизими ҳам шаклланган эди: «қоғоз»ни ифодалаш учун *kāyid* сўзи ишлатилган. Бундан ясалган *kāyid bitig* бирикмаси ҳам бор, у «ёзув қоғози» дегани.

Қадимги туркий битигларда «сиёҳ» англамида *mkā* ёки *qara* сўзлари ишлатилган; «олтин суви, зарҳал» *altun mkā* дейилган.

«Сиёҳдон» ёзма ёдгорликларда *bitigü* дейилган, кейинчалик арабчадан айна маънодаги *davāt* сўзи; арабчадан *qalam* сўзи ҳам ўзлашди.

Ўтмишда хат битувчи «котиб»ни *bitigči, bitkāči, ilīmya, baxšī* деб аташган.

ilīmya «шоҳ мактубларини турк хати, яъни уйғур хати билан ёзувчи котиб»ни англатган. Шунингдек, илк ўрта асрларда «хат битувчи; котиб» маъносида *bitigči, bitkāči* атамалари ҳам ишлатилган.

Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган атамалардан яна бири *baqšī~baxšī* сўзидир. Темурийлар замонида уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxšī* сўзи қўшиб айtilган.

kātib, haṭṭāt сўзлари нисбатан кейинчалик, ўрта асрлардан бу ёғига ишлатила бошлади.

(VII) Шарқ тилшунослиги «тил» ва «нутқ»нинг ўзаро фарқини, «ёзма адабий тил»ни ғарб илмига қараганда анча бурун англаб етди.

Ўтмишда *til* атамаси кенг маънода ишлатилган. Эски матнларда *til* атамаси «жамиятнинг мулоқот воситаси» (*luṭa*)ни (масалан, *uyur til*); «кишининг нутқи» тўғрисида сўз борганда эса «нутқ» (*kalām*)ни англади.

Шунингдек, «кишининг нутқи» маъносида ўрни билан *söz* атамаси ҳам ишлатилган.

Уч улуғ ижодкор, олим ва мутафаккирлар «тил» ва «нутқ»ни, «оғзаки нутқ» ва «ёзма адабий тил»ни бир-биридан фарқлаб, бу тушунчалар учун махсус истилоҳлар ҳам ишлатганлар.

Юсуф Хос Ҳожиб «ёзма адабий тил»ни *bitig söz*, «оғзаки сўз», яъни «нутқ»ни эса *tilin söz* деб атаган эди. Адиб Аҳмад эса «нутқ»қа нисбатан *ayiz til, til söz* атамаларини қўллаган.

Кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқотда *söz* атамасининг вазифаси кенгайиб, муайян тушунча билан бирга «гап», ҳатто «нутқ»ни ҳам англата

бошлаган: *sözlädi* деганда «сўзни айтди, талаффуз қилди» эмас, «гапирди; фикрини билдирди; хабар берди» англашилади.

Расмий мулоқотда *söz* «юрт эгасининг буйруғи, элга қарата айтган сўзи»ни англаган. Ёзув юзага келмасдан анча бурун, ўзаро расмий муомаладан бошлаб юрт эгасининг элга мурожаати ҳам, жамоа орасидаги ўзаро келишув муносабатлари ҳам *söz* дан бошланган. Ҳукмдор қўл остидаги кишиларга, элга ўз сўзини, буйруғини айтган.

Ёзма ҳужжатчилик юзага келгандан кейин ҳам *söz* калимаси расмий битигларда айни вазифада ишлатила бошлади. Йлк ва ўрта асрларда яратилган ёрлиқларнинг унвонларида *sözüm* калимаси қўлланган. У «бу менинг фармоним, ёрлиғим» деган маънони англади.

Ёзма ёдгорликлар тилида *söz* атамаси бир қанча маънода ишлатилган:

(1) илкин маънода ушбу атама «сўз»ни, яъни «тушунча бирлиги»ни англаган;

(2) «гап» ёки «хабар» маъносида ҳам келади;

(3) «нутқ» маъносида ҳам келган;

(4) «айтилган фикр, мулоҳаза»ни ҳам билдиради;

(5) «ёрлиқ, фармон, буйруқ» маъноларида ҳам келади;

(6) расмий битигларда «ҳужжат; келишув» маъносида ҳам ишлатилади;

(7) «ўғит, панд-насихат, ибратли сўз» англамида келади.

Ушбу атама ёзма ёдгорликларда сўз бирикмалари шаклида ҳам ишлатилган: *qutaru söz* – «панд-насихат; оталар сўзи»; *ič söz* – «яширин сўз; сир-асрор»; *kečki söz* ёки *uzaqī söz* – «таъбир; мақол; матал» ва б.

Тил тарихида шундай сўзлар борки, улар маъносига қараб сўзлашув жараёнини ёки ёзма нутқ жараёнини англатиб туради: *sözlä-, ay-, te-, tīñla-, ešit-* сингари феъллар маъносига кўра сўзлашув жараёнини, *biti-, yaz-, oqī-* сингари феъллар эса ёзма нутқ жараёнини англади. Булардан *sözlä-, ay-, te-* бевосита тингловчига қарата «сўз ёки гапни сўзлашга, айтишга, дейишга буйруқ»дир: *tīñla-, ešit-* эса тингловчига қарата «сўз ёки гапни эшитишга, тинглашга буйруқ». Шунинг учун ҳам бу тушунчаларнинг келиб чиқишини анча эски, ҳатто ёзув пайдо бўлмасдан бурунги, кишилар ўртасида ўзаро фикр билдириш жараёни шаклланган даврларга боғлаш ҳам мумкин.

Кейинги туркум сўзлар семантикасида бошқа бир ҳолат кузатилади: *biti-, yaz-* сўзлари тингловчига қарата айнан «ҳарф, сўз ёки йирикқоқ матнни битишга, ёзишга буйруқ», *oqī-* эса бошқа нарсени эмас, айнан «битилган, ёзилган ҳарф, сўз ёки йирикқоқ матнни ўқишга буйруқ»дир. Шунинг учун ҳам *biti-, yaz-, oqī-* тушунчаларининг генезиси фақат ёзув жараёни, матн битиш анъаналари, унинг келиб чиқиши билан боғлиқ-

дир. Хат битувчи кўзда тутилганда *bitidi* ёки *yazdi*, адресат кўзда тутилганда *oqidi* дейилади. Жамият орасида ёзув ўйлаб топилганидан кейингина бу тушунчалар ҳам шаклланган.

biti- феъли бевосита ёзув ёки матн билан боғлиқ тушунча; хатни, хужжатни ёки китобни «ёзгин» дегани. Айти туришида тингловчига буйруқ. Агар *bitidi* бўлса, ўзга кимсанинг хатни, хужжатни ёки китобни ёзганлиги тўғрисидаги хабар англашилади.

Ушбу сўз васиқаларнинг якунида хужжат битувчи тилидан *aytip bitidim*, *inčkā aytip bitidim* шаклларида келади. Бу ерда *aytip bitidim* – «тилхат берувчининг оғзидан [яъни унинг айтганлари бўйича] сўраб ёздим», *inčkā aytip bitidim* – «тилхат берувчининг оғзидан сўзма-сўз сўраб ёздим» деган маънони англатади.

Ёрлиқ ва фармонларда эса матн юрт эгасининг тилидан берилиб, хужжатни якунловчи гапнинг кесими мажхул нисбатда *bitildi* ёки кўпликда *bitidimiz*, *bitdimiz* шаклларида келади.

bitim сўзи *biti-* – «ёз-» феълидан ясалган бўлиб, келиб чиқишига кўра ёзма хужжатлар асосидаги келишувни билдиради. Демак, *bitim* сўзининг қадимийлиги кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ана шу хужжат турининг эскилигига далолат қилади.

yaz- сўзи тарихан «ёймоқ»қа, яъни «бирор нарсани ер узра ёймоқ, тўшамоқ» маъносига боғланади, унинг келиб чиқишини ёзувдан аввалги даврларга боғлаш ҳам мумкин. Лекин унинг ёзув билан боғлиқ «матнни ёзмоқ, битмак» семаси кейинчалик, ёзув амалиёти шакллангандан сўнг «матнни, киши фикрини қоғоз бетига ёймоқ, баён қилмоқ» маъносида келиб чиққан ва у *biti-* сўзига синоним сифатида ишлатила бошлаган.

(VIII) Ўзбек тили тарихида сингармонизм юзйилликлар оша «темир қонун» сифатида амал қилиб келди.

Мумтоз туркий шеърятда ғазаллар жозибаси, оҳангдорлиги, қулоққа ёқимлилигини таъминлашда ҳам сингармонизмнинг таъсири кучли. Араб, форс мумтоз арузида сўз жозибаси унлиларнинг қисқа-чўзиқлиги билан белгиланган бўлса, туркий арузда унлиларнинг йўғон-ингичкалиги етакчи саналган.

Туркий тиллар тарихида олд қатор унлилари ингичка, орқа қатор унлилари эса йўғон талаффуз қилинган. Муҳими, сўзнинг фонетик-фонологик табиати ана шу унлиларга мослашади.

Яна бир жиҳати, илк ўрта асрлардаги туркий тил агглютинатив табиатлидир. Унда ўзак-морфема сўзнинг туб маъносини белгилайди, унга бирикувчи аффикслар эса ўзакдан англашилган тушунчани аниқ-

лаштиришга, чукурлаштиришга хизмат қилади. Сўзнинг ўзаги ўзига қўшилаётган қўшимчаларни маъно жиҳатидангина эмас, товуш жиҳатидан ҳам бўйсундириб олади. Бунга кўра, сўз йўғон ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам йўғон талаффузли вариантлари қўшилади, сўз ингичка ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам ингичка талаффуз қилинадиган вариантлари қўшилади. Ушбу қонунга кўра, илк ўрта асрлардаги туркий тилнинг луғат таркибидаги сўзлар йўғон ёки ингичка талаффузли бўлади.

Тил тарихида унлилар тизимида лаб уйғунлиги ҳам кучли ишлаган. Бу тизимни, айниқса, кўк турк ёзувининг имло принципи ўзида яхши акс эттирган.

Ундошларда жаранглилик / жарангсизлик ҳодисаси (ассимиляция) ҳам бор, бу ҳам сингармонизмнинг бир туридир. Унлилардаги танглай ва лаб уйғунлиги, ундошлардаги жаранглилик-жарангсизлик уйғунлиги таъсирида қўшимчаларнинг ҳам фонетик вариантлари амал қилган; туркий қўшимчаларнинг икки, тўрт, кўпи билан саккиз вариантлари бор:

от ясовчи қўшимчалардан икки вариантлиси: *-čī, -či; -čuq, -čük*; тўрт вариантлиси: *-qaq, -kāk / -yaq, -gāk*; саккиз вариантлиси: *-liq, -lik, -liḡ, -lig / -luq, -lūk, -luḡ, -lūg*;

сифатдош қўшимчаларидан икки вариантлиси: *-asi, -āsi; -yli, -gli; -mā, -mā*; тўрт вариантлиси: *-dači, -dāči / -tači, -tāči; -duq, -dük / -tuq, -tük; -qan, -kän / -ḡan, -gän* сингари.

Сўзнинг ингичка-йўғонлиги, охириги бўғин унлисининг лабланган-лабланмаганлиги, сўзнинг жарангсиз ундош, шунингдек, унли товуш, жарангли ёки сонор билан тугашига қараб қўшимчаларнинг ҳам уларга уйғун тушадиган варианты танланган.

Унлилар тизимидаги ингичка-йўғонлик ундошлар талаффузига ҳам таъсир қилади. Масалан: *yol, qol* сўзларидаги [o] унлиси йўғон, унинг таъсирида ёнидаги [l] ҳам, қолаверса, бутун сўзнинг ўзи йўғон талаффуз қилинади. Ёки *köl, öl* сўзларида бунинг тескариса, [ö] – ингичка унли, бунинг таъсирида ёнидаги [l] ҳам, қолаверса, сўзнинг ўзи ингичка талаффуз қилинади. Буларга қўшиладиган қўшимчалардаги товушлар ҳам ўзакка уйғунлаша боради: биринчисига қўшимчанинг йўғон варианты, кейингисига эса ингичка варианты қўшилади.

Қадимги туркий тилнинг фонетик тизимида юзйилликлар оша юзага келган ушбу ҳодисалар, табиийки, туркий халқлар қўллаган ёзувларда ҳам акс этган. Жумладан, кўк турк алифбоси туркий сингармонизм қонунига мослашган эди. Ёзувининг ўзи сўзнинг йўғон ёки ингичка талаффузли эканини билдириб турган.

Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисаси яққол кўзга ташланади. Масалан, муаллиф битган сатрларда йўғон ўзак-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг *-maq* варианты қўшилади: *quruqšamaq, aldamaq, qīstamaq, yalīnmaq* сингари; ингичка талаффузли сўзларга эса *-māk* варианты қўшилади: *igirmāk, indāmāk, sūrkānmāk, örtānmāk* сингари. Ўтмиш тилшунослигида қандай аталгани, қай тартибда таърифланганидан қатъи назар, туркий тиллар тарихида сингармонизм қонуни бор, бор бўлганда ҳам ўта аҳамиятли эди.

Муҳими, эски ўзбек тилининг фонетик қуруми, морфо-фонологик тизими ана шу қонунга бўйсунар эди. Навоий асарларининг тили сингармонизмли тилдир. Бугина эмас, бутун ўзбек мумтоз адабиёти асарларининг фонетик қурилиши айни қонунга асосланади.

(IX) Келишик категорияси туркий тилларнинг ўзига хос қонуниятларидан биридир. Тилнинг тарихий тараққиёти давомида тилимизнинг ички қонуниятлари, ўзгариши оқибатида унинг сони баъзан ўзгариб ҳам турган.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида келишиклар сони еттига. Бундан ташқари, ҳар бир келишикнинг бир қанча қўшимчалари ҳам бўлган.

Қаратқич келишигининг қўшимчаси иккита: *-niŋ, -niŋ / -nuŋ, -nūŋ; -iŋ, -iŋ / -uŋ, -ūŋ*.

Жўналиш келишигининг қўшимчаси олтига: *-qa, -kā / -ya, -gā; -a, -ā; -yaru, -gārū / -qaru, -kārū; -yar, -gār / -qar, -kār; -ru, -rū; -ra, -rā*.

Тушум келишигининг қўшимчаси бешта: *-γ, -g (-iγ, -ig / -uγ, -ūg); -n; -ni, -ni; -i, -i*.

Чиқиш келишигининг қўшимчаси иккита: *-dan, -dān / -dīn, -din / -tan, tān / -tīn, tin; -da, -dā / -ta, -tā*.

Тил тарихида келишик қўшимчалари сонининг кўплиги тил категорияларининг у қадар ривожланмаганидан эмас, аксинча, ушбу категория тилда ниҳоятда такомилга етгани, шу билан бирга, матн услубининг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Бунинг қулайлиги шундаки, матнда бир қўшимча қайта-қайта ишлатилавермайди, ўрни билан бошқа қўшимчалардан ҳам фойдаланилади. Шунда матн равон ва ўқишли чиқади. Қўшимчаларнинг кўплиги гап оҳангини (ритмни), айниқса, шеърий матнларда бўғинлар сонини (ҳижони) бир маромда таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Яна бир жиҳати, тил тарихида ҳар бир қўшимчанинг фонетик вариантлари мавжуд эди; сўзнинг фонетик хусусиятидан келиб чиқиб қўшимчанинг у ёки бу варианты танланади.

Қадимги туркий тилдаги жўналиш келишигининг *-yaru, -gārū / -qaru, -kārū* аффикси ҳозирги ўзбек тилида ҳам айрим сўзлар таркибида қолдиқ ҳолда учраб қолади. Масалан: *ичкари, илгари, ташқари, юқори* сўзларидаги *-кари, -гари, -қари* жўналишнинг архаик қўшимчасидир. Тарихан улар икки морфемага бўлинган: *ич-кару, ил-гару, таш-қару, юқ-қару* сингари. Ҳозирда эса жўналишнинг бу қўшимчаси алоҳида ишлатилмагани учун улар ўзи боғланаётган сўз билан бирикиб кетган.

Жўналишнинг тарихий қўшимчаси сўз таркибига қўшилиб кетган бўлишига қарамай, бундай сўзларда жўналиш маъноси сақланган бўлади. Масалан, *ичкари* деганда «ич томон йўналиш», *ташқари* деганда эса «таш томон йўналиш» маъноси бор. Шунинг учун уларга ҳозирги шароитда *-га* қўшимчасини қўшиб, *юқорига, ичкарига, ташқарига* шаклида ишлатиш хатодир. Уларни *-га* қўшимчасисиз ишлатишнинг ўзи етарли: *юқори кўтарилди, ичкари кирди, ташқари чиқди* каби.

Шу сингари *нари, бери, сари* сўзларидаги *-ри* ҳам жўналиш келишигининг қолдиғи; ўтмишда бу сўзлар *paru, berü, saru* шаклида ишлатилган. Ёки *ичра* (<*ič-rä*), *ташра* (<*taš-ra*), *узра* (<*üz-ra*), *сўнгра* (<*soŋ-ra*) сўзларидаги *-ра* ҳам жўналиш келишигининг архаик қўшимчасидир.

Қадимги туркий тилда, ҳозиргидан фарқли ўлароқ, еттинчи – восита келишиги ҳам қўлланган. Унинг асл маъноси иш-ҳаракат ва ҳолатнинг бирор нарса, бирор восита кўмагида юзага чиққанлигини билдиради. Бу келишик белгиси *-н* бўлиб, ўзак-негизнинг фонетик-фонологик табиатига боғлиқ равишда *-in, -in / -un, -ün* шаклларида эга бўлади.

Восита келишигининг *-н* қўшимчаси ҳозирги ўзбек тилида ҳам айрим сўзлар таркибида қолдиқ ҳолида учраб туради. Масалан: *қишин-ёзин, очин-тўқин, эртан-индин* дейилади; ушбу бирикмалардаги *-ин* қадимги восита келишиги қўшимчасининг қолдиғидир. Ҳозирги ўзбек тилида восита келишигининг бу шакли ишлатилмайди. Шунинг учун бундай бирикмалар маъноси ёрдамчи сўзлар кўмагида очиқланади: *қишин-ёзин* – «қиши билан, ёзи билан» ёки «қиш бўйи, ёз бўйи», *очин-тўқин* – «оч ҳолда, тўқ ҳолда», *эртан-индин* – «эрта билан, индин билан» деган маъноларни англатади.

Эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси») даврига келиб келишик қўшимчалари тизимида анчагина ўзгариш юз берди. Келишик категориялари таркибидаги қатор қўшимчалар истеъмолдан чиқиб кетди. Масалан, тушум келишигининг *-ү, -g (-iү, -ig / -uү, -üg)* аффикси, жўналиш келишигининг *-yaru, -gārū / -qaru, -kārū* аффикси, восита келишигининг *-н* қўшимчаси бу давр тилида ишлатилмаган. Уларнинг вазифасини бошқа қўшимчалар бажаради. Восита келишиги ўрнида *ilä, ilän, birlä, birlän, bilän* кўмакчилари ишлатилган.

Таъкидлаш ўринлики, бу давр ёзма адабий тилига, айниқса, бадий адабиёт тилига қорахонийлар даври ёзма адабий тилининг, классик асарлар тилининг таъсири жуда кучли эди. Чифатой шоирлари қорахонийлар даври адабиётининг услубига эргашган ҳолда ўша давр ижодкорлари ўз асарларида қўллаган қўшимчаларни ҳам ишлатишга уринганлар.

(X) Туркий тиллар тарихида сонларнинг келиб чиқиши бармоқларга боғланади; киши ўз бармоқларини санаш орқали сонлар келиб чиққан. Бу фикр тўғрилигини айрим сонларнинг этимологияси киши бармоқлари билан боғлиқлиги ҳам кўрсатиб туради. Морфем қурилиши, семантикасига қараб айрим сонларнинг келиб чиқишини, этимологик асосларини аниқласа бўлади.

Сон туркумига кирувчи сўзларимиз бизга жамиятининг илкин, киши санашни ўргана бошлаган чоғларидан қолган мерос экан. Қадимги туркий тил даврида эса сон туркуми такомиллашиб, тугал бир тизимга айланган.

Тил тарихида туркий сонларда ясалиш бор. Сонлардаги ясалиш аффиксация усулида ҳам, сўзларни қўшиш усулида ҳам амал қилган. Масалан: *iki* нинг асли *ilki* дир (*il-ki>ilki>iki*). «Йигирма» сони *iki* дан ҳосил бўлган: *iki-r-mi>yiki-r-mi>yigirmi*.

Шунингдек, *säkiz (<säk-iz)*, *toquz (<toq-uz)*, *otuz (<ot-uz)* сонлари -z қўшимчаси билан ясалган.

Ёки *altmîš* сони *altî* сўзидан, *yetmîš* сони *yeti* сўзидан аффиксация усулида ясалган бўлиб, -*mîš*, -*mîš* аффикси бирликни ўнликка айлантиради: *altmîš* – «олтиланган / олтиланмиш ўн», яъни «олти карра ўн», *yetmîš* – «еттиланган / еттиланмиш ўн», яъни «етти кара ўн» деганидир. Англашиладики, *altmîš (<altî-mîš)*, *yetmîš (<yeti-mîš)* сонлари -*mîš*, -*mîš* қўшимчаси билан ясалган.

Шунингдек, ҳозирги *саксон*, *тўқсон* сонлари тарихан *sekiz on*, *toquz on* шаклларида ишлатилган, маъноси «саккизта ўн», «тўққизта ўн» дегани.

Қадимги туркий тилда икки хонали сонларни айтишда икки хил тартиб ишлатилган:

Биринчиси, аввал бирликни айтиб, сўнг ўнликни айтиш тартиби: бунда бошлаб бирликни айтиб, сўнг шу сон қўшилган ўнлик эмас, балки ундан кейинги ўнлик айтилган: *yeti yigirmi* – бунинг билан «ўндан ошиб» йигирма сари етти сони қўшилди» деган маъно англашилади; бу «ўн етти» деганидир.

Иккинчиси, ҳозирги сингари аввал ўнликни айтиб, кейин бирликни айтиш тартиби; фақат бунда ўнлик билан бирликнинг орасига *artuqî*

сўзи қўшилган. Бу ердаги *artuqi* сўзи «ўнликдан шунча сон ортди» деган маънони англатади.

Кейинчалик биринчи тартиб ишлатилмай қўйган; иккинчи тартиб эса авж олиб, ундаги *artuqi* сўзи ҳам қисқариб кетган.

Қадимги туркий тилда тартиб кўрсаткичи *-nč* шаклида эди: *ikinč* – «иккинчи», *onunč* – «ўнинчи», *yigirmінč* – «йигирманчи» сингари. Кейинчалик бу қўшимча *-nči*, *-nči* га ўзгарди.

Муҳими шундаки, Хитойда минг сулоласи даврида тузилган «Идикут маҳкамаси сўзлиги»да ойлар санок кетма-кетлигида берилган. Бунда тартиб кўрсаткичи *-nč* (*-inč*, *-inč* / *-unč*, *-ünč*) шаклида қўшилади: *üčünč ay* – «учинчи ой», *törtünč ay* – «тўртинчи ой» сингари. Яна бир жиҳати, икки хонали сонларнинг айтилишида эскича тартиб сақланган: *bir yigirmінč ay* – «ўн биринчи ой».

Шунингдек, луғатда ойларнинг буддавий турк жамоаси ўз тилида қўллаган атамалари ҳам келтирилган: *aram ay* – «арам оий» (қамарий-йа ҳисоб бўйича биринчи ой, наврўз оий); *čağşabut ay* – «чақшапут оий» (ҳозирги санок бўйича декабрь оийга тўғри келади); *šün ay* – «шун оий» («кабиса оий»).

Бу маълумотлар шу чоққача фанда устун бўлиб келган айрим фикрларга ўзгартириш киритади. Жумладан, икки хонали сонларнинг айтилишида эскича тартиб XI юзйилликка келиб истеъмолдан чиқиб кетган деб қараларди. Ушбу луғатда «ўн биринчи ой»нинг *bir yigirmінč ay* шаклида келтирилгани, шунингдек, тартиб кўрсаткичи *-nč* (*-inč*, *-inč* / *-unč*, *-ünč*) шаклида қўшилгани бу хулосани ҳам янгилашга имкон беради. Англашиладики, шарқий, жануби-шарқий ўлкалардаги уйғурлар орасида, хусусан, Хансуда санокнинг эскича тартиби XVI юзйилликларда ҳам қўлланган экан.

(XI) Ўтмишдаги туркий салтанат ва давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тизими, давлат ва жамият бошқаруви, қўшни эллар билан кечган дипломатик муносабатлари, мамлакатнинг моддий-иқтисодий аҳволи, халқнинг тирикчилик тарзи, кишилар ўртасидаги олди-берди муносабатлари ўша замонлардан қолган расмий ҳужжатларда тамғаланиб қолган. Шу билан бирга, ҳужжатлар – адабий тил ёдгорлиги. Туркий адабий тил тарихи, расмий ёзма услубнинг юзага келиши ва такомилли ҳужжатларда акс этиб туради. Туркий расмий ёзма услубининг тарихи ҳужжатчилик амалиёти билан боғлиқдир. Ўтмишдан қолган ҳужжатлар шу жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Туркий ҳужжатчилик амалиёти давлатчилик тарихи, кишилик ижтимоий-сиёсий, олди-берди муносабатларида ҳуқуқий асосларнинг яра-

тилиши, халқаро дипломатик муносабатлар, шунингдек, ёзма адабий тилнинг юзага келиши ва тараққиёти билан боғлиқ ҳолда узоқ асрлик тарихий лисоний-услубий такомил босқичини кечиб келган. Унинг тарихий илдизлари илк ўрта асрларга, қадимги турк хоқонликлари даврига туташади. Ўша чоғлардаёқ ҳужжатчилик амалиётида ҳужжатларнинг шаклу шамоийли, қолипи, матн компонентларининг формулалари ишлаб чиқилди. Энг кераклиси, салтанатларнинг ўзгариши, бирининг ўрнини бошқа бирови эгаллаши билан расмий услуб анъаналари узилиб қолгани йўқ; қадимги турк хоқонликлари чоғида яратилган мерос юзйилликлар оша лингво-стилистик жиҳатдан такомиллашиб, янги услубий компонентлар билан бойиб келди.

Туркий ёзма ҳужжатчилигининг илк босқичларида юрт эгасининг улусга қаратилган чақирғи, ёрлиғи, ҳатто давлатнинг бош қонуни, тузуклари эпиграфик шаклда баён қилинган. Туркий ёзма ҳужжатчилик ўз йўлини эпиграфик матнлардан бошлаган, хоқонликнинг илк ёзма қонуни, эл йўриқлари улусга эпиграфик кўринишда, монументал битиглар орқали етказилган. Қадимги туркий эпиграфик ёдгорликлар хоқонлар, йирик давлат арбоблари, улуғ қаҳрамонларнинг хотирасини мангулаштиришга бағишланган битигларгина эмас, давлат қонунлари, тузукларини, хоқонлар чақирғини баён этувчи ёзма ҳужжатлар сифатида ҳам аҳамиятлидир.

(XII) Туркий дипломатика тарихида ҳукмдорларнинг ёрлиқлари, фармонларининг бошлама-унвонлари формуласи $Y+U+A+sabim$ кўк турк хоқонликлари даври ҳужжатчилигининг кашфиётидир. Унинг бизгача сақланган илк, шу билан бирга, классик намунаси Билга хоқон битигида кечган *Tāñri-tāğ tāñri yaratmıš türk Bilgä qağan sabim* (*Кўкдай (улуғ) тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим*) унвонидир.

Билга хоқон унвони ўз даврининггина эмас, ўрта асрларнинг барча расмий ёрлиқлари учун намуна, андоза бўлиб хизмат қилди. Туркий салтанатларнинг эгалари ўз ёрлиқларини, ўзга мамлакатларга йўллаган дипломатик хатларини ана шундай қолипдаги унвонлар билан бошлаганлар.

Кейинги юзйилликлар дипломатикасида унвон битиш анъанаси давом этибгина қолмай, янги компонентлар билан ҳам бойиди. Формула ҳам такомиллашиб, $[Y+U]+A+sabim+Ad$ кўринишини олди.

(XIII) Мактублар ўз тузилиши, матн компонентларининг йўналиши билан расмий ҳужжатларга яқин туради. Шу билан бирга, мактубларнинг расмий ҳужжатлардан айириб турувчи муҳим белгиси бор. Бу уларнинг бадий услубда битилганидир. Ҳатто хонлар ўртасидаги рас-

мий-дипломатик хатлар ва ёзишмаларда ҳам бадийлик элементлари аралашган бўлади. Чунки ўтмишда қўшни мамлакат эгаларига йўлланган хатларда дипломатик талаблардан келиб чиққан ҳолда адресатга ҳурмат билан муносабатда бўлинган. Айни ҳолатда расмий ва бадий услублар синкретизми юзага келади.

Мактубларда ўрни билан хат битувчининг инжа туйғулари, психологик ҳолати, маънавий-эстетик қарашлари, адресатга бўлган ҳурмати акс этиб туради. Мактубнинг таъсир кучи, бадий-эстетик даражаси кўп жиҳатдан хат йўлловчининг маҳорати, сўзга чечанлиги, сўзларни топиб-топиб ишлатишига боғлиқ. Буларнинг ижроси, ўз-ўзидан, матн бадийлигига йўл очади.

Ўзбек эпистоляр жанрининг тарихи илк ўрта асарларга бориб тақалади. Муҳими, ўша кезлардаёқ туркий хат битиш санъати, матн компонентлари тизими пухта ишлаб чиқилган эди.

(XIV) Ўтмишда кенг тарқалган ҳужжат турларидан бири васиқалардир. Васиқа олимчи ва беримчининг кўз ўнгида, икки-уч киши гувоҳлигида тузилиб, уларнинг қўли, белги-тамғаси билан тасдиқланган. Сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар васиқа тузилган кундан бошлаб кучга кирган. Васиқаларни битувчилар ўз даврининг билимли, ўқимишли кишилари эди. Кўпинча бу юмуш маҳкама ходимлари, юридик кимсаларга юклатилган. Васиқаларнинг якунида битувчининг исми-шарифи ҳам кўрсатилар эди.

Васиқалар турли-туман: қулга эркинлик бериш билан боғлиқ, қулни ёки ерни сотиш билан боғлиқ, бола асраб олиш билан боғлиқ, экин майдонини ижарага олиш билан боғлиқ, дон-дун, кунжут сингари нарсаларни қарзга олиш билан боғлиқ, бўзни бирор нарсага айирбошлаш билан боғлиқ, қарзга пул ёки олтин-кумуш олиш билан боғлиқ ҳолатларда тузилган. Уларнинг матн компонентлари ҳам турига қараб танланади.

Васиқаларнинг матн компонентлари қўлланишига кўра икки хил: ялписида бирдай қўлланувчи, шунингдек, уларнинг турига қараб танланувчи компонентлар. Масалан, сана (тарих, йил-ой-кун), қарз олинаётганлиги ёки мулк сотилаётганлигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исми-шарифи, олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар ҳамда ҳужжат битувчи ҳамма васиқада кўрсатилади. Бундан ташқари, ернинг нархи, томонлар ўртасида олди-берди бўлиб ўтганлиги, мулкнинг бутунлай сотилганлиги, сотилаётган ернинг чегараси фақат ерни сотиш билан боғлиқ васиқаларда кўрсатилади. Ёки беримнинг қачон ва ошиғи билан қанча қилиб қайтарилиши, беримни қайтариш мажбурияти сингари бўлимлар ошиғи билан қайтариш эвазига олинган нарсалар учун тузилган васиқалардагина бўлади.

(XV) Ёзма расмий-дипломатик нутқнинг тарихи туркий расмий услубнинг, давлат хужжатчилиги, дипломатиканинг шаклланиши ва такомили билан узвий боғлиқ бўлиб, у улус эгалари номидан битилган қадимий битигтошлар, тарих китоблари, ёрлиқлар, буйруқ ва кўрсатмалар, хонлар ўртасидаги расмий ёзишмаларда тамғаланиб қолган. Ушбу хужжатлар тил тарихининг турли босқичларида амал қилган сиёсий, расмий-дипломатик нутқ, унинг ўзига яраша белгиларини ўрганишда муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади; расмий мулоқотнинг лингвокультурологик, этик-эстетик, халқаро-дипломатик ўлчовларини акс эттиради.

Муҳим белгиси, ёрлиқ ва расмий-дипломатик хатларда ҳукмдор нутқи муайян қолипда, хужжатчиликнинг ёзма услубий ўлчовларига таянган шаклларда юзага чиқади.

Қадимги туркий битигларда хоқонларнинг «сиёсий, расмий-дипломатик нутқи» *sab~saw* дейилган. «Сўз» маъносидаги *sab~saw* расмий матн унвонида истилоҳга айланиб, «буйруқ; фармон» маъноларини беради.

Ўрта асрларга келиб қадимги *sab~saw* ўрнини *sōz* калимаси олди. У ҳам бурунгидай хонлар томонидан битилган буйруқ ва фармонлар, ёрлиқлар, расмий-дипломатик хужжатларнинг унвонларида истилоҳга айланиб, юрт эгасининг «сўзи; ёрлиғи; нутқи» маъноларини англатган. Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sōzūm*, Шоҳрух Мирзонинг ёрлиғи *Šāhruh bahadur sōzūm* унвонлари билан бошланади. Бу ўринда *sōzūm* «менинг сўзим; ёрлиғим; фармоним; буйруғим» маъноларида келади ҳамда ушбу ёрлиқнинг юрт эгасига тегишли экани, унга қарашлилиги, унинг ўз тилидан битилаётгани, яъни унинг нутқи эканлигини далиллайди. Бу атама, ўз навбатида, султоннинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқини англатади.

Олтин Ўрда хонлари ва temuрий султонларнинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқи ҳукмдорлар буйруғи билан битилган эпиграфик матнларда, уларнинг ёрлиқларида, суюрғал битигларида, ўзга юртларга йўллаган дипломатик хужжатларида сақланиб қолган. Ёрлиқ ва мактубларнинг бари хон ёки султонлар тилидан битилган. Тўғрироғи, хужжатлар хон ва султонларнинг ўз оғзидан ёзиб олиниб, сўнг уста хаттотлар томонидан оққа кўчирилган. Улар юрт эгаларининг расмий кишиларга, давлат идораларига қаратилган сўзлари бўлиб, эски ўзбек ёзма адабий тилидаги («чиғатой туркчаси»да амал қилган) сиёсий, расмий-дипломатик нутқни, расмий мулоқот маданиятининг лингво-культурологик, этик-эстетик ўлчовларини ифода этади. Муҳим жиҳатларидан бири,

улардаги нутқ монологик характерга эга. Улардаги нутқ бир кишига, яъни ҳукмдорга қарашли.

Ёрлиқ ва мактубларнинг тури, мақсадига қараб матннинг баён услуби, ҳукмдор нутқи ҳам фарқланиб туради. Имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар унинг ижросини таъминлови идораларга, бирор юридик ташкилотга ёки юридик кимсаларга (адресатга) қаратилган бўлади. Яъни ёрлиқ бирор кимсага имтиёз ҳуқуқини беришни кўзлаб тузилаётган эса-да, имтиёзга эга бўлаётган кимсанинг дахлсизлиги, эркинлиги, молмулкини сақлаш юридик ташкилотлар ва амалдорларга юклатилади. Буйруқ, кўрсатма ўша маъмурий ташкилот ёки юридик кимсалар, амалдорларга берилади.

Хонларнинг қарам юрт ҳукмдорларига йўллаган ёрлиқларида ёрлиқ йўлловчининг (адресант) нутқи бевосита ўша ҳукмдорга қаратилган бўлади; унга кўрсатма сифатида битилади. Гаплар мазмуни ҳам шунга қараб тузилади; лексик, морфологик шакллар, баён тарзи, стилистик воситалар шунга қараб танланади; нутқ ҳам шунга мос келади.

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубларда хон нутқи ўзга мамлакат ҳукмдорига қаратилган бўлади. Бундай мактубларда ҳурмат, илтимос, истак оҳанги кучли бўлади. Мақсадни юзага чиқариш илинжида адресант адресат шаънига илиқ сўзлар, мақтовлар айтади. Хат ўта кўтаринки услубда бўлиб, бадий-эпистоляр жанр даражасига чиқади.

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактублар икки мамлакат ўртасида сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатиш, борди-келдини мустаҳкамлаш, ёвуз кучлар билан бирон қалтис вазият чиққудек бўлса, теварагида уни қўлловчи хоқон туришини таъминлаш мақсадига ёзилади. Шунинг учун хатда ўзаро келишувга, дипломатияга катта урғу берилади: адресатга одоб доирасида, ҳурмат ва илтифот билан муносабат билдирилади; адресатнинг ҳурмати учун унинг шаънига мақтовлар айтилади. Мазмун кўтаринки, имкон қадар бадий жумлалардан кенг фойдаланилади. Уларда илтимос, истак оҳанги кучли бўлади. Бундай хатлар расмий-дипломатик характерда бўлишига қарамай, муайян маънода уларни эпистоляр жанрга (мактубот жанрига) киритиш мумкин.

Мактуб йўллаётган хон адресатга «сизлаб» мурожаат қилади. Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубларда бадий-стереотип жумлалар кўп учрайди.

Муҳим белгиларидан бири, ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубда, агар у расмий-дипломатик муносабатларни қайтадан тиклаш ниятида ёзилаётган бўлса, бурунги илиқ борди-келдилар эслатиб қўйилади. Ўтмишдаги илиқ муносабатларни эслатишдан мурод икки мамлакат орасидаги алоқаларнинг қадимий асосга эга эканлиги, орада кечадиган

сиёсий бирлик, иқтисодий, маданий муносабатларнинг ҳар икки томон манфаатига фойдали эканини билдириб қўйиш ва келгусида ўша алоқаларни қайта тиклашдир.

Яна бир жиҳати, Олтин Ўрда хонларининг турк султонларига йўллаган мактублари услуб жиҳатидан ҳам бошқа ёрлиқ ва хатлардан фарқ қилади. Улар туркий тилда («чиғатой туркчаси»да) эканлигига қарамай, арабий, форсий жумлалар, сўзлар кўп ишлатилган. Шунга кўра, матн услуби уйғур ёзувли битигларга қараганда анча мураккаб. Айниқса, Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактубида арабча, форсча жумлалар, изофали бирикмалар ниҳоятда кўп. Матн услуби ўта кўтаринки. Ўрнида айтиб ўтиш жоизки, хонларнинг нутқида, сарой мулоқотида арабча, форсча жумлалар шу қадар кенг ишлатилган дея олмаймиз. Ҳатто хатни қабул қилувчи томон нутқи (усмонли туркчаси) ҳам бу қадар кўтаринки ва мураккаб эмас эди. Матн услуби, «чиғатойча» ёзма адабий тилининг, эпистоляр жанрнинг талабларидан келиб чиқиб шундай йўл тутилган.

Яна хат услубининг кўтаринкилиги адресатга бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг юқори даражада экани, қолаверса, хат йўлловчининг дўстларга эътиборли экани, келгусида у билан ўрнатиладиган алоқалар зое кетмаслигини билдириб қўйишга хизмат қилади.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИ БОЙИТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Ўзбек адабий тили, унинг луғат таркибини бойитиш, такомиллаштиришнинг бир қанча унумли йўллари бор. Ҳозирги шароитда улардан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Булар, менинг назаримда, куйидагилардир:

(1) ўтмишдан қолган туркий ёзма ёдгорликлар, ўзбек классик адабиёти асарларида ишлатилган сўз бойлигидан фойдаланиш;

(2) ҳозирги ўзбек шеваларининг сўз бойлигидан фойдаланиш;

(3) халқ тилида ишлатиладиган, кенг халқ учун тушунарли бўлган, кексаларимиз тилида ора-сира учраб турадиган чиройли, ихчам, шу билан бирга, теран маъноли, маъзи тўқ сўзларни ёзма адабий тилда ҳам ишлатиш, уларнинг қўлланиш кўламини кенгайтириш;

(4) қардош туркий тиллар тажрибасидан фойдаланиш; керак бўлса, улар ишлатаётган туркий сўзларни қабул қилиш;

(5) ўзбек тили қонун-қоидалари, ички имкониятларидан келиб чиқиб янги сўзлар ясаш ёки амалдаги сўзларни янги маъноларда ҳам ишлатиш.

Юқорида кўрсатилган йўллар қуйидаги шаклларда амалга оширилуви мумкин:

(I) Сўз қўллашда оталар тажрибасидан ўрганиш керак. Ёзма ёдгорликларда ишлатилган сўзларнинг маъно қамрови кенг. Масалан, *bitig* деганда «китоб; хат, мактуб; ҳужжат; ёзув; ёзув билан боғлиқ нарсаларни атовчи ялпи сўз» тушунилади. Ишлатилиш ўрнига қараб ёнига биттадан сўз қўйиб, унинг маъноларини ажратиб беради:

bitig-belgü – «давлат тузуги; низоми»; *bitig salām* – «салом хат; мактуб»; *bitig üšik* – «ёзув, хат»; *baš bitig* – «бош, асосий ҳужжат»; *boš bitig* – «эрк ҳужжати; қулга эркинлик ҳуқуқини берувчи ҳужжат»; *boš idmiš bitig* – «эркинлик берувчи ҳужжат»; *čīn bitig* – «чин битиг, ҳужжат»; *kōñli aytu bitig* – «кўнгил сўровчи мактуб»; *yantut bitig* – «жавоб хати»; *bičğas bitig* – «қасам битими»; *qumaru bitig* – «насихатнома»; *toñqul bitig* – «эълон қилинган асар» сингари.

Йирик-йирик асарларга нисбатан ҳам *bitig* сўзи қўшиб айтилган. Масалан, будда китоблари: *nom bitig* – «нўм битиг; қонунлар китоби»; *kavi nom bitig* – «эпик нўм битиг»; *šastar bitig* – «шарҳ китоб»; *yörug bitig* – «шарҳ, шарҳ китоб» ва б.

bitig сўзидан янги сўзлар ҳам ясалган: *bitigčī* – «котиб; битувчи»; *bitigtaš* – «битигтош»; *bitigü* – «сиёҳдон»; *bitim* – «битим, келишув» ва б.

(II) Адабий тилда ёзма ёдгорликлардан керакли сўзларни олиб ишлатиш яхши натижа беради. Муҳими, бу қатлам тил қоидалари асосида ясалган сўзлардир. Қадимги битигларда ишлатилган сўзлар, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Адиб Аҳмад Югнакий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ классикларимиз асарларида ишлатилган луғат бойлиги – бу бизнинг ҳам сўзларимиз. Улар ўтмишда ёзма адабий тилда ишлатилган экан, ҳозирги тилда қўллаш ҳам хато эмас.

Қуйидаги сўзларга эътибор беринг: *ötüg* – «ҳикоя, эртақ»; *alim* – «олинадиган нарса, қарз»; *arqiš* – «карвон»; *iwriq* – «кўзача»; *iñän* – «урғочи туя»; *ötki* – «эваз, бадал»; *awičya* – «қария, чол»; *tutuy* – «гаров»; *tegitim* – «бир кишилик овқат»; *bildürgülük* – «билдиргулик; хоқон фармони». Бу қатламни истаганча бойитса бўлади.

Тарихий сўзларни ёзма бадий услубда ҳам, атамаларни эса расмий ва илмий услубларда ҳам қўллаш мумкин.

(III) Ҳозирги ўзбек тилида расмий ҳужжатчиликда *фуқаро* сўзи ишлатилмоқда; бунинг туб англами «фақир» дегани. Соҳибқирон Темурбекнинг 1391 йили Тўхтамишхонга қарши зафарли юриши олдидан битилган зафарномасида айна маънода *el kiši* атамаси ишлатилган: *Täñri*

el kişigā rahmat qīlay, bizni du'ā bilā yād qīlay. – «Тангри фуқарога раҳм қилғай, (эл) бизни дуо билан ёд қилғай» деб ёзилган битигда. Бу жумладаги *el* «мамлакат», *el kişi* «мамлакат кишиси» деган маънони англатади. Ҳозирги *фуқаро* сўзининг ўрнида ўзбек тили қоидалари асосида яратилган ана шу тиниқ ўзбекча сўзни ишлатиш керак.

Фикрни содда, тушунарли, таъсирли, ўзбекча баён қилиш учун сўзларни ўзга тиллардан эмас, ўз тилимиздан излашимиз зарур. Бундай чиройли, теран маъноли сўзлар ёзма ёдгорликларимизда талай.

(IV) Қадимги шарқ буддизмида икки хил тариқат амал қилган. Русчада биринчиси «малая колесница» ёки «хинаяна» дейилади; иккинчиси эса «большая колесница» ёки «махаяна» деб юритилади. Бу атамалар ўзбекча китобларда *кичик арава*, *катта арава* деб ўгириляпти. Русчада «колесница» дейилаётгани биздаги «арава» эмас. Русчада ўшандай аталаётгани тўғри; у рус тилининг қонун-қоидаларига тушади. Атама танлашда бошқа тилдаги сўзни тўғридан-тўғри механик тарзда ўгириб қўймаслик керак. Она тилининг ички имконияти, қонун-қоидаси, тушунчанинг моҳиятидан келиб чиқиб сўз танланмоғи лозим. Қадимги туркий тилда, аниқроғи, буддизм даври асарларида буни жуда чиройли, асосли, мағзи тўқ атама билан бериб қўйибди: *kölünjü* дейди, бу «йўл; тариқат» дегани. Шундан келиб чиқиб «хинаяна» *kičig kölünjü*, яъни «кичик, тор тариқат»; «махаяна» эса *uluč kölünjü* – «улуғ тариқат» деб аталган (қаранг: ДТС, 610). Ота-боболаримиз яратган бундай атамаларни тиклашимиз керак; ҳозирги адабий тилимизда ҳам иккиланмай ишлатса бўладиган сўзлар.

(V) Ўзбек тили тарихида атамашунослик (терминология) соҳасида ҳам катта ишлар қилинган. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг»да «ёзма нутқ тили», яъни «ёзма адабий тил»ни *bitig söz* деган; «ёзма нутқ усули», яъни «ёзма услуб»ни *bitig söz yaņi* деган; «адаб; адаб илми; сўз илми», яъни ҳозирги тушунчамиздаги «адабиёт»ни *söz bilig* деб ишлатган ва б. Ясалишига эътибор беринг: русчадаги *литература* сўзи *литера*, яъни «ёзув, матн»га боғланади; арабчадан ўзлашган *адабиёт адаб* сўзидан олинган; эски туркий тилдаги *söz bilig* – «сўз билими»; чин маъноси билан «адабиёт; сўз санъати»ни англатади. Бундан аниқ ва теран тушунчага эга атама борми? Бундай атамалар (терминлар) ёзма манбаларда кўплаб учрайди. Ўзбек тили қоидалари асосида яратилган ана шу атамаларни ҳам ҳозирги фан тилида ишлаверишимиз керак.

(VI) Фан ва турмушда пайдо бўлаётган ҳар бир тушунча-янгиликка тилда янги сўз ясайвериш шарт эмас. Янги тушунчаларни ифодалаш учун эски сўзлар, тилнинг ички имкониятидан фойдаланиш йўлларини

излаш керак. Бунга бир мисол: ўзбекчадаги *тузма* сўзини олинг, Маҳмуд Кошғарийга кўра: *tūgmā* – «қўйлак, чопон ва қалпоқлар боғичи, тугмаси» (ДЛТ, 172).

Бу сўзнинг илкин маъноси «тўн ипини тугиб қўйиш»ни билдирган; бир пайтлар чопонга латта тугиб қўйиларди, уни ҳам *тузма* дейишарди; кейинчалик темир, платмасса, суяк тугмалар чиқиб кетди; барибир, оти *тузма*. Бу сўзнинг маъно кўлами шунчалик кенгайиб кетдики, ҳатто компьютер клавишларини ҳам *тузма* деяпмиз.

(VII) Ҳатто айрим тарихий аффиксларнинг вазифасини ҳам кенгайтириш керакка ўхшайди. Масалан, ўзбек тилида *-чил* қўшимчаси билан ясалган *дардчил* сўзи бор; «касалманд» дегани. Ёки *тахчил* деймиз; бу бирор нарса-буюмнинг «тортилгани, озайиб қадри ошиб кетганлиги» маъносида ишлатилади. Ушбу қўшимча узлуксиз давом этувчи белгилар хусусиятга эга бўлган сифат ясайди.

Ўзбек тили тарихида бу қўшимча ўта фаол сўз ясовчи эди. Маҳмуд Кошғарий бунга мисол қилиб қуйидаги сўзларни келтирган: *yatūrcīl yer* – «серёмғир ер», *tūpčil yer* – «сершамол ер», *igčil* (*ig* – «касал» сўзидан) – «касалманд» дегани (ДЛТ, 343).

Жадиdlар замонида ўзбек тилида бу қўшимча билан *сувчил*, *ҳавочил* сўzlари ҳам ясалган эди; булар – «водород», «кислород»ни билдиради. Рус тили сўз яшаш қолипини биздан олган. Негадир кейинчалик ўзбек тилида ҳам ўзининг туркона сўzlарини ташлаб «кислород», «водород»га ўтиб кетилган.

Ўзбек тилида *сувчил*, *ҳавочил* сўzlарини қайта тиклаш керак. Бу қўшимча билан яна қанча-қанча сифатлар ясаса бўлади: *ёмғирчил кунлар*, *шамолчил / елчил ер* сингари. Яна тилимиз тарихида қайта тиклаш мумкин бўлган қанчадан-қанча қўшимчалар бор.

(VIII) Ўзбек адабий тилида содда, ҳамма тушунадиган сўzlарни кўпроқ ишлатишга ўрганишимиз керак. Кексаларимиз тилида ора-сира учраб турадиган чиройли, ихчам, шу билан бирга, теран маъноли, мағзи тўқ сўzlарни ёзма адабий тилда ҳам ишлатиш, уларнинг қўлланиш кўламини кенгайтириш лозим. Бу ишда, айниқса, ёзувчи-шоирлар, журналистлар, ўқитувчилар ва бошқа ўқимишлилар пешқадам бўлмоғи даркор.

Кези келганда қардош туркий тиллар тажрибасидан ҳам фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, русчадаги «аренда» сўзини ўзбекчага «ижара» деб ўгирамиз. Ваҳоланки, аренданинг тури кўп: ерни ишлашга бериш; нарса-буюмни фойдананишга бериш, бизда бари бир – «ижара». Қўшни Қозоғистонга ўтинг: нарса-буюмни ишлатишга берадиган дўконнинг пешонасига «*насия*» деб ёзиб қўйибди. Қизиги шундаки, бу сўз

Ўзимизда ҳам бор: халқ тилида *насияга берди; насияга олдим* дейилади. Нега энди биз *ижара* сўзининг ўрнига *насия* дея олмаймиз?

Нашриёт ишида, қоидага кўра, китобларнинг охирига унинг неча дона чиққанлиги ёзиб қўйилади; буни *адади*, яъни «тиражи» деймиз. Ҳар кимса тушунавермайдиган *адад* сўзининг ўрнига *сон* деб ишлатганимиз яхши эмасми? Масалан: *китобнинг сони 2000 та* сингари. Ахир русчадаги *бумажный форматни қоғоз бичими* деб ишлятпмиз-ку. Ёки биз *босма табағи* деймиз; қорақалпоқ тилида ихчамгина, шу билан бирга, ҳаммага тушунарли бўлган *қўлами* сўзи ишлатилади.

Қорақалпоқ тилида *tözim* деган сўз бор, маъноси «сабр-қаноат» дегани. Жуда чиройли сўз. Буни ора-чора кексаларимиз ҳам ишлатиб туради: *ота-онангга тўзим берсин* дейди, бу «ота-онангга сабр-қаноат берсин» деганидир. Ана шундай нодир сўзларимизни кўпроқ ишлатиб, услубий қамровини кенгайтиришимиз керак. Тилимизни бойитишда қардош туркий тиллар тажрибасидан ҳам фойдалансак ютқизмаймиз.

(IX) Ҳозирги ўзбек тилида русчадаги «сок» сўзининг ўрнида ўзлашган *шарбат* сўзини қўллаш авж оляпти. Тил тарихида «мева суви»га нисбатан *сув* сўзи ишлатилган. Бу усулни ҳозирги тилимизга ҳам кенгроқ ёйиш керак.

Масалан, русчадаги «виноградный сок»ни *узум суви*; «яблочный сок»ни *олма суви*; «вишневый сок»ни *олча суви*; «томатный сок»ни *помидор суви*; «свежий томатный сок»ни эса *янги сиқиб олинган помидор суви* деб атаса тўғри бўлади.

Русчадаги «прохладительные напитки»ни ўзбекчада *салқин ичимликлар* эмас, *чанқовбости ичимликлар* дейилгани маъқул.

Русчада катта сувлар ёқасидаги йўлларга қўйиладиган «Набережная» атамаси ўзбекчада *Сув бўйи*; *Сув ёқаси* деб аталгани маъқул. Бу атамани сув ёқасидаги ошхона ва дўконларга ҳам қўйса бўлади.

Сўнгги йилларда ўзбек тилида сўз борлигига қарамай, сунъий ҳолда ўзлашган сўзлар орттириб юборилмоқда. Матбуотда, радио-телевидениеда *муסיқа, наво, созанда, раққос / раққоса* сингари ўзлашган сўзлар билан бир қаторда эскидан ўзбек тилида ишлатиб келинган *куй, ашула, қўшиқ, куйчи, ашулачи, қўшиқчи, ўйинчи* сўзларини тиклаш ва уларни кўпроқ ишлатиш керак. Жуда ажратиш керак бўлса, «раққос»ни *ўйинчи йигит*, «раққоса»ни эса *ўйинчи қиз* деб қўя қолади.

Ёки илгари «зарубеж»ни *чет эл*, «иностранный язык»ни эса *чет тил* дейиларди, ҳозир эса фақат *хориж* ва *хорижий тил* га ўтиб кетилди; *чет эл, чет тил* атамаларининг нимаси ёмон?

Бу сингари мисоллар кўп.

ЎЗМА ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАШРЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Манбашунос ва матншунос олимларимиз олдида турган муҳим ишлардан бири илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ёзма обидаларнинг илмий, илмий-танқидий, илмий-оммабоп нашрлари, илмий таржималарини яратишдир.

(I) Илмий матнлар уч хил бўлади: илмий, илмий-танқидий ва йиғма матн.

Илмий-танқидий матн (яъни *научно-критический текст*) деганда асарнинг мавжуд ёки бир нечта қўлёзма нусхалари бўйича унинг қиёсий илмий нашрини яратиш тушунилади.

Ўзбек матншунослигида илмий-танқидий матн тузиш принциплари анча кенг ишлаб чиқилган (*булар тўғрисида қаранг: Шамсиев 1986, 16 – 40; Сирожиддинов, Умарова 2015, 66 – 104*).

Илмий-танқидий матн асарнинг мавжуд қўлёзма нусхаларига таянган ҳолда тузилади. Шунинг учун ҳам унинг матни қўпинча араб хатида бўлади. Кўпчиликка қулай ва тушунарли бўлиши учун илмий-танқидий матн баъзан транскрипцияда ҳам берилиши мумкин.

Илмий-танқидий матнни тузишдан мурод асарнинг муаллиф матнига яқин бўлган вариантини яратишдир. Табиийки, илкин матн сақланмаган бўлса, муаллиф вариантини тўлиғича тиклаб бўлмайди. Лекин илмий фаразлар, қиёсий таҳлиллар, аниқ далиллар туфайли асл вариантга яқинлашиш мумкин.

Илмий-танқидий матнда нусхалараро сўз ва жумлалар фарқи сатр остида илмий аппаратга риоя қилган ҳолда кўрсатиб борилади. Таянч матнда янглиш кетган, тушиб қолган сўз ёки жумлалар ёрдамчи матндан олиб тўғриланади, тўлдирилади. Илмий-танқидий матннинг пухта ва мукамаллиги мутахассиснинг билим савияси, эски ёзувни қанчалик яхши ўқий олиши, классик матн тилини, жумла қурилишини қанчалик даражада билишига, матнни тўғри тушунишига боғлиқ. Билимли текстолог тузган матн пухта ҳам мукамал бўлади.

Қўлёзма нусхалари кўп бўлган асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш учун эса энг муҳим ва ноёб, имкон қадар қадимий нусхалар сайлаб олингани маъқул. Қўзланаётган илмий матн ана шу нусхалар асосида тузилади. Бироқ асар нусхаларини сайлаб олиш учун матншунос бошқа нусхалардан: уларнинг ютуқ ва камчиликларидан ҳам хабардор бўлмоғи керак. Акс ҳолда, аҳамиятли қўлёзма эътибордан четда қолиб кетиши мумкин.

Сўнги йилларда ўзбек матншунослигида яратилган илмий-танқидий матнларга Алишер Навоийнинг «Назму-л-жавоҳир» (Рашидова 1991), «Садд-и Искандарий» (Ҳамидова 1994), «Насойиму-л-муҳаббат» асарлари бўйича тузилган (*қаранг:* НМ), шунингдек, Гулханийнинг «Зарбу-л-масал»и бўйича тузилган (Исҳоқов Ф. 1997) илмий матнларни мисол қилиб келтирса бўлади. Ушбу асарларнинг илмий-танқидий матнлари асосида номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ёқланди.

Илмий-танқидий матннинг ютуғи билан бирга ўзига яраша қусури ҳам бор. Жумладан, текстолог бир нечта матнни чоғиштирар экан, эрки-эрксиз равишда асарнинг янги бир вариантыни яратиб қўяди. Яна у яратаётган матн ҳар қандай ҳолатда ҳам нисбийдир. Уни идеал матн деб бўлмайди, бирор ерда чалғиб, хатога йўл қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам асарнинг йиғма матнини тузиш фойдалироқ.

Йиғма матн (яъни *сводный текст*) деганда асарнинг мавжуд ёки бир нечта қадрли қўлёзмалари асосида улардан йиғиб, асарнинг тўла илмий нашрини яратиш тушунилади. Бунда асарнинг муайян нусхасида (таянч нусхада) тушиб қолган байтлар, жумлалар ёки бўлимлар иккинчи бир нусхадан олиб тўлдирилади. Нусхалараро сўз ва жумлалар фарқи сатр остида илмий аппаратга риоя қилган ҳолда кўрсатиб борилади (*қаранг:* Содиқов 2017, 139 – 140, 174 – 184). Дунё илмида, чет эл шарқшунослигида илмий-танқидий матнга нисбатан йиғма матннинг мавқеи баландроқ туради.

Йиғма матнга турк олими Р.Р.Аратнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари бўйича тузилган илмий матнини (*қаранг:* Арат 1992), шунингдек, асарнинг 2019 йилдаги Тошкент нашрини (Адиб Аҳмад Югнакий 2019) мисол қилиб келтириш мумкин.

Биз ҳам ўзбек матншунослигида ёзма обидаларнинг йиғма матнларини яратишга кўпроқ эътибор қаратганимиз маъқул.

Асарнинг *илмий матни* тўғридан-тўғри қўлёзмадан олиб ёки илмий-танқидий, шунингдек, йиғма матн асосида яратилади.

(II) Илмий нашрлар орасида транскрипцион нашрларнинг ҳам аҳамияти катта. Биз ўз тадқиқотларимиз, илмий нашрларимиз билан дунё даражасига кўтарилмоғимиз учун ҳам илмий транскрипцион нашрлар яратилмоғи зарур.

Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида эски ўзбек тили товушлар тизимидаги унлиларга жуда яхши таъриф берган эди. У «нутқ товуши»ни *ün* деб атаган. Товушга нисбатан «ингичка» (*inčkä ün*), «кучли» (*biyik ün*) сифатларини қўллайди.

Навоий ўз асарларида келтирган мисолларда йўғон ўзақли-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг йўғон *-maq* варианты қўшилади: *quruşmaq, aldamaq, qīstamaq, yalinmaq* сингари, ингичка талаффузли сўзларга эса ингичка *-māk* қўшилади: *igirmāk, indāmāk, sūrkānmāk, örtānmāk* сингари. Навоий асарлари тили, қолаверса, эски ўзбек адабий тили сингармонизмли (унлилар уйғунлиги темир қоида саналган) тил эди: уларда тил тагида талаффуз қилинувчи йўғон [a] билан тил учида талаффуз қилинувчи ингичка [ā] нинг ҳар иккови мустақил фонемалар сифатида амал қилган. Бошқа унлилар ҳам шундай.

Унинг таъкидлашича, туркий тилда *vāvi* сўзлар тўрт ҳаракатли бўлади, яъни улардаги *vāv* ҳарфи тўрт хил талаффуз қилинади. Масалан, *alif-y vāv* ва *ta* билан ёзилган *اوت* ни тўрт хил ўқиш мумкин. Агар ундаги *vāv* йўғон товуш сифатида *ot* деб ўқилса, «ўт, ёндирувчи нарса», ингичка унли билан *ōt* деб ўқилса, «ўтиш», яъни «ҳаракат» маъноси, йўғон [u] билан *ut-* деб ўқилса, «ют, қиморвозга ютиш жиҳатидан буйруқ», ҳаммасидан ингичка товуш билан *ūt-*деб ўқилса, «қўй калласини ўтга тутиб, тукини аритиш» тушунилади (*қаранг:* МЛ, 37).

Муҳими шундаки, ҳозирги нашрларимизда Навоий сўз юритган унлилар ёзувда фарқланаётгани йўқ. Масалан, юқоридаги мисолларда тилга олинган *ot* билан *ōt* ҳозирги ёзувда *ūt* деб, *ut-* билан *ūt-* эса *um-* деб ёзилади. Бу нарса кўп ўринда панд бериб ҳам қўяди. Масалан, ҳозирги ўқувчи классик ўзбек тилида ўшандай чиройли товушлар бўлганлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Энг қалтис ери, Навоий асарларидаги луғат қатлами ҳозирги нашрлар асосида ўрганилгудек бўлса, санокда янглиш кетиши табиий: юқоридаги сўзлар тўртта эмас, иккита деб олинади. Бу ва бунга ўхшаган сўзлар қанчадан-қанча. Ҳозирги нашрларимиз чет элларда, дунё туркологиясида у қадар шуҳрат топмаётганининг сабаби ҳам ана шунда.

Ҳозирги нашр ишларини икки йўналишда олиб борганимиз маъқул. Оммавий китоблар, кенг ўқувчи учун мўлжалланган нашрлар ҳозирги ёзувда чиқарилаверсин. Чунки уларни кўпчилик ўқиб тушунмаса бўлмайди. Лекин мутахассислар, изланувчилар учун мўлжалланган китоблар илмий транскрипцияда яратилмоғи керак.

Ўзбек матншунослари олдида Мавлоно Лutfий, Атойи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий сингари улуғ классик ижодкорларимиз асарларининг илмий транскрипцион нашрларини яратиш вазифаси турибди.

(III) Қўлёзма асарларнинг факсимиль нашрларини яратиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Илгари факсимиль нашрлар оқ-қора рангда бўлар эди. Ҳозир бу соҳада ҳам янги технологиялар авж олиб, қўлёзма қоғозидан тортиб хат рангигача аниқ берувчи рангли факсимиллар чиқиб кетди. Бу нарса илмий тадқиқот ишларида ҳам анча қулайлик яратмоқда. Тадқиқотчи рангли факсимиль нашрлар асосида қўлёзмани тавсифлашдан бошлаб, матннинг текстологик белгиларигача аниқ илмий хулосалар билдириши мумкин.

Ўзбек илмида ҳам ана шундай факсимиль нашрларни яратишга эътибор кучайтирилмоғи керак.

ЎЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ЛУҒАТЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Ўзма адабий ёдгорликлар сўз бойлигининг илмий луғатларини тузиш ишларини кенг йўлга қўйиш керак.

XV юзйилликнинг охирларидан XX юзйилликнинг бошларига қадар чифатой туркийси, хусусан, Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлар бор: Толе Имоний Ҳиравийнинг «Бадойиу-л-луғат», тузувчисининг оти номаълум бўлган «Абушқа», Фатҳали Қожарнинг «Китоб-и луғат-т атрокийя», Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» луғатлари сингари. Ушбу луғатлар асосан классик ўзбек тили манбаларида, хусусан, Алишер Навоий асарларида ишлатилган туркий сўзлар учун тузилган; уларда арабча, форсчадан ўзлашган сўзларга кўпда изоҳ берилавермаган. Қолаверса, ушбу луғатларда ҳар қайси туркий сўз эмас, байтдаги маъносини ҳар кимса тушунавермайдиган, ўта нозик маъноли сўзларга, уларнинг поэтик матнлардаги маъноларига эътибор қаратилган. Лутфий, Навоий сингари классик ижодкорлар ана шу туркий луғат бойлигидан усталик билан фойдалана олганлар. Луғатларда эса эски ўзбек тилининг сўз бойлиги, поэтик имкониятлари, қолаверса, классик ижодкорларнинг сўз қўллаш маҳорати очиб берилган.

Ўтмишдан қолган ўзма ёдгорликлар, классик адабиёт намояндаларининг асарлари бўйича тузилаётган ҳозирги луғатларда ҳам туркий сўзлар ва уларнинг маъноларига кўпроқ урғу бермоғимиз керак бўлади.

Ўзбек тили ўзма ёдгорликларининг, классик ижодкорларимиз асарларининг луғатини тузиш ишларини бошлаб юбориш керак. Бу йўналишда бир эмас, ўнлаб илмий луғатлар яратиш мумкин.

Яратилажак луғатларга ушбу китобнинг еттинчи бобида «Қутадғу билиг» мисолида сўзларни лексик бирликлар сифатида ажратиб олиш ва уларни луғатда келтиришнинг йўл-йўриқлари асос қилиб олинса ҳам бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АСАРЛАР

Ўзма манбалар

АЗФТ – Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, 1968.

AYar. – *Ceval Kaya*. Uygurca Altun Yaruk. Giriş, Metin ve Dizin. – Ankara, 1994.

АТ – Оға-ини тигинлар қиссаси: Gabain 1950, 283 – 285.

V.critical. – *Zahir Al-din Muhammad Babur*. Babur-nama (Vaçayi'). Critical edition based on four Chaghatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. – Kyoto Syokado, 1995.

Е – Енисей битиглари: Малов 1952; Аманжолов 2003, 107 – 150.

БН – *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. – Тошкент, 1989.

СДГМ – Согдийские документы с горы Муг:

Вып. 1. *Фрейман А.А.* Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. – М., 1962.

Вып. 2. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. – М., 1962.

Вып. 3. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой. – М., 1963.

DDT – Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. – SPb., 1869.

ДЛТ. *Муталлибов – Маҳмуд Кошғарий*. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). I – III / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, 1960 – 1963.

ДЛТ – *Маҳмуд Кошғарий*. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони] / Нашрга тайёрловчи Қ.Содиқов. – Тошкент, 2017.

DLT – *Kâşgarlı Mahnud*. Dîvânü Lugâti't-Türk. Giriş – Metin – Çeviri – Notlar – Dizin. Hazırlayanlar: A.B. Ercilasun – Z. Akkoynlu. – Ankara, 2014.

ДТС – Древнетюркский словарь. – Л., 1969.

Ибн Баттута 2012 – Ибн Баттута. Саёхатнома. Туҳфат ан-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-афсор (Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига туҳфа) / Н.Иброҳимов ва бошқалар таржимаси. – Тошкент, 2012.

Huast. – «Хуастуанифт». Асарнинг Санкт-Петербургда сақланаётган уйғур ёзувли қўлёзмаси асосидаги нашри: Содиқов 2018, 269 – 281.

ИБ – «Ирқ битиги»: Малов 1951, 80 – 92; Orkun 1987, 263 – 285.

IMS – İdiqut mahkaması sözlüğü. Millatlar naşriyatı, 1984.

К – Кул тигин битиги: *Ка* – кичиг битиг, *К, Кб* – улуғ битиг, *К. I – III, Кс* – тошнинг тарошланган қирралари ва терс томонидаги ёзув. Нашрлари: Малов 1951, 19 – 55; Аманжолов 2003, 153 – 170; Содиқов 2004, 96 – 112.

КН – *Мухаммед Якуб Чинги*. Келур-наме. (староузбекско-таджикско-персидский словарь XVII в.) / Введение, транскрипция и перевод текста, глоссарий, лексико-грамматический очерк, грамматический указатель А.Ибрагимовой. – Ташкент, 1982.

КЧ – Қўли-чўр битиги: Mert 2015, 37 – 93; Содиқов 2018, 248 – 254.

КТТ – Kitab-ı Mecmü-ı Tercüman-ı Türkî ve Acemî ve Muğalî. Recer Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yamk. – Ankara, 2000.

Л (К, Л, И) – Хўжандийнинг «Латофатнома» асари: **ЛК** – асарнинг уйғур ёзувли Кобул нухаси: Фазылов 2009, 231 – 282; **ЛЛ** – асарнинг араб ёзувли Лондон нухаси: Фазылов 2009, 283 – 315; **ЛИ** – асарнинг араб ёзувли Истанбул нухаси: Фазылов 2009, 333 – 360.

ЛТ – *Ali Şir Nevayî*. Lisanü't-tayr / Hazırlayan M.Canpolat. – Ankara, 1995.

Лутф. – Лутфий. Девон / Нашрга тайёрловчи С.Эркинов. – Тошкент, 2012.

МА – *Ҳасанхожа Нисорий*. Музақкири аҳбоб / Форс тилидан И.Бекжон таржимаси. – Тошкент, 1993.

Мажолис. – *Алишер Навоий*. Мажолисун нафоис. Танланган асарлар. III том. – Тошкент, 1948. 5 – 149.

МЕ – *Haydar Tilbe*. Mahzenü'l-Esrâr (Gramer-Metin-Dizin-Tıpkıbasım). Avni Gözütok. – Erzurum, 2008.

МБЛ – *Мирзо Меҳдихон*. Мабони ул-луғат / Форсийдан З.Умаров таржимаси. Нашрга тайёрловчи Х. Алимова. – Тошкент, 2008.

МК – *Kaşgarlı Mahmud*. Divānū Lūgati't-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. – Ankara, 1990.

МЛ – Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн / Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, 2017.

МН – Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асари: Щербак 1959, 113 – 170; Маҳмудов, Содиқов 1994, 118 – 135.

МТА – Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü. Hazırlayanlar: O.F.Sertkaya, S.Alyılmaz, T.Battulga. – Ankara, 2001.

Мун. – *Алишер Навоий*. Муншаот. Истанбул, Тўпқопи саройи кутубхонаси, 808-кўрсаткичли қўлёзма.

MS – Qadimki uyur yeziyidiki «Maytri simit». I. – Ürümçi, 1987.

НМ – *Алишер Навоий*. Насойимул муҳаббат мин шамойимил футувват. Илмий-танқидий матн / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Ислохий. – Тошкент, 2011.

УДД – Уйгурские деловые документы X – XIV вв. из Восточного Туркестана. Предисловие, транскрипция, перевод с древнеуйгурского Л.Ю.Тугушевой. Факсимиле рукописей. – М., 2013.

СОБЛ – Сутра общины белого лотоса. Тюркская версия. Факсимиле рукописи. Транскрипция текста / Перевод с раннесредневекового тюркского языка, предисловие, примечания, указатель слов Л.Ю.Тугушевой. – М., 2008.

СТС.1. – *Махмуд Кāшгари*. Дивāну лугāти-т-турк (Свод тюркских слов) / Перевод на русский язык с комментариями академика Алийбека Рустами. В трех томах. Том 1. – Ташкент, 2017.

СЦ – «Сюань-цзан кечмиши» асари: Тугушева 1991.

Yug – Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари: *Edib Ahmed b. Mahmud Yūkneki*. Atebetü'l-Hakayik. R.R. Arat. – Ankara, 1992. **A** – асарнинг 1444 йили Самарқандда кўчирилган уйғур ёзувли нусхаси: S I – LXII; **B** – асарнинг 1480 йили Истанбулда уйғур ёзувида ёзилиб, тағма-тағ араб хатида изоҳлаб чиқилган нусхаси: S. LXIII – CXVII; **C** – асарнинг XVI юзйилликда араб хатида кўчирилган нусхаси: S. CXVIII – CLXVI; **H** – асарнинг Голландияда сақланаётган араб ёзувли нусхаси: Yūkneki 2019. S.420 – 468.

Orhun – Orhun. Moğolistan Tarihi Eserleri Atlası. – Ankara, 1995.

QB – Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари: **H** – Вена (Ҳирот) нусхаси: Wien, ÖNB, Cod. A.F.13: *Радлов В.В.* Кутадку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. – СПб., 1890; *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. A. Viyana Nūshası (Tırkıbasım). – Ankara, 2015; **N** – Наманган (Фарғона) нусхаси: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 1809-кўрсаткичли қўлёзма. *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. B. Fergana Nūshası (Tırkıbasım). – Ankara, 2015; **Q** – Қоҳира нусхаси: Миср Миллий кутубхонаси, 168-кўрсаткичли қўлёзма: *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. C. Kahire Nūshası (Tırkıbasım). – Ankara, 2015.

QUV – Qadimki uyur yeziqidiki vasiqalar. Naşrga tayyarlayučılar: Muhammadrahim Sayit, Israpil Yusup. – Urumçı, 2000.

РҚ – *Содиқов Қ.* «Роҳату-л-қулуб» китоби. // *Islom tafakkuri*. Maxsus son. – Toshkent, 2019. B.97 – 108.

Таржумон – «Таржумон» – XIV аср ёзма обидаси / Нашрга тайёрловчи А.Юнусов. – Тошкент, 1980.

Таф. – «Туркий тафсир»: Боровков 1963.

Топ. – Тўнйуққ битиги: Аманжолов 2003, 175 – 188; Содиқов 2009₂, 17 – 30; 2018, 233 – 248.

ТР – *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий*. Тарихи Рашидий / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Жалилов. – Тошкент, 2011.

ТҲ – уйғур ёзувли туркий хужжатлар: Содиқов 2016, 15 – 118.

ЎД – «Ўғузхоқон» достони: Щербак 1959, 13 – 110; Маҳмудов, Содиқов 1994, 96 – 117.

ШН – *Муҳаммад Солиҳ Шайбонийнома* / Нашрга тайёрловчи Э.Шодиев. – Тошкент, 1989.

Х – Билга хоқон битиги: *Х* – тошнинг юз томонидаги ёзув, *Ха, Хб* – икки ёнбошидаги ёзув, *Хс* – тошнинг терс ёғидаги ёзув, *ХI – II* – тарошланган қир-раларидаги ёзув. Нашри: Содиқов 2004, 112 – 120.

Қуръони карим – Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тавсир муаллифи шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2018.

ҚР – *Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий*. Қисаси Рабғузий. I – II / Нашрга тайёрловчилар: Э.Фозилов, А.Юнусов, Ҳ.Дадабоев. – Тошкент, 1990 – 1991.

SD – *Mevlâna Sekkâkî divanı. Hazırlayan K. Eraslan.* – Ankara, 1999.

Ёрлиқ ва мактублар:

А – Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби: Содиқов 2013, 108 – 113; 2016, 136 – 140.

АС – Султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга йўллаган мактуби: Kurat 1940, 119 – 134, 196 – 200; Содиқов 2013, 130 – 142; 2016, 151 – 158.

М – Маҳмудхоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби: Содиқов 2013, 103 – 108; 2016, 133 – 136.

Т – Тўхтамиш хоннинг Яғайлига йўллаган битиги: Содиқов 2013, 83 – 89; 2016, 120 – 123.

ТҚ – Темур Қутлуғ ёрлиғи: Содиқов 2013, 89 – 96; 2016, 123 – 129.

Ш – Шоҳрух Мирзо ёрлиғи: Содиқов 2013, 117 – 123; 2016, 144 – 147.

УШ – султон Умаршайхнинг суюрғал битиги: Содиқов 2013, 124 – 130; 2016, 148 – 151.

УМ – Улуғ Муҳаммад хоннинг II Муродга йўллаган ёрлиғи: Содиқов 2013, 96 – 103; 2016, 129 – 133.

Илмий асарлар

Абдураҳмонов, Рустамов 1982 – Абдураҳмонов Ғ, Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент, 1982.

Абдураҳмонов, Рустамов 1984 – Абдураҳмонов Ғ, Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984.

Абдуллаев 1968 – Абдуллаев Ф. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи. – Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. Б.238 – 257.

Адиб Аҳмад Югнакий 2019 – Адиб Аҳмад Югнакий. Ҳибату-л-ҳақойиқ / Қосимжон Содиқов транскрипцияси, талқини ва таҳлилида. – Тошкент, 2019.

Аманжолов 1978 – Аманжолов А.С. К генезису тюркских рун // Вопросы языкознания. 2. – М., 1978. С.76 – 87.

Аманжолов 2003 – Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. – Алматы, 2003.

Аҳмадхўжаев 1987 – Лутфий асарлари қўлёзмаларининг каталоги / Тузвчи Э.Аҳмадхўжаев. – Тошкент, 1987.

Аҳмедов 1992 – Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Тошкент, 1992.

Бернштам 1951 – Бернштам А.Н. Древнетюркский документ из Согда // Эпиграфика Востока. №5. – М.-Л., 1951. С.65 – 75.

Боровков 1961 – Боровков А.К. «Бад'и' ал-лугат». Словарь Тāли' Имāни Гератского к сочинениям Алишера Навои. – М., 1961.

Боровков 1963 – Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тefsира XII – XIII вв. – М., 1963.

Благова 1982 – Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. – М., 1982.

Васильев 1983 – Васильев Д.Д. Графический фонд памятников тюркской рунической письменности Азиатского ареала. – М., 1983.

Григорьев 1978 – Григорьев А.П. Конкретные формуляры чингизидских жалованных грамот XIII – XV вв. // Тюркологический сборник. 1974. – М., 1978. С.208 – 209.

Григорьев 1981 – Григорьев А.П. Официальный язык Золотой Орды XIII – XIV вв. // Тюркологический сборник. 1977. – М., 1981. С.81 – 89.

Дониёров 1968 – Дониёров Х. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир (унлилар системаси ҳақида) // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. Б.279 – 301.

Дмитриева 1963 – Дмитриева Л.В. Хуастуанифт (введение, текст, перевод) // Тюркологические исследования. – М.-Л., 1963. С.214 – 232.

Эшмухамедова 2003 – Эшмухамедова М. «Девони ҳикмат» қўлёзмалари. – Тошкент, 2003.

Заднепровский 1967 – Заднепровский Ю.А. Тюркские памятники в Фергане // Советская археология. – М., 1967. №1. С.270 – 274.

Исломов 1998 – Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-ладаб» асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент қўлёзмалари асосида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1998.

Исхаков 2008₁ – Исхаков М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье. – Ташкент, 2008.

Исхаков 2008₂ – Исхаков М. Ещё раз к вопросу о создании корейского буквенно-фанетического алфавита // В мире корееведения. – Ташкент, 2008. С.180 – 194.

Исҳоқов Ф. 1997 – Исҳоқов Ф. Гулханий «Зарбулмасал»нинг илмий-танқидий матни. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1997.

Кызласов 1994 – Кызласов И.Л. Древняя письменность Саяно-Алтайских тюрков. – М., 1994.

Малов 1927 – Малов С.Е. Два уйгурских документа. – Ташкент, 1927.

Малов 1951 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.-Л., 1951.

Малов 1952 – Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. – М.-Л., 1952.

Малов 1959 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.-Л., 1959.

Маҳмудов 1990 – Маҳмудов Қ. XIII – XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. – Тошкент, 1990.

Маҳмудов 2004 – Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент, 2004.

Маҳмудов, Содиқов 1994 – [Маҳмудов Қ., Содиқов Қ.] XI – XV асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлар. – Тошкент, 1994.

Мелиоранский 1906 – Мелиоранский П. Документ уйгурского письма султана Омер Шейха // Записки Восточного Отделения. Т. XVI. 1904 – 1905. – СПб., 1906. С. 01 – 012, таблица I.

Наджип 1989 – Наджип Э.Н. Исследования по истории тюркских языков XI – XIV вв. – М., 1989.

Насилов 1963 – Насилов В.М. Древне-уйгурский язык. – М., 1974.

Насилов 1974 – Насилов В.М. Язык тюркских памятников уйгурского письма XI – XV вв. – М., 1974.

Радлов 1888 – Радлов В. Ярлыки Токтамышы и Темур-Кутлуга // Записки Восточного отделения. Т. III. – СПб., 1888. С.1 – 40.

Радлов 1890 – Радлов В.В. Кутадку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. – СПб., 1890.

Рашидова 1991 – Рашидова М.Х. Текстологическое исследование произведения Алишера Навои «Назмул джавахира». Автореферат кандидатской диссертации. – Ташкент, 1991.

Рустамов 1976 – Рустамов А. Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳақида // Адабий мерос. 5. 1976. Б.39 – 42.

Сирожиддинов, Умарова 2015 – Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матн-шунослиги қирралари. – Тошкент, 2015.

- Содиқов 1988* – *Содиқов Қ.* Уйғур хатида битилган нодир қўлзма // *Адабий мерос.* 4 (46). 1988. Б.59 – 62.
- Содиқов 1997* – *Содиқов Қ.* Уйғур ёзуви тарихи (манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). – Тошкент, 1997.
- Содиқов 2004* – *Содиқов Қ.* Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004.
- Содиқов 2006* – *Содиқов Қ.* Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент, 2006.
- Садыков 2007₁* – *Садыков К.* Роль буддизма в историко-культурных взаимосвязях древних тюрков с соседними восточными народами // *Вестник Челябинского государственного университета.* Выпуск 7. 23/2007. С.96 – 99.
- Садыков 2007₂* – *Садыков К.* К проблеме распространения буддизма // *The history of spreading Buddhism. The 7th International Conference on Korean Studies Central Asian Association for Korean Studies (CAAKS).* Tashkent, July 4 – 5, 2007. P.232 – 237.
- Содиқов 2008* – *Содиқов Қ.* Қадимги турк фалсафаси. – Тошкент, 2008.
- Sodiqov 2009₁* – *Sodiqov Q.* Turkiy til tarixi. – Toshkent, 2009.
- Содиқов 2009₂* – *Содиқов Қ.* Эски туркий битиглар. – Тошкент, 2009.
- Содиқов 2011* – *Содиқов Қ.* «Муҳокамату-л-луғатайн»ни ўқиб-ўрганиш. – Тошкент, 2011.
- Содиқов 2013* – *Содиқов Қ.* Олтин Ўрда ва темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. – Тошкент, 2013.
- Содиқов 2016* – *Содиқов Қ.* Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар. – Тошкент, 2016.
- Содиқов 2017* – *Содиқов Қ.* Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент, 2017.
- Содиқов 2018* – *Содиқов Қ.* Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Тошкент, 2018.
- Содиқов, Омонов 2010* – *Содиқов Қ., Омонов Қ.* Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент, 2010.
- Стеблева 2012* – *Стеблева И.В.* Тюркская поэтика. Этапы развития VIII – XX вв. – М., 2012.
- Султанов 1978* – *Султанов Т.И.* Письма Золотоординских ханов // *Тюркологический сборник,* 1975. – М., 1978. С.234 – 251.
- ТӘТ* – Татар әдәби теле тарихы (XIII гасыр – XX йөз башы): I том. – Казан, 2015; II том. – Казан, 2017.
- Тожибоев 2004* – *Тожибоев М.С.* Муҳаммад Шайбоний девони тилининг лексик-семантик хусусиятлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2004.

- Тугушева 1991 – Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. – М., 1991.
- Убайдуллаев 2011 – Убайдуллаев А.А. «Луғати туркий»нинг лексикография тадқиқи. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2011.
- Умаров 1992 – Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. – Тошкент, 1992.
- ЎТГ I – Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент, 1975.
- ЎТГ II – Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. – Тошкент, 1976.
- Жафаров 2017 – Жафаров Б. «Кодекс куманикус» – қадимги туркий обида. – Тошкент, 2017.
- Фазылов 2009 – Фазылов Э.И. Латафат-наме («Книга о красоте») Ходжанди. Введение, транскрипция кабульского текста, перевод, глоссарий, грамматический указатель, дополнение, факсимиле 5 рукописей, сводный научно-критический текст. Второе дополненное и уточненное издание. – Ташкент, 2009.
- Фрейман 1934 – Фрейман А.А. Опись рукописных документов, извлеченных из развалин здания на горе Муг в захматабадском районе Таджикской ССР около селения Хайрабад и собранных Таджикистанской базой Академии наук СССР // Согдийский сборник. – Л., 1934. С.33 – 51.
- Ҳақимов 2013 – Ҳақимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент, 2013.
- Ҳамидова 1994 – Ҳамидова М.Ш. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1994.
- Ҳасанов 1981 – Ҳасанов Б. Алишер Навоийнинг «Сабъат абхур» луғати. – Тошкент, 1981.
- Ҳасанов 1989₁ – Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари (Алишер Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатлар). – Тошкент, 1989.
- Ҳасанов 1989₂ – Ҳасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои. Автореферат докторской диссертации. – Тошкент, 1989.
- Шамсиев 1986 – Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1986.
- Шарахмедова 1990 – Шарахмедова Н. Словарь «Хамса ба ҳалли луғат» как источник узбекской исторической лексикографии. Автореферат кандидатской диссертации. – Ташкент, 1990.
- Щербак 1959 – Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. – Памятники древнеуйгурской и староузбекской письменности. – М., 1959.
- Щербак 1961 – Щербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X – XIII вв. из Восточного Туркестана. – М.-Л., 1961.

- Щербак 1962 – Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л., 1962.*
- Щербак 1983 – Щербак А.М. Рукописный сборник Or. 8193 и его значение для узбекской филологии // Советская тюркология. №3. 1983. С.72 – 77.*
- Arat 1991 – Arat R.R. Eski Türk Siiri. – Ankara, 1991.*
- Arat 1992 – Edib Ahmed b. Mahmud Yükneci. Atebetü'l-Hakayık. R.R.Arat. – Ankara, 1992.*
- Gabain 1950 – Gabain, von A. Alttürkische Grammatik. – Leipzig, 1950.*
- Deny 1957 – Deny J. Un Soyrgal du Timouride Sahruh en ecriture Ouigoure // Journal Asiatique. Tome CCXLV. Annee 1957. Fascicule №3. – Paris. P.253 – 266.*
- Eckmann 1988 – Janos Eckmann. Çağatayca el kitabı. Günay Karaağaç. – İstanbul, 1988.*
- Eckmann 2003 – Janos Eckmann. Harezmi, Kıpçak ve Çağatay Türkçesi Üzerine Araştırmalar. Yayına hazırlayan: O.F.Sertkaya. – Ankara, 2003.*
- Hazai 1975 – Hazai G. Fragmente eines uigurischen Blockdruck-Faltbuches // Altorientalische Forschungen, III. Akademie-Verlag. – Berlin, 1975. P.91 – 108.*
- Kotwicz 1928 – Kotwicz W. Le monument turc d'Ikhe-khuchotu en Mongolie centrale. RO. IV, (1926), 1928. P.60 – 107.*
- Kurat 1940 – Kurat A.N. Topkapı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan Hanlarına ait Yarlık ve Bitikler. – İstanbul, 1940.*
- Mert 2015 – Mert, Osman. Köli Çor Yazıtı ve Anıt Mezar Kompleksi. – Erzurum, 2015.*
- Mutsumi 2007 – Tazkira-yi Awliya in the Uyghur script. Part I. Introduction and text in transcription. Sugahara Mutsumi. – Kobe City College of Nursing, 2007.*
- Mutsumi 2008 – Tazkira-yi Awliya in the Uyghur script. Part II. Japanese translation with notes. Sugahara Mutsumi. – Kobe City College of Nursing, 2008.*
- Orkun 1987 – Orkun Hüseyin Namık. Eski Türk Yazıtları. – Ankara, 1987.*
- Sertkaya 1972 – Sertkaya O.F. Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri. III. Uygur Harfleriyle Yazılmış Bazı Manzum Parçalar. I. – İstanbul, 1972.*
- Sertkaya 1975 – Sertkaya O.F. Uygur Harfleriyle Yazılmış Bazı Manzum Parçalar. II. – İstanbul, 1975.*
- Sertkaya 1977 – Sertkaya O.F. İslâmî Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. – Bochum, 1977.*
- Sertkaya 1995 – Sertkaya O.F. Göktürk Tarihinin Meseleleri. – Ankara, 1995.*
- Sertkaya 2007 – Sertkaya O.F. Timur Bek'in Toktamış Han'a 793=1391'de Yapmış Olduğu Seferin Arap ve Uygur Harfli Kitabeleri (Karsakpay Yazıtı). – Ölümünün 600. Yılında Emir Timur ve Mirası. Uluslararası Sempozyumu. 26 – 27 Mayıs 2005. – İstanbul, 2007. S.31 – 39.*

Sertkaya A. 2015 – Sertkaya A. Tezkire-i Evliyâ'nın Çağatay Türkçesi Çevirisi. Arap ve Uygur Harfli Yazmaların Transkripsiyonlu Metni. – İstanbul, 2015.

TDT – Seferoğlu Ş.K., Müderrisoğlu A. Türk Devletleri Tarihi (Etnolojik bir deneme). – Ankara, 1986.

Tekin 2010 – Tekin Talat. Orhon Yazıtları. 4. Baskı. – Ankara, 2010.

Yükneki 2019 – Edib Ahmed Yükneki. Atebetü'l-Hakâyık. İnceleme – Tenkitli Metin – Tıpkıbasım. Hazırlayan: S. Çakmak. – İstanbul, 2019.

Pavet de Courteile 1882 – Pavet de Courteile A. Miradj-Nameh. – Paris, 1882.

Qurban Vali 1986 – 1986. قوربان ۋەلى. بېزنىڭ تارىخى بېزىقلىرىمىز. نورومچى.

МУНДАРИЖА

Кириш	11
Биринчи бўлим. Туркий ёзма манбалар очиқламаси	21
Иккинчи бўлим. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган лингво-маданий жараёнлар.....	119
Учинчи бўлим. Тил билимлари тарихи ва ўзбек адабий тилининг юксалиши	171
Тўртинчи бўлим. Туркий ёзма ёдгорликлар тилининг фонетикаси ва ёзувлар тизими.....	211
Бешинчи бўлим. Ёзма ёдгорликлар тилининг морфологияси	287
Олтинчи бўлим. Ёзма ёдгорликлар тилининг синтактик хусусияти.....	405
Еттинчи бўлим. Ёзма ёдгорликлар тилида сўз ва унинг маъноси	429
Саккизинчи бўлим. Ёзма тил услублари тарихи.....	473
Фойдаланилган асарлар.....	579

Изоҳ ва қайдлар учун

Илмий-оммабон нашр

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗМА АДАБИЙ ТИЛИ

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ

Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ

Мусахҳиҳ: Маҳфуза ИМОМОВА

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 15.12.2020 й.
Босишга рухсат этилди: 24.12.2020 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₃₂.
Cambria гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 40,2. Шартли б.т.: 48,1.
Адади: 100 нусха.
Буюртма № 37

«Akademnashr» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 216-87-81
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz